



3-4

ҚИСМ

Лев Толстой

Уруш ва ТИНЧЛИК

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

ЛЕВ ТОЛСТОЙ

УРУШ

ДА

ТИПЧЛИК

(роман: 3-4-китоблар)

“КАМАЛАК”

Тошкент – 2019

УЎК: 821.161.1-31

КБК: 84. (2Рус)

T-64

Лев Толстой. «Уруш ва тинчлик» / роман / 3-4-китоблар / русчадан Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова таржимаси/ «Жаҳон адабиёти дурдоналари» туркуми –


Т.: “Камалак” нашриёти, 2019. – 928 б.

Нашрга тайёрловчи, қўшимча иқтибос ва изоҳларни киритувчи:
Эргашбай Матъякубов.

УЎК: 821.161.1-31

КБК: 84. (2Рус)

ISBN: 978-9943-5367-8-4



© Лев Толстой.

© “Камалак” нашриёти. 2019 йил.



УРВУШ

ВА

ТИЦЦЛИК.

УЧИНЧИ
КИТОБ

БИРИНЧИ ҚИСМ

I

1811-йилнинг охиридан бошлаб Ғарбий Европа зўр бериб қуролланишга ва куч тўплашга киришди, 1812-йилда эса миллионларча кишидан иборат бу куч (армияни ташийдиган, уни боқадиганлар) Ғарбдан Шарққа, Россия чегараларига қараб юриш қилди. Худди шунингдек, 1811-йилдан бошлаб Россия кучлари ҳам чегарага тўплана бошлаган эди. Ўн иккинчи июнда Ғарбий Европа кучлари Россия чегарасидан ўтди ва уруш бошланиб кетди, яъни инсоннинг ақли-идрокига ва табиатига сира тўғри келмаган воқеа юз берди. Миллионларча кишилар бир-бирларига шу қадар кўп жабр-зулм қилдилар, бир-бирларини алдаб, бир-бирларига хиёнат этдилар, қалбаки пуллар чиқариб, бир-бирларини таладилар, ўт қўйдилар, шу қадар кўп одам ўлдирдиларки, дунёдаги барча судлар солномаси ҳам бутун бир аср бўйи бунчалик кўл воқеани қайд қилолмаганди, аммо бу ишларни қилган кишилар ўша даврда ўз қилмишларини сира жиноят деб билмаган эдилар.

Бу фавқуллодда воқеани юзага келтирган нарса нима эди? Бунинг сабаблари нима? Соддадил тарихчилар бунинг сабаби Ольденбург герцогининг¹ раъжитилганлиги, барча

¹ Герцог (немисча: Herzog) – қадимий германлар қабиласининг ҳарбий доҳийси; ўрта асрларда Ғарбий Европада йирик ер-мулк эгаси; ўрта асрнинг охирларидан

учун барқарор системага. риоя қилинмаганлиги, Наполеоннинг¹ ҳокимиятпарастлиги, Александрнинг² қаттиқ туриши, дипломатларнинг³ хатолари, ҳоказо деб айтишади.

Бинобарин, Меттерних⁴, Румянцев ё Талейран тантанали қабул маросими ва ё зиёфатлар орасида уриниб усталик билан номлар ёзишса ёки Наполеон Александрга шаҳаншоҳ, биродарим, мен герцогликни Ольденбург герцогига қайтариб беришга розиман, – деб мактуб юборса, гўё уруш бўлмас эмиш.

Албатта, ўша вақтдаги одамларга аҳвол мана шундай кўринган. Албатта, Наполеоннинг назарида, урушнинг бошланишига Англиянинг иғвоси сабаб бўлган (Мукаддас Елена оролида шундай ҳам деган эди); албатта, Англия палатасининг аъзолари назарида, урушнинг сабаби Наполеоннинг ҳокимиятпарастлиги бўлган; Ольденбург герцоги назарида эса, урушнинг сабаби унга нисбатан қилинган зўравонлик; савдогарларнинг назарида эса, урушнинг сабаби Фарбий Европани хонавайрон қилган континентал система; эски аскар ва генералларнинг назарида эса, уруш бошланиб кетишининг асосий сабаби уларни ишга солиш зарурияти; ўша замондаги монархия⁵ тарафдорларининг назарида эса,

дворянларнинг олий удволаридан бири. Бу унвои айрим мамлакатларда (масалан Буюк Британияда) ҳозиргача сақланган.

¹ **Наполеон Бонапарт** (1769-1821) – француз давлат арбоби ва саркардаси, Франция Республикасининг биринчи консули (1799-1804), Франция императори (1804-1814- ва 1815-йил (100 кун)).

² **Александр I** (1777-1825) – 1801-1825-йилларда Россия императори.

³ **Дипломат** (*французча*: diplomate – икки букланган varaк, хужжат) – чет мамлакатлар билан расмий алоқа қилиш ёки музокаралар олиб бориш учун махсус тайёргарлик кўрган ва шундай ишлар учун ўз ҳукумати томонидан вакил қилиб тайин этилган лавозимли киши.

⁴ **Меттерних Клеменс фон** (1773-1859) – австриялик дипломат. 1809-1848-йилларда Ташқи ишлар вазирли.

⁵ **Монархия** (*юнонча*: monarchia – якка ҳокимлик) – якка ҳокимиятчилик; давлатнинг олий ҳокимияти якка ҳукмдор – монарх қўлида бўлган бошқарув шакли ва шундай бошқарув шаклига эга бўлган давлат. Абсолют (*ёки* мутлақ) монархия – ҳокимият чекловларсиз, бус-бутун монарх қўлида бўлган бошқарув шакли. Конституцияли (*ёки* конституцион) монархия – монарх ҳокимияти, унинг ҳуқуқлари конституция билан чекланган давлат тузуми.

яхши принципларни тиклаш зарурияти, ўша даврдаги дипломатларнинг назарида эса, уруш бошланиб кетишининг сабаби Россиянинг 1809-йили Австрия билан тузган идтифоки Наполеондан усталик билан сир тutilмаганлиги, 178-сон меморандум¹ нобой ёзилганлиги эди. Албатта, ўша даврдаги одамларнинг назарида уруш мана шу сабаблар натижасида бошланиб кетди. (Бу беҳисоб сабаблар миқдори хилмахил нуқтаи назарларнинг сонига боғлиқ бўлган.) Аммо рўй берган ўша ҳодисани бутун улуғворлиги билан мушоҳада этадиган ва унинг оддий ҳамда даҳшатли маъносини уқадиган ҳозирги авлод учун, биз учун бу сабаблар кифоя қилмайдиган кўринади. Биз, Наполеоннинг ҳокимият-парастлиги, Александрнинг қаттиқ туриб олиши, Англиянинг маккорона сиёсати, Ольденбург герцогининг ранжигани учунгина миллионларча насронийлар бир-бирини ўлдиргани, бир-бирини қийнаганига тушунолмаيمиз. Буларнинг қатл ва жабр-у зулмларга нима алоқаси борлиги ақлга сиғмайди; герцог ранжитилганлиги туфайли Европанинг нариги бурчагидан келган мингларча одамлар нима учун Смоленск ва Москва губерниясининг одамларини ўлдиришди, ғорат қилишди ва ўзлари ҳам уларнинг қўлида ҳалок бўлишди?

Бизга, тарихчи бўлмаган, тадқиқот жараёнига берилиб кетмаган, шунинг учун ҳам бу воқеани соғлом ақл билан мушоҳада этадиган наслга бунинг сабаби ниҳоят; даражада кўп бўлиб кўринади. Бу сабабларни биз нақадар чуқурроқ ахтарсак, шу қадар кўпроқ топамиз ва ҳар бир алоҳида сабаб ёки бирмунча сабабларни алоҳида олсак, ҳар қайсиси ҳаққонийга ўхшаб кўринади ва айни замонда, ўша улуғ воқеаларга нисбатан жуда арзимас, ҳамда ўша воқеанинг юз беришига сабаб бўлиши (бир вақтда содир бўлган бошқа сабаблар назарда тutilмаганда) ҳақиқатдан йироқ нарсасдек туюлади.

¹ Меморандум (лотинча: *memorandum* – эслашга арийдиган, эслаш керак бўлган нарса) – бирор давлатнинг дипломатик ёнашмалар орқали ҳал қилинадиган масалалар моҳиятини ўз нуқтаи назаридан батафсил баён қилиб ёзган дипломатик хужжати; 2) бирор масала бўйича билдиришнома, хизмат маълумотномаси.

Наполеон ўз кўшинини Висланинг нариги томонига олиб ўтишдан бош тортганлиги ва Ольденбург герцоглигини қайтариб бермаганлиги биринчи француз капралининг¹ ҳарбий хизматга иккинчи мартаба киришни хоҳлагани ёки хоҳламаганидек бир гап. Зеро ўша ва ўшанга ўхшаш иккинчи, учинчи ва мингинчи капрал ва аскарлар ҳарбий хизматга киришдан бош тортса, Наполеон кўшинида шунча одам кам бўлар ва уруш ҳам рўй бермас эди.

Агар Висланинг нариги тарафига чекин, деган талаб Наполеонга ҳақорат бўлиб тушмаса ва кўшинларига ҳужум бошлашни буюрмаса, уруш бўлмас эди, лекин барча сержантлар иккинчи мартаба ҳарбий хизматга киришдан бош тортган тақдирда ҳам уруш бўлмас эди. Англия ифво қилмаганда, Ольденбург герцоги бўлмаганда ва Александр ўз иззат-нафсини таҳқирланган ҳисобламаганда Россияда мутлақ ҳокимият бўлмаганда, Францияда инқилоб бўлиб, оқибатда диктаторлик² ва империя³ вужудга келмаганда, Франция инқилобини вужудга келтирган ўша нарсаларнинг ҳаммаси рўй бермаганда уруш бўлмас эди. Бу сабабларнинг биронтаси бўлмаганда ҳеч нима юз бермас эди. Демак, ана шу миллиардларча сабаблар бир-бирига тўғри келиб қолгани шу ҳодисани юзага чиқарди. Бинобарин, бу воқеанинг юз беришига бирдан бир сабаб фалон нарса деб бўлмайди, бу воқеа содир бўлиши зарур бўлгани учунгина содир бўлди. Бир неча аср мукаддам Шарқдан Ғарбга бориб, ўзига ўхшаганларни ўлдирган оломон сингари, инсоний туйғу ва ақл-у идрокини йўқотган миллионларча кишилар Ғарбдан Шарққа қараб йўл олиб, ўзига ўхшашларни ўлдириши керак эди.

Сиртдан қараганда урушнинг бўлиш-бўлмаслиги Напо-

¹ Капрал – (немисча) – ҳарбий унвон ва лавоим. Ҳарбий бўлинма командири. Ҳозирги вақтда нисбатан сержант унвонига тўғри келади.

² Диктатор (лотинча: *diktator* – қадимги Римда фавқулодда ҳолатларда сайланадиган, чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган шахс) – чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган ҳоким, яқка ҳукмдор, ҳокими мутлақ; 2) бирор соҳада, масалада ўз ҳукмини, сўзини ўтказувчи шахс.

³ Империя (лотинча: *imperium* – юқори ҳокимият) – 1) подшоҳ, кирол, император бошқарадиган йирик, кўп миллатли давлат; 2) бир қанча мустахлак ерлари бўлган, тоталитар тузумга асосланган йирик давлат.

леон билан Александрнинг бир оғиз сўзига боғлиқдай кўринса ҳам, аслида буларнинг ҳам ихтиёри худди сафарбар қилинган ёки аскарлик чекига тушган аскарнинг ихтиёрига ўхшаб ўз измида эмас эди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди, чунки Наполеон билан Александрнинг (бу воқеанинг рўй бериши гўё шуларга боғлиқ эди) хоҳиши рўёбга чиқиши учун сон-саноксиз шарт-шароит бир-бирига мос келиши керак, буларнинг биронтаси бўлмаса бу воқеа юз бермас эди. Чинакам куч қўлларида бўлган миллионларча кишилар – ўқ отадиган, озиқ-овқат ва тўп ташийдиган аскарлар – бармоқ билан санарли бу ожиз одамларнинг иродасини бажо келтиришга рози бўлиши керак эди, шу билан беҳисоб мураккаб ва хилма-хил сабаблар кўрсатилиши керак эди.

Ақлга сиғмайдиган (яъни англагани ақлимиз ожизлик қиладиган) ҳодисаларни изоҳ этмоқ учун тарихда тақдирга тан беришдан бошқа илож йўқ. Биз тарихда бу ҳодисаларни қанчалик ақлга мувофиқ бир тарзда изоҳлашга уринмайлик, улар биз учун шунчалик ақлга сиғмайдиган ва англашилмайдиган бўлиб қола беради.

Ҳар бир одам ўзи учун яшайди, шахсий мақсадларига эришмоқ учун ўз эркидан фойдаланади, бирон ишни ҳозир қила олиши ёки қила олмаслигини бутун вужуди билан сезади, бироқ бу иш қилиниши биланок маълум бир вақтда содир бўлган бу ишни қайтариб бўлмайди, у энди тарих мулкига айланади, ихтиёрий равишда қилинган иш эмас, зарурат оқибати бўлиб чиқади.

Инсоний ҳаётнинг икки томони бор: манфаати нақадар мавҳум бўлса, шу қадар эркин бўлган шахсий ҳаёт белгилаб қўйилган қонун-қоидаларни бажаришга мажбур бўлган, шуурсиз ҳолда гуж бўлиб яшаган инсонлар ҳаёти.

Инсон ўзи учун онгли равишда яшайди-ю, лекин тарихий мақсадларга, умумбашар мақсадларига эришмоқ учун онгсиз қурол бўлиб хизмат қилади. Содир бўлган ишни қайтариб бўлмайди, бу иш бошқа миллионларча одамларнинг иши билан бир вақтга тўғри келиб қолиб, тарихий аҳамият касб этади. Инсоннинг жамиятдаги мавқеи нақадар юксак бўлса, одамлар билан муносабати қанчалик кенг

бўлса, бошқалар устидан ҳукмронлиги шунча кучли бўлади, унинг ҳар бир ҳаракати азалдан белгиланган ва ҳар бир ҳаракати шунчалик зарурий бўлади. «Подшонинг қалби худонинг ихтиёрида». Подшо – тарихнинг қули.

Тарих, яъни шуурсиз ҳолда ғуж бўлиб яшаган башариятнинг ҳаёти подшолар ҳаётининг ҳар бир дақиқасидан ўзи учун, ўз мақсадига эришмоқ учун қурол тариқасида фойдаланади.

Наполеоннинг назарида ҳозир, 1812-йили ўз халқининг конини тўкиш-тўкмаслик (Александр сўнгги мактубида шундай деб ёзган эди), ҳеч қачон ўзига бунчалик боғлиқ бўлмагандай туюлса ҳам, аслида умумий иш учун, тарих учун содир бўлмоғи керак бўлган ишни қилишга мажбур этадиган зарурий қонунларга ҳеч қачон ҳозиргидай тобе бўлмаган эди (назариди бу ишни ўз ихтиёри билан қилаётгандек эди).

Ғарблиқлар бошқаларни ўлдирмоқ ва ўзларини ҳалок қилмоқ учун Шарққа қараб йўл олди. Сабабларнинг бири-бирига мос келиш қонунига кўра бу ҳаракат ва урушнинг бошланиши учун мингламча майда сабаблар бири-бирига тўғри келиб қолди: континентал системага риоя этилмади деб гинахонлик қилишлар, Ольденбург герцоги; қуроли сулҳ ўрнатиш учун (Наполеонга шундай кўринган эди) кўшинларнинг Пруссияга¹ томон юриши, Франция императорининг урушқоқлиги ва бунинг халқ кайфиятига мос келиши, катта урушга тайёргарлик кўриш завқи, тайёргарлик кўриш учун қилинган сарф-харажатлар, бу харажатларни қоплайдиган фойдани қўлга киритиш зарурияти, Дрезденда қалласини ғовлатиб қўйган иззат-хурмат, ўша вақтдаги одамларнинг нуқтаи назарига кўра тинчлик ўрнатишни чин кўнглидан истаб олиб борилган, лекин ҳар икки томоннинг ҳам иззат-нафсига теккан дипломатик музокаралар, юз бери-

¹ Пруссия (1535-1947) – давлат, сўнгра Германиядаги ер (федератив маъмурий бирик. Пруссия герцоглиги Тевтон ордени томонидан 1525-йили босиб олинган прус ерларининг бир қисмида вужудга келган. 1947-йили Германиядаги Контроль кенгаш Пруссия давлатини милитаризм ва реакциянинг бешиги сифатида йўқ қилишга ҳақида қонун қабул қилган.

ши керак бўлган воқеага тўғри келиб қолган, унга мослашган бундан бошқа миллион-миллион сабаблар бор эди.

Олма пишса, тагига тушади, нима учун тушади? Ер ўзига тортгани учунми, банди қуригани учунми, офтобда сўлигани, оғирлашгани учунми, шамол силжитгани учунми ёки тагида турган бола олма емоқчи бўлгани учунми?

Буларнинг ҳеч бири сабаб эмас. Буларнинг ҳаммаси ҳар қандай ҳаётий, узвий, табиий воқеалар рўй берадиган шароитларнинг бир-бирига мос келиб қолишидан иборат, ҳолос. Олма ҳужайранинг бузилиши ва ҳоказолар натижасида тўкилади дейдиган ботаник ҳам, дарахт тагида туриб: «Мен олма егим келиб худодан тилаганим учун тушди», — деб даъво қиладиган гўдак сингари ҳақли. Ости ўйилиб қўйилган — миллион пудли¹ қоятош энг охирги ишчининг сўнгги зарбидан кулади деган киши ҳам ҳақ ва ҳам ноҳақ бўлгани сингари, Наполеон Москвага ҳужум қилишни хоҳлаб қолгани учун ҳужум қилди, Александр унинг ҳалокатини истагани учун ҳалок бўлди дейдиган киши ҳам ҳақ ва ноҳақдир. Буюк киши деб аталадиган одамлар тарихий воқеаларда ўша воқеага ном берадиган бир ёрликдирки, булар ёрлик сингари ўша ҳодисанинг ўзига камдан кам алоқадор бўлади.

Уларнинг ўз изми-ихтиёрларига боғлиқдай кўринган ҳар бир фаолиятлари тарих нуқтаи назаридан қаралса, уларга боғлиқ бўлмаган, балки тарих жараёнига боғлиқ ва азалдан белгилаб қўйилган фаолиятдир.

II

Наполеон князлар, герцоглар, кироиллар ва ҳатто бир нафар императордан иборат сарой аъёнлари куршовида уч ҳафта Дрезденда туриб, 29-майда жўнаб кетди. Жўнашдан олдин ҳурмат сазовор бўлган шахзодалар, кироилларга ва императорга дўстона муомала қилди, ўзига ёқмаган кироил ва

¹ Пуд (лотинча: pondus — оғирлик, ўлчов) — 16,38 килограммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. Метрик ўлчовлар тизими қабул қилинганга қадар қўлланган.

шахзодаларни койиди. Австрия қироличасига ўзининг, яъни бошқа қироллардан олган марварид ва бриллиантларини инъом қилди, қиролича Марья-Луизани меҳр билан кучоқлаб, тарихчиси айтгандек, уни доғи-ҳижронда қолдирди. Парижда бўлак хотини бўла туриб, рафикаси ҳисобланган Марья-Луиза бу айрилиққа бардош беролмагандай эди. Дипломатлар, гарчи ҳали сулҳ бўлишига қаттиқ ишониб, шу мақсад-йўлида жонбозлик қилаётган бўлсалар ҳам, император Наполеон император Александрга шаҳаншоҳ биродарим деб мактуб ёзганига, урушни истамайман, ҳамиша ёни севаман, деб уни ишонтирганига қарамасдан, армияга томон йўл олди ва ҳар бир постда армиянинг Ғарбдан Шарққа қараб юришини тезлатадиган буйруқлар берди. У олти отли каретада¹ маҳрамлар, адъютантлар², соқчилар қуршовида Позен, Торн, Данциг ва Кенигсберг йўлидан борар эди. Бу шаҳарларнинг ҳар бирида мингларча одам уни хаяжон ва хурсандлик билан қаршилади. ☺

Армия Ғарбдан Шарққа томон юрмоқда, манзилларда отларини алмаштириб карета ҳам уни Шарққа қараб олиб кетмоқда эди. Ўнинчи июнда Наполеон армияга етиб келди ва Вилковисский ўрмонида, поляк графининг³ дала-ҳовлисида, махсус хозирланган уйда тунади.

Эртасига Наполеон, армиядан ўзиб, коляскада⁴ Неман дарёси бўйига келди-да, полякча мундир⁵ кийиб, кечикни кўриш учун дарё бўйига кетди. Дарёнинг у юзидаги казакларни⁶ ва ўртасида Искандар Зулқарнайн⁷ истило қил-

¹ **Карета** (*полякча*) – усти ва ёнлари ёпик тўрт ғилдиракли енгил арава.

² **Адъютант** (*лотинча*: adjutans – ёрдам берувчи) – 1) бошлик (командир, кўмондон) хузурида турган топшириқларни бажарувчи ҳарбий хизматчи (зобит).

³ **Граф** (*немисча*) – Ғарбий Европада ва чор Россиясида олий табақали дворянларнинг швабдан кўйи, барондан юқори унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс.

⁴ **Коляска** (*русча*; ғилдирак) – рессорли, қайтарма соябонли тўрт ғилдиракли извош.

⁵ **Мундир** (*французча*) – аслаҳа-анжом кийинган, гўзал; кийим, либос. Ҳарбий ёки расмий форм; устки кийим.

⁶ **Казаклар** (*туркийча*; доворак, ботир, эркин одамлар) – рус ва бошқа халқлар таркибидаги этник гуруҳ.

⁷ **Искандар Зулқарнайн, Александр** (милоддан аввалги 356 – милоддан аввалги 323) – Шарқ мамонакатларида Искандар Мақдуний, Искандар, Искандар Зулқарнайн

ган Скиф давлатининг пойтахти Москва – муқаддас шаҳар турган бепоён чўлларни кўриб Наполеон кутилмаган ва стратегик жиҳатдан ҳам, дипломатик нуқтаи назардан ҳам бемаъни бўлган буйруқни, яъни хужум бошлаш ҳақидаги буйруғини берди, эртасига эса кўшин Немандан ўта бошлади.

12-июнда эрталаб Наполеон Неманнинг сўл томонидаги тик қирғоғига тикилган чодирдан чиқди ва Вилковисский ўрмонидан оқиб чиқаётган, Неман устига қурилган уч кўприкдан ўтаётган кўшинларни дурбиндан кузатди. Кўшинлар император шу ердалигини билишар, уни кўзлари билан қидиришар, тепаликдаги чодир олдида шляпа ва сюртуги¹ билан мулозимларидан ажралиб турган Наполеонни кўргач, шапкаларини осмонга ирғитиб «Яшасин император!» – деб кичқиришар ва катта ўрмондан кети узилмай оқиб келаётган бу аскарлар сафларини бузиб, уч кўприкдан у томонга ўтишар эди.

Ёш-у қари, табиати ва жамиятда тутган мавқеи ҳар хил бўлган одамлар:

– Императорми? Оҳо! Ўзи қўл урса бас, иш қайнаб кетади. Энди юриш қилар эканмиз-да! Худо ҳақи-я.. Ана ўзи... Ура, император! Мана, Осиё саҳролари кўриниб қолди... Расво мамлакат экан-ку... Хайр, кўргунча, Боше; Москвадан сенга энг чиройли қаср олиб қўяман. Агар мени Ҳиндистон губернатори² қилиб тайинласа, сени Кашмирга министр қилиб қўярдим... Ура! Ана, ўзи! Кўряпсанми? Мен императорни икки марта жуда яқиндан кўрганман. Кичкина қапрал. Мен бир чолга ўз қўли билан хоч осаётганини кўр-

номи билан машҳур бўлган македониялик саркарда ва давлат арбоби, Қадимги дунё тарихидаги энг катта салтанатнинг асосчиси. Унинг давлати Дунай дарёсидан Ҳинд дарёсигача бўлган.

¹ Сюртук (*французча*) – эркаларнинг тиззагача келадиган бир томонлама ёки икки томонлама тугмаланадиган пальтоси.

² Губернатор (*лотинча*: gubernator – ҳукмдор, бошлик) – 1) Россияда 1917-йилга қадар губернада олий ҳукумат амалдорининг – губерна бошлиғи; 2) ҳозирги бир қатор федератив давлатларда (Россия Федерацияси, АҚШ, Буюк Британия, Дания ва бошқа) сайлаб қўйиладиган олий маъмурий шахснинг; вилоят, штат, графлик маъмуриягининг бошлигининг; 3) йирик ҳудудий бирликдан ёки колонияларда марказий ҳокимият томонидан тайинланадиган маъмурий бошлигининг.

ганман... Ура, император!... дер эдилар. Бу одамларнинг юзида кўндан бери кутилган юришнинг бошланишидан ҳосил бўлган умумий севинч ифодаси ҳамда тепаликда турган кулранг сюртукли кишига нисбатан садоқат ва муҳаббат ифодаси барқ урар эди. Ўн учинчи июнда Наполеонга чоғроқ зотли араб отини келтириб кўндаланг қилишди. У отга миниб, Неман кўприкларидан бирига томон йўрттириб кетди, севинч тўла суронлардан кулоғи коматга келаётган Наполеон, афтидан, ўз императорига бўлган муҳаббатини хайқирик билан ифода этаётган кўшинга бақиришни ман қилиш яхши эмаслиги учунгина зўрга чидаб турар, бироқ ҳамма ёқдан эшитилаётган бу кичкирик унга малол келар, армия қошига келгандан бери унинг бутун фикр-у зикрини банд қилган ҳарбий ишлардан унинг диққатини чалғитар эди. У қайиқлар устида лапанглаб турган бир кўприқдан нариги қирғоққа ўтиб, отини бирдан сўлга бурди ва Ковнога томон йўрттириб кетди. Императорни кузатиш шарафига нойил бўлишдан беҳад хурсанд ва хушнуд бўлган гвардиячи¹ суворий егерлар ундан сал олдинда, кўшинлар орасидан йўл очиб, от чоштириб боришарди. Кенг Вилия дарёсига етгач, соҳилда манзил курган поляк найзадор отлик аскарлар полки² олдида тўхтади. Поляклар ҳам уни кўриш учун сафларини бузиб, туртиниб-суртиниб завқ-шавқ билан:

– «Виват! – деб кичкиришди.

Наполеон дарёни кўздан кечирди-да, отдан тушиб, қирғоқда турган бир ёғочга ўтирди. Имо қилиши билан унга

¹ Гвардия (*италиянча*: guardia – соқчилар, кўриқчилар) – XII асрда Италияда, сўнроқ Европанинг бошқа бир қанча давлатларида, XVII-аср охиридан 1918-йилгача Россияда монарх, подшо, лашқарбоши қабиаларнинг шахсий соқчилари; кўшиннинг сараланган, имтиёзли қисмлари; 2) Собик Иттифоқда: 1942-йилда жорий этилган, иккинчи жаҳон урушида алоҳида жасрат кўрсатган ҳарбий қисмлар, кемалар, кўшилмалар ва шу қабиаларга берилган фахрий ном; 3) муайян ижтимоий гуруҳ ёки ташкилотнинг энг яхши, сараланган намунаси қисмининг номи; 4) бир қатор ғарб мамлакатларида ҳарбий ва ҳарбий-полиция тузилмалари, қисмларининг номи; 5) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаси бир қанча мамлакатларда мунтазам ҳарбий тузилмалар номи.

² Поляк (*русча*: полк – бир гала, тўп (қиз); тўда, оломон; кўшин) – дивизия ёки бригада таркибига кирадиган ва бир неча батальон ва ротадан ташкил топган ҳарбий қисм.

дурбин беришди. У дурбинни терисига сиғмай чопкиллаганича келган махрамнинг елкасига қўйди-ю, нариги томонга қарай бошлади, кейин ёғочлар устига ёйилган харитани диққат билан кўздан кечирди. У бошини кўтармасдан, бир нима деган эди, икки адъютанти найза билан курулланган поляк отлик аскарлари томон от чоптириб кетди.

Адъютантлардан бири яқинлашиб келганда поляк отликлари сафидан:

– Нима? У нима деди? – деган товуш эшитилди.

Саёзроқ бир жойни топиб, нариги томонга ўтишга буйруқ берилган эди. Поляк отликларининг полковниги, чиройли бир мўйсафид, хаяжондан қизариб ва тутилиб, адъютантдан: саёз жойни излаб ўтирмасдан, найздорларим билан дарёдан кечаверсам бўлармикан деб сўради. У илтимоснинг рад этилишидан кўрқиб, от мингани ижозат сўраган ёш боладек, императорнинг кўз олдида дарёдан сузиб ўтишга ижозат сўради. Адъютант унга: бундай жонбозликдан император норози бўлмасалар керак, деб жавоб берди.

Адъютант шундай дейиши биланоқ мўйловли кекса офицернинг юзи ёришиб, кўзлари паршираб, қиличини кўтарди-да: «Виват!» деб қичқирди ва орқамдан юринглар, деб найздорларига буйруқ берди-ю, отини камчилаб дарё бўйига тушиб кетди. Хўрқиб турган отини ғзаб билан бир ниқтаган эди, от шалошлаб сувга тушиб, дарёнинг тез оқар жойига кириб кетди. Унинг кетидан юзларча отликлар от қўйишди. Дарёнинг суви совуқ, оқимининг тезлиги кишига даҳшат солар эди. Найздорлар бир-бирига тармашиб отдан кулаб турарди. Баъзи отлар, одамлар сувга фарқ бўлди. Қолганлар нариги кирғоққа чиқиш учун интилар, ярим километр нарида кечув бўлишига қарамай, хода устида ўтирган (хатто буларга эътибор қилмаётган) киши кўз олдида сувга чўқаётганлари ва сузаётганлари учун фахрланишарди. Қайтиб келган адъютант қулай фурсатни топиб императорнинг диққатини полякларнинг садоқатига жалб қилганда кулранг сюртук кийган кичкина одам ўрнидан турди ва Бертъени чақириб, амр-фармон бераркан, дарё бўйида у билан у ёқдан бу ёққа юриб сувга чўқаётган ва унинг диққатини чалғи-

таётган найзадорларга ҳар замонда норози назар ташлар эди.

Бугун ер юзида, Африкадан бошлаб Москва чўллагача – ҳамма ерда одамлар уни кўрганда ҳайратда қолиб, ўзларини йўқотиб қўйишлари унинг учун янгилик эмас эди. У от келтиришни буюрди-да, отланиб қароргоҳига томон кетди.

Ёрдамга қайиқ юборилган бўлса ҳам, қирқтача отлик фарқ бўлди. Кўпчилик қирғоққа қайтиб чиқди. Полковник билан бир неча киши сузиб нариги қирғоққа зўрға ўтиб олишди. Улар, шалаббо бўлиб, қирғоққа чиқишлари биланок боя Наполеон турган, ерга қараб ва шу дақиқада ўзларини бахтиёр сезиб, «Виват!» деб қичқиряпти, лекин Наполеон у ердан кетиб қолганди.

Кечкурун Наполеон икки фармон орасида (бири, Россияга олиб бориладиган қалбаки қоғоз пулларни тезроқ келтиришни, иккинчиси, ўз мактубида француз армиясига берилган амр-у фармонлар ҳақида маълумот юбориб қўлга тушган саксониялик бир одамни отиш ҳақидаги фармон орасида) учинчи фармон берди, бу фармонга мувофиқ зарур бўлмаса ҳам, ўзини дарёга ташлаган полковник Наполеоннинг ўзи бош бўлган «Шараф легион»ига ёзилиши керак эди.

Кимни ҳалок қилмоқчи бўлса, аввал ақл-у идрокидан маҳрум этади.

III

Рус императори, армияни кўздан кечириш ва манёврлар¹ ўтказиш билан машғул бўлиб, бир ойдан бери Вильнода яппамоқда. Александр Петербургдан урушга тайёргарлик кўргани келган, ҳамма уруш бошланишини кутаётган бўлса ҳам, ҳали ҳеч нарса тайёр эмас, уруш ҳаракатининг умумий режаси ҳам йўқ, тавсия этилган режалардан қайси бирини қабул қилиш тўғрисидаги иккиланишлар

¹ Манёвр (французча: manoeuvre – қўл билан ишлайман) – қўшни ёки флотнинг душманга зарба бериш мақсадида энг қулай вазиятни эгаллаш учун қиладиган ҳаракати; қўшни ёки флотнинг тактик машғулот, машқлари.

император армиянинг бош қароргоҳида бир ой турганидан кейин яна ҳам кучайди. Уч армияда алоҳида-алоҳида бош қўмондон бўлса ҳам, бутун армияга бош бўладиган киши йўқ ва император бу лавозимни ўз бўйнига олмас эди.

Император Вильнода канча кўп турса, уруш бошланишини кутавериб толиққан кишилар шунча кам ҳозирлик кўрарди. Подшо атрофидаги одамларнинг бутун фикр-у зикри, қандай бўлса император ўз вақтини хурсандлик билан ўтказиб, бўлажак урушнинг ташвиши ҳаёлига келмас экан, деган фикр билан банддай эди.

« Поляк мулкдорлари, сарой аҳллари ва подшонинг ўзи берган жуда кўп зиёфат ва сайиллардан кейин, июнь ойида, императорнинг бир поляк генерал-адъютанти генерал-адъютантлар номидан император шарафига зиёфат бериш керак, деган фикрга келди. Бу фикр ҳаммага маъқул бўлди, подшо ҳам розилик берди. Генерал-адъютантлар пул йиғишди. Балнинг бекачилигига подшога кўпроқ хуш келиши мумкин бўлган бир хоним таклиф қилинди. Вильно губерниясидаги мулкдор граф Бенигсен бу зиёфат учун шаҳардан ташқаридаги боғини берди, 13-июнда граф Бенигсеннинг Закретдаги боғида зиёфат, рақс, мушакбозлик ва қайиқ сайри бўладиган бўлди.

Наполеон Неман дарёсидан ўтиш ҳақида буйруқ берган ва унинг илғорлари казакларни қисиб, Россия чегарасидан ўтган куни Александр оқшомни генерал-адъютантларнинг зиёфатида, Бенигсеннинг шаҳардан ташқаридаги боғида ўтказмоқда эди.

Зиёфат жуда хурсандчилик билан ўтмоқда, хусншуносларнинг айтишига кўра, шунча гўзал хонимлар камдан кам бир жойга йиғилар эди Подшони олиб кетгани Петербургдан Вильнога келган рус хонимлари орасида графиня¹ Безухова ҳам бор эди, у рус аёлларига хос гўзаллиги билан зариф поляк хонимларининг хуснига соя солиб ўтиргандек эди. У подшонинг диққатини жалб этиб қолди ва Александр уни

¹ Графиня (немисча) – илк ўрта асрларда ГАРбий Европадаги графликларда кярор номидан ҳокимиятни бошқарган мансабдор шахснинг хотини ёки беваси.


бирга рақс этмоқ шарафига нойил қилди.

Хотинини Москвада қолдириб, ўз таъбирича, бўйдоқ бўлиб келган Борис Друбецкой ҳам шу балда эди. У генерал-адъютант бўлмаса ҳам, зиёфат учун катта пул берганлар қаторида эди. Борис давлатманд, хийла шуҳрат қозонган, бировнинг химоясига эҳтиёжи қолмаган, тенгқурлари орасида юксак мавқедаги кишилар билан беллашадиган бир йигит бўлиб қолган эди. Кечаси соат ўн иккида ҳам рақс давом этмоқда эди. Элен рақсда муносиброқ шерик топилмагани учун ўзи Борисни мазуркага¹ таклиф қилди. Улар, учинчи марта ўз навбатларини кутиб ўтиришарди. Борис графинянинг қорамтир ҳарир кўйлаги остидан кўриниб турган чиройли елкаларига ҳар замонда бир лоқайд қараб, эски таниш-билишларидан гапириб ўтираркан, шу залда турган подшони бирон сония ҳам назардан қочирмади. Подшо рақсга тушмасдан эшик олдида турар, фақат ўзига хос ширин сўзлар билан гоҳ уни, гоҳ буни тўхтатиб гапга тутар эди.

Мазурка бошланганда Борис подшовинг энг яқин одамларидан бўлмиш генерал-адъютант Балашев сарой таомилига хилоф ўлароқ бир поляк хоним билан сўзлашаётган Александрнинг қаршисига келиб тўхтаганини кўриб қолди. Император хоним билан сўзини тугатгач, Балашевга савол назари-ла қаради ва бундан беодобликка муҳим бир сабаб борлигини англади, шекилли, хонимга хиёл бош ирғаб, Балашевга юзланди, Балашев гапира бошлаши билан подшонинг юзида таажжуб аломати пайдо бўлди. У, Балашевнинг қўлтиғидан олди-да, беихтиёр икки томонга қараб уч сажен² орқага чекинган одамларнинг орасидан ўтиб кетди. Император Балашев билан кетаётган вақтда Борис, Аракчеевнинг юзида изтироб аломати пайдо бўлганини кўрди. Аракчеев, подшога ер остидан қараркан, кип-қизил бурнини пишилатиб, император мени чақирармикин, деган умидда, халойиқ орасидан чиқди. (Аракчеевнинг Балашевга ғайирлиги келаётганини, алланечук муҳим бир хабар бўлак киши

¹ Мазурка (полякча) – поляк халқининг миллий рақси.

² Сажен (русча) – 2,13 метрга тенг.



орхали подшога етганидан изтироб чекаётганини Борис пайқади.)

Бироқ Александр Аракчеевга эътибор қилмасдан, Балашев ҳамроҳлигида, орқа эшикдан чароғон боғга чиқди Аракчеев, бир кўли билан қилични ушлаб, атрофга ғазабно назар ташлаб, подшодан йигирма қадамча берида бораверди

Борис мазурка фигураларини ижро қиларкан, бутун ўйин давомида, Балашев қанақа янги хабар келтирди, қандай қилиб бунди бошқалардан олдин билсам экан, деб бош қотирарди.

Хоним танлаши керак бўлган бир фигурада Борис Эленга: «Мен графиня Потоцкаяни рақсга таклиф қилмоқчиман, у хоним айвонга чиқди, шекилли», — деб шивирлади-да, паркет¹ полда сирғаниб, боғга очиладиган эшикка томон югурди ва Балашев билан айвонга чиқаётган подшони кўргач, тўхтади. Подшо Балашев билан эшикка томон келмоқда эди. Борис четланишга улгурмагандай гангиб қолди ва одоб билан эшик кесақисига қапишиб, бош эгди.

Подшо шахсияти таҳқирланган киши сингари хаяжон ичида шу сўзлар билан гапини тугатаётган эди:

— Уруш эълон қилмасдан туриб Россия тупроғига кирсая! Мен тупроғимда биронта ҳам қуроли душиман қолмагандагина ярашаман!

Бориснинг назарида, подшо бу гапларни зўр мамнуният билан айтаётгандай бўлди: у ўз фикрини шу тарзда ифода қилганидан хурсанд, аммо бу сўзларни Борис эшитганидан норози эди. Император қовоғини солиб Балашевга:

— Бу гап шу ерда қолсин! — деди. Борис бу сўз ўзига тааллуқли эканини уқди ва кўзини юмиб, таъзим қилди. Подшо яна залга қайтиб кирди-да, ярим соатча балда ўтирди.

Француз кўшинларининг Неман дарёсидан ўтгани хақидаги хабарни Борис ҳаммадан олдин эшитди ва шу туфайли баъзи бир мухтарам зотлар олдида, бошқаларга аён бўлмайдиган кўп нарсалар менга аён бўлади, деб гердаишига баҳо-

¹ Паркет (*французча*: parquet) — турар жой ва жамоат бинолари полларига қоплаш учун мўлжалланган юмқа тахтача ёки шундай тахтачалардан қилинган пол.

на топди ва оқибатда ўша шахслар олдида обрў-эътиборини кўтариб олди.

Француз кўшинларининг Немандан ўтганлиги ҳақида тўсатдан келган хабар бир ойлик интизорликдан сўнг ва яна зиёфат вақтида келгани айниқса кутилмаган ҳодиса бўлди. Бу хабар келган замон подшо ғазаб ва таҳқир таъсири остида, кейинчалик тилларда дoston бўлган ва ўзига ҳам ёқиб, барча туйғуларини ифодалаган қимматли сўзларини айтган эди. Подшо балдан қайтгач, кечаси соат иккида қотиби Шишковни чақиртирди ва кўшинларга буйруқ, фельдмаршал¹ князь² Салтиковга ёрлик ёзишни, бунда рус тупроғида биронта ҳам куролиши француз қолмагандагина ярашаман деган сўзни илова қилишни амр этди.

Эртаси кун Наполеонга қуйидаги мазмунда нома ёзилди:

«Шаҳаншоҳ биродарим! Кеча келган хабарга кўра, гарчи мен сиз император аъло ҳазратга нисбатан ўз бурчимни ҳалол адо этаётган бўлсам ҳам, кўшин-ларингиз Россия чегарасидан ўтибди ва мен бу ҳақида Петербурдан, граф Лористоннинг номасини олдим. Унинг ёзишига қараганда, князь Куракин ўз паспортларини талаб қилганидан бери сиз, аъло ҳазрат, менга нисбатан кек сақлаб юрган эмишсиз. Герцог Бассанонинг бу паспортларни қайтариб беришдан бош тортиб кўрсатган далиллари, менинг сафаримнинг хатти-ҳаракати, ҳужумга баҳона бўлади, деб ўйлаш сира-сира ҳаёлимга келмаган эди. Ҳақиқатан ҳам, ўзи айтгандай, бу борада у мендан ҳеч қандай рuxсат сўрагани

¹ **Фельдмаршал** (немисча: *Feldmarschall* сўзидан олинган) – айрим давлатлар армияларидаги олий ҳарбий унвон. 1-март 16-асрда Австрияда, 17-асрда Пруссияда жорий қилинган. Россияда 1699-йилда генерал фельдмаршал унвони жорий этилиб, 1917-йилда бекор қилинган. Фельдмаршал машҳур ҳарбий ва давлат арбоблари, император хонадони вакиллари ҳамда баъзи чет эл ҳарбий арбобларига берилган. Фельдмаршал унвони Буюк Британия ва бошқа баъзи давлатларда сақланган.

² **Князь** (немисча: *kuning* – қабила, уруғ оқсоқоли) – Феодал-князлик давридаги Русда аскар бошлиғи ва вилоят ҳоқими; 2) Чор Россиясида мерос тариқасида ёки чор ҳукумати олдидаги хизматлари учун берилган фяхрий унвон ҳамда шу унвонга эга бўлган шахс.

йўқ бу воқеадан огоҳ бўлишим биланоқ князь Куракинга эътироз билдирдим ва ўз вазифасини аввалгидек бажараверишини амр этдим. Агар сиз, аъло ҳазрат, арзимаган бир англашилмовчилик учун бизнинг халқимизнинг қонини тўкишни ихтиёр қилмасангиз ва қўшинларингизни Россия тупроғидан чиқаришга рози бўлсангиз, мен бу воқеани эътиборсиз қолдираман ва биз ўзаро битим тузишимиз мумкин бўлади. Аке ҳолда, мутлақо сабабсиз бошланган бу ҳужумни даф қилишга мажбурман. Сиз, аъло ҳазрат, инсониятти янги уруш балосидан қутқозишга ҳали қодирсиз.

«Александр»

IV

13-июнь кечаси соат иккида подшо Балашевни чақириб Наполеонга ёзган мактубини ўқиб берди ва бу мактубни француз императорига шахсан топширишини буюрди. Балашевни жўнатаётиб у яна ўша сўзни – рус тупроғида биронта ҳам қуролли француз қолмагандагина ярашишини ва бу сўзни, албатта, Наполеонга етказишини тайинлади. Бу сўзларни Наполеонга ёзгани подшо истиҳола қилди, чунки ўз мулоҳазасига кўра, ярашиш учун сўнг дафъа уринаётган пайтда бундай сўзларни айтиш яҳши эмас эди, лекин бу сўзларни Наполеонга, албатта, оғзаки етказишни Балашевга писанда қилди.

Балашев 13-июндан 14-июнга ўтар кечаси бир нафар удайчи¹ ва икки казакни ёнига олиб, йўлга чиқди ва тонго тарда Неманнинг бу томонидаги француз аванпостига² – Виконта киргоғига етиб келди. Француз отлиқ соқчилари уни тўхтатди.

Тўқ қизил мундир, паҳмоқ шапка кийган гусар³ унтер-

¹ Удайчи, худайчи – хон ва амирнинг ҳузурига иш ва арз билан келганлар ҳақида хон, амирга хабар берувчи ва хон, амирнинг жавобини уларга етказувчи амалдор.

² Аванпост (французча) – қўшнандан илгарирокка, душманга яқин қўйилган соқчилар ва улар эгаллаб турган жой.

³ Гусар (венгерча: huszar) – Чор Россиясида ва айрим Европа мамлакатларида: енгил қуролланган отлиқ аскар.

офицери¹ отлик келаётган Балашевни кўриб, «Тўхта!» – деб кичқирди. Бироқ Балашев дарров тўхтамади, отини битта-битта юргизиб келаверди.

Унтер-офицер ковоғини солиб, алланималар деб тўнғиллаб, Балашев устига бостириб келди-да, қиличини ушлаб рус генералига: «Кармисан, нимага эшитмайсан», – деб ўшқирди. Балашев кимлигини айтди, офицерга хабар бергани унтер-офицер бир аскарни юборди.

Унтер-офицер Балашевни назар-писанд қилмасдан, ўз ўртоқлари билан полк ишлари ҳақида сўзлаб кетди ва рус генералига қайрилиб ҳам қарамади.

Олий ҳокимият ва зўр қудратга яқин турган, бундан уч соатгина бурун подшо билан сўзлашган ва умуман катта мансабларда бўлиб, иззат-эҳтиромга ўрганган Балашевга бу ерда, рус тупроғида ўзига нисбатан бундай ғаддорлик, ҳаммадан ҳам кўра дағал куч томонидан кўрсатилган бу ҳурматсизлик гоят ғайритабиий туюлди.

Офтоб булутлар орасидан мўраламоқда, ҳаво салкин, шабнам тушган эди. Қишлоқдан пода чиқди. Чўлда тўрғайлар бирин-кетин, худди сув юзида калқиб ёрилаётган пуфакчалардай сакрашиб чуғуллашмоқда.

Балашев қишлоқдан офицер келишини кутиб, атрофига қарарди. У билан бирга келган икки рус казак ва бир удайчи француз гусарларига, француз гусарлари эса уларга ҳар замон бир замонда индамай қараб кўйишарди.

Афтидан, ҳозиргина уйқудан турган француз гусар полковниги йилт-йилт қилиб турган бўз отга миниб, икки гусар ҳамроҳлигида қишлоқдан чиқди. Офицер ва аскарлар мамнун ва олифта, отлари ҳам ўйноқи эди.

Бу – уруш бошланган дастлабки кунлар эди, қўшинлар худди тинчлик вақтида кўриқдан ўтгани чиққандай тўқис, фақат кийимларида жанговар зеболик, юзларида ҳамшиша уруш бошланиши олдида бўладиган хурсандлик аломати бор эди.

¹ Унтер-офицер (немисча) – бир қанча мамлакатлар, жумладан, ҳозир Россияси армиясида кичик командирлар таркибидаги ҳарбий хизматчи унвони.

Француз полковниги ёшимдан турган ушшай тийиб, ҳурмат сақлаб турди. У, афтидан, Балашев нима учун келганини тушунарди. У Балашевни аскарлари сафидан олиб ўтиб, императорга учраш шарафига тезда нойил бўлсангиз керак, билишимча, императорнинг қароргоҳи шу яқин ўртала,— деди.

Улар Риконта кишлоғидан француз гусарларининг отлари боғланадиган ғов ва қозиклар ҳамда ўз полковнигига ҳеъсть бериб, рус мундирига ажабсиниб қараётган соқчи ва аскарлар ёнидан ўтиб, қишлоқнинг у четига чиқишди. Полковникнинг гапига қараганда, икки километр нарида дивизия¹ бошлиғи бўлиб, Балашевни ўша қабул қилиши ва керакли жойга олиб бориши керак эди.

Офтоб анча кўтарилиб, кўм-кўк майсалар устида жилваланарди.

Улар майхонанинг орқасига ўтиб, энди адирга чикқанда, рўпарадан, адирнинг нариги тарафидан бир гуруҳ отлик кўринди. Буларнинг олдида, абзаллари қуёшда ярқираётган қора от устида шляпасига жиға² таққан, елкасига тушиб турган қора сочлари жингалак, қизил ридо³ кийган, узун оёқларининг тиззасини французларга ўхшаб олдинга чиқарган новча бир киши келмоқда эди. Бу одам порлоқ июнь қуёшида жиғасини, қимматбаҳо жавоҳиротлари ва зар уқаларини ярқиратиб Балашевга томон отини йўрттириб келаверди.

Жиға, инж-у, билагузуклар тақиб, зар-зеварга ботиб, савдат тўкиб келаётган киши билан Балашев орасида икки найза масофа қолганда, француз полковниги Юльнер эҳтиром билан «Неапол қироли» деб пичирлади. Дарҳақиқат, бу

¹ Дивизия (латинча: *divisio* — бўлиш, бўлим) — баъзи хорижий мамлакатларда бир неча полк ёки батальондан, турли қўшин турларининг қисм ва бўлиналаридадан таркиб топган ҳарбий қўшунма. Биринчи бўлиб дивизия XVII асрда Францияда, XVIII асрнинг бошларида Россияда пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қўшинларни дивизияга ажратиш йўқ.

² Жиға — бош кийимига тақиландиган, уқпар ва қимматбаҳо тошлар билан безилган зийнат буюми.

³ Ридо (арабча) — халат, кийим. Шайхлар, умуман руҳонийлар елкасига ёпинди-ган чойшабсимон ёпинчик, либос; дарвешларнинг устки кийими.

одам Неапол кироли деб ном олган Мюрат эди. Нима учун Неапол кироли бўлиб олгани маълум бўлмаса ҳам, уни шундай деб аташар, қироллигига ўзи ҳам амин бўлгани учун илгаригидан кўра ўзини мағрур тутар, савлат тўкиб юрарди. У Неапол кироли эканлигига шу қадар ишонган эдики, Неаполдан кетишидан бир кун илгари хотини билан кўча айланиб юрганида, бир нечта итальян: «Япасин қирол!» деб қичқирди, шунда у махзун табассум билан хотинига юзланиб: «Бу бечоралар эртага ташлаб кетаётганимни билишмайди ҳам!» – деган эди

Бироқ Неапол кироли эканлигига буткул ишонса-да, ташлаб кетаётган фуқаросининг қайғуга ботгани учун афсусланса ҳам, сўнгги вақтларда, ҳарбий хизматга қайтадан киринг деб амр этилгандан кейин, айниқса, Наполеон билан Данцигда учрашгани ва қайниси император унга: «Мен сизни ўз билганингизча эмас, мен истаганча салтанат сура-сиз деб қирол қилган эдим», – деганидан кейин у ўзига таниш бўлган эски йўлга тушиб олди, имкони борича, қимматбаҳо ва ранг-баранг нарсалар билан ўзига зеб бериб боқилган бўлса ҳам, ёғ битмаган от шоти орасида қандай ўйноқиласа, шундай ўйноқилаб, қаерга ва нима учун бораётганини ҳам билмай, хушнуд ва мамнун қайфиятда Польша йўлларида от чоптириб юрган эди.

Рус генералини кўргач, у елкасига тушиб турган жингалак сочи бошини виқор билан орқага ташлади-да, француз полковнигига савол назари-ла қаради. Француз полковниги Балашевнинг кимлигини зоти олийларига зўр эхтиром-ла баён қилди, лекин фамилиясига келганда тили келишмади.

– Бальмашев! – деди қирол (полковникка қийин кўринган нарсани ўзига хос қатъийлик билан енгиб), – сиз билан танишганимдан кўп хурсандман, генерал», – деб қўшиб қўйди қиролларга хос илтифот билан. Лекин баланд товуш билан тез-тез гашира бошлаган замон унинг барча қироллик фазилатлари йўқолди ва у ўзига хос соддадиллик билан такаллуфсиз сўзлай кетганини ўзи ҳам билмай қолди. У Балашев миниб келган отнинг яғринига кўлини қўйди ва худди вазиятга баҳо беришдан ожиз бўлгани учун афсус-

лангандай деди:

– Нима ҳам қила олардик, генерал, уруш бошланиб кетганга ўхшайди.

– Зоти олийлари, – деб жавоб қилди Балашев, – рус императори урушни истамайди, буни жаноби олийлари кўриб турибдилар, – Жаноби олий деган унвон Мюрат учун янги унвон эди, лекин Балашев сохта бир дабдаба билан бу иборани атайлаб бир неча мартаба такрорлади.

Мюрат Балашев жанобларининг сўзига кулоқ соларкан, юзи ёришиб кетиб, бемаъни бир мамнуният билан тиржайиб турар эди. Бироқ киролик унвонининг ўз бурчи бор дегандан у ҳам қирол ва ҳам иттифокчи сифатида Александрнинг элчи билан давлат ишлари тўғрисида сўзлашни зарур топди, у оддан тушиб, Балашевни қўлтиқлаб олди-да, хурмат сақлаб турган мулозимларидан бир неча қадам нарироққа борди ва маънодор қилиб гапиришга уриниб, у билан нари-бери юра бошлади. Пруссия тупроғидан аскарларини чиқариб олиб кетишни талаб қилиш император Наполеоннинг иззатнафсига текканини, бу хабар ҳаммага маълум бўлиб қолганини, айниқса, Франция шаънига ҳақорат бўлиб тушганини эслади.

Балашев, бу талабнинг ҳеч қандай ҳақорат бўлиб тушадиган жойи йўқ, чунки... деб гап бошлаган эди, Мюрат унинг сўзини оғзидан олди.

– Демак, урушни император Александр бошлагани йўқ демокчисиз? – деди тўсатдан Мюрат бемаъни бир илжайиш билан.

Балашев урушни, дарҳақиқат, Наполеон бошлади деб ўйлашининг сабабларини айтиб берди.

– Оҳ, лутфкор генерал, – деди Мюрат яна унинг сўзини бўлиб – мен чин қалбимдан, императорлар ўз ораларидаги можарога тезроқ хотима беришини ва менинг хоҳишимга қарши бошланган урушнинг тезроқ тугашини истар эдим.

Мюратнинг сўз оҳанги хўжаларининг оралари бузилган бўлса ҳам, меҳрибон дўст бўлиб қолишни истаётган хизматкорларнинг сўз оҳангига ўхшар эди. Улуғ князни, унинг соғлигини сўради, у билан Неаполда завқ билан ўтказган

яхши дамларини хотирлади. Сўнгра худди қироллик унвони бирдан эсига тушиб қолгандай керилиб, тож кияётган вақтда қандай вазиятда турган бўлса, худди ўшандай вазиятда туриб қоматини ростлади ва ўнг кўлини силкитиб: – Сизни йўлдан қолдирмайман, генерал, элчилигингизга муваффақият тилайман, – деди-ю, қизил зардўз мантия ва жигасини хилпиратиб, қимматбаҳо дур-у жавоҳирларини ярқиратиб, эҳтиром-ла кутиб турган мулозимларига томон кетди.

Балашев ҳам отланиб жўнади, Мюратнинг сўзига кўра, у тез фурсатда Наполеон хузурига киришни мўлжаллаган эди, бироқ тез фурсатда Наполеон билан учрашиш ўрнига, иккинчи қишлоққа етганда Даву пиёда корпусининг¹ соқчилари, олдинги маррадаги сингари уни тўхтатишди ва корпус командирининг² адъютанти Балашевни қишлоққа, маршал³ Даву хузурига бошлаб кетди.

V

Даву император Наполеоннинг Аракчееви эди, лекин Аракчеев сингари қўрқоқ бўлмаса ҳам, ўшанинг ўзидай тирришқоқ, бераҳм ва ўз садокатини фақат шафқатсизлик билангина ифода қиладиган бир кимса эди.

Табиат оламида бўрилар нечоғли зарур бўлса, давлат идорасида ҳам бундай одамлар шу чоғли зарур, буларнинг ҳукумат бошлиғи ёнида бўлиши ва унга яқинлиги нақадар номувофиқ кўринса ҳам, булар доим ҳозир ва нозирдирлар. Гренадёрларнинг⁴ мўйловини ўз кўли билан юлган, асабларининг заифлиги туфайли хавф-хатарга тоб беролмайдиган, бераҳм, маърифатсиз, саройзумрасига мансуб бўлма-

¹ Корпус – бир неча дивизия ёки бригадалардан иборат йирик ҳарбий қўшунма.

² Командир (лотинча: commendant – ишониб топширмак, юкламок) – ҳарбий кимс, бўлишма, кема ва шу кабиларнинг бошлиғи.

³ Маршал (французча: marechal) – 1) советлар даврида алоҳида хизматлари учун олий қўмондонлик таркибидаги кишиларга бериладиган, генераллик унвонларидан юқори ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс; 2) баъзи давлатларда олий ҳарбий унвон ёки амал ва шу унвон ёки амалга эга бўлган шахс.

⁴ Гренадёр (французча) – асосан душман истеҳкомини қамал қилишда асосий рол ўйнайдиган пиёда ёки отлик қўшинларнинг сараланган қисми.

ган Аракчеевнинг Александр каби олийжаноб ва мулоим кишининг саройида, шунча кучга эга бўлишини фақат шу билан изоҳлаш мумкин.

Балашев кирганда маршал Даву бир дехқон ҳовлисининг омборхонасида, ёғоч бочка устида, счётларни кўриштириш билан машғул эди, адъютанти эса тикка турарди. Қишлоқда бундан дурустрок уйлар ҳам бор эди-ю, лекин маршал Даву қовоғини солиб юриш ҳуқуқига эга бўлиш учун атайлаб ўзини ёмон шароитга соладиган кишилар тоифасидан эди. Бу тоифа одамлар шунинг учун ҳамиша шошилиб, тинмасдан ишлайдилар. Маршал Давунинг юзида «одамга ўхшаб ҳаёт кечириш ҳақида ўйлагани фурсат қайда, кўриб турибсиз, ифлос бир омборхонада, бочка устида ўтириб ишлайшман» деган ифода бор эди. Бу тоифа шахсларнинг бирдан бир хузур-халовати ва талаби шавқ-завқ тўла ҳаёт манзарасига дуч келганда кўнглисиз ва тинимсиз фаолиятларини пеш қилишдан иборатдир. Хузурига Балашев олиб қирилганда Даву мана шу хузур-халоватдан баҳраманд бўлди. Рус генерали кирганда у ўз ишига қаттиқрок берилиб кетди гўзал тонгдан ҳамда Мюрат билан қилинган суҳбатнинг нашъасидан очилиб кетган Балашевга кўзойнак орқали бир қараб қўйди-ю, аммо ўрнидан турмади ва ҳатто қимирламади, баттар қовоғини солиб, заҳарханда қилиб қўйди.

Бу йўсинда қабул қилинишидан Балашев оғринганини унинг юзидан пайқаб, Даву бошини кўтарди ва совуққина қилиб, нима хизмат билан келганини сўради.

Балашев, мен император Александрнинг генерал-адъютанти эканлигимни, унинг номидан Наполеон хузурига ҳатто вакил бўлиб келганимни Даву билмаса керак, шунинг учун ҳам мени совуқ қабул қилди, деган хаёлга бориб, дарҳол ўз унвонини ҳамда нима мақсадда келганини айтди. Бироқ Балашев кутмаганда Даву унинг сўзини эшитиб, яна ҳам қовоғини солди ва жеркиб:

– Қани олиб келган номангиз? – деди. – Беринг бу ёққа, мен императорга юбораман.

Балашев, номани императорга ўз қўлим билан топши-

ришим амр этилган, – деди.

– Императорингизнинг амри ўз армиянгизда ўтади, бу ерда эса, – деди Даву, – бизнинг айтганимизни қилишингиз керак.

Даву худди рус генерали бу дағал кучга қанчалик тобе эканини яна бир марта билдириб қўймоқчи бўлгандай навбатчини чақириб келгани адъютантини юборди.

Балашев подшонинг номаси солинган пакетни столга қўйди (ошиқ-мошиғи узилиб кетган эшикни икки бочка устига қўйиб стол ясашган эди). Даву пакетни олиб устидаги хатни ўқиди.

– Мени хурмат қилиш-қилмаслик ўз ихтиёригизда, – деди Балашев. – Лекин шуни айтиб қўйишни лозим деб топаманки, мен ҳазрати олийларининг генерал-адъютанти бўламан...

Даву индамай унга қаради. Балашевнинг юзида бир оз ҳаяжон ва ташвиш ифодаси борлигини кўриб, афтидан, яйраб кетди.

– Сизни лозим бўлганича хурмат қиламиз! – деди ва конвертни чўнтагига солиб, омборхонадан чиқиб кетди.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас маршалнинг адъютанти – жаноб де Кастре кирди ва Балашевни махсус тайёрланган уйга олиб кетди. Балашев шу куни маршал билан бирга омборхонада, бочкалар устига қўйилган ўша тахтада овқатланди.

Эртасига эрталаб Даву отланди ва Балашевни чақириб, шу ерда кутиб туришини, амр бўлган тақдирда юклар билан бирга йўлга чиқишини, жаноб де Кастредан бўлак ҳеч ким билан гаплашмаслигини таъкидлади. Балашев тўрт кунлик танҳоликдан, диққатбозликдан сўнг изм-у ихтиёри бировларнинг қўлида эканлиги ва ўзига яраша иззат-эҳтиром кўрмаганидан руҳи тушиб, бир неча кун бурун кудратли муҳитга яқин одам бўлгани учун ҳам изтироб чекиб, маршалнинг юклари, бутун қишлоқни эгаллаган француз қўшинлари билан бирга, бир неча манзилдан сўнг Вильнога

келди; тўрт кун бурун у мана шу заставадан¹ чиқиб кетган ва хозир уни французлар ишғол қилган эди.

Эртасига императорнинг камергери² Граф Тюрен Балашевнинг олдига келди ва император Наполеон уни қабул қилишни истаганини билдирди.

Балашев тушган ҳовлининг олдида бундан тўрт кун мукаддам Преображенский полкининг соқчилари турган эди, энди эса пахмоқ шапка, тақаси очиқ кўк мундир кийган икки француз гренадери, гусар ва уланлардан³ ташкил топган соқчилар басавлат адъютант, маҳрам ва генераллардан иборат мулозимлар Наполеоннинг чиқишига мунтазир бўлиб, зина олдидаги от ва унинг шахсий соқчиси Рустанни қуршаб туришар эди.

Наполеон Балашевни Вильнода, бундан тўрт кун мукаддам Александр уни жўнатган ўша уйда қабул қилишди.

VI

Балашев, сарой дабдабаларига ўрганиб қолган бўлса ҳам, Наполеон саройидаги зеб-ў зийнат ва хашаматни кўриб тонг қолди.

Граф Тюрен уни каттакон қабулхонага олиб кирди, бу ерда, анчагина генерал, камергер ва поляк магнатлари (буларнинг кўпини Балашев рус императорининг саройида кўрган эди) Наполеонга мунтазир бўлиб ўтиришган эди. Дюронинг сўзига кўра император Наполеон рус генералини сайрга чиқиш олдидан қабул қилиши керак эди.

Кўп ўтмай навбатчи камергер каттакон қабулхонага чиқди ва одоб билан Балашевга таъзим қилиб, ўзи билан бирга юришни таклиф этди.

¹ **Застава** (*русча*) – чегарада соқчилик қилувчи харбий қисм ва шу қисм жойлашган маскан, жой.

² **Камергер** – қиролга, императорга яқин эътиборли аъёнларга бериладиган фахрли унвон.

³ **Улан** – инкилобдан олдинги Россия ва баъзи чет эл армияларида енгил кавалерия аскарлари.

Балашев кичкина қабулхонага кирди, бунинг бир эшигидан кабинетга кириларди, рус императори Балашевни шу кабинетдан жўнатган эди. Балашев бир-икки дақиқа кутиб турди. Эпик орқасидан илдам қадам товуши эшитилди. Кейин эпикнинг иккала табақаси ланг очилди-ю, ҳамма ёқ жимжит бўлди ва кабинетдан бошқа одамнинг дадил ва шаҳдам қадам товуши эшитилди: Бу Наполеон эди. У отлик сайр-томошага чиқишда киядиган либосларини ҳозиргина кийган эди. Думалок қорнига тушиб турган оқ нимчаси устидан олди очиқ кўк мундир кийган, семиз, калта соёнига кийик терисидан тикилган оқ шими таранг ёпишиб турар, оёғида кўнжи узун этик; калта сочлари, афтидан, ҳозиргина таралган, лекин бир тутам сочи кенг пешонасининг ўртасига тушиб турарди, оппоқ тўла бўйни мундирининг қора ёқасидан ажралиб кўриниб турар, ундан атир ҳиди анкирди. Бақбақаси осилган ёш ва тўла юзида императорларга хос улғуворлик, лутф-карам ифодаси намоён эди.

У бошини хиёл орқага ташлаб, ҳар қадамида силкина-силкина тез-тез юриб чиқиб келди. Унинг гирдиғумдан¹ келган гавдаси – кенг ва гўштдор елкалари олдинга чиқиб турган қорни ва кўкраги яхши маишат сурадиган қирқ яшар кишиларнинг коматидек савлатли ва салобатли эди. Бундан ташқари, шу бугун унинг кайфи жойида эканлиги кўриниб турар эди.

У Балашевнинг эҳтиром билан қилган таъзимига бошини кимирилатибгина жавоб берди ва худди ҳар бир дақиқа вақтини аяйдиган, айтадиган гапини олдин тайёрлашни ўзига эп кўрмайдиган, лекин ҳаминша керакли гапни айтишга кўзи етадиган гандон киши сингари дарров:

– Салом, генерал! – деб гап бошлади Наполеон. – Император Александрнинг сиздан бериб юборган номасини олдим, келганингизга хурсанд бўлдим.

– У катта-катта кўзларини бир дақиқа Балашевга тикиб турди-да, дарров бошини бошқа ёққа бурди.

Наполеон, афтидан, Балашевнинг кимлигига сира ки-

¹ Гирдиғум – калтабақай, микти, бакалок.

зиқмас эди. Фақат ўз кўнглидан ўтаётган гапларгагина эътибор қилаётгани билиниб турар эди. Наполеон ўз шахсига алоқаси бўлмаган нарсаларга мутлақо аҳамият бермас, назарида, дунёдаги ҳамма нарса унинг иродасига боғлиқдай кўринар эди.

– Мен урушни истамайман ва урушмоқчи ҳам эмас эдим, – деди у. – Лекин мени шунга мажбур қилишди. Мен ҳозир ҳам (бу сўзга урғу бериб гапирди) сиз бера оладиган барча изохларни қабул этишга тайёрман, – деди ва рус ҳукуматидан нима учун норози эканлигини қисқа ва равшан баён этди.

Мароми билан дўстона тарзда гапираётган француз императорининг сўз оҳангидан Балашев, Наполеон сулҳ тарафдори ва музокара олиб боришга тайёр, деган қатъий фикрга келди.

Наполеон нутқини тугатиб, рус сафирига савол назарида қараганда, Балашев:

– Зоти олийлари! Менинг олийжаноб императорим... – деб олдин ўйлаб қўйилган нутқини бошлади, бироқ тикилиб қараб турган императорнинг назари остида ўзини йўқотиб қўйди. Наполеон Балашевнинг мундир ва қиличига хиёл жилмайиб қараб, гўё, сизни салобат босди, ўзингизни тутиб олинг, деб тургандек эди. Балашев ўзини қўлга олди ва сўзида давом этди. Куракиннинг паспортларни талаб қилиши, деди Балашев, император Александрнинг фикрича, урушга сабаб бўлолмайди, Куракин императордан ижозат олмай ўзбошимчалик қилган, император Александр урушга қарши, Англия билан Россиянинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

– Ҳозирча йўқ, – деб қўшиб қўйди Наполеон ва худди ўз хиссиётига берилиб кетишдан кўрққандай, қовоғини солдида, давом эттираверинг, дегандай қилиб Балашевга хиёл бош иргатди.

Балашев, тайинланган сўзларнинг ҳаммасини баён қилиб бўлгач, император Александр осойишталик тарафдори, лекин музокарани шу шарт билан бошлайдики... деб сўз тополмай колди: император Александр номада ёзмаган

бўлса ҳам, Салтиковга рескриптга¹ киргизишини буюрган ва Наполеонга оғзаки етказишни Балашевга амр этган сўзларни хотирлади. «Рус тупроғида битта ҳам қуроли душман қолмагандагина» деган сўзлар Балашевнинг эсида бўлса ҳам, лекин аллапечук бир мураккаб туйғу оғиз очгани кўймади. Айтишга шунча жазм қилса ҳам, айтолмади. Иккиланиб туриб: «Француз кўшиялари Неманнинг нариги томонига чекиниш шарти билан», – деди. Сўнгги сўзларни Балашев тортиниб айтганини Наполеон пайқади унинг ранги ўзгарди, сўл болдири титрай бошлади. У турган жойидан кимириламай, аввалгидан кўра баландроқ товуш билан тез-тез гапира кетди. Наполеон гапираётган чоғда Балашев бир неча мартаба беихтиёр унинг сўл болдирига кўзи тушди – Наполеон товушини баландлатган сайин болдири қаттиқроқ титрар эди.

– Мен ҳам император Александр сингари сулҳ тарафдориман, – деб гап бошлади у, – сулҳ ўрнатаман деб ўн саккиз ойдан бери жон куйдираётган мен эмасми? Ўн саккиз ойдан бери мен бунинг сабабини тушунтириб беришларини кутиб ётибман. – У қовоғини солди ва савол бераётгандай кичкина, ошноқ сўлқилдоқ кўли билан ймо қилиб, деди: – Музокара бошлаш учун мендан нима талаб қилинади?

– Неманнинг нариги қирғоғига чекиниш талаб қилинади, жаноби олий, – деди Балашев.

– Неманнинг нариги қирғоғига? – деб такрорлади Наполеон. – Энди Неманнинг нариги қирғоғига чекин дейсизми? Фақат шуми? – деди яна Наполеон Балашевга тикилиб.

Балашев таъзим қилди.

Бундан тўрт ой муқаддам Померания тупроғидан чиқиб кетиш талаб қилинган бўлса, энди фақат Неманнинг нариги қирғоғига чекиниш талаб қилинмоқда эди. Наполеон шартта бурилди ва уйда у ёқ бу ёқка юра бошлади.

– Музокара бошлаш учун Неманнинг у қирғоғига чекинишингиз талаб қилинади, дейсиз. Ҳолбуки, бундан

¹ Рескрипт – подшоҳнинг бирор мансабдорга ташаккур билдириб ёки уни мукофотлашни билдириб ёзган хати; ёрлик.

икки ой бурун музокара бошлаш учун Одер ва Висланинг у томонига чекинишим шарт қилиб қўйилган эди.

У индамай, уйнинг бу бурчагидан у бурчагига борди ва яна Балашевнинг рўпарасига келиб тўхтади. Унинг қахрли юзи ҳайкал сингари қотиб қолганга ўхшар, сўл оёғи илгаригидан кўра қаттиқроқ титрар эди. Чап болдири титрашини Наполеоннинг ўзи биларди. Бу ҳақда у кейинчалик: «Сўл болдиримнинг титрашида буюк бир ҳикмат бор», – деган эди.

– Одер ва Висладан чекинишни Бадей шахзодасидан талаб қилиш мумкин, лекин мендан эмас, – у қичкириб юборай деганини ўзи ҳам билмай қолди. – Петербург билан Москвани берганларингда ҳам мен бу шартни қабул қилмайман! Урушни сиз бошладингиз дейсизми? Лашкаргоҳга ким олдин келди? Мен эмас, император Александр. Мен миллионларча пулни сарф қилиб қўйганимдан кейин музокара бошлашни таклиф қиласизларми? Англия билан иттифок тузиб аҳволларинг танг бўлганда музокара бошлашни таклиф қиласизларми! Англия билан иттифокдош бўлишдан мақсадларингиз нима? Бу иттифокдан нима манфаат кўрдиллар? – деди у пишиб-пишиб, бу сўзларни, афтидан, сулҳ тузишнинг фойдаси ва имкониятларини муҳокама қилиш учун эмас, балки ўз иқтидори ва ҳақлигини кўрсатиш ҳамда Александрнинг ноҳақлиги ва ҳатосини исботлаш учун айтаётган эди.

Гапни бундай бошладан мақсади, афтидан, ўз вазиятининг устунлигини кўрсатиш ва бунга қарамасдан яна музокара олиб боришга рози эканлигини билдириш эди. Бироқ сўзга кириб кетди, гапирган сари ўз нутқини идора қилишдан ожизлик қила бошлади. Энди унинг нутқдан мақсади ўзини кўжларга кўтариб, Александрни ерга уриш эди. Балашев билан кўришган маҳалда бу сира кўнглига келмаганди.

– Турклар билан сулҳ тузган эмишсизлар, ростми? Балашев тасдиқ қилгандек бош ирғади.

– Ҳа, сулҳ тузилди... – деб гап бошлади Балашев.

Бироқ Наполеон унинг сўзини оғзидан олди. Афтидан,

ёлғиз ўзи гапирмоқчи эди. У тантиқ одамларга хос маҳмаданалик, сабрсизлик, тажанглик билан сўзлаб кетди.

– Ҳм, биламан, сизлар Молдавия ва Валахияни ололмагач, Туркия билан сулҳ туздинглар. Мен эса Финландия каби шу ўлкаларни ҳам подшоҳингизга берар эдим. Мен император Александрга Молдавия билан Валахияни берман деб ваъда қилган эдимми, албатта, берар эдим, лекин энди у шундай гўзал ўлкалардан махрум бўлди. Бу ўлкаларни у империясига қўшиб, ўз даврида Россияни Ботник кўрфазидан Дунай мансабигача кенгайтириши мумкин эди. Буюк Екатерина ҳам бундан катта иш қилолмас эди, – деди Наполеон борган сари кизишиб у ёқдан бу ёққа юраркан, у Тильзитда, Александрнинг ўзига айтган сўзларини Балашевга айтаётган эди: буларнинг ҳаммаси менинг дўстлигим туфайли юзага келди.... Ўҳ-ў, нақадар гўзал салтанат бўларди! – Бу сўзларни бир неча марта такрорлагандан кейин тўхтаб чўнтагидан олтин тамакидонини олди-ю, жон-жаҳди билан бурнига тортди.

– Менинг дўстлигим туфайли императорингиз буларга муяссар бўлар эди. Ўҳ-ў, император Александрнинг салтанати қандай гўзал салтанат бўлар эди! Ўҳ-ў, нақадар гўзал салтанат бўларди.

У афсусланган бўлиб, Балашевга қаради. Балашев бир нима демоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаганда яна шошиб-пишиб унинг сўзини бўлди.

– Менинг дўстлигим соясида унинг қандай орзулари ушалмай қолган эди? – деди Наполеон таажжуб-ла елкасини қисиб. – Менга дўст бўлишдан кўра менинг душманларимни ўз теварагига йиғишни афзал кўрди. Яна кимларни денг? – деб давом этди.

– Штейнлар, Армфельдлар, Бенигсенлар, Винцингероделарни. Штейн – ўз ватанидан бадарга қилинган бир хонин; Армфельд – фосик ва игвогар, Винцингероде – Франциянинг қочоқ бир фуқароси, Бенигсен – бошқалардан кўра ҳарбий ишни унча-мунча билади, лекин шундай бўлса ҳам, 1807-йилда қўлидан ҳеч нарса келмаган, нўноқ киши, бу одам император Александрга даҳшатли нарсаларни эслатиши ке-

рак эди... Истеъдодли бўлган тақдирда-ку, улардан фойдаланиш мумкин бўлар эди, – давом этди Наполеон, ҳақли ёки кучли (унинг учун барибир эди) эканлигини кўрсатадиган янгидан янги мулоҳазаларни сўз билан ифодалашга аранг улгуриб, – лекин бу хислат уларда йўқ, улар шундай истеъдодсиз кичиларки, на урушга ярайди, на тинчлик даврга! Бошқаларга қараганда Барклай бирмунча дуруст дейишади: аммо мен унинг дастлабки иштини кўрганимдан кейин бундай дея олмайман. Хўш, булар, бу сарой ахллари нималар билан машғул? Пфуйль бир нарсани тақдиф қилса, Армфельд у билан тортишади, Бенингсен мулоҳаза юргизади, ҳаракат бошлаши керак бўлган Барклай эса қандай қарорга келишни билмасдан, фурсатни ўтказиб юборади. Фақат Багратион ҳарбий киши. Гарчи у аҳмоқ бўлса ҳам, тажрибаси, кўз билан чамалаш қобилияти ва дадиллиги бор... Бу расво-ю радди балолар орасида сизнинг ёш подшоҳингиз қандай роль ўйнайди? Улар подшоҳингизнинг обрўйини тўкишади ва рўй бераётган ходисанинг масъулиятини унга тўнкашади. Император саркарда бўлган тақдирдагина армия қошига келиши керак, – деди у, афтидан, рўй-рост Александрга таъна қилиб. Император Александр саркарда бўлиш орзусида эканлигини Наполеон биларди.

– Уруш бошланганига бир ҳафта бўлди-ю, аллақачон Вильнони қўлдан бердинглар. Кучларингиз иккига бўлиниб, Польша тупроғидан ҳайдалдингизлар. Армияларингиз нолияпти.

Наполеоннинг сўзларини хотирида сақлашга аранг улгураётган ва бу сафсата гапларни зўрга уқиб олаётган Балашев бунга жавобан:

– Аксинча, аъло ҳазрат, кўшинларимизнинг бирдан бир хохиши, – деб гап бошлаган эди, Наполеон унинг сўзини бўлди.

– Ҳаммасини биламан, ҳаммасидан хабардорман, қанча батальонингиз¹ борлигини ҳам беш бармоғимдай биламан.

¹ Батальон (*французча: bataillon* – жангчилар бўлинимаси) – бир неча ротадан ва махсус бўлинмалардан иборат бўлган ҳарбий қисм.

Сизларнинг кўшинларинг икки юз мингга ҳам етмайди, менинг аскарим эса уч барабар ортик. Онт ичаманки, – деди Наполеон қасам деган нарсани бир пулга олмаслигини унутиб. – Худо ҳаққи, Висланинг бу ёғида беш юз ўттиз минг аскарим бор.. Туркларнинг сизга ҳеч қандай ёрдами тегмайди: улар ҳеч нарсага ярамайди, сизлар билан сулҳ тузиб буни исботлашди. Шведларнинг пешонасига жинни қирол битган. Уларнинг қироли жинни эди, унинг ўрнига Бернадотни қирол қилишди, бу ҳам дарров ақлдан озди, чунки фақат ақлдан озган швед Россия билан иттифокдош бўлиши мумкин. – Наполеон захарханда қилди ва бурнакисини яна бурнига тутди.

Балашев Наполеоннинг ҳар бир сўзига эътироз билдирмоқчи бўлар ва нима дейишини ҳам биларди, лекин ҳар гал бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганида Наполеон унинг сўзини бўларди. Шведлар ақлдан озган деганда Балашев, Россия Швеция томонида бўлса Швеция оролга айланади, демоқчи бўлди, бироқ Наполеон унинг товушини босиш учун жаҳл билан бақириб гапирди. Зардаси қайнаган Наполеон шундай бир кайфиятда эдики, киши бундай ҳолатда фақат ўз ҳақлигини ўзига исбот қилиш учунгина ҳадеб гапираверади. Балашев оғир аҳволга тушиб қолди: у элчи сифатида ўз обрўйини йўқотиб қўйишдан кўрқар ва эътироз билдириш зарурлигини сезарди, аммо у одам сифатида, бекордан бекорга ғазабланиб ўзини унутган Наполеон олдида маънавий жиҳатдан қисилиб қолди. Ҳозир Наполеон айтган сўзларнинг аҳамияти йўқлигини, эс-хушини йиғиб олса бу сўзларни айтгани учун ўзи ҳам хижолат бўлишини Балашев билар эди. У ерга боқиб, Наполеоннинг қимирлаб турган семиз оёқларига қараркан, кўзига бокмасликка тиришарди.

– Мен сизларнинг иттифокдошларингни икки пулга олмаман, – деди Наполеон. – Менинг иттифокдошларим – поляклар: улар саксон минг киши. Ҳаммаси арслондай олишади. Буларни икки юз мингга етказаман.

Шу гапни айтиб, Наполеон ёлғонлиги муқаррар бўлган нарсани гапирганлигидан ва тақдирга тан берган Балашев

хамон қаршисида лом-мим демай турганидан яна ҳам ғазабланди, шекилли, бирдан орқага қайтди ва Балашевнинг рўпарасига келиб, эппоқ қўлларини пахса қилиб, жекирди:

– Шуни билиб қўйингки, агар сиз Пруссияни менга қарши қўйсангиз, мен уни Европа харитасидан ўчириб ташлайман, – деди ғазабдан ранги ўчиб, афт-башараси бужмайиб, кичкина қўлларини бир-бирига ураркан. – Сизларни Двина, Днепрнинг нариги тарафига улоқтириб ташлайман: Европанинг хиёнаткорлиги ва кўрлиги туфайли сиз бузиб ташлашга муваффақ бўлган ўша тўсиқни ўзларингизга қарши тиклайман. Ўшанда холларингиз нима бўлганини кўрамиз, мендан йироқлашиб нимага эришганларингиз ўшанда маълум бўлади. – Шу сўзларни айтиб, индамай у ёқдан бу ёққа юраркан, тўла елкалари силкинар эди. У тамакидонини нимчасининг чўнтагига солди, яна олди ва бир неча мартаба бурнига тутгач, Балашевнинг қаршисига келиб тўхтади. Индамай туриб, Балашевнинг кўзига истехзо билан тик қаради ва паст товуш билан деди: – Ҳай, аттанг, подшоҳингиз қандай гўзал салтанатга эга бўлиши мумкин эди!

Балашев эътироз билдириш заруратини сезиб, Россиянинг аҳволи бунчалик оғир эмас, деди. Наполеон унинг сўзларига қулоқ солмаётган бўлса керак, хамон индамай истехзоли табассум билан тикилиб турар эди. Балашев: «Россияда урушнинг охири бахайр бўлади деб умид қилишди», – деди. Наполеон худди «биламан, шундай дейиш сизнинг бурчингиз, лекин бунга ўзингиз ҳам ишонмайсиз, мен сизни ўз фикримнинг тўғрилигига ишонтирдим», дегандай килиб лутфан бош ирғатди. Балашев сўзини тугатганда Наполеон яна тамакидонини олиб ҳидлади ва худди сигнал бергандай полни икки мартаба оёғи билан депсиб қўйди. Эшик очилди: икки букилиб таъзим қилган камергер императорга шляпа ва қўлқопини берди, иккинчиси рўмолчасини узатди. Наполеон уларга қарамасдан, Балашевга юзланди:

– Император Александрга менинг номимдан шуни етказинг, – деди шляпани оларкан, – мен хамон аввалгидай унга содикман, уни яхши биламан ва олийжаноб хислатларига юксак баҳо бераман. Мен сизни энди тутиб турмай-

ман, генерал, подшога ёзган номамни сизга беришади...

Шуни деб Наполеон тез-тез қадам ташлаб эшик томон юрди. Қабулхонада турганларнинг ҳаммаси унинг олдига ўтиб зинадан пастга югуриб тушишди.

VII

Наполеон ғазабнок бўлиб, шунча паст-у баланд гапларни айтгандан кейин ва энг охир совуққина қилиб «Мен сизни энди тутиб турмайман, генерал, менинг номамни қабул қилиб олинг», деганидан сўнг Балашев; энди Наполеон мен билан учрашиш у ёқда турсин, таҳқирланган ва ўзининг ўринсиз ғазабланганини кўрган сафир билан кўришмасликка ҳаракат қилади, деб ишонган эди. Бироқ Наполеон Дюрок орқали Балашевни шу бугуноқ тушки овқатга таклиф қилиб, уни ҳайратда қолдирди.

Тушки овқатда Бессьер, Коленкур ва Бертъелар бор эди.

Наполеон хушнуд бўлиб Балашевни меҳрибонлик билан қаршилади. Эрталабки қилмишидан хижолат тортиш ва афсусланиш у ёқда турсин, аксинча, Балашевнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилди. Мен ҳам хато қилишим мумкин деган фикрни аллақачонлардан бери ҳаёлига келтирмаслиги, мен нима иш қилсам ҳам таҳсинга сазовордир деб билганлиги Наполеоннинг киёфасидан кўриниб турар эди.

Император отга миниб Вильнони айланиб келганидан кейин, жуда хушҳол эди, шаҳар аҳолиси уни хурсандлик билан қаршилаб, хурсандлик билан қузатди. Наполеон ўтган кўчаларда гиламлар, байроқлар унинг вензеллари¹ билан безалган, поляк хонимлари рўмолчаларини силкитиб, уни табриклашган эди.

Наполеон овқат маҳалида Балашевни ёнига ўтказиб, унга меҳрибонлик қилди, шу билан бирга, уни ўз саройига мансуб, ўз режаларига ҳайрихоҳ бўлган, муваффақиятларидан суюнадиган бир шахс ўрнида кўриб муомала қилди.

¹ Вензель – исм ва фамилия бош ҳарфларини бир-бирига чирмаштириб тузилган безак.

Сўз орасида у Москвадан гап очиб, Балашевдан Россия пойтахти ҳақида баъзи нарсаларни сўради. Фақат бормоқчи бўлган жойга қизиқсинаётган сайёҳ тарзида эмас, балки Балашев рус бўлгани учун менинг ҳар нарсани билишга тиришаётганимга қойил бўлсин, деган ҳаёлда Москвадан сўз очиб, жуда кўп саволлар берди.

– Москванинг қанча аҳолиси бор, Москвада нечта ховли бор? Москвани Муқаддас Москва дейишлари ростми? Москвада қанча черков бор? – деб сўради.

Москвада икки юздан ортиқ черков бор, деган жавобга у: – Шунча черковнинг нима кераги бор? – деди.

– Рус халқи жуда тақводор, – деб жавоб қилди Балашев.

– Ҳа, айтгандай, монастыр¹ ва черковларнинг кўплиги халқнинг орқада қолганлигини кўрсатади, – деди Наполеон ва бу фикримга қандай баҳо бераркан дегандай Коленкурга қараб қўйди.

Балашев француз императорининг фикрига назокат билан эътироз билдириб:

– Ҳар бир ўлканинг ўз урф-у одати бор, – деди.

– Лекин Европанинг ҳеч қаерида бундай аҳволни кўрмайсиз, – деди Наполеон.

– Зоти олийларидан узр сўрайман, – деди Балашев, – Испаниянинг ҳам монастыр ва черковлари Россияникидан кам эмас.

Французларнинг яқинда Испанияда учраган мағлубиятларига ишора бўлган бу жавоб Балашевнинг сўзига кўра, император Александрнинг саройида катта баҳо олган бўлса ҳам, бу ерда, Наполеоннинг дастурхони устида эътиборсиз қолди.

Жаноб маршалларнинг лоқайдлик ва ажабсинишини ифода этган юзларида Балашев пичинг тарзида айтган бу гапнинг нимаси пичинг деган бир маъно бор эди. Уларнинг юз ифодаси пичинг бўлса бордир, лекин биз тушунмадик ёки

¹ Монастир (монача: monasterion – чекка, оламлардан узоқдаги жой) – 1) тарки дунё қилган христианлар – монахларнинг муайян қоида ва меъёрлар, белгилли низомга амал қилиб яшовчи диний жамоаси; 2) шундай жамоага қарашли черков, турар-жой, ер-мулк ва бошқалар (бу ерда шу маънода).

бунинг нимаси кесатиқ экан деб турар эди. Бу пичинг шу қадар билинмай ўтдики, Наполеон ҳатто уни пайқамади ва гўллик қилиб Балашевдан Москвага борадиган тўғри йўл қайси шаҳарлардан ўтади, деб сўради.

Бутун меҳмондорчилик давомида сергак ўтирган Балашев:

– Ҳамма йўл Римга элтади деган мақолдек, ҳамма йўл Москвага элтади. Йўл жуда кўп, ўша йўллар жумласида Карл XII¹ юрган Полтава йўли ҳам бор, деб айтди ва жавобни дўндирганидан мамнун бўлиб, беихтиёр қизариб кетди. Балашев «Полтава» деб сўзини тугатмасданок Коленкур Петербургдан Москвага борадиган йўлнинг нокулайлиги, ўзининг Петербург хотиралари ҳақида гап очди.

Овқатдан сўнг қаҳва ичгани Наполеоннинг кабинетига киришди. Тўрт кун муқаддам бу хона император Александрнинг кабинети эди. Наполеон ўз ўрнига ўтирди ва қаҳва қуйган севр чинни пиёласига қўл узатаркан, Балашевни ёнидаги стулга ўтиришга таклиф қилди.

Овқатдан сўнг киши шундай бир кайфиятда бўладикки, бу кайфият хушҳол бўлишга ва ҳаммани дўст кўришга ҳар қандай оқилона сабабдан кўра кўпроқ рағбатлантиради. Наполеон ҳозир мана шундай кайфиятда эди. Назарида, уни ғоят эҳтиром қиладиган дўстлари орасида ўтиргандай эди. Наполеон овқатдан кейин Балашев дўстим ва муҳибим бўлиб қолди, деб ишонган эди. У, Балашевга ёқимли ва хиёл истеҳзоли табассум билан мурожаат этди:

– Бу император Александр турган ўша уй эмиш. Жуда галати-а, нима дедингиз, генерал? – деди Наполеон ҳамсухбатига бу сўз хуш келади деган хаёлда, чунки бу Наполеоннинг Александрдан устун туришини исбот қилар эди.

Балашев нима жавоб қайтаришини билмай, бош ирғатиб қўйди.

– Ҳа, бу уйда тўрт кун бурун Винцингероде билан

¹ Карл XII (1682-1718) – Пфальц-Цвайбрюккен сулоласидан бўлган Швеция қироли (1697-йилдан), саркарда. Шимолий уруш (1700-1721) бошларида бир қанча йirik галабаларга эришган, лекин Россияга бостириб кириши (1708-йил) унинг Полтава жанги (1709-йил) даги мағлубияти билан тугаган.

Штейн кенгашган, — деди Наполеон ўша истехзоли табассум билан. — Мен бир нарсага тушунмайман. Нима учун император Александр менинг барча шахсий душманларимни ўз атрофига тўшлади экан. Бунга мен сира тушуна олмайман. Шу иш менинг ҳам қўлимдан келишини ўйладимикин? — деб савол назари-ла Балашевга қаради ва, афтидан, бу хотиралар ҳали буткул босилмаган эрталабки ғазабини яна кўзгатди. — Шуни билиб қўйсинки, мен шундай қиламан, — деди Наполеон ва чапкани нарирок суриб ўрнидан турди. — Мен унинг барча қайин бўйинларини: Виртембергларни, Баденликларни, Веймарликларни Германиядан ҳайдаб чиқараман. Айтинг, уларга Россиядан бошпана тайёрлайверсин!

Балашев бошини куйи солди, унинг юзи, мен-ку хайрмаъзурни насия қилиб кетардим-а, аммо менга қарата гапирилаётган сўзни эшитмай иложим йўқ, деб турар эди. Наполеон бу ифодани пайқамади. У Балашевга душманнинг элчиси деб эмас, балки энди ўзига буткул вафодор, собиқ хўжасининг тор-мор бўлишига суюнадиган киши деб қарар эди.

— Нима учун Александр қўмондонлигини ўз бўйнига олди экан? Бунинг нима кераклиги борикин? Уруш менинг касбим, у подшолигини қилаверсин, қўмондонликни унга ким қўйибди. Нима учун бунақа масъулиятни ўз бўйнига олди?

Наполеон яна тамакидонини олди. Индамай, бир неча марта у ёқдан бу ёққа юргач, бехосдан Балашевнинг қарписига жилмайиб келди, худди Балашев учун муҳимгина эмас, балки ёқимли бир ишни қилаётгандай тортинмай-нетмай қирк ёшли рус генералининг юзига қўлини яқинлаштириб, лаблари билангина қулиб, унинг қулоғидан секин чўзиб қўйди.

Император қулоғини чўзган киши француз саройида зўр шараф ва марҳаматга ноил бўлган киши ҳисобланар эди.

— Нега индамайсиз, император Александр саройининг аҳли ва муҳибнн? — деди Наполеон худди ўзи турган жойда бошқа кишига аъён ва бошқарувчиси бўлиш кулгили бир ҳол бўлгандай. — Генералга от тайёрланганми? — деди Наполеон Балашевнинг таъзимига хиёл бош ирғаб, — бу кишига менинг

отларимдан бирини беринглар, йўл узоқ...

Балашев олиб келган нома Наполеоннинг Александрга ёзган сўнгги номаси эди. Балашев Наполеон билан бўлган суҳбатининг тафсилотини рус императорига гапириб берди ва уруш бошланиб кетди.

VIII

Князь Андрей Москвада Пьер билан учрашганидан сўнг Петербургга кетди, уйдагиларга иш билан кетяпман деб айтган бўлса ҳам, бу сафардан мақсад, князь Анатолий Курагин билан учрашиш эди. Князь у билан, албатта, кўришиш зарур деб ўйлар эди. Петербургга келганидан кейин маълум бўлдики, Анатолий у ердан аллақачон кетиб қолган экан. Пьер ўз қайнисини князь Андрейнинг келаётганидан огоҳлантирган, Анатолий Курагин бу хабарни эшитиши биланоқ ҳарбий министрдан буйруқ олиб, Молдавия армиясига жўнаб кетган эди. Шу орада Князь Андрей уни ҳамisha ўзига яқин кўриб юрадиган собиқ генерали Кутузовни учратиш қолди ва Кутузов уни Молдавия армиясига бирга боришни (қари генерал ўша ерга қўмондон бўлиб тайинланган эди) таклиф қилди. Князь Андрей қароргоҳ штабига¹ хизматга кириб, Туркияга кетди.

Князь Андрей Курагинга хат ёзиб, уни дуэлга чақиришни ўзига эш кўрмади. Ўша можаро учун дуэлга чақириш графиня Ростова шаънига ёмон бўлади деган мулоҳазага бориб, князь Андрей Курагин билан шахсан учрашмоқчи ва шу учрашишда дуэль учун бошқа баҳона топмоқчи эди. Бироқ Туркия армиясида ҳам Курагинни учратолмади, чунки князь Андрей Туркияга келиши биланоқ Курагин Россияга қайтиб кетган эди. Янги ўлка ва янги турмуш шароитида князь Андрей эркинроқ нафас ола бошлади. Қаллиғининг хиёнатидан сўнг князь Андрей бундан таъсирланганини одамлардан яширишга қанча уринса, унинг алами шу қадар

¹ Штаб (немисча: *Stab* – подшолик аломати бўлган асо, ҳасса; ҳарбий қароргоҳ) – ҳарбий қисмларни бошқарувчи асосий орган.

ошар эди. Илгариги ширин ҳаёти захар-заққумга айланди, илгари жонини берадиган эрк ва мустакиллик эса энди оғир юк бўлиб қолди. У Аустерлиц майдонида чалқанча ётганида биринчи мартаба ҳаёлига келган, Пьергагина очилиб гапирган, Богучаровода узлатда ётган чоқларида, Швецария ва Рим сафарларида уни овунтирган ҳамда порлоқ истиқбол очиб берган ўша фикрларни ҳозир эслаш у ёқда турсин, ҳатто ҳаёлига келтиргани кўрқар эди. Ҳозир уни илгариги фаолиятига сира алоқаси бўлмаган, энг яқин амалий ишлар қизиқтирар, илгариги фаолиятларидан нақадар узоқлашса, янғисига шу қадар жон-жаҳди билан ёпишар эди. Гўё илгари тепасида турган ўша баланд ва бепоён кўк гумбази бирдан пасайиб, уни босиб тургандай туюлди-ю, ундаги ҳамма нарса равшан бўлди. Лекин илгари абадий ва сирли кўринган нарсалардан асар қолмади.

Кўлидан келадиган ишлар орасида князь Андрей учун энг осони ва ўзига синашта бўлгани ҳарбий фаолият эди. У Кутузов штабида навбатчи генерал лавозимини адо этаркан, зўр кунт ва ғайрат билан ишлар, ишга бўлган ҳафсаласи ва иштиёқи билан Кутузовни тонг қолдирар эди. Князь Андрей Туркияда Курагинни учратолмай, унинг кетидан Россияга қараб югуришни ўзига ҳолойиқ кўрди, лекин орадан қанча вақт ўтмасин, мабодо Курагинни кўриб қолса, ундан нафратланишига қарамасдан, у билан тўқнашишдек паст ишга таназзул қилиш керак эмас деб, ўзини ўзи ишонтирмасин, оч одам овқатдан ўзини тиёлмаганидек, қачон бўлса ҳам, уни учратиши билан дуэлга чақиришдан ўзини тиёлмаслигини билар эди. Князь Андрей Туркияда нақадар серғайрат, сертардуд бўлмасин, қанчалик ўзини мансабпараст, шухратпараст қилиб кўрсатишга уринмасин ҳақорат алами ҳали босилмаганлиги, юраги ғазабга тўлиб юрганлиги унинг зоҳиран осойишта кўринган ҳаётини захарлар эди.

Ун иккинчи йилда Наполеонга қарши уруш хабари Букарешга етганда (Кутузов икки ой шу ерда яшаб, вақтининг деярли ҳаммасини валахиялик хотин олдида ўтказарди) князь Андрей Кутузовдан Ғарбий армияга юборилишини илтимос этди. Болконский худди Кутузовнинг бекорчи-

лигини таъна қилаётгандай ўз фаолияти билан унинг жигига теккан эди, шунинг учун ҳам Кутузов князь Андрейнинг илтимосини дарров қондирди ва бир топшириқ билан уни Барклай де Толли армиясига юборди.

Князь Андрей май ойида Дрисса лагерида турган армияга жўнашдан олдин Лисие Горига борди. Лисие Гори йўл устида бўлиб, Смоленск қатга йўлидан уч чакирим четда эди. Сўнгги уч йил мобайнида князь Андрей ҳаётида жуда кўп ўзгаришлар юз берди. У жуда кўп нарсаларни ўйлаб кўрди, кўп нарсаларни бошқача ҳис этди, кўп нарсаларга бошқа кўз билан қаради (у Шарқ ва Ғарбни кезиб чиққан эди), шунинг учун ҳам Лисие Горига келиб, эскича бир маромда кетаётган ҳаётни барча икир-чикири ва тафсилоти билан кўргач, ҳайрон бўлди. У Лисие Горидаги ховлининг хиёбонидан ўтиб, гиштин дарвозага етгач, худди сеҳрланиб, уйкуда ётган қасрга киргандай бўлди. Уйда ҳамон ўша салобат, ўша озодалик, ўша сукунат ҳукм сураб, мебеллар ҳам, деворлар ҳам, эшитилган товушлар ҳам ўша, ўша ҳид, одамларнинг қиёфасида ҳам ўша илгаригидай журъатсизлик аломати бор эди, фақат улар бир оз қариганди. Княжна¹ Марья ҳам ҳамон ўшандай журъатсиз, хунук, қариб бораётган қиз бўлиб, ҳамиша ваҳима ва маънавий азоб ичида яшар, умрининг энг яхши йиллари бекор ва кўнгилсиз ўтиб кетмоқда эди. Буръен ўша илгаригидай умрининг ҳар бир дақиқасини шод-хуррамлик билан ўтказадиган, қалби энг яхши умидларга тўлган, ўз-ўзидан мамнун ва серноз-у серкарашма қиз эди. Князь Андрейнинг, назарида, у фақат аввалгидан кўра дадилроқ кўринди.

Швецариядан олиб келинган мураббий Десаль русча сюртук кийиб олган, хизматкорлар билан русчага тили келишмай зўрға гапиришади, лекин ақли илгаридай ноқисроқ бўлса ҳам, ўзи таҳсил кўрган фазилатли ва майдақаш бир мураббий. Кекса князнинг жисмоний жиҳатдан қаригани шундан иборатки, битта тиши тушгани лабининг бурчидан кўриниб турарди. Маънавий жиҳатдан эса ҳамон аввал-

¹ Княжна – князь унвонига эга бўлган хоним ёки князнинг хотини.

гидай, фақат дунёда юз бераётган воқеалар унинг ғазаб ва шубҳасини яна ҳам орттирибди. Ёлғиз Николушка катта бўлиб ўзгарибди, ранг-рўйи кирибди, кўнғир сочлари ўсиб кетибди. У қувониб, кулиб, чиройли отзини беихтиёр очиб, устки лабини кўтараркан, мархум кичкина княгиняни¹ эслатарди. Сеҳрланган, уйкуда ётган бу қасрнинг ўзгармас қоида-қонунларига фақат Николушка итоат қилмасди. Бироқ зохиран ҳеч нарса ўзгармагандай кўринса ҳам, ҳақиқатда бу одамларнинг ўзаро муносабати князь Андрей кўрганидан бери бошқача бўлибди. Оида аъзолари бири-бирига ёт ва душман икки гуруҳга бўлинган, ҳозир меҳмон князь Андрей туфайли кундалик ҳаёт тартибини бузиб, бир жойга тўпланишган. Биринчи гуруҳга кекса князь, Бурьен ва архитектор; иккинчи гуруҳга княжна Марья, Десаль, Николушка ва қолган энага ва эналар кирар эди.

Князь Андрей Лисие Горида бўлган кунлари бутун уй ичи бир дастурхондан овқатланса ҳам, ҳеч ким ёзилиб ўтирмас эди. Князь Андрей ўзини меҳмондек сезар, улар меҳмон туфайли кундалик ҳаёт тартибини бузаётганини, келиб буларнинг роҳатини бузганини пайқар эди. Князь Андрей келган куниёқ овқат маҳалида, беихтиёр буни сезиб чурк этмай ўтирди, кекса князь ҳам ўғли ёзилиб ўтирмаганини кўриб, қош-қовоғини очмади ва овқатдан кейин дарров ўз бўлмасига кириб кетди. Князь Андрей кечкурун отасининг хузурига кирди ва уни гапга солиш ниятида ёш граф Каменский кампаниясидан сўз очди, шунда кекса князь тўсатдан княжна Марья тўғрисида гапириб, унинг хурофотга берилгани, ўзининг сўзига қараганда бирдан бир содиқ дўсти бўлмиш мамзель Бурьенни ёқтирмаганлиги учун қоралади.

– Мен касал бўлсам, – деди кекса князь, – фақат княжна Марья дастидан касалман; бу киз атайлаб мени қийнайди, ғашимга тегади, ортиқча эркалаб, беҳуда гаплар билан кичкина князь Николайнинг тарбиясини бузаяпти. Кекса князь қизига ўзи азоб бераётганини, княжнанинг ҳаёти оғир-

¹ Княгиня – князьнинг хотини.

лигини яхши тушунар, лекин шу билан бирга, азоб бермай иложи йўқлигини ва қизи шунга сазовор эканлигини ҳам биларди. Кекса князь ўз-ўзича: «Нима учун князь Андрей шуларни кўриб туриб опаси ҳақида менга ҳеч нарса демайди? Ёки у мени бекордан бекорга ўз қизидан совиб, француз аёлни ўзига маҳрам қилиб олган бадқирдор ва аҳмоқ бир чол деб ўйлайдими? У сиртдан воқиф эмас, шунинг учун ҳам буни тушунтириш, кулоғига қўйиб қўйиш керак», дер эди кекса князь. У қизининг бемаъни феъл-у атворига нима сабабдан чидаёлмаслигини тушунтира кетди.

– Агар мендан сўрасангиз, – деди князь Андрей отасига карамасдан (умрида биринчи мартаба у ўз отасини қоралаётган эди), – мен-ку гапирмоқчи эмас эдим, лекин сиз сўрагандан кейин бу ҳақда ўз фикримни очик айтмоқчиман. Агар Маша билан орангиз бузук бўлса, бунинг учун Маша айбдор деб айтолмайман, чунки сизни нақадар яхши кўриши ва эҳтиром қилишини биламан. Модомики мендан сўраяпсиз, – давом этди князь Андрей тажанг бўлиб, чунки сўнгги кунларда ҳар бир нарса унинг ғашига тегадиган бўлиб қолган эди, – мен фақат бир нарсани айтаман: агар ораларинг бузук бўлса, бунинг бирдан бир сабабчиси Машага дугона бўлишга нолойиқ ярамас аёлдир.

Чол аввал кўзларини бақрайтириб ўғлига қаради, кейин кемтик тишини ғайритабиий тарзда кўрсатиб (князь Андрей бунга ҳеч ўрганолмаётган эди) илжайди.

– Қанақа дугона, а, чироғим? А? Дарров чақибди-да?

– Ота, мен қозилик қилмоқчи эмас эдим, – деди тутакиб кетган князь Андрей жеркиб, – лекин сиз мажбур қилганингиздан кейин ўз фикримни айтдим ва яна айтаманки, айб княжна Марьяда эмас, француз аёлда...

– Аллақачон ҳукм ҳам чиқарибсан-ку!.. Ҳукм чиқарибсан-ку! – деди чол князь Андрейнинг назарида мустар бўлгандай паст товуш билан, кейин бирдан тутакиб, ўрнидан сапчиб турди-да: –Йўқол! Йўқол кўзимдан! Бу даргоҳга минбаъд кадам қўйма!.. – деб бақирди.

Князь Андрей дарҳол жўнаб кетмоқчи бўлган эди, бироқ княжна Марья яна бир кунгагина қолишини сўради. Ўша

куни князь Андрей отасининг кўзига кўринмади, чол ҳам уйдан чиқмади, мамзель Бурьен билан Тихондан бўлак ҳеч кимни олдига киргизмади, чол ўғли кетган-кетмаганлигини бир неча марта улардан сўради. Эртаси куни жўнашдан олдин, князь Андрей ўғлининг бўлмасига кирди. Соғлом, онасига ўхшаш сочлари жингалак ўғилчаси тиззасига ўтирди. Князь Андрей ўғлига Кўк Сокол эртагини бошлади-ю, бироқ тамом килломай, ўйланиб қолди, у тиззасига ўтирган ширингина ўғилчаси тўғрисида эмас, ўзи тўғрисида ўйлаб кетди. Отасининг жаҳлини чиқаргани учун пушаймон бўлмаётганини, умрида биринчи мартаба отаси билан уришиб кетаётганидан афсусланмаётганини сезиб, даҳшатга тушди. Ҳаммадан кўра уни ҳайратга солган нарса шу бўлдики, эркаламоқчи бўлиб тиззасига ўтқазган ўғилчасини илгаригидай суя олмади, кўксига меҳр пайдо бўлмади.

– Ҳа, гапирсангиз-чи, – дер эди ўғли. Князь Андрей ўғлига жавоб қайтармай, уни тиззасидан олиб ерга қўйди-ю, уйдан чиқиб кетди.

Князь Андрей кундалик машғулотларини тарк этиб, бахтли бўлган илгариги ҳаёт шаронтига қайтадан тушиши биланоқ ғам-ғусса аввалгидай уни қамраб олди, князь Андрей бу хотиралардан тезроқ қутулиш ва тезроқ бирон машғулот топишга ошиқди.

– Чинакам кетадиган бўлдингми, Андрей? – деди опаси.

– Худога шукурки, кетяпман, – деди князь Андрей, – таассуфки, сен кетолмайсан.

– Қўй шунақа гапларни, – деди княжна Марья, мудҳиш урушга кетаётганингда, отамиз қариб қолган чоғларида бунақа гапларнинг нима кераги бор! Сени йўқлабдилар, мамзель Бурьен айтди... – Шу гапни айтиши биланоқ княжна Марьянинг лаблари титраб, кўзларидан ёш томди. Князь Андрей юзини ўтириб, уйда у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

– Ё раббий! Ё раббий! – деди князь Андрей, – икки пулга арзимайдиган махлуқлар одамларнинг бахтсизлигига сабаб бўлса-я! Бу гапни у шу қадар ғазаб билан айтдики, ҳатто княжна Марья кўркиб кетди.

Князь Андрей икки пулга арзимайдиган махлуқлар

деганда фақат княжнани бахтсиз қилган Мамзель Бурьенни эмас, балки ўзининг ҳам бахтини қора қилган одамни кўзда тутган эди.

– Андрей, фақат бир нарсани ёлвориб сўрайман, – деди княжна Марья князь Андрейни тирсагидан ушлаб ва ёш оқиб парпираб турган кўзларини унга тикиб, – мен ҳаммасига тушунапман (княжна Марья ерга қаради). Бу кулфатни одамлар бошимга солди деб ўйлама. Одамлар фақат унинг қуроли, холос. – У князь Андрейнинг бошидан баландроққа – киши суратнинг таниш нуқталарига қандай дадил ва ишонч билан қараса, шундай қаради. – Ғам-у кулфатни одамлар эмас, унинг ўзи юборади. Одамлар унинг кўлида фақат бир қурол, айб уларда эмас. Назарингда, биров ёмонлик қилгандай кўринса, буни унут, кечир. Бировни жазолашга бизнинг ҳақимиз йўқ, ўшанда афв этиш бахти нима эканлигини биласан.

– Хотин бўлганимда шундай қилар эдим, Марья. Бу фазилят хотинларга хосдир. Лекин эркаклар унутмаслиги, афв қилмаслиги керак, – деди князь Андрей, гарчи шу чоғгача Курагин ҳақида ўйламаган бўлса ҳам, бирдан юрагида қондирилмаган ўч-алам жўш уриб кетди. «Модомики княжна Марья кечиришни сўрапти, демак, мен аллақачонлар унинг жазосини беришим керак экан», – деди ўзича ва княжна Марьянинг сўзига жавоб бермасдан, Курагинни учратган пайтдаги (унинг армияда эканлигини биларди) ўша қувончли ва аламли дақиқани ўйлаб кетди.

Княжна Марья укасига ёлвориб яна бирон кун қолишини сўради, отаси билан ярашмай кетса, мўйсафид отаси қаттиқ азоб чекишини айтди, лекин князь Андрей, эҳтимол, армиядан тезда қайтиб келарман, отамга хат ёзиб, у кишини хотиржам қиламан, ҳозир бу ерда қанча узоқ турсам, бу ярашунча кўп азоб беради, деб жавоб қилди.

Хайрлашаётганида опасининг шу сўнгги сўзлари унинг қулоғига кирди:

– Андрей, хайр! Шунинг эсингда тут-ки, бахтсизлик худодан келади, бандалари ҳеч қачон айбли эмас. Князь Андрей Лисие Гори хиёбонидан чикиб кетар экан, ўз-ўзича

ўйлар эди: «Ҳа, шундоқ бўлиши керак! Миясини еган чолга бу бечора муштипар киз ем бўлади. Чол ўз кусурини билса ҳам, лекин феълини ўзгартиролмайди. Менинг ўғилчам ўсяпти, ҳаётни кўриб қувоняпти, лекин у ҳам бошқалар каби бу ҳаётда ё алданади ва ё алдамчи бўлади. Мен армияга кетяпман, лекин нима учунлигини ўзим ҳам билмайман, фақат истагим шуки, балодан багтар ёмон кўрадиган одамимни учратсам-у, мени ўлдириш ҳамда мендан кулиш учун унга имкон берсам!»

Ҳаёт шароити илгари ҳам шундай эди, лекин илгари буларнинг ҳаммаси ковушиб турар эди. Энди эса парчаланиб кетди. Князь Андрейнинг тасаввурида буларнинг ҳаммаси бир-бирига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, беҳуда ҳодисалардан иборат эди.

IX

Князь Андрей июнь ойининг охирида армия бош штабига етиб келди. Подшо бирга бўлган биринчи армиянинг кўшинлари Дрисса ёнидаги истехком лагерига жойлашган; иккинчи армия кўшинлари эса биринчи армияга қўшилиш ниятида (французларнинг йирик кучлари уларни биринчи армиядан ажратиб қўйган дейишарди) орқага чекиномқда эди. Рус армиясида уруш ҳаракатларининг умумий боришидан ҳамма норози бўлса ҳам, лекин душмanning рус губернияларига бостириб кириш хавфи ҳақида ҳеч ким ўйламас, уруш ғарбий Польша губернияларидан нари ўтиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмас эди. Барклай де Толли армиясига тайинланган князь Андрей у билан Дрисса қирғоғида танишди. Лагерь атрофида биронта дурустроқ жой ва ё каттароқ қишлоқ бўлмагани учун, армия қошидаги бир талай генерал ва сарой аҳиллари ўн чақиримча масофада, дарёнинг иккала қирғоғидаги энг яхши қишлоқ уйларига жойлашган эди. Барклай де Толли подшодан тўрт чақирим нарида қарор тошган эди. У Болконскийни илтифотсизлик билан совуққина қарши олди ва сўзларни немисча

талаффуз қилиб, келганингиз ҳақида подшога маълумот бераман, бирон вазифага тайинланарсиз, ҳозирча менинг штабимда хизмат қилиб тулинг, деди. Князь Андрей Анатолий Курагин шу армияда бўлса керак деб ўйлаган эди, бироқ у бу ерда эмас, Петербургга кетган экан. Буни эшитиб князь Андрей қувонди. Зўр уруш марказидаги ишлари князь Андрейнинг фикр-у хаёлини банд қилди ва у Курагин ҳақидаги ўй-хаёллар туғдирган ташвишдан бирмунча вақт кутулгани учун хурсанд бўлди. Дастлабки тўрт кун давомида князь Андрейни ҳеч қачон чакиринмади, шундан фойдаланиб, у барча лагерь истеҳкомларини айланиб чиқди, ҳамда ўз билимига таяниб, бу ишлардан хабардор одамлар билан суҳбатлашиб, мустаҳкамланган лагерь ҳақида бирор тушунча ҳосил қилмоқчи бўлди. Лекин бу лагернинг қанчалик қулай-ноқулайлигини князь Андрей аниқлолмади. У ўз тажрибасидан шуни билар эдики, ҳарбий ишда энг чуқур ўйлаб тузилган режа ҳам иш бермаслиги мумкин (Аустерлиц сафарида буни ўз кўзи билан кўрган эди), ҳамма гап душманининг кўккисдан ва қутилмаган жойдан қилган ҳужумини даф этишга ва бу ишни ким қандай олиб бораётганига боғлиқ. Князь Андрей сўнги масалани ечиш учун ўз мавқеи ва таниш-билишларидан фойдаланиб армиянинг идора қилиниши, бунда иштирок қилаётган шахслар ва фирқаларнинг характерини тушуниб олишга ҳаракат қилди ва ҳозирги вазият ҳақида қуйидаги хулосага келди.

Подшо Вильнода экан чоғида армия учга бўлинибди. Биринчи армия Барклай де Толли кўмондонлиги остида, иккинчи армия Багратион, учинчи армия Тормасов кўмондонлиги остида эди. Подшо биринчи армия қошида бўлса ҳам, бош кўмондон эмас эди. Буйруқларда подшо кўмондонлик қилади деб эмас, балки армия қошида бўлади, деб ёзилганди. Бундан ташқари, подшо ихтиёрида бош кўмондон штаби эмас, балки император бош қароргоҳининг штаби бор эди, холос. Унинг ҳузурда император штабининг

бошлиғи генерал-квартирмейстер¹ князк Волконский, генераллар, флигель-адъютантлар², дипломат мансабдорлар ва бир талай хорижликлар бор эди-ю, аммо армия штаби йўқ эди. Бундан ташқари, подшо хузурида бирор лавозим эгаси бўлмаган кишилар: собик ҳарбий министр Аракчеев, энг баланд рутбали генерал граф Бенигсен, буюк князь шаҳзода Константин Павлович, канцлер³ граф Румянцев, собик Пруссия министри Штейн, швед генерали Армфельд, уруш кампанияси режасининг бош тузувчиси Пфуль, сардиниялик муҳожир генерал-адъютант Паулучи, Вольцоген ва ҳоказолар бор эди. Бу шахслар армия қошида бевосита бирон ҳарбий лавозимда бўлмаса ҳам, лекин ўз мавқеларига кўра нуфузлари бор эди: Бенигсен ё буюк князь, ё Аракчеев ва ёки князь Волконский ким сифатида ишга аралашяпти ё фалон маслаҳатни берапти, бу фармон ва маслаҳатларни ўз номидан бераптими ё подшо номиданми, бу фармонни бажариш керакми, йўқлигини аксар вақт корпус бошлиғи ва ҳатто бош кўмондон сира билмас эди. Лекин бу фақат ташқи вазият эди, ҳақиқатда эса подшо ва барча сарой аъёнлари (подшо хузурида бўлгандан кейин ҳамма сарой аъёнлари бўлиб қолади) бу ерда бўлишининг моҳияти, сарой нуктаи назаридан қаралганда, ҳаммага маълум эди. Бунинг туб маъноси шундан иборат эди: подшо бош кўмондонлик лавозимини расмий қабул қилмаган бўлса ҳам, лекин бутун армияга амру фармон бериш ҳукукига эга, атрофидаги одамлар эса унинг ёрдамчиси. Аракчеев тартиб-интизомга мутасадди бўлган содиқ нозир ва подшонинг шахсий муҳофазачиси; Бенигсен Вильно губерниясининг помешчиги⁴ бўлиб, гўё ўлкани подшони қабул қилиш иши билан банд қиларди, аммо

¹ **Квартирмейстер** (немисча: Quartiermeister ёки инглизча Quartermaster) – 1) умум-қўшин кўмондонлигидаги ҳарбий унвон. Ҳозирги вақтда штурман ёрдамчисига нисбатан қўлланилади; 2) озиқ-оқват бўйича мудир.

² **Флигель-адъютант** – ҳарбий унвон. Император, маршалл, фельдмаршалл ҳарбий кўмондон ва шу каби юксак ҳарбий лавозимдаги шахсларнинг доимий ёрдамчиси.

³ **Канцлер** (немисча: Kanzler) – баъзи мамлакатларда олий давлат лавозими ва шу лавозимдаги амалдор.

⁴ **Помешчик** – (русча: поместье – «хизматлари учун берилган чек ер») – Чор Россиясида, шунингдек, ер хусусий мулк бўлган мамлакатларда катта ер эгаси.

аслида эса ишбилармон генерал, яхши маслаҳатчи бўлгани учун истаган вақтда Барклайни алмаштирмақ мақсадида сакланиб келмоқда эди. Буюк князь ўз истагига кўра армия қошида эди. Собиқ вазир Штейн фойдали маслаҳат бера билгани ва шахсий фазилатларига император Александр юксак баҳо бергани учун шу ерда эди. Армфельд Наполеонни бениҳоя ёмон кўргани ва ўзига ишонган генерал бўлгани учун Александрга ҳамиша таъсири зўр эди. Паулучи дадиллиги ва гапга чечанлиги учун подшога ёқар эди. Генерал-адъютантлар эса подшо қаерда бўлса улар ҳам ўша ерда бўлишлари керак бўлгани учун шу ерда эдилар, ниҳоят, Пфуль бу ердалигининг асосий сабаби шуки, у Наполеонга қарши уруш режасини тузган ва бунинг мувофиқ режа эканлигига Александрни ишонтира билиб, бутун уруш ишларига раҳбарлик қилаётган эди. Пфулнинг қўл остида Вольцоген ишларди. Вольцоген Пфулнинг фикрини ўзидан кўра тушунарли қилиб айтиб бера оладиган, ўзига бино кўйган, кўрс, ҳаммага нафрат кўзи билан қарайдиган кабинет назариячиси эди.

Номлари юқорида айтилган бу рус ва хорижликлардан (айниқса, ёт муҳитда жуда серҳаракат бўлиб қоладиган кишиларга хос бир жасорат билан ҳар кун кутилмаган янги фикрлар таклиф қиладиган хорижликлардан) ташқари яна армия қошида жуда кўп иккинчи даражали кишилар — бошлиқлари кетидан келган одамлар бор эди.

Мана шу улкан, серташвиш, ялтироқ ва мағрур киборлар оламидаги ҳукм сурган барча фикр ва товушлар орасида князь Андрей бир-биридан кескин тарзда ажралиб турадиган куйидаги оқим ва гуруҳларни кўрди.

Биринчи гуруҳга Пфуль ва унинг маслақдошлари — уруш илми бор, бу илмнинг душманни айланиб ўтиш, орқадан зарба бериш қонунини деб аталган ўзгармас қонун-қоидалари бор деб маҳкам туриб олган уруш назариячилари кирар эди. Пфуль ва унинг маслақдошлари уруш назарияси деб аталган бу уйдирма назариянинг қонунига мувофиқ мамлакат ичкарироғига чекинишни талаб қилишар, бу назарияга риюя қилинмасликни жаҳолат, маърифатсизлик ва ёки ёвуз

ният натижаси деб билишар эди. Бу гуруҳга немис шахзодалари, Вольцоген, Винцингероде ва бошқалар – кўпрок немислар кирар эди...Иккинчи гуруҳ биринчи гуруҳнинг тескараси эди. Одатда бир-бирига қарши икки оқим юз берганда бир оқимнинг вакилларига қарши бўлган иккинчи оқимнинг ҳам вакиллари бўлади. Бу гуруҳга мансуб бўлган кишилар Вильнони ташлаб чиққандан бери Польшага қараб хужум қилишни, олдин тузилган ҳар қандай режадан воз кечишни талаб қилишар эди. Бу гуруҳнинг вакиллари жасурлик билан ҳаракат қилиш тарафдорларининг намояндаси эди, бундан ташқари, булар яна миллат вакили ҳам эди ва бунинг натижасида мунозараларда яна ҳам бир томонламалик юз берди. Булар Багратион, кун сайин мартабаси ошиб бораётган Ермолов ва бошқа руслар эди. Шу кунлари Ермоловнинг бир ҳазили тилларга дoston бўлган эди, гўё у подшодан лутф-марҳамат этиб, мени немис қилиб қўя қолдинг деб илтимос қилган эмиш. Бу гуруҳга мансуб бўлган шахслар Суворовни эслаб, харитага нина санчиб, ўйлаб ўтириш керакмас, балки олишиш, душманни янчиш, Россия тупроғига киргани унга йўл бермаслик, қўшинлар руҳини тушишига йўл қўймаслик керак, дейишар эди.

Подшога кўпрок мансур бўлган учинчи гуруҳга иккала оқим орасида битим ясаш билан овора бўлган сарой аҳиллари кирар эди. Асосан ғайриҳарбий кишилардан ташкил тошган ва Аракчеев мансуб бўлган бу гуруҳнинг одамлари ҳеч қандай ақидага эга бўлмасалар ҳам, ўзларини бирор ақида эгаси қилиб кўрсатишга уринадиган шахслар тоифасидан эди. Уруш, дейишарди улар, айниқса Бонапарте (уни яна Бонапарте деб аташар эди) каби даҳога қарши уруш энг чуқур муҳокама, чуқур билим талаб қилади ва бу ишда Пфулдан донороқ киши йўқ, лекин шу билан бирга, назариячилар аксар бир томонлама бўлишини ҳам эсдан чиқармаслик керак, шунинг учун ихтиёрни батамом улар қўлига бермасдан, Пфулга қарши бўлганларнинг сўзига, яъни ҳарбий ишда тажриба орттирган, ишбилармон шахсларнинг сўзига қулоқ солиб, ўртача бир ҳулоса чиқариш керак, дейишар эди.

Бу гурухга мансуб бўлган кишилар Дрисса лагерини Пфуль режасига мувофик мудофаа қилиб, бўлак армияларнинг ҳаракатини ўзгартириш керак, дейишар эди. Гарчи бу йўл билан ҳеч қандай мақсадга эришиб бўлмаса ҳам, бу тадбир шу гурух одамларининг назарида дуруст кўринарди.

Тўртинчи оқимнинг энг кўзга кўринган намояндаси Аустерлиц майдонида таъзир еганини унутолмаган буюк князь, валиаҳд шаҳзода эди, буюк князь ўшанда худди кўрикка чиқаётгандай бошида каска, эгнида қолет¹, гвардиячиларнинг олдига тушиб, французларни мардларча мажақлаб ташлайман деб Аустерлиц жанг майдонига борган ва тўсатдан биринчи маррага чиқиб қолиб, тўполонда аранг қочиб кутулган эди. Бу оқимга мансуб бўлган одамларнинг муҳокамадаги самимийлиги уларнинг ҳам фазилати, ҳам нуқсониди эди. Улар Наполеондан кўркишар, унинг зўр кучга эга эканлигини ҳам, ўзларининг заифлигини ҳам сезишар ва бунга ошқора иқрор бўлишар эди. Улар шундай дейишарди: «Бу ишнинг оқибати кулфат, шармандагарчилик ва ҳалокат бўлади! Мана, биз Вильнони ташлаб чиқдик, Витебскни ташлаб чиқдик, бугун-эрта Дриссани ҳам ташлаб чиқамиз. Қўлимиздан келадиган бирдан бир оқилона иш – иложи борича, тезроқ бизни Петербургдан қувиб чиқармасларидан бурун сулҳ тузмоқдир!»

Армиянинг юкори доираларида кенг тарқалган бу нуқтаи назарни Петербургда ҳам, давлат ишларига доир сабаблар нуқтаи назаридан сулҳ тарафдори бўлган канцлер Румянцев ҳам ёқлар эди.

Бешинчи оқимга Барклай де Толли мухлислари кирар эди, унга яхши киши бўлгани учун эмас, балки ҳарбий вазир ва бош кўмондон бўлгани учун мухлис бўлган одамлар кирар эди. Қанақа одам бўлса ҳам, (гапни ҳаминша шундай бошлашар эди) ҳалол, ишбилармон одам, бу лавозимга ундан мувофиқроқ одам йўқ. Ҳақиқий ҳокимиятни унинг қўлига топшириб кўринг (чунки бошлик битта бўлмагунча уруш муваффақият қозонмайди), ўшанда у Финляндиядаги

¹ Қолет – одлик аскарларнинг қалта кийими.

сингари нималарга кодир эканлигини кўрсатади. Агар армиямиз яхши ташкил этилган ва кучли бўлиб, Дриссагача ҳеч қандай мағлубиятсиз чекинган бўлсак, бунинг учун фақат Барклайдан миннатдор бўлишимиз керак. Аммо ҳозир Барклай ўрнига Бенигсенни қўйишса, ҳамма иш хароб бўлади, чунки Бенигсен ўзининг қобилиятсизлигини 1807-йилда кўрсатган эди, дейишарди бу гуруҳга мансуб бўлган шахслар. Олтинчи гуруҳга мансуб бўлган бенигсенчилар эса аксинча, ҳар қалай, Бенигсендан уддабурон ва тажрибали киши йўқ, минг қилсанг ҳам, яна ўшанга ялинасан, дейишар эди. Бу гуруҳга тааллуқли кишилар, Дриссагача чекинишларимиз энг шармандали мағлубият ва кетма-кет хатолар натижаси бўлди, деб жар солишар эди. «Қанча кўп хато қилинса, — дейишарди улар, — шунча яхши, доақал, шу аҳволда иш олиб бориш мумкин эмаслиги аён бўлади-ку. Ахир бизга Барклайга ўхшаган эмас, балки 1807-йилда ўзини кўрсатиб, Наполеонни ҳам қўйил қолдирган Бенигсендек одам керак, шундай одам керакки, унинг ҳукмига ҳамма бўйин эгсин ва шундай одам фақат Бенигсендир».

Еттинчи гуруҳга ҳаммаша подшолар, хусусан, ёш подшо-лар атрофида бўладиган ва, айниқса, император Александр саройида кўп бўлган шахслар — генераллар ва флигель-адъютантлар — подшони император сифатида эмас, балки инсон сифатида яхши кўрадиган, Ростов 1805-йилда уни қандай яхши кўрган бўлса, шундай беғараз ва самимият билан севадиганлар, унинг сиймосида фақат яхши фазилатларни эмас, балки барча инсоний хислатларни кўрадиган шахслар кирар эди. Бу шахслар бош кўмондонликни ўз қўлига олишдан воз кечган подшонинг камтарлигига қўйил бўлишса ҳам, лекин бу ортикча камтарликни қоралашарди, уларнинг бирдан бир истак ва талаби шу эди: мухтарам подшо ўзига бўлган ортикча эътиходсизликни йиғиштириб қўйиб, кўмондонликни ўз қўлимга олдим деб рўй-рост айтсин, ўз ҳузурида бош кўмондон штаб-квартирасини ташкил этсин, керак бўлганда тажрибали назариячи ва урушдан хабардор кишилар билан маслаҳатлашиб, кўшинларга ўзи кўмондонлик қилсин, ўшанда армиянинг руҳи

ниҳоят даражада кўтариллади.

Саккизинчи гуруҳ, энг катта гуруҳ бўлиб, сонининг кўчилиги жихатидан бошқа гуруҳларга нисбатан юздан 99 ни ташкил қилар эди, уларнинг уруш билан ҳам, сулҳ билан ҳам, хужум билан ҳам, Дрисса ва ё бошқа бирон жойда мудофаа истехкоми куриш билан ҳам, Барклай ва подшо билан ҳам, Пфуль ва Бенигсен билан ҳам иши йўқ эди, буларнинг бирдан бир тилаги бу урушдан ўзлари учун кўпроқ фойда чиқариш ва кайф-у сафо суриш эди, холос. Подшо бош штабидаги бир-бирига чапишиб, чалкашиб кетган фитна-фасод оқидамида бўлак вақтда эришиш амри-маҳол бўлган кўп нарсаларга эришмоқ мумкин эди. Бири қулай мавқеини йўқотишдан қўрқиб, бугун Пфулнинг фикрига қўшилса, эртага унинг муқобиллари фикрига қўпи-лар, индинига эса масъулиятдан қочиш ва подшога ёқин мақсадидагина ҳаммага маълум бўлган нарса ҳақида ҳеч қандай фикри йўқлигини айтар эди. Яна бир хил тамагирлар кеча подшо ишора қилган бирон нарсани баланд товуш билан айтиб, унинг диққатини ўзига тортар, кенгашда кўкра-гига уриб, қизгин мунозара қилар, фикрига қўшилма-ганларни дуэлга чақирар ва шу билан умумий манфаат йўлида ўзини қурбон қилишга тийёр эканлигини кўрсатган бўлар эди. Учинчи хиллари икки кенгаш орасида, душман-лари бўлмаган пайтини пойлаб ҳамда ҳозир рад этишга фурсат йўқлигини билиб, қилган хизматлари учун подшодан бир йўла ёрдам сўрар эди. Тўртинчиси подшонинг кўзи тушиб қолган пайтда жон-дили билан ишга ёпишган бўлар-ди. Бешинчиси кўпдан бери орзу қилиб келган нарсасига эришмоқ – подшога ҳамтовоқ бўлмоқ шарафига нойил бў-лиш учун майдонга чиққан янги фикрнинг тўғри ёки нотўғрилигини қуйиб-пишиб исботлар, бунинг учун ҳар хил, озми-кўпми, ҳаққоний далиллар кўрсатар эди.

Бу гуруҳга мансуб кишиларнинг ҳаммаси пул, нишон, рутбага тузоқ кўяр ва подшо лутф-карамининг флюгери¹ қайси томонга бурилганини кузатар, флюгер бирон ёкка

¹ Флюгери – шамолнинг йўналишини ва кучини кўрсатадиган асбоб.

бурилли дегунча армиядаги бу текинхўрлар ўша томонга қараб пуфлар ва шундан кейин подшо ўз флюгерини бошқа томонга йўналтиргани қийналар эди. Аҳволнинг дудмаллиги, ҳамма нарсага таҳликалий тус берган хавф жиддий таҳдид қилаётган, фитна-фасод худбинлик ва тўқнашувлар кучайган маҳалда, одамлари турли қабилда, нуқтаи назар ва туйғулар қарама-қарши бўлган пайтда бу саккизинчи гуруҳ, ўз шахсий манфаатинигина кўзлайдиган энг йирик гуруҳ — умумий ишни чалкаштирар ва бузар эди. Бирон масала кўтарилиди дегунча бу текинхўрлар эски масала устида хали ҳеч қандай фикр юргизмасданоқ дарров янгисига ёпишар, ғала-ғовур кўтариб, чинакам мунозара қилаётган кишиларнинг товушини бўғар, босар эди.

Князь Андрей армияга келган кунлари мана шу гуруҳлар ичидан яна бошқа бир гуруҳ — энди овоз чиқара бошлаган тўққизинчи гуруҳ ташкил топаётган эди. Бу гуруҳ қарама-қарши фикрларнинг биронтасига қўшилмасдан туриб, бот қароргоҳ штабида бўлаётган барча ишларга тамоман бошқа назар билан қарайдиган, иккиланиш мужмаллик, чалкашлик ва заифликдан қутулиш тадбирларини ўйлашга қодир бўлган, давлат ишларида тажриба орттирган кекса, мулоҳазали кишилар гуруҳи эди.

Бу гуруҳга мансуб бўлган кишилар: барча бехудагарчиликлар асосан подшо ўз харбий аркони билан армия қошида бўлгани туфайли юз беряпти; саройда жоиз бўлиб, армияда зарарли бўлган ўша ноаниқ шартли ва ноустувор муносабатлар армияга кўчирилган; подшо қўшинни идора қилмасдан, подшолик қилиши керак; бу аҳволдан қутулишнинг бирдан бир йўли — подшо ўз аркони давлати билан армиядан кетишидир; подшонинг армияда бўлиши шахсий хавфсизлигини таъминлаш учун керак бўлган эллик минг аскарни банд қилиб кўяди, энг ёмон бўлса ҳам, мустақил бўлган бош қўмондон, подшо итоатида ва ҳукмида бўлган энг яхши бош қўмондондан афзалроқдир, деб ўйлар ва шу фикрларини айтар эдилар.

Князь Андрей Дрисса истехкомида бекор юрган кунлари шу тўққизинчи гуруҳнинг йирик намояндаларидан бири

бўлган давлат котиби Шишков подшога мактуб ёзди ва бу мактубга Балашев билан Аракчеев имзо чекишга розилик берди. Бу мактубда Шишков, умумий аҳвол тўғрисида муҳокама юргизмоққа подшо берган ҳуқуқдан фойдаланиб, пойтахт аҳолисини урушга руҳлантирмоқ заруратини баҳона қилиб, эҳтиром билан ҳукмдорга армиядан кетишни таклиф қилди.

Подшо халқни руҳлантириши, ватан мудофааси учун халққа мурожаат этиши, Россиянинг зафар қозонишига асосий омил бўлган ўша халқни руҳлантириши (подшонинг шахсан Москвада бўлиши халққа жуда катта таъсир этган эди) зарурлиги ҳақида ёзилган мактуб Александрга тақдим этилди ва ҳукмдор армиядан қайтишга баҳона бўлган бу таклифни қабул этди.

Х

Бу мактуб подшонинг кўлига берилишидан олдин Барклай овқат маҳалида Болконскийга: шаҳаншоҳ шахсан сизни кўрмоқчи ва Туркия ҳақида баъзи бир нарсаларни сўрамоқчи, сиз соат олтида Бенигсен уйига марҳамат қилинг, деб қолди.

Шу куни подшо қароргоҳида Наполеоннинг армия учун хавф туғдирадиган ва кейинчалик нотўғри чиққан янги бир ҳаракати ҳақида маълумот олинган эди. Ўша куни эрталаб полковник Мишо подшо билан бирга Дрисса истеҳкомлагерини айланиб чиққан ва Пфуль томонидан тузилиб, шу маҳалгача тактиканинг энг юқори камолот нуктаси ҳисобланган, Наполеоннинг маҳв этиши лозим бўлган бу истеҳком икки пулга арзимаслигини ва рус армиясини ҳалокатга учратиши мумкинлигини исботлаб берган эди.

Князь Андрей генерал Бенигсеннинг уйига келди, Бенигсен дарё бўйида, бир помешчикнинг унча катта бўлмаган ҳовлисида турар эди. Болконский келганда ҳали Бенигсен ҳам, подшо ҳам йўқ эди: лекин шохнинг генерал-адъютанти Чернишев князь Андрейни қабул қилди ва подшо

генерал Бенигсен ва маркиз¹ Паулучи билан шу бутуннинг ўзида-иккинчи мартаба Дрисса истехком-лагерини кўргани кетганини, бу лагерьнинг қулайлигига катта шубҳа туғидиб қолганини айтди.

Чернишев кўлида французча роман, олдинги уйнинг деразаси олдида ўтирган эди. Бу уй илгари зал бўлган бўлса керак, унда устида гиламлар уйилиб ётган орган², бир бурчагида Бенигсен адъютантининг буклама каравоти турарди. Адъютант ҳам шу ерда эди. У тунги базмдан, ё ишдан тинкаси қуриб келган бўлса керак, йиғиштирилган тўшак устида мудраб ўтирган эди. Залнинг бир эшиги илгари меҳмонхона бўлган хонага тўғри очилар, иккинчиси ўнга, кабинетга очилар эди. Биринчи эшикдан немис, ҳар замон француз тилида гашираётган кишиларнинг овози эшитиларди. У ерда, илгари меҳмонхона бўлган хонада подшонинг хоҳишига кўра ҳарбий кенгаш эмас (подшо дудмаликни яхши кўрар эди), балки баъзи бир зотлар йиғилган эди, подшо олдида турган қийинчиликлар ҳақида буларнинг мулоҳазасини эшитмоқ истарди. Бу ҳарбий кенгаш эмас, балки баъзи бир масалаларни шахсан шох учун аниқлаш мақсадида йиғилган мумтоз кишилар кенгаши эди. Бу кенгаш тахлит йиғилишга швед генерали Армфельд, генерал-адъютант Вольцоген, қочоқ француз табааси деб Наполеон лақаб қўйган Винцингероде, Мишо, Толь, ҳарбий ишга сира алоқадор бўлмаганлардан граф Штейн ва ниҳоят княз Андрейнинг эшитишига караганда бутун бу ишларнинг ўзаги бўлган Пфулнинг ўзи таклиф қилинган эди. Орадан кўп ўтмай, князь Андрейдан кейин Пфуль келди ва меҳмонхонага кираётганда тўхтаб, Чернишев билан гаплашиб қолди, князь Андрей, мана шу фурсатдан фойдаланиб, унга яхшигина разм солди.

Пфуль беўхшов тикилиб, масҳарабоз кийими сингари

¹ Маркиз(а) (*французча*) – 1) Франклар давлатида маркграфга тўғри келувчи унвон; 2) ўрта асрда Франция ва Италияда йирик мулкдор, ўз мавқеига кўра, табақавий поғонада герцог ва граф ўртасида турган; 3) Франция ва Италияда, XIV-XV асрлардан эса Англия, Испания ва Португалияда меросий дворянлик унвони.

² Орган – мусиқа асбоби.

ёпишмай турган рус генерали мундирида князь Андрейга (илгари кўрмаган бўлса ҳам), дафъатан қараганда танишдай кўринди. Пфуль гарчи князь Андрей 1805-йилда кўришга муваффақ бўлган Вейротерга, Макга, Шмидтга ва жуда кўп немис назариячи генералларга ўхшаб кетса ҳам, лекин уларнинг ҳаммасидан кўра тирик генерал эди. Ўша немисларда бўлган барча хислатларни ўзида мужассамлаштирган бунақа назариячи немисни князь Андрей ҳеч қачон кўрмаганди.

Пфуль ўрта бўйли, жуда ориқ бўлса ҳам, лекин суяги йирик; куймичи¹ кенг, кураклари туртиб чиққан беўхшов гавдали немис эди. Унинг юзи буришган, кўзлари чўккан, чаккасидаги сочлари, афтидан, шошиб-пишиб чўтка билан силлиқланган, аммо орқа сочи хурпайиб чиқиб турар эди. У худди мана шу катта хонадаги ҳамма нарсадан ҳадик-сираётгандай, атрофга хўмрайиб кириб келди. Беўхшов ҳаракат билан қиличини ушлаб, Чернишевга юзланди ва немисчалаб подшо қаердалигини сўради. Пфулнинг таъзимтавозе ва салом-аликни тугатиб, дарҳол бу хоналардан ўтиб кетиш ва харита олдига бориб ўтиришни истагани билиниб турар, чунки ўшандагина унинг кўнгли жойига тушган бўлар эди. У Чернишевнинг сўзларига тез-тез бош иргатиб, подшо Пфулдай одам ўз билимига таяниб қурган истехкомни кўргани кетди, деган сўзни эшитиб истехзо билан кулимсиради. У ўзига ишонган немисларга хос бир йўсинда йўгон овоз билан: бемаъни ёки тарихий сарқит, ёки аҳмоқона... деб дўриллади. Князь Андрей унинг сўзини эшитмай қолди ва энди ичкарига кирмоқчи бўлаётган эди, Чернишев князь Андрей яқинда Туркиядан келганини, у ерда уруш муваффақиятли тугаганини айтиб Пфуль билан таништирди.

Пфуль князь Андрейга бир кўз ташлади-ю, кулиб: «Ҳа, уруш тўғри тактика асосида олиб борилган бўлса керак...», – деди. Ва таҳқиромуз тиржайиб, гурунг чиқаётган уйга кириб кетди.

¹ Куймичи – одам ва ҳайвонларнинг умуртка охиридаги бўғим-бўғим думчага ўхшаш суяги.

Ҳамиша сал нарсага зардаси қайнаб, пичинг киладиган Пфуль, афтидан, бугун жуда тажанг эди, чунки унинг ташаббуси билан қурилган истехкомни усиз қургани ва бу ҳақда мулоҳаза юргизишга жасорат этганлари унга ниҳоят даража қаттиқ ботганди. Князь Андрей шу қисқагина учрашиш вақтида Аустерлиц хотироти туфайли Пфулнинг шунақа одамлиги ҳақида аниқ бир тасаввур ҳосил қилди. Пфуль ўтакетган мағрур, айтган жойидан кесадиған қайсар кишилар тоифасидан эдики, немисгина шундай бўлиши мумкин. Бунинг ҳам сабаби шундаки, фақат немис мавҳум ғоялар – мутлақ ҳақиқатни биламан деган ҳаёлий илмга суюниб мағрур, мутакаббир бўлади. Француз шунинг учун мутакаббир бўладикки, у ақл-у идроким ва жисмим билан эркак ва аёлларни маҳлиё эта биламан, деб ҳисоблайди. Француз шунинг учун мутакаббир бўладикки, ўзини дунёда энг обод ва маъмур давлатнинг фуқароси деб ҳисоблайди ва шунинг учун инглиз сифатида ҳамиша нима қилиш кераклигини билади ва нимаики қилмасин, инглиз сифатида, сўзсиз яхши бўлади деб билади. Италиян шунинг учун мутакаббир бўладикки, у ҳамиша жонсарак, ўзини ҳам, ўзгани ҳам дарров унутиб қўяди. Рус шунинг учун мутакаббирки, у ҳеч нарсани билмайди, билишни ҳам истамайди, чунки бирон нарсани мукамал билиб олиш мумкинлигига ишонмайди. Немис ҳаммадан ҳам ёмонроқ, ҳаммадан ҳам қаттиқроқ, ҳаммадан ҳам баттолроқ мутакаббир бўлади, чунки у ўзи ўйлаб чиқарган, ўзи учунгина мутлақ ҳақиқат бўлган илмни билгани учун керилади. Пфуль ҳам, афтидан, мана шундай одам эди. Пфуль Буюк Фридрих жанглари тарихидан хулоса қилиб чиқарган илмга – душманни айланиб ўтиш назарияси деган таълимотга маҳкам ёпишиб олиб, янги уруш тарихида нимани кўрса, ҳаммасини маърифатсизлик, ваҳшийлик, аҳмоқона тўқнашув деб қарар, унинг бу урушда икки томон жуда кўп хатоларга йўл қўйгани учун ҳам бу урушларни уруш деб бўлмас, чунки улар бу назарияга тўғри келмас ва илмга мавзу баҳс бўлолмас эди.

Пфуль 1806-йили Иена ва Ауерштет билан тутаган урушнинг режасини тузганлардан эди, бироқ уруш оқибати-

ни у ўз назариясининг нотўғри эканлигига исбот деб билмади. Аксинча, унинг назариясидан четга чиқиш, унинг фикрича, барча муваффақиятсизликларга бирдан бир сабаб бўлди. У ўзига хос истеҳзо билан суюниб: «Ҳамма ипингиз чиппака чиқади деб айтмаганмидим», – дер эди.

Пфуль ўз назариясига жон-жаҳди билан ёпишиб, бу назариянинг асосий мақсади амалга татбиқ этиш эканлигини унутадиган назариячилардан эди. у назарияга тиш-тирноғи билан ёпишиб олгани учун ҳар қанақа тажрибани ёмон кўрар ва уни инкор этар эди. У ҳатто муваффақиятсизликдан суюнарди, чунки амалда назариядан четга чиқиш оқибатида юз берган муваффақиятсизлик, унинг назарияси тўғри эканлигини исботлар эди.

Пфуль князь Андрей ва Чернишевга шу урушнинг оқибати жуда ёмон бўлишини олдин билган ва бундан ҳатто норози бўлган одамдай уч-тўрт оғиз сўз қотди. Бўйнига тушиб хурпайиб турган бир тутам сочи ва шошиб-пишиб наридан-бери таралган чакка сочлари бундан далолат бериб турар эди.

У ичкарига кириб кетди ва дарҳол у ердан йўғон ҳамда ёқимсиз товуши эпитила бошлади.

XI

Князь Андрей Пфулнинг кетидан қарашга улгурмасдан уйга шошиб граф Бенигсен кириб келди ва Болконскийга бош иргатиб, тўхтамасдан адъютантга аллақандай амр-у фармонлар берди-ю, кабинетга кириб кетди. Орқадан подшо келмоқда. Бенигсен уни қарши олгани ҳозирлик кўриш мақсадида олдинроқ келган эди. Чернишев билан князь Андрей ташқарига чиқишди. Подшо ҳоригандай отдан тушмоқда, маркиз Паулучи унга алланарса деяётган эди. Подшо бошини сўл томонга қийшайтириб, қизишиб гапираётган Паулучига норози тарзда қулоқ солаётган эди. Подшо гапни қисқа қилиш ниятида бўлса керак, олға қадам қўйди, бироқ қизарган ва ҳаяжонланган итальян одобни ҳам унутиб, подшонинг кетидан гапириб бораверди.

– Олампадох, Дрисса истехкомини куришга маслаҳат берган кишининг... – деди Паулучи подшо зинадан чиқаётиб князь Андрейга кўзи тушган ва бу нотаниш ким экан деб унга зехн солаётган маҳалда. Паулучи худди ўзини тийишга ожизлик қилаётгандай, яна қизишиб давом этди:

– Олампадох, Дрисса истехкомини куришга маслаҳат берган кишининг ўрни, менимча, икки жой: ё жиннихона, ё дор. – Подшо италяннинг сўзига кулок бермагандай бўлиб князь Андрейга қаради ва уни таниб, лутфан деди:

– Яхши қилибсан келиб, улар йиғилган уйга кириб тур. Ҳозир кираман. – Подшо кабинетга ўтди. Унинг кегидан князь Пётр Михайлович Волконский билан барон¹ Штейн кирди-ю, эшик ёпилди. Князь Андрей подшонинг рухсатидан фойдаланиб, Паулучи билан (у билан Туркияда танишган эди) меҳмонхонага кирди, бу ерга кенгаш аҳли йиғилган эди. Князь Пётр Михайлович Волконский гўё подшонинг штаб бошлиғи лавозимини адо этар эди. Волконский кабинетдан чиқиб меҳмонхонага бир неча харита олиб келди ва уларни стол устига ёзди-да, йиғилган зотларнинг муҳокамасига қўйиладиган масалани ўртага солди. Аҳвол шундай эди: шу бугун кечаси французлар Дрисса лагерини четлаб ўтаётгани ҳақида (кейинчалик бу хабар нотўғри чиқди) маълумот олинган эди.

Биринчи бўлиб генерал Армфельд сўзга чиқди. У юз бериши мумкин бўлган қийинчиликларга йўл бермаслик учун тўсатдан сира изоҳлаб бўлмайдиган (менинг ҳам фикрим бўлиши мумкин деган мулоҳаза билан) бир таклиф киритди, унинг фикрига кўра, армия бир-бирига қўшилиб, Москва ва Петербург йўлидан четроқда мавқе инғол этиши ва душманни кутиши керак эди. Армфельд бу режани кўпдан бери ўйлаб юргани, уни ўртага ташлашдан мақсад

¹ Барон (*французча: baron* ёки *лотинча: baronis* – анқов, лапашанг; ёлпанма аскар) – Ғарбий Европада ўрта асрларда киролининг бевосита вассали; кироли кенгаши аъзоси. Кейинчалик Ғарбий Европа зодагонлари, дворянларининг графдан бир поғона паст унвони ва шундай унвон олган киши (барон – эркак кишига нисбатан, баронесса – аёл кишига нисбатан). Барон унвони Англияда виконт унвонидан қуйи саналган. Франция ва Германияда барон унвони граф унвонидан қуйи турган.

кўйилган масалага жавоб беришдан кўра (бу режа унга жавоб бўлолмас эди) кўпроқ пайтдан фойдаланиб, ўзини кўрсатмоқчи бўлаётгани кўриниб турар эди. Уруш қандай характер касб этиши ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмасдан туриб қилинган миллионларча таклифлар қандай асосли бўлса, бу таклиф ҳам шундай асосли бўлиши мумкин эди. Баъзилар унинг таклифига эътироз билдирди, баъзилар ёқлади. Ёш полковник Толь швед генералининг фикрига бошқалардан кўра кўпроқ эътироз билдирди ва мунозара чоғида ён чўнтагидан ёзиб-чизиб қоралаб ташланган дафтари чикарди-ю, ўқиб беришга рухсат сўради. Толь ўзининг муфассал лойиҳасида бошқа нарсани – Армфельд ва Пфуль режасига мутлақо зид бўлган бошқа уруш режасини тавсия қилди. Паулучи Толга эътироз билдириб, олға ҳаракат қилиш ва ҳужумга ўтиш режасини таклиф қилди, унинг фикрига кўра, ёлғиз шу ҳужум бизни мужмал аҳвол ва қопқондан (Дрисса лагерини у шундай атади) қутқариши мумкин эди. Бу мунозара вақтида Пфуль ҳам, унинг таржимони (сарой муносабатларида унинг воситачиси).

Вольцоген ҳам лом-мим демади. Пфуль нуқул нафратомуз бурнини жийирар ва эшитаётганим бу бемаза гапларга эътироз қилишни ҳатто ўзимга лойиқ кўрмайман, дегандай қилиб юзини ўгирар эди. Бироқ мунозарани олиб бораётган князь Волконский унга мурожаат этиб, фикр баён қилишини таклиф қилганда у шундай деди:

– Мендан сўраб нима қиласизлар? Генерал Армфельд кўшин орқасини ҳимоясиз қолдирадиган ажойиб позицияни таклиф қилди-ку. Ёки жаноб италяннинг ҳужум режаси ҳам жуда яхши! Ё орқага чекиниш. Бу ҳам яхши. Мендан сўрашнинг нима хожати бор? – деди у. – Ўзларинг мендан кўра яхшироқ биласизлар-ку ахир. – Бироқ Волконский ковоғини солиб, сизнинг фикрингизни шох номидан сўраяпман, деганда Пфуль ўрнидан турди ва тўсатдан жонланиб гапира кетди:

– Барча ишни расво қилишди, барча ишни чалкаштириб юборишди, ҳамма ўзини мендан донороқ кўрсатмоқчи бўлди. Мана энди эса бу аҳволдан қанақа қилиб қутулайлик

деб менга маслаҳат солишяпти. Энди нимасини тузата-
сизлар. Мен айтган гапларни оғишмай бажариш керак, —
деди қоқ суяк бармоғи билан столни чертиб. — Қийинчилик
нимадан иборат экан? Бўлмаган гап, ўйинчок. — У харита
олдига келди ва бармоғини харитага нуқиб, ҳеч қандай
тасодиф Дрисса истехкоми мақсадга мувофиқлигини ўзгар-
тиродмаслигини, ҳамма тадбирлар олдиндан кўрилган-
лигини ва душман четлаб ўтган тақдирда ҳам, албатта, тор-
мор бўлиши кераклигини бидирлаб исбот қила бошлади.

Паулучи немисчани билмагани учун ундан француз-
чалаб сўради. Пфуль французчани чала билгани учун
Вольцоген ёрдамга келди ва шоша-пиша Пфулнинг сўзини
таржима қила бошлади. Пфуль, тез-тез гапириб, фақат юз
берган аҳвол эмас, балки юз бери ши мумкин бўлган ҳар хил,
ҳар қанақа тасодифлар менинг режамда назарда тутилган
эди, агар ҳозир бирон қийинчилик туғилиб қолган бўлса,
бунга бирдан бир сабаб, мен тавсия этган режа айнан ижро
этилмагани, деб бидирлай кетди. Пфуль ҳадеб истехзо билан
қулар, ўзи ҳақлигига далил-исботлар келтирар эди, ниҳоят,
математик бир мартаба ҳал этилган масалани яна турли
йўллар билан текшириб кўришдан воз кечгандай, бирдан,
нафратомуз тиржайиб, гапдан тўхтади. Унинг ўрнини
Вольцоген олди ва ҳар замонда Пфулга: «Шундай эмасми,
зоти олийлари», — деб мурожаат қилиб, унинг фикрини
француз тилида давом эттирди. Пфуль урушда қизишиб
кешиб, ўз одамларига ўқ отаётган киши сингари Вольцогенга
ҳам бақирди. — Албатта, яна нимасини тушунтиради киши? —
Паулучи билан Мишо иккови баравар французчалаб
Вольцогенга ёпишар, Армфельд немис тилида Пфулга муро-
жаат қилар, Толь русчалаб князь Волконскийга гап уқтирар
эди. Князь Андрей индамасдан қулоқ солиб, буларни
кузатиб ўтирарди.

Буларнинг орқасида князь Андрей, қалбида кўпроқ
ачиниш ҳисси тугдирган киши чўрткесар, бемаъни мутақаб-
бир, ғазабнок Пфуль бўлди. Бу ерда ўтирганлар орасида,
афтидан, ёлғиз Пфуль ҳеч нарса таъма қилмас, ҳеч кимга
кинадоват билан қарамас эди. Унинг бирдан бир тилак-

орзуси, неча йиллик заҳматининг самараси бўлмиш назарияга асосланиб тузган режасини амалга татбиқ этиш эди, холос. Истеҳзо билан гапирадиган Пфуль ёқимсиз, кулгили бўлса ҳам, лекин ўз гоёсига чексиз садоқати билан киши қалбида ўзига нисбатан беихтиёр ҳурмат ҳисси уйғотар эди. Бундан ташқари, Пфулдан бўлак ҳамма нотикларнинг нуткида 1805-йилдаги ҳарбий кенгашда бўлмаган умумий бир ҳислат – Наполеон даҳоси қаршисида туғилаётган бир ваҳима бор эди. Бу ерда йиғилганлар гарчи бу нарсани яшираётган бўлсалар ҳам, уларнинг ҳар бир эътирозидан шу кўрқув сезилиб турар эди. Булар Наполеон ҳамма ишга қодир деб тахмин қилар, истаган томондан хуруж қилиб қолишини кутишар, унинг даҳшатли номини тилга олиш билан бир-бирининг тахминини йўққа чиқаришар эди. Наполеонни, афтидан, фақат Пфуль ўз назариясининг барча муҳолифлари сингари ваҳший ҳисоблар эди. Аммо Пфуль князь Андрейнинг қалбида ҳурмат ҳиссидан ташқари яна шафқат ҳиссини ҳам уйғотди. Сарой аъёнларининг муомаласидан ҳам, Паулучи бояги сўзларни журъат қилиб подшога айтаётганидан ҳам, энг муҳими, Пфулнинг юзида зоҳир бўлиб турган ноумидлик ифодасидан ҳам унинг кунни битганини бошқалар ҳам, ўзи ҳам сезиб тургани равшан эди. Пфулнинг мутакаббирлиги, немисларга хос пичингчилиги, эзмалигидан қатъи назар, чаккасидаги силлиқ сочлари, бўйнидан хурпайиб чиқиб турган кокиллари билан жуда аянч бўлиб кўринар эди. У ўз ожизлигини ғазаб ва нафрат никоби остида яширгандай бўлса ҳам, ўз назариясини катта тажрибада синаш ва унинг тўғрилигини бутун оламга исботлаш имкониятидан маҳрум бўлаётгани учун умидсизликка тушмоқда эди.

Музокара ниҳоят даража чўзилиб кетди ва гап чўзилган сари баҳс-у мунозара қизиб, ҳайқирик ва шахсиятга тегиш даражасига бориб етди ва айтилган гаплардан бирон умумий хулоса чиқариш мумкин бўлмай қолди. Князь Андрей турли тилларда бўлаётган гап-сўз, таклиф, режа, эътироз ва ҳайқирикларга кулоқ бераркан, булар нима деяпти ўзи, деб хайрон бўлар эди. Бир вақтлари, ҳарбий хизматда бўлган чоғларида

унинг кўнглига ҳарбий илм йўқ, бўлмайди ҳам, шунинг учун ҳарбий даҳо деган нарсанинг бўлиши мумкин эмас, деган фикр тез-тез келиб турар эди. Ҳозир унинг учун шу фикр том ҳақиқатга айланди. «Қанақа шарт-шароит ва вазиятда рўй бериши аниқ бўлмаган ва аниқлаб бўлмайдиган, ҳарбий арбобларнинг куч-қувватини билиш бундан ҳам қийинроқ бўлган ишда назария ва илм нима қилади? Бир кундан кейин бизнинг армиямиз ёки душман армияси қай аҳволда бўлишини, у ёки бу қисмнинг қандай кучга эга бўлишини ҳеч ким билмайди ва билолмайди ҳам. Баъзан олдинги сафда бораётиб, «Биз қуршовда қолдик!» деб бақириб қочадиган кўрқок бўлмаса-ю, олдинда «Ура!» деб қичқирадиган хушчақчақ жасур аскар бўлса, Шенграбендаги сингари беш юз кишидан иборат қисм ҳам ўттиз минг кишидан иборат қисмнинг ўрнини босади, баъзан эса, Аустерлицдаги каби, эллик минг киши саккиз минг кишидан қочади. Ҳар қанақа амалий ишдаги сингари, ҳеч нарсани аниқлаб бўлмайдиган ва ҳамма нарсанинг моҳияти сўнгги дақиқада аниқланадиган ва бу сўнгги дақиқа қачон келишини ҳеч ким билмайдиган сонсаноксиз шарт-шароитга боғлиқ бўлган бу ишда қанақа илм бўлиши мумкин? Армфельд армиямиз бошқа армиядан ажралиб қолган дейди, Паулучи эса: – Биз француз армиясини икки ўт орасида қолдирдик дейди. Мишо: – Дрисса лагерининг ноқулайлиги шундан иборатки, дарё орқада қолган, – дейди. Пфуль эса: – Лагернинг ҳамма фазилати шундан иборат, – дейди. Толь бир режа таклиф қилса, Армфельд бошқасини таклиф қилади, буларни яхши деса ҳам бўлади, ёмон деса ҳам бўлади, чунки ҳар қанақа таклифнинг тўғри-нотўғрилиги фақат воқеа содир бўлган дақиқадагина маълум бўлади. Бас шундай экан, нима учун ҳамма ҳарбий даҳо, ҳарбий даҳо деб жар солади? Наҳотки сухари етказиб беришни ўз вақтида буюра олган, бировга ўннга, бировга сўлга юришини кўрсата олган киши даҳо бўла олса? Бунинг сабаби шуки, ҳарбий кишилар савлат ва салтанат эгаси бўлиб, бир тўда разиллар хушомадгўйлик билан бу салтанатга алоқаси бўлмаган даҳолик хислатларини нисбат берадилар, уларни даҳо деб атайдилар. Аксинча, мен тани-

ган энг яхши генераллар ё маърифатсиз, ё паршонхотир кишилар бўлган. Генералларнинг ичида энг яхшиси Багратиондир, буни Наполеоннинг ўзи эътироф қилган. Бонапартнинг ўзи-чи? Аустерлиц жанг майдонидаги унинг мағрур ва махдуд сиймоси кўз ўнгимда турибди. Яхши саркардага даҳолик ҳам, бошқа бирон айрим хислат ҳам керак эмас, аксинча, яхши саркарда инсоннинг энг юксак, олийжаноб фазилатларидан, яъни муҳаббат, шеърият, нафосат, файласуфона гумонлардан махрум бўлиши шарт. Саркарда фикр доираси тор, қилаётган ишининг муҳимлигига қатъиян ишонадиган (акс ҳолда сабри чидамай қолиши мумкин) киши бўлмоғи керак. Ўшандагина у жасоратли саркарда бўла олади. Агар саркарда бўла туриб бировни севса, бировга раҳми келса, бу адолатми, адолатсизликми, деб ўйлаб ўтирса, ундай саркардадан худо ўзи сакласин. Қадим замонларда улар учун даҳолик назарияси деган сохта бир назарияни тўқиб чиқарганлар, чунки ҳокимият ўшаларнинг қўлида бўлган. Ваҳоланки, ҳарбий ишдаги муваффақият саркардаларга эмас, балки сафдаги аскарнинг: «Ҳалок бўлдик», ёки «Ура!» деб қичқиришига боғлиқ. Фақат мана шу сафларда фойдали бўлишингга амин бўлиб, хизмат қила оласан!»

Князь Андрей шу нарсаларни ўйлаб, мунозараларга кулоқ солиб ўтирар эди. Одамлар тарқала бошлаб, Паулучи уни чақиргандагина ўзига келди.

Эртаси кунни кўшинлар кўригида подшо ундан каерда хизмат этишга майли борлигини сўради, князь Андрей шоҳ ҳузурида қолишни сўрамасдан, аксинча, армияда хизмат қилишга рухсат сўради ва шу билан сарой муҳитидан умрбод узоклашди.

XII

Ростов уруш бошланишидан олдинроқ ота-онасидан мактуб олди. Бу мактубда улар Наташа бетоб, князь Андрей билан ора очиқ бўлди (Наташа тегмайман деб айтди) деб қискача ёзган, Николайдан яна истейфога чикиб, уйга қайтишини сўраган эдилар. Николай мактубни олгандан

кейин отпуск¹ ёки истеъфога чиқишга ҳаракат қилмади, балки уларга: Наташанинг хаста бўлиб ётгани ва князь Андрей билан муносабати узилганига жуда-жуда афсусланаман, истақларингизни амалга ошириш учун кўлимдан келганча ҳаракат қиламан, деб жавоб қайтарди. Соняга эса алоҳида хат юборди.

«Қалбимнинг марҳами, жондан азиз дўстим, кишлокқа қайтишимга ҳамиятимдан бўлак ҳеч нарса мене бўлолмайди,— деб ёзди у. — Лекин ҳозир уруш бошланиши олдида, шахсий бахт-саодатимни ватан олдидаги бурчим ва ватанга бўлган муҳаббатимдан афзал кўрсам, ўртоқларим олдидагина эмас, балки ўз олдимда ҳам ҳамиятсиз бўлар эдим. Бу ҳижрон сўнги ҳижрон. Инонки, уруш тамом бўлиши биланок агар тирик қолсам ва сен мени ҳозиргидай севсанг, ҳамма ишни ташлаб учиб бораман ва умрбод сени алангали сийнамга босаман».

Ҳақиқатан ҳам, Ростовнинг уйга қайтиши ва ўз ваъдасига кўра, Соняга уйланишга фақат уруш бошланиб қолгани мене бўлаётган эди. Отрадноesda куз фаслидаги ов қиш фаслидаги святки² байрами ва Сонянинг севгиси унга дворянларча³ тинч ҳузур-қаловат ва айш-у нишрат истиқболи эшигини очмоқда эди. Ростов илгари бу нарсаларни билмас эди, аммо ҳозир булар уни ўзига жалб этаётган эди. «Ёқимтой хотин, бола-чақа, бир гала асл този ит, ўн-ўн иккита олғир овчи ит, рўзгор ишлари, кўни-кўшни, сайлов билан тайинланадиган хизмат». Бироқ ҳозир уруш бошланган, полкдан кетишнинг иложи йўқ эди. Шундай бўлгандан кейин — Николай Ростов ўз табиатига кўра, полкда ўтказиладиган ўша ҳаётдан рози ва бу ҳаётни яхши ўтказиш доим кўлидан келарди.

¹ Отпуск (*русча*) — меҳнат таштили.

² Святки — диний байрам.

³ Дворянлар (*русча*; князь, подшо саройида хизмат қилувчи шахс) — Ғарбий Европада феодализм ва капитализм даврларида хизмат кўрсатиб, мартаба орттирган помешчик ва мулкдорлар, уларнинг аслодларидан ҳамда подшоҳга хизмат кўрсатиб, мартаба орттирган амалдорлардан иборат ҳукмрон, имтиёзли табақа; оқсуяқлар, зодагонлар.

Отпускадан қайтиб келгач, ёр-ошнолари севинч билан қаршилаган Николай армияга от келтиргани Малороссияга кетди ва у ердан шундай ажойиб отлар олиб келдики, бундан ҳам ўзи хурсанд, ҳам бошлиқларнинг мақташига сазовор бўлди. Ўзи йўқлигида унга ротмистрлик¹ лавозимини беришибди, полк қўшимча куч берилиб, ҳарбий ҳолатга ўтгандан кейин, у яна аввалги эскадронига² бошлиқ бўлди.

Уруш бошланди, полк Польшага қараб юрди, маошлар икки ҳисса ошди, янги офицерлар, янги одамлар келишди, янги отлар келтирилди, энг муҳими, урушнинг дастлабки кунларига хос ҳаяжон ва қувноқлик кайфияти ҳукм сура бошлади. Ростов полкда яхши мавқега эга эканлигини фахм-лаб, бир кун эмас, бир кун булардан воз кечипга тўғри келишини билса ҳам, лекин жон-гани билан ҳарбий хизмат завқи, хузур-халоватига берилиб кетди.

Қўшинлар ҳар хил мураккаб давлат ишлари, сиёсат ва тактика мулоҳазаларга кўра Вильнодан чекинди. Бу чекинишларнинг ҳар қадами бош штабда мураккаб манфаат, мулоҳаза ва эҳтиросларнинг тўқнашувини вужудга келтирар эди. Ёзнинг энг яхши фаслида чекиниш старли озиқ-овқат билан таъминланган Павлоград гусар полки учун сайри саёҳатдай бир гап эди. Қайгуриш, тапвишланиш, иғво қилиш фақат бош штабда бўлиши мумкин, армия ўртасида эса қаёққа кетяпман, нима учун кетяпман деган савол ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Афсусланганлар ҳам фақат чекинаётганлари учун эмас, балки энди ўрганиб қолган манзил ва чиройли поляк қизларини ташлаб кетаётганлари

¹ Ротмистр (*лотинча*: rotmistrs ёки *немисча*: Rittmeister. Ritt – отлик аскарлар отряди + Meister – бошлик) – Чор армияси ва жандармериясида отлик аскар офицерларига берилган унвон (пиёда қўшинлардаги капитан) ва шу унвонга эга бўлган шахс.

² Эскадрон (*французча*) – 1) XX аср ўрталарига қадар муқтазам кавалериядаги тактик бўлими; 2-4 взводдан иборат бўлган; казаклар отлик қўшинида сотня деб аталган. Турли давлатлар армияларида эскадрон 120-200 кишидан ташкил топган. 4-6 та эскадрондан кавалерия полки тузилган; 2) айрим хорижий давлатлар (Масалан, Буюк Британия) қуроли кучларида танк полкидаги тактик бўлими (101 киши); бошқарув гуруҳи, 4 танк ва хизмат кўрсатиш взводларидан иборат. Танк полкида, шунингдек, штаб эскадрони (100 киши) ва хизмат кўрсатиш эскадрон (111 киши) ҳам мавжуд.

учунгина афсусланар эди, холос. Аҳвол чатоқлашиб кетяпти деган хаёл биронтасининг ақлига келиб қолса ҳам, у одамшаванда ҳарбий кишига муносиб иш тутиб, ўзини хурсанд кўрсатишга, бунақа фикр-хаёлни бошидан чиқариб ташлашга уринар, умумий аҳвол тўғрисида эмас, балки ўзининг кундалик ишлари ҳақида ўйлашга тиришар эди. Бошда поляк помешчиклари билан танишиб, подшони ва бошқа олий рутба командирларнинг кўриқка келишини кутиб, кўриқдан ўтиб, хушчақчақлик билан Вильно ёнида туришди. Кейин Свенцянига қараб чекиниш, олиб кетиб бўлмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини йўқотиш ҳақида буйруқ келди. Свенцяни икки сабабга кўра гусарлар хотирида қолган эди: биринчидан маст лагерь деб ном чиқарган (бутун армия Свенцяни лагерини шундай деб атаган эди), иккинчидан, озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш ҳақидаги буйруқдан фойдаланиб, гусарлар озиқ-овқат билан бирга поляк панларининг от-арава ва гиламларини тортиб олган ва бу қилмишлари учун уларнинг устидан жуда кўп аризалар тушган эди. Ростовнинг хотирида Свенцяни шунинг учун ҳам ўрнашиб қолдики, у шу манзилга етиб келган биринчи кун вахмистрнинг¹ ўрнини олган ва шу кунга беш бочка эски пивони руҳсатсиз олиб кетиб, улгудай ичган эскадрон одамларини ҳеч эплаёлмаган эди. Свенцянидан чекина-чекина Дриссага етишди, Дриссадан чекиниб рус чегарасига яқинлашиб қолишди.

13-июлда павлоградликлар илк дафъа катта жангда бўлишди.

12-июль жанг арафасида, кечаси жуда қаттиқ бўрон бўлиб, дўл-ёмғир ёғди. 1812-йил ёзида умуман бўрон кўп бўлган эди.

Павлоград полкининг икки эскадрони энди бошоқ тортган ва қорамол билан от пайҳон қилган қора бугдой пайкали ўртасида манзил қурган эди. Ёмғир селга айланди. Ростов ўз ҳомийлигига олган ёш офицер Ильин билан бирга, наридан-бери тикланган чайлада ўтирган эди Буларнинг полкдоши –

¹ Вахмистр – Чор Россияси армиясида отлик аскарларнинг энг юқори унвони.

узун мўйлови бетининг ярмини олган офицер штабга борган эди, қайтишда ёмғирда қолиб, Ростовнинг олдига кирди.

– Граф, мен штабдан келяпман. Раевскийнинг кўрсатган қахрамонлигидан хабарингиз борми? – Офицер Салтановскда бўлган жанг ҳақида штабда эшитган гапларини батафсил айтиб берди.

Ростов ёқасининг ичига ёмғир томаётгани учун бўйинни қисиб, оғзида трубка, офицернинг сўзига бепарво кулоқ соларкан, ёнида қунишиб ўтирган ёш офицер Ильинга ҳар замонда бир қараб қўяр эди. Яқинда полкка келган бу ўн олти ёшли офицер-бола етти йил муқаддам Денисовга Ростов қандай бўлса, ҳозир Николайга нисбатан шундай эди. Ильин ҳар ишда Ростовга тақлид этишга уринар ва унга хотин кишидай меҳр қўйган эди.

Қўшмўйлов офицер Здржинский Салтановск тўғони русларнинг Фермопили бўлганини, генерал Раевский бу тўғонда дoston бўладиган қахрамонлик кўрсатганини, қандай қилиб икки ўғлини душмanning мудҳиш ўти остида тўғонга олиб борганини ва улар билан бирга ҳужум қилганини жуда баландпарвоз иборалар билан ҳикоя қилиб берди. Ростов бу сўзларга кулоқ соларкан, Здржинскийни махлиё этган нарсани маъқуллаб бирон сўз демади, аксинча, эътироз билдирмоқчи бўлмаса ҳам, лекин бу гаплардан номуси келаётган кишига ўхшаб ўтирди. Ростов Аустерлиц воқеаси ва 1807-йилги уруш кампаниясидан кейин ўз шахсий тажрибасидан билар эдики, уруш ҳодисаларини гапириб берганда, унинг ўзи лоф ургандай, одамлар ҳамиша лоф урадилар; иккинчидан, Ростов катта тажрибага эга бўлгани туфайли урушда юз берадиган ҳодисалар биз тасаввур қиладиган ва гапириб берадиган нарсага сира ўхшамаслигини билар эди. Шунинг учун ҳам Здржинскийнинг ҳикояси ҳам, ўзи ҳам Ростовга ёқмаётган эди, ўз одатига кўра ҳамсуҳбати устида шопдай мўйловини осилтириб энгашиб гапирадиган Здржинскийнинг шу тор чайлада ўтириши Ростовга малол келаётган эди. Ростов индамай унга қараб ўтирар эди. «Аввало, тўғонга ҳужум бошлаганда у шу қадар алғов-далғов ва тикин бўлган бўлса керакки, Раевский ўз ўғилларини ҳужум-

га бошлаган тақдирда ҳам бу иши унинг ўзи атропофида турган беш-ўнга одамдан бўлак ҳеч кимга таъсир қилмагандир» деб ўйлар эди Ростов. «Қолганлар эса Раевский кимларни бошлаб тўғонга ҳужум қилганини ҳатто кўриши ҳам мумкин эмас. Кўрган тақдирда ҳам жуда рухланиб кетишлари дарғумон, чунки ҳамма ўз жонини ҳовучлаб турган маҳалда Раевскийнинг оталик туйғуси билан кимнинг неча пуллик иши бор? Ундан кейин Салтановск тўғонини олиш-олинмаслиги ватан тақдирини ҳал қилмайди, ваҳоланки, Фермопил уруши ватан тақдирини ҳал қилган дейишади. Шундай бўлгандан кейин бунақа фидойиликнинг нима ҳожати бор? Урушга болаларни аралаштириш нима зарур? Мен укам Петяни эмас, ҳатто менга буткул бегона бўлган мава бу меҳрибон бола Ильинни ҳам ҳужумга олиб бормас эдим, иложи бўлса, хавфсизроқ жойга кўяр эдим», – деб ўйлар эди Ростов ҳамон Здржинскийнинг сўзига кулоқ солар экан. Аммо Ростов ўз мулоҳазасини айтмади: бу соҳада ҳам унинг тажрибаси бор эди. Бу гаплар қиролимизнинг шон-шуҳратини оширишга хизмат қилишини Ростов билар эди, шунинг учун ҳам ишонаётган бўлиб кўриниш керак эди ва шундай ҳам қилди.

– Тоқатим тоқ бўлди! – деди Ильин Здржинскийнинг гапи Ростовга ёқмаётганини фаҳмлаб. – Пайпоғим ҳам, кўйлагим ҳам шалаббо бўлди, бутунлай ивиб кетдим. Чикиб бирон бошпана қидирмасак бўлмайди. Ёмғир пича тинди, шекилли. – Ильин чайладан чиқди, унинг кетидан Здржинский ҳам жўнаб кетди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас Ильин шалошлаб лой кечиб, чайлага югуриб кирди.

– Ура! Ростов, қани, кетдик. Топдим! Икки юз қадамча нарида майхона бор экан, бизникилар ўша ерда йиғилишиб ўтиришибди. Ҳеч бўлмаса, уст-бошимиз қурийдик-ку. Марья Генриховна ҳам ўша ерда!

Марья Генриховна полк докторининг хотини бўлиб, доктор бу ёш ва чиройли немис қизга Польшада уйланган эди. Пули кам бўлганлиги важданми ёки ёш хотинни ташлаб кетгани кўзи қиймаганданми, ишқилиб, доктор хоти-

нини гусар полки кетидан олиб юрар, унинг рашки гусар офицерлари орасида кундалик аския мавзуга айланган эди.

Ростов плашчни елкасига ташлаб, Лаврушкага нарсаларини орқадан олиб келишни буюрди-ю, ўзи Ильин билан чикиб кетди; улар гоҳ лойга ботиб, гоҳ тинай деган ёмғирда шалолаб, қоронгида боришар, узокда чақнаётган чакмок ҳар замонда атрофни ёритиб юборар эди.

– Ростов, қаердасан?

– Бу ердан. Чақмоқни кўр-а! – деб улар ўзаро гаплашарди.

ХIII

Олдида докторнинг саябон араваси турган майхонага бештача офицер йиғилган эди. Тўладан келган малла соч немис жувон Марья Генриховна эгнида кофта, бошида тунги калаўш, кираверишдаги кенгина ўриндикда ўтирар, орқасида эри, доктор ухлаб ётарди. Ростов билан Ильин уйга кирди, ҳаммалари кувониб, уларни кичкириклар ва қаҳқаҳа билан қаршилади.

– Ўх-хў! Жуда маза килиб ўтирибсизлар-ку! – деди Ростов кулиб.

– Ўзлари қаёқда қолиб кетдилар?

– Буларга қаранг! Шалаббо бўлиб кетибсизлар-ку. Меҳмонхонамизни ҳўл қилманглар.

– Марья Генриховнанинг кўйлагига сачратманглар! – дейишди улар.

Ростов билан Ильин иккаласи Марья Генриховнани безовта қилмасдан, тезроқ холи жой топиб, кийимларини алмаштириш ҳаракатига тушишди. Улар шу ниятда тахта девор орқасига ўтмокчи бўлишди, бироқ тахта девор орқасида, катакдай қазноқчада¹ битта шамни бўш яшикка қўндириб учга офицер карта ўйнаб ўтирган экан, улар ўрнидан тургилари келмади. Марья Генриховна парда қилгани юбкасини берди. Ростов билан Ильин нарсаларини кўтариб келган Лаврушканинг ёрдамида, юбка парда орқасига ўтиб, ҳўл

¹ Қазноқ – омбор вазифасини ўтовчи кичикроқ хона, хужра.

кийимларини алмаштиришди.

Бузилиб ётган печкага ўт ёқишди. Битта тахтани иккита эгар устига қўйиб стол ясашди, столнинг устига ёпқич ташлаб, унга самовар, кутича, ярим шиша ром қўйишди-ю, Марья Генриховнадан уй бекаси бўлишни ўтиниб, ўзлари уни қуршаб олишди. Биров чиройли қўлчасини артгани Марья Генриховнага тоза рўмолчасини, тутар, биров зах ўтмасин деб оёғи остига ҳарбийча кийимини ташлар, биров шамоллаб қолманг деб шинели¹ билан деразани тўсар, биров уйғониб кетмасин деб эрининг юзидаги пашпасини қўрир эди.

– Қўяверинг, – дерди Марья Генриховна ҳам уялин-қираб, ҳам ийиб кетганидан жилмайиб. – Кечаси ухламаган эди, жуда роҳат қилиб ётибди.

– Йўғ-э, Марья Генриховна, – дерди офицер унга жавобан, – докторга хушомад қилмасак бўлмайди. Ҳеч бўлмаганда, қўлимними, оёғимними кесаётганда раҳм-шафкат қилади-ку.

Ҳаммаси бўлиб учта стакан бор, сув шу қадар лойки, чой куюкми, суюқмилигини билиш кийин эди. Самовардаги сув эса олти стакан келар эди, холос, лекин ҳамма Марья Генриховнанинг тирноғи кирроқ момикдай қўлчасидан унвонига қараб навбат билан чой ичишни ҳавас қиларди. Бу кеча офицерлар, ҳақиқатан ҳам, Марья Генриховнага ошиқ бўлиб қолганга ўхшар эди. Ҳатто тахта девор оркасида карта ўйнаб ўтирган офицерлар ҳам, кўп ўтмай, ўйиннинг баҳридан кечишди-да, умумий кайфиятга берилиб, самовар олди-га келиб ўтиришди ва буларга қўшилиб Марья Генриховнага хушомад қила бошлашди. Марья Генриховна манман деган шунча олифта ва назокатли йигитлар суҳбатида ўтирганидан гул-гул очилиб кетди ва бу кайфиятини билинтирмасликка минг уринса-да, оркасида ухлаб ётган эрининг ҳар бир уйқусираб кимирлаганидан кўрқаётгани билиниб турган бўлса-да, терисига сиғмай жилмайиб ўтирар эди.

¹ Шинель (русча < французча: chemise – эркакларнинг тонга кийими, костюми) – махсус матодан тикиладиган, махсус бичимдаги пальто.

Кошиқ фақат битта-ю, қанд жуда кўп, аммо битта қошиқ билан шунча қандни аралаштириш амримаҳол эди, шунинг учун ҳам Марья Генриховна ҳамманинг қандини, навбат билан аралаштириб берадиган бўлди.

Ростов ўз стаканини олиб, ром куйгач, Марья Генриховнадан аралаштириб беришини сўради.

– Сиз қанд солмабсиз-ку, – деб Марья Генриховна кулди, гўё унинг гаплари ҳам, бошқаларнинг гаплари ҳам жуда қизиқ бўлиб, остида яна бошқа маъно бордек.

– Менга қанд керак эмас, сиз қўлчангиз билан аралаштириб берсангиз бас, – деди Ростов.

Марья Генриховна унинг илтимосини қабул қилиб қошиқни излай бошлади, қошиқни эса кимдир олган эди.

– Марья Генриховна, бармоқчангиз билан аралаштириб кўя қолинг, яна ҳам ширинроқ бўлади, – деди Ростов.

– Иссик-да! – деди Марья Генриховна ийиб кетганидан қизариниб.

Ильин бир челак сув олиб келиб ром томизди ва бармоқчангиз билан аралаштириб беринг, деб Марья Генриховнанинг олдига келди.

– Менинг пиёлам шу, – деди Ильин, – бармоқчангизни тикиб, ширин қилиб берсангиз, ҳаммасини ичаман.

Самовардаги чой тугагандан кейин Ростов картани олди ва Марья Генриховна билан қирол ўйини ўйнаймиз деб таклиф қилди. Марья Генриховна билан ким ўйнайди деб чек ташланди. Ростовнинг таклифига кўра ўйиннинг қоида-си шу эди: ким қирол бўлса, Марья Генриховнанинг қўлини ўпади, кимки ютқизса, доктор тургандан кейин унга самовар кўйиб беради.

– Марья Генриховна қирол бўлиб қолса-чи? – сўради Ильин.

– Марья Генриховна ҳозир ҳам қиролича, унинг амри фармони қонун.

Ўйин энди бошланди деганда беҳосдан Марья Генриховнанинг орқасидан докторнинг сочи чувалиб кетган калласи кўринди. Доктор аллақачонлар уйғониб, буларнинг сўзига кулоқ солиб ётган, афтидан, айтилган барча сўзлар-

нинг ҳам, қилинган барча ишларнинг ҳам унинг учун ҳеч қандай қизиғи, қуладиган ери йўқ эди. Докторнинг чехраси тунд, таъби хира эди. У офицерлар билан салом-алиқ қилмади, кийинди-да, ташқари чиққани руҳсат сўради (чунки йўлни тўсиб қўйишган эди). Доктор чиқиб кетиши биланок офицерлар баланд товуш билан хаҳолаб қулишди; Марья Генриховна эса қип-қизариб офицерлар кўзида яна ҳам жозибалироқ бўлди. Доктор қайтиб кирди ва масъуд табас-сумини йиғиштириб, нима деркин деб эрига қўрқа-писа қараб турган хотинига юзланиб:

– Қани, юр, ёмғир тинибди; аравага бориб ётайлик, тагин бор-йўғимизни биронтаси кўтариб кетмасин, – деди.

– Мен дарров одам юбораман... Икки кишини юбораман! – деди Ростов, – хотиржам бўлинг, доктор.

– Ўзим бориб қоровуллик қиламан! – деди Ильин.

– Йўқ, жаноблар, сизлар уйқуни олгансизлар, аммо мен икки кечадан бери кўз юмганим йўқ, – деб доктор хотинининг ёнига ўтирди ва қовоғини солиб, ўйиннинг тамом бўлишини кутди.

Хотинига хўмраяётган докторнинг қош-қовоғига қараб офицерларнинг яна кулгиси келар ва кўшлари кулгидан ўзларини тия олмай, шошиб-пишиб кулгига қулайроқ бир баҳона излашар эди. Доктор хотини билан аравасига бориб ётгандан кейин офицерлар хўл шинелларини устларига ташлаб чўзилишди, аммо улар анчагача ухлашолмади, гоҳ докторнинг жони чиқиб кетай дегани, хотини вақтичоғлик қилиб ўтирганини эслашар, гоҳ югуриб эшикка чиқиб, аравада нима бўлаётганини айтиб қулишарди. Ростов бир неча мартаба бошини ўраб, ухламоқчи бўлди, бироқ ҳар гал яна биронтасининг гаги унинг уйқусини қочирар, яна бошқатдан гурун, сабабсиз қувнок кулги бошланиб кетар эди.

XIV

Кечаси соат иккидан ошганда ҳам ҳали ҳамма уйғоқ эди, Вахмистр Островно деган жойга қараб ҳаракат қилиш ҳақида буйруқ келтирди.

Офицерлар ҳамон ўша кайфиятда, ўша хилда чақчақлашиб кулишиб йўл тадоригини кўришди. Яна лойқа сув солиб самовар кўйишди. Лекин Ростов чойни кутмасдан эскадронга кетди. Тонг ёришмоқда, ёмғир тиниб, булутлар тарқамоқда эди. Ҳавонинг ругубати ва совуқлиги нам кўйлақда жуда сезилиб турар эди. Ростов билан Ильин иккаласи майхонадан чиқиб, тонг ғира-пирасида докторнинг ёмғирда ялтираётган чарм соябон аравасига қаради, араванинг пардаси остидан докторнинг оёқлари осилиб турар, ўртасидаги ёстикда хотинининг каллапўши кўринар ва уйқуда пишиллагани эшитилар эди.

— Ҳақиқатан ҳам, хотини жуда дилкаш-а! — деди Ростов ўзи билан бирга чиққан Ильинга.

— Жуда гўзал хотин, — деди Ильин ўн олти ёшли йигитчаларга хос жиддият билан.

Ярим соат ўтар-ўтмас эскадрон йўлга чиқиб, саф тортди. «Отланинлар!» деган буйруқ эшитилди, аскарлар чўқиниб, отга мина бошлади. Ростов отни олға суриб: «марш!» деб буйруқ берди ва гусарлар тўрттадан бўлиб саф тортиб икки томонига қайин ўтқазилган катта йўлдан олдинда бораётган пиёда ва батареялар¹ кетидан аста гурунглашиб жўнашди, лой йўлдан кетаётган отларнинг туёғи шалоплар, қиличлар шиқирларди.

Тонг пайтида қизғиш тусга кирган бағри чок кўк-бинафшаранг булутларни шамол тез суръат билан суриб кетмоқда. Кун борган сайин ёришмоқда. Қишлоқ йўлидаги кечаги ёмғирда ҳўл бўлган майсалар кўзга яққол кўрина бошлади. Қайин дарахтларининг эгилиб турган ҳўл шохлари шамолдан силкинар, ён-вериға шаффоф томчилар сочилар-

¹ Батарея (*французча*: batterie — урмақ) — 1) бир неча тўп, замбарак ёки миномёт билан қуролланган артиллерия бўлими; 2) бир неча тўп, замбарак ёки миномёт жойлашган истеҳком (бу ерда шу маънода); 3) ўзаро бириктирилган бир неча гальваник элемент, аккумулятор, конденсаторлардан иборат қурилма.

ди. Аскарларнинг афти борган сайин аниқ кўрина бошлади. Ростов ажралмас йўлдоши Ильин билан бирга четроқдан икки қатор қайин, дарахтлар орасидан кетмоқда.

Ростов умумий қондаёи бузиб, уруш вақтида ҳарбий отда эмас, балки казак отида бормоқда. Отни яхши танийдиган, отга ишқибоз Ростов яқинда дон насли каттакон бир чиройли чавқар от сотиб олган эди, ҳеч ким ундан ўзиб кетолмас эди. Шу отни миниб Ростовга завқ бағишлар эди. Николай шу пайт қаршисида турган хавф-хатарни эмас, балки оти, тонг пайти ва докторнинг хотини ҳақида ўйлаб бормоқда эди.

Илгарилари Ростов урушга юрагини ҳовучлаб борар эди, ҳозир эса кўрқув деган нарса унинг хаёлига ҳам келмас эди. Бу жангга кўниккани учун эмас (хавф-хатарга кўникиб бўлмайди), балки хавф-хатар қаршисида ўз қалбини идора қила билгани учун кўрқмас эди. У жангга бораркан, ўзининг диққатини кўпроқ жалб қилиши керак бўлган қаршисидаги хавф-хатардан бўлак ҳамма нарса ҳақида ўйлашга ўрганиб қолган эди. Илгари жасур бўлишга қанчалик уринмасин, кўрқоклиги учун ўзини қанчалик койимасин, барибир, бунга муваффақ бўлолмас эди, бироқ замон ўтган сари бу нарса унга ўз-ўзидан муяссар бўлди. У қайин дарахтлари орасидан Ильин билан ёнма-ён бораркан, баъзан қўли етадиган новдаларнинг баргини юлар, баъзан оёғи билан отнинг биқинига нуқиб кўяр, баъзан чекиб бўлган трубкасини кетидан кетаётган гусарга қайрилмасдан узатар, худди сайр-томошага чиққандай беғам-беташвиш, хотиржам бормоқда эди. Ростов жавраб келаётган Ильиннинг ҳаяжонли юзига қараркан, унга ачинарди, чунки қаршисида турган хавф-хатар ва ўлимдан корнет¹ қанчалик изтироб чекаётганини Николай ўз тажрибасидан билар, фурсатдан бўлак ҳеч нарса жонига ора киролмаслигини англай эди.

Куёш булут остидан чиқиб, бир парча мусаффо осмонда кўриниши билан шамол худди момақалдироқдан кейин

¹ Корнет – инқилобдан илгариги Россияда отлик аскар офицерларининг энг кичик унвони.

очилич кетган ёз тонгининг хуснини бузгани журъат этолмагандай тинди. Ёмғир томчилаётган бўлса ҳам, энди шовулламас, ҳамма ёк жим бўлиб қолган эди. Куёш қалқиб чиқиб жамолини бир кўрсатди-ю, яна уфқда турган бир парча узун булутнинг остига кириб кўздан ғойиб бўлди. Бир неча дақиқадан сўнг куёш яна ўша булутнинг четини йиртиб, аввалгидан кўра ёруғроқ бўлиб кўринди. Олам ёришиб, ҳамма ёк жилвага кирди. Шу ёруғлик билан бирга худди ўшанга жўр бўлгандай тўплар гумбурлади.

Ростов тўп гумбурлаган жойнинг узоклигини чамалаб кўришга улгурмасдан Витебск томонидан граф Остерман – Толстойнинг адъютанти от кўйиб келди ва отларни йўртириш хақида буйруқ бўлганини айтди.

Эскадрон жадаллаб юраётган пиёда аскарлар ва батареялардан ўтиб (батарея ҳам илдам юриб кетаётган эди), адир этагига тушди ва хувуллаб қолган кимсасиз бир қишлоқдан ўтиб, яна адирга чиқди, отлар терлаб, одамлар қизариб кетди.

Олдиндан дивизия командирининг:

– Тўхта, саф торт! – деган буйруғи эшитилди.

– Сўлга, марш! – деган садо янгради.

Гусарлар кўшин маррасидан ўтиб, марранинг чап қанотига чиқибди ва биринчи маррада турган отлик найзадор аскарларимизнинг орқасида тўхташди. Ўнг томонда пиёдалардан иборат эҳтиёт қисмларимиз зич саф тортиб турар, ундан сал нарироқдаги адирда эса уфқ чизигида турган тўп ва тўпхоналаримиз соф ҳавода, эрталабки куёшнинг қия тулган ёруғ нурида кўзга чалинарди. Олдинда, сойликнинг нариги тарафида турган душманнинг тўп ва колонналари¹ кўзга ташланар эди. Сойликдан алдақачон душманга рўпара бўлиб, жанг бошлаб юборган аскарларимизнинг қасира-қусури эшитилиб турар эди. Ростов

¹ Колонна (французча: colonne: – устун; қозик) – 1) иморатнинг томи, пештоки, ички қисмлари ва шу қабилари кўтариб туришга хизмат қиладиган, асоси айлана ёки тўтри тўртбурчак шаклида бўладиган таънч, устун; 2) ҳарбий хизматчилар ёки ҳарбий бўлинмаларнинг бирич-кетин тизилган сафи; кетма-кет тизилиб борувчи одамлар, машиналар ва шу қабилар гуруҳи, сафи.

кўпдан бери кулоғига кирмаган бу садони эшитиб, худди ёқимли шўх мусиқа садосини эшитгандай кулфи дили очилиб кетди. Гоҳ бир неча ўқ бирдан устма-уст карсиллаб кетар, гоҳ яккам-дуккам ўқ товуши эштилар, яна ҳамма ёқ жим бўлиб қолар эди. Яна худди биров парсилдўкни босиб юборгандай карсиллаб кетарди. Гусарлар бир соатча бир жойда туриб қолишди. Ниҳоят тўп отишмаси бошланди. Граф Остерман мулозимлари билан эскадрон сафининг орқасидан ўтаркан, тўхтаб полк командири билан гаплашиб олди-да, адирда турган тўшлар томон ҳайдади.

Остерман кетгандан кейин кўп ўтмай, отлик найздорлар орасидан: – Колонна бўлиб ҳужумга чоғлан! – деган буйруқ садоси эшитилди. Пиёда аскарлар суворийларга йўл бериш учун икки қатор бўлди. Отлик найздорлар найзалари учидаги байроқчаларини хилпиратиб, адирнинг чап томонида пайдо бўлган француз суворийларига қараб от қўйди.

Суворий найздор аскарлар адирдан тушиши биланок гусарларга адирга чиқиш ва замбаракларни мудофаа қилиш ҳақида буйруқ берилди. Гусарлар отлик найздорлар ўрнига бориб турган чоғда пендан дайди ўқлар визиллаб, чийиллаб ўта бошлади.

Кўпдан бери эшитилмаган бу садо Ростовга аввалги отишмадан ҳам кўпроқ завқ бағишлади ва ғайратини кўзга-тиб юборди. У қоматини ростлаб, адирдан баралла кўринаётган жанг майдонини кўздан кечирди ва бутун қалби билан найздор аскарларнинг ҳаракатида иштирок этди. Найздор аскарлар француз драгунларига¹ жуда яқинлашиб қолишди, ўша ерда, тутун ичида коришиб кетишди ва беш дақиқа ўтар-ўтмас найздорлар орқага, илгари турган жойларига эмас, балки чапроққа қараб от қўйишди. Жийрон от минган, тўқ сарик кийимли найздор аскарлар орасидан ва кетидан бўз от минган кўк кийимли бир тўда француз драгунлари кўриниб қолди.

¹ Драгун – Чор Россияси армиясида ва баъзи чет эл армияларида ҳам отда, ҳам пиёда ҳаракат қила олган отлик аскар.

Ростов найздорларимизни таъкиб этаётган бу кўк кийимли француз драгунларини ҳаммадан олдин кўрди, чунки унинг овда пишган кўзи ниҳоят ўткир эди. Сафлари бузилиб кетган найздорлар ва уларни таъкиб этаётган драгунлар борган сайин яқинлашмоқда эди. Узоқдан, адир этагидан, кичкина бўлиб кўринаётган бу одамларнинг бир-бири билан тўқнашаётгани, бир-бирини куваётгани, қўли ёки қиличинини ҳавода ўйнаётгани баралла кўриниб қолди.

Ростов този солиб ов қилаётган маҳалдагидек кўз олдида бўлаётган бу манзарага қараб турар эди. Ҳозир гусарларини бошлаб француз драгунларига хужум қилинса французлар тоб беролмаслигини, агар хужум керак бўлса шу оннинг ўзида қилиш кераклигини, бир дақиқа кечикса, фурсат қўлдан кетишини Ростов сезиб турар эди. У атрофга кўз югуртирди. Ёнида турган ротмистр ҳам пастдаги суворийлардан айнан шундай кўз узмай қараб турган эди.

— Андрей Севастьянич, — деди Ростов, — биз уларни мажақлаб ташлашимиз мумкин.

— Ажойиб иш бўларди; — деди ротмистр, — дарҳақиқат ҳам...

Ростов унинг сўзини охиригача эшитмай, от чоптириб эскадрон олдига чиқди ва хужум буйруғини беришга улгурмасдан айнан ўз командири ҳолатида бўлган эскадрон унинг кетидан от қўйди. Бу ишни нима учун ва қандай қилганини Ростовнинг ўзи ҳам билмай қолди. Буларнинг ҳаммасини у овдаги сингари ўйлаб-нетмасдан қилди. Николай драгунлар яқинлашиб қолганини, улар сафлари бузилган ҳолда от чоптираётганини кўриб турар, хужумга тоб беролмасликларини, қолган бир дақиқа фурсатни қўлдан бермаслик кераклигини, агар шуни қўлдан берса бундай қулай фурсат энди келмаслигини билиб турар эди. Ўқлар атрофидан физиллаб, унинг ғайратини шу қадар оширар, оти шу қадар олға қараб интилардики, Ростов ўзини тутолмади. У отини хайдаб, буйруқ берди-ю, ўша ондаёқ орқасидан хужумга шайланган эскадронининг тапир-тупурини эшитди ва адирдан тушиб, драгунлар томон от қўйди. Йўртиб келаётган

отлар адирдан тушган замон беихтиёр чопа кетди. Найздор аскарларимиз ва уларнинг кетидан от чоптириб келаётган француз драгунларига яқинлашган сайин чопишини тезлаштирди. Драгунлар яқинлашиб қолди. Олдинда келаётган драгунлар гусарларни кўргач, отларини қайтаришди; оркароқдагилари эса тўхташди. Ростов худди овда бўрининг йўлини тўсгандай зотли дон отининг жilовини қўйиб юборди ва пароканда бўлиб кетган француз драгунларининг олдини тўсишга интилди. Бир найздор аскар тўхтади, бир пиёда аскар босиб кетмасин деб ерга қапишди, эгасиз қолган бир от гусарлар орасига кириб кетди. Француз драгунларининг деярли ҳаммаси оркага қараб қочди. Ростов кўк отли бир драгунни мўлжаллаб, орқасидан қувди. Йўлда Ростов бир бутага йўлиқди, от жонивор бутадан сакраб ўтди, эгардан учиб кетишига сал қолди. Ростов қараса, кўзлаган душманига етай деб қолибди. Мундиридан офицерга ўхшаган бу француз кўк отга қапишиб, қиличи билан уни ҳайдаб боряпти. Бир кўз юмиб очгунча Ростовнинг оти ўмгани билан француз отининг сағрисига урилди-ю, уни йиқитаёзди ва шу оннинг ўзида Ростов сабабини ўзи ҳам билмаган ҳолда қиличини кўтариб французга солди.

Ростов, шу ишни қилишга қилди-ю, лекин ўша ондаёқ ҳафсаласи пир бўлди. Офицер қилич зарбидан кўра (қилич унинг тирсагидан юкорироғини хиёл кесиб кетган эди) кўпроқ отнинг силкиниб кетгани ва кўрққанидан йиқилганди. Ростов отининг жilовини тортиб, мағлуб қилган душманим қанақа одам экан, деб кўз югуртирди. Бир оёғи узангида илиниб қолган француз драгун офицери иккинчи оёғи билан ерда сакрамоқда эди. Офицер худди ҳар он янги зарбани кутаётгандай жонини ҳовучлаб, кўзларини қисиб, пастдан юкорига – Ростовга қараётган эди. Унинг оқарган, лой сачраган ёш юзида, кулдиргичли иягида, мовий кўзларида уруш майдонига ярашадиган ҳеч қандай аломат йўқ, бутун қиёфаси душман эмас, балки оддий «хонаки» йиғитга ўхшар эди. Ростов ғаниминини нима қилиши ҳақида ҳали бир қарорга келмасдан офицер: «Таслим бўламан», – деб қичқирди. У шошиб, оёғини узангидан чиқаришга уринса ҳам, чиқарол-

мас, така-пука бўлган мовий кўзларини Ростовдан олмас эди. От чоғтириб келган гусарлар дарров унинг оёғини узангидан чиқаришди ва ўзини эгарга миндиришди. Ҳамма ёқда гусарлар француз драгунлари билан овора: драгунлардан бири ярадор бўлиб, юзи қонга беланган бўлса ҳам, отини қўлдан бермас, иккинчи бир драгун гусарни маҳкам кучоқлаб, унинг оти сағрисида ўтирар; учинчиси бир гусарнинг ёрдами билан унинг отига минарди. Олдиндаги француз пиеда аскарлари ўқ уза ўқ уза қочмоқда эди. Гусарлар асирларини олиб, шоша-пиша орқага қараб от қўйишди. Юраги сиқилиб, алланечук бўлиб кетган Ростов бошқалар билан орқага қайтди. Шу офицерни қилич билан ургани, асир олганидан кейин Ростов ўзи ҳам изоҳлашдан ожиз бўлган ҳолатга тушиб, кўнгли хира бўлиб кетди.

Граф Остерман-Толстой қайтиб келаётган гусарларни қарши олди, Ростовни чақириб, унга ташаккур изҳор этди ва бу мардона жасорати ҳақида шаҳаншоҳга маълумот бериб, «Георгий хочи»га тавсия қилишини билдирди. Граф Остерман чақирганда Ростов буйруксиз ҳужум бошлаганини эслаб, ўзбошимчалик қилганим учун бошлиғим жазо берса керак деб ўйлаган эди. Шунинг учун ҳам граф Остерманнинг таҳсин ўқиши ва мукофот ваъда қилишини эшитиб Ростов ниҳоят хурсанд бўлиши керак эди, аммо уни ҳамон ўша ёқимсиз, мужмал туйғу маънавий жиҳатдан кўнглини беҳузур қилаётган эди. У генерал хузуридан кетаркан: «Ажабо, мени нима қийнапти? – деб ўз-ўзидан сўради, – Ильинми? Йўқ. У соғ-саломат. Ё бирон ножўя иш қилиб шарманда бўлдимми? Йўқ, бундай бўлмаса керак. – Уни пушаймонга ўхшаш бир туйғу қийнамоқда эди. – Ҳа, ҳа, иягида кулдиргичи бор ўша француз бўлса керак. Бир қўл кўтариб, кейин шаштимдан қайтганим жуда яхши эсимда турибди».

Ростов олиб кетилаётган асирларни кўргач, иягида кулдиргичи бор ўша офицерни яна бир карра кўриш ниятида уларнинг орқасидан от қўйди. Беўхшов мундир кийган офицер зотли гусар отида ўтираркан, кўзларини жовдиратиб аланлар эди.

Унинг қўлидаги яраси арзимаган яра эди. У Ростовга

караб ёлгондака илжайди ва саломлашган бўлиб, қўлини силкитди. Ростов ҳамон ўнгайсизланар ва нимадандир руҳан азоб чекар эди.

Ростовнинг ёр-дўстлари Николай ўша куни ҳам, эртаси ҳам гарчи хомуш ва хафа кўринмаса ҳам, лекин хаёлга чўмиб ўйчан юрганини пайқашди. У тилар-тиламас ичар, ёлғиз қолишга уринар ва нима тўғридадир ўйлар эди.

Ростов кутмаганида «Георгий хочи»ни олишига ва хатто мард одам деб ном чиқаришига сабаб бўлган ўша қахрамонлигини ўйларкан, бир нарсанинг тагига етолмас эди. «Улар биздан ҳам кўрқокроқ экан-ку, – ўйлар эди у, – қахрамонлик деб атаганлари шу экан-да? Нахотки мен бу ишни ватан учун қилган бўлсам? Ияги кулдиргичли, кўзлари мовий бу йигитнинг гуноҳи нима? Бечора нақадар кўрқиб кетди! Мени ўлдиради деб ўйлади, шекилли. Нима учун мен уни ўлдираар эканман? Қилич кўтарганимда қўлим титраб кетди-ю, булар менга «Георгий хочи»ни беришди. Мутлақо, мутлақо тушунолмаймаман!»

Николай бу масалаларнинг тагига бориб етмасдан ва нимадан руҳи азоб чекаётганини аниқлашга улгурмасдан, аксар вақт бўладигани сингари хизматда омади юришиб қолди. Островно жангидан сўнг Ростовнинг мартабасини оширишди. Уни гусар батальонига командир қилишди ва жасур офицер керак бўлиб қолса, унга топшириқ берадиган бўлишди.

XVI

Графиня кизи Наташанинг хасталиги ҳақида хабар келгандан сўнг тузалиб дурустроқ дармонга кирмаган бўлса ҳам, уй ичи билан Петяни ҳам бирга олиб Москвага келди ва Ростовлар хонадони Марья Дмитриевнанинг уйидан ўз ховлиларига кўчиб, бутунлай Москвада қолишди.

Наташа шу қадар қаттиқ бетоб эдики (ўзи ва ота-онасининг бахтига), унашиб қўйилган куёви билан муносабатини узгани ва касалига сабаб бўлган нарсалар иккинчи даражадаги ўринга тушиб қолди. Наташанинг касали шу

даражада оғир эдики, содир бўлган ҳодисада унинг айби канчалик зўр эканини ўйлаш мумкин эмасди, у на овқат ер, на ухлар, кун сайин озиб борар, йўталар ва докторларнинг шама қилишларига кўра, унинг соғайиши амримаҳол эди. Ҳозир фақат унинг дардини енгиллаштириш ҳақида ўйлаш керак эди, холос. Докторлар якка-якка келар, биргалашиб консилтиум¹ ўтказишар, французчалаб, немисчалаб, лотинчалаб кўп гапиришар, бир-бирини таъна қилишар, ўзларига маълум бўлган барча касалликларга қарши минг хил дори-дармон ёзиб беришар, бироқ тирик жон мубтало бўладиган касалликларнинг биронтасини билиш имкониятдан ташқари бўлгани сингари, Наташа гирифтор бўлган дардни биз билмаслигимиз мумкин, деган содда ўй биронтасининг ҳаёлига келмас эди; ваҳоланки ҳар бир тирик жоннинг тиббиёт оламида маълум бўлмаган, ўзигагина хос бўлган янги, мураккаб касали бор, бу тиббиётда ўпка, жигар, тери, юрак, асаб ва ҳоказо касаллиги деб ёзилган касаллик эмас, балки шу аъзолар чекаётган сон-саноксиз изтиробнинг бир-бирига қўшилишидан вужудга келган касалликдир. Сеҳр қилолмаслик сеҳргарнинг ҳаёлига ҳам келмагани сингари, мана шу жўн фикр ҳам докторларнинг ҳаёлига келмас эди, чунки уларнинг ҳаётий вазифаси даволашдан иборатдир, чунки улар бунинг эвазига пул олишади, чунки улар ҳаётларининг энг яхши йилларини шунга бағишлаганлар. Лекин бу фикр уларнинг ҳаёлига келмаганлигининг энг асосий сабаби шуки, улар ўзларини шубҳасиз фойдали деб билишар ва Ростовларнинг бутун хонадони учун улар, дарҳақиқат, фойдали эди. Улар беморни кўпи зарарли бўлган (улар оз миқдорда берилгани учун ҳам зарари унча билинмас эди) дориларни ютишга мажбур қилаётганлари учун фойдали эмас, балки бемор ва уни севадиган кишиларнинг маънавий талабини қондираётгани учун ҳам фойдали ва зарур эди

¹ Консилтиум (лотинча: consilium – кенгаши) – беморга ташхис қўйиш ва даволаш масалаларини ҳал этиш учун ўтказиладиган врачлар (беморга бевосита алоқадор бўлгандан ташқари тор соҳа мутахассислари) кенгаши. Беморни даволовчи врач (беморнинг аҳволи оғир ёки касалликни аниқлаш қийин бўлган ҳолларда) ёки унинг яқин кишилари илтимосига биноан ўтказилади.

(сохта ҳақимлар, фолбинлар ва табибларнинг доимо мавжуд бўлиши ва бўлажагининг сабаби ҳам шунда). Киши изтироб чекаётган вақтда бу изтиробни бошқалар енгиллаштиришига ишонади, хайрихоҳлик ва кўмакка муҳтож бўлади. Докторлар инсоннинг мана шу доимий талабини қондиришади. Улар гўдакда энг ибтидоний шаклда бўлган эҳтиёжни – озор еган жойни силаб қўйиш эҳтиёжига ўхшаган ўша абадий инсоний талабни қондиришади. Гўдак йиқилган замон оғриган жойимни ўпгин, силаб қўйгин, деб онаси ёки энагаси олдига югуриб келади, оғриган жойини силаб ёки ўпиб қўйишса, енгил тортади. Гўдак энг кучли ва энг ақлли деб билган бу одамлар унинг дардини енгиллаштирадиган восита тополмасликларига ишонмайди. Онаси лат еган жойини силаётган чоғда оғриғи босилишига бўлган умиди ва онасининг юзидаги ачиниш ифодаси гўдакка тасалли беради. Наташага докторлар шунинг учун фойдали эдики, улар тузалади деб оғриган жойини ўпар ва силар, кучер¹ Арбатдаги дорихонадан бир сўм-у етмиш тийинга чиройли, қутичали кукун дори билан ҳақдори олиб келса-ю, Наташа бу дорини (оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас) ҳар икки соатда қайнатилган сув билан ичса, оғриғи ўша он босилади деб, уни ишонтиришар эди.

Соатга қараб берадиган ҳақдори, ичимликларни илитиб ичириш, товук гўшти қотлети² ва докторлар айтган яна бир қанча турмушдаги майда-чуйда нарсалар бўлмаса Соня, граф ва графиня нима қилар эди? Докторларнинг сўзига амал қилиб, бу нарсаларни ўз вақтида бериш уларни ҳам овунтирар, ҳам уларга тасалли берар эди. Агар граф Наташанинг бетоблиги мингларча сўмга тушганини, унинг соғайиши учун яна минг-минг сарф қилишга тайёр эканлигини билмаса, суюкли кизининг хасталигига қандай чидай оларди? Қизи тузалмаган тақдирда яна минг сўмнинг юзига қарамай, уни чет элга олиб боришни, ўша ерда консилиум

¹ Кучер (немисча: Kutscher – араваҳан) – извош ҳайдовчи.

² Қотлет (французча: cotelette – қобирғача < лотинча: costa – қобирға) – киймаланган ёки туйилган гўштдан тайёрланган ясси, қулча шаклидаги овқат (баъзи турларида қийма қобирғага епиштирилган бўлади).

ташқил қилишини билмаса эди, Метивье билан Феллер Наташанинг касалини аниқлай олмагани ҳолда Фриз аниқлай олганини, Мудров яна ҳам яхшироқ белгилай олганини барча тафсилоти-ла, гапириб беришга имконияти бўлмаса, нима қилар эди. Агар графиня докторларнинг деганларига тўла амал қилмагани учун баъзан кизи Наташа билан жанжаллашиб ўтирмаса, ўзини қасққа қўяр эди?

– Мунақада сира тузалмайсан, – дер эди графиня куйганидан ўз қайғусини унутиб, – докторнинг сўзига кулок солмаса, берган дорисини вақтида ичмаса, киши тузаларканми! Касаллик билан ҳазиллашма. Пневмония¹ бўлиб қолишинг ҳеч гап эмас! – дер эди графиня ва ўзигина эмас, бошқалар ҳам тушунмайдиган бу сўзнинг талаффузидан юраги таскин топар эди. Агар Соня докторларнинг айтганини ўз вақтида бажо келтириш учун дастлабки кунлар, уч кеча ечинмасдан ётгани ва ҳозир ҳам, зарқал кутичадаги унча зарарли бўлмаган ҳапдориларни ўз вақтида бериш учун кечалари ухламаганидан хурсанд бўлиб юрмаса, нима қилар эди? Ҳеч қанақа дори-дармон шифо бўлмайди, буларнинг ҳаммаси бекорчи гап деб юрган Наташанинг ўзи ҳам бу қадар кўп пул сарф қилаётганларини кўриб, дориларини ўз вақтида қабул этаётганидан суюнар эди. У ҳатто докторларнинг айтганига амал қилмаслик билан муолажага ишонмаганлигини ва ўз жонига жабр қилаётганини кўрсата билганидан суюнарди.

Доктор ҳар куни келар, томирларини ушлаб кўрар, тилига қарар ва юзининг заҳарлигига эътибор қилмай, Наташа билан ҳазиллашар эди. Бироқ доктор нариги уйга чиқипи билан графиня шошиб-пишиб кетидан чиқар ва доктор дарров жиддий қиёфага кириб, ўйчан ҳолда калласини қимирлатиб дер эди: касалнинг аҳволи оғир бўлса ҳам, бу сўнгги доридан умидим катта, бир оз сабр қилиб, оқибатини кутиш керак. Бу касаллик – кўпроқ маънавий касалликдир, аммо...

Графиня бу ишени ўзидан ҳам, доктордон ҳам яшириш-

¹ Пневмония (юнонча: пневмон – ўпка) – ўпканинг яллиғланиши; зотилҷам.

га уриниб, бир тиллани секин унинг кўлига кистирар ва ҳар дафъа анча енгил тортиб, касалнинг олдига кирарди.

Наташанинг ҳасталиги шундан иборат эдики, у кам овқат ер, кам ухлар, йўталар ва ҳамиша руҳи тушкун эди. Докторлар беморни тиббий ёрдамсиз қолдириш мумкин эмас дейишди, шунинг учун Наташани димикқан шаҳарда олиб ўтиришди. Шундай қилиб Ростовлар 1812-йилнинг ёзида қишлоққа кўчиб чиқмадилар.

Наташа банкача ва қутичалардаги ҳақдорилар, томизиб ичадиган дорилар ва кукун дорилардан жуда кўп (доридармондан бўшаган банка ва қутичалардан мунақа нарсаларга ишқибоз бўлган Шосс хоним катта коллекция¹ йиққан эди) истеъмол қилган бўлса ҳам, ўрганиб қолган қишлоқ хавосидан маҳрум бўлган бўлса ҳам, ёшлик енгди: Наташанинг ҳасрати эскириб, кечирган ҳаёти таассуроти остида қола бошлади, бағрини ортиқ ўртамай, кечирган кунлари аста-секин орқада қолиб кетди ва Наташа жисмоний жиҳатдан соғая бошлади.

XVII

Наташа аввалгидан кўра осудароқ кўринса ҳам, лекин хомуш эди. У хурсандликнинг ташқи кўринишларидан: бал, концерт, театр, сайр-томошадан кочарди. Шу билан бирга кулиб, кетидан кўз ёши қилмаган пайт бўлмас эди. У ашула айтмас эди. Кулди ёки ўз-ўзича ашула айтди дегунча кўз ёшлари томоғини хиппа бўғар эди: у пушаймон бўлаётганидан, қайтиб келмайдиган беғубор ёшлиги эсига тушганидан, жуда-жуда хушбахт бўлиши мумкин бўлган ёш умрининг очилмай ҳазон бўлганига йиғлар эди. Назарида, айниқса, кулги ва ашула гам-ҳасратини таҳқирлайдигандай кўринарди. Илгаригидек таннозлик қилиш унинг ҳаёлига ҳам келмас, бу нарсадан ўзини тийишга ҳам ҳоҷат йўқ эди. Эркак жинси мен учун масхарабоз Настасья Ивановна

¹ Коллекция (*лотинча*: collectio – гўллаш, йиғиш) – бир хил, бир турдаги айрим нарсаларнинг (масалан, таъга, марка, китоб ва шу ҳабиларнинг) тартибга солинган тўплами.

кабилидаги бир гап бўлиб қолган дер, шу гапнинг тўғрилигини сезар эди. Ботиний посбони ҳар қанақа дилхушликни унга қатъиян ман қилар эди. Умуман илгариги беғам, умидорзуга тўла қизлик даврининг шод-у хуррамлигидан қалбда ҳеч қандай асар қолмаган эди. У ҳаммадан кўра куз фаслини, овга борганини, амакисини, Николай билан Отрадноеда ўтказган святки байрамини эслаганида жуда кўп изтироб чекарди. Ўша кунлардан биронтаси яна қайтиб келса, у нималарни фидо қилмас эди. Ҳайҳот, уларни қайтариб бўлмайди! Наташа шуни билар эдики, барча шод-у хуррамликлар билан тўла бўлган илгариги эркин ва қувноқ ҳаётга қайтиб келмайди. Бироқ начораки, яшаш керак эди.

Илгари ўзимни бекорга бошқалардан яхши деб юрган эканман, ваҳоланки мен ҳаммадан, оламдаги барча кишилардан ёмон ва жуда-жуда ёмон эканман, деб ўйлаш Наташага бир оз тасалли берар эди. Лекин бу ҳам кам эди. Наташа буни билар ва ўз-ўзидан: «Хўш, ундан кейин нима бўлади?» – деб сўрарди. Ундан кейин эса ҳеч нарса йўқ. Ҳаётда қувонадиган нарса йўқ, умр эса ўтиб кетмоқда. Наташа, афтидан, фақат бировга оғирлигини туширмасликка ва халал бермасликка уринар, ўзига эса ҳеч нарса керак эмас эди. У уйдагиларнинг ҳаммасидан ўзини олиб қочар ва фақат укаси Петя билан бўлганда ўзини енгил ҳис этар эди. У бошқалардан кўра Петя билан кўпроқ ўтиришни хоҳлар, баъзан иккаласи ўтиргандагина кулар эди. Наташани остона ҳатлаб кўчага чиқмайди деса ҳам бўларди, келадиган кишилардан фақат Пьерни ёқтирар эди. Наташа билан ҳеч ким граф Безуховдай вазминлик, меҳрибонлик билан, айна замонда, жиддий муомала қилолмас эди. Наташа меҳрибонлик қилаётганини беихтиёр сезар ва шунинг учун унинг суҳбатидан баҳра олар эди. Бироқ Наташа Пьер кўрсатаётган меҳрибончиликдан ҳатто миннатдор ҳам бўлмас эди. Назарида, Пьер унга атайлаб яхшилик қилмаётгандай кўринар, ҳаммага меҳрибон бўлган Пьер учун бу нарса табиийдай туюлар эди. Баъзан Наташа бирга ўтирган чоғларида Пьернинг ийманаётганини ва ўнғайсизланаётганини пайқар, Пьер гап орасида Наташанинг эсига оғир хотираларни солиб

кўймай деб, кўрккан чоғларида, айниқса, шундай ҳолатга тушар эди. Наташа буни пайқаса ҳам, уятчанлиги ҳамда менга қанчалик меҳрибон бўлса, бошқаларга ҳам шунчалик меҳрибон бўлгани учун шундай бўлса керак деб, ўйлар эди. Пьер бир гал Наташа каттиқ изтироб чекаётган вақтида бошим очиқ бўлганда, тиз чўкиб кўлингиз ва муҳаббатингизни сўрар эдим, деган гапни айтиб кўйди-ю, кейин бу ҳақда бўлак оғиз очмади. Ўша маҳалда Наташага далда берган бу сўзлар кейинчалик Наташанинг назарида, йиғлаётган гўдақни овуттиш мақсадида айtilган бемаъни гаплар қабилидан бўлиб қолди. Наташа Пьер хотинли бўлгани учун эмас, балки ўзи билан унинг орасида ниҳоят даража кучли бир ахлоқий парда борлигини сезгани учун ҳам (Курагин билан ўзи орасида бундай ахлоқий парда йўқлигини сезган эди) у билан бўлган муносабатидан ўзида ё Пьерда ёлғиз ишқ-у муҳаббат эмас, балки эркак билан аёл орасида бўладиган (бундай муносабат бўлишини Наташа билар эди) бирон зариф, шоирона дўстлик муносабати туғилишини сира хаёлига келтирмаган эди.

Пётр рўзасининг охирларида, Ростовларнинг Отрад-ноедаги кўшнилари Аграфена Ивановна Белова азиз-авлиёларни зиёрат қилгани Москвага келди. Ўша аёл Наташага рўза тутиб, ибодат қилишни маслаҳат берди ва Наташа бу фикрни хурсандлик билан қабул қилди. Саҳарда кўчага чиқишни докторлар ман қилган бўлсалар ҳам, Наташа ибодат қилишга, яъни уйдагилардай эмас (Ростовлар уйда одатда уч маҳал ибодат бўлар эди), балки Аграфена Ивановна каби бир ҳафта давомида рўза тутиб, ибодат қилишга, яъни биронта эрталабки, тушки ва кечки ибодатни қазо қилмасдан ибодатхонага боришга аҳд қилди.

Наташанинг бу ғайрати графиняга хуш ёқди. Тиббий муолажа фойда қилмагандан кейин графиня дори-дармондан кўра тоат-ибодат кўпроқ фойда берар, деб умид боғлаган эди Шунинг учун ҳам кўрқа-писа докторлардан япириб бўлса ҳам, кизининг хоҳишини рад этмади ва уни Беловага топширди. Аграфена Ивановна кечаси соат учда Наташани уйғотгани келар ва, кўпинча, уни уйғок кўрар эди. Наташа

ухлаб қолиб, эрталабки ибодатга кечикишдан кўрқарди. У наридан-бери ювиниб, энг ёмон кўйлак ва эскирган ридосини зўр ихлос билан кийиб, совуқдан қалтираб, тонг шафаги ёғду сочаётган кимсасиз кўчага чиқарди. Аграфена Ивановнанинг маслаҳатига кўра Наташа ўз маҳаллаларидаги ибодатхонага эмас, художўй Белованинг сўзига қараганда, капиши¹ тақводор валий бўлган бошқа бир ибодатхонага борар эди. Бу ибодатхонада доим одам кам бўларди; Наташа билан Белова ҳаммаша сўл клирос² орқасига ўрнатилган Биби Марямнинг³ сурати қаршисида турар эди; Наташа бу эрта тонгда, рўпарадаги шамнинг нури ва деразадан тушаётган тонг шўъласи ёритаётган Биби Марямнинг қоп-қора юзига қараркан ва кашишнинг дуосини диққат билан тинглаб, англаб олишга тиришаркан, уни янги туйғу чулғаб оларди, бу туйғу – англашга инсон ақли ожизлик қиладиган юксак бир нарсанинг қаршисида тақдирга тан бериш туйғуси эди. Дуонинг маъносини англаган чоғларида унинг шахсий туйғуси ўқийётган дуосига кўшилиб кетар, англамаган чоғида эса, ҳамма нарсани билишга ҳавас этиш мағрурлик бўлади, ҳамма нарсани билиш мумкин эмас, шу он менинг қалбимга раҳнамолик қилаётган (у шу нарсани сезиб турарди) тангрига инонмоқ ва унга сизинмоқ керак, деган фикр уни қувонтирар эди. У чўқинар ва кулоғига қираётган сўзларнинг маъносини англамаган чоғида, ўзининг бадкирдорлигидан даҳшатга келар, худога ёлворар, гуноҳларини кечиршини сўрарди. Наташанинг ихлос билан қилган ибодати тавба-тазарру ибодати эди. Наташа азонда, ҳали ҳамма уйкуда ётган, кўчада фақат ишга кетаётган гишт терувчилар ва кўча супураётган қоровуллардан бўлак ҳеч ким бўлмаган пайтда уйга қайтаркан, гуноҳдан пок, нуқсондан холи бўлиш

¹ Капиш — илк ўрта асрлар Европасида диний илмдан хабари бор шахсларга ҳам капиш атамаси ишлатилган.

² Клирос — ибодатхона хонадалари турадиган жой.

³ Биби Марям — Қуръонда тилга олинган тақволи, сиддиқа аёл. Исо (Йисо) пайғамбарнинг онаси. Мусулмонлар учун у энг мўмина она, жаннатдаги аёлларнинг раҳнамоси. Туркистонда Марямга ҳурмат юзасидан «Биби» атамаси кўшиб айтилади. Қуръони каримнинг «Марям» деб аталган 19-сурасида у халқда ривоятлар келтирилади.

мумкинлигини сезар, янги, бахтли ҳаёт куриш мумкинлигига ишонч ҳосил этарди.

Бир ҳафта давомида шу тарзда ҳаёт кечирган Наташада бу туйғу кун сайин кучая борди. Аграфена Ивановна камоли хурсандлик билан таъриф қилган кунни, яъни дуоסי қабул бўладиган кунни Наташа жуда буюк кун деб тасаввур қилар, назарида, бу улуғ якшанбага етишолмайдигандай бўлар эди.

Ниҳоят, бу муборак кун келди. Наташа ўзи учун эсдалик бўлиб қолган шу якшанба куни, дока кўйлақда тавба қилиш маросимидан қайтиб келди ва бир неча ойдан бери биринчи мартаба ўзини осуда ҳамда олдида турган ҳаётнинг изтиробидан фориғ эканини сезди.

Шу куни келган доктор Наташани кўриб икки ҳафта бурун ёзиб берган кукун дорини ичаверишини буюрди.

– Албатта, эрталаб ва кечкурун ичса, – деди доктор, афтидан, берган дориси наф қилганидан ўзи мамнун бўлиб... – Ўтиниб, сўрайман, албатта, ўз вақтида ичсин. Хайр, яхши қолинг, графиня, – деди доктор ҳазиломуз, графиня узатган олтинни эпчиллик билан кафтига оларкан. – Ҳадемай тузалиб қолади, яна илгаригидай ялла қилади. Сўнгги дори хийла фойда қилибди, ранги рўйи кирибди.

Графиня чиройи очилиб, меҳмонхонага қайтиб кираркан, тирноғига қараб кўз тегмасин, деб туф-туф деди.

XVIII

Июль ойининг бошларида урушнинг бориши ҳақида Москвада кун сайин ваҳимали овозлар таркала бошлади. Подшонинг халққа қарата чиқарган мурожаатномаси, унинг армияни тарк этиб, Москвага қайтиб келиши тўғрисида дув-дув гап юрарди. Бироқ ўн биринчи июлгача манифест¹ ва мурожаатномадан дарак бўлмагани учун булар ҳақида, Россиянинг вазияти ҳақида ваҳимали овозлар тарқалди.

¹ Манифест (лотинча: manifestum – чакирик, даъват < manifestus — ошкор, очик-ойдин) – 1) ҳукуматнинг жуда муҳим сиёсий воқеа муносабати билан халққа қилган ёзма мурожаати; 2) бирор партия ёки ижтимоий ташкилотнинг дастур тарзидаги ёзма мурожаати.

Армия хавф-хатар остида қолгани учун подшо қайтиб кетаётган эмиш, кўшинларимиз Смоленскийни тащлаб кетган эмиш, Наполеоннинг бир миллион кўшини бор эмиш, Россияни фақат мўъжиза кутқариши мумкин эмиш, деган гаплар ёйилиб кетди.

Ўн биринчи июлда, шанба куни, манифест олинган бўлса ҳам, ҳали босилиб чиқмаган, шу куни Ростовларнинг уйида ўтирган Пьер эртага, якшанба куни манифест ва мурожаатномани граф Растопчиндан олиб, тушки овқатга етиб келишни ваъда қилди.

Шу якшанба куни Ростовлар кундузги ибодат учун одатдагича Разумовскийлар хонадонига қарашли черковга кетишди. Июль ойининг иссиқ кунларидан бирида, эрталаб соат ўнда, Ростовлар ибодатхона олдида каретадан тушаётган маҳалдаёқ иссиқ хавода, газета сотувчиларнинг хайқирғида, оломоннинг ранг-баранг ёзли кўйлагиди, бульвардаги¹ дарахтларнинг чанг босган япроғида, оқ шалворда навбатчиликка бораётган батальоннинг мусиқа садосида, тош йўлнинг тарақа-туруғида ва жазирама офтобнинг порлоқ жилосида ёзги ҳорғинлик, ҳозирги вазиятдан розилик ва норозилик сезилиб турар, шаҳарда, ёзнинг мусаффо ва иссиқ куниди бу ҳолат яна ҳам кескинроқ билинарди. Разумовскийларнинг черковида Москва киборлари, Ростовларнинг барча таниш-билишлари йиғилган (шу йил худди бирон ҳодиса юз беришини сезгандай одатда боғларига кўчиб чиқадиган жуда кўп давлатманд хонадонлар шаҳарда қолишган эди). Наташа оломон орасидан йўл очаетган ливреяли² лакейнинг³ кетидан, онаси билан ёнма-ён бораркан, бир ёш йигитнинг овоз чиқариб шивирлаганини эшитди.

– Бу Ростова, ҳалиги ўша...

– Озиб кетган бўлса ҳам, лекин чиройли!

¹ Бульвар (*французча*: boulevard – шаҳар девори) – икки томонлама ҳаракатли кўча ўртасидаги кенг хиёбон.

² Ливрея – кучер, дарвозабон ва шу кабиларнинг заррин уқали формаси, кийими.

³ Лакей – малай, хизматкор.

Наташа булар Курагин билан Болконскийнинг номини тилга олганини эшитди ё эшитгандай бўлди. Унга умуман ҳамиша шундай туюларди. Назарида, ким уни кўрса, албатта, ўша ходиса тўғрисида ўйлагандай кўринарди. Қора кружевали¹ бинафша ранг шойи кўйлак кийган Наташа кўпчилик орасида ҳамиша изтироб чекиб ва юрагини ҳовучлаб хотинларга хос бир вазминлик билан оҳиста юриб борарди, қалби қанчалик мажруҳ, ўзи қанчалик мустар бўлса, шунча вазмин ва мулоийим кўринар эди. У ўзининг гўзаллигини билар ва бу тўғрида янглишмаса ҳам, лекин бу нарса энди уни илгаригидай қувонтирмас эди. Аксинча, бу нарса сўнгги кунларда, айниқса, шаҳарда, мусаффо, иссиқ ёз кунида уни кўпроқ кийноққа соларди. «Яна бир якшанба, яна бир ҳафта ўтди, – дер эди Наташа ўтган якшанба шу ерга келганини эслаб, – ҳамон ўша-ўша қувончсиз ҳаёт, ҳамон илгариги мен яйраб юрган ўша муҳит, афсуски, энди булар менга ҳеч қанча роҳат бағишламайди. Мен ёш, гўзалман, ҳамда кўнглим оқ, аммо илгарилари ичим қора эди, энди эса шуни биламанки, оқкўнглиман, – деб ўйлар эди. – Ҳайҳотки, бировга ҳамдам бўлмасдан энг яхши чоғларим бекорга ўтиб кетяпти». У онасининг ёнига бориб тўхтади ва яқинроқда турган танишлар билан бош ирғаб саломлашди, одатга кўра хонимларнинг кийим-бошини диққат билан кўздан кечирди, яқинроқ турган бир хотиннинг ўзини тутишини ва қўл учида чўқинишини айб қилди-ю, шу чоғ одамлар мени айбситаиб юрибди-ю, мен бировларни айбситаманми, деган ўй хаёлига келиб яна афсусланди ва бирдан ибодат садоси қулоғига кириб, ўзининг ярамаслиги, илгариги мусаффолигини яна қўлдан бергани учун даҳшатга тушди.

Нуроний, дилкаш бир мўйсафид сиғиниб, тантанали тарзда ибодат қилар, унинг товуши ибодат қилаётганларнинг қалбига таскин берар ва зўр таъсир қолдирар эди «Шоҳ эшик» ёпилиб, парда секин-аста туширилди; парда орқасидан ғудранган сирли паст товуш эшитилди. Негадир Наташанинг ўпкаси тўлди, хурсандлик бағишлайдиган ва

¹ Кружева – тўр кўринишидаги рўмол.

зориктирадиган ҳис-туйғу уни ҳаяжонга солди.

«Ўзинг мадад қил, қандай ҳаёт кечирай, қандай қилиб ўзимни гуноҳлардан умрбод поклаб олай!» – деди ичида Наташа.

Дьякон¹ санам олдидаги минбарга чиқди, бош бармогини кериб, устки кийимининг ёқасига тушиб турган узун сочини тузатди-да, хочни бағрига босиб, баланд ва тантанали оҳангда тиловат бошлади.

– «Жамоат жам бўлиб халлоқи оламга ибодат қиламиз».

– «Жам бўлиб, ҳамма табақалар баравар, дўст-душман деб ўтирмасдан, биродарлик муҳаббати билан қиламиз», – деди ичида Наташа.

– «Парвардигори оламнинг қудрати ва имонимизнинг саломатлиги учун ибодат қиламиз».

– «Фаришталар олами ва тепамизда ҳозир бўлган барча тансиз арвоҳлар учун ибодат қиламиз», – деб чўқинди Наташа.

Кўшинлар ҳақиға дуо ўқилганда Наташа акаси билан Денисовни эслади. Кемада юрганлар ва саёҳат қилаётганлар ҳақиға дуо ўқилганда князь Андрейни хотирлаб унинг учун ибодат қилди ва унга нисбатан қилган ёмонлигимни кечир деб худога ёлворди. Яқин кишилар ҳақиға дуо ўқилганда Наташа уйдагилар: ота-онаси, Соня учун ибодат қилди ва биринчи марта улар қошида гуноҳкорлигини англаб, уларни нақадар яхши кўришини сёзди. Ғанимлар ҳақиға дуо ўқилганда у ўзига душманлар ўйлаб топиб дуо қилди. Отасини қарздор қилиб қўйган ва отасига даъвоси бўлган одамларнинг барисини ўз душманлари қаторига қўшди; ҳар гал душманларини ўйлаганида, ўзига нисбатан шунча ёмонлик қилган Анатолий эсига тушарди, унга адовати бўлмаса ҳам, душман кўриб, хузур қилиб унинг ҳақиға ҳам дуо қилди. Фақат ибодат вақтида князь Андрей билан Анатолий хотиржамлик билан равшан хотирлашга ўзини қодир сезар, иккаласига нисбатан бўлган севгиси худодан кўркиш ва унга

¹ Дьякон – православ ва католик черковида попдан кейинги ўринда турган черков рухонийси.

хурмат туйғуси олдида махв бўлар эди. Подшо хонадони ва синод¹ ҳақиға дуо қилганда Наташа, айниқса, икки букилиб руку қилди ва ўз-ўзига, англамасам ҳам, ҳар қалай, пубҳа қилмайман, ҳукмронлик қилаётган синодни севаман ва унинг ҳақиға дуо қиламан, деди.

Дьякон муножотни тугатиб бўйнидаги орар² устидан чўқинди ва деди:

– «Тан-у жонимизни худойи таоломиз Исонинг йўлига фидо қиламиз».

«Тан-у жонимизни худойи таолонинг йўлига фидо қиламиз, – деди Наташа ичида. – Худойи карим, ўзимни сенинг ихтиёрингга топширдим. – Ҳеч қандай тилагим йўқ ҳеч нарса истамайман, нима қилишим, ўз эркимдан қандай фойдаланишимни ўзинг ўргат. Э худо, бандам дегин», – деди Наташа зўр ихлос билан, чўқинмасдан ва нозик қўлларини осилтириб, гўё ҳозир бир куч келиб уни олиб кетади-ю, шу билан Наташа ўзидан ҳам, афсус надоматидан ҳам, орзу-армонларидан ҳам, таъна-маломатлардан ҳам умид ва қусурларидан ҳам халос бўладигандек.

Ибодат чоғи графиня бир неча мартаба Наташанинг маъсумона ёшлари порлаб турган кўзларига қаради ва қизимни паноҳингда сақла, деб худога ёлворди.

Муножот тугамасдан (ибодат вақтида бундай қилин-маслигини Наташа яхши билар эди) дьячок³ Троица⁴ куни устида сажда қилиб муножот ўқиладиган ўриндикни келтириб «шоҳ эшик» олдиға кўйди. Бинафша ранг баркут⁵ кулоҳ⁶ кийган кашини сочларини тузатди ва қийналиб, зўрга тиз чўқди. Бошқалар ҳам айнан шундай қилишди ва таажубланиб бир-бирларига қарашди. Бу ҳозиргина синоддан келган ва Россияни душман истилосидан халос этмоқ ҳақида

¹ Синод – 1) Октябр инқилобидан илгариги Россияда православ церковининг бош идораси; 2) патриарх хузуридаги кенгаш.

² Орар – чап елкаға осиладиган хочли камар.

³ Дьячок – православ церковидаги энг куйи лавозимли рухоний.

⁴ Троица – насроийлар байрами.

⁵ Баркут – духоба, бахмал.

⁶ Кулоҳ (форча) – бош кийими, кулоҳ. Тепа томони илтиқалашиб чиққан қалпоқ, бош кийими (асосан, қалаандар, дарвешлар қийдиган учли қалпоқ).

ёзилган дуо эди.

– «Эй халлоқи олам, эй нажотқори олам», – деб кашиш дуони шундай мулойим товуш билан содда ва равшан ўқидики, фақат руҳоний славян қориларигина бу тарзда ўқиши ва рус қалбида бениҳоя чуқур таъсир қолдириши мумкин.

«Э халлоқи олам, эй нажотқори олам! Муте бандаларингни ўз лутф-у марҳаматинг билан сақла, уларнинг оҳу фарёдини, илтижосини эшит, меҳр-шафқатингни биздан дариг тутма, бизга тараххум айла, гуноҳимизни кечир! Бу бадқирдор душман бизга ҳамла қилиб сен бунёд этган оламга фитна солмоқчи ва бутун коинотни хароб қилмоқчи, бостириб кирган бу бедиднатлар сен бино қилган нарсаларни оёқ ости қилмоқчи. Куддуси шарифингни, севиқли Россиянгни хароб қилмоқчи; сенинг ибодатхоналарингни харом қилиб, меҳробларни¹ топтамоқчи, қадамжоларимизни таҳқирламоқчи. Эй худойи азава жалла, токайгача бу осий, юзи қоралар ўз истаганларини, ўз билганларини қилишади? Қачонгача булар қонунга зид бўлган ҳокимиятдан фойдаланиб, жиноий ишларни қилиб юришади? Эй худованди таборак ва таоло! Сенга илтижо этаётган бандаларингнинг оҳини эшит: энг тавфиқли ҳокими мутлақ бўлган буюк шаҳаншоҳимиз император Александр Павловичга қувват бер; адолатли, хуштавозе подшоҳимизни унутма, сенга азиз ва меҳрибон бўлган Исроилни муҳофаза этганнинг ажрини бер. Унинг маслаҳатлари, тапаббуслари ва ишларига қушойиш бер; қудратли қўлларинг билан унинг салтанатини мустаҳкам қилиб, Мусо Моликка, Геден Мадиямга ва Довуд Голиафга голиб келгани каби у ҳам душманлари устидан зафар топсин. Унинг қўшинларини ўз паноҳингда сақла, сенинг номинг-ла қурол кўтариб, жанг майдонига бораётган азаматларнинг қўлига қувват бер, тилларини бурро қил. Қўлингга қурол билан қалқон олиб бизга мадад қил, токи бизга ёмонликни раво кўраётганлар шарманда-ю шармсор

¹ Меҳроб (*арабча*: ибодатхона; тоқча, таҳмон тепасининг ярим доира қилиб ишланган қисми) – масжид ичида унинг қибла томонидати деворида таҳмон шаклида қурилган жой (намоз шу томонга қараб ўқилади).

бўлсин, тупроқ шамол олдида қандай бўлса, душман ҳам садоқатли кўшинимиз олдида шундай бўлсин; сенинг қудратли фариштанг уларни таҳқир ва таъқиб этсин; уларнинг йўлида мислсиз бир тўр пайдо бўлсин-у улар шу тўрга тушиб, нест-нобуд бўлсин: улар сенинг бандаларинг олдида — бизнинг олдимизда тиз чўксин, оёғимиз остида топталсин! Ё раббим! Катта-кичик ҳамма нарса сенинг ҳукмингда, сенинг паноҳингдадир, сен ҳамма нарсага қодирсан, сенинг иродангга ҳеч ким қарши чиқолмайди.

Ё халлоқи карим! Сенинг лутф-у марҳаматинг чексиздир, биз оёйи бандаларингдан юз ўтирма, нолойиқ хатти ҳаракатларимиздан ҳазар қилма, шафқат ва марҳаматинг чек-чегарасиз бўлгани туфайли нолойиқ ишларимиз ва гуноҳларимизни кечир! Қалбимизни тоза, танимиздаги жонимизни пок қил, ҳаммамизнинг имонимизни мустаҳкам, ишончимизни комил қил, бир-биримизга бўлган ҳақиқий муҳаббатимиз-ла бизни руҳлантир, ўзимизни мудофаа этмоққа қодир бўлмоғимиз учун бизни яқдиллик-ла қуроллантир. Эй, бизнинг посбонимиз, бу диёнатсизларнинг биз мўминлар устидан ҳукмронлик қилишига йўл қўйма.

Эй худойи таоло, биз сенга сиғинамиз, сенга сажда этамиз, сен ўз марҳаматингни дариг тутиб, бизни шармандаю шармисор қилма, ўз қудратингни кўрсатиб, православ¹ динимизни ҳақорат қилаётганларни мустар-мулзам, ер билан яксон қил; сен халлоқи олам ламязалсан ва биз сенинг бандаларинг эканлигимизни бутун оламга кўрсат. Ё тангрим, ўз марҳаматингни бизнинг устимизга сол ва бизга нажот йўлини кўрсат, бандаларинг қалбини ўз марҳаматинг-ла шод ва душманларимизга ғазаб қилиб, уларни содик бандаларинг оёғи остига ташла. Сен бизнинг пушти паноҳимизсан, қўллаб-қувватлаш, музаффарият бахш этиш сенинг измингдадир. Сенга, ўғлингга ва муқаддас руҳга минг қатла шукур, эй халлоқи ламязал, омин».

¹ **Православ** (русча: православие — тўғрилиққа эътиқод) — христиан динининг асосий оқим (мазҳаб)ларидан бири; XI асрда Византияда шаклланган шарқий христианлик (эътиқоддаги маълум қарашлар бўйича Ғарбдаги католицизмдан фарқ қилади).

Бу дуо, зўр ихлос-ла қалби покланган Наташага жуда қаттиқ таъсир қилди. У Мусо Моликка, Геден Маддамга, Довуд Голиафга ғолиб келганлиги, Қуддуси шариф ғорат қилиниши ҳақидаги сўзларига диққат-ла қулоқ солди, қалби меҳр-у муҳаббатга тўла бўлган холда худога ёлворди, бироқ ўқиган дуоларида худодан нима тилаётганини ўзи яхши билмас эди. Худодан ҳақ ва адолатнинг тантанасини, қалбларни ишонч ва умидга тўлдириши ва муҳаббат-ла руҳлантиришини сўраб, дуо ўқилганда Наташа чин юракдан ибодатда иштирок қилди. Бироқ у душманлар ер билан яксон бўлсин, деб муножот қилолмади, чунки бир неча дақиқа бурун севмоқ ва дуо қилмоқ учун бундай душманларнинг қўпроқ бўлишини худодан сўраган эди; лекин аини замонда, тиз чўкиб ўқиётган дуоларнинг тўғрилигига шубҳа қилмас эди. Одамларнинг, айниқса ўзининг қилмишларига яраша тортадиган жазосини ўйлаб, Наташа қаттиқ ҳаяжонланди ва даҳшатга тушди, ҳамманинг ва менинг гуноҳимни кечир, бошқаларни ҳам, мени ҳам осойишталик ва бахтсаодатдан бенасіб қилма, деб худога ёлворди. Назарида охи худога етгандай бўлди.

XIX

Ўша куни Пьер Ростовларнинг ҳовлисида кетаркан, Наташанинг миннатдорлик билан қараганини эслаб, кўкдаги думли юлдузга боқди-да, қалбида янги бир туйғу пайдо бўлганини сезди; ҳаминша уни изтиробга солиб юрган масала — дунёнинг фоний ва беҳудалиги ҳақидаги масала энди уни қийнамай кўйди. Илгари Пьер нимага қўл урмасин, «На хожат? Кимга керак?» деган мудҳиш савол қўндаланг бўлиб турар эди, эндиликда унинг ўрнини бошқа нарса, илгариги саволга жавоб эмас, балки Наташанинг сурати эгаллади. Пьер энди бирон бемаъни гапни эшитса, ёки ўзи шундай бемаъни бир гапни айтса, одамларнинг ярамас иши ҳақида бирон нарса ўқиса ёки эшитса, илгаригидай даҳшатга тулмасди, нима учун одамлар шу фоний ва фоний дунёда мунча ташвиш тортяпти, деб ўз-ўзидан сўрамас эди, балки уни

сўнги даъфа кўрганини тасаввур этса, барча шубҳалари йўқоларди, қаршисида турган саволга Наташа жавоб бергани учун эмас, балки Наташа ҳақидаги ҳаёллар уни дарҳол бошқа оламга, ҳақли ва ноҳақ деган гаплардан йироқ бўлган гўзаллик ва севги оламига элтардики, шу олам туфайли яшасанг арзирди. Пьер ҳаётда қандай қабиҳ нарсаларга дуч келмасин, ўз-ўзига дер эди: «Фалончи давлат ва подшо хазинасини ғорат қилгани билан нима ишим бор; шуни биламанки, Наташа кеча менга боқиб, жилмайиб кўйди ва яна келинг деб айтди. Мен уни севаман ва бу нарсадан ҳеч ким огоҳ бўлолмайди».

Пьер ҳамон киборлар билан улфатчилик қилар, ҳамон кўп ичар, вақтихушлик қилиб бекор юрар, чунки Ростовларникидан келгандан кейин қолган вақтини қаердадир ўтказиши керак эди, эски одати ҳамда Москвада орттирган ёр-ошнолари уни ўша ҳаёт гирдобига тортар ва бу ҳаёт Пьерни ниҳоят даражада мароқлантирар эди. Бироқ сўнги вақларда жанг майдонидан тобора ҳаяжонли хабарлар келиб тургани ва Наташа соғая бошлаб, Пьерда илгаригидай раҳм-шафқат ва таассуф туйғуларини кўзғатмай кўйганидан кейин борган сайин Пьерни ғалати бир безовталиқ қамраб олди. У ҳозирги вазияти узоққа чўзилмаслигини, бутун ҳаётини ўзгартирадиган бир фалокат юз беришини сезар ва яқинлашаётган шу фалокат аломатларини сабрсизлик-ла ҳамма нарсадан излаб топишга уринар эди. Масон¹ тариқатидаги шерикларидан бири Иоанн Богословнинг Апокалипсисидан² Наполеон ҳақида ёзилган бир башоратни очиб берди.

Апокалипсиснинг ўн учинчи боби, ўн саккизинчи оятида шундай дейилган: «Бу ерда бир ҳикмат бор; агар ақл этаси бўлган киши хайвон номидаги ҳарфларни ҳисоблаб чиқса, мазкур сон инсонга тааллуқли бўлиб, олти юз олтмиш олти бўлур».

¹ Масонлик – XVIII асрда пайдо бўлган диний-сиёсий ҳаракат бўлиб, ўз олдига ахлоқий мукамаллаштиришни мақсад қилиб қўйган эди.

² Апокалипсис (Башоратлар китоби) – авлиё Юҳанннинг Башоратлар китоби (авлиё Иоанн Богослов) – эрамизнинг 68-69-йилларида ёзилган бўлса керак.

Ўша бобда, бешинчи оятда бундай дейилган: «унга узун ва захарли тил берилган; у сурадиган салтанатнинг доираси тўрт карра ўн ва икки ой мўлжалланган».

Француз ҳарфлари ҳам яхудийларнинг ҳарфи сингари рақам билан ифода қилинади: биринчи ўн ҳарф бирликларни, қолганлари эса ўнликларни қуйидаги тарзда ифода қилади:

a	b	c	d	e	f	g	h	i	k	l
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	20
m	n	o	p	q	r	s	t			
30	40	50	60	70	80	90	100			
u	v	w	x	y	z					
110	120	130	140	150	160					

Шу алифбо асосида L'Empereur Napoleon (император Наполеон) сўзи рақам билан ёзилса ҳосили 666 чиқади ва шунинг учун ҳам Наполеон Апокалипсис башорат берган ўша ваҳший ҳайвондир. Бундан ташқари, яна шу алифбо билан бу тили узун ва захар ваҳший ҳайвон сурадиган салтанатнинг муҳлатини кўрсатадиган қирқ икки сўзи ёзилса, яна бунинг ҳосили, яъни қирқ икки ифода этадиган рақамларнинг жами 666 чиқади, бундан, маълум бўладики, Наполеоннинг салтанати 1812-йилда, француз императори 42 ёшга кирган йилда хотима топар экан. Бу каромат Пьерни жуда-жуда ҳайратга солди, у бу ҳайвоннинг, яъни Наполеоннинг салтанатига нима чек кўяркан, деб тез-тез ўз-ўзидан сўрар, ҳисоб ва рақамлар воситаси билан ифода этадиган сўзлар асосида ҳаёлини банд этган масалага жавоб кидирар эди. Пьер бу саволга жавобан Император Александрми? Рус халқими? - деб ёзди. Пьер бу ҳарфларни бояги ҳисобда санаб чиқди, бироқ рақамларнинг жами 666 дан ё кўп, ё кам чиқарди. Пьер бир карра шу масала билан шуғулланиб ўз исм-фамилиясини – Comte Pierre Besouhoff деб ёзди, бироқ рақамларнинг жами яна нотўғри чиқди. У орфографиясини ўзгартириб S ўрнига Z ёзди, de билан кўшимчани илова қилди, барибир, мақсадга мувофиқ рақам чиқмади. Шундан

кейин хаёлига, модомики изланаётган жавоб менинг исм-фамилиямда экан, демак, жавобда албатта миллатим кўрсатилиши зарур, деган сўз келди. Пьер Le Russe Besuhof деган сўзни ёзиб, рақамларни санади, жами 671 чикди. Фақат 5 рақам ортиқча эди, холос. 5 «е» демакдир, «е» ҳарфи l'Empereur сўзининг бошидан олиб ташланган «е» эди. Пьер нотўғри бўлса ҳам «е» ни олиб ташлаб, мақсадга мувофиқ жавобни, яъни 666 барабар деган жавобни олди. Бу кашфиётдан ўзи ҳаяжонланиб кетди. Апокалипсисда башорат қилинган буюк воқеага ўзининг қандай алоқаси борлигини билмаса ҳам, лекин шундай алоқа борлигига сира шубҳаланмас эди. Унинг Ростовага бўлган муҳаббати, дажжол Наполеон истилоси, думли юлдуз, 666 – буларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб етилиши, бирдан портлаб кетиб, уни асир қилган ўша сеҳрли, бемаъни одатлардан кутқариб, зўр қаҳрамонлик ва буюк бахт-саодатга эриштириши керак эди.

Дуо ўқилган ўша якшанба арафасида Пьер ошнаси граф Раstopчиндан Россия халқига қарата чиқарилган хитобнома билан армиядан келган сўнгги ахборотни олиб, Ростовларнинг уйига келишни ваъда қилган эди. Шу ваъдага мувофиқ Пьер эрталаб граф Раstopчин хузурига кирди-ю, у ерда ҳозиргина армиядан келган чопарни кўрди.

Чопар Москва балларида рақс қиладиган бир йигит эди ва Пьер уни танирди.

– Худо хайрингизни берсин, юкимни сал енгил қилолмайсизми? – деди чопар Пьерга. – Сумкам ота-оналарга ёзилган хатларга тўлиб кетди.

Шу мактублар орасида Николай Ростовнинг отасига ёзган мактуби ҳам бор эди. Пьер шу мактубни олди. Бундан ташқари, граф Раstopчин Пьерга подшонинг Москва халқига қарата ёзган ва ҳозиргина босилиб чиққан хитобномасини, армияга берилган сўнгги буйруқларни ҳамда ўзининг сўнгги афишасини берди, Пьер армиядан келган буйруқларни кўздан кечирар экан, уларнинг бирида ярадор бўлган, ўлган ва мукофотланганлар орасида Николай Ростовнинг отига кўзи тушди. Николай Островнода бўлган тўқнашувда кўрсатган қаҳрамонлиги учун тўртинчи дара-

жали «Георгий нишони» билан мукофотланган эди, яна ўша фармонда князь Андрей Болконскийнинг егер полкига, командир қилиб тайинланиш ҳақида буйруқ ҳам бор эди. Пьер гарчи Ростовлар олдида Болконскийдан гап очишни истамаса ҳам, Николайнинг мукофотланиши ҳақидаги хабар билан уларни хурсанд қилишдан ўзини тия олмади-да, афиша, хитобнома ва бошқа буйруқларни қолдириб (буларни тушки овқат маҳалида ўзи бирга олиб бормокчи эди) буйруқ билан мактубни Ростовларга юборди. Граф Ростопчин билан қилган суҳбати, унинг сўзларидаги ташвиш-тараддуд ва саросималик оҳанги, чопар билан учрашгани, армиянинг вазияти ёмонлиги ҳақида чопарнинг совуққонлик билан гапирган гаплари, Москвада қўлга тушган жосус ҳақидаги овозалар, Наполеон кузгача ҳар иккала пойтахтни олармиш деган хабар ёзилган қоғознинг Москвада қўлма-қўл юргани, эртага подшонинг армиядан қайтиши – буларнинг ҳаммаси думли юлдузни кўрганда, айниқса, уруш бошланганда уни хаяжон ва изтиробга солган туйғуларни янги куч билан кўзгатиб қўйди.

Пьер кўндан бери ҳарбий хизматни ўйлаб юрар эди, бироқ бу ўйни амалга оширишга, биринчидан, қасамёд қилиб кирган масонлар тариқати (бу тариқат урушни орадан кўтариб, абадий сулҳ барқарор этишни тарғиб этарди) моне бўлса, иккинчидан, мундир кийиб, ватанпарварлик ҳақида ваъзхонлик қилаётган кўпчилик москваликлар олдида бу ишни негадир ўзига эп кўрмас эди. Аммо ҳарбий хизматга кириш орзуси ушалмай қолганига асосий сабаб бир масаланинг ойдинлашмай қолганлиги эди, бу ҳам бўлса ббб сонини – ҳайвон отининг тарихни ифодалайдиган L'Russe Besuhofning ўша сергап ва захар тил ҳайвоннинг салтанатига хотима бериш каби буюк ишга иштирок этиши азалдан белги-ланганлиги эди, шунинг учун ҳам у ҳеч қандай ташаббус кўрсатмасдан, содир бўладиган ҳодисани кутиши керак эди.

XX

Одатдагича бу якшанба ҳам Ростовларникида баъзи бир ёр-у дўстлари тушки овқатга йиғилмоқчи эди.

Пьер уй эгалари билан холи учрашиш ниятида вақглирок келди.

Бу йил Пьер шу қадар семириб кетган эдики, бўйи баланд, суяги йирик бўлмаганда тўнгакка ўхшаб қоларди. Агар бақувват бўлмаса, эҳтимол, ўз гавдасини ўзи енгил кўтариб юролмас эди.

У пишиллаб, ўзича гўлдираб зинадан чиқа бошлади. Кучери, кутайми-йўқми, деб сўрамади ҳам, чунки граф Ростовларникига келса соат ўн иккигача ўтириб қолишини у биларди. Ростовларнинг лакейлари суюниб кетганларидан югуриб бориб, бири унинг плашчини ечди, иккинчиси ҳасса ва шляпасини олди. Пьер клуб таомилига кўра, шляпа ва ҳассасини даҳлизда қолдирарди.

Ростовларникида Пьер дастлаб Наташани учратди. Боя даҳлизда плашини ечаётганида унинг товушини эшитди. Наташа залда ашула машқ қилаётган эди. У бетоб бўлганидан бери ашула айтмай кўйганини Пьер билар эди, шунинг учун ҳам Наташанинг товушини эшитиб ҳам хайратга тушди, ҳам қувонди. Пьер эшикни секин очиб қаради. Ибодатхонага кийиб борган ўша бинафша ранг кўйла-гида юрган Наташа уйда нари бориб, бери келиб ашула машқ қилмоқда эди. Пьер эшикни очганда Наташа орқаси билан унга томон келаётган эди, бироқ тўсатдан бурилиб Пьернинг таажжуб акс этган семиз юзига кўзи тушиб, қизариб кетди ва унинг истиқболига югурди.

– Яна ашула айтиб кўрмоқчиман, – деди Наташа, – ҳар қалай, эрмак-да, – деди узр сўрагандай.

– Жуда соз.

– Келганингизга бирам суюндимки! Бугун ўзимда йўқ хурсандман! – деди Наташа илгаригидай қувноқлик билан. Пьер анчадан бери уни шундай кайфиятда кўрмаган эди. – Биласизми, Николай «Георгий нишон» билан мукофотланибди. Бошим осмонга етди.

– Бўлмасам-чи, фармонни ўзим юборган эдим. Хўл, мен

сизга халал бермай кўя қолай, – деб Пьер мехмонхонага ўтмоқчи бўлди.

Наташа уни тўхтатди ва Пьерга савол назари-ла қараб:

– Граф, балким, ашула айтишим яхши эмасдир? – деди қизариб.

– Нега... Нега яхши эмас экан?.. Аксинча... Лекин нега сиз мендан сўраяпсиз?

– Ўзим ҳам билмайман, – деди Наташа дарров, – аммо сизга маъқул бўлмайдиган бирон иш қилмоқчи эмасман. Мен сизга батамом ишонаман. Сиз менинг учун жуда керакли одамсиз ва менга жуда кўп яхшиликлар қилгансиз! – Наташа тез-тез гапирар ва бу сўзларни эшитган Пьернинг қизариб кетганини пайқамас эди. – Мен ўша фармонда унинг Болконскийнинг (бу сўзни Наташа шивирлаб, шошиб-пишиб айтди) номини кўрдим, у Россияда, яна ҳарбий хизматда экан. Сизнингча, қалай, – Наташа гапни тезроқ тугатмоқчи эди, чунки бу сўзни айтгани мажолли етмаслигига кўзи етарди, – кейин менинг гуноҳимни кечирармикин? Юрагида менга нисбатан кек сақлаб юрмасмикан? Сиз бу ҳақда нима дейсиз? Сиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз?

– Менимча... – деди Пьер, – сиз Болконский кечирини керак бўлган бирон гуноҳ қилганингиз йўқ. Мен унинг ўрнида бўлганимда... – хотираси шу он кечмишда бўлган бир ҳодисани унинг тасавурида гавдалантирди, Пьер бир вақтлар Наташага тасалли бермоқчи бўлиб, фараз этайлик, мен дунёда энг яхши киши ва боши очик одам бўлсайдим, тиз чўкиб, қўлингизни сўрар эдим, деган эди, ҳозир унинг қалби яна ўша тараҳхум, илтифот ва меҳр-муҳаббат ҳисси билан тўлиб-тошди ва айнан ўша сўзлар тилининг учига келди, бироқ у бу сўзларни айтмасдан бурун:

– Балли, сиз, – Наташа сиз деган сўзни қувонч билан айтди, – сиз бошқа гап. Сиздан меҳрибонроқ сиздан олийжаноброқ сиздан яхшироқ киши йўқ бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўшанда ҳам, ҳозир ҳам сиз бўлмаганда менинг холим нима кечарди, – тўсатдан унинг кўзлари ёшга тўлди. У қайрилиб, нота билан кўзларини бекитди ва ашула айтиб яна залда у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

Шу маҳал меҳмонхонадан Петя югуриб чикди.

Энди ўн бешга кирган Петя икки бети ва дўрдоқ лаблари кип-кизил, чиройли йигитча бўлиб, Наташага ўхшаб кетар эди. У университетга киришга тайёргарлик кўриб юрган эди, бироқ сўнгги вақтларда ўртоғи Оболонский билан тил бириктириб, ҳарбий хизматга кириш ва гусар бўлиш орзусида юарди.

Петя адаши билан маслаҳатлашмоқ учун югуриб чикқан эди.

У Пьердан, мени гусарликка олармикин, шуни билиб беринг, деб илтимос қилганди.

Пьер унинг гапига эътибор қилмасдан, меҳмонхонадан чиқиб кетаётган эди. Петя унинг диққатини ўзига жалб этмоқчи бўлиб, кўлидан тортди.

– Пётр Кириллич, менинг ишим нима бўлди, худо ҳақи! Бутун умидим сиздан.

– Ҳа, айтгандай илтимосингиз эсимдан чиқаёзибди. Гусар бўлмоқчиман дегандингми? Гаплашиб кўраман.

– Қани, дўстим, манифестни топдингизми? – деб сўради кекса граф, – Графинюшка тушки ибодат учун Разумовскийларнинг ибодатхонасига борувди, ўша ерда янги дуони эшитибди. Жуда яхши дуо эмиш.

– Топдим, – деди Пьер, – эртага подшо келадилар... Дворянларнинг фавқулодда мажлиси бўлади, ҳар минг кишидан ўн киши аскарликка олинармиш. Сизни кутлайман.

– Ҳа, худога шукур. Хўш, армиядан қандай хабарлар келибди?

– Бизнинг армиямиз яна чекинибди. Ҳозир Смоленск ёнида эмиш, – деди Пьер.

– Ё раббий, ё раббий! – деди граф. – Манифест қани?

– Хитобнома! Айтгандай... – Пьер чўнтагини ковлаб, хитобномани тополмади, чўнтақларини пайпаслаб турган вақтда хона ичига кириб келган графинянинг кўлини ўпди ва бетоқат бўлиб, у ёқ бу ёққа қаради: афтидан, Наташани кутар эди. Наташа эса ашула айтишни тўхтатган эди, у меҳмонхонага ҳам кирмади.

– Худо ҳақи каёққа кўйганимни билмайман, – деди

Пьер.

– Доимо ҳамма нарсани йўқотиб юрасиз... – деди графиня.

Кўнгли эриб ҳаяжонланган Наташа меҳмонхонага кирди ва индамай Пьерга қаради-ю, бориб ўтирди. Наташа эшиқдан кириши билан шу чоғгача кош-қовоғини солиб ўтирган Пьернинг чехраси бирдан очилиб кетди ва хитобномани қидираётиб бир неча бор Наташага қаради.

– Азбаройи худо, уйда қолибди, ҳозир бориб олиб келаман. Албатта...

– Овқатга кечикасиз-да.

– Ҳа, аттанг, кучер ҳам кетувди.

Бироқ хитобномани қидириб даҳлизга чиққан Соня уни топди. Пьер йўқотиб қўймайин деб, уни шляпасининг астари орасига тикиб қўйган экан. Пьер хитобномани ўқиб бермоқчи бўлди. Кекса граф хитобномани ўқиттириб хузур қилмоқчи бўлди, шекилли:

– Кўя туринг, овқатдан кейин, – деди.

Овқат маҳалида «Георгий нишони»га сазовор бўлган янги қаҳрамоннинг саломатлигига шампан виноси ичилар экан, Шиншин шаҳар янгиликларидан гапириб, қари грузин княгинянинг бетоблигини, Метивьенинг Москвадан ғойиб бўлганини, бир немисни Растопчин хузурига шампаньон деб ушлаб кирганларини (буни Граф Растопчиннинг ўзи ҳикоя қилиб берган эди), граф Растопчин шампаньонни қўйиб юборинглар, бу шампаньон эмас, балки қари немис кўзикарини бўлади, деб айтганини гапириб берди.

– Энди ҳадеб ушлайверишади, – деди граф, – мен ҳам графиняга айтдим, камрок французча гапиргин дедим. Ҳозир французча гаплашадиган замон эмас.

– Хабарингиз борми? – деди Шиншин. – Князь Голицин рус муаллим олибди, рус тилини ўрганармиш. Кўчада французча гапириш хавфли бўлиб қолди.

– Граф Пётр Кириллич дейман, фидойилардан лашкар тузишса, сиз ҳам отланарсиз? – деди кекса граф Пьерга юзланиб.

Пьер шу куни, овқат маҳалида индамай хомуш бўлиб

ўтирди. Бу гани эшитгач, тушунмагандай, графнинг афтига қаради.

– Ҳа, ҳа, урушни айтаяпсизми, – деди Пьер. – Йўқ! Мен аскар бўлиб нима қилиб берардим! Лекин ҳозир ҳамма нарса одамни тонг қолдирыпти! Менинг ўзим ҳам тушунолмаي қолдим! Билмадим, мен ҳарбий ишдан завқланадиган одам эмасман, лекин ҳозирги замонда ҳеч ким эртага нима бўлишини билмайди.

Овқатдан кейин граф ҳузур қилиб креслога ўтирди ва жиддий йўсинда Сонядан хитобномани ўқиб беришини илтимос қилди, чунки Соня жуда бурро ўқир эди.

«Илк пойтахтимиз бўлмиш Москвага.

Душман зўр куч билан Россия тупроғига бостириб кирди. У бизнинг жонажон ватанимизни ғорат этиш мақсадида келмоқда», – деб Соня ингичка товуш билан ўқиди. Граф кўзини юмиб, аҳён-аҳёнда хўрсиниб, кулоқ соларди.

Наташа эса гоҳ отасига, гоҳ Пьерга синчиклаб қараб, ғоз ўтирар эди.

Пьер Наташанинг қараётганини сезар ва унга қарамасликка тиришар эди. Графиня манифестнинг ҳар бир тумтарокли иборасини маъқулламай, аччиғланиб бош чайқар эди. Бу сўзлардан графиня фақат ўғлига таҳдид қилаётган хавфхатар ҳали бери тугамаслигини англади, ҳолос. Шиншин лабларини буриб истехзо билан кулишга чоғланиб турар, афтидан, биринчи кулги бўладиган нарса: Сонянинг ўқиши, графнинг бирон нарса дейиши, бўлак дурустроқ баҳона тополмаса ҳатто хитобноманинг ўзидан ҳам кулишга тайёр бўлиб ўтирар эди.

Соня Россияга таҳдид этаётган хавфлар, подшонинг Москвага, хусусан маъруф ва машҳур дворянларга катта умид боғлаганлиги ҳақидаги сўзларни ўқигач, ҳамма диққат билан тинглаётганидан ҳаяжонланиб, манифестнинг сўнги сўзларини калтироқ товуш билан ўқиди: «Биз фурсатни қўлдан бермасдан, ганим йўлини тўсиш ва қаердан бош чиқарса, уни ўша ерда маҳв этиш мақсадида кўзгалган фидойиларга раҳбарлик қилмоқ ва йўл-йўриқ кўрсатмоқ учун ўзимизнинг пойтахтимиз ва давлатимизнинг бошқа ерлари-

да халқ сафидан жой оламыз.

Бизни ҳалок этмоқ қасдида бўлган душмanning ўзи ҳалок бўлсин, куллиқдан озод бўлган Европа Россиянинг номини кўкларга кўтарсин!»

Кекса граф ёшланган кўзларини очиб:

– Буни қаранг-а! – деб юборди ва худди аччиқ сирка ҳидлагандай бир неча марта пишиллаб давом этди: – шаҳаншоҳ бир нима деса, биз бутун бор-йўғимизни қурбон қиламиз, ҳеч нарсамизни аямаймиз.

Шиншин графнинг ватанпарварлиги ҳақида ўйлаб қўйган ҳазилини айтишга улгурмасдан Наташа дик этиб ўрнидан турди-ю, югуриб отасининг олдига борди.

– Хўп яхши дадам бор-да! – деб отасини ўпди ва суюниб кетиб, беихтиёр илгариги ҳолатига қайтди-да, эркаланиб Пьерга қаради.

– Бунинг ватанпарварлигини кўринглар! – деди Шиншин.

– Ватанпарварлик нимаси! Шундай, ўзим, – деди Наташа ранжигансимон. – Сиз ҳамма нарсадан куласиз, ваҳоланки бунинг ҳеч куладиган ери йўқ...

– Куладиган ери йўқ! – деб такрорлади граф. – Шаҳаншоҳ бир оғиз сўз айтсалар бас, ҳаммамиз борамиз... Биз немис эмасмиз...

– Пайқадингизми, – деди Пьер. – «Йўл-йўрик кўрсатиш учун» дейилган-а!

– Нима учун бўлса ҳам барибир...

Шу чоғ ҳеч ким эътибор бермаган Петя отасининг олдига борди ва кизариб-бўзариб, бузила бошлаган товуш билан деди:

– Дадажон, ойижон, гап шу, нима десаларинг денглар, гап шу: руҳсат этасизлар, мен ҳарбий хизматга бораман, чунки тоқатим қолмади... гап шу...

Графиня ўти ёрилиб, осмонга қаради, чапак чалиб бориб, зарда билан эрига юзланди-да:

– Хўп гапларни гапирасан-да! – деди.

Аммо граф шу он ҳаяжонини босиб, ўзини қўлга олди.

– Қўй, қўй бу гапларни! – деди граф, – сендан аскар

чикмайди! Бўлмайдиган гапларни кўй, ўқиш керак!

– Бўлмайдиган гап эмас, дадажон, Федя Оболенский мендан кичик бўлса ҳам, кетяпти. Ҳамма гап шундаки, ҳозир ўқиб, барибир, ҳеч нарса бўлолмайман, чунки... – Петя гапдан тўхтаб, кулоқларигача кизариб кетди, лекин шундай бўлса ҳам, айтмоқчи бўлган гапини айтди, – чунки ватан хавф остида.

– Кўй, бўлмаган гапларни...

– Ҳозир ўзингиз, ўз оғзингиз билан ҳеч нарсамизни аямаймиз, деб айтмадингизми?

Граф хотинига қараб олиб: – Петя! Бас қил дейман сенга! – деб ўшқирди-да, ранг-қути ўчиб, кенжа ўғлига қараганича қотиб қолган графиняга кўз ташлади.

– Гап шу, дада. Мана, Пётр Кириллович ҳам айтсинлар...

– Бўлмайдиган гапларни кўй, оғзидан она сути кетмай туриб ҳарбий хизматни орзу қилади-я! Бўлди қил деяпман сенга! – Граф қоғозларни олиб уйдан чиқаркан (у кабинетга бориб дам олишдан олдин, тағин бир карра ўқимоқчи эди, шекилли), Пьерга қараб:

– Пётр Кириллович, кани, юринг, папирос чекайлик, – деди.

Пьер ҳам мулзам бўлиб довдираб қолган эди: Наташанинг одатдан ташқари парпираб ўйнаб турган кўзлари, навозиш билан қараши уни шу кўйга солганди.

– Йўқ, уйга кетишим керакдир...

– Уйга бориб нима қиласиз, кечани бизда ўтказмоқчи эдингиз-ку. Жуда камнамо бўлиб қолдингиз. Менинг қизчам... (граф оққўнгиллик билан Наташани кўрсатиб) фақат сиз келгандагина очилади.

– Ҳа, эсимдан чиқибди... Уйга боришим зарур. Иш бор эди... – деди Пьер шошиб.

– Хўп бўлмасам, кўришгунча хайр, – деди граф уйдан чиқиб кетаётиб.

– Нега кетяпсиз? Нега хаёлингиз паришон? Нега? – деди Наташа Пьернинг кўзларига тик қараб.

Пьер: «Сени севганим учун» деб айтмоқчи бўлди-ю,

бирок айтолмади, кулоқларигача кизариб, ерга қаради.

– Негаки, сизларникига камроқ келганим маъқул...
Негаки... йўқ шундай, ишим бор эди...

– Нега? Йўқ, айтасиз! – деб Наташа қатъийлик билан бир нима демоқчи бўлди-ю, бирдан жим бўлиб қолди. Иккаласи ҳам қўрқа-писа, уялинқираб бир-бирларига қарашди. Пьер мийиғида кулиб қўймоқчи бўлди-ю, бирок кулолмади: унинг юзидаги табассум изтиробини ифода этарди, индамай Наташанинг қўлини ўпди-ю, чиқиб кетди.

Пьер энди Ростовларникига келмасликка аҳд қилди.

XXI

Петя ота-онаси розилик бермагандан кейин ўз бўлма-сига кирди-да, эшикни бекитиб олиб, хунибийрон йиғлади. Чой маҳалида Петя кўзлари кизарган ҳолда индамай келиб ковоғини солиб ўтирганда, худди ҳеч нарса бўлмагандай, ҳеч ким унга эътибор қилмади.

Эртасига Ростовларнинг қаролларидан бир неча киши рухсат олиб подшоҳни томоша қилгани кетди. Шу кун и эрталаб Петя узоқ кийинди, сочларини таради ва катталар-никига ўхшатиб ёқасини тўғрилади. Ойнага қараб қошларини чимириб ҳар хил ҳаракатлар қилиб кўрди, елкаларини кисди, ниҳоят ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан, шапкасини кийди-да, билинтирмасдан секин орқа эшикдан чиқиб кетди. Петя тўғри подшо турган ерга бормоқчи ва бирон камергерга (Петянинг назарида гўё подшо ҳамма вақт камергерлар қуршовида бўларди) шундай демоқчи эди: мен граф Ростов бўламан, ёш бўлсам ҳам ватанга хизмат қилмоқчиман, ёш-лик садоқатга ҳалал бермайди ва мен тайёрманки... Петя кийинаётганида камергерга айтадиган жуда кўп чиройли сўзларни ўйлаб қўйган эди.

Петя норасида бўлганлиги учун подшо хузурига осон-лик билан киришга кўзи етарди, у ёшлигимни кўриб ҳамма хайратга туپса керак деб ўйлаган эди, лекин шу билан бирга кексалардек ёқасини тузатиб, сочини тарашга, кекса-лардек салмоқ билан қадам ташлашга уринар эди. Бирок

юрган сари Кремлга караб келаётган сон-саноқсиз одамларни кўриб баҳри очилар, сипоҳлик ва кексалардек секин-аста қадам ташлаш кераклигини эсдан чиқарар эди. Кремлга етгач, оломон туртиб-суртиб бир чеккага чиқариб юбормасин деган ташвиш билан хезланиб, тирсақларини икки ёнига чиқарди. Бирок Троица дарвозасига етганда, Петя қанчалик қатъият кўрсатмасин, афтидан, унинг қандай ватанпарварлик ниятлар билан Кремлга бораётганидан хабарсиз бўлган одамлар, уни деворга шу қадар тираб кўйдик, бола бечора тақдирга тан бериб, то равоқ остида гумбурлаб садо чиқараётган экипажлар дарвозага кириб кетгунча тўхтаб туришга мажбур бўлиб қолди. Петянинг олдида бир аёл билан бир лакей, икки савдогар ва муддатини ўтаган бир аскар турган эди. Петя бир неча дақиқа дарвоза олдида тургандан кейин ҳамма экипажлар ўтиб кетишини кутишга сабри чидамай, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб, иккала тирсагини ишга солди. Бирок рўпарасида турган ва биринчи бўлиб тирсақларининг турткисига дучор бўлган аёл жаҳл билан унга ўшқирди:

– Хой, бойвачча! Нега туртасан! Кўрмаяпсанми! Ҳамма турибди-ку! Нима қиласан мунча суқилиб!

– Бунақа қилишни ҳамма ҳам билади! – деб лакей ҳам тирсагини ишга солди ва Петяни итариб, дарвозанинг сассиқ бурчиغا обориб тикди.

Петя юзидан оқаётган терни кўли билан артди, уйда зўр ҳафсала билан катталарникига ўхшатиб қўндирган ва хозир тердан ивиб кетган ёқасини тузатди.

Афт-боппи бир ҳолатдалигини Петя сезар, агар шу аҳволда камергерларга рўпара бўлиб қолсам, мени подшо хузурига йўлатишмас, деб кўрқар эди. Бирок шу қадар тикилинч эдики, на у ёқ бу ёқни тузатишга ҳам, нарироққа боришга ҳам имкон йўқ эди. Экипажда кетаётган генераллардан бири Ростовларга таниш эди. Петя ёрдам сўраб ўша генералга мурожаат қилмоқчи бўлди, бирок буни мард киши шаънига муносиб кўрмади. Экипажлар ўтиб бўлгандан сўнг оломон бирдан жунбишга келди-ю, Петяни одам тирбанд бўлган майдонга чиқариб ташлади. Фақат майдон эмас,

хамма ер – деворларнинг ости, томлар ҳам одамга лик тўлган эди. Петя майдонга чиқиши билан бутун Кремлни тўлдирган жом садоси ва одамларнинг қувноқ ғовури эшитила бошлади.

Майдонда бир маҳал одам камайиб қолди, лекин тўсатдан хамма бошини яланғоч қилиб, олға ташланди. Петя оломон орасида қолиб, нафас ололмай қолди, хамма «Ура! Ура! Ура!» деб қичқира бошлади. Петя оёқ учида турар, одамларни итарар, чимчилар, бироқ атрофида турган кишилардан бошқа ҳеч нимани кўрмас эди. Ҳамманинг юзи ёлғиз бир нарсани – меҳр ва зўр қувончни ифода этар эди. Петянинг ёнида турган бир савдогар аёл йигламоқда ва кўзларидан дув-дув ёш оқмоқда эди. Аёл кўз ёшларини қўли билан артаркан:

– Отамиз, малоикимиз, пушт-у паноҳимиз! – дерди. Ҳар томондан:

– Ура! – деган садолар янгради.

Оломон бир фурсат қимирламай турди, кейин яна ўзини олға ташлади.

Петя ўзини унутган ҳолда тишини-тишига қўйиб, кўзларини чақчайтириб, тирсақларини ишга солди ва «Ура!» деб қичқириб, ўзини олға ташлади, гўё шу чоғ у ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ўлдиришга тайёр эди, аммо унинг ён-веридаги кўзлари косасидан чиқаёзган одамлар «Ура!» деб қичқириб, олдинга интилар эди.

Петя ўз-ўзича: «Подшо шунақа бўлар экан-а! Йўқ илтимосномамни ўзим беришим яхши бўлмас, бу ҳаддан ортик жасурлик бўлади», деб ўйлади. Лекин, барибир, яна одамларни итариб-итариб, ўзига йўл очди ва олдинда турган кишиларнинг елкаси оша қизил мовут пояндоз солинган бўш жойни кўрди, аммо шу он оломон орқага тисарилиб кетди (полиция пояндоздан ўтиб кетаётган кишиларга яқинлашиб, қолган оломонни орқага сурди; подшо саройдан чиқиб Успенье жомесига бормоқда эди), тўсатдан Петя биқинига шундай қаттиқ туртки еди ва оломон уни шу қадар қаттиқ қисдики, бирдан кўзлари тиниб, ҳушдан кетди. Ҳушига келгандан кейин кўзини очиб қараса, бир тутам оқ сочи

орқасидан чиқиб турган, ўнгиб кетган кўк ридо кийган бир руҳоний (дьячок бўлса керак) бир қўли билан уни қўлтиғидан ушлаб, иккинчи қўли билан босиб келаётган оломондан уни муҳофаза қилмоқда эди.

– Бойваччани босиб кетибсизлар-ку! Бу қандай гап! Хой, секин! Бола бечорани босдиларинг! – дер эди дьячок.

Подшо ўтиб, Успенье жомесига кириб кетди. Оломон яна сийрақлашди, дьячок ранги ўчиб, нафас ололмайд қолган Петяни Царь-Пушка ёнига олиб чиқди. Петянинг аҳволини кўриб неча киши афсусланди ва тўсатдан бутун оломон унга юзланиб, бир зумда унинг атрофи тикилинч бўлиб кетди. Яқингинасида турган кишилар илтифот кўрсатиб сюртугининг тугмаларини ечишди, тўп турган тепаликка ўтирғизишди, босганларни қарғашди.

– Бунақада босиб ўлдириш ҳеч гап эмас! Бу қандай бедодлик! Сал бўлмаса мажақлаб юборишар эди! Бола бечорага қаранглар, ранги доқадай оқариб кетибди, – деган товушлар эшитиларди.

Кўп ўтмай Петя ўзига келди: ранги аввалги ҳолига қайтди, оғриғи босилди ва бу муваққат кўнгилсизлик эвазига у тўп устига чиқиб олди. Энди бу ердан туриб, Успенье жомесидан қайтиши керак бўлган подшонини кўриш мумкин эди. Энди Петя илтимосномани топшириш тўғрисида ўйламай ҳам қўйди. Ҳозир у подшонинг дийдорини кўришга мушарраф бўлса, ўзини бахтиёр ҳисоблар эди.

Успенье жомесида бўлаётган кўшма ибодат чоғида подшонинг келиши ва турклар билан тузилган сулҳ шарафига бўлаётган шукроний ибодат чоғида оломон тарқади; квас, шакар кулча, седанали ҳолва (Петя буни жуда яхши кўрар эди) сотувчиларнинг ҳайкириғи, одамларнинг гап-сўзи эшитила бошлади. Бир савдогар аёл тикилинчда йиртилиб кетган рўмолини кўрсатиб, уни жуда катта пулга олганини, бошқа бир аёл ипак молларнинг нархи ошганини айтди. Петянинг ҳалоскори бўлган дьячок билан бир амалдор бугун ҳазрат билан кимлар бирга ибодат қилиши ҳақида гаплашди. Дьячок «жоме» деган сўзни бир неча бор тилга олди, Петя бунинг маъносига тушунмади. Шаҳарлик икки

Йигит тишлари билан ёнғоқ чақаётган хизматкор қизларга тегишди. Бу сўзлар, айниқса, қизлар билан бўлаётган ҳазил-мутойибалар Петя ёшидаги болалар учун жуда мароқли бўлишига қарамай, Петянинг диққатини жалб этмай кўйди. У баландликда – тўп устида ўтираркан, подшони, унга бўлган муҳаббатини ўйлаганда юраги орзиқиб кетар эди. Боя оломон босганда пайдо бўлган оғриқ хисси билан кўркув хисси севинч хиссига кўшилди-ю, бу дақиқани яна ҳам ғаниматроқ килиб кўрсатди.

Дарё бўйидан бирданига тўп садолари эшитилди, турклар билан тузилган сулҳ шарафига тўп отмоқда эдилар, оломон тўп отаётганларни томоша қилмоқчи бўлиб, ўзини дарё бўйига урди. Петя ҳам ўша томонга югурмоқчи бўлган эди, бироқ уни ўз ҳимоясига олган дьячок рухсат бермади. Тўшлар ўқ узаётган чоғда Успенье жомесидан, бир талай офицер, генерал ва камергерлар югуриб чиқишди, уларнинг кетидан бошқалар чиқди, яна ҳамма шапкасини бошпидан олди, тўшларни томоша қилмоқчи бўлиб чошиб кетаётган одамлар орқаларига қараб чопишди. Ниҳоят, жоменинг эшигидан мундир кийиб, лента таққан яна тўрт киши чиқди. Яна оломон «Ура! Ура!» деб қичқирди.

Петя атрофга аланглаб қаради ва йиғлағудай бўлиб:

– Қайсиси? Қайси бири? – деб сўради, бироқ ҳеч ким унга жавоб бермади; ҳамманинг диққат-этибори кейин чиққан тўрт кишида эди; Петя кўзлари севинч ёшига тўла бўлгани учун ҳам дурустроқ кўролмаганидан шу тўрт кишидан биттасини танлади-да, гарчи бу одам подшо бўлмаса ҳам, бутун диққатини ўша одамга қаратиб «Ура!» деб бақирди ва ота-онасини кўндириш қанчалик кийин бўлмасин, эртагаёқ харбий хизматга кетмоқчи бўлди.

Оломон подшо кетидан эргашиб, уни саройигача кузатиб кўйди-да, тарқала бошлади. Алламаҳал бўлиб қолган эди, Петя ҳеч нарса емаган ва аъзойи баданидан тер оқаётган бўлса ҳам, уйга бормади, камайган бўлса ҳам, ҳали хийла катта бўлган оломон билан сарой олдида туриб, яна ниманидир кутиб, деразаларга қараркан, подшо билан бирга овқатланиш учун кареталарда келаётган амалдорларга ҳам

стол атрофида хизмат қилиб юрган ва ҳар замон ойналардан
лип этиб кўриниб кетган камер-лакейларга ҳам ҳасад билан
қарар эди.

Подшо овқатланаётганда Балувев деразага қараб:

– Халойиқ хануз зоти олийларини кўриш умидида, –
деди.

Овқатланиб бўлгач, подшо ўрнидан турди ва бисквит¹
ея-ея болохона айвонига чиқди. Оломон ўртасида бўлган
Петя ҳамма билан болохонанинг айвонига қараб югурди.

– Фариштамиз, қиблагоҳимиз, пушт-паноҳимиз! Ура!! –
деб қичқирди халойиқ. Петя ҳам уларга қўшилиб бақирди,
яна хотинлар ва баъзи бир кўнгли бўш эркаклар, шу жумла-
дан, Петя хурсандликдан йиғлаб юборди.

Подшонинг кўлидаги бисквитдан бир парчаси ушалиб,
болохона айвонининг панжарасига, ундан ерга тушди. Беш-
бел камзул кийиб, олдинроқда турган бир кучер абжирлик
қилиб, югуриб борди-ю, бисквитни олди. Оломон орасидан
бир неча киши кучерга ёпишди. Подшо буни кўргач, бир
ликопча бисквит олиб чиқишни буюрди ва айвондан пасга
– халойиққа қараб бисквит ташлай бошлади. Петянинг
кўзлари қонга тўлди, оломон остида қолиб кетиш хавфи
унинг қонини қайнатиб юборди, у бисквитга ташланди. Ни-
ма қилишни ўзи билмаса ҳам, ҳар ҳолда, подшо кўлидан
битта бисквит олишни лозим кўрди-да, ўзини олға ташлаб,
бисквитни илиб олган камширни йиқитиб юборди. Бирок
камшир ерда ётган бўлса ҳам, ўзини ютқизган санамас эди
(ҳамон бисквит ушлаб олишга уринар эди). Петя тиззаси
билан унинг кўлига бир уриб бисквитни тортиб олди ва
худди кечикишдан кўрққандай яна хириллаган товуш билан
«Ура!» деб бақирди.

Подшо ичкарига кириб кетди, шундан кейин кўпчилик
халойиқ тарқала бошлади.

Ҳар томондан:

– Тагин бир пас сабр қилинглар деб айтмабмидим,

¹ Бисквит (*французча*: biscuit) – 1) қандолатчилик маҳсулоти; ун, ёғ, шакар, туҳум,
сут ва бошқа мисалликлардан тайёрланадиган пиширик тури. Махсус шакллардаги
қолип идишларда пиширилади.

айтганимдай бўлди-да! – деган хушчақчақ товушлар эшитилар эди. Петя нақадар бахтиёр бўлмасин, ҳар ҳолда, уйга қайтишга кўнгли бўлмади, бугунги куннинг нашьаси тамом бўлганини билгани учун хафа эди. Петя Кремлдан уйга эмас, тўғри ўртоғи Оболенскийнинг олдига борди. Оболенский ўн беш ёшда бўлиб, у ҳам полкка хизматга кирмоқчи эди. Петя уйга бориб, ижозат бермасаларинг, қочиб кетиб бўлса ҳам, ҳарбий хизматга кираман деб қаттиқ туриб олди. Эртасига граф Илья Андреич ҳали ўғлининг талабига бутунлай кўнган бўлмаса ҳам, ҳар қалай, уни хавфсизроқ бирон ерга жойлаштириш учун кўчага чикиб кетди.

XXII

Шу воқеадан уч кун ўтгач, ойнинг ўн бешида эрталаб Слобода саройи олдида сон-саноксиз экипажлар турган эди.

Заллар одамга лик тўла. Биринчи залда мундир кийган дворянлар, иккинчисида кўк кафтан¹ кийиб, медаллар таққан серсоқол савдогарлар йиғилган. Дворянлар йиғини бўлаётган залдан ғовур-ғувур ва ҳаракат бошланди. Подшо-нинг сурати остига қўйилган каттакон бир стол атрофида, суянчиги баланд стулларда энг мўътабар аъёнлар ўтиришарди, аммо дворянларнинг кўпи залда у ёқдан бу ёққа юришарди.

Пьер ҳар куни ё клубда, ё ўз уйларида кўриб юрган ўша дворянларнинг ҳаммаси мундир кийган – баъзиси Екатерина, баъзиси Павлов замонидаги мундирда, баъзиси Александр замонида янги расм бўлган мундир-да, баъзи бирлари эса оддий дворянлар мундирида; бу мундирлар Пьерга таниш бўлган турли киёфадаги, ёш ва қари дворянларга ғалати тус берарди. Айниқса, сочлари тўкилиб, тишлари тушиб, кўзлари шишиқ бўлган ё семириб жир босган ёки майиздай қуриб бужмайиб қолган чолларнинг афт-у ангори, жуда аломат эди. Буларнинг кўпчилиги индамай ўтирар,

¹ Кафтан (*русча*) – Россияда XVI-XVII асрларда кенг тарқалган кийим. Биздаги чопон кийимига тўғри келади.

юриш ё гапиришга майли бўлганлар ўзларидан кўра ёшроқ кишининг яқинига борар эди. Бу ерда тўпланган одамларнинг юзида Петя майдонда учратган одамларнинг юзидаги сингари кишини хайратга соладиган бир-бирига қарама-қарши бир ифода бор эди; буларнинг ҳаммаси бир томондан тантанали бир нарсани кутса, иккинчи томондан Петрушка ошпаз билан ўйнаган кечаги бостон ўйини, Зинаида Дмитриевнанинг соғлиғи ва шу каби кундалик оддий бир нарсалар билан банд эди.

Тор келиб, ўнғайсиз бўлиб қолган дворянлар мундиридаги Пьер эрталабдан бери залларда айланиб юрарди. У хаяжонда эди: дворянларнинггина эмас, савдогарлар табақасининг ҳам бугунги фавқулудда мажлиси, кўпдан бери унутилган бўлса ҳам, лекин калбидан чуқур жой олган ижтимоий шартнома ва француз инқилоби ҳақидаги хотираларни уйғотди. Пьер хитобномадан подшо ўз халқи билан кенгашиш мақсадида пойтахтга қайтмоқчи бўлганини пайқаган эди, мана шу нарса ундаги ўша хотираларни кучайтирди. Пьер кўпдан бери кутиб юрганим муҳим ҳодиса бошланипти, деб ўйлаб, залма-зал юрар, одамларга зехн солар, уларнинг гап-сўзига кулоқ берар, бироқ ҳеч ерда ўзини банд қилган фикрга жавоб бўладиган нарса йўқ эди.

Подшонинг хитобномаси зўр қувонч билан кутиб олинди, шундан сўнг ҳамма гаплаша-гаплаша залма-зал тарқалиб кетди. Пьер бу ердаги одамларнинг оддий манфаатига тўғри келадиган гаплардан ташқари, шаҳаншоҳ кирган чоғда дворянлар оқсоқолларининг қаерда туриши, подшо шарафига қачон бал ташкил этилиши, бал вақтида ҳар қайси уезд¹ алоҳида ўтириши керакми ё бутун губерния биланми ва ҳоказоларга оид гапларни эшитди, бироқ суҳбат уруш масаласига кўчганда (ваҳоланки дворянлар шу мақсадда йиғилишган эди) дарров гаплар дудмаллашиб, суҳбатнинг файзи кетар эди. Ҳамма гапиришдан кўра эшитишга кўпроқ иштиёқманд эди.

¹ Уезд (русча: ездъ – йўл; кўча; юриш) – чор Россиясида ва собиқ Иттифокда 1929-йилгача губернаторлик таркибидаги маъмурий-ҳудудий бўлими.

Заллардан бирида истеъфога чиққан денгизчи мундиридаги ўрта ёшли, келишган ва барваста бир киши гап сотмоқда, унинг атрофини одамлар ўраб олишган эди. Пьер ҳам ваъзхонлик қилаётган киши атрофига йиғилган одамларнинг олдига келиб тўхтади-да, унинг сўзига кулоқ сола бошлади. Бу ерда танимайдиган кишиси бўлмаган граф Илья Андреич ҳам Екатерина даврининг саркардалари киядиган кафтанда, майин жилмайиб оломон орасида юрган эди, одамларнинг тўпланиб турганини кўргач, ёнларига келди ва одатдагича мулойимлик билан жилмайиб, гапирётган кишининг сўзини маъқуллагандай бош ирғатиб кулоқ сола бошлади. Истеъфога чиққан денгизчи зўр жасорат-ла гапирмоқда, бу нарса унинг сўзига кулоқ бераётган одамларнинг юз ифодасидан, энг мўмин ва итоаткор эканликларини Пьер биладиган кишилар унинг сўзига кулоқ солмай кетаётганидан ва ё унга эътироз билдираётганидан аён бўлиб турган эди. Пьер одамларнинг орасига тикилиб кириб кулоқ солди ва ваъзхонлик қилаётган киши, дарҳақиқат, либерал эканлигига қаноат ҳосил қилди, лекин бу шахс Пьер ўйлаган маънода либерал эмас эди. Денгизчи дворянларга хос оҳангдор товуш билан гапирар, гапирганда унсиз ҳарфларни жуда чиройли тарзда қисқартириб чучук тил билан, туупка ва хоказо деб, кичкираётгандай қилиб гапирар эди. Унинг товушидан ишратпараст ва ҳукмдорликка ўрганиб қолганлиги билиниб турар эди.

– Смоленскликлар подшога фидойи бермоқчи бўлган бўлса, нима қилибди? Смоленскликларнинг гапи биз учун қонунмиди! Москва губерниясининг олийжаноб дворянлари лозим топса, шаҳаншоҳ императорга бўлган садоқатини бошқа восита билан изхор қила олади. Наҳотки еттинчи йилда тўпланган фидойилар эсимиздан чиққан бўлса! Фақат бебош ва ўғри-талончилар бойиган эди, холос.

Граф Илья Андреич ширингина жилмайиб, тасдиқлагандай бош ирғаб қўйди.

– Нима, ўша фидойилардан давлат икки пуллик манфаат кўрдими? Йўқ! Фақат хўжалигимизни хароб қилишди, холос! Энг яхшиси аскар олиш... Акс ҳолда урушдан аскар ё

деҳқон эмас, балки маишатпараст, бузуқ кипчилар қайтади. Дворянлар ҳеч нарсани аямайди, ҳаммамиз борамиз, яна рекрут¹ ҳам оламиз, подшо битта ишора қилса бас; ҳаммамиз жонимизни унга фидо қиламиз, – деди нотик руҳланиб.

Илья Андреич бу сўзлардан завкланиб тупугини ютди ва ёнида турган Пьерни туртиб қўйди, бироқ Пьернинг ҳам гапиргиси келди. Илҳоми келган одамдай олдинга ўтиб олди, бироқ нимадан илҳомланганини ҳам, нима дейишини ҳам ўзи билмас эди. У гапирмоқчи бўлиб, энди оғиз жуфтлаган эди, нотикқа яқинроқ турган, оғзида битта ҳам тиши қолмаган, юзи жиддий ва сержаҳл бир сенатор Пьернинг сўзини бўлди. Афтидан, музокара ва савол жавобга ўрганган бу одам секин бўлса ҳам, эшитиларли қилиб сўз бошлади.

– Менимча, мухтарам зотлар, – деди тишсиз сенатор гапни ямлаб, – биз бу ерга ҳозир давлат учун аскар олиш қулайми, фидойилардан лашкар тўплаш қулайми деган таклифни муҳокама қилгани тўпланганимиз йўқ. Биз бу ерга шаҳаншоҳ императоримизнинг илтифот юзасидан бизга қарата чиқарган хитобномаларига жавоб қилмоқ учун йиғилганмиз. Аскар олиш қулайми, фидойи тўплаш қулайми деган масалани олий ҳокимият ихтиёрига ҳавола қилайлик.

Бирдан Пьерга юрагида тўпланган гапларни айтиш учун пайт келди. У дворянларнинг фаолиятига бундай тор маъно бермоқчи бўлган сенаторни силтаб ташлашга бел боғлади. Пьер олдинга ўтиб, сенаторни гапдан тўхтатди. Нима демоқчи бўлганлигини ўзи билмаса ҳам, лекин баъзан французча калималарни, баъзан рус тилидаги китобий ибораларни ишлатиб, зўр шавқ-завқ билан гапира кетди.

– Мени афв этсинлар, жаноби олийлари, – деб гап бошлади (Пьер бу сенаторни яхши билса ҳам, бу ерда унга расмий тарзда мурожаат қилишни лозим кўрди), – гарчи мен бу жанобнинг (Пьер дудукланиб қолди, менинг ҳурматли эътирозчим демоқчи эди) бу жанобнинг фикрига қўшилмасам ҳам... танишиш шарафига ноил бўлмаган бўлсам ҳам,

¹ Рекрут – Октябрь инқилобигача бўлган Россияда ҳарбий хизматга олинган янги аска.

лекин ўйлайманки, дворянлар табақаси бу ерга фақат ҳусни таважожуҳ ва шодлигини изҳор қилиш учун эмас, балки ватанга мадад етказиш тadbирларини муҳокама қилиш учун ҳам йиғилгандир. Менинг фикримча, – деб давом этди Пьер жонланиб кетиб, – агар шаҳаншоҳ бизнинг шахсиятимизни фақат тўпга ем бўладиган деҳқонлар эгаси деб билса-ю, маслаҳаттўй деб билмаса, албатта, ўзи норози бўлади.

Сенаторнинг нафратомуз жилмайиши ва Пьернинг бетакаллуф гапираётганини кўриб, кўшлар кетиб қолди, Пьернинг нутқи денгизчи билан сенаторнинг нутқи каби фақат умуман энг охир эшитган нутқини маъқулловчи Илья Андреичагина ёқди, холос.

– Менимча, – деб давом этди Пьер, – бу масалани муҳокама қилишдан олдин зўр эҳтиром-ла шаҳаншоҳдан, хазрат олийларидан қанча аскаримиз борлигини, кўпинимиз ва армиямиз қай аҳволда эканлигини сўрамоғимиз лозим, ўшанда...

Бироқ Пьер сўзини тамом қилмасдан одамлар тўсатдан унга ҳар томондан ёпиша кетди. Пьерга ҳаммадан кўра каттиқроқ ҳужум қилган киши – қадрдон ошнаси бўлган, доим Пьерни ҳурмат қилиб келган, бостон ўйинининг устаси: Степан Степанович Адраскин бўлди. Степан Степанович мундир кийган эди, шу мундир туфайлими, ё бошқа бирон сабабданми, Пьернинг назарида, бутунлай бегона одамдай кўринди. Степан Степановичнинг чеҳрасида тўсатдан қарияларга хос бир қаҳр-ғазаб пайдо бўлди-ю, Пьерга ўшқира кетди:

– Биринчидан, маълумингиз бўлсинки, бу нарсани шаҳаншоҳдан сўрашга бизнинг ҳақимиз йўқ! Иккинчидан, Россия дворянларининг ҳадди сиққан тақдирда ҳам шаҳаншоҳ бу саволга жавоб бермайди, чунки кўшиларимиз душман ҳаракатига монанд ҳаракат қилади, ундан кейин, бир томондан камайса, иккинчи томондан пешма-пеш келаётган аскарлар ҳисобига кўпаяди...

Ўрта бўйли, қирқларга борган Пьер лўлидар томошасида кўрган, карта ўйинига укуви бўлмаган, мундир кийгани учун ҳам афти ангори ўзгарган бир киши Пьернинг ёнига

келди ва Адраскиннинг сўзини бўлди.

– Ҳозир гап сотиб ўтиришнинг мавриди эмас, – деди бу дворян, – амалий ишга ўтиш керак. Россия тупроғида уруш кетяпти. Душман Россияни ҳалок этиб, ота-боболаримизнинг қабрини ҳақорат қилиш, бола-чақаларимизни биздан жудо этиш учун келяпти. – Дворян кўкрагига муштлади. – Пушти паноҳимиз бўлган шаҳаншоҳимиз учун ҳаммамиз жонимизни фидо қилгани борамиз! – деб бақирди қонга тўлган кўзларини олайтириб. Йиғиндагилардан бир нечтаси унинг сўзини маъқуллади. – Биз, рус халқи ўз динимиз, ўз тож-у тахтимиз, ўз ватанамиз мудофааси йўлида жонимизни дариғ тутмаймиз. Агар ватан фарзанди бўлсак, сафсата сотишни ташлашимиз лозим. Биз Россияни – бутун Россияни мудофаа этмоқ учун оёққа турганини Европага кўрсатамиз, – деб қичқирди дворян.

Пьер дворянга эътироз билдирмоқчи бўлди, лекин бир оғиз ҳам сўз айтолмади, чунки айтадиган сўзи қанчалик маъноли бўлмасин, шавқ-завқ билан гапираётган дворяннинг товушидан унинг товуши хийла паст эканлигини билар эди.

Орқада турган Илья Андреич нотикнинг сўзини маъқуллади ва баъзи бир кишилар нотикнинг сўнги сўзларини эшитиб дарров орқасига қайрилиб қаради ва:

– Гапи тўғри, тўғри!

– Ҳақ гапни гапиряпти! – деб кўйишди.

Пьер мен молимни ҳам, пулимни ҳам, деҳқонларимни ҳам, ўзимни ҳам қурбон қилишга тайёрман, лекин ёрдам бермоқ учун, аввало, вазиятни билиш керак, деб айтмоқчи эди, бироқ удалолмади. Одамлар, баланд товуш билан шу қадар қаттиқ гапираётган эдики, Илья Андреич ҳамманинг гапига бош ирғатиб маъқуллашга улгурмай қолди. Нотик атрофига тўпланган гуруҳ гоҳ кўпайиб, гоҳ озайиб қолар, яна тўпланиб, яна вағир-вуғур қилиб катта залга, катта столга томон борар эди. Пьерга гапиргани имкон бериш у ёқда турсин, балки кўпол тарзда унинг сўзини бўлиб, ўзини четга суриб чиқардилар ва худди душмандан юз ўтиргандай, ундан юз ўтирдилар. Бунга сабаб Пьер сўзлаган нутқнинг

уларга ёқмаганлиги эмасди, шунча нутқлар орасида у айтган гаплар ҳеч кимнинг эсида ҳам қолгани йўқ, аммо оломонни ҳаяжонлантирмоқ учун кучли севги ва қаттиқ нафрат уйғотадиган нарса керак эди. Пьер эса нафрат нишонни бўлди. Ҳаяжонланган дворяндан сўнг жуда кўп нотиклар нутқ сўзлади, ҳаммасининг сўзи ўша руҳда эди. Фасоҳат ва балоғат билан гапирган кишилар оз эмасди.

«Русский вестник» журналининг ношири Глинка (уни дарров танидилар: оломон орасидан «ёзувчи, ёзувчи» деган товушлар эшитилди) шундай деди:

– Дўзах ўтини дўзах ўти билан даф этмоқ лозим. Мен чақмоқ чақнаётган ва момақалдирик қалтираётган чоғда кўлимсираб турган гўдакни кўрганман, аммо биз гўдак эмасмиз.

Орқароқда турган кишилар:

– Ҳа, ҳа, момақалдирик гумбурлаганда! – деб унинг сўзини маъқуллашди.

Оломон катта столга яқинлашди, стол атрофида мундир кийиб, ленталар таққан, сочлари оқарган, бошларида битта тук қолмаган етмиш яшар қари аъёнлар ўтиришган эди; буларнинг деярли ҳаммасини Пьер ё уйларида масхарабозлари билан бирга кўрган, ё клубда бостон ўйнаб ўтирганларида учратган эди.

Оломон тинмасдан ғовур-ғувур қилиб стол ёнига келди. Стулларнинг баланд суянчигига қапишиб қолган нотиклар (халойиқ уларни кисиб кўйган эди) бирин-кетин, баъзан иккитаси барабар гапирарди. Агар нотик бирон нарсани эсдан чиқариб кўйса, орқароқда ўтирганлар унинг гапини тўлдиришга ошиқар, баъзилар бу тикинда иссиқдан пишиб, бирон тоза фикр топилармикин деб бош котиришар, топилиб қолса тезроқ айтишга шошилар эди. Пьер танийдиган мўйсафид аъёнлар гоҳ унга, гоҳ бунга қараб ўтиришар, кўпчилигининг юзида исиб кетдик-ку, деган ифодадан бўлак нарса кўринмас эди. Лекин Пьер ҳаяжонланганди, ҳамма, бизга ҳеч нарса писанд эмас, деб бақириб, ўзини кўрсатишга уринар, бу нарса айтилган нутқларнинг мазмунидан кўра юзларнинг ифодаси, сўзларнинг оҳангидан кўпроқ билиниб

турарди. Пьер ҳам шу кайфият таъсири остига тушиб қолди. У ўз фикридан қайтмаган бўлса ҳам, ўзини гуноҳкор сезар ва оқлашга уринар эди. У, ҳамма эшитсин деб, баланд овоз билан қичқирди:

– Мен нимага эҳтиёж борлигини билсак, кўмаклашишимиз осонроқ бўлади, – деб айтдим, холос.

Яқинроқда турган бир мўйсафид унга қайрилиб қаради, бироқ шу он унинг диққатини столнинг у бошида кўтарилган қичқирик жалб этди.

– Ҳа, Москва қўлдан кетади! У бизнинг халоскоримиз бўлади! – деб қичқираётган эди бир киши.

– У башариятнинг душманидир! – деб бақирди бошқа бир киши. – Жаноблар, мумкинми гапирсам... Жаноблар, мени босяпсизлар!

XXIII

Шу он генералча мундир кийган, елкасига лента таққан, ияги олдинга чиққан, кўзлари бежо граф Растопчин тез-тез қадам ташлаб, четланиб йўл берган дворянлар орасидан залга кирди.

– Император аъло ҳазрат келяптилар! – деди Растопчин, – мен ҳозир ўша ердан келдим. Ҳозирги вазиятимизда, менимча, гапни чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шаҳаншоҳ илтифот қилиб бизни ва савдогарларни бу ерда тўпладилар, – деди граф Растопчин. – у ёқдан миллион-миллион оқиб келади (у савдогарлар залига ишора қилди), бизнинг вазифамиз – фидойилардан лашкар йиғмоқ ва ўз жонимизни фидо қилмоқ... Бизнинг кўлимиздан, ақалли, шу нарса келади!

Стол атрофида ўтирган аъёнларнинг ўзаро кенгаши бошланди. Кенгаш жуда тинч ўтди. Шунчалик шовқин, шунчалик баҳс-мунозарадан сўнг бу хатто кўнгилсиз кўринди. Кенгаш столдан фақат қари овоз билан «розиман», иккинчиси эса унинг сўзини айнан такрорламаслик учунгина «мен ҳам шу фикрдаман» дегани эшитилар эди, холос.

Котибга Москва дворянларининг қарори ёздирилди, қарорда москваликлар ҳам Смоленский дворянлари сингари

хар минг кишидан ўн киши беради ва уларни уст-бош билан тўла таъминлайди, дейилган эди. Кенгашчилар енгил тортиб, стулларни тарақлатиб, ўринларидан турдилар ва оёқларини ёзиш учун бир-бирларини қўлтиқлаб, гаплашиб залларни айландилар.

Бирдан зал бўйлаб:

– Шаҳаншоҳ! Шаҳаншоҳ! – деган овозлар янгради, оломон ўзини эшикка урди. Подшо икки томонда саф тортиб турган дворянлар орасидаги кенг йўлакдан юриб, залга кирди. Ҳамманинг юзида эҳтиром ва кўрқув аралаш мароқ ифодаси бор эди. Пьер хийла узоқда тургани учун подшонинг сўзини эшитолмади. Қулоғига киргай сўзлардан давлатга таҳдид этаётган хавф-хатар, Москва дворянларига умид боғлаганлиги ҳақида гапирётганини англади. Бошқа бир овоз дворянларнинг hozиргина қабул қилган қарорини подшога маълум қилди.

– Жаноблар! – деди калтираган овоз билан подшо. Оломон шивир-шивир қилиб яна жим бўлиб қолди.

Пьер подшонинг мутаассир ва ёқимли товушини эшитди.

– Мен рус дворянларининг жонкуярлигига ҳеч қачон шубҳа қилганим йўқ, лекин сизларнинг бугунги ишларинг мен ўйлагандан ҳам ортиқ бўлди. Ватан номидан сизларга ташаккур изҳор этаман, жаноблар тезда иш бошлаш керак, фурсат ғаниматдир.

Подшо жим бўлиб қолди, оломон уни ўраб олди, ҳар томондан ҳаяжонли товушлар эшитилди.

Орқароқда турган Илья Андреич ҳеч нарсани эшитмаган бўлса ҳам, ҳамма нарсага ўзича тушуниб:

– Шаҳаншоҳнинг сўзи биз учун ҳамма нарсадан азиз, – деб йиглаб юборди.

Подшо дворянлар залидан ўтиб, савдогарлар залига кирди. У ерда ўн дақиқача турди. Пьер ҳам бошқалар қатори подшони савдогарлар залидан чиқаётган чоғида кўрди. Унинг кўзларида кўнглини эритиб юборадиган ёш йилтираб турар эди. Кейин маълум бўлишича, подшо савдогарларга қарата нутқ сўзлаётган чоғида бирдан кўзларига ёш келибди

ва титрок товуш билан сўзини зўрға тугатибди... Пьер подшони икки савдогар билан бирга залдан чиқаётганида кўрди. Булардан бирини – семиз ижарадорни Пьер танирди, иккинчиси ранги заҳил, эчки соқол, орик савдогар эди. Иккаласи ҳам йиғламоқда эди. Орик савдогарнинг кўзларида ёш, семиз ижарадор эса ёш боладай хўнграб:

– Жоним ҳам, молим ҳам садқа бўлсин, аъло ҳазрат!

Шу фурсатда Пьер ҳеч нарса унга писанд эмаслигини ҳис этар, ҳамма нарсани қурбон қилишга тайёр эканини кўрсатмоқ истаги билан ёнар эди. У конституцион руҳда ирод қилган нутқидан пушаймон бўлиб, шу гуноҳини ювишга пайт пойлар эди Граф, Мамонтов бир полк одам беришини эшитиб Пьер шу оннинг ўзида граф Растопчинга, минг киши бериб, чиқимини ҳам ўзим кўтараман, деди.

Кекса Ростов бўлиб ўтган кенгашни хотинига гапириб бераётганида кўз ёшини тиёлмади ва шу заҳоти Петянинг илтимосига кўниб, ўзи уни ёздиргани кетди.

Эртаси куни подшо жўнаб кетди. Кенгашга келган дворянлар мундирларини ечишди, яна уй-уйларига, клубларга тарқашди, инқиллаб-инқиллаб фидойиларни йиғиш ҳақида ўз одамларига амр-у фармон беришди ва ўзлари қилган ишга ўзлари ҳайрон бўлишди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

Наполеон шунинг учун Россияга қарши уруш бошладики, унинг Дрезденга келмай иложи йўқ; кўрсатилган иззат-эҳтиромлардан гаранг бўлмаслиги, поляк мундирини киймаслиги, июнь тонгида осонгина юз берган воқеанинг таассуротидан мағрурланмаслиги, аввал Куракин, кейин Балашев билан учрашганида ғазабланмаслиги мўмкин эмас эди.

Александр шунинг учун ҳам ҳар қандай музокарани рад этдики, у ўзини шахсан таҳқирланган ҳисобларди. Барклай де Толли ўз бурчини ўташ ва буюк саркарда деган улуғ номга сазовор бўлиш истаги билан армияни яхшироқ идора қилишга ҳаракат қилди. Ростов кафтдай текис далада от ўйнатиш истагидан ўзини тиёлмагани учун французларга қарши от қўйган эди. Бу урушнинг иштирокчиси бўлган сон-саноқсиз бошқа кишилар ҳам айнан мана шундай, ўзларининг шахсий ҳислатлари, одатлари, шароит ва мақсадларига кўра иш тутдилар. Булар қилаётган ишларимизни билиб қилиямиз, ўзимиз учун қилиямиз, деб манманликка берилишар, кўрқишар, суюнишар, ғазабланишар, баҳс-мунозара қилишарди, ваҳоланки уларнинг ҳаммаси ўз иродасида ташқари, тарих кўлида қурол бўлиб, ўзларига номаълум бизга эса маълум бўлган ишни бажаришган эди. Барча ишбилармон доно арбобларнинг доимий қисмати шу, улар жамиятда нақадар юксак ўринни ишғол этишса, ихтиёрлари шунчалик ўз қўлларида бўлмайди.

1812-йилнинг арбоблари аллақачонлар ўз ўринларини бўшатиб кетишди, уларнинг шахсий манфаатларидан номини қолмади, бизнинг кўз ўнгимизда ўша даврнинг тарихий натижалари турибди, холос.

Тақдир ўз мақсадларига эришишга интилган бу одамларнинг барчасини улардан ҳеч бири (на Наполеон, на Александр ва на урушнинг бошқа иштирокчиси) заррача орзу

қилмаган буюк бир натижани амалга оширишда кўмаклашишга мажбур қилди.

1812-йилда француз армиясининг ҳалокатга учрашига нима сабаб бўлганлиги энди бизга аёндыр. Француз кўшинларининг ҳалокатига бир томондан қишки урушга ҳозирлик кўрмасдан, бемаҳал ўзини Россия ичкарасига ургани сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, рус шаҳарларига ўт кўйиш оқибатида урушнинг характери ўзгариб, рус халқида душманга нисбатан нафрат ҳисси кучайгани сабаб бўлди, десак ҳеч ким баҳслашиб ўтирмайди. Аммо ўша вақтда дунёда энг яхши армия ҳисобланган, энг яхши саркардалар кўмондонлик қилаётган саккиз юз минг кишидан иборат армия шу йўл билан, ўзидан икки ҳисса заиф ҳамда тажрибасиз командирлар идора қилаётган тажрибасиз рус армиясининг қаршилигига учраб, ҳалок бўлиши ҳеч кимнинг хаёлига келгани йўқ (ҳозир эса бу нарса ҳаммага маълумдыр), хаёлга келиш у ёқда турсин, русларнинг бутун хатти-ҳаракати доимо бир нарсага – Россияни қутқарадиган бирдан бир ҳодисанинг содир бўлишига халал бермоққа қаратилган эди; французларнинг ҳам бутун хатти-ҳаракати, Наполеоннинг ҳарбий «даҳо»си ва тажрибақорлигига қарамай, ёзнинг охирида Москвага етиб олиш, яъни ўз-ўзига гўр қазишга қаратилган эди.

1812-йилги уруш ҳақида ёзилган тарихий асарларда француз муаллифлари – тарихчилари, Наполеон ўз стратегия маррасининг чўзилиб кетганидан хавотирга тушгани, рус армияси билан тўқнашишга пайт пойлагани, маршаллари Смоленскда тўхташни маслаҳат бергани ва ҳоказолар ҳақида жуда кўп гапириб, бу урушнинг хатарли эканлиги ўшанда маълум бўлганини исботлайдиган жуда кўп далиллар келтиришади, рус тарихчилари эса урушнинг биринчи кунларидаёқ Наполеонни Россия ичкарироғига алдаб олиб кириш каби скифларча уруш режаси борлиги ҳақида гапириб, француз тарихчиларидан ҳам ўтказиб юборишади ва бу режани бири Пфулга, бири аллақандай бир французга, бири Толь, бири ҳатто Александрга нисбат беришади, ҳақиқатан шундай эканлигига ишора бўлган ёзувлар, лойиҳалар, мак-

тубларни далил қилиб кўрсатишади. Бироқ содир бўлган воқеалар олдиндан маълум эканлиги ҳақида бу ишоралар, хоҳ французлар ва хоҳ руслар томонидан бўлсин, шунинг учун ҳам илғари суриладики, воқеанинг ўзи шу тахминларни тасдиқлади. Бу воқеа юз бермаганда эди, бу ишоралар ҳам ўшанда олға сурилган, лекин нотўғри бўлгани учун унутилиб кетган мингларча, миллионларча қарама-қарши ишора ва тахминлар сингари эсдан чиқиб кетар эди. Юз берган ҳар бир воқеанинг оқибати қандай бўлиши ҳақида тахминлар жуда кўп бўлади ва бу воқеа нима билан тамом бўлмасин, шундай кишилар топиладики, сон-саноксиз тахминлар орасида бир-бирига қарама-қарши бўлган тахминлар ҳам борлигини унутиб: «Ўшанда шундай бўлишини айтган эдим» деб даъво қилишади.

Наполеон стратегик маррасининг чўзилиб кетганидан хавотир олгани ва руслар душман армиясини атайлаб Россиянинг ичкарасига олиб киргани ҳақидаги тахминлар, шу тоифадага тахминлардандир, тарихчилар буни фақат ноиложликдан Наполеон ва унинг маршалларига нисбат беришади ва буни фақат саркардаларивинг режаси деб кўрсатишади. Аммо барча фактлар бу тахминга мутлақо қарама-қаршидир. Бутун уруш давомида руслар французларни Россиянинг ичкарироғига олиб киришга интилгани йўқ, аксинча, уларнинг бутун хатти-ҳаракати душман армиясини биринчи қадамдаёқ тўхтатишга қаратилган эди. Наполеон ҳам стратегик марраси чўзилганидан ҳеч қачон қўрққани йўқ, аксинча, олға босилган ҳар бир қадамни ғалаба деб билиб суюнари, илгариги кампанияларнинг аксини қилиб, бу гал душман армияси билан тўқнашишга шошилмас эди. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ армиямиз бўлиниб кетди, бизнинг бирдан бир мақсадимиз, шу армияни бирлаштириш бўлиб қолди, лекин бунинг учун орқага чекинишнинг ҳам, душманни мамлакат ичкарироғига тортишнинг ҳам фойдаси йўқ эди. Император чекиниш учун эмас, балки рус тупроғининг ҳар бир қаричини мудофаа қилишга руҳлантирмоқ учун армия қошига боради. Пфуль режасига мувофиқ буюк Дрисса истехкоми қурилади, чекиниш ҳеч кимнинг ҳаёлига

келмайди. Подшо оркага ташланган ҳар бир қадам учун бош кўмондонни таъна қилади. Москвага ўт қўйиш у ёқда турсин, душманнинг Смоленсккача келиши подшонинг хаёлига келмайди, армиялар қўшилганда подшо Смоленск душман тарафидан ишғол қилиниб ўт қўйилганлиги ва унинг атрофида душманга қарши катта жанг қилинмаганлиги учун ғазабланади.

Подшо шундай ўйлайди, рус саркардалари ва бутун рус халқи эса армиямизнинг мамлакат ичкарисига қараб чекинишидан яна ҳам кўпроқ ғазабланади.

Наполеон рус армиясини бўлиб юбориб, мамлакат ичкарисига қараб ҳаракат қилади ва бир неча кулай фурсат келганда ҳам жанг қилмайди. Август ойида Наполеон Смоленскда бўлади ва олға юришдан бўлак нарсани ўйламайди, эндиликда биз, Наполеон қанча олдинга қараб ҳаракат қилса, ўз ҳалокатига шунча яқин бўлишини биламиз.

Фактлар шуни кўрсатадики, Наполеон ҳам Москвага қараб ҳаракат қилишдан хавфсирагани йўқ. Александр ва рус саркардалари ҳам ўшанда Наполеонни мамлакат ичкарироғига олиб киришни эмас, балки бунинг аксини ўйлаган Наполеонни мамлакат ичкарисига олиб кириш ҳеч кимнинг режаси бўйича қилинган эмас (шундай бўлишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмагани), бу нарса воқеаларнинг оқибатини билмаган, Россияни халос этиш учун бирдан бир чора нимадан иборат эканлигини тасаввур қилмаган уруш қатнашчиларининг орзу-истаклари, мақсад-муддаолари ва фитна-фасодларининг мураккаб ўйини натижасида юз беради. Ҳамма нарса тасодифан бўлади. Рус армияси урушнинг дастлабки кунларидаёқ бир-бирдан ажралиб қолди. Биз душманга зарба бериш ва унинг хужумини тўхтатиш мақсадида армияларимизни тезроқ бирлаштиришга ҳаракат қиламиз, бироқ уларни бирлаштиришга ҳаракат қилиб, шу билан биз энг кучли бўлган душманга рўпара бўлишдан ўзимизни олиб қочамиз, бир нуқтада учрашмоқчи бўлиб орқага чекинамиз ва шу билан французларнинг Смоленсккача етиб олишига беихтиёр имконият туғдирамиз. Французлар иккала армия орасидан ҳаракат қилаётгани учун биз шу йўсинда

орқага қайтамиз, дейиш ҳам камлик қилади, чекинишимизнинг сабаби шуки, Багратион нуфузи бўлмаган немис Барклай де Толлини ёмон кўради (ваҳоланки Багратион унинг, кўмондонлиги остида хизмат қилиши керак эди) ва 2 – армияга кўмондонлик қилар экан, унинг кўмондонлиги остида бўлишни истамасдан, иложи борича кечроқ қўшилишга ҳаракат қилади. Багратион шу юришда армияни хавф остида қолдираман, менинг учун душманни ҳам флангдан¹, ҳам орқа томондан безовта қилиб, Украинада армиямни тўлдириш, сўлроққа, жануброққа чекиниш қулайроқ деб узоқ вақт қўшилмайди (ваҳоланки, кўмондонликнинг асосий мақсади уларни бирлаштириш эди). Бироқ ўзи ёмон кўрган ва унвон жиҳатидан ўзидан паст бўлган немис Барклайга итоат қилмаслик учунгина шундай қилганга ўхшайди.

Император кўшинларни руҳлантириш мақсадида армияга боради, бироқ унинг армияда бўлиши ва бир қарорга кела олмаслиги ҳамда маслаҳатгўйлар ва режаларнинг ниҳоят даражада кўплиги 1-армиянинг ташаббусини барбод этади ва армия орқага чекинади.

Дрисса лагерида тўхташ мўлжалланган эди, бироқ бош кўмондон бўламан деб жон куйдириб юрган Паулучи ўз сўзини Александрга ўтказди ва Пфуль тузган режалар чиппаққа чиқарилиб, ҳамма иш Барклай ихтиёрига топширилади. Аммо Барклай инobatли киши бўлмагани учун унинг ҳокимиятига чек қўйилади.

Армия бўлинган, бошлиқлар ноиттифок, Барклайнинг нуфузи йўқ; мана шу чалкашлик, армиянинг бўлинганлиги ва немис бош кўмондоннинг нуфузсизлиги оқибатида бир томондан иккиланиб душманга қарши жанг қилишдан бош тортилади (ваҳоланки, армиялар бўлинмаган ва Барклай кўмондон бўлмаганда душманга қарши жанг қилмай илож йўқ эди), иккинчи томондан, бу вазият борган сайин немисларга нисбатан нафрат ҳиссини ва ватанпарварлик руҳини кучайтириб боради.

Ниҳоят подшо армиядан жўнаб кетди, унинг кетишига

¹ Фланг – фронтнинг чап ёки ўнг томони.

пойтахт аҳолисини рухлантириш, уни ватан урушига кўзгатиш учун подшонинг пойтахтга бориши зарур деган бирдан бир қулай баҳона топилади. Подшонинг Москвага келиши рус кўшинларининг кучини бир неча хисса орттиради.

Подшо бош қўмондон ҳокимиятининг бирлигига халат бермаслик ниятида армиядан жўнайди ва қатъий тadbирлар кўрилади деб умид боғлайди, аммо у кетгандан кейин армия бошлиқларининг аҳволи яна ҳам чатоқлашади ва заифлашади. Бенигсен, буюк князь ва бир тўда генерал-адъютантлар бош қўмондоннинг ишини кузатиш ва уни ғайратлантириш учун армияда қолишади ва Барклай шаҳаншоҳнинг кўзқулоғи бўлиб турган бу шахсларнинг назорати остида ўз эркини йўқотади, қатъий ҳаракат қилишга журъат этмай, жуда эҳтиёткор бўлиб қолади ва душманга қарши жанг қилишдан қочади.

Барклай эҳтиёт бўлиб иш бошлаш тарафдори эди. Шаҳода эса хиёнат бўлаётганига шама қилади ва душманга қарши зўр жанг бошлашни талаб этади. Любомирский, Браницкий, Влоцкий ва бошқалар бу низони шу қадар кучайтириб юборишадик, Барклай шаҳаншоҳга қоғоз юбориш баҳонаси билан поляк генерал-адъютантларни Петербургга жўнатади-да, Бенигсен ва буюк князь билан опшора кураш бошлайди.

Ниҳоят Смоленскда Багратион ҳарчанд истамаса-да, кўшинлар бирлашади.

Багратион каретада Барклай ишғол қилган ҳовлининг дарвозаси олдида келади. Барклай шарфини бўйнига боғлаб, уни қарши олгани чиқади ва рутба жихатдан ўзидан юқори бўлган Багратионга ҳисобот беради. Багратион олийжаноблик кўрсатмоқчи бўлиб унвони паст бўлган Барклайга итоат қилади, бироқ итоат қилишга қилади-ю, яна мураса қилолмайди. Багратион шахсан подшонинг фармойишига кўра Барклай устидан маълумот юборади. Аракчеевга у шундай деб ёзади: «Шаҳаншоҳимнинг амр-у фармонларига итоат этишга мажбурман, лекин вазир (Барклай) билан бирга ишлашнинг иложи йўқ. Худо ҳақи, полк командири қилиб бўлса ҳам, мени бошқа бирон жойга юборинг, бу ерда

туролмайман. Бош штабни шу қадар немис босиб кетганки, русларга кун йўқ ва бирон иш чиқишига ақлим етмайди. Мен шаҳаншоҳ ва ватанга астойдил хизмат қиламан деб ўйлаган эдим, ҳақиқатда эса Барклайга хизмат қиляпман. Гапнинг рости шу: мен буни сира истамайман», Браницкий, Винцингероде ва шу каби шахслар бош қўмондонлар ўртасидаги муносабатни янада заҳарлайди, бунинг оқибатида бирлик йўқолади. Французларга Смоленск остонасида ҳамла қилмоқчи бўлишади. Бир генерал позицияни кўриб чиққани юборилади. Бу генерал Барклайни ёмон кўради, шунинг учун позицияни кўриб келиш ўрнига корпус командири бўлган ўз дўсти олдига бориб, кунни ўтказиб келади ва ўз кўзи билан кўрмаган бўлажак жанг майдонини ҳар жиҳатдан номаъқул тошади.

Бўлажак жанг майдони ҳақида бошланган баҳс-мунозара, фитна-фасодлар тугагунча, биз французларни ахтариб топгунча (улар турган жойни йўқотиб қўйган эдик), французлар Неверовский дивизияси билан тўқнашиб, Смоленск остонасига келиб қолишади.

Биз алоқа йўлларимизни сақлаб қолиш учун кўкқисдан Смоленскда жанг қилишга мажбур бўламиз. Жанг бўлади. Ҳар иккала томондан мингларча одам қурбон бўлади.

Подшо ва бутун халқнинг хоҳишига қарамай, Смоленск душман қўлига топширилади. Аммо ўз губернатори алдаган ва хонавайрон бўлган шаҳар аҳолиси, бошқа русларга ибрат кўрсатиб, Смоленскка ўт қўяди, ўз талафотинигина ўйлаб, душманга қарши нафрат қўзғатиб, Москвага қараб йўл олади. Наполеон олға қараб ҳаракат қилади, биз орқага қараб чекинамиз, ниҳоят Наполеонни мағлуб этадиган ҳодиса содир бўлади.

II

Князь Николай Андреич ўғли кетгандан кейин эртаси кунни княжна Марьяни чақирди:

– Ҳа, мурод-мақсадингга етдингми? – деди князь.

– Ўғлим билан уриштириб қўйдинг-а! Муродингга

етдинг. Шунинг пайдан эдинг! Энди мақсадингга етдинг-ми? Менга жуда-жуда алам қияпти. Мўйсафид ва заиф-лигимни кўриб туриб, шу ишни раво кўрдинг. Мана энди яйра, яйра... – Шу воқеадан сўнг княжна Марья бир ҳафтагача отасини кўрмади. Чол касал бўлиб кабинетидан чиқмади.

Княжна Марья шунисига ҳайрон бўлдики, кекса князь хаста бўлиб ётган кунларида мамзель Бурьенни ҳам олдига киргизмай қўйди. Ёлғиз Тихон унга қарар эди.

Князь бир ҳафтадан кейин ташқарига чиқди, иморат ва боғ ишларига ҳафсала билан киришиб, мамзель Бурьендан бурунги алоқасини узиб, яна ўша аввалги ҳаётига қайтди. Унинг бутун ташқи кифаси, княжна Марьяга қилаётган совуқ муомаласи худди: «Мана, кўряпсанми, сен менинг ҳақимда алланималар дединг, бу француз аёл билан бўлган муносабатим ҳақида князь Андрейга бўлмаган ёлгонларни айтиб, ота-болани уриштирдинг, ваҳоланки менга сенинг ҳам керагинг йўқ, бу француз аёлнинг ҳам», – деб турар эди.

Княжна Марья вақтини тунгача Николушка билан ўтказар, унинг дарсига қараб, ўзи унга рус тили ва мусиқадан дарс берар, Десаль билан гаплашиб ўтирар, тушдан кейин китоб ўқир, энага кампир ва баъзан орқа эшикдан келадиган художўй хотинлар билан суҳбатлашар эди.

Уруш ҳақида бошқа хотинлар қандай тасаввурга эга бўлса, княжна Марья ҳам шундай тасаввурга эга эди. У урушга кетган укасидан хавотирланар, бир-бирларини ўлдирishга мажбур этадиган инсоний шафқатсизликдан даҳшатга келар, унинг сабабини билмас, бу урушнинг моҳиятига тушуномас, бу ҳам, назарида, ўтган барча урушларга ўхшар эди. Урушнинг боришини зўр кизиқиш билан кузатиб борадиган доимий ҳамсуҳбати Десаль ўз мулоҳазаларини тушунтиришга уринса-да, олдига келадиган художўй хотинлар дажжолнинг хуружи ҳақида халқ орасида тарқалган миш-мишларни ваҳимали қилиб айтиб берсалар-да, эндиликда княгиня Друбецкая бўлиб қолган ва княжна билан яна хатлаша бошлаган Жюли Москвадан ватанпарварлик руҳидаги мактублар ёзиб турса-да, барибир, княжна Марья бу

урушнинг моҳиятига тушунмас эди.

«Меҳрибон дўстим, сизга мактубни рус тилида ёзганман, – деб ёзган эди Жюли, – французлардан ҳам, уларнинг тилидан ҳам нафратланаман, бу тилни эшитишни ҳам, бу тилда гапиришни ҳам хоҳламайман... Бизлар Москвада жондан азиз императоримиз қайтиб келганларидан гоят хурсандмиз.

Бечора эрим яҳудийлар майхонасида не-не азиятлар чекиб, очликдан қийналиб юрибди, лекин эшитаётган янги хабарларим мени янада руҳлантирмоқда.

Сиз Раевскийнинг қаҳрамонлик кўрсатганини эшитгандирсиз, икки ўглини бағрига босиб: «Шулар билан жон бераман-у, душманнинг олға силжишига йўл қўймайман!» – дебди. Душман, дарҳақиқат, биздан икки ҳисса кучли бўлса ҳам, биз бўш келмадик. Бизлар вақтимизни қўлимиздан келганча ўтказиб юрибмиз, лекин уруш урушдир. Княжна Алина ва

Соня эртадан кечгача менинг олдимда, биз, эрлари тирик бўла туриб тул бўлган бахтсиз хотинлар увода титиб, ширин-ширин суҳбатлашиб ўтирамиз, фақат сиз йўқсиз, азиз дўстим... ва ҳоказо.

Княжна Марья бу урушнинг моҳиятига, аввало, шунинг учун тушунмас эдики, кекса князь ҳеч қачон бу ҳақда оғиз очмас, уни эътироф қилмас, агар мабодо овқат маҳалида Десаль бу тўғрида гапириб қолса, кекса князь уни мазах қилар эди. Князь шу қадар осуда, шу қадар хотиржам эдики, княжна Марья унга ишонар эди.

Бутун июль ойи давомида кекса князь фавкулудда тетик эди, ҳатто сер ғайрат бўлиб қолди. У яна ниҳоллар ўтказиб янги боғ қилди, янги бино солди, қароллар учун уй қуриб берди. Фақат кам ухлагани, доим кабинетда ётиб юрган чол ҳар куни кечаси ухлайдиган жойини ўзгартиргани княжна Марьяни ташвишга солар эди. Князь гоҳ буклама каравотини ойнакорлик айвонга қўйдирар, гоҳ меҳмонхонадаги диван ё Вольтер креслосида чўзилиб, ечинмасдан пинакка кетар, мамзель Бурьен ё дастёр Петрушка унга китоб ўқиб берар, гоҳ емакхонада ухлаб қолар эди.

Августнинг биринчисида князь Андрейнинг иккинчи мактуби келди. Князь Андрей жўнаб кетиши биланоқ ёзган биринчи мактубида одобсизлик қилиб айтган сўзлари учун отасидан узор сўраган ва лутф-марҳаматини дариг тутмаслигини илтимос қилган эди. Кекса князь ўғлининг бу мактубига меҳрибонлик билан жавоб қайтарди ва шундан кейин француз аёлини яқинига йўлатмади. Князь Андрейнинг иккинчи мактуби французлар Витебскни ишғол қилгандан сўнг, Витебск яқинида ёзилган эди; бунда князь Андрей бутун уруш кампаниясини ҳисқача тасвирлаб, ҳатто режасини қоғозга чизиб юборган ва урушнинг бориши ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этган эди. Шу мактубда князь Андрей уруш майдони ва кўпинлар ҳаракат қиладиган йўлга яқин жойда турган отасининг ноқулай бир вазиятда қолганини билдириб, Москвага кўчишни маслаҳат берган эди.

Шу куни овқат маҳалида Десаль французлар Витебскни ишғол қилишибди деган миш-мишлар юрибди, деганида кекса князь ўғлининг мактубини эслади.

– Бутун князь Андрейдан мактуб олган эдим, – деди у княжна Марьяга, – ўкиганинг йўқми?

– Йўқ, отажон, – деди княжна кўрка-писа. Мактуб келганидан хабарсиз бўлган Марья мактубни ўқиши мумкин эмасди.

– Князь Андрей ҳалиги, уруш ҳақида ёзибди, – деди князь одатдагича тиржайиб (урушдан гап очилганда ҳамиша тиржайиб кўяр эди).

– Жуда қизиқ бўлса керак, – деди Десаль, – князь бутун аҳволдан хабардор бўлсалар керак.

– Ҳа, жуда қизиқ, – деди.

– Хатни олиб келинг, – деди князь мамзель Бурьенга, – биласиз-а, кичкина столда, пресс-папье¹ остида турибди.

Мамзель Бурьен суюниб, сапчиб ўрнидан турди.

– Қўйинг, сиз борманг! – деб бақирди князь қовоғини солиб, – Михаил Иванович, ўзинг бора қол!

¹ Пресс-папье (французча) – столдаги қоғозлар тарқалиб, ёйилиб кетмаслиги учун солиб қўйиладиган махсус мослама. Одатда, у тахтадан, тошдан ёки темирдан асалган.

Михаил Иванович ўрнидан туриб, кабинетга кетди. Бироқ у эшиқдан чиқиши биланоқ кекса князь безовталаниб, у ёқ бу ёққа қаради-да, кўлидаги салфеткани таппаб, ўрнидан турди.

– Ҳеч балони билишмайди, ҳамма нарсани титиб юборишади.

Кекса князь қайтиб келгунча княжна Марья, Десаль, мамзель Бурьен ва хатто Николушка миқ этмай, бир-бирларига қараб ўтиришди. Кекса князь тез-тез қадам ташлаб кўлида мактуб ва Андрей ёзиб юборган уруш режаси билан Михаил Иванович ҳамроҳлигида келди, овқат маҳалида ҳеч кимга ўкигани ижозат бермасдан, олдига қўйиб ўтирди.

Меҳмонхонага ўтгандан сўнг мактубни княжнага берди-да, янги қурилиш лойиҳасини олдига ёзиб қўйди ва ундан кўзини солмай, княжна Марьяга баланд товуш билан ўқишни буюрди. Княжна мактубни ўқиб бўлгач, савол назари-ла отасига қаради. Кекса князь ўз фикр-хаёли билан банд бўлса керак, кўзларини қоғоздан олмас эди.

Десаль журъат этиб:

– Жаноблари, бу ҳақда қандай фикрдасиз? – деб сўради.

Кўзлари ҳамон қурилиш лойиҳасида бўлган князь:

– Менми?.. Менми?.. – деди ёмон туш кўриб, уйғониб кетган кишига ўхшаб.

– Уруш майдони бизга яқинлашиб қолса ажаб эмас...

– Ҳа-ҳа-ҳа! Уруш майдони! – деди князь. – Уруш майдони Польша бўлади деб айтган эдим, ҳозир ҳам ўша фикрдаман, душман ҳеч қачон Немандан ўтолмайди.

Десаль таажжубланиб князга қаради, чунки душман аллақачон Немандан ўтиб, Днепр соҳилига яқинлашган эди, бироқ Неманнинг жўғрофий мавқеини унутган княжна Марья отам рост айтяпти, деб ўйлар эди.

– Қор эриси, улар Польша ботқокларига ботиб кетишади, уларгина буни кўролмай қолиши мумкин, – деди князь, афтидан, 1807-йил урушини эслаб (назариди, бу уруш кечагина бўлиб ўтгандай кўринар эди), – Бенигсен аввал Пруссияни забт қилганда эди, иш бошқача бўлар эди.

– Лекин, – деди Десаль кўрқа-писа, – мактубда Витебск

ҳақида ёзилган-ку, князь.

– Мактубдами? Ҳа... – деди князь норози тарзда.

– Ҳа-ҳа... – тўсатдан унинг қовоғи солиниб жимиб қолди. – Ҳа, қайси дарё ёқасида французларга шикаст берилди деб ёзибди?

Десаль ерга қаради-да:

– Бу ҳақда князь Андрей ҳеч нарса ёзмаган, – деди секин.

– Ёзгани йўқ дейсанми? Бу гапни мен ўйлаб чиқарганим йўқ-ку! – Анчагача ҳамма жим бўлиб қолди.

– Ҳа, айтгандай... Қани, Михаил Иванович, гапириб берчи, – деди тўсатдан бошқани кўтариб қурилиш лойиҳасига ишора қилар экан, – сен буни қанақа қилиб бошқатдан қурмоқчи эдинг.

Михаил Иванович хатга яқин келди, князь қурилиш лойиҳаси ҳақида у билан гаплашиб бўлгач, княжна Марья ва Десалга бир хўмрайиб қаради-да, ўрнидан туриб кетди.

Княжна Марья Десалнинг хижолат чекиб хайрат-ла отасига тикилганини кўрди, унинг индамай ўтирганини пайқади ва отаси ўғлидан келган мактубни мехмонхона столида қолдириб кетганидан ажабланди, аммо Десалнинг хижолат чекиб, индамай қолганининг сабабини сўраш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлашдан ҳам қўрқар эди.

Кечқурун кекса князь мехмонхонада эсидан чиқиб қолган хатни олиб келиш учун Михаил Ивановични княжна Марья олдига юборди. Княжна Марья хатни берди. Гарчи сўрашни ўзига эп кўрмаса ҳам, отаси нима билан банд эканлигини Михаил Ивановичдан сўради.

– Ҳамон янги иморатнинг ташвишидалар, – деди Михаил Иванович ҳурмат аралаш истехзоли табассум билан. Унинг табассумини кўриб княжна Марьянинг ранги ўчиб кетди. – Фикр-у ҳаёлиари ўша иморат билан банд, озгина мутолаа қилдилар тағин, – деди Михаил Иванович овозини пасайтириб, – бюро-столни очиб, васиятномаларини кўриб ўтирибдилар, шекилли. (Кейинги вақтларда князь ўлганидан кейин қоладиган ва ўзи васиятнома деб атаган қоғозларни титиб ўтиришни яхши кўрарди.)

– Алпатични Смоленскка юборадиларми, йўқми? – деб сўради княжна Марья.

– Ҳа, албатта, юборадилар, Алпатич ана кетаман, мана кетаман деб юрибди.

III

Михаил Иванович мактубни олиб келганда, кекса князь кўзойнак тақиб, кўзига соябон, шамга абажур¹ тақиб, очик турган бюро-стол олдида қоғоз ушлаган кўлини кўзидан узокрокда тутиб, викор билан ўлимидан кейин подшога юбориладиган (ўзи, ремарка, деб атаган) қоғозларни ўқиб ўтирган эди.

Михаил Иванович кирганда князь ҳозир ўқиётган қоғозлар ёзилган дамларни эслаб, кўзига ёш олиб ўтирган эди. У Михаил Ивановичнинг кўлидан мактубни олиб чўнтагига солди-да, қоғозларни тахлаб ўрнига кўйди, кейин аллақачондан бери кутиб ўтирган Алпатични чақиртирди.

Алпатич Смоленскда қиладиган ишларнинг ҳаммасини князь бир парча қоғозга ёзиб кўйган эди. Ҳозир уйда нари-бери юриб, эшик ёнида кутиб турган Алпатичнинг ёнидан ўтаркан, амр-фармон бера бошлади.

– Биринчи, почта қоғози, эшитяпсанми? Саккиз товоқ, мана шунақасидан оласан, чети зарҳал... Мана, намунаси... айнан шунинг ўзидан бўлсин; лак билан сургичнинг қанақа бўлишини Михаил Иванович ёзиб кўйибди.

У уйда нари-бери юриб, кўлидаги қоғозга қаради.

– Ҳа, айтгандай, хужжатлар ҳақидаги мактубни шахсан губернаторнинг ўзига берасан.

Кейин янги иморатларнинг эшигига илгак керак эди, бу, албатта, князнинг ўзи ўйлаб тошган нусхадаги илгакқа ўхшаган бўлиши шарт. Яна васиятномани солиб кўйиш учун кути ҳам буюриш керак эди.

Алпатичга икки соат давомида амр-фармон бериди. Князь ҳеч уни кўйиб юбормас эди. Ниҳоят ўтириб ўйга

¹ Абажур (французча: abat-jour – ёруғликни қайтарувчи) – керакли ёруғликни бир жойга тўплаб тушириш ёки кўзни ёруғлик нуридан пана қилиш учун лампа устига ўрнатиладиган, шиша, маго, металл ва шу қабилардан ясалган қалпоқ.

толди ва кўзларини юмиб, пинакка кетди. Алпатич қимирлаб қолди.

– Ҳа, хўп, бор, бора қол. Тагин бирон нарса керак бўлса айтиб юбораман.

Алпатич чиқиб кетди. Князь яна бюро-шкаф олдига келиб қоғозларини титиб кўрди, яна уни бекитиб, губернаторга хат ёзиш учун стол ёнига ўтирди.

Хат солинган конвертни елимлаб ўрнидан турганда алла-палла бўлган эди. Унинг уйкуси келар, бироқ тўшакка кирганда хаёлига кўп бемаъни ўйлар келиб, ухлолмаслигини билар эди. Тихонни чақирди-да, бу кеча қаерга жой солиб беришини кўрсатиш учун ҳамма уйни у билан айланиб чиқди. Шу ерда ётсам бўлармикин, деб ҳар бир бурчакни чамалаб кўрди.

Ҳеч бир жой унга ёқмади, лекин доим ётиб юрган кабинетдаги диван унга жуда ноқулай кўринар эди. Эҳтимол, энг мудҳиш фикрлар шу диванда ётган чоғларида хаёлига келгани учун ҳам бу диван кўзига балодай кўринар. Ҳеч бир жойни хушламади, лекин истироҳат бўлмасида, фортепианонинг орқасидаги бурчак кўзига яхши кўринди; ҳеч қачон бу ерда ётмаган эди.

Тихон официант¹ билан кўрпа-тўшак олиб келиб жой сола бошлади.

– Ундай эмас, бундай қил! – деб князь бақириб берди ва ўзи каравотни бурчакдан бир қарич бери сурди, кейин яна яқинроқ кўйди.

«Энди хотиржам бўлдим, энди ором оларман» деб ўйлади князь ва ечинтир деб ўзини Тихоннинг ихтиёрига тошширди.

У кафтан ва чолворини ечаётганда зўриққанидан афтини буриштирарди, ечиниб бўлгач, секин каравотга ўтирди ва сарғайган қоқшол оёқларига нафратомуз қараб, ўй ўйлагандай бўлди, лекин у ҳеч нарсани ўйлагани йўқ эди, балки шу оёқларни кўтариб каравотга қўйиш гамида туриб қолган

¹ Официант (лотинча: officians, officiantis – хизматчи, хизмат қилувчи) – ресторани, кафе ва шу кабиларда кўрандаларга хизмат қилувчи, улардан буюртма олиб, овқат келтириб берувчи ходим(а).

эди. У ўзича: «Ох, нақадар оғир! Ох, қачон бу азобдан кутулар эканман! Қачон мени ўз ҳолимга қўясизлар!» – деб ўйлар эди. Ниҳоят лабларини қимтиб, минг биринчи мартаба зўр бериб, оёғини кўтариб каравотга қўйди. Аммо чўзилиши биланок остидаги каравот худди хансираб олға интилаётгандай бир маромда бориб келаверди. Ҳар кеча унинг ҳоли шу эди. У энди юмган кўзларини очди.

– Лаънатилар, тинч қўйишмади! – деб кимгадир ғазаб билан тўнғиллади. «Ҳа, ха, тагин бир муҳим, жуда муҳим бир иш бор эди, кўрпа орасига кирсам, ўйлаб қўярман деб қўйган эдим. Илгакмиди? Йўқ, буни айтганман; меҳмонхонада бир гап ўтувди. Княжна Марья бўлмаган бир гапни айтувди. Десаль аҳмоқ ҳам бир нима деяётган эди. Чўнтагимда алланарса бор эди, ҳеч эслолмаяпман».

– Тишка! Дастурхон устида нима тўғрида гапирган эдик?

Князь Михаил ҳақида...

– Бўлди, бўлди, – деди князь столни шапатилаб, – энди эсимга келди. Князь Андрейнинг мактуби. Княжна Марья ўқиб берувди. Десаль Витебск ҳақида алланарсаларни деяётган эди. Энди ўқийман.

Князь чўнтагидаги мактубни олиб бериб, лимонад ва жимжимадор шамдон турган столчани яқинроқ суриб қўйишни буюрди-да, кўзойнагини такиб, мактубни ўқий бошлади. Фақат тунги сукунатда, яшил абажур остидан ёғду сочиб турган шамнинг хира нурида мактубни ўқиб, биринчи мартаба унинг моҳиятига тушунди.

– Французлар Витебскда, тўрт манзилдан сўнг улар Смоленскда бўлиши мумкин, балки, аллақачон етиб ҳам келгандир. Тишка! – Тихон сапчиб ўрнидан турди.

– Йўқ! Ҳожати йўқ! – деб кичқирди кекса князь.

Мактубни шамдон остига бекитиб яна кўзини юмди. Дунай дарёси, офтоб чарақлаб турган қиём пайти, камишзор, рус лашкаргоҳи унинг кўз ўнгига келди. У хали ёш, юзи сипсиллик, ранг-рўйи кип-қизил, ўзи тетик, қувноқ ва навқирон генерал, у Потёмкиннинг сернақш чодирига киради ва подшонинг бу арзандасига нисбатан ўгли ҳасад хисси уни

ёндиради. Князь илк дафъа Потёмкин билан кўришган вақтида айтилган сўзларнинг барини эслайди. Унинг кўз олдида тўла юзли, рангй захил, ўрта бўйли семиз хотин — малика гавдаланади, биринчи мартаба қабул қилган вақтида навозишкорона жилмайиб айтган сўзлари эсига тушади, сўнгра маликанинг тобутда ётган юзи унинг қўлини биринчи бўлиб ўпиш шарафига ким ноил бўлиши устида тобут олдида Зубов билан бўлган тортишувни хотирлайди.

«Ох, кошки, ўшал дамлар тезроқ, тезроқ қайтиб келсайди, кошки, ҳозирги кунлардан тезроқ, тезроқ кутулсам эдим, кошки, улар мени ўз ҳолимга қўйса эди!»

IV

Князь Николай Андреич Болконскийнинг Лисие Горидаги мулки Смоленскдан олтмиш чақирим нарида, унинг орқа томонида бўлиб, ундан Москва йўлига уч чақирим келар эди. Алпатичга князь амр-фармон берган ўша кеча Десаль княжна Марья билан кўришиб, унга князь нотоб бўлгани, ўзини эҳтиёт қилиш учун ҳеч бир тадбир кўрмаганини, князь Андрейнинг хатига қараганда Лисие Горида туриш хавфли бўлиб қолганини айтиб, эҳтиром билан: «Сиз Алпатич орқали губернаторга хат ёзинг, губернатор Лисие Горига таҳдид этаётган хавф қай даражада жиддий эканлигидан сизни огоҳлантирсин», — деб илтимос қилди. Княжна Марья номидан губернаторга юбориладиган мактубни Десаль ёзди, княжна Марья имзо чекди. Алпатич бу мактубни губернаторга етказиши, вазият хавфли бўлган тақдирда, имкони борича тезликда қайтиши керак эди.

Алпатич барча амр-фармонларни олиб, бошига князь ҳада қилган момик шляпани кийиб, қўлига князга ўхшаб хасса ушлаган ҳолда уч саман от қўшилган чарм соябонли аравага мингани ташқарига чиқди, уй ичидагилар уни кузатиб қўйди.

Соябон араванинг кўнгироқлари боғланган, кўнгироқчалари ичига қоғоз тикиб қўйилган эди. Князь Лисие Горида кўнгироқларни жаранглатиб юргани ҳеч кимга руҳсат

бермас эди. Лекин Алпатич узок йўлга чиққанда кўнғироқ ва кўнғироқчаларнинг жиринглашини яхши кўрар эди. Алпатични «мулозим»лари – мирзаси, ирода ходими, бири оғир ишни, бири енгил ишни қиладиган икки ошпаз хотин, икки кампир, дастёр бола, кучерлар ва бошқа ҳар хил хизматкорлар чиқиб кузатишди. Қизи отасининг тагига ва орқасига чит жилдли парку ёстиқ кўйиб берди. Қайинэгачиси кампир секин битта тугунчани соябон аравага ташлади. Кучерлардан бири Алпатични кўлтигидан олиб соябон аравага ётқизиб кўйди.

– Ҳа, бўлди, бўлди! Хотинларнинг иши ҳеч битмайди, – деди Алпатич князга таассуб қилмасдан тепакал бошидан шляпасини олди-да, уч мартаба чўқинди.

Хотини уруш ва душман ҳақидаги миш-мишларга шама килиб:

– Яков Алпатич, бирон гап бўлса дарров қайтинг! Худо ҳақи бизни хавотирга кўйманг, – деб унинг кетидан кичкирди.

– Ох, хотинлар-э, хотинлар-э, буларнинг одам кузатишини қаранглар-а! – деди ўзича Алпатич; у энди сарғайиб келаётган жавдарни, баъзи ерлари қалин ўсиб, кўм-кўк бўлган, баъзи бир жойлари энди кўшқулоқ бўлиб, ҳали қорайиб турган сулиларни томоша қилиб, жўнаб кетди. Алпатич аравада ўтириб, бу йилги баҳори экинларнинг ниҳоят даражада яхши бўлишидан суюниб бораркан, онда сонда энди ўрила бошлаган жавдар пайкалларига қараб, экин-тикиннинг ҳисобини олар, айни замонда князнинг бирон амр-фармони эсимдан чиқмадимидеб ўйлар эди.

Алпатич йўлда икки мартаба отларни хашақлатиб, 4-август, кечки пайт, Смоленска етиб келди.

Алпатич йўлда кўпинларга, обозларга дуч келиб, улардан ўзиб кетди. Смоленска яқинлашганида узокдан милтиқ товушини эшитди, бироқ бу садо уни ҳайратта солмади. Алпатич Смоленск шаҳри яқинида барқ уриб турган сулиларни бир тўда аскар, ем учун бўлса керак, ўраётганини ва унинг устида лагерь куриб ўтирганларини кўриб, ханг-манг бўлди, лекин хаёли ўз иши билан бўлиб, бунни тезда унутди.

Алпатич бутун умрини ўттиз йилдан бери фақат князга бағишлаб, у чизган чизиқдан ҳеч қачон чиқкани йўқ. Князнинг фармонларига алоқаси бўлмаган нарса билан у кизикмас ва шундай нарса бўлишини тасаввур ҳам қилмас эди.

Алпатич 4-августда, кечки пайт, Смоленскака етиб, Днепр дарёсининг нариги тарафида, Гаченск деган жойда, Ферапонтовнинг карвонсаройига тушди; ўттиз йилдан бери у ҳар гал шу ерга тушар эди. Ферапонтов ўн икки йил муқаддам Алпатичнинг ёрдамида, князнинг чакалазорини сотиб олиб, дастмоя қилганди, эндиликда уй-жойи, карвонсаройи ҳамда аллофлик¹ дўкони бор эди. Ферапонтов қирққа кирган, семиз, қорамағиз, лаблари дўрдоқ, бурни пишп, қорни кажавага² ўхшаган деҳқон бўлиб, осилиб турган қора қошлари устида ғурралар бор эди.

Ферапонтов чит кўйлак устидан нимча кийиб, кўчага қараган дўкони олдида турган эди, Алпатичга кўзи тушгач, унинг олдига келди.

– Хуш келибсан, Яков Алпатич! Одамлар шаҳардан қочяпти-ю, сен эса шаҳарга келибсан-да!

– Ие, ҳали одамлар шаҳардан қочяптими? – деди Алпатич.

– Ҳа, шундай, авом халқ-да, нима ҳам дейсан. Француз десанг, ҳаммасининг ўти ёрилади.

– Хотин-халажнинг гапи-да! – деди Алпатич.

– Мен ҳам шунақа деяман, Яков Алпатич. Французларни шаҳарга киргизмаслик ҳақида буйруқ бор, киргизилмайди. Бу имонсиз деҳқонларни айтмайсанми, битта аравага уч сўм сўрашяпти!

Яков Алпатич унинг сўзларига эътибор қилмади. У самовар кўйиб бериш, отларга ханшак ташлашни буюрди-ю, чой ичиб бўлиб, ухлагани ётди.

¹ Аллофлик – 1) гиёҳфурушлик, ўтин-чўп сотиш билан шугулланиш; 2) бозорда галла, дов, ун сотиш.

² Кажива (*фореча*; уй ҳайвонлари устидаги соябонли ўтиргич) – одатда иш ҳайвонларига орғиб, юк ташини учун дарахт новдалари ёки қобиғидан, шунингдек, махеус ясалган катта, кенг чорқирра идиш; 2) от, ҳачир, фил, туя каби ҳайвонлар устига ёки ёнига ўрнаштирилган ва одам олиб юриш учун мосланган ўриндик.

Туни бўйи кўчадан, карвонсарой ёнидан аскар ўтди. Эртасига Алпатич шаҳарда киядиган камзулини кийиб, ишларини битиргани чиқиб кетди. Соат энди саккиз бўлган бўлса ҳам, жазирама эди. Зап бугдой ўрадиган кун бўлибдида, – деди ичида Алпатич. Эрталабдан бошлаб шаҳар ташқарисидан ўқ садолари эшитилмоқда эди.

Соат саккизларда милтиқ овозига тўп садоси кўшилди. Кўча гавжум, одамлар қаёққадир шошилмоқда, ҳамма ёкни аскар босиб кетганди, бироқ одатдагидай извошлар қатнар, савдогарлар дўконлари олдида турар, черковда ибодат қилишмоқда эди. Алпатич дўконларга кирди, почтахона ва идораларга борди, губернаторга учради. Ҳамма ерда: идораларда ҳам, дўконларда ҳам, почтахонада ҳам одамлар фақат аскарлар ҳақида, шаҳарга хужум қилган душман ҳақида гапирар, нима қиламиз деб бир-биридан сўрар, ҳамма бир-бирига тасалли бермоқчи бўлар эди.

Алпатич губернаторнинг ҳовлиси олдида бир талай одам тўпланиб турганини кўрди. Уларнинг орасида казаклар ҳам бор эди, губернаторнинг экипажи ҳам шу ерда турган эди. Яков Алпатич эшик олдида икки нафар дворянни кўрди, булардан бирини у танирди; ўша таниш киши – губерна¹ полициясининг собиқ бошлиғи қизишиб гапирмоқда эди.

– Бу ҳазил гап эмас! – дер эди у, – сўкқабош одам-ку, бир амаллаб иложини топар, лекин бола-чақали кишига қийин, ўн уч жон-а! Тағин лаш-лушлар ҳам бор... Хонавайрон қилишадиган бўлди; шулар ҳам бошлиғ-у! Мен эса бу кароқчиларни бирма-бир дорга осар эдим...

– Кўйинг, кўп қизишманг, – дер эди иккинчиси.

– Эшитса, эшигавермайдими! Биз ит эмасмиз-ку, ахир! – деди собиқ полиция бошлиғи. Қайрилиб қараган эди, Алпатичга кўзи тушди.

– Э, Яков Алпатич, сен нима қилиб юрибсан?

– Жанобларининг буйруқларига биноан губернатор хузурига келган эдим, – деди Алпатич ғурур билан бошини

¹ Губерна, губерня – Чор Россиясида, шунингдек, 1929-1930 йилларгача Собиқ Иттифокда асосий маъмурий-худудий бирлик.

кўтариб, қўлини қўйнига тиқиб. Князнинг номини тилга олганда ҳамиша шундай қилар эди. — Аҳволни билиб келгани юбордилар.

— Билолмайсан! — деб қичқирди помешчик, — ишни шундай пачаваси чикқанки, на от топилади, на улов! Ана, эшитяпсанми? — деди ўқ садоси келаётган томонга ишора қилиб. — Хонавайрон бўладиган бўлдик, — деб қўйди-да, зинадан тушиб кетди.

Алпатич бошини чайқаб зинага чикди. Губернаторнинг қабулхонасида савдогарлар, аёллар, мансабдорлар индамай бир-бирларига қараб ўтиришган эди. Кабинет эшиги очилиши билан ҳамма гур этиб ўрнидан турди ва эшикка томон юрди. Кабинетдан бир мансабдор югуриб чиқиб, бир савдогарга алланима деди ва бўйнига хоч таққан семиз амалдорни имлаб, кўз тиқиб ўтирган одамларнинг саволларидан қутулиш мақсадида бўлса керак, шошиб-пишиб ичкарига кириб, кўздан гойиб бўлди. Алпатич яқинроқ бориб ўтирди, мансабдор иккинчи марта чикқанда, бир қўлини тутмаси солинган спортугига тиқиб, икки мактубни узатаркан, мансабдорга:

— Генерал аншеф¹ князь Болконскийдан жаноб барон Ашуга, — деди. У бу гапни шундай бир тантана билан маънодор қилиб айтдики, мансабдор унга юзланиб, қўлидан мактубни олди. Бир неча дақиқадан сўнг губернатор Алпатични қабул қилди-да, шошиб деди:

— Князь ва княжнага айт: менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ эди. Мен юқоридан келган амр-фармонга қараб иш тутган эдим, мана...

Губернатор Алпатичга бир қоғоз узатди.

— Модомики князь нотоб экан, мен Москвага боришларини маслаҳат бераман. Ўзим ҳам ҳозир кетяпман. Шуни айт... — Бироқ губернатор сўзини тугатмасдан уст-боши чанг, афт-башарасини тер босган бир офицер югуриб кабинетга кирди-да, француз тилида алланималар деди. Губернатор-

¹ Генерал-аншеф — XVIII-XIX асрларда дунёнинг йирик мамлакатларидаги ҳарбий унвон ва лавозим.

нинг юзида даҳшат аломати пайдо бўлди.

– Бор, – деди губернатор Алпатичга бош ирғаб ва офицердан ниманидир сўрай бошлади. Алпатич губернатор кабинетидан чиққанда нима ҳодиса юз бераётганини билишга ошиққан, юракларини ҳовучлаб ўтирган кишилар кўзларини жавдиратиб унга қарашди. Яқинлашиб қолган ва эшитилаётган ҳамма ўқ товушларига беихтиёр кулоқ солиб Алпатич карвонсаройга караб югурди. Губернатор Алпатичга берган қоғозда қуйидаги гаплар ёзилган эди:

«Жанобларини инонтириб айтаманки, ҳали ҳозир Смоленскка ҳеч қандай хавф таҳдид этаётгани йўқ ва таҳдид этиши эҳтимолдан йироқ. Бир томондан мен, иккинчи томондан князь Багратион ойнаинг 22-сида Смоленск остонасида кўшилажакмиз, иккала армия, ихтиёрингиздаги вилоятнинг ватандошларини ҳимоя қилиш мақсадида биргалашиб ватан душманларининг ҳужумини қайтарамиз ёки сафларида сўнги аскар қолгунча кириб ташлаймиз. Шунга кўра, сиз Смоленск аҳолисини хотиржам қилишга тамомила ҳақлисиз, чунки икки жасур армия ҳимоясида бўлган ҳар кимса ҳам уларнинг ғалабасига амин бўлиши мумкин» (Барклай де Толлининг 1812-йилда Смоленск губернатори барон Ашуга юборган буйруғидан).

Халқ кўчаларда бесаранжом бўлиб, у ёқдан бу ёққа югурмоқда эди.

Гоҳ унда, гоҳ бунда қақир-кукур стул, жавонча ва бошка уй-рўзгор анжомлари ортилган аравалар дарвозалардан кўчага чиқиб жўнаб қоларди. Ферапонтовга қўшни бўлган уйнинг олдида аравалар турар, хотин-халажлар йиғи-сиғи қилиб хайрлашишарди. Бир кўппак ит аравага қўшилган отларнинг олдида югуриб юриб хурмоқда эди.

Алпатич одатдагидан кўра илдамроқ қадам ташлаб ҳовлига кирди ва тўғри сайисхонага, от-аравасининг олдида борди. Кучер ухлаб ётган эди, кучерни уйғотиб, аравани қўшишни буюрди-да, даҳлизга кирди. Уй эгаси турган хонадан бола йиғиси, хотин кишининг юракни эзадиган фарёди, Ферапонтовнинг бўғиқ товуш билан бақираётгани эшитиларди. Алпатич, кириши биланок даҳлизда турган ошпаз

хотин кўрққан товукдай тиширчилаб қолди.

– Ўлғудай урди бекани!.. Шундай урди, шундай судраб урдик!..

– Нима учун? – деб сўради Алпатич.

– Жўнаб кетамиз дегани учун. Хотин киши-да! Мени олиб кет, ёш болаларим билан нобуд қилма, ҳамма кетяпти-ю, биз қолиб нима қиламиз, дейди. Шунга тутволиб урди, сочларидан судраб урди.

Алпатич худди бу сўзларни маъқуллагандай бош ирғади ва бошқа гап эшитишни истамай, рўпарадаги уйга – Ферапонтовнинг ўзи турадиган ва Алпатич харид қилган нарсаларини кўйган уйга томон борди.

Шу пайт рангида ранг қолмаган, бошидан рўмоли тушиб кетган, кўлида ёш бола кўтарган аёл эшиқдан югуриб чикди ва:

– Сен баттолсан, қотилсан! – деб дод солиб зинадан пастга қараб чопди. Унинг кетидан Ферапонтов чикди. Алпатични кўргач, нимчаси ва сочини тузатиб, бир эснаб олди-ю, унинг орқасидан меҳмонхонага кирди.

– Кетяпсанми? – деб сўради.

Алпатич Ферапонтовнинг саволига жавоб бермай, афтига қарамасдан, харид қилган нарсаларини йиғиш-тираркан, карвонсаройга қанча тўлаш кераклигини сўради.

– Берасан-да! Ҳа, губернатор олдига кирдингми? Қандай қарорга келинди? – деб сўради Ферапонтов.

– Губернатор тайинли бир гап айтмади, – деб жавоб берди Алпатич.

– Бизнинг бу ердан жилишимиз кийин, – деди Ферапонтов, – Доргобужгача ҳар бир аравага етти сўм тўлаш керак. Дехқонлар имонсиз бўлиб қолган демадимми, – деди у.

– Селивановнинг иши ўнгидан келди: пайшанба куни ҳар бир қоп унини тўққиз сўмдан армияга пуллади. Қани, чойга майллари қалай? – деб кўйди у. Аравани кўшиб бўлгунча Алпатич билан Ферапонтов иккаласи чой ичиб, ғалланинг нарх-навосидан, бу йилги ҳосил ва об-ҳавонинг йиғим-теримга қулай келганидан гаплашиб ўтиришди.

Ферапонтов уч пиёла чой ичиб бўлгач, ўрнидан

тураркан, деди:

– Ўқ овози тинай деб қолди. Бизникилар ғолиб келди, шекилли. Душманни шаҳарга-киргизмаймиз, дейилган. Кучимиз кўп бўлса керак.. Бугун Матвей Иванович Платов душманни Марина дарёсига обориб тикибди, бир куннинг ўзида бир минг-у саккиз юз кишини ғарқ қилибди.

Алпатич нарсаларини йиғиштириб уйга кирган кучерга берди-ю, Ферапонтов билан ҳисоб-китоб қилди. Дарвозахонадан ғилдиракларнинг ғичирлаши, отларнинг туёқ товуши ва чиқиб келаётган соябон арава кўнгироқларининг жириинглаши эшитилди.

Кун қиёмдан ўтганига анча бўлган; кўчанинг ярми соя, ярмига чарақлаб офтоб тушиб турарди. Алпатич деразадан бир қараб, эшикка томон юрди. Тўсатдан узоқда гумбурлаган ва визиллаган ғалати бир товуш эшитилди-ю, унинг кетидан, деразаларни ларзага келтириб, бир-бирига кўшилиб кетган тўп садолари янгради.

Алпатич эшикка чиқди; кўчада икки киши кўприк томон югуриб кетмоқда эди. Ҳар томондан шаҳарга келиб тушаётган тўп ўқларининг визиллаши, гумбурлаши, гранаталарнинг портлаши эшитиларди. Лекин шаҳар ташқарисида бўлаётган отишмага қараганда бу садолар унчалик баланд бўлмай, аҳоли унчалик эътибор қилмас эди. Душман, Наполеоннинг амри билан соат бешларда, бир юз-у ўттиз тўпдан шаҳарни бомбардимон қилмоқда эди. Бошда шаҳар аҳолиси бомбардимондан мурод нима эканини тушунмади.

Одамлар ерга тушиб портлаётган граната ва тўп ўқлари садосига даставвал қизиқсиниб кулоқ солишди.

Ферапонтовнинг шу маҳалгача омборхонада тинмай додлаётган хотини бу садони эшитиб жимиди-да, боласини кўтариб эшикка чиқди, ун чиқармасдан товушларга кулоқ солди, одамларга разм солди.

Ошпаз хотин билан баққол ҳам дарвозахонага чиқди. Ҳамма бошлари устидан визиллаб ўтаётган тўп ўқларини томоша қилиш ҳавасида эди. Муволишдан бир неча киши чиқиб, ўзаро қизгин гурунглашиб келмоқда эди.

– Ана, куч деб буни айтадилар! – дерди бири, – на том

қолди, на шифт, хаммаси чилпарчин бўлди.

– Ерни худди тўнғиздай тити-пити қилиб ташлади-я! – деди иккинчиси, – зўр экан-ку! – деди жилмайиб. – Хайриятки, ўзингни орқага олдинг, бўлмаса сени тилка-тилка қилиб ташларди.

Халойик буларга юзланди. Улар тўхтаб, кўз олдидарида бир ховлига тўп ўқи тушганини гапириб беришди. Бу орада тўп ўқлари хунук товуш билан визиллаб, гранаталар ёқимли хуштак чалиб одамлар тепасидан муттасил ўтиб турар, аммо биронтаси ҳам яқин орага тушмасдан узоқларга ўтиб кетар эди. Алпатич аравасига чиқди, Феррапонтов дарвозахонада турарди.

Қизил юбка кийган, енглари шимарилган ошпаз хотин яланғоч билақларини лорсиллатиб, одамларнинг гапини эшитиш учун муқолишга борган эди, Феррапонтов:

– Бало борми бу ерда! – деб бақариб юборди.

– Жуда аломат-а, – деб ошпаз хотин энди гап бошлаган эди, хўжасининг товушини эшитган ҳамон липасига қистирилган юбкасини тушириб орқага қайтди.

Бу гал жуда яқин ердан, осмондан ерга учиб тушаётган куш каби бир нарса хуштак чалиб келди-ю, кўчанинг ўртасида ўт чақнади ва гумбурлаб кўчани тутун босиб кетди.

Феррапонтов:

– Ҳой бадбахт, бу нима қилганинг! – деб ўшқирди-да, югуриб ошпаз хотиннинг олдига борди.

Шу он ҳамма томондан хотинларнинг чинқиргани эшитилди, бир бола кўрқиб йиғлаб юборди, ранг-кути ўчган оломон нафасини чиқармай ошпаз хотинни ўраб олди.

Оломон ичидан ҳамманинг овозини босиб ошпаз хотиннинг оҳ-воҳи эшитилди.

– Вой, вой жигаргўшаларим! Вой меҳрибонларим! Жонимга ора кининглар! Вой меҳрибонларим!..

Беш дақиқадан сўнг кўчада ҳеч ким қолмади. Граната¹ парчаси сонига тегиб, майиб бўлган ошпаз хотинни ошхо-

¹ Граната (италияча: *granata* < лотинча: *granatus* – донадор) – портовчи модда тўлдирилган артиллерия снаряди.

нага олиб киришди. Алпатич, унинг кучери, Ферапонтовнинг хотини, бола-чакаси ва қоровул тингшаниб ертўлада ўтиришарди. Тўпларнинг гумбур-гумбури, снарядларнинг¹ визиллаши ва ошпаз аёлнинг барча товушларни босиб кетган оҳ-у воҳи бир дақиқа ҳам тинмасди. Ферапонтовнинг хотини гоҳ боласини тебратиб овунтирмоқчи бўлар, гоҳ ертўлага кирган ҳар бир кишидан: «Кўчага чикиб кетган эрим қаерда қолди экан?» – деб хавотирланиб сўрарди. Ертўлага кирган баққол Ферапонтовнинг одамлар билан бирга Смоленск мўъжизакор иконасини² кўтариб чиққани жомега кетганини айтди.

Қош қорайганда тўп садолари тинай деб қолди. Алпатич ертўладан чикиб, бўсағада тўхтади. Сал илгари ёруғ бўлган тунги осмонни тутун қоплаган. Осмон қаърида ўроқдай бўлиб кўриниб турган янги ой шу тутун орасидан ғалати нур сочиб турарди. Тўпларнинг илгариги дақшатли садоси тингандан сўнг шаҳар устига жимлик чўккандай бўлди, бироқ бу жимликни фақат шаҳарнинг ҳамма еридан эпитилаётгандай бўлиб туюлган оёқ шарпалари, дол-у фарёд, узокдан эпитилаётган ҳайқириқ ва ёнғиннинг чарсиллаши бузиб турар эди, холос. Ошпаз хотин ҳам инграмай кўйди. Икки томондан бурқсаб чиққан қоп-қора ёнғин тутуни тарқалмоқда. Кўчада турли-туман мундир кийган аскарлар саф бўлиб эмас, худди уяси бузилган чумолидай у ёқдан бу ёққа югурмоқда эди. Алпатичнинг кўз олдида булардан бир нечтаси Ферапонтовнинг ҳовлисига югуриб кирди. Алпатич дарвозахонага чиқди. Қаёққадир шошилаётган бир поляк аскар кўчани тўлдириб бир-бирини қисиб, орқага тисарилди.

– Шаҳар душман кўлига ўтяпти, жўнанг, тезроқ жўнанг, – деди бир офицер Алпатичга кўзи тушгач ва шу он аскарларга қараб қичқирди:

– Ҳовлиларга кирманглар, бўлмаса адабларингни бериб кўяман!

¹ Снаряд (русча: снаряд – асбоб; қурол, тўп ўқи, ёридувчи бомба) – 1) артиллерия қуролларидан отиладиган ўқ-дори тури; 2) баян техник қурилмалар номи; 3) гимнастика асбобларининг умумий номи.

² Икона – христианликдаги Исо, Биби Марям ва авлиёлар тасвири.

Алпатич ҳовлига қайтиб кирди-да, кучерини чақириб йўл гадоригини кўришни буюрди. Алпатич билан кучернинг кетидан Ферапонтовнинг уй ичидагилари ҳам чиқди. Шу маҳалгача жимгина ўтирган хотинлар қош қорайган маҳалда кўзга ташланган ёнғин алангаси ва тутунни кўргач, йиғи-сиғи кўтаришди. Худди булар билан айтишиб йиғлаётгандай кўчанинг нариги бошидан ҳам айнан шундай йиғи-сиғи эшитилди. Алпатич билан кучер қўллари қалтираб, отлар-нинг ўралиб қолган жиллов ва ён қайишларини тузатишди.

Алпатич дарвозадан чиқаркан, Ферапонтовнинг очик қолган дўконида ўнчача аскар шанғиллаб гапиришиб, халта ва қошларига ун ҳамда кунгабоқар солаётганини кўрди. Шу он кўчадан қайтиб келган Ферапонтов дўконга кирди. У аскарларни кўриб ўшқирмоқчи бўлди-ю, бироқ шу он бу фикридан қайтди ва бошини чангаллаб, йиғи овозига ўхшатиб қаҳқаҳа урди.

– Ҳаммасини олинглар, шоввозлар! Иблисларга ҳеч нарса қолмасин! – деб бақирди-да, қопларни судраб, кўчага ташлайверди. Аскарларнинг баъзиси кўрқиб дўкондан қочиб чиқди, баъзиси қопини тўлдираверди. Ферапонтов Алпатични кўриб, унга юзланди.

– Ҳолимиз хароб бўлди! Оҳ, Россия! Алпатич! Бартараф бўлди, – деб қичқирди. – Ўзим ўт кўяман. Иш тамом бўлди... – деб Ферапонтов ҳовлига югурди.

Кўча кети узилмай бораётган аскарлар билан лиқ тўла. Алпатичнинг араваси юролмасдан тўхтаб қолди. Ферапонтовнинг хотини, бола-чақаси ҳам аравада, йўл очилишини кутиб ўтирарди.

Қоронғилик тушди. Кўкда юлдузлар чақнар, янги ой тутун орасидан ҳар замонда бир шуъла сочиб кўярди. Алпатич ва Ферапонтовнинг бола-чақаси тушган арава аскарлар ва бошқа аравалар орасидан зўрға йўл тошиб ҳаракат қилмоқда. Булар Днепр бўйига тушадиган жойга келиб тўхташга мажбур бўлган эдилар. Аравалар тўхтаган чорраҳадан сал нарида, бир тор кўчанинг ичида ҳовли ва дўконлар ёниб кул бўлмоқда эди. Аланга гоҳ пасайиб тутун орасида йўқолиб кетар, гоҳ тўсатдан ланғиллаб, чорраҳада тўпланган одам-

ларнинг юзини бирдан ёритиб юборарди. Ёнғин олдида юрган одамларнинг қораси ҳар замонда бир кўзга чақиниб кетар, ўтнинг муттасил чирсиллаши орасидан говур ва ҳайқирик садолари эшитилиб турарди. Алпатич ҳали-вери йўл очилмаслигини билиб, аравадан тушди ва ёнғинни томоша қилмоқчи бўлиб, тор кўчага бурилди. Аскарлар ёнғин ёнида у ёқдан бу ёққа югуриб юрарди. Алпатич икки аскар билан фриз шинель кийган бир киши ёнаётган хари-ларни тортиб олиб, кўчанинг у юзидаги ҳовлига олиб ўтганини, бошқа аскарлар хашақларни қўлтиқлаб бораётганини кўрди.

Алпатич лангиллаб ёнаётган баланд бир омборхонанинг рўнарасида тўпланиб турган одамларнинг олдида борди. Омборхонанинг орқа девори куйиб битган, ён деворлари эса лангиллаб ёнмоқда, тахта шифти чўкиб, тўсинлари ловулламоқда. Оломон, афтидан, томнинг ўпирилиб тушишини кутмоқда эди. Алпатич ҳам шуни кўрмоқчийди.

Тўсатдан таниш бир овоз:

– Алпатич! – деб чолни чақириб қолди.

– Қиблагохим, зоти олий! – деди шу он Алпатич ёш князининг товушини таниб.

Князь Андрей эғнида плашч, остида қора от, одамларнинг орқасида Алпатичга қараб турар эди.

– Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? – деди князь Андрей.

– Тўрам... тўрам... – деб йиғлаб юборди Алпатич. Тўрам, наҳотки, ҳолимиз хароб бўлди? Қиблагох...

– Нима қилиб юрибсан? – деди яна князь Андрей. Шу чоғ алаңга бир гувуллади-ю, Алпатич ёш тўрасининг оқариб кетган сўлғин юзини кўрди. Алпатич нима учун келганини, не азоб билан шаҳардан жўнаганини гапириб берди.

– Тўрам, наҳотки ҳолимиз хароб бўлган бўлса? – деб яна сўради Алпатич.

Князь Андрей унга жавоб бермасдан ён дафтарчасини олди, тиззасини букиб, дафтарчадан йиртиб олган бир варақ қоғозга хат ёза бошлади. У опасига шундай деб ёзди:

«Смоленск душман кўлига ўтган. Бирон ҳафтадан сўнг

Лисие Горини ҳам душман ишғол қилади. Сизлар тезда Москвага жўнанглар. Бу мактубни олишинг билан Усважга одам юбориб, қачон йўлга чиқишларингдан мени огоҳлантир».

Қоғозни ёзиб Алпатичга бергандан кейин князь Андрей отаси, опаси, ўғли ва унинг муаллимини қандай қилиб жўнатишни ва натижасини қаерга ва қай тарзда унга зудлик билан маълум этишини сўзлаб берди. Князь Андрей гапини тугатмасдан штаб ходимларидан бири ўз ҳамроҳлари-ла от қўйиб келди ва сўзларни немисча талаффуз этиб, князь Андрейга таниш бўлган овозда:

– Сиз полковникмисиз? Кўз олдингизда уйларга ўт қўйишяпти-ю, индамай ўтирибсиз-а? Бу нима деган гап? Сиз жавоб берасиз, – деб бақирди Берг; шу кунлари у биринчи пиёда аскарлар армияси сўл флангининг штаб бошлиғига ёрдамчи бўлиб хизмат қилар эди (унингча, бу жуда мўътабар – ҳамманинг кўзига ташланадиган мартаба эди).

Князь Андрей унга қаради ва жавоб қайтармасдан Алпатичга айтаётган сўзларини давом эттираверди:

– Шуни айтки, ойнинг ўнинчисигача жавоб кутаман, агар унгача жўнаб кетганларинг ҳақида хабар келмаса, у вақтда ҳамма нарсани ташлаб Лисие Горига боришга мажбурман.

– Мен, князь, буйруқни бажармоғим керак бўлгани учунгина айтяпман, – деди Берг князь Андрейни таниб. – Мен буйруқни ҳамиша ижро этишга ўрганиб қолганман... Ўтиниб сўрайман, мени кечиринг, – деди Берг ўзини оқлагандай бўлиб. Ўт орасида алланима қарсиллаб кетди. Ўт бир лаҳзагина сўнди; том остидан қоп-қора тутун бурқсаб чиқаверди. Яна бир нима даҳшат билан қарсиллаб кетди-ю, қаттақон бир нарса қулаб тушди. Оломон нон қиди келаётган (буғдой ёнмоқда эди) омборхона томининг гумбурашини такрорлагандай гуруллаб:

– Ух, – деб юборди. – Аланга баланд кўтарилиб, ёнгин атрофида турган одамларнинг ҳаяжон ва севинч ифода этган хоргин юзларини ёритиб юборди.

Фриз шинель кийган киши қўлини кўтариб бақирди:

– Ола! Ёнишини қара! Йигитлар, кўряписизларми!
– Бу одам омборнинг эгаси, – деган товушлар эшитилди.
– Гап шу, – деди князь Андрей Алпатичга қараб, –
айтган сўзларимнинг ҳаммасини етказасан. У индамай,
ёнида турган Бергга жавоб бермасдан, отини ҳайдади-ю, тор
кўчага кириб кетди.

V

Кўпинлар Смоленскдан орқага чекинаверди. Душман
улар кетидан изма-из бормоқда эди. Князь Андрей коман-
дирлик қилаётган полк 10-августда Лисие Горига борадиган
катта кўча ёнидаги катта йўлдан ўтди. Уч ҳафтадан бери
куруқчилик, ҳаво иссиқ эди. Ҳар кун паға-паға булутлар
кўкда сузиб юриб, куёш юзини тўсарди, лекин кечга бориб
яна ҳаво очилиб кетар, куёш кизғиш қора туман қоплаган
уфққа ботарди. Фақат тунги шабнам ерга жон киргизарди.
Ўрилмай қолган буғдойлар жазирама куёшда қовжираб
тўкилиб ётарди. Ботқоқликлар қуриган. Қорамоллар қовжи-
раб ётган ўтлоқдан ўт тополмай очликдан маърарди. Ўрмон
кечалари шабнам тушгандагина салқин тортарди, аммо
кўшин ўтаётган катта йўл ҳатто шундай кечаларда ҳам
салқин бўлмасди. Чорак газ ўйилиб қетган йўлнинг қалин
кум аралаш тупроғида шабнамдан асар ҳам йўқ. Кун ёриши
биланок ҳаракат бошланарди.

Юк ортилган аравалар билан артиллерия¹ кегайигача
чангга ботиб, жимгина ҳаракат қилмоқда, пиёда аскарлар эса
юмшоқ кечаси ҳам тафти босилмаган иссиқ ва нафасни
қайтарувчи тупроққа тўпиғигача ботиб, зўрға бормоқда эди.
Бу кум аралаш тупроқнинг бир қисми оёқ ва филдираклар
остида хамирдай қорилса, бошқа қисми ҳавога кўтарилиб,
кўшин устини қоплаб олар, одамларнинг кўзига кирар,
сочига ёпишар, қулоғига, бурнига, энг ёмони одам ва ҳай-
вонларнинг ўпкасига кирар эди. Куёш, уфқдан қанча кўта-

¹ Артиллерия (французча: artillere – тайёрламоқ, шайламоқ) – 1) тўп, миномёт ва шу қабилярнинг отини қуроллари мажмуи; 2) шундай қуроқлар билан қуролланган кўшин тури; 3) тўп-замбарақлар, уларнинг тузиллиши ва урунда қўлланиши ҳақидаги фан.

рилса, бу чанг-тўзон шунча баланд кўтарилар, юзини булут тўсмаган куёшга бу иссиқ чанг-тўзон орқали бемалол қараса бўларди. Куёш кип-қизил баркашга ўхшарди. Шабада йўк, дим хавода одамларнинг нафаси қайтарди. Улар оғиз-бурунларини рўмол билан боғлаб олган, бирор кишлоққа етганда ҳамма ўзини қудуққа урар эди. Сув талашиб одамлар лойкасигача ичиб юборарди.

Князь Андрей полк командири бўлиб, ўз полкининг ишлари – одамларини таъминлаш, буйруқ берish, буйруқ олиш билан банд эди. Смоленскка ўт қўйилиши, уни душманга қолдириш князь Андрей учун фавқулодда бир ҳодиса бўлди. Душманга қарши кўзғалган янги нафрат хисси кўксига даги ғам-ғуссасини унутишга мажбур қилди. У бутун вужуди билан ўз полкининг ишига берилган, одамлари ва офицерларига ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилар эди. Полкда ҳамма уни бизнинг князь деб атар, у билан фахрланар ва уни севар эди. Бироқ князь Андрей фақат ўз полкида хизмат қиладиган одамларга, Тихон қабилидаги кишиларга, яъни бегона муҳитда унинг ўтмишини мутлақо билмайдиган ва билишлари мумкин бўлмаган бутунлай янги кишиларгагина меҳрибон эди, эски таниш-билишларига, илгари штабда бирга хизмат қилган кишиларга рўпара келиб қолса, дарҳол тўнини тескари кийиб олар, юзида нафрат ва истехзо аломати пайдо бўлар эди. У ўтмишини эслатадиган барча хотиралардан жирканар, шунинг учун ҳам эски муҳит кишиларига нисбатан фақат адолатсизлик қилмасликка, ўз бурчини ҳаққоний адо этишга ҳаракат қилар эди.

Смоленск 6-августда душман қўлига ўтганидан (князь Андрейнинг фикрича, шаҳарни мудофаа қилиш мумкин ва керак эди), бемор ётган отаси қанчадан қанча меҳнат сарф қилиб, иморатлар қуриб обод қилган сеvimли мулки Лисие Горини ташлаб Москвага қочишга мажбур бўлганидан кейин ҳамма нарсадан князь Андрейнинг кўнгли совиб кетди: лекин шундай бўлса ҳам, князь Андрей полк туфайли, умумий масалага мутлақо алоқаси бўлмаган бошқа нарса ҳақида, ўз полки ҳақида ўйлашга мажбур эди. 10-августда таркибига князь Андрейнинг полки кирган колонна Лисие

Горининг ёнидан ўтди. Князь Андрей икки кун бурун отаси, опаси ва ўғилчасининг Москвага жўнаганидан хабардор бўлган эди. Ҳеч қандай иши бўлмаса ҳам, ўз ярасига туз сепишни одат қилиб олган князь Лисие Горига бир кириб чиқишни зарур топди.

У отини эгарлатди ва манзилга етиш биланоқ отасининг кишлоғига – ўзи туғилиб ўсган ва ёшлик чоғлари ўтган Лисие Горига жўнади. У илгари ҳамиша ўнларча аёл гурунглашиб кир тўқмоқлайдиган ва кир чайдиган катга ҳовуз ёнидан ўтди, ҳозир бу ерда ҳеч қим йўқ, арқони узилган сол ичига сув кириб, ҳовуз ўртасида қийшайиб сузиб юарди. Князь Андрей отини қоровулхона томон бурди. Пишиқ ғиштдан бино бўлган дарвозахона олдида ҳеч қим йўқ эшик очик эди. Боғдаги йўлкаларни ўт босган, инглиз паркида бузоқлар ва отлар юарди. Князь, Андрей гулхона олдида келди: гулхонанинг ойнаклари синган, бочкалардаги ниҳолларнинг баъзиси ағдарилиб, баъзиси қуриб ётарди. У боғбон Тарасни чақирди. Ҳеч қим жавоб бермади. Гулхонанинг олдидан ўтиб қараса нақшин тахта девор буткул қийшайган, олхўрининг шохлари синдирилган. Кекса деҳқон (князь Андрей гўдаклик чоғида шу одамни дарвоза олдида кўрар эди) яшил ўриндикда ўтириб, чипта кавуш тўқимокда эди.

Чол кулоғи оғир бўлгани учун князь Андрей келганини пайқамай қолди. У кекса князь ўтиришни яхши кўрадиган ўриндикда ўтирар, шохлари синдирилган ва қуриб қолган магнолия¹ дарахтида пўстлоқлар осилиб турар эди.

Князь Андрей ховли томон отини ҳайдади. Қадимий боғдаги липа дарахтларининг бир нечаси кесилган, бир чавқар от тойчоғи билан уйнинг олдигинасида, атиргуллар орасида юарди. Деразаларнинг қопқоқлари миҳлаб ташланган, фақат пастдаги битта дераза очик турарди. Қаролларидан бирининг боласи князь Андрейни кўргач, югурганича уйга кириб кетди.

Алипатич бола-чақасини жўнатиб, Лисие Горига ёлғиз

¹ Магнолия (французча: magnolia – француз ботаниги Р. Magnol номидан) – иссиқ иклимда ўсадиган, барглари доим яшил дарахт ёки бутта ва унинг йирик гули.

қолган, уйда азиз-авлиёлар қиссасини ўқиб ўтирган эди. Князь Андрей келганини эшитиб, кўзойнак таққан Алпатич тугмаларини сола-сола уйдан чиқди, шошиб-пишиб князь Андрейнинг олдига келди-да, унинг тиззасини ўпаркан, ҳеч нарса демасдан йиғлаб юборди.

Кейин кўнгли бўшлигидан ўқиниб, юзини ўгирди-ю, кўрадаги аҳвол тўғрисида князь Андрейга маълумот берди. Ҳамма қимматбаҳо ва асл нарсалар Богучаровога юборилибди. Юз чоракка яқин буғдой ҳам олиб кетилибди; пичан ва Алпатичнинг сўзига кўра, бу йил ниҳоятда яхши бўлган баҳори буғдой хомлигича қўшинлар томонидан ўриб олинибди. Дехқонлар хонавайрон бўлиб, баъзилари Богучаровога кетибди, озгина қисми шу ерда қолибди.

Князь Андрей унинг сўзини бўлиб сўради:

– Отам билан опам қачон кетдилар? – князь Андрей қачон Москвага жўнаб кетишганини кўзда тутиб сўради. Бироқ Алпатич князь Андрейнинг гапига тушунмади ва Богучаровога қачон кетганларини сўраяпти деб ўйлаб, еттинчида кетдилар, деб жавоб берди, яна рўзгор ишларидан гап очиб, қандай янги буйруқлар бўлади, деб сўради.

– Командирларга тилхат билан сули берсам майлими? Тагин олти юз галвир сулимиз бор, – деди Алпатич.

Князь Андрей чолнинг офтобда ялтираётган тепакал бошига қараб тураркан, «нима десамикин» деб ўйлади ва унинг юзидан бу савол ўринсиз эканлигини билаётганини, фақат кайғусини унутиш, даф этиш учунгина бу нарсаларни сўраётганини англади.

– Ҳа, бер, – деди князь Андрей.

– Боғ не аҳволга тушганини кўрган бўлсалар керак, – деди Алпатич. – Эҳтиёт қилишнинг иложи бўлмай қолди: уч полк аскар шу ердан ўтиб, шу ерда тунади, драгунлар айниқса тартибсиз бўлар экан. Мен арз қилиш учун командирининг унвони ва рутбасини ёзиб олдим.

– Айт-чи, ўзинг нима қилмоқчисан? Бу жойлар душман кўлига ўтса, сен шу ерда қолаверасанми? – деб сўради князь Андрей.

Алпатич князь Андрейга томон юзини буриб унга қара-

ди ва тўсатдан дабдабали ҳаракат билан қўлини кўтариб:

– Худо пошшо, нима бўлса пешонамдан кўраман, – деди.

Бир тўда деҳқон ва қароллар бош яланг ҳолда ўтлоқдан князь Андрейга томон келмоқда эди.

– Хайр кўргунча, – деди князь Андрей Алпатичга томон энгашиб. – Бу ердан жўна, олиб кетиш мумкин бўлган нарсаларни ол, одамларга ҳам айт, ё Рязань, ёки Москва яқинидаги мулкка боришсин. – Алпатич князь Андрейнинг оёғини кучоқлаб йиғлаб юборди. Князь Андрей секин уни четлатди-да, отини йўрттириб хиёбондан настга қараб кетди.

Гулхона олдидаги чол, кадрдон кишинг мурдаси юзига кўнган пашша сингари, ўриндиқда лоқайд ўтирар ва чипта кавушини қолишга тортар эди; гулхонадаги дарахтдан юлиб олган олхўриларни этакларига солган иккита қизча ўша томондан чопиб келаётган эди, князь Андрейга дуч келиб қолишди. Ёш хўжайинни кўргач, каттароғи така-пука бўлиб кичкина дугонасининг қўлидан ушлади-да, сочилиб кетган хом олхўриларни ҳам йиғиб олишга улгурмасдан қайин дарахти орқасига беркинди.

Князь Андрей кўрганимни мабодо қизчалар пайқамасин, деб шошиб-пилиб юзини ўтирди.

Ўтакаси ёрилиб кетган бу дилкаш қизчага унинг юраги ачиди. У қизчага қарашдан кўрқар ва шунинг билан бирга, яна бир марта қарагиси келарди. Князь Андрей бу қизчаларга қараб, ўзига тамоман ёт бўлса ҳам, лекин хаёлан банд килаётган нарсаларга ўхшаш бопқаларнинг ҳам инсоний, қонуний талаблари борлигини билиб суюниб кетди ва кўнгли хийла ёришди. Афтидан, бу қизчаларнинг бирдан бир тилаги шу хом олхўриларни қўлга тушмасдан эсон-омон олиб кетиш ва ейиш, энди князь Андрей ҳам буларнинг бу истагига қўшилиб, уларга муваффақият тилади. Гарчи бу қизларга қарамасликка аҳд қилган бўлса ҳам, ўзини тиёлмай яна бир қарра қараб қўйди. Қизлар, ҳеч ким кўрмайди, деб ўйлаб, яширинган жойларидан чиқишди-да, этакларини ушлаб, ингичка товуш-ла алланималар деб чийиллаб, териларига сиғмай, офтобда қорайган яланғоч оёқчалари билан

майсзорни босиб чопкиллаганларича жўнаб қолишди.

Князь Андрей кўшинлар ҳаракат қилаётган райондан — чанг-тўзонга тўлган катта-йўлдан четга чиққач, бир оз ором олган эди. Бирок Лисие Горидан сал юргандан кейин яна катта йўлга чиқиб, чоғроқ бир ҳовуз тўғони ёнида қўнган полкига қўшилди. Соат бирдан ошган. Чанг-тўзон орасидан қизил баркашдай бўлиб кўриниб турган куёш қора спуртукдан ўтиб, елкаларни беомон киздирмоқда.

Ғала-ғовур кўтариб дам олиб ўтирган кўшинлар устидаги чанг-тўзон ҳали босилгани йўқ. Дарахтларнинг учи қилт этмайди. Тўғон кўлригидан ўтаётганда князь Андрейга ҳовуз ҳиди ва шабадаси келди. Кўл суви нақадар лойқа бўлмасин, князь Андрейнинг чўмилгиси келди-да, сувга назар ташлади; кўлдан шовқин-сурон, кийкирик эшитилмоқда эди. Йўсин босган кўлнинг лойқа суви ярим газ кўтарилган бўлса керак, тўғонни сув босган эди, чунки ҳовуз қип-яланғоч оппоқ баданлари, қорамағиз кўллари, юзлари ва бўйинларини кўрсатиб, шалошлаб чўмилаётган аскарларга лиқ тўлган. Хаҳолашиб, шовқин-сурон кўтаришиб лойқа сувни шалоплатаётган, бу оқ бадан инсонлар худди челақда ғуж бўлиб ётган товонбалиқларга ўхшарди. Бу шалоп-шулуп шодлиқдан дарак берар, шунинг учун ҳам яна мунглироқ туюларди.

Болдирига тасма боғлаган малла соч ёпгина бир аскар (учинчи рота¹ аскари бўлган бу йигитни князь Андрей танирди) сувга калла ташлаш учун чўкина-чўкина орқарокка тисариларди; қорачадан келган ва доим сочи пахмоқ бошқа бир унтер-офицер белигача сувга кириб, мушаклари ўйнаб чиққан гавдасини силкита-силкита, завқ билан пишқирганича панжаси қорайган қўли билан бошга сув сепарди. Ҳамма ёқдан кий-чув, аскарларнинг бир-бирини шапатилаши, энтиккани эшитиларди.

Қаерга қараманг — қирғоқда ҳам, тўғонда ҳам, кўлда ҳам мушаклари бўртиб турган соғлом, оппоқ бадан. Бурни қип-

¹ Рота (*немисча*: Rotte — оломон; жаңгчилар гуруҳи) — олатда бир неча взводдан ташкил топган, батальон таркибига кирадиган ҳарбий бўлима, қисм.

кизил офицер Тимохин тўгон устига туриб баданини сочиқ билан артар экан, князь Андрейни кўргач уялиб кетди, лекин шундай бўлса ҳам, журъат этиб унга:

– Тўрам, сиз ҳам чўмилсангиз, хузур қилар эдингиз-да, – деди.

– Сув жуда ифлос-ку, – деди князь Андрей бурнини жийириб.

– Бирпасда тозалаб ташлаймиз-да, – деди Тимохин ва кийинмасдан ҳовузни тозалагани югурди.

– Князь чўмилмоқчи.

– Қайси князь? Бизнинг князми? – деган товушлар эшитилиб, ҳамма ҳаракатга тушди. Князь Андрей уларни зўрға қайтарди. У омбухонага кириб устидан сув қуйишни маъкулроқ топди.

Князь Андрей ўзининг ҳам яланғоч баданига қараб «бу гўшт, бу бадан, тўшларнинг еми» деб ўйлади-да, сесканиб кетди, бу сувнинг совуклигидан эмас, ифлос сувда ювинаётган сон-саноксиз баданларни кўрганида пайдо бўлган номаълум бир нафрат ва даҳшатдан эти чўчиган эди. 7-августда Смоленск йўлидаги Михайловка қишлоғига қўнган князь Багратион шундай деб ёзди.

«Ҳурматли жаноб граф Алексей Андреевич.

(Мактубни Аракчеев номига ёзаётган бўлса ҳам, подшо ўқишини биларди, шунинг учун ҳам ҳар бир сўзни ўрнига қўйиб ёзишга уринди.)

Смоленск душман қўлига ўтганлиги ҳақида вазир сизга маълумот берган бўлса керак деб ўйлайман. Шундай муҳим жойни бекордан бекорга душман қўлига ташлаб кетганимиз кишини хафа қилади, бутун армия қайғуда. Мен шахсан ундан ўтишиб сўрадим ва ниҳоят мактуб ҳам ёздим, бироқ, афсус, ва, минг афсуски, у одамни кўндириб бўлмади. Виждоним ҳақи оит ичаманки, Наполеон Смоленскни забт этиши у ёқда турсин, жуда ёмон қуришда қолиб, армиясининг ярмидан айрилай деган эди. Аскарларимиз жонини жабборга бериб олишди ва олишмоқда. Мен 15 минг аскар билан 35 соат душманнынги сиқувига бардош бериб роса саваладим, у эса 14 соат ҳам турши беролмади. Бу биз учун

уят, армиямиз шаънига доғ; унинг ўзи бош кўтариб юришига ҳам номус қилса керак, деб ўйлайман. Агар бизнинг талафотимиз катта деб маълумот берса – ишонманг: йўқотган бўлсақ, 4 минг аскар йўқотгандирмиз, балким, мунча ҳам эмасдир; боринги, ўн минг бўлсин, уруш-ку бу, ахир! Лекин душман берган талафотнинг ҳад-ҳисоби йўқ...

Яна икки кун туриб берсак нима бўлар эди? Ахир уларнинг ўзи кетишига мажбур бўларди; чунки ичгани ҳам сув тополмас эдилар, от сугоргани ҳам... Менга, чекинмайман, деб сўз берган эди, тўсатдан кечаси чекинаман деб ёзма буйруқ юборди. Агар аҳвол шу бўлса урушиб бўлмайди, биз яқин ўртада душманни Москвага олиб бориб қўямиз...

Эшитишимга қараганда, сулҳ тузмоқчи эмишсиз. Наҳотки ярашсак, худо юзини тескари қилсин! Наҳот шунча қурбонлардан, шунча тартибсиз чекинишлардан сўнг ярашсак: агар шу ишни ихтиёр қилсангиз, бутун Россия сиздан юз ўғиради ва биз мундир кийиб юргани номус қиламиз. Модомики, аҳвол шу экан, Россия қўлидан келгунча, тирик эсон қолгунча олишиши керак.

Армияга икки киши эмас, бир киши қўмондонлик қилиши даркор. Сизнинг вазирингиз, эҳтимол, вазоратда ўз вазифасини яхши бажарар, лекин, генерал сифатида бир чақага арзимайди, биз эса бутун ватан тақдирини унга топшириб ўтирибмиз... Гапнинг ростки, афсус-надоматдан жинни бўлай деб қолдим; бу гапларни истиҳола қилиб ўтирмасдан ёзганим учун узр сўрайман. Менингча сулҳ тузиши ва вазирни армияга қўмондон қилиб тайинлашни маслаҳат берган киши шаҳаншоҳни севмайди ва бизнинг маглубиятимизни истайди. Мен сизга ҳақиқатни айтман: тезроқ халқ лашкари йигинг, чунки вазиримиз жуда усталик билан меҳмонни пойтахтга эргаштириб олиб борапти. Бутун армия жаноб флигель-адъютант Вольцогеннинг кирдикоридан жуда шубҳаланяпти. У биздан кўра Наполеонга яқинроқ дейишарди. Мана шундай одам вазирга маслаҳатгўй. Мен уни ёлғиз иззат қилмайман, балки ёш жиҳатдан катта бўлсам ҳам, капрал каби унга итоат қиламан. Бу, албатта, жуда оғир, бироқ валинеъматим ва шаҳаншоҳимга бўлган муҳаббатим

туфайли бош эгига мажбурман. Афсус, ва, минг афсуски, шаҳаншоҳ шонли армияни шундай шахсларнинг қўлига топшириб қўйибдилар. Буни кўрингки, чекиниш вақтида дармони қуриб ҳалок бўлган ва касалхоналарда ўлганларнинг сони 15 мингдан ҳам ортиқ, ҳужумга ўтганимизда ҳеч қачон шунча талафот бермас эдик. Худо ҳақи, айтинг-чи, бу даража кўрққанимизга, шундай гўзал ва жонанжон она юртимизни матъунлар қўлига бераётганимизга, ватандошларимиз қалбида нафрат ўтини ёндираётганимиз, уларни номусга қолдираётганимизга, она ватанимиз Россия нима деркин? Нимадан ва кимдан бунча кўрқамиз? Вазир мужамал, кўрқоқ, тенса тебранмас бўлса мен нима қилай? Бутун армия ундан шикоят қилмоқда ва уни ўлгудай сўймоқда...»

VI

Ҳаёт ходисаларини сон-саноксиз турларга бўлиш мумкин бўлгандай, уларни шакл ва мазмун жиҳатдан ҳам иккига бўлиш мумкин, бирида мазмун устунлик қилса, иккинчисида шакл устунлик қилади. Жумладан, қишлоқ земство¹, губерния, ҳатто Москва ҳаётини Петербург ҳаётига, хусусан, салон ҳаётини қарши қўйиш мумкин. Бу ҳаёт ўзгармас ҳаётдир.

1805-йилдан бери биз Бонапарт билан урушиб-ярашиб келмоқдамиз, бу орада конституция қабул қилдик, уни чиппақка чиқардик, аммо Анна Павловна билан Элен салони ҳамон ўша-ўша – бири етти йил, иккинчиси беш йил бурун қандай бўлган бўлса, шундай турибди. Анна Павловна сало-нида ҳамон Бонапартнинг муваффақиятлари ҳақида энса-лари қотиб гапиришади, бу муваффақиятларда ҳам, Европа шоҳларининг унга ён беришида ҳам Анна Павловна мансуб бўлган сарой аъёнларига шикаст етказиш ва уни ташвишга солишни кўзда тутган ёвуз бир суикасд бор деб ўйлашади. Элен сало-нида ҳам (Румянцевнинг ўзи бу салонга қадам

¹ Земство (русча) – Чор Россияси ва Собик Иттифокда сайлаш йўли билан шакллантирилган маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилоти.

ранжида қилган эди, у Эленни доно ва ақли расо аёллардан бири деб ҳисоблар эди) худди 1808-йилдаги каби 1812-йилда буюк миллат ва буюк шахснинг номини зўр ифтихор билан тилга олишар, Франция билан алоқамиз узилганлигига афсусланишар эди. Элен салониға йиғиладиган кишиларнинг фикрича, бу ишнинг оқибати сулҳ билан тамом бўлиши керак эди.

Сўнгги вақтларда, подшо армиядан келгандан кейин, бир-бирига қарама-қарши бўлган бу салонларда унча-мунча бесаранжомликлар юз берди, бир-бирларига қарши намо-йишкорона чиқишлар қилган бўлсалар ҳам, уларнинг йўналиши эскича қолди. Анна Павловна салониға французлардан фақат энг ашаддий монархиячиларнигина қабул қилишар, бу ерда француз театриға бормаслик керак, бу театрнинг чиқими бир корпус аскарнинг харажатиға тенг қабилдаги ватанпарварлик руҳидаги гаплар бўлар эди. Бу ерда ҳарбий воқеаларға кўз-қулоқ бўлиб туришар, армиямиз учун энг фойдали бўлган овозаларни тарқатишарди. Румянцев тарафдори, французлар муҳиби бўлган Элен салонида эса аксинча, душманнинг шафқатсизлиги, уруш дахшатлари ҳақида тарқалган миш-мишларни йўққа чиқаришар, Наполеонни сулҳ йўлида қилаётган ҳаракатларини муҳокама қилишарди. Бу даврада, императорнинг волидаси химоясида бўлган сарой ва қизлар билим юртлари Қозонға кўчиртирилсин, деб шошқалоқлик билан маслаҳат берган кишиларни таъна қилишарди. Элен салонида, умуман урушни бугун-эрта сулҳ билан хотима топадиган бир қуруқ намоёиш деб билишар, шу кунлари Петербургда Эленнинг оила аъзосидай бўлиб қолган Билибиннинг фикри ҳукм суларди (ҳар бир ақли расо унинг салонида бўлиши керак эди), унинг сўзига қараганда, урушнинг тақдирини порох эмас, порохни ўйлаб чиқарган одам ҳал қилар эди. Бу даврада Москвадаги хурсандчиликни (бу хабар подшо билан бирга Петербургда келган эди) жуда эҳтиёт бўлиб, нозик иборалар билан мазах қилишар эди.

Анна Павловна салонида, аксинча, бу хурсандчиликдан

фахрланишар, Плутарх¹ қадимгилар ҳақида қандай гапирган бўлса, булар ҳам шундай гапиришар эди. Ҳануз юксак лавозимларда бўлган князь Василий эса бу икки даврани бир-бирига боғлайдиган ҳалқа вазифасини адо этар эди. У ҳам ўзининг арзанда дўсти ва Анна Павловна салонига, ҳам кизининг дипломатик салонига қатнар эди, кўпинча, ҳали у салонга, ҳали бу салонга югургани учун аксари боши қотиб, Элен уйида айтадиган гапни Анна Павловна салоида айтиб кўяр, ё Анна Павловна салоида айтадиган гапни кизи салоида айтиб кўяр эди.

Подшо Петербурга келган кунлари князь Василий, дўсти Анна Павловна салоида урушдан гап очиб, Барклай де Толлини қаттиқ таъна қилди, лекин кимни бош кўмондон қилиб тайинлаш ҳақида тайин бир гап айтмади. жуда нуфузли киши деб ном чиқарган бир зот Петербург халқ лашқарига бошлиқ қилиб сайланган Кутузовни бугун кўргангани, у аскарларни қабул қиладиган давлат палатасида кенгаш ўтказаётганини гапириб берди ва сўз орасида эҳтиётлик билан Кутузов барча талабларга жавоб бера оладиган шахс бўлса, эҳтимол, деган мулоҳазани айтиб қолди.

Бу гапни эшитиб Анна Павловна ҳазин жилмайди-да, Кутузов ҳаминча подшонинг таъбини хира қилиб келганлигини айтди.

Князь Василий унинг сўзини бўлди.

– Мен дворянлар йиғинида бу сўзни такрор-такрор айтдим, аммо улар кулоқ солишмади. Кутузовни халқ лашқарига бошлиқ қилиб сайлашимиз шаҳаншоҳга хуш келмаслигини баён этдим, лекин менинг гапимга кулоқ солишмади.

– Негадир, ҳамма ўзини норози қилиб кўрсатиш васвасасига тушган? Кимга денг? Ҳамма гап шундаки, биз маймунга ўхшаб Москвадаги хурсандчиликка таассуб қилмоқчимиз, – деди князь Василий Москвадаги хурсандчи-

¹ Плутарх (тахминан 46 – тахминан 127) – қадимги юнон тарихчиси, файласуф ва ёзувчи.

ликни Элен салонида мазах қилиб, Анна Павловна салонида ундан фахрланиш кераклигини бир он унутиб. Лекин дарҳол ўзига келиб, хатосини тузатди. – Россиянинг энг кекса генерали бўлган граф Кутузов наҳотки палатада кенгаш ўтказиб ўтирса, бутун меҳнати бекорга кетади. Наҳотки от минолмайдиган, кенгашда ухлаб қоладиган ва қилиқлари совуқ одамни бош қўмондон қилиб бўлса! Букарештда кўрсатган қилиқлари ҳамманинг эсида турибди! Генерал сифатида қандай фазилатларга эга эканлигини айтиб ўтирмайман, наҳот шундай бир вақтда шарти кетиб парти қолган кўр одамни, ҳақиқатан кўр одамни бош қўмондон қилиб бўлса! Кўрдан ғалати генерал чиқса керак! Ҳеч нарсани кўролмайди. Нима, кўзбойлаш ўйини ўйнайдими... сўқир-ку, ахир!

Бунга ҳеч ким эътироз билдирмади.

24-июлда бу гап жоиз эди. Бироқ 29-июлда Кутузовга князлик рутбаси берилди. Князлик рутбасини бериб, шу билан ундан қутулишмоқчи деган хулосага келиш мумкин эди, шунинг учун ҳам князь Василийнинг гаши, гарчи бу фикрни баён қилишга энди ошиқмаётган бўлса-да, ҳақ гап бўлиб қолмоқда эди. Аммо 8-августда урушга доир масалаларни муҳокама қилиш учун генерал-фельдмаршал Салтиков, Аракчеев, Вязьмитинов, Лопухин ва Кочубейдан иборат комитет таъсис этилди. Комитет, мағлубиятнинг сабаби бошликларнинг кўплигидандир, деган хулосага келди, комитет ҳайъатидаги кишилар Кутузов подшога ёқмаслигини билишса ҳам, қискагина бир кенгашдан сўнг уни бош қўмондонлик лавозимига тавсия қилишди. Ўша куннинг ўзидаёқ Кутузов бутун армияга ва қўшинлар ишғол қилган ўлкаларга бош қўмондон қилиб тайинланди.

9-августда князь Василий Анна Павловнанинг уйида яна жуда нуфузли киши билан учрашди. Жуда нуфузли киши хотин-қизлар билим юртининг ноziри бўлиш орзусила Анна Павловнага хушомад қилиб юрар эди. Князь Василий худди мурод-мақсадга етган ва ғалаба қилган кишидай хурсанд бўлиб кириб келди.

– Буюк бир хушхабарни эшитдингизми? Кутузов фельд-

маршал бўлибди. Барча ихтилофларга хотима берилди! Мен ғоят хушнуд ва хурсандман! – деди князь Василий, – мана бу муносиб одам, – деди меҳмонхонада ўтирган кишиларга жиддий ва маъноли назар ташлаб. Жуда нуфузли киши янги лавозим умидида юрган бўлса ҳам, бу сўзни эшитгач, тилини тиёлмади ва князь Василийга илгари айтган сўзларини эслатди (Бу гапни князь Василий олдида ҳам, бу хабарни севинч-ла қаршилаган Анна Павловнанинг меҳмонхонасида ҳам айтиш одобдан эмас эди, бироқ бу зот тилини тиёлмайди). – Аммо уни кўр дейишади-ку, – деди у князь Василийга ўзи айтган сўзни эслатиб.

– Бўлмаган гап, кўзи дупша-дуруст, ишонинг, – деди дарров князь Василий йўғон товуш билан йўтала-йўтала, бу товуш ва бу йўтал князь Василийни ҳар қандай қалтис ҳолатда жонига ора кирар эди), – бўлмаган гап, кўзи дуппадуруст, ишонинг, – деди у яна. – Мен шунга хурсандманки, подшо бутун армия ва ўлка ихтиёрини унга топширдилар, ҳеч бир бош қўмондон ҳеч қачон бунчалик ҳуқуққа эга бўлган эмас. Бу бўлакча ҳокими мутлак, – деб ғолибона бир табассум билан сўзини тугатди.

– Илоҳим шундай бўлсин, илоҳим шундай бўлсин, – деди Анна Павловна. Сарой доирасига янги кирган Жуда нуфузли киши Анна Павловнага мулозамат қилмоқ ва унинг илгариги фикрларини қувватламоқ ниятида шундай деди:

– Бу ҳуқуқни Кутузовга топширишга шаҳаншоҳнинг унчалик рағбатлари йўқ эди дейишади.

– Олий ҳазратлари ва ватан сизни шу шарафга лойиқ топди» деган сўзни эшитганида биров Жокондани ўкиб берганида қизариб кетган қиз боладай қизариб кетган эмиш».

– Балким, чин кўнгилдан айтмагандир, – деди Анна Павловна.

– Йўғ-э, йўғ-э, – деди князь Василий Кутузовнинг тарафини олиб. Ҳозир у Кутузовни ҳеч кимга алиштирмас эди. Унинг фикрига кўра, Кутузов яхши одамгина эмас, балки ҳамма ҳурматлайдиган одам ҳам эди. – Бундай бўлиши ҳеч мумкин эмас, чунки шаҳаншоҳ у кишининг хизматларини ҳамisha тақдирлаб келганлар, – деди.

– Худодан шуни тилар эдимки, – деди Анна Павловна, – князь Кутузов ҳокимиятни қўлига олиб, ҳеч кимга ўз йўлида ғов бўлишга имкон бермасин.

«Ҳеч ким» деб ким назарда тutilганлигини князь Василий дарров пайқади. У шивирлаб деди:

– Мен шуни аниқ биламанки, Кутузов шаҳзода валиахд армиядан кетгандагина рози бўламан, деган шарт билан кўнибди. Биласизми, шаҳаншоҳга нима дебди? – деб князь Василий гўё Кутузовнинг шаҳаншоҳ айтган бир сўзини такрорлади: «Агар шаҳзода-валиахд бирон ёмон иш қилиб қўйса, мен жазо беролмайман, яхши иш қилса мукофот ҳам беролмайман» О! «Князь Кутузовдан ўткирроқ одам йўк, мен уни кўндан бери биламан.

– Эшитишимча, – деди жуда нуфузли киши сарой одобига хилоф равишда, – Кутузов жаноблари хатто шаҳаншоҳнинг ҳам армия қошига келмасин деган бир шартни ўртага қўйибди.

Шу гапни айтиши биланоқ князь Василий билан Анна Павловна ундан юз ўгиришди ва бу одамнинг гўллигидан хуноб бўлиб хўрсинишди-да, бир-бирига қараб қўйишди.

VII

Петербургда бу ҳодисалар юз бераётган бир маҳалда французлар Смоленскдан ўтиб, кун сайин Москвага яқинлашмоқда эди. Наполеоннинг тарихчиси Тьер Наполеоннинг бошқа тарихчиларидек ўз қаҳрамонини оқлашга уриниб, Наполеон Москва бўсағасига беихтиёр бориб қолган эди, деган даъвони қилади. У ҳам тарихий воқеалар бир шахснинг иродасига боғлиқ деб даъво қилувчи барча тарихчилар сингари бу гапни айтишга ҳақлидир. Наполеонни рус саркардалари усталик билан Москвага жалб этди деб даъво қиладиган рус тарихчилари сингари бу одам ҳам ҳақлидир. Бўлиб ўтган барча воқеаларни, юз берган ҳодисани тайёрловчи поғона деб изоҳлайдиган ўтмишга қайтиш қонунидан ташқари бу ерда яна ҳамма ишларни чалкаштириб юборадиган ўзаро муносабат масаласи бор. Ўйинни

ютқизган моҳир шахматчи хато қилганим учун ютқиздим, деб ўйлайди ва ўйиннинг бошида қилган хатосини қидиради ва бутун ўйин давомидаги ҳар бир юришида айнан шундай хато қилинганлиги ва бирон юриши мукамал бўлмаганлиги сира хаёлига келмайди. Ўзи йўл кўйган хатодан фақат рақибни фойдалангандагина унга эътибор қилади. Аммо муайян бир вақт шароитида бўлаётган уруш ўйини нақадар мураккаб! Бу ерда жонсиз машиналарга бир кишининг иродаси раҳбарлик қилмайди, бу ерда ҳар бир ҳодиса сон-саноксиз ғайриихтиёрий тўқнашувлардан вужудга келади.

Наполеон Смоленскдан сўнг Дорогобужнинг нариги тарафида – Вязьмада, ундан кейин Царево-Займишчида жанг қилмоқчи бўлди, бироқ шундай бўлдики, сон-саноксиз вазиятларнинг бир-бирига тўқнаш келиб қолиши натижасида руслар Москвадан бир юз-у ўн икки чақирим узоқда бўлганородиногача душман билан жанг қилолмади. Наполеон Вязьмадан тўғри Москвага қараб ҳаракат қилишга амр берди.

Бу буюк империянинг осие нусха пойтахти бўлмиш Москва, Александр қармоғидаги халқларнинг муқаддас шаҳри, хитой ибодатхоналари шаклида бўлган сон-саноксиз бутхоналар макони бўлган Москва. Мана шу Москвни забт этиш орзуси Наполеонни тинч кўймас эди. Вязьмадан Царево-Займишчига қараб йўл олганда Наполеон инглиз зотидан бўлган дурагай йўрға саман отида гвардиячи, ясовул, маҳрам ва адъютантлар ҳамроҳлигида бормоқда эди. Штаб бошлиғи Бертъе француз отлик аскарлари томонидан асир олинган русни сўрок қилиш учун орқада қолган эди. Штаб бошлиғи таржимон Leolagme d'ldeville ҳамроҳлигида от кўйиб, Наполеонга етиб олди-да, хушнуд бўлиб отини тўхтатди.

– Хўш, – деди Наполеон.

– Платов казаги айтадики, Платов корпуси катта армиясига кўшилмоқчи экан, Кутузов бош кўмондон қилиб тайинланибди. Жуда ақлий ва лақма экан.

Наполеон жилмайиб кўйди ва казакка от бериб, олиб келишларини буюрди. Асир билан ўзи гапиришни истади.

Бир неча адъютант от чоптириб кетди, орадан бир соат ўтгач, Денисовнинг Ростовга ҳади қилган крепостной¹ Лаврушка деншиклар² киядиган калта камзулда, французча эгарланган отни миниб, хушнуд ва сархуш ҳолда Наполеон олдига келди. Наполеон ёнма-ён юришни буюриб, йўл-йўлакай савол берди:

– Казакмисиз?

– Шундай, зоти олийлари.

Тьер бу ходисани шундай нақл қилади:

«Казак ким билан гаплашаётганини билмасдан, уруш вазияти ҳақида ниҳоят такаллуфсиз гапирди, чунки шарқ дабдабасига ўрганган киши Наполеоннинг оддийлигини кўриб, уни сира шаҳаншоҳ деб тасаввур қилмас эди». Дарҳақиқат, хўжасини овқатсиз қолдириб, ўлгунча ичиб маст бўлган Лаврушка шу куни кечаси калтакни еб, кишлокка, товукка юборилган ва у ерда ўғирликка берилиб кетиб, французларга асир тушган эди. Лаврушка кўпол, сурбет ва кўпни кўрган лакейлар тоифасидан эди, бу тоифадаги лакейлар ҳар бир ишда қабихлик ва айёрлик қилишни ўз бурчи деб билади, ўз хўжасининг ҳеч қандай хизматидан ҳазар қилмайди; уларнинг ёмон ниятларини, айниқса, пасткашлик ва шуҳратпарастлигини мохирлик билан пайқаб, кўнглини топади.

Лаврушка Наполеонни кўриши биланок унинг кимлигини жуда яхши билган бўлса ҳам, довдираб қолмади, фақат янги хўжасига бажонидил хизмат қилишга уринди.

Шу одам Наполеон эканлигини у жуда яхши билар эди, бироқ Ростов ёки камчи кўтариб юрган вахмистрдан тортинмагани сингари Наполеондан ҳам тортинмади, чунки на вахмистр, на Наполеон уни ҳеч нарсадан маҳрум қилолмас эди.

Лаврушка офицерларнинг шахсий хизматкорлари – деншиклари орасида кулоғига кирган сўзларни гапириб берди. Буларнинг кўпи рост эди. Бироқ Наполеон, руслар нима деб ўйлашади, Бонапартдан голиб келишармикин, йўқми, деб сўраганида Лаврушка кўзларини қисиб ўйга толди.

¹ Крепостной (русча) – помешчикларнинг ўзига қарашли деҳқонларга, уларнинг меҳнати ва мол-мулкига чексиз эгаллик қилиш ҳуқуқи.

² Деншик – денгиз флот кўпиниларидаги ҳарбий хизматчи.

Бу саволни эшитиб, Лаврушка бир гап борлигини пайқаб, қовоғини солди ва жимиб қолди (чунки Лаврушка қабиллидаги одамлар доим ҳар нарсанинг остида бир нима бор деб ўйлайди).

– Агар жанг бўла қолса, – деди Лаврушка ўйчан, – албатта, шундоғ бўлади. Уч кун ўтса, чўзилиб кетади.

Бу сўзни шундай таржима қилишди: «Агар жанг мана шу уч кун ичида бўлса, французлар ютади, агар уч кундан кейин бўлса, унда оқибати нима бўлишини худо билади». Наполеоннинг кайфи жуда яхши бўлса ҳам, табассум қилмади ва таржимондан бу сўзни яна бир қарра такрорлашни сўради. Лаврушка буни фаҳмлади ва Наполеонни хурсанд қилиш учун ўзини танимаганга солиб шундай деди.

– Биламиз, сизларнинг Бонапартларнинг бор, у дувёда ҳаммани енгиб юрибди, аммо бизга келганда, биз у айтган хилидан эмасмиз... – Шу гапни айтиб, охирида ватанпарварлик қилиб мақтанганини ўзи ҳам билмай қолди. Таржимон охирги сўзларни тушириб қолдириб, таржима қилиб берди, Наполеон эса жилмайиб қўйди. «Қазак йигит қудратли ҳамсуҳбатини кулимсирашга мажбур қилди», – дейди Тьер. Бир неча қадам индамай юргандан кейин Наполеон Бертъега қараб: «Сен билан сўзлашаётган одам ўша император бўлади, ғалаба рамзи бўлмиш мангу отини эҳромларга ёзган ўша император шу кишининг ўзи бўлади, деб айтинг, бу сўзлар «Дон фарзандида қандай таассурот қолдиришни кўрмоқчиман», – деди.

Бу сўзни Лаврушкага таржима қилиб беришди. Лаврушка бу сўз гангитиб қўйиш мақсадида айтилганини, Наполеон бу казак ўтақаси ёрилиб кетади, деб гумон қилганини фаҳмлаб, янги хўжаларига ёқиш мақсадида дарҳол ўзини таажжубланган, ханг-манг бўлганга солди ва кўзларини чақчайтириб, юзига шундай тус бердики, уни калтаклагани олиб чиқаётганларида шундай қиёфада бўларди. «Наполеоннинг таржимони бу сўзни казакка айтиши биланоқ, – дейди Тьер, – казакнинг ҳуши бошидан учиб, тахта бўлиб қолди ва овозаси шарқ чўллари орқали етиб келган жаҳонгирдан кўзларини узмай, ёнма-ён бораверди. Тили лол, ўзи ханг-

манг бўлди-қолди. Наполеон казакка инъом бериб, ўзининг жонажон саҳроларига учириб юборган қуш каби уни қўйиб юборишни буюрди».

Наполеон бутун фикр-у хаёлини банд қилиб қўйган ўша Москвани ўйлаб, олға қараб кетди. Ўзининг жонажон саҳроларига учириб юборилган озод қуш эса ўз хўжаларига гапириб бериш учун ҳеч юз бермаган ҳодисаларни тўкиб, олдинги маррага қараб от қўйди. Лаврушка бошидан ўтган ҳодисаларни гапириб беришни истамади, чунки булар, назарида, хикоя қилиб беришга арзимас эди. У казакларга етиб олиб, Платов отряди таркибида бўлган полкининг каердалигини сўради ва кечга яқин, Янковода тўхтаган хўжаси Николай Ростовни топди; Ростов Ильин билан бирга атрофдаги қишлоқларни айланиб келиш учун отланаётган эди. Николай, Лаврушкага бошқа от бериб, уни ўзи билан бирга олиб кетди.

VIII

Княжна Марья князь Андрей ўйлаганидек Москвага ҳам кетмаган, хавф-хатардан ҳам амин эмасди.

Алпатич Смоленскдан қайтиб келгандан кейин кекса князь гўё беҳосдан ғафлат уйқусидан уйғонгандек бўлди. У қишлоқ аҳолиси орасидан халқ лашқари йиғиш, уларни қуролдантиришни буюриб, бош қўмондонга мактуб ёзди. Мактубда сўнгги дамгача Лисие Горида қолиб, уни мудофаа этишга тайёр турганини билдирди, Лисие Горини мудофаа қилиш-қилмасликни менинг ихтиёримга беринг, бу жангда энг кекса бир рус генерали ё асир тушади ва ё ҳалок бўлади, деб ёзди ва уй ичидагиларга Лисие Горидан кетмаслигини айтди.

Бироқ ўзи Лисие Горида қолса ҳам, қизи ва Десални кичкина князь билан бирга Богучаровога, у ердан Москвага жўнатишни буюрди. Княжна Марья ҳамма нарсага бепарво бўлган отасининг тўсатдан, кечани кеча, кундузни кундуз демай, бунчалик жонсарақ, бунчалик сергайрат бўлиб кетганидан кўркиб кетди-да, уни ёлғиз қолдиришга журъат этмай,

умрида биринчи мартаба отасининг сўзига кирмади. Княжна кетмаслигини айтди-ю, балого қолди, князь бутун заҳрини тўкиб сочди. Нима ваядан қизидан ноҳақ ўикаланиб юрган бўлса, ҳаммасини айтди. Князь, қизини қораламоқчи бўлиб, юрагимни қон қилдинг, ўғлим билан орамни буздинг, менинг ҳақимда ярамас шубҳаларга бординг, дунёга келиб бирдан бир қилган орзуинг менинг ҳаётимни заҳар-заққумга айлантириш, деб княжнага бўлмаган айбларни тўнкади ва энди кетасанми, кетмайсанми, менинг учун барибир, деб қизини кабинетидан ҳайдаб чиқарди. Сенинг бор-йўқлигинг билан менинг ишим йўқ, лекин шуни билиб қўйки, минбаъд кўзимга кўринма, деди. Княжна Марья отам зўрлаб жўна-тади деб кўрқиб юрган эди, хайрият князь, кўзимга кўринма, деди-ю, бўлак нарса айтмади. Бу князь қизининг кетмаганига, уни уйда қолганига ичида хурсанд эканини кўрса-тарди. Бунга княжна биларди.

Николуцка кетган куннинг эртасига кекса князь эрта-лаб мундирини кийиб, бош қўмондон олдига боргани отланди. Арава тайёр эди. Княжна Марья отаси мундир кийиб орденлар таққанини, қурошланган деҳқонлар ва қаролларни кўриқдан ўтказиш учун боғга томон ўтганини кўрди. Княжна Марья отасининг боғ томондан келаётган товушига қулоқ солиб, дераза олдида ўтирган эди, тўсатдан рангида ранг қолмаган бир неча киши хиёбондан югуриб келаверди.

Княжна Марья чопқиллаганича эшикка чикди-да, гулзор ичидаги йўлқадан хиёбонга томон югурди. Халқ лашкарларидан бир гўруҳи ва қароллар рўпарадан келмоқда эди; булар орасида бир неча киши мундир кийиб, орденлар таққан кичкина қолни икки қўлтиғидан суяб олган эди. Княжна Марья югуриб борди, бироқ липалар орасидан танга-танга бўлиб тушиб турган шуъланинг жимирлаши князнинг юзида пайдо бўлган ўзгаришни пайқашга ҳалал берди. Княжна Марья фақат отасининг юзидаги аввалги жиддийлик ва қатъийлик ифодаси, кўрқув ва ожизлик ифодаси билан алмашинганини кўрди. Кекса князь қизини кўриб, мажолсиз лабларини кимиради ва хириллади, бироқ нима деяётганини билиб бўлмади. Уни кўтариб кабинет-

га олиб киришди ва сўнги кунларда ётгани кўриб юрган ўша диванга ётқизишди.

Олиб келинган доктор ўша кечанинг ўзида қон олди ва князнинг ўнг томони фалаж бўлганини айтди.

Лисие Горида қолиш борган сайин хатарли бўла бошлади, князь ўсал бўлган куннинг эртасига уни Богучаровога олиб кетишди. Доктор ҳам улар билан бирга борди.

Булар Богучаровога келса, Десаль кичкина князни олиб Москвага жўнаган экан.

Кекса князь ўша аҳволда, тузалиб тузалмай, ўлиб ўлмай, фалаж бўлиб, Богучаровода, князь Андрей солган янги уйда уч ҳафта ётди. Кекса князь беҳуш эди. У расвоси чиққан мурдага ўхшаб ётар эди. У тинмасдан қошлари, лабларини қимирлатиб, алланималар деб пичирлар, аммо атрофида бўлаётган ҳодисаларни англаётган-англамаётганини билиб бўлмас эди. Фақат аллақандай бир гапни айтиш зарур эканлигини сезаётганини ва бу гапни айта олмаганидан қийналаётганини билиш мумкин эди, холос. Бироқ бу қанақа гап эканлигини ҳеч ким пайқай олмас эди. Бу касал ёки ақдан озган кишининг иржиқлигими, умумий вазиятга алоқадор гапми ёки фақат оилавий масалаларга доир гапмиди, билиб бўлмас эди.

Докторнинг гапига қараганда, беморнинг безовта бўлаётганига бирдан бир сабаб унинг жисмоний азоб чекиши эди. Княжна эса отам бир нима демокчи бўляпти деб ўйлар, беморнинг княжна кирган чоғларида кўпроқ нотинч бўлиши унинг бу тахминини тасдиқлар эди. Кекса князь, афтидан, ҳам жисман, ҳам руҳан азоб чекмоқда эди.

Князнинг тузалишига умид йўқ, шу аҳволда уни Москвага олиб бориб ҳам бўлмас эди. Йўлда жонни узилса, унда нима бўлади? Княжна баъзан ўзича: «Қошки, худо мушкулени осон қилиб қўя қолса эди», деб ўйлар эди. У кечаси-ю кундузи, уйкусини ҳаром қилиб, отаси олдида ўтириб чиқар эди. Энг дахшатлиси шу эдики, отаси ёнида ўтираркан, ундан тузалишига далолат берадиган аломатларни эмас, кўпинча куни битганини кўрсатадиган белгиларни топишни истар эди.

Кўксиди шундай туйғулар борлигини эътироф қилиш княжна Марья учун нақадар ажиб бўлмасин, лекин бу ҳақиқат эди. Яна княжна Марья учун шуниси даҳшатли эдики, отаси касал бўлгандан бери (ҳатто ундан ҳам олдинроқ, ниманидир кутиб, кекса князь билан Лисие Гориди қолган кунларидан бери) қалбининг бир четиди ётган ва унутилиб кетган шахсий орзу-тилақлар уйғониб қолди. Шунча йилдан бери эсига келмаган нарса – отасидан кўрқмай эркин ҳаёт кечириш, ҳатто севиш ва хушбахт оила кўриш орзуси, шайтон васвасасига ўхшаб бир дақиқа ҳам унинг хаёлидан нари кетмас эди. Княжна бу фикрни кўнглидан чиқариб ташлашга қанча уринмасин, ундан кейин ўз ҳаётимни қандоқ қураман, деган савол бир дақиқа ҳам унинг кўнглидан нари кетмас эди. Бу шайтоннинг васвасаси эканини княжна Марья англади эди. Княжна бунга қарши бирдан бир чора ибодат эканлигини билар ва ибодат этишга уринар эди; ибодат қилмоқчи бўлиб иконага қараб дуо ўқир, лекин ибодат қилолмасди. Княжна шуни сезар эдики, ҳозир уни илгариги маънавий оламига тамоман қарама-қарши бўлган кундалиқ машаққатли, эркин ҳаёт фаолияти қамраб олган, илгариги ҳаётида энг яхши тасалли ибодат бўлган бўлса, ҳозиргисиди ибодат тасалли беролмас эди. У на ибодат қила оларди, на йиғлай оларди; у олдий турмуш гирдобига тушиб қолган эди.

Богучаровода қолиш хавфи бўлиб қолди. Французларнинг яқинлашиб қолгани ҳақида ҳар томондан янги хабарлар келмоқда эди. Богучароводан ўн беш чақирим наридаги бир қишлоқни француз аскарлари талаб кетишибди.

Доктор князни Богучароводан олиб кетиш керак деб кистай бошлади; дворянлар оксоқоли бир мансабдорни юбориб, княжна Марьядан имкони борича тезроқ жўнашни сўради; миршабхона бошлиғи ҳам Богучаровога келиб, французлар қирк чақирим нарида турганини, французлар қишлоқларга варақа ташлаганини, 15-августгача княжна отасини олиб кетмаса, жавобгарликни ўз бўйнидан соқит қилишини айтди.

Княжна Марья ойнинг 15-санасида кетишга қарор берди. Куни бўйи йўлга ҳозирлик кўриш, одамларга буйруқ бериш (чўнқи ҳамма нарсани ундан сўрашар эди) билан банд бўлди. 14-августдан 15-августга ўтар кечаси княжна одатдагича ечинмасдан, отаси ётган бўлма ёнидаги хонада ётди. Кечаси бир неча мартаба уйғониб, отасининг томоқ қирганини, гудраганини, каравот ғичирлаганини, беморни у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарган Тихон билан докторнинг оёқ шарпасини эшитди. Бир неча мартаба эшик олдида келиб кулоқ солди, назарида, отаси бу кеча одатдагидан кўра қаттиқроқ гудирлаб безовта бўлгандай, ҳадеб у ёнидан бу ёнига ағдарилгандай туюлди. Княжна ухлай олмади, бир неча мартаба ўрнидан туриб эшик олдида келди, кирмоқчи бўлиб кулоқ солди, бироқ журъат этолмади. Князь айтмасам ҳам, княжна Марья билар эдики, отаси қизининг юзида кўрқув аломатини кўрса, хафа бўлади. Княжна баъзан беихтиёр отасининг юзига тикилиб қолса, отаси норози тарзда юзини ундан ўтирганини пайқаган эди. Княжна кечаси, бемахалда кириш беморнинг асабига тегиши мумкинлигини билар эди.

Лекин отасидан ажралиш бунчалик оғир, бунчалик даҳшатли эканини княжна Марья ҳеч қачон шу қадар сезмаган эди. Княжна отаси билан бирга кечирган ҳаётини эслар, отасининг ҳар бир сўзида, ҳар бир ҳаракатида ўзига нисбатан муҳаббат ифодаси борлигини қидириб топар эди. Баъзан бу хотираларга шайтоннинг засвасаси — отаси ўлгандан сўнг нима қилиши, ўзининг янги, эркин ҳаётини қандай қуриши ҳақидаги ўй-хаёллари кўшилиб кетар эди. Лекин княжна бу фикрларни зўр нафрат билан миясидан ҳайдар эди. Сахарга яқин князь ором олди, шундан сўнг княжна уйқуга кетди.

Княжна кеч уйғонди. Уйқудан уйғонган чоғдаги самимият княжнага бемор отасининг бирдан бир ташвиши қизи эканини очиқ-ойдин кўрсатди. Княжна уйқудан тургач, эшик орқасидан келаётган товушга кулоқ солди ва отасининг инқиллашини эшитиб хўрсинди, хайрият, хади ҳам ўша ахволда экан, деб кўйди.

— На чора? Мен нималарни орзу қилган эдим? Нахотки

отамнинг ўлимини орзу қилсам, — деб княжна ўз-ўзидан нафратланиб, қичқириб юборди.

У кийинди, ювинди, дуо ўқиди-да, ташқарига чиқди. Зина олдида от қўшилмаган аравалар турар, хизматкорлар юк ортмоқда эди.

Эрталаб ҳаво илиқ, осмон булутли эди. Княжна Марья зинада тураркан, ҳадеб кўнглига келган ярамас фикрлардан нафратланар, отасининг олдига киришдан бурун эс-хушини йиғиб олишга уринар эди.

Доктор зинадан тушиб, унинг олдига келди.

— Князнинг ахволи бугун сал дуруст, — деди доктор. — Мен сизни қидираётган эдим. Князнинг гапларидан бирон нарса тушунса бўлади, бугун фикри сал равшан. Қани, юринг сизни чакиряпти. Бу сўзни эшитиб княжна Марьянинг юраги шу қадар каттиқ уриб кетдики, ранги-кути учиб, йиқилиб кетмаслик учун эшикка суяниб қолди. Бутун қалби даҳшатли жиноятчига ҳос васвасалар билан тўлиб-тошган бир вақтда отасини кўриш, у билан гаплашиш, унинг нигоҳига тоб бериш княжна Марья учун ҳам қувончли эди, ҳам даҳшатли эди.

— Юринг, — деди доктор.

Княжна Марья уйга кирди ва отасининг каравоти олдига келди. Орқасида бир нечта ёстиқ қўйилган князь бошини баланд кўтариб ётар, бинафша ранг томирлари бўртиб чиққан, кичкина ва қакшоқ қўллари кўрпанинг устида; ўнг кўзи чап томонга қараб қолган, чап кўзи билан тикилиб турарди, ўсиқ қошлари ва лаблари ҳаракатсиз эди, у озиб, ушоққина бўлиб қолган. Унинг юзи ё қуриб бужмайиб қолган, ёки яхдан тушганга ўхшаб бир бурда бўлиб қолган эди. Княжна Марья унинг олдига келиб, кўлини ўпди. Князь чап кўли билан қизининг кўлини маҳкам қисди, демак, кўпдан бери унга кўзи тўрт бўлиб ётган экан. Қизининг кўлини тортганида унинг қошлари, лаблари пирпираб кетди.

Княжна отаси нима истаётганини англашга тиришиб, чўчиб унга қаради. Отасининг чап кўзи юзига тушсин деб вазиятини ўзгартириб яқинроқ борганда, князь қизига тикилиб қаради-да, тинчланди ва бир неча дақиқа ундан кўзини

олмади. Кейин лаблари ва тили қимирлаб, оғзидан товуш чиқди ва кизига ёлворгандай қараб (афтидан, кизи тушунмай қолишидан кўрқар эди), гапира бошлади.

Княжна Марья бутун диққатини бир жойга тўплаб, отасига тикилиб турди. Отаси тилини кулгили тўрзда зўр машаққат билан айлантираётганини кўриб, княжна бошини қуйи солди, ўпкаси тўлиб келаётган бўлса ҳам, йиғидан ўзини аранг тўхтатиб қолди. Князь бир нима деди ва айтган гапини қайта-қайта такрорлади. Княжна Марья бу сўзлардан ҳеч нарса тушунолмади, лекин касалнинг гапини англашга тиришиб, унинг оғзидан чиққан калималарни савол тарзида такрорлади:

– Гага – бои... бои... – деб бир неча марта такрорлади бемор.

Бу сўзлардан бир нима тушуниш амримаҳол эди. Доктор тушундим деб ўйлади-да, князь айтган сўзларни такрорлаб, княжна кўрқялтими? – деб сўради, бемор йўқ дегандай бош чайқади ва яна ўша сўзларни айтди.

Княжна бу сўзнинг маъносини англаб:

– Жон, жонингиз оғрияпти, – деди. Князь тасдиқлагандай бир товуш чиқарди ва княжнанинг қўлини олиб, худди у кўксининг қаеридан жой олганини излаётгандай, кўкрагининг хали у ери, хали бу ерига боса бошлади.

Князь энди гапимга тушунишяпти, деган қаноатга келганидан кейин:

– Бутун хаёлим сенда! Сени... ўйлайман! – деди аввалгидан кўра хийла тушунарли қилиб. Княжна Марья йиғлаётгани ва кўз ёшлари оқаётганини бекитмоқчи бўлиб, юзини отасининг қўлига маҳкам босди.

Отаси унинг сочларини силади.

– Туни бўйи сени чақириб чиқдим... – деди князь.

– Мен билсам эдим... – деди княжна йиғи аралаш. –

Олдингизга киргани кўрқдим.

Князь кизининг қўлини қисди.

– Кечаси ухламай чиқдингми?

– Ҳа, ухлаганим йўқ, – деди княжна Марья бош чайқаб.

У энди беихтиёр отасига ўхшаб, сўз билан эмас, кўпроқ имо-

ишора билан гапиришга уринар, гўё унинг ҳам тиши оғзида зўрға айланаётгандек эди.

Жигарим дедими, жоним дедими, княжна англай олмади, лекин унинг юзидаги ифодага қараганда ҳеч қачон айтмаган ширин ва ёқимли бир сўзни айтганга ўхшар эди.

– Нега келмадинг?

Княжна Марья ичида: «Мен ўлимини тилаган эдим-а!» – деди. Князь жим бўлиб қолди.

– Сендан миннатдорман... кизгинам, жонгинам... кечир... рози бўл... кизим!.. – Князнинг кўзларидан дув-дув ёш оқди. – Андрюшкани чақиринглар, – деб қолди тўсатдан, бу сўзни айтган, юзида болаларга хос бир қўркув ва шубҳа аломати пайдо бўлди. Бу тилаги амалга ошмаслигини гўё унинг ўзи билар эди. Эҳтимол, бундай эмас эди, лекин княжна Марьяга шундай туюлди.

– Ундан хат олдим, – деди княжна Марья. Князь таажужубланиб, кўрқа-писа кизига қаради.

– Ўзи қаерда?

– Армияда, дадажон, Смоленскда.

Князь кўзини юмиб, узок жимиб қолди; кейин худди ўз шубҳалари ойдинлашган ва бўлган ҳодисалар эсига келгандай тасдиқ мақомида бош ирғатди-да, кўзларини очди.

– Ҳа, – деди у секин тушунарли қилиб, – Россия ҳале бўлди! Ҳалок этдилар! – У яна йиғлади ва кўзларидан тиркираб ёш чиқиб кетди. Княжна Марья энди ўзини туюлмай, отасининг юзига қараб йиғлаб юборди.

Князь яна кўзини юмди. Кўз ёшлари тўхтади. У қўли билан кўзига ишора қилган эди, Тихон нима деяётганига тушуниб, кўз ёшларини артиб қўйди.

Кейин у кўзини очиб бир нима деди, анча вақтгача унинг гапига ҳеч ким тушунмади; ниҳоят ёлғиз Тихон фахмлаб, гапини тушунтириб берди. Княжна бу сўзларнинг маъносини унинг шу гапни айтмасдан бурун бўлган руҳий аҳволидан топмоқчи эди. Княжна отаси Россия тўғрисида ё князь Андрей тўғрисида, ёки ўзи ва невараси тўғрисида, ёки ўз ўлими тўғрисида гапирапти, шекилли, деб ўйлади. Шу сабабдан князнинг:

– Оқ кўйлагингни кийгин, мен уни яхши кўраман, – деган сўзининг маъносига ҳам тушунмаганди.

Бу сўзларнинг маъносига тушунгач, княжна Марья аввалгидан ҳам қаттикроқ йиғлаб юборди, доктор уни кўлтигидан ушлаб, айвонга олиб чиқди-да, ўзини кўлга олиш, йўл тадоригини кўришга маслаҳат берди. Княжна Марья чиқиб кетгандан кейин яна князь ўғлидан, урушдан, подшодан гапирди, жаҳл билан қошларини пирширатди, хириллаб қаттикроқ гапирди, шу билан иккинчи ва сўнгги мартаба хушидан айрилди.

Княжна Марья айвонда туриб қолди. Ҳавонинг чехраси очилган, куёш яркираб турар, кун иссиқ эди. Княжна, отасига бўлган жўшқин муҳаббатидан бўлак ҳеч нарсани ўйлай олмас, ҳеч нарсани сеза билмас, ҳеч нарсани англай олмас эди (шу вақтгача отасини бунчалик қаттиқ севмагандай эди). У югуриб боғга чиқди, князь Андрей ўтказган липа ниҳоллари орасидаги йўлакдан кўлга томон чопди.

– Ҳа... мен... мен отамнинг ўлимини тилаган эдим! Ҳа, мен тезроқ омонатини олсин деган эдим... Ўзимни ташвишдан қутқазмоқчи бўлган эдим... Менинг ҳолим нима бўларкин? Отам бўлмагандан кейин осуда ҳаётнинг менга нима кераги бор? – деб княжна ғўлдираб, фарёд отилиб чиққан кўксини кўли билан чангаллаганича, боғ ичида югуриб юрар эди. Боғни гир айланиб, яна ҳовлига келиб қолган чоғида қаршисидан Богучаровода қолган ва бу ердан кетишни истамаган мамзель Бурьен билан нотаниш бир эркак чиқиб қолди. Бу одам уезд дворянларининг оқсоқоли бўлиб, вазиятни тушунтириш ва княжна Марьяни тезроқ кўчишга кўндириш учун келган эди. Княжна унинг сўзларига кулок солаётган бўлса ҳам, миясига ҳеч нарса кирмади. У оқсоқолни уйга бошлаб кириб чойга таклиф қилди ва ўзи бирга ўтирди. Кейин оқсоқолдан узр сўраб, кекса князь ётган уйнинг эшиги олдига келди. Ичкаридан хаяжонланган доктор чиқди-ю, княжнага киргани руҳсат этмади.

– Боринг княжна, боринг!

Княжна Марья яна боғга чиқиб, кўл бўйига борди-да, ҳеч ким кўрмайдиган жойга, тепалик остидаги майсага ўтир-

ди. Бу ерда қанча ўтириб қолганини ўзи билмади, йўлакдан чопқиллаб келаётган хотин кишининг оёқ шарпаси уни ўзига келтирди. Княжна Марья ўрнидан туриб, оксоч Дуняшани кўрди. Дуняша бекасини қидириб юрган бўлса керак, тўсатдан, худди княжнанинг ташқи киёфасини кўриб кўрқиб кетгандай тўхтаб қолди ва тутилиб-тутилиб:

– Марҳамат қилинг, княжна... князь... – деди. Оксоч қиз бир нима демоқчи эди-ю, лекин княжна гапни оғзидан олиб, шоша-пиша:

– Бораман, ҳозир бораман, – деди-да, Дуняшага карамасликка ҳаракат қилиб, уйга қараб югурди.

Дворянлар оқсоқоли эшик олдида княжнани қарши олиб:

– Княжна, худонинг хоҳиши бўлади, сиз ҳамма нарсага тайёр бўлишингиз керак, – деди.

– Қўйинг мени! Бу бўлмаган гап! – деб княжна жаҳл билан унга бақирди. Доктор уни тўхтатмоқчи бўлган эди, у докторни итариб юборди-ю, югуриб эшик олдига келди. «Нега ўтакалари ёрилган бу одамлар мени тўхтатмоқчи бўлишяпти? Менга ҳеч кимнинг кераги йўк! Булар бу ерда нима қилиб юришибди?» – Княжна Марья эшикни очиб ичкарига кирди, илгари ним қоронғи бўлган уйга офтоб тушиб, чарақлаб турганини кўриб кўрқиб кетди. Уйда момо камшир ва аёллар бор эди. Улар княжнага йўл бериб, қаравотдан узоқлашишди. Чол ҳамон илгаригидай ётган эди, бироқ княжна унинг сокин юзидаги жиддий ифодани кўриб, бўсағада тўхтаб қолди.

Княжна ўзича: «Йўк, ўлгани йўк, ўлиши мумкин эмас...» – деб унинг олдига келди, бутун вужудини қамраб олган кўркувни енгиб, лабларини князнинг юзига босди. Аммо ўша он ўзини ундан тортди. Отасига бўлган барча меҳр-муҳаббати бирдан йўқолди ва унинг ўрнини кўз ўнгидаги манзарадан пайдо бўлган даҳшат ҳисси ишғол қилди. «Йўк, отамдан айрилдим! Ундан айрилдим, унинг ўрнига одамни чўчитадиған, хунук ва қандайдир ёвуз ва мудҳиш бир сир қолибди, холос!» – Княжна Марья юзини қўли билан беки-тиб ўзини ташлаб юборди, доктор қўлтиғидан ушлаб қолди.

Аёллар Тихон билан докторнинг кўз ўнгида ўликни ювишди, оғзи очилиб қолмасин деб бир рўмол билан жағини, бошқа бир рўмол билан керилиб ётган оёқларини боғлаб қўйишди. Кейин орденлар тақилган мундирини кийгизиб, куруқ суяк бўлиб қолган жасадни столга қўйишди. Ким ғамхўрлик қилиб, қачон бу ишни қилгани маълум бўлмаса ҳам, лекин ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлган эди. Кечқурун тобут атрофида шамлар ёқилди, тобут устига чойшаб ташланди, полга қора арча новдалари сочилди, ўликни қотиб қолган боши остига рисола қўйилди, бир дьячок бурчакда Инжил¹ ўкиб ўтирар эди.

Ўлган отнинг жасади устида отлар тўпланиб, хуркиб, пишқиргани сингари меҳмонхонада ётган мурда атрофини таниш-билишлар ва бегоналар – дворянлар оқсоқоли, элик-боши, хотин-халаж босиб кетган, ҳамма кўзини бақрай-тириб, кўрка-писа чўқинишар, таъзим қилишарди, кекса князнинг қотиб қолган муздай кўлини ўпишарди.

IX

Богучарово князь Андрей бу ерга кўчиб келмасдан бурун, хамиша бир чет ёқада қолиб кетган мулк ҳисобланар, унинг деҳқонлари хулқ-атвор жиҳатидан Лисие Гори деҳқонларига сира ўхшамас эди. Богучарово деҳқонлари Лисие Гори деҳқонларидан ўз лаҳжалари, кийим-бош ва хулқ-атворлари билан ажралиб туришар эди. Уларни саҳройи деб аташар эди. Улар йиғим-теримга ёрдамлашгани, ҳовуз ёки ариқ қазигани Лисие Горига келиб қолишса, кекса князь уларнинг меҳнат қилишга ишқибозлигини мақтар, аммо ёввойи бўлганлари учун ўзларини унча ёқтирмас эди.

Князь Андрей сўнгги дафъа Богучаровога борганида бир қанча янги ишлар қилди, яъни касалхона солди, мактаб очди, ўлпонни камайтирди, бироқ бу тадбирлар ҳам уларнинг хулқ-у атворини юмшатолмади, аксинча кекса князь

¹ Инжил (арабча) – Аллоҳ таолонинг Исо алайҳиссаломга Жаброил фаришта орқали оғзаки тарзда нозил қилган китоби. Насронийларнинг муқаддас китоби.

ёввойилик деб атаган хосиятларини янада кучайтирди. Буларнинг орасида доим ҳар хил миш-миш гаплар юрар эди: гоҳ ҳаммамизни казакларга кўшиб кўяр эмиш, деб гап чиқарар, гоҳ бизларни янги динга киргизишар эмишлар деган овозалар тарқатишар, гоҳ подшо томонидан чиқарилган аллақандай варака ҳақида, гоҳ Павел Петровичнинг 1797-йилда қилган қасамёди ҳақида (гўё подшо ўшанда деҳқонларга озодлик бағишлаган экан-у, мулкдорлар кўнмаган экан) гапиришар, гоҳ етти йилдан сўнг Пётр Фёдорович тахтга чиқармиш, ўшанда ҳамма озод бўлади, ҳамма нарса жўнгина бўлади ёки ҳеч нарса бўлмайди, дейишарди. Уруш, Бонапарт ва унинг хужуми ҳақидаги хабарлар дажжолнинг келиши, қиёмат қойим бўлиши, мутлақ озодлик келиши каби мужмал тасаввурлар билан кўшилиб кетган эди.

Богучарово атрофида жуда кўп кишлоқлар бўлиб, буларнинг бир қисми ҳукуматга, бир қисми деҳқонлардан ўлпон олиб турадиган катта-катта мулкдорларга қарашли эди. Аммо бу кишлоқларда яшайдиган мулкдорлар кам; қарол ва хат-саводли кишилар ҳам бу ерда жуда оз, бу ерда яшайдиган деҳқонларнинг ҳаётида рус халқининг ҳаётида юз берадиган, сабаб ва моҳиятини ҳозирги замон кишилари тушунолмайдиган сирли ҳодисалар бошқа ердаги деҳқонлар ҳаётига қараганда кучлироқ ва сезиларлироқ эди. Шундай ҳодисалардан бири бу ерлардаги деҳқонлар орасида бундан йигирма йил муқаддам юз берган эди, ўшанда буларнинг орасида қандайдир илиқ дарёлар бўйига кўчиш ҳаракати бошланганди. Юзларча деҳқонлар, шу жумладан, Богучарово деҳқонлари бирдан мол-у ҳолини сотиб бола-чақаси билан аллақайқа – шарқи-жанубга йўл олди. Узоқ элларга учиб кетган қушлар сингари, булар ҳам бола-чақаси билан тушларида кўрмаган жойга шарқи-жанубга жўнаб қолишди. Булар тўп-тўп бўлиб кетишар, ўзларини хўжаларидан сотиб олиб ёки қочиб, бири от-уловда, бири яёв, ўша томонга, илиқ дарёлар томон интилишар эди. Бу қилмишлари учун кўплар жазоланди, Сибирь қилинди, бир қанчаси йўлларда очликдан, совуқдан ўлиб кетди, талайи ўзи қайтиб келди, бу ҳаракат ўз-ўзидан қандай бошланган бўлса, яна ўшандай ўз-

Ўздан босилди. Лекин халқ орасида бу ҳаракат зимдан давом этаверди, бир кун эмас, бир кун яна ажиб, ногаҳоний ва шу билан бирга табиий равишда шиддат билан, жўнгина юзага чиқиш учун куч тўплай бошлади. Энди 1812-йилда, халқ ҳаётига яқин бўлган киши халқ орасида зимдан давом этаётган бу ҳаракат анча кучга киргани ва юзага чиқиши яқин бўлганини пайқар эди.

Алпатич кекса князнинг вафотидан сал олдинроқ Богучаровога келиб қараса аҳвол чатоқ: халқ ғалаёнга келган, Лисие Гориди олтмиш чақирим доирасида юз бераётган ҳодисаларнинг акси юз берапти, Лисие Гори дехқонларининг ҳаммаси таласа, талайверсин, деб ўз қишлоғини казакларга ташлаб чиқиб кетяпти; чўл минтақасида жойлашган Богучарово қишлоқ дехқонлари эса ўз жойларидан жилгани йўқ, лекин французлар билан алоқа боғлаб, аллақандай варақалар олишяпти ва ҳозир бу варақалар дехқонларнинг орасида қўлма-қўл бўлиб юрибди. Алпатич ўзига содиқ қароллардан, жамоат орасида обрўси бўлган дехқон Карп, шу кунлари давлатга қарашли молларни ташигани бориб, аҳолиси ташлаб кетган қишлоқларни казаклар талаётган экан, аммо французлар ҳеч нарсага тегмас эмиш, деган хабарни олиб келганини эшитди. Алпатич ҳатто бошқа бир дехқонни французлар ишғол қилган Вислоухово қишлоғига бориб, француз генералидан бир қоғоз олиб келганини ҳам эшитди; бу қоғозда, агар аҳоли ўз жойида қолса унга ҳеч қандай зарар етказилмайди, французлар нимаики олишса ҳаммасига пул тўлайди деб, ёзилган эмиш. Бунинг исботи учун дехқон Карп Вислоуховодан юз сўмлик қоғоз олиб келди (бу пул қалбаки эканидан Карп беҳабар эди), французлар ем-хашак учун заколат берибдилар.

Нихоят, Алпатич булардан ҳам муҳимроқ бўлган бир нарсадан хабардор бўлди: у қишлоқ оқсоқолига, княжнанинг кўч-кўронини Богучароводан олиб бориш учун арава ҳозирла деб, буйруқ берган куни эрталаб қишлоқда дехқонларнинг йиғини бўлибди, шу йиғинда дехқонлар от-улов бермаслик ва ҳеч ёққа жилмасликка аҳд қилишибди. Аммо вақт зик эди. Князь вафот этган куни, 15-августда, дворянлар

оксоқоли княжна Марьяга шу куннинг ўзида кўчасиз, бу ерда туриш хавфли бўлиб қолди, соат 16:00 дан сўнг жавобгарликни бўйнимдан соқит қиламан, деди. Князь ўлган куни у жўнаб кетди, лекин эртасига, дафн маросимига етиб келишини ваъда қилди. Бироқ эртасига етиб келолмади, чунки ўзи олган маълумотга қараганда, французлар тўсатдан олға силжибдилар, дворянлар оксоқолининг ўзи бола-чақаси ва мол-мулкани олиб кетишга зўрға улгурибди.

Ўттиз йилдан бери Богучаровони оксоқол Дрон идора қилар, кекса князь уни Дронuşка деб атаар эди. Дрон жисман ва руҳан жуда тетик дехқонлардан эди, бу қабила одамлари ёши улғайиши билан соқолини кўйиб юборади-да, олтмиш-етмиш ёшга қадар бир тола сочи оқармасдан, бир дона тиши тунмасдан, ўттиз ёшида қандай бўлган бўлса, олтмиш ёшида ҳам шундай қомади тик, бақувват бўлади.

Дрон бошқа дехқонлар билан бирга илик дарёлар бўйига хижрат қилган ва қайтиб келганидан кейин кўп ўтмай Богучаровода кишлоқ оксоқоли бургомистр¹ қилиб тайинланган эди, у йигирма уч йилдан бери шу вазифани бекам-кўст ўтаб келмоқда эди. Дехқонлар хўжаларидан кўра ундан кўпроқ кўрқинар эди. Хўжалар – кекса князь ҳам, ёш князь ҳам, гумашта² ҳам уни ҳурмат қилар, ҳазил тарикасида уни министр деб аташар эди. Дрон оксоқол бўлганидан бери, шунча йил давомида бирон мартаба ичгани ҳам йўқ, касал бўлгани ҳам йўқ эди, унинг уйқусиз тунлардан ёки бирон оғир меҳнатдан сўнг нолиганини ҳеч ким эшитган эмас, саводсиз бўла туриб сотиладиган арава-арава унинг миқдори ва пул ҳисобидан адашган эмасди, Богучарово ерларининг ҳар бир десятинасида³ неча гарам бутдой чиқишини беш панжасидай билар эди.

¹ Бургомистр (*немсча*; Burgeimeister) – айрим мамлакатлар; Германия, Бельгия, Нидерландия, Австрияда маҳаллий бошқарув органларида олий мансабдор шахс.

² Гумашта (*форсча*: ваколатли шахс; хизматкор) – 1) 20-аср бошларига қадар Туркистонда қатта савдогар бойларнинг жойларда савдо ишларини олиб борувчи ишончли киши, вақили; 2) бирор кимсани қўлаб-қувватлаш билан муайян амалга тайинланган ёки биров томонидан махсус топшириқ билан қўйилган шахс.

³ Десятина (*русча*: десять – ўн) – метрик система қабул этилгунга қалар Россияда қўлланган, 2400 квадрат саржинга ёки 1,09 гектарга тенг ер майдони ўлчови.

Алпатич талон-торож қилинган Лисие Горидан қайтиб келгач, князь дафн этилган куни мана шу Дронни чақирди ва Богучароводан кетиш учун княжна Марьяга ўн иккита от, бошқа ашёларни юклашга ўн саккизта арава ҳозирлашини буюрди. Богучарово деҳқонлари ўлпон тўлайдиган деҳқонлар бўлса ҳам, Алпатичнинг фикрига кўра, бу буйрукни улар сўзсиз бажаришлари керак эди, чунки Богучарово деҳқонларида икки юз-у ўттизта от-улов бор эди, ҳаммаси ўзига тўқ эди. Лекин оқсоқол Дрон бу гапни эшитиб, индамай ерга қараб қолди. Алпатич ўзи танийдиган деҳқонларнинг отини айтиб, шулардан от-улов олишни буюрди.

Дрон бу деҳқонларнинг от-улови юк ташиб юрибди, деб жавоб берди. Алпатич бошқа деҳқонларнинг отини айтди. Дроннинг гапига қараганда, бу деҳқонларнинг ҳам от-улови бу ерда эмасди: баъзиси давлатга қарашли аравага қўшилган, баъзиси дармони кетиб ётибди, баъзи бир хилларининг оти ем-хашак йўқлигидан ҳаром ўлиб кетган эди. Дроннинг айтишича, аравага тугул, ҳатто экипажга қўшгани ҳам от-улов топилмас эди.

Алпатич Дронга тикилиб қараб туриб, қовоғини солди. Дрон энг яхши қишлоқ оқсоли бўлса, Алпатич ҳам бошқаларга намуна бўладиган иш бошқарувчи эди. У йигирма йилдан бери князь мулкани бекорга идора қилиб келаётгани йўқ. Алпатич иши тушган одамларнинг майл ва ниятларини дарров билиб олиш қобилиятига эга эди. Шунинг учун ҳам у энг яхши бошқарувчи эди. Алпатич Дронга бир қараб олиш билан бу фикр унинг ўзидан чиқмаганини, бу Богучарово аҳолиси орасида тарқалган ва Дронни чулғаб олган умумий кайфиятнинг ифодаси эканлигини пайқади. Бироқ Алпатич шунга ҳам биладики, бойиб кетган, деҳқонлар балодан баттар ёмон кўрадиган Дрон икки лагерь орасида – хўжалар ва деҳқонлар лагери орасида иккиланиши керак эди. Алпатич иккиланаётганини унинг қарашидан пайқаб олди, шунинг учун ҳам қовоғини солиб, Дронга яқинроқ келди.

– Дронушка, менга кара! – деди Алпатич, – сен бу беҳуда гапларни кўй! Зоти олий князь Андрей Николаевичнинг ўзлари барча аҳолини жўнатиш керак, ҳеч ким душман

қўл остида қолмасин, деб буйруқ берувдилар, бу амр подпо-
нинг амри. Кимки қолса, подшога хиёнат қилган бўлади.
Тушундингми?

– Тушундим, – деди Дрон кўзини ердан олмай. Бу жавоб
Алпатични қаноатлантирмади.

– Ҳой, Дрон, шуни билиб қўйки, ўзинга жабр бўлади!
– деди Алпатич бош чайқаб.

– Нима қилсалар, ўзлари биларлар, – деди Дрон маъюс
ҳолда.

– Дрон, бу гапларни қўй! – деди Алпатич кўлини қўлти-
гидан олиб. У Дроннинг оёғи остидаги ерни дабдаба билан
кўрсатиб, – мен фақат ичингдагина эмас, оёғинг остидаги
ерда илон қимирласа ҳам, биламан, – деди Дрон турган ерга
ишора қилиб.

Дрон довдираб Алпатичга бир қараб қўйди-ю, яна
бошини қуйи солди.

– Сен бу бўлмаган гапларни йиғиштириб қўй! Халойик-
қа айт, Москвага жўнагани ҳозирлик кўрсин, княжнанинг
кўч-кўрони учун от-арава тайёрласин, ўзинг ҳам йиғинга
бора кўрма! Эшитдингми?

Дрон тўсатдан унинг оёғига йиқилди.

– Яков Алпатич, мени бўшатиңг! Калитларни олинг-у,
худо ҳақи мени бўшатиңг.

– Қўй бу гапларни! – деди Алпатич қаҳр билан. –
Остингдаги ерда илон қимирласа, биламан деб айтдим-ку! –
деди яна. Алпатич моҳир асаларичи ҳисоблангани, сулини
қай маҳалда экса, яхши бўлишини билгани; йигирма йил
давомида кекса князга маъқул бўлиб, унинг хизматини адо
этиб келгани туфайли жодугар деб ном чиқарганини ўзи
билар эди, ернинг тагида илон қимирлаганини ҳам халқ
тасаввурида фақат жодугар билар эди, холос.

Дрон бир нима демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эди,
Алпатич унинг сўзини оғзидан олди.

– Ниятларинг нима? А! Нима деб ўйлаяпсизлар?

– Халойикқа гап уқтириш кўлимдан келмаса, нима қи-
лай? Одамлар бебош бўлиб кетган. Мен ҳам уларга айтдим.

– Мен ҳам шуни айтяпман-да, – деди Алпатич. Кейин

кискагина қилиб сўради: – Ичишяптими?

– Ҳаммаси бебош бўлиб кетган, Яков Алпатич, Яна бир бочка олиб келишди. Ҳаммаси маст.

– Менга қара, мен миршабхона бошлиғи олдига бораман, сен халойикка айт, бу бемазагарчиликни йиғиштириб, от-улов ҳозирлашсин.

– Хўп бўлади, – деди Дрон.

Яков Алпатич гапни чўзиб ўтирмади, узоқ йиллар давомида одамларни бошқариб юргани учун ҳам билар эдики, одамларни итоат қилдиришнинг асосни шарти – улар итоат қилмасмикинлар, деган шубҳани уларнинг ўзига билингирмасликдан иборатдир. Яков Алпатич Дроннинг итоат қилиб, «хўп бўлади» дейиши билан қаноатланди, лекин у ҳарбий қўмондоннинг ёрдамисиз деҳқонлардан от-улов олиб бўлмаслигига амин эди.

Дарҳақиқат, кечкурун ҳеч қандай от-уловдан дарак бўлмади. Қишлоқ ковокхонаси олдида кечкурун яна йиғин бўлди, шу йиғинда отлар ўрмонга бекитилсин, ҳеч қандай арава берилмасин, деб тил бириктиришди. Алпатич бу ҳақда княжнага оғиз очмасдан Лисие Горидан келтирган ўз нарсаларини аравадан туширишни, шу отларни княжнанинг қаретасига қўшишни буюрди-да, ўзи бошлиқлар олдига кетди.

Х

Княжна Марья отасининг дафнидан сўнг ўз бўлмасига кириб эшикни бекитиб олди ва ҳеч кимни киргизмай қўйди. Хизматкор қиз эшик олдига бориб, Алпатич қачон кўчишга амр берадилар деб сўраптилар, деди (бу ҳодиса Алпатич билан Дрон ўртасидаги гапдан олдин бўлган эди). Княжна Марья чўзилиб ётган диванидан турди-да, эшик орқасидан, мен ҳеч қачон ҳеч қасрга бормаيمان, мени тинч кўйишингизни сўрайман, деди.

Княжна Марья ётган уйнинг деразалари кунботиш томонга қараган эди. У юзини деворга ўгириб, чарм ёстиқнинг тугмаларини пайпаслаб диванда ётаркан, кўзи фақат шу ёстиқни кўрар, туманли фикрлари фақат бир нарса

атрофида айланар, ўлимнинг ҳақ эканлиги ва шунча йилдан бери ўзига билинмаган ва фақат отаси хаста бўлиб ётган кунларида юзага чиққан руҳий разолати ҳақида ўйлар эди. У ибодат қилмоқчи бўлар, лекин ибодат қилолмас, шу руҳий ҳолатда худога ёлворгани ботинолмас эди. Княжна Марья хийла вақт шу алпозда чўзилиб ётди.

Куёш уйнинг у томонига ўтди, унинг кечки қия шуъласи очик деразадан мўралаб, уйни, княжна Марья тикилиб ётган ёстиқнинг ярмини ёритди. Княжна Марья бирдан хаёл суришдан тўхтади. У беихтиёр ўрнидан кўзғалиб сочини тузатди-да, беғубор бўлса ҳам, кечки шабада ўйнаб турган салқин хавони ғайриихтиёрий ютиб, ойнага томон келди.

«Ҳа, энди оқшом манзараси гаштини сураверсанг бўлади. Энди отанг йўк, сенга ҳеч ким моне бўлолмайди», – деди ўзича княжна Марья ва стулга ўтириб, бошини дераза точкасига қўйди. Боғ томондан кимдир ёқимли ва паст товуш билан уни чақирди ва сочини ўпди. Бу қора қўйлак кийиб, қўлига мотам нишонаси бўлган қора латта боғланган қора қўйлакли мамзель Бурьен эди. У секин княжна Марьянинг олдига келди, оҳ чекиб, уни ўпди-ю, йиғлаб юборди. Княжна Марья яна бир марта қаради. Шу оннинг ўзида княжна Марья у билан орасида ўтган гапларни, ундан рашк қилиб юрганларини эслади; отасининг сўнгги вақтларда француз аёлга бўлган муносабати ўзгарганини, уни кўришга кўзи бўлмаганини хотирлади; демак, княжна Марья ичида ундан ўпкалаб юришга ҳақли эмас экан. «Ҳа, ўзим отамнинг ўлимини тилаб юриб, яна бировни маломат қилишга нима ҳақим бор!» – деди княжна ичида.

Княжна Марья шу оннинг ўзида дугонасининг аҳволини тасаввур қилиб кўрди, сўнгги вақтларда оралари бузилган бўлса ҳам, яна унга муте бўлганлигини, бировнинг эшигида юрганини кўз олдига келтирди. Княжна Марья дугонасига ачинди. У мамзель Бурьенга савол назари-ла мулојимгина боқди-да, қўлини чўзди, мамзель Бурьен унинг қўлларини ўпаркан, унинг бошига тушган мусибат ҳақида гапириб йиғлади ва унга ҳамдард эканлигини билдирди.

– Менга бу ғамда бирдан бир тасалли бўлган нарса, –

деди француз аёл, – ўз бошингизга тушган мусибатга ўртоқ бўлишга рухсат этганингиздир. Орамизда бўлиб ўтган барча англашилмовчиликлар бу буюк ғам-кулфат олдиди йўқолиши керак, мен ҳеч кимнинг қаршисида ўзимни гуноҳкор сезмайман. Менинг қалбимдаги меҳр-муҳаббат ва эҳтиромни унинг арвоҳи кўриб турибди, – деди мамзель Бурьен.

Княжна Марья унинг сўзларини эшитса ҳам, ҳеч нарса тушунмас, лекин баъзан унинг юзига қараб, товушигагина кулоқ солар эди.

– Азизим, княжна, сизнинг ҳолингиз ҳаммадан ҳам оғир, – деди француз аёл бир оз жим тургач. – Мен шуни биламанки, шу маҳалгача сиз ўз тўғрингизда ўйлаганингиз йўқ ва эндиликда ҳам ўйламайсиз, лекин сизга бўлган муҳаббатим туфайли мен шу ишни қилишга мажбурман. Алпатич хузурингизга кирдимиз? Кўчиш ҳақида у сиз билан гапиришдимиз? – деб сўради.

Княжна Марья жавоб қайтармади. У ким кўчиши керак, қаяққа кўчиши кераклигини билмас эди. «Ҳозир бирон ишга қўл борадими? Бирон нарса ҳақида ўйлаб бўладими? Барибир эмасми?» – княжна жавоб бермади.

– Биласизми, азизим Марья, – деди мамзель Бурьен, – биласизми, ҳозир хавф-хатар остидамиз, французлар бизни қуршаб олган, кўчиш хавфи бўлиб қолди. Ҳозир жўнасақ асир тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас, худо билади...

Княжна Марья дугонасининг сўзларини эшитса-да, айтган гапларига тушунмас эди.

– Оҳ, кошки эди, менинг учун барибир эканлигини биров билса, – деди княжна Марья. – Менга қолса, уни ташлаб ҳеч қаяққа кетмас эдим... Алпатич кўчиш тўғрисида нимадир деяётган эди... У билан сиз гаплашиб қўя қолинг, шу тобда менинг юрагимга қил сиғмайди...

– Мен у билан гаплашдим. Зора эртага жўнаб кетсак, деб умид қилиб ўтирибди, аммо, менимча шу ерда қолганимиз маъқулроқ, – деди у, – ўзингиз ўйлаб кўринг, азизим Марья, йўлда аскар ва ё исёнчи дехқонларнинг қўлига тушишдан даҳшатли нарса борми. – Мамзель Бурьен сумкасини очиб, француз генерали Рамо номидан ёзилган эълон-

номани (у оддий рус қоғозида ёзилган эмас эди) княжна Марьяга узатди, эълонномада ҳамма ўз ҳовлисида қолаверсин, француз ҳукумати уларни ҳимоя қилишга қодир, деб ёзилган эди.

– Шу генералга мурожаат қилсак, дурустроқ бўлармиди дейман, – деди француз аёл. – Мен аминманки, улар хурма-тингизни жойига қўяр.

Княжна Марья қоғозни ўқиркан, кўз ёши томоғига тикилганидан юзи пирпираб учарди.

– Бу қоғозни кимдан олдингиз? – деб сўради княжна.

– Исминдан француз эканлигимни билишган бўлса керак, – деди мамзель Бурьен қизариб.

Княжна Марья қоғозни ушлаб дераза олдидан турди-да, ранги-кути ўзгарган ҳолда уйдан чиқди ва князь Андрейнинг собиқ кабинетига қараб кетди.

– Дуняша, Алпатичними, Дронушканими, биронтасини чакиринг, – деди княжна Марья. – Ҳа, Амелия Карловнага айтиб қўйинг, менинг олдимга кирмасин, – деди яна княжна Марья мамзель Бурьеннинг товушини эшитиб. – Тезроқ жўнаш керак! Тезроқ жўнаш керак! – деди княжна ўзича французлар кўлида қолиб кетип ваҳимасидан даҳшатга тушиб.

«Французлар кўлида қолиб кетганимни князь Андрей билса-я! Князь Николай Андреевич Болконскийнинг қизи жаноб генерал Рамодан ҳимоя сўраса-я, унинг лутф-мархаматига кўз тикса-я!» – Бу фикр княжна Марьяни даҳшатга солди, у кизариб-бўзариб кетди, бугун вужудини титроқ босди ва шу чоғгача сезмаган қаҳр-у ғазаб ва ифтихор ҳисси уни қамраб олди. Княжна Марья қанчалик оғир аҳволда қолишини, энг муҳими, ҳақоратга қолишини кўз олдига келтирди. «Французлар бу ҳовлига кириб олади; жаноб генерал Рамо князь Андрей кабинетини эгаллайди; унинг мактуб ва қоғозларини эрмак қилиб ўқийди.

Мамзель Бурьен зўр эҳтиром-да уни Богучаровода қабул қилади; раҳм-шафқат кўрсатган бўлиб, кичкина бир хужрани менга беришади; аскарлар, юлдуз билан хочни кўчириб олиш мақсадида қиблагоҳимнинг ҳали тупроғи

босилмаган қабрини вайрон қилишади; улар руслар устидан ғалаба қозонишганини менга айтиб беришади; менга ёлғондан ҳамдарад бўлишади...» Бу фикрлар княжна Марьянинг ўз фикрлари эмасди, у ўзини отаси ва укасининг фикри билан ўзи ҳақида ўйлашга ўзини мажбур деб биларди. Унинг ўзи учун қаерда қолса ҳам, бошига не кулфатлар тушса ҳам, барибир эди, аммо шу билан бирга княжна Марья ўзини марҳум отаси ва князь Андрейнинг вакили деб сезар эди. Княжна Марья беихтиёр ўшаларнинг фикри билан ўйлар, ўшаларнинг калби билан сезар эди. Княжна, ўшалар ҳозир нима дейиши, нимани қилиши керак бўлса, мен ҳозир шунини қилишга мажбурман, деб биларди. У князь Андрейнинг кабинетига кирди ва айнан ўшанга ўхшаб фикр юритишга уриниб, ўз аҳволини ўйлаб кўрди.

Княжна Марья отамнинг ўлими билан ҳаётий талабларим барбод бўлди, деб ўйлаган эди, шу тобда ўша ҳаётий талаблари янги, ҳеч қачон тасаввур қилмаган бир куч билан кўз ўнгиди гавдаланди ва бутун вужудини камраб олди.

Ҳаяжонланиб, қил-қизариб кетган княжна Марья уйда нари-бери юраркан, гоҳ Алпатични, гоҳ Михаил Ивановични, гоҳ Тихонни, гоҳ Дронни чақиртирар эди. Мамзель Бурьен айтган сўзлар қай даражада тўғри эканлигини Дуняша ҳам, момо ҳам, бошқа қизлар ҳам айта олмас эди. Алпатич уйда йўқ, у бошлиқлар олдига кетган экан. Чақириб келинган ва уйқудан ҳозиргина турган архитектор Михаил Иванович ҳам княжна Марьяга бир нима дея олмади. Михаил Иванович ўн беш йил давомида, ҳеч қачон ўз фикрини айтмасдан, кекса князнинг сўзларини қандай жилмайиб маъқуллаган бўлса, княжна Марьянинг сўзларига ҳам айнан шундай жилмайиб жавоб берди, аммо бу жавоблардан бирон нарса тушуниш амримаҳол эди. Княжна Марья камердинер¹ чол Тихонни чақиртирди, оғир ғам-кулфатдан ранги-рўйи кетиб, сўррайиб қолган чол княжна Марьянинг барча саволларига «хўп бўлади» деб жавоб берарди, княжна

¹ Камердинер (немисча; хона хизматчиси) – буржуа-дворянлар оиласидаги уй хизматкори.

унга қараб ўзини зўрға йиғидан тийди.

Ниҳоят оқсоқол Дрон келди ва княжна Марьяга икки букилиб таъзим қилгач, эшик оғзида тўхтади.

Княжна Марья уйни бир айланиб, оқсоқол қаршисига келиб тўхтади:

– Дронушка, – деб гап бошлади княжна Марья, чунки у Дроннинг содиқ дўст эканлигига шубҳа қилмас эди, уни хали ҳам йилига бир марта Вязьма ярмаркасига бориб, у ердан ажойиб ширин кулчалар олиб келадиган ва бу ширин кулчаларни жилмайиб княжнага совға қиладиган ўша Дрон деб ўйлар эди, – Дронушка, энди бу мусибатимиздан сўнг... – деб гап бошлади княжна, бироқ ўпкаси тўлиб гапиролмади.

Дрон хўрсиниб:

– Нима бўлса худодан, – деди. Иккови жим қолди. – Дронушка, Алпатич қаёққадир кетиб қолибди. Кимдан маслаҳат сўрашни билмайсан киши. Менга кетишнинг иложи йўқ деб айтишди, шу гап ростми?

– Нега иложи йўқ экан, бекам, кетса бўлаверади, – деди Дрон.

– Йўллар хавфли, душман яқин келиб қолган эмиш. Азизим, нима қилишимни ҳам билмайман, нима дейишимни ҳам билмайман. Ўзим якка-ёлғиз қолдим. Ё шу бугун кечаси, ё эрта эрталаб жўнамоқчиман. – Дрон индамади. У княжна Марьяга ер остидан қараб:

– От-улов йўқ. Мен Яков Алпатичга ҳам айтган эдим, – деди.

– Нега йўқ бўлар экан? – деди княжна Марья.

– Худо урса, шунақа бўлар экан, – деди Дрон. – Отларнинг баъзиларини аскарлар олиб кетишди, баъзилари харом ўлди. Йил ўзи оғир келди. Отлар у ёқда турсин, одамларнинг ўзи очликдан ўладиган бўлиб ётибди! Уч кундан бери одамлар туз тотигани йўқ, ҳамма хонавайрон бўлди.

Княжна Марья унинг сўзларини диққат-ла тинглади.

– Дехқонларни талаб кетишибдимми? Ғалла қолмабдимми? – деди княжна.

– От-улов у ёқда турсин, – деди Дрон, – одамларнинг ўзи очликдан ўляпти.

– Нега шу чоғгача менга индамадинг, Дронушка? Нахотки ёрдам қилишга қурбимиз етмаса? Мен қўлимдан келганча ёрдам кўрсатишга тайёрман, – деди княжна Марья. Қалби шундай зўр мусибат билан тўлган бир вақтда бой ва камбағал одамлар бўлиши, бойларнинг камбағалларга ёрдам бера олмаслиги княжнанинг ақлига сиғмас эди. Княжна Марьянинг қулоғига хўжайинларнинг ғалласи бўлади, улар шу ғаллани деҳқонларга бўлиб беришади деган бир гап чалинган эди. У яна шуни ҳам билардики, деҳқонларнинг бошига оғир кун тушса отаси ҳам, укаси ҳам ўз ёрдамини дариг тутмас эди; у фақат деҳқонларга бўлиб бермоқчи бўлган шу ғаллани тақсимлаш масаласида бирон хато қилиб қўйишдан кўрқар эди, холос. Княжна Марья одамларга ғамхўрлик қилиш учун баҳона топилганидан хурсанд ва шундай ғамхўрлик туфайли отасининг ғамини унутганидан виждони азобланмас эди. Княжна Дронушкадан деҳқонларнинг эҳтиёжини, хўжайинларнинг Богучаровода қанча ғалласи борлигини батафсил сўради.

– Ахир, бу ерда бизнинг ғалламиз, укамга тегишли ғалла бўлса керак-ку? – деб сўради княжна Марья.

– Хўжайиннинг ғалласи шундайлигича турибди, – деди Дрон гурур билан, – бизнинг князь сотин деб буйруқ бергани йўқ.

– Ўшал ғаллани деҳқонларга бўлиб бер. Қанча керак бўлса, ҳаммасини бер: укамнинг номидан мен ижозат бераман.

Дрон индамай чуқур хўрсинди.

– Ўша ғалла етадиган бўлса, бўлиб бер, ҳаммасини бўлиб бер. Мен укам номидан буюраман, уларга айт: нима-миз бўлса, баҳам кўрамиз. Улардан аяйдиган нарсамиз йўқ. Худди шундай дегин.

– Онахон, худо ҳақи, мени ишдан бўшатиш, айтиш, қалитларни мендан олишсин, – деди Дрон, – йигирма уч йил хизмат қилиб, сизларга ёмонликни раво кўрган одам эмасман, худо ҳақи, энди бўшатиш.

Княжна унинг нима деяётганига, қанақа вазифадан бўшатилишини сўраётганига тушунмай қолди. Княжна Марья

унинг садоқатига ҳеч қачон шубҳа қилмаганини, унга ҳам, деҳқонларга ҳам қўлидан келгунча ёрдам беришга тайёр эканлигини айтди.

XI

Бу воқеадан сўнг бир соат ўтар-ўтмас хизматкор қиз Дуняша княжна олдига келди-да, Дрон келганини, княжнанинг амрига биноан деҳқонларнинг бари омборхона олдига йиғилиб, уни кутиб турганини айтди.

– Йе, мен ҳеч қимни чақирганим йўқ эди-ку, – деди княжна Марья, – мен фақат Дронушкага ғаллани деҳқонларга бўлиб бер деган эдим, холос.

– Онахоним княжна, худо ҳақи, айтинг, уларни тарқатиб юборишсин, ўзингиз ҳам чиқа кўрманг. Ҳаммаси ёлғон, – деди Дуняша, – Яков Алпатич келса, жўнаб кетамиз... Сиз рухсат берманг...

– Нимаси ёлғон? – деб сўради княжна таажжубланиб.

– Мен биламан ахир, худо ҳақи, сўзларимга кулоқ солинг. Мана, момодан сўранг бўлмаса. Улар сизнинг амрингизга бўйсунмас эмиш, қишлоқдан кетмас эмиш.

– Сен тушунмасдан гапиряпсан. Мен кетинг деб ҳеч қачон буйруқ берганим йўқ, – деди княжна Марья. – Дронушкани чақир.

Дрон келиб Дуняшанинг сўзларини тасдиқлади. Ростдан ҳам деҳқонлар княжнанинг буйруғига мувофиқ йиғилишибди.

– Мен уларни чақирганим йўқ, – деди княжна Марья, – мен айтган сўзларни, балким, сен уларга нотўғри етказгандирсан. Мен фақат ғаллани уларга бўлиб бер, деб амр қилдим, холос.

Дрон индамади ва чуқур хўрсинди.

– Кетсин десангиз, кетаверишади, – деди у.

– Кўй, ўзим чиқаман, – деди княжна.

Дуняша билан момо йўлдан урса ҳам, княжна уларга кулоқ солмай зинапоёга чиқди. Дронушка, Дуняша, момо ва Михаил Иванович унинг кетидан боришди.

«Булар шу ердан жилмасин деб жўрттага бизга ғалла бўлиб беряпти, аммо ўзи бизни французларга ташлаб кетиб қолади, деб ўйлашса керак, – деди княжна ичида. – Лекин мен буларга Москва яқинидаги кўрага борсаларинг, бир ойлик озиқ-овқатларингни бераман, деб ваъда қиламан; аминманки, менинг ўрнимда Андрей бўлса ҳам, бундан ортиқроқ қиларди», – деб ўйлади княжна шом қоронғисида омборхона олдидаги ўтлоққа йиғилган оломон томон бораркан.

Оломон кўзғалиб бир жойга тўпланди, одамлар дарҳол бошларидан шляпаларини олишди. Княжна Марья бошини кўйи солиб оёғи билан этагига ўрала-ўрала дехқонлар олди-га келди. Ёли-қари, бир-бирига ўхшамайдиган шунча кўп кўзлар унга тикилган, шунча хилма-хил юзлар унга томон бурилган эдики, княжна Марья биронтасини кўролмади ва тўсатдан ҳаммаси билан гаплашиш зарурлигини сезиб, нима қилишини билмай қолди. Бироқ мен отам ва укамнинг вакили бўламан-ку, деган фикр унга далда берди ва у дадил сўз бошлади.

– Сизларнинг келганларингга кўндан кўп хурсандман, – деди княжна Марья юраги шиддат билан ураётганини сезаркан, ерга қараб. – Уруш сизларни хароб қилганини Дрондан эшитдим. Бу ҳаммамизнинг бошимизга келган бир балодир, мен кўлимдан келганича сизларга ёрдам қилишга тайёрман. Менинг ўзим ҳам кетяпман, чунки бу ерда қолиш хатарли бўлиб қолди... чунки... душман яқин... Мен бор-йўғимни сизларга бермоқчиман, дўстларим, ҳаммасини олинглар, бор ғаллани олинглар, сизлар муҳтож бўлмасаларинг бас. Биров шу ерда қолсинлар деб сизларга ғалла беряпти, деб айтган бўлса, бу ёлгон. Аксинча, мен кўч-кўронларингни олиб, Москва яқинидаги мулкимизга кўчиб боришларингни сўрайман, у ерда нима эҳтиёжларинг бўлса, ҳаммасини қондиришга ваъда бераман. Сизларга уй-жой ҳам, ғалла ҳам беришади. – Княжна Марья тўхтади. Оломон фақат хўрсинарди, холос.

– Мен бу ишни ўз номимдан эмас, – деди княжна Марья, – сизларга яхши хўжайин бўлиб келган марҳум отам номи-

дан, князь Андрей номидан қиялпман.

Княжна яна сўздан тўхтади, ҳеч ким миқ этмади.

– Бу кулфат бутун эл бошига келган, бунинг дардини ҳаммамиз барабар тортамиз. Бутун давлатим сизларники, – деди княжна қаршисида турган одамларни кўздан кечираркан.

Ҳамма кўзлар бир ифода билан унга қарар, бироқ княжна бу ифодадан ҳеч қандай маъно англай олмас эди. Бу мароқми, садоқат ё миннатдорлик ифодасимиди ёки кўрқув ва эътимодсизлик ифодасимиди, билиб бўлмасди. Лекин ҳаммаининг юзидаги ифода бир хил эди.

– Сизнинг марҳаматингиздан кўлдан кўп миннатдормиз, лекин хўжайинларнинг ғалласи ўзларига насиб қилсин, – деди орқароқда турган бир деҳқон.

– Нега олишни истамайсизлар? – деди княжна Марья.

Ҳеч кимдан садо чиқмади ва княжна Марья оломонга қаради; кўзига кўзи тушган кишилар шу он бошини қуйи солди.

– Нега олмаймиз дейсизлар? – деб сўради яна княжна.

Ҳеч ким чурқ этмади.

Бу жимлик княжна Марьяга жуда оғир туюлди; у биронтасининг кўзига қарабга уринди.

– Нега индамайсиз? – деди княжна қаршисида ҳассага таяниб турган чолга юзланиб. – Агар яна бирон нарса керак бўлса айтинг, мен сизларнинг хоҳишларингизни бажо келтиришга тайёрман, – деди княжна кўзи чолнинг кўзига тушганда, бироқ чол, худди бундан жаҳли чиққандай бошини бутунлай эгиб:

– Нимасига кўнайлик, бизга ғалла керак эмас, – деди.

Ҳар томондан:

– Нега энди биз бор-йўғимизни ташлаб кетар эканмиз? Буниси бизга тўғри келмайди. Бунга рози бўлолмаймиз. Бунга кўнолмаймиз. Сенга жуда-жуда ачинамиз, лекин ўзинг кетавер... – деган товушлар чиқди ва яна ҳамманинг юзида бир хил ифода пайдо бўлди, лекин бу мароқ миннатдорлик ифодаси эмас, балки ғазаб ва қатъият ифодаси эди.

Княжна Марья ҳазин жилмайиб, деди:

– Менинг сўзимга тушунмадиларинг, шекилли. Нега кўчиб боришни истамайсизлар? Бошпана берсам, овқатларингни берсам. Бу ерда қолсаларинг, душман ҳамма нарсангизни талон-торож қилиб кетади-ку...

Бирок княжнанинг овозини бошқа овозлар босиб кетди.

– Бормаймиз дедик, бормаймиз, талон-торож қилса қилаверсин! Ғаллангни ҳам олмаймиз, бизга кераги йўқ!

Княжна Марья яна қаршисида турган кишилардан биронтасининг кўзига қарашга уринди, аммо ҳеч ким унга қарамас, афтидан, ҳамма кўзини унинг кўзидан олиб қочар эди. Княжна таажжубланиб ноқулай бир аҳволда қолди.

Оломон орасидан:

– Уддабуровлигига қаранг-а, бунинг кетидан бориб ўзимизни ўзимиз бандга солар эканмиз! Хонавайрон бўлиб, бўйнимизга бўйинтуруқ кияр эканмиз. Усталигига қаранг-а. Сизларга галла бераман эмиш! – деган товушлар эшитилди.

Княжна Марья бошини қуйи солиб, даврадан чиқди-да, уйга йўл олди. Жўнаб кетиш учун эртага от-улов хозирлаш ҳақида Дронга яна бир қарра буйруқ бериб, ўз бўлмасига кирди ва ўй-хаёлларига берилди.

ХII

Княжна Марья шу кун кечаси ўз бўлмасида, очиқ дераза олдида ўтириб, дехқонларнинг кишлоқ томондан келаётган товушига қулоқ солди-ю, лекин улар ҳақида ўйламади. Княжна шуни билар эдики, дехқонлар ҳақида минг ўйлагани билан уларнинг ичидагини, барибир, билолмайди. У фақат бир нарса ҳақида – мана бу ташвишлар билан овора бўлиб эсидан чиқаёзган ва худди ҳозир ўтмишдай бўлиб қолган мусибати ҳақидагина ўйлай олар эди. У энди отасини эслашга, йиғлашга ва ибодат қилишга қодир эди. Кун ботиши билан шамол тинди. Тун сокин ва салқин эди. Соат ўн бирдан ошганда кишлоқ томондан келаётган товушлар тинди, хўроз қичқирди, липа дарахти орқасидан тўлин ой мўралади, ҳамма ёқни салқин оппоқ туман-шабнам қоплади, атрофга жимлик чўқди.

Шу яқин орада содир бўлиб, hozир ўтмишга айланган воқеалар манзараси – отасининг хасталиги, унинг сўнгги дақиқалари бирин-кетин тасавурида жонланди. Княжна hazин бир хурсандлик билан ўша пайтларни кўз олдига келтирди, лекин отасининг сўнгги дақиқаларини – жон бериш дақиқаларини дахшат билан хаёлидан кувди, чунки бу сокин ва сирли тунда унинг сўнгги дақиқаларини кўз олдига келтиришдан ожиз эди. Бу манзаралар унинг тасавурида шу қадар равшан, шу қадар батафсил гавдаландики, назарида гоҳ шу бугун бўлган, гоҳ бўлиб ўтган, гоҳ келажақда бўладиган ҳодисадай туюлди.

Баъзан унинг кўз олдига отаси ўсал бўлиб қолган дамлар гавдаланарди: мана, уни иккала қўлтиғидан олиб, Лисие Гори боғидан зўрға судраб келадилар, у тили тутилиб, алланималар деб ғудранади, оппоқ қошлари пир-пир учади, безовталаниб, қўрка-писа қизига термилиб қарайди.

«Ўшанда ҳам жон бериш олдига менга айтган ўша сўзларни айтмоқчи бўлган эди, – деди ичида княжна. – Отам менга айтган сўзларини доим ўйлаб юрар экан». Бир фалокат юз беришини сезиб княжна Марья отасининг хохишига қарши Лисие Горида қолган (ўша куннинг эртасигаёқ кекса князь ўсал бўлган эди), ўша окшомнинг бутун тафсилоти билан эслади. Княжна Марья ўша кеча ухлай олмасдан, оёқ учига юриб, пастга тушган, шу кеча отаси ётган гулхона эшиги олдига бориб, унинг товушига кулоқ солган эди, ўшанда отаси изтироб чекиб, толыққан товуш-ла нима тўғридадир Тихон билан гаплашганди. Отаси гаплашгиси келиб турганга ўхшар эди. «Нега отам мени чақирмади экан? Нега Тихон ўрнида менинг ўша ерда бўлишимга рухсат этмади? – деб ўйлаган эди княжна Марья ўшанда. Ҳозир ҳам шуни ўйларди. – Отам юрагида қолган гапларини энди ҳеч қачон, ҳеч кимга айта олмайди. Диридаги розини айтиб бера оладиган дақиқа энди на унга муяссар бўлди, на менга. Ўшанда Тихон ўрнида мен кулоқ солсам гапларига тушунар эдим. Нега ўшанда ўзим олдига кирмадим-а? – деб ўйлади княжна Марья, – балким, ўлими олдига айтган гапларни ўшанда айтар эди. Ўшанда Тихон билан гаплашиб ўтириб, икки

марта мени сўраган эди. У мени кўргиси келган эди, аммо мен эшик орқасида турсам ҳам кирмадим. Тихон билан сўзлашиш отам учун оғир, кўнгилсиз эди, чунки Тихон отамнинг гапига тушунмас эди. Отам Лизанинг вафот қилганини унутиб, Тихон билан унинг ҳақида гапиргани эсимда турибди, Тихон Лизанинг ўлганини эслатганда, отам «аҳ-моқ» деб ўшқириб берган эди. Отамнинг аҳволи оғир эди, мен эшик орқасида туриб, оҳ-воҳ қилиб каравотга чўзилганини ва «ё тангрим!» деб бақирганини эшитган эдим. Нега ўшанда кира қолмадим? Олдига кирсам, мени бирон нима қилармиди? Мен нимамни йўкотар эдим? Балки, ўшанда айтмоқчи бўлган гапларини айтар, юраги таскин тошар эди. Княжна Марья отаси ўладиган кунни эрталаб айтган ўша ширин сўзни баланд товуш билан айтди. Княжна «жонгинам» деб такрорлади ва юрагини бўшатиш учун хўнграб йиғлади. У отасининг юзини, эсини таниганидан бери билган, ҳамиша узоқдан кўриб юрган юзини эмас, энгашиб нима деяётганини сўнги дафъа эшитмоқчи бўлиб, қулоғини оғзига тутган чоғда илк дафъа, барча икир-чикир ва ажинлари билан яқиндан кўрган ўша заиф ва хуркак юзини кўз олдига келтирди.

– Жонгинам, – деди яна княжна Марья.

«Шу сўзни айтганда нимани ўйладийкин? Ҳозир нимани ўйлаяптийкин?» – деган саволга жавобан тўсатдан княжна Марьянинг кўзига тобутда жағи боғланган ҳолда ётган отасининг юзидаги ифода кўриниб кетди. Отасининг юзига лабини теггизиб, бу отаси эмас, алланечук сирли, кишини чўчитадиغان бир нарса эканлигига қаноат ҳосил қилганидан кейин, уни қандай даҳшат босган бўлса, ҳозир айнан ўшандай даҳшат босди. Княжна бошқа нарса ҳақида ўйламоқчи, ибодат қилмоқчи бўлди, бироқ ибодат қилолмади. У шахдо кўзларини катта-катта очиб, ойнинг нури ва сояга қараркан, ҳар он отасининг жонсиз юзини кўришга маҳтал бўлар, уйнинг ичкари ва ташқарисида ҳукмрон бўлган сукунат унинг бутун борлиғини исканжага олгандай бўларди.

Княжна аввал:

– Дуняша! – деб шивирлади, кейин даҳшатли бир товуш

билан: «Дуняша!» деб бақирди-ю, қоронғи уйдан югуриб чикди, хизматқор қизлар турадиган

уйга томон чопди, унинг товушини эшитган момо ва қизлар ҳам югуриб княжна томон келмоқда эди.

XIII

Августнинг 17-сида Ростов билан Ильин иккаласи ҳозиргина асирликдан озод бўлиб келган Лаврушка ва бир нафар чопар гусар билан биргаликда отланиб, ўз қароргоҳларидан, Богучароводан ўн беш чақирим наридаги Анково қишлоғидан сайр-томошага чиқишди. Улар ҳам Ильиннинг яқинда сотиб олган отини синаб кўрмоқчи, ҳам қишлоқлардан ем-хашак қидирмоқчи эди.

Сўнгги уч кун ичида Богучарово икки душман армияси орасида қолган бўлиб, бу ерга рус армиясининг арьергард¹ қисми қандай осонликча кира олса, француз авангард² қисми ҳам шундай осонликча кира олиши мумкин эди, шунинг учун ҳам Ростов, ғамхўр эскадрон командири сифатида, Богучаровода қолган озиқ-овқатни французлар келмай туриб қўлга киргизмоқчи эди.

Ростов билан Ильиннинг кайфи жуда чоғ эди. Улар Богучаровода, князнинг кўрасида қароллар ва чиройли қизлар кўп бўлса керак деган хаёлда суюниб бораркан, гоҳ Наполеон ҳақида Лаврушкага саволлар бериб, унинг гапларидан завқланиб кулар, гоҳ Ильиннинг отини синамоқчи бўлиб, бир-бирларидан ўзиб кетар эдилар.

Ростов ҳозир борилаётган қишлоқ синглисига ўнашилган ўша Болконскийнинг мулки эканлигини билмаган ва хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Ростов билан Ильин сўнгги дафъа, қишлоққа кираве-

¹ Арьергард (французча: arriere – орқадаги + garde – соқчи, кўриқчи) – ҳарбий юриш, ҳужум ёки чекиниш вақтида асосий кучларнинг кетидан борувчи ва уларни душманнинг орқадан келиб ҳужум қилишидан сақловчи аскарини кўрсатади, қисм.

² Авангард (французча: avant-garde – олдиндаги кўриқчи) – 1) ҳарбий юришларда асосий кучларни кўриқлаш учун олдинда борувчи аскарини қисм (бу ерда шу маънода келган); 2) бирор халқ, синф ёки ижтимоий гуруҳнинг илғор қисми.

ришда пойга қилишди, Ростов Ильиндан ўтиб кетиб, Богу-
чаровога ҳаммадан олдин кирди.

– Мендан ўзиб кетдинг-а, – деди бўриққан Ильин.
Ростов терга пишган Дон зотли отини силаркан:

– Ҳа, хали ўтлоқда ҳам сендан ўзиб кетувдим, бу ерда
ҳам, – деди.

– Тўрам, мен француз отимда сиздан ўзиб кетардим-у,
лекин истиҳола қилдим-да, – деди орқарокда келаётган
Лаврушка (француз оти деб ўзининг аравага қўшиладиган
қирчангисини айтаётган эди).

Улар отларини битта-битта юргизиб, омборхона олдига
келишди, бу ерда деҳқонлар йиғилишиб турган эди.

Деҳқонларнинг баъзилари шапкасини олди, баъзиси
шапкаларини олмасдан, буларга қараб қолди. Новчадан кел-
ган, юзини ажин босган, соколи сийрак иккита кекса деҳқон
қовоқхонадан чиқди, гандираклаб қовушмаган бир ашулани
айтаркан, тиржайиб офицерлар олдига келди.

– Яшанглар! – деди Ростов кулиб. – Ем-хашак
топиладими?

– Бир-бирига жуда ўхшайди-я, – деди Ильин.

– Вақтим... из чоғ... – деди бири қувноқ табассум-ла
ашула килиб.

Бир деҳқон оломон орасидан чиқиб Ростов олдига
келди.

– Сиз ким бўласиз? – деб сўради.

– Француз, – деди Ильин кулиб. – Мана бу Напо-
леоннинг ўзи, – деди Лаврушкага ишора қилиб.

– Демак, руслар экансиз-да? – деб сўради яна ўша
деҳқон.

– Сизлар бу ерда кўпчиликмисизлар? – деб сўради
бошқа бир деҳқон буларга яқинроқ келиб.

– Кўп, жуда кўпмиз, – деди Ростов, – нега бу ерда
тўпланиб турибсизлар? – деди у яна. – Байрамми, нима бало?

– Чоллар йиғилишиб юртнинг гапини гаплашиб ўтири-
шибди, – деди бир деҳқон Ростовнинг олдидан нари кетиб.

Шу чоғ князнинг қўраси томондан икки аёл билан ок
шляпа кийган бир эркакнинг қораси кўринди, улар офицер-

ларга томон келмоқда эди.

Ильин югуриб келаётган Дуняшани кўргач:

– Пушти кўйлак кийгани меники, унга тегмайсан, – деди.

– Икковимизга ҳам бўлар! – деди Лаврушка Ильинга кўз қисиб.

– Нима хизмат, нозанин? – деди Ильин кулимсираб.

– Княжна сўраяптилар: сизлар қайси полкдан бўласиз ва фамилияларинг нима?

– Бу киши эскадрон командири граф Ростов бўладилар. Мен эса содиқ қулингиз...

Маст деҳқон қиз билан гаплашаётган Ильинга қараб:

– Сухбатлаш... – деб ашула қилди.

Дуняшадан сўнг узоқдан шляпасини ечган Алпатич етиб келди.

– Безовга қилганим учун зоти олийларидан узр сўрайман, – деди у эҳтиром билан, лекин шу билан бирга офицер ёш бўлгани учун назар-писанд қилмай, қўлини қўлтиғидан олмади. – Менинг бекам, шу ойнинг ўн бешида вафот этган генерал аншеф князь

Николай Андреич Болконскийнинг қизлари бу шахсларнинг, – у деҳқонларга ишорат қилди, – кўрнамаклиги туфайли оғир бир аҳволга тушиб қолдилар, ўша киши сизларни ўз хузурларига таклиф қиляптилар... Агар бемалол бўлса, – деди Алпатич ҳазин табассум билан, – сал нарироққа борайлик, буларнинг олдида нокулайроқ... – Алпатич сўнадай атрофида айланаётган икки деҳқонга ишора қилди.

– Э, Алпатич! Э, Яков Алпатич! Чакки қилибмиз!.. Худо ҳақи кечир. Билмабмиз! А! – деди икки деҳқон хушчақчақ қулиб.

Ростов маст деҳқонларга қараб табассум қилди.

Яков Алпатич, бир қўли қўйнида, ўзини сипо тутушга ҳаракат қилиб, иккинчи қўли билан чолларга ишора қилди:

– Балким, уларни томоша қилиб, зоти олийлари овунаётгандирлар? – деб сўради.

– Йўғ-е, бунинг нимаси томоша, – деб Ростов отининг бошини бурди, – ўзи нима гап?

– Зоти олийларига шу нарсани маълум қилмоқчиманки, бу авом халқ бекамни кетгани қўймасдан, аравага қўшилган отларни чиқариб олмоқчи бўлапти, ҳамма нарса тахт бўлса ҳам, эрталабдан бери бекам кетолмаяптилар.

– Бўлмаган гап-э! – деб кичқириб юборди Ростов.

– Маълум бўлсинки, мен ҳақ гапни айтмоқдаман! – деди такроран Алпатич.

Ростов отдан тушди ва жиловни чопарга тутқазиб, Алпатич билан бирга қўра томон бораркан, ундан вазиятни батафсил сўради. Ростдан ҳам кеча княжнанинг деҳқонларга ғалла таклиф қилгани, Дрон билан суҳбатлашиб, деҳқонлар йиғинида гапиргандан кейин аҳвол шу қадар оғирлашибдики, Дрон калитларни ташлаб, деҳқонларга қўшилибди. Алпатич чақирса келмабди, княжна эрталаб араваларни қўшинлар деб буюрса, деҳқонлар бир тўда бўлиб, омборхона олдига йиғилишибди-да, бориб княжнага айт, уни қишлоқдан чиқармаймиз, ҳеч ким ҳеч қаякка чиқмасин деган буйруқ бор, биз ҳозир отларни чиқариб оламиз, дейишибди. Алпатич оломон олдига чиқиб уларни инсофга чақирибди, бироқ унга (ҳаммадан қўра Карп кўпроқ гапирибди, Дрон эса оломон орасида биқиниб турибди) княжнани Богучароводан чиқармаймиз, чунки бу ҳақда буйруқ бор: княжна шу ерда қолаверсин, илгаригидай хизматини адо этиб, амридан чикмаймиз, дейишибди.

Ростов билан Ильин от қўйиб келаётганда княжна Марья, Алпатич, момо ва оқсочларнинг гапига кулоқ солмасдан, жўнашга отланиб, юкларини аравага орттираётган эди, бироқ аравакашлар от чоптириб келаётган суворийларни кўргач, буларни француз гумон қилиб қочиб кетишди, ҳовлидаги хотин-халаж йиғи-сиги кўтаришди.

Ростов даҳлиздан ўтаётган маҳалда:

– Бўтагинам! Сени худонинг ўзи етказди, – деган ёқимли товушлар эшитилди.

Ростовни бошлаб кирганларида княжна Марья ўзини йўқотиб, дармони қурган ҳолда залда ўтирган эди. Княжна бу одам кимлигини ҳам, нима учун келганини ҳам, ўзининг аҳволи нима бўлишини ҳам билмас эди. Аммо Ростовнинг

русларга хос чехрасини, оёк босишини, биринчи айтган сўзини эшитгач, уни ўз доирасига мансуб одам эканлигини англади-да, чакнаб турган шахло кўзларини унга тикиб, хаяжондан титраётган товуш билан сўз бошлади. Бу учрашув шу он Ростовга романларда бўладиган ҳодисаларни эслатди. «Ғам-ғуссадан эзилган, исёнкор авом халқ орасида якка-ёлғиз қолган муштипар қиз! Ғалати бир қисмат мени бу ерга бошлаб келди! – деб ўйларди Ростов княжнага қараб, сўзларига кулоқ соларкан. – Бу қизнинг чехрасидаги маъсумлик, олийжанобликни кўринг-а!» – деди ўзича тортиниб гапирётган княжнанинг сўзларига кулоқ бериб.

– Бу ҳодисалар отам дафн этилган куннинг эртасига юз берди, – деганида княжнанинг товуши титраб кетди. У дарҳол юзини ўтирди ва худди менинг раҳимини келтириш учун шу сўзларни айтгач, деб ўйламаслиги учун кўркаписа, савол назари-ла унга қаради. Ростовнинг кўзлари жикқа ёшга тўлди. Княжна буни сезиб, ўтдай чакнаётган кўзлари билан ташаккур билдираётгандай Ростовга қаради, унинг бундай нигоҳи хунуқлигини унуттириб юборарди.

– Княжна, тасодифан бу ерга келиб, сиз билан учрашиб қолганимдан нақадар хурсанд бўлганимни сўз билан ифода-лашга ожизман, мен сизнинг хизматингизга ҳозирман, – деди Ростов ўрнидан кўзғалиб.

– Марҳамат қилиб йўлга чиқаверинг, агар кузатиб қўйгани менга руҳсат этсангиз, ҳеч ким сизга даҳл қилолмайди, бунинг учун мен бошим билан жавоб бераман, – деди ва шоҳ авлодига мансуб бўлган хонимларга қандай таъзим қилинса, княжнага ҳам шундай таъзим қилиб, эшикка томон юрди.

Ростов кўрсатаётган бу ҳурмат билан гўё: «Сиз билан учрашиш менга катта бахт бўлса ҳам, бахтсизлигингиздан фойдаланиб, сизга яқин бўлишни ўзимга эп кўрмайман», – демоқчи эди.

Княжна Марья бу иззат-ҳурматнинг маъносини англаб бунга юксак баҳо берди.

– Мен сиздан жуда-жуда миннатдорман, – деди унга княжна французчалаб, – лекин мен аминманки, булар бир

англашилмовчилик натижасидир ва ҳеч ким гуноҳкор эмас,
– княжна йиғлаб юбориб,

– кечиринг, мени, – деди.

Ростов қошларини чимириб, яна бир марта таъзим қилди-да, уйдан чиқди.

XIV

– Қалай, созми? Лекин меники, пушти кўйлак кийган офатижон, оти Дуняша... – бироқ Ростовнинг авзойини кўриб Ильиннинг дами ичига тушди. Бу сўзлар қахрамони ва командирининг кайфиятига мос келмаганини пайқади.

Ростов Ильинга хўмрайиб қараб кўйди-да, унинг сўзларига жавоб бермасдан, тез-тез юриб кишлоққа қараб кетди.

– Мен бу кароқчиларнинг адабини бераман, кўрсатиб қўяман! – деди ўзича Ростов.

Алпатич югурмасликка ҳаракат қилиб, тез-тез кадам ташлаб, лўкиллаганича Ростовга етиб олди-да:

– Жаноблари қандай қарорга келдилар? – деб сўради.

Ростов тўхтади ва қўлини мушт қилиб тўсатдан Алпатичга ўдағайлади:

– Қандай қарор? Қароринг нимаси? Сассик чол! – деб бақирди Ростов. – Сен бу ерда нима қилиб юрувдинг? А? Дехқонлар исён кўтарибди-ю, сен эса оғзингни очиб қараб ўтирибсан! Сен ўзинг хоинсан! Мен сенларни яхши биламан, ҳаммангнинг терингга сомон тиқиб қўяман ҳали!.. – Ростов худди ғазабини бекорга тўкиб адо қилиб кўйишдан кўрққандай Алпатични ташлаб, тез-тез кадам ташлаганича олға қараб кетди. Таҳқирланган Алпатич ўзини зўрға босиб, Ростовнинг кетидан йўрғалаб бораркан, ўз мулоҳазаларини айтди: «Менинг фикримча, – деди Алпатич, – ҳозир дехқонларни йўлга солиб бўлмайди, ҳарбий ёрдамсиз уларга қарши чора кўриш маъқул эмас, яхшиси, ҳарбий қисмга одам юбориб, улар етиб келгунча сабр қилиб турайлик».

Ҳайвоний ғазабдан нафаси тиқилган Ростов захрини тўккиси келиб:

– Ҳарбий кучни мен уларга кўрсатиб қўяман... Қарши

чиқиш нима эканлигини мен уларга кўрсатаман! – деди пала-партиш. Николай нима қилмоқчи эканлигини ўзи ҳам билмасдан, шуурсиз, кескин ҳаракат билан тез-тез одим отиб, оломонга томон юрди. Ростов оломонга яқинлашган сари унинг ўринсиз бу хатти-ҳаракати яхши натижа беришга Алпатич қаноат ҳосил қилди. Унинг кескин ҳаракат билан тез-тез қадам кўйиши ва важоҳатини кўрган деҳқонлар ҳам айнан шуни сезмоқда эди.

Гусарлар қишлоққа келганидан ва Ростов княжна хузурига кириб кетганидан кейин деҳқонлар довдираб қолишди, уларнинг орасига нифок тушди. Деҳқонларнинг баъзиси бу келган кишилар руслар, княжнани қишлоқдан чиқармаганимизга қаҳри келса эҳтимол, деб хавотирга тушди. Дрон ҳам шу фикрда эди, бироқ бу фикрини айтганида Карп ҳам, бошқа деҳқонлар ҳам собиқ оқсоқолга ёпишиб кетди.

– Сен неча йилдан бери халқнинг қонини сўриб келдинг! – деб ўшқирди Карп. – Сенга барибир! Сен кўмиб кўйган хумчаларни қазиб олиб кетаверасан-да, бизнинг хонумонимиз барбод бўлиши билан сенинг неча пуллик ишинг бор?

– Тартибсизлик бўлмасин, ҳеч ким ўз уйдан чиқмасин, бирон нарса жойидан жилдирилмасин дейилганми, тамом, – деб бақирди яна бир деҳқон.

Жиккак бир чол Дронга ёпишиб:

– Навбат сенинг ўглингга келганда сен эркатойингни аядинг, – деб жавраб кетди, – лекин менинг Ванькамни аскарликка олдирдинг! Сенинг дастингдан ўлиб қутуламиз!

– Ўлиб қутуламиз!

– Мен ҳамма вақт халойиқни деб келган одамман! – деди Дрон.

– Халойиқни деб келган эмиш! Шунинг учун қорин солган экансан-да!

Иккала новча деҳқон оғзига келганини қайтармасди. Ростов Ильин, Лаврушка ва Алпатич билан бирга оломонга яқинлашиши биланоқ Карп бармоқларини белбоғига тиқиб, хиёл кулимсираганича олдинга чиқди. Дрон, аксинча, ўзини орқага олди, оломон гуж бўлди.

– Қани! Оқсоқолларинг ким! – деб қичқирди Ростов тез-тез қадам кўйиб, халойиққа яқинлашаркан.

– Оқсоқолми? Нима қиласиз уни? – сўради Карп.

Бироқ Карп сўзини тутатмасдан бошидаги шапкаси учиб, калтак зарбидан боши бир томонга кийшайиб кетди.

– Ечинглар шапкаларингни, хоинлар! – деб қичқирди Ростов ўдагайлаб. – Оқсоқол қани дейман? – деди бақириб Ростов.

Оломон орасидан:

– Оқсоқол қани, оқсоқолни сўрашяпти... Дрон Захарович, қанисиз, сизни сўрашяпти, – деган мулойим товушлар эшитилди, ҳамма бошидан шапкасини ола бошлади.

– Исён қилишга ҳаддимиз сиғмайди, биз тартиб сақламоқчи бўлиб турибмиз, – деди Карп; шу он орқа томондан бир неча овоз тўсатдан:

– Чоллар шу қарорга келишди, сиздақанги бошлиқлар бўлса...

Ростов Карпнинг ёқасидан ушлаб, ўзгарган товуш билан пала-партиш:

– Тилларинг чиқиб қолдимми? Исён кўтармоқчимиз сизлар, қароқчилар! Хиёнаткорлар! – деб бақирди ва Лаврушка билан Алпатичдан бўлак ҳеч ким бўлмаса ҳам, – бунинг кўлини боғланглар, кўлини боғланглар! – деб қичқирди.

Лаврушка югуриб борди-да, Карпнинг кўлини орқасига қайирди.

– Тепаликнинг нариги тарафидаги одамларимизни чақирайми? – деди у баланд товуш билан.

Алпатич дехқонларга қараб, Карпнинг кўлини боғланглар, деб икки кишининг отини айтиб чақирди. Икки дехқон унинг амрига бўйсуниб, одамлар орасидан чиқди ва камарбандларини еча бошлашди.

– Оқсоқол қани? – деб ўшқирди Ростов.

Дрон ранги мурдадай оқарган, қош-қовоғи солинган ҳолда оломон орасидан чиқди.

– Оқсоқол сенмисан? Боғла буни, Лаврушка! – деб қичқирди Ростов худди бу амри ҳам қаршиликка учрамайдигандай. Ростдан ҳам яна икки дехқон келиб Дроннинг

қўлини боғлай бошлади, Дроннинг ўзи худди ёрдам бераётгандай, камарини ечиб уларга берди.

– Менга қаранглар, – деди Ростов деҳқонларга ўгирилиб, – гап шу: ҳаммаларинг уй-уйларингга кетинглар, товушларинг ўчсин!

– Биз нима қилибмиз. Бировни хафа қилган бўлмасак, фақат бефаҳмлик қилибмиз, холос. Аҳмоқлик қилибмиз... Ўзим ҳам айтувдим-а, бу тартиб-интизомдан ташқари эканини билувдим-а, – деб деҳқонлар бир-бирини таъна қила бошлади.

Алпатич яна ўз вазифасини адо этишга киришиб:

– Ана, айтмадимми, йнгитлар, яхши қилмаяпсизлар демабмидим! – деди.

Деҳқонлар унга жавобан:

– Э, Яқов Алпатич, бир номаъкулчилик қилдик-да, – дейишди ва ўша ондаёқ тарқалиб, уй-уйларига, кетишди.

Қўллари боғланган икки деҳқонни князнинг кўрасига олиб кетишди. Икки маст деҳқон улар кетидан эргашди.

– Ана энди ҳолингни кўрамиз! – деди бири Карлга қараб.

– Хўжайинларга гап кайтариб бўлар эканми?! Сен нима деб ўйлаган эдинг?

– Аҳмоқ-да! – деди бошқаси унинг сўзини тасдиқлаб, – қип-қизил аҳмоқ!

Икки соатдан кейин князь кўрасида от-улов тахт бўлди. Деҳқонлар қўли қўлига тегмай, хўжайинларнинг асбоб-анжомларини олиб чиқиб, араваларга орта бошлашди. Қазнокка қамаб қўйилган Дрон княжнанинг амри билан озод қилинди ва ҳовлида туриб деҳқонларга фармонбардорлик қилди.

Новча, кулиб турган кулча юзли бир деҳқон оксоч қўлидан бир қутичани оларкан, деди:

– Унақа қўймагин. Бу нарса пулга келган. Нега иргитиб юборасан! Арқоннинг тагига ҳам қўйма – кирилади. Мен пала-партиш ишни ёқтирмайман. Бир ишни қилгандан кейин астойдил қилиш керак. Ҳа, баракалла, иш бундай бўлади, устига чиптами, хашакми ёпсанг, эсон-омон боради.

– Бу китобларга қаранг-у... – деди бири князь Андрейнинг китоб жавонларини кўтариб чиқаркан. – Сен кўйиб юбор! Жуда оғир экан-э, йигитлар.

Новча, кулча юзли деҳқон китоблар устида турган луғатларга ишора қилди-да, маъноли кўз қисиб:

– Ҳа, ялло қилиб юрмасдан, ўтириб ёзишган-да! – деди.

Ростов сурлик қилиб княжна билан танишишни ўзига эп кўрмай, унинг олдига келмади ва княжнанинг йўлга чиқишини кутиб қишлоқда қолди. Княжна Марья кўрадан чиққандан сўнг Ростов отига минди-да, қўшинларимиз тўхтаган ерга – Богучароводан ўн икки километр нарироққача кузатиб кўйди. У Янковода карвонсарой олдига эҳтиром-ла княжна билан хайр-маъзур қилди ва илк дафъа кўлидан ўпди.

Княжна Марья ўз халоскорига (Ростовнинг қилган ишига княжна халоскорлик деб баҳо берди) миннатдорлик баён қилаётганида Николай қизариб кетиб:

– Кўйинг, айб эмасми, ҳар бир полиция ходими ҳам шу ишни қилар эди. Фақат деҳқонлар билангина курашиш лозим бўлганда-ку, биз душманни бу қадар яқин келтириб кўймас эдик, – деди у нимадандир хижолат тортиб ва гапни бошқа ёққа буришга уриниб. – Сиз билан танишмоқ шарафига ноил бўлганимдан беҳад шодман. Хайр, княжна, сизга сабр-бардош ва бахт-саодат тилайман. Сиз билан осойишта шароитда учра-шиш муяссар бўлишини орзу қиламан. Агар мени кизартирмоқчи бўлмасангиз, ташаккур баён этманг.

Аммо княжна ўз миннатдорчилигини ортик сўз билан билдирмаган бўлса ҳам, гул-гул очилиб кетган юз ифодаси билан билдирди. Ростовнинг, ташаккурга лойиқ иш қилганим йўқ деганига княжна Марья сира ишонмас эди. Аксинча, княжна Марья амин эдики, Ростов бўлмаган тақдирда, исёнкор деҳқонлар кўлида ҳам, французлар кўлида ҳам ҳалок бўлиб кетарди; у княжнани қутқараман деб ўзини муқаррар ва энг даҳшатли хавф-хатар кучоғига отди; яна шунга амин эди-ки, Ростов энг юксак ва олийжаноб қалб эгаси бўлиб, княжнанинг вазиятини, унинг бошига тушган мусибатини жуда яхши англади. Княжна дард-у ҳасратини

айтиб, йиғлаган чоғида Ростовнинг раҳмдил, ифбатли кўзлари ёшга тўлгани княжнанинг хаёлидан нари кетмас эди.

Княжна Марья Ростов билан хайрлашиб ёлғиз қолганидан сўнг, тўсатдан кўзлари ёшга тўлди ва хаёлига бир неча дафъа келган ғалати бир савол – уни севиб қолдимми, деган савол миясига келди.

Москва йўлида княжна гарчи аҳволи оғир ва кўнгилсиз бўлса ҳам, бир неча маротаба калласини каретанинг ойнасидан чиқариб, нимагадир қувноқ ва маҳзун кулимсираб караганини Дуняша пайқади.

«Хайр, уни севиб қолсам, нима бўлибди?» – деб ўйлар эди княжна.

Княжна Марья, эҳтимол, мени ҳеч қачон севмайдиган бир кишини яхши кўриб қолдим, деб ўзидан ўзи уялса ҳам, лекин буни ҳеч қачон ҳеч ким билмаслигини ўйлаб, ўзига тасалли берар, ҳеч кимга билинтирмасдан биринчи ва сўнгинчи дафъа севган одамимни ўлгунча қалбимда саклаб юрсам гуноҳкор бўлмайман-ку, деб ўзига таскин берар эди.

Княжна баъзан Ростовнинг нигоҳини, кўрсатган ёрданини, айтган сўзларини ўйларкан, назарида бахтга эришиш эҳтимолдан узоқ эмасдай кўринар эди.

«Қаердан ҳам у шундай бир вақтда Богучаровога келиб қолди, – деди ўзича княжна Марья. – Нима бўлди-ю, унинг синглиси князь Андрейни рад этди», – княжна Марья буларнинг ҳаммаси тақдири илоҳий деб билар эди.

Княжна Марья ҳам Ростовда яхши таассурот қолдирди. Княжнани эслаганда унинг кўнгли очилиб кетар ва Богучаровода юз берган воқеадан воқиф бўлган ёр-жўралари, ема-хашак қидириб бориб Россиядаги энг бадавлат қаллиқ билан танишиб келибсан-да, деб ҳазиллашса, Ростовнинг жаҳли чиқар эди. Шунинг учун ҳам жаҳли чиқардики, катта мол-у дунёга эга бўлган княжнадай маъсума ва ёкимтой қизга уйланиш иродасидан ташқари, бир неча мартаба ўзининг ҳам хаёлига келган эди. Николайнинг ўзига қолса, княжна Марьядан яхшироқ қизни орзу қилмас эди, чунки агар у княжна Марьяга уйланса ҳам, онаси – графинянинг орзуси ушаларди, ҳам отасининг иқтисодий аҳволи бирмунча

яхшиланади ҳамда княжна Марья бахтли бўларди (Ростов унинг бахтли бўлишини сезиб турар эди).

Унда Соня нима бўлади? Унга берган аҳд-у паймонлар нима бўлади? Княжна Болконскаяни гапириб ҳазиллашганларида Ростов мана шуларни ўйлаб аччиғланарди.

XV

Кутузов армия қўмондонлигини қабул қилгандан сўнг князь Андрейни эслади ва унга бош қароргоҳга етиб келинг, деб буйруқ юборди.

Князь Андрей Царево-Займишчига келган ўша куни, ўша соатда Кутузов биринчи дафъа армияни кўздан кечирмоқда эди. Князь Андрей қишлоқда, бош қўмондоннинг каретаси турган поппинг¹ ховлиси рўпарасидаги уйга тушган эди, у аъло ҳазратни (Кутузовни ҳозир ҳамма шундай деб атар эди) кутиб, эшик олдидаги ўриндикқа ўтирди. Қишлоқнинг нариги томонидаги яланглиқдан, гоҳ полк мусикасининг садоси эшитилар, гоҳ янги бош қўмондонни «Ура!» деб муборакбод қилаётган сон-саноксиз одамларнинг ҳайкириқлари қулоққа чалинарди. Шу ерда князь Андрейдан ўн қадам нарида, князнинг йўқлиги ва ҳавонинг яхшилигидан фойдаланиб, икки деншик, бир чопар ва бир мулозим турган эди. Сочлари қоп-қора, сокол-мўйлови ва бакенбарди² ўсиб кетган кичкина бир гусар подполковниги дарвоза олдига келиб отини тўхтатди-да, князь Андрейга қараб, аъло ҳазрат шу ердами, қачон келаркинлар, деб сўради.

Князь Андрей унга, мен аъло ҳазратнинг қароргоҳларига мансуб бўлган шахслардан эмас, сизга ўхшаган одамман, деб жавоб берди. Гусар подполковниги қўмондоннинг ясанган деншигига мурожаат қилди. Деншик бош қўмондонларнинг деншиқларига ҳос манманлик билан гусар подполковнигини назар-писанд қилмай:

¹ Поп (юнонча) – православ черковида рухонийнинг расмий номларидан бири.

² Бакенбард (голландча: bakkebaarden) – ҳар иккала қулоқнинг олд ёнбошидан то янгигача бўлган сокол мўйлов каби махсус ўстирилган туклар ёки икки чакка қўйилган сокол.

– Ҳа, сизга аъло хазрат керакми? Ҳозир келиб қолсалар, эхтимол! Нима ишлари бор эди? – деди.

Гусар подполковниги деншиқнинг муомаласига истехзо аралаш кулиб, отдан тушди, жиловни чопарга берди-да, хиёл таъзим килиб, Болконскийнинг олдига келди. Князь Андрей ўриндикдан жой берди. Подполковник ўтирди.

– Сиз ҳам бош кўмондонни кутиб ўтирибсизми?– деб гап бошлади гусар подполковниги. – Худога шукур, у кишининг хузурларига кириш қийин эмас дейишади. Бўлмаса бу колбасапазлар ҳолимизни хароб қилади! Ермоловнинг немис бўла қолай дегани бежиз эмас! Энди руслар ҳам оғиз очиб гапирса бўлар деб ўйлайман! Худо билади, бошимизга не кулфатларни солмади! Ҳадеб чекинамитиз, чекинамитиз! Сиз ҳам бу походда¹ иштирок қилгандирсиз? – деб сўради у.

– Ҳа, иштирок қилиш ҳам гапми, бу чекинишда мол-у мулк ва ҳовли-жойим у ёқда турсин, жондан азиз бўлган қиблагоҳимдан айридим... У кишини ғам-ғусса адо қилди... – деди князь Андрей. – Мен Смоленскдан бўламан.

– Э... Сиз князь Болконский бўласизми? Сиз билан танишганимга кўп хурсандман; подполковник Денисов Васька десангиз, мени ҳамма танийди, – деди Денисов князь Андрейнинг кўлини қисиб, Болконскийнинг юзига айрим эътибор ва меҳр билан тикиларкан. – Ҳа, эшитган эдим, – деди у ҳамдардлик баён қилгандай, бир оз жим тургач, яна давом этди:

– Скиф уруши шудир-да! Булар ҳаммаси яхши-ку, лекин балога кўкрагини қалқон қилган одамлар учун эмас. – Ҳали князь Андрей Болконский бўламан денг. – У бош чайқади. – Сиз билан танишганимга жуда-жуда хурсандман, – деди у яна маҳзун табассум-ла князь Андрейнинг кўлини қисар экан.

Денисов Наташага биринчи хушомад қилган йигит эканлигини князь Андрей Наташанинг ўзидан эшитган эди. Мана шу хотирот, сўнгги кунларда князь Андрей ўйламай кўйган бўлса ҳам, кўнглининг бир бурчида турган ўша дард-

¹ Поход –ҳарбий юриш.

аламни кўзгатди, бу унинг учун ҳам хуш, ҳам нохуш хотирот эди. Сўнгги вақтларда юз берган катта ҳодисалар – Смоленскийнинг душман кўлига ўтиши, Лисие Горига бориб келиши, отасининг вафоти ҳақидаги яқинда олган хабари князь Андрейга шу қадар қаттиқ таъсир қилган эдики, бу хотирот кўпдан бери унинг хаёлига ҳам келмаган эди, келган тақдирда ҳам олдингидай таъсир қилмасди. Денисов учун ҳам Болконскийнинг исмини эшитганда хаёлига келган воқсалар – кечки овқатдан сўнг Наташа ашула айтиб бўлгач, қандай қилиб ўн беш яшар қизчага, менга тегинг, деб айтгани узоқ шоирона бир ўтмиш эди. Денисов ўша дамларни ва Наташага нисбатан бўлган муҳаббатини эслаб жилмайиб қўйди, лекин дарҳол бутун фикр-у зикрини банд қилиб турган масалага ўтди. Бу масала – чекиниш даврида, олдинги истеҳкомларда хизмат қилиб юриб тузган уруш режаси эди. Бу режани у Барклай де Толлига тақдим этган, энди Кутузовга ҳам кўрсатиш ниятида эди. Режа куйидагига асосланиб тузилган эди; французларнинг ҳарбий операция марраси жуда чўзилиб кетган, рўпарадан ҳужум қилмасдан, ёки ҳужум қилган тақдирда ҳам французларнинг йўлини тўсиш билан бирга, уларнинг алоқа йўллари кесилш керак. Денисов ўз режасини князь Андрейга тушунтира бошлади.

– Улар бу маррани бошдан оёқ мудофаа қилишолмайди, чунки бу мумкин эмас, бу маррани ёриб ўтишни ўз бўйнимга оламан: менга беш юзта одам беринг, ёриб ўтаман, албатта, ёриб ўтаман! Бу ерда партизанчасига¹ иш кўриш керак!

Денисов ўрнидан турди-да, ўз режасини имо-ишоралар билан Болконскийга тушунтира кетди. Унинг гапи тугамасдан, кўрик бўлаётган жойдан армиянинг мусика ва ашула садоси билан аралашиб кетган шовқин-сурони эшитила бошлади. Қишлоқдан отларнинг туёқ товуши, одамларнинг қичқирғи эшитилди.

– Ўзлари келяптилар! – деб қичқирди дарвоза олдида турган казак. – Келяптилар!

¹ Партизан (*французча*: partisan; *италияча*: partigiano – тарафдор, ихлосманд) – душман босиб олган жойларда озодлик учун куралиш кураш олиб борувчи кўнгилли халқ армиясининг аъзоси.

Болконский билан Денисов бир тўда аскар (фахрий қоровул) турган дарвоза томон борди ва кичкина тўрик от миниб келаётган Кутузовни кўрди. Бош қўмондонни бир қанча генераллар кузатиб келмоқда эди. Барклай у билан ёнма-ён келмоқда; уларнинг кетидан, ён-веридан офицерлар югуриб келар, «ура!» деб қичқирар эдилар.

Кутузовдан олдин адъютантлар от кўйиб ҳовлига киришди, Кутузов бели эгилиб, йўргалаб бораётган отини ҳадеб никтар, мутгасил бош ирғатар, ҳадеб қўлини (қизил хошияли соябонсиз) оқ кавалергард¹ шапкасига тегтизар эди. У фахрий қоровулда туриб, честь бераётган ва купи орден таккан шоввоз гренадёрларга бир дақиқа индамай, бошлиқларга хос бир диққат-ла тикилиб қаради-ю, кейин атрофида турган бир гуруҳ генерал ва офицерларга юзланди. Унинг юзида тўсатдан латиф бир ифода пайдо бўлди; у ажабланиб, елкасини қисиб:

– Шундай шоввозлар билан ҳадеб орқага чекинса-а! – деб қўйди, кейин генералга қаради. – Хайр, генерал! – деди-да, отини ҳайдаб, князь Андрей билан Денисовнинг ёнидан дарвозага кириб кетди.

Кутузовнинг орқасидан:

– Ура! Ура! Ура! – деб қичқиришди.

Князь Андрей кўргандан бери Кутузов янада йўғонлашибди, хом семириб, баданини ёғ босиб кетибди. Лекин унинг оқиб тушган кўзи, юзидаги жароҳат изи, хорғинлик ифода қилиб турган чехраси ва қадд-у комати ҳамон ўша эди. У мундир-сюртук кийиб (камчисини ингичка қайиш билан елкасига осиб) илдам отида бордондек² тебраниб келмоқда эди.

Дарвозадан кираётган чоғида аста хуштак чалгани эшитилди. Унинг юзидаги ифода расмий ишдан кутулиб, истироҳат қилишни мўлжаллаб суюнаётган кишининг юзидаги ифодага ўхшар эди. У бутун гавдаси билан олдинга

¹ Кавалергард – Чор Россияда армиясида гвардиячи оғир кавалерия полкининг солдатлари ёки офицери.

² Бордон (*форсча*: катта хуржун) – хобиғи олилмаган қамшидан бўйрага ўхшатиб тўқилган қалин, дағал тўшама.

энгашиб, мапаққат билан сўл оёғини узангидан чиқарди-да, зўрга эгардан опириб, тиззасини букди-да, инқиллаб, кўлтигидан олишга тийёр турган казак ва адъютантларнинг кўлига тушди.

Ўзини ўнглаб олгандан сўнг, кўзини қисиб, атрофга қаради ва князь Андрейни кўрса ҳам, танимади, шекилли, олдинга энгашиброқ қадам ташлаб зинадан чиқа бошлади.

Кутузов тагин ҳалигидек аста хуштак чалиб, зинадан чиқаркан, яна бир марта князь Андрейга қаради. Князь Андрейнинг юзини кўриб, бир неча дақиқадан сўнг унинг кимлигини эслади (бу ҳолат кўпинча кексаларда учрайди).

У князь Андрейга қараркан, ҳорғинлик билан:

– Э, салом князь, эсон-омон юрибсанми бўтам... – деди-да, оғир қадам ташлаб қирсиллаб турган зинадан айвончага чикди. Кутузов тугмаларини счиб ташлаб, айвончада турган ўриндикқа ўтирди.

– Қани, гапир, қиблагоҳинг қалай?

– Вафот этибдилар, кеча хат олдим, – деди князь Андрей қисқа қилиб.

Кутузов кўзларини катта очиб, ҳайрон бўлиб князь Андрейга қараб қолди, кейин бошидан фуражқасини олиб, чўқинди: «Жойи жаннатда бўлсин! Бандалик-да!» У бутун кўкраги билан оғир хўрсинди-да, жимиб қолди. Гўё у: «Мен уни севардим, хурмат этардим, сенга чин қалбимдан ҳамдардлик баён қиламан», – деб тургандек эди. Кутузов князь Андрейни қучоқлаб, семиз бағрига босди, анчагача уни кўйиб юбормади, кўйиб юборгандан сўнг князь Андрей унинг сўлжайиб кетган лаблари титраётганини, кўзларига ёш келганини кўрди. У хўрсинди-да, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб, икки кўли билан ўриндикни ушлади.

– Қани, юр, ичкарига кирайлик, бирпас гаплашайлик, – деди князь Андрейга, бироқ шу он фақат душмандан эмас, бошлиқлардан ҳам ҳайиқмайдиган Денисов, адъютантлар зина олдида газаб билан шивирлаб, йўлини тўсаётганига қарамасдан, шпорларини¹ жириқлатиб тап тортмай зинадан

¹ Шпор – отликлар этигининг пойнасига тақилладиган темир тешиқ.

айвончага чиқди. Кутузов қўлларини ўриндикдан олмасдан малол келгандай Денисовга қаради. Денисов қимлигини айтиб, ватан учун буюк аҳамиятга эга бўлган бир масала ҳақида аъло ҳазратга маълумот бергани келганини билдирди. Кутузов ҳорғин кўзлари билан Денисовга қараркан, қўлларини чор-ночор ўриндикдан олиб, қорни устига кўйди. «Ватан учун? Қани, нима экан ўзи? Гапир-чи!» – деди. Денисов кизлардай қизариб кетди (мўйлов ва бакенбард қари қилиб кўрсатаётган бу сархуш юзга қизариш сира ярашмас эди) ва душманнинг Смоленск билан Вязьма орасидаги аскарлари йўлини кесишга доир режасини жасорат-ла баён қила бошлади. Денисов шу ўлкада ўсгани учун ҳам бу жойларни беш бармоғидай билар эди. Унинг режаси, айниқса, зўр ишонч билан гапираётгани учун ҳам шубҳасиз, яхши режага ўхшаб кўринди. Кутузов унинг сўзларига қулоқ солиб, ўз оёғига қараб ўтираркан, худди кўнгилсиз бир нарсадан хавотир олаётгандай, ҳар замон кўшни ҳовлига қараб қўяр эди. Ростдан ҳам Денисов гапираётган маҳалда Кутузов қараб-қараб қўйган уй эшигида, қўлтиғига портфель кистирган бир генерал кўринди.

– Ҳа, нима бўлди? Тайёрми? – деб сўради Кутузов Денисов гапириб турган чоғда.

– Тайёр, аъло ҳазрат, – деди генерал.

Кутузов худди «битта одам буларнинг ҳаммасига қандоқ улгурсин» дегандай бош чайқади-да, яна Денисовнинг сўзига қулоқ сола бошлади.

– Олийҳиммат рус офицери сифатида сўз бераманки, – деди Денисов, – Наполеоннинг алоқа йўлларини ёриб ўтаман.

– Обер-интендант¹ Кирилл Андреевич Денисов сенга нима бўлади? – деб сўради Кутузов унинг гапини бўлиб.

– Амаким бўлади, аъло ҳазрат.

– Ҳали, шундоқ дегин! Иккаламиз дўст эдик! – деди Кутузов хушҳол бўлиб. – Яхши, яхши, бўтам, бутун шу ерда,

¹ Интендант (*французча*: *intendant* – бошқарувчи, мудир) – армияда таъминот ишлари билан шугулланувчи ҳарбий хизматчи.

штабада қолгин, эртага тагин гаплашамиз. – У Денисовга бош ирғаб кўйди-да, юзини ўгириб Коновницин олиб келган қоғозга кўл кўйди.

– Аъло хазрат, уйга ташриф булурсинлар, – деди навбатчи генерал норози тарзда. – Режаларни кўриб чиқиб баъзи бир қоғозларга имзо чекиш керак. – Эшикдан чиқиб келган адъютант уйда ҳамма нарса тахт эканини маълум қилди. Бироқ Кутузов бу ташвишдан қутулиб, кейин уйга кирмоқчи эди, шекилли, афтини буриштириб:

– Йўқ, бўтам, айт, бир столча кўйиб беришсин, шу ерда кўриб кўя қолай, – деди-да, князь Андрейга қараб: – Сен ҳеч қаёққа кетма, – деб илова қилди. Князь Андрей айвончада қолиб, навбатчи генералнинг сўзларига қулоқ солди.

Навбатчи генерал маълумот бераётган чоғда князь Андрей эшик орқасида бир хотин кишининг шивирлаётганини, шойи кўйлаги шилдираётганини эшитди. Болконский бир неча мартаба ўша томонга қараб эшик орқасида пушти ранг шойи кўйлак кийиб, бошига бинафша ранг ипак рўмол боғлаб олган, юзи кий-кизил, ўзи дўмбокқина бир дилкаш хотинга кўзи тушди; хотин кўлида лаган билан, афтидан, бош кўмондонни кутмоқда эди. Кутузовнинг адъютанти шивирлаб, бу аёл уй эгаси – попнинг хотини бўлади, аъло хазратнинг олдига нон-туз олиб келиб кўймоқчи. Эри аъло хазратни черковда хоч билан қарши олди, хотини уйда... «Чакки эмас», – деб кўйди адъютант жилмайиб. Кутузов бу сўзни эшитиб, қайрилиб қаради. Кутузов ҳали Денисовнинг гапларига қандай қулоқ солган бўлса, бундан етти йил муқаддам Аустерлиц ҳарбий кенгашида бўлган музокараларга қандай қулоқ солган бўлса, навбатчи генералнинг сўзларига ҳам шундай қулоқ солиб турарди. (Генерал асосан Царево-Займишчида ишғол қилинган мавқени танқид қилмоқда эди.) У, афтидан, фақат қулоғи бор бўлгани учун (биттасига лос тикиб кўйган бўлса ҳам) тинглаб ўтирар эди, аммо навбатчи генерал айтаётган сўзларнинг биронтаси уни ҳайратга ҳам солмас, кизиктирмас ҳам эди, чунки у айтаётган сўзларнинг ҳаммасини олдиндан билар, фақат ибодатга қулоқ солиш керак бўлгани каби,

бунинг сўзларига кулок солар эди. Денисов айтган сўзларнинг ҳаммаси дуруст ва асосли эди. Навбатчи генерал айтган сўзлар ундан ҳам дурустроқ ва маъкулроқ эди, лекин Кутузов, афтидан, билимни ҳам, ақлни ҳам эътироф қилмас эди. У шу нарсани билардики, масалани билим ва ақл эмас, балки бунга сира алоқаси бўлмаган бошқа бир нарса ҳал қилади. Князь Андрей бош кўмондоннинг юзидаги ифодага диққат билан разм солиб, унинг бу сўзлардан зерикканини, эшик орқасида шивирлаётган хотин нима демоқчи эканлигини билишга қизиқаётганини ва шу билан бирга одоб сақлашга уринаётганини англади. Кутузов, афтидан, ақл, билим ва ҳатто Денисов кўрсатган ватанпарварлик туйғусини эътироф қилмас, лекин ақл, туйғу, билим билан эмас (чунки ўзидаги бундай хислатларни кўрсатишга сира уринмас эди), балки бошқа бир нарса туфайли эътироф қилмас эди. У қарилиги, ҳаётий тажрибаси бор бўлгани учун бу нарсаларни писанд қилмасди. Бу докладга у фақат битта кўшимча киритди, бу ҳам бўлса рус кўшинларининг талончилигига доир кўшимча эди. Навбатчи генерал доклад¹ қилиб бўлгандан сўнг имзо чеккани аъло ҳазратга бир қоғоз узатди: бир помешчикнинг шикоятига кўра, унинг сулисини хом ўриб олингани учун армия бошлиқларидан ҳақ ундириб олиш талаб қилинарди.

Кутузов наватчи генералнинг сўзини эшитиб бўлгач, лабларини чапиллатиб, бош чайқаб кўйди.

– Печкага... ўтга ташла! Шунини билиб кўйки, бўтам, – деди у, – бундай қоғозларни ўтга ташла, майли, ғаллаларни ўришсин, ўтин бўлса, ёқишсин, ош бўлсин. Мен шундай қилинлар деб амр ҳам бермайман, бундай қилишга руҳсат ҳам этмайман, лекин бундан кўрилган зарарни ундириб олгани йўл ҳам кўймайман. Бошқа илож йўқ. Ўт тутунсиз бўлмайди.

– У яна қоғозга қаради. – Ўҳ-ў, немиснинг синчковлигини қаранг-а! – деди у бош чайқаб.

¹ Доклад (русча; кўйиш, тахлаш) – юқори раҳбарий органларга ёки бошлиққа оғзаки ёки ёзма равишда тақдим этилган расмий маълумот, ахборот.

XVI

Кутузов сўнги қоғозга имзо чекиб бўлгач:

– Бўлди энди! – деб зўрға ўрнидан турди, семиз, оппоқ бўйнининг катлари ёзилди, у кушхол кайфиятда эшик томон йўналди.

Бутун юзига қон югурган поп хотини шошиб-пишиб лаганни олди, узоқ тайёрлик кўрган бўлса ҳам, барибир, нон-тузини ўз вақтида беролмади. Хотин таъзим билан лаганни Кутузовга тутди.

Кутузов кўзларини хиёл қисиб, жийлмайди-да, аёлнинг иягидан ушлаб:

– Жуда жонон экансан-ку! Раҳмат, оппоғим! – деди.

У чолворининг чўнтагидан пул чиқариб, лаганга ташлади.

– Қани, гапир, аҳволинг қалай? – деб сўради Кутузов махсус тайёрланган уйга томон бораркан. Қип-қизил юзида кулдиргич пайдо бўлган попнинг хотини жийлмайди-да, унинг кетидан уйга кирди. Адъютант айвончада – князь Андрейнинг олдига чиқиб, уни нонуштага таклиф қилди; ярим соатдан сўнг князь Андрейни яна Кутузов хузурига чақирдилар. Кутузов эгнида ўша тутмалари солилмаган сюртук, креслода ётган эди. Князь Андрей кирганда у қатига пичоқ қўйиб, кўлидаги французча китобни ёлди. Князь Андрей китобнинг муқовасига каради, бу Мадам де Жанлиснинг асарии «Оққуш тамғали рицарлар» эди.

– Қани, ўтир, ўтир, озрок суҳбатлашайлик, – деди Кутузов. – Сенинг бошинга тушган бу мусибат, албатта, жуда оғир. Лекин шуни билгинки дўстим, мен сенга иккинчи ота бўламан... – князь Андрей отасининг вафоти ҳақида барча сўзларни, Лисие Горидан ўтганида у кўрган нарсаларини гапириб берди.

Кутузов Россиянинг не аҳволга тушиб қолганини князь Андрейнинг сўзларидан очиқ-ойдин тасаввур қилди, шекилли, тўсатдан:

– Ишни расво қилдилар... расво қилдилар! – деди хаяжонланган товуш билан. – Менга муҳлат бер, муҳлат, – деб ғазабнок бўлиб кўшиб қўйди, кейин ўзини хаяжонга

солган бу мавзу устида гапиришни истамади, шекилли: – Сени олиб қолиш мақсадида чақирган эдим, – деди.

– Ташаккур, аъло хазрат, – деб жавоб берди князь Андрей, – лекин птаб ишларига энди ярамасман деб кўрқаман, – деди табассум билан. Кутузов бу табассумни пайқадида, савол назари-ла князь Андрейга боқди. – Ҳамма гап шундаки, – деди князь Андрей, – мен ўз полкимга ўрганиб қолдим, офицерларни яхши кўраман, улар ҳам мени ёмон кўрмаса керак. Уларни ташлаб кетишга сира кўнглим йўқ. Агар сизнинг хузурингизда бўлиш шарафидан кечаётган бўлсам, шунга инонингки...

Кутузовнинг лўппи юзида оқилона, мулозим ва шу билан бирга нозик истеҳзоли бир ифода пайдо бўлди. У Болконскийнинг сўзини бўлди.

– Аттанг, сен менга жуда керак эдинг, лекин сен ҳақ гапни гапирдинг. Бу ерда бизга одам керак эмас. Маслаҳатчилар ҳамиша топилади, аммо бевосита иш кўрсатадиган одамлар кам. Ҳамма маслаҳатчилар сенга ўхшаб полкда хизмат қилганда, полклар бунақа бўлмас эди. Аустерлиц урушидан бери ёдимда турибсан... Қўлингга байроқ олиб югурганинг ҳалиҳали эсимда, – деди Кутузов. Князь Андрей гарчи Кутузовнинг юраги бўшлигини, ҳамдардлик изҳор қилмоқчи бўлиб, бу қадар эркалаётганини билса ҳам, лекин Аустерлиц воқеасини эслаганидан фахрланди ва хурсанд бўлди.

– Бор, худога топширдим. Сенинг йўлинг шараф йўли эканлигини ўзим биламан. – Бир оз жим қолди. – Букарештда сенга ачинган эдим: ўшанда юборишим керак эди. – Шундан кейин Кутузов мавзунини ўзгартириб, Туркия урушидан, тузилган сулҳдан гап очди. – Аммо ҳаммаси ўз вақтида бўлди. Сабр қилсанг, ҳаммаси ўз вақтида бўлади. Лекин ўша ерда маслаҳатчилар бу ердагидан кам эмас эди... – деб маслаҳатчилардан сўз очди, унинг хаёлини, афтидан, ҳозир шулар банд қилган эди. – Оҳ, маслаҳатчилар, маслаҳатчилар, – деди у. – Буларнинг ҳаммасига кулоқ солиб ўтирганимизда на Туркия билан сулҳ туза олар эдик, на урушни тугата олардик. Тез бўл дейишади, аммо буларнинг «тез

бўли» узокка чўзилганини кўрсанг. Каменский ўлмаганда балога гирифтор бўларди. У ўттиз минг аскар билан қалъага хужум қилди. Қалъани забт этиш осон, урушда ютиб чиқиш қийин. Лекин бунинг учун штурм, ё хужум эмас, фақат сабр ва фурсат керак. Каменский Рушчукни забт қилиш учун аскар юборди, ammo мен аскар ўрнига сабр ва фурсатдан фойдаланиб, ундан кўра кўпроқ қалъани забт этишга муваффақ бўлдим ва туркларни от гўшти ейишга мажбур қилдим. – У бош чайқади. – Французларни ҳам шундай қиламан. Менга ишон, – деди Кутузов ғайрати кўзиб кўкрагига ураркан. – Французларга ҳам от гўшти егизаман! – Унинг кўзига яна ёш келди.

– Ҳар ҳолда, французлар билан жанг қилиш керак бўлар дейман? – деди князь Андрей.

– Керак бўлар, ҳамма шунга тарафдор бўлса, бошқа чора қолмайди... Лекин, бўтам, ҳали мен айтган икки жангчидан – сабр ва вақтдан ўткири йўқ, масалани ана шулар ҳал қилади, лекин маслаҳатчилар бунинг эшитишни истамайдилар, шуниси ёмон-да. Бирини ундай деса, бири бундай дейди. Нима қилиш керак? – деб сўради, афтидан, князь Андрейдан жавоб кутиб. – Ҳўп, сен нима қилиш керак дейсан? – деб сўради яна Кутузов ва унинг кўзлари маъноли бир ифодадан порлаб кетди. – Нима қилиш кераклигини мен сенга айтиб бераман, – деди у князь Андрей жавоб бермагандан сўнг. – Нима қилиш кераклигини ва ўзим нима қилаётганимни сенга айтиб бераман. Шубҳага йўл қўйма, – у жим бўлди, – азизим, – деди ниҳоят чўзиб.

– Хайр дўстим, эсон-омон бор; шуни эсдан чиқармаки, бутун борлигим билан сенинг бошинга тушган мусибатга перикман; мен сенга аъло ҳазрат ҳам, князь ҳам, бош кўмондон ҳам эмасман, отангман. Агар бирон нарса керак бўлиб қолса, тўғри олдимга келавер. Хайр, бўтам, – у яна князь Андрейни бағрига босди, ўлди. Ammo князь Андрей уйдан чиқиб кетишга улгурмасдан Кутузов енгил тортган бўлиб хўрсинди-да, яна мадам Жанлиснинг чала қолган «Les chevaliers du Cugne» романини кўлига олди.

Кутузов билан учрашганидан кейин Болконский иш-

нинг умумий кетишидан ҳам, бу иш кимнинг қўлига топширилганлигидан ҳам кўнгли тўқ бўлиб, ўз полкига қайтиб келди. Князь Андрей нега ва нима учун шундай бўлганини сира тушунтириб беролмас эди. Гўё эҳтирослари бир қолишга тушган, ҳодисаларни гуруҳларга бўлиб, ундан хулоса чиқарадиган ақл ўрнига воқеаларнинг умумий йўналишини бардош билан мушоҳада этиш лаёқатигина қолган бу чолда князь Андрей шахсий ташаббус қанчалик камлигини кўрса, барча ишлар қандай бўлиши керак бўлса, шундай бўлишига шунча, кўп кўнгли тўқ бўлди. «Унинг ўзидан ҳеч қандай ташаббус чиқмайди. У бирон нарсани ўйлаб чиқармайди, бирон ишни бошлаб юбормайди, – деди ўзича князь Андрей, – лекин нима десанг ҳаммасига кулоқ солади, ҳаммасини эсида сақлайди, ҳаммасини ўз ўрнига кўяди, бирон хайрли ишга монелик қилмайди, бирон зарарли ишга йўл қўймайди. У ўз иродасидан кўра кучлироқ ва муҳимроқ бир нарса борлигини билади, воқеаларнинг муқаррар шундай бўлишини билади, Кутузов мана шу нарсани билишга қодирдир, у шу нарсанинг аҳамиятини билади, шу туфайли бу воқеага аралашайдан, бошқа томонга қаратилган ўз ихтиёридан воз кеча олади, энг муҳими шуки, – деди князь Андрей, – шунинг учун унга ишонасан. Жанлис романини ўқиса ҳам, француз мақолларини ишлабтас ҳам, у русдир; «Не аҳволга солдилар!» деганда товуши қалтирагани учун ҳам унга ишонасан. «Уларни от гўшти ейишга мажбур қиламан» деганда кўзига ёш келгани учун ҳам ишонасан». Кутузовнинг бош қўмондон килиб тайинланиши ҳақида сарой аъёнларининг мулоҳазаларига қарши ҳамманинг бир фикрда бўлиши ва маъқуллаши ҳам унчалик равшан бўлмаса-да, маълум даражада мана шу туйғуларга асосланган эди.

XVII

Подшо Москвадан жўнаб кетганидан сўнг Москва ҳаёти яна аввалги изига тушди – ватанпарварлик шавқ ва туйғуси билан суғорилган кечаги кунларни эслаш ҳатто қийин бўлиб қолди, Россиянинг хавф остида қолганлигига, инглиз клуби-

нинг абзолари ватан ўғлонлари эканлигига, уларнинг ватан йўлида ҳар қандай фидокорликка тайёр турганларига ишониш қийин бўлиб қолди. Подшо Москвада бўлган кунларда юз берган умумий кўтаринки ватанпарварлик кайфиятини эслатадиган бирдан бир нарса армиямизга одам бериш ва пул иона¹ қилиш масаласи эди, бу нарсалар ҳам бажо келтирилиб, қонуний ва расмий шакл касб этиб, муқаррардек бўлиб қолди.

Душман Москвага яқинлашган сайин москваликлар ўз аҳволларига жиддийроқ қараш у ёқда турсин, балки, аксинча, жуда енгилтаклик билан қарашадиган бўлишди, одатда катта хавф яқинлашиб келаётганини кўриб турган кишилар ҳамиша шу аҳволга тушади. Хавф-хатар таҳлика солаётган чоғда ҳамиша инсон қалбида бир хил кучга эга бўлган икки овоз барабар садо беради: бири жуда ўринли равишда, одам бошига тушаётган хавфнинг моҳиятини англасин, ундан қутулиш тadbирларини топсин деса, иккинчиси яна ҳам ўринлироқ тарзда, хавф-хатарни ўйлаб ўтиришдан оғирроқ ва машаққатлироқ нарса йўқ, тақдирга тadbир кўриш инсоннинг қўлидан келмайди, яхшиси фалокат юз бергунча, унинг ҳақида ўйламасдан, кўнгилни хуш қилиш керак дер эди.² Ёлғизликда одам ҳамма вақт биринчи садога қулоқ солади, аммо кўпчилик бўлганда, аксинча, иккинчисига қулоқ солади. Москваликлар ҳозир мана шу кўйга тушган эди. Москва кўндан бери шундай хурсандчиликни кўрмаган эди.

Растопчин томонидан чиқарилган ва тепасида майхона билан Москва мешчани, майфуруш Карпуша Чигирин сура-ти солинган кичкина афиша Василий Львович Пушкиннинг²

¹ Иона (*аробча*) – моддий ёрдам, нафақа.

² Александр Сергеевич Пушкин (1799-1837) – рус ёзувчиси, янги рус адабиётининг асосчиси. Асарлари: «Эркинлик», «Чапаевга», «Қишлоқ», «Қурьонга татаббу», «Андрей Шенье», «19 октябрь» (шеърлар); «Кавказ асири», «Дўлиялар», «Граф Нулин», «Полтава», «Колоннадаги ўй», «Мис чавандоз», «Соломондаги ўй» (дostonлар); «Борис Годунов», «Хасис рицарь», «Ўлат чоғидаги базм», «Тош меҳмон», «Моцарт ва Сальери» (трагедия); «Белкин киссалари», «Капитан кизи», «Евгений Онегин» (драмалар); «Пугачёв тарихи», «Дубровский», «Капитан кизи» (цессалар); «Пон ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртақ», «Шоҳ Султон ҳақида

сўнгги мадхияси сингари қўлма-қўл юрар эди. Чигирин майхонада, аскарлар билан кўпроқ ичиб кўйган чоғида Бонапарт Москвага бостириб келаётган эмиш, деган сўзни эшитиб, газабга минибди-да, энг қабиҳ сўзлар билан французларни сўкиб майхонадан чиқиб кетибди ва бургут¹ остида туриб, халойиққа ваъз айтибди.

Одамлар клубнинг бурчагидаги хонада йиғилишиб, шу афишани ўқишди ва баъзи кишиларга Карпушка французларни масхара қилиб, улар карамдан шишади, шавладан ёрилади, карам шўрва тикилиб ўлади, улар шу даража паканаки, битта рус аёли учтасини бахузур паншахага олиб олиб отиб юборади, дегани баъзи одамларга ёқди. Баъзи бир одамларга бу сўзлар маъқул бўлмади, улар буни бемаънигарчилик, дидсизлик дейишди. Растопчин французларни, ҳатто барча хорижликларни Москвадан чиқариб юборибди, уларнинг орасида Наполеоннинг жосус ва агентлари ҳам бор экан, дейишарди, бироқ бу сўзларни кўпинча хорижликлар жўнатилаётган чоғда Растопчин айтган ўткир гапларни қайтариш учун айтишарди. Хорижликларни баржага² солиб, Нижний шаҳрига юборилаётган чоғда Растопчин уларга шундай деган экан: «Қандай аҳволдалигингизни тушуниб олиб, мана шу қайиққа тушинг, мабодо бу қайиқ сизга нисбатан Ҳарон қайиғи вазифасини ўтамасин». Москвадаги барча махкамалар аллақачон кўчирилибди деган сўзларни тарқатишар, бунга дарҳол Шиншиннинг, фақат шунинг ўзи учун Москва Наполеонга қуллуқ қилиши керак, деган ҳазилни кўшиб кўйишарди. Мамоновнинг полки гўё саккиз юз мингга тушармиш, Безухов ўз аскарларига бундан ҳам ортиқроқ пул сарф қилибди, лекин Безуховнинг қилмишидаги олийжаноблик шундан иборатки, унинг ўзи мундир кийиб, от миниб полкнинг биринчи сафида борар эмиш, уни томоша қилган одамлардан ҳақ олмас эмиш.

эртак», «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак», «Олтин хўрозча ҳақида эртак» ва бошқалар.

¹ Икки бошли бургутнинг сурати – давлат герби.

² Баржа (*французча*: barge < *лотинча*: barga – енгил кема) – шатакка олиб юриладиган ёки ўзипорар, таги ясси юк кемаси.

– Сиз ҳеч кимга илтифот қилмайсиз, – деди Жюли Друбецкая титиб ўтирган ишини қўша-қўша узук такқан нозик бармоқлари билан ғижимлаб.

Жюли эртаси кунни Москвадан кетмоқчи бўлиб, хайрлашув зиёфати бераётган эди.

– Безухов кулгили одам бўлса ҳам, лекин хушфеъл ва яхши одам. Бунчалик ҳазилкашлик бўлишдан киши нима баҳра олади? – деди Жюли Друбецкая.

– Жарима тўланг! – деди Жюли билан бирга Нижнингга бораётган ва Жюли уни менинг рицарим деб атайдиган (халк лашкари мундири кийган) йигит.

Жюлининг улфатлари ҳам кўп москваликлар сингари рус тилида гапиришга аҳд қилган эдилар, французча сўзларни ишлатган кишилар иона комитети фойдасига жарима тўларди.

– Галлицизм, яъни французча ўйлаб, русча гапирганингиз учун яна бир мартаба жарима тўлаймиз, – деди меҳмондорчиликда ўтирган бир рус ёзувчиси.

Жюли ёзувчининг гапига эътибор қилмасдан яна йигитга юзланди.

– Сиз ҳеч кимга илтифот қилмайсиз, – деди Жюли, – ҳазилкашлик сўзини ишлатганим учун гуноҳкорман, лекин ҳақиқатни гапириб ҳузур қилганим учун яна бир мартаба жарима тўлашга тайёрман, галлицизм учун жавобгар эмасман, – деди Друбецкая ёзувчига қараб. – Князь Голицин сингари рус муаллим олиб, русча ўқишга менинг пулим ҳам, вақтим ҳам йўқ. Ана ўзлари ҳам келдилар, – деди Жюли, – қачон... Йўқ, йўқ. – У халк лашкари кийимидаги йигитга юзланди, – йўқ, йўқ, мени қўлга туширолмайсиз. Киши куёш ҳақида гапирса, унинг нуруни кўради, – деди Жюли Пьерга жилмайиб. – Ҳозир сизнинг ҳақингизда гапириб ўтирган эдик, – деди Жюли кибор хотинларга хос устомонлик билан ёлғонни қотириб. – Сизнинг полкингиз Мамонов полкидан яхши бўлибди, деб гапириб ўтирган эдик.

– Оҳ, қўйинг, полкимдан гапирманг, – деди Пьер Жюлининг қўлини ўлиб, унинг ёнига ўтираркан. – Тоза жонимга тегди!

Жюли йигитга кўз қисиб, истехзо билан жилмайиб:

– Полкка ўзлари командирлик қилар эмишлар, деб эшитдим, ростми? – деди Пьерга.

Халқ лашқари кийимидаги йигит Пьер олдида ҳазил-кашлик қилолмай қолди, у, Жюлининг истехзоли жилмайишига тушунмасдан, ҳайрон бўлди. Пьер, гарчи парижон-хотир ва оққўнғил киши бўлса ҳам, унинг олдида ҳеч-ким ҳазил-мазах қилишга журъат этолмас эди.

Пьер, жилмайиб йўғон гавдасига кўз ташлаб:

– Йўқ менинг французлар ўқиға нишон бўлишим жуда осон, ундан ташқари, от ҳам миномасам керак деб кўрқаман, – деди.

Жюлининг суҳбатида тилга олинмаган кишилар қаторида Ростовлар гап-сўз бўлди.

– Уларнинг иши ҳеч ўнгидан келмаяпти, дейишади, – деди Жюли, – графнинг ўзи ниҳоят даражада нўнок. Разумовскийлар унинг ҳовлиси ва Москва ташқарисилаги боғини сотиб олмоқчи бўлишган эди, бу масала ҳеч ҳал бўлмаяпти. У нархини пасайтирмаяпти.

– Йўқ, бугун-эрта савдо бўлади, – деди кимдир. – Шу вақтда Москвада бирон нарса сотиб олиш ҳам бўлмаган гап-ку-я.

– Нега? – деди Жюли. – Москвага ҳам хавф таҳдид қилади деб ўйлайсизми?

– Нега бўлмаса ўзлари кўчиб кетяптилар?

– Менми? Ажаб савол бердингиз-да! Мен шунинг учун кетяпманки... Ҳамма кетаётгани учун мен ҳам кетяпман, ундан кейин мен Жанна д'Арк¹ ёки Амазонка² эмасман.

– Ҳа, балли, балли. Қани, ўша латтани узатинг.

¹ Жанна д'Арк (1412-1431) – Англия ва Франция ўртасидаги 100 йиллик уруш даврида (1337-1453) Францияни инглизлардан озод этишда катта ҳақрамонлик кўрсатган. Унинг жасорати билан 1429-йили Орлеан инглизлардан озод этилади. Шундан кейин уни Орлеан қизи дея номилашади.

² Амазонкалар – 1) қадим юноск афсоналаридаги жангчи аёллар. Ривоятларга кўра, улар Кичик Осиёда ва Азов денгизи кўрғоқларида яшаган ва наслини сақлаш мақсадида кўшини қабила эркаклари билан йилда бир маротаба жинсий муносабатда бўлганлар. Улардан пайдо бўлган ўғил болаларни оталарига қайтариб, қизларга ўзлари ҳарбий тарбия берганлар.

Халқ лашкари кийими кийган ёш йигит яна Ростовдан гап очди.

– Уддабуроврок бўлганида ҳамма қарзидан қутулиши мумкин эди, – деди.

– Ўзику яхши чол-а, лекин жуда мазаси кетган. Мунча туриб қолишмаса! Аллақачонлар қишлоққа кўчиб ўтмоқчи эдилар. Натали ҳам тузалиб қолибди, шекилли? – Жюли муғомбирона жилмайиб, Пьерга қаради.

– Кенжа ўғилларига кўз тикиб ўтиришибди, – деди Пьер, – у Оболенскийнинг казак полкига кириб, Белаё Церковга кетган эди. Ўша ерда полк тузиляпти. У ердан уни менинг полкимга жўнатишади. Булар ана келади, мана келади, деб кутиб ўтиришибди. Графга колса-ку, алақачонлар кўчиб кетар эди-я, аммо графиня ўғлим келмагунча Москвадан кетмайман, деб сира кўнмаяпти.

– Уч кун бурун мен уларни Архаровларникида кўрувдим, Натали яна илгаригидай чиройли ва хушчақчақ бўлиб қолибди. Бир романс айтиб берди. Баъзилар қандай қилиб ҳамма нарсани осонликча унутиб юбораркан-а!

Пьер норози бўлиб:

– Қанақа нарсани? – деб сўради. Жюли кулимсираб кўйди.

– Граф, биласизми, сизга ўхшаган рицарларни фақат мадам Сюзанинг романларида учратиш мумкин. Пьер кизариб кетиб:

– Қанақа рицарлар? Нима гап ўзи? – деб сўради.

– Бўлди, аччиғингиз келмасин, азиз граф, бу гапни бутун Москва биледи-ку, сизнинг эшитмаганингизга хайронман.

– Жарима! Жарима! – деди йигит.

– Ҳа, хўп, тўлайман! Ахир бу йўсинда гапирсак киши зерикиб ўлади-ку!

– Бутун Москва нимани биларкан? – деди Пьер аччиғиланиб ўрнидан тураркан.

– Кўйсангиз-чи, граф, ўзингиз биласиз.

– Мен ҳеч нарсани билмайман, – деди Пьер.

– Сиз Натали билан жуда яқин эдингиз, шунинг учун

ҳам... Йўк, мен Вера билан яқинроқман. Вера, ёқимтой қиз!
– Бу гапни қўйинг, хоним! – деди Пьер норози тарзда. – Мен Ростовга рицарь бўлиш вазифасини ўз бўйнимга олганим ҳам йўк, бир ойдан бери уларни кўрганам ҳам йўк. Аммо бу шафқатсизликнинг тагига тушунолмаيمان...

Жюли лабида табассум, титилган латтани силжитиб:

– Узр сўраган киши ўз гуноҳига иқрор бўлади., – деди ва худди шу гап менинг сўзим билан хотима топсин дегандай, дарров бошқа мавзуга ўтди. – Бугун ажойиб бир хабарни эшитдим: бечора Марья Болконская кеча Москвага кўчиб келибди. Эшитдингизми? Отаси вафот этибди.

– Нахотки! Қерда экан княжна? Мен уни кўрмоқчи эдим, – деди Пьер.

– Кеча кечқурун бирга эдик, Марья Болконская бугун-эрта жияни билан бирга Москва ташқарисидаги мулкларига кўчиб бормоқчи.

– Қалай, аҳволи дурустми? – сўради Пьер.

– Нима бўларди, жуда ғамгин. Биласизми, ким уни кутқарибди? Бу бутун бир роман. Николай Ростов. Марьяни қуршаб олишибди, ўлдирмоқчи бўлишибди, одамларини ярадор қилишибди. Ростов ёрдамга келиб, кутқариб қолибди.

– Яна роман, – деди халқ лашқари либосидаги йигит. – Бу қоч-қочлар худди ҳамма қари қизларнинг эрга тегиши учун ўйлаб чиқарилганга ўхшайди. Наташа шундай бўлган эди, княжна Марья ҳам шундай бўлибди.

– Биласизми, менимча, ҳақиқатан ҳам, княжна Марья ёш йигитга сал-пал ошиқ бўлганга ўхшайди.

– Жарима! Жарима! Жарима!

– Ахир бу сўзни русча айтиб бўладими?..

XVIII

Пьер уйга қайтганда Ростовчиннинг бугун келтирилган иккита афишасини беришди.

Биринчи афишада шундай дейилган эди: граф Ростовчин Москвадан чиқиб кетишни ман қилган деган хабар нотўғри, аксинча, помешчик ва савдогарларнинг хотинлари

Москвадан кўчиб кетаётганига граф Ростопчин хурсанд. «Ваҳимага тушилмасин, ҳар хил хабарлар тарқатилмасин, – дейилган эди афишада. – Бошим билан жавоб бераман – бадкирдорлар Москвага киролмайди». Бу сўзлардан французларнинг Москвага бостириб кириши муҳаққаклиги Пьерга биринчи мартаба аён бўлди. Иккинчи афишада бундай дейилган эди: «Бизнинг бош штабимиз Вязьмададир. Граф Виттенштейн французларни мағлуб қилди, бироқ аҳолининг кўпчилиги қуролланишни истагани сабабли яроғ-аслаҳа омборида улар учун қилич, тўппонча, милтиқ тайёрлаб қўйилган; аҳоли арзон нарх билан сотиб олиши мумкин». Бу афишаларда Чигириннинг олдинги ваъзларидагидек ҳазил-мутойиба йўқ эди. Бу афишани ўқиб Пьер ўйга ботди. Пьер, бутун вужуди билан орзу қилган, шу билан бирга, беихтиёр уни ваҳимага солган даҳшатли қора булутлар, афтидан, якинлашмоқда эди.

Пьер юз марта ўзига «Ҳарбий хизматга кириб, армияга бораверайми ё сабр қилиб турайми?» – деган саволни берди. У столда турган бир даста картани олди-да, фол очмоқчи бўлиб тера бошлади.

– Агар ўша карта чиқса, – деди ўзича Пьер қўлидаги картани аралаштириб, шифтга қараб тураркан, – мабодо чиқса, унда... нима бўлади?.. Ўз саволига жавоб бергани улгурмасдан эшик орқасидан катта княжнанинг товуши эшитилди. Княжна киргани руҳсат сўраётган эди.

– Унда армияга кетишим керак бўлади, – деди ўзича Пьер. – Кириш, кириш, – деди катта княжнага.

(Фақат бели узун, истараси совуқ катта княжна ҳамон Пьернинг ҳовлисида яшарди; иккита кичкинаси эрга тегиб кетган эди.)

Катта княжна таънаомуз ҳаяжонли товуш билан:

– Сизни безовта қилганим учун афв сўрайман, ака, – деди. – Ахир бир қарорга келиш керакдир! Мунақа ўтираверсак, нима бўлади? Ҳамма Москвадан чиқиб кетяпти, халойиқ кўзғолон кўтаряпти. Биз эсак баҳазур ўтирибмиз!

– Аксинча, хатар йўқ, шекилли, синглим, – деди Пьер одатдагича ҳазиломуз. У княжна қаршисида валинеъмат

ролини хамища хижолат билан ўтар, у билан доим ҳазиломуз муомала қилар эди.

– Хатар йўқлиги шуми... мунча яхши! Кўшинларимизнинг жасоратини бугун Варвара Ивановна гапириб берди. Уларни шон-шараф билан қутлаш мумкин. Халқ ҳам бутунлай тўполон кўтаряпти-ку, бунақада ҳеч ким гапингизга қулоқ солмайди; менинг чўри қизим нима деган гап, ўшанинг ҳам тили чикиб қолди. Аҳвол шунақа бўлса, улар яқинда бизга мушт кўтаришади. Кўчага чикиб бўлмайди. Булар ҳам бир гап эди, энг ёмони шуки, бугун-эрта французлар бостириб киришади, биз эсак, бепарво ўтирибмиз! Сиздан бир илтимос, – деди княжна, – буюринг, мени Петербургга олиб бориб қўйишсин, қандай одамлигимдан қатъи назар, Бонапартнинг ҳукмронлигида яшашни истамайман.

– Шунақа гапларни қўйсангиз-чи, акажон, бу гапларни қаёқдан эпитасиз? Аксинча...

– Мен сизнинг Наполеонингизга бош эгмоқчи эмасман. Бошқаларнинг ихтиёри ўзида... Агар сиз мени жўнатмасангиз...

– Жўнатаман, ҳозирнинг ўзида буюраман.

Княжна, афтидан, заҳарини тўккани одам топилмаганидан хуноб бўлди ва алланималар деб пичирлаб, стулга ўтирди.

– Лекин сизга ногўри маълумот беришибди, – деди Пьер. – Шаҳарда тинчлик, ҳеч қандай хавф-хатар йўқ. Мана, мен ҳозир ўқидим... – Пьер княжнага афишани кўрсатди. – Москвага душман киролмайди, бунга мен бошим билан жавоб бераман, деб ёзибди граф.

– Э, қўйинг графингизни, – деди қаҳр билан княжна. – У мунофиқ ва бадқирдор бир шахс. Халқни қуткуга солган ўшанинг ўзи. Ўзининг аҳмоқона афишасида: «Қим бўлса бўлсин, тепа сочидан ушлаб авахтага¹ судраш керак» (аҳмоқлигини кўринг-а!), деб ёзган шунинг ўзи эмасми: «Қим шу ишни қилса шон-шуҳрат ўшаники!» деб жар солган ҳам

¹ Авахта (немисча: Hauptrwache – бош, асосий қоровул) – қамоққа ҳукми қилинган ҳарбий хизматчилар сақланадиган жой; қамоқхона.

ўшанинг ўзи. Мана назокат ва марҳаматнинг оқибати. Варвара Ивановна гапириб берди: француз тилида сўзлагани учун халойиқ уни ўлдираёзибди.

Пьер катта княжнага жавобан:

– Ҳа, шунақа бўляпти... Сиз ҳар қанақа нарсага куйиб-пишиб ўтирманг, – деди ва яна картани суза бошлади.

Фоли тўғри чиққан бўлса ҳам, Пьер армияга кетмади. У аввалгидай ҳаяжон, шубҳа ва даҳшат ичида, шу билан бирга, кўрқинчли бир нарсанинг яқинлашаётганидан суюниб, хувуллаб қолган Москвадан чиқмади.

Эртаси куни кечкурун княжна жўнаб кетди ва Пьернинг хузурига бошқарувчиси келди ва мулклардан биронтаси сотилмаса, полкни кийинтириш учун бошқа пул йўқлигидан хабардор қилди. Умуман, бош бошқарувчининг айтишига қараганда, бу полkning харажати Пьерни хонавайрон қилиши керак эди. Пьер унинг сўзига кулок соларкан, зўрға қулгидан ўзини тийди.

– Ҳа, майди, сотинг, – деди Пьер. – Бошқа чора йўқ, мен энди ўз раъйимдан қайтолмайман.

Вазият нақадар ёмон бўлса, айниқса, унинг ишлари нақадар мужмал бўлса, албатта, бўлади деб кутган фалокати қанча яқинлашса, Пьер шунча суюнардди. Пьернинг таниш-билишларидан деярли ҳеч ким шаҳарда қолмади. Жюли кетган, княжна Марья кетган. Пьернинг энг яқин кишиларидан фақат Ростовлар Москвада қолган, бироқ Пьер уларнинг уйига бормас эди.

Шу куни Пьер ўзини овутомқчи бўлиб, Воронцово қишлоғига катта ҳаво шарини кўргани кетди; душманни ҳалокатга учратиш мақсадида Лептих томонидан ясалган бу шар эртага синаш учун ҳавога учирилиши керак эди. Шар ҳали тайёр бўлгани йўқ; Пьернинг билишича, бу шар шаҳаншоҳнинг хоҳишига биноан ясалмоқда эди. Бу шар ҳақида шаҳаншоҳ граф Ростовчинга қуйидагиларни ёзган эди:

Лептих ҳозир бўлиши биланоқ унинг қайғи учун садоқатли ва ақлли кишилардан экипаж тузинг ва генерал Кутузовни огоҳлантириш учун чопар юборинг. Бу ҳақда мен унга хабар берганман. Лептихга иккунга ўқтирингки, хато

қилмаслик ва душманнинг қўлига тушмаслик учун биринчи дафъа тушадиган жойига жуда эътибор қилсин.

У ўз ҳаракатини бош қўмондоннинг ҳаракатига мувофиқлаштириши зарур Пьер Воронцово кишлоғидан қайтишда Болотная майдонидан ўтаётиб Лобное место деган жойда бир тўда одамлар йиғилиб турганини кўрди. У отини тўхта-тиб, аравадан тушди. Бу ерда жосусликда айбланган бир француз ошпазга жазо беришгаётган эди. Жаллод жазолаб бўлгандан сўнг ҳаво ранг камзул, кўк пайпоқ кийган, бакенбарди сарик, инқиллаётган йўгон бир кишини устундан ечди. Ориқ, ранги ошпоқ оқарган бошқа бир жиноятчи тикка турган эди. Афт-башарасига қараганда иккаласи ҳам французга ўхшар эди. Ориқ француздай ранги ўчиб кетган Пьер одамлар орасидан йўл очиб бораркан:

– Ўзи нима гап? Ким экан? Нега жазо беришди? – деб сўради. Бироқ бу ерга йиғилган одамлар – мансабдорлар, мешчанлар, савдогарлар, деҳқонлар, кенг пальто ва пўстин кийган хотинлар Лобное местода бўлаётган ҳодисани шу қадар берилиб томоша қилаётган эдиларки, Пьернинг саволи жавобсиз қолди. Йўгон киши ўрнидан турди, қошқовоғини солиб, елкасини қисди ва ўзининг қатъийлигини кўрсатмоқчи бўлгандай, ҳеч қаёққа қарамасдан камзулини кия бошлади, бироқ тўсатдан унинг лаблари титради ва ўзидан ўзи хафа бўлиб, таъсирчан кипилардек йиғлаб юборди. Оломон, Пьернинг назарида, худди ўз қалбида уйғонган тараххум ҳиссини босишга тиришгандай, баланд товуш билан гапирга кетди.

– Қайси бир князнинг ошпази...

Француз йиғлаб юборганда Пьернинг ёнида турган ва юзи буришган бир мирза:

– Ҳа, жаноб, руснинг ширин қайласи французга кисель бўлиб татиганга ўхшайди. Тишинг қамашди... – деди ва қойил қилдимми дегандай атрофга қаради. Баъзилар кулишди, баъзилар иккинчи гуноҳқорни ечинтираётган жаллодга кўрқа-писа қараркан, бу гапга эътибор қилмади.

Пьер пишиллаб афтини буриштирди ва дарров орқасига бурилиб, аланималар деб пичирлаб, ўз аравасига бориб

Ўтирди. Йўлда у бир неча мартаба сесканиб кетди ва шу қадар баланд товуш билан қичқирдики, ҳатто кучер:

– Лаббай? – деб сўради.

Лубянкага етганда Пьер:

– Қаёққа боряпсан? – деб кучерга ўшқирди.

– Бош кўмондон олдига олиб бор деб буюрган эдингизку, – деди кучер.

Жуда камдан кам тажанг бўладиган Пьер:

– Аҳмоқ! Ҳайвон! – деб кучерни уришиб берди.

– Уйга олиб бор демаганмидим?! Ҳайда тезроқ лапашанг. Бугун йўлга чиқиш керак, – деди ўзича Пьер.

Пьер, жазоланаётган француз ва Лобное местога тўп-лапчан оломонни кўриб, Москвада турмасдан, бугуннинг ўзида армияга жўнаб кетишга бел боғлаган эди, назарида, бу гапни кучерга айтгандай ва ё кучернинг ўзи буни билиши керакдай туюлди.

Уйга келиши биланоқ Пьер овозаси бутун Москвага тарқалган, уддабурон ва билагон кучер Евстафьевични чақирди ва бугун кечаси Можайскка – армия қошига кетишини айтиб, отларини ўша ерга юборишини буюрди. Евстафьевичнинг гапига қараганда, бу ишларни бир кунда қилиб бўлмас эди. Кўмакчи отларни жўнатиш учун вақт керак, шунинг учун Пьер ўз сафарини бир кун кечиктириши зарур эди.

Ойнинг йигирма тўртида ҳаво сал очилди, шу куни Пьер овқатдан сўнг Москвадан жўнади. Пьер кечаси Перхушковада отларни алмаштириб, шу бугун кечкурун катта жанг бўлганини эшитди. Отишмадан Перхушково ларзага келганини гапириб беришди. Пьернинг ким ғолиб чиқди, деган саволига ҳеч ким жавоб беролмади (бу ойнинг 24-санасида Шевардино яқинида бўлган катта жанг эди). Тонготарда Пьер Можайскка етиб келди.

Можайскдаги барча уйларга аскарлар ўрнашган карвонсаройда Пьерни бериётгор¹ билан кучери қарши олди, аммо

¹ Бериётгор – отни миннига ўргатувчи ва чавандозликдан таълим берувчи мутахассис.

карвонсаройдан жой тополмади, ҳамма уйлар офицерларга лик тўла эди.

Можайскни ҳам, Можайск атрофини ҳам аскар босган. Ҳамма ёқни казаклар, пиёда отлик аскарлар, аравакашлар, яшиқлар, тўшлар босиб кетган... Пьер тезроқ олдинга ўтиб олишга шошилар, Москвадан узоқлашган сайин, кўшинлар оламига чуқурроқ шўнғиган сайин уни ташвиш-тахлика ва тамоман янги бўлган кувончли бир туйғу чулғаб оларди. Бу туйғу подшо Слободскийдаги қасрига келган чоғда Пьерни чулғаб олган ўша туйғуга ўхшарди: Пьер қандайдир бир тадбир кўриш ва ниманидир қурбон қилиш заруратини сезганди, ҳозир уни ўшандай бир ёқимли туйғу чулғаб олган эди: гўё инсониятнинг бахт-саодатини ташкил этган роҳат-фароғат ва мол-мулк ҳатто ҳаёт ҳам унинг олдида арзимас бир нарса, ўшанинг олдида буларнинг бахридан ўтиш ҳеч гап эмасдек эди... Лекин ўша нарса нима эканлигини ўзи билмас эди. Нима ва ким учун бор-йўғини қурбон қилишга бунчалик орзуманд бўлаётганини дурустроқ ўйлашга кунт қилмас эди. Қурбон қилишнинг ўзи унинг учун хурсандлик бағишловчи янги бир туйғу эди, холос.

XIX

Ойнинг 24-санасида Шевардино истехкоми ёнида жанг бўлди, 25-санасида иккала томон ҳам биронта ўқ узмади. 26-санасида эса Бородино жанги юз берди. Нима учун ва қандай қилиб Шевардино ва Бородино жанги бўлди? Бородино жангидан мақсад нима? Бу жангдан на французлар, на руслар ҳеч нарса ютмади. Бунинг руслар учун оқибати шу бўлдики (шундай бўлиши ҳам керак эди), биз Москва ҳалокатини яқинлаштирдик (дунёда энг кўрқадиган нарсамиз шу эди), французлар эса бутун армиясининг ҳалокатини яқинлаштирди (уларнинг ҳам энг кўрқадиган нарсаси шу эди). Бу нарса олдиндан очиқ-ойдин маълум бўлса ҳам, Наполеон шу жангни бошлади. Кутузов ҳам бунга жанг билан жавоб берди.

Саркардалар ақл-идрокка асосланиб иш кўрганларида Наполеон икки минг чақирим ичкарига кириб уруш бошлаб

юборса, армиясининг тўртдан бирини йўқотиб ҳалокатга учраши муқаррарлигини билган бўлар эди; Кутузов ҳам шу жангга жанг билан жавоб берса, армиясининг тўртдан бирини йўқотиб, Москвадан айрилиб қолиш эҳтимоли борлигини англаган бўлар эди. Кутузовга шу нарса икки қарра икки – тўртдай аниқ бўлиши керак эди. Дамка ўйинида менинг шашкам рақибимникидан битта кам бўлса-ю, мен шашка олиб, шашка бераверсам, натижада ютқазаман, шунинг учун бундай қилмайман.

Агар рақибимнинг шашкаси ўн олтита-ю, меники ўн тўртта бўлса, у вақтда, мен ундан фақат саккиздан бир ҳисса кучсизроқ бўламан, аммо мен ўн учта шашка бериб, шунча шашка олсам, у вақтда рақибим мендан икки ҳисса кучли бўлиб қолади.

Бородино жангигача бизнинг кучимиз билан французлар кучи ўртасидаги нисбат тахминан беш рақами билан олти ўртасидаги нисбатга ўхшаса, жангдан кейин французлар кучининг ярмини ташкил қилди, яъни, жанггача юз йигирма мингга юз минг тўғри келган бўлса, жангдан кейин юз мингга эллик минг тўғри келди. Лекин шундай бўлса ҳам, омилкор ва тажрибали Кутузов жангга жанг билан жавоб берди. Буюк саркарда деб ном чиқарган Наполеон жангни бошлаб юбориб, армиясининг тўртдан бирини нобуд қилди ва ўз маррасини яна ҳам чўзиб юборди. Агар Наполеон Венани ишғол қилиб, урушни тамом қилгани сингари Москвани забт этиб, уруш кампаниясини тўхтатмоқчи эди дейишса, бу фикрни рад этадиган далил-исботлар жуда кўп. Наполеон тарихчиларнинг ёзишига қараганда, Смоленскнинг ўзидан қайтмоқчи эди. У ўз марраси чўзилиб кетгани хавфли эканлигини, Москвани забт этиш билан уруш тугамаслигини билар, чунки рус шаҳарларини халқ қай аҳволда ташлаб кетаётганини Смоленскда кўрган ва музокара олиб боришга тайёр эканлигини қайта-қайта билдирган бўлса ҳам, руслар томонидан ҳеч қандай жавоб олмаган эди.

Наполеон Бородино жангини бошлаб, Кутузов бу жангга жанг билан жавоб бериб, ўз ихтиёрларидан ташқари ва беҳуда иш қилишди. Аммо тарихчилар бу ҳодиса содир

бўлгандан сўнг, найранг ишлашиб, бу саркардаларнинг каромати ва даҳоси деб далиллар келтиришди, ваҳоланки булар ғайриихтиёрий юз берган барча оламшумул воқеалар курўли бўлган шахсларга қараганда кўр-кўрона ва ғайриихтиёрий хизмат қилиб келган арбоблардан эди.

Қадимгилар бизга шундай қахрамонлик дostonларининг намунасини қолдиришганки, буларда тарихнинг бутун ўзагини қахрамонлар ташкил этади, биз эса ханузгача, хозирги давр учун бу қабилдаги тарих маъносиз, беҳуда эканлигини англай олмаймиз.

Бородино ва ундан олдин бўлган Шевардино жангги қандай бошлангани ҳақида ҳам худди шунга ўхшаш муайян ва ҳаммага маълум бўлган тамомила янглиш бир тасаввур бор. Тарихчиларнинг ҳаммаси бу масалани шундай тасвир этишади:

Рус армияси гўё катта жанг учун қулайроқ позиция кидириб Смоленскдан чекинган ва гўё Бородино ёнида жуда қулай бўлган шундай позицияни топган эмиш.

Руслар гўё Москва – Смоленск йўлининг чап томонида, Бородинодан Утицага борадиган йўлнинг қоқ рўпарасида жойлашган ва жанг майдонига айланган бу позицияни олдиндан мустаҳкамлашган эмиш.

Бу позициянинг олдида душманни назорат қилиш учун гўё Шевардино тепалигида мустаҳкамланган илғор пост қўйилган эмиш. Ойнинг 24-санасида гўё Наполеон шу олдинги постга ҳужум қилиб, уни олган; 26-санасида эса русларнинг бутун армиясига, Бородино майдонида жойлашган позициясига ҳужум этган.

Тарихда шундай дейилади, аммо бу гапларнинг ҳаммаси тамоман нотўғри, масаланинг моҳиятини билмоқчи бўлган киши бунинг асосиз эканлигини дарров тушунади.

Руслар қулайроқ мавқени излаган эмас, аксинча, чекиниш чоғида Бородино позициясидан кўра дурустроқ бўлган жуда кўп позициялардан ўтиб кетишган эди. Кутузов бошқа киши танлаган мавқени ишғол қилгиси келмагани учун, халқ урушига бўлган эҳтиёж ҳали дурустроқ талаб қилинмаганлиги учун, Милорадович ўз халқ лашқари билан етиб

келмагани ва яна шунга ўхшаш сон-саноксиз сабабларга кўра улар бу позицияларнинг биронтасида ҳам тўхташмади. Ваҳоланки, аввалги позициялар яхшироқ эди. Жанг майдонга айланган Бородино позицияси кучсиз бўлиш билан бирга, Россия империясидаги сон-саноксиз бошқа мавқелардан сира фарқ қилмас эди.

Иўлнинг қок чап томонида жойлашган ва жанг майдонига айланган Бородино позициясини мустаҳкамлаш у ёқда турсин, 1812-йилнинг 25-августигача жанг шу ерда бўлиши русларнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Бунинг исботи учун куйидаги далилларни келтириш kifоя: биринчидан, 25-августгача бу ерда ҳеч қандай истехком бўлмаган, 25-сана-сида курила бошлаган истехком эса 26-санасида тайёр бўлмаган эди, иккинчидан, Шевардино истехкомининг қай аҳволда эканлиги бунга далил бўла олади, жанг майдонига айланган позициянинг олд томонидаги Шевардино истехкоми икки пулга арзимас эди. Нима учун бошқа пунктларга қараганда бу истехком пункти мустаҳкамланган эди? Нима учун 24-август куни ярим кечагача бу истехком мудоффа қилиниб, барча куч ишдан чиқарилди ва олти минг киши қурбон қилинди? Душманни назорат қилиш учун бир даста отлик казак аскарлари kifоя эди-ку. Учинчидан, жанг бўлган позиция олдиндан кўзда тутилган позиция бўлмаганлиги, Шевардино истехкоми бу позициянинг олдинги пункти эмаслигининг далили шуки, Барклай де Толли ва Багратион 25-августгача Шевардино истехкоми позициянинг чап фланги деган қаноатда эди, Кутузовнинг ўзи ҳам жангдан сўнг шошиб-пишиб ёзилган маълумотида, Шевардино истехкомини позициянинг чап фланги деб атаган эди. Анча вақтдан кейин, Бородино жанги ҳақида батафсил маълумот ёзганда (беҳато бўлиши керак бўлган бош қўмондоннинг хатоларини оқлаш мақсадида бўлса керак), Шевардино истехкоми олдинги пост хизматини адо қилди (вахоланки, бу фақат чап флангнинг истехком пункти эди), Бородино жанги олдин мўлжаллаб қўйилган позицияда бўлди, деб нотўғри ва ноҳақ гапларни ўйлаб топишди, ваҳоланки, жанг ҳеч ким ўйламаган ва деярли мустаҳкамланмаган ерда бўлди.

Вазият бундоқ бўлган: позиция катта йўлни тиккасига эмас, қия кесиб ўтган Колоча дарёси бўйидан ишғол қилинган бўлиб, натижада чап фланги Шевардино, ўнг фланги Новий қишлоғи ёнида, маркази эса Колоча ва Война дарёлари туташадиган Бородинода бўлган. Смоленск йўлидан Москвага қараб ҳаракат қилаётган душмани тўхтатмоқчи бўлган армия учун Колоча дарёси тўсиб турган бу позициянинг яроғли-яроғсизлиги (жанг қандай юз бергани унутилса) Бородино майдонга қараган ҳар бир киши учун ойнадай равшандир.

Наполеон 24-августда Валуев йўлига чиқиб, русларнинг Утицадан Бородинога қараб кетган позициясини (тарихларда айтилишича) кўрмади (кўриши ҳам мумкин эмас эди, чунки позициянинг ўзи йўқ эди); шунингдек, рус армиясининг олдинги постини ҳам кўрмади ва рус арьергардини таъкиб этиб, руслар позициясининг сўл фланги бўлмиш Шевардино истехкомига дуч келиб қолди, руслар учун ҳеч қутилмаган жойда, кўшинларини Колоча дарёсининг нариги тарафига ўтказди. Руслар катта жанг бошлашга улгурмасдан, ишғол қилмоқчи бўлган позициядан сўл флангдаги аскарларини чекинтириб, ишғол қилишни кўзда тутмаган ва мустаҳкамланмаган мавқени ишғол қилдилар. Наполеон йўлдан сўлроққа, Колоча дарёсининг чап томонига ўтиб олиб, бўлажак жанг маррасини ўнг томондан (руслар томонидан) чап томонга сурди ва жанг майдонини Утица, Семёновск ва Бородино орасидаги майдонга кўчирди (Россиянинг бошқа жойларидан сира фарқи бўлмаган бу жойнинг мавқе бўладиган ҳеч бир фазилати йўқ эди) ва 26-августдаги жанг шу майдонда ўтди.

Тахмин этилган жанг билан содир бўлган жангнинг тахминий режаси шундан иборат:

Агар Наполеон ойнанинг 24-санасида кечқурун Колоча дарёси бўйига келмаса ва дарҳол истехкомга ҳамла қилишни бутормасдан, эртасига эрталаб ҳужум қилса эди, Шевардино истехкоми позициямизнинг чап фланги бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмас эди ва жанг ҳам бизнинг мўлжалимиздагидай ўтар эди. Бундай бўлган тақдирда биз балки Шевардино

истехкомн позициямизнинг чап флангизмизни яна ҳам каттиқроқ муҳофиза қилиб, Наполеонга ё марказдан ва ё ўнг томондан ҳужум қилардик, 24-августдаги катта жанг ўша олдин белгиланган ва мустаҳкамланган позицияда бўларди. Бироқ арьергард қисмларимиз орқага чекингандан сўнг, яъни Гриднева атрофида бўлган жангдан сўнг бизнинг сўл флангизмизга кечкурун ҳужум қилингани ва рус саркардалари 24-августда кечкурун асосий жангни бошлаб юбормаганлиги ва ё улгурмаганлиги натижасида Бородино жангининг асосий ва биринчи даври 24-санасидаёқ ютказилди ва бу ҳол, афтидан, 26-санасида бўлган жангнинг ҳам ютказилишига сабаб бўлди. Шевардино истехком қўлдан кетгандан сўнг 25 да, эрталаб, сўл флангизмиз позициясиз қолди ва биз қанотимизни қайириб, янги мавқе ишғол этиш, наридан-бери уни мустаҳкамлашга мажбур бўлдик.

26-августда рус қўшинлари кучсиз, қурилиб битмаган истехкомлар ҳимоясида қолди, бунинг устига бу вазият шунинг учун ҳам ноқулай бўлдики, рус саркардалари юз берган фактни (сўл флангизмиз позициясиз қолганини ва бўлажак жанг майдони ўнгдан сўлга сурилгани, эътироф қилмасдан Новий кишлогидан Утицагача чўзилиб кетган позицияларида қолавердилар ва натижада жанг маҳалида ўз қўшинларини ўнгдан сўлга ўтказишга мажбур бўлдилар. Шундай қилиб, бутун жанг давомида сўл флангизмизга ҳужум қилган французларга қарши руслар икки баравар заиф бўлган куч билан урушдилар (Понятовскийнинг Утицага, Уваровнинг французларнинг ўнг флангига қарши жанги умумий жанг харакати хорижидаги воқеа эди).

Шундай қилиб, Бородино жанги тарихчилар тасвир қилганидан бошқача бўлган (саркардаларимизнинг хатола-рини ҳаспўшланишга уриниб, тарихчилар рус қўшинлари ва рус халқининг шон-шухратини камситдилар). Бородино жанги француз қўшинлари билан уларга нисбатан сал заиф бўлган рус қўшинлари ўртасида, олдиндан мўлжалланган ва мустаҳкамланган позицияда ўтгани йўқ аксинча, Шевардино истехкомининг қўлдан кетиши натижасида руслар деярли мустаҳкамланмаган, очик жойда, французларга нисбатан

икки баравар заиф бўлган куч билан жанг қилдилар, бу шароитда ўн соат жанг қилиш у ёқда турсин, ҳатто уч соат давомида армияни бутунлай тор-мор бўлиш ва қочишдан сақлаб қолиш амримаҳол эди.

XX

Пьер 25-августда, эрталаб Можайскдан чиқди. Шаҳар йўлидаги каттакон, қингир тепа ён бағрида, ўнг томондаги черков олдида экипаждан тушиб пиёда кетди, одамлар черковда жом чалаётган, ибодат қилаётган эдилар. Пьернинг орқасидан бир полк отлик аскар кўшиқчиларини олдига солиб, баландликдан тушмоқда эди. Қаршисидан эса кечаги жангда ярадор бўлган аскарларни ортган қатор-қатор аравалар чиқиб келмоқда эди. Аравакаш деҳқонлар бақириб, отларни қамчиларкан, араванинг дам у ёғига, дам бу ёғига ўтиб югуришар эди. Ҳар бирида учтадан-тўрттадан ярадор аскарлар ётган ва ё ўтирган, аравалар тош тўшалган йўлдан юқорига чиқаркан, силқинарди. Арава силқитганда латтапутталар билан боғланган, ранглари оқарган, қовоқлари солиқ ярадорлар типни-тишга кўйиб, араванинг четини чангаллар, бир-бирларига урилиб кетар эдилар. Улар Пьернинг оқ шляпаси ва яшил фрагига болаларга хос мароқ билан қарашарди.

Пьернинг кучери ярадорларни олиб бораётган аравакашларга, бир чеккадан юрсаларинг бўлмайдими, деб ўшқирди. Кўшиқ айтиб тепаликдан тушиб келаётган отлик аскарлар полки Пьернинг аравасини қисиб кўйди.

Пьер тепаликни ўйиб қилинган йўлнинг бир чеккасига қисилганча тўхтаб қолди. Тепалик тўсиб тургани учун бу ерга қуёш тушмас, шунинг учун бу ер совуқ, зах эди; Пьернинг боши узра август тонгининг осмони чарақлаб турар, черковдан жом садолари эшитиларди. Ярадорларни ташиётган бир арава йўлнинг четига, Пьернинг ёнгинасига келиб тўхтади. Чипта кавуш кийган аравакаш ҳансираб араванинг олдига келди, темир чамбарсиз орқа гидракларнинг остига тош кўйиб, от абзалини тузата бошлади.

Арава кетидан келаётган кўли боғлиқ бир қари ярадор аскар соғ кўли билан аравани ушлаб Пьерга мурожаат қилди:

– Ҳой, ҳамшаҳар, бизни шу ерга ётқизишадими? Ё Москвага олиб боришадими?

Пьер ўз фикр-у хаёллари билан билан шу қадар банд эдики, аскарнинг сўзини эшитмади. У гоҳ ярадорлар ўтирган қатор араваларга яқинлашиб қолган отлиқ аскарлар полкига, гоҳ ёнидаги аравага – икки ярадор аскар ётган ва бири ўтирган аравага қарар эди. Аравада ўтирган аскарнинг бир юзидан яраланган бўлса керак, боши латта билан ўраб ташланган, бир лунжи боланинг калласидай бўлиб шишиб кетган эди. Оғзи ва бурни бир томонга қийшайган эди. Бу аскар черковга қараб чўқинди. Сочи новвот ранг, нозик юзи опшок, ёшгина бир аскар мулойим табассум билан Пьерга қараб қолди. Учинчи аскар мукка тушиб ётгани учун юзи кўринмасди. Отлиқ аскарлар полкининг қўшиқчилари араванинг ёнгинасидан ўтиб кетишди.

– Оҳ, унинг азиз боши... бегона элларда маҳв ўлди... – деб улар аскарча ўйин қуйидаги ашулани айтмоқда эдилар. Черков жомлари, бошқа оҳангда бўлса ҳам, худди буларга жўр бўлгандай, баландликда жаранглай бошлади. Жазирама куёш рўпарадаги ён бағирнинг чўққисига чарақлаб нур сочиб турарди. Бироқ тепалик ости – ярадорлар ортилган арава, пишқираётган от ва Пьер турган жой зах, қоронғи ва кўнгилсиз эди.

Лунжи шишиб кетган аскар қўшиқ айтаётган отлиқ аскарларга хўмрайиб қараркан.

– Буларнинг олифталигини қара-ю! – деди таъна қилиб.

Араванинг орқасида турган аскар маънос кулимсираб Пьерга деди:

– Аскарлар у ёқда турсин, бугун дехқонларни ҳам ҳайдаб келишяпти. Бу дехқон, бу аскар деган гап қолмади... Бутун халқни жангга солишмоқчи: Москва – ҳазилакам гап эмас. Бир ёғлиқ қилишмоқчи. – Аскарнинг гаплари поймапой бўлса ҳам, Пьер унинг нима демоқчи бўлганини тушунди ва сўзини маъқуллаб, бош ирғаб қўйди.

Нихоят йўл очилди. Пьер йўлга тушиб жўнади.

Пьер таниш-билишларини ахтариб йўлнинг икки томонига қараб бораркан, фақат хилма-хил ҳарбий қисмларга мансуб бўлган нотаниш одамларни кўрар, бу одамлар Пьернинг оқ шляпа ва яшил фракига ажабланиб қарарди.

Тўрт чақиримча юргандан кейин Пьер бир таниш кишини учратди-да, суюниб унга сўз қотди. Бу одам армиядаги докторларнинг бошлиқларидан бири эди. У ёшгина бир доктор билан биргаликда бричкада¹ ўтириб келмоқда эди, Пьерни кўриши биланок кучер ўрнида ўтирган казакни тўхтатди.

– Граф зоти олийлари бу ерда нима қилиб юрибдилар?
– деб сўради.

– Ҳа, бир кўрай деб келган эдим...

– Дуруст-дуруст, кўришга арзийди...

Пьер экипаждан тушиб, доктор билан гаплашиб қолди ва жангда иштирок этиш нияти борлигини айтди.

Доктор Безуховга аъло ҳазрат – бош кўмондонга учрашишни маслаҳат берди.

– Уруш вақтида бунақа юриб бўлмайди, қаерга боришингизни ўзингиз ҳам билмайсиз, – деди доктор шериги билан кўз уриштириб олгач, – ҳар қалай, аъло ҳазрат сизни танийдилар ва яхши қабул қиладилар. Шундай қилганингиз маъқул, зоти олий, – деди доктор.

Доктор чарчаган ва шошаётганга ўхшарди.

– Ҳали шундай денг... мен ҳали сиздан позициямиз қаерда эканлигини сўраб олмоқчи эдим, – деди Пьер.

– Позициями? – деди доктор. – Лекин бу соҳага менинг алоқам йўқ. Татариноводан ўтганда кўрасиз: одамлар жуда кўп хандақ казишяпти. Ўша ерда, тепаликка чиқсангиз кўринади, – деди доктор.

– Ўша ердан кўринади дейсизми?.. Агар сиз...

Бироқ доктор Пьернинг сўзини бўлиб, бричкага томон бурилди.

– Мен-ку сизни кузатиб кўярдим-а, лекин азбаройи

¹ Бричка – тўрт гилдиракли узун, усти очик енгил арава.

худо, ишим бошимдан ошиб ётибди. Корпус командири хузурига кетяпман. Биласизми, ахволимиз қандай? Эртага жанг бўлади, граф, юз минг аскардан кам деганда йигирма мингтаси ярадор бўлади, аммо биздаги замбил, қаравот, фельдшер¹ ва доктор олти минг кишига ҳам етмайди. Ўн мишга арава топдик, лекин фақат бу билан иш битмайди, нима қилишни билмай қолдим.

«Менинг шляпам ва фракимга кулиб, қизиқсиниб қараган ўша мингларча соғлом, ёш ва қари кишилардан наҳотки йигирма мингтаси ярадор бўлиш ва ўлишга маҳкум бўлса», – деган ажиб бир фикр Пьерни хайратга солди.

«Улар, балки, эртага халок бўлишади, нега ўлимни ўйламасдан, бошқа нарсаларни ўйлашади?» Фикрларнинг бир-бирига боғланиши туфайли тўсатдан Можайск тепалигининг ён бағрини, ярадор ортилган аравалар, черков жомининг садолари, куёшнинг қия нури ва отлиқ аскарларнинг кўшиги унинг тасаввурида жонланиб кетди.

«Отлиқ аскарлар жангга боришяпти, ярадорларга дуч келганда, ҳолимиз нима бўларкин, деб бир дақиқа ҳам ўйлашмайди, аксинча, уларга кўз кисиб, бепарво ёнларидан ўтиб кетишди. Ваҳоланки, булардан йигирма минги ўлимга маҳкум. Тагин улар менинг шляпамга қараб таажжубланишади-я! Қизиқ!» – Пьер Татариновога қараб бораркан, шуларни хаёлидан кечирар эди.

Йўлнинг чап томонида, бир помешчикнинг ҳовлиси олдида экипажлар, фургонлар, бир гала деншик ва коровулар турар эди. Аъло хазрат шу ерда тўхтаган экан. Лекин Пьер келган вақтда аъло хазрат ҳам, штаб ходимларидан ҳам дээрли ҳеч ким йўқ эди. Ҳамма черковда муножот қилмоқда эди. Пьер тўхтамасдан олға қараб кетди.

Тепаликка чиқиб, кишлоқнинг кичкина бир кўчасига киргандан сўнг биринчи мартаба дехқонлардан тузилган халқ лашкарларини кўрди; улар телпақларига хоч такқан, эгниларида оқ кўйлақ, ғовур кўтариб, хахолашиб йўлнинг

¹ Фельдшер (немисча: Feldsherer – жарроҳ; ҳарбий қисм сартароши) – ўрта тиббий маълумотга эга бўлган тиббиёт ходими, врач ёрдамчиси.

сўл томонида, ўт босиб кетган каттакон тепаликда терга пишиб ишлаётган эдилар.

Бири белжурак билан тепаликни қазир, иккинчиси замбил-ғалтакни тахта устидан юргизиб тупроқ ташир, учинчиси бекор турар эди.

Икки офицер тепаликда уларга амр-фармон бериб турар эди. Ўзларининг янги ҳарбий вазиятларидан хурсанд бўлаётгандай кўринган бу деҳқонларни кўргач, Пьер яна Можайск йўлида учратган ярадор аскарларни эслади ва аскарнинг бутун халкни жангга солишмоқчи деган сўзининг маъносини англади. Ғалати кўпол этик кийган, бўйинлари терлаган, баъзи бирларининг очик ёқасидан офтобда қорайган ўмров суяклари кўриниб турган бу серсокол деҳқонларнинг жанг майдонида ишлаётгани Пьерга ҳозирги дақиқанинг улуғворлиги, муаззамлиги ҳақида шу маҳалгача эшитган ва кўрганларидан кўра кўпроқ таъсир қилди.

XXI

Пьер экипаждан тушди-да, ишлаётган халқ лашкарларининг ёнидан ўтиб тепаликка чикди, докторнинг айтишига кўра жанг майдони шу ердан кўринар эди.

Эрта билан соат ўн бир. Офтоб сўлроқда, Пьернинг орқароғида бўлиб, унинг нурлари соф ва бегубор хавода буюк амфитеатр¹ шаклида юксала бораётган ердаги манзарани ёритиб турарди.

Шу амфитеатрнинг юқорироғи, сўл томонини кесиб ўтган катта Смоленск йўли тепалиқдан беш юз қадам нарироқда, пастда ётган оқ черковли қишлоқдан (бу Бородино эди) иланг-биланг бўлиб ўтиб кетарди. Бу йўл қишлоқ яқинидаги кўприқдан ўтар, паст-баландликлардан илон изи шаклида юқорига кўтарилиб, олти чақирим масофадан кўриниб турган Валуев қишлоғига кириб кетарди (Наполеон

¹ Амфитеатр (юнонча; икки томонлама томоша) – 1) қадимги Юнон ва Римда оммавий томошалар, театр спектакллари кўрсатишган маҳобатли бино; 2) томоша зали (театр, цирк) даги ёки аудиториядаги ярим доира шаклида қия кўтарилиб борувчи ўриндиқлар.

шу ерда турган эди). Йўл Валуев кишлоғидан чикқач, уфқда саргайиб кўринган ўрмонзорга кириб, кўздан ғойиб бўларди. Қайин ва арча ўсган бу ўрмонзорда, йўлнинг ўнг томонида, Колоцкий монастирининг хоч ва жомхонаси узоқдан куёш нурида яркираб турарди. Мана шу уфқ билан туташган кўм-кўк майдонда, ўрмон ва йўлнинг ўнг-сўлида, ҳар ер-ҳар ерда тугаб турган гулханлар, бизгами, душмангами тааллуқли эканини билиб бўлмайдиган гуруҳ-гуруҳ кўшинлар кўриниб турар эди. Колоча ва Москва дарёларининг ўнг томони дара ва тепаликдан иборат эди. Даралар орасидан узоқдан Беззубово, Захарьино кишлоклари кўзга чалиниб турар эди. Чап томон бир қадар текислик бўлиб, буғдойзорлар, ўт қўйилган ва ҳанузгача тутаётган битта кишлок – Семёновская кишлоғи кўриниб турар эди.

Ўнг ва сўл томонда кўзга ташланиб турган майдон Пьерга шу қадар ноаниқ кўринардикки, на ўнг томон, на сўл томон унинг тасаввурига тўғри келмас эди. Жанг майдонини кўрмоқчи бўлиб келган Пьер ҳамма ерда далалар, ўтлоқлар, қўшинлар, ўрмонлар, гулханларнинг тутуни, кишлоклар, тепаликлар, сойларни кўрди, Пьер нақадар диққат билан қарамасин, кўз олдидаги майдонда у ҳеч қандай позициядан асар тополмади, ҳатто қўшинларимизни душман қўшинидан ажратолмади.

Пьер: «Биладиган одамлардан сўраш керак», – деб ўйлади ва ўзининг йўғон, ҳарбийларнинг қоматига ўхшамаган сумбатига кизиқсиниб қараётган офицерга юзланди:

– Мумкинми, – деди Пьер офицерга қараб. – Ҳу анави қайси кишлок?

– Бурдиноми, нима эди? – деди офицер ҳамроҳига қараб.

Ҳамроҳи унинг хатосини тузатиб: – Бородино, – деди.

Офицер гаплашгани одам топилиб қолганидан суюниб кетди, шекилли, Пьерга яқинроқ келди.

– Ҳу анавилар бизникиларми? – деб сўради Пьер.

– Ҳа, нарироқда турганлар эса французлар, – деди офицер, – ҳу, ана, кўриниб турибди.

– Қани, қани? – деб сўради Пьер.

– Дурбинсиз бахузур кўриш мумкин. Ху, ана! – офицер дарёнинг сўл томонидан чиқаётган тутунга ишора қилди ва унинг юзи шу он жиддий қахрли тусга кирди. Пьер учратган одамларнинг авзойи шунақа эди.

– Ие, французлар шуларми? Ана улар-чи? – Пьер сўл томондаги тепаликни кўрсатди: у ерда кўшинлар турган эди.

– Булар бизникилар.

– Э, бизникиларми! Ана улар-чи? – Пьер азим туп дарахт ўсган бошқа бир узоқ тепаликни кўрсатди, дарадан кўриниб турган қишлоқнинг ёнидаги бу тепаликдан ҳам тутун чиқиб турар ва алланималар қорайиб кўринар эди.

– Булар ҳам ўшалар, – деди офицер (бу Шевардино истехкоми эди). – Кеча бизники эди, бугун уларга ўтди.

– Ахир бизнинг позициямиз қаёқда қолди?

– Бизнинг позициямизми? – деди офицер мамнуният билан жилмайиб. – Мен буни сизга батафсил гашириб беришим мумкин, чунки истехкомларимизнинг деярли ҳаммасини ўзим қурганман. Мана, кўряпсизми, марказимиз бу ерда – Бородинода, – у ок черкови кўринаётган рўпарадаги қишлоққа ишора қилди. – Колоча дарёсининг кечуви ана шу ерда. Мана бу ерда, кўряпсизми, пичан тахлаб қўйилган пастликда кўприк бор. Шу ер бизнинг марказимиз бўлади. Ўнг флангимиз эса ана у ерда (у ўнг томонга, узоқдан кўринаётган дарага ишора қилди). Москва дарёси ўша ердан ўтади ва биз у ерда учта кучли истехком қурганмиз. Сўл қанотимиз... – офицер қандай қилиб тушунтиришни билмай тўхтаб қолди. – Биласизми, буни сизга тушунтириш қийин... Бизнинг сўл қанотимиз кеча Шевардинода эди, ху ана, дуб дарахтини кўряпсизми, ўша ерда – Шевардинода эди; ҳозир чап қанотимизни оркарокқа қайирдик, сўл флангимиз ана у ерда, тутун чиқаётган қишлоқни кўряпсизми? Бу Семёновская қишлоғи (у Раевский тепалигини кўрсатди), чап флангимиз ҳозир шу ерда. Лекин жанг шу ерда бўлишига ақлим бовар қилмайди. Наполеон қўшинини шу ерга олиб келди дейишларига ишонмайман; бу бир алдов; у Москва дарёсининг ўнг томонидан айланиб ўтса керак. Гапнинг кискаси шуки, уруш қаерда бўлмасин эртага жуда кўп

кишининг ёстиги қурийди – деди офицер.

Сухбат вақтида офицер олдига келган кекса унтер-офицер, бошлиғининг гапи тамом бўлишини кутиб индамай турган эди, бироқ сухбат шу ерга етганда, офицернинг сўзи унга маъқул бўлмади, шекилли, гапини бўлди.

– Тупроқ тўлдирган саватлар тамом бўлди, бориб олиб келиш керак, – деди жиддий тарзда.

Офицер эртага неча кишининг ёстиги қуришини ўйлаш мумкин бўлса ҳам, бу ҳақда гапириш ошқоча эканлигини англаб хижолат чеккандай бўлди.

– Ҳа, майли, тагин учинчи ротани юбора қол, – деди офицер шошиб.

– Сиз ким бўласиз, докторми?

– Йўқ, мен шундай, ўзим, – деди Пьер. – У ишлаётган халқ лашкарлари ёнидан ўтиб пастликка тушиб кетди.

Пьернинг кетидан келаётган офицер ишлаётган дехқонларнинг олдидан бурнини бекитиб, югуриб ўтаркан:

– Ҳе, лаънатилар! – деди.

– Ана улар!.. Олиб келишяпти... Ана... Ҳозир чиқишади... – деган товушлар эшитилди-ю, офицерлар, аскарлар ва халқ лашкарлари олдинга югуришди.

Бородинодан бошланган диний юриш маросими тепалик этагидан чиқиб келмоқда эди. Ҳаммадан олдин, чанг йўлдан пиёда аскарлар саф тортиб келмоқда, улар шапкаларини бошларидан олган, милтиқларининг оғзини ерга қаратган эди. Пиёда аскарларнинг орқасидан черков ҳофизларининг товуши эшитилиб турарди.

Шапкаларини бошларидан олган халқ лашкарлари билан аскарлар Пьердан ўзиб, намоёнчиларга қараб югуришди.

– Биби Марям онамизни олиб келяптилар! Пупуг-у паноҳимизни олиб келяптилар!.. Иверскаядаги иконани олиб келяптилар!

– Смоленскдаги Биби Марямни! – деб бири унинг хатосини тузатди.

Қишлоқда ва тўп олдида ишлаётган халқ лашкарлари, белкуракларини отиб юбориб, диний маросим истиқболига

югуришди. Чанг йўлдан келаётган батальоннинг кетидан заррин ридо кийган поплар, кулоҳ кийган бир чол, бир неча руҳоний ва ҳофизлар эргашган. Буларнинг кетидан аскар ва офицерлар юзи қоп-қора қилиб чизилган Биби Марямнинг каттакон суратини кўтариб келмоқда. Бу икона Смоленскдан олиб чиқилган бўлиб, ўшандан бери уни армиянинг кетидан кўтариб юришарди. Суратнинг кетида, олдида, атрофида югуриб келаётган бош яланг ҳарбий кишилар икки букилиб таъзим қилмоқда эди.

Тепаликка чиққандан сўнг икона кўтарганлар тўхтади. Уни сочиқ билан ушлаб келаётган кишилар алмашинди; дьячоклар яна исирикдон ёқишди; ибодат бошланди. Қуёшнинг иссиқ шуъласи тик тушиб турар, майин шабада бош яланг кишиларнинг сочини, иконани безаган ленталарни хилширатар, ибодатхона ҳофизларининг хониши очик ҳавода сал-пал эшитиларди. Офицер, аскар ва халқ лашкаридан иборат катта оломон иконани қуршаб олганди. Поп ва дьячокнинг орқасида мансабдорлар турарди. Попнинг орқасида, бўйнига «Георгий нишони»ни таққан бир тепакал генерал чўқинмасдан (немис бўлса керак) сабр қилиб ибодат тамом бўлишини кутарди, афтидан, у рус халқининг ватанпарварлик ҳиссини уйғотмоқ учун ибодатга қулоқ солишни зарур деб биларди. Бошқа бир генерал ғоз туриб, кўлини кўкси устида силкитар ва атрофга қараб кўярди. Дехконлар орасида турган Пьер бу мансабдорлар ичида танишларини кўриб қолди, лекин уларга эътибор қилмади; унинг бутун диққат-эътибори Биби Марямнинг суратига ихлос билан қараётган аскар ва халқ лашкарларининг жиддий юзларида эди. Мажоллари қолмаган дьячоклар (улар йигирманчи муножотни ўқиётган эди) эриниб ва одатдагича ҳафсализлик билан: «Бандаларингга нажот бер, Биби Марям» деб бошлаши биланок поп ва дьякон: «Биз фақат сенга сиғинамиз, ўз паноҳингда сақла», деб жўр бўлишарди, яна ҳамма юзларда бу ҳодисанинг муаззамлигига тан бераётган ифода пайдо бўлди (шу ифодани Пьер Можайск тепалигига чиқаётганда, шу бугун эрталаб учратган кўп кишиларнинг юзида кўрган эди); борган сайин бошлар куйи эгилди, сочлар

хурпайди, ох-у вох ва кўкракка урилаётган хочларнинг садоси эшитила бошлади.

Иконани қуршаб олган халойиқ тўсатдан икки томонга чекиниб, Пьерни қисиб қўйди. Одамларнинг шошиб-пишиб йўл бўшатганига қараганда жуда мўътабар бўлган бир киши икона олдига келаётган эди.

Бу одам Кутузов эди, у позицияни айланиб юрган эди. Татарини қишлоғига қайтаётиб Кутузов ибодат қилаётганларнинг олдига келди. Пьер дарҳол Кутузовни таниди, чунки унинг гавдаси бошқа кишиларнинг гавдасидан бошқача эди. Катта ва йўғон гавдасига узун сюртук кийган, хиёл букчайган, оппоқ боши очик, юзи шишинқираган, оқиб тушган кўзи оқариб кўринган Кутузов, одатдагича лапанглаб, энгашиброқ қадам ташлаб, давра ичига кирди-да, попининг орқасига бориб турди. У одат бўлиб қолган бир ҳаракат билан чўкиниб, кўлларини ерга тегизди ва оғир хўрсиниб сочлари оппоқ бошини эгди. Кутузовнинг кетида Бенигсен ва мулозимлар турар эди. Бутун олий рутба эгаси бўлган кишиларнинг диққатини жалб қилган бош кўмондон шу ерда турган бўлса ҳам, халқ лашкарлари билан аскарлар унга қарамасдан ибодат қилар эдилар.

Ибодат тамом бўлгандан сўнг Кутузов икона олдига келди, гурс этиб тиз чўкиб ерга бош эгди ва гавдасининг оғирлиги ҳамда дармони йўқлигидан, ҳарчанд уринса ҳам, ўрнидан туролмади. Кучанишдан унинг оппоқ боши калтирар эди. Ниҳоят ўрнидан турди-да, маъсум гўдакдай лабини чўзиб, иконани ўпди ва яна кўллари ерга теккунча энгашди. Ундан кейин генераллар иконани ўпишди; улардан кейин офицерлар, булардан сўнг халқ лашкарлари билан аскарлар, бир-бирларини босиб, итариб, хансираб, ҳаяжонланиб икона томон интилишди.

XXII

Пьер тикилинчда ўзини ҳар ёққа ташлаб атрофга қаради.

— Граф, Пётр Кириллич! Бу ерда нима қилиб юрибсиз? — деган бир овоз эшитилди. Пьер қайрилиб қаради.

Борис Друбецкой, тиззасини кўли билан арта-арта табассум билан (иконани ўпаман деб тиз чўкиб, ифлос қилган бўлса керак) Пьернинг олдига келди. Борис башанг кийинган, у походдаги ботирлар киёфасида эди. У Кутузовга ўхшаб узун сюртук кийган, камчининг тасмасини елкасига ташлаб олган эди.

Бу орада Кутузов қишлоққа етди ва кираверишдаги бир уйнинг олдида, сояда тўхтади. Бир казак югуриб ўриндик олиб келди, бошқа бири шошиб-пишиб ўриндик устига гилам ташлади. Кутузов ўтирди. Бир тўда ҳашаматли мулозимлар бош кўмондонни қуршаб олишди.

Оломон икона кўтариб, олга қараб юрди. Пьер Кутузовдан ўттиз кадамча берида Борис билан гаплашиб қолди.

Пьер жангга қатнашиш ва позицияни бориб кўриш ниятида эканлигини Борисга айтди.

– Жуда яхши, – деди Борис, – мен лагерни томоша қилдираман. Сиз граф Бенигсен турган жойга борсангиз, ҳамма ёқни бахузур кўрасиз. Мен унинг ҳузурида хизмат қиламан. Сизнинг тилагингизни унга айтаман. Агар позицияни кўрмоқчи бўлсангиз, биз билан юринг: биз ҳозир сўл флангга боряпмиз. Қайтиб келгандан сўнг меникига ташириф буюринг, тунаб қоласиз, бирга карта ўйнаймиз. Сиз Дмитрий Сергеевич билан танишсиз-а? У киши мана шу ерда. – Борис тепалиқдаги учинчи ҳовлига ишора қилди.

– Аммо мен ўнг флангни кўрмоқчи эдим, жуда мустаҳкам фланг дейишади, – деди Пьер. – Мен Москва дарёсидан бошлаб бутун позицияни айланиб чиқмоқчи эдим.

– Буни кейин кўрсангиз ҳам бўлади, муҳими сўл фланг..

– Маъкул, маъкул. Князь Болконскийнинг полки қаердайкин, билмайсизми? – деб сўради Пьер.

– Андрей Николаевичми? Биз унинг ёнидан ўтиб кетамиз, сизни унинг олдига олиб қираман.

– Сўл фланг қай аҳволдайкин? – деб сўради Пьер.

– Гапни ростини айтсам – гап орамизда қолсин – сўл фланг қай аҳволда эканлигини худонинг ўзи билади, – деди секин Борис сирини айтаётгандай. – Граф Бенигсеннинг мўлжали тамоман бошқача эди. У ҳу анави кўриниб турган

тепаликни мустаҳкамлаш ниятида эди... бироқ, – Борис елкасини қисди, – аъло ҳазрат кўнмадилар ё у кишига бўлмаган гапларни бориб айтишгандир. Ахир... – Борис сўзини тамомламади, чунки шу пайт Кутузовнинг адъютанти Кайсаров Пьернинг олдига келди. – А! Паисий Сергеич, – деди Борис бетакалуф табассум-ла Кайсаровга юзланиб. – Мен позицияни графга тушунтиряпман. Қандай қилиб аъло ҳазрат французларнинг ниятидан вокиф бўлганларига ажабланасан киши!

– Сўл флангни айтяпсизми? – деди Кайсаров.

– Балли, балли. Сўл флангимиз ҳозир жуда-жуда мустаҳкам.

Ҳамма ортиқча кишиларни Кутузов штабдан ҳайдаган бўлса ҳам, Борис йўлини топиб, Кутузов амалга оширган ўзгаришлардан сўнг ҳам штабда қолди. У граф Бенигсеннинг қўл остида хизмат қиларди. Граф Бенигсен ёш князь Друбецкойни баҳоси йўқ одам деб биларди (Борис кимнинг қўл остида ишламасин ҳамма уни бебаҳо одам деб биларди).

Армияга раҳбарлик қиладиган кишилар орасида бири-биридан ажралиб турадиган икки муайян гуруҳ бор эди, бири Кутузов гуруҳи, иккинчиси штаб бошлиғи Бенигсен гуруҳи эди. Борис мана шу сўнгги гуруҳга мансуб эди. Борис лаганбардорлик қилиб, Кутузовни кўкларга кўтаришга ҳам уста, хонаси келганда, чол ҳеч балони билмайди, ҳамма ишни Бенигсен қилиб юрибди, деб уни камситишга ҳам моҳир эди. Ҳозир жангнинг ҳал қилувчи пайти келган. Бу жанг ё Кутузовни ер билан яксон қилиб, ҳокимиятни Бенигсен қўлига топшириши керак, ёки Кутузов ютиб чиққан тақдирда, ҳамма ишни Бенигсен бажарган қилиб кўрсатиш керак эди. Ҳар ҳолда, эртанги кун учун катта мукофотлар берилиши ва кўп янги кишилар юзага чиқиши аниқ эди. Шунинг учун ҳам Борис қуни бўйи ўзини қаерга қўйишини билмай жонсарақ бўлиб юрди.

Пьернинг олдига Кайсаровдан кейин бир неча таниш кишилари келди ва Москва ҳақида саволлар ёғдира бошлашди. Пьер улар берган сон-саноксиз саволларга жавоб қайтаришга ҳам, айтаётган гапларига қулоқ солишга ҳам улгур-

май колди. Ҳамманинг юзида ташвиш ва ҳаяжон ифодаси бор эди. Бироқ, Пьернинг назарида, баъзи бир кишиларнинг юзидаги ҳаяжон шахсий обрў қозонишга интилишнинг ифодасидай кўринди, бошқа одамларнинг юзида кўрган ҳаяжони ифодаси Пьернинг кўз ўнгидан сира кетмасди, у шахсий ҳаётлари эмас, балки умумий ҳаёт-мамонт масаласидан ташвишланаётганларидан дарак берар эди. Кутузов Пьерни, унинг олдида тўпланган одамларни кўриб колди.

– Чақиринг уни бу ёққа, – деди Кутузов. Адъютант аъло ҳазрат уни кўришни истаётганини айтди. Пьер Кутузов ўтирган ўриндиқ томон йўл олди. Бироқ Пьердан олдин Кутузов ҳузурига халқ лашкарларидан бири етиб келди, бу одам Долохов эди.

– Бу қаердан пайдо бўлди? – сўради Пьер.

– Бу шундай учарки, юлдузни бенарвон уради! – дейишди унга. – Офицерлик унвонидан уни маҳрум қилишган эди, энди йўлини топиб мансабга минмоқчи. Аллақандай лойиҳалар тавсия қилиб юрибди, кечаси душман ўрнашган жойни билиб қайтиб келди. Лекин довжорак йигит!..

Пьер пляпасини бошидан олиб Кутузовга эҳтиром билан бош эгди.

– Мен шу қарорга келдимки, агар сиз, аъло ҳазратга маълум қилсам, мени ҳайдаб юборишингиз ёки нима демоқчи эканлигингни биламан дейишингиз мумкин, унда мен... – деди Долохов.

– Ҳм... ҳм...

– Агар сўзим рост бўлса, ватанга хизмат қилган бўлман, мен ватан йўлида ўз жонимни қурбон қилишга тайёрман.

– Ҳм... ҳм...

– Агар сиз аъло ҳазратга жонини аямайдиган киши керак бўлиб қолса, илтифот қилиб, мени эсланг... Балки, сиз аъло ҳазратнинг хизматларига яраб қоларман.

– Ҳм... ҳм, – деди Кутузов кулгидан қисилиб кетган кўзлари билан Пьерга қараб.

Шу он Борис сарой аҳлларига хос бир чаққонлик билан катталарга яқинроқ ерга – Пьернинг ёнига бориб турди-да,

бошлаган гапани давом эттираётгандай табиий бир оҳанг-ла Пьерга секин деди:

– Халқ лашкарлари ўлимга тайёр бўлиш учун тоза ва оқ кўйлак кийиб олишибди. Қаҳрамонликни кўринг-а, граф!

Борис, афтидан, бу сўзни аъло ҳазрат эшитсин деб айтган эди, Кутузов бу сўзга эътибор беришини Борис биларди: дарҳақиқат, аъло ҳазрат унга юзланди.

– Халқ лашкари ҳақида бир нима дедингми?

– Улар эртанги кунга, ўлимга ҳозирлик кўриб, оқ кўйлак кийишибди, аъло ҳазрат.

– Ҳа!.. Ажойиб, мисли йўқ халқ! – деди Кутузов ва кўзларини юмиб, бош чайқади. – Мисли йўқ халқ! – деди у яна хўрсиниб.

– Пороҳ ҳидини ҳидламоқчимисиз? – деди Пьерга. – Ҳм, хушбўй хид. Рафиқангизга мухлис бўлиш шарафига нойил бўлганман. Эсон-омонмилар? Менинг манзилгоҳимга ташриф буюрсинлар. – Кутузов худди қиладиган иши ва гапирадиган гапани унутиб кўйгандай, кексаларга хос паршон-хотирлик билан атрофга жаланглади.

Сўнгра кидираётган нарсаси эсига тушди, шекилли, ўз адъютантининг акаси – Андрей Сергеевич Кайсаровни имлаб чақирди.

– Ҳа, айтгандай, Марьянинг шеъри қанақа эди? Гераковга: «Корпусга муаллим бўласан» деб ёзган эди-ку. Ўқи, ўқиб бер, – деди Кутузов, афтидан, кулмоқчи бўлиб. Кайсаров ўқиб берди... Кутузов ишшайиб, шеър мақомига бошини қимирлатиб турди.

Пьер Кутузовнинг олдидан нарироқ кетганда Долохов унинг ёнига келиб, қўлидан ушлади. У бегона кишилар қараб турган бўлса ҳам, сира тортинмасдан, қатъият билан дабдабали қилиб:

– Сизни бу ерда учратганимдан беҳад хурсандман, граф, – деди баланд овоз билан. – Шундай бир куннинг арафасида учрашпмизки, қайси биримизга тирик қолиш насиб бўлганини худонинг ўзи биледи, шу нарсани сизга айтгани фурсат топилганидан мен хурсандман, орамизда юз берган ўша англашилмовчиликларга афсусланаман ва менга нисбатан

кўнглингизда кек сақламаслигингизни истайман. Илтимос киламан, мени кечиринг.

Пьер нима дейишини билмасдан Долоховга жилмайиб қараб турар эди. Кўзларига ёш олган Долохов Пьерни кучоклаб ўпди.

Шу он Борис ўз генералига бир нима деб пичирлади, граф Бенигсен Пьерга юзланиб, фронт маррасини бирга айланиб келишни таклиф қилди.

– Бир кўриб кўйинг, – деди у.

– Ҳа, албатта, – деди Пьер.

Ярим соатдан сўнг Кутузов Татаринов кишлоғига жўнаб кетди, Бенигсен эса ўз мулозимлари билан бирга Пьерни ҳам олиб фронт маррасига жўнади.

XXIII

Бенигсен Горкадан катта йўл билан кўприкка тушди, бу кўприк офицер Пьерга тепаликдан туриб позициянинг маркази шу деб кўрсатган кўприк эди. Қирғоқда ўриб қатор қилиб ётқизилиб кўйилган пичан хиди анқиб турган ўт ётарди. Кўприкдан ўтгач, улар Бородино кишлоғига қараб йўл олишди, у ердан сўлга бурилиб, сон-саноксиз кўшин ва тўпларнинг ёнидан ўтиб, тепаликка чиқишди, бу ерда халқ лашкари аскарлари хандак қазимокда эди. Бу жойга ҳали ном кўйилмаган, кейинчалик Раевский истехкоми ё тепалик батареяси деб ном олган истехком шу эди.

Пьер бу истехкомга унчалик эътибор қилмади. Бу жой Бородино жанг майдонидаги бошқа жойлардан кўра кўпроқ хотирида қолишини ҳали билмас эди. Кейин жарликдан ўтиб, Семёновский кишлоғига кетишди, бу ерда аскарлар уй ва омборларнинг сўнгги ёғочларни олиб кетишмоқда эди. Улар қияликдан тушиб, тепаликка чиқишди, худди дўл ургандай ер билан битта бўлиб ётган қора буғдой ичидан юриб, батарея очган йўл орқали флешга¹ чиқишди, бу ҳам нариги истехком каби ҳали тайёр эмасди.

¹ Флеш – истехкомнинг бир тури.

Бенигсен флешлар устида тўхтаб, олдинга – кеча бизники бўлган Шевардино истехкомига қаради. Истехком устида бир неча отлик юрган эди. Офицерларнинг гапига қараганда Наполеон ё Мюрат ўша ерда эди. Ҳамма диққат билан шу суворийларга қаради. Пьер ҳам қораси кўриниб турган бу кишиларнинг қайси бири Наполеон бўлса экан, деб сирғичлаб қаради. Ниҳоят, суворийлар тепалиқдан тушиб, кўздан ғойиб бўлишди.

Бенигсен олдида келган бир генералга юзланиб, барча кўшинларимизнинг вазиятини тушунтира кетди. Пьер бўлажак жангнинг моҳиятини тушунмоқчи бўлиб Бенигсеннинг сўзларига бутун диққати билан қулоқ солди, бироқ зехний қобилияти бу масалага ожизлик қилишини сезиб, афсусланди. У ҳеч нарса англолмади. Бенигсен гапдан тўхтади, Пьернинг қулоқ солаётганини пайқаб, бирдан унга юзланди:

– Бу масаланинг сизга қизиғи бўлмаса керак, – деди.

– Аксипча, мен жуда қизиқаман, – деди Пьер гапи унчалик рост бўлмаса ҳам.

Флешдан улар қалин, лекин унчалик баланд бўлмаган қайинзорни кесиб ўтган иланг-биланг йўл билан юриб, яна сўлроққа бурилишди. Ўрмонзорнинг ўртасида кўнғир, оёқлари оппоқ бир қуён буларнинг олдида чикиб қолди-ю, сон-саноксиз отларнинг дупуридан хуркиб, шу қадар гангиб қолдики, ҳамманинг диққатини жалб этиб ва кулгисини қистатиб, узоқ вақт йўл бўйлаб ирғишлаб кетди ва ниҳоят бир неча киши қийқиргандан сўнг ўрмонга уриб, кўздан ғойиб бўлди. Ўрмон оралаб икки чакиримча юргандан сўнг улар бир ялангликка чиқишди, бу ялангликда Тучков корпусининг кўшинлари турган бўлиб, сўл флангни шулар ҳимоя қилиши керак эди.

Бенигсен бу ерда, сўл флангнинг четида тўхтаб, қизишиб узоқ гапирди. Пьернинг назарида, ҳарбий жиҳатдан муҳим бўлган фармонлар бераётгандек эди. Тучков ўз кўшинлари ишғол қилган ернинг рўпарасида бир тепалик бўлиб, бу тепаликни кўшин ишғол қилмаган эди. Бенигсен ҳамма ёқ кафтдай кўринадиган шундай тепаликни ишғол қилмай, кўшинни унинг этагига жойлаштириш ақлга тўғри

келмаган иш деб Тучковнинг хатосини балад овоз билан танкид қилди. Баъзи бир генераллар Бенигсеннинг бу фикрини қувватладилар. Генераллардан бири ҳарбийларга хос қизғинлик билан бизни нақ ўлимга рўпара қилиб қўйишди, деди. Бенигсен ўз номидан кўшинларни тепаликка жойлаштиришни буюрди.

Пьер сўл франгда берилган бу фармонларни эшитиб ҳарбий ишни англашга сира лаёқати йўқ эканлигига яна ҳам кўпроқ ишонч ҳосил қилди. У кўшинларнинг вазиятини танкид қилаётган Бенигсен билан генералларнинг сўзини эшитиб, уларнинг мақсадини англади ва фикрларига қўшилди, бироқ айни замонда кўшинларнинг тепалик этагига жойлаштирган кишининг бу тарика шубҳасиз ва дағал хатога йўл қўйганини сира англай олмас эди.

Бироқ бу кўшинлар Бенигсен ўйлагандай позицияни мудофаа қилиш мақсадида эмас, балки ҳаракат қилаётган душманга кўққисдан ҳамла қилиш учун пистирма қилиб қўйилганини Пьер билмас эди. Бенигсен буни билмас эди, у бош қўмондонга маълум қилмасдан, бошқа бир мулоҳаза билан кўшинларни олға силжитди.

XXIV

25-августнинг бу мусаффо оқшомида князь Андрей ўз полки ишғол қилган мавқенинг флангида бўлган Князьково қишлоғида, бузилган бир омборхонада ёнбошлаб ётган эди. У омборнинг тирқишидан, девор бўйлаб қатор экилган ва пастки шохлари буталанган ўттиз яшар қайин дарахтларига, сули ғарамлари қаторлашиб турган далаларга, аскар ошхонасининг тутуни кўринаётган бутазорга қараб ётарди...

Шу тобда князь Андрейнинг назарига ҳаёти нақадар ошиқча, оғир ва ҳеч кимга кераксиз кўринса-да, бундан етти йил муқаддам Аустерлиц жанги арафасидаги сингари ҳаяжонли ва асабий ҳолатда эди.

Эртага бўладиган жанг ҳақида буйруқ берилган ва князь Андрей бу буйруқни олган. Унинг қиладиган бошқа иши йўқ. Бироқ энг оддий ва равшан бўлгани учун ҳам мудҳиш

бўлган фикрлар унга тинчлик бермас эди. Эртага бўладиган жанг иштирок қилиб келган барча жангларидадан мудхшироқ бўлишини князь Андрей биларди. Умрида биринчи мартаба ҳалок бўлиш эҳтимоли, оддий тирикчиликка ҳеч бир алоқаси бўлмаган, бошқаларга қандай таъсир қилиши ҳақида ўйлаб ўтиришнинг кераги бўлмаган, фақат ўзига, ўз қалбига оид бир масаладай унинг тасавурида оддий ва мудхши тарзда гавдаланди. Шу дамгача уни қийнаган ва ҳаёлини банд қилган ҳамма нарса мана шу тасаввур чўққисидан ок совуқ нур билан дафъатан ёришиб кетгандай, кўланкасиз, манзарасиз, белгисиз бир нарсага айланди қолди. Унинг бутун ҳаёти сеҳрли фонусдай туюлди: шу дамгача у ҳаётини шу фокус ёруғида кўриб келган экан. Энди кўз ўнгидан мана шу фокус тўсатдан йўқолди-ю, кун ёруғида беўхшов ҳаёт манзарасини бутун борлигича кўрди. Мени хаяжонлантирган, мафтун этган, изтироб чектирган ўша сохта образлар мана шулар, дер эди князь Андрей сеҳрли фонус ёруғида кўрган асосий ҳаёт манзараларини ўз тасавурида гавдалантираркан, уларга ўлим ҳақидаги равшан фикр билан қараб. – Мана, гўзал ва сирли бўлиб кўринган ўша беўхшов кимсалар! Шухрат, жамиятдаги мавқе, хотин кишига бўлган муҳаббат, ватаннинг ўзи – буларнинг ҳаммаси ўз вақтида нақадар буюк кўринган, нақадар чуқур маънога эгадай туюлган эди! Буларнинг ҳаммаси мен учун бошланаётгандай кўринган бу тонгнинг оппоқ совуқ нурида нақадар оддий, рангсиз ва дағал бўлиб қолди. Князь Андрей ўз ҳаётида бошига тушган учта катта кулфат ҳақида ўйлаб кетди. Хотин кишига бўлган муҳаббати, отасининг вафоти, французларнинг бостириб кириши, Россиянинг ярмини забт этиши. «Муҳаббат!.. Менга сирли кучларни ўзида мужассамлаштиргандай кўринди бу кизча! Нима бўлиб унга шайдо бўлиб қолдим. Муҳаббатим, у билан бахтли ҳаёт куришим ҳақида шоирона режалар тузган эдим-а! Ох, болагина! – деди ўзича князь Андрей ғазаб билан. – Нахот шундай бўлса! Мен идеал бир севгининг борлигига ва бир йил кўрмай юрганымда ҳам унинг менга бўлган садоқатини шу севги муҳофаза қилишига ишонибман-а! Менинг фироқимда бу

қиз масалдаги кабутардай бол-у паридан айрилиб қолади деб ўйлабман-а! Афсуски буларнинг ҳаммаси ҳаётда жўнгина бўлар экан... Ниҳоят даража жўн ва қабиҳ экан!

Отам ҳам Лисие Гориди иморатлар курди, бу ер менинг ерим, бу тупроқ менинг тупроғим, бу ҳаво менинг ҳавом, бу дехқонлар менинг дехқонларим деб ўйлаган эди, бироқ Наполеон келди-ю, шундай бир одам бормиди, йўқми деб суриштирмасдан йўлдаги чўп сингари уни олиб улоқтирди – унинг Лисие Горисидан ҳам, ўзидан ҳам ном-нишон қолмади. Княжна Марья эса бу худо томонидан юборилган имтиҳон дейди. Отамнинг ўзи бўлмагандан кейин бу имтиҳоннинг нима ҳожати бор? Қайтиб тирилмайди-ку! Тамом! Шундай бўлгандан кейин бу имтиҳоннинг кимга кераги бор? Ватан, Москва ҳалок бўлади! Эртага эса мени ўлдиришади, яна француз аскарлари эмас, кеча қулоғи остида милтиқ отган аскарга ўхшаган бир аскаримиз ўлдиради; французлар келишади-ю, мени оёғим ва бошимдан олиб, сасиб кетмасин деб чуқурга улоқтиришади; сўнгра янги ҳаёт барпо бўлади, бошқалар ҳозиргидек бу ҳаётга ўрганиб қолишади, лекин мен буни билмайман, чунки менинг ўзим бўлмайман».

Князь Андрей узунасига қатор бўлиб кетган қайин дарахларига, кимираммай турган сарғимтир-кўк япроқларига, қуёшда қумушдай ярқираётган оқ пўстлоғига қаради. «Мен ўлсам, эртага мени ўлдиришса, дунёдан кетсам... буларнинг ҳаммаси бўлса-ю, лекин мен бўлмасам...» Князь Андрей шу ҳаётдан кўз юмишини очик-ойдин тасаввур қилди. Қайин шохлари ҳам, уларнинг қўланкаси ва қуёшда ярқираши ҳам, кўкда сузиб юрган паға-паға булутлар ҳам, гулханлардан чиқаётган тутунлар ҳам, хуллас, атрофдаги ҳамма нарса бирдан назарида ўзгариб, кўркинчли ва ваҳимали тусга кирди. Князь Андрейнинг эти жунжикиб кетди. У ирғиб ўрнидан туриб, омбордан чиқди-да, у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

Омборнинг орқасидан товушлар эшитилди.

– Ким у? – деб сўради князь Андрей. Долоховнинг собиқ рота командири, ҳозир эса командирлар етишмаганидан батальонга командир бўлган бурни қизил капитан Тимохин

тортиниб-қимтиниб омборга кирди. Унинг кетидан адъютант билан полк хазиначиси кирди.

Князь Андрей дарров ўрнидан турди, офицерларнинг хизматга доир маълумотларини тинглади, уларга яна баъзи бир фармонлар бериб, энди жавоб бермоқчи бўлган чоғда, омборхона орқасида вишиллаб гапираётган таниш овозни эшитиб қолди.

– Ох, савил қолгур! – деди бир нимага оёғи тегиб қоқиниб кетган киши.

Князь Андрей омборхонадан қараб, шу томонга келаётган Пьерни кўрди. Пьер йўлда ётган ходага қоқилиб, йиқилаётган эди. Князь Андрей умуман ўз доирасидаги кишилар билан, айниқса, Пьер билан учрашишни истамас эди. Пьер унга сўнгги дафъа Москвага борганида бошдан кечирган оғир дақиқаларни эслатар эди.

– Келсинлар, келсинлар! – деди у. – Қандай шамол учирди? Шу ерда кўришармиз деб ҳеч ўйламаган эдим.

Шу гапларни айтар экан, князь Андрейнинг кўзлари ва юзида нохушлик эмас, балки дushmanлик ифодаси пайдо бўлди, Пьер ҳам дарҳол буни пайқади. Омборхонага яқинлашганда Пьернинг кайфи жуда яхши эди, аммо князь Андрейнинг авзойини кўриб, шашти қайтди ва ноқулай аҳволга тушиб қолди.

– Келганимнинг... биласизми... нима учун... келдим... Мен қизиқяпман, – деди Пьер шу бугуннинг ўзида бир неча мартаба ўринсиз такрорлаган сўзни, «қизиқяпман» деган сўзни такрорлаб. – Мен жангни кўрмоқ орзусидаман.

– Дуруст, дуруст, масон биродарлар уруш ҳақида нима дейишади? Қандай қилиб унинг олдини олиш керак экан? – деди князь Андрей истехзоли кулиб. – Хўш, Москвада нима гаплар бор? Бизнякилар қалай? Москвага кўчиб келишдими ахир? – деб сўради у жиддий тарзда.

– Кўчиб келишибди. Жюли Друбецкаядан эшитдим. Мен боргандим, учратолмадим. Москва ташқарисидаги мулкларига кетишган экан.

XXV

Офицерлар хайрлашиб кетмоқчи бўлишган эди, бироқ князь Андрей худди ўз дўсти билан холи қолишни истамагандай, уларни чойга таклиф қилди. Ўриндиқ келтириб қўйишди, чой олиб келишди. Офицерлар Пьернинг йўгон, барваста қоматига таажжуб билан қараб, унинг Москва тўтрисида, қўшинларимизнинг ишғол қилган мавқеи ҳақида айтаётган гапларига қулоқ солишарди. (Бу мавқени Пьер отлик айланиб чиққан эди). Князь Андрей индамай ўтирар эди. Унинг юзида шундай бир ёқимсиз ифода бор эдики, Пьер Болконскийдан кўра кўпроқ хушфасъл батальон командири Тимохинга қараб гапирар эди.

Князь Андрей унинг сўзини бўлиб:

– Сен қўшинлар ишғол этган мавқеини шундай тушундингми? – деди.

– Ҳа, бўлмаса қандай тушуниш керак? – деди Пьер. – Ҳарбий киши бўлмаганим учун ҳаммасига тушундим деб айтолмайман, лекин, ҳар қалай, қўшинларнинг умумий мавқеини англадим.

– Демак, сен бошқалардан кўпроқ билар экансан, – деди князь Андрей.

– Э! – деди Пьер хайрон бўлиб, кўзойнак орқали князь Андрейга қараркан. – Хўш, Кутузовни бош қўмондон қилиб тайинлашларига нима дейсиз?

– Мен у кишининг бош қўмондон бўлишидан қўп хурсандман, бошқа ҳеч нарса дея олмайман, – деди князь Андрей.

– Ҳа, хўп, Барклай де Толли ҳақида қандай фикрдасиз? Москвада унинг ҳақида ҳар хил гаплар юрибди. Сиз унга қандай баҳо берасиз?

Князь Андрей офицерларга ишора қилиб:

– Бу саволни мана буларга бер! – деди.

Пьер илтифотли табассум ва савол назари-ла Тимохинга қаради, ҳамма беихтиёр унга шу хилда қарар эди.

– Аъло хазрат ишни қабул қилдилар-у, бизнинг орқамизга офтоб тегди, тўрам, – деб Тимохин ўз полк командирига тортинчоқлик билан қараб-қараб қўйди.

– Нега бундай бўлди? – деди Пьер.

– Лоақал, ўтин ва ем-хашак масаласини олайлик. Биз Свенциядан бошлаб орқага чекинамиз; бирон ерда чўлга, ем-хашакка ва ё бошқа нарсага текканимиз йўқ. Ахир биз кетгандан кейин буларнинг хаммаси унга қолмайдими, тўрам? – деб Тимохин ўз князига мурожаат этди. – Аммо бизга рухсат этмадилар. Полкимизда икки офицерни шу масала юзасидан судга бердилар. Бироқ аъло хазрат қўмондонликни қабул қилишлари билан бу масала ҳал бўлди-қолди. Орқамизга офтоб тегди...

– Нега энди Барклай буни ман қилган эди? Тимохин бу саволга нима деб жавоб қайтаришни билмасдан, изза тортгандай бўлиб, аτροφга каради. Пьер шу саволни князь Андрейга берди.

– Биз душманга ташлаб чиққан жойлар хароб бўлмасин, деб шунақа қилишди, – деди князь Андрей захарханда билан. – Бунинг боиси бор: талон-торож этмоққа рухсат бермоқ, қўшинларни талончиликка ўргатмоқ ярамайди. Смоленск масаласига қолганда ҳам тўғри иш қилди, французлар бизга чап бериб ўтади, чунки уларнинг кучи катта, деб ўйлаган эди. Аммо биз рус тупроғи учун биринчи мартаба жанг қилаётганимизни, қўшинларнинг руҳи мен кўрмаган даражада баланд эканлигини, биз икки кун муттасил французларнинг хужумини қайтарганимизни, бу муваффақият бизнинг кучимизга ўн карра куч қўшганини у билолмас эди, – деб тўсатдан князь Андрей чинкириб юборди. – У орқага чекинишга амр берди-ю, бизнинг кўрсатган жонбозлигимиз ва берган талафотимиз бекорга кетди. У хиёнат қилишни ўйламаган эди, иложи борича ҳамма ишни яхшироқ қилишга ҳаракат этди, чунки ҳаммасини ўйлаб чиққан эди, лекин шунинг учун ҳам у қўмондонликка ярамайди. У немисларга хос асосли равишда пухта ўйлаб иш қилгани учун ҳам ярамайди. Буни қандай қилиб сенга тусунтирсам экан... Фараз қилдикки, отангнинг бир немис лакейи бор, у жуда яхши лакей ва отангнинг барча эҳтиёжини сендан кўра минг мартаба яхшироқ бажаради, шундай бўлгандан кейин, майли, хизмат қилиб юраверсин, лекин

отанг ўлим тўшагида ётган чоғда сен бу лакейни ҳайлаб, нўноқ кўлиаринг билан ўзинг отанг хизматини бажо келтирсанг, эпчил бўлса ҳам, бегона бўлган кишидан кўра унга кўпроқ тасалли берасан. Барклайни ҳам мана шундай қилишди. Россия соғ бўлган маҳалда бегона киши унинг хизматини қилиши мумкин эди ва ўшанда Барклай тенги йўқ министр эди, аммо Россия хавф-хатар остида қолган маҳалда унга ўз кишиси, ўз қадрдони керак бўлиб қолди! Сизларнинг клубларингда эса унинг ҳақида бўлмағур гапларни тарқатишибди, уни хиёнаткорга чиқаришибди! Хиёнаткор деб унга бўхтон қилган кишилар сўнгра ўз бўхтонларидан мулзам бўлиб, уни хоин демай, бирдан қахрамон деб эълон қилади ё дохий қилиб кўтаради, бу яна ҳам адолатсизроқ бўлади. У ҳалол ва пухта немис...

– У жуда мохир саркарда ҳам дейишади, – деди Пьер.

– Мохир саркарда деганинг нима, мен бунга тушунмайман, – деди князь Андрей истехзоли кулиб.

– Мохир саркарда дегани шуки, – деди Пьер, – ҳалиги, ҳамма тасодифларни олдиндан кўра биладиган, душманнинг ниятини англайдиган киши.

– Бу мумкин бўлмаган иш-ку, – деди князь Андрей худди аллақачонлар ҳал бўлган масала устида гап кетаётгандай.

Пьер таажжуб билан унга каради.

– Ахир уруш шахмат ўйнига ўхшайди деб айтишади-ку, – деди Пьер.

– Тўғри, ўхшайди, лекин шахмат ўйинидан бунинг жиндай фарқи бор: шахмат ўйинида сен ҳар гал юришдан олдин истаганингча ўйлашинг мумкин, вақт-фурсат деган гап билан ишинг йўқ, тағин шуниси ҳам борки, шахмат ўйинида от пиёдадан кучлироқ, икки пиёда ҳамиша бир пиёдадан кучлироқ бўлади. Урушда эса баъзан бир батальон дивизиядан кўра кучлироқ, баъзан бир ротадан кучсизроқ бўлиши мумкин. Кўшинларнинг нисбий кучини ҳеч ким билолмайди. Дўстим, – деди князь Андрей, – иш штабларнинг амр-у фармонига боғлиқ бўлганда, мен штабда ўтириб фармон ёзар эдим, мана кўриб турибсан, бунинг

ўрнига бу ерда мана бу жаноблар билан бирга хизмат қилиб юрибман, мен сенга айтсам, эртага бўладиган жангнинг оқибати уларга эмас, бизга боғлиқ. Муваффақият ҳеч қачон позицияга, яроғ-аслаҳага, ҳатто кўшинларнинг миқдорига боғлиқ бўлган эмас, шундай бўлгандан кейин позициянинг аҳамияти ўз-ўзидан маълум.

– Бўлмаса нимага боғлиқ?

– Менинг, унинг, – у Тимохинга ишора қилди, – ва ҳар бир аскарнинг сезгисига боғлиқ.

Князь Андрей Тимохинга назар ташлади, Тимохин ҳам кўрқа-писа, таажжуб билан ўз командирига қараб турган эди, Князь Андрей аввалги вазминлиги, камсуханлигига хилофан ҳозир ҳаяжонлангандай кўринарди. Афтидан, тўсатдан ақлига келган фикрларни айтишдан ўзини тиёлмас эди.

– Ғолиб чиқаман деб қатъий аҳд қилган кишиларгина жангда ютади. Нима учун биз Аустерлиц яқинидаги жангда ютқиздик? Биз қанча талафот кўрсак, французлар ҳам тахминан шунча талафот кўрди, аммо биз элдан бурун ютқиздик деган сўзни оғизга олдик. Бу сўзни шунинг учун ҳам айтган эдикки, у ерда урушишнинг хожати йўқ эди, биз жанг майдонидан тезроқ чиқиб кетишни истар эдик. «Ютқишга ютқиздикми, энди тезроқ қочиш керак!» – дедик ва қочдик. Кечгача шу гапни тилимизга олмаганимизда, худо билади, нима бўлар эди. Лекин эртага бундай демаймиз. Сен позициямиз ундай-бундай, чап флангимиз кучсиз, ўнг флангимиз чўзилиб кетган дейсан, – деди князь Андрей, – буларнинг ҳаммаси бекорчи гап, бундай эмас. Эртага бизни нима кутиб турибди? Ё улар, ё бизникиларнинг қочиши билан, унинг ёки бунинг ўлдирилиши билан ҳал бўладиган миллионларча мухталиф тасодифлар кутиб турибди; ҳозир бўлаётган ишларнинг ҳаммаси бир овунчоқ. Гап шундаки, позицияни сен билан бирга айланиб чиққан кишиларнинг ишнинг умумий боришига нафи тегмайди, аксинча, халал беришади. Улар ўзларининг арзимас манфаатлари билан банд, холос.

– Шундай бир вақтда-я? – деди Пьер энсаси қотиб.

– Шундай бир вақтда, – деди Князь Андрей такроран. – Улар бу фурсатдан фойдаланиб, кўпроқ нишон ва лентага эга бўлиш мақсадида душманга қарши урушган бўлишади. Мен эртанги кунни шундай тасаввур этаман: юз минг рус қўшини билан юз минг француз қўшини урушишга пайланган ва шу иски юз минг аскар бир-бири билан жанг қилади; кимки жон-жаҳди билан урушса ва ўзини аямаса, ўша енгади. Мен сенга шуни айтиб кўяйки, нима бўлса-бўлсин, юқоридагилар ишни қанчалик чалкаштирмасин, эртаги жангда биз ютиб чиқамиз. Нима бўлса ҳам, эртаги жангда биз ғалаба қозонамиз!

– Ҳақиқат – рост, тўрам, – деб қўйди Тимохин. – Энди жонимизни аяб нима қиламиз? Ишонасизми, менинг батальонимдаги аскарлар ароқ ичмай кўйишди, ҳозир томоқдан ароқ ўтадим, дейишади. – Ҳамма жим бўлиб қолди.

Офицерлар ўрнидан туришди. Князь Андрей адъютантига сўнгги амр-фармонларни бериб, улар билан бирга ташқарига чиқиб, омборхонанинг орқасига ўтди. Офицерлар кетгандан кейин Пьер князь Андрейнинг олдига келиб, энди гап бошламоқчи бўлганида, омборхонадан сал нарироқдаги йўлдан уч отнинг туёқ товуши эшитилди, князь Андрей товуш келган томонга қараб, бир казак кузатиб келаётган Клаузевиц билан Вольдогенни кўрди. Улар ўзаро гаплашиб, буларнинг ёнгинасидан ўтиб кетишди ва Пьер билан князь Андрей немисча шу сўзларни эшитиб қолди:

– Уруш кенг майдонга кўчирилиши керак эмиш. Мен бу нуқтаи назарни унчалик маъқул топмайман, – деди бири.

Бунга жавобан иккинчиси бундай деди:

– Ҳа, модомики мақсад душманни мажолсизлантириш экан, аҳолининг қурбон бўлишига эътибор қилмаслик керак.

– Ҳа, – деб тасдиқлади биринчи товуш.

Улар ўтиб кетгандан кейин князь Андрей ғазаб билан бурнини жийириб:

– Ҳа, кенг майдонга кўчириш керак эмиш, – деб такрорлади, кенг майдонда эса Лисие Горида менинг отам, ўғлим ва опам қолган. Унга барибир. Мана, ҳали сенга айтмабмидим, бу немис жаноблар эртанги жангда ютиб чиқмайди,

аксинча, кўлларидан келганича ишни расво қилишади, чунки бу немисларнинг калласида палағда тухумга арзимайдиган фалсафадан бўлак гап йўқ, қалбида эса эртага керак бўладиган нарсадан, Тимохиннинг қалбида бўлган нарсадан асар ҳам топилмайди. Улар бутун Европани унга бериб кўйиб, энди бизга дарс бергани келишди – яхши муаллимлар! – деб чийиллаб гапирди у.

– Эртанги жангда биз ютиб чиқамиз деб ўйлайсизми? – деб сўради Пьер.

– Албатта, албатта, – деди князь Андрей паришонлик билан. – Агар ҳокимият менинг кўлимда бўлса эди, мен асир олмас эдим, – деб давом этди князь Андрей. – Асир олиш нима деган гап? Бу олийжаноблик. Французлар мени хонавайрон қилишди, энди Москвани талон-торож этгани келишяпти, улар мени таҳқир этди ва ҳар бир дақиқа таҳқир этишади. Улар менинг ашаддий душманам, менимча, ҳаммаси жиноятчи. Тимохин ҳам, бутун армия ҳам шу фикрда. Уларни қатл этиш керак. Модомики улар менинг душманам экан, Тильзитда қандай гаплашган бўлишмасин, барибир, дўст бўлолмайди.

Пьер парпираган кўзлари-ла князь Андрейга қараб:

– Балли, балли, мен сизнинг фикрингизга кўшиламан! – деди.

Можайск тепалигидан бошлаб куни бўйи Пьерни безовта қилган масала энди унга очик-ойдин ва узил-кесил ҳал бўлгандай кўринди. Энди у бу уруш ва бўлажак жангнинг маъно ва аҳамиятини тўлиқ англади. Шу бугун кўрган ҳамма нарсалар ҳам, кўзига чалинган одамларнинг жиддий ва маъноли юз ифодаси ҳам янги бир зиё билан ёритилди. Пьер бугун учратган кишиларда ботиний (физикада *latente* дейладиган) ватанпарварлик ҳарорати борлигини англади ва бу ҳарорат бу одамлар нима учун ўлимга бунчалик хотиржам ва гўё енгилтаклик билан ҳозирлик кўраётганларини тушунтирди.

Князь Андрей сўзида давом этди:

– Асир олмаслик керак. Шу нарсанинг ўзи бутун урушни ўзгартириб юборарди, камроқ қон тўкилишига сабаб

бўларди. Энг ёмони шуки, биз «уруш-уруш» ўйини ўйнаб келдик ва олийжаноблик кўрсатяпмиз ва ҳоказо. Бу олийжаноблик ва ҳассослик бузоқ сўйилаётганини кўриб ҳушдан кетган бойвучча хотиннинг олийжаноблиги ва ҳассослигига ўхшайди. Бойвуччанинг кўнгли шу қадар бўшқи, қонга қаролмайди, лекин бу бузоқнинг гўштини қайла билан пишириб берсанг иштаҳа билан ейди. Бизга урушнинг қонун-қоидалари, олийжаноблик, элчибозлик, бахтсизларга раҳм-шафқат ҳақида сафсата сотишади. Ҳаммаси бўлмаган гап. Мен олийжаноблик ва элчибозликни 1805-йилда кўрганман: улар бизни алдашди, биз эса уларни. Улар одамларни хонавайрон қилишади, қалбаки пуллар чиқаришади... энг ёмони шуки, менинг болаларимни, отамни ўлдиришадию, тагин урушнинг қонун-қоидалари ҳақида, душманга нисбатан олийжаноб бўлиш ҳақида гап сотишади. Асир олмасдан ўлдирмоқ ва ўлимга бормоқ керак! Кимки мен каби изтироб чеккан бўлса, шу хулосага келади...

Смоленскини олгани каби Москвани ҳам оладими, йўқми, менинг учун барибир, деб ўйлаган князь Андрей тўсатдан томоғига бир нарса тикилгандай товуши қалтираб, бирдан гапдан тўхтади. Индамай бир неча дақиқа у ёқдан бу ёққа юрди, аммо яна сўз бошлаганида унинг кўзлари ҳаяжондан пиршираб, лаблари титрарди.

– Урушда ўринсиз олийжаноблик бўлмаганда эди, биз ҳозиргидай ўлимга рўпара бўлишга арзигандагина урушга кирардик. Унда Павел Иванович Михаил Ивановични ранжитгани туфайли уруш бўлмас эди. Аммо уруш ҳозиргидай бўлганда ҳақиқий уруш бўлар эди. Унда кўшинларнинг ижтиҳоди ҳам ҳозиргидай бўлмас эди. Унда Наполеон бошлаб келаётган барча бу вестфалликлар ва гессенликлар унинг кетидан Россияга эргашиб келмас эди ва биз ҳам сабабини ўзимиз билмаган ҳолда, Австрия ва Пруссияга урушгани бормас эдик. Уруш назокатли эканингни кўрсатиш деган гап эмас, балки ҳаётда энг қабиҳ нарсадир, шуни билмоқ керакки, уруш ўйинчоқ эмас! Бу мудҳиш заруратга қатъийлик билан жиддий ёндашмоқ лозимдир. Ҳамма гап шундан иборатки, риёни улоқтириб ташлаб, урушга ўйинчоқ

деб эмас, уруш деб қарамоқ лозим. Уруш калтабин ва така-салтанг кишиларнинг қўлида эрмақ-ўйинчоқ бўлиб қолди... Ҳарбий хизматчилар табақаси энг мухтарам табақа ҳисобланади. Уруш нима, ҳарбий ишда муваффақият қозонмоқ учун нималар қилиш керак, ҳарбий хизматчиларнинг хулқ-у атвори қанақа? Урушдан мақсад одам ўлдиришдир, урушнинг қуроли – жосуслик, хиёнат, хоинларни тақдирлаш, аҳолини горат қилиш, уларни талаш ёки армияни озик-овқат билан таъминлаш мақсадида уларнинг бор-йўқларини ўғирлаш, ҳарбий мақр деб аталган ёлғончилик; ҳарбийлар табақасининг хулқ-ахлоқи эрксизлик, яъни ҳарбий интизом, беқорчилик, жаҳолат, бағритошлик, фосиқлик ва ароқхўрликдан иборат. Лекин шундай бўлса ҳам, бу юқори табақа, ҳамма уни иззат-эҳтиром қилади. Хитой подшоосидан бўлак ҳамма подшолар ҳарбий мундир кийишади, кимки халқни кўпроқ ўлдирса, унга кўпроқ мукофот берилади... Бир-бирларини ўлдирмоқ учун эртага бўладиган уруш сингари, бир жойга тўпланишади, бир-бирларини ўлдиришади, ўн мингларча одамни майиб қилишади-ю кейин эса шунча одамни ўлдиришгани учун (буни яна ҳам ортиқроқ қилиб кўрсатиб) шукронасига тоат-ибодат қилишади, қанча кўп одам ўлдиришган бўлса, хизматларини шунча катта қилиб кўрсатиб, ўзларини ғолиб деб эълон қилишади. Худо буларга қандай қараб ва бу гапларга қандай кулоқ солиб тураркин! – деб князь Андрей ингичка товуш билан чинқирди. – Оҳ, дўстгинам. Сўнги вақтларда яшамоқ менинг учун оғир юк бўлиб қолди. Керагидан ортиқроқ нарсани биладиган бўлиб қолдим. Маърифат дарахтидан эзгулик ва ёвузлик мевасини одам боласи татимаслиги керак. Ҳа, уйқунг келиб қолдим, мен ҳам ётишим керак Сен Горкига бора қол, – деди тўсатдан князь Андрей.

– Йўғ-э! – деди Пьер князь Андрейнинг дардига ўртоқлашишни истагандек унга кўрқа-писа боқаркан.

– Бор, бор, жангдан олдин уйқуга тўйиш керак,

– деди яна князь Андрей. У тез-тез юриб Пьернинг олдига келди, уни кучоқлаб ўпди. – Хайр, бор энди! – деб кичқирди. – Яна кўришамизми, кўришолмаймиз-ми... – у

шошиб-пишиб бурилди-ю, омборхонага кириб кетди.

Қоронғи тушиб қолган эди, шунинг учун ҳам Пьер князь Андрейнинг юзидаги ифодани ажратолмади; бу газабми, ё меҳр ифодаси эканлигини пайқолмади.

Пьер унинг орқасидан кирайми ё қайтиб кетаверайми, деб бир оз ўйланиб қолди. «Йўқ, киришим керакмас, – деди Пьер ўзича, – бу сўнгги учрашишимиз эканлигини ўзим билиб турибман». Пьер хўрсинди-да, қайтиб Горкига кетди.

Князь Андрей омборхонага қайтиб киргач, гиламга чўзилди-ю, бироқ ухлолмади.

У кўзини юмди. Хотиралар бирин-кетин хаёлидан кечаверди. Бу хотиралардан бири уни қувонтириб узоқ вақт кўз олдидан кетмади. Петербургда ўтказган бир кеча унинг ёдига келди. Гул-гул очилган ва ҳаяжонланган Наташа ўтган йили кўзиқорин тергани каттакоң ўрмонга борганини ва адашиб қолганини унга ҳикоя қилиб берди. У ўрмондаги хилват жойларни ўз туйғуларини, ўрмонда учраб қолган бир асаларичи билан гаплашганини пала-партиш айтиб бераркан, сўз орасида тез-тез: «Йўқ, мен келиштириб гаширолмаяпман, эпшолмаяпман, сиз тушунмаяпсиз» деб кўяр; князь Андрей гарчи ҳаммасига тушунаяпман, деб уни юпатаётган ва тушунаётган бўлса ҳам, Наташанинг кўнгли жойига тушмас эди. Наташа ўз сўзидан ўзи норози эди, у шу бугун қалбида пайдо бўлган ва изҳор этишни истаган эҳтиросли, шоирона туйғуларни ифода этишга ожизлик қилаётганини сезарди. «Жудаям аломат чол эди, ўрмон ҳам шу қадар қоронғи... чол шунақаям... йўқ мен келиштириб айтолмаяпман», – дерди Наташа қизариб ва ҳаяжонланиб. Князь Андрей ўшанда қувнаб Наташанинг кўзларига боқиб қандай жилмайган бўлса, ҳозир ҳам шундай жилмайиб кўйди. «Мен унинг сўзларига тушунардим, – деди ичида князь Андрей. – Тушуниш билан бирга мен унинг қалбидаги кучни, унинг самимийлигини, унинг очиклигини, унинг жисмига сиғмай турган руҳини, қалбини севардим... жон-у таним билан севардим, бахтиёр эдим...» Бирдан севгиси нима билан тугагани эсига тушиб қолди. «Унга бу нарсалар керак эмас эди. У одам бу нарсаларни кўрмас ва англамас эди-ку.

Наташанинг сиймосида у гўзал ва сўлим кизчани кўрди, холос, тақдирини у билан боғлашни эса ўзига муносиб кўрмади. Мен-чи?.. У ҳали ҳам тириқ, ҳали ҳам кайф-сафо килиб юрибди».

Князь Андрей худди биров устига ўт ташлагандек сапчиб ўрнидан турди-да, яна омборхона олдида нари-бери юра бошлади.

XXVI

25-август Бородино жанги арафасида французлар императори саройининг префекти¹ Жаноб Боше Париждан, полковник Фабье Мадриддин император Наполеоннинг Валуев қишлоғидаги қароргоҳига келишди. Сарой мундири кийиб олган жаноб Боше императорга атаб олиб келган совғасини олдинроқ юбориб, Наполеон чодирининг биринчи бўлмасига кирди-да, император адыютантлари билан гурунглашиб кутини оча бошлади.

Фабье ичкарига кирмасдан таниш генераллар билан чодир олдида гаплашиб қолди.

Император Наполеон хануз ётоқхонасидан чиққани йўқ; ўз ҳожатхонасини тамомлаш олдида. Камердинер унинг аъзойи баданини счётка билан ишқамокда, у пишқариб, хухулаб гоҳ сергўшт орқасини, гоҳ ёғ босган корнини ўгиради. Яна бир камердинер бармоғи билан шишани ушлаб туриб, императорнинг ялтираб турган баданига атир сепади. Унинг афти, қаерига, қанча атир сепишни мендан бўлак одам билмайди, деб туради. Императорнинг калта ҳўл сочлари пешонасига ёпишган. Унинг кўпчиган ва захил юзидан жисм-у жони роҳат қилаётгани билиниб турибди. У елкаларини қисиб, томоғини қириб, счётка билан баданини ишқайтган камердинерга деди: «Яна қаттиқрок... Кечаги урушда қанча асир олинганлиги ҳақида императорга маълумот бергани Наполеон хузурига кирган адыютант сўзини тугатиб, кетишга руҳсат кутиб, эшик олдида турарди. Наполеон афтини буриштириб, ер остидан адыютантга каради.

¹ Префект (латинча) – бошлиқ, ҳўмондон.

– Асир ололмаямиз, – деди адъютантнинг сўзини такрорлаб. – Улар ўзларини қириб ташлашга мажбур қилишди. Рус армиясининг ўзига қийин, – Қани, қаттиқроқ қаттиқроқ... – деди бўйинини қисиб, сергўшт елкасини камердинерга тутаркан.

– Яхши. Айтинг, Боше билан Фабвье иккаласи кирсин, – деди у адъютантга бош ирғаб.

– Бош устига, олий ҳазратлари, – деб адъютант чодирдан чиқиб кетди.

Икки камердинер зоти олийни дарров кийинтирди. Наполеон кўк гвардиячи мундирда, тез-тез, шахдам қадам ташлаб қабулхонага чиқди.

Шу пайт Боше малика бериб юборган совғани императорнинг эшиги олдидаги икки стулга шошиб-пишиб қўймоқда эди. Аммо император шу қадар тезлик билан кийиниб чиқдики, Боше совғани яхшилаб тахлаб қўйишга улгуролмади.

Наполеон буларнинг нима билан шуғулланаётганини дарҳол пайқади ва уларнинг ҳали тайёр эмаслигини билди. Наполеон уларни совғани тақдим этмоқ завқидан маҳрум этишни истамади. У жаноб Бошени кўрмаганга солиб, Фабвьени олдига чақирди. Наполеон қошларини чимириб, индамасдан Фабвьенинг сўзларига кулоқ солди. Фабвье Европанинг нариги томонида Саламанкада урушаётган қўшинларнинг қаҳрамонлиги ҳақида гапириб, уларнинг бирдан бир орзуси ўз императорига муносиб аскар бўлиш, бирдан бир кўркуви императорига маъкул бўлмайдиган иш қилиб қўйишлик эканини айтди. Жангнинг натижаси кўнгилсиз эди. Наполеон Фабвье гапираётган чоғда бир неча мартаба кесатиб, ўзим йўқлигимда ишнинг оқибати бошқача бўлишига кўзим етмаган эди, деб қўйди.

– Энди бу хатони Москвада тузатишим керак, – деди Наполеон. – Кўришгунча хайр, – деб илова қилди-да, де Бошени чақирди. Де Боше шу чоғ совғаларни тайёрлаб қўйган эди: совғани стулларга қўйиб, устини каттакон рўмол билан бекитганди.

Де Боше Бурбонларнинг¹ кекса хизматкорларига хос бир тарзда – француз сарой таомилига мувофиқ икки букилиб таъзим қилди-да, Наполеоннинг кәрписида тўхтаб қўлидаги конвертни унга узатди.

Наполеон унга жилмайиб бокди ва қулоғидан тортиб қўйди. Унинг жиддий тусдаги чехраси бирдан ўзгариб, юзида меҳрибонлик аломати пайдо бўлди.

– Тез етиб келдингиз, мен кўп хурсандман. Қани, гапиринг, Парижда нима гап?

Де Боше қай йўсинда жавоб қилиш лозим бўлса, Шундай жавоб берди:

– Олий ҳазратлари, сизнинг йўқлигингиздан бутун Париж таассуфланмоқда. Наполеон Боше шу жавобни ва ё шунга ўхшаган бошқа бир жавобни беришини ҳам биларди, эс-хуши жойида бўлган дақиқаларида бу гаплар ҳақиқатдан йироклигини ҳам биларди, лекин шундай бўлса ҳам, де Бошенинг оғзидан чиққан гап унга хуш ёқиб кетди. У янада илтифот қилиб, де Бошенинг қулоғидан чўзди.

– Сизни шунчалик йўл босишга мажбур қилганимдан жуда афсусланамай, – деди Наполеон.

Унга жавобан де Боше шундай деди:

– Ўзим ҳам сизни Москванинг дарвозасида кўрарман, деб умид қилган эдим, олий ҳазратлари.

Наполеон жилмайиб қўйди-да, парижон ҳолда бошини кўтариб, ўнг томонга қайрилиб қаради. Адъютант енгил қадам ташлаб, олтин тамакидонни тутди. Наполеон уни қўлига олди.

– Яхши соатда келдингиз, – деди Наполеон очик тамакидонни бурнига тутиб. – Сиз саёҳатга ўчсиз, уч кундан кейин Москвани кўрасиз. Осиё пойтахтини кўриш ҳаёлингизга ҳам келмаган бўлса керак. Бу саёҳатдан жуда кўп бахра оласиз.

Боше саёҳатга бўлган (шу вақтгача ўзи ҳам билмаган) майлига бунчалик эътибор қилгани учун Наполеонга ташак-

¹ Бурбонлар — Францияда 1589-1792-, 1814-1815-, 1815-1830-йилларда; Испанияда 1700-1808-, 1814-1868-, 1874-1931-йилларда ва Иккала Сицилия киролигида 1735-1805-, 1814-1860-йилларда киролик қилган сулола.

кур билдиргандай таъзим қилди.

Бутун сарой аъёнлари усти рўмол билан ёпиб қўйилган бир нимага қараётганини кўриб Наполеон:

– Бу нима? – деб сўради.

Боше сарой аъёнларига хос бир чакқонлик билан орқасини ўгирмасдан, ёнбоши билан юриб, икки қадам орқага чекинди ва рўмолини тортиб тушираётди:

– Маликадан зоти олийларига совға, – деди.

Бу рассом Жерар томонидан очик ранглар билан чизилган сурат – Наполеон билан Австрия императори қизидан бўлган ўғил боланинг сурати эди, негадир уни ҳамма Рим кироли деб атарди.

Сочлари жингалак, ўзи жуда дилбар, нигоҳи Сикстин Мадоннасидаги Исонинг нигоҳига ўхшаган бу бола бильбок¹ ўйнаётган вазиятда тасвир этилганди. Бола ўйнаётган шар ер курраси бўлиб, унинг иккинчи қўлидаги калтак гўё салтанат асоси эди. Рим кироли деб аталган бу болани ҳасса билан ер куррасини санчиб олганини тасвир қилиш билан рассом нима демоқчи эканлигига тушуниш унчалик осон бўлмаса ҳам, лекин бу мажозий сурат Париждагиларга ёққани ва равшан бўлиб кўрингани сингари Наполеонга ҳам маъкул бўлди ва равшанга ўхшаб кўринди.

Наполеон чиройли кўл ҳаракати-ла суратга ишора қилиб:

– Рим кироли, – деди. – Ажойиб.

У юзига истаганича ифода бера оладиган итальянлар сингари суратнинг қаршисига келиб тўхтади-да, юзида ўйчан зариф ифода пайдо бўлди. У ҳозир нима демасин ва нима қилмасин, тарихга ёзилажагини биларди. Унга шундай туюлдики, ҳозир қўлидан келадиган энг яхши нарсa – ўз буюклиги ила (ўғли у туфайли ер курраси билан бильбок ўйнаётган эди) бу буюкликка тамоман қарама-қарши бўлган энг оддий оталик меҳрини кўрсатиш эди. Унинг кўзлари тинди. У хиёл олдинроққа бориб, ёнидаги стулга қаради. Дарҳол унга томон суриб қўйилган стулга, суратнинг қарши-

¹ Бильбоке – иргитиб илиб олинадиган соххали ўйинчоқ.

сига ўтирди, унинг бир қўл ҳаракати-ла ҳамма оёқ учида юриб, уйдан чиқиб кетди ва бу улуғ киши ўз туйғулари-ла ёлғиз қолди.

Бир оз ўтиргандан сўнг Наполеон суратнинг ғадир-будур бетига беихтиёр қўл теккизиб кўриб, ўрнидан турди-да, яна Боше билан навбатчини чақирди. У суратни ташқарига, чодир олдига қўйишни буюрди, ўз чодир олдида турган эски гвардияни валинеъмат шаҳаншоҳларининг валиаҳди – Рим қиролининг дийдорини кўрмоқ саодатидан маҳрум қилишни истамади.

Бирга таом емоқ шарафига нойил бўлган Боше билан нонушта қилаётган вақтда суратни кўриш учун чодир олдига югуриб келган эски гвардиячи аскар ва офицерларнинг табрик садолари янгради.

– Яшасин император! Яшасин Рим қироли! Яшасин император!

Наполеон нонуштадан кейин Бошенинг олдида, армияга берадиган буйруғини айтиб туриб ёздирди.

(Наполеон ёздирган хитобномасини олиб, ҳеч тузатиш киргизмасдан ўқиб чиққач:

– Қисқа ва шиддатли! – деди. Хитобномада шундай дейилган эди «Жангчилар! Шунча вақтдан бери кутган жангларинг мана энди бошланди. Ғалаба ўзларингга боғлиқ. Бу ғалаба бизга жуда зарур, ғалабани қўлга киритсак, мурод-мақсадимизга етамиз, қулай манзилгоҳга ҳам эга бўламиз, ўз юртимизга ҳам тезроқ қайтамиз. Аустерлиц, Фридланд, Витебск ва Смоленск остонасида қандай иш кўрсатган бўлсанглар, шундай иш кўрсатинглар. Келажак авлод сизнинг бугунги қаҳрамонлигингизни ифтихор билан тилга олишсин. Ҳар бирингиз тўғрингизда, бу одам Москва остонасида бўлган улуғ урушда иштирок қилган эди, деб айтишсин!»

Наполеон:

– Москва остонасида, – деган сўзни такрорлади ва саёҳатни севадиган Бошени сайрга таклиф этиб, чодирдан чиқди ва эгарлаб қўйилган отларга томон юрди.

Боше Наполеоннинг таклифига:

– Сиз ниҳоят лутфкорсиз, олий ҳазратлари, – деб жавоб кайтарди; шу тобда Бошенинг уйқуси келарди, бундан ташқари, у от минишни билмас ва от минишдан қўрқар эди.

Бироқ Наполеон сайёҳга бош ирғатди, Боше бирга сайрга чиқишга мажбур бўлди. Наполеон чодирдан чиққанда ўғлининг сурати қаршисида турган гвардиячилар яна каттиқроқ қичқиришди. Наполеон қошларини чимирди.

У зариф ва айни замонда улутвоб бир ҳаракат-ла суратга ишора қилиб деди:

– Уни олиб қўйинглар. Жанг майдонини кўришга ҳали ёшлик қилади.

Боше кўзларини юмиб, бошини қуйи солганича чуқур хўрсинди, шу ҳаракат билан у императорнинг сўзини қанчалик қадрлагани ва тушунганини кўрсатди.

XXVII

Наполеон тарихчиларининг сўзига қараганда, 25-августда, куни бўйи отда юриб, жанг майдонини кўздан кечирди, маршаллари тақдим этган режаларни муҳокама қилди, ўз генералларига шахсан буйруқлар берди.

Рус қўшинларининг Колоча дарёси бўйидаги биринчи мудофаа марралари француз қўшинлари томонидан ёриб ўтилди ва шу марранинг бир қисми, яъни русларнинг сўл фланги – 24-августда Шевардино истехкоми қўлдан кетиши оқибатида орқага сурилди. Марранинг шу қисми мустаҳкамланган эди, чунки уни тўсиб турадиган дарё йўқ, олди очик ва яланглик эди. Французлар марранинг мана шу қисмига ҳужум қилиши ҳарбий бўлган ва ҳарбий бўлмаган ҳар бир кишига равшан эди. Бунинг учун узоқ ўйлаб ўтириш, император ва унинг маршалларининг бу қадар типирчилаб ташвиш тортиши, хусусан заковат эгаси – генераллик деган юксак қобилият соҳиби бўлиш ҳам сира керак эмасдай кўринарди (Наполеонни тарихчилари шундай заковат эгаси қилиб кўрсатишни яхши кўришади), аммо бу воқеани кейинчалик ёзган тарихчилар ҳам, ўшанда Наполеон теварагидаги шахслар ҳам, унинг ўзи ҳам бошқача ўйлаган эди.

Наполеон отланиб, жанг майдонини айланаркан, атроф-

га чуқур маъноли назар ташлар, ўзинча маъқуллаган ё маъқулламагандек бош кимирлатар, чуқур маъноли фикрлари ҳақида атрефидаги генералларга оғиз очмасдан, фақат сўнгги хулосаларнигина буйруқ шаклида баён этар эди. Экмюль герцоги деб аталган генерал Даву, русларнинг сўл флангини айланиб ўтиш керак, деб таклиф қилганда Наполеон сабабини айтмасдан, бу таклифни рад этди. Аммо флешга хужум қилиши керак бўлган генерал Компанга ўз дивизиясини ўрмондан олиб ўтгани ижозат берди, ваҳоланки, Эльхинген герцоги деб аталган маршал Ней ўрмондан ўтиш хавfli эканлигини, бу ҳаракат дивизияни хароб қилиши мумкинлигини айтган эди.

Наполеон Шевардино истехкоми қаршидаги майдонни кўздан кечираркан, бир неча дақиқа ўйланиб қолди. Кейин эртага русларнинг истехкомини тўпга тутадиган икки батарея ўрнаштириладиган ва дала артиллерияси қатор қилиб жойлаштириладиган ерни кўрсатди.

Наполеон шу ва шу каби буйруқларни бериб бўлгач, ўз қароргоҳига қайтиб келди ва уруш диспозициясини¹ айтиб туриб ёздирди.

Француз тарихчилари зўр ифтихор билан, бошқа тарихчилар катта эҳтиром билан тилга олган ўша диспозиция қуйидагича эди:

«Кечаси ялангликка ўрнатилган ва шаҳода Экмюль қўл остидаги ҳар иккала янги батарея эрта саҳардан бошлаб душманнинг рўпарада турган икки батареясига қарши ўт очади.

Айни замонда I-корпус артиллериясининг бошлиги генерал Пернетти, Компан дивизиясининг 30-замбарак, Дессё ва Фриан дивизиясининг барча гаубицалари² билан олға силжиб ўт очади ва душман замбаракларини тўпга тутади, душман батареяларига қарши қуйидагилар хужум қилади:

Гвардия артиллериясининг 24 тўпи.

¹ Диспозиция – кўпинларнинг жойлашуви, позицияси.

² Гаубица (немисча) – пана орқасидаги душманга юқорилатиб отадиган қисқа стволли тўп.

*Компан дивизиясининг 30 тўти.
Фриан ва Дессё дивизиясининг 8 тўти.
Жами бўлиб... 62 тўп.*

3-корпус артиллериясининг бошлиғи генерал Фуше 3 ва 8-корпуснинг барча, яъни 16-гаубицасини душманнинг чап истеҳкомини тўпга тутиши керак бўлган батареянинг икки томонига ўрнатади, шундай қилиб сўл истеҳкомга қарши 40-тўп ишга солинади.

Генерал Сорбье буйруқ берилиши биланоқ ўз гвардия артиллериясининг барча гаубицалари билан у ёки бу истеҳкомга қарши ташланишига шайланиб турмоғи даркор.

Тўпбозлик вақтида князь Понятовский қишлоққа, ўрмонга қараб ҳаракат қилади ва душман позициясини айланиб ўтади.

Генерал Компан биринчи истеҳкомни қўлга киритмоқ мақсадида ўрмон орқали ҳаракат қилади.

Шу йўсинда уруш бошлангандан сўнг душманнинг ҳаракатига қараб амр-у фармонлар берилажак.

Ўнг қанотдаги тўпларнинг садоси эшитилиши биланоқ сўл қанот ҳам ўт очади. Моран ва вице-қирол дивизияларининг мерганлари ўнг қанот ҳужумга ўтиши биланоқ шиддатли ўт очишади.

Вице-қирол қишлоқни ишғол қилиб, ўзи қурган уч кўприкдан ўтади, Моран ва Жерар дивизиялари билан барабар ҳаракат қилади, бу иккала дивизия ҳам вице-қиролнинг раҳбарлиги остида тўғри истеҳкомга қараб йўл олади ва армиянинг бошқа қўшинлари билан бир маррага киради.

Буларнинг ҳаммаси имкон борича қўшинларни заҳирада сақлаб, йўриқномага мувофиқ бажарилиши керак (Ҳар бир нарса йўриқномага мувофиқ бажарилажак).

Можайск яқинидаги император қароргоҳи, 6 сентябрь, 1812-йил».

Наполеоннинг даҳоси қаршисида хурофий даҳшатга тушмасдан, унинг фармойишига диққат билан разм солсак, чалкаш ва ноаниқ ёзилган бу диспозиция тўрт моддани – тўрт фармонни ўз ичига олади. Бу фармонлардан биронтаси

бажарилмади, бажарилиши ҳам мумкин эмасди.

Биринчидан, диспозицияда шундай дейилган:

Пернетти ва Фушонинг батареялари Наполеон томонидан маъқул топилган ерга ўрнатилган батареялар билан бирга, яъни бир юз иккита тўп ўт очиб, русларнинг флейш ва истеҳкомларига снаряд ёғдирилиши керак. Аммо бу фармонни бажариши мумкин эмас эди, чунки Наполеон томонидан маъқулланган ердан отилган ўқлар русларнинг истеҳкомига етиб боролмас эди, бевосита раҳбарлик қилаётган бошлиқлардан бири, Наполеоннинг амрига хилоф равишда уларни олдинроққа силжитмаса бу бир юз икки тўп бекорга ўқ узиб ўтирар эди.

Иккинчи фармонига мувофиқ Понятовский ўрмон орқали қишлоқ томон ҳаракат қилиб, русларнинг сўл қанотини айланиб ўтиши керак эди.

Бу фармонни ҳам бажариб бўлмас эди ва бажарилмади, чунки Понятовский ўрмон орқали қишлоққа томон ҳаракат қилаётган чоғида йўлини тўсиб турган Тучковга дуч келиб қолди, натижада русларнинг позициясини айланиб ўтиши имкониятидан маҳрум бўлди.

Учинчи фармонга мувофиқ генерал Компан биринчи истеҳкомни қўлга киритиши учун ўрмонга томон ҳаракат қилиши керак эди. Компаннинг дивизияси биринчи истеҳкомни эгалламади, балки унинг ҳужуми даф этилди, чунки ўрмондан чиқиши биланоқ русларнинг сочма ўқи остида саф тортиши керак эди, буни ҳам Наполеон назарда тутмаган эди.

Тўртинчидан, вице-қирол қишлоқни (Бородинони) ишғол қилиши ва учала кўприкдан ўтиб Моран ва Фриан дивизиялари билан бир юксакликда ҳаракат қилиши (буларнинг қачон ва қайси томонга қараб ҳаракат қилиши ҳақида ҳеч нарса дейилмаган эди), бу дивизия унинг бошчилигида истеҳкомга томон йўл олиши ва бошқа қўшинлар билан бир маррага бостириб кириши лозим эди.

Бу бемаъни иборадан эмас, вице-қиролнинг фармойишини бажариши учун қилган уринишларидан шуни англаш мумкинки, у истеҳкомга Бородино орқали сўл томондан

ҳаракат қилиши, айни замонда Моран ва Фрианнинг дивизиялари эса рўпарадан ҳужум қилиши керак эди.

Буларнинг ҳаммаси диспозициянинг бошқа моддалари сингари бажарилмади, бажариб ҳам бўлмас эди. Вице-қирол Бородинодан ўтгандан сўнг Колоча бўйида зарбага учради ва олга юролмай қолди; Моран ва Фрианнинг дивизиялари эса истехкомни ололмади, чунки руслар уларни улоқтириб ташлади, истехком жанг охирида суворийлар томонидан олинди (Наполеон бунни кутмаган, ёв хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак). Шундай қилиб, диспозициянинг бирон фармони бажарилмади ва бажариб ҳам бўлмас эди. Аммо диспозицияда, жанг шу тариқа бошлангандан кейин душманнинг ҳаракатига қараб фармонлар берилади, деб қайд қилинган эди, бундан гўё Наполеон жанг давомида керакли фармонларни бериб туради, деб ўйлаш мумкин эди, бироқ бундай фармонлар берилмади, берилиши ҳам мумкин эмасди, чунки бутун жанг давомида Наполеон уруш майдонидан шу қадар узоқда эдики (бу кейинчалик маълум бўлди), жангнинг боришидан хабардор бўлиб туриши ҳам, жанг давомида унинг фармонини бажариш ҳам мумкин эмасди.

XXVIII

Кўп тарихчиларнинг сўзига қараганда французларнинг Бородино жангида ғалаба қилолмаганига Наполеоннинг тумов бўлиб қолгани сабаб бўлган эмиш, тумов бўлмаганда, жанггача ҳам, жанг вақтида ҳам берган фармонлари яна ҳам дохиёна бўлиб, Россия ҳалок бўлар экан ва оламнинг сиймоси ўзгарар эмиш. Россия бир кишининг, яъни Буюк Пётрнинг иродаси билан бунёдга келди, Франция бир кишининг, яъни Наполеоннинг иродаси билан республикадан империяга айланди, француз кўшинлари бир кишининг – Бонапартнинг иродаси билан Россияга бостириб кирди, деб даъво қиладиган тарихчилар фикрича, Россия шунинг учун ҳам қудратли бўлиб қолдики, Наполеон 26-санасида тумов эди, деб ҳукм чиқариш табиий ва мантикийдир.

Бородино жангини бошлаш ва бошламаслик, у ёки бу буйруқни бериш Наполеоннинг иродасига боғлиқ бўлганда

эди, унинг иродасига таъсир этган тумов Россиянинг омон қолишига сабаб бўларди, 24-санасида Наполеонга сув ўтказмайдиган этикни беришни эсидан чиқарган камердинер эса Россиянинг халоскори бўлиб чиқарди. Шу нуқтаи назардан қараганда Вольтернинг ҳам ҳазил тарикасида (кимдан кулаётганини ўзи ҳам билмасдан), Варфоломей кечаси¹ Карл IX² нинг меъдаси бузилганлиги туфайли юз берди деб хулоса чиқариши шубҳасиз, дуруст эди. Бироқ Россия давлатининг бунёдга келиши бир шахснинг – Пётр I хоҳиши билан бўлганини, Франция империясининг пайдо бўлиши ва Россияга қарши уруш бошлаши бир шахснинг – Наполеоннинг хоҳиши билан бўлганини тасаввур этолмайдиган кишилар учун бу фикр ёлғиз нотўғри ва номаъқул эмас, балки бутун инсоннинг табиатига хилоф нарсага ўхшаб кўринади. Бу тарихий ҳодисаларнинг юз беришига нима сабаб бўлди деган саволга шундай деб жавоб кайтарса бўлади: оламдаги ҳодисалар тақдир азалда белгиланган, воқеаларнинг содир бўлиши шу воқеаларда иштирок этаётган кишилар иродасининг бири-бирига мос келишига боғлиқ, бу воқеаларнинг содир бўлишига Наполеоннинг таъсири фақат зоҳирий ва сохта таъсирдир, холос.

Карл IX нинг буйруғига биноан юз берган Варфоломей кечаси Карлнинг ихтиёри билан юз бермади, фақат бу воқеа унинг амри билан бўлгандай кўринган, дейиш биринчи қарашда нақадар ажиб туюлмасин, саксон минг кишининг ёстиғини қуритган Бородино жанги ҳам, гарчи Наполеон жанг бошлаш ҳақида ва жанг давомида буйруқлар бериб турган бўлса ҳам, унинг хоҳиши билан бўлгани йўқ, фақат, унинг назарида, ўз амри билан бўлгандай кўринган, дейиш ҳам шундай ғалати туюлади, лекин бизнинг ҳар биримиз буюк Наполеондан ортиқ бўлсак бормизки, кам эмасмиз,

¹ Варфоломей кечаси – Варфоломей кечаси деб Францияда 1572-йил 24-август нишонланадиган аълиё Варфоломей куни аърафасида гугенотларнинг католиклар томонидан оммавий қирғин қилинган тунга айтилади. Турли маълумотларга кўра, ўша кечада Парижнинг ўзида 2000, бутун Франция бўйича эса 30 мингга яқин гугенотлар ўлдирилган.

² Карл IX – 1560-1574-йилларда Францияда ҳукмдорлик қилган қирол.

дейдиган инсоний иззат-нафс масалани шу тарзда ҳал этишни менга амр этади, бу мулоҳазани тарихий тадқиқотлар ҳам жуда кўп далил-исботлар билан тасдиқлайди.

Бородино жангида Наполеон ҳеч кимга ўқ отгани ва ҳеч кимни ўлдиргани йўқ. Ҳамма ишни аскарлар қилганлар. Демак, Наполеон одам ўлдиргани йўқ.

Бородино жангида француз армиясининг аскарлари Наполеоннинг буйруғи билан эмас, балки ўз хоҳишлари билан рус аскарларини ўлдиргани келишди. Бутун армия: французлар, итальянлар, немислар, поляклар оч-яланғоч қолиб, узок юришдан тинкалари қуриган эди, Москвага борадиган йўлни эса бошқа бир армия тўсиб турарди, улар шуни билишардики вино пишласининг тикини очилган, уни ичиш керак, Наполеон ҳозир уларга руслар билан урушишни ман қилганда ҳам, улар Наполеонни ўлдириб, руслар билан олишарди, чунки уларнинг аҳволи шуни тақозо қилар эди.

Улар бильбок таёқчаси билан ер куррасини санчиб олган боланинг суратини кўрганда: «Яшасин император!», – деб қичқиришгани сингари, майиб ва ҳалок бўлганлари эвазига Наполеоннинг тасалли тариқасида «Келажак авлод сизларнинг Москва яқинидаги урушда иштирок қилганларингни ифтихор билан тилга олади», деб берган буйруғини эшитганда ҳам «Яшасин император!» деб қичқиришган эди; улар Наполеонга тааллуқли ҳар қанака бемаъни сўзни эшитганда ҳам «Яшасин император!» деб қичқиришлари муқаррар эди. Уларнинг «Яшасин император!» деб қичқиришдан, ғолиб келиб овқат топиш ва дам олиш учун урушиб Москвага бостириб киришдан бўлак чоралари йўқ эди. Демак, улар ўзларига ўхшаган кишиларни, Наполеоннинг буйруғига кўра ўлдиришгани йўқ.

Бородино жангини Наполеон идора қилгани йўқ, чунки унинг диспозициясидан биронтаси ҳам амалга ошмади, жанг давомида олдинда нималар бўлаётганидан у хабардор ҳам эмасди. Демак, бу одамлар қай йўсинда бир-бирини ўлдиргани Наполеоннинг ихтиёри билан эмас, балки бу жангда иштирок этган юз мингларча кишининг ихтиёри билан бўлган.

Фақат Наполеонга ҳамма иш унинг иродаси билан бўлгандай туюлган эди, холос. Шунинг учун ҳам Наполеоннинг тумов бўлгани ва бўлмагани тарих учун аскарнинг тумов бўлгани-бўлмагани сингари аҳамиятсиз бир нарсасидир.

Наполеоннинг 26-августда тумов бўлганлиги аҳамиятсиз нарсасидир, баъзи ёзувчилар эса Наполеон тумов бўлгани туфайли илгаригидай яхши диспозиция тузолмади ва жанг давомида илгаригидай буйруқлар беролмади деб даъво қилишади, лекин бу мутлақо нотўғри гап.

Юқорида зикр этилган диспозиция илгари ғалабани таъмин этган диспозициялардан яхши бўлса яхши эдики, ёмон эмасди. Жанг вақтида тусмол билан берилган буйруқлар ҳам аввалги буйруқлардан кам эмас, айнан ўшардай эди. Лекин Бородино жанги Наполеоннинг ғалаба қозонмаган биринчи жанги бўлгани учун ҳам бу диспозиция ва буйруқлар илгариги диспозиция ва буйруқлардан ёмонроққа ўхшаб кўринади. Жанг ютказилгандан сўнг энг ажойиб, пухта ўйлаб тузилган диспозиция ва буйруқлар ҳам жуда нобойдай кўринади, ҳар бир ҳарбий олим ўзини доно кўрсатиб, бу диспозиция ва буйруқларни танқид қилади, лекин жангда ғалаба қозонилса, ҳар қандай ёмон диспозиция ва фармон ҳам яхшидай кўринади ва тупша-тузук одамлар томтом китоблар ёзиб, бу ёмон диспозициянинг афзаллигини исботлайди.

Аустерлиц жангида Вейротер тузган диспозиция бу каби диспозицияларнинг энг мукаммали эди. Лекин, барибир, уни қоралашади, мукамаллиги ва батафсил ёзилганлиги учун қоралашади.

Наполеон Бородино жангида ҳокимият вакили сифатида ўз бурчини илгариги жангларга нисбатан яхши ва ҳатто яхшироқ бажарди. Жангнинг боришига зиён етказадиган бирон хатти-ҳаракат ундан содир бўлгани йўқ; ақлга мувофиқ фикрларни маъқуллади; ишни чалкаштирмади, бирибига зид ҳаракатлар қилмади, ваҳимага тушмади, жанг майдонидан қочмади, балки ўз ролини – ўз назарида саркардалик ролини ҳарбий тажрибага суяниб тартиб билан муносиб равишда бажарди.

XXIX

Наполеон ташвиш тортиб, фронт маррасини иккинчи мартаба айланиб келгач:

– Шахмат доналари териб қўйилди, ўйин эртага бошла-
нади, – деди.

У пунш¹ келтиришни буюриб, Бошени ўз хузурига чақирди ва у билан Париж ҳақида маликанинг саройи хайъатига киргизмоқчи бўлган баъзи бир ўзгаришлар ҳақида гапириб ўз саройидаги муносабатларнинг ипидан игнасигача бидаганлиги билан префектни ҳайратга солди.

Наполеон бўлар-бўлмас нарсаларга қизиқар, Бошенинг саёҳатга ишқибозлигини гапириб ҳазил қилар ва оғзига келганини гапирарди; унинг валақлаши, бемор каравотга боғланаётган чоғда енгини шимариб, пешгир тутиб гап сотаётган, ўз ишига мохир, ўз маҳоратига амин бўлган машҳур жаррохнинг валақлашига ўхшарди: «Ҳаммаси менинг қўлимда ва миямда, бу ишни мен беп бармоғимдай биламан. Иш бошлаш керак бўлган чоғда ўзим шундай бошлаб ташлайманки, ҳеч ким менинг олдимга тушолмайди, аммо ҳозирча ҳазил-мутойиба қилишим мумкин, мен қанча кўп ҳазил-мутойиба қилсам ва хотиржам бўлсам, сизлар менинг заковатимга шу қадар ишонасизлар, хотиржам бўласизлар ва ҳайратда коласизлар».

Наполеон икки стакан пуншни ичиб бўлгандан сўнг, гўё эртага жиддий иш қиладиган одамдек дам олмоқчи бўлиб, ичкарига кирди.

Эртага бўладиган жангга у шу қадар қизиқардики, ҳатто ухлолмади ва окшом салкиндан кучайган тумовига қарамасдан, кечаси соат учда бурнини қаттиқ-қаттиқ қоқиб, чодирнинг катта бўлмасига чиқди. Руслар кетгани йўқми, деб сўради. Унга душман томонида кўринган ўтлар ҳамон ўша

¹ Пунш – (немисча: Punsch; инглизча: punch) – шакар, сув ва мева шарбатини қоритмасидан қайнатиб тайёрланадиган спиртли ичимликларнинг умумий номи. Аслида бу ичимлик Ҳиндистонда пайдо бўлган. Номи ҳиндча паантсч – беш дегани, яъни бу ичимлик таркиби 5 модадан таркиб топган: ром (спиртдан тайёрланадиган ичимлик), шакар, лимон шарбати, иссиқ сув ва чой. XVII асрда Ҳиндистондан Англияга келтириб бошланган ва бутун Европaga тарқалган.

жойда, деб жавоб беришди. Наполеон маъқуллаб бош ирғади.

Навбатчи адъютант чодирга кирди. Наполеон ундан:

– Хўш, Рапп, айтинг-чи, бугун омадимиз келармикин? – деб сўради.

– Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ, ҳазрати олийлари, – деди Рапп.

Наполеон унга қаради:

– Олий ҳазратлари, Смоленскда менга айтган сўзларингиз ёдингиздами? Вино пишасининг оғзи очиқ, уни ичмоқ керак, деган эдингиз, – деди Рапп.

Наполеон қошларини чимирди ва пешонасини ушлаб, бошини қуйи солганича, узоқ ўтирди.

Сўнгра, бирдан бошини кўтариб деди:

– Шўрлик армия, – деди у бирдан, – Смоленскдан кейин жуда камайиб қолди. Толе ёр бўлмаса, иш пачава, Рапп. Мен ҳамиша шу ақидада эдим ва ҳозир шуни бошдан кечираялман. Лекин гвардия омонми, Рапп?

– Омон, ҳазрати олийлари, – деди Рапп.

Наполеон пастиладан¹ олиб оғзига солди ва соатга қаради. Унинг уйқуси қочган, тонггача хали анча бор эди; вақтни ўтказиш учун бирон фармон ҳам бериб бўлмас эди, чунки ҳамма буйруқлар берилган, энди фақат уларни бажариш қолган эди, холос.

Наполеон жиддий тарзда:

– Гвардиячиларга сухари билан гуруч берилдими?, – деб сўради.

– Берилди, ҳазрати олийлари.

– Гуручни-я?

Рапп шаҳаншоҳнинг гуруч ҳақида берган буйруғи етказилганлигини айтди, бироқ Наполеон худди буйруқнинг бажарилганлигига ишонмагандай, норози тарзда бош чайқалди. Хизматкор пунш олиб кирди. Наполеон Раппга ҳам бир стакан пунш беришни буюрди ва ўзи индамасдан қўлидаги стакандан ҳўплай бошлади.

¹ Пастила – мева шарбатига шакар қўшиб, пиширилган хамирсимон ширинлик.

– На таъмини биламан, на ҳидини, – деди стаканни хидлаб. – Бу тумов жонимга тегди. Тағин тиббиётни мақташади. Битта тумовни тузата билмагандан кейин, тиббиётми бу? Бу пастилкани Корвизор берган эди, аммо бир чақалик фойдаси тегмади. Улар нимани муолажа қила олишаркин? Муолажа қилиб бўлмайди. Бизнинг танамиз ҳаёт машинасидир. У шунинг учун ҳам яратилган. Танадаги жонни безовта қилманг, тинч қўйинг, ўзи ўзини мудофаа қилсин, сиз дори-дармон билан унга халал бермасангиз, у ўз-ўзига кўпроқ кўмак беради. Бизнинг аъзойи баданимиз муайян вақтгача юрадиган соатга ўхшайди: соатсоз уни очолмайди, балки пайпаслаб ва кўзи боғлиқ ҳолда уни идора қилади. Бизнинг жасадимиз ҳаёт машинасидир, холос. – тариф-тавсифни, ибораларни яхши кўрадиган Наполеон худди янги бир таъриф топгандай деди: – Ҳарбий санъат нима эканлигини биласизми, Рапп? Ҳарбий санъат маълум пайтда душмандан қучли бўла билиш демақдир. Гап – шу. Рапп ҳеч нима демади.

– Эрта Кутузов билан ҳарб-у зарб қиламиз,

– деди Наполеон. – Кўрамиз! Эсингиздами, Браунауда армияга кўмондонлик қилганда, у уч ҳафтагача бир марта ҳам от миниб истехкомни бориб кўргани йўқ. Кўрамиз!

У соатга қаради. Соат энди тўрт бўлган эди. Ухлай деса, уйқуси келмас, пуншни ичиб бўлган, қиладиган бирон иш ҳам қолмаган. У ўрнидан туриб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади, кейин иссиқ сюртук билан шляпасини кийиб, чодирдан чиқди. Тун қоронғи ва рутубатли, шудринг тушаётгани хиёл билиниб турарди. Француз гвардиясининг яқин орадаги гулханлари ғира-шира кўзга чалинар, рус аскарларининг ловуллаб ёнаётган гулханлари эса узокдан, тутун орасидан кўриниб турар эди, ҳамма ёқ жимжит, позиция ишғол қилишга киришган француз қўшинларининг ғовур-ғувури ва тапир-тупури баралла эшитиларди.

Наполеон чодир олдида бир оз юриб, гулханларга назар ташлади, қўшинларнинг тапир-тупурига кўлоқ солди, чодирининг олдида посбонлик қилаётган ва императорни кўриш биланок қора симёғоч каби юз туриб, честь бераётган узун

бўйли, пахмоқ шапкали гвардиячининг олдидан ўта туриб, унинг рўпарасида тўхтади ва ўзига одат бўлиб қолган сохта жиддийт-ва сохта меҳрибонлик билан:

– Нечанчи йилдан бери хизмат қиласиз? – деб сўради. Аскар унга жавоб берди.

– Шундайми! Эскилардан экансиз-да! Полкда гуруч беришдими?

– Олдик, аъло ҳазрат.

Наполеон бош ирғаб, ўтиб кетди.

Соат беш яримда Наполеон от миниб, Шевардино кишлоғига йўл олди.

Кун ёриша бошлади, ҳаво очилди. Кун чиқиш томонда бир парчагина булут осилиб турарди. Ташлаб кетилган гулханлар тонгнинг ғира-шира ёруғида ёниб кул бўлмоқда эди.

Ўнг томондан гумбурлаб тўп овози эшитилди-ю, унинг садоси атрофга ёйилиб, сукунат ичига сингиб кетди. Бир неча дақиқа ўтди. Кейин яна икки мартаба тўп садоси янграб, ер-у кўкни ларзага келтирди; тўртинчи ва бешинчи тўп садоси эса яқинроқдан, чап томондан дабдаба билан гумбурлади.

Дастлабки отилган тўпнинг гумбурлаши босилмасдан бир-бирига кўшилиб, бир-бирининг садосини босиб яна бир неча мартаба тўп овози янгради.

Наполеон ўз мулозимлари билан Шевардино истехқомига келиб, отдан тушди. Жанг бошланиб кетди.

XXX

Пьер князь Андрей хузуридан Горкига қайтиб келди-ю, берейторига отни эгарлаб, тонг пайтида мени уйғот, деб тайинлади-да, ўзи парда орқасига – Борис бўшатиб берган тўшакка кирди-ю, ўша замон уйқуга кетди.

Эртасига эрталаб Пьер уйғонганда уйчада ҳеч ким қолмаган эди. Уйчанинг кичкина деразалари дириллаб турар эди.

Пьерни уйғотишга, афтидан, кучи етмаган берейтор унга қарамай, хадеб елкасига туртар ва:

– Тўрам, тўрам, тўрам... – деб уйғотар эди.

– Нима? Бошландими? Турайми? – деди Пьер уйғониб.

– Отишмани эшитяпсизми, тўрам, – деди собик аскар-берейтор. – Ҳамма жаноблар чикиб кетдилар, жаноби олийнинг ўтиб кетганларига ҳам анча бўлди.

Пьер наридан-бери кийиниб, эшикка чиқди. Ҳаво очик, салкин, ҳамма ёққа шабнам тушган, кишининг баҳри очилар эди. Эндигина қора булут қўйнидан қутулиб чиққан қуёш нури рўпарадаги кўчанинг томлари оша шабнам тушган сертупроқ кўчага, уй ва кўчаларнинг деворига, Пьернинг эшикда турган отларига тушиб турарди. Ташқаридан тўп-ларнинг гумбурлаши баралла эшитиларди. Адъютант ўз қазаги билан кўчадан от қўйиб ўтиб кетаётган эди.

– Тез бўлинг, граф, тез бўлинг! – деб кичкирди адъютант.

Пьер отини орқасидан олиб боришни буюриб, ўзи шибда тепаликка – кеча жанг майдонини кузатган тепаликка қараб кетди. Тепаликда ҳарбийлар йиғилган, штаб-офицерларининг француз тилида сўзлашаётгани эшитилар, Кутузовнинг оппоқ калласи кўриниб турар эди. Кутузовнинг бошида қизил гардишли оқ фуражка, гарданидаги оппоқ сочлари кифтига тушиб турарди. Бош қўмондон дурбин билан рўпарадаги катта йўлни кўздан кечирар эди.

Пьер зинадан тепаликка чиқди-ю, қаршисидаги чиройли манзарага маҳлиё бўлиб қолди. У кеча шу тепаликка чикиб бу ажойиб манзарани томоша қилган эди, аммо ҳозир бу ер қўшинлар билан, отилган ўқларнинг туғуни билан тўлиб кетган, орқадан, Пьернинг чапроғидан кўтарилаётган қуёш бу ерга, мусаффо тонг ҳавосига, қизғиш нур сочиб, узун-узун қора кўланкалар ташлаб турарди. Бу манзаранинг орқа томонидаги узокдаги ўрмон худди алақандай киммат-баҳо сарғимтир яшил тошдан йўниб ишланганга ўхшар, унинг кунгирадор чўққиси уфқдан кўриниб турарди, ўрмонлар орасида, Валуевнинг у томонида мўр-малахдай қўшин босиб ётган катта Смоленск йўли узала тушиб ётарди. Берирокда, олтиндай далалар ва чакалакзорлар қуёш нурида товланиб турар эди. Ҳамма жойда – ўнгда, сўлда қўшинлар

кўзга ташланарди. Буларнинг ҳаммаси завқ билан тўлган, салобатли ва ҳорикулодда эди, бироқ Пьерни кўпроқ ҳайратга солган нарса жанг майдони, Бородино ва Колоча дарёсининг иккала томонидаги пастқамлик бўлди.

Колоча дарёси, Бородино ва унинг якки томонини, айниқса чапроғи, Войнанинг Колочага қуйиладиган ботқоқ соҳилини куёш чиқиши билан эриб, ёйилиб кетадиган туман қоплаган эдики, бу туман пардаси остидаги нарсалар ажойиб бир рангда товланиб, равшан кўриниб турарди. Тўшлардан чиққан тутун шу туманга кўшилиб кетган, унинг орасидан ҳар ер-ҳар ерда – гоҳ сувда, гоҳ шабнамда, гоҳ дарё соҳили ва Бородинода тўпланган кўшинларнинг найзаларида куёш нури чақмоқ каби ялт-юлт этарди. Шу туман пардаси орасидан оқ черков, Бородино қишлоғидаги баъзи уйлarning томи, унда-бунда тўпланган аскарлар, кўк яшиқлар ва тўшлар кўзга чалинарди. Буларнинг ҳаммаси қимирлаб турарди, ё шундай туюларди, чунки бутун фазони чулғаб олган туман билан тутун аста-секин сузиб юрмоқда эди. Бородино атрофидаги туман босган пастқамликлардан ҳам, унинг ташқарисидан ҳам, юқорироқ ва айниқса, фронт маррасининг сўл томонидан ҳам, дарахтзорлар, далалар, пастқамликлардан ҳам, тепаликларнинг чўққисидан ҳам ўз-ўзидан гоҳ яккам-дуккам, гоҳ устма-уст, гоҳ сийрак, гоҳ тез-тез отилган тўшларнинг тутуни ҳавога кўтарилар, чўзилиб, тобора кўпаяр, буралиб-буралиб, бир-бирига қоришиб, ҳамма ёққа ёйилиб кетар эди.

Қизичи шуки, отилган ўқларнинг тутуни билан садоси бу манзаранинг чиройига чирой кўшар эди.

Бирдан «пуф» этиб юмалок, қуюқ, сур, бинафша тусга кириб товланадиган сутдай оппоқ тутун кўринади-ю, бир лаҳзадан сўнг бу тутуннинг садоси гумбурлаб эшитилади.

Гоҳ кўшалок тутун «пуф» этиб, бир-бирини суриб, бир-бирига кўшилиб, ҳавога кўтарилади ва «гум-гум» этган товуш бу манзарани кўзингиз кўриб турганини тасдиқлайди.

Пьер биринчи тутун пайдо бўлган ерга қараб қолди, бошда қуюқ, коптоқ шаклида бўлган бу тутун энди бир нечта думалок шарга айланиб, бир томонга чўзилиб кетмоқда эди,

унинг кетидан «пуф-пуф» этиб учинчи, тўртинчи тўпнинг тутуни ҳавога кўтарилиди; ҳар гал «пуф-пуф» деган товуш эшитилганда ўша тартибда «гум-гум» этиб, чиройли, кучли садолар янграб кетарди. Гоҳ бу тутунлар чошиб кетаётгандай кўринар, гоҳ булар бир жойда тўхтаб турибди-ю, буларнинг ёнидан ўрмонлар, далалар ва ярқираб турган найзалар чошиб кетаётгандай туюларди. Чап томондан, дала ва чакалакзорлар орасидан кетма-кет тутун чиқиб, тантанали тарзда гумбурлаб кетар, яқинроқдан, пастқамлик ва ўрмонзордан эса мийтиқларнинг тутунлари юмалоқ шаклга киришга улгурмасдан ҳавога кўтарилар, улар ҳам ўзларига яраша паст акс садо берарди. Мийтиқлар гарчи устма-уст қаршилаётган бўлса ҳам, лекин тўпнинг садоси сингари мунтазам, кучли эмас эди.

Пьер тутун чиқаётган, найзалар ярқираётган, ҳаракат бошланган; «гум-гум» садолар чиқаётган ерга боришни истаб қолди. У ўз таассуротини бошқаларнинг таассуротига солиштирмоқчи бўлиб, Кутузов ва унинг мулозимларига қаради. Назарида уларнинг ҳаммаси ҳам айнан шу ҳолатни бошдан кечириб олға, жанг майдонига тикилаётганга ўхшарди. Ҳамманинг юзидан Пьер кеча кўрган ва князь Андрей билан ҳамсуҳбат бўлганда кейин маъносига мукаммал тушунган ўша ботиний иллик ҳис барқ уриб турган эди.

Кутузов кўзларини жанг майдонидан олмай, ёнида турган генералга:

– Бор, азизим, бор, худо ёр бўлсин, – деди.

Генерал бош кўмондоннинг амрини тинглаб,

Пьернинг ёнидан ўтди-да, тепаликдан тушиб кетди.

Штаб-офицерларидан бири қаерга боряписиз, деб сўраганда, генерал совуқкина қилиб жиддий тарзда:

– Кечувга! – деб жавоб берди.

Пьер ўз-ўзига «мен ҳам, мен ҳам» деб генералга эргашди.

Генерал казак етаклаб келган отта минди. Пьер отларни ушлаб турган берейтори олдига келди. Қайси бири ювошлигини сўрагач, отта минди-да, ёлидан маҳкам ушлаб этигининг пошнаси билан отнинг қорнига ниқтади, кўзой-

наги тушай-тушай деяётганини сезиб, қўллари билан отнинг ёли ва юганига маҳкам ёпишиб олганича, генерал кетидан от қўйиб кетди; тепаликда турган штаб-офицерлари унинг важоҳатига жилмайиб қараб қолишди.

XXXI

От чоптириб бораётган генерал тепаликдан тушгач, отини чапга қайирди, Пьер уни йўқотиб қўйиб, олдида бораётган аскарларнинг орасига от қўйиб кирди. У отини гоҳ олдинга, гоҳ ўнга, гоҳ сўлга буриб, аскарлар орасидан чиқишга уринди, бироқ илож бўлмади: ҳамма ёқ бошига катта ташвиш тушгани афтидан билиниб турган аскарлар билан тўлган эди. Улар негадир оти билан аскарлар орасига бостириб кирган оқ шляпали бу семиз кишига савол назарила, норози тарзда қарарди.

– Батальон орасида нима қиласан? – деб бир аскар бақириб берди. Бошқа бир аскар қўндоқ билан Пьернинг отини туртди. Пьер эгар қошига маҳкам ёпишганича хуркиб кетган отининг бошини зўрға тортиб, аскарлар орасидан чиқди-да, олдинга ўтиб олди.

Олдинда кўприк бор эди, кўприк олдида бошқа аскарлар милтик отмоқда эди. Пьер уларнинг олдига келди, ўзи ҳам билмаган ҳолда Горки билан Бородино орасидаги Колоча кўпригига яқин бориб қолган эди. Французлар жангнинг биринчи даврида, Бородинони ишғол қилгандан сўнг, шу кўприкка ҳужум қилаётган эди. Пьер қаршисида кўприк борлигини, кўприкнинг иккала томонида, кеча кўзи тушган ўша пичан ғарамлари орасида, тутунда аскарлар алланима қилаётганини кўриб турган эди, лекин тинимсиз отишма бўлаётган бўлса ҳам, жанг майдони шу эканлигини сира ҳаёлига келтирмаган эди. У атрофда визиллаётган ўқлар товушини ҳам эшитмас, боши оша отилаётган снарядларни ҳам пайқамас, кўприкнинг нариги томонида турган душманни ҳам, ярадор ва ҳалок бўлган аскарларни, гарчи кўпи кўз ўнгида йиқилаётган бўлса ҳам, узоқ вақт кўрмади. Пьер лабидан аримайдиган ўша табассум билан аланглаб атрофга

қаради.

Кимдир яна унга:

– Фронт марраси олдида бало борми! – деб бақирди.

– Сўлга, ўнгга бур! – деб қичқирдишди унга.

Пьер отини ўнгга буриб, қўққисдан бир танишига рўпа-ра бўлиб қолди. Бу одам генерал Раевскийнинг адъютанти эди. Адъютант ҳам жаҳл билан Пьерга қараб бақирмоқчи эди, бироқ уни таниб, бош ирғади.

– Бу ерда нима қилиб юрибсиз? – деди-да, адъютант отини чоптириб олға қараб кетди.

Пьер бу ерда ортиқча эканини ва бекор юрганини сезиб, яна биронтасига халал беришдан кўрқиб адъютантнинг кетидан от чоптириб кетди.

– Бу ерда нима бўляпти? Сиз билан борсам майлими? – деб сўради Пьер.

– Ҳозир, ҳозир, – деди адъютант, сўнгра майсазорда турган семиз генералнинг хузурига бориб, бир нимани унга узатди ва шундан кейин Пьерга юзланди:

– Сиз бу ерга нечук келиб қолдингиз, граф? – деди жилмайиб. – Ҳеч қўймас-экансиз-да!

– Ҳа, – деди Пьер. Бироқ адъютант, отининг бошини буриб, олға қараб кетди.

– Бу ер-ку, худога шукур, бир нав, – деди адъютант, – лекин Багратион турган чап флангамизда қиёмат-қойим бўляпти.

– Ростданми? Чап флангимиз қаерда ўзи? – деб сўради Пьер.

– Истасангиз, юринг, тепаликка чиқайлик, ўша ердан кўринадим. Аммо бизнинг батареямиз баҳарнав, – деди адъютант. – Нима қилдик, кетдикми?

Пьер ўз берейторини ахтариб атрофга жаланглаб қараркан:

– Майли, бора қолай, – деди ва шунда биринчи мартаба эмаклаб бораётган ва замбилда олиб кетилаётган ярадорларни кўрди. Кеча ўтиб кетган жойида – қатор ўриб қўйилган хушбўй пичанлар орасида, боши бир томонга қийшайиб, шапкаси тушиб кетган бир аскар узала тушиб кимирламай

ётарди. Пьер: – Буни нега олиб кетишмабди, – деб сўрамоқчи бўлди-ю, бироқ ўша томонга қараган адъютантнинг юзидаги жиддий ифодани кўриб, индамай қўя қолди.

Пьер ўз берейторини тополмади ва адъютант билан бирга, пасткамшиқдан Раевский турган тепалик томон кетди. Пьернинг оти адъютантнинг отидан орқада қолиб силкиниб борар эди.

– Граф, сиз минишни ўрганмаганга ўхшайсиз, а? – деб сўради адъютант.

– Аҳамияти йўқ, лекин бу курғур силкиниб жуда безовта қияпти, – деди Пьер таажжубланиб.

– Э-э!.. Бечора ярадор бўлибди-ку, – деди адъютант, – олдинги ўнг оёғи, тиззасидан юқориси. Ўқ теккан бўлса керак. Табриклайман, граф, – деди адъютант, – биринчи ўқ тегибди.

Улар тутунда олға сурилган ва қулоқларни қоматга келтириб гумбурлаётган артиллериянинг орқасидан, олтинчи корпуснинг орасидан ўтиб, кичкина ўрмонзорга киришди. Ўрмон салқин ва сокин бўлиб, ҳамма ёқдан куз хиди келиб турар эди. Пьер билан адъютант отдан тушиб, тепаликка йўл олишди.

Адъютант тепаликка чиққач:

– Генерал шу ердами? – деб сўради.

– Ҳозир шу ерда эдилар, ана у ёққа кетдилар, – дейишди ўнг томонга ишора қилиб.

Адъютант худди бу одамни нима қилсамикин деяётгандай Пьерга қаради.

– Ташвиш тортманг, – деди Пьер. – Тепаликка чиқсам майлими?

– Ҳа, боринг, у ердан ҳаммаси кўринади, кейин унчалик хавфли ҳам эмас. Мен кейин орқангиздан бораман.

Пьер батарея томон кетди, адъютант йўлида давом этди. Улар иккинчи учрашмади, Пьер анчадан кейин, ўша куни бу адъютант бир қўлидан айрилибди, деб эшитди.

Пьер чиққан бу тепалик (кейинчалик руслар орасида тепалик батареяси ё Раевский батареяси, французларда эса катта истехком, машъум истехком, марказий истехком деб

ном чиқарган) ўша машҳур тепалик бўлиб, бу ерда ўн мингларча кишиларнинг жасади қолиб кетган ва французлар бу тепаликни позициянинг муҳим пункти деб ҳисоблаган эдилар. Бу истехком уч томондан хандақ қазилган тепаликдан иборат эди. Хандақларга тинмай ўт очиб турган ўнта замбарак ўрнатилган бўлиб, уларнинг қувури хандақ тўсинининг тешигидан чиқиб турган эди.

Тепаликнинг икки томонида ҳам замбараклар ўрнатилган бўлиб, бу замбараклар муттасил ўқ узмоқда эди. Замбараклардан сал орқароқда пиёда аскарлар турган эди. Пьер бу тепаликка чиққанида кичик-кичик хандақларга ўрнатилган бир нечта замбарак ўт очаётган бу ер жангда энг муҳим жой эканини сира тасаввур этмаган эди.

Пьерга, аксинча, бу жой (ўзи шу ерда тургани учун ҳам) урушнинг энг аҳамиятсиз еридай кўринди.

Тепаликка чиққандан кейин Пьер батареяни ҳимоя қилган хандакнинг охирига бориб ўтирди ва беихтиёр қулимсираб, атрофида бўлаётган ишларни кузатди. Гоҳ-гоҳ, лабида ҳамон ўша табассум билан ўрнидан турар, тўпларга ўқ-дори жойлаётган ва ўрнидан силжиётган, сумка ва ўқ кўтариб тинимсиз ёнидан ўтаётган аскарларга халал бермасликка уриниб, тўплар орасида юрарди. Бу батареянинг замбараклари қулоқларни битириб, ҳамма ёқни порох тутунига тўлдириб, кетма-кет ўқ узмоқда эди.

Буларни ҳимоя қилиб турган пиёда аскарлар ваҳимага тушган бўлса, бу ерда, батареяда, аксинча, умумий бир жўшқинлик ҳукм суларди, чунки ўз иши билан банд бўлган ва сон жиҳатдан оз бўлган бу одамлар хандақ билан бошқалардан ажралган бўлиб, ўзларини бир оила аъзоси каби ҳис қилишарди.

Граждан кийими, оқ шляпа қийган Пьернинг пайдо бўлиши бошда буларга ёқимсиз туюлди ва ажаблангирди. Аскарлар унинг ёнидан ўтаркан, ҳайрон бўлиб, хатто хавотир олиб хўмрайиб қарашарди. Юзи чўтир, бўйи баланд, оёқлари узун катта артиллерия офицери чеккадаги тўпнинг ўқ узишини кўрмоқчи бўлиб Пьернинг олдига келди ва қизиксиниб уни кўздан кечира бошлади.

Ихтиёридаги икки замбаракка зўр ғайрат билан бошчилик қилаётган, ҳарбий мактабни афтидан эндигина тамомлаб чиққан, кулча юзли, жуда ёш, ҳатто бола деса ҳам бўладиган бир офицерча Пьерга жиддий равишда:

– Жаноб, мумкин бўлса, йўлдан чиқиб турсалар, – деди, – бу ерда туриш ярамайди.

Аскарлар Пьерга қараб, бу ерда унга бало борми, дегандек бош чайқашарди. Бирок оқ шляпали бу одам ҳеч қандай номаъкул иш қилмаётганини, хандақ бўйида жимгина ўтирганини, гоҳ ювошгина жилмайиб, одоб билан аскарларга йўл берганини, ўт очаётган батареянинг олдида худди бульварда айланиб юргандай бемалол юрганини кўриб, уларнинг муносабати ўзгарди, улар кўз олайтириб эмас, балки ўз жониворлари: итлари, хўрозлари, эчкилари, умуман ҳарбий бўлинмалар қошидаги жониворларга қандай қарашса, Пьерга ҳам айнан ўша тарзда меҳрибонлик билан ҳазил аралаш қарай бошлашди. Аскарлар ўша он Пьерни ҳаёлан ўз оилаларига қабул қилиб, унга лақаб беришди. Улар Пьерга «бизнинг хўжа» деб ном қўйишди, орқасидан уни суяб гапиршадиган бўлишди.

Пьердан икки қадам нарига бир снаряд тушиб, ерни ўйиб юборди. Пьер устига тушган тупроқни кийимидан қоқар экан, жилмайиб атрофига боқди.

Қип-қизил юзи барқашдай бир аскар оппоқ ва мустаҳкам тишларини кўрсатиб илжаркан, Пьерга қараб:

– Хўжам, нечук сиз ҳеч кўркмайсиз-а! – деди.

– Нима, сен кўрқасанми? – деди Пьер.

– Бўлмасам-чи? – деди аскар. – Ўқ одамни аяб ўтирмайди. Ичак-чавоғингни ағдариб ташлайди. Кўркмасдан бўлар эканми, – деди аскар кулиб.

Бир неча аскар очиқ чеҳра билан кулимсираб Пьернинг қаршисида тўхташди. Улар худди бу одам бошқалар сингари гапиради деб ўйламагандай, бу кашфиётдан суюниб кетишди.

– Биз-ку аскармиз. Лекин бу тўрамнинг юрагига қойил бўлиш керак. Қойил!

Ёшгина офицер Пьернинг олдида тўпланган аскарларга

қараб:

– Жой-жойларингга боринглар! – деб кичқирди.

Бу ёш офицер ўз вазифасини биринчи ё иккинчи мартаба бажараётганга ўхшар эди, чунки аскар ва бошликларга айрим расмият билан, барча конун-қоидаларга мувофиқ муурожаат этар эди.

Бутун жанг майдонида, айниқса, Багратионнинг истехкоми жойлашган сўл томонда тўпларнинг гумбурлаши ва милтиқларнинг қасир-қусури кучайиб кетди, лекин ҳамма ёқни тутун босгани учун ҳам Пьер турган ердан ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди. Бундан ташқари, Пьернинг бутун диққати бошқалардан ажралиб турган бир оила каби аҳил бўлиб, батареяда хизмат қилаётган кишилар билан банд эди. Илк дафъа жанг майдонини кўрган ва тўп садоларини эшитган маҳалда қалбида уйғонган шуурсиз қувноқ кайфият энди, айниқса, ўтлоқда якка-ёлғиз узала тушиб ётган аскарни кўргандан кейин бошқа туйғу билан алмашинди. У хандақдан чиққан тупрокнинг ён бағрида ўтираркан, атрофидаги кишиларга разм солди.

Соат ўнларда батареядаги кишилардан йигирматачасини олиб кетишди, икки тўп ишдан чиқди ва батарея турган жойга устма-уст снарядлар келиб тушаверди, узокдан отилган ўқлар визиллаб, чийиллаб, аскарларнинг боши оша ўтаверди. Бироқ батареяда хизмат қилаётган кишилар гўё буларни пайқамас, ҳар томондан уларнинг қувноқ товушлари ва хазил-мутойибалари эшитилиб турар эди.

Аскарлардан бири визиллаб келаётган тўп ўқига қараб:

– Акаси жонидан! Бу ерга эмас! – деб кичқирди. Тўп ўқи орқада турган пиёда аскарлар устига бориб тушганини кўриб бошқаси:

– Пиёда аскарлар устига! – деб хахолаб кулди.

Яна бири устидан ўтаётган ўқнинг визиллашини эшитиб энгашган қишлоқига:

– Ҳа, танишингми? – деб гап отди.

Бир нечта аскар пастда нима бўлаётганини томоша қилмоқчи бўлиб, уйиб қўйилган тупрок устига йиғилди ва аскарлар цепига қараб:

– Кўрясанми, орқага чекинишяпти, – дейишди.

Кекса унтер-офицер уларга:

– Ўз ишларингви қилсаларинг-чи! – деб ўшқирди. – Керак бўлгандирки, орқага чекинишяпти! – унтер-офицер пуни деб, бир аскарни елкасидан ушлаб, кетига тиззаси билан урди. Кулги кўтарилди.

Батареянинг нариги томонидан:

– Бешинчи тўпни суриглар! – деган ҳайкирик эшитилди.

Кейин замбаракни сураётган аскарларнинг:

– Қани, сур, бурлақчасига!! – деган қувноқ ҳайкириклари эшитилди.

Икки юзи қип-қизил ҳазилкаш аскар илжайиб Пьерга ишора қилди-да:

– Эй, хўжамизнинг шляпасини учуриб кетишига оз қолди, – деди. – Эҳ, номард! – деди гилдирак орасига тушиб, бир аскарнинг оёғига теккан снарядга² хўмрайиб қараб.

Яна бир аскар ярадорларни олиб кетмоқчи бўлиб, батарея олдига энгашиб келган халқ лашкарларини калака қилиб:

– Ҳой тулкилар! – деб қулди.

Аскарлар оёғини снаряд олиб кетган аскарнинг олдида ивирсиб қолган халқ лашкарларини калака қилиб:

– Ҳа, бўтқа бемаза эканми? Нега анқайиб ўтирибсизлар, ола қарғалар! – деб кичқирди.

Қишлоқиларни масхара қилиб:

– Ҳой шоввозлар, сабр қилсаларинг-чи! – деди.

Пьер ҳар бир тўп ўқи келиб тушган ва ҳар бир аскар сафдан чиққан сари умумий жонланиш кучайганини пайқади.

Худди яқинлашиб келаётган қора будутлардан чақнаётган чақмоқ каби бу одамларнинг юзиди ҳам (худди рўй

¹ Бурлақ (русча: шовкин солувчи, кичкирувчи) – денгиз ва дарё қирғоқларида туриб, кемаларни аркон ёрдамида судраб юривчи ёлланма дехқонлар.

² Снаряд (русча: снаряд – асбоб; курул, тўп ўқи, ёрилувчи бомба) – 1) артиллерия курулларида отиладиган ўқ-дори тури; 2) баъзи техник курулмалар номи; 3) гимнастика асбобларининг умумий номи.

бераётган ҳодисани даф этаётгандай) ботиний бир ўт тез-тез ва тобора ёруғроқ шуъла сочиб турар эди.

Пьер энди жанг майдонига қарамас ва у ерда нима бўлаётгани билан қизиқмас эди: унинг бутун диққати тобора ловуллаб ёнаётган ўтда бўлиб, назарида, айнан шундай ўт унинг қалбида ҳам шу йўсинда ловуллаётгандай бўлар эди.

Соат ўнларда батареянинг олдида – буталар орасида ва Каменька сойида турган пиёда аскарлар орқага чекинишди. Улар ярадорларни милтик устига кўйиб, батарея ёнидан югуриб ўтгани тепалиқдан кўриниб турар эди. Бир генерал ўз одамлари билан тепалиқка чиқди ва полковник билан гаплашиб бўлгач, Пьерга хўмрайиб қаради-да, батареянинг орқасида турган пиёда аскарга хавфсизроқ ерга ётишни буюриб, пастга тушиб кетди. Ўша оннинг ўзида, батареянинг чапроғидан, пиёда аскарлар сафидан дўмбира ва буйруқ товуши эшитилди-ю, батарея олдидаги пиёда аскарлар сафининг олға юргани кўринди.

Пьер тупроқ уюми устига чикиб қараб турган эди. Бир офицер унинг диққатини жалб этди. Бу ёш офицер, рангкути ўчган ҳолда, қиличини осилтириб, кўрка-писа, атрофга аланглаб қараб, аскарлар кетидан бормоқда эди.

Пиёда аскарлар сафи тутун ичига кириб кўздан ғойиб бўлди, энди уларнинг узлуксиз хайқириқлари ва милтиқларининг устма-уст қарсиллаши эшитиларди, холос. Бир неча дақиқадан сўнг у ердан бир тўда ярадорни суяб ва замбилга солиб олиб ўтишди. Батарея устига борган сари кўпроқ тўп ўқи келиб-туша бошлади. Бир нечта ярадор ерда ётарди. Замбараклар атрофидаги аскарлар аввалгидан кўра чаққонроқ ва серҳаракат бўлиб қолишди. Энди ҳеч ким Пьерга эътибор қилмай қўйди. Йўлда тургани учун бир-икки мартаба унга ўшқириб беришди. Катта офицер, қош-қовоғини солиб, ҳали у тўпнинг, ҳали бу тўпнинг олдига югуриб борар эди. Кичкина офицерча аввалгидан ҳам баттар қизариб, серҳафсалалик билан аскарларга буйруқ бера бошлади. Аскарлар ўқ узатиб туришар, тўпларни ўқлашар ва ўз ишларини зўр кунт билан бажаришарди. Улар иргишлаб чопишар эди. Қора булутлар яқинлашди ва Пьер ҳамма юз-

ларда ёниб турган ўша ўтнинг ёлқинлаб кетганини кўрди. Пьер катта офицернинг ёнида турган эди. Ёшгина офицерча, кўлини шапкасининг соябонига қўйиб, катта офицернинг олдига югуриб келди-да: – Жаноб полковник, маълумингиз бўлсинки, саккизтагина ўк қолди, ўт очишни давом эттираверайликми? – деб сўради.

Тупроқ уюми устидан жангни назорат этаётган катта офицер, кичкина офицернинг саволига жавоб бермасдан:

– Сочма ўк! – деб қичқирди.

Тўсатдан бир ҳодиса юз берди, офицерча «оҳ» деди-ю, тўлганиб худди учиб кетаётганда ўк еган кушдай ерга ўтириб қолди. Пьернинг назарида ҳамма нарса ўзгариб кетгандай, кўзлари хиралашиб қоронғида қолгандай бўлди.

Тўп ўқлари бирин-кетин визиллаб, тупроқ уюми, тўп ва аскарлар устига келиб тушмоқда эди. Пьер бу садоларни олдин эшитмаган эди, энди эса булардан бошқа қулоғига ҳеч нарса кирмай қўйди. Аскарлар батареянинг ёнидан, ўнг томондан «ура!» деб югуриб ўтишди, аммо Пьернинг назарида улар олға эмас, орқага қараб югураётгандай эди.

Тўп ўқи Пьер турган жойга, тупроқ уюмининг бир четига келиб тушди-ю, ҳамма ёқни чангитиб юборди ва Пьернинг кўзига қора бир қоптоқ кўриниб, ўша оннинг ўзидан бир нарса шалоқлаб кетди. Батареяга томон келаётган халқ лашкарлари орқага қараб чопишди.

– Сочма ўк билан! – деб қичқирди офицер.

Унтер-офицер югуриб катта офицер олдига борди-да (овқат маҳалида сўралаётган вино йўқлигини хўжасига маълум қилаётган мулозимдай), кўрка-писа шивирлаб, ўк-дори қолмаганини айтди.

– Қароқчилар! Нима қилишяпти? – деб офицер Пьерга томон қараб қичқирди. Катта офицернинг терга пишган юзи кизарган, хўмрайган кўзлари чақнар эди. У Пьерга ўшшайиб қараб қўйди-да, ўз аскарига буюрди:

– Югуриб бориб, эҳтиёт аскарлар олдидан бир яшик ўк-дори олиб кел!

– Мен бораман, – деди Пьер.

Офицер унга жавоб бермасдан, катта-катта қадам таш-

лаб бошқа томонга кетди.

– Ўқ отилмасян... мўлжалга олиб турилсин! – деб кичқирди офицер.

Ўқ-дори олиб келгани бораётган аскар Пьерга тўкнашиб қолди: – Э, тўрам, бу ер сизнинг жойингиз эмас, – деди-да, пастга қараб югурди.

Пьер ёшгина офицерча ўтирган ердан айланиб ўтиб аскарнинг кетидан югурди.

Бирин-кетин бир неча ўқ Пьернинг боши устидан ўтиб, олдига, орқа томонга, ёнига келиб тушди. Пьер пастга қараб чопди.¹ У кўк яшиқлар олдига борганида бирдан «Қаёққа кетяпман» деб ўйлаб, олға боришини ҳам, орқага қайтишини ҳам билмай, туриб қолди. Нохосдан даҳшатли бир туртки уни орқага улоқтириб ташлади. Шу чоғ каттакон бир ўтнинг ёлкини ҳамма ёқни ёритди, шу лаҳзада ер-кўкни ларзага солиб, кулокни қоматга келтириб, бир нарса гумбурлаб кетди.

Пьер ўзига келиб, кўзини очиб қараса, кўлларини тираб, ерда ўтирибди; у ҳали кўрган кўк яшик энди йўқ; қовжираб қолган ўт устида куйган кўк тахталар ва лагга-путталар ётибди, бир от шотини ерга судраб қочмоқда, бошқа бири, худди Пьер каби ерга ётиб олиб, чинқириб кишнамоқда эди.

XXXII

Пьер кўркқанидан эс-хушини йўқотиб, ирғиб ўрнидан турди-ю, батарея гўё атрофидаги барча даҳшатлардан асровчи бирдан бир бошпана бўлгандай, ўзини орқага, ўша ёққа урди.

У окопта¹ тупаётган чоғда батареядан ўқ узилмаётганини пайқади, лекин кимлардир батарея атрофида бир нима қилаётган эди. Булар кимлар эканлигини англашга Пьер фурсат тополмади, катта полковник орқасини Пьерга ўтириб, худди оқоннинг ичидаги бир нимага қараётгандай

¹ Окоп (русча: окоп – қовданган жой) – жонли кучлар ва жанговар техникани душман ўтидан пана қиладиган ҳарбий иншоот.

тупрок уюми устида узала тушиб ётганини, бир неча киши унинг эътиборини тортган бир аскарнинг кўлидан ушлаб турганини ва бу аскар кочиб қутулишга интилиб «Биродарлар!» деб бақираётганини ва яна алланечук ғалати парсаларни кўрди.

Бироқ узала тушиб ётган полковник ўлик эканини, «Биродарлар!» деб кичқирган аскар асир эканини, кўз олдида бошқа бир аскар орқасидан найза еб ўлганини фахмлаб олишга Пьер ҳали улгуролганича йўқ эди. У оқоғга югуриб кириши биланок, эғнида кўк шинель, ўзи озғин, ранги захиш, афт-баъқараси терга пишган бир одам кўлида қилич билан алланималар деб кичқириб унга ташланди. Пьер беихтиёр ўзини зарбадан сақлаб (чунки улар бир-бирини кўрмасдан тўкнаш келиб қолган эди), кўлларини олға чўзди-да, бир кўли билан бу одамнинг (француз офицерининг) елкасидан ушлаб, иккинчи кўли билан томоғидан бўғиб олди. Офицер қиличчини кўйиб юбориб, Пьернинг гирибонига ёпишди.

Иккаласи ҳам ваҳимага тўлган кўзлари билан бир неча дақиқа бир-бирининг башарасига қараб қолди, чунки иккаласи ҳам нима қилаётганини ва нима қилиш кераклигини билмай, ҳанг-у манг бўлиб қолган эди. Иккови ҳам ўзича: «мен асир тушдимми ё бу мени асир олдимми?» деб ўйлар эди, лекин француз офицери асир тупганига кўпроқ ишонганга ўхшарди, чунки Пьернинг жон ҳолича кучга кирган кўллари унинг бўғзини борган сари маҳкамроқ бўғмоқда эди. Француз бир нима демоқчи бўлган эди, бироқ шу чоғ буларнинг боши оша тўп ўки чийиллаб ўтди ва француз офицери шу қадар тезлик билан бошини эгдики, Пьернинг назарида, унинг калласи танидан жудо бўлгандай туюлди.

Пьер ҳам офицерни кўйиб юбориб, бошини эгди. Француз ким кимга асир тушганлиги ҳақида бош қотириб ўтирмасдан, орқага, батареяга қараб югурди, Пьер эса ўлган ва ярадор бўлганларга қоқиниб-суртиниб (назарида, булар оёғидан тортаётгандай эди), тепалиқдан пастга қараб югурди. Бироқ у тепалиқдан тушар-тушмас, қаршисидан аралаш-қуралаш, қоқиниб-суртиниб, қий-чув кўтариб батареяга томон чопқиллаб келаётган рус аскарларига рўпара келиб

қолди. (Ермолов бу хужумни мен бошладим, бу қахрамонлик фақат менинг жасоратим ва толеимнинг баландлиги соясида муяссар бўлди, деб лоф урган эди, шу хужумда Ермолов гўё чўнтагидаги «Георгий нишон»ларини олиб тепаликка сочган эмиш.)

Батарейани босиб олган французлар қочиб кетишди. Бизнинг аскарларимиз «ура!» деб қичқириб французларни батареядан шу қадар узоққа улоқтириб ташлашдики, уларни тўхтатиш амримаҳол эди.

Асирларни, шу жумладан, ярадор бўлган ва офицерлар қуршаб олган француз генералини батарея олдидан олиб кетишди. Пьерга таниш ва нотаниш бўлган, жон азобида афти башаралари ўзгарган рус ҳамда француз аскарлари батарея олдидан ўтиб кетишди, юришга мажоли етадиганлар ўзи судралиб борар, мажоли қолмаганларни замбилга солиб кўтариб олишган эди. Пьер бир соатдан кўпроқ вақтини ўтказган тепаликка чиқди, уни ўз оилалари аъзосидек қабул қилган жангчилардан ном-нишон тополмади. Тепаликда Пьер танимайдиган ўликлар жуда кўп эди. Лекин Пьер буларнинг баъзисини таниди.

Ёшгина офицерча ҳамон кўнишиб, тупроқ уюми устида, окоп четида қонга беланиб ўтирган эди. Юзи қип-қизил аскар ҳамон жон бермоқда, лекин уни олиб кетишга ҳали улгурганлари йўқ.

Пьер пастга қараб югурди.

У жанг майдонидан олиб кетилаётган қатор-қатор замбиллар орқасидан эргашиб бораркан, ўз-ўзига: «Йўқ, энди улар бас келишади, энди ўз қилмишларидан ўзлари даҳшатга тушади», – дер эди.

Бироқ юзини тутун қоплаб олган қуёш ҳали хийла баланд, олдинда, айниқса сўлда, Семеновское тепалигида тутун ичида қандайдир бир нарса жўш уриб қайнамоқда, милтиқларнинг қасир-қусури, тўп-тўпхоналарнинг гумбурлаши босилиш у ёқда турсин, балки, худди сўнгги кучини йиғиб, жони борича қичқираётган киши сингари борган сари кучайиб, авжига чиқмоқда эди.

XXXIII

Бородинода бўлган энг зўр жанг. Бородино қишлоғи билан Багратион истехкоми орасидаги минг саржинлик¹ жойда содир бўлди. (Қиём пайтида бошқа бир жойда руслар бир томондан Уваров кавалериясини² ишга солиб намойиш ўтказишди, иккинчи томондан Утица дарёсининг нариги тарафида, Понятовский билан Тучков орасида тўкнашув юз берди, аммо уруш майдонининг қок ўртасида бўлаётган жангга нисбатан булар айрича кичик жанглар эди, холос.) Энг муҳим жанг Бородино билан истехком орасидаги майдонда, ўрмоннинг четида, иккала томондан кўриниб турган ялангликда юз берди ва бу хийла-найрангсиз, оддий жанг бўлди.

Жанг иккала томондан юзларча тўплардан ўт очилиши билан бошланган эди.

Жанг майдонини бошдан оёқ тутун қоплаб олгандан сўнг тутун ичида ўнгдан (французлар томонидан) икки дивизия, Дессё дивизияси билан Компани дивизияси истехкомга қараб, сўлдан эса вице-қиролнинг полки Бородинога қараб ҳужум қилди.

Наполеон турган Шевардино истехкоми билан флешлар ораси бир чақирим келар, Шевардино билан Бородино ўртасидаги тўғри йўл эса икки чақиримдан ортиқроқ эди, шунинг учун у ерда нима бўлаётганини Наполеон кўролмас эди, бунинг устига, яна тўплардан чиққан тутун туманга қўшилиб, ҳамма ерни бекитиб турар эди. Флешларга қараб ҳужум қилаётган Дессё дивизиясининг аскарлари пастқамликка тушмасдан бурун кўриниб турар эди, аммо пастқамликка тушгандан сўнг кўздан ғойиб бўлишди. Улар пастқамликка тупишлари биланок, флешлардаги тўп ва милтиқлардан чиққан тутун шу қадар қуюқлашдики, пастқамликнинг нариги тарафидаги баландликни қоплаб олди. Тутун орасида қора бир нарса (одамлар бўлса керак) кўзга чалинар, баъзан найзалар йилтиллаб кетар эди. Бирок Шевардино истехко-

¹ Саржин (*русча*) – уч газга (аршинга) тенг узунлик ўлчови (2,13 метрга тенг).

² Кавалерия – отлик кўшин.

мидан буларнинг юраётганини ҳам, бир жойда турганини ҳам, булар французларми ё русларми эканини ҳам билиб бўлмас эди.

Уфқдан калкиб чиққан қуёшнинг қия нурлари кўлини соябон қилиб флешларга қараётган Наполеоннинг кўзига тушиб турар эди. Флешлар олдини тутун қоплаган, қараган кишига гоҳ тутун юраётгандай, гоҳ қўшинлар ҳаракат қилаётгандай бўлиб кўринарди. Тўп, милтик товушлари орасидан баъзан одамларнинг фарёди эпитилар, лекин улар нима қилаётганини билиб бўлмасди.

Наполеон тепаликда туриб дурбиндан қарар, дурбиннинг кичкина кўзидан тутун ва одамларни, баъзан ўз аскарлари, баъзан русларни кўрар эди, лекин дурбинсиз қараганида дурбинда кўрган нарсалар қаерда эканлигини ажрата олмасди.

У тепаликдан тушиб у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

У ҳар замонда бир тўхтаб, отишмага кулок солар ва жанг майдонига назар ташлар эди.

Наполеон турган пастиликдан эмас, энди унинг баъзи бир генераллари турган баландликдан ҳам, хатто дам руслар, дам французлар кўлига ўтаётган, ўликтириклар, ярадор бўлган, ўтакаси ёрилган ва эсини йўқотиб қўйган аскарлар турган флешлардан ҳам қараганда у ерда нима бўлаётганини билиб бўлмас эди. Бир неча соатдан бери тинмасдан гумбуллаётган ва қарсиллаётган тўп ва милтик садолари орасида бу ерда дам руслар, дам французлар, дам пиёда ва дам суворий аскарлар пайдо бўлиб қолар, кўзга кўринишлари билан йиқилар, ўқ отар, тўқнашиб бир-бирларини нима қилишни билмай қолар, кичкиришар ва орқага қараб қочишарди.

Наполеон юборган адъютантлар, маршалларининг ординарецлари¹ от чоптириб келиб урушнинг бориши ҳақида жанг майдонидан маълумотлар келтиришар, бироқ бу маълумотларнинг ҳаммаси ҳақиқатдан йироқ эди, чунки қизғин жанг кетаётган маҳалда шу дақиқада нима бўлаёт-

¹ Ординарец (французча: ordonnance – хабар берувчи; чопар) – командир ёки штаб хузурида ҳар хил топшириқларни бажарувчи ҳарбий хизматчи.

ганини айтиш ҳам қийин, иккинчидан, адъютантларнинг кўпчилиги ўзи бевосита жанг майдонига бормасдан, бошқалардан эшитган хабарларни келтиришарди; бориб кўрган тақдирда ҳам икки-уч чақирим йўлни босиб Наполеон хузурига келгунча вазият ўзгарар ва у олиб келган маълумот эскириб қолар эди. Чунончи, вице-қиролнинг адъютанти от чоптириб, Бородино ишғол қилинди, Қолоча дарёсининг кўприги французлар қўлига ўтди, деб хабар келтирди Адъютант Наполеондан аскарларнинг нариги томонга ўтишига ижозат берасизми? — деб сўради. Наполеон дарёнинг нариги томонига ўтиб саф тортиб, фармонимни кутинглар деб амр берди, бироқ Наполеон бу фармонни бераётган чоғда эмас, балки бундан бурун адъютант Бородинодан жўнаган вақтдаёқ руслар кўприкни қайтариб олиб, ёндириб юборишган эди, бу воқеа жангнинг бошида, Пьер иштирок этган тўқнашувда юз берган эди.

Ранг-кути ўчган адъютант flesh томондан от қўйиб келиб Наполеонга, хужумимиз қайтарилди, Компан ярадор бўлди ва Даву ҳалок бўлди, деб хабар келтирган вақтда fleshлар французлар томонидан яна қайтариб олинган, Даву ҳалок бўлмаган ва фақат енгилгина контузия¹ бўлган эди. Наполеон шу тариқа нотўғри маълумотлар асосида амр-у фармонлар берар, бу фармонлар вазиятнинг тез-тез ўзгариб туриши оқибатида ё олдиндан бажарилган бўларди ёки бажарилиши мумкин бўлмаганидан бажарилмай қоларди.

Жанг майдонига хийла яқин турган, лекин Наполеон сингари жангга бевосита иштирок этмасдан, онда-сонда ўт ичига кириб турган маршал ва генераллар, Наполеондан ижозатсиз фармонлар беришар, фалон ердагилар фалон ерни ўққа тутишсин, отликлар у томонга, пиёда аскарлар бу томонга қараб югурсин, деб буйруқ қилишарди. Лекин буларнинг буйруғи ҳам Наполеоннинг буйруғи сингари, жуда камдан кам ва ярим-ёрти бажариларди. Кўп вақт улар берган буйруқнинг акси бўларди. Олға юриш амрини олган аскар-

¹ Контузия (лотинча: *contusion* — шокаст, лат ейиш, майладаниш) — тўсанган етган зарбдан (масалан, сवारяд ёки бомба портлашидан) организмнинг жароҳатланмай лат ейиши, қарахт бўлиши.

лар сочма ўққа учраб, орқага қараб қочишар, турган жойларингдан жилманг деб буйруқ олган аскарлар, тўсатдан қаршиларида пайдо бўлиб қолган русларни кўриб, гоҳ қочар, гоҳ олдинга қараб югуришар, отликлар эса ҳеч қандай буйруқ бўлмаган ҳолда қочиб бораётган русларни таъкиб этарди. Шу тариқа, икки полк отликлар Семёнов пастқамлигига қараб от қўйишди ва тепаликка чиққач, бирданига қайрилиб, орқаларига қарамай қочишди. Пиёда аскарлар ҳам шу зайлда ҳаракат қиларди: баъзан боринг деб айтилган томонни қўйиб, ҳеч керак бўлмаган жойга қараб югуришарди. Тўпларни қачон ва қаёққа суриш, ўт очиш учун, пиёдаларни, рус пиёда аскарларини топташ учун суворийларни қачон юбориш ҳақидаги амр-у фармонларни уруш майдонига яқин турган қисмларнинг командирлари беришар, улар Наполеон тугул, ҳатто Ней, Даву ва Мюратдан ҳам рухсат сўрашмас эди. Улар берилган буйруқларни бажармаслик ё ўзбошимча, мустақил фармон беришдан кўркмасдилар, чунки жангда кишининг кўзига жондан бўлак нарса кўринмайди, баъзан шу ширин жонни сақламоқ учун орқага қочмоқ керак бўлса, баъзан олдинга югурмоқ керакдай кўрилади, шунинг учун ҳам жанг тўполони ичидаги кишилар ҳар бир дақиқанинг ўзига, вазиятга қараб иш кўришади. Ҳамма гап шундаки, бу олдинга ва орқага қараб ҳаракат қилишлар на кўшиннинг аҳволини енгиллаштирар ва на вазиятни ўзгартирар эди. Бу тарзда югуриб-елишдан, пешоналарини бир-бирларининг пешоналарига уриб олишдан аскарлар ҳеч қанча зарар кўрмас эди, зарар етказаётган, ўлдираётган ва майиб қилаётган нарса – одамлар югуриб юрган жойга ёғилаётган тўп ва милтиқ ўқлари эди. Бу одамлар тўп ва милтиқ ўқлари ёғилаётган ердан четга чиқишлари биланок орқароқда турган командирлари дарров уларни тўплаб саф торттирар, тартиб-интизомга бўйсундирар ва шу тартиб-интизомнинг таъсири остида уларни яна ўтга тапшар, улар эса тартиб-интизомни бузиб, жон ҳолича бошлари оққан томонга қараб чопишарди.

XXXIV

Тўп ва милтиқ ўқлари ёрилаётган жанг майдонига яқин жойда турган ва ҳатто баъзан бу майдонга кирган Наполеоннинг генералларидан Даву, Ней ва Мюрат бир неча мартаба талай мунтазам кўшинни жангга ташладилар. Бироқ аввалги жангларда содир бўлган ҳодисаларнинг акси бўлди, душман тумтарақай бўлиб қочди, деган хабар ўрнига, урушга солган мунтазам қисмлар тўзиб, ваҳимага тушиб қайтар эди. Генераллар уларни яна тартибга солар, бироқ одамлар борган сайин камайиб борар эди. Мюрат қиёмдан сўнг кўмак сўраб, ўз адъютантини Наполеон хузурига юборди.

Адъютант от қўйиб келганда Наполеон тепалик этагида пунш ичиб ўтирган эди; Мюрат ўз адъютантидан агар аъло ҳазрат яна бир дивизия берсалар руслар мағлуб бўлади, деб айтиб юборган эди.

Наполеон узун, қора сочлари Мюратнинг сочлари сингари жингалак, чиройли ўғлон – адъютантнинг юзига тикилиб туриб, худди унинг сўзига тушунмагандай, таажжуб-ла:

– Кўмак? – деб сўради. – «Кўмак эмиш!» – деди ўзича Наполеон. – «Русларнинг истехкомсиз, заиф бир қанотига қарши қўйилган армиянинг ярми уларнинг қўлида бўлган ҳолда яна қанақа ёрдам керак экан!»

– Неапол қиролига бориб айтинг-ки, ҳали туш вақти бўлгани йўқ, мен шахмат доналарининг вазиятини дуруст-роқ кўролмайман. Боринг... – деди Наполеон жиддий тарзда. Сочлари узун, чиройли ўғлон – адъютант қўлини шляпасидан олмай, чуқур хўрсинди ва хунрезлик бўлаётган томонга қараб от чоптириб кетди.

Наполеон ўрнидан туриб, Коленкур ва Бертъени хузурига чақирди ва улар билан жангга алоқаси бўлмаган ишлар ҳақида гаплаша кетди.

Наполеонни қизиқтира бошлаган суҳбатнинг ўртасида Бертъенинг кўзи навқарлар қуршовида, терга пишган от миниб тепаликка томон учиб келаётган генералга тушди. Бу Бельяр эди. У отдан тушиб, шитоб билан император олдига келди, баланд товуш билан кўмак заруратини далил-исбот

эта бошлади. У ўз номусим билан онг ичаманки, император яна бир дивизия берсалар, русларнинг ҳалокати муқаррардир, деди. Наполеон елкасини қисиб кўйди-да, жавоб кайтармасдан, у ёқдан бу ёққа юраверди. Бельяр, атрофини куршаган ўз генераллари билан шанғиллаганича қизишиб гапира бошлади.

– Сиз жуда тезсиз, Бельяр, – деди Наполеон яна генералнинг олдига келиб. – Бундай вазиятда хато қилиш ҳеч гап эмас. Бориб ўз кўзингиз билан кўринг, ана ундан кейин менинг олдимга келинг.

Бельяр кўздан ғойиб бўлар-бўлмас, жанг майдонидан юборилган яна бир чопар иккинчи томондан от кўйиб келди, Наполеон худди безовта қила берганларидан безор бўлган киши каби: – Ҳа, тагин нима гап? – деди.

– Олий хазратлари, герцог... – деб гап бошлади адъютант.

– Кўмак сўрайдими? – деди Наполеон жаҳл билан. Адъютант тасдиқ маъносида бош ирғаб вазият ҳақида маълумот бера бошлади, бироқ император ундан юз ўтирди-да, икки қадам юргач, тўхтади, кейин орқасига қайтиб Бертъени чақирди. – Ёрдам юбориш лозим бўлиб қолди, – деди у қўлларини кериб кўйиб. – Кимни юборсак экан, нима дейсиз? – деб Наполеон Бертъегга мурожаат этди, кейинчалик у тўғрисида гапириб, буни розлик даражасидан шунқорлик даражасига кўтардим деган эди.

– Шаҳаншоҳим, Клапаред дивизиясини юборайликми? – деди Бертъе. У барча дивизия, полк ва батальонларни ёддан биларди.

Наполеон унинг гапини маъқуллаб бош ирғади. Адъютант Клапаред дивизиясига томон от чоптириб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг тепалик орқасида турган ёш гвардия ўз жойидан кўзгалди. Наполеон индамай, ўша томонга қараб турар эди.

– Йўқ, – деди у тўсатдан Бертъегга қараб. – Клапаредни юборолмайман, Фриан дивизиясини юбора қолинг, – деди у.

Клапаред дивизияси ўрнига Фриан дивизиясини юборишнинг ҳеч қандай афзалиги бўлмаса-да, жангга от-

ланган Клапаред аскарларини тўхтатиб, Фриан дивизиясини жўнатиш ишни бирмунча кечиктирса-да, Наполеоннинг буйруғи дарҳол айтганидан ортиқ бажарилди. Наполеон ўз кўшинларига нисбатан дори-дармони билан беморни безор қиладиган докторга ўхшаганини билмасди, ваҳоланки, унинг ўзи бу нарсани яхши тушунар ва қоралар эди.

Фриан дивизияси ҳам бошқа дивизиялар сингари жанг майдонига кирди-ю, тутун ичида кўздан ғойиб бўлди. Ҳар томондан ҳамон адыютаңтлар от чоптириб келишар, худди тил бириктиргандай бир масала ҳақида гапиришар эди. Ҳамма кўмак сўрар, руслар ўз мавқеида мустаҳкам турганини, уларнинг дўлдай ёғдирган ўкларидан француз кўшинлари тутдай тўкилаётганини айтишар эди.

Наполеон буклама стулда ўйга толиб ўтирар эди.

Саёҳатни севадиган ва эргалабдан бери туз татимаган жаноб Боше император хузурига келди ва журъат этиб эхтиром-да аъло ҳазратни нонуштага таклиф қилди.

– Аъло ҳазратни энди зафар билан табрикласам бўлар, – деди у.

Наполеон индамай йўқ деган маънода бош чайқаб кўя қолди. Жаноб Боше Наполеоннинг йўқ дейиши нонуштага эмас, зафарга тааллуқли деб гумон қилди-ю, ҳазил аралаш хурмат билан овқатланиш имкон бўлган чоғда унга моне бўладиган ҳеч бир сабаб йўқдир, деди.

Наполеон бирдан қош-қовоғини солди-да:

– Кўзимдан йўқолинг, – деб юзини ўгирди.

Жаноб Бошенинг юзида таассуф, пушаймонлик ва мафтунликни ифода этадиган бир табассум пайдо бўлди, у лапанглаганича бошқа генераллар олдига кетди.

Наполеоннинг юрагига қил сиғмас эди: унинг ҳолати ўртага катта-катта пул ташлаб, хамиша ютиб келган ва тўсатдан ўйиндаги барча тасодифларни назарда тутган ҳолда, ҳар бир юришни қанча пухта ўйласа ютказишни шунча кўпроқ сезаётган киморбознинг ҳолатига ўхшарди.

Кўшинлар ҳам аввалги кўшинлар эди, генераллар ҳам аввалги генераллар эди, тайёргарлик ҳам аввалгидай эди,

диспозиция ҳам аввалгидай эди, прокламация¹ ҳам аввалгидай қисқа ва кескин ёзилган эди, унинг ўзи ҳам ўша илгариги Наполеон эди, буни ўзи биларди, ҳатто илгаригидан кўра ҳозир тажрибалироқ ва моҳирроқ эканини ҳам биларди, ҳатто душман ҳам ўша Аустерлиц ва Фридландда рўпара бўлган ўша душман эди: бироқ даҳшатли зарба билан кўтаририлган кўли сеҳрланган каби бўшашиб пастга тушмоқда эди.

Ҳамиша яхши натижа берадиган ўша аввалги усуллар қўлланмоқда: тўп ва тўпхоналарни бир нуқтага тўплаш, фронт маррасини ёриш учун эҳтиёт қисмларни ҳужумга юбориш, темир кишилардан иборат суворийларни жангга солиш каби усулларнинг ҳаммаси ишга солинган эди, бироқ ғалабадан дарак йўқ, хушxabар ўрнига ҳар томондан генералларнинг ўлгани ва ярадор бўлгани ҳақида хабарлар келар, ёрдам зарурлиги, русларнинг ўз мавқеларидан нари суришнинг иложи йўқлиги, қўшиннинг бузғунликка учраётгани ҳақида хунук хабарлар келмоқда эди.

Илгариги жангларда икки-уч буйруқ, икки-уч оғиз сўздан сўнг маршал ва адъютантлар шод-у хуррам от ўйнатиб келиб, муборакбод қилишар, қанча асир ва ғанимат олганини, Душманнинг қанча-қанча туғ ва байроғи, ва қанча тўп ва тўпхона, юк араваси қўлга тушганини маълум қилишар, Мюрат эса фақат душманнинг юк араваларини қўлга киритиш учун отликларнинг юборилишинигина сўрар эди, холос: «Лоди, Маренго, Арколем, Йена, Аустерлиц, Ваграм ва яна кўп ерларда шундай бўлган эди. Энди эса унинг қўшинларидан омад кетганга ўхшар эди.

Флешлар олинганлиги ҳақида маълумот келган бўлса ҳам, Наполеон бу нусрат илгариги жангларда қўлга киритган нусратга сира ўхшамаслигини биларди. Ўзи хис этиб турган бу туйғу атрофидаги кишилар – жангда зўр тажриба орттирган одамларнинг ҳам қўнглидан кечаётганини Наполеон кўриб турарди. Ҳамманинг чеҳраси маъюс, ҳамма бири-бирининг кўзига қаролмасди. Юз берган воқеанинг моҳия-

¹ Прокламация – 1) тантанали равишда эълон қилиш, ҳаммага маълум қилиш; 2) ташвиқот мақсадида тарқатиладиган сиёсий мазмундаги варақа.

тига фақат Боше тушунмаслиги мумкин эди, холос. Урушда суяги қотган Наполеон саккиз соат мобайнида, шунча куч ва ғайрат сарф қилиб, неча дафъа ҳамла қилиб зафар топмасликнинг оқибати қандай бўлишини яхши биларди. Наполеон бунинг мағлубият эканлигини биларди. У билардики, жангнинг таноби таранг бўлиб, узилай-узилай деб турганда, кичкина бир тасодиф ҳам уни, ҳам қўшинларини махв этиши мумкин.

Французлар Россияга бостириб киргандан бери бирон жангда қўли баянд бўлмаган, икки ой давомида на бир байроқ, на бир тўп, на бир корпус аскар асир олинмаган эди, шу ғалати рус уруши хаёлидан бирма-бир ўтганда, атрофидаги кишиларнинг юзидаги яширин қайғу ифодасига назар солганда, руслар ҳали ҳам маҳкам туришибди, деган маълумотга кулоқ солганда, Наполеон ёмон туш кўраётган кишидек ваҳимага тушар, ўзини ҳалок қилиши мумкин бўлган барча фалокатлар хаёлига келарди. Руслар унинг чап қанотига ҳужум қилишлари ҳам мумкин, қўшиннинг ўртасини ёриб ўтишлари ҳам мумкин, биронта дайда ўқ унинг ўзига келиб тегиши ҳам мумкин. Бу фалокатларнинг барчаси эҳтимолдан йироқ эмас эди. Илгариги жангларда у фақат муваффақият қозонганда юз берадиган тасодифларни ўйларди, энди эса сон-саноксиз фалокатлар унинг хаёлидан нари кетмас ва фалокат бўлишини ҳар он кутар эди. Дарҳақиқат, бу бир босинқирашга ўхшарди: тушида бир ялмоғиз одамга ҳужум қилганда одам бор кучи билан кулочкашдаб унга қақшатқич зарба берса-ю, ўзининг қўлидан дармон кетиб, латтадек шалвираб қолса, ожиз кишидек ўлим ваҳимасига тушади.

Руслар француз армиясининг чап флангига ҳужум қилгани, деган хабар келганда Наполеонни шундай ваҳима босди. У қўргон тагида тирсагини тиззасига қўйиб, бошини куйи солганича, индамай буклама стулда ўтирарди. Бертъе унинг олдига келиб, иш қай вазиятда эканлигидан хабардор бўлиш учун жанггоҳни айланиб келишни таклиф этди.

– Нима? Нима дедингиз? – деб сўради Наполеон. – Майли, айтинг, от олиб келсинлар. Наполеон отга миниб

Семёновскка йўл олди. Наполеон ўтиб бораётган ерларда, аста-секин тарқлаётган порох тутуни ичида, от ва одамлар баъзан ғуж бўлиб, баъзан якка-якка ҳолда, қонга беланиб ётарди. Наполеоннинг ўзи ва унинг генераллари ҳалигача бундай дахшатни, кичкинагина ерда бу қадар кўп одам нобуд бўлганини кўрмаган эди. Ўн соат муттасил гумбурлаб кулоқларни битирган тўпбозлик (мусиқа жонли ҳаёт манзараларининг таъсирини орттиргани каби) бу манзарага ҳайбатли тус берар эди. Наполеон Семёновск тепалигига чиқди ва тутун ичидан кўзи ўрганмаган рангдаги мундир кийган кишилар сафини кўрди. Булар руслар эди.

Руслар зич саф тортиб Семёновск тепалиги ва кўрғоннинг орқасида туришар, уларнинг тўп ва тўпхоналари эса тинимсиз равишда гумбурлар, тутуни бурқсир эди. Бу жанг эмас, балки русларга ҳам, французларга ҳам манфаати бўлмаган давомли хунрезлик эди. Наполеон отини тўхтатди ва боя Бертъе келиб сўз қотганда қандай ҳаёл суриб ўтирган бўлса, яна ўша ҳаёл оламига фарқ бўлди; Наполеон кўз олдида ва атрофида бўлаётган, гўёки унинг иродаси ва ихтиёри билан амалга ошаётган бу ишни тўхтатишга ожиз эди ва муваффақиятсизликка учрагани учун илк дафъа бу иш кўзига ортиқча ва мудҳишдек кўринди.

Наполеон қошига келган генераллардан бири журъат этиб эски гвардияни ишга солишни таклиф қилди. Наполеоннинг ёнида турган Ней билан Бертъе бир-бирларига қараб, генералнинг бу бемаъни таклифига ҳақоратомуз тиржайиб қўйишди.

Наполеон бошини қуйи солиб, анчагача жим ўтирди.

– Франциядан 3200 чақирим йироқда мен хос гвардиямни тор-мор қилдиргани йўл қўймайман, – деди-да, отининг бошини буриб, Шевардино томонга қараб кетди.

XXXV

Кутузов сочлари оқарган бошини қуйи солиб, эрта билан Пьер кўрган жойда, устига гилам ташланган ўриндикда зил чўкиб ўтирар эди. У ҳеч қандай фармон бермас, фақат тақдим этилган таклифларни ё қабул қилар, ё рад

этарди.

У турли-туман таклифларга: «Хўп, хўп, шундай қилинг», — деб жавоб берар, мулозимларидан дам униси, дам бунисига қараб: «Ҳа, ха, шундай қилгин, чироғим, кўриб келгин ёки йўқ, керакмас, сабр қилганимиз маъқул», — дер эди. У келтирилган маълумотларни тинглар, ўзига тобе бўлган шахслар талаб қилганда амр-у фармонлар берар, бироқ берилаётган маълумотларга кулоқ солганда айтилаётган сўзларнинг мазмунига эмас, балки сўзлаётганларнинг юзларидаги ифодага, уларнинг гапларидаги оҳаншта кўпроқ диққат қилаётгандай кўринар эди. У кўп йиллик ҳарбий тажрибаси ва кекса ақли билан ўлим-ла олишаётган мингларча кишига бир киши раҳбарлик қилолмаслигини билар ва тушунар эди, урушнинг тақдирини на бош кўмондон берган фармон, на кўшинларнинг турган ери, на тўп ва тўпхонанинг сони ва ўлганларнинг адади эмас, балки кўшинларнинг ахволи руҳияси деб аталадиган кўзга кўринмас куч ҳал қилади, у одамларнинг чехрасидан мана шу кучни излар, имкони борича унга раҳбарлик қилар эди.

Кутузовнинг юзидаги ифода унинг ниманидир чуқур ўйлаётганини кўрсатар, унинг заиф ва кекса вужуди бу фикр-хаёллар оғирлигига зўрға бардош бериб турар эди.

Эрталаб соат ўн бирда французлар ишғол қилган флешлар қайтариб олинди, бироқ князь Багратион ярадор бўлди деган хабар келди. Кутузов уҳ тортиб бошини чайқади.

У адъютантлардан бирига қараб:

— Князь Пётр Ивановичнинг олдига бориб аниқ билиб келчи, нима бўлибди, — деди, кейин оркасида турган шаҳзода Виртембергскийга юзланиб: — Иккинчи армия кўмондовлигини зоти олийлари ўз зиммаларига олсалар, қалай бўларкин, — деди.

Шаҳзода жўнаб кетиши биланок ҳали Семёновскогега етар-етмас адъютанти қайтиб келди ва аъло ҳазратга шаҳзода аскар сўраётганини арз этди.

Кутузов афтини буриштирди-да, иккинчи армия кўмондовлигини қабул қилиш тўғрисида Дохтуровга буйруқ юборди. Шаҳзодага эса, шу муҳим пайтларда сиз ёнимда

бўлипингиз керак, деб қайтиб келишини сўради. Мюратнинг асир олинганлиги ҳақида хабар олинганда қароргоҳдагилар Кутузовни қутлашди. Кутузов эса жилмайиб:

– Шошманглар, жаноблар, – деди у. – Жангда устун келганимиздан кейин Мюратнинг асир тушиши хориқулдда иш эмас. Лекин ҳозирча хурсандлик қилишга ошиқмайлик. – Аммо шундай деган бўлса ҳам, бу хабарни кўшинларга эълон қилиш учун адъютантни юборди.

Сўл флангдан Шчербин от кўйиб келиб, французлар флешни ва Семёновскоени забт этдилар деганда Кутузов жанг майдонидан келаётган садолардан ва Шчербиннинг авзойидан аҳвол ёмонлигини англади-да, оёғини ёзмокчи бўлгандай ўрнидан турди ва Шчербинни тирсагидан ушлаб, четрокқа олиб борди.

– Бўтам, бориб кўр-чи, аҳволни англаб бўлмасмикин, – деди Ермоловга қараб.

Кутузов Горкида, рус кўшинлари позициясининг марказида эди. Наполеоннинг сўл қанотимизга қилган ҳужуми бир неча мартаба даф этилди. Марказда французлар Бородинодан бир қадам нари силжий олмадилар. Уваровнинг суворийлари сўл қанотдан ҳужум қилиб, французларни қочишга мажбур этди.

Соат учларда французларнинг ҳужуми тўхтатилди. Кутузов жанг майдонидан келган кишиларнинг ҳам, атрофида юрган одамларнинг ҳам чехрасида зўр ғайрат аломатини кўрар ва бугунги кутилганидан ортиқ муваффақиятга беҳад қувонар эди. Бироқ мўйсафид чол куч-қувватдан кетмокда эди. Бир неча мартаба калласи худди тушиб кетаётгандай осилиб, пинакка кетди. Унга овқат келтиришди. Йўлда, князь Андрейнинг олдидан ўтиб кетаётганда урушни кенг майдонга кўчирмок зарур деб айтган ва Багратионнинг ашаддий душмани бўлган флигель-адъютант Вольцоген овқат маҳалида Кутузов олдига келди. У сўл қанотимиздаги аҳвол тўғрисида Барклай юборган маълумотни олиб келган эди. Эҳтиёткор Барклай де Толли қочиб бораётган тўп-тўп ярадорларни, кўшиннинг орқа сафидаги парокандаликни кўргач ҳамда вазиятни чамалаб чиққач, жангни ютқаздик,

деган фикрга келди ва суйган мулозимини бош кўмондон хузурига юборди.

Кутузов ковурилган товук гўштини зўрга чайнаб ўтирган эди, Вольцогенни кўргач, кўзларини қисиб, жилмайганича унга тикди.

Вольцоген лабида истеҳзоли табассум-ла, беистихола оёқларининг чигилини ёзиб, кўлини шапкасининг соябониغا сал-лал тегизганича бош кўмондон олдига келди.

Вольцоген аъло ҳазрат билан бир қадар сохта муомала қилар, шу билан, мен юқори таҳсил кўрган ҳарбий кишиман, шарти кетиб, парти қолган бу чолни руслар кўкларга кўтарадиган бўлса кўтараверишсин, лекин бу одам қанақалигини мен ўзим биламан, демоқчи бўларди. Вольцоген: «Кекса жаноб (немислар Кутузовни ўзаро шундай дейишарди) энди ўз жойини топибди, – деб ўйлади ва Кутузовнинг олдида турган товоқларга хўмрайиб қаради-да, кекса жанобга сўл қанотдаги аҳвол тўғрисида Барклай қандай буюрган ва ўзи қандай кўрган ва тушунган бўлса, шу тарзда гапириб берди.

– Позциямизнинг барча нуқталари душман кўлида, қайтариб олиш имконсиз, чунки аскар йўқ, аскарларимиз пароканда бўлиб қочмоқда, уларни тўхташиб бўлмапти, – деди Вольцоген.

Кутузов оғзидаги овқатни чайнашдан тўхтади ва худди Вольцогеннинг гапига тушунмаётгандай, хайратланиб унга тикилиб қолди. Вольцоген кекса жанобнинг ҳаяжонланганини кўргач, жилмайиб – деди:

– Ўз кўзим билан кўрган нарсани, сиз, аъло ҳазратдан махфий тутишга ҳаддим сиғмади... Аскарларимиз парокандаликка учради.

Кутузов ковоғини солиб сапчиб ўрнидан турди-да, Вольцогеннинг олдига ўдағайлаб келиб:

– Ўз кўзингиз билан кўрдингизми? Ўзингиз кўрдингизми? – деб бақирди. – Бу гапни айтгани... қандай тилингиз борди!.. – деб дўқ урди Кутузов қалтираётган кўлларини пахса қилиб. – Менга шу гапни айтишга қандай ҳаддингиз сиғди, таксири олам. Ҳеч нарсадан сизнинг хабарингиз йўқ. Генерал Барклайга бориб айтинг, у кишининг юборган

маълумоти нотўғри, жаннинг вазиятини ундан кўра мен – бош кўмондон яхшироқ биламан.

Вольцоген бир нима деб эътироз билдирмоқчи бўлиб эди, бироқ Кутузов унинг сўзини бўлди.

– Душманнинг сўл қанотимизга қилган ҳужуми қайтарилди, ўнг қанотимизда ҳам унга шикаст етказилди. Дуруст кўролмаган бўлсангиз, тақсири олам, билмаган нарсангизни сўзламанг. Марҳамат қилиб генерал Барклай ҳузурига бориш ва эртага душманга ҳужум қилмоқ ниятим борлигини етказинг, – деди Кутузов зарда билан. Ҳамма жим турар, фақат ғазабдан қони қайнаган кекса генералнинг оғир-оғир нафас олиши эшитиларди.

– Душман ҳужуми ҳамма ерда даф этилди, бунинг учун мен, аввало, худога шуқур қиламан, шижоатли кўшинларга таҳсин айтаман. Душманни енгдик, эртага уни муқаддас рус тупроғидан ҳайдаймиз, – деди Кутузов чўқиниб; кейин, бирдан ўпкаси тўлиб, кўзига ёш келди. Вольцоген елкасини қисиб, лабларини буриб, кекса жанобнинг бу қилигига, ҳайрон бўлгандек, индамай бир чеккага чиқиб турди.

– Мана, менинг азаматим келди, – деди Кутузов шу он тепаликка чиқиб келаётган қора соч, семиз ва чиройли генералга караб. Бу одам куни бўйи Бородино уруш майдонининг энг шиддатли жойида туриш берган Раевский эди.

Раевский аскарларимиз жойларида маҳкам турибдилар, французлар энди ҳужум қилишга ботинолмайдилар, деб хабар қилди.

Кутузов унинг сўзини тинглаб бўлгач, французчалаб деди:

– Демак, сиз бошқалар сингари, чекинишимиз керак, деган фикрда эмассиз?.

Унга жавобан Раевский шундай деди:

– Аксинча, аъло ҳазрат, аҳвол ўзгариб турганда ким кўпроқ сабот кўрсатса, зафар ўшанга ёр бўлади ва менимча...

– Кайсаров! – деб қичқирди Кутузов ўз адъютантига. – Ўтир, эртаги кунга буйруқ ёз. Сен эса, – деди яна бир адъютантига, – фронт марраларини айланиб чиқиб, эртага ҳужум қилишимизни эълон қил.

Кутузов Раевский билан сухбатлашиб, буйруқни ёздириб бўлгунча Вольцоген Барклай олдига бориб келди ва генерал Барклай де Толли фельдмаршал оғзаки берган буйруқни ёзма тариқасида тасдиқлаб юборилишини сўрайди, деди.

Кутузов Вольцогеннинг афтига қарамасдан, собик бош кўмондон масъулиятни ўз бўйнидан соқит қилмоқ учун қилган ўринли талабини қабул этиб, буйруқни ёзиб беришни амр этди.

Бутун армияни бир кайфиятда сақлаб турадиган ва армиянинг руҳи деб аталган ҳамда унинг жон томири бўлган номаълум сирли бир ип воситаси билан Кутузовнинг сўзи, унинг эртаги хужум ҳақида берган буйруғи бирпасда бутун армия орасига ёйилди.

Кутузовнинг айтган сўзлари ва берган буйруғи бу ичнинг охиригача айнан бориб етган эмасди. Армиянинг турли бўлақларида оғиздан оғизга ўтиб тарқалиб бораётган мишмиш гаплар Кутузов айтган сўзларга сира ўхшамас эди, бироқ у айтган сўзларнинг мазмуни ҳаммага маълум бўлди, чунки Кутузов айтган гаплар қувлик мулоҳазалари билан айтилган сўзлар бўлмай, ҳар бир рус кишининг дилида жўш уриб турган хис-туйғулар натижаси эди.

Қийналган ва таралдудда қолган кишилар эртага душманга қарши хужум қилишимиз тўғрисидаги хабарни эшитиб ва бу хабар кўшиннинг юксак доирасидан тасдиқланганини билиб, кўнгиллари жойига тушди, руҳлари кўтарилди.

XXXVI

Князь Андрейнинг полки захирада бўлиб, соат бирдан ошганда ҳам Семёновскоенинг орқа томонида, душман артиллериясининг шиддатли ўти остида бекор ўтирарди. Соат бирдан ўтгандан кейин икки юздан ортиқроқ аскардан айрилган полк олға силжитилди ва Семёновское билан кўрган батареясининг орасидаги пайхон бўлган сулипояга келтирилди; бу ерда шу куни мингларча киши ҳалок бўлган

эди, чунки душман соат бирдан ошгандан кейин бу ерга қараб юзларча тўпдан пиддатли ўт очмоқда эди.

Полк бир қадам олға силжимасдан, битта ҳам ўқ узмасдан яна аскарларнинг учдан бирини йўқотди. Рўпарадан, айниқса ўнг томондан, бурқсиб чиқаётган тутун орасидан тўплар гумбурламоқда, олдиндаги очик жойни чулғаб олган сеҳрли тутун орасидан тўп ўқлари билан гранаталар визиллаб, чийиллаб ёғилмоқда эди. Баъзан худди дам бераётгандай тўп ўқлари ва гранаталар чорак соатгача ҳеч кимга зиён етказмай, полк устидан ўтиб кетар, баъзан эса, ҳатто бир дақиқа ичида бир неча кишини сафдан чиқарарди, ўликларни тинмай тупроқ остидан тортиб олишар, ярадорларни кўтариб, кетишарди.

Ҳар бир тўп ва граната гумбурлаганда ҳануз тирик бўлган кишиларнинг ҳаёти шунча кўп таҳлика остида қолар эди. Полк батальон-батальон бўлиб уч юз қадам масофани эгаллаб турган бўлса ҳам, унинг барча аскарлари бир кайфиятда эди. Полкдагиларнинг ҳаммаси хомуш ва тунд эди. Баъзи-баъзида сафлардан гурунг эшитилар, бироқ душман ўқи келиб тегиши ва «Замбил!» деган кичкириқ эшитилиши билан бу товуш кесилиб қоларди. Полк одамлари кўпинча бошлиқларнинг амрига мувофиқ ерда ўтиришарди. Бири бошидан киверини¹ олиб, ғижимини ёзар, яна буклаб кўяр; бири кесакни ҳовучида майдалаб, найзасини тозалар, бири қайишини эзгилаб камарини тортиброқ боғлар, яна бири пойабзални ечиб, пайтавасини ҳафсала билан ўрарди. Баъзи бир хиллари экинзордаги ўт-ўландан уйча ясар ёки ҳосилдан бўшаган далада ётган буғдой поялардан саватча тўкир эди. Ҳамма гўё шу иш билан банд эди. Ўқ тегиб биров ўлганда ҳам, ярадор бўлганларни замбилга солиб олиб кетганда ҳам, бизникилар орқага қайтганда ҳам, тутун орасидан сон-саноксиз душман кўзга чалинганда ҳам ҳеч ким заррача эътибор бермас эди. Аммо тўплар ва суворийлар олдинга ўтиб кетганда ва пиёда аскарларимиз олға қараб ҳаракат қилганда ҳар тарафдан маъқуллаган товушлар эшитиларди.

¹ Кивер – жиға тақилган бош кийими.

Бироқ уларнинг диққатини ҳаммадан кўп жалб этган нарсаси — жангга сира алоқаси бўлмаган воқеа бўлди. Маънавий жиҳатдан эзилган бу одамлар гўё шу оддий кунда учрайдиган воқеани кўриб роҳатланарди. Артиллерия батареяси полкнинг олдида ўтиб кетмоқда эди. Артиллерия яшиқларидан биридаги шатакка қўшилган от қайишдан чиқиб кетди. Буни кўриб бутун полк қичқирди: «Хой, шатак қайишини тўгрилаб қўй!.. От босиб йиқилади!.. Ҳай аттанг, кўрмаяпти!» Бир дафъа думини хода қилиб чопиб бораётган сариқ кучукча ҳамманинг диққатини ўзига жалб қилди, қайси гўрдан пайдо бўлиб қолган бу кучукча сафлар олдида жон-жаҳди билан югуриб бораётган эди, тўсатдан ёнгинасига келиб тушган тўп ўқидан қўрқиб, вангилаб юборди ва думини қисиб, ўзини бошқа томонга урди. Бутун полк қийқириқ кўтарди. Бироқ бу тарздаги вақтичоғлик бир дақиқача давом этди, чунки ўлимнинг битмас-туганмас даҳшати остида саккиз соатдан бери туз тотмасдан, бекор ўтирган, рангида ранг қолмаган одамларнинг чеҳралари борган сари оқарар, қовоғи солинган чеҳраларнинг борган сари қовоғи осиларди.

Князь Андрей ҳам бутун полк одамлари каби қош-қовоғи осилган ва ранги кетган ҳолда, бошини қуйи солганча, қўлини орқасига қилиб, сулипоянинг у увотидан бу увотига бориб келарди. Унинг қиладиган иши ҳам, берадиган фармони ҳам йўқ. Ҳамма иш ўз йўли билан бормоқда. Ҳалок бўлганларни фронт орқасига жўнатишар, ярадорларни олиб кетишар, сафлар жиқслашарди. Мабодо аскарлар четга чиқиб кетишса ўша оннинг ўзида жойларига қайтишарди. Князь Андрей бошқа аскарларга қалбида мардлик туйғусини уйғотмоқ ва уларга намуна кўрсатмоқни ўз бурчи ҳисоблаб, сафлар орасида юрди; кейин бу нарсани уларга ўргатишнинг ҳожати йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Ҳар бир аскар каби унинг бутун маънавий қуввати ғайришуурий тарзда бир нарсага қаратилган, у ҳам бўлса ҳозирги аҳволнинг даҳшатини кузатишдан ўзини тийиб туриш эди. Князь Андрей ўтларни шитирлатиб, чанг қўнган этиғига қараб, оёғини судраб борар, гоҳ ўроқчилар қолдирган изга оёқ қўймоқчи

бўлиб, катта-катта одим отар, гоҳ қадамни санаб, бир чақирим юриш учун неча мартаба бу увотдан у увотгача бориб келиш кераклигини ҳисоблаб чиқар, гоҳ увотда ўсиб ётган шuvoқ ўтнинг гулини чимдиб олар ва уни кафтида эзаркан, ўткир хушбўй ҳидини хидлаб кўрар эди. Унинг кечаги фикрларидан ном-нишон ҳам қолмаган эди. У ҳеч нарсани ўйламас эди. У олишмадан қоматга келган қулоқлари билан ўша илгариги садоларга қулоқ соларкан, ўқ отилганда гумбурлаган овоздан ўқларнинг гувуллаб ўтишини ажратар, кўравериш кўзи ўрганиб қолган биринчи батальон аскарларига қарар ва кутар эди. У тутун бурксаб турган ердан шувуллаб келаётган тўп ўқиға қулоқ соларкан: «Ана... бизга томон келяпти. Бир! Икки! Яна!

Тушди...» – деб ўйларди. У тўхтаб, аскарлар сафига қаради. «Йўқ, ўтиб кетди. Лекин буниси тушди». У ўн олти кадамда нариги уватга етишни мўлжаллаб, катта-катта одим отиб, яна юра бошлади.

Яна тўп ўқи хуштак чалиб келиб ерга тушди-ю, портлади. Князь Андрейдан беш кадам нарида тўп ўқи ерни ёриб, тупрокқа кириб кетди. Унинг эти беихтиёр жимирлаб кетди. У яна сафларга қаради. Тўп ўқи кўп кишини олиб кетганга ўхшарди, иккинчи батальоннинг олдига жуда кўп одам йиғилган эди.

– Жаноб адъютант! – деб қичқирди князь Андрей. – Айтинг, тўпланишмасин. – Адъютант буйруқни бажариб, князь Андрейнинг олдига келди. Нариги томондан батальон командири ҳам отлик келди.

Шу он бир аскар чўчиган товуш-ла:

– Қоч! – деб бақирди ва бир граната, худди тез суръат билан хушт-хуштлаб парвоз этиб, бирдан ерга қўнган қуш каби, князь Андрейдан икки кадам берида, батальон командирининг оти ёнига келиб тушди. Ҳаммадан илгари от кўрқанини ошкор қилиш яхши-ёмовлигини бировдан сўрамасдан, пишқирганича, майорни йиқитаёзиб, олдинги икки оёғини осмонга кўтарди ва ўзини бир томонга отди. Отнинг кўрқанини пайқаб одамлар ҳам кўрқиб кетди.

Ерга қапишиб олган адъютант:

– Ётилсин! – деб кичкирди. Князь Андрей ётишни ҳам, ётмасликни ҳам билмасдан, тикка туриб қолди. Граната князь Андрей билан ерга қапишиб ётган адъютантнинг орасида, экинзор билан ўтлоқнинг четида, шувоқ, ўт олдида пилдироқ каби тутаб айланаётган эди.

Князь Андрей қора коптоқдай гир айланаётган гранатадан бурксаб чиқаётган тутунга, майсага, шувоқ ўтга тамоман янги кўз билан – ҳасад кўзи билан қараркан, «Наҳотки ажалим етган бўлса?» деб ўйлади. «Йўқ, мен ўлишни истамайман, мен ўлмоқчи эмасман. Мен ҳаётни, шу ўт-ўланни, шу тупроқни, шу ҳавони яхши кўраман...» Князь Андрей шу нарсаларни ҳаёлидан кечираркан, айнаи замонда ҳамма унга қараб турганини эсдан чиқармаган эди.

У адъютантга қараб:

– Жаноб офицер, уялмайсизми? Сиз шунақа... – У гапини тамом қилолмади. Шу оннинг ўзида бир нарса портлади, худди дераза ойнаси қарсиллаб сингандай бўлди. Ҳамма ёқни нафасни қайтарадиган порох ҳиди босиб кетди ва князь Андрей сапчиб ўрнидан кўзғалиб кетди ва кўлини кўтарганича, кўкраги билан ерга йиқилди.

Бир неча офицер югуриб унинг олдига келди. Қорнининг ўнг томонидан ўт устига қон кетаётган эди.

Чақирилган кўнгиллилар замбил кўтариб келиб, офицерларнинг орқасида тўхташди. Князь Андрей ўтга юзини қўйиб ётар, хириллаб оғир-оғир нафас оларди.

– Нега қараб турибсизлар, берироқ келсаларинг-чи!

Дехқонлар князь Андрейнинг тепасига келишди, оёғи ва елкасидан ушлаб кўтаришди, бироқ князь Андрей инграб юборгандан кейин дехқонлар бир-бирига қараб олгач, яна ерга қўйишди. Кимдир кичкириб:

– Кўтараверинглар, энди барибир! – деди. Яна елкасидан кўтариб замбилга солишди.

– Ё раббим! Ё раббим! Буни қаранг-а! Қорнига тегибди! Энди умид йўқ! Ё танграм, – дейишарди ўзаро офицерлар. – Қулоғимнинг тагидан ғувуллаб ўтиб кетди-я! – деди адъютант. Дехқонлар замбилни елкаларига қўйиб олгандан кейин, ўзлари келган йўлдан яра боғлайдиган пунктга қараб

тез-тез юриб кетишди.

Офицер баравар қадам ташламай, замбини силкитиб бораётган кўнгиллиларнинг елкасидан ушлаб тўхтади-да:

– Ҳой деҳқонлар, баравар қадам ташласаларинг-чи! – деб ўшқирди.

– Хведор, хой Хведор, – деди олдиндаги кўнгилли, – оёғингни тўғрила.

– Ана энди дуруст бўлди, – деди орқада бораётган деҳқон баравар оёқ ташлаётганига суюниб.

Югуриб келган Тимохин замбилга қараб, калтирок товуш билан:

– Тўраммисиз? А? Князми? – деди.

Боши паст тушиб кетган князь Андрей кўзларини очиб, бу гапни айтган кишига замбил опа бир каради-ю, яна кўзларини юмди.

Кўнгиллилар князь Андрейни от-аравалар турган ва яра боғлайдиган пункт жойлашган ўрмонга олиб келишди. Яра боғлайдиган пункт четлари қайтариб кўйилган уч чодирдан иборат бўлиб, қайинзорнинг бир четида жойлашган эди. Чакалакзорда от-аравалар турган эди. Отлар бошларига осиб кўйган тўрвадан ем ейишарди, чумчуқлар учиб келиб, ерга сочилган донларни теришарди. Қон хидини сезиб қолган қарғалар, бетоқатлик билан қағиллаб, қайиндан қайинга кўнишарди. Чодирлар атрофида, икки десятинадан ортиқроқ ерда, қонга беланган турли-туман кийимдаги кишилар ётишар, ўтиришар, баъзилари тикка туришарди. Замбилкаш аскарлар маънос ҳолда пешоналарини тириштириб ярадорлар атрофини ўраб олишган, буйруқ бериб юрган офицерлар, бу ердан кетинглар, деб уларни ҳайдашса ҳам, кетишмасди. Аскарлар офицерларнинг гапига қулоқ солмасдан, замбилларга суюниб туришаркан, худди бу манзаранинг оғир моҳиятига тушунмоқчи бўлаётгандай кўз олдидарида бўлаётган ишга диққат билан синчиклаб қарашар эди. Чодирлардан гоҳ оҳ-у воҳ, гоҳ инграган овозлар эшитилиб турар эди. Ҳар замон ҳар замонда фельдшерлар югуриб сувга чиқар ва фалон ярадорни чодирга олиб кириб деб ишора қилишарди. Чодир олдида навбат кутиб ўтирган ярадор-

ларнинг баъзиси хириллар, баъзиси оҳ-воҳ қилар, баъзиси йиғлар, баъзиси фарёд қилар, баъзиси сўкинар, баъзиси ароқ сўрарди. Бир хиллари алаҳлаб ётарди. Князь Андрейни эса полк командирини бўлганидан, яралари хали боғланмаган ярадорларнинг орасидан олиб ўтиб, бир чодирнинг олдига келтириб қўйишди ва буйруқ кутиб, тўхтаб туришди. Князь Андрей кўзини очиб, узоқ вақт нима бўлаётганини англолмади. Ўтлоқ, шувоқ ўт, экинзор, гир айланаётган қора коптоқ, ўзининг ҳаётга бўлган эҳтиросли муҳаббати эсига тушди. Князь Андрейдан икки қадам нарида, боши боғланган, узун бўйли, қора соч ва келишган бир унтер-офицер дарахтнинг шохига суяниб турар ва қаттиқ-қаттиқ гапириб, ҳамманинг диққатини ўзига тортар эди. Унинг бошига ҳам, оёғига ҳам ўқ теккан эди. Ярадор ва замбилкашлар унинг атрофига йиғилишиб, сўзларини жон қулоғи билан тинглашарди.

Унтер-офицер ҳаяжондан порлаган тимқора кўзлари-ла атрофга аланглаб қараб, баланд товуш билан:

– Биз уни шундай боппладикки, тумтарақай бўлиб кетди, қиролини тутиб келдик! – дер эди. – Ўша пайтда захира келиб қолса борми, ундан ном-нишон қолмасди.

Князь Андрей ҳам унтер-офицерни қуршаб олган кишилар сингари парпираган кўзлари билан унга қараркан, кўнгли хийла таскин топди. «Энди барибир эмасми, – деди ўзича. – У ерда нима бўларди-ю, бу ерда нима бўлган эди? Нима учун мен ҳаётдан кўз юмишни истамаган эдим? Бу ҳаётда мен англамаган ва англамаётган бирон нарса бўлса керак».

XXXVII

Фартуги ва кичкина қўллари қонга беланган бир доктор қўлидаги сигарага қон тегмаслиги учун уни чимчилоғи ва бошмалдоғи билан ушлаб чодирдан чиқди. У бошини кўтариб, ярадорлар оша атрофга кўз югуртирди. Афтидан, у озроқ дам олиш ниятида эди. Бир неча дақиқа бошини ўнгсўлга бургандан сўнг хўрсинди-да, ерга қаради. Князь Андрейни кўрсатиб, ишора қилган фельдшерга:

– Хўп, хозир, – деди-ю, ярадорни чодирга олиб киришни бутурди.

Навбат кутиб ўтирган ярадорлар шовқин кўтаришди:

– У дунёда ҳам хўжайинлар кун кўради, шекилли, – деди бири.

Князь Андрейни олиб келиб, фельдшер ҳозиргина нима-нидир сидириб ташлаган ва ювиб тозаланган столга ётқизишди. Князь Андрей чодирда нималар борлигини аниқ билмади. Ҳар томондан эшитилаётган оҳ-воҳ, сони, қорни ва белининг дарди унинг хаёлини банд қилган эди. Атрофидаги ҳамма нарса унинг назарида қип-яланғоч, қонга беланган инсон вужуди шаклида гавдаланди. Ер қонга беланган вужуд бир неча ҳафта бурун август ойининг, айниқса, иссиқ кунда Смоленск йўлидаги ифлос ҳовузни қандай тўлдирган бўлса, бу пастак чодирни ҳам гўё шундай тўлдириб турган эди. Балли, бу ўша бадан, ўша тўп еми эди, князь Андрей ўшанда бу баданни кўриб ҳозир рўй берган воқеани олдидан сезгандай даҳшатга тушган эди.

Чодирда учта стол бор эди. Иккитаси банд эди, учинчисига князь Андрейни ётқизишди. Бир неча дақиқа ҳеч ким князь Андрейнинг ёнига келмади, беихтиёр, ёнидаги столларда нима бўлаётганлигига кўзи тушди. Берирокдаги столда бир татар йигит ўтирар, ёнида ётган мундирига қараганда казакка ўхшар эди. Тўрт аскар уни ушлаб турар, кўзойнакли доктор унинг сарғиш, бақувват елкасини операция қилмоқда эди.

Татар йигит хиркираб:

– Ух, ух-ух, – деб инкилламоқда эди, тўсатдан қорамағиздан келган япалоқ ва бурни пучуқ юзини кўтарди ва опшоқ тишини тишига босиб, ўзини юлиб-юлкиб тўлғанди-да, кулоқни коматта келтириб чинқира бошлади. Бирмунча киши ўраб олган иккинчи столда барваста бир одам бошини орқага ташлаб, чалқанча ётар эди (жингалак сочи, унинг туси ва калласининг шакли князь Андрейга негадир танишдай кўринди). Бу одамни бир нечта фельдшер кўкрагини босиб, ушлаб турарди. Унинг каттакон сергўшт опшоқ оёғи

безгаги¹ тутаётгандай қалт-қалт қилиб турар эди. Бу одам титраб-қақшаб инграр ва ҳиқиллаб йиғларди. Икки доктор (бирининг ранги оқарган, ўзи титрар эди) индамасдан бу одамнинг қип-қизил иккинчи оёғи устида бир нима қилаётган эди. Кўзойнакли доктор татар йигитни саришталаб бўлгач (йигитнинг устига дарров шинел ташлашди), кўлини арта-арта князь Андрейнинг олдига келди.

У князь Андрейга бир қараб олгач дарров юзини бурдида, фельдшерга қараб:

– Ечинтириш керак! Нега қараб ўтирибсизлар? – деб ўшқирди.

Фельдшер энгларини шимариб, шоша-пиша князь Андрейнинг тугмаларини бўшатиб, кийимларини ечаркан, князь Андрей аллақачонлар ўтиб кетган болалик даврини эслади. Доктор энгашиб ярага қаради, уни ушлаб кўрди-ю, оғир хўрсинди. Кейин кимгадир ишора қилди. Князь Андрей яраланган қорнининг оғриғига чидолмай қушдан кетди. Қушига келгандан кейин қараса, сонидан синган суякларини тортиб олиб, осилиб турган гўштини кесиб ташлабдилар ва ярасини боғлаб қўйибдилар. Унинг юзига сув сепишди. Князь Андрей кўзини очган замон доктор энгашиб, индамасдан унинг лабларидан ўлиб кўйди-да, шошиб-пишиб нари кетди.

Князь Андрей бошдан кечирган бу азоб-уқубатдан сўнғ шундай роҳат қилдики, кўпдан бери бундай хузур-халоватни кўрмаган эди. Ҳаётида кўрган барча саодатли дақиқалар, айниқса гўдаклик даври, уни ечинтириб беланчакка солганлари, момоси ухлатмоқчи бўлиб аллалагани, боши ёстиққа ботиб, дунёга келганидан ўзини бахтиёр сезгани ўтмишдай эмас, балки шу чоғ бўлаётгандай тасаввурида жонланди.

Боши князь Андрейга танишдай кўринган ярадорнинг атрофида докторлар типирчилаб қолишди, улар ярадорни кўтаришар, унга тасалли беришар эди.

Ярадорнинг кўрқа-писа оғриқ азобига чидаб, йиғи аралаш:

¹ Безгак – вақти-вақти билан иситма чиқариб, қалтиратадиган юкуми касаллиги.

– Қани, менга кўрсатинглар. Оҳ-ҳ! Оҳ-ҳ-ҳ! – деб инграётган товуши эшитилиб турар эди. Бу оҳ-нолани эшитиб князь Андрейнинг йиғлагиси келди. Шон-шухратсиз оламдан ўтиб кетаётгани учунми, ҳаётдан кўз юмгиси келмаётгани учунми, қайтиб келмайдиган гўдаклик хотироти учунми, ўзи ҳам, бошқалар ҳам изтироб чекаётгани учунми, қаршисида ётган бу одамнинг нолишидан юраги эзилаётгани учунми, ишқилиб, гўдақдай чин юракдан деярли маза қилиб йиғлагиси келди. Ярадорга этикдаги кесилган, қони қотиб қолган оёқни кўрсатишди. Ярадор:

– О! Ооо! – деб хотин кишидай хўнгради. Олдида турган доктор ярадорнинг юзини тўсиб, нари кетди.

– Ё тангрим! Бу нимасийкин! Бу ерда у нима килади? – деди ўзича князь Андрей ярадорни таниб.

Ҳозиргина оёғини кесиб ташлаган, дармони қуриган бу пўрлик Анатолий Курагин эканини князь Андрей таниди. Анатолий орқасидан ушлаб туришар ва стакандан унга сув беришар, у эса, шишинқираган ва титраётган лабини стаканга олиб боролмас эди. Анатолий ўқиб-ўқиб йиғлаётган эди. «Ҳа, бу ўша, ҳа, бу одам билан менинг орамда оғир бир яқинлик бор, – дер эди ўзича князь Андрей олдида нима турганини ҳали дуруст ўқмасдан. – Менинг гўдаклигим, менинг ҳаётимга бу одамнинг қандай алоқаси бор?» – деб ўз-ўзидан сўрар ва бунга жавоб топмас эди. Бирдан унинг тасавурида гўдаклик ва соф севги оламининг хотиралари гавдаланди. У Наташани ялк дафъа 1810-йилда, балда кўрганини эслади; ўшанда Наташа бўйни ингичка, кўллари нозик, ҳар нарсага мафтун, хушнуд бир қизча эди; шуларни эслаганда князь Андрейнинг қалбида Наташага нисбатан меҳр-у муҳаббат ва қайноқ севги туйғулари илгаригидан кўра кучлироқ уйғонди. Шунда шишинқираган ва ёшга тўлган кўзлари билан қараб турган бу одам билан ўзининг орасида бўлган барча муносабатларни эслади. Эслади-ю, унинг саодатли қалби бу одамга нисбатан меҳр ва муҳаббат туйғуси билан тўлди.

Князь Андрей энди ўзини тутолмай, ўзининг ва бошқаларнинг ахволига, уларнинг ва ўзининг адашганига меҳр-

мухаббат тўла кўз ёшларини тўкиб йиғлади.

«Марҳаматли бўлгин, одам боласини севгин, сени севганларни, сени кўргани кўзи бўлмаганларни, душманларингни севгин, ҳа, худонинг ўзи ер юзида шундай севгини тарғиб қилган ва шундай севгин деб княжна Марья менга таълим берган эди: мен уқмаган мухаббат мана шу мухаббат эди. Мана, нима учун ҳаётдан кўз юмишни истамаганим энди маълум бўлди, агар тирик қолсам шу ҳис-туйғу билан яшар эдим. Аммо, афсуски, энди фурсат ўтди. Мен буни билиб турибман!»

XXXVIII

Ярадор ва ўликларнинг жасади билан қопланган жанг майдонининг даҳшатли манзараси, калласининг оғирлашгани, таниш генераллардан йигирматаси ярадор ва ҳалок бўлганлиги ҳақида келган шумхабар, илгарилари кучли бўлган кўлидан дармон кетаётганини сезиш туйғуси билан кўшилиб, Наполеонга фавкулудда қаттиқ таъсир қилди. У ўзининг маънавий кучини синаш учун (ўзи шундай ўйлар эди) ярадор ва ҳалок бўлганларни томоша қилишни севарди. Жанг майдонининг бугунги мудҳиш манзараси унинг маънавий кучини мағлуб этди. У хизматим ва буюклигим мана шу маънавий кучимда деб билар эди. Наполеон дарҳол жанг майдонидан жўнаб Шевардино кўрғонига келди. Ранги сарғайиб, юзи шипинкираган, боши оғирлашган, кўзларининг нури кетган, бурни қизарган ва товуши хириллаб қолган Наполеон буклама стулда ўтираркан, кўзларини ердан олмай, беихтиёр отишма садосига кулоқ берар эди. У ўзига даҳждор деб билган, лекин тўхтатишга ожиз бўлган бу ишнинг охирини сабрсизлик билан орзиқиб қугарди. Шахсий инсоний туйғу шунча йил сиғинган сунъий ҳаёт кўланкасидан бир лаҳзагина бўлса ҳам, устунлик қилди. У ўзини жанг майдонида азоб-уқубат чеккан ва ўлимга гирифтор бўлган кишилар ўрнига қўйиб кўрди. Бошидаги оғирлик ва кўкрагининг қисиб оғриши унинг ўзи ҳам азоб-уқубат ва ўлимга гирифтор бўлиши мумкинлигини эслатди. Шу тобда

Москвадан ҳам, шон-шуҳратдан ҳам (яна қанақа шон-шуҳрат керак эди унга) унинг ҳафсаласи совиди. Ҳозир унинг бирдан бир тилаги: истироҳат, осойишталик ва эркинлик эди. Бироқ Наполеон Семёновск тепалигига борганида артиллерия бошлиғи Князьково қишлоғи орқасида тўпланган рус қўшинларига қарши ўтти кучайтириш учун шу тепаликка яна бир нечта батарея қўйилиши кераклигини айтди. Наполеон унга рухсат берди ва бу батареяларнинг қандай таъсир қилгани ҳақида хабар беришларини буюрди.

Адъютант келиб, императорнинг амрига мувофиқ русларга қарши икки юз замбаракдан ўт очилганлиги ва рус қўшинлари ҳамон илгаригидай ўз жойида турганлиги ҳақида хабар келтирди.

– Тўпларимизнинг ўтидан рус аскарлари тутдай тўкилаётган бўлса ҳам, лекин орқага чекинишмаяпти, – деди адъютант.

Наполеон хириллаган товуш билан:

– Уларга бу озлик қилаётгандир-да... – деди. Адъютант унинг гапини англолмай:

– Лаббай, хазрати олийлари? – деб яна Наполеонга мурожаат этди. Наполеон қовоғини солиб, яна хириллаган товуш билан деди:

– Уларга бу камлик қилаётган бўлса, ўтти яна ҳам кучайтиринг.

Буйруқсиз ҳам унинг истаги бажо келтирилаётган эди, у эса менинг буйруғимга қараб ўтиришибди, деб ўйлагани учунгина фармон берди. У яна илгариги буюклик хулёсининг сунъий одамига кўчди ва яна (юқоридан ўзи гилдираб тушаётган аравани мен тортяпман деб ўйлаган от каби) ўзининг қисмати бўлган шафқатсиз, кўнгилсиз, қайғули, ғайринисоний ролни бажара бошлади.

Юз бераётган бу ҳодисанинг бутун оғирлигини шу ишга қатнашган бошқа кишилардан кўра кўпроқ ўз гарданига олган бу шахснинг ақли ва виждони фақат шу соат, шу кун хира бўлгани йўқ: бу одам умрининг охиригача эзгулик, гўзаллик, ҳақиқат нима эканини ҳам билиши мумкин эмас, эзгулик ва ҳақиқатга батамом қарама-қарши бўлган ўз қил-

мишларининг моҳиятига ҳам тушуниши мумкин эмас эди, чунки унинг қилмишлари инсонга лойиқ ишлардан жуда йироқ эди. У дунёнинг ярми мактаётган ишларидан воз кечолмас эди, шунинг учун ҳам ҳақиқат ва эзгуликдан, барча инсоний фазилатларидан юз ўгириши керак эди.

Наполеон ҳалок бўлган ва шикастланганлар билан (булар гўё унинг хоҳиши билан ўлган ва шикастланган эди) тўлиб кетган жанг майдонини айланиб, қонга беланган кишиларни фақат шу бугун томоша қилган эмас, бир французга нечта рус тўғри келишини санаркан, ўзини алдаб, бир французга бешта рус тўғри келар экан, деб фақат шу бугун суюнган эмас деди. Парижга юборган мактубида фақат шу бугунгина жанг майдони жуда ажойиб эди, – деб ёзмаган эди (чунки жанг майдонида эллик минг кишининг жасади ётган эди): авлиё Елена оролида якка-ёлғиз умр кечириб юрган вақтларида ҳам мен бўш вақтларимни буюк оламшумул ишларимни ёзиш ишига бағишламоқчиман, деган ва шундай ёзган эди:

«Рус уруши янги даврнинг энг машҳур уруши бўлиши керак эди, бу уруш соғлом ақл ва ҳақиқий манфаат, осудалик ва беҳавотир уруш эди; бу том маъноси билан айтганда, сулҳпарварлик ва муҳофазакорлик уруши эди.

Бу уруш улуг мақсадларга эришмоқ, тасодифларга хотима бермоқ учун, тинчлик ва амният учун олиб борилган уруш эди. Бу урушнинг оқибатида ҳамманинг фаровон ва хушбахт ҳаёт кечириши учун янги имкониятлар, янги меҳнат соҳалари очиларди. Европа системасининг асоси бунёдга келган бўлар эди, фақат уни таъсис этиш масаласи қолганди.

Бу олий мақсадга эришган ва ҳар томондан тинчиганимдан сўнг мен ўз конгресс¹ ва муқаддас иттифоқимга эга бўлар эдим. Менинг шу фикримни ўғирлаб ўзлариники қилиб олишди. Биз мана шу подшолар йиғинида, бир оила каби баҳс-мунозара этган ва мирзо хўжаси билан қандай

¹ Конгрессе (лотинча: congressus – учрашиш, хўришиш; тўқнашув) – 1) муҳим сиёсий, илмий ва бошқа масалалар юзасидан ўтказиладиган халқаро конференция, кенгаш; 2) АҚШ ва бошқа баъзи хорижий мамлакатларда қонун чиқарувчи орган (бу ерда шу маънода).

бамаслаҳат иш қилса, биз ҳам халқ билан шундай бамаслаҳат иш тутган бўлар эдик.

Шу йўсинда Европа тез фурсат ичида ҳақиқатдан иборат ўлка бўларди ва киши унинг каерида саёҳат қилмасин, ўзини ўз элида юргандай сезарди.

Ўшанда мен дарёлар ҳамманинг кемаси учун очик бўлсин, денгизлар умумий бўлсин, катта-катта доимий армиялар шаҳаншоҳлар гвардияси миқдорига камайтирилсин дер эдим.

Мен Франциямга, ўзимнинг буюк, кудратли, шонли, гўзал ва тинч элимга қайтиб келгач, унинг чегараларини ўзгармас чегара, бўлажак ҳар қанақа урушни мудофаа уруши деб эълон қилардим; ҳар қанақа янги тажовузни миллатга қарши иш ҳисоблардим; ўз ўғлимни империяни идора қилиш ишига жалб этардим; менинг диктаторлигим хотима топиб, унинг конституцион идора усули бошланарди...

Париж жаҳон пойтахти бўларди, барча миллатлар французларга ҳасад қиларди!..

Мен бўш фурсатим ва сўнгги кунларимни, маликанинг ёрдами-ла, ўғлимнинг шоҳона тарбиясига сарф қилардим ҳамда соф бир қишлоқи эр-хотин каби отларимизга миниб мамлакатнинг ҳамма бурчакларини кезардик, одамларнинг арзини эшитардик, адолатсизликка барҳам берардик, ҳамма ёққа илм-у урфон ва эзгулик уруғини сепардик».

Халқлар жаллоди каби кўнгилсиз ролни ўйнашга азалдан маҳкум этилган бу одам менинг қилмишларим халқ бахт-у саодати йўлига қаратилган эди, миллионларча кишининг тақдири менинг кўлимга топширилган эди ва мен ҳокимият йўли билан эзгулик қилмоқчи эдим, деб ўзини ишонтирмоқчи бўларди.

Россия уруши ҳақида гапириб туриб у яна куйидагиларни ёзган эди:

«Вислани кечиб ўтган 400 минг кишидан ярми австрияликлар, пруссияликлар, саксонлар, поляклар, баварияликлар, виртембергликлар, мекленбургликлар, испанлар, италянлар ва неаполитанлар¹ эди. Императорнинг шахсий армиясини, ростини айтганда, учдан бирини голландия-

ликлар, бельгияликлар, Рейн сохилларининг аҳолиси, шьемонликлар, швейцарияликлар, женеваликлар, тосканликлар, римликлар, 32-ҳарбий дивизиядаги Бремен, Гамбургнинг аҳолиси ва ҳоқа-золар ташкил қилар эди, булар орасида француз тилида гапирадиганлари кўп бўлса, 140 минг киши эди, холос.

Россия армияси Францияга 50 минг кишига тушди, холос; рус армияси Вильнодан Москвага чекинганда ва турли-туман жангларда французларга нисбатан тўрт ҳисса ортиқ талафот берди; Москва ёнғинда ҳалок бўлганлар, ўрмонларда оч-яланғочликдан ўлганларнинг сони 100 минг кишига етди: рус армияси ҳам, ниҳоят, Москвадан Одерга қараб йўл олганда ва Одердан ўтганда, қаҳратон қишда, жуда кўп талафот берди; Вильнога етиб келган чоғда рус армиясининг сони 50 минг киши бўлса, Калишгага етиб келганда эса 18 минг кишидан ҳам оз эди».

Наполеон Россияга қарши бўлган уруш менинг иродам билан бошланди, деб ҳаёл қилар ва юз берган воқеанинг даҳшати унга руҳий азоб бермас эди. Бу воқеанинг барча масъулиятини у тап тортмай бўйнига олар ва хиралашган ақли юз минглаб қурбон бўлган кишилар орасида французлар гессенликлар ва баварияликларга қараганда озчиликни ташкил қиларди, деб уни оқлар эди.

XXXIX

Жаноб Давидовлар ва подшоликка қарашли деҳқонларнинг экинзор ва ўтлоқларида, Бородино, Горки, Шевардино ва Семёновское қишлоқларининг деҳқонлари юз йиллардан бери ҳосил йиғиб, мол боқиб юрган ўша экинзор ва ўтлоқларда турли-туман мундир кийган ўн мингларча ўлик ҳар хил вазиятда ётган эди. Яра боғлайдиган пунктда бир десятина ернинг ўт ва тупроғи қонга ботган эди. Ҳар хил гуруҳларга мансуб бўлган ярадор ва соғ аскарлар, ўтакалари ёрилиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, бир томондан орқага, Можайска қараб ўрмалашса, иккинчи томондан, Валуевга қараб чекинишарди. Баъзи бир гуруҳлар, оч-яланғоч ва тинкалари

куриган ҳолда, бошлиқларнинг етакчилигида олға қараб ҳаракат қилишарди. Яна бир хиллари турган жойидан кўзгалмай ўк узмоқда эди.

Куёш нурида ялтираган найзалардан ва тўп ва тўпхонанинг тутунидан эрталаб гўзал кўринган жанг майдонини ҳозир рутубат ва тутун босган, ҳар томондан селитра¹ билан ачимсил қон ҳиди келиб турар эди. Қора булут йиғилиб, ўликлар, ярадорлар, ўтақаси ёрилган, ҳолсизланиб қолган ва иккиланиб турган одамлар устига ёмғир томчилай бошлади. Ёмғир гўё: «Ҳой одамлар, бас, бас энди. Бўлди... Кўзларинг-ни очинглар. Нима қиялпсизлар?» дер эди.

Туз тотмай, дам олмай, азоб-уқубат чекаётган ҳар иккала томон одамлари бир-биримизни ўлдираверишнинг ҳожати борми, деб шубҳалана бошладилар. Ҳамманинг юзида иккиланиш аломати пайдо бўлди, ҳамма қалбларда бир савол туғилди: «Нима учун, ким учун мен одамларни ўлдирыпман ва ўзимни қурбон қияпман? Истаганингизни ўлдираверинг, хоҳлаганингизни қилаверинг, мен тўйдим, бас!» Шу фикр кечга томон ҳамманинг қалбида пишиб етилди. Бу одамларнинг ҳаммаси қилаётган ишларидан ҳар лаҳзада даҳшатга келишлари, қўлларидаги яроғларини ташлаб, бошлари оққан томонга қараб қочишлари мумкин эди.

Бироқ жангнинг охирида одамлар қилмишларининг барча даҳшатини сезсалар-да, бу ишнинг хотима топишини зориқиб кутаётган бўлсалар-да, англаб бўлмайдиган сирли бир куч ҳамон уларга йўлбошчилик қилар, терга пишган, порох ва қонга беланган, ҳар уч кишидан биттаси қолган тўпчилар, чарчаганликларидан қоқиниб ва ҳарсиллаб, яна ўқ-дори ташишар, тўпларни ўқлашар, нишонга тўғрилашар, пиликни ёқишарди; тўп ўқлари иккала томондан ҳамон илгаригидай тез ва шафқатсизлик билан ғизиллаб, яна одамларни тилка-пора қилар, инсон иродаси билан эмас, балки бутун бани башар ва ер-у кўкни идора қиладиган кучнинг иродаси билан юз берган ўша мудҳиш иш давом этарди.

Рус армиясининг орқадаги пароканда бўлган сафларига

¹ Селитра – кимёвий минерал ўғит.

қараган киши французлар жиндаккина зўр берсалар рус армиясидан ном-нишон қолмайди деса, французларнинг орқа сафларига қараган киши руслар озгина зўр берсалар, француз армияси халок бўлади, дер эди. Бирок французлар ҳам, руслар ҳам астойдил ҳаракат қилмади, жанг алангаси аста-секин ёниб сўна бошлади.

Русларнинг астойдил зўр бермаганларининг сабаби шу эдики, ҳужум қилган улар эмас, французлар эди. Жанг бошланганда улар Москва йўлини тўсиб, унинг устида турган бўлса, жангнинг охирида ҳам улар ўша жойдан бир қарич жилишгани йўқ эди. Аммо русларнинг мақсади французларни улоқтириб ташлаш бўлганда ҳам улар бу сўнгги марта зўр беришга ожизлик қилишарди, чунки бутун рус армияси шикастланган бўлиб, жангда зарар кўрмаган бирон-та қисм йўқ эди, руслар ўз жойларидан жилмасдан туриб, ўз кўшинларининг ярмини йўқотган эдилар.

Ўн беш йил муттасил ғалаба қозонган Наполеоннинг енгилмаслигига ишонган, жанг майдонининг бир қисмини қўлга киритган, кўшиннинг фақат тўртдан биринигина йўқотган ва яна жангга кирмаган йигирма минг кишилиқ гвардиялари борлигини билладиган французларга яна бир зўр бериш ҳеч гап эмас эди. Рус армиясини мавқеидан суриб юбориш учун ҳужум қилган французлар шундай ҳаракат қилишлари керак эди, чунки руслар жанг бошланмасдан олдин Москва йўлини қандай тўсиб ётган бўлса, ҳали ҳам шундай тўсиб турар, французлар кўзлаган мақсадларига эришмаган эди, уларнинг барча саъй-ҳаракат ва талафоти бекор кетган эди. Лекин французлар бу сўнгги ҳужумга журъат этолмадилар. Баъзи бир тарихчилар Наполеон ўзининг жангга кирмаган эски гвардиясини берса, ютиб чиқарди, деб даъво қилишади. Наполеон ўз гвардиясини берганда андоғ бўларди дейиш ҳам куз баҳорга айланса бундоғ бўларди, дегандай бир гап. Наполеоннинг ўз шахсий гвардиясини бериш-бермаслиги унинг хоҳишига боғлиқ эмасди, бундай қилиш мумкин эмасди. Француз армиясининг барча генерал, офицер ва аскарлари бундай қилиш имкониятдан йироқлигини билишарди, чунки кўшин-

ларнинг руҳи тушганлиги бунга имкон бермас эди.

Даҳшатли зарба учун кўтарилган қўл, ёмон тушдаги сингари дармондан кетиб, пастга тушаётганини факат Наполеон эмас, балки барча генераллар, француз армиясининг жангда қатнашган ва қатнашмаган барча аскарлари ҳам сезарди, уларнинг ҳаммаси бурунги жангларда орттирган шунча тажрибадан кейин (у жангларда бундан ўн хисса кам куч сарф қилганда душман жанг майдонидан қочарди) кўшиннинг ярмини йўқотса ҳам, аввалгидай даҳшат солиб турган душман қаршисида бир хилда ваҳимага тушарди. Хужумкор француз армиясининг маънавий қучи тугаган эди. Русларнинг Бородино атрофида қўлга киритган ғалабаси ёғоч учиға тикиб, байроқ деб аталадиган бир парча латтани ўлжа қилиб олиш, кўшинлар ишғол этган ва ҳамон ўша ерда турган майдонни олиш билан ўлчанадиган ғалаба эмас, балки маънавий ғалаба эди, бу ғалаба душманга ғаними маънавий жиҳатдан устун эканлигини, ўзи заифлашиб қолганлигини икром қилдирадиган ғалаба эди. Француз истилоси, забти билан келаётиб ҳалокатли зарбага йўлиққан йиртқич хайвон сингари ўз ҳалокатини сезаётган эди, бироқ икки барабар заиф бўлган рус кўшини бир четга силжимаслиги мумкин бўлмагани каби, француз армияси ҳам юришдан тўхтаётган эмас эди. Шундай зарбадан сўнг француз кўшини думалаб Москвага бориши мумкин эди, аммо у ерда руслар энди ҳаракат қилмасалар ҳам Бородинода еган ҳалокатли зарбадан қонга беланиб ҳалок бўлиши мумкин эди. Бородино жангининг бевосита оқибати шу бўлдики, Наполеон ҳеч қандай сабабсиз Москвани ташлаб, эски Смоленск йўли билан қайтди, унинг беш юз минг кишидан иборат бошқинчи армияси ҳалокатга учради, биринчи марта ба Бородинода маънавий жиҳатдан ниҳоят даража қучли бўлган душманнинг зарбасига учраган Наполеон Францияси хароб бўлди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

I

Ҳаракатнинг мутлақ узлуксиз бўлишини англашга инсон ақли ожизлик қилади. У ва ё бу ҳаракат қонунини англамоқ учун инсон шу ҳаракатни истаганича айри-айри бўлақларга бўлиб, ҳар бир бўлақни алоҳида олиб кўрган-дагина тушунади. Лекин шу билан бирга одамлар томонидан йўл қўйилган хатоларнинг аксарияти мана шу узлуксиз ҳаракатни, истаганларича, алоҳида, узук-узук ҳаракатларга бўлиш оқибатида юз берган.

Қадимги замон одамларининг сафсатадан иборат қуйидаги даъвоси ҳаммага машҳурдир; Ахиллес¹ гарчи олдинда бораётган тошбақадан ўн хисса тезроқ юрса ҳам, ҳеч қачон унга етолмас экан, Ахиллес тошбақа билан ўзи орасидаги масофани босиб ўтиши биланок, тошбақа унинг олдидаги масофанинг ўндан бирини босиб ўтар экан; Ахиллес бу масофанинг ўндан бирини босиб ўтгунча тошбақа юздан бирини босиб кўяркан ва бу ҳаракат интиҳосиз давом этаркан. Бу масала қадимги замон одамларига ҳал қилиб бўлмайдиган бир муаммо бўлиб кўринган. Ахиллес ҳеч қачон тошбақага етолмайди, деган бемаъни хулоса фақат узлуксиз ҳаракатни истаганларича узук-узук бўлақларга бўлиш оқибатидагина вужудга келган, ваҳоланки, Ахиллеснинг ҳаракати ҳам, тошбақанинг ҳаракати ҳам узлуксиз давом этган.

Ҳаракатнинг тобора кичик бўлақларга бўлиш мумкинлигини қабул қилишимиз билан биз фақат масаланинг ҳаллига яқинлашамиз, ҳолос, аммо ҳеч қачон уни ҳал қилолмаймиз. Фақат бениҳоя кичик бўлган миқдорни ва ўша миқдордан бошлаб ўндан бирга қадар кўпаядиган қонуниятнинг мавжудлигини фараз қилсак ва шу геометрик қонуниятнинг йиғиндисини олсак, масаланинг ечимига

¹ Ахилл, Ахиллес – юнон афсоналарида Троя уруши даврида Трояни қамал қилган «Илиада» қаҳрамонлари ичида энг ботири.

эришишимиз мумкин. Математиканинг янги соҳаси, ниҳоят даража кичик бўлган миқдорлар билан иш олиб бориш санъатини эгаллаб олгач, ҳаракатнинг бундан ҳам мураккаброқ бўлган ва ҳал қилиб бўлмайдиган, муаммодай кўринган бошқа масалаларига ҳам эндиликда жавоб бермоқда.

Математиканинг қадимги одамларга номаълум бўлган бу соҳаси, ҳаракат масаласини ўрганишда ниҳоят даража кичик бўлган миқдорлардан фойдаланишга имкон беради, чунки ҳаракатнинг асосий шarti бўлмиш мутлақ узлуксизлик шу бениҳоя кичик бўлақлардан вужудга келади, шу билан узлуксиз ҳаракат ўрнига ҳаракатнинг айрим бўлақларини ўрганаркан инсон ақли йўл қўймасликка ожизлик қиладиган муқаррар хатони тузатади.

Тарихий ҳаракат қонуларини ўрганиш масаласи ҳам айнан шундай.

Инсоннинг сон-саноксиз орзу-истаклари вужудга келтирган кишилиқ жамиятининг ҳаракати ҳам узлуксиз тарзда юз беради.

Тарихнинг вазифаси шу ҳаракат қонуларини ўрганишдан иборатдир. Бироқ барча инсонларнинг орзу-истаклари йиғиндисидан вужудга келган узлуксиз ҳаракат қонуларини ўрганмоқ учун инсон ақли уни ўз истагича алоҳида-алоҳида бўлақларга бўлишга йўл қўяди. Тарих фанининг биринчи усули шундан иборатки, бир қанча узлуксиз ҳодисаларни олиб, уларни бошқа ҳодисалардан айирган ҳолда ўрганади, ваҳоланки ҳеч қандай ҳодисанинг ибтидоси бўлмайти ва бўлиши ҳам мумкин эмас, бир воқеа узлуксиз равишда иккинчи воқеадан келиб чиқади. Тарихнинг иккинчи усули шундан иборатки, бир шахс, бир шох, бир саркарданинг фаолиятини одамларнинг орзу-истаклари йиғиндиси деб билади, ваҳоланки, одамлар истагининг йиғиндиси ҳеч қачон бир тарихий шахснинг фаолиятида ифода топган эмас.

Тарих фани тобора кичик бир воқеани тадқиқот мавзуи сифатида қабул қилади ва шу йўл билан ҳақиқатга яқинлашгани интилади. Бироқ тарих қабул қиладиган алоҳида воқеалар қанчалиқ кичик бўлмасин, биз шунини сезамизки, бир бўлакни бошқа бўлакдан ажратиб олиш у ва ё бу воқеа-

нинг ибтидоси шу деб даъво этиш ва ҳамма одамларнинг орзу-истаклари бир тарихий шахснинг фаолиятида ифода топади, деб ўйлаш тамомила янглиш фикрдир.

Танқид текшириш учун жуда катта ва ё жуда кичик бўлган бир воқеани мавзу қилиб олганлиги туфайли тарихнинг ҳар қанақа хулосасини осонгина чишпаққа чиқаради, танқид шундай қилишга ҳамиша ҳақли, чунки олинган айрим тарихий воқеа доимо асоссиздир.

Кузатиш учун чексиз кичик миқдорни – тарих дифференциалини, яъни одамларнинг бир хилдаги майлларини олиб интеграллаштириш (шу чексиз кичик бўлган миқдорларнинг йиғиндисини олиш) хунарини ўзлаштиргандан сўнг биз тарих қонуларини уқиб олишга ишончимиз комил бўлиши мумкин.

XIX асрнинг биринчи ўн беши Европада миллионларча кишилар фавқулудда жунбишга келган палла эди. Бу вақтда одамлар кундалик касб-у корини тарк этиб, Европанинг у чеккасидан бу чеккасига қараб ҳаракат қилади, бир-бирини ғорат қилади, бир-бирини ўлдиради, тантана қилади, ноумид бўлади ва шу тариқа фалакнинг гардиши бир неча йилгача ўзгариб туради-да, бошда кучая бориб, зўр ҳаракатга айланади, натижада сусайиб қолади. Инсон ақли бу фавқулудда ҳаракатнинг сабаби нима, ёки бу ҳаракат қандай қонунга мувофиқ юз берди? – деб сўрайди.

Тарихчилар, бу саволга жавобан Париж шахрининг бир биносида ўнларча киши томонидан ирод этилган нутқлар ва қилинган ишларни баён қилишади, бу нутқлар ва ишларни инкилоб деб аташади; кейин Наполеоннинг, унга тарафдор ва душман бўлган шахсларнинг таржимаи ҳолини муфассал тарзда баён қилишади, шу шахсларнинг бир қисми бошқа бир қисмига таъсир этганини гапириб, бу ҳаракат мана шу нарсанинг оқибатида келиб чиқди, унинг қонуни ҳам шу, дейишади.

Аmmo инсоннинг ақли бу гапга ишониш у ёқда турсин, балки тарихни бу йўсинда изоҳлаш тамомила нотўғри эканлигини рўй-рост айтади, чунки бу тариқа изоҳлашда анчайин ҳодисалар зўр ҳодисаларнинг сабаби қилиб кўрса-

тилади. Инқилобни вужудга келтирган ва Наполеонни Наполеон қилган нарса инсонларнинг орзу ва истақларининг мажмуидир, фақат мана шу истақларнинг мажмуи уларга чидаш берди ва уларни ер билан яксон қилди.

«Лекин фатҳ ҳеч қачон фотиҳсиз бўлгани йўқ; давлат тўнтариши ҳеч қачон буюк кишисиз бўлган эмас», – дейишади тарихчилар. Дарҳақиқат, дейди инсон ақли, ҳар гал фотиҳлар майдонга келганда уруш бўлган, лекин бу нарса урушларнинг сабабчиси фотиҳлар эканлигини исботлаб беролмайди, уруш қонуларини айрим шахснинг фаолиятига боғлаш мумкин эмас. Мен ҳар гал соатимга қараб, унинг мили ўнга келиб етганини кўрганимда кўшни ибодатхонада жом чалинаётганини эшитаман, лекин ҳар дафъа соат мили ўнга етганда жом чалиниши билан мен жомнинг ҳаракатга келишига соат милининг вазияти сабаб бўлди, деган хулоса чиқаришга ҳақли эмасман.

Мен ҳар гал паровознинг¹ ҳаракатга келганини кўрганимда хуштак товушини эшитаман, клапанларнинг² очилиб-ёпилишини, ғилдирақларнинг айланаётганини кўраман, бироқ бу нарсадан мен паровознинг ҳаракатига сабаб бўлган нарса хуштак ва ғилдирақларнинг ҳаракатидир, деган хулоса чиқаролмайман.

Дехқонларнинг айтишига қараганда, кеч кўкламда совуқ шамол эсишининг сабаби шу эмишки, дуб дарахти куртак ёзармиш, ҳақиқатан ҳам ҳар кўклам дуб куртак ёзаётганда совуқ шамол эсади. Лекин дуб куртак ёзаётганда совуқ шамол эсишининг сабаби менга номаълум бўлса ҳам, мен дехқонларнинг совуқ шамолга дубнинг куртак ёзиши сабаб деган фикрига қўши-лолмайман, чунки шамолнинг қучи дубнинг куртагига боғлиқ эмас. Мен бу ерда фақат ҳар бир ҳаётий ҳодиса рўй берадиган шароитларнинг бир-бирига мос келганини кўраман, холос, соат милини, паровознинг

¹ **Паровоз** (*русча*: пар – буг + воз(ить) – элтмоқ) – темир йўл поездларини тортиш учун белгиланган, буг двигатели билан ҳаракатга келадиган машина, буг двигатели локомотив.

² **Клапан** (*немисча*: Клаппе – тўсиқ) – турли машина ёки механизмларнинг ҳаво, суюқлик, буг ёки газ йўлини очиб-ёшиб турадиган қисми, қолқоқчаси.

клапан ва ғилдирагини, дубнинг куртагини қанча ва нақадар муфассал кузатсам-да, барибир, ибодатга чалинган жом, паровознинг ҳаракати ва кўклам шамолининг сабабини тополмайман. Бу нарсани билиш учун мен ўз кузатиш нуктамини буткул ўзгартиришим, буғ, жом ва шамолнинг ҳаракат қонуларини ўрганишим керак. Тарих ҳам айнан шундай қилиши даркор ва бу йўлда унча-мунча уринишлар ҳам бўлган.

Биз тарих қонунларини ўрганмоқ учун кузатиш объектимизни мутлақо ўзгартиришимиз керак, шоҳлар, вазирлар ва генералларни безовта қилиб ўтирмасдан, оммани идора қиладиган ва ниҳоят даража кичик бўлган бир хил унсурларни ўрганмоғимиз даркор. Шу йўл билан тарих қонунларини қай даражада англаш мумкинлиги ҳақида ҳеч ким бир нима дея олмайди; балки тарихий қонунларни шу йўлдангина бориб топиш мумкин бўлса керак. Инсон ақли тарихчиларнинг турли-туман подшоҳлар, саркарда ва вазирларнинг қилган ишларини тасвирлашга ва бу ишлар ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қилишга сарф этган ўша уринишларининг миллиондан бирини ҳам шу йўлга сарф қилмаганлиги аниқ.

II

Европанинг ўн икки тилда гапирадиган кучлари Россияга бостириб киради. Россия кўшинлари билан Россия аҳолиси, душманга рўпара келишдан қочиб, Смоленсккача, кейин Смоленскдан Бородиногача чекинади. Француз кўшинлари борган сари кучайиб бораётган суръат билан ўзининг туб мақсади бўлган Москвага қараб бормоқда. Юкоридан тушган жисмнинг шиддати ерга яқинлашган сари кучайгандек, душманнинг олға интилиш суръати ҳам мақсадга яқинлашган сайин зўраяди. Оч ва душман мамлакатнинг мингларча қақирим тупроғи орқада қолиб кетган, олдинда — маррага етмоқ учун бир неча ўн қақирим масофа қолган. Буни Наполеон армиясининг ҳар бир аскарари сезади ва хужум ўз-ўзидан, фақат ўз эпкини билан давом этади.

Чекинган сари рус кўшинларининг кўксида душманга қарши адоват ўти алангаланеди, чекинган сари бу рух йиғилиб кучая боради. Бородино атрофида душман билан тўқнашув юз беради. Бу тўқнашувда рус кўшини ҳам, француз кўшини ҳам тўзиб кетмайди, лекин бир соққа тез думалаб келаётган бошқа бир соққага урилиб орқага думалаб кетгандан, рус кўшинлари ҳам бу тўқнашувдан сўнг бевосита орқага тисарилди; француз армияси ҳам шиддат билан келаётган бояги соққадай (тўқнашувда бутун кучини йўқотган бўлса ҳам) эпкени билан яна бирмунча жойгача думалаб боради.

Руслар бир юз йиғирма чақирим орқага, Москванинг нариги тарафига чекинади; французлар Москвага етиб келиб, шу ерда тўхташади. Шундан сўнг беш ҳафтагача бирор марта ҳам жанг бўлмайди. Французлар ўринларидан қимирлашмайди. Улар қаттиқ ярадор бўлиб, қонига беланган ва ярасини ялаётган йиртқич ҳайвон сингари, нима қилишларини билмай, беш ҳафта Москвада туриб қолишади, кейин бирдан, ҳеч сабабсиз орқага қараб қочишади, ўзларини Калуга йўлига уришади ва (ғалабадан сўнг, чунки Малоярославец атрофида бўлган жангдан кейин яна жанг майдони уларнинг қўлида қолган эди) бирор марта ҳам дурустрок жанг қилмасдан, жадал билан орқага – Смоленскка, Смоленскдан Вильнога, Вильнодан Березинага, Березинадан нариги ёққа қараб қочишади.

26-августда кечга бориб Кутузов ҳам, бутун рус армияси ҳам Бородино жангида ютиб чиқдик, деган қаноатга келди. Кутузов подшога шу мазмунда хат ёзди. Кутузов ҳолдан тойган душманни батамом мажаклаб тапшаш учун янги жангга ҳозирлик кўрилсин деб фармон берди, бировни алдаш учун эмас, балки жангнинг ҳар бир иштирокчиси сингари Кутузов ҳам душманнинг мағлубиятга учраганига ишонгани учун шу фармонни берди.

Бироқ ўша кечанинг ўзида ҳам, эртасига ҳам кўшиннинг мисли кўрилмаган талафоти, армиянинг ярми нобуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар кетидан маълумот кела бошлади ва янги жанг бошлашнинг ҳеч иложи қолмади.

Жанг бошлаши мумкин эмас эди, чунки ҳали ҳамма маълумотлар қўлга кирмаган, ярадорлар йиғиштириб олинмаган, тўп ўқлари келтирилмаган, ўликлар ҳисоблаб чиқилмаган, ҳалок бўлган бошликлар ўрнига янги бошликлар тайинланмаган, одамлар қорнини тўйғизиб, уйкусини олмаган эди. Аммо шу билан бирга, бевосита жангдан сўнг, эртасига эргалаб француз кўшинлари (масофа қисқарган сари ортган шиддат билан) рус кўшинларига қарши ҳамла қилади. Кутузов эртасига французларга қарши ҳужум қилмоқчи эди, бутун армия ҳам шуни хоҳларди. Бироқ ҳужум қилмоқ учун ёлғиз хоҳишнинг ўзи кифоя қилмайди: буни амалга ошириш учун имконият керак, имконият эса йўқ эди. Бир манзил, кейин икки, кейин яна шу тарзда уч манзил орқага чекинишга тўғри келди, ниҳоят, 1-сентябрда, армия Москвага яқинлашиб қолганда, армия сафларидаги руҳ баланд бўлишига қарамасдан вазият кўшинларнинг Москвадан нарига чекинишни талаб қилади. Шундай қилиб кўшинлар яна сўнгги манзилга чекинишди ва Москвани душманга беришди.

Саркардалар ҳам уруш ва жанглар режасини ҳар биримиз каби ўз кабинетида ўтириб, харитага қараб тузади, деб ҳукм чиқаришга ўрганиб қолган кишилар, мен бўлсам фалон жангда ундай қилардим, писмадон жангда бундай қилардим, деб ўйлайдилар, нима учун Кутузов чекинаётган вақтда ундай қилмади, бундоқ қилмади, нима учун Филидан олдинги мавкени ишғол қилмади, нима учун Москвани қолдириб кетиш биланоқ тўғри Калуга йўлига қараб чекинади ва ҳоказо деган саволларни берадилар. Бу ҳилда муҳокама юргизишга ўрганиб қолган кишилар ҳар қанақа бош кўмондоннинг фаолияти ҳамиша қандай муқаррар шароитда ўтишини ё билишмайди ва ё унутиб қўйишади. Олдимизда харита, кабинетимизда бамайлихотир ўтириб маълум бир кампанияни таҳлил қиламиз, ҳар иккала томондан иштираётган кўшинларнинг сонсаноғи ҳам, жанг майдони ҳам бизга маълум, биз урушни маълум бир вақтдан бошлаб таҳлил қиламиз, лекин бош кўмондон тамоман бошқа шароитда иш олиб боради, унинг фаолияти бизникига ўхшамайди. Бош

қўмондон ҳеч қачон воқеанинг ибтидосида бўлмайди. Бош қўмондон ҳамisha юз бераётган воқеаларнинг марказида бўлади ва шунинг учун ҳам бу воқеаларнинг моҳиятини ўйлашга ҳеч қачон фурсат тополмайди. Воқеалар билинар-билинимас, дам-бадам ўз моҳиятини намоён этади ва мана шу тарзда воқеаларнинг моҳияти бирин-кетин, муттасил очилаётган бир вақтда бош қўмондон мураккаб фитнес-фасодлар, тобелик, ҳукмронлик, ташвиш-тахликалар, лойиҳалар, маслаҳатлар, дўқ-пўписалар, ёлғонларнинг марказида бўлади, аксари бир-бирига қарама-қарши бўлган сон-саноксиз саволларга жавоб қайтариш зарурати билан банд бўлиб қолади.

Ҳарбий олимлар жиддий тарзда бизга, Кутузов ўз кўшинларини Филида ишғол қилишдан олдинроқ Калуга йўлига суриши керак эди ва ҳатто қимдир шундай бир лойиҳани таклиф ҳам қилган эди, деб айтадилар.

Бироқ бош қўмондон ихтиёрида, айниқса оғир дақиқаларда бир эмас, балки бирданга ўнлаб лойиҳалар бўлади. Стратегия ва тактикага асосланган бу лойиҳаларнинг бири иккинчисига зид бўлади. Бош қўмондоннинг вазифаси шу лойиҳалардан бирини танлаб олишдангина иборатга ўхшаб кўринади. Аммо бош қўмондон шуни ҳам қилолмайди. Бунга воқеалар ҳам, вақт ҳам фурсат бермайди. Фараз қилдикки, ойнинг 28-санасида бош қўмондонга Калуга йўлига чиқишни таклиф қилишади, бироқ шу он Мило-радович олдида адъютант от қўйиб келади-да, ҳозир французлар билан жанг қилайликми, ё чекинайликми, деб сўрайди. Бош қўмондон ҳозир шу дақиқанинг ўзида унга жавоб бериши керак. Чекинишга буйруқ берилса бу буйруқ бизни Калуга йўлига қараб ҳаракат қилишимизга тўсиқ бўлади. Адъютантдан кейин озиқ-овқатни қаерга олиб бориш керак, деб интендант сўрайди, ҳарбий касалхоналар бошлиғи эса ярадорларни қаёққа олиб боришни сўрайди; Петербургдан келган чопар эса Москвани душманга қолдириш мумкин эмаслиги ҳақида подшоодан мактуб келтиради, бош қўмондоннинг тирноғи остидан кир қидириб юрган рақиби эса (бундайлар ҳамма вақт бўлади, тагин бир эмас, бир неча)

Калуга йўлига чиқиш режасига батамом қарама-қарши бўлган янги лойиҳани таклиф этади; бош кўмондон бўлса чарчаган, у ухлаб дам олиши ва ўзига келиши керак: мукофотдан куруқ қолган мухтарам генерал эса шикоят қилгани келади; аҳоли эса паноҳ сўраб ёлворади; мавкени кўриб келгани юборган офицер, қайтиб келиб, ундан олдин юборилган офицернинг сўзига тамомила зид бўлган гапларни айтади; айғоқчи ҳам, асир ҳам, разведка қилган генерал ҳам душман армияси турган жойни ҳар хил тасвир қилади. Ҳар қанақа бош кўмондоннинг фаолияти шундай шароитда ўтишини билмайдиган ва ё бу нарсани унутиб қўядиган кишилар эса, масалан, кўшиннинг Филида турган вазиятини бизга тасвирлаб, бош кўмондон 1-сентябрда Москвани тапплаб кетиш ё мудофаа қилиш масаласини баҳузур ҳал этиши мумкин эди, деган фикрни олға суришсади, ваҳоланки рус кўшинлари Москвадан беш чақирим нарида турган вақтда бундай масалани ҳал этиб бўлмас эди. Бўлмаса бу масала қачон ҳал қилинди? Бу масала Дриссада, Смоленск бўсағасида, айниқса, 24-санасида Шевардино атрофида, 26-санасида Бородино атрофида, ҳар кун, ҳар соат, Бородинодан Филига қараб чекинган дақиқаларда ҳал бўлган эди.

III

Рус кўшинлари Бородинодан чекиниб, Филига келиб тўхташди. Кўшинларимиз ишғол қилган позицияни кўрган Ермолов фельдмаршал хузурига келди.

– Бу позицияда жанг қилишнинг иложи йўқ, – деди у. – Кутузов хайратланиб унга қаради ва айтган сўзини такрорлашга мажбур этди. У гапини тугатгандан кейин Кутузов кўлини чўзиб:

– Кўлингни бер-чи, – деди ва томирини ушлаб кўриш учун унинг кафтини ағдараркан. – Сен соғлом эмассан, бўтам. Гапирган гапингни бир ўйлаб кўр-а, – деди.

Кутузов Дорогомислово дарвозасидан олти чақирим берида Поклонная тепалигида экипаждан тушди ва йўлнинг

четидаги ўриндикқа ўтирди. Бир тўда генераллар уни қуршаб олишди. Москвадан келган граф Раstopчин ҳам шуларга қўшилди. Бир неча гуруҳга бўлинган бу олий рутба шахслар позициянинг қулай-ноқулайлиги, қўшинларнинг вазияти, қилинадиган ишларнинг режаси, Москванинг аҳволи, умуман урушга доир масалалар ҳақида ўзаро гапира кетишди. Бу йиғилиш ҳарбий кенгаш деб аталмаган, бу шахслар бу масала юзасидан чақирилмаган бўлса ҳам, ҳамма бунинг ҳарбий кенгаш эканлигини сезар эди. Сухбат умумий масала атрофида бормоқда эди. Агар бирор киши ўзига тааллуқли янги бир хабарни айтса ё суриштирмоқчи бўлса, шивирлаб гаплашар ва ўша ондаёқ яна умумий масалага ўтар эди; ҳазил-мутойиба, табассум, кулги бу одамларнинг юрагига сиғмас эди. Афтидан, ҳамма ўзини бу жиддий вазиятга мос қилиб кўрсатишга уринар эди. Тўда-тўда бўлиб турган бу одамлар ўзаро суҳбатлашиб, бош қўмондонга яқинроқ келишга уринар (Кутузовнинг ўриндиги гуруҳларнинг ўртасида турар эди) ва унга эшиттириб сўзлашар эди. Бош қўмондон буларнинг сўзига кулоқ солар, гоҳ-гоҳ атрофдагилар айтган баъзи бир сўзларни қайтадан сўрар, аммо ўзи на гапга аралашар ва на бирор фикр баён этарди. У бирор гуруҳнинг суҳбатига кулоқ соларкан, булар қўпинча эшитишни орзу қилган нарса ҳақида эмас, бошқа нарса ҳақида гапирётганлари учун ҳафсаласи пир бўлгандай, юзини ўтирар эди. Бири танланган позиция ҳақида гапириб, позициянинг ўзидан кўра уни танлаган кишиларнинг ақл-у фаросатини кўпроқ танқид қилар; иккинчиси хатога илгарироқ йўл қўйилганлигини, жанг уч кун бурун бўлиши кераклигини исботлар; учинчиси ҳозиргина келган испан мундиридаги Кросар исмли француз ҳикоя қилган Саламанка уруши ҳақида гапирар эди. (Бу француз рус армиясида хизмат қилиб юрган бир немис шаҳзодаси билан Сарагос мухосирасини таҳлил этаркан, Москвани ҳам айнан шу тарзда мудофаа этишни маслаҳат берар эди.) Тўртинчи гуруҳда граф Раstopчин мен Москва қўнғилли аскарлари билан пойтахтнинг девори остида жон беришга тайёрман, аммо лекин бир нарсага, аҳволдан бутунлай беҳабар қолга-

нимга таассуф билдирмай иложим йўқ, бу ҳодисадан олдинроқ огоҳ бўлганимда иш бошқача бўлар эди, дер эди... Бешинчиси ўзининг стратегик мулоҳазаси накадар чуқурлигини кўрсатиб, кўшинлар қайси томонга ҳаракат қилиши кераклиги тўғрисида баҳслашарди. Олтинчиси бутунлай беҳуда бир фикрни олға сурарди. Кутузовнинг борган сайин тапшиш ва қайғуга тушаётгани юзидан билиниб турар эди. Барча бу баҳс ва мунозаралардан Кутузов фақат бир нарсани англади: Москвани мудофаа этишга том маъноси билан ҳеч қандай имконият йўқ, яъни аҳвол шу даражага етганки, агар мабодо бирор телба бош қўмондон жанг қилиш ҳақида буйруқ берса борми, иш чалкаш бўлади, лекин жанг бўлмайди, шунинг учун ҳам бўлмайдики, барча олий рутба бошлиқлар бу позиция жангга ярамайди дейиш билан бирга бу позициядан шубҳасиз воз кечгандан сўнг рўй берадиган нарсалар ҳақидагина баҳслашар эдилар. Бошлиқлар яроғсиз деб ҳисоблаган жанг майдонига қандай қилиб ўз кўшинларини бошлаб боришлари мумкин? Унвони паст бўлган бошлиқлар, ҳатто аскарлар ҳам (уларнинг ҳам калласи бор) бу мавқени яроғсиз деб топишар, шунинг учун ҳам, албатта, душманга устун келамиз, деган ишонч билан жангга киролмас эдилар. Агар Бенигсен шу мавқени мудофаа қилиш керак деб қаттиқ туриб олган бўлса ва бошқалар бу масалани музокарага қўяётган бўлса, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, бундан мурод баҳс-мунозара ва фитнес-фасодни давом эттиришдир, холос. Кутузов бунга тушунар эди.

Шу мавқени тавлаган Бенигсен, рус ватанпарварлигини кўз-кўз қилиб (Кутузов унинг ватанпарварона сўзларини ижирганмасдан эшитолмас эди), Москва мудофаа этилишини талаб қиларди. Кутузов Бенигсеннинг мақсадига жуда яхши тушунарди: Москва мудофааси муваффақиятсизликка учраган тақдирда ҳамма айбни кўшинларни Воробьёв тепалигигача жангсиз олиб борган Кутузовга тўнкаш, муваффақият қозонганда эса, бу ишни ўз хизмати қилиб кўрсатиш, Кутузов рад этган тақдирда эса Москвани душманга қолдириш каби жинорий ишни бўйнидан соқит қилиш эди. Бироқ кекса бош қўмондон ҳозир бу тариқа фитнес-фасодлар ҳақида

бош қотираётгани йўқ эди. Унинг бутун фикр-у зикри бир мудҳиш масала билан банд эди. Лекин бу мудҳиш масалага у ҳеч кимдан жавоб эшитолмади. Унинг олдида турган бирдан бир савол шундан иборат эди: «Наҳотки Наполеонни Москвагача бостириб келишига йўл қўйган бўлсам? Қачон мен бу ишни қилиб қўйдим? Наҳотки кеча чекиниш ҳақида Платовга буйруқ юборган чоғимда ёки уч кун олдин, кечкурун фармонбардорликни Бенигсенга топшириб, ўзим пинакка кетган вақтимда қилиб қўйган бўлсам? Ё ундан ҳам олдинроқмикин?.. Ахир қачон, қачон бу мудҳиш ҳол рўй берди? Москвани душманга ташлаб чиқиш керак. Кўшинлар чекиниши даркор, бу ҳақда буйруқ бериш керак». Мана шу мудҳиш буйруқни бериш, унинг назарида армия кўмондонлигидан воз кечиш демак эди. У ҳужумронликни севиши у ёқда турсин, бунга ўрганиб қолган (Туркияда князь Прозоровскийнинг қўл остида хизмат қилиб юрган чоғларида унинг эъзоз-икром қилишларини кўриб ҳаваси келган эди), Кутузов Россияни қутқариш менинг пешонамга ёзилган деган қаноатда эди, фақат шунинг учун подшонинг хоҳишига қарши, халқ истаги билан бош кўмондон қилиб сайланган эди. Кутузов шундай оғир шароитда армияга фақат мен бош бўла олишим мумкин, оламда фақат мен кўркмасдан енгилмас Наполеонни ўз ғанимим деб билишга қодирман, деган қаноатда эди; шундай бўлса ҳам, берадиган амрини ўйлаганда ўзи даҳшатга тушар эди. Аммо бирор қарорга келиш, атрофида бўлаётган ва ниҳоят даражада ҳаддан ошиб кетаётган майда-чуйда гапларга хотима бериш керак эди. Кутузов олий рутба генералларни ҳузурига чақирди.

– Салоҳиятлиманми, йўқми, барибир, мендан бошқа ҳеч ким эплолмайди, – деб ўриндикдан турди ва Филига, экипажлари турган ерга қараб кетди.

IV

Дехқон Андрей Савостьяновнинг кенг ва энг яхши хонасида соат иккида ҳарбий кенгаш йиғилди. Каттакон дехқон оиласининг аъзолари – эркаклар, хотинлар ва болалар даҳлизнинг нариги тарафидаги қоп-қоронғи уйчада

тиқилишиб ўтирарди. Фақат Андрейнинг Малаша деган олти яшар невараси катта хонада, печка устида қолди. Чой ичаётганда аъло-хазратнинг ўзи қизчани суюб, унга бир чакмоқ қанд берди. Малаша печка устида ўтираркан, биринкетин уйга кириб, тўрда иконалар остидаги кенг ўриндикка ўтираётган генералларнинг нишонлари ва мундирларига кўрка-писа суюниб қарар эди. Малаша ўзича бобо деб атаган Кутузов булардан четроқда, печканинг орқасида, қоронғи бурчакда ўтирар эди. У буклама креслога ботиб ўтираркан, ҳадеб томоғини қирар ва тугмаси ечилган бўлса ҳам, худди томоғидан бўғаётгандай сюртугининг ёқасини ечиб кўяр эди. Уйга кетма-кет кириб келаётган кишилар фельдмаршал олдига борар, уларнинг баъзиси билан у қўл бериб кўришар, баъзисига бош ирғаб кўя қолар эди. Адъютант Кайсаров Кутузовнинг рўпарасидаги деразанинг пардасини суриб кўймоқчи бўлган эди, лекин Кутузов жеркиб қўл силтади. Кайсаров бундан аъло хазрат юзини бошқаларга кўрсатишни истамаганини англади.

Арчадан ясалган ва устида харита, режа, қалам-қоғозлар ётган дехқонча столнинг атрофида шу қадар кўп киши йиғилган эдики, деншиқлар стол олдига яна бир ўриндик келтириб қўйишди. Бу ўриндикқа ҳозиргина келган Ермолов, Кайсаров ва Толь ўтиришди. Тўрда, санамларнинг остгинасида бўйнига «Георгий нишони»ни такқан, ранг-рўйи захил, кенг пешонаси тепакал боши билан қўшилиб кетган Барклай де Толли ўтирар эди. У икки кундан бери иситма чиқарар, шу тобда ҳам эти увушиб, аъзойи бадани зирқираб оғримокда эди. Унинг ёнида ўтирган Уваров кўлини тез-тез қимирлатиб, бошқалардек паст товуш билан Барклайга алланималар дер эди. Кичкина ва дум-думалок Дохтуров қошларини кериб, қўлларини қорни узра ковуш-тирганича диққат билан тинглаб ўтирар эди. Столнинг нариги томонида кўзлари чақнаётган, юз ифодаси жасоратидан дарак берувчи граф Остерман Толстой тирсақлиниб, каттакон калласини кафтига қўйиб ўтираркан, ҳаёл дарёсига ғарқ бўлгандай кўринар эди. Киёфасидан тоқати тоқ бўлгандай кўринган Раевский одат бўлиб қолган бир ҳаракат билан

чаккасидаги қора сочларини бураб ўтираркан, гоҳ Кутузовга, гоҳ эппикка қарар эди. Коновнициннинг салобатли, чиройли ва пок юзида латиф ва муғомбирона бир табассум жилваланарди. У кўзи Малашанинг кўзига тушганда имо қилган эди, қизча жилмайиб қўйди.

Ҳамма Бенигсенни кутар, у эса янги позицияни кўриб келмоқ баҳонаси билан маза қилиб овқатланиб ўтирар эди. Соат тўртдан олтигача уни кутишди ва кенгашни бошламасдан, наст товуш билан у ёқ бу ёқдан гаплашиб ўтиришди.

Бенигсен уйга киргандан кейингина Кутузов ўтирган еридан кўзғалиб столга яқин келиб ўтирди, лекин столга келтириб қўйилган шам юзини ёритадиган даражада яқинлашмади.

Бенигсен кенгашни: «Россиянинг муқаддас ва қадимги пойтахтини жангсиз ташлаб кетамизми, ё уни мудофаа қиламизми», деган савол билан очди. Узок вақт ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳамманинг қош-қовоғи осилиб кетди, сукунат ичида фақат Кутузовнинг жаҳл билан томоғини қиргани ва йўталгани эшитилар эди. Ҳамма кўзлар унга тикилди. Малаша ҳам бобога қарар эди. Қизча Кутузовга яқинроқ ўтирган эди, шунинг учун ҳам унинг юзи буришганини баралла кўрди: Кутузов худди йиғламоқчи бўлганга ўхшарди. Бирок бу ҳол узокқа чўзилмади.

– Россиянинг қадимий муқаддас пойтахтини! – деб Кутузов тўсатдан ғазабли товуш билан сўз бошлаб Бенигсеннинг гапини такрорлади ва шу билан бу сўзлар сохта бир оҳанг-ла айтилганига ишора қилди. – Ижозат беринг, зоти олийлари, шуни сизга айтиб қўяйки, рус кишиси учун бу масаланинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ (у оғир гавдасини олдинга ташлади). Масалани бундай қўйиб бўлмайди, масалани бундай қўйиш беҳудадир. Мен бу жанобларни бу масала учун эмас, харбий масала юзасидан чақиртирган эдим. Масала бундай: «Россиянинг нажоткори армиядир. Бас, шундай экан, таваккал қилиб жанг бошлаб, ҳам армия, ҳам Москвани йўқотиб қўйиш дурустми, ё Москвани жангсиз бериб, армияни сақлаб қолиш дурустми? Мен мана шу масалада сизларнинг фикрларингни билмоқчи эдим. (Куту-

зов ўзини креслонинг суянчигига ташлади.)

Музокара бошланди. Бенигсен ҳали иш қўлдан кетмаган деб ҳисоблар эди. Барклай ва боиқаларнинг Фили ёнида мудофаа жанги бошлаш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрларига эътироз билдирмасдан, у рус ватанпарварлиги ва Москвага бўлган муҳаббати жўш уриб, кечаси кўшинни ўнг қанотдан чап қанотга кўчириб, эртасига французларнинг ўнг қанотига ҳамла қилишни таклиф қилди. Икки хил фикр туғилди. Баъзилар бу таклифга кўшилди, баъзилар қарши чикди. Ермолов, Дохтуров ва Раевскийлар Бенигсеннинг фикрини ёқлашди. Москвани ташлаб кетишдан олдин қурбон бериш керак, деган туйғуга берилибми, ё бошқа биров шахсий мулоҳаза биланми, ишқилиб, ҳозирги кенгаш вазиятни ўзгартиришга қодир эмаслигини, Москва аллақачон қўлдан кетиб бўлганини бу генераллар гўё англадилари келмас эди. Бошқалар буни англашар, Москва масаласини кўя туриб, чекиниш вақтида кўшинлар қайси йўл билан юриши кераклиги ҳақида гапиришарди. Малаша, қаршисида бўлаётган нарсалардан кўз узмай ўтираркан, бу кенгашни бошқача тушунар эди. Унинг назарида «бобо» билан «узун этакли» (Бенигсенга Малаша шундай лақаб қўйган эди) киши орасида шахсий зиддият бор эди, холос. Булар бири-бири билан гаплашганда, ғазабга келганини Малаша кўриб турар ва ичида бобонинг томонини олар эди. Сухбат вақтида Малаша бобонинг Бенигсенга ялт этиб қараганини, шундан сўнг бобо узун этаклига алианима деб унинг шаптини қайтариб қўйганини кўрди-ю, ич-ичидан суюнди. Бенигсен бирдан қизариб кетди ва аччикланиб, уйда нари-бери юра бошлади.

Бенигсеннинг, у ёқ бу ёғидан ўтиб кетган нарса Кутузовнинг мулоҳим ва паст товуш билан баён қилган фикрлари эди: Кутузов унинг кечаси кўшинларни ўнг қанотдан чап қанотга кўчириб, французларнинг ўнг қанотига ҳамла қилиш ҳақидаги таклифининг фойда ва зарари тўғрисида гапирётган эди.

– Жаноблар, – деди Кутузов, – мен графнинг режасини маъқуллай олмайман. Душманнинг кўз олдида кўшинларни

қўзғатиш ҳар вақт хавфли бўлган ва жанг тарихи бу мулоҳазани тасдиқлайди... Ҳа, масалан... (Кутузов соддадиллик билан Бенигсеннинг афтига қараб, худди мисол қидираётгандай ўйланиб қолди.) Акалли, Фридланд жангини олайлик, граф эсларидан чиқармаган бўлсалар керак... Бу жанг қўшинларимиз душманга яқин масофада янги мавқе ишғол қилгани учунгина муваффақият қозонмаган эди... Бир дақиқа жимлик чўкди, лекин бу бир дақиқа ҳаммага жуда узоқдай туюлди. Музокара яна давом этди, лекин суҳбат тез-тез узилар, айтиладиган гап қолмаганлиги сезилиб турар эди. Яна бир гал шундай жимлик чўкканда Кутузов худди гапирмоқчи бўлгандай оғир хўрсинди. Ҳамма унга қаради.

– Синдирилган хурмачанинг товонини мен тўлайдиганга ўхшайман, жаноблар, – деди у ва аста-секин ўрнидан туриб стол олдига келди. – Жаноблар, мен сизларнинг фикрларингни эшитдим. Баъзилар гапимни маъқуллашмас. Лекин мен (у бир лаҳза тўхтади) шаҳаншоҳим ва ватаним берган ҳуқуқдан фойдаланиб, чекинишни буюраман.

Шундан сўнг генераллар худди дафн маросимидан сўнг тарқалиб кетаётгандай сукут сақлаб дабдабали юриш билан тарқалиб кетишди.

Генераллардан баъзи бирлари кенгашдагидек баланд овоз билан эмас, балки бутунлай бошқа бир оҳангда, секин товуш билан бош қўмондонга бир нималар дейишди.

Кечки овқатига кечиккан Малаша орқасини ўгириб, яланғоч оёқларини печканинг ёшигига кўйди-да, аста ерга тушди ва генералларнинг оёғи орасидан ўтди-ю, лип этиб эшикдан чикиб кетди.

Кутузов генералларга жавоб бериб юборганидан сўнг столга тирсақланиб узоқ ўтирди. Ҳамон ўша даҳшатли савол миясидан кетмас эди: «Москвани ташлаб кетиш масаласи қачон, қачон ҳал бўлди экан? Нима бўлиб бу шундай бўлди экан ва бунга ким айбдоркин?»

– Мен бундай бўлишини сира-сира кутмаган эдим, – деди Кутузов ярим кечада олдига кирган адъютант Шнейдерга. – Бундай бўлишини кутмаган эдим! Бундай бўлади деб ўйламаган эдим!

– Аъло хазрат, сиз дам олишингиз керак, – деди Шнейдер.

Кутузов адъютантнинг сўзига жавоб қайтармасдан, думалоқ мушти билан столга уриб қичқирди:– Йўқ! Бундай бўлиши ҳеч мумкин эмас! Турклардек уларга ҳам от гўшти егизаман! Улар ҳам факат...

V

Айни замонда армиянинг урушсиз чекинишидан кўра муҳимроқ бўлган бир воқеага – Москвани жангсиз ташлаб чиқиш ва унга ўт қўйиш воқеасига раҳбарлик қилаётгандай кўринган Растопчин Кутузов қилаётган ишларга тамоман тескари иш қилмоқда эди.

Москвани ташлаб чиқиш ва унга ўт қўйиш масаласи ҳам қўшинларнинг Бородино жангидан сўнг урушмасдан Москванинг нариги тарафига чекиниши сингари зарурий бир ҳодиса эди.

Ҳар бир рус фикрий хулосалар эмас, балки биз ва бизнинг ота-боболаримиз қалбида ётган туйғуга асосланиб, бу воқеанинг содир бўлишини олдинроқдан сезиши мумкин эди.

Смоленскдан бошлаб рус элининг барча шаҳар ва қишлоқларида, граф Растопчиннинг иштирокисиз ва афишасиз Москвада содир бўлган ҳодисалар юз бермоқда эди. Халқ душманни бепарволик билан кутаркан, ғалаён қилмас, ҳовлиқмас, ҳеч кимни бурдалаб ташламас, балки вазминлик билан қисматини кутар, энг оғир лаҳзада нима қилиш кераклигини билар ва бунинг учун ўзининг қодирлигини сезар эди. Душман яқинлашиши биланоқ аҳолининг бой табақаси мол-у мулкни ташлаб кетар, камбағаллар эса шаҳарда қолиб, бойлар ташлаб кетган нарсаларга ўт қўйиб, йўқ қилиб юборишар эди.

Ҳар бир рус кишиси шундай қилиши керак, ҳамини шундай қилинган деган бир фикр билан яшар ва яшамокда эди. Бу ҳам, Москва қўлдан кетади деган фикр ҳам 12-йилдаги Москва жамоатчилигининг кўнглида ётар эди.

Июль ойи ва августнинг бошларидаёқ Москвадан кўча бошлаган кишилар шу воқеа содир бўлиши аниқлигини сезаётганликларини кўрсатишди. Ҳовли-жойларини ва мол-мулкларининг ярмини ташлаб, фақат кучлари етадиган нарсаларнигина олиб кетаётган кишилар бу ишни сўз билан эмас, ватаннинг нажоти йўлида болаларини қурбон қилиш ва ҳоказо, ғайритабиий ҳаракатлар билан эмас, балки билинтирмасдан, соддагина, узвий равишда ифода этиладиган ва шунинг учун ҳам қаттиқ таъсир қиладиган бир ботиний ватанпарварлик туйғуси билан қилмоқда эди.

«Хавф-хатардан қочиш шармандалик, фақат кўроклар Москвадан қочади» дейишарди уларга. Растопчин ўзининг бетаъсир афишаларида Москвадан кетиш уят бўлишини уларга талқин этмоқда эди. Кўрок деган номни олиш уят бўлса ҳам, кетиш айб бўлса ҳам, улар, ҳар қалай, шундай қилиш кераклигини билиб туриб кетишмоқда эди. Нимага улар кетаётган эди? Растопчин уларни Наполеон забт этган ерларида қилаётган ваҳшатлар билан кўрқитиб қўйди деб ўйлаш мумкин эмас. Лекин ҳамма кетмоқда, биринчи навбатда бойлар, ўқимишли кишилар, Вена ва Берлин Наполеон забт қилганда бу шаҳарлар омон қолганини, аҳолиси дилкаш французлар билан, ўша вақтларда рус эркаклари, айниқса, рус хонимларини махлиё қилган дилкаш французлар билан вақтичоғлик қилиб юрганини жуда яхши биладиган кишилар Москвадан кетишмоқда эди.

Улар шунинг учун жўнаб кетишмоқда эдики, рус киши-си учун Москвада, французларнинг ҳукмронлиги остида ҳаёт яхши бўладими, ёмон бўладими, деган саволнинг туғилиши мумкин эмасди. Французларнинг ҳукмронлиги остида қолиш мумкин эмас, рус кишиси учун бундан ёмони йўқ эди. Улар мудофаага ҳозирланинг, деб чиқарилган хитобномаларга ҳам эътибор қилмасдан, Москва бош қўмондони Иверск иконасини кўтариб чиқиб, душманга қарши ҳамла қилиш ниятида эканлигини билдирганига қулоқ солмасдан, французларни ҳалокатга дучор қиладиган ҳаво шарлари осмонга кўтарилади деган гапларга ҳам аҳамият бермасдан, Растопчин ўз афишаларида ёзаётган барча ўша

бўлмағур гапларга ҳам қарамасдан, Бородино жангигача ҳам жўнаб кетишмоқда эди. Бородино жангдан сўнг яна ҳам жадалроқ кета бошлашди. Улар кўшин душман билан олишиши кераклигини ҳам билар, агар олишишнинг уддасидан чиқмаса, ойимқизлар ва қироллар билан Три Горага бориб Наполеон билан жанг қилишнинг иложи йўқлигини ҳам билар, шунинг учун мол-у мулким деб ўтирмасдан жўнаш кераклигини англашарди. Улар кетишаркан, аҳолиси тарк этиб, ўтга қурбон қилинаётган (ёғочдан бино бўлган ва аҳолиси ташлаб кетган бу азим шаҳар куйиб кул бўлиши керак эди) бу бой, азим пойтахтнинг улуғвор аҳамиятини ўйлашмас, буларнинг ҳар қайсиси, ўзича кетар, бироқ шу билан бирга, фақат улар шаҳарни тарк этишлари оқибатида пундай бир улуғ ҳодиса юз бердики, бу ҳодиса рус халқининг энг мумтоз шон-шухрати сифатида мангу қолажак. Июнь ойидаёқ мен Бонапартнинг малайи эмасман, деган мужмал фикр билан ўз занжилари ва қизиқчиларини олиб, Растопчиннинг буйруғига мувофиқ йўлда тўхтатишларидан қўриқиб, Саратов губерниясидаги қишлоғига қараб йўл олган ўша ойимбека Россияни халос этган буюк ишни жўнгина ва самимият билан амалга ошириб қўйган эди. Граф Растопчин эса гоҳ Москвадан чиқиб кетаётганларни уялтирар, гоҳ идораларни кўчиртирар, гоҳ ҳеч балого ярамайдиган яроғ-аслаҳани маст-аласт оломонга улашиб берар, гоҳ иконаларни кўчага кўтартириб чиқарар, гоҳ азиз авлиёлар ва санамларни шаҳардан кўчиртиришни Августинга ман этар, гоҳ Москвадаги барча хусусий араваларни тортиб олар, гоҳ Леппих ясаётган ҳаво шарини бир юз-у ўттиз олти аравага ортириб жўнатар, ҳали Москвага ўт қўйиб юбориш нияти борлигига ишора қилар, ҳали ўзининг ҳовли-жойига ўт қўйиб, кейин бу ҳақда французларга хитобнома юбориб, болалигим ўтган уйимни ғорат қилдиларинг деб тантанали тарзда уларга таъна этганини гапириб берар, ҳали Москвага ўзим ўт қўяман деб гердаяр, ҳали бундан тонар, ҳали ҳамма жосусларни ушлаб келинлар деб халойиққа буйруқ қилар, ҳали бундай қилганлари учун одамларни таъна этар, гоҳ барча французларни Москвадан бадарға қилар, гоҳ Москва-

да яшайдиган барча француз аҳолисининг марказини ташкил қилган Обер Шальме хонимни қолдириб, ҳеч гуноҳи бўлмаган мухтарам ва мўйсафид почта мудирини Ключаровни ушлаб бадарға этишни буюрар, гоҳ французлар билан жанг қиламиз деб халқни Три Горага йигар, ҳали бу халқдан кутулиш учун ўлдиришлар, деб унинг қўлига бировни тутқизиб, ўзи орқа эшикдан чиқиб қўйиб бўлар, гоҳ Москва-нинг бошига қора кунлар келгани уни адои тамом қилишни гапирар, гоҳ бу ишга иштироки борлиги ҳақида альбомларга француз тилида шеърлар ёзарди¹, лекин бу одам содир бўлаётган ҳодисанинг моҳиятига тушунмас эди, ўзи бирор нима қилишни, кимнидир ҳайратда қолдиришни, бирор ватанпарварона-қахрамонона иш қилишни истар, Москвани ташлаб кетиш ва унга ўт қўйиш каби улугвор ва рўй бериши зарур бўлган воқеани ёш бола сингари эрмак ўрнида кўрар, ўзини ҳам бирга оқизиб бораётган буюк халқ оқимини кичик қўллари билан гоҳ рағбатлантирмоқчи бўлар, гоҳ тўхтатмоқчи бўлар эди.

VI

Элен сарой аъёнлари билан Вильнодан Петербургга қайтиб келгач, жуда оғир бир аҳволга тушиб қолди.

Петербургда Элен олий давлат вазифасини ишғол қилиб келаётган бир тўранинг махсус ҳимояси остида эди. Вильнода эса у хорижлик ёш шахзода билан дўстлашиб қолди. Элен Петербургга қайтиб келганида шахзода ҳам, тўра ҳам Петербургда эди, иккаласи ҳам ошначиликни давом эттирмоқчи бўлди. Элен ўз мавқеида ҳали янги бўлган масалани, унисини ҳам, бунисини ҳам ранжитмасдан иккаласи билан яқин муносабатда бўлиш масаласини ҳал қилиши керак эди.

Бошқа хотин учун қийин, ҳатто имконсиз бўлиб кўринган бу иш графиня Безуховани бирор мартаба ҳам ўйлан-тириб қўймади, ростдан ҳам оқила хотин деб ном чиқаргани

¹ Je suis ne Tartare. Je voulais être Romain. Les Français m'appelerent barbare, les Russes – Georges Dandin. Яъни: мен онадан татар туғилганман. Ўзим румолик бўлмоқчи эдим. Французлар мени варвар деб атадилар. Руслар – Жорж Данден деб.

бежиз эмас эди. Агар Элен кирдикорини яшириб, бу қалтис аҳволдан айёрлик билан кутулса эди, шу иши билан ўз гуноҳига икром бўлиб, ўзини расвойи-жаҳон қилиб кўяр эди. лекин Элен, аксинча, нимаyki хоҳласа, амалга оширишга қодир бўлган буюк киши сингари иш тутиб, ўзини ҳаққа, қолганларнинг ҳаммасини ноҳаққа чиқарар ва бунга ўзи ҳам чин кўнгилдан ишонарди.

Ёш хорижлик шаҳзода илк дафъа журъат этиб, Элендан ўпкалаганда, Элен чиройли бошини викор билан кўтарди-да, шаҳзодага киё боқиб, кескин тарзда деди:

– Эркаклар шунақа худбин ва бағритош бўлади-да! Ўзим ҳам шуни кутган эдим. Ўзини сизга бағишлаган, изтироб чеккан аёлнинг ажри шуми! Зоти олийлари менинг бошқалар билан бўлган алоқам ва дўстлик муносабатим ҳақида ҳисоб сўрашга сизнинг нима ҳақингиз бор? У одам менга отамдан ҳам зиёдрок. Ёш шаҳзода бир нима демоқчи бўлган эди, Элен унинг сўзини оғзидан олди.

– Эҳтимол, – деди Элен, – унинг менга бўлган меҳри оталик меҳри ҳам эмасдир, лекин бунинг учун мен уни ўз даргоҳимдан маҳрум қилолмайман-ку. Мен эркак эмасман-ки, яхшиликка ёмонлик қилсам! Зоти олийлари шуни билиб кўйсинларки, мен калбимдаги туйғуларим ҳақида фақат худо ва виждонимга ҳисоб бераман, – Элен баланд кўкрагига кўлини қўйиб, осмонга қараркан, сўзини тугатди. Худо ҳаққи, аввал гапимга қулоқ солинг. Аввал менга уйланинг, ундан кейин қулингиз бўлай. Ахир бу мумкин эмас-ку. Менга уйланишни сиз ўзингизга эп кўрмайсиз, сиз... – деди Элен йиғлаб.

Ёш шаҳзода Эленга тасалли бера бошлади; Элен эса йиғлаб (худди ўзини унутгандай), эрга тегишига ҳеч нарса халал бера олмаслигини, бунақа ишлар бўлганини (ўша вақтда бунақа воқеалар кам эди.

Элен Наполеон ва бошқа олий рутба шахсларнинг номини тилга олди!) ўз эрига ҳеч қачон хотин бўлмаганини, Пьерга қурбон этилганини гапириб берди.

– Ахир қонун, дин... – деди бўшашиб шаҳзода.

– Қонун, дин... Агар дин, қонун пгу масалани ҳал

килолмаса, нимага керак экан? – деди Элен.

Шундай оддий фикр ўзининг хаёлига келмаганига ёш шахзода хайрон қолди ва маслаҳат сўрагани Исавийлар уюшмасининг пирларига (булар билан яқин алоқаси бор эди) мурожаат этди.

Шу воқеадан сўнг бир неча кун ўтгач, Эленнинг Каменний Островдаги боғида дилхушлик билан ўтадиган зиёфатларнинг бирида сочлари қордай оппоқ, чакнаб турган кўзлари қоп-қора, ўрта яшар, дилкаш қисқа кийим кийган жаноб Жобертни Эленга таништиришди: бу одам боғда, рангбаранг чироқлар шуъласида, мусиқа садоси остида Элен билан худо, Исо, Биби Марямнинг қалбига бўлган муҳаббат, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам тасалли берадиган бирдан бир дин – католик дини эканлиги ҳақида узоқ суҳбатлашди. Эленга бу сўзлар қаттиқ таъсир қилди. Бир неча бор ҳам унинг, ҳам жаноб Жобертнинг кўзига ёш келди ва товуши титради. Эленни рақсга таклиф қилгани келган кавалери унинг келажакда пири муршиди бўладиган кишиси билан бўлаётган суҳбатини бўлди, лекин эртасига жаноб Жоберт ўзи ёлғиз Элен олдига ташриф буюрди ва шундан кейин тез-тез келадиган бўлиб қолди.

Шу одам бир куни графиняни католикларнинг ибодатхонасига бошлаб борди. Элен меҳроб қаршисида тиз чўкди. Ёши анчага бориб қолган жозибали француз кўлини Эленнинг бошига қўйди, шунда Эленнинг ўз гапига кўра унинг қалбига ёқимли бир шабада эсгандай бўлди. Бу нарса неъмат илоҳий дейишди унга.

Кейин Эленнинг олдига узун либос кийган аббатни¹ бошлаб келишди, Элен гуноҳларини унга айтиб тавба қилди, аббат унинг гуноҳини худодан тилаб дуо ўқиди. Эртасига Эленнинг уйига табаррук нарсалар солинган бир кутини олиб келишди ва шу табаррук нарсалардан еб юрасиз. деб ташлаб кетишди. Бир неча кундан сўнг Элен ҳақиқий католик динига кирганини, бугун-эрта папанинг² ўзи бундан

¹ Аббат (латинча: abbas; оромий тилида аба – ота) – 1) католик монастири – аббатлик бошлиғи. 2) Француз католик руҳонийси унвони.

² Папа – Рим-католик черковининг бошлиғи.

хабардор бўлишини ва Эленга атаб алланечук қоғоз юборишини эшитиб суюниб кетди.

Бу муддат ичида унинг атрофида юз бераётган ва ўзи бошдан кечираётган нарсалар, шунча ақлли кишиларнинг унга жуда ёқимли ва ҳаддан ташқари мулојимлик билан муомала қилиши ҳамда ўзининг кабутардай бегуноҳ бўлиб юрганлиги (шу кунлари Элен оқ кўйлак кийиб, оқ лента тақиб юрган эди) унга завқ бағишламоқда эди, аммо завқ олиш билан у ўз ниятини бирор дақиқа ҳам кўздан қочирмас эди. Айёрликда аҳмоқ одам ҳаминша ўзидан ақллироқ кишиларга панд бериб кетганидек, барча бу сўзлар ва ғамхўрликларнинг замирида уни католик динига киргизиб, иезуит¹ муассасаларининг (бунга шама қилишган эди) фойдасига кўпроқ пул ундириш каби бир мақсад ётганига Элен тушунди ва пул беришдан олдин турли тадбир ва чораларни кўриб, эридан қутулишга фатво топиб беришларини талаб қилди. Унинг ақидасига кўра, ҳар бир диннинг туб мақсади инсоний талабларни қондиришда муайян одоб-ахлоққа риоя қилишдан иборат эди. Шу мақсадни кўзда тутиб Элен пири муршиди билан қилган суҳбатларининг бирида, никоҳ қай даражада мени боғлаб қўяди, сиз шу саволга жавоб берасиз, деб қаттиқ туриб олди.

Улар меҳмонхонада, дераза олдида ўтиришарди. Қош қорайган, деразадан тулларнинг хушбўй ҳиди келиб турарди. Эленнинг эгнида ҳарир кўйлак, кўйлак остидан кўкрак ва елкалари кўринарди. Сўқимдай боқилган, момикдай соқоли яхшилаб қирилган, лаб-дахани бежирим аббат Эленга яқин ўтираркан, унинг ҳусн-жамолига махлиё бўлиб, оппоқ кўлларини тиззаларига қўйган ҳолда хиёл жилмайиб, иккаласининг фикрини банд қилган масала устида ўз мулоҳа-

¹ Каталония – Испанияда каталонлар яшайдиган вилоят.

¹ Иезуитлар (латинча: «Societas Jesu» — «Исо жамияти») — католиклар монахлик ордени аъзолари. Бу жамиятни 1534-йилда майда испан дворяни Игнатий Лойола Парижда тузган ва 1540-йилда папа Павел III томонидан тасдиқланган. У ўз олдига католицизمنى ҳамоя қилиш ва ёйиш, папалик ҳокимиятини мустақкамлаш вазифасини қўйди, контрреформациянинг асосий куроли бўлиб қолди. Иезуитлар фақат Европа давлатларида эмас, Ҳиндистон, Япония, Хитой, Филиппинда ҳам тарқалди. 1610-1768-йилларда Парагвайда «Иезуит давлати» мавжуд бўлган.

засини баён қиларди. Элен унинг жингалак сочлари, соколи яхшилаб қирилган ва ўрни қорайиб кўринган лўппи юзига тоқати тоқ бўлиб жилмайиб қараб ўтираркан, суҳбат мавзуининг ҳар он ўзгариб қолишини кутмоқда эди. Бирок аббат ҳамсуҳбатининг хусн-латофатидан завқланиб ўтирганга ўхшаса ҳам, лекин ўз ишини зўр маҳорат билан бажаришга тиришар эди.

Пири муршид шундай муҳокама юргизмоқда эди. Қилаётган ишингизнинг маъносига тушунмасдан сиз бировнинг аҳди-никоҳига кириш ва унга ҳалол жуфт бўлишга ваъда бергансиз, сизни ўз никоҳига олган киши бўлса никоҳнинг диний моҳиятига тушунмасдан шаккоклик қилган. Бу никоҳни тарафларнинг розилиги-ла бўлган никоҳ деб бўлмайди. Лекин бундан қатъи назар, берган ваъдангиз сизни боғлаб қўйган. Фараз қилдикки, сиз берган ваъдангиздан қайтдингиз. Шу қилмишингиз билан қандай гуноҳга қолдингиз? Афв этиб бўладиган гуноҳ қилдингизми ёки афв этиб бўлмайдиганми, чунки сиз бу ишни ёмон ниятда қилганингиз йўқ. Агар сиз ҳозир фарзанд учун бошқатдан бировнинг никоҳига кирсангиз, гуноҳингиз афв этилиши мумкин. Лекин масаланинг икки томони бор: биричидан...

Бу гаплардан зерикиб кетган Элен ўша фусункор табасум билан тўсатдан ҳамсуҳбатининг сўзини бўлди:

– Аммо, менимча, ҳақиқий динни қабул қилганимдан кейин ботил дин бўйнимга қўйган бурч қўл-оёғимни боғлаб қўй олмаса керак.

Пири муршиди масаланинг бу тариқа, Колумб ва тухум ҳикоясидагидек оддий ҳал қилинишидан хайратда қолди. У шогирдининг бу қадар тез муваффақият қозонганидан суюниб кетди, лекин шундай бўлса ҳам, ўз ақлий меҳнати билан бунёдга келтирган далиллардан воз кеча олмас эди.

– Ўйлаб кўрамиз, графиня, – деди кулимсираб, кейин ўз муридиининг мулоҳазаларини чиппакка чиқара бошлади.

VII

Диний нуқтаи назардан қараганда бу масала жуда жўн ва осон эканлиги ҳам, раҳнамолари бу ишни мансабдорлар қандай баҳо бераркин деб қўрққанларидан масалани чигаллаштираётганини ҳам Элен биларди. Мана шунинг учун Элен киборлар оламини бу ишга тайёрламоқчи бўлди. У кекса тўранинг рашкини кўзгатиб, биринчи хушторига айтган гапларни, яъни сизгагина содиқ бўлишимни хоҳласангиз, мени хотин қилиб оласиз, деган масалани қўйди. Кекса мухтарам зот ёш шахзода сингари бу таклифни, яъни эри бўла туриб бошқа эрга тегиш тўғрисидаги гапни эшитиб, даставвал ҳанг-у манг бўлиб қолди, бироқ Эленнинг, бу – қиз боланинг эрга тегишидай оддий ва табиий бир масала, деб ишонтириши унга ҳам таъсир қилмай қўймади. Агар Элен хиёл истиҳола қилса, озгина бўлса ҳам, хижолат чекса ва тортиниб-қимтиниб турса, бу ишни бой берган бўлар эди: истиҳола қилиш, хижолат чекиш у ёқда турсин, аксинча, Элен ўзининг яқин дўстларига (бутун Петербург унга яқин эди) оқ кўнгиллик ва соддалик билан шахзода ҳам, тўра ҳам менга тегиш деб таклиф қилипти, иккаласи ҳам менга ёқади, шунинг учун икковидан бирини ранжитиб қўйишдан қўрқиб юрибман, деб гап тарқатиб юрди.

Бутун Петербурга Элен эридан ажралармиш деган овоза эмас (шундай овоза тарқалганда жуда кўп кишилар бу гайритабиий ишга эътироз билдирган бўлар эди), бошқа бир хабар: бечора гўзал Элен икки жазмандан қайси бирига тегишни билмасдан, бош қотириб юрган эмиш деган овоза тарқалди. Энди гап бу масаланинг қай даражада мумкинлиги устида эмас, балки бу икки жазмандан қайси бирига тегиш маъқуллиги, сарой бунга қандай баҳо бериши устида кетар эди. Бироқ бу ишда никоҳ аҳди таҳқирланади дейдиган, масаланинг мағзини чақишга ақли ожизлик қиладиган, фикри қотиб қолган баъзи бир кимсалар ҳам топилар эди, лекин бу қабилдаги одамлар кўп эмас, булар ҳам лом-мим демас эди, кўпчилик эса Эленнинг бошига давлат қуши кўнганига ажабланар, иккала жазманнинг қайси бирига тегса яхши бўларкин, деб бош қотирар эди. Аммо эри тирик

бўла туриб бошқа эрга тегаётганининг яхши-ёмонлиги ҳақида ҳеч ким оғиз очмас эди, чунки бу масалани биздан кўра ақллироқ кишилар аллақачон ҳал қилган бўлса керак дейшарди, бу масаланинг шундай ҳал бўлишига шубҳа кўзи билан қараш ўз аҳмоқлигинг ва киборлар жамиятида яшай билмаслигини кўрсатиб қўйиш демакдир, деб ўйлашарди.

Шу ёз ўғилларидан бири билан кўришмоқ учун Петербургга келган Марья Дмитриевна Ахросимовагина ўзининг кибор жамоатчилиги фикрига зид бўлган фикрини шартга айтишга журъат этди. Марья. Дмитриевна Эленни балда кўриб қолиб, залнинг ўртасида тўхтатди, буни кўриб ҳамма жим бўлиб қолганда, ўзининг йўғон овози билан:

– Бу ерда одамлар эри тирик бўла туриб бошқа эрга тегаётган эмиш. Сен бу ишни мен ўйлаб топдим деб гумон қилиб юрма тагин? Йўқ, она қизим, сен кечикибсан. Бу аллақачонлардан бери бор. Ҳамма... шундай қилади, – деди. Шу сўзларни айтиб Марья Дмитриевна ўзига хос бир кескин ҳаракат-ла кенг енгларини шимариб, атрофга хўмрайиб қараганича залдан чиқиб кетди.

Петербургда гарчи Марья Дмитриевнадан ибo қилинса ҳам, лекин унга тасқара деб қарашарди, шунинг учун унинг сўзини бир сассиқ гап деб топишди ва айтган гапларининг бутун маъноси шу сассиқ гапдан иборат бўлгандай, ўша сўзни бир-бирларига шивирлаб қайтаришди.

Князь Василий айниқса сўнги вақтларда айтган гапларини тез-тез унутиб қўядиган, бир сўзни минг қарра қайтарадиган бўлиб қолган эди. У ҳар гал қизини кўрганда уни бир чеккага чақирар ва енгидан тортиб дерди:

«Элен, сенга айтадиган гапим бор. Баъзи гаплар қулогимга чалиниб қолди... Ўзинг биласан... Қизгинам, ўзинг биласанки, отангинг шодлиги сенинг... Шунча бардош қилдинг. Лекин қизгинам... Кўнглинг истаган ишни қилавер. Менинг сенга берадиган маслаҳатим шу».

Шуни деб, ҳамиша бирдек ҳовлиқиб юрадиган князь ўз ҳаяжонини яширарди-ю, юзини қизининг юзига босиб, нари кетарди.

Энг ақлли киши деб ном чиқарган, шухратни ҳали

кўлдан бермаган ва Эленнинг беғараз дўсти бўлган Билибин (юксак мавқедаги аёлларнинг ҳаммаша эркак зотидан шундай дўсти бўлади ва булар ҳеч қачон ошиқ ролини ўйнай олмайди) бир куни кичкина уйда ўтирганларида дўсти Эленга бу масала ҳақида ўз фикрини баён этди.

– Менга қаранг, Билибин (Элен Билибин қабилидаги кишиларни ҳаммаша фамилиясини айтиб чақирарди), – Элен узуклар тақилган оппоқ кўлини фрак кийган Билибиннинг енгига теккизди: – сиз ўз синглингизга қандай маслаҳат берардингиз, айтинг, икковидан қай бирини танлай?

Билибин пешонасини тириштирди ва жилмайганича ўйлаб қолди.

– Сиз мени гафлатда қолдиролмайсиз, буни ўзингиз яхши биласиз, – деди у. – Ҳақиқий дўст сифатида сизнинг бу ишингизни кўпдан бери ўйлаб юрибман. Гап бундай, – (бу ёш йигит эди) Билибин бармоғини букди, – борди-ю шахзодага тегсангиз, бошқа эрга тегиш имкониятидан абадий маҳрум бўласиз, бунинг устига, яна сарой бу ишни номақбул топади (Ўзингиздан қолар гап йўқ, бу ерда қариндошлик масаласи бор). Агар кекса графга тегсангиз, умрининг охирида уни бахтиёр қиласиз, ҳам кейин... шахзода тўранинг тул қолган хотинига уйланишдан ор қилмаса керак. – Билибиннинг пешонасидаги ажиблари ёзилиб кетди.

Хурсандликдан гул-гул очилиб кетган Элен яна Билибиннинг енгига кўл теккизиб деди:

– Мана, ҳақиқий дўст бундай бўлади! Лекин мен ҳар иккаласини ҳам яхши кўраман ва унисини ҳам, бунисини ҳам ноумид қилмоқчи эмасман. Иккаласининг бахтини деб ўз ҳаётимни қурбон қилишга тайёрман.

Билибин худди бундай кайғуга ҳатто мен ҳам ҳамдард бўлишга ожизлик қиламан, дегандай елкасини қисди.

«Ана хотин деган мана шундай бўлади! Масалани узил-кесил қўйишини қаранг-а! Бирдан уч кишининг хотини бўлмоқчи-я, – деди ўзича Билибин.

– Лекин эрингиз бу масалага қандай қараркин? – деб сўради Билибин, у ўз мавқеи мустаҳкамлигига амин бўлгани учун бундай беҳуда саволни беришдан кўркмай. – У киши

рози бўлармикин?

– Вой! У мени шундай севадики, асти кўйинг, – деди Элен. Негадир назарида Пьер ҳам уни яхши кўрадиганга ўхшарди. – Оғзимдан чиққани тилладан битади.

Билибин ўтқир ибора қидираётгандек, пешонасини тириштирди.

– Хатто кўйиб юборишга ҳам тайёр деяг, – деди Билибин.

Элен кулиб юборди.

Бу иш қонуний бўлаётганига шубҳа қилаётган кишилар орасида Эленнинг онаси, княгина Курагина ҳам бор эди. У доим кизига ҳасад қилар эди. Энди қалбига энг яқин бўлган нарса ҳасадини келтирганда княгиня ўзини қаерга кўйишини билмай қолди. Эри тирик бўлган ҳолда ундан ажралиш ва бошқа эрга тегиш қай даражада мумкинлиги ҳақида рус попи билан маслаҳатлашиб кўрди, поп бу нарса мумкин эмаслигини айтиб, княгиняни суюнтирди ва Инжилдан бир оят келтирди, бу оят (полнинг назарида) тирих эрни кўйиб бошқа эрга тегишни сўзсиз рад этарди.

Княгина рад этиб бўлмайдигандай кўринган бу далил-исботлар билан қуролланиб, қизини холи топмоқ мақсади-ла эрталаб унинг уйига қараб жўнади.

Элен онасининг эътирозларини эшитиб бўлгач, муло-йимгина қилиб истехзо аралаш жилмайиб кўйди.

– Ахир очиқ-ойдин қилиб ёзиб кўйилган: кимки эридан ажралган хотинга уйданса... – деди кекса княгина.

– Ох, ойижон, бекорчи гапларни кўйинг. Сиз ҳеч нарса-га тушунмайсиз. Менинг ўрним бошқа, менинг бурчим бор, – деди Элен русчадан французчага ўтиб. Назарида унинг масаласини рус тилида изоҳлаб бўлмас эди.

– Лекин, жон дўстим...

– Ох, ойижон, нахотки шунга билмасангиз, бандаларини гуноҳдан пок этишга қодир бўлган пири муршид...

Шу чоғ Эленнинг уйида яшайдиган хоним – доимий улфати кириб қолди ва зоти олийлари залда ўтирибдилар, сиз билан кўришмоқчи, деди.

– Йўқ, айтинг, мен у кишининг дийдорини кўришга

тобим йўқ, ихлосим қайтди, чунки у киши берган ваъдасига вафо қилмади, — деди юзи чувак, бурни узун, сочи малла ранг ёш йигит уйга кираркан.

Кекса княгина эҳтиром-ла ўрнидан туриб яна ўтирди. Ёш йигит унга қиё ҳам боқмади. Княгина кизига бош ирғадию, эшикка томон йўналди.

Зоти олийга кўзи тушиши биланок кекса княгинанинг барча ақидаси барбод бўлди. У каретага чиқиб ўтираркан: «Йўқ, қизим ҳақли, — деб ўйлади. — Қизим ҳақли, аммо нега биз ўзимизнинг қайтиб келмайдиган ёшлик чоғимизда бунақа нарсаларнинг фаҳмига бормабмиз! Бу нарса жуда жўн эди-ку», — деди ичида.

Августининг бошларида Эленнинг масаласи батамом ҳал бўлди, уэрига хат ёзиб (назарида Пьер ҳам уни жуда яхши кўрар эди) Н.Н. га тегмоқчи бўлиб юрганини, ҳақиқий динни қабул қилганини айтиб, ундан ажралиш учун зарур бўлган барча расмиятларни шу хатни топширувчи киши айтганидай қилиб бажо келтиришни илтимос қилди.

«Кейин, худога ёлвориб сўрайманки, дўстим, хамиша сизни у ўз лутф-марҳамати соясида асрасин. Дўстингиз Елена».

Бу мактуб Пьернинг уйига келганда у Бородино жанг майдонида юрган эди.

VIII

Пьер Бородино жангининг охирида Раевский тўпхонаси турган ердан иккинчи мартаба қочиб, аскарлар оломони билан бирга жарликдан Князьково кишлоғига қараб йўл олди, яра боғлайдиган пунктга етганда, қонни кўриб, оҳ-воҳларни эшитиб, дарҳол яна аскарлар оломонига қўшилдию, бу ердан нари кетди.

Ҳозир Пьер бутун вужуди билан бир нарсани орзу қиларди, у ҳам бўлса куни бўйи бошидан кечиргани шу мудҳиш таассуротлардан қутулиб, ўзининг кундалик ҳаётига қайтиш ва ўз уйида, ўз тўшагида тинчгина ухлаш эди. Назарида ўзини ҳам, кўрган ва кечирганларини ҳам факат

оддий ҳаёт шароитида тушуниб олишга қодир эканини сезар эди. Аммо ҳеч қаерда бундай оддий ҳаёт шароити йўқ эди.

Бу ерда, Пьер кетаётган йўлларда милтик ва тўп ўқлари ғувуллаб ўтаётган бўлмаса ҳам, лекин теварак-атроф айнан жанг майдонига ўхшар эди. Изтироб чекаётган, чарчаган ва баъзан ҳамма нарсага лоқайд, кишини ҳайратлантирувчи юзлар, ўша қон, ўша аскарча шинел, узоқдан бўлса ҳам, ҳануз кишини ваҳимага соладиган ўша отипима садоси эшитилмоқда; бунинг устига ҳамма ёқ қанг-тўзон, ҳаво дим эди.

Қатта Можайск йўлидан уч чақиримча юргандан кейин Пьер четга чиқиб ўтирди.

Қош қорая бошлади, тўп-милтиқларнинг садоси тинди. Пьер ерга тирсакланиб чўзилди ва қоронғида ёнидан кўланка каби ўтиб кетаётган кишиларга анчагача қараб ётди. Назарида тўп ўқлари ваҳимали тарзда ғувуллаб, ҳадеб устига келиб тушаётгандай бўлар, у сесканиб кетар, ўрнидан кўзгалар эди. Шу вазиятда қанча ётганини билмади. Ярим кечада учта аскар шох-шабба кўтариб келиб унинг ёнига ўтиришди ва гулхан қалашди.

Аскарлар Пьерга хўмрайиб қараб кўйиб ўт ёкишли, устига аскарча қозонларини осиб, ичига қоқ нон тўғрашди ва чўчка мойи солишди. Мазали ва ёғли овқатнинг ҳиди тутун ҳидига қоришиб кетди. Пьер ўрнидан кўзгалиб, хўрсиниб кўйди. Аскарлар (улар уч киши эди) Пьерга эътибор бермасдан, ўзаро гаплашиб овқат ейишга киришди.

Улардан бири тўсатдан Пьерга қараб:

– Ҳой, менга қара, сен қайси тоифадансан? – деб сўради.

Шу саволи билан, афтидан, у Пьер ўйлаган нарсани, яъни оч бўлсанг, қорнингни тўйғизамиз, фақат шуни айтгинки, сен тўғри одамсан, демоқчи эди.

Пьер аскарларга яқин бўлиш, уларнинг ишончини қозониш учун иложи борича ўзининг ижтимоий мавқеини кичикроқ қилиб кўрсатиш зарурлигини пайқади.

– Менми? Менми?.. – деди Пьер. – Мен асли халқ лашкари офицери бўламан, фақат менинг лашкарим бу ерда эмас; мен жангга келган эдим, ўз одамларимни йўқотиб қўйдим.

– Буни кара-я! – деди аскарлардан бири. Бошқаси бош чайқаб қўя қолди.

Биринчи аскар ёғоч қошиқни ялаб Пьерга узатаркан:

– Ма, егинг келса қовурдоқдан егин! – деди.

Пьер гулханга яқинроқ келиб ўтирди-да, қозондаги қовурдоқдан ея бошлади. Назарида бундай мазали овқатни умрида емаган эди.

У котелок устига энгашиб, очкўзлик билан қошиқни тўлдириб устма-уст оғзига солар ва апил-тапил чайнаб ютаркан, гулханнынг шуъласи унинг юзини ёритар, аскарлар эса индамай уни томоша қилишар эди.

– Сен ўзинг қаёққа бормоқчи эдинг? Айта қол! – деб сўради яна бир аскар.

– Можайска бормоқчи эдим.

– Демак, сен хўжайинлардан экансан-да!

– Балли.

– Отинг нима?

– Пётр Кириллович.

– Юр бўлмаса, Пётр Кириллович, бизлар сени обориб қўямиз.

Зим-зиё қоронғи тунда аскарлар Пьер билан Можайска қараб йўл олишди.

Хўрозлар бир кичқирганда улар Можайска етиб келишди ва шаҳар жойлашган тик тепаликка чиқа бошлашди.

Пьер ўз карвонсаройи тепаликнинг этагида қолганини ҳам буткул унутиб, аскарлар билан кетаверди. Тепаликнинг ярмига чиққанда берейторини учратмаса, карвонсарой сира эсига тушмас эди (унинг хотири шу қадар паришон эди). Берейтор хўжасини қидириб шаҳарга чиққан ва энди карвонсаройга қайтиб келаётган эди. У қоронғи тунда Пьерни оқариб кўринган шляпасидан таниди.

– Зоти олийлари, – деди берейтор, – биз бутун умидимизни узган эдик. Нега пиёда кетяпсиз? Қаёққа?

– Э, ҳа, дарвоқеа, – деди Пьер.

Аскарлар тўхташди.

– Ҳа, одамларингни топдингми? – деб сўради аскарлардан бири.

– Хайр, омон бўл! Пётр Кириллович, шунақамиди отинг? Хайр, Пётр Кириллович! – деди бошқа бир товуш.

– Саломат бўлинглар! – деди Пьер ва ўзи берейтор билан карвонсаройга қараб кетди.

Пьер «Буларга бир нима бериш керак» деб қўлини чўнтагига солган эди, бир товуш: «қўй, керак эмас»,– деди.

Карвонсаройнинг хужраларида жой йўқ, ҳаммаси одамга лик тўла эди. Пьер ҳовлига чиқди ва бошини бурқаб экипажига чўзилди.

IX

Пьер бошини ёстиққа қўйиши биланок кўзи уйкуга кетаётганини сизди, бироқ тўсатдан, худди ҳақиқатда бўлаётгандай, тўп садолари гумбурлаб кетди, оҳ-у воҳ, ҳайқирик садолари эшитилди, тўшлардан отилган ўқлар ерга шалошлаб тушди, димоғига порох ва қоннинг ҳиди урилди, уни кўрқув ва ўлим ваҳимаси босди. У ўти ёрилгудай бўлиб кўзларини очди ва шинель остидан бошини чиқарди. Ҳовли жимжит эди. Фақат бир деншик дарвозахонада фаррош билан гаплаша-гаплаша, шалошлаб лой кечиб келмоқда эди. Пьер ўрнидан кўзгалганда тепасида, тахта бостирманинг қоронғи бўғотида ётган каптарлар қанот қоқиб қўйди. Бутун ҳовлини шу чоғ Пьерга хуш ёқадиган ва осойишталикни эслатадиган ҳид – хашак, гўнг, арава мойи ва карвонсаройнинг ўткир ҳиди босиб кетган эди. Қорайиб турган икки бостирманинг орасидан мусаффо осмон, чакнаб турган юлдузлар кўриниб турар эди.

«Худога шукур, тинчлик экан, – деди ўзича Пьер яна бошини бурқаб. – О, кўрқув нақадар даҳшатли нарса, бунчалик кўрқиш шармандалик-ку! Уларчи... улар ҳамма вақт, жангнинг охиригача бардам, осуда эди...» деб ўйлади Пьер. Улар деганда Пьер аскарларни, батарея ёнида юрган, унинг қорнини тўйғизган, иконага сажда қилган аскарларни кўзда тутаётган эди. Улар, яъни бу ғалати, шу маҳалгача у кўрмаган одамлар, унинг тасавурида бошқа одамлардан тамоман

ажралиб турар эди.

Пьер кўзи уйқуга кетаркан, ўйларди: «Аскар бўлишинг, оддий аскар бўлишинг керак! Бутун вужудинг билан бу умумий ҳаётга шўнғиб киришинг, уларни шундай қилган нарсани тушуниб олишинг керак. Бироқ барча бу ортиқча шайтоний нарсалар, бу зоҳирий инсон киёфасидан қандай қутулиш мумкин? Бир вақтлар мен шундай бўла олишим мумкин эди. Отамнинг қўлидан қочишим мумкин эди, шундай ниятим ҳам бор эди. Долохов билан бўлган дуэлдан кейин мени аскарликка юборишлари мумкин эди». Пьернинг тасаввурида клубда бўлган зиёфат, шу зиёфатда Долоховни дуэлга чақиргани, Торжокда учратган пири муршиди бир лаҳзагина гавдаланди. Мана, Пьер масонларнинг тантанали йиғилишига киради. Бу йиғилиш инглиз клубида ўтмоқда. Столнинг нариги четида Пьерга яқин, меҳрибон ва азиз дўст бўлган бир киши ўтирибди. Ҳа, бу ўша киши! Менинг пири! «Йе, у киши вафот этган эдилар-ку! – деди ўзича Пьер. – Ҳа, у киши вафот қилувдилар, лекин мен у кишининг тирик эканлигини билмабман. У кишининг вафот этганларига жуда-жуда афсусланган эдим, тирик эканликларини билиб қувониб кетдим!» Столнинг бир томонида Анатолий, Долохов, Несвицкий, Денисов ва шулар қабилидаги одамлар (Пьер уйқусида ҳам улар деб атаган кишилар тоифаси каби бу қабилдаги кишиларни ҳам очиқ-ойдин ажрата олар эди) ўтирар, булар: Анатолий билан Долохов бақриб гапирар, ашула айтар эди, лекин бу кий-чувлар орасидан тинмасдан гапирётган пирининг овози баралла эшитилиб турар, унинг товуши жанг майдонининг садоси сингари узлуксиз ва таъсирли, лекин шу билан бирга, ёқимли ва кишига тасалли берар эди. Пьер ўз пири нима дея отганини англай олмади, лекин яхши билардики, (тушида ҳам унинг фикрлари равшан эди) пири эзгулик ҳақида, улардай бўлиш мумкинлиги ҳақида гапирмоқда эди. Улар, яъни тўпори, меҳрибон ва матонатли кишилар пири муршидини ҳар томондан ўраб олишди. Лекин улар шафқатли бўлсалар-да, Пьерга қарамадилар, уни танимадилар. Пьер уларнинг диққатини жалб этиш ниятида бир нима демоқчи

бўлди. У ўрнидан кўзгалди, бироқ шу он оёқларининг усти очилиб, совқотиб қолди.

Пьер уялиб кетди ва қўллари билан оёқларини бекитди, ростдан ҳам оёғи шинель остидан чиқиб қолган экан. Пьер оёқларини бекитаркан, бир лаҳзагина кўзини очди-ю, яна ўша бостирма, устуң, ховлини кўрди, лекин булар энди кўкимтир, оқишроқ бўлиб, устларига шабнамми, қировми тушган эди.

«Тонг ёришмоқда, – деди ўзича Пьер. – Лекин бу мен истаётган нарса эмас. Мен пири муршиднинг гапларини охиригача эшитишим ва ўқиб олишим керак». У яна шинелни бошига тортди, лекин масонлар йиғилиши ҳам, пири муршид ҳам энди кўзига кўринмади. Энди фақат сўз билан очиқ-ойдин ифодалаб бўладиган фикрлар бор эдики, буларни ё биров унга айтган, ё ўзи ўйлаб топган эди.

Пьер бу фикрларни кейинчалик эслаб (гарчи бу фикрлар ўша кундаги таассуротлар натижасида вужудга келган бўлса ҳам), бу сўзларни кимдир менга айтган эди, деган қаноатга келди. Назарида, ҳеч қачон ўнгида бундай ўйлашга ва ўз фикрини бу тарзда ифодалашга қодир эмасдай кўринар эди.

Ғойибдан келган бир товуш Пьерга: «Уруш инсон эркини худонинг қонунларига куч билан итоат қилдирадиган нарса. Соддалиқ худога бўйин эгиш демақдир; худодан қочиб қутулиш мумкин эмас. Улар содда кишилардир. Улар ғиринг демай иш қилишади. Айтилган сўз қумуш, айтилмаган сўз олтин. Инсон ўлимдан қўрқар экан, ҳеч нарсага эришолмайди. Кимки ўлимдан қўрқмаса, ҳамма нарсага эришади. Изтироб деган нарса бўлмаганда инсон ўз ҳад-худудини билмас эди, ўзини танимас эди. Энг қийин иш (Пьер тушида ўйлар ва ё ғойибдан эшитар эди) жами нарсаларнинг моҳиятини ўз қалбингда бирлаштира билишдир. «Ҳаммасини бирлаштира билиш? – деди ўзича Пьер. – Йўқ, бирлаштириш эмас. Фикрни бирлаштириб бўлмайди, уларни бир-бирига қўшиш керак. Балли, шундай қилиш керак! Ҳа, қўшиш керак, қўшиш керак!» – деди Пьер ботиний бир севинч билан шу сўзларни такрорлар экан, назарида ифодаламоқчи бўлган фикрини шу сўзлар билан, фақат шу

сўзлар билан ифодалашни мумкин эди, шу билан уни қийнаётган масала ҳам ҳал бўлар эди.

– Балли, кўшиш керак, тезроқ кўшиш керак.

– Кўшиш керак, тезроқ кўшиш керак, тўрам! Тўрам! – деб такрорлади бошқа бир товуш, – кўшиш керак, вақт бўлди...

Бу Пьерни уйғотаётган берейторининг товуши эди. Куёш Пьернинг юзига тушиб турар эди. Пьер ифлос карвонсаройга кўз ташлади: аскарлар ҳовлининг ўртасидаги қудукдан ориқ отларини суғоришмоқда, аравалар дарвозадан чиқиб кетмоқда эди. Пьер нафратланиб юзини ўтирдиди, кўзини юмиб, дарров ўзини экипажининг ўриндиғига ташлади. «Йўқ, мен бундан безорман, мен буни кўришдан, эшитишдан ҳам тўйдим, мен ўша тушимда аён бўлган нарсаларни уқиб олмоқчиман. Тагин бир лаҳза уйғонмаганимда ҳаммасини ўқиб олар эдим. Энди нима қилсамийкин? Кўшиш керак, лекин ҳаммасини қандай кўшиб бўлади? Пьер уйқусида кўрган ва ўйлаган нарсаларнинг бутун аҳамияти барбод бўлганини англаб даҳшатга тушди.

Берейтори билан аравакаши Пьерга бир офицер келиб, французлар Можайскака қараб ҳаракат қилмоқда, бизнинг кўшинларимиз чекинмоқда, деган хабар келтирганини айтиб беришди.

Пьер ўрнидан турди, экипажини кўшиб, орқасидан етиб олишларини буюриб, ўзи пиёда шаҳар орқали кетди.

Кўшинлар ўн мингча ярадорни ташлаб, шаҳардан чиқиб кетмоқда эди. Бу ярадорлар ҳовлилардан, уйларнинг деразаларидан кўриниб турар, кўчалар тикилишиб кетган эди. Ярадорларни ортиб кетмоқчи бўлиб келган араваларнинг атрофидан бақирган, уришган, сўкишган кишиларнинг товушлари эшитилмоқда эди. Пьер орқасидан етиб келган экипажини бир таниш генералга берди-ю, ўзи Москвагача ўша генерал билан бирга борди. Йўлда Пьер қайниси ва князь Андрейнинг ўлганини эшитди.

Пьер оининг 30-санасида Москвага кайтиб келди. У шаҳар дарвозаси олдида граф Растопчиннинг адъютантини учратди.

– Сизни қидирмаган жойимиз қолмади, – деди адъютант. – Граф сизни йўқлаптилар. Тезроқ етиб борма-сангиз бўлмайди, бир муҳим иш юзасидан сиз билан гаплашмоқчилар.

Пьер уйга кирмасдан, бир извошга тушиб тўғри бош кўмондон хузурига жўнади.

Граф Растопчин Соколникидаги чорвоғидан шу бугун эрталаб Москвага келган экан. Графнинг дахлизи ва қабулхонаси амалдорлар билан лик тўла эди: буларнинг ҳаммаси ё графнинг талабига мувофиқ, ё амр-у фармон сўраб келган кишилар эди. Васильчиков ва Платов аллақачон граф билан учрашиб, Москвани мудофаа этиш имкониятдан ташқари эканлигини ва Москва душман кўлига ўтиши аниқлигини унга гапириб беришганди. Бу хабар аҳолидан сир тутилаётган бўлса ҳам, лекин граф Растопчин сингари амалдорлар, турли-туман идора бошликлари Москва душман кўлига ўтишини билишарди; булар фақат масъулиятни ўз гарданларидан соқит қилиш учунгина, ихтиёримиздаги қисмларни нима қилайлик, деган савол билан бош кўмондон хузурига келишган эди.

Пьер қабулхонага кираётган маҳалда армиядан келган чопар графнинг хузуридан чиқди.

Чопар қабулхонада ўтирган кишиларнинг берган саволига қўл силтаб, залдан ўтиб кетди.

Пьер ўз навбатини кутиб қабулхонада ўтираркан, ҳо-риш кўзлари билан уйдаги ёш ва қари, ҳарбий ва ғайри-ҳарбий, катта ва кичик амалдорларни кўздан кечирди. Буларнинг ҳаммаси норози ва нотинч кўринарди. Пьер бир гуруҳ амалдорларнинг орасида танишини кўриб, унинг олдида борди. Амалдорлар Пьер билан салом-алик қилиб бўлгач яна суҳбатларини давом эттиришди.

– Ҳозирча одамларни чиқариб юборсак, яна лозим бўлганда қайтарсак, ҳечқиси йўқ, аммо бу вазиятда ҳеч

нарсага жавобгар бўлолмайсан киши.

– Мана, қаранг, нима деб ёзибди? – дерди бошқаси босмахонада босилган бир қоғозга ишора қилиб.

– Бу бошқа гап. Бу нарса халойикка керак, – деди биринчиси.

– Нима экан? – деб сўради Пьер.

– Янги чиққан афиша.

Пьер афишани олиб ўқий бошлади.

«Аъло ҳазрат князь ёрдамга келаётган кўшинлар билан тезроқ кўшилиш учун Можайскдан ўтиб, душман кўққисдан ҳамла қилолмайдиган жойга келиб маҳкам ўрнашиб олди. Аъло ҳазратга бу ердан қирк саккизта тўп ва ўқ-дори жўнатилди, аъло ҳазрат бир томчи коним қолгунча Москвани мудофаа этаман ва унинг кўчаларида ҳам душман билан олишишга тайёрман, деб айтибдилар. Биродарлар, сизлар идораларнинг ёпилганига эътибор қилманглар: ишларни тартибга солмоқ даркор, биз ўзимиз, бадқирдорнинг адабини берамиз! Мавриди келганда менга шаҳарлик ва қишлоқлик йигитлар керак бўлади. Ўшанда мен икки кун бурун жар солдираман, аммо ҳозирча керак эмас, шунинг учун жим ўтираман. Душманга қарши курашмоқ учун болға кўтариб чиқилса яхши бўлади, дастаси узун найза бўлса, яна ҳам яхшироқ, лекин энг қулайи паншаха: француз бир боғ похолдан оғир эмас. Эртага, тушдан сўнг мен Иверск санамини Екатерина ҳарбий касалхонасига, ярадорлар олдига кўтариб бораман. У ерда сувни табаррук қиламиз, токи ярадорлар тезроқ тuzалсин; мен ҳозир сиҳат-саломатман: кўзим оғриган эди, ҳозир иккаласи ҳам яхши кўради».

– Лекин ҳарбий кишиларнинг гапига қараганда, – деди Пьер, – шаҳарда жанг қилишнинг иложи йўқ экан, позиция...

– Ҳа, биз ҳам шуни айтяпмиз-да, – деди биринчи амалдор.

– Кўзим оғриган эди, ҳозир иккаласи ҳам яхши кўради, дегани нимаси? – деб сўради Пьер.

– Графнинг кўзига говмичча¹ чиққан эди, – деди

¹ Говмичча – кўз атрофида пайдо бўладиган йирингли чизик.

адъютант кулимсираб, – халойиқ келиб аҳволингизни сўради, деб айтганимда граф хийла ташвишланган эди. – Адъютант тўсатдан Пьерга қаради ва жилмайиб сўради: – Граф, тинчликми, бошларига оилавий мусибат тушибди деб эшитдим. Гўё графиня, сизнинг рафиқангиз...

– Хеч нарсадан хабарим йўқ, – деди Пьер лоқайдлик билан. – Хўш, сиз нима эшитдингиз?

– Кўйинг, одамлар кўпинча бўлмаган гапларни тўқиб юришади. Шунақа бир гап қулоғимга чалинган эди.

– Нима чалинган эди?

– Миш-мишларга қараганда, – деди адъютант ҳамон ўша табассум билан, – графиня, сизнинг хотинингиз чет элга кетаётган эмиш. Балки, бекорчи гапдир...

– Эҳтимол, – деди Пьер паришонлик билан атрофга назар солиб. – Бу киши ким? – деб сўради ва ўрта бўйли, озода, узун кўк чакмон кийган, каттакон соқоли билан қошлари қордай оппоқ, бети қизил-кизил бир кекса кишини кўрсатди.

– Бу кишимми? Бир савдогар, яъни майхоначи Верешчагин. Варақа ҳақидаги гапларни эшитган бўлсалар керак?

– Э, хали Верешчагин шу денг! – деди Пьер мўйсафид савдогарнинг бардам ва хотиржам юзига тикилиб ундан хиёнат ифодасини кидираркан.

– Бу одам унинг ўзи эмас. Варақа чиқарган кишининг отаси бўлади, – деди адъютант. – Ёш Верешчагин зиндонда ётибди, иши чатоқ бўлса керак.

Гаплашиб ўтирган кишиларнинг олдига юлдуз таққан бир мўйсафид билан бўйнига хоч осган немис амалдор келди.

– Биласизми, бу жуда чалкаш воқеа. Бу варақа икки ой муқаддам пайдо бўлган эди. Графга хабар беришди. Граф текшириб чиқилсин деб буйруқ қилди.

Гаврило Иванич бу иш билан шуғулланди, варақа роса олтмиш уч кишининг қўлидан ўтган экан. Бирининг олдига бориб: Сиз кимдан олдингиз? – деб сўраса, фалончидан дебди. Унинг олдига бориб: Сиз кимдан олдингиз? – деб сўраса, писмадончидан дебди, шундай қилиб Вереш-

чагингача борибди... бу савдогарвачча ҳали тажрибасиз, гўр эмасми, – деди адъютант кулимсираб. – Ундан сен буни кимдан олдинг? – деб сўрашади. Ҳамма гап шундаки, бу варақани у кимдан олганлиги бизга маълум. Почта мудирдан бошқа ҳеч ким бу варақани унга бериши мумкин эмас. Лекин булар тил бириктириб олган бўлса керак; Верешчагин ҳеч кимдан олганим йўқ, ўзим ёздим деб жавоб беради. Дўк-пўлиса ҳам қилиб кўришади, у бўлса йўқ, ўзим ёздим, деб туриб олади. Бу воқеани графга маълум қилишади. Граф ўша одамни олиб келинглар деб буюради. «Бу варақани сен кимдан олдинг?» – «Ўзим ёздим». Ўзингиздан қолар гап йўқ, графни биласиз! – деди адъютант такаббурлик билан жилмайиб. – Ғазоби қайнаб кетади; ўзингиз ўйлаб кўринг, наҳотки одам шунчалик безбет, ёлгончи ва қайсар бўлса!..

– Э, энди тушундим! Граф Верешчагиндан, бу варақани Ключаровдан олдим деган гапни эшитишни истаган, – деди Пьер.

– Йўқ, бундай эмас, – деди адъютант чўчиб. – Бусиз ҳам Ключаровнинг гуноҳи кўп эди, шунинг учун у сургун қилинди. Гап шундаки, граф жуда ғазабланган эди. «Сен нечук ёздинг? – деб сўради граф ва стол устида турган Гамбург газетасини олди. – Мана, сен бу варақани ёзганинг йўқ, балки таржима қилгансан, тагин расво қилиб таржима қилгансан, чунки сен, хомқалла, французчани ҳам билмайсан». Нима деб жавоб берибди денг? «Йўқ, мен ҳеч қанақа газетани ўқиганим йўқ, ўзим ёздим» дебди. – «Шундай бўлса, сен хиёнаткорсан, мен сени судга бераман, сени дорга осишади. Ростини айт, кимдан олдинг?» «Мен ҳеч қанақа газетани кўрганим йўқ, ўзим ёздим». Масала шундайлигича қолди. Граф унинг отасини чақирди; ўғли ўз сўзидап қайтмади. Кейин судга беришди, суд каторгага¹ ҳукм қилди, шекилли. Энди отаси афв сўраб келибди. Лекин у бўлмагур бола! Биласизми, бу олифта, бузуқи, ярамас савдогарвачча

¹ Каторга (хоньяча: katorgon – галера, эштак-слканли харбий кема) – Чор Россиясида ва буржуа мамлакатларида жиноий ва сиёсий жиноятлар учун сургун қилиш, жуда оғир шароитда ишлатиш ва қамашван иборат жазо чораси ва шундай жазони ўташ жойи; умуман, оғир меҳнат, чидаб бўлмайдиган ҳаёт шароити.

қаердадир маъруза эшитибди-ю, энди менга тенг келадиган одам йўқ деб ховлиқиб қолибди. Муттаҳамлигини кўринг! Отасининг Каменный мост кўчасида майхонаси бор, шу майхонада халлоқи оламнинг бир қўлида салтанат ҳассаси, иккинчи қўлида олтин хочли шар ушлаб турган каттакон сурати бор эди. Бу ярамас бола шу суратни бир неча кунга уйига олиб борибди. Нима қилибди денг? Битта аблах рассомни топибди...

XI

Бу янги гап тамом бўлмасдан Пьерни бош кўмондон хузурига чақиришди.

Пьер граф Растопчиннинг кабинетига кирди. У кирганда Растопчин афтини буриштириб, пешона ва кўзини қўли билан ишқаётган эди. Ўрта бўйли бир киши нима тўғридадир гапирётган эди. Пьер кириши биланок гапини чала қолдириб, уйдан чиқиб кетди.

– Келсинлар! Салом, буюк жангчи! – деди Растопчин халиги киши чиқиб кетгандан кейин. – Сизнинг таърифга лойиқ қахрамонлигингизни эшитдим, лекин гап бунда эмас. Азизим, гап орамизда қолсин-у, сиз масонсиз, а? – деди граф Растопчин, худди масон бўлиш ёмон бир иш-у, лекин у афв этишга тайёрдай жиддий оҳангда. Пьер иядамади. мен ҳамма гапдан воқифман, суюкли дўстим, лекин масон билан масон ўртасида фарқ борлигини биламан ва умид қиламанки, сиз инсониятга нажот бермоқ баҳонаси билан Россияни ҳалокатга гирифтор қилмоқчи бўлган масонлар тоифасидан эмассиз.

– Балли, мен масонман, – деди Пьер.

– Гап бундай, азиз дўстим. Сиз жаноб Сперанский билан Магницкий тегишли жойга юборилганлигидан хабардор бўлсангиз керак деб ўйлайман; жаноб Ключарев ҳам шундай қилинди. Сулаймон ибодатхонасини барпо қиламиз деган баҳона билан ўз ватанларининг ибодатхонасини хароб қилмоқчи бўлган бошқа шахсларнинг ҳам қисмати шу бўлади. Сиз билиб қўйингки, бундай тadbир кўришимга важ бор,

почта мудирлари зарарли киши бўлмаса, мен уни сургун қилолмас эдим. Сиз унга шаҳардан чиқиб кетиши учун ўз экипажингизни берганингиздан ҳам, ҳатто эҳтиёт қилиб кўйинг деб баъзи бир қоғозларини сизга топширганидан ҳам воқифман. Мен сизни яхши кўраман ва сизга ёмонликни раво кўрмайман. Фақат сиз мендан икки баробар ёш бўлганингиз учун мен ота сифатида, сизга бир тоифа шахслар билан ҳеч қанақа оғайнигарчилик қилмаслигингизни маслаҳат бераман ва имкони борича бу ердан тезроқ жўнаб кетишингизни сўрайман.

– Ахир айтинг, граф, Ключаревнинг гуноҳи нимадан иборат экан? – деб сўради Пьер.

– Унинг гуноҳи нимадан иборатлигини билиш менинг ишим, буни сўрашга сизнинг ҳақкингиз йўқ! – деб ўшқирди Растопчин.

– Наполеоннинг варақаларини таркатган одам шу деб уни гуноҳкор қилган бўлсалар, буни исботлаш керак, – деди Пьер Растопчиннинг афтига қарамасдан, – Верешчагинни ҳам...

Растопчин тўсатдан ковоғини солиб, Пьернинг гапини бўлди-да, аввалгидан ҳам кўра қаттикроқ товуш билан бақирди:

– Ишот қилинган, Верешчагин хоин ва сотқиндир. У ўз гуноҳига яраша жазо тортади, – деди ғазаб билан Растопчин худди ҳақоратланганини эслаб қони қайнаган кишидек, – шуни билиб кўйингки, мен ишларимни муҳокама қилиш учун сизни чақирганим йўқ, балки сизга маслаҳат бергани, бордингки, буйруқ қилгани чақирганман. Сўрайман, Ключарев қабилидаги шахслар билан муносабатингизни узинг ва бу ердан жўнаб кетинг. Мен мияси айниб қолган одамларни, ким бўлса бўлсин, эс-хушини жойига келтириб қўяман.

– Афтидан, бегуноҳ Безуховга бекордан бекорга бақиргани эсига тушди, шекилли, Пьернинг кўлини ушлаб, дўстона тарзда деди: – Биз умумий фалокат арафасида турибмиз ва мен учрашадиган кишиларнинг ҳаммаси билан ширин муомала қилишга вақт тополмайман. – Баъзан бошинг гаранг бўлиб қолади! – Хўш, азиз дўстим, сиз ўзингиз шахсан

кандай талбир кўрмоқчисиз?

Юзида ҳамон ўша ўйчанлик ифодаси бўлган Пьер:

– Ҳеч кандай, – деди кўзини ердан олмай.

Граф қовоғини солди.

– Дўстона маслаҳатим шуки, дўстим, айтганимни қилиб, тезроқ бу ердан жўнаб қолинг. Гапга кирадиган барака топади. Хайр, азиз дўстим. Э, айтгандай, менга қаранг! – деб қичқирди Пьерга эшик оғзида туриб, – графиня Исавийлар тариқатининг пири муршидлари кўлига тушибди деб эшитдим, ростми?

Пьер индамади ва қош-қовоғини солиб, жаҳд билан Растопчин хузуридан чиқиб кетди; ҳеч ким шу вақтгача Пьерни шундай ёмон кайфиятда кўрмаган эди.

Қош қорайган пайтда у уйга етиб келди. Шу кеча унинг олдига саккизтача ҳар хил одам келди. Булар кўмитанинг мирзаси, ўз батальонининг полковниги, иш бошқарувчиси, эшик оғаси ва арз билан келган ҳар хил одамлар эди. Ҳаммасининг Пьерга иши бор ва Пьер бу ишларни тўғрилаб бериши керак эди. Аммо Пьернинг кулоғига ҳеч нарса кирмас ва бу ишлар уни қизиқтирмас эди. У берилган саволларга фақат шу одамлардан тезроқ қутулиш учун жавоб қайтарар эди, холос. Ниҳоят у ёлғиз қолганидан кейин, хотинидан келган хатни очиб ўқиди.

«Улар – батарея олдидаги аскарлар, князь Андрей ҳалок бўлди... чол... соддалик худога итоат демақдир. Жафо чекмоқ даркор... ҳамма нарсанинг маъноси... кўпиш даркор... Хотиним эрга чикапти... Унутмоқ ва англамоқ керак...». У тўшаги олдига келди-ю, ечинмасдан ўзини тапшлади ва ўша он уйкуга кетди.

Эртасига эрталаб уйғонганида эшик оғаси келиб, граф Растопчин атайлаб полиция маъмурини юборганини, полиция граф Безухов кетдиларми, ё кетяптиларми, деб сўраётганини айтди.

Пьернинг олдига иш билан келган ўнтача ҳар хил одам мехмонхонада кутиб ўтирар эди. Пьер шошиб-пишиб кийимини кийди-ю, кутиб ўтирган кишиларнинг олдига чиқиш ўрнига, орка томондаги зинага қараб юрди ва ўшанакаси

дарвозадан чикиб кетди.

Ўшандан бери то Москва душман қўлидан қайтариб олингунча Пьернинг ҳовлисидаги кишилардан бирортаси Безуховни кўрмади ва шунча қидирса ҳам, унинг дарагини тополмади.

XII

Ростовлар биринчи сентябрғача, яъни душман Москвага бостириб киришига қадар шаҳарда қолдилар.

Петя Оболенскийнинг казак полкига кириб, Белая Церковга (бу полк ўша ерда ташкил топаётган эди) жўнаб кетганидан кейин графинянинг юрагига ғулғула тушди. Иккала ўғлининг уруида эканлиги, иккаласи ҳам қаноти остидан чикиб кетгани, улардан бири бугунми, эртами ёки бир танишининг уч ўғли сингари иккови бир кунда ҳалок бўлиши мумкин, деган мудҳиш фикр шу ёз биринчи дафъа унинг хаёлига келди. У Николайни армиядан чақириб олмакчи, ўзи Петя олдига бормокчи, уни Петербургда бирор жойга ишга жойлаштириб қўймоқчи бўлди, аммо униси ҳам бўлмади, буниси ҳам бўлмади. Петя фақат ўз полки билан бирга қайтиб келиши, ё ҳаракатдаги бошқа полкка ўтиш йўли билан келиши мумкин эди. Николай қаердадир армияда эди, у княжна Марья билан учрашганини батафсил ёзган хатидан кейин хат ёзмай қўйган эди. Графиня кечалари ухламас, кўзи уйкуга кетганда ўғиллари ҳалок бўлганини кўрарди. Граф кўп одамлар билан гаплашиб, маслаҳатлашиб кўрганидан кейин, ниҳоят графиняни тинчитиш учун бир йўл топди. У Петяни Оболенскийнинг полкидан Безуховнинг Москва яқинида ташкил топаётган полкига ўтказди. Петя ҳарбий хизматда қолган бўлса ҳам, лекин бошқа полкка ўтганидан графинянинг кўнгли хийла таскин топди: чунки ҳеч бўлмаса битта ўғли қаноти остида эди, ундан кейин графиня Петяни ўзидан йироқлаштирмасликка ва жангга қатнашмайдиган қисмларга хизматга қўйишга ишонар эди. Фақат Николай хавф-хатар остида юрган маҳалда графиня бошқа ҳамма болаларидан қатта ўғлини яхши кўрадиганга ўхшарди ва

буни ҳатто ношукурчилик ҳисобларди, бироқ ўқишга ҳафсаласиз, уйда кўлига тушган нарсани синдириб юрадиган ва ҳамманинг жонига теккан кичик, шўх ўғли Петя – бу бурни пучук, қора кўзлари қулиб турадиган, икки ёноғи кип-қизил, мўйлови энди сабза ураётган Петя ерда нимагадир жанг қилаётган ва бу ишдан қандайдир завқ олаётган ваҳимали, бағритош катта одамлар орасига тушиб қолганидан кейин графиня уни ҳаммадан ҳам кўпроқ яхши кўраман деб ўйларди. Ҳаммани интизор қилган Петянинг Москвага қайтиб келиши қанчалик яқинлашса, графинянинг хавотири шунча ошар эди. Графиня ўғлимнинг дийдори ҳеч қачон менга насиб бўлмас деб ўйлар эди. Сонянигина эмас, балки севимли қизи Наташани, ҳатто эрини кўришга ҳам графинянинг тоқати йўқ эди. «Нима қиламан мен уларни, менга Петядан бошқа ҳеч ким керак эмас», – дер эди графиня.

Августнинг охирларида Ростовлар Николайдан иккинчи мактуб олишди. Мактубни Николай Воронеж губерна-сидан ёзган, бу ерга у от олиб келиш учун юборилган эди. Бу мактуб графинянинг кўнглига таскин бермади. Бир ўғли хавф-хатардан йироқлигини билиб, Петядан яна ҳам кўпроқ хавотир торта бошлади.

Ростовларнинг ҳамма ёр-ошналари 20-августдан бери Москвадан кетаётган бўлса-да, иложи борица тезроқ кўчиш керак деб ҳамма графиняни йўлга солаётган бўлса-да, графиня нуридийдам, суюкли Петям қайтиб келмагунча ҳеч қаёққа кетмайман деб туриб олди. 28-августда Петя келди. Онасининг ҳаддан ташқари меҳрибонлик билан қарши олиши ўн олти яшар офицерга унча ёқмади. Графиня ўғлини энди ўз қаноти остидан чиқармасликка қасд қилганини яшираётган бўлса ҳам, Петя онасининг мақсадини фахмлади, тантиқ ва хотинчалиш бўлиб қолишдан (ўзича у шундай ўйлар эди) кўрқиб, онаси билан совуққина муомала қилди, ундан ўзини олиб қочиб юрди ва Москвада бўлган кунлари ўз вақтини кўпроқ Наташа билан суҳбатда ўтказди; Петя умуман ўз онасига жуда меҳрли эди.

Графнинг одатдаги беғамлиги орқасида 28-августда ҳам кўчишга ҳеч қандай ҳозирлик кўрилмаган эди, рўзгор буюм-

ларини олиб кетиш учун Рязань ва Москва губерниясидаги кишлоқлардан келиши керак бўлган от-уловлар фақат ўйнинг 30-санасида келди.

28- августдан 31-августгача бутун Москва ташвиш-тахлика ва ҳаракатга тушиб қолди. Ҳар куни Бородино жангида ярадор бўлган мингларча кишиларни Дорогомиллов дарвозасига олиб келишар, у ердан Москвага тарқатишарди, одам ва лаш-луш ортган мингларча арава шаҳарнинг бошқа дарвозаларидан чиқиб кетар эди. Растопчин чиқарган афишалардан қатъи назар, ё шулар туфайли шаҳарда бир-бирига тамоман зид бўлган ҳар хил ғалати гаплар тарқалмоқда эди. Бири шаҳардан чиққани ҳеч кимга рухсат берилмайди деса, бошқаси, аксинча, черковлардан барча иконаларни кўтариб чиқиб, одамларни зўрлик билан Москвадан ҳайдашяпти, деган овозани тарқатар, бири Бородино жангидан сўнг яна жанг бўлибди, бу жангда французлар тор-мор келтирилибди дер; бошқа бири аксинча, бутун рус кўшини емирилибди, деб гапирар; бири Москва халқ лашкари, рухонийларни олдига солиб, Три Горага борармиш, деган гапни айтар; бири шивирлаб Августинга шаҳардан чиққани ижозат берилмабди, хоинлар қўлга туширилибди, дехконлар исён кўтарибди ва шаҳардан чиқиб кетаётган кишиларни ғорат қилишяпти ва ҳоказо дер эди. Бироқ булар фақат мишмиш эди, ҳақиқатда эса чиқиб кетаётганлар ҳам, Москвада қолаётганлар ҳам (ҳали Филида ҳарбий кенгаш бўлмаган ва Москвани ташлаб чиқиб кетиш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса ҳам) ҳамма бировга оғзидан чиқармаса ҳам, Москва қўлдан кетиши аниқлигини, иложи борича тезроқ жўнаб қолиш ва мол-мулкни қутқариш кераклигини сезмоқда эди. Одамларнинг назарида бирданига зўр бир портлаш юз бериб, ҳамма нарса ўзгарадигандай эди, бироқ 1-сентябрь келса ҳамки, ҳеч нарса ўзгармади. Ўлимга олиб кетилаётган гуноҳкор бир зумдан кейин ҳалок бўлишини билса ҳам, лекин у ёқ бу ёғига караб, қийшайиб турган шапкасини тузатиб қўйганидек, Москва ҳам риюя қилишга одатланиб қолган расм-русумларнинг бутун-эрта йўқ бўлиб кетишини билса ҳам, беихтиёр ўзининг кундалик ҳаётини давом эттирмоқда

эди.

Москванинг асоратга тушишидан олдинги уч кун давомида Ростовлар хонадони ҳар хил ташвишлар билан банд эди. Оила бошлиғи, граф Илья Андреич экипаждан тушмай, турли-туман миш-мишларга кулоқ солиб шаҳар кезар, уйдан кўчишга ҳозирлик кўриш ҳақида эса шопқалоқлик билан юзаки ва умумий амр-у фармонлар берар эди.

Графиня асбоб-анжомлар қандай йиғиштирилаётганини кузатар, ҳаммадан норози эди, ҳадеб онасидан қочиб юрган Петянинг кетидан юрар, уни Наташадан кизганар (чунки Петя бир дақиқа ҳам Наташадан ажралмас эди), кўчиш, нарсаларни туғиш-боғлаш ишига эса ёлғиз Соња бошчилик қилар эди. Бирок Соња шу сўнги кунларда ниҳоят даражада хафа ва хомуш эди. Николайнинг княжна Марья ҳақида ёзган мактуби келганда графиня Соњанинг олдида суюниб кетган ва княжна Марья билан ўғлининг учраб қолиши тақдири илоҳий деб айтган эди.

– Наташа Болконскийга унаштирилганда мен сира хурсанд бўлмаган эдим, – деди графиня, – Аммо Николинъка княжна Марьяга уйланиши менинг орзуйим эди ва кўнглим ҳам шунга гувоҳлик бериб юрар эди. Шундай бўлса, жуда соз бўларди!

Соња бу гап ҳақ эканини, Николай бой кизга уйлан-са, Ростовларнинг иши, албатта, ўнгланиб кетишини, шу жиҳатдан қараганда княжна Марья энг муносиб киз эканини билар эди. Лекин бу нарса Соња учун жуда оғир эди. Соња, бошига тушган мусибатдан қатъи назар ё шу мусибат туфайлими, бутун оғир ишларни: анжом-ускуналарни йиғиш, жойлаштириш каби ишларни ўз бўйнига олиб, куни бўйи ишдан кўли бўшамас эди. Граф билан графиня бирор иш буюрадиган бўлгандагина унга мурожаат қилишарди. Петя билан Наташа ота-оналарига ёрдам қилиш у ёқда турсин, кўпинча уйдагиларга халал беришар, ҳаммани безор қилишар эди. Куни бўйи улар шовқин-тўполон кўтариб, у уйдан бу уйга югурар, бекордан бекорга хахолаб қулишарди. Улар бирор сабаб бўлгани учун эмас, кўнгиллари хуш, кайфлари чоғ бўлгани учун қулишарди, шунинг учун ҳам ҳамма нарса

уларнинг шодлигига, қахқаҳа уриб қулишларига баҳона бўларди. Уйдан кетганда ёш бола бўлган Петя улғайиб (ҳамма шундай дер эди) қайтиб келганидан шод-хуррам эди: ўз уйида юрганидан шод эди, Белая Церковдан (у ерда халивери жангга қатнашиш умиди йўқ эди) Москвага келиб қолганидан хурсанд эди, чунки бу ерда бугун-эрта дупманга қарши жанг бўлиши керак эди; энг муҳими Наташанинг хурсандлигидан хурсанд эди. Чунки у ҳаммаша опасининг кўнглига қараб иш қиларди. Наташа эса узоқ вақт ғамбода бўлиб, ҳозир ўша ғамгинлигини эслатадиган бирор нарса қолмаганидан, ўзининг соғайиб кетганидан хурсанд эди. У яна ҳали ҳам менга қойил бўладиган киши бор экан деб ҳам суюнар эди (бошқаларнинг унга мафтун бўлиши, машинанинг ғижирламаслиги учун керак бўлган ғилдирак мойи каби бир нарса эди) ва Петя унга қойил эди.

Опа-ука хурсанд бўлиб юрганининг энг асосий сабаби уруш Москва атрофида бўлаётгани, шаҳар дарвозаси олдида жанг бўлиши, ҳаммага қурол берилиши, одамларнинг қочиб қаёққадир кетаётгани, кишига, айниқса ёш йигитга хурсандлик бағишлайдиган умумий фавқулудда бир ҳодисанинг юз бераётгани эди.

ХІІІ

31-август, шанба куни Ростовларнинг ҳовлиси худди остин-устин бўлиб кетгандай эди. Ҳамма эпиклар очик, мебелларнинг ҳаммаси ё ташқарига чиқарилган, ё бошқа жойга қўйилган, тошпойналар ва суратлар деворлардан олинган. Уйларда сандиқлар турар, қаноп, нарса ўрайдиган қоғоз ва ҳашақлар сочилиб ётарди. Кўчларни кўтариб чиқаётган дехқон ва қароллар паркет полда гурсуллаб юрмоқда. Ташқарида дехқон аравалар тикилишиб ётарди, буларнинг баъзи бирига юк ортиб, арқон билан боғлаб қўйилган, баъзи-си ҳали бўш эди.

Бир тўда қароллар ва арава олиб келган дехқонларнинг ғала-ғовур ва қадам товуши уйни ҳам, ҳовлини ҳам тўлдириб юборганди. Граф эрталаб қаёққадир жўнаган. Ғала-ғовур ва одамларнинг югур-юғуридан боши оғриб қолган графиня

бошига сирка билан намланган латтани кўйиб, янги истирохат бўлмасида ётарди. Петя уйда йўқ (бир ўртоғининг олдига кетган, ўша ўртоғи билан халқ лашкаридан чиқиб, ҳаракатдаги армия сафига ўтмоқчи эди). Соня залда биллур ва чинни асбобларни сандиққа жойлаётган кишиларнинг тепасида турарди. Наташа кўлида илк дафъа Петербург балига кийиб борган ва энди урфдан қолган ўша бал кўйлаги билан остин-устин бўлиб кетган уйда ҳар ёққа улоқтириб юборилган кўйлак, лента, шарфлар орасида, полда, иккала кўзини ердан узмасдан ўтирарди. Наташа бошқалар иш билан банд бўлган вақтда ўзи бекор ўтирганидан хижолат бўлар ва эрталабдан бошлаб бирор иш қилишга уринар эди: лекин бу ишлар кўнглига ёқмас, агар у бирор ишга қўл урса жон-дили билан қилар, қўл учида қилишни ёмон кўрар эди. Наташа ёрдам қилсаммикин, деб чинни асбобларни сандиққа жойлаётган Соңянинг тепасида бир оз турди, лекин дарров бу ишни кўйди-ю, ўз бўлмасига кириб, нарсаларини йиғиштирмоқчи бўлди. Бошда у кўйлак ва ленталарини оқсоч қизларга улашиб ўзини овутди, лекин қолганларини йиғиштириш керак бўлганда ишга ҳафсаласи қолмади.

– Дунияша, ўзинг йиғиштириб қўя қолсанг-а, жонгинам? Нима дединг? Хўпми?

Дунияша ҳаммасини жон деб йиғиштиришга ваъда бергандан кейин Наташа полга ўтирди, урфдан чиқиб кетган бал кўйлагини кўлига олди-да, ҳозир хаёлини банд қилиши керак бўлган нарса ҳақида эмас, балки буткул бошқа нарса ҳақида ўйлаб кетди. Қизларнинг оқсочлар хонасидан эшитилаётган ғала-ғовури ва уларнинг уйдан чиқиб, орқа томондаги эшикка қараб илдам қадам кўяётган оёқ товушлари Наташани бу ўй-хаёллар гирдобидан халос этди. Наташа ўрнидан туриб деразага қаради. Кўчада ярадорлар ортилган аравалар қатор бўлиб турар эди.

Хизматкор қизлар, малайлар, тавонхоначи, момо, ошпазлар, аравакашлар, чавандозлар, ошпаз шогирдлари ярадорларга қараб дарвозахонада турар эдилар.

Наташа бошига рўмолчасини ташлади-да, учини иккала кўли билан ушлаганича кўчага чиқди.

Собиқ тавонхоначи кампир Мавра Кузьминишна дарво-
захонада турган одамларнинг орасидан чиқди-ю, чипта
соябонли араванинг олдига борди ва аравада узаниб ётган
ранги оппоқ бир ёш офицер билан гаплашди. Наташа бир
неча қадам ташлаб, сал олдинроққа борди-да, қўли билан
дастрўмолчасини ушлаганича, тортиниб-қимтиниб тўхтади
ва тавонхоначининг гапига кулоқ сола бошлади.

– Шунақа қилиб, Москвада ҳеч кимнингиз йўқми? – деди
Мавра Кузьминишна. – Бирор уйга кирсангиз, яхши бўлар
эди-да. Мана, бизникига тушсангиз ҳам бўлади. Хўжайин-
лар кетишяпти.

– Билмадим, ижозат беришармикин, – деди офицер
мажолсиз. – Мана бошлиғимиз... сўраб кўрингчи, – офицер
қатор турган араваларнинг ёнидан қайтиб келаётган семиз
майорга ишора қилди.

Наташа така-пука бўлган кўзлари билан ярадор офицер-
нинг юзига қаради-да, дарҳол майорнинг олдига борди.

– Ярадорлар бизнинг ҳовлига тушса, майлими? – деб
майордан сўради.

Майор жилмайиб, қўлини шапкасининг соябонига
тежизди ва табассум-ла кўзларини қисиб сўради:

– Кимни олиб колмоқчи эдингиз, мамзель? Наташа ваз-
минлик билан ўз саволини яна бир қарра такрорлади, унинг
юзи, бутун важоҳати, дастрўмолчанинг учини қўли билан
ушлаб турганига қарамасдан шу қадар жиддий эдики, майор
лаб-даханини йиғиштирди, шундай қилса бўлармикин, деб
ўзидан сўраётгандай бир оз ўйланиб қолди-да, кейин тасдиқ
мақомида бош ирғади.

– Ҳа, майли, туша қолсин, – деди.

Наташа майорга хиёл бош эгиб қўйди-ю, югуриб Мавра
Кузьминишнанинг олдига борди, кампир ҳамон офицернинг
тепасида туриб, юрак-бағри эзилиб, у билан гаплашмоқда
эди.

– Майли! – деб шивирлади Наташа. Офицер ётган
соябонли арава Ростовларнинг ҳовлисига қайрилди, унинг
кетидан ўнларча арава, шаҳар аҳолисининг таклифига кўра
Поварская кўчасидаги уйларнинг эшик ва дарвозахонасига

қараб қайрила бошлади. Бу ғайриоддий шароитда янги одамлар билан бундай муомала қилиш Наташага ёқди, шекилли, у Мавра Кузьминишнага қўшилиб, иложи борича, ўз ҳовлиларига кўпроқ ярадорларни олиб киришга ҳаракат қилди.

– Ҳар ҳолда, дадангизнинг олдиларидан ўтиш керак, – деди Мавра Кузьминишна.

– Ҳечкиси йўқ, ҳечкиси йўқ, барибир эмасми! Бир кунга биз меҳмонхонага ўтиб турсак ҳам бўлади. Биз ўтирадиган бўлмаларнинг ҳаммасини буларга берсак ҳам бўлади.

– Қўйсангиз-чи, ойимқиз, бунчалик ҳам эмас-да! Ҳатто флигелга¹, бўш ётган хоналарга, момолар уйига жойлаштириш учун ҳам ижозат сўраш керак.

– Хўп, сўрайман. Наташа ҳовлига қараб югурди ва оёқ учида юриб, сирка билан гофман томчисининг ҳиди келиб турган истироҳат бўлмасининг қия турган эшигидан ичкари кирди.

– Ухляяпсизми, ойи?

– Ох, уйку қаёқда дейсан! – деди энди кўзи уйкуга борган графиня уйғониб кетиб.

– Ойижон, жонгинам, – деди Наташа онасининг олдига тиз чўкиб ва юзили унинг юзига тутиб. – Кечиринг, иккинчи бундай қилмайман. Мен сизни уйғотиб юбордим. Мени Мавра Кузьминишна юборди, ярадорларни, офицерларни олиб келишди, рухсат берасизми? Уларнинг борадиган жойи йўқ, мен биламан, сиз йўқ демасиз.. – деди бидирлаб Наташа.

– Қанақа офицерлар? Кимни олиб келишибди? Гапингга тушунмаяпман, – деди графиня.

Наташа кулиб юборди, графиня ҳам хиёл жилмайиб қўйди.

– Йўқ демаслигингизни ўзим ҳам билар эдим... бориб шундай дейман, – Наташа онасини ўлиб, ўрнидан турди-да, эшикка томон юрди.

¹ Флигель (немисча: *Flügel* – қанот) – турар-жой биносига ёки нотурар биносига қўшимча қурилган кичик иморат, шунингдек, акка тартибдаги қўшимча қурилиш. Қанотлар шаҳар ёки қишлоқ биноларининг бир қисми бўлиб, асосий бинонинг иккала томонида жойлашади.

Залда у хунук бир хабар эшитиб келган отаси билан дуч келиб қолди.

Граф беихтиёр афсусланиб деди:

– Эрта кетамиз, индин кетамиз, деб кечикиб қолибмиз! Клуб ҳам ёпилибди, полиция ҳам шаҳардан кетяпти.

– Дада, майлими, мен ярадорларни ховлига олиб кирдим? – деди Наташа графга.

– Ҳа, яхши қилибсан, – деди граф паришонлик билан. – Гап бунда эмас, лекин сўрайман, майда-чуйда нарсалар билан шуғулланиб ўтирмасдан кўчни йиғиштириш, тезроқ кўчишга, эртагаёқ жўнаб кетинга ёрдам қил... – граф эшиқ оғаси ва бошқаларга ҳам шу мазмунда буйруқ берди. Тушки овқат вақтида қайтиб келган Петя эшитган янги хабарларини гапириб берди.

Петянинг гапига кўра одамлар бугун Кремлдаги яроғ-аслаҳаларни улашиб олибди, Растопчин ўз афишаларида жангдан олдин уч кун бурун жар соламан деган бўлса ҳам, бугун халойиқ яроғланиб, эртага Три Горага борсин, у ерда катта жанг бўлади, деб буйруқ берган эмиш.

Петя бу сўзларни гапирётганда графиня дами ичига тушиб, ўғлининг хурсанд ва ҳаяжонли юзига боқди. Графиня билар эдики, агар шу тобда Петяга сен бу жангга бормаисан деган гапни оғзидан чиқарса (ўғли бу жангнинг дарагини эшитиб, суюнаётганини графиня биларди), Петя эркакларга хос қайсарлик билан ор-номус, ватан, мардлик ҳақида бир дунё бемаъни гапларни гапиради, кейин буларга қарши эътироз билдириб бўлмайди ва шу билан иш хароб бўлади, шунинг учун ҳам графиня жанг бошланмасдан олдин Петяни ўз мудофаачиси ва химоячиси сифатида бирга олиб кетинга умид боғлаб, ўглига индамай қўя қолди, аммо овқатдан сўнг графни чакириб, йиғлаб-сиктаб, мени тезроқ олиб кет, иложи бўлса, шу кечасиёқ олиб кет, деб ёлворди. Шу вақтгача ўзини мутлақо довиюрак қилиб кўрсатиб келган графиня эндиликда хотинларга хос меҳр-муҳаббат туғдирган беихтиёр муғомбирлик билан агар шу кеча кетмасам, ваҳимадан ўламан деб туриб олди. У энди чиндан ҳам ҳамма нарсадан кўркаётган эди.

XIV

Кизининг олдига бориб келган Шосс хоним Мясницкая кўчасида, майхона продаси олдида кўрган нарсаларини гапириб бериб, графиняни баттар ваҳимага солди. У уйга кайтиб келаётганида прода олдига йиғилган оломоннинг орасидан ўтолмабди. Извошга тушиб тор кўчалар билан айланиб, зўрға уйга келибди, извошчининг гапига қараганда халойиқ майхона продасидаги бочкаларни синдирибди, шундай қилинсин, деб буюрилган эмиш.

Тушки овқатдан сўнг Ростовларнинг бутун хонадон аҳли шошиб-пишиб нарсаларни йиғиштириб йўлга ҳозирлик кўра бошлади. Тўсатдан ишга киришиб кетган кекса граф тушлиқдан сўнг, кўли кўлига тегмай ишлаётган кишиларга бекордан бекорга бақирар ва уларни яна ҳам шоширар, хадеб ховлидан уйга, уйдан ховлига чиқар эди. Петя ховлида юкларни араваларга орттирини билан машғул эди. Соня графнинг бир-бирига зид бўлган буйруқларидан боши қотиб, нима қилишини билолмай қолди. Одамлар бақириб, бахслашиб, ғала-ғовур кўтариб у уйдан бу уйга чонар, ховлида югурарди. Ҳар ишга жон-жаҳди билан ёпишадиган Наташа ҳам тўсатдан ишга киришиб кетди. Бошда унинг ишга аралашганига ҳеч ким жиддий эътибор бермади. Ҳамма кизиқчилик қилипти, деб ўйлаб, унинг гапларига қулоқ солмади, бироқ Наташа ўзига хос ўжарлик ва ғайрат билан ҳамманинг итоат қилишини талаб қилди. Одамлар сўзига қулоқ солмаганда Наташа аччиғланар, йиғлагудай бўларди; ниҳоят ҳаммани оғзига қаратди. Унинг зўр ғайрат кўрсатиб сўзини ўтказишга ёрдам берган биринчи иши гиламларни тахлаш бўлди. Графнинг уйда қимматбаҳо суратли гиламлар ва эрон гиламлари бор эди. Наташа иш бошлаганда қопқоғи очик иккита сандиқ залда турган эди: бирига чинни асбоблар тўлдирилган, иккинчисига гиламлар тахланган эди. Столларда тағин бир талай идиш-товоқлар уйилиб ётар ва оմборхонадан яна ташиб келмоқда эдилар. Буларни бошқа, учинчи сандиққа жойлаштириш керак эди, дастёрлар шу сандиқни олиб келгани кетишди.

— Соня, сабр қил, иккала сандиққа жойлаб кўя қоламиз,

– деди Наташа.

– Уриниб кўрдик, бўлмади, ойимқиз, – деди буфетчи¹.

– Йўқ, шошмай тур, ҳозир кўрамиз, – деб Наташа қоғозга ўраб, сандикқа жойланган идиш-товоқчаларни ола бошлади.

– Лаганларни мана бу ерга, гиламларнинг орасига жойлаймиз, – деди у.

– Ҳали бу гиламларнинг ўзи учта сандикқа сиғса ҳам, жон дер эдик, – деди буфетчи.

– Шошма, барака топкур, – деб Наташа эпчиллик билан идиш-товоқларни ажрата бошлади. – Мана бу керак эмас, – деди Киев товоқчаларига ишора қилиб, – буниси керак, буни гиламлар орасига жойлаймиз, – деди саксон лаганни кўрсатиб.

– Кўй, Наташа, қўйсанг-чи, ўзимиз жойдаймиз, – деди Соня ўпкаланиб.

– Овора бўласиз, ойимқиз, – деди эшик оғаси. Лекин Наташа сўз бермади, у сандикдаги нарсаларнинг ҳаммасини олиб ташлади ва тутилган гиламлар билан ошиқча идиш-товоқларни олиш керак эмас, деган қарорга келиб, бошқатдан жойлаштира бошлади. Ҳақиқатан ҳам, кўтариб кетишга арзимайдиган арзон баҳо нарсалар олиб ташлангандан сўнг, ҳамма қимматбаҳо ашёлар икки сандикқа сиғди. Фақат гилам солинган сандиқнинг қошқоғи ёпилмай қолди. Яна баъзи бир нарсаларни олиб ташласа бўларди, бироқ Наташа унамади. У нарсаларни бошқатдан жойлаштириб кўрди, буфетчи билан Петяни қошқокни қаттиқроқ босишга мажбур қилди, ўзи бор кучи билан босиб кўрди.

– Майли, Наташа, – деди унга Соня. – Кўриб турибманки, сен ҳақлисан, битта устидагини олиб ташлаб қўя қол.

Наташа бир қўли билан терга пишган юзига тушиб турган сочини ушлаб, иккинчи қўли билан гиламни босиб

¹ Буфет (*французча*: buffet – стол) – 1) идиш-товоқ, меза-чева, ичимлик ва шу кабилар сизиланадиган махсус жавон (шкаф); 2) катта ошхона ва ресторанлар, муайян корхоналар қошида ташкил этиладиган, енгил-сипи овқатланиш учун мўлжалланган дўкон; тамаддихона (бу ерда шу маънода). Буфетчи – буфет ошпази ёки бошқа ходими.

тураркан:

– Йўқ дедимми, йўқ! – деб қичқириб юборди. – Петя, боссанг-чи, бос! Василийч, бос! – деб қичқирарди Наташа. Ниҳоят гиламлар босилиб, сандиқ қопқоғи ёпилди. Наташа чапак чалиб юборди, суюниб кетганидан кийкирик кўтарди ва кўзларига ёш келди. Лекин бу бир лаҳзагина давом этди. У дарров бошқа ишга киришди.

Энди ҳамма унга ишонч кўзи билан қарайдиган бўлди, сиз берган буйруқни Наталья Ильинишна бекор қилди, деганда граф аччиғланмайдиган бўлди, кароллар Наташанинг олдига келиб, аравага ортган нарсалар кифоями, энди юкларни арқон билан боғлай берсак бўладими, деб сўрай бошлади. Наташа фармон бера бошлагандан кейин иш қизиб кетди: ҳеч нарсага ярамайдиган нарсалар қолдирилиб, энг қимматбаҳо нарсалар яхшилаб жойлаштирилди.

Бироқ одамлар нақадар жон куйдирмасин, ярим кечага-ча ҳамма нарсаларни йиғиштириб бўлолмадилар. Графиня ухлаб қолди, граф эрталаб жўнаймиз, деб ётгани кетди.

Соня билан Наташа ечинмасдан, истироҳат бўлмасида ётиб қолишди.

Шу кеча Поварская кўчасидан яна бир ярадорни олиб ўтишди. Дарвозахонада турган Мавра Кузьминишна уни Ростовларнинг ҳовлисига киргизди. Мавра Кузьминишнанинг гапига қараганда, бу ярадор хийла эътиборли одам экан. Ярадорни коляскага солиб олиб келишаркан эди, колясканинг соябони кўтарилган, олди фартук билан ёпилганди. Аравакаш ўтирадиган жойда извошчи билан бирга кекса бир камердинер ўтирганди. Унинг орқасидан келаётган аравада бир доктор билан икки аскар бор эди.

– Марҳамат, бизникига киришлар, хўжайинлар кўчиб кетяптилар, бугун ҳовли бўш, – деди кампир кекса хизматкорга қараб.

– Ҳа, майли, – деди камердинер хўрсиниб, – олиб боролмайдиганга ўхшаб. – Олдик! Ўзимизнинг ёш Москвада ҳовлимиз бор-ку-я, лекин сал узоқроқ, бўш ётибди, ҳеч ким турмайди.

– Марҳамат қилишлар бизларникига, марҳамат қилинг-

лар, бизнинг хўжайин уйида ҳамма нарса бор, – деди Мавра Кузьминишна. – Нима, жуда қаттиқ нотобмилар? – деди яна кампир.

Камердинер кўл силтади.

– Ўз ҳовлимизга олиб боролмасак керак. Доктордан ижозат сўраб кўрай-чи, – деб камердинер коляскадан тушди ва аравада келаётган докторнинг олдига борди.

– Хўп, майли, – деди доктор.

Камердинер яна колясканинг олдига борди, унинг ичида ётган касалга қараб бош чайқади, ҳовлига бур, деб аравакашга буюрди-ю, ўзи Мавра Кузьминишнанинг олдида тўхтади.

– Худоё, ўз паноҳингда сақла! – деди кампир.

Мавра Кузьминишна ярадорни ҳовлига олиб киринглар, деб таклиф қилди.

– Хўжайинлар индамайди... – деди кампир. Лекин ярадорни зинадан чиқариб бўлмас эди. Шунинг учун уни флигелга олиб ўтиб, Шосс хонимнинг собиқ хонасига ётқи-зишди. Бу ярадор князь Андрей Болконский эди.

XV

Москванинг сўнгги куни, ҳаво очиқ, кишининг кулфи дили очиладиган куз мавсуми. Яқшаңба куни. Одатдагидек черковларда ибодатга жом урилди. Ҳамма гўё Москванинг бошига келаётган кулфатдан беҳабардек.

Факат жамиятнинг вазиятини кўрсатувчи икки бедги Москва қай аҳволга тушганини кўрсатиб туради. Буларнинг бири қора халқ, яъни камбағаллар табақаси, иккинчиси нарх-наво. Шу бугун эрталаб фабрика ишчилари, қароллар ва дехқонлар оломонига амалдорлар, диний мактаб талабалари, дворянларга кўшилишиб, Три Горага кетишди. У ерда бир оз туриб, Растопчин келавермаганидан кейин, Москва душман кўлига ўтишига ишонч ҳосил қилгач, бу оломон Москва ошхона ва қовоқхоналарига тарқалиб кетди. Бугунги нарх-наво ҳам вазият қандайлигини кўрсатиб турди. Яроғ-аслаҳа, олтин, от-уловларнинг нархи борган сайин кўтарилса, қоғоз

пуллар ва бошқа буюмларнинг нархи борган сайин тушмоқда эди, пешинга бориб аҳвол шу даражага етдики, мовутга ўхшаган қимматбаҳо молларни извошчилар ярим баҳога олишар, деҳқон отига эса беш юз сўм тўлашар эди; мебель, тошойна, мис асбобларини бўлса текинга беришарди.

Илгариги ҳаёт шароитларининг емирилиши Ростовларнинг ҳашаматли ва кўхна ҳовлиларида жуда заиф бир шаклда ифода топмоқда эди. Одамлар масаласига келганда шуни айтиш керакки, бу кеча бир талай қароллар орасидан учтаси ғойиб бўлди, лекин ҳеч нарса ўғирлагани йўқ; нархнаво масаласида шуни айтмоқ даркор-ки, қишлоқлардан келган ўттизта арава ҳозир энг катта бойлик ҳисобланар ва бу нарса учун кўп кишиларнинг ҳасади келар ва унинг бадалига Ростовларга жуда катта пул таклиф қилишарди. Бу от-уловга катта пул таклиф қилишлари у ёқда турсин, кечкурундан ва биринчи сентябрь эрталабдан бошлаб ярадор офицерларнинг деншик ва хизматкорлари бирин-кетин келишар, Ростовларнинг уйларида ва қўшни ҳовлиларда жойлашган ярадорларнинг ўзлари судралиб чиқишар, Москвадан чиқиб кетгани бизга от-улов беришсин, деб Ростовларга қарашли одамларга ялинишар эди. Эшик оғаси ярадорларга раҳми келаётган бўлса ҳам, бу тўғрида графга оғиз очишга журъат етолмаслигини айтиб, уларнинг илтимосини қатъиян рад этарди. Москвада қолиб кетаётган ярадорларга қанчалик ачинмагин, биттасига улов бердингми – бўлди, бошқасига йўқ дейишнинг иложи йўқ, ҳатто ўз экипажларининг ҳам беришнинг керак бўлади. Ўттизта арава ярадорларнинг ҳаммасининг жонига ора киролмайди, умумий фалокат келаётган бир вақтда эса ўзингни, бола-чақангнинг ғамини емасанг бўлмайди. Эшик оғаси ўз хўжасининг ёнини олиб шундай ўйлар эди.

Граф Илья Андреич биринчи санада эрталаб уйғонди ва туни бўйи ухлолмай, энди кўзи уйқуга кетган графиняни уйғотиб қўймайин деб, секин ётоқхонасидан чиқди ва зангори шойи халатини кийиб, эшикка чиқди. Юк ортиб, арқонлар билан танғиб қўйилган аравалар ҳовлида, экипажлар эса эшик олдида турарди. Эшик оғаси бир мўйсафид деншик ва

қўли ярадор, ранги оқарган ёш офицер билан эшик олдида гаплашиб турган эди. Эшик оғаси графга кўзи тушган замон офицер билан деншикка, кета қолинглар, дегандай жиддий ишора қилди.

Граф тепакал бошини ишқалаб, офицер ва деншикка очик чеҳра билан қараб (граф янги кўрган одамларга қизиқиб қарар эди), уларга бош ирғади-да:

– Қани, Васильич, ҳамма нарса тахтми? – деб сўради.

– Ҳозир қўш десангиз, қўшамиз, зоти олийлари.

– Жуда соз, графиня туриши билан, худо хоҳласа, йўлга чиқамиз! Нима хизмат, жаноблар? – деди граф офицерга қараб. – Сизлар менинг ховлимга тушдиларингми? – Офицер графга яқинроқ келди. Унинг ошпоқ юзи бирдан қизариб кетди.

– Граф, илтифотингизни дариг тутманг, рухсат элинг... худо ҳақи... араваларингизнинг бирортасига чиқиб олай... Ўзим билан олиб кетадиган буюгим йўқ... Юклар устида ҳам кетавераман... – Офицер гапини тугатмасдан деншик ҳам ўз хўжаси номидан шу илтимос билан графга мурожаат этди.

– Ҳа, майли, майли, – деди граф шошиб-пошиб. – Жоним билан, Васильич, ўзинг кара – бир-иккита аравани бўшатишсин... ха... кара... – граф мужмал килиб буйрук берди. Бироқ офицернинг юзида пайдо бўлган ташаккур ифодаси графнинг буйруғини тасдиқлагандай бўлди. Граф атрофга кўз ташлади: ҳовли, дарвозахона, флигель олдида ярадор ва деншиклар турган эди. Уларнинг ҳаммаси графга қарар ва унга яқинлашиб келарди.

– Зоти олийлари, суратхонага бир марҳамат қилинг, у ердаги суратларни нима қилайлик? – деди эшик оғаси. Граф эшик оғаси билан бирга уйга кираркан, кетмоқчи бўлган ярадорларнинг илтимосини қондириш ҳақида берган буйруғини яна бир қарра такрорлади.

– Ҳечқиси йўқ, битта-яримта нарсани олиб қўйса ҳам, бўлар, – деди граф паст овоз билан худди сўзини биров эшитиб қолишидан чўчиётгандай.

– Соат тўққизда графиня уйқудан турди, собиқ оқсочи,

графиняга нисбатан жандарма¹ бошлиғи вазифасини ўтаб юрган Матрёна Тимофеевна унинг олдига кирди. Матрёна Тимофеевна ўзининг собиқ бекачи, графиняга Марья Карловиц жуда-жуда хафа бўлиб ўтирганини, бекачларнинг ёзлик кўйлаklarини бу ерда қолдириб бўлмаслигини айтди. Графиня нима учун Шосс хоним хафа бўлибди, деб савол берганда маълум бўлдики, унинг сандиғини аравадан туширишибди, ҳозир ҳамма араваларнинг арқонини ечиб, нарсаларни туширишаётган экан, уларнинг ўрнига ярадорларни олиб кетишармиш, граф соддалик қилиб шундай буйруқ берибди. Графиня эрини чақиртирди.

– Ўзи нима гап, дўстим, кўчларни яна аравадан тушираётган эмиш?

– Биласанми, кадрдоним, ўзим ҳам сенга айтмоқчи бўлиб ўтирувдим, кадрдоним графиня...

бир офицер келувди, ярадорлар учун бир неча арава сўрашапти. Бу нарсаларнинг ҳаммаси топилади ахир, аммо улар бу ерда қолишса нима бўлишини ўйлаб кўр!.. Тагин улар бизнинг ҳовлида, ўзимиз киргизганмиз, ичида офицери ҳам бор... Биласанми, кадрдоним, кўй кадрдоним... ярадорларни ортиб кетаверишсин... биз шошиб нима қиламиз?... – Граф бу сўзларни тортиниб-қимтиниб айтди, пулдан гап очиладиган бўлса у хамиша шу оҳангда гапирар, графиня эса бунга ўрганиб қолган эди. Суратхона қуриш, гулхона солиш, хонаки театр ё оркестр² ташкил этиш қабилидаги ишларидан, яъни болаларни ғорат қиладиган бирор ишдан гапирмоқчи бўлса, граф доим шу оҳангда сўзлар ва графиня бунга эътироз билдиришини ўз бурчи деб билар эди.

Графиня йиғлагудай бўлиб бошини қуйи солди ва эрига деди:

¹ Жандарм (*французча*: gendarmerie – ҳуролланган кишилар) айрим мамлакатларда сиёсий муҳофаза, тинтув ишлари олиб бориш, давлат тузумига зид иш олиб боровчиларга қарши кураш учун хизмат қиладиган сиёсий полиция ходими.

² Оркестр (*французча*: orchestre – театрдаги ўтириш жойи ёки orchestra – раке майдончаси; юнон театрида сахнанинг олд майдончаси) – 1) мусиқа асарини биргаликда ижро этадиган турли хил чолғу асбоблари йиғиндиси ва шу асбобларни чалувчи мусиқачилар жамоаси; 2) театр сахнаси олдида мусиқачилар учун қилинган махсус жой.

– Граф, менга қара, сен ишни шу даражага етказдингки, ҳозир ҳеч ким ҳовлини икки пулга олмайди, энди эса болаларнинг бутун бор-йўғини нест-нобуд қилмоқчисан. Уйда юз минг сўмлик буюм бор деб ўзинг айтгансан-ку, ахир. Мен, дўстим, рози эмасман, рози эмасман! Ихтиёр ўзингда! Ярадорларнинг ғамини ейдиган ҳукумат бор. Нима қилишни билишади. Қара, ху ана, қаршаймиздаги Лопухинлар уч кун бурун бор-йўқларини тапиб бўлишди. Мана одамлар қандай қилишяпти. Биз эсак, анграйиб ўтирибмиз. Менга ачинмасанг, ҳеч бўлмаса, болаларингга ачингин.

Граф кўл силтади, лом-мим демай, уйдан чиқиб кетди.

– Дада! Нима ҳақда гаплашдинглар? – деб сўради отаси чиқиши биланоқ онасининг уйига кирган Наташа.

– Ҳеч нарса ҳақида гаплашганимиз йўқ! Сенинг нима ишинг бор! – деди жаҳл билан граф.

– Мен эшитдим-да ахир, – деди Наташа. – Нега ойим йўқ деяптилар.

– Нима ишинг бор сенинг?! – деб бақириб берди граф. Наташа деразанинг олдига бориб, ўйланиб қолди.

– Дадажон, Берг келди, – деди Наташа деразадан қараб.

XVI

Ростовларнинг куёви Берг аллақачон Анна ва Владимир нишонини олган полковник бўлиб, ҳамон илгаридай тинч ва қулай жойда ишлар, штаб бошлиғининг ёрдамчиси, иккинчи корпус қошидаги биринчи бўлим бошлиғининг ёрдамчиси вазифасини ўтаб келмоқда эди.

Берг 1-сентябрда армиядан Москвага келди.

Унинг Москвада қиладиган ҳеч қандай иши йўқ эди, бироқ ҳамма рухсат сўраб, армиядан Москвага бораётганини кўриб, бир гап бўлса керак, деган хаёл билан ижозат олди-да, уйи ва бола-чақасидан хабар олмоқчи бўлиб Москвага келди.

Берг бир князнинг отлари сизгари йилтираб турган қўш саман от қўшилган енгил ва мўъжаз аравасига тушиб, қайна-тасининг ҳовлисига келди. У ҳовлида турган араваларни

диққат билан кўздан кечирди-ю, эшикдан кираркан, тоза рўмолчасини чўнтагидан олиб, учини тугиб қўйди.

Берг даҳлиздан лапанглаб, сабрсизлик-ла меҳмонхонага кирди, графни кучоқлади, Наташа билан Сонянинг қўлларини ўлди ва шошиб-пилиб қайнарасининг соғлигини сўради.

– Э, соғлиқ нимаси? Қани, гапир-чи, – деди граф. – Қўшиннинг ахволи қалай? Чекинишяптими, ё тагин жанг бўлармикин?

– Э, отажон, – деди Берг. – Ватаннинг тақдири худойи таолонинг қўлида. Армиянинг қахрамонлиги жўш уриб турибди, бошлиқлар кенгашга йиғилишган. Нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Лекин умуман сизга айтсам, отажон, умуман бундай қахрамонлик руҳи, рус қўшинлари ойнинг 26 сидаги жангда кўрсатган ва кўрсатаётган бу ҳақиқий, қадимий мардликни таърифлашга сўз топилмайди... Мен сизга айтсам, отажон (Берг кўкрагига урди, унинг олдида урушдан гапирган бир генерал айнан шундай кўкрагига урганини Берг кўрган эди, лекин Берг бир оз кечикди, «рус қўшинлари» деган сўзни айтганда кўкрагига уриши керак эди), агар сизга гапнинг пўскалласини айтсам биз, бошлиқлар аскарларни урушга ҳайдашимиз, ё шунга ўхшаш ишларни қилишимиз у ёқда турсин, балки биз зўрға бу, бу... қадимгича мардонавор қахрамонликдан уларни тийдик, – деди Берг бидирлаб. – Мен сизга айтсам, генерал Барклай де Толли ҳар қаерда қўшини олдига ўтиб, жонини қурбон қилди. Бизнинг корпусимиз тепаликнинг ён бағрига қўйилган эди. Тасаввур қилинг! – Берг эшитганларидан нимаки хотирада қолган бўлса, ҳаммасини гапириб берди. Наташа худди поччасининг юзидан бирор масаланинг ҳаллини қидираётгандай, унга тикилар, Берг эса бундан нокулайлик сезарди.

– Россия қўшинлари кўрсатаётган қахрамонликни умуман тасвирлаб бўлмайди, бу таърифга лойиқ қахрамонлик!., – деди Берг ва худди Наташани ўзига қойил қилишни истагандек унга қаради ва қайсинглисининг тикилиб туришига жавобан кулимсираб қўйди. – «Россия Москвада эмас, у ўғлонларининг қалбида!» шундай эмасми,

отажон? – деди Берг.

Шу чоғ кийфасидан роҳатсизланаётган ва норозилиги билиниб турган графиня истироҳат бўлмасидан чиқди. Берг сапчиб ўрнидан туриб, графинянинг қўлини ўпди, унинг соғлиғини сўради ва ачинаётганини бош чайқаш билан ифода-лаб, графинянинг ёнида туриб қолди.

– Ҳа, ойижон, мен гапнинг ростини айтсам, бу кунлар ҳар бир рус кишиси учун жуда оғир ва кўнгилсиз кунлардир. Лекин бунчалик ташвиш тортишнинг нима кераги бор? Кўчишга баҳузур улгурасизлар...

– Ҳайронман, бу одамлар нима иш билан шуғул-ланишяпти! – деди графиня эрига қараб, – ҳали ҳеч нарса тайёр эмасмиш, шунақа дейишяпти. Ахир бирор киши бош бўлиши ҳам керак. Митиньканинг қадри ўтяпти. Шу аҳволда қачонгача ўтирамыз.

Граф бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, ўзини тийди. У стулдан турди-да, эшикка қараб йўл олди.

Шу чоғ Берг худди бурнини қокмоқчи бўлгандай, рў-молчасини чиқариб, тутунчага қаради-ю, гамгин ва маъноли тарзда бош чайқаб, ўйлаб қолди.

– Отажон, сизга катта бир илтимосим бор эди, – деди у қайночасига.

– Ҳм?.. – деди граф тўхтаб.

– Ҳозир Юсуповларнинг ҳовлиси ёнидан ўтиб келдим, – деди Берг кулиб. – Уларни ишлар мутасаддиси менинг ошнам бўлади, шу одам югуриб олдимга келиб, биздан бирор нарса сотиб олмайсизми, деб сўради. Хайр, бир кўрай-чи, деб мен ҳам кирдим, қарасам, бир кийим жавони билан пардоз столчаси турибди. Биласизми, Верушка кўпдан бери шунақа нарсани орзу қилиб юрувди ва биз бу хусусда ёғишланиб қолувдик (Берг кийим жавони билан пардоз столчаси ҳақида гапирганда, бекам-у кўст турмушини эслаб, беихтиёр оғзи қулоғига етди). Жуда бежирим экан! Инглиз-ча махфий кулф-қалити ҳам бор-а, биласизми? Кўпдан бери Верочканинг ҳаваси келиб юрган эди-да. Уни бир хурсанд қилай деган эдим. Ҳали кўрдим, сизларнинг ҳовлиларингда бир талай дехқонлар юрибди. Агар бемалол бўлса, битта-

сини берсаларинг, ўзим уни хурсанд қилар эдим ва...

Граф афтини буриштирди-да, томогини кириб кўйди.

– Графиняга мурожаат эдинг, мен бунақа ишларга аралашмайман.

– Агар малол келадиган бўлса, майли, керак эмас, – деди Берг, – бир Верушкани хурсанд қилиб қўяй деган эдим-да.

– Э, йўқол ҳамманг кўзимдан, йўқол дейман, йўқол! – деб ўшқирди граф. – Бошим гаранг бўлиб қолди. – Шу сўзлардан кейин граф уйдан чиқиб кетди.

Графиня йиглаб юборди.

– Ҳа, ойижон, замон жуда оғир! – деб кўйди Берг.

Наташа отаси билан бирга чиқди ва худди бир нарсани зўрға эслагандай, аввал отасининг кетидан юрди, кейин чопкиллаб пастга тушиб кетди.

Петя зинапоёда туриб Москвадан жўнаб кетаётган хизматкорларни куроллантириш билан машғул эди. Ҳовлида ҳамон юк ортилган аравалар турар эди. Булардан иккитасининг юки туширилган бўлиб, шу бўш аравага бир офицер ўз деншигининг ёрдамида чўкмокда эди.

– Сен сабабини биласанми? – деб сўради Петя Наташадан (Петя нимани кўзда тутаётганини Наташа фахмлади. Петя ойим билан дадам нимага уришдилар, деб сўрамокчи эди), Наташа индамади.

– Сабаби шуки, дадам ҳамма аравани ярадорларга бермокчи бўлибдилар, – деди Петя. – Менга Васильич айтди. Менимча...

– Менимча! – деб бақирди тўсатдан Наташа ғазабдан ўзгарган юзини Петяга томон буриб. – Менимча бу бир разиллик, бир пасткашлик... нима десам экан! Ахир биз немис эмас эдик-ку!.. – Наташа ўпкаси тўлиб, бўғзи титраб кетди, у алами пасайиши ва ғзаби бекорга сарф бўлишидан қўрқиб, ўтирилди-да, югурганича зинадан чиқиб кетди. Берг графинянинг ёнида ўтириб, самимий равишда, эҳтиром-ла унга тасалли бермокда эди. Наташа ғазабдан афт-ангори ўзгарган ҳолда уйга қулондай учиб кириб, жадал қадам билан онасининг олдига борганида, граф кўлида трубка билан уйда нари-бери юрмокда эди.

– Бу разиллик! Бу пасткашлик! – деб кичкирди Наташа.
– Сиз шундай буйруқ берганингизга мен ишонмайман.

Берг билан графиня кўрқа-писа, ханг-манг бўлиб Наташага қараб қолишди. Граф тингшаниб, дераза олдида тўхтаб қолди.

– Ойижон, шу ҳам ишми? Ҳовлига бир қаранг! – деб Наташа кичкириб юборди. – Улар қолиб кетаверадимми?

– Сенга нима бўлди? Уларинг ким? Нима керак сенга?

– Ярадорларни айтяпман! Бундай қилиб бўлмайди, ойижон; бу нима деган гап ахир... Йўқ, ойижон, жонгинам, бундай бўлиши мумкин эмас, мени кечиринг, ойижон... Ойижон, шу нарсаларни олиб бордик нима бўлди-ю, олиб бормадик нима бўлди? Сиз ҳовлига бир қаранг... Ойижон!.. Нахотки шундай қолдиришга кўнглингиз бўлса!..

Граф дераза олдида тураркан, ўгирилиб қарамасдан Наташанинг гапига қулоқ соларди. Бирдан у пишиллаб, юзини деразага яқинлаштирди.

Графиня Наташага қараб, онасининг қилмишидан номус қилаётган қизининг афтини, хаяжонини кўрди-ю, нима учун эри қарамаётганини англади ва эсанкираб атрофга аланглади.

– Ҳа, майли, билганларингни қилинглар! Мен бир нима деяпманми! – деди графиня дарров таслим бўлмасдан.

– Ойижон, жонгинам, кечиринг!

Бироқ графиня қизини четга суриб, эрининг олдига борди.

– Азизим, ўзинг ҳал қил. Бунақа ишлар менинг кўлимдан келмайди, – деди графиня ерга қараб.

Граф хурсандлик билан кўзларига ёш олиб:

– Жўжа... жўжалар товукка таълим берапти... – деб хотинини кучоклади, хижолатдан бошини кўтармай қолган графиня суюниб, юзини унинг кўкрагига қўйди.

– Ойижон! Дадажон! Чикиб айтсам бўладими? Майлими? – деб сўради Наташа. – Ҳар ҳолда, энг керакли нарсаларни оламит... – деди Наташа.

Графиня маъқуллагандай унга бош ирғади ва Наташа бекинмачок ўйинида қандай чопса, залдан дахлизга, дахлиз-

дан зинага, зинадан ҳовлига шундай чоғиб чиқди.

Хизматкорлар Наташани ўраб олишди, ҳеч ким унинг ақлга сиғмайдиган буйруғига ишонмасди, ниҳоят граф келиб, ўз хотини номидан бу буйруқни тасдиқлади: ҳамма аравани ярадорларга бериб, сандиқларни омборхонага киргизиш кераклигини айтди. Буйруқни фаҳмлагандан кейин хизматкорлар қўллари қўлларига тегмай, суюниб, бу янги буйруқни бажаришга киришди. Бу нарса энди хизматкорларга ғалати туюлмас эди, аксинча, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасдек туюлар эди. Ўн беш дақиқа бурун ярадорларни ташлаб, уй анжомларини олиб кетиш ҳеч кимга ғалати кўринмагани сингари, бунинг ҳам бошқача бўлиши мумкин эмасдай кўринар эди.

Уйдаги кишиларнинг ҳаммаси худди бу ишга илгарирок киришмаганининг хиссасини чиқармоқчи бўлгандай ярадорларни жойлаштириш ишига жон-жаҳдлари билан ёпишди. Ранглари оппоқ ярадорлар ўз уйларидан ўрмалаб чиқишди ва суюнишиб араваларни ўраб олишди. Арава топилибди деган овозалар қўшни ҳовлиларга тарқалди, бошқа уйларидаги ярадорлар ҳам Ростовларнинг ҳовлисига кела бошлади. Кўп ярадорлар, нарсаларни аравадан туширмай, юк устига ўтиргизишни илтимос қилишарди. Бироқ бошланиб кетган ишни тўхтатиш амримаҳол эди; юкларнинг ҳаммасини тушириш керакми, ярмисиними, барибир эди. Ҳовлида ўтган куни кечаси зўр ҳафсала билан жойлаштирилган идиш-товоқ, бронза, суратлар, ойналар солинган сандиқлар ҳар томонда сочилиб ётарди, яна нималарни туширсак деб у ёқ бу ёқларни ахтаришар ва олиб қўйиш мумкин бўлган нарсаларни топиб, араваларни бирин-кетин бўшатиб беришар эди.

– Яна тўрт кишини олсак бўлади, – деди иш бошқарувчи. – Мен аравамни бераман, уларни ташлаб кетиб бўлармиди?

– Менинг гардероб¹ ортадиган аравамни бера қолинг, –

¹ Гардероб (французча: *garderobe*; *garde* – сақлаш + *robe* – кўйлак) – кийим-кечак қўйиладиган шкаф; кийим жавони.

деди графиня. – Дуняша мен билан каретага ўтиради.

Яна гардероб ортилган аравани бўшатишди ва уни ярадорларни ортиб келгани икки ҳовли нарига юборишди. Уй ичидагиларнинг ҳам, хизматкорларнинг ҳам кайфи чоғ эди. Наташа шавқ-завққа тўлган, кўпдан бери у бундай ҳолатга тушмаган эди.

– Буни қаерга кўяйлик ахир? – дейишарди одамлар сандиқни каретанинг кетига, хизматкорлар ўтирадиган энсиз ерига кўяркан. – Ҳеч бўлмаса, битта аравани қолдириш керак.

– Ичида нима бор экан? – деб сўради Наташа.

– Графнинг китоблари.

– Кўя қолинглар. Васильич бирор жойга олиб кўяди. Бу зарур эмас.

Арава одамга лиқ тўла, Пётр Ильич қаерга ўтиради деб ҳамма хайрон эди.

– У аравакашнинг олдига ўтиради, ўша ерга ўтираверсан-а, Петя?! – деб қичқирди Наташа.

Соня ҳам тинмасдан югурарди, бироқ унинг ташвиши билан Наташанинг ташвиши орасида осмон билан ердек фарқ бор эди. Соня қолдириб кетиши керак бўлган нарсаларни йиғиб олар, графинянинг хоҳишига кўра, буларнинг рўйхатини тузар, иложи борича кўпроқ нарсани бирга олиб кетишга ҳаракат қиларди.

XVII

Соат бирдан ошганда Ростовларнинг кўч ортган тўрт экипажи эшик олдида турар, ярадорлар тушган аравалар бирин-кетин ҳовлидан чиқмоқда эди.

Князь Андрейни олиб бораётган коляска зинанинг олдидан ўтиб кетаётганда Сонянинг диққатини жалб этди; Соня хизматкор қизларнинг бири билан графинянинг баланд ва қаттақон экипажида графиня учун жой тайёрламоқда эди.

– Бу кимнинг коляскаси экан? – деб сўради Соня бошини экипажнинг ойнасидан чиқариб.

– Ҳали эшитганингиз йўқми, ойим киз? – деди оқсоч. –

Князь ярадор бўлган: у киши бизникида тунаган эди, ҳозир бирга кетяпти.

– Қайси князь? Фамилияси нима?

– Ўзимизнинг илгариги куёв йигитимиз, князь Болконский-да! – деди оқсоч киз хўрсиниб. – Аҳволи жуда оғир дейишади.

Соня экипаждан ирғиб тушиб, графинянинг олдига югурди. Графиня сафар кийимида, елкасига шол рўмол ташлаб, шляпа кийиб, оёқларини зўра судраб мехмонхонада у ёқдан бу ёққа юрар, кетиш олдидан эпикларни ёпиб, ибодат қилиш учун хонадон аҳлини кутарди.

– Ойижон, – деди Соня, – князь Андрей шу ерда, у ярадор экан, ўлим ҳолатида ётибди. Биз билан бирга кетяпти.

Графиня кўрқиб кўзларини очди ва Сонянинг кўлидан ушлаб атрофга қаради.

– Наташа қани? – деди графиня.

Бу хабар биринчи дақиқада Соня учун ҳам, графиня учун ҳам фақат катта аҳамиятга эга эди. биринчи дақиқада уларнинг кўзига фақат ўз Наташалари кўринди, бу хабарни Наташа эшитса унинг ҳоли нима бўларкин, деган фикр келди-ю, князга ачиниш эсларига келмади, ваҳоланки, иккаласи ҳам князь Андрейни яхши кўрар эди.

– Наташа ҳали билмайди, лекин князь биз билан бирга кетяпти, – деди Соня.

– Ўлим ҳолатида дейсанми?

Соня «ха» дегандек бош ирғади. Графиня Соняни кучоқлаб, йиглаб юборди.

«Худонинг хоҳишини билиб бўлмади!» – деб ўйлади графиня ва назарида илгарилари одамларнинг кўзига кўринмаган кудратли бир кўл ҳозир бўлаётган барча ходисаларда ўзини кўрсата бошлаётгандай бўлди.

Гул-гул очилиб уйга югуриб кирган Наташа:

– Ойи, ҳамма нарса тахт-ку. Нима учун сиз?.. – деб сўради.

– Шундай, ўзим, – деди графиня. – Ҳамма нарса тахт бўлса, жўнадик. – Графиня авзойи бузилганини бекитмоқчи

бўлиб, бошини сумкаси устига эгди. Соня Наташани кучоқлаб ўтди.

Наташа савол назари-ла унга каради.

– Нима бўлди? Ўзи нима гап?

– Ҳеч... гап бўлгани йўқ...

– Менинг учун нохуш бўлган бирор ҳодиса юз бердими?.. Айтсанг-чи? – деб сўради зийрак Наташа.

Соня хўрсиниб қўйди-ю, индамади. Графиня, Петя, Шоссс хоним, Мавра Кузьминишна, Васильич меҳмонхонага кириб, эшикни бекитишди ва бир-бирларига қарамасдан бир неча дақиқа лом-мим демай ўтиришди.

Граф биринчи бўлиб ўрнидан турди ва қаттиқ хўрсиниб, иконага қараб чўқина бошлади. Бошқалар ҳам шундай қилишди. Кейин граф Москвада қолаётган

Мавра Кузьминишна ва Васильични кучоқлади, улар графни қўли ва елкасини ўлаётганда граф тасалли берадиган ширин сўзларни пичирлаб, секин-секин уларнинг кифтига қокди. Графиня икона турадиган хонага кириб кетди. Соня унинг кетидан кирганда графиня онда-сонда деворларда осиглиқ қолган иконалар қаршисида тиз чўкиб чўқинмоқда эди. (Ота-боболаридан қолган ва азиз ёдгорлик ҳисобланган иконаларни Ростовлар ўзлари билан бирга олиб кетмоқда эди).

Зинанинг олдида ва ховлида Петя берган ханжар ва қиличлар билан қуролланган, чолворларини этикларининг қўнжига тикиб, камар ва қайишларни тортиб боғлаб олган хизматкорлар шаҳарда қоладиганлар билан хайр-маъзур қилмоқда эди.

Ҳамиша йўлга чиққанда бўладиган ҳодиса юз берди: кўп нарса эсдан чиққан ва нотўғри жойланган эди. Хизматкор қизлар, қўлларида ёстик ва бўхча билан уйдан каретага, каретадан коляскага, коляскадан дехқон-аравага, ундан яна уйга қараб югурмоқда эди. Икки малай графиняни каретага ўтиргизмоқчи бўлиб; унинг иккала томонида очик турган дарча ва пиллапоясида узоқ туриб қолишди.

– Ҳаммангнинг ҳам эсларинг йўқ! – дерди графиня. – Бундай ўтиролмаслигимни ўзинг биласан-ку ахир. – Дуяша

тишини-тишига қўйиб, лом-мим демасдан, ўпкалаган бўлиб, каретага кирди-да, графинянинг жойини тўғрилаб қўйди.

Граф бош чайқаб:

– Вой, бу одамлар-э! – деб қўйди.

Кекса кучер Ефим (графиня фақат Ефим билан йўлга чиққани журъат этарди) ўзининг баланд ўриндиғида ўтираркан, орқасида нималар бўлаётганига ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. У ўзининг ўттиз йиллик тажрибасидан билардики, ҳали-вери «хайр, худо ёр бўлсин!» дейишмайди, дейишгандан кейин ҳам яна уни икки марта тўхтатиб, эслан чиқиб қолган нарсаларга юборишади, ундан кейин ҳам яна уни тўхтатиб, графинянинг ўзи ойнадан калласини чиқаради ва худо хайрингни берсин, пастликка тушаётганда эҳтиёт бўлиб ҳайда, деб ундан илтимос қилади. Ефим шуни билар, шунинг учун ҳам ўз отларидан (айниқса сўл томонга қўшилган ва ер тепиб, сувлиғини чайнаётган саман Лочиндан) кўра кўпроқ сабр қилиб, нима бўлишини кутиб турар эди. Ниҳоят ҳамма ўтирди: пиллапоя йиғиштирилиб, каретанинг ичига ташланди, эшик ёпилди, кутичани олиб келиш учун киши юборилди, графиня калласини ойнадан чиқариб, айтадиган гапини айтди. Шундан сўнг Ефим секин бошидан шляпасини олди-да, чўқина бошлади. Аравакаш ва бошқа хизматкорлар шундай қилишди.

– Худо ёр бўлсин! – деди Ефим шляпасини кияр экан. – Қани, ҳайда! – деди аравакашга. Аравакаш отларни ҳайдади. Ўнг томонга қўшилган отнинг бўйнига бўйинча тиралди, баланд рессор¹ гижирлади ва карета тебралди. Малай сакраб ўриндиқка чиқиб олди. Ҳовлидан тош йўлга чиқаётганда карета силкиниб кетди, унинг кетидан қўзғалган бошқа экипажлар ҳам шундай силкиниб кўчага чиқди ва юқорига қараб йўл олди. Карета, коляска, деҳқонараваларда ўтирган кишиларнинг ҳаммаси рўпарадаги черковга қараб чўқинишди. Ростовларнинг Москвада қоладиган кишилари уларни

¹ Рессор(а) (французча: ressort – пружина; таранглик, қайишқоқлик) – транспорт воситаларида уларнинг ғилдирақлари ўқини кузов билан бирлаштирувчи ва йўлнинг нотекислигидан пайдо бўладиган зарбалар кучини пасайтирувчи қайишқоқ, эгилювчан қисм.

кузатиб, экипажнинг икки томонидан юриб бормоқда эди.

Наташа каретада, графинянинг ёнида ўтириб, одамлар тарк этаётган ва ташвиш-тахликага тушган Москванинг секин кўз ўнгидан ўгиб кетаётган деворларига қараркан, шу қадар хурсанд эдики, бундай ҳолат унда камдан кам бўлар эди. У аҳён-аҳёнда бошини каретанинг деразасидан чиқарар, орқа ва олдиндан қаторлашиб бораётган ярадорлар арава-сига қараб кўяр эди. Ҳамма аравалардан олдинда князь Андрейнинг соябонли коляскаси бормоқда эди. Наташа бу коляскада ким бораётганини билмас ва ҳар дафъа ўз аравалари қаердан бошланиб, қаерда тамом бўлишини назардан кечирганида шу коляскани кўзи билан ахтарар эди. Шу коляска ҳаммадан олдин бораётганини Наташа билар эди.

Кудринага етганда Никитская, Пресня, Подновинская кўчаларидан Ростовларнинг араваларига ўхшаган бир қатор арава чиқиб колди ва Садовая кўчасидан экипаж ва аравалар икки қатор бўлиб кета бошлади.

Сухарев минорасини айланиб ўтаётганда Наташа пиёда ва отлиқ бораётган халойиқни мароқ билан шоша-пиша кўздан кечираётган эди, тўсатдан хайрат аралаш шодлик билан кичкириб юборди.

– Вой анавини! Ойи, Соня, қаранглар, ўшанинг ўзгинаси!

– Қим у? Қим экан?

Наташа карета деразасидан қадласини чиқарди-да, извошчи кийимини кийиб олган баланд бўйли йўғон бир кишини кўрсатиб:

– Қаранглар, азбаройи худо, Безухов! – деди.

Қадам қўйиши ва ҳаракатидан зодагонларга ўхшаб турган бу одам фриз шинель кийган, рангги заҳил, ўзи кўса, бўйи паст бир чол билан Сухарев минораси остига келди.

– Азбаройи худо, Безуховнинг ўзи, чакмон кийиб олибди, бир қари малайи билан боряпти! Азбаройи худо, ўшанинг ўзи, мана қаранглар, қаранглар! – деди Наташа.

– Қўйсанг-чи, бўлмаган гапларни. Наҳотки у шунақа килиб юрса.

– Ойи! – деб кичкирди Наташа. – Ўлай агар, ўшанинг

ўзи! Ишонинг ахир. Тўхта, тўхта! – деб извошчига бақирди, бироқ извошчи тўхтатолмади, чунки Мешчанская кўчасидан бир талай экипаж ва аравалар чиқиб қолди ва йўлни тўсмаддан ҳайдасаларинг-чи, деб Ростовларга қичқирди.

Ҳақиқатан ҳам Ростовлар боягидан кўра узоқроқда извошчи чакмонини кийиб олган Пьерни, ёхуд ўшанга ниҳоят даражада ўхшаган бир кишини кўришди. Бу одам афти бошидан лакейга ўхшаган кичкина, кўса бир чол билан бирга бошини қуйи солиб, жиддий кифада бормоқда эди. Чол карета деразасидан каллаларини чиқариб қараётган одамларни кўрди-ю, эхтиром билан Пьернинг тирсагидан ушлади ва каретага ишора қилиб, унга бир нима деди. Пьер ўз ўй-хаёли билан банд бўлса керак, узоқ вақт чолнинг нима дея отганига тушунмади. Ниҳоят, чолнинг гаини англади-ю, у ишора қилаётган томонга қараб Наташани таниди ва шу оннинг ўзида биринчи таассуротга берилиб, каретага томон илдам қадам қўйиб кетди. Бироқ ўн қадамча юргандан сўнг эсига алланима тушди, шекилли, тўхтади.

Бошини каретанинг деразасидан чиқараётган Наташанинг чехраси истехзоли табассумдан гул-гул очилди.

– Пётр Кириллич, бу ёққа келинг! Биз танидик! Буни қаранг-а! – деб қичқирди. Наташа унга қўл узатаркан. – Сиз нима қилиб юрибсиз? Нега бунақа кийиниб олдингиз?

Пьер юриб кета туриб, Наташанинг қўлини олди, (чунки карета тўхтамай кетаётган эди) ва ўнғайсизланиб ўпди.

Графиня ҳам таажжублангани ва ачинаётганини билдирувчи товуш билан:

– Ҳа, тинчликми, граф? – деб сўради.

– Нима бўлди? Нега бундай юрибсиз, дея мендан сўраманглар, – деб Пьер Наташага юзланди. Наташанинг хурсандликдан порлаб кетган кўзлари унинг юзига ўз зиёсини сочар, Пьер Наташага қарамаса ҳам, буни сезиб турар эди.

– Нима қилмоқчисиз ё Москвада қоласизми? – деб сўради Наташа. Пьер жавоб бермади.

– Москвада дейсизми? – деди ниҳоят Пьер. – Ҳа, Москвада қоламан. Хайр.

– Оҳ, эркак бўлганимда, албатта, сиз билан қолар эдим, оҳ нақадар яхши! – деди Наташа. – Ойи, рухсат беринг, мен қола қолай, – Пьер парижонлик билан Наташага қаради ва бир нима демоқчи бўлди, бироқ графиня унинг сўзини оғзидан олди.

– Жангда қатнашибсиз деб эшитдик, ростми?

– Ҳа, рост, – деди Пьер, – эртага яна жанг бўлади... – деб Пьер гап бошлаган эди, бироқ Наташа унинг сўзини бўлди.

– Граф, нима бўлди? Бутунлай ўзгариб қолибсиз?..

– Э, сўраманг, сўраманг, ўзим ҳам ҳеч нарса билмайман. Эртага... Йўғ-э! Хайр бўлмаса! Хайр, – деди Пьер. – Замон жуда ёмон! – у каретадан кейин қолиб йўлгага чиқди.

Наташа ҳам истехзо аралаш хурсандлик билан кулимсиради, узоқ вақт ойнадан унга қараб турди.

XVIII

Пьер ўз ҳовлисидан ғойиб бўлганидан кейин икки кундан буён мархум Баздеевнинг хувуллаб қолган уйида яшамокда эди. Бу воқеа шундай бўлди.

Пьер Москвага қайтиб келгани ва граф Растопчин билан учрашганининг иккинчи куни уйкудан уйғонди-ю, қаердалигини ҳам, ундан нима исташганликларини ҳам анчагача англай олмади. Қабулхонада сизни кутиб ўтирган шахслар орасида графиня Елена Васильевнадан мактуб олиб келган бир француз ҳам ўтирибди, деган хабар етказилганда тўсатдан Пьернинг фикрлари чувалиб, дунё кўзига қоронғи бўлди (у бундай ҳиснинг таъсирига берилиб кетарди). Назарида, барча умид-орзулари барбод бўлган, ҳамма нарса аралашиб кетган, ҳамма нарса хароб бўлгандай кўринди, энди ҳеч кимни айбдор ҳам деб бўлмайди, айбсиз деб ҳам, бундан буён бирор нарса бўлиши ҳам, бу ҳолатдан қачон қутулиши ҳам мумкин эмас эди. Пьер тиржайиб алланималар деб, ўз-ўзича ғудранар, ўзини қаёққа қўйишини билмасдан, ҳали диванга ўтирар, ҳали ўрнидан туриб эшик олдига борар ва унинг тиркишидан қабулхонага қарар, ҳали қўл силтаб яна қайтиб ўз жойига келар ва қўлига китоб оларди.

Эшик оғаси яна бир маротаба кириб графинядан мактуб келтирган француз бир дақиқага бўлса ҳам, қабул қилсинлар деб ўтинаётганини, мархум Баздеевнинг хотини томонидан бир киши келиб, китобларни қабул қилиб олсинлар, хоним Баздеевнинг ўзи қишлоққа кетди, деб илтимос қилаётганини айтди.

– Э, ха, айтгандай, hozир, менга кара... Ёхи йўк... Йўғ-е, бор, айт, hozир чиқаман, – деди Пьер эшик оғасига.

Аммо эшик оғаси уйдан чиқиши биланок Пьер столда турган шляпасини олди-ю, кабинетнинг орқа эшигидан чиқди. Йўлакда ҳеч ким йўк эди. Пьер узун йўлакдан зинапогача борди-да, афтини буриштириб ва иккала қўли билан пешонасини ишқаб, зинанинг биринчи майдончасига тушди. Дарвозабон эшик олдида турган эди. Пьер тушган майдончадан орқа эшикка чиқиладиган яна бир зина бор эди. Пьер шу зинадан юриб ҳовлига чиқди. Уни ҳеч ким кўрмади. Бирок дарвозадан чиқиши биланок экипажлар олдида турган извошчилар билан қоровул хўжайинни кўриб, калпоқларини бошларидан олишди. Пьер уларнинг зехн солиб қараётганини сизди-ю, одамлар кўрмасин деб калласини бута орасига тикқан туякуш сингари иш қилди: у бошини куйи солиб жадал қадам ташлаганича кўча бўйлаб кетди.

Пьернинг назарида бугун эрталаб қилиши керак бўлган ишлари орасида энг мухими Иосиф Алексеевичнинг китоб ва қоғозларини кўриб чиқиш эди.

У рўпара келган извошга минди-ю, Патриархлар ҳовузи деган кўчага, Баздеевнинг уйига қараб кетди.

Пьер ҳар томондан келиб, Москвадан чиқиб кетаётган қатор аравалардан кўзини олмай, остидаги шалок аравадан йиқилиб тушмаслик учун ўзининг йўгон гавдасини ўнглаб ўтирар экан, мактабдан қочган бола сингари суюниб, извошчи билан гаплаша бошлади.

Извошчи бугун Кремлда қурол-аслаҳа улаштилатганини, эртага бутун халойикни Трехгорная дарвозасига бошлаб олиб боришларини, у ерда катта жанг бўлажagini гапириб берди.

Патриархлар ҳовузига етгандан сўнг Пьер Баздеевнинг

ховлисини қидириб топди, чунки анчадан бери келгани йўқ эди. Эшикни тақиллатди. Бундан беш йил муқаддам Пьер Торжоқда, Иосиф Алексеевич билан бирга кўрган ўша ранги заҳил кўса чол Герасим эшикни очди.

– Уйдаларми? – деб сўради Пьер.

– Ҳозирги аҳволни кўриб Софья Даниловна болалар билан Торжоқдаги кишлоққа кетдилар, зоти олийлари.

– Нима бўлса ҳам, мен кираман, китобларни тартибга солиб қўйишим керак, – деди Пьер.

– Марҳамат, кирсинлар! Раҳматли Иосиф Алексеевичнинг биродарлари Макар Алексеевич шу ердалар, ўзингизга маълум, у киши ногирон, – деди қари хизматкор.

Иосиф Алексеевичнинг биродари Макар Алексеевич Пьернинг билишича, овсар ва майхўр бир одам эди.

– Ҳа, ҳа, биламан. Юринг-юринг... – деб Пьер уйга кирди. Пьер ичкарига кирганда новча, боши ярғоқ¹, бурни кип-қизил, эгнида халат, яланғоч оёғига кавуш кийиб олган бир чол киши даҳлизда турган эди; Пьерни кўриб бу одам жаҳл билан алланима деб ғудурлади-да, йўлакка чиқиб кетди.

– Жуда ақли расо киши эдилар, мана энди кўриб турибсиз, ногирон бўлиб қолдилар, – деди Герасим. – Кабинетга марҳамат қиладиларми? – Пьер бош ирғади. – Кабинет муҳр-логлигича қолувди. Софья Даниловна тайинлаб кетувдилар, агар сиз одам юборсангиз, китобларни бериб юборишимни буюриб кетувдилар.

Пьер ўз муршиди ҳаётлигида юраги орзиқиб кирган ўша кўнгилсиз кабинетга кирди. Энди чанг босиб кетган ва Иосиф Алексеевичнинг вафотидан буён қаровсиз қолган бу кабинет яна ҳам хувуллаб қолган эди.

Герасим дарпардаларнинг бирини очди-ю, оёқ учида юриб, уйдан чиқиб кетди. Пьер кабинетни бир айланиб, кўлёмалар турган жавон олдига келди ва тариқатнинг бир вақтлар жуда мўътабар ҳисобланган бир кўлёмасини олди. Бу пири муршиднинг шарҳ ва изоҳлари илова этилган

¹ Ярғоқ – қал, сочи қам.

Шотланд актининг асл нухаси эди. Пьер чанг босиб кетган ёзув столига бориб ўтирди, қўлёзмаларни олдига қўйиб, уни варақлаб чиқди. Ниҳоят қўлёзмани нарирокка суриб қўйдую, столга тирсақланиб, ўйга толди.

Герасим эҳтиёт бўлиб бир неча марта эшикдан каради. Пьер ҳамон бир вазиятда ўтирар эди. Шу аҳволда у икки соатдан ортиқроқ ўтирди. Герасим Пьернинг диққатини жалб этиш мақсадида, журъат этиб, эшик олдида тақиртукур қилиб товуш чиқарди, лекин бу Пьернинг қулоғига кирмади.

– Рухсат этасизми, извошчига жавоб бериб юборсак?

– Э, ҳа, – деди Пьер ўзига келиб, шошиб-пишиб ўрнидан тураркан. – Менга қара. – У Герасимнинг сюртуғи тугмасидан ушлаб, шавқ-завқ билан тўлган порлоқ ва нам кўзлари-ла чолга каради. – Менга қара, сен эртага жанг бўлишини биласанми? – деди.

– Шундай дейишган эди, – деб жавоб берди Герасим.

Сендан бир илтимос: менинг кимлигимни оғзингдан чиқармайсан. Мен нима десам, шуни қиласан.

– Жоним билан, – деди Герасим. – Овқатга майллари қалай?

– Йўқ, овқат керакмас, лекин бошқа нарса керак. Менга деҳқонча уст-бош билан тўппонча керак, – деди Пьер тўсатдан қизариб.

– Бош устига, – деди Герасим бир оз ўйланиб туриб.

Куннинг қолган ярмини Пьер муршидининг кабинетида, у бурчакдан бу бурчакка юриб, алланималар деб ўзи билан ўзи гаплашиб ўтказди (буни Герасим эшик орқасидан эшитиб турган эди), кечаси эса шу ерга солиб берилган тўшакда ётди.

Хизматкорлик қилиб, жуда қўп ажойиб-ғаройиб ҳодисаларни кўрган ва кўзи пишиб кетган Герасим Пьернинг бу ерга келиб қолганига сира таажжубланмади, у хатто хизматини қиладиган одам топилиб қолганидан хурсанддай эди. Ўша кечанинг ўзида, бу нимага керак экан, деб ўйлаб-нетиб ўтирмасдан Пьерга кафтан билан телпак топиб келди ва керак бўлиб қолган тўппончани ҳам эртага топиб келишга

ваъда қилди. Шу кеча Макар Алексеевич калишларини шалоплатиб, икки марта кабинетнинг эшиги ёнига келди ва мулозаматгўйлик билан Пьерга қаради. Бироқ Пьер қайрилиб қараши биланоқ, у хижолат тортган ва аччиғлангандай халатининг олдини ёпар ва шошиб-пишиб қайтиб кетар эди. Герасим топиб келган ва тозалаб берган извошчи кафтанини кийиб олган Пьер Сухарев минораси олдида тўпюнча сотиб олмоқчи бўлиб юрганида Ростовларга дуч келиб қолган эди.

XIX

Биринчи сентябрда кечаси Кутузов рус кўшинларининг Москва орқали Рязань йўли билан чекиниши ҳақида фармон берди.

Кўшинларнинг олди тунда юриш бошлади. Кечаси йўлга чиққан кўшинлар шошилмасдан, бамайлихотир бормоқда эди, бироқ тонг пайти Дорогомиллов кўпригига етганларида Москва дарёсининг нариги бетида, кўприкда тикилишиб ўтаётган, кўча ва ён кўчалардан ҳам оқиб келаётган сон-саноксиз кўшинларга дуч келиб қолишди. Бу ҳолатни кўргач, кўшинлар ҳеч қандай сабаб бўлмаса ҳам, саросимага тушди. Ҳамма олға, кўприкка қараб интилди, кўприкка, кечуларга ва қайиқларга ўзини урди. Кутузов мени Москванинг нариги тарафига орқа кўчалардан олиб ўтинг, деб буюрди.

Иккинчи сентябрда соат ўнларга бориб шаҳарнинг Дорогомиллов дарвозаси яқинидаги ялангликда кўшинларнинг фақат арьергард қисмларигина қолди, холос. Армия Москва дарёсининг нариги томони ва Москванинг у четига етиб олган эди.

Айни замонда, иккинчи сентябрь соат ўнда, Наполеон ўз кўшинлари билан бирга Поклонная тепалигида туриб қаршисида очилган манзарани томоша қилмоқда эди. 26-августдан бошлаб иккинчи сентябргача, яъни Бородино жангидан бошлаб то душман Москвага киргунга қадар, шу таҳликали унутилмас ҳафта давомида, ҳаво кишини ҳайратга соладиган даражада очик бўлди, бундай пайтларда настак

куёш баҳор офтобидан ҳам иссикроқ кизитади, камдан кам бўладиган бу мусаффо ҳаводан ҳамма нарса жилваланади, кўзни қамаштиради, хушбўй куз ҳавосидан қониб нафас олганда кишининг кўкраги хузур қилади, ҳатто тунлар ҳам илиқ бўлади, бу илиқ ва қоронғи кечаларда одамларни ҳам кўрқитиб, ҳам суюнтириб кўкда олтин юлдузлар учеди.

Иккинчи сентябрда ҳаво мана шундай эди. Тонгнинг жилваси кишини сеҳрлантирар эди. Поклонная тепалигидан қараганда Москва ўз дарёси, боғ-бўстонлари ва черковлари билан масрур ҳаёт кечираётгандай кўринар, ибодатхоналарнинг гумбазлари куёш нурида худди юлдуз каби порлаб турар эди.

Бу ажойиб ва хорикулодда услубдаги иморатлар билан тўлиб-тошган шаҳарни кўриб Наполеон ёт, нотаниш ҳаётга дуч келиб қолган киши сингари ҳаваси ва ҳасади келиб роҳатини йўқотди. Бу шаҳар, афтидан, куч-қувватга тўлиб ҳаёт кечирмоқда эди. Киши узокдан номуайян белгиларига кўра тирик жонни қандай қилиб жонсиз нарсалардан аниқ ажрата олганидек, Наполеон ҳам Поклонная тепалигидан қараб шаҳарда ҳаёт тебраниб турганини кўрди, бу кўркам ва гўзал вужудга ўхшаган шаҳар қандай нафас олаётганини сизди.

Ҳар бир рус Москвага қараркан, унинг она Ватан эканлигини сезади; унинг оналик моҳиятини пайкамайдиган ҳар бир хорижлик эса Москвага қараб, унинг латофатинигина сезиши керак, Наполеон ҳам шунини сезган эди.

– Сон-саноксиз ибодатхоналари бўлган Осиё шаҳри шу-да! Муқаддас шаҳар бўлмиш ўша машҳур Москваси шу-да!

– Пайт келди, – деб отдан тушди ва бу Москва режасини ёзиб таржимон чақиртирди. «Душман томонидан забт этилган шаҳар ифратини йўқотган кизга ўхшайди», – деди ўзича Наполеон (Смоленскда Тучковга ҳам шу гапни айтган эди). Мана шу туйғу билан Наполеон қаршисида қад кўтариб турган ва шу маҳалгача учратмаган шарқ гўзалига боқди. Кўндан бери ўйлаб юрган ва, назарида, ушалмайдигандай кўринган эски орзуси ниҳоят ушалганига ўзи ҳам таажжубланиб қолди. Мусаффо тонг ёруғида у гоҳ шаҳарга, гоҳ

режага қараб шаҳарни муфассал ўрганаркан, шундай шаҳарга эга бўлиб қолганидан ҳам юраги орзиқиб кетар, ҳам ваҳимага тушар эди.

«Бошқача бўлиши ҳам мумкинмиди? – деди ўзича Наполеон. – Мен орзу қилиб юрган ўша пойтахт ана шу-да; нима қилсанг ихтиёр ўзингда, деб оёғим остида ётибди. Ҳозир Александр қаердайкин ва нимани ўйларкин? Ажойиб, кўркем, гўзал шаҳар! Ажойиб ва дабдабали дақиқа! Уларнинг тасаввурида қандай бўлиб кўринаркинман! – деди ўз кўшинларини ўйлаб. – Мана бу нарса имони суст бўлганларга мукофот, – деб ўйлади ўз мулозимлари ва келиб саф тортаётган кўшинларга қараб. – Менинг бир оғиз сўзим, бир қўл ҳаракатим билан шоҳларнинг шундай қадимий пойтахти хароб бўлди-қолди. Лекин мен мағлублардан ҳеч қачон лутфи марҳаматимни дариг тутмайман. Мен олийжаноб бўлмоғим керак, мен ҳақиқий буюк кишиман... Йўғ-э, наҳотки мен Москвада бўлсам, бундай эмасдир, – деган фикр тўсатдан унинг хаёлига келарди. – Ахир, мана, ўз гумбазлари ва хочларини куёш нурида ярқиратиб ва жилвалантириб қаршимда тиз чўкиб турибди-ку. Аммо мен раҳми шафқат қиламан. Мен ваҳшийлик ва истибдоднинг қадимий обидаларига адолат ва шафқатнинг буюк сўзларини ёзаман... Александрга ҳаммадан ҳам кўра бу қаттиқрок ботса керак, мен уни биламан (Наполеоннинг назарида, юз берган воқеанинг энг асосий сабаби Александр билан ўзи орасидаги шахсий кураш эди). Кремль тепасидан туриб, ҳа, шу Кремль бўлади, мен уларни адолат қонунлари билан сарфароз қиламан, ҳақиқий маданият нима эканлигини уларга кўрсатаман, мен боярлар¹ авлодини ўз фотиҳларининг исмини эхтиромла тилга олишга мажбур этаман. Ҳузуримга келадиган элчиларга, мен урушмоқчи эмас эдим ва урушни истамайман, мен фақат саройларининг риёкорликдан иборат бўлган сиёсатига қарши курашдим, мен Александрни яхши кўраман ва уни эхтиром этаман, мен Москвада ўзимга ва халқларимга

¹ Бояр(лар) (русча: боярин – жангчи) – X-XVII асрларда Рус давлатида феодал жамиятининг олий табақаси уммони ва шу унвонга эга бўлган киши.

муносиб бўлган сулҳ шартларини қабул қиламан. Мен урушда қўлга киритган фатҳ-у нусратимдан фойдаланиб, мухтарам шаҳаншоҳни хўрламоқчи эмасман. Боярлар, дейман уларга, мен урушмоқчи эмасман, мен сулҳ ва амниятни ва талабаларимнинг роҳат-фароғатини истайман. Аммо шуни биламанки, уларни кўрганимда умуман руҳим кўтарилиб кетади, ҳамиша қандай мурожаат қилсам шундай равшан, дабдаба ва маҳобат билан сўзлайман. Лекин Москвани фатҳ этолганлигим ростмикин? Ҳа, мана, қаршимда турибди-ку!»

– Боярларни киргизаверинг, – деди у мулозимларига юзланиб. Генерал дарҳол ҳашаматли мулозимлари билан боярларни олиб келгани от чоптириб кетди.

Икки соат ўтди. Наполеон нонушта килиб бўлиб яна ўша ерда, Поклонная тепалигида боярларнинг йўлига кўз тутиб турди. Боярларга қарата ирод этадиган нутқи тасавурида энди пишиб қолган эди. Бу нутқ Наполеон учун тушунарли бўлган фазилат ва балоғат-ла тўлиб-тошган эди.

Наполеон Москвада кўрсатишга жазм қилган ўша олийжаноблик оҳанги унинг ўзини ҳам қизиқтириб қўйди. У ўз тасавурида шохлар касрида бўладиган йиғин кунини тайинлади, бу йиғинда рус аъёнлари француз императорининг аъёнлари билан учрашмоғи керак эди. У ўз тасавурида аҳолини жалб этишга қодир бўлган бир губернаторни тайинлади. Москвада жуда кўп хайрия ишлари муассасалари борлигини эшитиб, бу муассасаларни хайр-эҳсон билан сарафроз¹ этишини тасаввур қилди. Африкада кўчманчилар қабосига бурканиб, мачитда ўтиргани сингари, Москвада шохларга ўхшаб хайр-саховат эгаси бўлиш керак деб ўйларди Наполеон «Менинг меҳрибон волидамга бағишланган» деган сўзни эсламаса ҳеч қандай таъсирли ишни тасаввур эта билмаган француз сингари русларнинг кўнглини батамом эритиш учун барча хайрия муассасаларининг эшигига йирик ҳарфлар билан: «Менинг меҳрибон волидамга бағишланган муассаса» деган сўзларни ёздириб қўйишга

¹ Сарафроз (форсча: боши юкори кўтарилган; мағрур, гурур-ифтихорди) – бирор мартабага кўтарилган, бирор инъом билан тақдирланган, эъзоз ва эътиборга лойиқ этилган; хурсанд, шод; юксак.

аҳд қилди. «Йўқ, менинг волидамнинг уйи – деб ёзиб қўя қоламан, – деди ўзича. – Наҳотки, мен Москвада бўлсам? Ҳа, мана, Москва қаршимда турибди. Лекин нима учун шаҳар вакиллари мунча кечикипти экан?» – деб ўйларди Наполеон.

Айни замонда император мулозимларининг орқа сафида генерал ва маршаллар ҳаяжонланиб, шивирлаб кенгашмоқда эди. Шаҳар вакиллари бошлаб келиш учун кетган кишилар Москва бўм-бўш, ҳамма шаҳардан чиқиб кетибди, деган хабарни олиб келишган эди. Кенгашиб ўтирган одамларнинг ранг-кути ўчган, ҳаяжонда эди. Уларни ваҳимага солаётган нарса (бу воқеа улар учун нақадар муҳим бўлса ҳам), аҳоли Москвани ташлаб кетгани эмас, балки қандай қилиб, французлар айтганидек, император хазрати олийларини кулгили аҳволга солмасдан, унга, сиз боярларга бекор кўз тикиб ўтирибсиз, Москвада маст-аластлар оломонидан бўлак ҳеч ким йўқ, деган хабарни айтиш ваҳимаси босган эди. Бир қайси йўл билан бўлмасин, лоақал бирмунча кишини вакил сифатида йиғиб келиш керак деб айтса, бошқа бири бу фикрга эътироз билдирар, мияни ишлатиб, усталик билан императорни бу хабарга тайёрлаш, ҳақиқатни айтиш керак, деган фикрни олға сураб эди.

– Ҳар ҳолда, унга айтиш керак... – дейишарди жаноб мулозимлар. – Лекин, жаноблар... – Вазиятни мушкуллаштирган нарса шу эдики, император кўрсатмоқчи бўлган олийжаноблик режасини ўйлаб Москва режаси олдида сабр-тахаммул билан нари-бери юрар, гоҳ-гоҳ фараҳ ва гурур билан жилмайиб, қўлини пешонасига қўйиб, Москвага борадиган йўлга қараб қўяр эди.

Кулгили... деган мудҳиш сўзни айтгани журъат қилишмаётган жаноб мулозимлар елкаларини қисиб:

– Бу сира мумкин эмас... – деб қўйишарди.

Бу орада кута-кута ҳафсаласи пир бўлган император ўз актёрлик сезгиси билан тантанали дақиқа жуда узокқа чўзилганини, улуғворлигини йўқота бошлаганини пайқаб, қўли билан ишора қилди. Сигнал тўғидан отилган биттагина ўк гумбурлаб кетди-ю, Москвани ҳар томондан ўраб олган қўшинлар шаҳарнинг Тверь, Калуга ва Дорогомиллов дарво-

заси орқали Москвага бостириб кирди. Аскарлар бир-биридан ўзиб, борган сайин тезроқ юриб, ўзлари кўтарган чанг-тўзон ичида, ҳамма ёқни ғала-ғовурга тўлдирганларича, чопа-чопа борар эдилар.

Наполеон кўшинларнинг ҳаракатидан завқланиб, ўзи улар билан Дорогомилов дарвозасигача бирга келди, лекин бу ерда отдан тушиб яна тўхтади, вакилларни кутиб, Камер-коллеж девори олдида узоқ вақт юрди.

XX

Бу орада Москва бўшаб қолди. Унда одамлар бўлса ҳам, илгари яшаб келган барча аҳолининг элликдан бир қисми қолган бўлса ҳам, лекин шаҳар бўм-бўш эди. Москва худди ўлаётган ва она араси қолмаган болари қутисига ўхшаб бўшаб қолган эди.

Она араси қолмаган болари уясида ҳам сиртдан қараганда бошқа болари қутиси сингари ҳаёт бордай кўринади.

Она арасиз қолган бу қути атрофида ҳам ҳаёт қайнаб турган бошқа қутилар атрофидагидек тушки кўешнинг иссиқ шуъласида боларилар гир айланишиб учиб юради. Бошқа қутиларга ўхшаб бундан ҳам узоқдан бол хиди анқиб туради; бунга ҳам бошқа қутиларга ўхшаб боларилар кириб-чиқиб туради. Лекин синчиклаб қарашинг билан бу ерда ортиқ ҳаёт йўқлигини билиб оласан. Бу арилар ҳаёт қайнаб турган қутиларга учиб кираётган ариларга ўхшамайди, бу қутидан анқийган ҳид ҳам, чиқаётган товуш ҳам асаларичини ҳайратга солади. Илгарилари аричи қутини тақиллатса ўн мингларча ари баб-баравар гўнғиллаб, даҳшат билан найзасини ичига тортганича, тез-тез қанот қоқиб садо берар ва қути ғовурга тўларди. Энди эса аричи асалари қутисини тақиллатса, бўм-бўш қутининг ҳар ер ҳар еридан яккам-дуккам ариларнинг бўғиқ гўнғиллаши эшитилади, холос. Қутининг тегисида илгаригидай хушбўй бол ва захарнинг спиртли ҳиди анқимайди, қути тўлалигидан дарак берадиган илиқлик сезилиб турмайди, унинг ўрнига болнинг хидига қўшилиб келган рутубат ҳиди келиб туради. Қути-

нинг тешигида думини кўтариб, визиллаб, мудофаа учун ўзини қурбон қилишга тайёр турган кўрикчи арилар кўринмайди. Энди биқирлаб қайнаб турган сувни эслатадиган бир маромдаги секин садо ҳам эшитилмайди, унинг ўрнига қовушмаган, тартибсиз говушларгина эшитилади. Болга ботиб кетган қора, узун текинхўр боларилар қутига қўрқапаса, қувлик билан кириб-чиқиб туради. Улар одамни чақмайди, балки хавф-хатардан ўзини олиб қочади. Илгари боларилар қутига юк кўтариб кириб, бўш чиқиб кетса, энди бўш кириб, юк кўтариб чиқиб кетадиган бўлади. Аричи қутининг пастки қопқоғини очиб, унинг остки қисмига қарайди. Бир вақтлар меҳнат ювошлантириб кўйган, бир-бирининг оёғига ёпишиб қутининг остки қисмида ётган ва шивирлашгандай тинимсиз ун чиқариб, мум тортаётган қора семиз арилар ўрвигга қутининг остки қисми ва атрофида карахт бўлиб ётган ва қуруқшаб қолган арилар ўрмалаб юганини кўради. Илгарилари қутининг ости елим билан яхшилаб ёпиштирилган ва боларининг елпигичга ўхшаган қаноти билан тозаланган бўларди, энди эса қутининг остида мум кириндиси болариларнинг ахлати, оёқларини зўрға қимирлатаётган, бутунлай ўлган боларилар билан тўлган бўлади.

Аричи қутининг қопқоғини очиб, ичига қарайди. Уянинг ораларига ёпишиб олиб ғуж-ғуж бўлиб ётган уруғларини иситаётган боларилар ўрнига у моҳирона ва мураккаб шаклда ясалган мум катакларни кўради.

Лекин бу катаклар илгаригидай тоза ва мусаффо эмас, балки тапшандиқ ва ифлос бир ҳолга кириб қолган. Текинхўр қора арилар катаклар орасида писиб югуриб юради, уянинг қуруқшаб, кичрайган ва қариб қолганга ўхшаган ўз арилари эса ҳеч кимга халал бермасдан, ҳеч нима истамасдан, тирикликдан умид узган ҳолда, аста-секин ўрмалаб юради. Текинхўр арилар, қизил арилар, қовоқарилар ва капалаклар ҳадеб ўзини қутиларга уради. Онда-сонда ўлиб қолган болари уруғи билан асабни катаклар орасидан аҳён-аҳёнда ғазабли ғўнғиллаш эшитилиб қолади; иккита болари, эски одатига кўра, уянинг кўзларини тозалаган бўлиб, бор

кучи билан ўлиб қолган болариними, ёки қовоқариними беихтиёр ташқарига судраб чиқаради. Бошқа бир бурчакда яна иккита кекса болари ҳафсаласизлик билан бир-бири билан олишади ёки бир-бирини тозалайди, ёхуд бир-бирига овқат беради, лекин бу ишни дўстлик билан қиялтими, душманлик билан қиялтими, ўзи билмайди. Яна бир жойда бир тўда болари бир-бирини босиб, бирор боларига ёпишади, уни талашади, бўғишади. Ҳолсизланган ё ўлиб қолган болари эса патдай учиб тепадан пастга – ўликлар устига келиб тушади. Аричи уянинг кўзини кўрмоқ мақсадида унинг орасини очади. Илгари бу ерда қора ҳоллар сингари минг-минглаб ётган, орқасини бир-бирига ўгириб, ўз касб-корининг буюк сирини сақлаб келган асаларилари бўларди. Энди юзларча қарахт ва абадий уйқуга кетган боларини кўради, ҳолос. Уларнинг ҳаммаси ўзлари сақлаб келган ва энди ном-нишон қолмаган муқаддас ўринлари устида ўтириб, деярли ўлиб қолганларидан ҳам беҳабарлар. Улардан ўлим ва чириш ҳиди келиб турибди. Фақат булардан баъзи бир хили қимирлайди, туради, учади, ўлишга дармони етмай, душманининг қўлига қўниб, уни чақади, қолганларининг жасади эса, худди балиқ тангаси сингари пастга ёғилади. Аричи қути қопқоғини ёпади, устига бўр билан белги кўяди ва фурсат топилганда уни синдириб, куйдириб ташлайди.

Ҳориган, тинчини йўқотган Наполеон қош-қовоғини солиб, Камер-коллеж садди-кўрғони олдида нари-бери юриб, ўз ақидасига кўра ҳеч бўлмаса одоб юзасидан юборилиши зарур бўлган вакилларни кутганида Москва мана шу ҳолатда эди.

Одамлар Москванинг ҳар ер ҳар ерида, эски одатларини сақлаб, нима қилаётганларини ўзлари билмаган ҳолда, бекордан бекорга ивирсиб юришарди, ҳолос.

Ниҳоят Москва бўшаб қолганлиги ҳақида Наполеонга жуда эҳтиётлик билан хабар берилганда, у хабар келтирган кишига хўмрайиб қаради-ю, юзини ўгириб, иядамай юра берди.

– Экипажни олиб келинглар, – деди у. Наполеон

экипажда навбатчи адъютантнинг ёнига ўтирди ва шаҳар дарвозасига қараб йўл олди.

– Москва бўм-бўш. Ҳеч ақлга тўғри келмайдиган ҳодиса! – деди ўз-ўзича.

Наполеон шаҳарга кирмади, Дорогомилов дарвозасидаги бир карвонсаройга тушди.

– Театр томошасининг сўнгги пардаси тугамай қолди.

XXI

Рус кўшинлари кечаси соат иккидан бошлаб кундузи соат иккигача Москвадан ўтди ва шаҳарда қолган аҳоли билан ярадорларни ўзи билан бирга олиб кетди.

Кўшинлар ўтиб бораётган вақтда Каменний, Москворецк ва Яуза кўприкларида одам тикилиб, сур-сур бўлди. Кўшин Кремль атрофида иккига бўлиниб, бир қисми Москворецк, бир қисми Каменний кўприги олдида тикилиб қолганда бир талай аскар кўшиннинг тўхтаб қолганидан ва тикилишдан фойдаланиб, орқага, тепаликка қайтишди ва Василий Блаженный ибодатхонаси ёнидан, Боровицкий дарвозаси остидан пушиб, индамай Қизил майдонга чиқишди, бу ерда бировларнинг молини ўмариб кетиш мумкинлигини қайси йўл биландир сезишган эди. Бир тўда одам арзон молга чигирткадай ёпишган оломон сингари Гостиний дворнинг дўкон ва расталарини тўлдирди. Бироқ у ердан харидорларнинг диққатини жалб қиладиган ширин сўз фурушандаларнинг товуши ҳам эшитилмас, мол кўтариб юрган сотувчилар ва ҳар хил кийинган харидор аёллар оломони ҳам кўринмас, ҳамма ёқда мундир кийган аслаҳасиз аскарлар кўзга тапланар, улар жимгина растага кириб, у ердан мол кўтариб чиқишар эди. Савдогарлар ва сотувчилар (улар кўп эмас эди) гаранг бўлиб, аскарлар орасида юришар, ўз дўконларини очишар, бекитишар, дастёрлар ёрдамида молларини қаёққадир олиб кетишарди. Гостиний дворнинг майдонида довулчилар довул чалиб, аскарларни чорламоқда. Бироқ аскарлар илгаригидай, довул садоси эшитилган ерга қараб югуриш ўрнига, аксинча, бу товушдан қочи-

шарди. Дўкон ва расталарда, аскарлар орасидан кулранг кафтан кийган, сочи қирқилган одамлар кўзга ташланарди. Ильинка кўчасининг бурчагида орик бўз от миниб, мундирга шарф боғлаган бир офицер шинелли бир пиёда офицер билан нима тўғридадир гаплашмоқда эди. Буларнинг олдига учинчи бор офицер от қўйиб келди.

– Қандай қилиб бўлса ҳам, ҳаммасини бу ердан ҳайдаб чиқаринглар, деб генерал буйруқ берди. Бу қандай гап ахир, ҳеч тушуниб бўлмайди-ку! Аскарларнинг ярми тарқалиб кетибди, – деди.

Шу чоғ уянинг ёнгинасидан яроғсиз учта пиёда аскар шинелининг этагини кўтариб ўтди ва ўзини растага урди.

– Қаёққа?.. Қаёққа кетяпсизлар?.. – деб офицер ўдагайлади. – Тўхта, лаънати!

– Э, буларни йиғиб бўлармиди! – деди унга бошқа бир офицер. – Буларни йиғиб бўлмайди, тезроқ жўнаш керак, бўлмаса, қолганлари ҳам тарқалиб кетишади, бошқа чора йўқ!

– Қандай қилиб жўнаймиз? Кўприкда одам тикилиб ётибди, жилишнинг иложи йўқ. Қолганларнинг ҳам қочиб кетмаслиги учун аскарлардан коровул қўйсакмикин?

– Бориб, уларни у ердан ҳайдаб чиқаринглар! – деб катта офицер бақириб берди.

Шарф боғлаган офицер одан тушиб, довулчини чақирди ва у билан бирга растага кириб кетди. Бир нечта аскар уни кўриб қоча бошлади. Ғаразгўйлиги тўқ ва хотиржам бапшарасидан билиниб турган, бурнининг атрофини майда яра босган савдогар олифтагарчилик билан қўлини соллантириб офицер олдига келди.

– Жаноби олийлари, – деди у, – илтифот ила бизни мудофаа қилинг. Биз майда-чуйданинг юзига борадиган одамлардан эмасмиз, бажонидил! Марҳамат қилинг, ҳозир мовутдан олиб чиқаман, олийжаноб одамларга икки тўп мовут ҳади қилишга тайёрман, марҳамат! Биз-ку бунақа нарсаларнинг фаҳмига борамиз, аммо булар талончилик қилишяпти! Марҳамат қилинг! Ҳеч бўлмаса, коровул-поровул қўйинг, талашни ман қилинг...

Бир неча савдогар офицерни ўраб олишди:

– Эй, кўй бекорчи гапларни! – деди озғин, қош-қовоқ солинган бир савдогар. – Боши кесилган одам сочига ачинмайди. Ким нима истаса, олаверсин! – У жаҳл билан кўл силтаб офицерга томон қайрилди.

– Бунақанги гапларни гапириш сенга осон, Иван Сидорович, – деди ғазаб билан биринчи савдогар. – Жаноби олийлари, ўзингиз буюринг.

– Менга осон эмиш! – деб бақирди озғин савдогар. – Бу ерда, уч дўконда, менинг юз минг сўмлик молим бор. Кўшин чиқиб кетгандан кейин буни эҳтиёт қилиб бўлар эканми! Э, мўминлар, худонинг иродасига қарши чиқиб бўлмайди!

– Буюринг, жаноби олийлари, – деди биринчи савдогар икки букилиб. Офицер нима қилишини билмай, иккиланиб туриб қолди.

– Э, бор, менга нима! – деб у тўсатдан бақириб юборди ва тез-тез қадам ташлаб, олға, раста бўйлаб кетди. Эшиги очиқ турган бир дўкондан уриш ва сўкиш эшитилди. Офицер дўконнинг олдига келганда кулранг кафтан ва сочи қирқилган бир кишини дўконнинг ичидан итариб чиқаришди.

Бу одам қоматини букиб, офицер ва савдогарларнинг олдидан лип этиб ўтиб кетди. Офицер дўкон ичидаги аскарларнинг устига бостириб кирди. Бирок шу он Москварецк кўприги томонидан каттакон оломоннинг даҳшатли ҳайкириги эшитилди, офицер майдонга қараб югурди.

– Нима гап? Нима гап? – деб сўради офицер, бирок унинг шериги Василий Блаженный ибодатхонаси ёнидан от чоппириб, ҳайкирик чиққан томонга кетиб қолди. Офицер отига миниб, шериги кетидан жўнади. Кўприкка етиб келганда у қўшиндан ажратиб олинган икки тўпни, кўприкдан ўтаётган пиёда аскарларни, ағдарилиб ётган бир неча аравани, ваҳимага тушган бир нечта одамни ва кулаётган аскарларни кўрди. Тўпларнинг ёнида қўш от қўшилган бир арава турарди. Араванинг кетида, ғилдираклар орқасида бўйнига қайиш боғланган тўртта този ит бир-бирларига қапишиб туришар эди. Аравага тоғдай қилиб юк ортилган, юкнинг устида оёғини осмонга қилиб қўйилган студча ёнида бир

хотин ўтирар ва қулоқларни коматга келтириб чинкирарди. Офицернинг шериклари нима учун оломон шовқин қилаётгани ва бу хотин қий-чув кўтариб додлаётганининг сабабини гапириб берди: генерал Ермолов кўприк бошига келиб, аскарлар ўзини дўконларга урганини, шаҳар аҳолиси кўприкда тикилишиб ётганини кўриб, кўприкни ўққа тутамиз, тўплар тўгрилисин, деб ёлғондан буйруқ берибди. Ўтакаси ёрилган оломон араваларни ағдариб, бир-бирини босиб-янчиб, жони борича қичқирганича кўприкни бўшатишибди ва кўшинлар ўтиб кетишибди.

XXII

Бу орада шаҳар батамом бўшаб қолди. Кўчаларда деярли одам йўқ. Дарвозалар ҳам, дўконлар ҳам берк, онда-сонда, ковокхоналар атрофида яккам-дуккам қичқирик, ё маст-аластларнинг ашуласи эшитиларди, холос. Кўчаларда от-улов ҳам кўринмасди, пиёдаларнинг қадам товуши ҳам аҳён-аҳёнда эшитиларди. Поварская кўчаси жимжит ва бўм-бўш. Ростовларнинг каттакон қўрасида хашақларнинг ниш-хўрди, жўнаб кетган от-уловларнинг тезағи ётар, аммо одам зотидан ҳеч ким кўринмасди. Ростовларнинг бутун жиҳози билан қолган ҳовлисидаги катта меҳмонхонада икки киши қолган, холос. Булар қоровул Игнат ва Васильичнинг Москвада бобоси билан қолган невараси, хизматкор бола Мишка эди. Мишка клавикорднинг¹ қопқоғини очиб, битта бармоғи билан чалиб ўтирганди. Қоровул Игнат қўлларини белига қўйиб, каттакон ойна олдида тиржайиб турар эди.

– Игнат амаки! Қаранг, жуда осон экан-ку! – деди Мишка бирдан иккала қўли билан клавикордни чалиб.

Игнат борган сари кўпроқ оғзи қулоғига етаётганини ойнадан кўриб таажкубланаркан:

– Ҳа, бола тушмагур-эй! – дея отган эди.

Шу чоғ секин уйга кирган Мавра Кузьминишнанинг товуши орқадан эшитилди.

¹ Клавикорд – ҳозирги пианинога ўхшаган мусиқа асбоби.

– Ҳа, шармандалар! Ҳа, уяти йўқлар! Вой, безбет-э, тишининг оқини кўрсатади-я! Шу қилган ишларингга сизларни нима қилсам бўларкин? Нарсалар у ёқда йиғиштирилмай ётибди, Васильич оёқдан қолди! Шопмай туринглар ҳали, сенларни нима қиламан!

Игнат лаб-даҳанини йиғиштирди, қайишини тўғрилаб кўйди-да, итоаткорона бош эгиб, уйдан чиқиб кетди.

– Холажон, мен астагина чаламан, – деди бола.

– Астагина чалишни мен сенга кўрсатиб кўяман, шумтака! – деди ўдағайлаб Мавра Кузьминишна. – Бор, бобонгга самовар қўй.

Мавра Кузьминишна клавиқорднинг чангини артиб, қопқоғини ёпди, оғир хўрсиниб меҳмонхонадан чиқди ва эшигини қулфлаб олди.

Ҳовлига чиққандан сўнг Мавра Кузьминишна нима қилсам экан: флигелга кириб Васильич билан чой ичсаммикан, ё омборхонада қолган нарсаларни саранжомлаб олсаммикан, деб ўйланиб қолди.

Жимжит кўчадан бир кишининг тез-тез юриб келаётгани эшитилди. Киши эшик олдига келиб тўхтади, эшикнинг ҳалқасини тақиллатиб оча бошлади.

Мавра Кузьминишна эшик олдига борди.

– Ким керак?

– Граф Илья Андреевич Ростов керак эдилар.

– Ўзингиз ким бўласиз?

– Мен офицерман. У кишида ишим бор эди, – деди эшик орқасидан боёнларга хос ёқимли рус товуши.

Мавра Кузьминишна дарвозани очди. Ҳовлига ўн саккизларга кирган, қулча юз, турқи Ростовларнинг турқиға ўхшаган ёш офицер кирди.

– Улар кетдилар, бўтам. Кеча кечки пайт кетувдилар, – деди Мавра Кузьминишна мулойимлик билан.

Ёш офицер тилини тақиллатиб, иккиланганича эшик олдида туриб қолди.

– Ҳай аттанг! Кеча келсам бўлар экан. Ҳай аттанг!

Бу орада Мавра Кузьминишна ёш офицернинг Ростовлар турқиға ўхшаган башарасига, йиртилган пинелига,

оёгидаги попнаси сйилган этигига диққат билан ачиниб қараб чиқди.

– Граф нима учун сизга керак бўлиб қолувди? – деб сўради Мавра Кузьминишна.

Офицер афсуслангандай:

– Ҳа энди... Начора! – деб кетмокчи бўлгандай эшикнинг қабзасини ушлади. Бироқ иккиланиб, яна тўхтади.

– Биласизми? – деди у тўсатдан. – графга қариндош бўламан, у киши ҳеч қачон мендан ўз лутф-марҳаматларини дариг тугмас эдилар. Мана, кўряпсизми (у софдил, кувнок табассум-ла плашч ва этигига ишора қилди) ҳаммаси йиртилиб кетди, пул ҳам қолмади; мен графдан илтимос қилиб...

Мавра Кузьминишна унинг сўзини оғзидан олди.

– Бир дақиқагина сабр қилинг, бўтагинам. Бир дақиқа, – деди у. Офицер кўлини эшик қабзасидан олиши биланок Мавра Кузьминишна бурилди ва кампирларга хос чаққонлик билан орқа томондаги кўрага, ўз флигелига қараб кетди.

Мавра Кузьминишна ўз флигелига томон югуриб кетгандан сўнг офицер бошини қуйи солиб, йиртилиб кетган этикларига хиёл жилмайиб қараркан, ховлида у ёқдан бу ёққа юра бошлади. «Афсуски, амакимни кўролмадим-да. Жуда меҳрибон кампир экан! Қайёққа югуриб кетди? Ҳозир полким Рогожская кўчасига етиб келгандир, қайси кўча билан борсам яқинроқ экан, кимдан сўрай?» – деб ўйларди ёш офицер. Юзида ҳам қатъият, ҳам ҳуркаклик ифодаси бўлган Мавра Кузьминишна қўлида катак рўмолчага ўроғлик тугунча билан муюлицдан чиқди. У офицер йигитдан уч-тўрт кадам берирокда тугунчани очиб ундан йиғирма беш сўмлик пулни чиқарди-да, шошиб-пишиб офицерга узатди.

– Жаноби олийлари уйда бўлсалар, албатта, қариндошлик юзасидан сизни хурсанд қилар эдилар, балки энди...

– Мавра Кузьминишна уялганидан гапини йўқотиб қўйди. Аммо офицер йўқ демасдан, шошилмай пулни олди ва Мавра Кузьминишнага ташаккур баён этди. – Граф уйда бўлганларида... – дерди ҳамон Мавра Кузьминишна узр сўраб. – Худо ёрингиз бўлсин, бўтам! Худо сизни ўз паноҳида сақласин, – деди Мавра Кузьминишна таъзим билан офицер-

ни кузатаркан. Офицер худди ўз аҳволига қулгандай, илжа-йиб, бош чайқаб, кимсасиз кўчадан югурганича ўз полки кетидан Язуа қўпригига томон кетди.

Нотаниш ёш офицерга нисбатан тўсатдан юрагида оналик меҳри туғилган Мавра Кузьминишна унга ачиниб, кўзларига ёш олиб, ёшиқ эшик олдида узок вақт ўйланиб қолди.

XXIII

Варварка кўчасида ҳали қурилиб битмаган бинонинг пастки қаватидаги майхонада маст одамларнинг қийқириғи ва ашуласи эшитиларди. Унча катта бўлмаган ифлос уйда, столлар атрофидаги ўриндиқларда ўнтача фабрика ишчиси ўтирарди. Уларнинг ҳаммаси маст, терга пишган, кўзлари хира, оғизларини катта очиб, аллақандай бир ашулани кучаниб айтишарди. Улар ҳар қайсиси қийналиб, кучаниб, афтидан, ашула айтгиси келгани учун эмас, балки мастли-гини ва вақтихушлиқ қилаётганини исботлаш учунгина пойма-пой ашуда айтмоқда эди. Буларнинг тепасида озода-гина кўк камзул кийган, сариқ соч, новча бир йигит турар эди. Агар қимтиниб турган юпка лаблари доимо ҳаракатда бўлмаса, кўзлари тўнғиб келгандай хира, ўкрайган бўлма-ганда кирра бурни ва юзини чиройли деса бўларди. Бу йигит ашула айтаётган кишиларнинг тепасида тураркан, ўзича ниманидир тасаввур қиларди, шекилли, энги тирсагигача шимарилган оппоқ кўлини одамларнинг боши узра олифтагарчилик билан бесўнақай силкитар, кир панжаларини ғалати қилиб кериб қўяр эди. Йигитнинг шимарилган энги хадеб тушиб кетар, йигит худди томирлари бўртиб чиққан ва силкиб турган бу оппоқ кўли япалоқ бўлса бир нима бўла-дигандай зўр бериб чап кўли билан уни шимариб қўярди. Ашуланинг ўртасида дахлиздан ва зинапоядан ёқалашаётган кишиларнинг бакириши ва гурсуллаб уриши эшитилди. Баланд бўйли йигит кўл силтаб:

– Бас! – деб қичқирди. – Муштлаш бўляпти йигитлар! – деб у энгини шимара-шимара зинапояга чикди.

Фабрика ишчилари унинг кетидан чиқишди. Новча йигитнинг бошчилигида бугун эрталаб майхонада майхўрлик қилган фабрика ишчилари майхонага фабрикадан кўн олиб келишган ва буниги эвазига майхоначи уларга вино берган эди. Кўшни темирчилик дўконидаги темирчилар майхонадан чиқаётган кий-чувни эшитиб, майхонани талашяпти деб гумон қилишган ва унга зўрлаб бостириб киришмоқчи бўлган эди. Майхонанинг бўсағасида ур-йиқит бошланди.

Майхоначи эшик олдида бир темирчи билан олишаётган эди, фабрика ишчилари ичкаридан чиққанда темирчи майхоначининг қўлидан чиқиб кетди ва тош йўлга юзтубан йиқилди.

Бошқа бир темирчи кўкраги билан майхоначини итариб, эшикка томон интилаётган эди.

Енги шимарилган йигит кела солиб эшикка тармашаётган темирчини юзига кулочкашлаб бир урди-да, ваҳимали товуш билан бақирди:

– Йигитлар! Бизникиларни уришаётибди!

Шу чоғ ҳалиги темирчи ердан турди-ю, дабдала бўлиб кетган юзидаги қонни бетига суртиб, йиғламсираб қичқирди:

– Вой дод? Ўлдиришди?.. Одам ўлдиришди! Биродарлар!

Кўшни дарвозадан чиққан бир аёл жони борича чинқириб:

– Вой дод, бу қандай бедодлик, уриб ўлдиришди! – деб фарёд кўтарди. Қонга беланган темирчи атрофига бирпасда одам йиғилди.

– Халойикни ғорат қилганинг, устидаги кийимини ечиб олганинг озлик килувдими! – деб оломон орасидан бир киши майхоначига ўдағайлади. – Бу бечорани нега ўлдирдинг? Қароқчи?

Новча йигит зинада туриб, худди энди қайси бири билан ёқалашсам экан, дегандай хира кўзлари билан гоҳ майхоначига, гоҳ темирчига жовдираб қарар эди.

– Қотил! – деб у тўсатдан майхоначига бақирди, – ушланглар, қўлини боғланглар!

Майхоначи устига бостириб келаётган фабрика ишчиларига сўз бермай:

– Қани, боғлаб кўр-чи! – деб қичқирди ва бошидан шапкасини олиб ерга отди. Унинг бу иш-худди таҳликали бўлгандай, майхоначини ўраб олган фабрика ишчилари иккиланиб қолишди.

– Қонун-қонидани, биродар, мен жуда яхши биламан. Ҳозир миришабга арз қиламан. Боролмайди деб ўйлайсанми? Талончилик қилгани ҳозир ҳеч кимга йўл қўйилмайди! – деб қичқирди майхоначи шапкасини ердан олиб.

Новча йигит билан майхоначи бир-бирига сўз бермай:

– Майли, юр, сени қара-ю! – дейишди-да, иккаласи баравар йўлга тушди. Қонга беланган темирчи бирга кетди. Фабрика ишчилари билан йиғилган халойиқ гала-ғовур кўтариб уларга эргашди.

Маросейка кўчасининг муюлишида этикдўзлик вивескаси қоқилган, дарпардалари берк, каттакон бинонинг рўпарасида йиғирматача халат ва йиртиқ камзул кийган, озғин ва ҳорғин этикдўз мунғайиб туришар эди.

Ўзи озғин, соқоли сийрак, қош-қовоғи уйилган бир этикдўз дерди:

– Бу лаънати, халқни пулини бермай кетди-я! Қонимизни сўриб-сўриб, ўзи қочди-кетди. Бир ҳафтадан бери бизни алдаб келаётган эди. Эндиликда бизни бир тийинсиз қолдириб, ўзи жўнади-кетди.

Гапираётган этикдўз қонга беланган темирчи ва халойиқни кўриб жим бўлди, қолган этикдўзлар ҳам дарров қизяқиб, келаётган халойиққа кўшилишди.

– Бу одамлар қаёққа боряптийкин?

– Қаёққа борар эди, бошлиқлар олдига-да.

– Бизникиларнинг уларга кучи етмагани ростмикин-а?

– Сен нима деб ўйлаган эдинг! Ана, кулоқ сол, одамлар нима деяпти.

Савол-жавоблар эшитила бошлади. Майхоначи оломоннинг кўпайганидан фойдаланиб, одамлардан орқада қолди ва қайтиб ўз майхонасига кетди.

Новча йигит ўз душмани – майхоначининг жўнаб қолга-

нидан беҳабар яланғоч кўлини силкита-силкита тинмасдан жаврар ва шу билан бошқаларнинг диққатини ўзига жалб этарди. Халойиқ барча саволларга шу одамдан жавоб олиш мумкин бўлса керак, деган умидда уни ўраб олди.

– Тартибни, қонун-қондани кўрсатсин-да. Уни шунинг учун бошлиқ қилиб қўйишган! Шундоқ эмасми, насро-нийлар? – деди новча йигит хиёл жилмайиб.

– У бошлиқ йўқ деб ўйлайди, шекилли? Бошлиқсиз бўларканми? Бўлмаса, ҳамма ёкни гонат қилиб кетишади-ку.

– Бекорчи гашларни қўйсанг-чи! – деди кимдир оломон орасидан. – Москвани шундоқ ташлаб кетаверишадими! Сенга ҳазиллашиб айтишса, сен дарров ишонибсан. Қанчадан қанча қўшинларимиз келяпти, душманнинг киришига йўл қўймайди! Бошлиқ бўлгандан кейин эплайди-да! Ана, кулоқ сол, халойиқ нималар деяпти! – дерди новча йигитга ишора қилиб.

Хитой-шаҳар кальсани девори ёнида яна бир гуруҳ одам кўлида қоғоз ушлаб турган фриз шинелли кишини ўраб олишди. Оломон орасидан:

– Буйруқ, буйруқ ўқишяпти! – деган садо эшитилди-ю, халойиқ, қоғоз ўқиётган киши томон ўзини урди.

Фриз шинель кийган киши 31-августда босилиб чиққан афишани ўқимокда эди. Одамлар ўраб олишганда у бир оз довдирагандай бўлди-ю, бироқ одамларнинг орасидан йўл очиб, олдинга ўтиб олган новча йигитнинг талабига кўра, сал-пал қалтираган товуш билан афишани бошидан ўқиди.

«Мен эрта эрталаб аъло ҳазрат князнинг ҳузурига бораман, – деб ўқий бошлади (новча йигит илжайиб, қошларини чимириб «аъло ҳазрат» сўзини тантанали тарзда тақрорлади). – У билан гаплашиб, иш кўраман ва бадкирдорларни қириб ташламоқ учун қўшинларга ёрдам бераман, биз ҳам уларнинг уругини... – деб давом эттирди, сўнгра тўхтаб қолди. («Эшитяпсанми? – деб қичқирди новча йигит голибона. – У адабларингни бериб қўяди...»). – Уларнинг уругини қуритамиз ва бу меҳмонларни асфаласофилинга жўнатамиз, мен туш пайти қайтиб келаман ва ишга киришиб, у қилиб бу қилиб, бу нобакорнинг таъзирини берамиз».

Сўнгги сўзлар ўқилаётганда ҳеч ким чурк этмади. Новча йигит хафа бўлиб, бошини қуйи солди. Сўнгги сўзларнинг маъносига ҳеч ким тушунмагани очик-ойдин кўриниб турарди. Айниқса, «мен эрта туш пайти келаман» деган сўз афиша ўқиётганни ҳам, тингловчиларнинг ҳам дилини сиёҳ қилганга ўхшарди. Халойиқ баландпарвоз сўзларни эшитиш орзусида эди, аммо афишада ёзилган сўзлар жуда оддий ва керагидан ортиқ тушунарли эди; бундай сўзларни айтиш буларнинг ҳар бирининг қўлидан келарди ва шунинг учун ҳам юқоридан, олий ҳокимиятдан келган бунақанги буйруқ буларни қаноатлангирмади.

Ҳамма тарвузи қўлтиғидан тушиб, жимиб қолди. Новча йигит ўзича пичирлаб, гандираклаб турарди.

– Унинг ўзидан сўраш керак!.. Шу одам унинг ўзими?.. Албатта ўзидан сўраш керак!.. Сўрамай бўларканми... Ўзи йўл-пўл кўрсатар... – деган товушлар оломоннинг орқа томонидан эшитилди, икки отлик драгун ҳамроҳлигида, енгил аравада майдонга кириб келган полиция бошлиғи ҳам унинг диққатини ўзига жалб қилди.

Полиция бошлиғи бугун эрталаб графнинг буйруғига биноан юк кемаларига ўт қўйгани бориб келган, бу топшириқ туфайли қўлга киритган катта маблағ ҳозир унинг чўнтагида эди. У ўзига томон келаётган оломонни кўриб, кучерни тўхтатди.

– Нима қилиб юрибди бу одамлар?! – деб бақирди у кўрка-писа, бирин-кетин аравага томон келаётган одамларга қараб. – Булар кимлар? Сизлардан сўраяпман? – деди полиция бошлиғи жавоб ололмагандан сўнг.

– Булар, жаноби олийлари, – деди фриз шинель кийган маъмур, – булар жаноби олийлари, жонларини аямай аъло ҳазрат графнинг буйруғига мувофиқ хизмат қилишни истайдилар, бу исён эмас, аъло ҳазрат графнинг сўзларига мувофиқ...

– Граф жўнаб кетганлари йўқ, у киши шу ерда, сиз хусусингизда бирор кўрсатма бўлар, – деди полиция бошлиғи. – Кетдик! – деди у кучерга. Оломон полиция бошлиғининг сўзини эшитган кишилар атрофига тўпланиб, ғилди-

раб кетаётган дрозканинг¹ кетидан қараб қолди.

Шу чоғ полиция бошлиғи ҳадиксираб, қайрилиб қаради, кучерга бир нима деган эди, отлар жадал юриб кетди.

Новча йигитнинг овози янгради.

– Йигитлар, бизни алдашяпти! Каттақоннинг олдига оборсин! Йўлини тўсинглар, йигитлар! Аввал бизга ҳисоб берсин! Ушланглар! – деб халойиққа қичқирди. Оломон арава кетидан югурди.

Оломон полиция бошлиғининг кетидан кий-чув кўтариб, Лубянкага қараб кетди.

Оломон орасидан:

– Бу қандоқ бўлди, хўжайинлар билан савдогарлар жўнаб кетишяпти, биз эса қолиб кетаверамизми? Нима, биз итмидик! – деган садолар борган сайин баландроқ янграй бошлади.

XXIV

Граф Растопчин биринчи сентябрь кечки пайт, Кутузов билан учрашганидан сўнг ҳарбий кенгашга чақирилмагани, пойтахтнинг мудофаасига иштирок этиш хоҳишини билдирганида Кутузов бунга аҳамият бермагани учун ранжиб ва хўрлиги келиб Москвага қайтди, уни жуда хайратга солган, ҳақоратланган ва дилини сиёҳ қилган нарса бош қароргоҳда пайдо бўлган янги нуқтаи назар эди, бу нуқтаи назардан пойтахтнинг осойишталик масаласи ва аҳолисининг ватан-парварлиги иккинчи даражадаги масалагина эмас, ҳатто тамоман кераксиз беҳуда ҳисобланарди. Граф кечки овқатдан сўнг ечинмасдан диванга чўзилди, соат бирларда Кутузовдан мактуб келтирган чопар уни уйғотди. Мактубда кўшинлар Москванинг нариги тарафига, Рязачь йўлига чекинмоқда, кўшиннинг шаҳардан чикиб кетишини таъминлаш учун граф заҳмат чекиб, полиция маъмурларини юборсалар қалай бўларкин, деб ёзилган эди. Бу хабар Растопчин учун янги эмасди. Граф Москва кўлдан кетишини кеча кечкурун

¹ Дрозка – пойга араваси.

Кутузов билан Поклонная тепалигида учрашганида эмас, хатто ундан олдинроқ билган эди, Бородино жангидан сўнг Москвага келаётган барча генераллар душман билан бўлак жанг қилиб бўлмаслигини бир оғиздан тасдиқлашган, ҳар кеча графнинг ижозати билан давлат мол-мулки шаҳардан ташилмоқда, аҳолининг ярмидан кўпи чиқиб кетган эди, граф РаSTOPчин Москва ташлаб кетилишини биларди, лекин шундай бўлса ҳам, Кутузовдан ярим кечаси, энди уйкуга кирган вақтда олинган мактуб шаклидаги бу буйруқ уни ҳайратга солди ва ғашини келтирди.

Кейинчалик граф РаSTOPчин ўша вақтдаги фаолиятини изоҳларкан, ўз хатларида ўша кунлари икки муҳим мақсадни кўзда тутганини бир неча марта ёзган эди: Москвада осойишталик сақламоқ ва аҳолини жўнатиб юбормоқ. Агар шу иккала мақсад кўзда тутилганлигига ишонсак, РаSTOPчиннинг ҳамма хатти-ҳаракати ўринлидир. Нима учун Москвадаги муқаддас нарсалар, яроғ-аслаҳалар, ўк-дорилар, захира донлар олиб чиқиб кетилмади, нима учун Москва душманга берилмайди, деб мингларча аҳоли алданди ва талон-торож қилинди? Бу саволга граф РаSTOPчин пойтахтда осойишталикни сақламоқ мақсадида қилинди, деб жавоб беради. Нима учун идоралардаги той-той бекорчи қоғозлар, Леппихнинг ҳаво шари ва бошиқа нарсалар олиб чиқиб кетилди? Шаҳарни бўшатмоқ мақсадида қилинди, деб жавоб беради граф РаSTOPчин. Агар аҳолининг осойишталигига бирор нима таҳдид этган деб фараз қилсак, унда РаSTOPчиннинг ҳар қандай фаолияти ўринли бўларди.

Барча даҳшатли хунрезликлар факат халқ осойишталигини таъминлаш мақсадида қилинди, деган далил келтирилади.

Нима учун граф РаSTOPчин 1812-йилда Москвада халқ осойишталигининг бузилишидан кўрқар эди? Нима учун халқ ғалаён кўтариши мумкин деган хаёлга борган эди? Аҳоли жўнамоқда, кўшинлар орқага чекиниб, шаҳарни тўлдирган эди. Нима учун бунинг оқибатида халқ ғалаён кўтариши керак эди?

Факат Москвада эмас, Россиянинг бирор шаҳрида ҳам

душман бостириб кирган чоғда исёнга ўхшаш бирор ҳодиса юз бергани йўқ-ку! 1-2-сентябрда Москвада ўн мингдан ортиқроқ одам қолган. Бош қўмондоннинг ҳовлисига тўпланган ва уни ўзи тўплаган одамлардан бўлак ҳеч қандай оломон йўқ эди. Бородино жангидан сўнг Москвани ташлаб кетиш эҳтимолга яқин бўлиб қолгандан кейин Растопчин яроғ-аслаҳа улашиш ва афиша ёзиш билан халқни ҳаяжонга солиш ўрнига, Москвадаги барча муқаддас нарсалар, ўқдорилар ва пулларни олиб чиқиб кетиш тadbирини кўрса эди ва шаҳар душманга қолдирилади, деб очик-ойдин айтса эди, халқнинг исён кўтариши яна ҳам эҳтимолдан йироқ бўлар эди.

Жиззаки ва таъсирчан Растопчин ҳаминша давлатнинг юксак доираларида юрган, гарчи ватанпарварлик туйғусига эга бўлган бўлса ҳам, лекин идора қилмоқчи бўлган халқни ҳақида тарикча тасавури йўқ эди. У душман Смоленскка бостириб кирган кундан бошлаб ўз хаёлида ўзини халқ туйғусига

Россия халқига раҳбарлик қиладиган сиймо деб тасаввур қилди. Назарида, Москва аҳолисининг фақат зоҳирий фаолиятига эмас (ҳар бир маъмур ҳам шундай деб ўйлайди), халқни ўз хитобнома ва афишалари орқали унинг ички туйғусига ҳам раҳбарлик қиладигандай эди, ваҳоланки, афишалар бемаъни тилда ёзилган бўлиб, халқ ўз доирасида бу тилни масҳара қилади ва юқори табақадан эшитганида унга тушунмайди. Халқ ҳиссиётига раҳбарлик қилиш каби чиройли ролни ўйнаш Растопчинга шу қадар ёқиб қолган, бунга шу қадар ўрганган эдики, бу ролдан чиқиб зарурати, ҳеч қандай қаҳрамонлик кўрсатмасдан туриб, Москвани ташлаб кетиш зарурати уни гангитиб қўйди, тўсатдан таянчини йўқотди ва нима қилишини билолмай қолди. Москва ташлаб кетилишини билса ҳам, лекин сўнгги дақиқагача дилида бунга ишонмай, шу важдан ҳеч қандай тadbир кўрмади. Шаҳар аҳолиси унинг хоҳишига қарамай чиқиб кетмоқда эди. Идоралар эса фақат идора маъмурларининг талабига биноан кўчиртирилмоқда ва граф бунга истар-истамас рози бўлмоқда эди. Унинг ўзи ўйнамоқчи бўлган роли билангина банд

эди, холос. Жүшқин хаёл эгаси бұлган кишилар сингари Растопчин Москва ташлаб кетилишини аллақачонлардан бери биларди, аммо фақат ўз тасавурида биларди. Лекин бунга чин юракдан ишонгиси келмас ва бу ҳолатни кўз олдига келтирмас эди.

Унинг бутун фаолияти, кўрсатаётган барча сабъ-ҳаракати (халққа қай даражада фойдали экани ва қанчалик таъсир қилгани ҳақида гапирмаймиз), барча фаолияти фақатгина аҳоли қалбида, ўз қалбидаги сингари душманга нисбатан ватанпарварона нафрат ва ишонч туйғуси кўзғатмоққа қаратилган эди.

Бироқ воқеа ҳақиқий, тарихий бир фурсат касб этганда, французларга нисбатан нафрат туйғусини фақат сўз билан ифодалаш қифоя қилмай қолганда, бу нафратни ҳатто жанг билан ифодалаш имкониятдан йироқ бўлганда, Москва масаласига келганда халқнинг ўзига бўлган ишончи иш бермай қолганда, бутун аҳоли уй-жойини ташлаб, бир жон бир тан бўлиб Москвадан чиқиб кетганда ва бу салбий ҳаракат билан ўз ватанпарварлик туйғусининг барча кучини кўрсатганда Растопчин таллаган роль бирдан маъносиз бўлди-қолди. Растопчин тўсатдан ўзини таянчсиз қолган, кулгили ҳолатга тушганлиги, ёлғизлиги ва заифлигини сизди.

Растопчин кечаси уйғониб Кутузовнинг буйруқ шаклида ёзилган совуқ хатини олганда жон-пони чиқди, у қанчалик ўзини гуноҳкор сезса, шунчалик ғазабланарди. Унга топширилган барча нарсалар, у жўнатиши керак бўлган барча подшолик буюмлари Москвада қолиб кетмоқда эди. Энди буларни олиб чиқиб кетиш имконсиз эди.

«Ким бунга айбдор, ким ишни шу даражага етказди? – деб ўйларди Растопчин. – Албатта, мен эмас. Мен ҳамма нарсани гайёрлаб қўйган эдим, мен Москвани мана шундай ушлаб турган эдим! Улар ишни хароб қилди-қўйди. Малъунлар, хоинлар!» деб ўйлар, лекин бу малъун ва хоинлар кимлар эканлигини ўзи ҳам яхши билмас, аммо унинг шу сохта, кулгили аҳволга тушишига сабабчи бўлган аллақандай хоинлардан нафратланиш заруратини сезарди.

Туни бўйи граф Растопчин Москванинг тўрт томонидан

хузурига келган кишиларга амр-фармонлар берди. Графга яқин бўлган кишилар ҳеч қачон уни бунчалик қовоғи осилганини ва аччиқланганини кўрмаган эди.

«Жаноби олийлари, вотчина¹ департаментидан² келишибди, директор буйруқ олиб келгани юборибди... Консистериядан³, сенатдан, университетдан, тарбия билим юртдан одам келди... Викарний⁴ киши, юборибди... сўраяпти... Ўт ўчириш гуруҳидан келибди, қандай буйруқ берадилар? Қамокхона нозир... жиннихона нозир...» – тун бўйи графга маълумот бериб турдилар.

Граф барча бу саволларга қисқа-қисқа, жеркиб жавоб қайтарар, шунинг билан менинг буйруғим энди керакмас, шунча меҳнат қилиб тайёрлаган ишимни кимдир барбод қилди, энди юз берган ҳодисанинг барча масъулияти ўша одамнинг бўйнида, демоқчи бўлар эди.

– Ўша каллаварамга айт, – деди граф вотчина департаментидан келган кишининг саволига жавобан, – ўша ерда қолиб, қоғозларни эҳтиёт қилсин. Ёнғин ҳақидаги буйруқ ҳақида нима балолар деясан? От бўлса бор, Владимирга жўнаб кетаверсин-да. Французларга ташлаб кетиб бўлмайди-ку.

– Жаноби олийлари, жиннихона нозир келибди, нима деб жавоб берайлик?

– Нима деб жавоб бераман? Ҳаммаси жўнайверсин, вассалом! Жинниларни шаҳарга қўйиб юборишсин, армияга жиннилар кўмондонлик қилиб турган бир пайтда кўчани жинни босса ҳечкиси йўқ.

– Қўл-оёғига кишан солинган зиндон маҳбусларини нима қилайлик, – деб сўраганда граф қамокхона нозирига бақириб берди.

¹ Вотчина – отамерос мулк (XII-XVIII асрларда Россияда).

² Департамент (французча: департемент – бошқарма, идора) – 1) Францияда ва бошқа айрим мамлакатларда энг йирик маъмурий-ҳудудий бирлик; 2) баъзи мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда, маҳкама, идора ва вазирликлар ёки улар таркибидagi бўлинмаларнинг номи(бу ерда шу маънода); 3) баъзи халқаро ташкилотларнинг бўлими ва шохобчалари.

³ Консистерия – Консистерия – Архиререй хузуридagi суд органи.

⁴ Викарний – рухонийларнинг гайрирасмий унвони.

– Нима қилай, ихтиёримда бўлмаган аскарлардан икки батальонни соқчи қилиб берайми? Қўйиб юборавер, вассалом!

– Жаноби олийлари, уларнинг орасида сиёсий маҳбуслар – Мешков ва Верешчагинлар бор.

– Верешчагин дейсанми? У хали ҳам осилгани йўқми? – деб қичқирди граф. – Олиб кел ҳозир!

XXV

Эрталаб соат тўққизларга бориб қўшинлар Москва орқали ўтиб кета бошлагандан сўнг ҳеч ким амр-у фармон олиш учун граф олдига келмади, кетишга қодир бўлган кишилар ўзлари жўнаб кетишди, қолганлар эса нима қилиш кераклигини ўзлари хал этишди.

Граф Раstopчин Сокольниковига бормоқчи бўлиб от сўради ва қош-қовоғи солинган, ранги саргайган ҳолда ўз кабинетида индамай қўл қовуштириб ўтирди.

Тинчлик, осойишталик дамларда ҳар бир маъмур идорамдаги халқ фақат менинг зўрим билангина ҳаракат қилади деб ўйлайди ва ўзининг жуда зарурлигига иқроор бўлишни ҳар бир маъмур ўз меҳнати ва жадд-у жаҳди учун энг юксак мукофот деб билади. Тарих денгизи пўртанасиз, тинч бўлган чоғларда шарти кетиб, парти қолган қайиқ-часини эшкак дастаси-ла халқ кемасига тиркаб кўйган ва ўзи бирга ҳаракат қилаётган маъмур қайиғи тиркаб қўйилган кема унинг зўри билан ҳаракат қилмоқда деб ўйлаши мумкин. Бироқ пўртана кўтарилиб, денгиз чайқалиши ва кема ўз бошига ҳаракат қилиши биланоқ масала ойдинлашди-қолди. Кема зўр суръат билан ўз йўлида давом этади, лангарчўп юриб бораётган кемага етмайди, маъмур тўсатдан ҳукмфармон ва куч-қувват манбаидан ҳеч нарсага арзимайдиган кераксиз, заиф кишига айланади.

Раstopчин шу нарсани сезмоқда ва шу нарса унинг гашига тегмоқда эди.

Оломон тўхтатган полиция бошлиғи, от тайёр деб келган адъютант граф хузурига бирга киришди. Иккала-

сининг ҳам рангида ранг қолмаган эди. Полиция бошлиғи берилган топшириқ бажарилганлиги хақида маълумот берганидан сўнг графнинг ҳовдисида халойиқ йиғилиб турганини, графни кўрмоқчи эканини айтди.

Граф унга ҳеч жавоб қайтармасдан ўрнидан турди-да, тез-тез одим отиб, ёруғ ва муқташам меҳмонхонасига кирди, балкон эшиги олдига бориб, эшикнинг қабзасини ушлади-ю, яна уни қўйиб юбориб, дераза олдига борди, деразадан бутун халойиқ яққол кўринар эди. Новча йиғит олдинроқда турар, жиддий қиёфада кўлини пахса қилиб, алланима дер эди. Қонга беланган темирчи шумпайиб унинг ёнида турарди. Оломоннинг ғала-ғовури берк деразадан эшитилмоқда эди.

– Экипаж тайёirmi? – деди граф Растопчин деразанинг олдидан нари кетиб.

– Тайёр, жаноби олийлари, – деди адъютант.

Растопчин яна балконнинг эшиги олдига борди.

– Уларнинг муддаолари нима? – деб сўради Растопчин полиция бошлиғидан.

– Жаноби олийлари, улар сизнинг измингиз билан французларга қарши курашгани боришаётган эмиш, хиёнат хақида алланималар деб қичкираётувди. Лекин оломон хуружга келган, жаноби олийлари. Мен зўрға уларнинг қўлидан қутулиб келдим. Жаноби олийлари, рухсат этинг, журъат этиб...

– Марҳамат қилиб жўнанг, нима қилиш кераклигини сизсиз ҳам биламан, – деб қичкирди Растопчин. У оломонга қараб балконнинг эшиги олдида турар эди. «Мана улар Россияни қай аҳволга солишди! Мана улар менинг бошимга не қунларни келтиришди!» деб ўйларди Растопчин юз берган барча ҳодисаларга сабаб қилиб кўрсатиши мумкин бўлган аллақандай бир одамга нисбатан юрагида ғазаб ўти ёлқинланаётганини сезиб. Шу тобда унинг ғазаби авжига чиққан бўлса ҳам, лекин у қизикқон одамлар сингари жаҳлини чиқарган сабабни қидирмоқда эди... «Ўз аҳмоқликлари билан ғалаёнга келтирган аҳолининг ташландиқ-

лари, плебей¹, кора халқ шудир-да! Буларга курбон керакдир-да», – деб ўйлади оломонга қараб. У қўлини пахса қилиб гапирётган новча йигитга қараркан, шу сўз хаёлига келди. Бу фикр шунинг учун Растопчиннинг хаёлига келдики, ҳозир унинг ўзи учун шундай бир курбон керак ва ғазаби ҳам шуни тақозо этар эди.

– Экипаж тайёрми? – деб яна сўради.

– Тайёр, зоти олийлари. Верешчагин ҳақида нима буюрадилар? Ташқарида қараб турибди, – деди адъютант.

– А! – деб қичқириб юборди Растопчин худди кутилмаганда бир нарса эсига тушгандай.

У эшикни силтаб очди-ю, илдам қадам ташлаб балконга чиқди. Оломон бирдан жим бўлди, шапка ва картузлар² олинди ва ҳамма кўзлар балконга чиққан графга тикилди.

– Салом, йигитлар! – деди граф тез ва баланд товуш билан. – Келганларингга раҳмат. Мен ҳозир олдиларингга чиқаман, лекин аввал бадкирдорни бир ёқли қилиш керак. Биз бадкирдорга жазо беришимиз керак, шунинг касофати билан Москва ҳароб бўлди. Ҳозир олдиларингга чиқаман! – Граф балконга қандай илдам қадам ташлаб чиққан бўлса, меҳмонхонага шундай зудлик билан кирди ва эшикни зич ёпди.

Оломон графнинг сўзини маъқуллаб ғовур-ғувур кўтарди: «У жинойтчиларнинг ҳаммасини адабини бермоқчи-ку! Сен эса француз... у таъзирини бериб кўяди!» – дерди одамлар худди кўнгилларида шубҳа туғилгани учун бир-бирларини таъна қилаётгандай.

Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас, катта эшикдан жадал қадам қўйиб бир офицер чиқди, алланима деб буйруқ қилди ва драгунлар саф тортди. Балконга кўз тикиб турган оломон эшикка томон югурди. Растопчин жаҳл билан тез-тез одим отиб, остонага чиқди, худди бировни кидираётгандай атрофига кўз югуртираркан:

¹ Плебейлар (латинча: plebeii – оддий халқ) – 1) қадимги Римдаги эркин аҳоли табақаларидан бири; 2) XI-XIX асрларда плебей атамаси «оддий халқ» маъносига ишлатилган (бу ерда шу маънода);

² Каргуз – XVI-XX асрларда кенг тарқалган эркак бош кийимлари.

– Қани у? – деб сўради ва шу оннинг ўзида сочининг ярми қирилган, лекин хийла ўсиб қолган, бўйни ингичка ва узун йигит икки драгун кузатишида, муюлишда пайдо бўлди. Йигит кўк мовут астарли, бир вақтлар чиройли бўлиб, ҳозир эскириб кетган почапўстин¹ кийган, кир босган маҳбусча бўз чолворининг почаси тозаланмаган эски ва юпқа этигининг кўнжига тикиб қўйилган эди. Унинг ингичка, нимжон оёқларига солинган кишан қадам ташлашга мажоли қолмаган йигитнинг юришини қийинлаштирар эди.

Растопчин почапўстин кийган ёш йигитдан дарров юзини ўгириб:

– А! – деб қўйди ва пиллапоянинг настки зинасига ишора қилди. – Мана шу ерга турғизиб қўйинглар. – Ёш йигит кишанларни шарақлатиб кўрсатилган жойга келди, бўйнини сиқаётган пўстин ёқасини бармоғи билан ушлаб, узун бўйнини чўзиб, икки марта қайрилиб қаради-да, хўрсиниб ингичка ва нозик қўлларини мутелик билан қовуштирди.

Ёш йигит зинапояга чиқиб, ўзини ўнглаб олгунча ҳеч кимдан садо чиқмади. Фақат орқада бир-бирини қисиб келаётган одамларнинг томоқ қириши, инқилаши, туртки ва оёқ товуши эшитиларди, холос.

Ёш йигит кўрсатилган жойга бориб тургунча Растопчин қош-қовоғини солиб, қўли билан бетини ишқаб турди.

– Йигитлар! – деди Растопчин ёқимсиз жарангли товуш билан, – бу одам Верешчагин бўлади, Москвани ҳалокатга йўлиқтирган нобакор мана шу одам.

Почапўстин кийган ёш йигит таъзим қилиб, қўл қовуштириб турар эди. Унинг ярим сочи қирилиб, хунуги чиқиб кетган боши эгилган, озғин, ёш юзида умидсизлик ифодаси бор эди. Граф сўз бошлаган чоғда у секин бошини кўтарди ва худди графга бир нима демоқчи ёки ҳеч бўлмаса унинг кўзига тик қарамоқчи бўлгандай пастдан юқорига қаради. Аммо Растопчин кўзини ундан олиб қочди. Ёш йигитнинг

¹ Почапўстин (*форсча*) – тулки ва бошқа хайвонларнинг оёғи мўйнасидан тикилган сирма пўстин.

узун, нозик бўйнида, кулоғининг орқасида чилвирдай бир томир бўртиб чиқди, юзи бирдан кизариб кетди.

Ҳамма кўзлар унга қадалди. Йигит оломонга назар ташлади ва ҳудди одамларнинг юзидаги ифодани ўқиб, умидвор бўлгандай, ғамгин ва қўрқа-писа жилмайиб яна бошини қуйи солди ва оёқларини зинага дурустроқ қўйиб олди.

Растопчин бир охангда кескин товуш билан:

– Бу одам ўз подшоҳига, ўз ватанига хиёнат қилди, бу Бонапартга сотилди, барча руслар орасида фақат шу одам рус деган номни булғади, Москва мана шу одамнинг касридан ҳалок бўляпти, – деди-ю, тўсатдан дастга, ҳамон илгаригидай таъзим қилиб турган Верешчагинга қаради. Бу караш гўё унинг сабр косасини тўлдирди, у қўлини кўтариб, халққа қараб кичқирди: – ўзларинг ҳукм чиқариб, ўзларинг жазо беринглар! Сизларга топширдим!

Халқ чурк этмай турар, фақат борган сари бир-бирини қисиб келарди. Одамларнинг бир-бирига қапишиб туриши, димикқан ҳавода нафас олиш, қимирлашнинг иложи йўқлиги, алланечук номаълум, мажхул ва даҳшатли бир нарсани кутиш ниҳоят даража оғир бўлиб қолди. Олдинги қаторда турган, кўз олдиларида бўлаётган ишларни кўриб, айтилаётган сўзларни эшитаётган одамлар қўрққанларидан бақрайиб, оғизларини катта очганларича суриб келаётган кишиларни орқалари билан зўрға тутиб туришар эди.

– Уринглар буни!.. Хоин ўлсин, лекин рус номини булғамасин! – деб кичқирди Растопчин. – Чопиб ташланглар! Мен буюраман! – Оломон Растопчиннинг сўзини эмас, балки унинг ғазабли товушини эшитиб ингради ва олға сурилди, аммо яна тўхтаб қолди.

Бир лаҳзагина чўккан жимликда Верешчагиннинг:

– Граф!.. – деган ожиз ва шу билан бирга ғайритабиий товуши эшитилди. – Граф, тепамизда ҳудо бор... – деди Верешчагин бошини кўтариб, шу чоғ унинг бўйнининг томири яна қонга тўлди, юзи бир кизариб, бир оқарди. У айтмоқчи бўлган гапини айтолмай қолди.

– Чопиб ташланглар! Буюраман!.. – деб кичқирди

Растопчин ва тўсатдан унинг ранг-рўйи Верешчагинга ўхшаб бўзариб кетди.

Офицер ўз қиличини қинидан чиқаркан:

– Қилич яланғочла! – деб қичқирди драгунларга.

Оломоннинг орқа томонидан кўтарилган кучли тўлқин олдинги сафга етиб келиб, олдиндагиларни қўзгатди ва сура-сура зинанинг олдигинасига обориб қўйди. Юзи тошдай қотиб қолган новча йигит қўлини кўтарганича Верешчагиннинг ёнида турар эди.

Офицер драгунларга қараб:

– Чошинлар! – деб шивирлади ва ғазабдан афт-башараси ўзгарган бир аскар тўсатдан ўтмас шамшир билан Верешчагиннинг бошига солди. Верешчагин хайратланиб «оҳ!» деб қичқирди ва ўзини нима қилаётганларига тушунмагандай, кўрқиб атрофга қаради. Оломон ҳам айнан шу тарзда хайрат ва даҳшат-ла қичқириб юборди.

Кимдир қайғули оҳангда: «Ё тангрим!» деб қўйди.

Аmmo Верешчагин хайратланиб «оҳ!» деб қичқирганидан кейин жон огригидан чинқириб фарёд чекди ва шу фарёд унинг бошини еди. Инсоний туйғулардан сўнгги нуқтасигача таранг бўлган ва оломонни ҳануз ушлаб турган тўсиқ бир зумда узилди. Жиноят бошланди, уни охиригача олиб бориш керак эди. Оломоннинг даҳшатли ва салобатли наъраси жон азобидан чекилган фарёдни босиб кетди. Кемани тор-мор келтирадиган энг кучли пўртанага ўхшаган бу сўнгги зўр тўлқин оломоннинг орқа сафларидан кўтарилиб, олдинги қаторларга етиб келди-да, уларни ҳам ағдар-тўнтар қилиб, ҳамма нарсани ўз комига тортди. Верешчагиннинг калласига шамшир солган драгун ўз зарбини яна такрорламокчи бўлди. Верешчагин қўли билан юзини тўсиб, додлаганича халойиқ орасига ўзини урди, Верешчагин новча йигитга қоқилиб кетди, у Верешчагинни нозик бўғзидан хиппа бўғиб олди-да, қаттиқ қичқириб, у билан бирга йиқилиб, хайқириб келаётган оломоннинг оёғи остида қолди.

Баъзилар Верешчагинга, бошқалар новча йигитга ёпишиб дўппослар эди. Оёқ остида қолиб кетган кишиларнинг ҳам, новча йигитни қутқаришга уринган киши-

ларнинг ҳам фарёди оломонни баттарроқ хуружга келтирарди... Драгунлар қонга беланган, калтақдан чала ўлик бўлган фабрика ишчисини зўрға қутқариб олдилар. Оломон қизишиб бошланган ишни охирига етказиш учун шошилаётганидан Верешчагинни ураётган, бўғаётган, тортқилаётган кишилар уни ҳеч ўлдиролмас эди; оломон уни ҳар томондан сиқиб келар, бир-бирига қапишиб, у томондан бу томонга чайқалар, на уни уриб ўлдиргани ва на уни қолдириб ташлаб кетгани имкон берарди.

«Болта билан солмайсанми?.. Топтаб ташлашди... Хоия, имонини сотган сотқин!.. Тирик... Тирикми... ўғри қилмишга яраша жазо тортсин. Тамба билан сол! Ҳали ҳам тирикми?»

Верешчагин қаршилик кўрсатмай, дод-фарёд ўрнига бир маромда хириллаб бошлаганидан сўнггина оломон қонга беланиб ётган жасаднинг олдидан шошиб-пишиб, у ердан бу ерга ўта бошлади. Одамлар яқинроқ келиб, ўзлари қилган ишга қарар, даҳшат, таъна ва хайрат билан орқага тисариларди.

Оломон орасидан: «Ё тангрим, одам ҳам хайвондан фарқ қилмай қўйди-я, буларнинг дастидан киши омон қолади дейсанми! – деган садолар эшитилар эди. – Ёшгина йигит экан... савдогарга ўхшайди, халойиқни қара-я!.. бу эмас дейишади... бу қандоқ бўлди... Ё Раббим! Бошқа бировни калтаклашибди; чала ўлик қилиб ташлашибди... Одамларни қара-ю! Гуноҳдан кўркмайди...» – дейишарди ўша калтаклаган одамларнинг ўзи афсусланган ва ачинган бўлиб, ўликнинг кўкариб қон ва лойга беланган юзига, кесилган узун, нозик бўйнига қараркан.

Тиришқоқ полиция маъмури ўликнинг жаноби олийлари ҳовлисида ётишини ноқулай деб билди ва драгунларга жасадни кўчага чиқариб ташлашни буюрди. Икки драгун абжағи чиққан оёғидан тортиб, мурдани кўчага қараб судради. Ўликнинг сочи қирилган, қон ва лойга беланган бўйни, узун калласи ерда ирғишлаб-ирғишлаб бормоқда эди. Оломон жирканиб ўликдан ўзини тортди.

Верешчагин йиқилгач, оломон ваҳшиёна хайқириб,

унинг устига ёпирилган ва уни ўртага олаётган чоғида Растопчин тўсатдан оқариб кетди ва отлар мунтазир бўлиб турган орқа эшикни қўйиб, қаёққа бораётгани ва нима қилаётганини ўзи ҳам билмасдан тез-тез кадам босиб, даҳлиз бўйлаб кетди, даҳлиздан пастки қаватга тушиларди. Графнинг ранги мурдадай оқарган, ияги худди безгак тутгандай титрамоқда эди.

– Жаноби олийлари... бу ёққа... қаёққа кетяпсиз?.. бу ёққа марҳамат килинг, – эшитилди унинг кетидан қалтираган бир товуш. Граф Растопчин оғиз очиб бир нима дейишга мажולי қолмаган эди. Шунинг учун индамай орқага қайтди ва итоаткорлик-ла кўрсатилган томонга йўл олди. Орқа эшикнинг олдида коляска кутиб турар эди. Оломоннинг ҳайқириғи шу ерда ҳам эшитилмоқда эди. Граф Растопчин шошиб коляскага ўтирди ва шаҳар ташқарисиди – Сокольникидаги боғига элтишни буюрди. Коляска Мясницкий кўчасига чиққандан ва оломоннинг ҳайқириғи энди эшитилмагандан сўнг граф ўз қилмишидан пушаймон бўлди. Итоатидаги кишилар олдида қўрққани ва ҳаяжонга тушганини билинтириб қўйганидан хийла ўнғайсизланди. «Оломон мудҳиш, жирканч бўлади. Улар бўрининг ўзгинаси: гўштдан бошқа нарса уларни қондиrolмайди», – деди ўзича французчалаб, тўсатдан Верепчагиннинг: «Граф, тепамизда худо бор!» деган сўзи эсига тушди ва эти жимирлаб кетди. Бироқ бу хол бир лаҳзагина давом этди, холос, граф Растопчин тиржайиб ўзидан кулди. «Менинг бошқа бурчим бор эди, – деди ўзича, халқ бахт-саодати йўлида бунақа қурбонлар кўп бўлган ва бўлади» ва ўз оиласи (унга топширилган), ўз пойтахти ва ўзига алоқадор бўлган умумий бурчлари ва шахсан ўзи ҳақида, Фёдор Васильевич Растопчин ҳақида эмас (Фёдор Васильевич Растопчин халқ бахт-саодати йўлида ўзини қурбон қияпти, деб ўйларди), балки бош қўмондон, ҳукуматнинг намояндаси ва подшоҳнинг вакили бўлмиш Растопчин ҳақида ўйлаб кетди. «Агар мен фақат Фёдор Васильевич бўлсам эди, унда йўриғим тамоман бошқача бўларди, ахир мен бош қўмондоннинг ҳаётини ҳам сақлашим керак эди, ҳам иззат-обрўйини».

Растопчин юмшоқ рессорли экипажда аста-секин чайқалиб оломоннинг мудҳиш садосидан йироқлашиб бораркан, жисмоний жиҳатдан ором олди ва жисман ором олингандан кейин ҳамиша бўладиганидагидек, руҳан ором олиш учун ҳам ақл важ топиб берди. Растопчинга ором берган ўй янги ўй эмас эди. Дунё бино бўлганидан ва одамлар бир-бирини ўлдириб келаётганидан бери ҳеч бир инсон шу мулоҳаза билан ўзига таскин бермасдан туриб, ўзига ўхшаган кишиларга қарши жиноят қилгани йўқ. Бу фикр эса жамятнинг фароғати, бошқаларнинг фароғати деган фикрдан иборатдир.

Эҳтиросга гирифтор бўлмаган одамлар ҳеч қачон бу фароғатни билмайди, аммо жиноят қилаётган киши бу фароғат нимадан иборатлигини ҳамиша яхши билади. Растопчин ҳам ҳозир шу нарсани билар эди.

У муҳокама йўли билан қилган жинояти учун ўзини қоралаш у ёқда турсин, балки бу кулай фурсатдандан боплаб фойдаландим, яъни ҳам жиноятчига жазо бердим ва ҳам оломонни тинчитиб қўйдим, деб гердайишга важ ҳам топди.

«Верешчагин суд бўлиб, ўлим жазосига маҳкум этилган эди, – деб ўйларди Растопчин (ваҳоланки сенат Верешчагинни фақат каторгага маҳкум қилган эди), – У хоин ва соткин эди, мен уни жазосиз қолдиролмас эдим, ундан кейин мен бир ўқ билан икки куённи урдим – ҳам халойиқни тинчйтиш учун уни қурбон қилдим, ҳам жиноятчини жазоладим».

Граф шаҳар ташқарисидаги боғига келиб, уй ишлари билан машғул бўлгандан кейин буткул тинчланди.

Ярим соатдан сўнг граф йўрға от қўшилган коляскада Сокольникови майдонидан ўтаркан, ўтган ишлар ҳақида ўйламади, ҳозир унинг бутун фикри-хаёли бўлажак ишлар билан банд эди. У Кутузов Яуза кўприги олдида эканини эшитиб, ўша томонга қараб бормоқда эди. Граф Растопчин, Кутузов мени алдади, деб ўйлаган, унга айтмоқчи бўлган ғазабли ва наштарли сўзларни ўз хаёлида пишитмоқда эди. «Мен бу қари сарой тулкисига кўрсатиб қўяман. Москва ташлаб кетилиши ва Россиянинг махв бўлиши (унга шундай туюларди)

оқибатида вужудга келадиган барча бахтсизликларнинг масъулияти ақлини еган шу чолнинг гарданида», Растопчин Кутузовга айтмоқчи бўлган сўзларни олдиндан ўйлаб бораркан, жаҳл билан коляскада у ёқ бу ёққа бурилар ва атрофга тез-тез назар соларди.

Сокольникови майдони бўм-бўш. Факат майдоннинг нариги бурчида, хайрияхона билан жиннилар касалхонаси олдида оқ кийим кийган бирмунча одам тўпланиб турар, шу хилда кийинган бир неча киши қўлларини пахса қилиб алланималар деб қичқириб майдонда онда-сонда юрарди.

Шу одамлардан бири йўлни кесиб ўтиб, граф Растопчиннинг коляскасига қараб югурди. Ҳамма – граф Растопчиннинг ўзи ҳам, унинг кучери ҳам, драгунлар ҳам кўчага ҳайдаб юборилган бу жинниларга, айниқса, коляскага томон чопиб келаётган жиннига алланечук даҳшат ҳисси билан қизиқсиниб қараб туришди. Бу жинни иккала кўзи Растопчинда, ориқ, узун оёқлари билан гандираклаб, шамолда пирпираётган халатида, бўғиқ товуш билан алланималар деб қичқирар, тўхта деб унга ишора қилиб, елдай учиб келмоқда эди. Жиннининг соқоли ўсиб кетган, озғин ва сариқ юзи тунд ва шу билан бирга тантанали эди. Кўзининг оқи заъфарондек сариқ, чакмоқтошга ўхшаган кўз қорачиқлари бежо эди.

– Тўхта! Тўхта! Мен айтяпман! – деб чинқирди жинни ва энтика-эника даҳшат билан қўлларини силкитиб, алланималар деб бақирди.

У коляскага етиб олди-да, у билан ёнма-ён чопиб кетаверди.

– Мени уч марта ўлдиришди, мен уч марта тирилдим. Улар мени тошбўрон қилишди, чормихга тортишди... Мен тириламман... тириламман... тириламман... Аъзойи баданимни абгор қилишди. Олам остин-устин бўляпти... Мен уни уч марта остин-устин қилиб, уч марта бунёд этаман, – деб қичқирди жинни борган сайин баландроқ товуш билан. Граф Растопчин оломон Верещчагинга ҳужум қилганида қандай оқариб-бўзарган бўлса, шундай оқариб-бўзарди. У иягини ўгириб, титроқ товуш билан:

– Хай... хайда тезрок! – деб кучерга кичкирди.

Отлар бор кучи билан чошиб кетди, ammo жиннининг эркада қолиб узоклашаётган девонавор хайқириғи узок вақт граф Растопчиннинг кулоғидан кетмади, кўз ўнгида эса почапўстин кийган хоиннинг қонга беланган, кўрқув ва хайрат ифода этиб турган юзи гавдаланди.

Бу хотира гарчи янги бўлса ҳам, Растопчиннинг конига сингиб, кўксига ўрнашиб қолди. Бу хотиранинг қонли изи ҳеч қачон ўчмаслиги, аксинча, бу мудҳиш хотира борган сари кўксидан чуқуррок жой олиб, ҳаётининг охиригача кийнаши Растопчинга очик-ойдин бўлиб қолди. Ўзи айтган гаплари, Верешчагин қатл қилинаётган чоғда айтган гаплари кулоғига баралла эшитилди: «Чошиб ташла буни, ўз бошингиз билан жавобгарсиз. Нега мен бу гапларни айтдим! Оғзимдан чиқиб кетибди... Шу сўзларни айтмасам ҳам бўларди (ўйлар эди у): ўшанда ҳеч нарса бўлмас эди». Унинг кўз олдига буйрукни эшитиб аввал кўрққан, кейин жонжаҳди билан қилич солган драгун, почапўстин кийган йигитчанинг лом-мим демасдан, хайратомуз ташлаган нигоҳи кўз олдига келди... «Ахир, мен бу ишни ўзим учун қилганим йўқ-ку. Шундай қилмай иложим йўқ эди. Қора халқ, ёвуз халқ... жамятнинг фароғати», – деб ўйлади Растопчин.

Яуза кўприги олдига ҳали ҳам қўшинлар текилишиб ётган эди. Кун иссиқ. Кутузов қош-қовоғи солинган, руҳи тушган ҳолда кўприк олдига қўйилган узун ўриндиқда камчиси билан кумни ўйнаб ўтирган эди. Шу чоғ бир коляска шалдираб келиб қолди. Коляскадан генералча мундир, жигали шляпа кийган, кўзлари ғазабданми, кўрққаниданми ола-кула бўлиб кетган бир киши Кутузовнинг олдига келди-ю, французчалаб алланималар деб гапира бошлади. Бу одам граф Растопчин эди. У Кутузовга, Москва ва пойтахтдан энди ном-нишон қолмагани, ёлғиз армиянинг ўзи қолгани учун мен бу ерга келдим, деб айтди.

– Агар сиз, аъло ҳазрат, яна бир карра жанг қилмасдан туриб Москвани ташлаб кетолмайман, деган сўзни менга айтмаганингизда иш бошқача бўлар эди, барча бу ҳодисалар юз бермас эди! – деди Растопчин.

Кутузов худди ўзига қарата айтилган сўзларнинг маъносига тушунмагандай, Раstopчинга қаради ва шу он ўзи билан гаплашаётган кишининг юзидаги ифодани ўқимоқчи бўлгандай унга тикилиб турди.

Раstopчин довдираб жим бўлди. Кутузов секингина бош чайқади ва ҳамон Раstopчинга синчиклаб қараркан, оҳиста деди:

– Ҳа, мен жанг қилмасдан Москвани бермайман!

Кутузов шу сўзларни айтаркан, тамоман бошқа нарса ҳақида ўйлармиди ёки бу сўзларнинг ўринсиз эканлигини билиб туриб жўрттага айтдимиз, ҳар ҳолда, граф Раstopчин чурқ этмай, шошиб-пишиб Кутузовнинг олдидан кетди. Ажойиб ишлар!

Москванинг бош кўмондони, мағрур граф Раstopчин, кўлида қамчи билан кўприк олдига келди ва бақириб-хайқириб тикилишиб ётган араваларни ҳайдай бошлади.

XXVI

Кундузи соат учдан ошганда Мюратнинг кўшинлари Москвага кирди. Олдинда Виртемберг гусарлари отряди, орқада бир талай мулозимлар куршовида Неаполь киролининг ўзи отда келмоқда эди.

Мюрат шаҳар қалъаси «Кремль»нинг қай вазиятда эканлиги ҳақида олдинги отряддан хабар келишини кутиб Арбатнинг ўртасида, Никола Явленыйга яқин бир ерда тўхтади.

Москвада қолган аҳолидан ташкил топган кичкина оломон Мюратнинг атрофига тўпланди. Ҳамма оғзи очилиб, жиға ва зар билан безанган узун сочили галати бошликқа қараб қолди.

– Уларнинг подшоҳи шу эканми, а? Чаккimas! – деб шивирлаган овозлар эшитилди.

Отлик тилмоч оломонга яқин келди.

– Шапкангни олсанг-чи... шапкангни, – дейишди одамлар бир-бирига қараб. Тилмоч бир кекса коровулдан, Кремль узокми, деб сўради. Коровул нотаниш поляк лаҳжасида

айтилган бу гапга таажужубланиб кулоқ соларкан, тилмоч рус тилида эмас, бошқа тилда гапираётибди деб ўйлади-да, тушунмасдан одамларнинг орқасига бекиниб олди.

Мюрат отини юргизиб яқинроқ келди, тилмочга рус кўшинлари қаерда турганлигини сўрашни буюрди. Руслардан бири нима деяётганларини тушунди ва бир неча киши бирдан тилмочга жавоб қила бошлади. Олдинги отряд офицерларидан бири Мюратнинг хузурига келиб, қалъа дарвозаси берк эканлигини ва у ерда кўшинлар пистирмада ётган бўлиши мумкинлигини айтди.

– Яхши, – деб кўйди Мюрат ва ўз мулозимларидан бирига, тўрт енгил тўп билан қалъа дарвозаси тўпга тутилсин, деб буюрди.

Тўпга қўшилган отлар Мюратнинг кетидан келаётган колоннадан ажралиб чиқди ва Арбат бўйлаб йўртиб кетди, Воздвиженка кўчасининг охирига етганда артиллерия тўхтаб, майдонда саф тортди. Бир неча француз офицери тўшларни ўрнатиб, тўпчиларга амр-фармон берди-да, дурбин орқали Кремлга каради.

Кремлда кечки ибодатга жом чалинди ва бу садо французларни доводиратиб кўйди. Улар бу садони курулганишга даъват деб билишди. Бир неча пиёда аскар Кутафьев дарвозасига томон югурди. Дарвозанинг олдига ёғоч ва тахталардан ғов қилиб қўйилган эди. Офицер ўз гуруҳи билан дарвозага яқинлашиши билан дарвоза остидан икки марта ўқ узилди. Тўпларнинг ёнида турган генерал офицерга қичкириб буйруқ берди, офицер, аскарлар билан бирга орқага қайтди. Дарвозадан яна учта ўқ узилди.

Бир ўқ француз аскарининг оёғига тегди, тахталар орқасидан бир неча кишининг ғалати қичкириги эшитилди. Француз генерали, офицери ва аскарининг юзидан бояги кувноклик ва хотиржамлик ифодаси худди буйруқ берилгандай бирдан йўқолди ва унинг ўрнига зўр кураш ва изтиробга тайёрликни билдирувчи сергаклик ва диққат ифодаси пайдо бўлди. Уларнинг ҳаммаси учун, – маршалдан бошлаб сўнги аскар учун, – бу жой Воздвиженка, Моховая кўчалари, Кутафьев ва Троицкий дарвозаси эмас, балки янги

жой, қонли жанг бўладиган янги майдон эди. Ҳамма шу жангга ҳозир бўлди. Дарвоза томондан эшитилаётган ҳайкирик тинди. Тўшлар ўша ёққа тўғриланди.

Тўпчилар ёниб битган пиликларни пуфлаб кўйишди. Офицер ўт очилсин деб буйруқ берган эди, устма-уст икки ўк узилди. Сочма ўқлар дарвозанинг тошига, ёғоч ва тахта-ларга тақир-туқур қилиб тегди ва майдон устида икки жойда тутун булути пайдо бўлди.

Ғиштдан бино бўлган Кремлга қарага отилган тўшларнинг гумбурлаши тингандан сўнг французларнинг боши устида ғалати бир товуш эшитилди. Мингларча зағча Кремль девори устига учиб чиқди-да, қағишлаб, ханот қоқиб ҳавога кўтарилди ва айлана бошлади. Шу садо билан бирга дарвозахонадан бир ҳайкирик эшитилди ва тутун орасидан шапкасиз, кафтан кийган бир кишининг қораси кўринди. Бу одам қўлидаги милтиғи билан французларни нишонга олди. Артиллерия офицери ўт очилсин деб буйруқ берди, бир милтиқ билан икки тўпдан баравар ўк чиқди. Дарвозани яна тутун қоплади.

Тахта тўсиқ орқасида ҳаракат тўхтади, француз пиёда аскарлари офицерлар билан биргаликда дарвоза томон юрди. Дарвозахонада учта ярадор билан тўртта ўлик ётган эди. Кафтан кийган икки киши деворнинг остидаги пастга, Знаменкага қараб қочди.

— Олиб ташланглар буни, — деди француз офицери ёғоч ва жасадларга ишора қилиб: французлар ярадорларни ўлдириб, жасадларини тўсиқнинг нариги тарафига улоқтириб ташлашди. Бу одамлар ким эканлигини ҳеч ким билмас эди. Улар ҳақида фақат: — Буни мевдан олиб ташланглар, — дейишади, холос, уларни улоқтириб ташлашди. Кейин сасиб кетмасин деб, олиб кетишди. Ёлғиз Тьер уларнинг хотираси ҳақида куйидаги шу гўзал сатрларни ёзди: «Бу шўрликлар муқаддас калъага кириб, аслаҳахонадаги қуроолларни олишди ва французларга қараб ўк отишди. Уларнинг бир қисмини французлар қиличдан ўтказиб, Кремлни улардан тозалашди».

Йўл душмандан тозаланганлиги ҳақида Мюратга хабар

килинди. Французлар Кремль дарвозасидан кириб, Сенат майдонида лагерь қуришди. Аскарлар сенатнинг деразаларидан стулларни олиб, ўт қалашди.

Баъзи бир отрядлар Кремлдан ўтиб, Маросейка, Лубянка, Покровкада жойлашиб олишди, Бир хиллари эса Воздвиженка, Знаменка, Никольская, Тверскаяда ўрнашиб олди. Французлар ҳеч қасрда уй эгаларини тополмай хоналарда эмас, худди шаҳар ичидаги лагерга жойлашгандай жойлашди.

Француз аскарлари оч-яланғоч бўлиб, ҳориб-чарчаган, сон жиҳатдан илгаригига қараганда учдан бирга камайган бўлса ҳам, ҳар ҳолда, Москвага тартиб-интизом билан саф тортиб киришди. Бу машаққат кўрган, мадори кетган бўлса ҳам, лекин ҳали жанговар ва даҳшатли кўшин эди. Бирок бу кўшинни аскарлари уй-уйларга жойлашгунча кўшин деса бўларди. Полк одамлари бўш ва бой уйларга кириб олгандан кейин кўшиндан абадий ном-нишон қолмади, булар аҳоли ҳам эмас, аскар ҳам эмас, балки талончи аскарлар эди. Ўша одамларнинг ўзи беш ҳафтадан кейин Москвадан чиққанда энди кўшинга ўхшамай қолган эди. Булар талончилар галаси бўлиб, ҳар бири кўзига керакли ва қимматбаҳо кўринган бир дунё нарсани ё аравага солиб, ё ўзи кўтариб олиб кетмоқда эди. Бу одамлар Москвадан чиқиб кетаркан, илгаригидай забт этишни эмас, балки қўлга киритган нарсасини сақлаб қолишнигина истар эди. Французлар оғзи тор кўзага қўлини тикиб, бир сиқим ёнғоқ олган ва қўлидан ёнғоқ тушиб кетмасин деб муштумини очмаган ва шу билан ўзини ҳалок этган маймунга ўхшар эди: улар Москвадан чиқиб кетаётганда талаган нарсаларини ўзлари билан бирга кўтариб борганлари учун ҳалок бўлишлари керак эди, лекин маймун муштумини очмагани каби, улар ҳам талаб олган нарсаларини ташлаб кета олмас эдилар. Ҳар бир француз полки Москванинг бирон маҳалласига кирдимиз, ўн дақиқа ўтар-ўтмас аскардан ҳам айриларди, офицерларидан ҳам. Уйларнинг деразаларидан шинель, штиблет¹ кийган ва тиржайиб

¹Штиблет – астарли мовут этик.

уйма-уй изғиб юрган кишилар кўринар, худди шуларга ўхшаган кишилар озиқ-овқат пайига тушиб, ертўлаларни кезар, ҳовлиларда ҳам шу қабилдаги одамлар омбор ва отхона эшикларини очиб-ёпиб юрарди. Худди шу каби кишилар ошхоналарда ўт ёқиб, енг шимариб ҳамир йўғирар, нон қилар, овқат пиширар, хотин-халаж ва болаларни чўчитар, кулдирар ва эркаларди. Дўконларда ҳам, ҳовлиларда ҳам — ҳамма жойда ҳам шундай одамлар кўп эди: аммо кўшин йўқ эди.

Француз армиясининг бошлиқлари ўша куннинг, ўзида-ёқ аскарларнинг шаҳарга тарқаб кетишини, аҳолига зулм қилиш ва талончиликни ман этиб, буйруқ кетидан буйруқ бера бошлаган ва шу бугун кечкурун йўқлама бўлишини эълон қилган бўлса ҳам, бу тadbирлар қор қилмади, илгари тўшланиб кўшин ташкил этган одамлар, кийим-кечакка ва озиқ-овқат захирасига тўлиб ётган кимсасиз шаҳарга таралиб кетди. Оч пода гиёҳсиз чўлда ғуж бўлиб юриб, кўм-кўк ўтлоқни кўриши биланоқ ҳар томонга таралиб кетгани сингари, француз кўшини ҳам бой шаҳарга кириши биланоқ таралиб, тўзиди-кетди.

Москвада аҳоли қолмаган эди, шаҳар эса қум сувни қандай шимиса, аскарларни шундай шимиди-қўйди, аскарлар ҳаммадан олдин Кремлга кириб, кейин шаҳарнинг ҳамма томонига тарқалиб кетишди. Оғлиқ аскарлар барча жиҳози билан ташлаб кетилган бирор савдогарнинг ҳовлисига кириб, ўзлари учунгина эмас, ҳатто отлари учун ҳам керагидан ошиқча жой борлигини кўрсалар ҳам, яна кўшни ҳовлига ўтишар, чунки бу ҳовли кўзларига ундан ҳам яхшироқ кўринарди. Кўплари бирдан бир нечта ҳовлини эгаллаб олиб, ким томонидан ишғол қилинганини бўр билан ёзиб қўяр, бошқа гуруҳлар билан баҳс-мунозара қилар, ҳатто ёқалашишар эди. Аскарлар дурустроқ ўрнашиб олишга ҳам улгурмасдан, шаҳар айлангани кўчага қараб югуришар, фалон жойда шунча нарса ётибди, деган миш-мишни эшитиб, қимматбаҳо нарсаларни кўпроқ қўлга киргизиш умидида ўша томонга қараб чопишар эди. Бошлиқлар аскарларни йўлдан қайтармоқчи бўлар, лекин ўзлари ҳам уларнинг кетидан боришар

ва бу ишга ўзлари беихтиёр кўшилиб кетишарди. Карета растасида бир экипаж дўкони очик қолган экан, генераллар тўпланишиб, коляска ва карета танлай бошлашди. Шаҳарда қолган аҳоли талончиликдан қутулиш мақсадида бошлиқларни ўз уйларига таклиф қилишарди. Ҳовлиларда мол-дунё тўлиб-тошиб ётар эди; французлар кириб олган уйларнинг атрофидаги ерларга ҳали ҳеч кимнинг оёғи тегмаган, уларнинг назарида, ҳали ҳеч ким ишғол қилмаган бу уйларда мол-дунё тагин ҳам кўпроқ эди. Москва борган сари французларни ўз комита торта бошлади. Тупроқда сув қуйилганда куруқ тупроқдан ҳам, сувдан ҳам асар қолмаганга ўхшаб оч-яланғоч қўшин кимсасиз фаровон шаҳарга кириши билан қўшиндан ҳам, фаровон шаҳардан ҳам ном-нишон қолмади; ҳамма ёқ ифлос бўлди, ёнгинлар вужудга келди, талон-торож бошланиб кетди.

Французлар Москва ёнгинини Растопчиннинг ваҳшиёна ватанпарварлигида, руслар эса французларнинг жоҳиллигидан кўришди. Ҳақиқатда эса Москва ёнгинига бир ва ё бир неча кишини сабаб қилиб кўрсатиб бўлмас, бундай сабаблар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди, Москва шундай бир шароитда эдики, ёғочдан бино бўлган ҳар бир шаҳар шундай шароитда ёнгинга қарши сув сепадиган бир юз ўттизта нобон трубаси бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, ёниши керак эди. Бир тўда пайраха устига бир неча кун давомида ҳадеб учкун сачрайверса аланга олмаслиги мумкин эмасдек, Москва ҳам аҳолиси кўчиб кетгани учун ёнмай иложи йўқ эди. Ёғочдан ясалган, ҳар ёз эгалари уйда бўлган ва полиция назорат қилиб юрган вақтда деярли ҳар куни ёнгин бўлиб турадиган шаҳар эгалари кўчиб кетиб, трубка чекадиган, сенат стулларини олиб чиқиб, Сенат майдонида гулхан қалаб, қунда икки маҳал ўзига овқат пиширадиган қўшин яшай бошлагандан кейин қуйиб кетмаслиги мумкин ҳам эмас эди. Агар тинчлик дамларда бирон кишлокка қўшин келиб жойлашса, шу ерда ёнгин миқдори дарров кўпаяди. Ёғочдан бино бўлган бўм-бўш шаҳарга бегона қўшин келиб жойлашиб олгандан сўнг ёнгин эхтимоли нақадар оппиши мумкин? Айб бу ерда Растопчиннинг ваҳшиёна

ваташпарварлигида, французларнинг ваҳшийлигида ҳам эмас. Москва чекилган трубкалардан, ёқилган ўчоқ ва гулханлардан, душман аскарларининг бефарклигидан, бегона одамлар дастидан ёниб кетди. Биров ўт қўйган тақдирда ҳам (бу нарса ақлга сиғмайди, чунки ўт қўйиш учун ҳеч қандай сабаб йўқ, ундан кейин бу нарса серташвиш ва хавфли иш), бу нарсани Москванинг қуйиб кетганига сабаб қилиб кўрсатиш мумкин эмас, чунки ҳеч ким ўт қўймаган тақдирда ҳам шундай бўлиши мумкин эди.

Французлар Растопчиннинг ваҳшийлигини, руслар Бонапартнинг ёвузлигини нақадар ҳузур қилиб қораламасин ёки кейинчалик ўз халқининг қўлига қаҳрамонлик машғалини тутқизмасин, ёнғинга бевосита сабаб йўқлигини кўрмаслик мумкин эмас; чунки эгаси кўчиб кетиб овқат пиширмақ ва эгалик қилмоқ учун бегона одамлар киргизилган ҳар қанақа қишлоқ ҳам, фабрика ҳам, ҳовли ҳам қуйиб кетиши аниқ бўлганидек Москва ҳам қуйиб кетиши керак эди. Москвага ўз аҳолиси ўт қўйди деган гап рост, лекин шаҳарда қолган аҳоли эмас, балки чиқиб кетган аҳоли ўт қўйган, Москва душман томонидан ишғол қилингандан сўнг Берлин, Вена ва бошқа шаҳарларга ўхшаб омон қолмади; чунки унинг аҳолиси французларни нон-туз билан қарши олиб, шаҳар калитини уларга бермади, балки шаҳардан чиқиб кетди.

XXVII

Москванинг ҳар томонига таралиб кетган французлар Пьер шу кунлари яшаб юрган маҳаллага фақат 2-сентябрь, кечки пайтда етиб келишди.

Пьер танҳоликда ва ғайриоддий шароитда ўтказган шу икки кундан кейин девонанамо бўлиб қолган эди. Унинг бутун борлигини миядан чиқариб бўлмайдиган бир фикр қамраб олди. Бу фикр қанақа қилиб, қачон пайдо бўлди, буни билмас эди, лекин бу фикр уни шунчалик чулғаб олган эдики, у на бўлиб ўтган воқеани эслай оларди ва на бўлаётган воқеаларни; нимани кўрмасин, нимани эшитмасин,

хаммаси тушдагидай туюларди.

Пьер ҳаёт талабларининг мушкуллигидан кутулиш учунгина ўз уйдан чиқиб кетган эди, чунки ўша тобдаги кайфиятда бу чигал тугунни ечишга ожизлик қилар эди. У ҳаётнинг ташвиш-тахликаларидан фориғ бўлиш учун Иосиф Алексеевичнинг китоб ва қоғозларини кўздан кечирмоқ баҳонаси билан мархумнинг уйига борди, чунки Иосиф Алексеевичнинг хотираси Пьерни ўз гирдобига тортаётган серташвиш, серчигал ҳаётнинг акси бўлган абадий, осуда ва тантанали фикрларни уйғотар эди. Пьер тинч бир бошпана кидирар эди, дарҳақиқат, Иосиф Алексеевичнинг кабинети унга шундай бошпана бўлди. Пьер жимжит кабинетда мархумнинг чанг босган столига тирсакланиб ўтираркан, сўнги кунлар хотираси, айникса, Бородино жанги, улар номи билан қалбида чуқур из қолдирган кишилар тоифасининг тўғрилиги, соддалиги ва азм-у иродаси қаршисида ўзининг инкор этиб бўлмайдиган даражада аяч ва сохта вазиятда эканлигини сезгани тасавурида очиқ-ойдин жонлана бошлади. Герасим хаёлга чўмган Пьерни ўзига келтирганда Пьернинг хаёлига Москвани халқ томонидан мудофаа этилиши (буни у эшитган эди) ишига қатнашиш фикри келган эди. Шу мақсадда у дарҳол Герасимдан кафтан билан тўшпонча топиб келишни илтимос қилди ва кимлигини ҳеч кимга айтмасдан Иосиф Алексеевичнинг уйда қолиш ниятида эканлигини унга айтди. Кейин бекорчиликда танҳо ўтказган биринчи кун давомида (у бир неча бор масонлик қўлёзмаларини диққат билан кўздан кечирмоқчи бўлди, бироқ бўлмади), илгари хаёлига келган фикр – Бонапартнинг оти билан ўз оти ўртасида сирли маънога эга бўлган боғланиш борлиги бир неча марта туманли тарзда хаёлига келди, бироқ унинг, бу йирткич ҳайвоннинг ҳокимиятига хотима бериши азалдан белгиланган деган фикр яна унинг тасавурида сабабсиз пайдо бўлиб, ҳеч қандай из қолдирмасдан ўтиб кетадиган орзу-хаёллар каби бошига келди.

Пьер Москвани халқ билан бирга мудофаа қилиш мақсади-ла чакмон сотиб олиб, қайтишда Ростовларга дуч келгани ва Наташа: «Сиз қоласизми? Вой, бу қандай яхши!»

деб айтганида хаёлидан, дарҳақиқат, Москвани французлар ишғол қилган тақдирда ҳам Москвада қолсам, азалдан пешонамга ёзилган ишни бажо келтирсам яхшироқ бўлар эди, деган фикр лип этиб ўтди.

Эртасига у ўз жонини аямаслик ва ҳеч бир ишда улардан қолмасликка аҳд этиб, Трехгорная дарвозасига келди. Бирок Москва мудофаа этилмаслигига ишонч ҳосил қилиб, уйга қайтиб келганидан сўнг тўсатдан илгари қилиши мумкин деб ўйлаган нарсаси энди муқаррар ва зарур нарсага айланганини сизди. У асли насабини билмасдан Москвада қолиши, Наполеонга учраб уни ўлдириши, ё ўзи маҳв бўлиши ва ё бутун Европанинг бадбахтлигига хотима бериши керак эди (Пьернинг назарида, бутун Европанинг бахтсизлигига фақат Наполеон сабаб эди).

Бир немис студенти 1809-йилда Венада Бонапартнинг ҳаётига суиқасд қилганини ва студент отилганини Пьер барча тафсилоти билан билар эди. Ўз ниятини амалга ошириш хавфли эканини Пьер билар ва бу хавф унинг гайратини янада оширар эди.

Бир хилда кучли бўлган икки туйғу ҳадеб Пьерни ўз ниятини амалга оширишга даъват этарди. Бери, умумий бахтсизликни кўриб, ўз жонини қурбон қилиш ва азоб-уқубат чекиш туйғуси эди, Пьер шу туйғу таъсирида 25-августда Можайска борган ва урушнинг айна кизиғида жанг майдонига кирган, ҳозир ҳам шу туйғу таъсири остида ўз уйидан кочиб чиқиб ўрганиш бўлиб қолган серхашам ва роҳат-фароғатли ҳаётини тарк этиб, ечинмасдан, қаттиқ диванда ётар, Герасим еган овқатни ер эди; иккинчиси, барча шартли, сунъий инсонлар ҳаётида бўладиган, аксарият томонидан дунёнинг энг буюк неъматини деб ҳисобланган нарсаларга қарши ноаниқ, русларгагина хос бўлган нафрат туйғуси эди. Пьер бу ғалати жозибадор туйғунини илк дафъа Слобода саройида сезган эди: ўшанда у давлат ҳам, ҳокимият ҳам, ҳаёт ҳам, одамлар қанчадан қанча захматлар чекиб бунёдга келтирган ва сақлаб юрган барча нарсалар ҳам, агар бирон қимматга эга бўлса, бу ҳам шу нарсаларнинг бахридан кечип, ташлаб кетиш лаззати эканини тўсатдан сезган эди.

Бу шундай туйғу эдики, унинг таъсирида аскарликка бораётган ҳаваскор аскар сўнгги тийинини ичиб битиради, ўлгунча ичиб-маст бўлган киши бор пули кўлдан кетишини била туриб, бекордан бекорга ойна ва деразаларни чилпарчин қилиб ташлайди; бу шундай туйғуки, унинг оқибатида киши беҳуда ярамас ишларни қилиб, ўз ҳукми ва кучини синаб кўрмоқчи бўлади ва шу билан ўзини инсоний шароитдан ташқарида бўлган, ҳаёт ҳақида ҳукм чиқарадиган олий бир кучнинг вакили эканини билдирмоқчи бўлади.

Шу туйғуни биринчи марта Слобода саройида сезган кунидан бошлаб Пьер унинг таъсири остида яшаб келмоқда эди, аммо эндигина уни тўла қаноатлантирди. Бундан ташқари, ўз ниятини амалга ошириш йўлида қилган барча ишлари шу тобда Пьерга далда берар ва уни бу ниятдан воз кечиш имкониятидан маҳрум этарди. Агар Пьер шунча ишлардан сўнг бошқалар каби Москвадан чиқиб кетса эди, унинг ўз уйдан чиқиб кетиши ҳам, кафтан кийиб, тўшпонча тақиб юриши ҳам, Ростовларга Москвада қоляпман деб айтган гапи ҳам – буларнинг ҳаммаси маъносини йўқотиш билан бирга, ҳаммага кулги бўлар ва ҳамманинг ихлосини қайтарар эди, Пьер эса бунақа нарсаларга жуда ҳассос эди.

Пьернинг жисмоний ҳолати ҳар вақтдагидек маънавий ҳолатига уйғун эди. Одатланмаган ёмон овқат, шу кунлари ичиб юргани ароқ, вино билан сигаранинг йўқлиги, алмаштириш мумкин бўлмаган кир ички кийим, кўрпа-тўшаксиз калта диванда чала ярим ухлаб ўтказган икки кеча – буларнинг ҳаммаси Пьернинг асабини бузиб, уни овсар бўлишга яқинлаштириб қўйди.

Кун қиёмдан ўтиб, соат бирдан ошган пайт, Французлар Москвага кирган, Пьер буни билар, бироқ амалий иш бошлаш ўрнига ўз ниятини амалга ошириш, унинг барча тафсилоти ва икир-чикирлари ҳақидагина бош қотириб ўтирар эди. Пьер ўз орзу-хаёлларини ўйларкан, Наполеонга қай тарзда зарба беришини, унинг ўлимини ҳам яққол тасаввур қилолмаса ҳам, лекин ўзи ҳалокатга дучор бўлишини ва қахрамонларча иш кўрсатишини жуда ёрқин тарзда кўз олдига келтирар ва маъюсланиб завқланарди.

«Балли, ё ҳамма учун мен бу ишни қилишим керак, ё халок бўлишим керак, – деб ўйларди, – ха, тўғри бораман-у... кейин бирдан... Тўппонча биланми, ханжар биланми? – деб ўйларди Пьер. – Барибир эмасми. Сени мен эмас, тақдир илоҳий жазолади... дейман. (Пьер Наполеонни ўлдираётганда айтадиган гапларини хаёлида пишитарди). – Мана, марҳамат, мени ўлдираверинг»; – дерди ўзича Пьер бошини қуйи солиб, ғамгин қиёфада, лекин қатъият билан.

Пьер уйнинг ўртасида туриб, шу нарсаларни ўзича муҳокама қилаётганида кабинетнинг эшиги очилди-ю, бўсағада илгари ҳамиша тортинчоқ бўлган Макар Алексеевичнинг бутунлай ўзгариб кетган қомаги кўринди. Халатининг олди очиқ, юзи кип-кизил ва хунук; афтидан, у ичиб олганга ўхшарди, Пьерни кўрган замон у уялгандай бўлди, бироқ Пьернинг довдираб қолганини сезиб, дарров ўзини тутиб олди-да, чиллақдек оёқлари билан қалтираб, уйнинг ўртасига келиб тўхтади.

– Уларнинг ўтакаси ёрилди, – деди у хириллаган товуш билан, худди бир сирни айтаётгандай. – Мен таслим бўлмайман деяпман, мен... шундай эмасми, афандим? – У ўйга ботди ва бирдан столдаги тўппончага кўзи тушиб, унга чанг солди-ю, югурганича йўлакка чиқиб кетди.

Макар Алексеевичнинг кетидан югурган Герасим билан қоровул даҳлизда уни тўхтатишди ва кўлидан тўппончани тортиб олмоқчи бўлишди. Пьер йўлакка чиқди ва бу овсар чолга ҳам ачиниб, ҳам нафратланиб қараб қолди. Кучанганидан юзи буришиб кетган Макар Алексеевич тўппончани маҳкам ушлаганича, афтидан, биров тантанали ҳолатни тасаввур қилиб, бўғиқ товуш билан:

– Курол олинглар! Найзабозликка! Бекор айтасан, ололмайсан! – деб қичкирар эди.

– Бўлди энди, кўйинг, сўрайман. Худо хақи, сўрайман, беринг! Кўйинг энди, хўжам... – дерди Герасим Макар Алексеевичнинг тирсагидан авайлаб ушлаб, уни эшикка томон йўллашга уринаркан.

– Сен кимсан? Бонапартми?... – деб ҳамон бакирарди Макар Алексеевич.

– Яхши эмас, хўжам. Уйга марҳамат қилинг, дам олинг. Тўшпончани бера қолинг.

– Йўқол, мурдор кул! Менга тегма! Кўрясанми? – дерди Макар Алексеевич бақриб ва тўшпончани ҳавода ўйнатиб. – Найзабозликка!

– Ола қолсанг-чи! – деди Герасим шивирлаб қоровулга. Иккаласи Макар Алексеевични кўлидан маҳкам ушлаб, эшикка томон судрашди.

Дахлизда Герасим билан қоровул Макар Алексеевичга ёпишар, Макар Алексеевич эса ўзгарган, хунук, мастона товуш билан хириллаб қичкирар эди.

Тўсатдан бир хотин кишининг кулоқни қоматга келтирадиган товуши дарвозахонадан эшитилди, ошпаз хотин югуриб дахлизга кирди-да:

– Ўшалар! Вой худо урди энди!.. Азбаройи худо! Ўшалар! Тўрт киши, отлик!.. – деб дод-вой солди.

Герасим билан қоровул Макар Алексеевични кўйиб юборишди ва жимжит бўлиб қолган дахлиздан бир неча киши бирдан кўча эшикни тақиллатаётгани баралла эшитилди.

XXVIII

Ўз ниятини амалга оширгунча насли насабини ҳам, француз тилини билишини ҳам билдирмасликка қарор қилган Пьер французлар кириши биланок ўзиши панага олмоқчи бўлиб йўлакнинг қия турган эшиги олдида турди. Аммо французлар кирганда ҳам Пьер эшик олдидан кетмади: жуда қизиққани учун нари кетолмади.

Кирганлар икки киши эди. Бирини кўркем, новча ва келишган офицер, иккинчиси аскар ва ё офицернинг деншиги бўлса керак, юзи ичига кириб кетган, қорайган, кўзлари ҳеч нарсани ифода қилмайдиган, озғин ва пакана бир киши эди. Офицер ҳасса таяниб, оқсоқланиб олдинда келмоқда эди. У бир неча қадам босгандан сўнг, уй яхши экан, деган қарорга келди, шекилли, тўхтади-да, эшик олдида турган аскарларига қайрилиб, бошлиқларга хос баланд товуш билан отларни киргизаверинглар, деб қичқирди. Фармон бериб

бўлгандан сўнг, офицер олифтагарчилик билан тирсаклари-ни баланд кўтариб, мўйловини буради-да, кўлини шляпасага олиб борди.

– Хаммаларига салом! – деб қувноқ товуш билан жилмайди ва атрофга кўз югуртирди.

Унинг саломига ҳеч ким алик олмади.

– Уй эгаси сизми?– деб Герасимга юзланди офицер.

Герасим савол назари-ла кўрка-писа офицерга қараб турар эди.

Офицер илтифот қилиб, пакана одамга оккўнгиллик билан бошдан оёқ қараб чиқди ва жилмайиб:

– Квартира, квартира, дейман, – деди. Кейин ўтақаси ёрилиб, нафаси ичига тушиб кетган чолнинг елкасига қоқаркан, кўшиб кўйди. – Французлар яхши одамлар. Кўйинг, отахон, хархаша қилиб ўтирмайлик.

Офицер атрофга назар солди ва Пьер билан кўз уриштириб олгач, деди:

– Нахотки, бу ерда ҳам ҳеч ким французча билмаса? – Пьер эшикдан ўзини четга олди.

Офицер яна Герасимга юзланди. У чолдан хоналарни кўрсатишни талаб қилди.

Герасим тушунарли қилиб гапиришга уриниб:

– Хўжа йўқ – меники билмайди... меники сени... – деди пойма-пой қилиб.

Француз офицери жилмайиб, тушунмаяпман, дегандек кўлларини Герасимнинг тумшуги остида кериб кўйди ва оқсокланиб Пьер турган эшикка томон юрди. Пьер офицер билан юзма-юз бўлишни истамасдан, ўзини четга олмоқчи бўлган эди, бироқ шу чоғ ошхона эшиги очилди-ю, кўлида тўппонча билан Макар Алексеевич чиқди. Макар Алексеевич ақдан озган кишиларга хос бир айёрлик билан французни кўздан кечирди-да, тўппончани кўтариб, уни нишонга олди.

– Найзабозликка! – деб қичқирди маст Алексеевич тепкини босаркан. Француз офицери қичқириқни эшитиб, қайрилиб қаради. Шу он Пьер ўзини Макар Алексеевич томон отди ва унинг кўлидан ушлаб тўппончани кўтарган эди, чол

бармоғи билан тепкени босиб юборди, ер-кўкни ларзага келтириб ўқ отилди ва ҳамма ёкни порох хиди босиб кетди. Француз ранги-куғи ўчиб, ўзини орқага, эшикка томон урди.

Француз тилини билишини яширишга аҳд этгани эсидан чиққан Пьер овсарнинг кўлидан тўшпончани тортиб олиб, уни улоқтириб ташлади-да, югуриб офицернинг олди-га борди ва у билан французчалаб гапиришиб кетди.

– Ярадор бўлганингиз йўқми? – деб сўради.

– Йўқ, шекилли, – деди офицер у ёк бу ёғини пайпаслаб кўриб: – лекин бу гал ўқ тегишига оз қолди, – деб кўйди деворнинг кўчиб тушган сувоғига ишора қилиб. Кейин Пьерга жиддий назар солиб: – Бу одам ким ўзи? – деб сўради.

– Ох, бу ҳодисадан мен ниҳоят афсусланаман, – деди дарров Пьер ўз аҳдини бутунлай унутиб. – Бу шўрлик овсар, нима қилганини ўзи ҳам билмай қолди.

Француз офицери Макар Алексеевичнинг олди-га келди ва унинг гирибонидан ушлади.

Макар Алексеевич худди уйқуга кетаётгандай лабини сўлжайтириб, деворга суянди ва гандираклай бошлади.

Офицер кўлини унинг гирибонидан олиб деди:

– Қароқчи, сен бу кирдикорингта жавоб берарсан, – кейин юзига қайғули ва тантанали ифода бериб, гўзал бир ҳаракат билан кўшиб кўйди.

– Биз, французлар, ғалаба қозонганимиздан кейин раҳм-шафқатли бўламиз, лекин хоинларни кечирмаймиз.

Пьер бу маст ва девона одамнинг гуноҳидан кечинг, деб француз тилида офицерга ялина бошлади. Француз хўмрай-ганича индамай кулоқ солиб турди-ю, кейин бирдан жилмайиб Пьерга юзланди ва бир неча дақиқагача индамай тикилиб қолди. Унинг чиройли юзида фожиали латиф ифода пайдо бўлди ва Пьерга кўл чўзиб деди:

– Сиз мени ўлимдан қутқариб қолдингиз. Сиз французсиз. Бундай худоса чиқариш француз учун табиий эди. Буюк ишга фақат француз кодир эди, унинг жаноб Рамбалнинг, 13-полк капитанининг – ҳаётини қутқариб қолиш эса, шубҳасиз, энг буюк иш ҳисобланар эди. Бироқ офицер ўз худосасининг тўғрилигига амин бўлса ҳам, Пьер унинг

ихлосини қайтаришни лозим топди.

– Мен русман, – деди дарров Пьер.

Бунга жавобан француз кўлимсираб ва кўрсаткич бармоғини бурни остида қимирлатиб деди:

– Охо, буни аммангизга айтинг, – Кейин Пьерга ўз биродарига гапираётгандай мурожаат этиб кўшиб кўйди. – Энди ҳаммасини гапириб берасиз, – деди у, – Ўз ватандошингни учратиб жуда яхши-да! Гапиринг-чи! Бу одамни энди нима қиламиз? Француз офицерининг сўз оҳанги ва юз ифодаси Пьерга: француз бўлмаган тақдирда ҳам дунёда энг юксак ҳисобланган номни олгандан кейин ундан воз кечмасангиз керак, деб турар эди. Офицернинг сўнги саволига жавобан Пьер яна бир карра Макар Алексеевич кимлигини, буларнинг келишидан сал олдин бу девона маст бўлиб олиб, ўқланган тўшпончапи олиб қочганини ва унинг кўлидан тортиб олишга улгуришмаганини айтиб, унинг гунохидан ўтишни сўради. Француз кўкрагини кериб, кўли билан дабдабали имо-ишора қилиб:

– Сиз, мени ўлимдан қутқариб қолдингиз. Сиз французсиз. Бу одамнинг гунохидан кечишимни истайсизми? Мен кечаман. Олиб боришлар буни, – деди дарҳол француз офицери, кейин ҳаётини қутқариб қолгани учун француз деб атаган Пьернинг кўлтиғидан олди ва у билан бирга уйга кирди.

Ҳовлидаги аскарлар ўқ товушини эшитиб, нима ҳодиса рўй берди, деб даҳлизга киришди ва гунохкорни жазолагани тайёр эканликларини билдиришди, бироқ офицер дарров уларни тўхтатди ва жиддий тарзда.

– Керак бўлсаларинг чақиринишди, – деди. Аскарлар даҳлиздан чиқдилар.

– Капитан, ошхонада шўрва билан қовурдоқ бор экан. – Олиб келсам майлими? – деди.

– Ҳа, винони ҳам олиб кел, – деди капитан.

XXIX

Пьер француз офицери билан биргаликда уйга киргандан сўнг француз эмаслигини яна бир марта капитанга тушунтиришни ўз бурчи деб билди ва гапини тугатиб чиқиб кетмоқчи бўлди, бироқ француз офицери бу сўзларга кулок солишни ҳам истамади. Офицер ўлимдан кутқариб қолгани учун Пьерга шу қадар назокат ва меҳрибонлик кўрсатди, унга шу қадар миннатдорлик изҳор қилдики, Пьер унинг сўзини ерда қолдиргани жасорат қилолмади ва у билан бирга биринчи кирган уйларида – залда ўтирди. Капитан Пьернинг мен француз эмасман, деганига наҳотки киши шундай юксак номдан воз кечса деб ҳайрон бўлгандек, елкасини қисиб қўйди ва агар сиз рус бўлишни жуда ҳам орзу қилаётган бўлсангиз, бўлаверинг, лекин мен бундан қатъи назар, жонимга ора кирганингиз учун умрим борица сиздан миннатдорман ва бу миннатдорлик ҳисси ҳаминша мени сизга боғлайди, деди.

Агар бу одам бошқаларнинг ҳисларини зиғирча тушунишга ва Пьернинг туйғуларини пайқашга қодир бўлса эди, эҳтимол, Пьер унинг олдидан кетган бўлар эди, бироқ ўз туйғусидан бошқа ҳеч кимнинг туйғусини билмаслиги ва зўр ҳафсала билан суҳбат қуриб ўтириши Пьерни енгди.

– Номини яшириб юрган француз ёки рус князи бўласиз, – деди француз Пьернинг кир бўлса ҳам, нафис ички кўйлаги ва кўлидаги узугига қараб. – Ҳаётимни сақлаб қолганингиз учун мен сиздан миннатдорман ўлгунимча дўстингиз бўлай. Француз бировнинг ёмонлигини ҳам, яхшилигини ҳам сира унутмайди. Мен сизнинг дўстингиз бўлмоқчиман. Бўлак айтадиган гапим йўқ.

Бу офицернинг товушида, юз ифодасида ва ҳаракатларида, (французча маъносида) шу қадар олийжаноблик, олийҳимматлик бор эдики, Пьер французнинг жилмайишига беихтиёр жилмайиш билан жавоб берди ва унинг узатган қўлини сиқди.

Француз талтайиб кетди ва мўйлови остидаги лабларини чўччайтириб, кулиб деди:

– Капитан Рамбаль, 13-енгил полкдан, еттинчи сентябр-

да бўлган жанг учун «Фахрий легион» нишонини олишга муваффақ бўлган кишиман: Энди исми-шарифларини билсак бўлар дейман. Ким билан бундоқ ширин сухбат куриб ўтириш шарафига ноил бўлиб ўтирибман, сиз бўлмаганингизда мана бу девонанинг ўқидан ярадор бўлиб, ҳозир яра боғлайдиган пунктда ётган бўлар эдим.

Пьер нима учун кимлигини яшириб юрганини айтиб, қизариб-бўзариб, бошқа бирон ном ўйлаб толишга уринаётган эди, француз унинг сўзини оғзидан олди.

– Қўйинг бу гапларни, – деди у. – Мен сизнинг вазиятингизга тушуниб турибман. Сиз офицерсиз... балки, штаб-офицеридирсиз. Сиз бизга қарши урушгансиз. Буниси билан менинг ишим йўқ. Сиз мени ўлимдан сақлаб қолган одамсиз. Мен сизнинг қулингизман. Сиз дворянларданмисиз? – деди саволомуз. Пьер бош ирғади: – Отингиз нима эди? Бошқа нарса сўрамайман. Жаноб Пьер дедингизми? Жуда яхши. Менга кераги ҳам шу.

Қовурдоқ, қуймоқ, самовар, рус ертўласидан олинган ва французлар ўзлари билан олиб келган ароқ ва вино келтириб қўйилганидан сўнг Рамбаль Пьерни дастурхонга манзират қилди ва ўзи дарҳол ютоқиб қолган соғлом киши сингари овқатни тушира кетди ва бақувват тишлари билан апил-тапил чайнаб: – Жуда соз, аъло экан! – деб оғзини чапиллатиб ея бошлади. Унинг афт-башараси кип-қизариб, тер босиб кетди. Пьернинг қорни оч эди, шунинг учун дастурхонга жон деб келиб ўтирди. Деншик Морель бир кастрюлкада илик сув келтириб, кизил вино шишасини солиб қўйди. Бундан ташқари татиб кўргани ошхонадан бир шиша квас ҳам келтириб қўйди. Французлар бу ичимликни татиб кўрган ва унга ҳатто ном ҳам қўйишган эди. Улар квасни чўчка лимонади деб аташар эди, Морель ошхонадан топиб олган бу лимонадни мактаб қолди. Бироқ капитаннинг Москвадан ўтаётганда қўлга киритган виноси бор эди. Шунинг учун квасни Морелга инъом қилиб, ўзи «Бордо» (вино) шишасини олди. У пишани бўғзигача салфеткага ўради-ю ўзига ҳам, Пьерга ҳам вино қўйди. Нафси қаноат қилганидан ва шаробдан кейин капитаннинг жағи яна ҳам очилиб кетди,

овқат маҳалида тинмай жавраб ўтирди.

– Балли, муҳтарам жаноб Пьер, бу жиннининг ўқидан жонимни саклаб қолганингиз учун мен азиз авлиёларига каттақон шам ёкишим керак. Абзойи баданимдаги ўқларнинг ўзи ҳам мен учун кифоя (биқинига ишора қилиб). Мана, бири Ваграмда, бири Смоленск остонасида бўлган жангларда теккан. – деди у бетидаги тиртигини кўрсатиб. Юрмайман деб қайсарлик қилаётган оёқни кўрмаяпсизми. 7-да Москва атрофида бўлган катта жангда ўқ теккан. Оҳо: ажойиб жанг бўлган эди. Ўт тўфони деса бўлар эди. Ишимизни мураккаблаштириб юбордиларинг, ҳар қанча мактансаларинг арзийди. Худо ҳақи, мана бу козирдан қатъи назар (у хочга ишора қилди) мен ҳаммасини бошидан бошлашга тайёрман. Буни кўрмаган кишиларга ачинаман.

– Мен ўша ерда эдим, – деди Пьер.

– Ие, ростданми? Ундай бўлса, тагин яхши, – давом этди француз. – Эътироф қилиш керак: сизлар жасоратли душмансизлар. Катта истехком жуда яхши иш кўрсатганини айтмайсизми. Бу жангда сизлар бизни жуда кўп қурбон беришга мажбур қилдингиз. Ўшанда мен уч мартаба жангга кирдим. Биз уч мартаба сизларни тўлга тутиб хужум қилдик, уч марта кўғирчоқ аскар сингари бизни улоқтириб ташладиларинг. Азбаройи худо, сизларнинг гренадёрларнинг ниҳоят яхши урушишди, улар сийрақлашган сафларини олти марта тўлдириб парадга¹ чиққандек жангга кирганларини ўз кўзим билан кўрдим. Ажойиб одамлар! Бунақа ишларга суяги йўқ бизнинг Неаполь қиродимизнинг ўзи уларга: «Тасанно!» деб қичқирди. – деди у бир оз ўйлашиб қолгач. – Ҳа, ҳа, ҳали мен ҳам аскар денг! Тагин яхши, жаноб Пьер. Французлар жангларда даҳшатли жононлар билан сертавозе бўлади, жаноб Пьер. Нима дедингиз? У кулиб кўзини қисди.

Капитан шу қадар соддадил, хушмуомала, хушҳол ва ўз-ўзидан мамнун эдики, Пьер суюниб кетиб унга қараб кўз

¹ *Парад* (французча: parade – тўхташ, етиб белиш жойи; латинча: paro – тайёр қиламан, тайёрлайман) – 1) кўзимизларнинг жанговар тайёргарлигини текшириш мақсадида ўтказиладиган тантанали кўрик (бу ерда шу маънода); 2) спортчилар, мактаб ўқувчилари қабиларнинг тантанали юриш кўриги.

кисипига оз қолди. «жонон» сўзи капитанга Москвадаги вазиятни эслагди, шекилли, сўради:

– Менга қаранг, Москвадаги хотинларнинг ҳаммаси шаҳардан чиқиб кетибди дейишади, ростми? Ғалати ҳодиса, улар нимадан кўрқдийкин?

– Рус кўшинлари Парижни ишғол қилса, француз аёллари чиқиб кетмасмиди – деди Пьер.

– Хо-хо-хо! – деб француз қаҳ-қаҳ уриб кулди ва Пьернинг елкасига уриб қўйди. Зап гапирдингиз-да! Париж эмиш?.. Ахир, Париж... Париж...

– Париж – жаҳон пойтахти...– деди Пьер унинг сўзини тугатиб.

Капитан Пьерга қаради. Унинг суҳбат ўртасида гапни тўхтатиб, кулагич кўзлари билан мулойимгина тикилиб турадиган одати бор эди.

– Агар сиз мен русман деб айтмаганингизда, сизни француз деб гаров боғлашардим. Сиз бир бор, бу... – шундай деб луқма ташлагандан кейин у яна индамай Пьерга қаради.

– Мен Парижда бўлганман, бир неча йил яшаганман, – деди Пьер.

– О, бу кўриниб турибди. Париж!.. Парижни кўрмаган одам одам эмас. Парижликни коронғи тунда ҳам таниб бўлади. Париж – бу Тальма, Дюшенуа, Потье, Сорбонна, хиёбонлар демакдир... – деди ва бу хулоса илгаригисидан бўшроқ чиққанини сезиб дарҳол қўшиб қўйди: – Оламда битта Париж бор. Сиз Парижда туриб ҳам руслигингизча қола-верибсиз. Майли, бунинг учун мени сизга бўлган ҳурматим камаймайди.

Ичилган вино, нохуш ўй-хаёллар билан узлатда ўтган сўнгги кунларнинг таъсири остида Пьер бу хушчакчақ ва оқкўнги кишининг суҳбатидан беихтиёр роҳатланиб ўтирди.

– Ҳа, хонимлар ҳақида бошлаган гапимиз чала қолган эди; рус хонимлари жуда гўзал бўлади дейишади. Француз армияси Москвада турган чоғда чўл-у биёбонларга қочиш аҳмоқона бир хаёл эмасми! Улар жуда қулай фурсатни қўлдан беришди. Сизларнинг деҳқонларинг бошқа гап, лекин сизлар таҳсил кўрган кишилар, бизни дурустроқ би-

лишларинг керак эди. Биз Вена, Берлин, Мадрид, Неаполь, Рим, Варшавани, дунёдаги барча пойтахтларни фатх этган одаммиз. Биздан кўрқадилар, аммо бизни ҳурмат қиладилар. Бизни яқинроқдан билишса, зарар қилишмайди. Кейин император... – деб француз гап бошлаган эди, бироқ Пьер унинг сўзини оғзидан олди.

– Император, – деб Пьер унинг сўзини такрорларкан, тўсатдан юзида маъюслик ва мустарлик ифодаси пайдо бўлди. – Император... Нима император?

– Императорми? Император олийжаноблик, лутф-карам, одиллик тартиб-интизом, заковат демақдир! Император нималигини тушундингизми? Буни мен, Рамбаль айтаётиман. Мана шу қаршингизда ўтирган одам саккиз йил муқаддам унинг душмани бўлган. Отам граф ва муҳожир эди. Лекин бу одам мени енгди. Мени қайириб олди. Францияни шон-шуҳратга кўмиб юборганини кўриб, мен унга таслим бўлдим. Унинг муддаосини англадим. Биз учун шон-шуҳрат тайёрлаётганини кўрганимдан кейин, ўзимга шаҳаншоҳ шудир-да, деб айтдим-у, тиз чўқдим. Мана, кўриб турибсиз... Балли, азизим, бу шахс ўтган ва келажак асрнинг ҳам энг буюк кишисидир.

– У Москвадами? – деб Пьер сўради ва юзида гуноҳкорларга хос бир ифода пайдо бўлди.

Француз Пьернинг юзидаги бу ифодага қараб, тиржайиб қўйди.

– Йўқ, Москвага эртага киради. – деди капитан ва сўзида давом этди.

Дарвозахонадан эшитилган ғала-ғовур ва Морелнинг кириб келиши буларнинг суҳбатини бўлди: Морель капитанга Виртемберг гусарлари келганини ва капитаннинг отлари турган ҳовлида от боғлаймиз деб хархаша қилаётганини айтди. Ғала-ғовур асосан гусарлар французчага тушунмаётгани оқибатида юз бераётган эди.

Капитан катта унтер-офицерни чақиртирди ва кескин товуш билан унинг қайси полкдан эканлигини, бошлиғи кимлигини, нима сабабдан аллақачон ишғол қилинган уйга кирмоқчи бўлаётганини сўради. Французчани яхши билмай-

диган немис биринчи ва иккинчи саволга жавобан ўз полки ва бошлигининг номини айтди, лекин сўнгги саволга тушунмасдан немис тилига талаффузи бузилган француз сўзларини қўшиб, ўзи полкнинг уй масалалари билан шуғулланадиган катга унтер-офицери эканини, бошлигининг амрига биноан бир бошдан ҳамма ҳовлиларни банд қилиши кераклигини айтди, Пьер немис тилини билар эди, шунинг учун капитанга немиснинг сўзларини таржима қилиб берди ва капитаннинг жавобини Виртемберг гусарига тушунтирди. Масаланинг моҳиятига тушунгандан кейин немис узр сўради ва одамларини олиб кетди. Капитан эшикка чиқиб, баланд товуш билан аллақандай буйруқлар берди.

Капитан қайтиб кирганда Пьер аввалги жойда пешонасини иккала қўли билан ушлаб ўтирган эди. Унинг юзида изтироб ифодаси бор эди. Шу дақиқада у ҳақиқатан ҳам изтироб чекмоқда эди. Капитан ташқарига чиқиб кетгандан кейин Пьер ўзи ёлғиз қолгач, бирдан ўзига келди ва қандай аҳволга тушиб қолганини англади. Душман Москвани ишғол қилгани ва бу бахтиёр ғолиблар унда яйраб юргани, Пьерга ҳомийлик қилаётгани қанчалик оғир бўлса ҳам, унга алам қилса ҳам, шу тобда уни изтиробга солаётган нарса бу эмас эди. У заифлигини, бенаволигини сезгани учун изтироб чекмоқда эди. Бир неча стакан винони ичиб, бу хушчақчақ капитан билан суҳбат қуриб ўтиргандан кейин сўнгги кунларда табияти хира бўлган Пьернинг кўнгли очилиб кетган эди, ваҳоланки ўз ниятини амалга ошириши учун унинг ўша илгариги кайфиятда бўлиши шарт эди. Тўппонча билан ханжар ҳам, кафтан ҳам тайёр, Наполеон ҳам эрта шаҳарга киради. Пьер ҳамон бу бадқирдорни ўлдириш савоб ва хайрли иш деб билар, лекин бу ишни уддалай олмаслигига кўнгли шаходат берар эди. Нима учун? Бунисини билмас эди, лекин ўз ниятини амалга оширолмаслигини сезиб турар эди. У ўз заифлигига қарши курашар, лекин бу нарсани енга олмаслигини, биринчи одамга рўпара бўлиши биланоқ, қасос олиш, ўлдириш, ўзини фидо қилиш ҳақидаги илгариги оғир ўй-хаёллари барбод бўлганлигини сал-пал сезарди.

Капитан оқсоқланиб, аллақандай бир куйни хуштак қилиб чалиб уйга кирди.

Французнинг илгари Пьерга ёкқан эзмалиги энди ёкмай қолди. Бир ашулани хуштак қилиб чалиши ҳам, юриши ҳам, ҳаракатлари ҳам, мўйловини бураши ҳам – хуллас, ҳаммаси Пьернинг назарида таҳқиромуз кўринди.

«Мен ҳозир чиқиб кетаман, ортиқ бу одамга бирон оғиз сўз айтмайман» – деди ўзича Пьер. Лекин бу фикр хаёлидан кечаётган бўлса ҳам, Пьер ўрнидан қимирламади. Аллақандай ожизлик туйғуси уни ўтирган жойига миҳлаб қўйгандай эди: ўрнидан туриб кетмоқчи бўлса ҳам, ўрнидан кўзгалмади.

Капитан, аксинча, жуда хурсандга ўхшар эди. У уйни икки мартаба айланиб чиқди. Унинг кўзлари порлар, мўйловлари эса, худди ғалати бир ҳодисани эслаб, ўзича қудимсираётгандай хиёл қимирларди.

– Ажойиб, – деди у тўсатдан, – Бу виртемберликларнинг полковниги, ажойиб одам! У немис лекин бундан катъи назар, жуда жонон йигит. Аммо немис..

Капитан Пьернинг рўпарасига келиб ўтирди.

– Демак, сиз немис тилини билар экансиз-да?

Пьер индамай унга қаради.

– Немисчада бошпанани нима дейди?

– Бошпанами? Бошпана немисчасига... – деди Пьер.

– Нима дедингиз? – деб сўради дарров капитан худди ишонмагандай.

– Бошпана, – деди яна Пьер.

– Бошпана, – деди капитан ва кулиб турган кўзлари билан бир неча дақиқа Пьерга тикилди. – Немислар жуда ёмон халқ-да. Нима дедингиз, Пьер афанди? – деди у хулоса чиқариб.

– Қани, Москва «Бордо»сидан тағин бирон шиша ичамизми, нима дедингиз? Морель тағин бир шишани илятиб келади. Морель! – деб қичқирди капитан хушҳол.

Морель шам билан бир шиша вино келтириб қўйди. Капитан шамнинг ёруғида Пьернинг юзига қаради ва ҳамсуҳбатининг таъби хиралигини кўриб, ҳайратга тушди,

шекилли, чин юрагидан ачиниб, Пьернинг тепасига келди ва энгашганича унинг кўлини ушлаб:

– Нега таъблари мунча хира, балки, мен сизни ранжитиб кўйгандирман? Йўқ, ростини айтинг, балки менинг бирон қилигим ёқмагандир? Балки, ўз вазиятингиздан хафа бўлаётгандирсиз? – деб яна сўради.

Пьер французнинг саволига жавоб бермади-ю, лекин мудойимгина қараб кўйди. Капитаннинг ҳамдардлик изҳор қилиши Пьерга хуш ёқди.

– Азбаройи худо, сиздан қарздор бўлишим у ёқда турсин, мен сиз билан дўст бўлмоқчиман. Агар бирон хизматингиз бўлса мен тайёрман, марҳамат, буюраверинг. Бу сўзни мен чин юракдан айтаянман., – деди капитан кўкрагига уриб.

– Ташаккур., – деди Пьер. Капитан бошлана немисчасига нима бўлади деб сўраганда Пьерга қандай тикилиб қараган бўлса, ҳозир ҳам шундай қаради ва чехраси бирдан очилиб кетди.

Рамбаль хурсанд бўлиб:

– Ундай бўлса, дўстлигимиз шарафига ичаман. Азбаройи худо, сиздан қарздор бўлишим у ёқда турсин, мен сиз билан дўст бўлмоқчиман. Агар бирон хизматингиз бўлса, мен тайёрман, марҳамат, буюраверинг. Бу сўзни мен чин юракдан айтаянман, – деб кичкирди ва икки стаканга вино куйди. Пьер бир стакан винони олиб ичди. Француз ўз стаканини кўтарди ва Пьернинг кўлини яна бир карра қисди-ю, ўйчан, ғамгин кайфиятда столга тирсакланиб ўтирди.

– Балли, дўстим, фалакнинг гардиши экан-да., – деб гап бошлади капитан. – Ким мени Бонапарт (бир вақтлар биз уни шундай атар эдик) драгунларига аскар ва капитан бўлади, деб айта олар эди. Мана кўриб турибсиз, у билан бирга Москвада юрибман. Мен сизга айтсам, дўстим, – деб капитан худди узундан узоқ бир ходисани гапириб беришга чоғланган кишига ўхшаб ҳазин ва мулојим товуш билан давом этди, – Бизнинг авлодимиз Франциянинг энг қадимий авлодларидан бўлади.

Капитан французларга хос бир енгилтақлик ва очиклик

билан авлод-аждодининг тарихини, ўзининг болалик, ўсмирлик, балоғатга етган даврини, қавм-қариндошларини, бөр-йўғини-ва-оилавий муносабатларини гапириб берди: «Менинг онаизорим», албатта, бу суҳбатда муҳим роль ўйнади.

– Лекин булар ҳаммаси ҳаётнинг муқаддимасидир, холос, ҳаётнинг жавҳари эса муҳаббатдир. Муҳаббат! Нима дедингиз, Пьер афандим? Яна бир стакан қуяй, деди капитан боран сайин қизишиб. – Яна бир стакан қуяй.

Пьер стаканни бўшатиб, ўзига учинчи мартаба вино куйди.

– Ох, хотинлар, хотинлар, – капитан сузилиб кетган кўзларини Пьерга тикиб, ўзининг муҳаббати ва ишқий саргузаштларини гапириб берди. Унинг ўзига бино қўйганлигини кўрсатиб турган чиройли юзи, хотинлар ҳақида шавқ-завқ билан гапирётганига қараб, бунақа саргузаштлари кўшигига ишонса бўларди. Рамбалнинг барча ишқий можаролари жирканч эди (французлар муҳаббатнинг зарифлиги ва шеървати шундагина деб биладилар), у, капитан, худди муҳаббатнинг барча латофатини ундан бошқа ҳеч ким сезмагандай шу қадар қизиқ қилиб гапириб берди, хотинларни шу қадар ҳавасни келтирадиган қилиб тасвирладики, Пьер зўр марок билан кулоқ солди. Французни бу қадар жалб этган муҳаббат, афтидан, Пьер бир вақтлар хотинига нисбатан ҳис этган жўн ва оддий муҳаббатга ҳам, Наташага нисбатан тасавурида ошириб-яшириб юрган романтик муҳаббатга ҳам ўхшамас эди. (Рамбаль бу хилдаги муҳаббатни ёмон кўрар эди, чунки буларнинг бири извошчиларнинг муҳаббати, тентакларнинг муҳаббати бўлса, иккинчиси тентакларнинг муҳаббати эди; француз чўқиниб юрган муҳаббати эса, асосан хотинларга нисбатан бўлган ғайритабiiй муносабатдан, ҳиссиётга жозибадорлик бахш этади деб тасаввур қилган бузуқ муносабатларнинг бир-бирига кўшилишидан иборат эди.

Капитан шу тарзда ўттиз беш яшар дилрабо бир

маркизага¹ ва айни замонда шу дилрабо маркизанинг ўн етти яшар гўзал, маъсума ва бокира қизчасига ошиқ бўлганини гапириб берди. Она-бола ўртасида юз берган олийжаноблик зиддияти шу билан хотима топган эканки, она ўз севгисидан воз кечиб, қизини ошиғига хотинликка бермоқчи бўлган экан, бу хотира эскирган бўлса ҳам, лекин капитан бу нарсани эслаб яна ҳаяжонга тушди. Капитан тағин бир воқеани нақл қилиб берди, бунда эр хуштор ролини, бу (хуштор) эса, эр ролини ўйнаган экан; кейин эрлари карам шўрва ичадиган, ёш-ёш қизларнинг сочи оқ-сарик бўлган немислардан бир неча кулгили воқеаларни нақл қилиб берди.

Нихоят, яқинда Польшада бўлиб ўтган ва ҳануз хотирида яхши турган сўнгги бир воқеани қизишиб, кўлларини тез-тез тўлгаб гапириб берди. Бу воқеа шундан иборат эдики, капитан бир полякни ўлимдан қутқариб қолган (умуман капитаннинг ҳикояларида бировнинг ҳаётини қутқариш эпизоди жуда кўп эди) ва бунинг эвазига поляк (қалбан француз) бўлган дилрабо хотинини капитанга ишониб топширган, ўзи эса француз армияси хизматига кириб кетган. Капитан даврини сурган, поляк жонон, у билан қочмоқчи бўлган, бироқ капитан, олийжаноблик кўрсатиб, хотинни эрига қайтариб берган ва шундай деган: «Мен сизни ўлимдан саклаб қолган эдим, энди номусингизни ҳам саклайман». Капитан шу сўзларни айтarkan, кўзларини ишқалади ва худди бу таъсирли хотирадан вужудини қамраб олган заифликни енгмоқчи бўлгандай бошини силкитиб кўйди.

Пьер капитаннинг саргузаштига қулоқ бераркан (кўпинча, кечаси бемаҳалда ва вионинг таъсири остида шундай бўлади), французнинг барча сўзларини диққат билан тинглар, унинг ҳамма гапларига тушунар ва айни замонда, негадир тўсатдан ҳаёлига келиб қолган ўз шахсий хотира-

¹ Маркиз(я) (французча) – 1) Франклар давлатида маркграфга тўғри келувчи унвон; 2) ўрта асрда Франция ва Италияда йирик мулкдор, ўз мавқеига кўра, табақавий поғонада герцог ва граф ўртасида турган; 3) Франция ва Италияда, XIV-XV асрлардан эса Англия, Испания ва Португалияда меросий дворянлик унвони.

лари бирма-бир кўз ўнгидан ўтар эди. Капитаннинг ишк-муҳаббат ҳақидаги ҳикоясини эшитиб туриб, бирдан ўзининг Наташага бўлган муҳаббати эсига тушди-ю, бу муҳаббатни ўз хаёлида Рамбалнинг гапириб берганлари билан солиштириб кўрди. Пьер капитаннинг бурч билан муҳаббатнинг кураши ҳақидаги ҳикоясига кулоқ соларкан, ўз севгилисини сўнги дафъа Сухарев минораси олдида кўриб қолганини барча тафсилоти билан кўз олдига келтирди. Бу учрашув ўшанда Пьерга унчалик таъсир қилмаган; бу нарса хатто бирон марта унинг хаёлига ҳам келмаган эди. Эндиликда эса бу тасодиф Пьернинг назарида қандайдир муҳим, шонрона бир тасодифдай кўринди.

Ўшанда Наташанинг: «Пётр Кириллич, бу ёкка келинг, мен сизни танидим» деган сўзлари кулоғи остида жаранглаб кетди, унинг кўзлари, табассуми, сафарда кийиладиган каллапўши, унинг остидан чиқиб турган бир тутам сочи кўз ўнгиди намоён бўлди... ва буларнинг ҳаммаси унга киши қалбини эритиб юборадиган таъсирчан бир ҳодисадай кўринди.

Капитан дилрабо поляк хоними ҳақидаги ҳикоясини тугатгач, Пьерга, сиз ҳам хотинининг қонуний эрига нисбатан бўлган муҳаббати туфайли ўз севгингизнинг баҳридан ўтганмисиз, деб савол бериб қолди.

Пьер бу саволни эшитиб, бошини кўтарди ва хаёлини банд қилиб турган нарсани айтишга эҳтиёж сезди: у хотинга бўлган муҳаббатини сал бошқачароқ тасаввур қилишини айтди. У бутун умрида биргина қизни яхши кўрганини ва ҳамон яхши кўришини ва бу қизнинг висолига етиш ҳеч қачон муяссар бўлмаслигини гапириб берди.

– Буни қаранг-а! – деб қўйди капитан.

Кейин Пьер бу қизни кичкиналигидан севганини, аммо бу ҳақда ўйлашга журъат этолмаганини, чунки қиз жуда ёш эканлигини, ўзи эса насл-насаби номаълум, никоҳсиз туғилган бир бола эканлигини гапириб берди. Кейин насл-насаби маълум бўлиб, мол-давлатга эга бўлганидан кейин ҳам бу ҳақда оғиз очмаган, чунки қизни жонидан ортиқ севган, ўзи у ёқда турсин, оламдаги барча нарсалардан уни юқори қўй-

ган. Сухбат шу нуқтага етганда Пьер капитанга мурожаат этиб, сўзларимга тушунмаяпсизми? – деб ундан сўради.

Капитан тушунмаётган бўлсам ҳам, давом этираверинг, деган маънода ишора қилди.

– Афлотуний мухаббат, булутлар... – деб гудурлаб кўйди капитан.

Винонинг таъсириданми ё роз айтиш талаби туғилиб қолганиданми, ё бу одам менинг саргузаштимга алоқадор бўлган шахсларни билмайди ва билолмайди деган ҳаёлга борганиданми, ёки буларнинг ҳаммаси бир бўлибми, ишқилиб, Пьернинг қулфидили очилиб кетди. У сузилган кўзларини узоқларга тикиб, чайналиб гапириб, бутун саргузаштини: ўзининг уйланишини ҳам, қандай бўлиб Наташа унинг энг яқин бир дўстини севиб қолганини ҳам, Наташанинг қаллиғига қилган хиёнатини ҳам ва Наташа билан ўзи орасида бўлган содда муносабатни ҳам гапириб берди, Рамбалнинг саволларига жавоб бериб туриб у бошда яширган нарсаларни – киборлар доирасида тутган мавқеини, ҳатто насл-насабини айтиб кўйди.

Пьернинг сўзлаган сўзларидан капитанни энг кўп ҳайратга солган нарса унинг жуда бадавлатлиги, Москвада икки саройи борлиги, у буларнинг ҳаммасидан кечиб, тагин Москвадан чиқиб кетмасдан, насл-насабини яшириб, шаҳарда қолганлиги бўлди.

Улар ярим кечада бирга кўчага чиқишди. Тун илик ва ёруғ эди. Ҳовлининг сўл томонида – Петровкада, Москвада эндигина бошланган ёнғиннинг алаңгаси кўриниб турар эди. Ўнг томонда янги ойнинг ўроғи, ойнинг рўпарасида эса, Пьернинг назарида, қалбидаги мухаббат билан боғлиқ бўлган ўша ёруғ думли юлдуз муаллақ турар эди. Герасим, ошпаз хотин ва иккита француз дарвозахонада туришар эди. Уларнинг бир-бирлари тушунмайдиган тилда гурунглашиб ўтиришгани эшитиларди. Улар шаҳарнинг устида кўтарилаётган ёнғин шуъласига қарашар эди.

Шундай катта шаҳарнинг узоқ бир бурчида бўлаётган кичкина ёнғин унчалик кўрқинчли эмасдай кўринарди.

Пьер юлдузлари чарақлаб турган баланд осмонга, ойга,

думли юлдузга ва ёнгин шафағига қараркан, кўнгли очилиб, меҳри товланиб кетди. «Қара, кандоқ яхши, тагин нима керак?» – деди ўзича. Тўсатдан ўз нияти эсига тушди-ю, боши айланиб, кўнгли озди ва йикилиб кетмаслик учун деворга суянди.

У янги дўсти билан хайр-маъзур қилмасдан, гандирак-лаб дарвозахонадан нари кетди ва ўз бўлмасига қайтиб кириб диванга чўзилди ва шу оннинг ўзида уйкуга кетди.

XXX

Кўчама-кўча қочиб бораётган ва жўнаб кетаётган аҳоли билан орқага чекинаётган кўшин иккинчи сентябрь кечки пайт юз берган ёнгиннинг шуъласига қарар экан, турли ҳислар уларни қамраб олди.

Ростовларнинг қарвони шу кеча Москвадан йигирма километр нарида, Митишчида тўхтади. Улар биринчи сентябрда Москвадан жуда кеч жўнаганлари, йўл арава ва кўшин билан тўлгани, эсдан чиқиб қолган аллақанча нарсаларни олиб келгани одам юборилгани учун бу кеча Москвадан беш чақирим нарида тунашга қарор қилди. Эртасига уйкудан кеч турдилар, йўлда яна шунча кўп тўхтадилар, ҳатто Катта Митишчига зўрга етиб олдилар. Кечаси соат ўнда Ростовлар ва улар билан бирга келаётган ярадорлар қаттақон қишлоқнинг ҳовли ва уйларига жойлашиб олишди. Ростовларга қарашли одамлар, уларнинг кучерлари ва ярадор офицерларнинг деншиклари, хўжаларини тинчитиб бўлгач, овқатланишди, отларга ем-хашак ташлагандан сўнг эшикка чиқишди. Кўшни уйда Раевскийнинг панжаси мажакланган адыютанти уйда ярадор оғриқнинг зўридан муттасил инграб зорланар, унинг инграши куз фаслининг қоронғи тунида одамнинг этини жимирлатар эди. Биринчи кеча бу адыютант Ростовлар тўхтаган ҳовлида тунади. Графиня, ярадорнинг оҳ-воҳидан кечаси билан мижжа қоқмай чиқдим, деб шикоят қилди ва Митишчида унинг инграшини эшитмаслик учингина ёмонроқ бир хонага кириб ётди.

Ростовларга қарашли одамлардан бири тун қоронғисид

эшик олдида турган баланд каретанинг устидан яна бир кичик ёнғиннинг шуъласини кўрди. Бошқа бир аланга анчадан бери кўринар, Мамонов казаклари ўт кўйган Кичик Митишчи ёнаётганини ҳамма биларди.

– Оғайни, яна бошқа бир ер ёняпти, – деди офицернинг хизматкори.

Ҳамма бу ёнғин алангасига қаради.

– Мамоновнинг казаклари Кичик Митишчига ўт кўйибди дейишяпти-ку, ахир.

– Ҳа, Митишчи! Йўқ, бу Митишчи эмас, бу Митишчидан анча узоқда.

Эшик олдида турган кишилардан икkitаси зинадан тушди ва каретанинг орқасига ўтиб унинг пиллапоясига ўтириб олди.

– Бу сўдрокда-ку! Қара, Митишчи ху ана у ёқда, бу эса буткул бошқа томонда.

Бир неча киши буларга келиб қўшилди.

– Қара, лангилляяпти, – деди бири, – афандилар, Москва ёняпти, ё Сушевская ё Рогожскаяда бўлса керак.

Ҳеч ким унга жавоб қилмади. Бу одамларнинг ҳаммаси узоқдан кўринаётган янги ёнғиннинг алангасига узоқ вақт индамай қараб қолишди.

Графнинг камердинери чол Данило Терентьич (ҳамма уни шундай деб атар эди) оломон олдига келиб Мишкага ўшқирди:

– Сен нима қиласан бу ерда, саёк... Граф чақириб қолса, ҳеч ким йўқ; бор, кийимларни йиғиштириб қўй.

– Мен сувга бораётган эдим-ку, ахир, – деди Мишка.

– Данило Терентьич, аланга Москвадан чиқаётганга ўхшайди-ку, нима дедингиз? – деб сўради лакейлардан бири.

Данило Терентьич индамади ва яна узоқ вақт ҳеч кимдан садо чикмади. Ёнғин шуъласи ёйилиб, борган сайин ловулламоқда эди.

– Э, тангрим, ўзинг сақла!.. Шамолни кўринг, ҳамма нарса қуриб қолган... – деди бир товуш.

– Қара, ҳамма ёқни аланга босди. Ё раббим! Ҳатто сўхталар кўриняпти. Худоё худовандо, осий бандаларингни

кечир!

– Ўчиришар дейман.

– Ким ўчиради? – деди шу тобгача жим турган Данило Терентьич. Унинг товуши осуда ва мулойим эди. – Москва-нинг ўзгинаси ёняпти, биродарлар, – деди чол. – Оқ тошдан бино бўлган Москва... – Унинг товуши бирдан жимиди ва у тўсатдан, кексаларча йиглаб юборди. Узокдан кўринаётган шафақнинг аҳамиятини англамоқ учун бу одамларнинг ҳаммаси гўё чолнинг йиғисини кутиб тургандек эди, биров хўрсинди, биров дуо ўқиди, графнинг кекса камердинери эса хикиллаб йиғларди.

XXXI

Камердинер келиб, Москва ёнаётганини графга хабар қилди. Граф халатини кийди-да, ёнғинни кўргани ташқарига чикди. Ҳали кийимини ечишга улгурмаган Соня билан Шосс хоним бирга чикди. Уйда Наташа билан графиня ёлғиз қолишди. (Петя оила аъзолари орасида йўқ: у Троицага қараб бораётган полки билан олдинроқ жўнаб кетган эди.)

Графиня Москва ёняпти, деган хабарни эшитиб, йиглаб юборди. Рангида ранг қолмаган, кўзлари бақрайиб қолган Наташа икона остига қўйилган узун ўриндикда (у келгандан бери шу ерда ўтирарди) ўтираркан, отасининг сўзига эътибор қилмади. Унинг қулоғи адъютантнинг уч ҳовли нариддан эшитилаётган тинимсиз инграшида эди.

– Ох, бу қандок дахшат! – деди кўркиб ва совқотиб ташқаридан қайтиб кирган Соня. – Бутун Москва ёниб битса керак, деб ўйлайман, аланга жуда ваҳимали! Наташа, кел, бир қара, деразадан ҳам кўрса бўлади, – деди Соня синглисини бир илож қилиб овутмоқчи бўлгандай. Наташа худди Сонянинг нима деяётганига тушунмагандай унга бир қаради-ю, яна кўзларини печканинг бурчагига тикди. У эрталабдан бери суратдай қотиб қолган эди; Соня князь Андрейнинг ярадор бўлгани ва буларнинг қарвони билан бирга кетаётганини негадир Наташага айтиб қўйган ва бу билан графиняни ҳам таажжублантирган, ҳам хафа қилган эди.

Камдан кам жаҳли чиқадиган графиня Соняни қаттиқ уришиб берди. Соня йиғлади, кечирим сўради, энди бўлса, ўз гуноҳини ювмоқчи бўлгандай ҳадеб синглисига мулозамат кўрсатмоқда эди.

– Наташа? Қара, жуда ваҳимали ёняпти, – деди Соня.

– Нима ёняпти? – деб сўради Наташа. – Ҳа, Москва ёняпти-я.

Наташа худди Сонянинг сўзини қайтариб, уни ранжитиб кўйишдан кўрққан ва ундан қутулмоқчи бўлгандай иримига бошини деразага яқинлаштириб, яна аввалгидай ўтириб олди.

– Ҳеч нарсани кўра олганинг йўқ-ку, ахир!

– Йўқ, кўрдим, азбаройи худо, кўрдим, – деди Наташа худди мени кўп безовта қилма, деб ёлвораётгандай.

Графиня ҳам, Соня ҳам, ҳозир Москва ва унинг ёниши қанчалик аҳамиятга эга бўлмасин, барибир, Наташага таъсир қилмаслигини билар эдилар.

Граф яна ўз жойига – парда орқасига ўтиб чўзилди. Графиня қизи олдига келди, унинг бошига кўлининг орқасини кўйиб кўрди (қизи нотоб бўлган вақтларда у шундай қиларди), кейин, иситмаси йўқми, дегандай пешонасига лабини теггизиб ўпди.

– Совқотдингми? Аъзойи баданинг титрапти-ку! Ётсанг бўларди, – деди графиня.

– Ётайми? Ҳа, майли, ётсам ёта қолай. Ҳозир ётаман, – деди Наташа.

Соня бугун эрталаб князь Андрейнинг оғир ярадор бўлганини ва ўзлари билан бирга келаётганини Наташага айтганда, Наташа у қаеридан ва қандай яраланибди? Яраси хавфлими? Уни кўрса бўладими? – деб суриштира берди. Аммо сен уни кўришинг мумкин эмас, у оғир ярадор бўлган бўлса ҳам, ҳаёти хавф остида эмас, деган гапни эпиттанидан кейин бу сўзларга ишонмади, шекилли, қанчалик ялинмайин, барибир, унашмайди, деган қаноатга келди, шекилли, индамай кўя қолди. Бутун йўл бўйи Наташа кўзларини катта очиб (графиня буни яхши билар ва маъносидан жуда кўрқар эди), кимир этмай, каретанинг бир бурчагида ўтириб

қолган ва энди узун ўриндиқда ҳам айнан ўша ҳолатда ўтирган эди. Наташа бир нарсани ўйлаб толганини, бир қарорга келаётганини ўз хаёлида аллақачон ҳал қилиб қўйганини графиня англади, аммо бу қанақа қарор эканлигини билмагани учун кўрқар ва изтироб чекар эди.

– Наташа, жонгинам, ечиниб, менинг тўшагимга кира қол. (Фақат графиня учун қаравотга тўшак солинган, Шосс хоним билан иккала ойимқиз полда, похол устида ётиши керак эди.)

– Йўқ, ойи, мен шу ёрда, полда ётавераман, – деди жаҳл билан Наташа ва деразанинг олдига келиб, деразани очиб юборди. Адъютантнинг инграган товуши очиқ деразадан баралла эшитила бошлади. Наташа бошини деразадан чиқарди (тун ҳавоси рутубатли эди), графиня кизининг нозик бўйни йиғидан титраб, дераза ромига урилаётганини кўрди. Инграётган бу одам князь Андрей эмаслигини Наташа биларди. Князь Андрей ўзлари билан бир ҳовлида эканидан ҳам, у даҳлизнинг нариги тарафидаги уйда ётганидан ҳам Наташа хабардор эди, лекин адъютантнинг юракни эзадиган тинимсиз инграши уни йиғлатди. Графиня Соня билан кўз уриштириб олди.

Графиня Наташанинг елкасига кўлини тегиштириб:

– Жон қизим, оппоқ қизим ётгин, ёта қолгин! – деди. – Кел, ёт энди.

– Ҳа, ётаман, ҳозир ётаман, – деди Наташа ва шошиб-пишиб юбкасининг боғичини узиб, ечина бошлади. У кўйлақни ечиб, кофтасини кийди, оёқларини йиғиштириб, полга тўшалган ўрнига ўтирди-да, битта қилиб ўрилган ингичка ва қалтароқ сочини олдига ташлаб, бошқатдан ўра бошлади. Ингичка, узун бармоқлари тез-тез ҳаракат қилиб, сочни ўриб тутиб қўйди. Наташа бошини одатдагидай гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа буриб қарар, ўқрайиб қолган кўзлари рўпарасидаги нарсага тикилиб турар эди. Тунги кийимини кийиб бўлгандан кейин Наташа пичан устида тўшалган чойшаб устига, эпикка яқин жойга чўзилди.

– Наташа, сен ўртада ёт, – деди-я Соня.

– Шу ерда ётавераман, – деди Наташа. – Ётмайсизларми

сизлар ҳам, — деди у жеркиб. Кейин юзини ёстикқа кўйиб ётди.

Графиня, Шосс хоним ва Соня наридан-бери ечиниб, тўшакка кирдилар, Уйда битта қорачироқ ёниб турар эди. Лекин ташқари икки чақирим нарида — Кичик Митишчида бўлаётган ёнғиннинг шуъласидан ёришиб кетган, Мамоновнинг казаклари тор-мор қилган қовоқхонадан ҳалойиқнинг қий-чуви, кўчанинг нариги томонидаги ҳовлидан эса адъютантнинг инграши ҳамон эшитилар эди.

Наташа анчагача ички ва ташқи товушларга қулоқ солиб, кимирламай ётди. У бошда онаси дуо ўқиб, хўрсиниб кўйганини, унинг остидаги қаравот ғижирлаганини, Шосс хоним одатдагича ҳуштак чалиб хуррак отганини, Соня бир маромда нафас олаётганини эшитди. Кейин графиня секин қизини чақирди, лекин Наташа овоз бермади.

— Ухлади, шекилли, ойи, — деди секин Соня. Графиня бир оз индамай ўтиргандан кейин яна бир қарра чақириб кўрди, лекин бу гал ҳам жавоб бўлмади.

Шундан кейин, кўп ўтмай, Наташа онаси бир маромда нафас олаётганини эшитди. Наташа кўрпа остидан чиқиб турган яланғоч оёқлари полда совкотаётган бўлса ҳам, кимир этмай ётаверди. Бир чигиртка худди ҳаммага голиб келгани учун шод-хуррам бўлаётгандай қавақда чириллади. Узоқда бир хўроз кичқирди, берироқдагилари унга жавоб қилди. Қовоқхонадан келаётган хайкирик тинди; фақат адъютантнинг ўша ноласи эшитиларди, холос. Наташа бошини кўтарди.

— Соня, ухладингми? Ойи? — деди шивирлаб Наташа. Ҳеч кимдан садо чикмади. Наташа эҳтиётлик билан оҳиста ўрнидан турди, чўқинди, яланғоч кичкина ва бакувват оёғи билан ифлос совуқ полга босди. Пол ғижирлаб кетди. Наташа мушукчадай енгил одим отиб, югуриб эшик олдида борди-ю, унинг совуқ қабзасидан ушлади. Наташанинг назарида оғир бир нарса бир маромда гурсуллаб, уй деворларига урилаётгандай эди: бу нарса қўрқув, даҳшатдан орзикаётган ва муҳаббатдан абгор бўлган қалбининг садоси эди. Наташа эшикни очиб, бўсагадан ҳатлаб ўтди ва даҳлизга — совуқ ерга

оёк кўйди. Салқинда анча тетик бўлиб қолди. У полда одам ётганини яланғоч, оёғи билан пайпаслаб билиб, унинг устидан ҳатлаб ўтди-ю, князь Андрей ётган хона эшигини очди. Уй қоп-қоронғи эди. Тўрдаги бурчакда, устида бир нима ётган каравотнинг ёнида, ўриндикда ёниб битаётган шам турган эди. Наташа князь Андрей ярадор бўлганини ва шу ерда эканини эрталабоқ эшитган ва бир илож қилиб уни кўришга аҳд қилган эди. Кўришишдан мурод нима эканлигини билмаса ҳам, бунинг изтиробли бўлишини билар, лекин шундай бўлишига қарамай, учрашиш зарурлигини сезар эди.

Куни бўйи у, кечаси князь Андрейни бориб кўраман, деган умид билангина яшади. Бироқ ўша фурсат насиб бўлганда унинг юраги дов бермай қолди. Унинг қаери шикаст еган? У қандай аҳволга тушдидейкин? У ҳам тинимсиз инграётган адъютантга ўхшармикин? Ҳа, у ҳам худди шунга ўхшаса керак. Наташанинг тасаввурида князь Андрей шу мудқиш инграшнинг тажассуми эди. Наташа бурчакда ётган бир нарсани кўриб, князь Андрейнинг кўрпа остида букилиб ётган тиззаларини елкаси деб гумон қилди-ю, кўз олдига абагаги чиққан бир жасадни келтирди ва юраги ёрилиб тўхтади. Бироқ ениб бўлмайдиган бир куч уни олға сурди. У эҳтиёт бўлиб бир-икки қадам кўйди-ю, алланима балолар қалашиб ётган кичкина уйнинг ўртасига бориб қолди. Уйда икона остидаги чорпояда бир киши (Тимохин), полда икки киши (доктор билан камердинер) ётган эди.

Камердинер бошини кўтариб, алланима деб шивирлади. Тимохин ярадор оёғининг зирқираб оғришидан кўз юмолмай ётган эди, бирдан эгнига оқ кўйлак билан кофта, бошига тунги каллапўш кийган қизнинг пайдо бўлиб қолганига ҳанг-у манг бўлиб, кўзларига ишонмай қараб қолди, Камердинернинг ҳам кўркув, ҳам уйку аралаш: «Сизга нима керак? Нима қиласиз бу ерда?» деган сўзи Наташани бурчакда ётган нарсанинг олдига тезроқ боришга мажбур қилди, холос. Бу жасад одамга минг ўхшамаса ҳам, минг кўрқинчли бўлса ҳам, Наташа уни кўрмоқчи бўлди. У камердинернинг ёнидан ўтди, ёниб битаётган шам ёришиб кетди-ю, Наташа кўл-

ларини кўрпанинг устига ташлаб ётган князь Андрейни, илгарии ўзи кўриб юрган ўша князь Андрейни кўрди.

Князь Андрей илгаригидай эди, лекин унинг бўриққан юзи, севинчдан порлаб Наташага тикилиб турган кўзлари, айниқса, кўйлагининг қайтарма ёқасидан чиқиб турган гўдакларникидай нозик бўйни уни жуда маъсум қилиб кўрсатар эдики, Наташа ҳеч қачон уни бу ҳолатда кўрмаган эди. У князь Андрейнинг олдига келди-ю, ёшларга ҳос эпчиллик билан унинг қаршисида тиз чўкди.

Князь Андрей жилмайиб унга кўл чўзди.

XXXII

Князь Андрей Бородино жанг майдонининг яра боғлайдиган пунктида ўзига келганига етти кун бўлган. Ўшандан бери у ҳар куни гоҳ хушга келиб, гоҳ хушдан кетиб ётган эди. Бирга келаётган доктор князнинг иситмада ёниб ётгани ва зарарланган ичаги газак олганини кўриб ундан умидини узган эди. Бироқ етти кун деганда у бир бурда нон билан бир пиёла чойни хузур қилиб ичди ва доктор унинг иситмаси тушганини пайқади. Князь Андрей эрталаб ўзига келди. Москвадан чиққан куннинг биригчи кечаси ҳаво хийла илиқ бўлгани учун князь Андрейни қоляскадан олишмади, касал ўша ерда тунаб қолди, лекин Митишчига келганда ярадорнинг ўзи ичкарига олиб киришларини талаб қилди ва чой сўради. Кўтариб ичкарига олиб кираётганларида жони оғриб дод деб юборди-ю, яна хушдан кетди. Буклама каравотга ётқизгандан кейин у узок вақт кўзини очмай кимирламай ётди. Кейин кўзини очди-ю, секин: «Чой нима бўлди?» – деб шивирлади. Шу ҳолатда ҳам чой сўраш кераклиги эсида турганига доктор ҳайрон қолди. У томирини ушлаб кўрди-ю, илгаригидан кўра дуруст ураётганини пайқаб, ҳам таажжубланди, ҳам таъби хира бўлди. Чунки ўз тажрибасидан князь Андрейнинг ўлишини, ҳозир ўлмаган тақдирда ҳам кейинроқ, кўп азоб-укубат чекиб ўлишини билар эди. Князь Андрей билан бирга ўша Бородино жангида оёғидан ярадор бўлган, Москвада буларга кўшилган полкдоши,

бурни кип-кизил майор Тимохин ҳам кетаётган эди. Буларга бир доктор, князнинг камердинери билан кучери ва икки деншик ҳамроҳ бўлиб бормоқда эди.

Князь Андрейга чой беришди. У апил-тапил чой ичаркан, худди бир нимани эсламоқчи ва уқиб олмоқчи бўлгандай иситмадан қизарган кўзлари билан қаршисидаги эшикка тикилиб қолди.

– Бўлди, ичмайман. Тимохин шу ердами? – деб сўради. Тимохин чорпоядан эмаклаб, унинг яқинига борди.

– Мен шу ердман, тўрам.

– Яранг қалай?

– Меникими? Меники-ку дуруст-а, аммо сизники қалай? – Князь Андрей худди бир нарсани эслагандай, яна ўйга ботди.

– Битта китоб керак эди, топилармикин?

– Қанақа китоб?

– Инжил-да! Ўзимда йўқ.

Доктор топиб беришни ваъда қилди-да, ўзингизни қандай сезяпсиз, деб сўрай бошлади. Князь Андрей докторнинг барча саволига нохушлик билан, лекин бамаъни жавоб қайтарди, кейин остимга лўла қўйинглар, бўлмаса ётиб бўлмаяпти, ярам азоб беряпти, деб илтимоқ қилди. Доктор билан камердинер унинг устидаги шинелини кўтаришди ва яранинг сассик хидидан афтларини буриштириб, азоб бераётган жароҳатни кўришди. Нимадир докторга ёқмади, ниманидир тузатди-ю ярадорни шундай ағдардики, бечора оғриқдан инграб, яна хушдан кетди ва алахлай бошлади. У ўша китобни тезроқ топиб келинглари, бошим остига қўйинглар, деб жаврар эди.

– Битта китобни топиб келиш нима деган гап? – дер эди у. – Ўзимда йўқ, худо ҳақи, шу китобни топиб келиб, бир дақиқагина бошим остига қўйинглар, – дер эди князь Андрей аянчли товуш билан. Доктор кўл ювгани даҳлизга чиқди.

– Ҳеч инсофлари йўқ-да, нима дедингиз, – дерди доктор кўлига сув қуяётган камердинерга. – Бир дақиқагина қарамай қолган эдим. Шу қадар ёмон оғрийдики, мен унинг чидаётганига ҳайронман.

– Лўлани кўйдик, шекилли, ё парвардигор! – деди камердинер.

Князь Андрей қаерда эканини, нима бўлганини биринчи мартаба коляска Митишчида тўхтаганида ва ярадор бўлгани эсига тушиб, мени ичкарига олиб киринглар, деб сўраганида англаган эди. Яна жон оғригидан фикрлари чувалашиб кетди-ю, иккинчи марта уйда, чой ичаётганида ўзига келди, яна барча бошидан кечирганларини эслади ёмон кўрадиган кишисини яра боғлайдиган пунктда учратганини, унинг азоб чекаётганини кўриб, бахт-саодатдан дарак берадиган бу янги фикр бошига келганини яққолроқ тасаввур қилди. Бу фикр аниқ ва равшан бўлмаса ҳам, яна унинг хаёлини банд қилди. У энди янги бахтга эришганини ва бу бахт билан Инжил орасида қандайдир алоқа борлигини эслади. У шунинг учун ҳам Инжилни сўраган эди. Бироқ нокулай ётгани учун, яраси оғригани ва уни яна у ёнбошига ағдаришгани учун фикри чувалашиб кетди ва учинчи мартаба тунги сукунатда ўзига келди. Атрофидагиларнинг ҳаммаси маст уйкуда. Дахлизнинг нариги тарафида чигиртка чирилламоқда, кимдир кўчада бақриб, ашула айтмоқда, столда, икона устида, деворларда сувараклар изғиб юрмоқда, семиз бир пашша князь Андрейнинг бош томонида ва ёниб битаётган каттакон шамнинг олдида гўнғиллаб айланмоқда.

Князь Андрейнинг руҳий ҳолати соғлом эмас эди. Соғлом киши одатан бир вақтда жуда кўп нарсани ўйлайди, сезади ва эслайди, лекин бу фикр ва ҳодисалардан бир қисмини танлаб олиб, ўз диққати эътиборини мана шу ҳодисага жалб эта олиш лаёқатига эга бўлади. Соғлом киши ўй-хаёл гирдобига фарқ бўлиб ўтирган чоғида биров кириб қолса, хаёлини бўлиб, бирор мулойим сўз айтади-ю, яна ўз фикр-хаёли билан банд бўлади. Князь Андрейнинг руҳий ҳолати эса бу жихатдан соғлом эмас эди. Унинг бутун маънавий кучи илгаригидан кўра бардамроқ, ойдинроқ бўлса ҳам, лекин иродасига бўйсунмас эди. Айни бир вақтда минг хил ўй-хаёл ва тасаввур уни чулғаб олар эди. Баъзан унинг фикри шу қадар равшан, тез ва теран ишлар эдики, соғломлигида ҳам бу тарика ишлашга ожизлик қилар эди,

лекин бу фикр тўсатдан узилиб кетиб, унинг ўрнини кутилмаган бир тасаввур банд этарди, аввалги фикрига қайтишга мажол қолмас эди.

Князь Андрей ним қоронғи ва сокин уйда чақчайиб қолган кўзларини қаршисига тикиб, узаниб ётаркан, ўзича ўйлар эди: «Балли, менинг қаршимда одамдан ажратиб бўлмайдиган бир янги бахт эшиги очилди. Бу бахт моддий кучдан, инсонга таъсир этиши мумкин бўлган ё зохирий моддий таъсирдан холи бўлган, кўнгилгагина ором берадиган севги бахтидир! Буни ҳамма фаҳмлайди, лекин англашга фақат худонинг ўзи англайди, фақат худонинг ўзи инсоннинг пешонасига ёзади. Хўп, худо қандай қилиб буни пешонамга ёзади? Нега, ўғлим? Тўсатдан бу фикр-хаёлларнинг ипи узилди-ю, князь Андрей секин пичирлаётган бир товушни эшитди (бу товушни босинқираётганиданми, ўнгидами эшитаётганини ажратолмади), бу товуш ҳадеб бир мақомда: «пити-пити-пити» кейин «и-ти-ти» яна «пити-пити» ва яна «и-ти-ти» деб пичирлар эди. Шу билан бирга, пичирлаётган бу мусиқий садонинг остида князь Андрей юзида, юзининг қоқ ўртасида нозик игна ё ингичка тарашадан ажойиб бир энгил иморат бунёдга келаётганини сездди. У бунёдга келаётган бу иморат қулаб кетмаслиги учун (минг оғир бўлса ҳам), бир илож қилиб мувозанат сақлаб туриш кераклигини сезар, лекин, барибир, иморат қулаб кетар ва яна бир мақомда пичирлаётган мусиқий шивирлаш остида бошқатдан аста-секин қад кўтарар эди. «Чўзилди! Чўзилди! Чўзилиб кетяпти ва ҳамон чўзиляпти», – дер эди ўзича князь Андрей. У шивирлашга қулоқ солиб, игнадан бино бўлаётган бу иморатнинг чўзилгани ва барпо бўлаётганини сезаркан, аҳён-аҳёнда шамнинг қизғиш шуъласини кўрар, суваракларнинг шитир-шитири, ёстиғи ва юзига ҳадеб кўнаётган пашшанинг қанот қоқишини эшитиб қолар эди. Ҳар гал юзига пашша келиб урилганда князь Андрей худди бир жойи жизиллаб қўйгандай бўлар, лекин шу билан бирга юзи устида бино бўлаётган иморатнинг қоқ ўртасига пашша келиб урилса ҳам, иморат қуламай турганига таажжубланар эди. Аммо бундан бошқа яна бир муҳим нарса бор эди. Бу

нарса бўсағада оқариб кўринган сфинкс ҳайкали¹ бўлиб, бу ҳайкал ҳам князь Андрейни босмокда эди.

«Балки, бу ўзимнинг столда турган кўйлагимдир, – деб ўйларди князь Андрей, – мана буниси ўзимнинг оёғим, ана униси эшик, лекин нима учун бу бино ҳеч битмайди ва чўзилгани чўзилган ва пити-пити ва ти-ти-и пити-пити...» Князь Андрей кимгадир мурожаат этиб: – Қўй энди, худо ҳаққи, бўлди, – деб зўрға ёлворди. Тўсатдан унинг фикри ва туйғулари яна ниҳоят даражада ойдинлашиб кетди.

«Балли, муҳаббат (деб ўйлади у яна тамомила очиқ-ойдин), лекин бу муҳаббат бирон нима туфайли, бирон нарса туфайли, бирон сабаб туфайли вужудга келган муҳаббат эмас, бу муҳаббат ўлим тўшагида ётиб ўз ғанимимга рўпара келиб қолган чоғимда илк дафъа сезганим муҳаббатдир, мен, ҳар қалай, уни севиб қолдим. Мен сезган севиғи руҳнинг асли жавҳаридир, бундай бир севиғи учун моддий бир нарсанинг ҳожати йўқ. Мен ҳозир ҳам мана шу ёқимли туйғуни сезмоқдаман. Ўз яқинларингни севиш, ўз ғанимларингни севиш, ҳамма нарсани севиш, худони барча тазохиротида севиш керак. Азиз бир кишингни инсоний муҳаббат билан севишнинг мумкин: аммо ғанимингни муҳаббати илоҳий билан сева оласан. Мана шунинг учун ҳам мен ўша одамни севиб қолганимни сезганимда шу қадар хурсанд бўлдим. У одам нима бўлдикин? Тирикмикин у... Инсоний муҳаббат билан севиб туриб, кейин ўша одамни ёмон кўриб қолишинг ҳам мумкин, аммо илоҳий муҳаббат мангу муҳаббатдир. Бу муҳаббатни ўлим ҳам, бошқа нарса ҳам барбод қилолмайди. Қалбнинг жавҳари шу муҳаббатдир. Ўз ҳаётимда мен қанчадан қанча одамларни ёмон кўрганман. Аммо ўзим севганим одамлар ичида ҳеч кимни бу даража яхши кўрган ҳам эмасман, ҳеч кимни бунчалик ёмон кўрган ҳам эмасман». У Наташани яққол кўз олдига келтирди, илгари уни ўзигагина хос бутун гўзалликлари билан тасаввур этиб, бундан ўзи баҳра оладиган бўлса, ҳозир биринчи мартаба унинг қалбини тасаввур қилиб кўрди. Шунда князь Андрей Ната-

¹ Сфинкс ҳайкали – ярми одам, ярми шер ҳайкал.

шанинг туйғусини, изтиробини, мулзамлигини, пушаймон еганини англади. Сени олмайман, деб унга нисбатан нақадар шафқатсизлик қилганини, ундан муносабатини узиб, нақадар бағритошлик қилганини биринчи мартаба фахмлади. «Кошки, тагин бир мартаба унинг дийдорини кўра олсам эди. Кошки, ўша кўзларга боқиб, бир марта айт...»

Яна пити-пити-пити ва ти-ти, яна пити-пити – нўнг этиб пашша ўзини уриб олди... Тўсатдан унинг диққати бошқа ҳақиқат ва ҳаёлот оламига кўчди, бу оламда айрим бир ҳодиса юз бермоқда эди. Бу оламда ҳамон ўша бино бузилмасдан қурилмоқда, бир нима ҳамон чўзилиб бормоқда, шам ҳамон қизил доира шаклида ёнмоқда, сфинксга ўхшаб ётган кўйлак ҳамон эшик олдида турарди; бироқ булардан ташқари, бир нима ғич этди-ю, уйга тоза ҳаво кирди ва бўсағада янги бир оқ сфинкс пайдо бўлди. Бу сфинкснинг бошида князь Андрей ҳозир ўйлаб ўтирган ўша Наташанинг сўлгин юзи ва ўтдай ёниб турган кўзлари бор эди.

«Э, босинқирашдан тўйдим-ку!» – деб ўйлади князь Андрей бу чехрани ўз ҳаёлидан йироқлаштиришга уриниб. Аммо бу чехра ҳақиқатга ўхшаб унинг қаршисида турар ва унга яқинлашиб келар эди. Князь Андрей аввалги соф фикрлар оламига қайтмоқчи бўлди, лекин удалай олмади; босинқираш уни яна ўз кучоғига олди. Секин шивирлаётган товуш яна бир зайлда пичир-пичир қилар, нимадир князь Андрейни босар, бир нима чўзилар ва бу ғалати чехра қаршисида турарди. Князь Андрей хушига келиш учун бор кучини йиғди: у қимирлаб кўрди, лекин бирдан қулоғи шанғиллаб, кўзлари тинди-ю, худди сувга чўккан кишидай хушдан кетди. Князь Андрей хушига келганда Наташа, дунёдаги барча кишилардан ортиқроқ севмоқчи бўлган, энди унга аён бўлган соф илоҳий муҳаббати билан севмоқчи бўлган ўша тирик Наташа қаршисида тиз чўкиб турган эди. Бу қиз ҳақиқий, тирик Наташа эканини англаб, князь Андрей ҳайрон бўлмади, лекин ичида суюнди. Наташа йиғидан ўзини тийиб, тиз чўкиб тураркан, худди ерга ёпишиб қолгандай қимир этмасдан, қўрқа-писа унга тикилар эди. Унинг ранги-қути ўчган ва юзи суратдай қотиб қолган, ияги фақат

хиёл титрар эди.

Князь Андрей енгил тортиб, хўрсинди ва жилмайиб кўл узатди.

– Сизмисиз? – деди у. – Бу қандай бахт!

Наташа тиз чўккан ҳолда, чаққонлик билан, лекин эхтиёт бўлиб, князь Андрейга яқинлашди, секин унинг қўлини олди-да, бошини эгиб, хиёл лабини тегизиб ўпа бошлади.

– Кечиринг! Мени кечиринг! – шивирлаб деди Наташа бошини кўтариб князь Андрейга қараркан. – Мени кечиринг!

– Мен сизни севаман, – деди князь Андрей.

– Афв этинг...

– Нимани афв этаман? – деб сўради князь Андрей. Наташа эшитилар-эшитилмас тутилиб-тутилиб:

– Қил... мишларим учун мени кечиринг, – деб шивирлади-ю, лабларини князь Андрейнинг қўлига аста тегизиб, тез-тез ўпа бошлади.

Князь Андрей унинг кўзларига қарамоқчи бўлиб, кўли билан Наташанинг юзини кўтарди-да:

– Мен сени илгаригидан кўра кўпроқ, қаттиқроқ севаман, – деди.

Наташа хурсандликдан кўзларига ёш олиб, уялинкараб, ҳам ачинган, ҳам суюнган ҳолда меҳр билан князь Андрейга қараб турар эди. Наташанинг озғин ва сўлғин юзи, шишинкираган дудоклари хунуккина эмас, ҳатто қўрқинчли эди. Лекин князь Андрей унинг юзига эмас, балки кулиб турган жуда чиройли кўзларига қарар эди. Уларнинг орқасидан товуш эшитилди.

Камердинер Пётр уйқудан буткул уйғониб, докторни уйғотди. Оёғининг дардига чидолмай ухлай олмаган Тимохин аллақачондан бери бўлаётган воқеани кўриб турар, яланғоч баданини чойшаб билан бекитиб, чорпоёда кўнишиб ётар эди.

– Бу нимаси? – деди доктор бошини тўшакдан кўтариб. – Марҳамат қилиб чиқинг, хоним афандим.

Шу чоғ хизматкор қиз эшикни тақиллатди. Қизи йўқо-

либ қолганидан огоҳ бўлган графиня уни юборган эди.

Наташа худди уйкусираб юрган чоғида уйғотиб юборилган кишидай, уйдан чикди-да, ўз хонасига келиб йиғлаганича ўзини тўшакка отди.

Шу кундан бошлаб Ростовларнинг бутун сафари давомида, улар қаерда дам олишмасин ва тунамасин, Наташа ярадор Болконскийнинг олдидан жилмади ва доктор қиз боланинг бунчалик сабот ва касалга бу қадар маҳорат билан қараганини кўриб тан берди.

Князь Андрей йўлда Наташанинг қўлида ўлиб қолишидан (докторнинг гапига қараганда, бу эҳтимолдан йироқ эмас эди) графиня ҳарчанд кўрқаётган бўлса ҳам, лекин қизига индаёлмади. Ярадор князь Андрей билан Наташанинг муносабати хийла яқин бўлиб қолганлигидан, Болконский тузалиб кетса булар яна боягидай келин-куёв бўлиб қолади, деган фикр хаёлга келса ҳам, лекин ҳеч ким, ҳатто Наташа билан князь Андрей ҳам бу тўғрида оғиз очмас эди. Фақат Болконскийнинг эмас, балки бутун Россиянинг боши узра муаллақ турган ва ҳал этилмаган ҳаёт-мамот масаласи бошқа ҳамма масалани кўланкада қолдирган эди.

XXXIII

Пьер 3-сентябрда уйқудан кеч уйғонди. Унинг боши оғрир, ечинмай ётган кийими таъбини кир қилар, кеча кечқурун қилиб қўйган уятли иши эсига тушиб, кўнгли ғаш бўларди. Уни номусда ўлдираётган нарса кеча капитан Рамбаль билан қилган суҳбати эди. Соат ўн бир бўлган бўлса ҳам, ҳаво булутга ўхшаб кўринди. Пьер ўрнидан турди, кўзларини ишқалади.

Герасим яна ёзув столига қўйиб кетган кўндоғи нақшин тўшпончани кўриб, қаерда ётгани, бугун нималар қилиши кераклиги эсига тушди.

«Кечикмадиммикин? – деб ўйлади Пьер. – Йўқ, ўн иккисиз у Москвага кирмаса керак». Пьер нималар қилмоқчи эканлиги ҳақида бош қотириб ўтирмай, амалий иш бошлашга шошилди.

Пьер кийим-кечагини тузатиб, тўппончани кўлига олдию, ташқарига чиқмоқчи бўлди. Бироқ шу он, биринчи марта қандай қилиб кўчада тўппончани кўлимда олиб юраман, деган фикр хаёлига келди. Бу қаттақон тўппончани ҳатто кенг кафтаннинг ичига ҳам беқитиб бўлмас эди. Уни билинтирмасдан, на камарга осиб бўларди, на қўлтиққа яшириб. Бундан ташқари, тўппонча ўқланмаган, уни ўқлашга Пьер фурсат топмаган эди. «Барибир, ханжар керак бўлади», — деди Пьер ўзича. Ваҳоланки, Пьер ўз ниятини амалга ошириш йўлларини бир эмас, бир неча бор ўйларкан, 1809-йилдаги студентнинг энг асосий хатоси Наполеонни ханжар билан ўлдирмоқчи бўлган эди, деган қарорга келган эди. Бироқ Пьер асосий мақсади олдига қўйган вазифани бажариш эмас, балки ўз ниятида турганини ва бу ниятни амалга ошириш учун бел боғлаганини ўзига кўрсатмоқчи бўлгандай шошиб-пишиб Сухарев минораси олдида тўппонча билан бирга сотиб олган кўк қинли, дами қайтган ўтмас ханжарни олиб, уни жилети остига яширди.

Пьер кафтан устидан камарини боғлаб олди, шапкасини бостириб кийди-да, товуш чиқармасликка ва капитанга дуч келмасликка уриниб, коридордан кўчага чиқди.

Пьер кеча кечкурун ённингга аҳамият бермаган эди, бир кечада хийла зўрайибди. Москва энди ҳар томондан ёнмоқда эди. Карета растаси ҳам, Замоскворечье ҳам, Гостиний двор ҳам, Поварская кўчаси ҳам, Москва дарёсидаги кемалар ҳам, Дорогомиллово кўприги ёнидаги ўтин бозори ҳам, хуллас, ҳамма томон баравар ёнмоқда эди.

Пьер тор кўчалар билан юриб, Поварская кўчасига чиқиши, у ердан Арбатга, Никола Явленний черковига бориши керак эди. Пьер ўз ниятини шу ерда амалга оширишни аллақачонлар мўлжаллаб қўнган эди. Кўп ховлиларнинг дарвозаси ва дераза қоққоғи берк, кўча ва тор кўчалар бўм-бўш. Ҳаводан куйинди ва тутун ҳиди келиб турар эди. Ахён-ахёнда кўркиб-писиб, хавотир олиб бораётган руслар, туркидан шаҳар одами эмас, лагерь одами эканлиги кўриниб турган ва кўчанинг ўртасидан бораётган французлар кўзга тапланиб қолар эди. Руслар ҳам, французлар ҳам Пьерга

таажжубланиб қарар эди. Руслар фақат унинг узун ва йўғон гавдаси, чимирилган қоши, ўй-хаёлга ботиб, изтироб чекаётгандай кўринган юзи ва бутун бўй-бастигагина эмас, балки бу одам қайси табақага мансуб экан, деб ҳам қизиқиб қараётган эди. Французлар эса Пьерга, айниқса, шунинг учун ҳам таажжубланиб қараётган эдики, бошқа руслар французларни кўрққандек, кизиксиниб кўздан кечирсалар, Пьер уларга парво ҳам қилмас эди. Бир дарвозанинг олдида учта француз тил билмайдиган русларга алланарсани тушунтираётган экан, Пьерни тўхтатиб, французча биласанми, деб сўрашди.

Пьер йўқ, деган маънода бош чайкаб йўлида кетаверди. Бошқа бир тор кўчага кирганда кўк яшик олдида турган француз соқчиси Пьерга караб бақирди, Пьер эътибор бермай кетаверди, фақат соқчи иккинчи мартаба дахшатли товуш билан қичқирганда ва милтиқ шикирлаганда Пьер кўчанинг нариги томонидан бориш кераклигини пайқади. Пьернинг кулоғи ҳеч нарсани эшитмас, кўзи атрофидаги нарсаларни кўрмас эди. У Наполеонни ўлдириш ҳақидаги ниятини кўнглида худди мудҳиш ва ўзига ёт бир нарсадай шошиб-пишиб кўрқув аралаш олиб борар, кеча кечкурун бўлган воқеани эслаб, бирон ҳодиса юз берса, тагин бу ниятимга етолмай қолмайин деб кўрқар эди. Бироқ ўз ниятини амалга ошириш Пьерга насиб бўлмаган экан. Бундан ташқари, ҳеч ким йўлда Пьерни тўхтатмаган тақдирда ҳам унинг бу нияти амалга ошмас эди, чунки Наполеон тўрт соат муқаддам Дорогомилов деган жойдан келиб, Арбат кўчаси билан Кремлга ўтиб кетган эди, ҳозир таъби жуда хира бўлиб, подшонинг Кремль саройидаги кабинетида ўтирар, ёнғинни ўчириш, талончиликнинг олдини олиш, аҳолини тинчитиш ҳақида шошилиш суръатда тадбир кўриш учун батафсил буйруқлар берар эди. Аммо Пьер бундан беҳабар эди; у бутун фикри зикри олдида турган иш билан банд бўлган ҳолда қайсарлик қилиб, амалга ошириб бўлмайдиган ишни ўз бўйинига олган киши сингари изтироб чекар, бу иш оғир бўлгани учун эмас, балки табиатига мос келмагани учун изтироб чекар эди; у ишнинг айни долзарбида бўшашиб қолишдан ва бунинг оқибатида бебурд бўлиб

қолишидан кўрқар эди.

Пьер гарчи ҳеч нарсани эшитаётган ва кўрмаётган бўлса ҳам, савқитабий билан Поварскаяга чиқадиغان жин кўчаларда адашмай юриб борди.

Пьер Поварская кўчасига қанча яқинлашса, тутун шунча кўпаяверди ва ҳатто ёнғиннинг иссиғи ура бошлади. Онда-сонда уйларнинг томлари оша ёнғиннинг алангаси кўринар эди. Кўчаларда одам кўп, буларнинг ҳаммаси хаяжонда эди. Аммо Пьер атрофида фавкулудда бир ҳодиса юз бераётганини сезса ҳам, парво қилмасдан ёнғинга томон бораверди. У бир томони Поварская кўчаси, иккинчи томони князь Грузинскийнинг боғига туташган каттакон ялангликни кесиб ўтган ёлғиз оёқ йўлдан кетаётганида бирдан жони борича қичқириб йиғлаётган хотин кишининг товушини эшитди. Пьер худди уйқудан уйғонгандай тўхтади ва бошини кўтарди.

Ёлғиз оёқ йўлнинг четида, қуриб чанг босиб кетган ўтнинг устида уй-рўзгор буюмлари; парку тўшак, самовар, икона ва сандиқлар қалашиб ётган эди. Ерда, сандиқларнинг олдида қора, кенг пальто билан қаллапўш кийган ўрта яшар, озгин, тишлари сўйлоқ бир аёл ўтирган эди. Аёл чайқала-чайқала алланималар деб жавраб, қақшаб йиғламоқда эди. Кир босган кўйлакча билан кенг пальто кийган, кўрққанидан рангида ранг қолмаган иккита қизча (бири ўн, иккинчиси ўн иккиларга кирган эди) мунғайиб, онасига караб туришар эди. Етиларга кирган, эгнида чакмонча, бошига бировнинг каттакон шапкасини кийиб олган ўғилча кампир момосининг қўлида додламоқда. Афт-боши кир дастёр қиз эса сандиқ устида ўтираркан, оқиш сочларини ёзиб, қуйган толаларини ҳидлаб-ҳидлаб узиб ташламоқда эди. Аёлнинг эри – мундир кийган, чамбарак соқол – бакенбард қўйган, тақир қирдирган чаккалари бостириб кийган шапкаси остидан кўринаётган ўрта бўйли, хиёл букчайган, юзи қотиб қолган киши, қалашиб ётган сандиқларни жилдириб, уларнинг остидан аллақандай кийим-кечакларни тортиб олмоқда эди.

Аёл Пьерни кўра солиб, ўзини унинг оёғи остига

ташлади.

– Вой-дод, яхшилар, ёрдам қилинглар, православ насронийлар, нажот беринглар, бўтагинам, ёрдам беринг!.. Биронгангиз ёрдам қилинг! – деди аёл йиғлаб-йиғлаб. – Қизгинам!.. Қизчам!.. Кичкина қизчамни талаб кетишибди!.. Куйиб кетгандир! Вой-дод, сени шу умид билан ўстирган... Вой-дод!

Эри бошқалар олдида ўзини оқлаш учунгина бўлса керак, хотинига қараб:

– Бўлди, Марья Николаевна, – деди секин. – Синглинг олиб кетгандир, бўлмаса қаёққа кетади!

Хотин бирдан йиғини йиғиштириб кўйди-ю, эрига қараб бақирди:

– Серраймай ўл, нобакор. Бағритош бўлмасанг, ўз қизингга жонинг ачимасмиди. Бошқа ота бўлса ўзини ўтга ташлаб олиб чиқар эди. Бу нобакорни ота ҳам деб бўлмайди, одам ҳам деб бўлмайди, сиз олийжаноб одамсиз, – деб хотин бидирлаб Пьерга мурожаат қилди. – Кўшни ҳовли ёниб кетди, ўт бизникига ҳам ўта бошлади. Дастёр қиз ёняпти, деб дод солди. Ўша ондаёқ наридан-бери нарсаларни йиғдик, Устимиздаги кийимимиз билан уйдан қочиб чиқдик... Олиб чиққан нарсамиз шу, холос... Дуо олган вақтимда ҳады қилинган икона билан сепимга олиб келган парку тўшакни олдим, холос, бўлак ҳаммаси қолиб кетди. Болалар қани, деб қарасам, Катечка йўқ... Оҳ-оҳҳ! Э худо!.. – яна аёл хўнграб йиғлай бошлади. – Болажонгинам ёниб кетди! Куйиб кетди!

– Қизингиз қаерда, қаерда қолиб кетди? – деб сўради Пьер. Пьернинг юзида пайдо бўлган жонланишни кўриб аёл бу одам ёрдам қилишга қодир, деган ўйга борди.

– Отагинам! Қиблагоҳим, – деб хотин Пьернинг оёғига ёпишди. – Сени худо етказди, ҳеч бўлмаса юрагимга таскин бер... Аниска, кел, ер юткур, бу кишини бориб кўрсат, – деб аёл ғазаб билан оғзини очиб, дастёр қизга бақирди, шу ҳаракати билан сўйлоқ тишларини яна ҳам кўпроқ кўрсатиб.

– Обориб кўрсат, обориб кўрсат, мен... мен... удалайман, – деди Пьер шошиб-пишиб ҳаяжонли товуш билан.

Афт-боши кир дастёр қиз сандиқларнинг орқасидан

чикди, кокилини тутди, хўрсиниб яланг оёқ ҳолда олдинга тушиди-да, ёлғиз оёқ йўлдан юриб кетди, Пьер худди қаттиқ беҳуш бўлиб ётиб, энди бирдан ўзига келган кишига ўхшар эди. У бошини баланд кўтарди, кўзлари ҳаёт нури билан порлади, кизнинг кетидан жадал юриб, ундан ўзиб кетди-да, Поварская кўчасига чикди. Кўчани бошдан оёқ қоп-қора тутун қошлаб олган. Онда-сонда шу қора тутун орасидан аланга кўриниб қолар эди. Ёнғин олдида бирмунча одам тўшланиб турган эди. Француз генерали кўчанинг ўртасида туриб, агрофдаги одамларга алланарса деяётган эди, дастёр киз ҳамроҳлигида бораётган Пьер француз генералининг олдига бормокчи бўлган эди, бироқ француз аскарлари унинг йўлини тўсди.

– Бу ердан ўтиб бўлмайди, – деб қичқирди бир товуш.

– Амаки, бу ёққа! – деб чақирди дастёр киз. – Тор кўча билан бориб, Никулинларнинг уйидан ўтамиз.

Пьер оркага кайтди ва кизга етиб олиш учун баъзан сакраб-сакраб унинг кетидан бораверди. Дастёр киз югурганича кўчанинг ўртасидан ўтди-ю, чап томондаги тор кўчага қайрилди ва уч ховли ўтгач, ўнг томонга бурилди-ю, бир дарвозага кирди.

– Мана шу ерда, ҳозир, – деди дастёр кизча ва ховлига кирди, югуриб бориб бир ёғоч деворнинг эшигини очди ва ланғиллаб ёнаётган кичкина ёғоч флигелни Пьерга кўрсатди. Флигелнинг бир томони ўпирилиб тушган, иккинчи томони ёнмоқда, ёнғиннинг алангаси деразаларнинг роми ва том остидан чиқиб ҳамма ёқни ёритиб турар эди.

Пьер эшиқдан кириши билан юзига иссиқ урди-ю, беихтиёр тўхтади.

– Уйларинг қайсиси? – деб сўради Пьер.

Аниска ёнғинни кўриб ўз хисларини ифода этишни, лозим кўрди-да:

– О-оҳ-оҳ! Уйимиз, ховлимиз шу эди, – деб додлаб флигелни кўрсатди. – Катечка, эркатойимиз, куйиб кетдингми, ўзимнинг ойимқизим, опшоққинам. Катечка, – деб увуллаб йиғлади.

Пьер флигелга бош тикди, бироқ ёнғиннинг иссиғи шу

қадар кучли эдики, у беихтиёр флигелнинг бир томонини айланиб, ҳозирча фақат бир ёғи томдан ёнаётган ва атрофида бир тўда француз йиғилиб турган каттақон уйнинг олдидан чиқиб қолди. Ул-бул ташиётган французларни кўриб, Пьер буларнинг нима қилаётганига бошида тушунмади, лекин бир француз кўз олдида, қиличнинг орқаси билан бир дехқонни уриб, унинг почапўстинини тортиб олаётганини кўрганидан кейин бу ерда талончилик бўляпти деб тахмин қилди, аммо бу тўғрида ўйлаб ўтиришга ҳозир унинг фурсати йўқ эди.

Девор ва шифтларнинг гуруллаб қарсиллаб емирилиши, аланганинг чирсиллаб, вишиллаб ёниши, ваҳимага тушган одамларнинг ҳайқириғи, буралиб чиқаётган тутуннинг гоҳ қорайиб буруқсаши, гоҳ оқаришиб юқори кўтарилганида ялт-юлт этиб кетган учқунлар ва деворларни ялаётган аланганинг товланиши, тутун ва харорат, тинимсиз ҳаракат Пьерда одатдаги ёнғин маҳалидаги ҳаяжонини кўзгатди. Бу ҳаяжон айниқса шунинг учун кучли эдики, Пьер ёнғинни кўриши биланоқ бўйнида оғир юк бўлиб турган ўй-хаёллардан ўзини фориғ сизди. У бирдан ёш, қувноқ, абжир ва шижоатли бўлиб қолди. У ҳовли томонидан югуриб бориб, флигелни ҳали емирилиб тушмаган қисмига қарамоқчи бўлаётган эди, бирдан тепасида бир неча киши бақириб юборганини ва кўп ўтмай оғир бир нарса шарақлаб, жаранглаб ёнига келиб тушганини эшитди.

Пьер бошини кўтариб, атрофга назар солди: деразадан аллақандай металл буюмлар солинган комод¹ тортмасини пастга отиб юборган французларни кўрди. Пастда турган бошқа француз аскарлар комод тортмасини ўраб олишди.

– Бунга нима бало борикин. – деб бир француз Пьерга дўқ қилди.

– Шу ҳовлида бир бола қолган. Сизлар кўрмадиларингми? – деди Пьер.

– Буниси тагин нима деб вайсаяпти. Йўқол бу ердан, –

¹ Комод – кийим-кечак, рўзгор буюмлари ва бошқа нарсаларни қўйиш учун махсус ишланган кичик, узун шкаф.

деган товушлар эшитилди ва аскарлардан бири, комод торт масидан чиккан кумуш ва тунж идиш-товокларни бу одам тортиб олади деб кўрқиб кетди, шекилли, Пьерга ўдагайлаб келаверди. Иккинчи қаватдан бир француз овози боричи кичқирди:

– Болами? Боғда бир нима ҳикиллаётганини эшитувдим Балким, шу одамнинг боласидир. Одамга ўхшаброқ муомали қилиш керак ахир. Ҳаммамиз ҳам одаммиз.

– Қаерда кўрдингиз? Қаерда кўрдингиз?, – деб ҳовлиқиб сўради Пьер. Дераза олдида турган француз уйнинг орқасидаги боғга ишора қилиб:

– Бу ёққа. Бу ёққа! – деб кичқирди. – Шошманг, мей хозир тушаман.

Ҳақиқатан ҳам, беш дақиқа ўтар-ўтмас қора кўзли юзида бир ниманинг доғи қолган, кўйлакчан бир француз йигит биринчи қаватдаги уйнинг деразасидан сакраб тушди ва Пьернинг елкасига қоқиб, у билан боғга қараб югурди. – Ҳой, тезроқ бўлсаларинг-чи, ўт яқинлашиб қолди, – деб кичқирди француз йигит ўртоқларига.

Француз уй орқасидаги қум сепилган йўлкага чикқач Пьернинг енгидан силтаб тортиди ва унга тўғарак биқ майдончани кўрсатди. Майдончадаги ўриндикнинг остиди ~~пушти ранге кўйлак кийган уч ёшли бир қизча ётган эди.~~

– Мана сизнинг болангиз. Қиз экан, тағин яхши, – деди француз. – Хайр, бакувват йигит, яхши қол. Одамга ўхшаб муомала қилиш керак. Ҳаммамиз ҳам одаммиз-ку, – шунини деб, юзида бир ниманинг доғи қолган француз орқага, ў ўртоқлари олдига югуриб кетди.

Пьер хурсандликдан энтикиб, югурганича қизчанин олдида борди ва уни кўтариб олмоқчи бўлди. бироқ онасига ўхшаш турки совуқ, ранги заҳил – дардчил қиз, бегона одамни кўриши биланоқ додлаб қочмоқчи бўлди. Аммо Пьер уни маҳкам ушлаб кўтариб олди, қизча эса овози борича чинқириб, кичкина кўллари билан Пьернинг кўллариини итариб ташлаб, сўлаги оқаётган оғзи билан уни тишлаб бошлади. Пьер бирон кичкина жониворга кўли текканди қандай сесканиб жирканса, шундай сесканиб кетди. Лекин

хар ҳолда, ўзини қўлга олиб болани ташлаб юбормади, у билан оркага, катта ҳовлига қараб чопди. Бирок энди келган йўл билан қайтишнинг иложи йўқ эди, дастёр қиз Аниса ҳам кўринмади ва Пьер йиғлаб турган ва кийимини ҳўл қилиб қўйган қизчани ҳам жирканиб, ҳам ачиниб бағрига маҳкам босиб бораркан, бошқа йўл излаб боғ ичидан югурганича ўтиб кетди.

XXXIV

Пьер кучоғида бола, ҳовли ва тор кўчаларни айланиб ўтиб, Поварская кўчасининг бурчагига, Грузинскийнинг боғига чиққанда (у қизчани шу ердан кидириб кетган эди), дафъатан бу жойни танимади: ер-у кўкни одам босган, ҳамма ёқда уйлардан кўтариб чиқишган буюмлар қалашиб ётган эди. Бу ерда ул-булларни ёнғиндан қутқариб қолган рус оилаларидан ташқари, ҳар хил кийимдаги француз аскарлари ҳам кўзга ташланар эди. Пьер буларга аҳамият бермади. У чиновникнинг¹ бола-чақасини топиб қизчани онасига топширишга ва яна бошқаларга ёрдам беришга шошилмоқда эди. Пьернинг назарида қиладиган иши хали жуда кўп ва бу ишларни тезроқ бажариши керакдай кўринар эди. Боя қизчани топиб келиши учун югурганида ўзини ёш, тетик ва бардам сезган бўлса, ҳозир ёнғин ва чопа-чопдан қизиб кетган Пьер ўзини яна ҳам бардамроқ, ёшроқ ва тетикроқ сеза бошлади. Энди йиғламай қўйган қизча кичкина қўллари билан Пьернинг кафтанидан ушлаб, қўлида ўтираркан, атрофга ёввойи ҳайвон боласидай аланглаб кўз югуртирар эди. Пьер гоҳ-гоҳ қизчага қараб, хиёл жилмайиб кўяр эди. Пьернинг назарида ётсираб турган бу дардчил қизчанинг юзида кишини мутаассир қиладиган алланечук маъсум бир нарса бордай кўринар эди.

Пьер келганда бояги жойда на чиновник бор эди на унинг хотини. Пьер дуч келган одамларнинг афтига қараб, улар орасидан тез-тез ўтиб кета бошлади. Бейхтиёр унинг

¹ Чиновник (русча) – Чор Россиясида: амалдор, мансабдор шахс.

кўзи янги этик ва янги мовут почапўстин кийган шарк типидаги чиройли бир қари чолга, шу чол типидаги бир кампир ва бир жувондан иборат армани ва ё грузин оиласига тушди. Ёлгина бу жувон Пьернинг назарида шарқ гўзаллигининг камолотидай кўринди, унинг камонга ўхшаган қошлари қоп-қора, икки ёноғи гулдай, ҳеч нарса ифода қилмайдиган чиройли юзи чўзинчоқ эди. Ҳамма томонга сочилиб ётган уй-рўзгор буюмлари, майдонга йиғилган оломон орасида бу соҳибжамол жувон ўзининг чиройли атлас пальтоси, бошига ташланган бинафша ранг рўмоли билан гулхонадан узиб, қорга ташланган барра ўсимликни эслатар эди. Жувон узун киприкли бодомқовоқ шахло кўзларини ердан узмай, кампирдан сал орқароқда, бўхчалар устида ўтирган эди. Афтидан, жувон ўзининг гўзал эканлигини билар ва бундан кўрқар эди.

Пьер жувоннинг хусн-латофатига махлиё бўлиб, шошиб-пишиб девор бўйлаб бораркан, бир неча мартаба унга қайрилиб қараб кўйди. Деворнинг охирига етганда у, хар қалай, қидираётган одамларини тополмади ва тўхтаб у ёқ бу ёққа назар солди.

Бола кўтариб олган Пьернинг бўй-басти энди илгаридан кўра кўпроқ кўзга ташланар эди, шунинг учун бирпасда унинг атрофига бир неча рус эркак аёллари тўшланди.

– Бўтам, кимингни йўқотиб кўйдинг? Ўзлари дворянлардан бўлсалар керак? Бу кимнинг боласи?– деб ҳамма ундан сўрай бошлади.

Пьер бу гўдак кенг, қора пальто кийган ва болалари билан шу ерда ўтирган бир аёлники эканини айтиб, ўша хотинни ҳеч ким танимайдими, қаёққа кетдийкин, деб сўради.

– Анферовларни сўраётган бўлсалар керак, – деди қари дьякон чўтир аёлга қараб. Кейин одат бўлиб қолган йўгон товуш билан қўшиб кўйди: – Эй худо, ўзинг кечир, эй худо ўзинг кечир.

– Анферовлар қаёқда дейсизми? – деди чўтир аёл. – Анферовлар азонда жўнаб кетишувди. Бу бола ё Марья Николаевнаники, ё Ивановларники бўлса керак.

– Бу одам аёл кишини сўраяпти, Марья Николаевна ойимбика-ку ахир, – деди бир қарол.

– Танисаларинг керак, тишлари сўйлоқ, ўзи озғин аёл, – деди Пьер.

– Марья Николаевна демадимми? Мана бу бўрилар бостириб келгандан кейин улар боғга ўтишди, – деди кампир француз аскарларига ишора қилиб.

– Эй парвардигори олам, ўзинг кечир, – деб кўйди яна дьякон.

– Сиз ҳу ана у томонга ўтинг, улар ўша ерда. Марья Николаевнанинг қизчаси бўлса керак. Бечора қақшаб йиғлаб ўтирувди, – деди яна аёл. – Сиз сўраётган Марья Николаевнанинг ўзи. Ҳа, ана ўша томонга...

Бироқ Пьер хотиннинг сўзларига қулоқ солмади. Бир неча дақиқадан бери уч-тўрт кадам нарида юз бераётган ходисадан кўз узмай қараб турар эди. У армани оиласига ва уларнинг олдига келган икки француз аскарига қараб турарди. Аскарлардан бири пакана ва бесаранжом одам, кўк шинель кийиб, устидан чилвир боғлаб олган. Унинг бошида кашок, оёқлари яланг эди. Иккинчиси, Пьерни айниқса таажжублантиргани эса новча, қомаги сал букчайган, ўзи ориқ, сочлари малла, ҳаракатлари суст бир аскар бўлиб, афт-башарасидан тентакка ўхшар эди. Унинг эгнида фриз капот-капот¹ ва кўк чолвор, оёғида кўнжи узун каттакон этик бор эди. Кўк шинель кийган яланг оёқ пакана француз арманиларнинг олдига келиб, алланималар деди-ю, дарров чолнинг оёғига ёпишди, чол эса шошиб-пишиб этигини еча бошлади. Капот кийган иккинчи аскар гўзал арман қизининг қаршисига бориб тўхтади-да, қўлларини чўнтагига солиб, индамай унга тикилди.

Пьер болани чўтир аёлнинг қўлига тутқизаркан, шошиб-пишиб:

– Ол, ол болани! – деди худди буйруқ қилаётгандай. – Ўзинг обориб бера қол! – деб у аёлга шанғиллаб гапирди ва додлаётган қизчани ерга ўтказиб, яна французлар билан

¹ Капот-капот – ёмғирда кийиладиган кийим.

арман оиласига қаради. Чол аллақачон этигини ечиб бериб, ўзи яланг оёқ ўтирар эди, Пакана француз чолнинг оёғидан тортиб олган этикни бир-бирига уриб кўрмоқда эди. Чол йиғлаб-сиқтаб бир нима деб гапираётган эди, лекин Пьер бунга унчалик аҳамият бермади; унинг бутун диққат-этибори капот кийган французда эди, француз аста-секин лапанглаб жувоннинг олдига борди-да, кўлларини чўнтагидан чиқариб, жувоннинг бўйнига ёпишди.

Гўзал арман қизи узун киприкли кўзларини ҳамон ерга қадаб, худди француз аскарининг нима қилаётганини сезмаётган ва кўрмаётгандай қимир этмай ўтирарди.

Пьер ўзи билан французлар орасидаги уч-тўрт кадам масофани босиб ўтгунча капот кийган новча француз аскар жувоннинг бўйнидаги марваридини узиб олди, жувон эса бўйинини ушлаб, овози борича дод солди.

Пьер шиддатли товуш билан:

– Тегма бу аёлга! – деб овози борича бақирди ва жаҳл билан букчайган аскарнинг елкасидан ушлаб, итариб юборди. Аскар йиқилиб кетди, кейин ўрнидан туриб оркасига карамай қочди. Аммо унинг шериги, этикни ташлаб, қиличини суғурди-да, Пьер устига бостириб келаверди:

– Ҳой, ҳой! Ҳаддингдан ошма! – деб қичқирди у. Пьернинг ғазаби шу даража қайнаган эдики, унинг кучи ўн ҳисса ортиб, ўзини буткул унутиб қўйган эди. У ялангоёқ французга ҳамла қилди ва француз қиличини яланғочлагунича Пьер уни ерга йиқитиб, дўшпослай бошлади. Оломон ғала-ғовур кўтариб, унинг ишини маъқуллади, лекин шу он муюлишдан француз уланларининг суворий кўриқчилари кўринди. Улар от чоптириб келиб, Пьер билан французни қуршаб олишди. Кейин нима бўлганини Пьер эслай олмайди. Фақат бировни урганини, кейин ўзи калтак еганини биларди, охирида кўли боғланганини, бир тўда француз аскарлари атрофида йиғилишиб, у ёқ бу ёғини, чўнтақларини тинтаётганини сизди, холос.

Пьернинг қулоғига кирган биринчи сўзи:

– Лейтенант, бу одамнинг хаңжари бор экан! – деган сўз бўлди.

– Э, хали қуроли ҳам бор, денг!, – деди офицер ва Пьер билан бирга тугилган яланг оёқ аскарга қаради.

– Бўлди, бўлди, суд бўлганда гапириб берасан, – деди офицер. Кейин Пьерга юзланиб: Французчани биласанми? – деб сўради.

Пьер қонга тўлган кўзлари-ла атрофига қаради ва офицернинг саволига жавоб бермади, Пьернинг афит-ангори жуда кўрқинчли кўринди, шекилли, офицер бир нима деб шивирлади, яна тўрт аскар кўриқчилар гуруҳидан ажралиб, Пьернинг иккала томонига келиб турди.

Офицер Пьердан сал узоқроқда туриб яна:

– Французча биласанми? – деб сўради. – Тилмочни чакиринглар.

Граждан рус кийимидаги лакана бир одам суворийлар орасидан чиқиб келди. Кийими ва лаҳжасидан Пьер уни дарров таниди: бу одам Москва магазинларидан бирида ишлайдиган француз эди. Тилмоч Пьерни бошдан оёқ кўздан кечириб:

– Қора халққа ўхшамайди бу, – деди.

– Оҳо! Тағин шаҳарга ўт қўйганлардан бўлмасин. – деди француз офицери. – Сўранг-чи, ким экан, – деб илова қилди.

– Сеники ким? – деб сўради тилмоч. – Сеники бошлиққа жавоб қайтариш керак.

– Кимлигимни айтмайман. Мен сизларнинг асирингизман. Олиб бораверинглар., – деди Пьер бирдан французчалаб.

– Ох! Ох! – деди офицер ковоғини солиб. – Ҳа, хўп, тубғингни шиқиллат.

Уланлар атрофига одам тўпланиб қолди. Қизчани кўтариб олган чўтир хотин бошқалардан кўра Пьерга яқинроқ турар эди; кўриқчи отлиқлар юра бошлаганда чўтир хотин олдинроққа чиқди ва Пьерга қараб:

– Сени қайқаққа олиб боришяпти, бўтагинам? Қизчани, қизчани мен нима қилай, мабодо уларники бўлмаса! – деди.

– Нима деяпти бу аёл? – деб сўради офицер.

Пьер мастга ўхшар эди. Ўзи қутқарган қизчани кўрга-

нида унинг ҳаяжони яна ҳам авжига чиқди.

– Нима дер эди бу аёл? Ўт ичидан кутқарган қизчамни кўтариб борапти. Алвидо! – деди Пьер ва бу кераксиз ёлгон гап оғзидан қандай чиққанини ўзи билмасдан, французлар орасидан тантанали шахдам қадам ташлаб юриб кетди.

Бу отлиқлар Дюронель буйруғига биноан Москвада кўчама-кўча кезиб юрган кўриқчи гуруҳлардан бири бўлиб, уларнинг асосий мақсади талончиликка хотима бериш ва айниқса ёнғинга сабабчи бўлган кишиларни ушлашдан иборат эди; олий мансабли француз амалдорлари шу бугун Москванинг ёнишига айрим кишилар айбдор деган фикрга келган эдилар. Кўриқчилар бир неча кўчани айланиб, бешта шубҳали русни ушлашди. Буларнинг орасида бир боққол, иккита семинария¹ студенти, бир деҳқон, бир карол ва бир нечта талончи аскар бор эди. Аммо ҳаммасидан кўра Пьер энг шубҳали кўринди. Ҳаммасини тунагани Зубовский валдаги катта ҳовлига (бу ерда вақтинча қамоқхона таъсис этилган эди) олиб келганда, Пьерни каттиқ назорат остига олиб, алоҳида уйга қамашди.

¹ Семинария – 1) баъзи мамлакатларда, масалан, XVIII аср – XX аср бошларида Россияда бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган махсус ўқув юрти; 2) XVI асрнинг 2-ярмидан Ғарбий Европанинг айрим мамлакатларида ташкил этилган, айрим христиан черковлари учун руҳонийлар тайёрлайдиган ўқув юрти (бу ерда шу маънода).


УРДУШ

БА

ТҮҢЧҮЛҮК.

ТҮРМНЧИ

КИТОВ



БИРИНЧИ ҚИСМ

I

Петербургнинг энг юқори доираларида, турли гуруҳлар — Румянцев, французлар, Марья Фёдоровна, шахзода валиахд ва бошқаларнинг гуруҳлари орасида илгаригидан кўра қизгинроқ кураш давом этмоқда эди, саройдаги бекорчи текинхўрларнинг ғала-ғовурлари одатдагидек бу кураш овозини босиб кетарди. Лекин фақат ҳаётнинг хулёси, кўланқаси, ташвишида қолган осуда ва ҳашаматли Петербург ҳаёти бояги-боягича давом этмоқда эди: мана шунинг учун ҳам рус халқи бошига тушган оғир кулфат ва хавф-хатарни бу ҳаётнинг жараёнига қараб англаш анча-мунча қийин эди. Ўша-ўша дабдабали маросимлар, ўша бал-базмлар, ўша француз театри, ўша сарой манфаатлари, ўша хизмат ва турмуш ташвишлари, ўша фитна-фасодлар. Фақат энг юқори доираларга мансуб шахсларгина ҳозирги вазиятнинг оғирлигини тушунишга зўр бериб уринар эдилар. Иккала маликанинг шундай қалтис вазиятда бир-бирига қарама-қарши иш тутгани ҳақида шивирлашиб гаплашишарди. Ўз ҳимоясидаги хайрия ва тарбия ўчоқлари учун жон куйдираётган малика Марья Фёдоровна ҳамма муассасаларни Қозонга кўчиртириш ҳақида буйруқ берган ва уларга қарашли юклар аллақачон араваларга ортиш учун тахт қилиб қўйилган эди. Малика Елизавета Алексеевна эса, амри фармонида ҳозир турган кишиларга ўзига хос рус ватанпарварлиги билан жавоб бериб, давлат маҳкамалари ҳақида ҳеч қандай буйруқ беролмаслигини, бу масала подшогагина тааллуқли экани, шахсан ўзига келганда эса Петербургдан ҳамма кетиб бўлгандан кейингина жўнашини билдирди.

26-августда, худди Бородино жанги куни Анна Павловнанинг уйида кечки суҳбат қурдилар, суҳбат асносида епископ¹ хазратларининг авлиё Сергей суратини подшога юбора туриб ёзган мактубини ўқимоқчи эдилар. Ушбу

¹ Епископ (юнонча: episkopos — назир, назорат қилувчи) — православ, католик, англикан черковларида олий мартабали руҳонийлардан бири, черковга қарашли маъмурий-худудий бирлик (епархия) бошлиғи.

мактубни ватанпарварлик ва диний фасоҳат намунаси деб ҳисоблашарди. Уни фасоҳат ва балоғат билан ўқишда ном чиқарган князь Василийнинг ўзи ўқиши лозим эди. Князь Василий маликанинг хузурида ҳам мактублар ўқиб юргувчи эди. Ўқиш санъати баланд товуш билан, маъносидан қатъи назар, сўзларни гоҳ чўзиб, гоҳ қироат қилиб хониш этишдан иборат эдики, бунда тамоман тасодифий равишда бир сўз чўзиб талаффуз қилинса, бошқа бир сўз мингиллаб талаффуз этиларди. Анна Павловнанинг уйида бўладиган ҳамма кечки ўтиришлар сингари бу ўқишнинг ҳам сиёсий аҳамияти бор эди. Бу кечада бир неча муҳтарам зотлар ҳозир бўлиши, француз театрига бориб томоша кўрганликлари учун уларни мулзам қилиниши ва уларда ватанпарварлик кайфиятини туғдириши лозим эди. Анчагина одам йиғилган, аммо келиши лозим бўлганларнинг ҳаммаси хали меҳмонхонада йўқлигини кўриб, Анна Павловна ўқишни бошлатмасдан, у ёқ бу ёқдан гапириб ўтирарди.

Петербургда шу кундаги янгилик графиня Безухованинг хасталиги эди. Бир неча кун муқаддам графинянинг беҳосдан тоби қочиб, ўзи суҳбатнинг гули бўлган бир неча ўтиришга боролмай қолган ва миш-мишларга қараганда, ҳозир ҳеч кимни қабул қилмай, ҳаммиса ўзини муолажа қилиб юрган петербурглик машҳур докторлар ўрнига аллақандай бир итальян докторга ишонган ва ўша доктор уни фавқулодда янги бир усул билан муолажа қилаётган экан.

Гўзал графиня бирдан икки эрга тегишнинг нокулайлигидан касал бўлгани ва итальян докторнинг муолажаси шу нокулай вазиятдан уни кутқаришдан иборат эканлигини ҳамма яхши биларди, лекин Анна Павловна хузурида бирон кимса бу ҳақда лом-миш дейиши у ёқда турсин, балки ҳамма ўзини билмаганга соларди.

Боёқиш графинянинг аҳволи жуда ёмон. Доктор бу кўкрак ангиnasi деганмиш.

— Ангина¹ дейсизми? О, бу жуда ёмон касал!

¹ Ангина (лотинча: angina — бўғилиш) — тагглай муртақ безларининг яллиғланиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик.

– Шу ангина туфайли рақиблар ярашганмиш....

«Ангина» деган сўз зўр бир шавқ билан такрорланарди.

– Кекса граф жуда мутаассир эмиш. Доктор графинянинг касали анча хавфли деганида, бечора чол ёш болага ўхшаб йиглаб юборибди.

– О, графинядан ажралиш буюк кулфат бўларди. Шундай дилрабо аёл-а.

– Боёқиш графиняни айтяписизларми?.. – деди Анна Павловна буларнинг олдига келиб. – Унинг соғлиғидан хабар олиб келиш учун одам юборгандим. Аҳволи бир оз дуруст деб айтишибди. О, шубҳасиз, дилбарликда дунёда тенги йўқ аёл у. – деди Анна Павловна ўзининг баландпарвоз сўзларидан ўзи жилмайиб. – Графиня иккаламиз бошқа-бошқа гуруҳга мансубмиз, лекин бу нарса менга унинг ўз мавқеига яраша эхтиром этишга халал бермайди. У жуда бахтсиз хотин, – деб кўйди яна Анна Павловна.

Анна Павловна шу сўзлари билан графинянинг хасталигига оид сирни хиёл очди, деб гумон қилган ғўрроқ бир ёш йигит нима учун шунча машҳур докторлар турганда графиняни бир товламачи муолажа қиялпти, ахир у бирор зарарли дори бериб қўйиши мумкин-ку, деган гапни айтиб юборди.

– Сизнинг маълумотингиз мен олган маълумотга қараганда аниқроқ бўлиши мумкин, – деди тўсатдан зарда билан Анна Павловна ғўр йигитга, – Лекин мен энг эътиборли манбалардан биламан-ки, бу доктор катта олим ва жуда омилкор. У киши Испания қироличасининг сарой ҳакими бўладилар, – Анна Павловна ғўр йигитни шу тарзда мулзам қилиб Билибинга мурожаат этди. Билибин бошқа бир даврда пешонасини тириштириб ва кулгили гап айтиб ажинларини ёзиб юборишга тайёрланаётгандай бўлиб, австралияликлар ҳақида гапириб ўтирган эди.

– Менимча, бу жуда ажойиб чиккан., – дерди.

Билибин Петербурга Петропол қахрамони деб ном чиқарган Витгенштейн томонидан қўлга киритилган Австрия байроқларини Венага қайтариб юборилганда ёзилган бир дипломатик мактуб ҳақида гапириб:

– Нима, нима дедингиз? – деб Анна Павловна Билибинга қаради ва шу билан ўзи биладиган қочириқ гапдан бошқаларни ҳам баҳраманд қилиш учун одамларнинг диққатини тортмоқчи бўлди.

Билибин ўзи ёзган дипломатик мактубда зикр этилган куйидаги сўзларни такрорлади:

– Император Австрия байроқларининг чет ёқа йўлларда адашиб кўрган дўстона байроқларни топиб ўз эгасига қайтариб юбормоқда, – деб Билибин сўзини тамомлади ва пешонасидаги ажинини ёзиб юборди.

– Ажойиб, ажойиб, – деди князь Василий.

– Бу Варшава йўли бўлса керак, – деди тўсатдан князь Ипполит баланд товуш билан. Бу билан нима демоқчи бўлганига тушунмай, ҳамма унга анграйиб қаради. Князь Ипполитнинг ўзи ҳам кувноқлик билан атрофга ҳайратомуз аланглаб турарди. Чунки айтган сўзининг маъносига ўзи ҳам тушунмаган эди. Бироқ у дипломат бўлиб юрган вақтида орттирган тажрибасига кўра баъзан шунақа, ўйламай-нетмай, бирдан айтилган сўз жуда оқилона бўлиб чиқиттти ва нишонга тўғри бориб тегишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам у нима бўлса бўлар, деб оғзига келган шу гапни айтиб юборди. «Балки, жуда ўринли бўлиб чиқар, – ўйлади князь Ипполит, – ўринсиз бўлиб чиқса ҳам, ўзлари бир бало қилишар». Дарҳақиқат, нокулай бир жимлик чўккан вақтда уй бекаси ватанпарвар бўлмагани учун мулзам қилиш мақсадида кўз тикиб турган ўша зот кириб келди, Анна Павловна жилмайганича бармоғи билан Ипполитга таҳдид қилиб, князь Василийни столга таклиф қилди ва унинг олдига иккита шам билан қўлёзмани келтириб қўйди-да, қани, бошланг, деди. Ҳамма жим бўлди.

– Марҳаматли подшоҳ император! – жиддий оҳангда ўқишни бошлади князь Василий, сўнг ҳеч кимда бунга эътироз йўқми дегандай атрофга кўз югуртириб чикди. Аммо ҳеч ким ҳеч нарса демади. Бирдан ўз сўзига урғу бериб ўқишда давом этди князь. – «Она севимли ўғлонларини бағрига босиб, ҳамма ёқни тутиб келаётган зулмат пардаси орасидан давлатнинг шон-шухратини кўриб, севинчдан:

«Илоҳо, истиқболимизга барокот бер!» деб куйлагани янгли Қадимий пойтахт шаҳримиз бўлмиш Москва, янги Қуддуси тариф ўз Исосини қабул этгай» деб князь Василий охири сўзларни йиғламосираб ўқиди.

Билибин тирноқларига диққат билан қарар, ботқалар эса, худди бизнинг гуноҳимиз нима дегандай алланечук бўлиб ўтиришарди, Анна Павловна пичирлаб дуо ўқиётган кампир сингари мактуб сўзларини нотикдан олдин айтиб турарди, «Шаккок ва беҳаё Голиаф...» – деди у пичирлаб.

– «Шаккок ва беҳаё Голиаф Франция худудидан ўтиб Россия ўлкаларига ўлим даҳшатини ёғдираверсин; Россия Довудининг чўқмори бўлган дини мубинимиз қонхўр мутақаббирнинг бошини баногоҳ танидан жудо этгай. Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида қадимдан ризат чеккан авлиё Сергийнинг сурати сиз, император аъло ҳазратларига пешкаш қилинади. Афсуски, хасталигим, дармонсизлигим сизнинг муборак дийдорингизни кўришга монелик қилмоқда. Бутун вужудим-ла тангри таолога муножот қиламан, илоҳим худойи таоло ҳақ йўлидан бораётган бандаларига мадад берсин ва сиз аъло ҳазратнинг эзгу тилақларингизни рўёбга чиқарсин».

– Нақадар таъсирли! Таҳририга тасанно! – деб ҳамма хонанда ва ёзувчисига таҳсинлар ўқий кетди. Бу нутқдан шавқ-завқга тўлган меҳмонлар мамлакатдаги вазият ҳақида, шу қунлари бошланиши керак бўлган жангнинг натижаси ҳақида минг хил таҳминлар қилиб, анчагача гаплашиб ўтиришди.

– Мана кўрасизлар, – деди Анна Павловна. – Эрта подшоҳимиз туғилган муборак кун, албатта, бир хушхабар келади, кўнглим шуни сезиб турибди.

II

Дарҳақиқат, Анна Павловнанинг кўнглига келган нарсга тўғри чиқди. Эртасига, подшоҳ туғилган кун шарафига саройда бўлаётган ибодат вақтида князь Болконскийни ибодатхонадан чакириб олиб, унга князь Кутузовдан келган мактубни топширишди. Бу Кутузовнинг жанг куни Татари-

ново қишлоғидан юборган мактуби эди. Кутузов бунда руслар бир қадам ҳам чекинмаганини, французлар бизга нисбатан кўпроқ талафот берганини, бу мактуб жанг майдонидан шошилиш тарзда юборилаётганлиги учун энг сўнгги маълумотларни тўллашга улгурмаганини ёзганди. Бу – ғалаба қозондик деган гап эди. Шу соатнинг ўзиде, ибодатхонадан чиқмасданок худойи таолонинг кўрсатган марҳамати ва ғалаба шарафига шукроний ибодат қилинди.

Анна Павловнанинг каромати тўғри чиқди. Шу куни эрталабдан бошлаб шаҳарда шод-хуррамлик кайфияти ҳукмрон бўлди, узил-кесил ғалаба қозонилганига барча ишонди, баъзилар ҳатто Наполеон асир олинганлиги, уни тахтдан туширишганлиги – ва унинг ўрнига Францияда бошқа император сайланганлиги ҳақида гапиришга бошлади.

Жанг майдонидан узок бир ерда, яна сарой муҳити шароитида воқеаларни мукамал ва тўлалигича акс этиши жуда қийин. Умумий воқеалар, беихтиёр бирон кичкина тасодифий ҳодиса атрофида айланиб қолади. Мана, ҳозир ҳам бутун сарой аъёнларининг қувончига сабаб бўлаётган нарса, урушда бизнинг ғолиб чиққанимиз эмас, кўпроқ ғалаба ҳақидаги хабар подшо туғилган кунга етиб келганлиги бўлди. Бу нарса айни муддао, мужда эди. Кутузовнинг маълумотида руслар берган талафот ҳақида ҳам ёзилган бўлиб, ҳалок бўлганлар жумласида Тучков, Багратион, Кутайсовларнинг номи зикр этилган эди. Бу кўнгилсиз хабар тўғрисидаги гап-сўзлар ҳам бу ерда, Петербург доираларида беихтиёр бир воқеа хусусида – Кутайсовнинг ўлими ҳақида кетди. Ҳамма уни танирди, подшоҳ уни яхши кўрарди, у ёш ва кўзга яқин бир одам эди. Шу куни кишилар бир-бирлари билан учрашишлари замонда дарҳол шу хусусда гап очишарди:

– Жуда аломат иш бўлди-да. Худди ибодат вақтида етиб келди-я. Лекин эсизгина Кутайсов! Кўп ёмон бўлибди-да!

Князь Василий каромат қилгандек гердайиб:

– Кутузов ҳақида мен сизларга нима деган эдим! Наполеонни мағлуб эта оладиган бирдан бир киши шу одам демабмидим, ахир, – дерди.

Бироқ эртаси армиядан ҳеч қандай хабар келмади, ҳамма ташвишга тупна бошлади. Подшоҳ аҳволдан беҳабарлиги учун изтироб чекяпти, деб сарой аъёнлари ҳам изтироб чекмоқда эди.

– Шаҳаншоҳга осон эмас! – дейишарди сарой аъёнлари ва энди икки кун бурунгидай Кутузовни кўқларга кўтармас, аксинча подшоҳни ташвишга солгани учун уни таъна қилишарди. Князь Василий шу кун энди ўз қаҳрамони Кутузов билан мақтанмай, бош кўмондон ҳақида сўз очилганда ломим демай ўтирадиган бўлиб қолди. Бундан ташқари, худди Петербург халқини ваҳимага солмоқчи ва безовта қилмоқчи бўлгандай кечга томон кетма-кет ғалати хабарлар келаверди, графиня Елена Безухова одамлар ҳузур қилиб тилга оладиган ўша касалликдан баногоҳ ўлиб қолди, деган яна бир даҳшатли хабар булар устига устак бўлди. Юқори доираларда расмий равишда графиня Безухова қаттиқ ангинадан ўлибди, десалар ҳам, лекин сирдош улфатлар доирасида қандай қилиб Испания қироличасининг сарой ҳакими. Эленга дардини маълум даражада енгилатиш учун аллақандай бир доридан жиндай-жиндай истеъмол қилиб юришни буюрганини, Элен эса кекса графнинг гумонсираб юргани ва эри бу фосик ва бадбахт Пьер мактубига жавоб қайтармаганидан фиғони чиқиб бирдан ўша доридан анчасини ичиб қўйганини ва доктор келгунча азоб-укубатда ўлганини батафсил ҳикоя қилишарди. Ўша гап-сўзларга қараганда, князь Василий билан кекса граф италиялик ҳақимнинг гирибонидан ушламоқчи бўлишган экан, бироқ у жувонмарг бўлган Эленнинг шундай хатларини кўрсатибдики, иккови ундан дарҳол қўл тортишга мажбур бўлибди.

Умумий гап-сўз уч кўнгилсиз воқеага: подшоҳнинг аҳволдан беҳабарлиги, Кутайсовнинг ҳалокати ва Эленнинг ўлими атрофида айланишиб қолди.

Кутузовдан маълумот келганига уч кун бўлди деганда, Петербургдан Москвага бир помешчик келди ва шаҳарда Москва французларга таслим бўлибди деган овозга тарқалди. Бу даҳшатли хабар эди! Подшоҳнинг қай аҳволга тушганини айтмайсизми! Кутузов хиёнаткорга чиқди ва князь Василий

қизининг ўлими муносабати билан ҳамдардлик билдиришга келган кишиларга илгари кўкларга кўтариб юргани Кутузов ҳақида гапириб, бу кўр ва фосиқ чолдан бошқа нима ҳам кутиш мумкин эди, деган гапларни айтди (қизининг ғами билан бўлиб илгари айтган сўзларини унутгани учун уни кечирish мумкин эди).

– Қандай қилиб Россия тақдири шу одам кўлига топшириб қўйилганига ҳайронман.

Ҳозирча бу хабар ғайрирасмий, бунга ишонмаса ҳам бўларди, бироқ эртасига граф Растопчиндан қуйидаги мазмулда маълумотнома келди:

«Князь Кутузовнинг адъютанти менга мактуб олиб келди, бу мактубда Кутузов армияни Рязань йўлига кузатиб бориш учун полиция офицерларини юборишимни талаб қилибди. Москвани душманга қолдириб кетаётганимга жуда-жуда афсус қиламан, деб ёзибди. Шаханшоҳим! Кутузовнинг бу хатти-ҳаракати пойтахт ва сизнинг империянгиз тақдирини ҳал қилади. Россиянинг буюклигини ўзида мужассамлаштирган ва авлод-аждоқларингиз дафн этилган бу шаҳарнинг қўлдан кетиши бутун Россияни ларзага солади. Мен армиянинг кетидан бораман. Ҳамма нарсани шаҳардан жўнатдим, ватанимнинг тақдирини ўйлаб йиғлашдан бўлак чорам йўқ».

Бу маълумотни олгач, подшоҳ князь Волконский орқали Кутузовга қуйидаги мактубни юборди:

«Князь Михаил Илларионович! 29-августдан бери сиздан ҳеч қандай хат-хабар йўқ. Бу орада мен сентябрда Ярославль орқали Москва бош кўмондонидан кўнгилсиз хабар олдим: сиз Москвани душманга қолдириб, армия билан шаҳардан чиқиб кетишга қарор қилибсиз. Бу хабардан мен қанчалик мутаассир бўлишимни ўзингиз тасаввур қила оларсиз, сизнинг индамай туришингиз эса менинг таажубимни янада орттирмоқда. Шу мактуб билан мен сиздан армиянинг аҳволини ва бу қайғули қарорга келишингизга нима сабаб бўлганини билиб келиш учун хузурингизга генерал-адъютант князь Волконскийни юборяпман».

III

Москванинг ташлаб чикиб кетилганига тўққиз кун бўлди деганида Кутузовдан Петербургга чопар келди, у Москва душманга қолдирилди, деган расмий хабарни келтирди. Бу чопар француз Мишо эди, у русчани билмаса ҳам, ўзи айтмоқчи... хорижлик бўлса ҳам, ҳар ҳолда, қалбан ва руҳан рус кишиси.

Подшоҳ чопарни дарҳол Каменный островдаги саройида ўз кабинетида қабул қилди. Урушга қадар Москвани сира кўрмаган ва рус тилини билмаган Мишо ёлқини йўлини ёритган Москва ёнғини ҳақидаги хабар билан марҳаматли султон (унинг ўзи шунақа деб ёзган эди) хузурига кирганида, ҳар қалай, ўзини хийла мутаассир сезди.

Гарчи жаноб Мишонни қайғуга солган нарса рус халқини қайғуга солган нарсадан фарқ қилса ҳам, подшоҳнинг кабинетида кирганда у шу қадар ғамгин кўриндики, подшоҳ, дарҳол:

– Қанақа хабар келтирдингиз? Кўнгилисиз хабардир-да, полковник? – деб сўради.

– Жуда кўнгилисиз хабар, аъло ҳазрат. Москва ташлаб кетилганлиги ҳақидаги хабарни келтирдим, – деб Мишо хўрсиниб ерга қаради.

Подшоҳ тўсатдан жаҳли чикиб:

– Менинг қадимги пойтахтимни жангсиз ташлаб кетдиларингми? – деди тезгина.

Мишо Кутузовнинг амрига биноан етказиши керак бўлган барча сўзларни, яъни Москва яқинида жанг қилишга имконият бўлмаганини, икки нарсадан бирини: ё ҳам армия, ҳам Москвани кўлдан бериш ёки фақат Москванинг бахридан кечиб, армияни сақлаб қолиш керак бўлганда фельдмаршал сўнгисига – Москвани бериб, армияни сақлаб қолишга рози бўлганини эҳтиром-ла подшоҳга арз этди.

Подшоҳ Мишонинг сўзларини сукут сақлаб, унинг юзига карамасдан тинглади.

– Душман шаҳарга кирдими? – деб сўради подшоҳ.

– Ҳа, аъло ҳазрат, Москва ҳозир қуйиб кул бўлиб ётибди. Мен жўнаганимда лангиллаб ёнаётган эди. – деди

Мишо қатъият билан, бироқ подшоҳнинг юзига кўз ташлагандан кейин айтган сўздан ўзи пушаймон бўлди. Подшоҳ оғир ва тез-тез нафас ола бошлади, унинг пастки лаби титраб, чиройли мовий кўзлари бирпасда ёшга тўлди.

Лекин бу ҳол фақат бир лахза давом этди. Подшоҳ худди заифлик қилгани учун ўздан койиган бўлиб, тўсатдан қошларини чимирди ва бошини кўтариб дадиллик-ла Мишога деди:

– Полковник, буларнинг ҳаммаси тақдирнинг биздан жуда кўп қурбонлар талаб қилаётганини кўрсатади. Худонинг иродасига бўйсунгани тайёрман, лекин сиз шуни айтинг, Мишо, жўнаб кетаётган чоғингизда менинг қадимий пойтахтимни жангсиз ташлаб чиққан армиянинг кайфияти қандай эди? Руҳи тушган эмасми?

Марҳаматли султонининг бир қадар таскин топганини кўриб Мишо ҳам тинчланди, лекин подшоҳнинг тўғри жавоб талаб этаётган муҳим саволига ҳали тўғри жавоб топиб қўймаган эди, шунинг учун вақтни ўтказиш мақсадида:

– Ҳазрати олийлари, садоқатли жангчи сифатида гапнинг очигини айтгани ижозат берасизми? – деди Мишо.

– Полковник, мен ҳамиша шу нарсани талаб қиламан. Ҳеч нарсани мендан яширманг, мен бор ҳақиқатни билмоқчиман, – деди император.

Жавобни енгил ва одобли сўз ўйини тарзда тайёрлашга улгурган Мишо хиёл жилмайиб деди: – Ҳазрати олийлари! Мен кетган чоғда бутун армия бошлиқлардан тортиб энг сўнги аскаргача истисносиз буюк даҳшатли бир қўркувда эди....

Подшоҳ жиддий тарзда қошларини чимириб, унинг сўзини бўлди:

– Нима дедингиз? Наҳотки, менинг русларим муваффақиятсизлик қаршисида саросимага тушса... Бундоқ бўлиши сара мумкин эмас... – Мишо аския қилиш учун шуни кутиб турган эди.

– Ҳазрати олийлари, – деди Мишо муғомбирона бир эҳтиром билан, – улар фақат бир нарсадан – сиз, марҳаматли аъло ҳазратнинг кўнгилчанлик қилиб сулҳ шартномаси ту-

зиб қўйишингиздан қўрқмоқда. Улар янгидан жангга кириш, – деди рус халқининг вакили, – ва сиз аъло ҳазратга нақадар содиқ эканликларини жонларини фидо қилиш йўли билан исботлаш иштиёқида ёнмоқда...

Подшоҳ кўнгли бир оз таскин топган бўлиб, Мишонинг елкасига қоқиб қўйди ва кўзларини навозишкорона чақнатиб деди:

– Сиз менга тасалли беряпсиз, полковник!

Подшоҳ бошини куйи солиб бирмунча вақт жим турди. Кейин коматини ростлади-да, улуғворлик ва меҳрибонлик-ла Мишога қараб деди: – майли, сиз армияга қайтинг, – деди император борган сайин ҳаяжонланиб, – Шижоатли армиямга, табаамдагиларнинг ҳаммасига, йўлингизда учраган барча кишиларга шунини айтинг-ки, аскарларим тамом бўлган тақдирда меҳрибон дворянларим ва деҳқонларимга ўзим бошчилик қиламан ва шу йўсинда давлатимнинг сўнгги воситаларини ишга соламан. Бу воситалар ғанимларим ўйлаганидан кўра кўпроқдир – Лекин агар тақдири азалда шундай ёзилган бўлса-чи, – деди подшоҳ таъсирланганидан порлаб кетган чиройли ва мулойим кўзларини кўкка тикиб. Аждодимиз тахтида бизнинг сулоламиз салтанат сурмайдиган бўлса, унда мен кўлимдаги барча воситаларимни сарф қиламан-у, соқолимни мана шу еримгача ўстириб(подшоҳ кўли билан кўкрагига ишора қилди), сўнгги деҳқоним билан картошка еб, умр кечирингга рози бўламан, ватаним ва азиз халқимни маломатга қолдирадиган шартномага қўл қўймайман. Мен халқим берган барча қурбонларни умрбод унутмайман!.. – Подшоҳ ҳаяжонли товуш билан шу сўзларни айтиб бўлгандан сўнг, худди кўзига келган ёшви Мишодан яширмоқчи бўлгандай бирдан юзини ўгириб, кабинетнинг тўрига қараб кетди. У ерда бир оз турганидан кейин яна катта-катта қадам ташлаб Мишонинг олдига келди ва унинг биллагини каттиқ сиқиб қўйди. Подшоҳнинг гўзал ва ҳалим юзи қизариб кетган, кўзлари қатъият ва ғазаб ўти билан ёнмоқда эди.

– Полковник Мишо, мен бу ерда айтган сўзлар эсингиздан чиқмасин, балки, вақти келганда биз бу сўзларни

мамнуният билан эслармиз... Ё Наполеон ё мен... – деди подшоҳ кўлини кўкрагига кўйиб. – Иккаламиз бир даврда ҳукмронлик қилолмаймиз. Мен унинг муддаосига энди тушундим, у мени энди алдаёлмайди...

Шу сўзлардан, кейин подшоҳ қошларини чимириб жим қолди. Бу сўзларни эшитиб ва подшоҳ қатъий қарорга келганини кўзларидан англаб – хорижлик бўлса ҳам, қалбан ва руҳан рус бўлган Мишо – бу тантанали дақиқада (кейинчалик нақл килинганидек), – бу тантанали дақиқада эшитган барча сўзлардан қойил қолганини ҳис этиб ўз ҳиссиётини ҳамда вакили бўлиб келган рус халқи ҳиссиётини куйидаги сўзларда ифода этди:

– Ҳазрати олийлари! Шу дақиқада сиз, аъло ҳазрат, ўз халқингизнинг шон-шухрати ва Европанинг нажоти учун имзо чекмоқдасиз! – деди у. Подшоҳ бош ирғаб, Мишога кетгани рухсат берди.

IV

Россиянинг ярми душман томонидан забт этилган, Москва аҳолиси узоқ-узоқ губернияларга қараб қочаётган ва халқ латкарлари ватан мудофааси учун бирин-кетин саф тортаётган вақтда бизда, ўша замонда ятамаган китиларда, тундай тасаввур туғиладики, гўё барча руслар, катта-кичик, ҳамма фақат жонини фидо қилиш, ватанни қутқариш, ёхуд унинг ҳалокатга дучор бўлгани учун кўз ёши тўкиш билан банд бўлганлар. Ривоятлар, ўта замонни тасвир этган ҳикояларнинг истисносиз ҳаммаси, фақат русларнинг фидо-корлигидан, ватанга бўлган муҳаббатидан, фарёд-фиғонидан, ғам-ғуссасидан ва қаҳрамонлигидан баҳс этади. Аммо ҳақиқатда бундай бўлган эмас. Бизга шундай кўринганининг сабаби шуки, биз ўтган замонга назар ташлаганимизда фақат ўша замоннинг тарихий аҳамиятинигина кўрамыз, аммо ўша замонда яшаган кишиларнинг барча шахсий, инсонларга хос манфаатларини кўрмаймиз. Ҳолбуки, ҳақиқатда бу шахсий манфаатлар умумий манфаатга

нисбатан шу даражада кучли бўладики, умумий манфаат уларнинг соясида қолиб, сезилмай, ҳатто тамоман билинмай кетади. Ўша вақтдаги одамларнинг аксарияти умумий ишнинг – урушнинг боришига сира эътибор берган эмас, улар шу кундаги шахсий манфаатларинигина кўзлаган, холос. Лекин мана шу одамлар ўша замоннинг энг фойдали арбоблари бўлган.

Урушнинг умумий боришини билишга қизиккан, жонларини қурбон этиш ва қаҳрамонлик кўрсатиш ниятида унга қатнашмоқчи бўлган кишилар эса, жамиятнинг энг фойдасиз аъзолари бўлган; улар ҳамма нарсани тескари кўрган, бирон фойда мақсадида қилган барча ишлари беҳуда ва бемаъни бўлиб чиққан. Пьернинг ва рус кишлоқларини талон-торож этган Мамонтовнинг полклари ҳам, пахта ўрнида ишлатиш учун хонимлар томонидан титилган ва ҳеч қачон ярадорларга бориб етмаган латга-путга ва шунга ўхшаганлар ҳам фойда бермаган эди. Ҳатто ўзларини ақлли қилиб кўрсатиш ва ўз туйғуларини ифодалаш иштиғида Россиянинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида муҳокама юргизган кишиларнинг нутқларида ҳам, беихтиёр, риёкорлик ё ёлғончилик сезилар, ёки ҳеч ким айбдор бўлиши мумкин бўлмаган нарсаларда айбланган кишиларни бекордан бекорга қоралаётганлари ва уларга нисбатан ғазаб сочаётганлари билиниб турар эди. Билим дарахтининг мевасидан баҳраманд бўлиш тақиқланганлиги тарихий воқеаларда яққол кўзга ташланади. Фақат ғайришуурий фаолиятгина самарали бўлади, тарихий воқеаларда иштирок қилган киши ҳеч қачон бу воқеаларнинг аҳамиятига тушунмайди. Тушуншига уринган тақдирда ҳам унинг самарасизлигига ҳайрон қолади.

Ўша замонда Россияда юз берган ҳодисаларга киши қанчалик яқиндан иштирок этса, бу ҳодисанинг моҳияти шунчалик кам сезилар эди. Петербургда, Москвадан узокдаги губренияларда хонимлар ҳам, халқ лашкарлари либосини кийган эркаклар ҳам Россия ва пойтахт ҳолига йиғлашар, фидокорлик ва ҳоказолар тўғрисида гапиришар эди, лекин чекиниб, Москвадан узоклашиб бораётган армияда деярли ҳеч ким бу борада оғиз очмас ва ўйламас эди. Москва

ёнгинига қараб ҳеч ким французлардан қасос олгани оғир
ичмас, балки оладиган маошларининг навбатдаги учинчи
қисмини, манзиллари қаерда бўлишини, маркитантка¹
Матрошкани ва шунга ўхшаганларни ўйлашарди.

Николай Ростов ҳам бирон фидокорлик кўрсатиш
мақсадида эмас, балки тасодифан, ҳарбий хизматда бўлган
вақтида уруш бошлангани учун Россияда ўша кунлари юз
бераётган воқеаларга, умидсизликка берилмасдан, қайғули
фикр-хаёлларга бормасдан қарарди. Агар Россиянинг ҳозир-
ги аҳволи ҳақида сен нима деб ўйлайсан, деб ундан сўрашса,
у мен ўйлаб нима қиламан, бу ҳақда Кутузов ўйласин,
бошқалар ўйласин, мен янги полклар тузилармиш деб эшит-
дим, демак, уруш ҳали-вери тугамайди, агар аҳвол шундоқ
бўлса, бирон икки йилда полк командири бўлиб қолсам ҳам
ажаб эмас, деган гапни айтарди.

Масалала шу нуқтага назар билан қарагани учун ҳам
Николай дивизияга от олиб келгани Воронежга команди-
ровка қилинаётганини эшитиб, сўнгги жангда қатнашиш
имкониятидан маҳрум бўлгани учун афсусланмади, аксинча,
бу хабарни эшитиб жуда хурсанд бўлди ва буни ўртоқ-
ларидан ҳам яширмади, ўртоқлари ҳам унинг нимага
суюнаётганини яхши тушунар эдилар.

Бородино жангидан бир неча кун бурун Николай пул ва
керакли ҳужжатларни олди-да, гусарларни олдинроқ
юбориб, ўзи почта отларида Воронежга жўнади. Нико-
лайнинг туйғуларини, буларни бошидан кечирган киши-
гина, яъни бир неча ой муттасил ҳарбий, жанговар ҳаёт
шароитда яшаган кишигина англаши мумкин эди: аскарлар
ем-хашак, озиқ-овқат аравалари ва ҳарбий касалхоналари
билан етиб келган районларни орқада қолдириб, аскар-
лардан, ем-хашак ортилган аравалардан ва лагерь ҳаётини
эслатадиган ифлосгарчиликлардан кутулиб, деҳқонлар ва
деҳқон аёллари, кишлоқларни, помещчикларнинг кўрала-
рини, қорамоллар ўтлаб юрган далаларни, назоратчилари

¹ **Маркитант** (немисча: Marktender ёки италиянча: mercatante – савдогар) – ўрта
асрлар ҳабий кўлини билан бирга юриб озиқ-овқат моллари савдоси билан
шугулланган савдогар.

ухлаб ётган бекатларни кўрганида Николайнинг баҳри-дили шу қадар очилиб кетдики, у бу нарсаларни умри бино бўлиб биринчи мартаба кўраётгандай бўлди. Уни айниқса узок ҳайратга солган ва қувонтирган нарсаси – ҳар бири кетида ўнлаб офицер мулозамат қилиб юрмаган, ҳатто ўткинчи офицернинг тегишганига ҳам суюнган ёш ва сўлим хотинлар бўлди.

Николайнинг кайфияти чоғ бўлиб, кечаси Воронеж меҳмонхонасига етиб келди, армияда кўпдан бери маҳрум бўлиб юрган нарсаларнинг барини буюрди ва эртасига соқол-мўйловини тоза қилиб қирдириб, анчадан бери киймаган парад формасини кийди-ю, бошлиқлар хузурига жўнади.

Халқ лашкари бошлиғи кекса бир статский генерал¹ бўлиб, ўзининг ҳарбий унвони ва мартабаси билан овуниб юрганга ўхшарди. У ҳарбий киши сержаҳл бўлади деган ўй билан, кош-қовоғини уйиб Николайни қарши олди ва худди бирон ҳуқуқи бордай димоғдорлик билан урушнинг умумий боришини суриштирди ва баъзи нарсаларни маъқуллаб, баъзиларини маъқул кўрмай, Николайга саволлар берди.

Николай шу қадар хурсанд эдики, халқ лашкари бошлиғининг бу қилиғи унга бир эрмак бўлди.

Халқ лашкари бошлиғининг хузуридан чиқиб Николай губернатор хузурига борди. Губернатор кичкинагина, тийрак, хушфёъл ва содда киши экан. У Николайга сотиб олиши мумкин бўлган заводларни айтиб берди, шаҳардаги бир от даллоли ва шаҳардан йигирма чақирим узокда яшайдиган ва зотли отлар боқадиган бир помешчикни тавсия қилди-да, қўлидан келганча ёрдам беришни ваъда берди.

– Граф Илья Андреевичнинг ўғли бўласизми? Менинг хотиним сизнинг волидангиз билан жуда дўст эди. Пайшанба кунлари бизниқисида ўтириш бўлади, бугун пайшанба, бизниқига қадам ранжида қилсинлар, – деди губернатор Николайга жавоб бераркан.

Николай губернатор хузуридан чиқиб, почта араваси

¹ Статский генерал – энг олий гражданлик мансаби.

ёллади-да, вахмистрни бирга олиб, помещчикнинг шаҳардан йигирма километр узоқдаги от заводига йўл олди. Воронеждаги дастлабки кунларда Николайнинг ҳамма иши юришиб кетди (киши яхши кайфиятда бўлса одатан шундақа бўлади) ва омади ўнгидан келади.

Николай қидириб келган помещчикнинг ўзи уйланмаган, эски чавандоз, отшунос ва овчи бўлиб, майхонаси, ичига мева солинган юз йиллик эски мажор виноси ва аломат отлари бор экан.

Николай кўп савдолашиб ўтирмасдан олти минг сўмга полкдаги отларга ўз таъбирича ҳусн бўлиб тушадиган ўн етти айғирни танлаб олди. Мажор виносидан қиттак ошиқроқ ичиб, бирпасда оғайни бўлиб олган помещчик билан оғиз-бурун ўпишиб хайрлашгандан сўнг Ростов энг яхши кайфиятда, ёмон йўл билан шаҳарга қайтаркан, губернаторнинг кечки зиёфатига етиб бориш ниятида йўл бўйи отларни ҳайда, деб аравакашни ҳол-жонига кўймади.

Меҳмонхонага келиб кийимини алмаштиргач, устига атир сепди, бошига совуқ сув қуйди-да, озгина кечикиб бўлса ҳам, ҳеч бўлгандан кўра кеч бўлгани яхши. деган жавобни тайёрлаб губернаторнинг уйига келди.

Бу бал ҳам эмас, рақс бўлади деб ҳам айтилмаган эди, лекин Катерина Петровна клавикордда вальс ва экосезлар¹ чалишини ва рақс бўлишини билиб ҳамма балга лойик кийимда келган эди.

Губерния ҳаёти илгарилари қандоқ бўлса, 1812-йилда ҳам шундоқ эди, фақат фарқи шу эдики, кўп давлатманд оилалар Москвадан кўчиб келгани туфайли шаҳар гавжумроқ бўлган, ҳам ўша вақтда Россияда юз бераётган ҳар бир нарсада сезилиб тургани каби, бу ерда ҳам қандайдир эркинлик кўзга ташланар эди, яъни дунёни сув босса ҳам, ҳеч кимнинг тўпифига чиқмас, ҳамма парвойи фалак, илгарилари об-хаводан, ёр-ошналардан гапиришса, ҳозир Москва, кўшин, Наполеон хусусида гаплашар эдилар.

Губернаторнинг уйига йиғилган кишилар Воронежнинг

¹ Экосез (французча) – шотландларнинг тўрт қисмли қадимий рақс тури.

казо-казолари эди.

Хонимлар жуда кўп, булар орасида Николайнинг бир нечта москвалик танишлари ҳам бор эди: аммо Эркаклардан, от сотиб олгани келган, «Георгий нишони»ни таққан гусар, ҳам оккўнгил ва одобли, хушгавозе граф Ростов билан озми-кўпми рақобат қила оладиган одам йўқ эди.

Эркаклар орасида француз армиясида хизмат қилган италиялик бир асир офицер ҳам бор эди; Николайнинг назарида бу асирнинг шу ерда бўлиши ўзининг – рус қахрамонининг мартабасини янада оширгандай кўринди. Бу асир бамисоли бир ўлжа эди, Николай буни сизди, назарида бошқалар ҳам италиялик офицерга шу кўз билан қараётгандай эди, шунинг учун ҳам Николай унга улугворлик билан лутф-марҳамат кўрсатди.

Гусарча формасини кийиб, ҳамма ёққа вино ва атир ҳидини анқитиб ҳеч бўлгандан кўра кеч бўлгани яхши, деб кириб келган Николай бошқалардан ҳам шу гапни бир неча карра эшитди, залга кириши биланоқ ҳамма уни ўраб олган эди; у ҳамманинг диққатини ўзига тортди. Николай дарҳол губернияда ўзига муносиб бўлган ва ҳамиша ўзига ёққан, лекин ҳозир кўпдан бери қўмсаб юргани учун ҳам уни дарров маст-аласт қилиб юборган муҳитга кириб, ҳаммага манзур бўлганини сизди. Фақат бекатлар, карвонсаройлар ва помещикнинг майхонасида хизмат қиладиган аёллар Николайга суқланиб қараган бўлса, бу ерда, губернаторнинг уйида (Николайга шундоқ туолди) сон-саноксиз ёш-ёш жувонлар ва лобар қизлар қачон Николай бир киё бокар, деб орзикиб кутиб ўтиришар эди. Хонимлар ва қизлар унга ноз-карашма қилар, чоллар биринчи кундан бошлабоқ қандоқ қилиб бу бебош гусар йигитни уйдантирмоқ ва шу билан унинг ҳовурини пасайтирмоқ тараддудига тушишди. Шулар жумласида губернаторнинг хотини ҳам бор эди, У Ростовни энг яқин қариндошидай қабул қилди ва уни «Николай» деб атаб сансирай бошлади.

Катерина Петровна чиндан ҳам вальс ва экосезлар чалди ва ракс бошланиб кетди. Бу рақсда Николай ўзининг чаққонлиги билан губерния киборларини янада мафтун

этди. Рақс вақтида кўрсатган айрим беиболиклари ва чаққонлиги билан у ҳатто ҳаммани ажаблантириб қўйди. Шу кечада кўрсатган хунарига Николайнинг ўзи ҳам бир оз ҳайрон қолди. Москвада у ҳеч қачон бунақа рақс тушмаган ва бу йўсинда рақс қилишни бемаънигарчилик даҳшатли ҳолат деб ҳисобларди, лекин бу ерда бирон фавкулудда хунар кўрсатиб ҳаммани ҳайратга солгиси, пойтахтда шундоқ расм бўлса керак, аммо шу маҳалгача биз бу ерда билмай юрган эканмиз, деб ўйлатиб қўйгиси келди.

Бутун меҳмондорчилик давомида Николай губерния амалдорларидан бирининг хотинига – дўмбоққина, истараси иссиқ, кўзлари мовий, малла соч жувонга кўпроқ диққат-эътибор қилди. Бировларнинг хотини биз учун яратилган деб ўйлайдиган енгилтабиат шўх йигитларга ўхшаб Ростов ҳам бу жувоннинг олдидан жилмади ва унинг эри билан дўстона ва шу билан бирга у билан тил бириктираётганга ўхшаб муомала қилди, гўё Николай билан бу эр, яъни унинг хотини, бу ҳақда гарчи ўзаро гапирмаган бўлсалар ҳам, лекин жуда яхши ошно бўлиб қолишларини билишгандек эди. Аммо хотиннинг эри бу фикрга қўшилмади, шекилли, Ростовга унчалик рўйхуш бермай ўтирди. Бироқ Николай шу қадар соддадил, шу қадар очиккўнгил эдики, жувоннинг эри баъзан беихтиёр, Ростовнинг қувноқ кайфиятига берилиб кетарди. Лекин меҳмондорчиликнинг охирида жувоннинг ёноқлари қип-қизариб, чиройи очилиб борган сари эрининг қош-қовоғи осилиб, юзи жиддий тус ола бошлади, гўё ҳар иккаласига бир миқдорда қувноқлик берилган-у, бу қувноқлик хотинида кўпайган сари эрида озайиб бораётгандек эди.

V

Николай юзидан ҳамон аримаган табассум билан жувонга томон энгашиб креслода қийшайиброқ ўтираркан, хушомад тарзида унга йўқ гапларни гапирарди. У тор шим кийган оёқларини тез-тез чалмаштириб, атрофига атир ҳиди анқитиб хонимга, ўзига, тор рейтузи остидан билиниб

турган хушбичим болдирига завқи келиб ўтираркан, малла соч жувонга бу ердан, Воронеждан бир хонимни ўғирлаб кетмоқ ниятида эканлигини гапирар эди.

– Қанақа хонимни?

– Гузал, илоҳий бир хонимни. Унинг кўзлари (Николай ҳамсухбатига қараб олди) мовий, оғзи пистадай, ўзи шундай оқки... – Николай жувоннинг елкаларига қаради, – қадд-у қомати Диананикидек...

Жувоннинг эри булар олдига келди ва қоғонини солиб, хотинидан нима тўғрида гапираётганини сўради.

– Э, келинг, Никита Иванич! – деб Николай дарров ўрнидан турди ва худди Никита Иваничнинг ҳам ҳазилга кўшилишини истагандай, бир малла соч жувонни ўғирлаб кетмоқчи бўлганини айтди.

Жувоннинг эри тиржайиб қўйди, хотини эса хахолаб кулди, Николайнинг бу қилиги губернаторнинг оқсўнги хотинига малол келгандай, қоғонини солиб, буларнинг олдига келди.

– Анна Игнатьевна сени йўқлаяптилар, Николай, – деди у, Анна Игнатьевна деган сўзни у шундоқ бир товуш билан айтдики, Ростов дархол Анна Игнатьевна деган жуда мўътабар аёл эканини англади. – Юр, Николай, сени шундоқ деб аташга ўзинг ижозат бердинг-а?

– Балли, холажон. У хоним кимлар?

– Анна Игнатьевна Мальвинцева. Сенинг ҳақингда у кишига жиянлари – сен қутқарган қиз гапириб берган экан... Эсингдами...

– Қайдам, мен жуда кўп кишиларни қутқарганман! – деди Николай.

– Жиянлари княжна Болконскаяни қутқарган экансан-ку. У қиз шу ерда, холаси билан бирга Воронежда. Вой мунча қизармасанг! Ҳа, ёки?..

– Хаёлимга ҳам келгани йўқ, кўйсангиз-чи.

– Ҳа, майли, майли. Сени қара-ю!

Губернаторнинг хотини Николайни бўйи баланд, ўзи жуда семиз, бошига кўк каллапўш кийган кампирнинг олдига бошлаб борди, кампир шаҳарнинг энг мўътабар зотлари

билан карта ўйнаб, ўйинини энди тамомлай деб турган эди. Бу аёл княжна Марьянанинг холаси; Воронежда муқим яшайдиган, безурриёт, давлатманд тул хотин – Мальвинцева эди. Ростов келганда кампир ўрнидан туриб, ўйинда ютқизган пулни тўламоқда эди. У кибр билан кўзларини қисиб, Ростовга бир назар ташлади-ю, пулини ютиб олган генерални койиб берди.

– Хуш кўрдик, азизим, – деди кампир Ростовга қўлини узатиб. – Менинг уйимга ташриф буюрсинлар.

Княжна Марья ҳақида, унинг марҳум отаси (Мальвинцева кекса князни ёмон кўрадиганга ўхшарди) ҳақида гапириб, князь Андрей (у ҳам холасининг лутф-марҳаматидан маҳрумга ўхшарди) тўғрисида ҳам Николайдан билганларини суриштириб бўлгач, мўътабар кампир яна бир қарра уйига таклиф қилди-да, кейин Николайга жавоб берди.

Николай боришга ваъда бериб, Мальвинцева билан хайрлашаркан, яна қизариб кетди. Княжна Марьянинг номи тилга олинганда Ростов хижолат торгандай, ҳатто ваҳима босгандай бўлар, негалигини ўзи ҳам тушунмасди.

Николай Мальвинцева билан хайр-маъзур қилиб бўлгач, яна бориб рақс тушмоқчи бўлди, бироқ губер-наторнинг паканагина хотини момикдай қўлчасини унинг енги учига қўйди-да, сенга гапим бор деб, уни диван қўйилган истироҳат бўлмасига бошлаб кирди, Истироҳат бўлмасида ўтирган кишилар эса, буларга ҳалал бермаслик учун дарҳол уйдан чиқиб кетишди.

– Биласанми, дўстим, – деди губернаторнинг хотини кичик ва ёқимли юзига жиддий тус бериб, – мана бу қиз сенга жуда лойиқ қиз: истасанг, совчи бўла қолай?

– Қимни айтяпсиз? – деб сўради Николай.

– Княжнани айтяпман. Ўшанга совчи бўлай дейман, Катерина Петровна Лилияга совчилик қилайлик деяпти. Йўк, менимча княжна дурустроқ. Кўнглинг борми? Онанг миннатдор бўлишига аминман. Ҳақиқатан жуда ажойиб қиз! Унчалик хунук эмас.

– Йўк, хунук эмас, – деди Николай худди бу гап қаттиқ теккандай, – мен, холажон, ҳеч нарса тама қилмайдиган,

берганига шукур қиладиган бир аскарман, – деди Ростов ўйлаб-нетиб ўтирмасдан.

– Шунини билгинки, бу ҳазил эмас.

– Ҳазили борми!

– Ҳа, шундоқ, – деб кўйди губернаторнинг хотини худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай. – Менга қара, Дўстим, сен анави малла соч жувонга жудаям сермулозамат бўлиб қолдинг. Эри бечора жудаям...

– Йўқ, мен унинг эри билан жуда яқин дўстман, – деди Николай оқкўнгиллик билан; унинг шунақа вақтичоғлик қилиб юриши бировнинг дилини сиёҳ қилиши мумкинлигини хаёлига сира келтирмас эди.

«Лекин губернаторнинг хотинига зап аҳмоқона гапларни гапириб кўйдим-да! – кечки овқат пайтида тўсатдан эслаб қолди Николай. – Бу аёл чинакам совчилик қилиш ниятида. Соня нима бўлади?..» Губернаторнинг хотини билан хайрлашаётган чоғда у жилмайиб, яна бир қарра Николайга: «Менга қара, берган сўзинг эсингдан чиқмасин-а», – деган гапни айтганида Николай аёлни бир чеккага тортиб, шундоқ деди:

– Лекин, биласизми, холажон, гапнинг ростини айтсам...

– Нима гап экан, дўстим, қани, юр, мана бу ёққа ўтирайлик.

Тўсатдан Николай деярли бегона бўлган бу аёлга хатто онаси, синглиси, дўстига ҳам айтилмайдиган кўнгил сирларини очиб гапириш зарурлигини сезиб қолди. Кейинчалик Николай, гарчи ўзи учун оқибати муҳим бўлган бу ҳодисани губернаторнинг хотинига ҳеч қандоқ заруриятсиз, бекордан бекорга сир бериб кўйганини эслаганида, назарида, бу (ҳаммага ҳам доим шундоқ туюлади) бир тентакликдай бўлиб кўринди, ваҳоланки сир бой бериб кўйгани, бошқа майда-чуйда воқеалар билан бирга, ҳам унинг ўзи учун, ҳам бутун хонадони учун жуда катта натижа берди.

– Биласизми, холажон, ойимм кўпдан бери мени бирон бой қизга уйлантириш орзусида юрибдилар, лекин мен пул учун уйланиш фикрининг ўзидан жирканаман.

– Балли, мен сенинг бу фикрингга кўшиламан, – деди

губернаторнинг хотини.

– Лекин княжна Болконская бошқа гап: биринчидан, гапнинг рости, бу қиз менга жуда ёқади, ундан кейин княжнани ўша вазиятда учратганимдан бери ҳадеб бошимга ғалати бир фикр – пешонамда ёзилгани шу бўлса керак деган фикр келадиган бўлиб қолди. Яна бунисини кўрингки, ойим кўпдан бери шунга орзу қилиб юрган эдилар, аммо нима ҳам бўлиб, илгари мен бу қизни учратолмаган эдим ва биз бир-биримизни сира кўрмаган эдик. Илгарилари синглим Наташа унинг укасига унашилган вақтда мен бу нарсани хаёлимга ҳам келтиролмас эдим, ахир. Буни қарангки, бориб-бориб Наташанинг тўйи бузилгандан кейин княжна билан учрашиб қолсам-а, ундан кейин... Яна бир нарса демоқчиман. Мен бу сўзларни ҳеч қачон оғзимдан чиқарганим йўқ ва чиқармайман ҳам. Фақат сизга айтаман.

Губернаторнинг хотини ташаккур билдиргандай унинг тирсагини углаб қўйди.

– Сиз, Софьяни, менинг аммаваччамни биласизми? Мен ўша қизга кўнгил берганман, уйланаман деб ваъда қилганман, уйланаман ҳам... Шунинг учун ҳали сиз айтган нарса ҳақида ҳеч қандай гап-сўз бўлиши мумкин эмас, – деди Николай пойма-пой қизариб-бўзариб.

– Азиз дўстим, ўйлаб гапирясанми? Софья ҳеч нарсаси йўқ етимча бир қиз-ку, отамнинг ишлари чатоқ деган гапни ўзинг айтувдинг. Онанг нима деганди? Ана шундай қилсанг, аввало, онангни ўлдирасан. Ундан кейин Софья ҳассос қалб эгаси бўлса, бу турмуш қанақа бўлишини ўйлаб кўриши керак. Онанг зорланиб турган, отангнинг ишлари чатоқ бўлса... Йўқ, дўстим, сен ҳам, Софья ҳам буни тушунишларинг керак.

Николай сукут сақлаб қолди. Бу гап унга хуш ёқаётган эди.

– Ҳар ҳолда, холажон, бу бўладиган ит эмас, – деди Николай хўрсиниб, бир оз жим тургандан сўнг. – Ҳали княжнанинг менга тегиши номаълум. Шу кунлари у мотамда юрибди. Бу ҳақда ўйлат ҳали ҳозирча ноқулай эмасмикин?

– Мени дарров уйлантиради қолади, деб ўйлаясанми?

Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор., – деди губернаторнинг хотини.

– Ажойиб совчисиз-да, хола, – деди Николай унинг момиқдай қўлчасини ўпиб.

VI

Княжна Марья Ростов билан учрашганидан кейин Москвага келса, жияни Николушка ўз мураббийи билан шу ерда экан ва князь Андрейдан мактуб келган экан; мактубда князь Андрей Воронежга, Мальвинцева холаникига жўнаш зарурлигини, қайси йўл билан боришни ёзиб юборибди. Кўч-кўч ғалваси, укасининг ташвиши, янги ховлига жойлашиш, янги одамлар билан танишиб олиш, жиянининг тарбияси – буларнинг ҳаммаси отаси ҳаста бўлиб ётган кунлари ва унинг вафотидан кейин, айниқса, Ростов билан учрашганидан сўнг уни жуда қийнаган васваса каби туйғуларини босиб кетди. Княжна жуда маҳзун эди. Қалбида Россиянинг ҳалокати билан қўшилиб кетган отасининг вафо-ти туфайли чеккан ҳасрати бир ойдан кейин, осуда ҳаёт шароитида ўтган бир ойдан кейин жуда зўрайиб кетди. Княжна доймо хавотирда эди: укасининг, бирдан бир яқин киписининг ҳаёти таҳлика остида қолганлиги унга на кундузи ором берарди, на кечаси. Княжна Марья жиянининг тарбияси ҳақида ташвиш тортаркан, ҳар қадамда ўзининг бу соҳада ночорлигини сезар, аммо кўнглининг бир чеккасида, Ростовнинг Богучаровога келиши билан ўз қалбимда пайдо бўла бошлаган шахсий орзу-умидларимни енгиб олиб яхши қилдим, деган бир ўй, ўз-ўзидан мамнун бўлиш ҳисси ётарди.

Губернаторнинг хотини меҳмондорчиликнинг эртасига Мальвинцеваларнинг уйига келиб, ўз ниятидан холасини огоҳ қилгандан сўнг (ҳозирги вазиятда гарчи расмий унаштириш ҳақида оғиз очиб бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, ёшларни учраштирак, бир-бирларини яқиндан билишга имконият туғдирсак ёмон бўлмайди, деган гапни айтаиб), холанинг розилигини олганидан кейин княжна Марья олдида Ростов-

дан сўз очиб, сенинг ҳақингда гап кетганда Ростов жуда қизариб кетди, деб Николайни мактаганда, княжна Марья суюнмади, аксинча азоб чекди: унинг қалбида ўзидан мамнунлик туйғусидан асар қолмади, унинг ўрнини яна ҳавас, шубҳа, таъна ва орзу-умидлар эгаллаб олди.

Бу хабарни эшитганидан бошлаб Ростов келганга қалар ўтган икки кун давомида княжна Марьянинг хаёли Ростовга нисбатан ўзимни қандоқ тутсам экан, деган фикр билан банд бўлди. Гоҳ Ростов холамининг олдига келса мен меҳмонхонадан чиқмайман, чунки шундай қаттиқ мотам тутиб юрган чоғимда меҳмон қабул қилишим яхши бўлмас, деган фикрга келар; гоҳ мен учун шунча жонбозлик кўрсатганидан кейин унинг олдига чиқмасам хунук бўлмасмикин, деган хаёлга борар; гоҳ холам билан губернаторнинг хотини Ростов иккаламиз ҳақимизда бирон режа тузиб қўймаганмикин (уларнинг кўз қарашлари ва гаплари баъзан княжнанинг бу тахминини тасдиқларди), деган мулоҳазага борар; гоҳ, мендақа фикри бузуқ кишигина улар ҳақида шундай хаёлга бориши мумкин: мотам либосини ечмасдан бурун совчилик қилиш менга ҳам, отам хотирасига ҳам ҳақорат бўлиб тупишини улар билмаслиги мумкин эмас, деб тағин ўзини ўзи койир эди. Ростов келса олдига чиқадиган бўлиб, у айтадиган сўзларни, ўзи унга гапирадиган гапларни княжна Марья ўйлаб қўяр; гоҳ бу сўзлар княжнага ўринсиз, совуқ туюлар, гоҳо ниҳоят даража чуқур маъноли кўринарди. Княжна Марья ҳаммадан кўра Ростов билан учрашган пайтда хижолат чекишдан кўрқар, назарида у билан учрашган замон уялиб қолиб, сирини бой бериб қўядигандай кўринарди.

Бироқ яқшанба куни, тушки ибодатдан сўнг, лакей меҳмонхонага кириб, граф Ростов келдилар, деб хабар берганда княжна хижолат бўлганини билинтирмади: фақат икки ёноғи хиёл қизариб, кўзлари янги нур билан жилоланди, У бепарволик билан холасидан:

– Холажон? Ростовни кўрдингизми? – деб сўради ва ташқи қиёфаси бу қадар табиий ва осуда бўлганига ўзи ҳам ҳайрон қолди.

Ростов уйга кирганда, княжна Марья худди холаси билан кўришгани атайлаб меҳмонга фурсат бергандай, бир фурсатгина бошини эгиб турди, кейин Николай унга мурожат қилган вақтда бошини кўтариб, жилоланиб турган кўзлари билан унинг кўзларига бокди. Ўз қадрини билиб ўзига ниҳоят ярашиб турган гўзал бир ҳаракат билан ўрнидан кўзгалди-да, ингичка ва нозик кўлини Ростовга чўзаркан, биринчи мартаба хотинларгагина хос майин товуш билан гапирди. Шу чоғ меҳмонхонада бўлган Мамзель Бурьен княжнанинг бу ҳаракатини кўриб оғзи очилиб, кўзларига ишонмай қолди. Ноз-карашма бобида бошқаларга дарс бера оладиган мамзель Бурьен ҳам ёқмоқчи бўлган кишиси олдида бунақа усталик билан ҳаракат қилолмас эди.

«Қора либос шунчалик ярашибдими ё ўзи, дарҳақиқат, бу қадар чиройли бўлиб қолибди-ю, мен пайкамай юрган эканманми? Ҳаммадан ҳам бунинг латофати ва нозик ҳаракатларини айтинг!» – деди ичида мамзель Бурьен княжнага караб туриб.

Агар княжна Марья шу тобда ўйлашга қодир бўлса эди, ўзида юз берган ўзгаришга мамзель Бурьендан ҳам кўпроқ ҳайратда қолган бўлар эди. Бу суюкли, барно йигитни кўриши биланок аллақандай янги ҳаётий куч уни қамраб олди-ю, истак-ихтиёридан ташқари гапириш ва ҳаракат қилишга уни мажбур қилди. Ростов уйга кириши биланок княжнанинг чехраси ўзгариб кетди: устига гул солинган нақшинкор фонус ёқиб юборилганда илгари беўхшов, қора ва бемаъни кўринган нафис ва мураккаб нақшлар бирдан ёришиб, гўзаллигига кишини маҳлиё қилиб кўйгандек, княжна Марьянинг қиёфаси тўсатдан ўзгарди. У шу вақтга қадар яшаб келган соф, ички маънавий ҳаёт биринчи мартаба юзага балқиди. Барча ботиний, ўзидан норозилик туйғулари, изтироблари, эзгуликка интилиши, тақдирга тан бериши, муҳаббати, ўз жонини фидо қилишга ҳозирлиги – буларнинг ҳаммаси ҳозир унинг порлаб турган кўзларида, латиф табассумида, зариф юзининг ҳар бир чизигида кўриниб турар эди.

Буларнинг ҳаммаси Ростовга, худди княжна Марьянинг

бугун ҳаётини билгандай очиқ-ойдин кўринди. У ўз қарши-сида турган бу қиз шу маҳалга қадар учратган барча киши-ларга сира ўхшамаганини; улардан афзалроқ эканини, энг муҳими ҳатто ўзидан ҳам устунроқ эканини сизди.

Сўхбат энг оддий ва майда-чуйда нарсалар ҳақида борди. Улар урушдан гап очиб, бошқалар сингари беихтиёр ўзларининг бу воқеа муносабати билан қайғуларини ошириб гапиришди, сўнгги учрашишларини эслашди, лекин Николай бошқа мавзуга кўчишга уринди; губернаторнинг ёким-той хотини ҳақида, ўзларининг қавм-қариндошлари ҳақида гапиришди.

Княжна Марья укасидан сўз очмади, холаси бу ҳақда гапирганда, у сўзни дарров бошқа ёққа бурди. У Россиянинг бахтсизликка дучор бўлганлиги ҳақида сохта гапиришга қодир бўлса ҳам, лекин юрагига энг яқин бўлган кишиси — укаси ҳақида бундай гапиришни истамагани кўришиб турарди. Николай буни пайқади, у ўзига хос бўлмаган сезгирлик, зийраклик билан княжна Марья табиатининг ҳамма томон-ларига эътибор берди ва бу мушоҳада унинг княжна бошқа-ларга ўхшамаслиги, ўзигагина хос бир қиз эканлиги ҳақи-даги ишончини тасдиқлади. Николай ҳам княжна Марьядан сўз очилганда ва ҳатто у тўғрида ўйлаганда, княжна сингари қизарар ва уялар эди, лекин княжна олдида ўзини батамом эркин сезар ва олдин ўйлаб қўйган сўзларини эмас, балки ўша он ҳаёлига келган ва ҳамиша ўринли бўлган гапларини айтарди.

Николай шу қисқагина меҳмондорчиликда, бола-чақа бўлган ерда ҳар вақт бўладигандек, сукут чоғида князь Андрейнинг ўғилчаси олдида борди ва уни эркалаб, гусар бўласанми-йўкми, деб сўради.

Болани кўлига кўтариб олиб кула-кула уни ўйнатди ва княжна Марьяга қараб қўйди. Княжна Марья, ийиб кетиб, бахт тўла мулойим кўзларини севимли кишиси кўлидаги севимли болага тикиб турган эди. Николай бу нигоҳни пайқади ва унинг маъносини англагандай, қувончдан қиза-риб кетди ва гул-гул очилиб, оқкўнгилик билан болани ўша бошлади.

Княжна Марья мотам тутиб юргани учун ҳеч қайқа чиқмас эди. Николай эса ҳадеб уларнинг олдига бора-веришни ўзига эп кўрмади, лекин шундоқ бўлса ҳам, губернаторнинг хотини совчилигини қўймади ва Николай ҳақида княжна Марья айтган мактовли сўзларни унга, княжна ҳақида Николай айтган гапларни княжнага етказиб турди. Ростовга яна бир карра княжна Марья билан учрашиб, унга муҳаббат изҳор қилишни талаб этди. Шу мақсадда у йигит билан қизни кундузги ибодатдан олдин архиерейнинг¹ уйида учраштирди.

Николай, гарчи, губернаторнинг хотинига, мен княжна Марьяга ҳеч қанақа муҳаббат изҳор қилмоқчи эмасман, деб айтган бўлса ҳам, лекин келишга ваъда берди.

Тильзитда юрган вақтида Ростов бошқалар томонидан яхши деб эътироф этилган нарса ҳақида шубҳаланишни ўзига эп кўрмагани каби, ҳозир бу ерда ҳам ҳаётини ўз билганича қуриш истаги билан вазиятнинг тақозосига сўзсиз итоат қилиш кераклиги орасида қисқагина бўлса ҳам, лекин кескин курашдан сўнг у сўнгисини танлади ва ўзини судраб қайқадир олиб бораётган ва енгиб бўлмайдиган (буни у сезмоқда эди) бир кучнинг ихтиёрига берилди. Ростов Соняга ваъда бериб қўйиб, тагин княжна Марьяга муҳаббат изҳор қилиш разиллик бўлишини ва у ҳеч қачон разил иш қилмаслигини биларди. Аммо шунисини ҳам билардики (билиш у ёқда турсин, ҳатто қалби билан сезардики), ҳозир у ўз эркини ҳаётнинг тақозоси ва ўзига етакчилик қилаётган кишиларнинг ихтиёрига топшириб, ёмон иш эмас, балки жуда-жуда муҳим ишни, ўз ҳаётида шу маҳалгача қилмаган муҳим ишни қилмоқда. Княжна Марья билан учрашганидан сўнг гарчи ҳаёти зоҳиран ўзгармаган бўлса ҳам, лекин олдинги кайф-сафоларнинг қизиғи қолмади, у княжна Марья ҳақида тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди, лекин у княжна ҳақида киборлар доирасида мудом учраб турадиган ойим-қизлар ҳақида ўйлаганидек ўйламас эди, унинг княжна

¹ **Архиерейлар** (латинча: *archiereus* – биринчи, катта руҳоний) – христиан черковларида: юқори даражали руҳонийлар (епископ, архиепископ ва митрополит)нинг умумий уюви.

Марья ҳақидаги ўй-хаёллари бир вақтлар зўр завқ-шавқ билан Соля ҳақида ўйлаган ўйларига ҳам ўхшамас эди. Барча ойимқизлар ҳақида, у ҳар бир соф виждонли йигитлардек, бўлажак хотини ҳақида ўйлаганидек ўйлар, эр-хотинлик ҳаётини – яқтак бичим оқ кўйлак кийиб самовар ёнида ўтирган хотинни, хотинининг экипажини, бола-чақасини, ота-онасини, уларнинг хотинига муносабатини ва ҳоказоларни кўз ўнгига келтирар эди; ўз келажагини мана шу тарзда тасаввур қилиш унга роҳат бағишларди, бироқ одамлар ўртага тушиб олиб бермоқчи бўлаётганлари княжна Марья ҳақида ўйлаганида келажақдаги эр-хотинлик ҳаётини ҳеч кўз олдига келтиролмас эди. Кўз олдига келтирмоқчи бўлган тақдирда ҳам, ҳамма нарса беўхшов, ва қалбакига ўхшаб кўринар эди. Бундан фақат юраги сиқилиб кетарди.

VII

Бородино жанги, бу жангда ўлган ва ярадор бўлганлар ҳақидаги мудҳиш хабар, Москванинг қўлдан кетганлиги ҳақидаги бундан ҳам мудҳишроқ хабар Воронежга сентябрнинг ўрталарида стиб келди. Княжна Марья укасининг ярадор бўлгани ҳақидаги хабарни газетадангина ўқиб билибди ва князь Андрейнинг ўзидан ҳеч қанақа хабар келмагани учун уни ўзи қидиргани бормоқчи бўлибди деб эшитибди Николай (ўзи княжнани кўрмабди).

Бородино жанги ва Москванинг ташлаб чиқилганлиги ҳақидаги хабарни эшитганида Ростов умидсизликка тушиб, дарғазаб бўлиш, қасос олиш ва шунга ўхшаш туйғуларни сезиш у ёқда турсин, балки тўсатдан ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлди, Воронеждаги ҳамма нарсадан кўнгли сови-ди, негадир ноқулайликка тутиб уялиб қолгандай бўлди. Эшитаётган гап-сўзларнинг ҳаммаси унга сохта, мунофиқликдай туюлди; булар тўғрисида бирон фикр юргизишга ўзининг ожиз эканини сизди, назарида, полкка боргандагина буларнинг ҳаммасига тутуниб егадигандай эди. У от сотиб олиш ишларини тезроқ битиришга шошилар, ҳадеб бекордан бекорга қизишиб, хизматкори билан вахмистрни хафа қиларди.

Николайнинг кетишидан бир неча кун олдин рус кўшинлари эришган ғалаба шарафига жомеда ибодат бўлиши керак эди. Ростов шу кундузги ибодатга борди. Ростов жомеда губернатордан сал орқарокда, худди ибодат қилаётгандай виқор билан турди ва ҳар хил нарсалар ҳақида ўйлаб, ибодатни ўтказди. Ибодат тугагандан кейин губернаторнинг хотини уни чақирди:

– Княжнани кўрдингми? – деб сўради у клирос¹ орқасида турган қора кийимли хонимга томон ишора қилиб.

Николай дарҳол княжна Марьяни таниди, шляпаси остидан кўриниб турган юзининг бир томонидан кўра ўзини дарҳол камраб олган эҳтиёткорлик, кўркув ва ачиниш туйғуси княжнани танитга ёрдам берди. Княжна Марья ўз ўй-хаёллари билан банд бўлса керак, ибодатхонадан чиқиш олдидан сўнгги марта чўқинмоқда эди.

Николай княжнанинг юзига таажжубланиб қаради. Бу юз Николай илгари кўрган ўта юз эди, унда ўша илгариги ботиний, латиф руҳий кечинмалар ифодаси бор эди, аммо ҳозирги кўриниш ўзгача эди. Унда китининг қалбини вайрон қиладиган ғамгинлик, илтижо ва умид ифодаси бор эди. Николай илгари ҳамиша княжна Марья билан бирга бўлганида рўй берадиган ҳодиса бўлди, бу гал ҳам губернатор хотини билан маслаҳатлатиб ўтирмасдан, ибодатхонада унинг олдига боришим яхшими, одобданми, деб ўзидан ҳам сўраб ўтирмасдан, тўғри княжна олдига борди ва унинг бошига тушган кулфатдан хабардор эканлигини айтиб, унга ҳамдардлик изҳор қилди. Ростовнинг товуши қулоғига кириши биланок княжна Марьянинг юзида ёрқин бир нур ловуллаб кетди-ю, айни замонда ҳам унинг кайғусини, ҳам қувончини ёритиб юборди,

– Мен бир нарсани сизга айтмоқчи эдим, княжна, – деди Ростов, – агар князь Андрей Николаевичга бирон нарса бўлса, полк командири бўлгани учун дарҳол бу ҳақда газетада ёзишар эди.

Княжна Ростовнинг сўзларига тушунмаётган бўлса ҳам,

¹ Клитрос – черков меҳробининг икки тарафиди хонишчилар турадиган жой.

лекин унинг юзидаги изтиробни, ҳамдардлик ифодасини кўриб қувонди.

– Мен жуда кўп воқеаларни биламан: осколкадан (газетада гранатадан дейилган) ярадор бўлган киши ё ўша замоннинг ўзида жон беради, ё аксинча, жуда енгил яраланади, – деди Николай, – ҳар ҳолда умидвор бўлиш керак, мен аминманки...

Княжна Марья унинг сўзини оғзидан олди.

– Ох, бу ниҳоят даража муд... – деб гап бошлади-ю, ҳаяжонли сўзини тугатолмай, чиройли бир ҳаракат билан (Николайнинг олдида унинг ҳамма ҳаракатлари чиройли чиқарди) бошини эгди ва унга таппаккуромуз назар тапплаб, холасининг кетидан чиқди.

Шу куни кечаси Николай от сотган кишилар билан ҳисоб-китобини тугатиш ниятида, ҳеч қаёққа меҳмондорчиликка бормай, уйда қолди. У ишни битирганида бирон ёққа боришга вақт кетган, лекин ётай деса ҳали эрта эди. Николай ўз ҳаётини ўйлаб (бу тўғрида у жуда камдан кам ўйлар эди) анчагача уйда у ёқдан бу ёққа юрди.

Смоленск яқинида кўрганида княжна унда жуда яхши таассурот қолдирган эди. Ушанда Николай княжна Марьяни жуда оғир шароитда учратгани, бир вақтлар онаси шу қиз жуда бой ва сенга муносиб деб княжнага ишора қилгани Николайнинг эсига тушди-ю, унга алоҳида эътибор берди. Воронежда княжна Марья билан учрашган чоғида княжнага ёкиш у ёқда турсин, балки уни мафтун қилди. Княжна Марьядаги ўзгача бир маънавий гўзалликни кўриб бу гал Николай лол бўлди. Лекин шундай бўлса ҳам, жўнаш тараддудига тушди ва Воронеждан кетсам княжна билан учрашиш имкониятидан маҳрум бўламан деб ачинмади ҳам. Бироқ княжна Марья билан бу гал ибодатхонада учрашиши (Николай шундай бўлишини сезган эди), ўзи кутганидан ҳам чуқурроқ, ҳаловатини анчагина бузадиган даражада унга таъсир қилди. Унинг оқариб қолган бу маҳзун, зариф юзи, кўзларидаги ёркин нур, мулойим; чиройли ҳаракатлари, энг муҳими – бутун вужудидан билиниб турган теран ва зариф кайғуси Николайнинг ҳаловатини бузди, ундан княжнанинг

дардига ҳамдард бўлишни талаб этди. Николай эркакларда юксак маънавий ҳаёт ифодасини кўрса жон-пони чиқар (князь Андрейни у шунинг учун ёқтирмас), бу нарсани файласуфлик, ҳаёлпарастлик деб мазах қиларди, бироқ княжна Марьяда, Николай учун буткул бегона бўлган маънавий ҳаётнинг нақадар теранлигини кўрсатаётган бу қайғуда, Ростов зўр бир жозиба борлигини сездди.

«Ажойиб киз бўлса керак! Фарияштанинг ўзгинаси! – деди ўзича Николай. – Нега бошим очик эмас, нега шошиб-пишиб Соняга сўз бериб қўйдим?» Беихтиёр у ижкала кизни, бири камбағал, иккинчиси Николайнинг ўзида бўлмаган ва шунинг учун ҳам у юқори баҳо берган маънавий хислатларга бой бўлган кизни солиштириб кўрди. Ростов боши очик бўлган тақдирда нима бўлишини тасаввур қилиб кўрмоқчи бўлди. Қандай қилиб у княжна Марьяга муҳаббат изҳор қилар эди ва княжна унга хотия бўлар эди? Йўқ, бу нарсани у кўз олдига келтиролмади. У гаранг бўлиб қолди, кўз олдида бирон аниқ нарса келмади. Соня билан курадиган ҳаётини у аллақачонлар тасаввур қилган, бунинг ҳаммаси жўн ва очик-ойдин эди, чунки буларнинг ҳаммасини ўзи ўйлаб қўйган, чунки Сонянинг барча фазилатлари унга беш панжасидек маълум эди; княжна Марья билан келажакда курадиган ҳаётини эса тасаввур қилиш қийин, чунки у княжнани билмас, фақат севарди, холос.

Соня ҳақидаги орзу-умидларида алланечук бир дилхушлик, кўнгилни овутадиган бир нарса бордек эди. Лекин княжна Марья ҳақида ўйлаш ҳаминша мушкул ва кўркинчирок эди.

«Ибодат қилишини айтинг-а! – деди Николай княжнани эслаб. – Бутун вужуди билан ибодат қилгани кўриниб турарди. Балли, бу ибодат тоғларни суриб ташлайдиган ибодат, унинг дуоси ижобат бўлишига аминман. Нима учун мен тилагимни тилаб, худога ёлвормайман? – деган гап унинг эсига тушди. – Менинг қанақа тилагим бор? Бошим очик бўлиши, Соня билан орани очик қилишим керак. Губернаторнинг хотини ҳақ гапни гапирди, – деди у. – Менинг Соняга ўйланишим бахтсизликдан бошқа нарса

келтирмайди. Оилавий аҳволимиз чатоқ бўлади, оймнинг кайғуси ошади, ҳамма ишлар хуржун бўлади!

Мен уни яхши ҳам кўрмайман. Мен уни жоним билан севмайман ҳам. Ё раббим! Мени бу кўркинчи, мушкул аҳвoldан кутқар! – деб Ростов тўсатдан ибодат қила бошлади.— Балли, ибодат тўғларни суриб ташлайди, лекин ихлос билан ибодат қилиш керак, ёшлигимизда Наташа иккаламиз қор шакарга айлансин, деб худодан сўраганимиз ва дуомиз ижобат бўлдимикин деб югуриб ташқарига чиқиб қорни татиб кўрганимиз эсимда, бундай ибодат қилиш керак эмас. Йўқ, мен ҳозир анчайин нарсани худодан сўраётганим йўқ», – деди Николай ва трубкасини бир чеккага қўйиб, икона қаршисида қўл қовуштирди. Княжна Марьяни эслаганида юрак-бағри эзилиб, шу қадар ихлос билан ибодат қила бошладики, кўлдан бери шундай илтижо қилмаган эди. Лаврушка аллақандай бир қоғозни кўтариб кирганда Николай кўзлари ва бўғзида ёш бор эди.

– Аҳмоқ! Сени биров чақирдимми? – деди Николай дарров вазиятини ўзгартириб.

– Губернатордан, – деди Лаврушка уйқусираган товуш билан, – чопар келди, сизга хат бор.

– Ҳа, майли, раҳмат, бор жўна!

Николай иккала мактубни олди. Бери онасидан, иккинчиси Сонядан эди. Буни Николай хатдан таниди ва аввал Сонядан келган мактубни очди. Бир неча сатрни ўқишга улгурмасданоқ ранги оқариб, кўзлари ҳам кўрқув, ҳам шодликдан ялтираб кетди.

– Йўқ, бундоқ бўлиши мумкин эмас! – деди товушини чиқариб.

У бир жойда ўтиролмай, у ёқдан бу ёққа юриб қўлидаги хатни ўқий бошлади. Хатни бир марта кўздан кечирди, кейин яна иккинчи мартаба ўқиб чиқди-да, елкасини қисиб ва кўзларини ёзиб, оғзи очилган ва кўзлари бақрайган ҳолда уйнинг ўртасида тўхтаб қолди. Ҳозиргина ихлос билан худодан тилаган тилаги рўёбга чиққан эди; Николай худди бу нарса ғайритабиий бир ходиса-ю, у ҳеч қачон буни кутмаган, бу нарсанинг бунчалик рўёбга чиқиши худодан

эмас, балки бу оддий тасодиф оқибати эканини исбот этгандай ханг-манг бўлиб қолди. Николайнинг эркини боғлаб турган ва ечиб бўлмайдигандай кўринган тугунни Соњянинг кўққисдан келган ва ҳеч ким талаб қилмаган (Николайга шундоқ кўринди) мактуби ечди-кўйди. Соњянинг ёзишига қараганда, сўнги бахтсиз воқеалар, Ростовнинг Москвадаги барча бор-йўқларидан маҳрум бўлганликлари, графиня кўндан бери ўтлина княжна Болконскаяга уйлантириш орзусида юрганлиги, Николайнинг сўнги кунларда локайдлиги ва хат ёзмаслиги – буларнинг ҳаммаси у берган ваъдадан воз кечишга ва унинг эркини ўз кўлига беришга мажбур қилган.

«Мени ўстириб катта қилган хонадоннинг қулфатига ва нифокка сабаб бўлишни ўйлаш мен учун жуда огир, – деб ёзган эди Соњя, – севгимнинг бирдан бир мақсади мен севган кишиларнинг бахт-у саодатидир: шунинг учун сиздан ўтиниб сўрайман, Николай, бошингизни очик деб ҳисобланг ва шуни билингки, ҳамма нарсадан қатъи назар, ҳеч ким сизни Соњянгизча қаттиқ севмайди».

Иккала мактуб ҳам Троицадан ёзилган, иккинчи мактуб графинядан эди. Бу мактубда графиня Москванинг сўнги кунларини, кўчишларини, Москванинг ёнғинини, барча мол-мулклари талон-торож бўлиб кетгани тасвирланган эди. Гап орасида, графиня, князь Андрей бошқа ярадорлар жумласида булар билан бирга келганини ҳам ёзган эди. Князь Андрейнинг аҳволи жуда огир экан, лекин ҳозир докторларнинг гапига қараганда, тузалишига умид кўпроқ эмиш, Соњя билан Наташа кеча-ю кундуз унинг ёнидан жилмай, парвариш қилишармиш.

Николай бу мактубни олиб, эртасига княжна Марьянинг олдига борди. Николай ҳам, княжна Марья ҳам «уни Наташа парвариш қиляпти» деган сўзнинг остида қандай маъно ётганлиги ҳақида оғиз очмади, лекин шу мактуб туфайли Николай тўсатдан княжна Марья билан яқинлашиб, қариндошдай бўлиб қолди.

Эртасига Ростов княжна Марьяни Ярославлга кузатиб кўйди, бир неча кундан кейин ўзи ҳам подкка жўнади.

VIII

Сонянинг Николайга ёзган мактуби, унинг дуоסי ижобат бўлганлигини кўрсатадиган мактуб, Троицадан ёзилган эди. Бу мактуб мана шу қуйидаги сабабларга кўра ёзилган эди: Николайни мол-давлатли қизга уйлантириш орзуси кўпдан бери кекса графинянинг хаёлини банд қилиб келмоқда эди. Бу мақсадга эришмоққа бирдан бир тўсик Соня эканлигини у биларди. Сонянинг графиня уйида кечираётган хаёти сўнгги вақтларда жуда оғир бўлиб қолди. Айниқса, Николайнинг Богучароводан ёзган ва у ерда княжна Марья билан учрашиб қолганини тасвирлаган мактуби келгандан кейин бу турмуш захар-заққумга айланди. Графиня Соняга бир оғиз гапни ҳам ништарсиз, пичингсиз гапирмайдиган бўлиб қолди.

Бироқ Москвадан жўнашдан бир неча кун олдида юз берган барча ҳодисалардан юраги абгор бўлган ва ҳаяжонланган графиня Соняни олдига чақирди-да, таъна ва буйруқ ўрнига, кўзларида ёш билан, сenga қилган барча яхшиликларим эвазига сендан сўрайман: ўз бахтингдан кеч, Николай билан муносабатингни уз, деб унга ялиниб-ёлвора бошлади.

— Сен менга узил-кесил ваъда бермагунигча кўнглим жойига тушмайди.

Соня ҳўнграб йиғлади, нима десангиз, ҳаммасини қиламан, ҳаммасига тайёрман, деб йиғи аралаш жавоб қайтардию, лекин графиняни хотиржам қиладиган аниқ бир ваъда бермади ва бундай ваъдани беришга журъат этмади. Уни ўстириб вояга етказган хонадоннинг бахт-саодати учун Соня ўзини қурбон қилиши керак эди. Бошқаларнинг бахт-саодати учун ўзини қурбон қилиш Соня учун одат тусига кирган, Ростовлар хонадонидаги мавқеига кўра, Соня ўз фазилатини факат ҳар қандай маҳрумликка кўниш йўли билангина кўрсата олар эди, у фидокорликка ўрганган ва буни яхши кўрар эди. Бироқ илгари ҳар гал фидокорлик кўрсатганда шу иши туфайли ўз қадр-қимматини ҳам ўзи наздида, ҳам бошқалар наздида ошираётганини дунёда энг яхши кўрадиган кишиси бўлган Николайга янада муносиброқ бўлишини сезарди, энди унинг фидокорлиги барча маҳрумият-

ларининг мукофоти ва бутун ҳаётининг моҳиятини ташкил этган нарсанинг баҳридан кечиш демак эди. Умрида биринчи марта, уни фақат каттиқроқ азоб бериш учун ўстирган ва вояга етказган кишилардан Сонянинг кўнгли қолди: бунақа изтиробларни бошдан кечирмаган, маҳрумият нималигини билмаган, ўз жонини ҳеч қачон бировларга фидо қилиш эҳтиёжини сезмаган, хамиша бошқаларни ўзига гиргитгон қилиб келган ва шундоқ бўлса ҳам, доимо ҳаммага ёққан Наташага ўз умрида илк дафъа ҳасад қилди. Соня биринчи мартаба ўлароқ Николайга бўлган соф ва сокин муҳаббатидан ҳар қанақа қонун-қоидадан ҳам, лутф-марҳаматдан ҳам, дин-диёнатдан ҳам юқори турадиган эҳтиросли бир туйғу ўсиб чиқаётганини сизди ва шу туйғунинг таъсири остида бировларнинг эшигида юриб, ўз ҳиссиётини яширишга ўрганган Соня графинянинг гапларига беихтиёр мужмалгина жавоб қайтариб, у билан гаплатмасликка ҳаракат қилди ва Николайнинг келишини кутмоқчи бўлди, бу учрашишдан унинг мақсади Николайнинг эркини кўлига бериш эмас, балки ўз тақдирини у билан абадий боғлар эди.

Ростовларнинг Москвадаги сўнгги кунларининг ташвиш-тахликаси Соняни эзаётган кўнгилсиз ўй-хаёлларни босиб кетди. Соня уй юмушлари билан банд бўлиб, ўз кайғусини унутаёзганига суюнди. Бироқ князь Андрей буларнинг ҳовлисида ётганини эшитиб, ҳам унга, ҳам Наташага ачинаётган бўлса-да, худо мени Николайдан ажратишни хоҳламайди, деган хурофий туйғудан подланиб кетди. У Наташанинг ёлғиз князь Андрейни севишини, ҳали ҳам ундан кўнгли совумаганини биларди, Соня яна туни ҳам билардики, тундай мудҳиш шароитда учрашиб қолгандан кейин, улар яна бир-бирини севиб қолади ва Николай, ўртала туғилиб қоладиган қариндошлик туфайли княжна Марьяга уйланомайди. Москвада ўтказилган сўнгги кунларда ва сафарнинг дастлабки кунларида юз берган барча мудҳиш воқеаларга қарамай, бу туйғу – менинг ишларимни худонинг ўзи ўнглаб юборади деган туйғу – Соняга далда берар эди.

Йўлга чиққандан бери Ростовлар биринчи марта

Троицкая лавра монастирда тўхтадилар.

Уларга монастир қошидаги меҳмонхонадан учта хона ажратилди ва булардан бирини князь Андрей эгаллади. Шу куни ярадор ўзини анча енгил ҳис этди. Натата унинг олдида ўтирарди, Графиня ва граф иккаласи нариги уйда ҳамиша иона бериб турадиган эски танишларини кўргани келган монастир нозири билан эҳтиром сақлаб суҳбатлатиб ўтирар эди. Соня бўлса князь Андрей билан Наташа нима ҳақда гапирётганини биллолмай шу ерда хуноб бўлиб ўтирар эди. Уларнинг товуши этик орқасидан эшитилмоқда эди. Князь Андрей ётган уйнинг эшиги очилди-ю, у ердан ҳаяжонланган Наташа чиқди. Монах¹ уни кўриб ўрнидан турди ва ўнг қўлининг кенг енгидан ушлади, бироқ Наташа унга эътибор қилмасдан, Сонянинг олдига келди ва дугонасининг қўлини олди.

– Наташа, сенга нима бўлди? Бу ёққа келсанг-чи? – деди графиня.

Наташа монастир назирининг дуосини олгани келди, назир унга худо ва азиз-авлиёларга сиғининг, деб маслаҳат берди.

Монастир нозири чиқиб кетиши биланок, Наташа дугонасининг қўлидан ушлаб у билан бўш хонага кирди.

– Соня, менга қара, у тузалиб кетади-я? – деди. – Соня, мен қанчалик бахтли ва шу билан бирга қанчалик бахтсизман! Соня, биласанми жонгинам, биз яна аввалгидек бўлиб кетдик! У тузалса бўлди, Лекин унинг тузалиши... чунки... – шуни деб Наташа йиғлаб юборди.

– Тузалиб кетади! Мен буни билардим! Худога шукур, – деди Соня. – У ўлмайди.

Соня ҳам дугонаси сингари ҳаяжонда эди. У Натташаниннг кўрқуви ва ғами, ўзининг ҳеч ким билмайдиган пинҳоний ўй-хаёлларидан ҳаяжонга келган эди. Соня йиғлаб Наташани ўпди, унга тасалли берди. «Йлоҳим ўлмасин!» деди ичида Соня. Иккала дугона йиғлаб, бир-бирига роз

¹ Монах (ювонча, яққаланган, ёлғиз) – тарки дунё килиб, монастирда яшовчи диний жамоа аъзоси; роҳиб.

айтиб, кўз ёшларини артишди, князь Андрей ётган хонанинг эшиги олдига келишди. Наташа секин эшикни очиб, ичкарига каради. Соня дугонасининг ёнида, қия очик эшик олдида турар эди.

Князь Андрей устма-уст баланд қилиб қўйилган уч ёстиқда ётган эди. Унинг оқариб қолган юзи сокин, кўзлари юмилган, бир маромда нафас олаётгани билиниб турар эди.

Соня тўсатдан дугонасининг қўлидан маҳкам ушлаб, уни эшикдан нарироқ тортди.

– Оҳ, Наташа! – деб қичқириб юбораёзди.

– Нима бўлди? Нима? – деб сўради Наташа.

– Бу ўша, ўша... – деди Соня ранг-қути учиб, лаблари титраб.

Наташа секин эшикни ёпди ва Соня нима демокчи бўлганига ҳали ҳам тушунмай, у билан ойна олдига борди.

– Эсингдами, – деди Соня ҳам кўрккандек, ҳам тантанали киёфада. – Оградноеда, мавлуд¹ кунларида ойнага қараб сенга фол очганим эсингдами... Ўшанда ойнада нимани кўрганим эсингдами?..

– Эсимда, эсимда! – деди Наташа кўзларини катта очиб. Ўшанда Соня князь Андрей ҳақида алланима-балолар деганини ва уни тўшакда ётган ҳолатда кўрганини зўрға эслади.

– Эсингдами? – деди Соня гапини давом эттириб. – Ўшанда нималарни кўрганимни бошқаларга ҳам, сенга ҳам, Дуняшага ҳам айтган эдим. Ўшанда худди мана шу ҳозиргидай, – деди Соня ҳар бир тафсилот устида тўхталаркан, бармоғини бигиз қилиб. – Кўзларини юмиб, пушти ранг кўрпа ёпиниб, қўлларини кўкрагига қўйиб ётган эди, – деди Соня, гўё ҳозир кўрганларини айнан ўшанда кўргандай. Ўшанда ҳеч нарсани кўргани йўқ, лекин хаёлига нима келган бўлса, шуни кўрдим деб айтган эди, аммо ўшанда ўйлаб чиқарган гапи, ҳозир, назарида, бошқа ҳамма хотиралар сингари чин бўлиб кўринди. Князь Андрей менга қараб жилмайиб, қўйди, унинг устида қандайдир кизил нарса бор

¹ Мавлуд – гузилган кун.

эди, деб ўшанда айтган гапи фақатгина эсида қолди эмас, балки пушти ранг, бошқа ранг эмас, фақат пушти ранг кўрпа ёпиниб, кўзларини юмиб ётибди, деб ўшанда айтганига ва кўрганига имони комил эди.

– Ҳа, рост, пушти ранг кўрпа деб айтган эдинг, – деди Наташа худди ўшанда Сонянинг пушти ранг дегани эсида тургандек ва бу кароматнинг фавқулоддаги ва сирлилиги шундан иборатдек.

– Ҳа, хўп, бу нимани билдиради? – деб сўради Наташа ўйчанлик билан.

– Ох, бу жуда ғалати-я! – деди Соня иккала қўли билан бошини ушлаб.

Бир оздан кейин князь Андрей кўнғироқни жиринглатди ва Наташа унинг олдига кирди; Соня эса камдан кам сезадиган ҳаяжон ва диққат ҳиссига берилиб, юз берган барча воқеанинг фавқулоддалиги ҳақида ўйлаб, дераза олдида туриб қолди.

Шу бугун хат ёзгани фурсат топиб графиня ўғлига армияга мактуб юборди.

– Соня, – деди графиня у ёнидан ўтиб кетаётганида хатдан бошини кўтариб. – Соня, сен Николинъкага хат ёзмайсанми? – деди графиня мулойим ва титроқ овоз билан. Графиня нима демоқчи бўлганини Соня унинг кўзойнак остидан жовдираб турган ҳорғин нигоҳидан англади. Унинг бу қарашида ҳам ёлвориш, ҳам Сонянинг рад этишидан кўркиш, ҳам шу илтимосидан уялиш, ҳам йўқ деган тақдирда улар ўлгунча ундан нафратланишни билдирувчи ифода бор эди.

Соня графинянинг олдига келди ва тиз чўкиб унинг қўлини ўпиб деди:

– Ёзаман, ёзаман, ойижон.

Соня шу бугун юз берган барча воқеалардан, айниқса бир вақтлар очган фоли сирли равишда тўғри чиққанидан ҳаяжонланган, кўнгли эриган ва юрак-бағри эзилиб кетган эди. Наташа билан князь Андрей орасидаги муносабат қайтадан тиклангани туфайли Николай княжна Марьяга уйлана олмаслигини билгандан кейин, Соня ўзи хуш кўрган ва

одатланган кайфият – фидокорлик кайфияти яна уни камраб олганини сезиб суюниб кетди. У кўзларида ёш билан, олийжаноб бир иш қилаётганидан шодланиб, қоп-қора мулойим кўзларини ёш қоплагани сабабли бир неча марта хатдан кўзларини узиб, Николайни шунчалик ҳайратга солган ўша таъсирли мактубни ёзди.

IX

Пьерни гауптвахтага¹ олиб боргандан сўнг уни ушлаб келган офицер ва аскарлар унга адоват билан қарасалар ҳам, лекин ҳурмат қилаётганлари сезилиб турар эди. Бундан ташқари уларнинг муомаласида (бу одам тагин бирон каттакон киши бўлмасин деб) шубҳага тушаётганликлари ва ҳалигина ораларида бўлиб ўтган тўқнашув оқибатида туғилган адоват ҳисси сезилиб турарди.

Лекин эртасига келган навбатчи соқчилар – «янги аскар-офицерлар Пьерга кеча ушлаб келган кишилардан бошқача кўз билан қараганини Пьернинг ўзи сезиб турарди. Ҳақиқатан ҳам янги келган навбатчилар назарида бу одам кеча талончи ва соқчи аскарлар билан ўлгудай олишган ва гўдакни қутқариш ҳақида баландпарвоз гаплар айтган ва деҳқонча кафтан кийган норғул одам эмас, балки олий мартабадаи бошлиқларнинг амрига биноан негадир қамоққа олишган ўн етти руснинг биттаси эди, холос. Пьерни бошқалардан ажратиб турадиган айрим бир хислати бўлса, бу ҳам фақат унинг жасоратли ўй-хаёлга берилиб тургандай кўриниши ва французларни қойил қолдириб французча гапирishi эди, холос. Лекин шунга қарамасдан ўша кунни уни ушлаб келинган бошқа шубҳали кишиларга қўшиб қўйишди, чунки у қамаб қўйилган хона бошқа бир офицерга керак бўлиб қолди.

Пьер билан бирга ётган русларнинг ҳаммаси энг паст

¹ Гауптвахта (немисча: Hauptwache – бош, асосий қорғовул) – қамоққа ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар сақланадиган жой.

табақадан эди. Улар Пьер барин¹ эканини ва буниги устига яна французча гашира билганини кўриб, ундан ўзларини тортишди. Пьер уларнинг мазах қилаётганини кўриб, таъби хира бўлди.

— Эртасига кечкурун Пьер бу қамалган кишиларнинг ҳаммаси (эхтимол ўзи ҳам) ўт кўйишда айбланиб, суд бўлишини эшитиб қолди. Учинчи куни Пьерни бошқалар билан бирга бир уйга олиб боришди, у ерда ок мўйловли бир француз генерали, икки полковник ва билакларига шарф таплаган бир неча француз ўтирган эди. Бошқа қамалганлар қатори Пьерга ҳам одатда судланувчиларга бериладиган ва кишининг заифлигини сохта равишда ошириб юборадиган расмий саволларни, яъни сен ким бўласан? Қаерда эдинг? Нима мақсадда борган эдинг? — қабилидаги ёд бўлиб қолган саволларни беришди.

Бу саволлар ишга доир масалаларнинг моҳиятини четда қолдириб, унинг моҳиятини очиши имкониятларини йўққа чиқариб, одатда судда бериладиган ҳамма саволлар сингари, фақат бир мақсадни — суд қилинувчиларнинг жавоблари кўйилган тарновча орқали оқиб, уларни кузатилган мақсадга олиб боришини — айбдор қилишни назарда тутарди. Судланувчилар айбланувчиларнинг мўлжалига тўғри келмайдиган биров нарса дейиши биланок тарновчани олишар ва сув истаган томонга оқиб кетарди. Бундан ташқари, Пьер барча судланувчилар судда бошдан кечирадиган нарсани сезмоқда, нима учун булар менга бунақа саволлар беришяпти, деб ҳайрон бўлмоқда эди. Унинг назарида, суд қилувчилар фақат лутф-марҳамат ёки назокат юзасидан тарновча кўйиб найранг ишлатилаётганга ўхшарди. Пьер бутун ҳаёт-мамоти шуларнинг кўлида эканини, уни бу ерга ҳокимият олиб келганини, ҳокимият бу саволларга жавоб талаб қилиш ҳуқуқини берганини, бутун бу йиғилишнинг бирдан бир мақсади уни айблашдан иборат эканини яхши биларди. Мана шунинг учун ҳокимият қўлларида бўлиб айблашни

¹ Барин (русча; боярин, бояр) — ўтмишда Россияда ҳукмрон синф вакиллари, катта ер эгаларининг унвони, ўша унвон эгаси; оқсуяк, эодагон.

истаганларидан кейин ҳийла-ю найранг ишлатиб саволлар беришга ҳам, суд қилишга ҳам ҳожат йўқ эди. Берилаётган жавобларнинг ҳаммаси судланувчилар бўйнига айб қўйиши керак эди. Сизни ушлаган вақтларида нима билан шуғулланаётган эдингиз, деган саволга Пьер, бир қадар фожиали тарзда мен ўт ичидан олиб чиққан гўдакни ота-онасига олиб бораётган эдим, деган жавобни берди. Талончи аскарлар билан нега ёқалашдингиз, деган саволга жавобан Пьер аёл кишини мудофаа қилдим, таҳқирланаётган аёлни мудофаа қилиш ҳар бир инсоннинг бурчидир... деган гапни айтган эди, уни тўхтатишди: бу нарсанинг ишга алоқаси йўқ эди. Гувоҳлар сизни кўрган ҳовлида, ёнаётган ҳовлида нима қилиб юрувдингиз, деган саволга жавобан Пьер Москвада нима ҳодисалар юз бераётганини кўргани бораётган эдим, деди. Қаёққа бораётганингни эмас, балки ёнгин атрофида нима қилиб юрганингни сўраяпмиз, деб яна уни тўхтатишди.

– Ўзинг ким бўласан? – деб яна Пьердан сўрашди, Пьер бу саволга жавоб бермайман ва беролмайман, деди.

Мўйлови оппоқ, юзи қип-кизил генерал қаҳр билан:

– Ёзиб қўйинг, бу яхши эмас. Сира яхши эмас! – деди.

Тўртинчи кун Зубовск кўрғонида ҳам ёнгин бошланди.

Пьерни ўн уч киши билан бирга Кримский Бродга, бир савдогарнинг ҳовлисидаги аравахонага олиб боришди. Кўчадан кетаётганда Пьер бутун шаҳарни қоплаб олганга ўхшаб кўринган тутундан нафаси қайтиб кетди. Шаҳар ҳар томондан ёнмоқда эди. Ўшанда Пьер Москвага ўт қўйилиши қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тушунмай ёнгинга кўрқув билан қарар эди.

Пьер яна тўрт кун Кримский Броддаги савдогарнинг аравахонасида ётди ва шу муддат ичида француз аскарларининг гапидан, бу ердагилар маршалнинг ҳукмини кутиб ётганларини англади. Қанақа маршал эканини Пьер аскарлардан билолмади. Аскарлар учун маршал, афтидан, ҳокимиятнинг энг олий ва бирмунча сирли босқичи эди.

Х

8-сентябрда асирлар ётган аравахонага бир офицер келди, соқчиларнинг хурмат қилишига қараганда бу офицер каттароқ бир одамга ўхшар эди. Офицер штаб ходими бўлса керак, қўлидаги рўйхатга қараб ҳамма русларни номма-ном чакирди ва Пьерни ўз исмини айтишни истамаган киши деб атади. Асирларни совуққонлик ва эринчоқлик билан кўздан кечириб чиққан у соқчи офицерга қараб, маршал хузурига олиб боришдан, олдин буларни дурустроқ кийинтириш ва ювиб-тарашни буюрди. Бирон соатдан кейин бир рота аскар келди ва Пьерни бошқа ўн уч асир билан бирга Девичье поле деган жойга олиб борди. Ёмгирдан сўнг кун очилиб кетиб, офтоб чарақлаб турар, ҳаво ниҳоят даражада мусаффо эди. Тутун ҳам Пьерни Зубовск қўرғонидаги гауштвахтадан олиб чиқилган кундаги сингари пастлаб сузиб юрмас эди. Тутун соф ҳавога тик устундек кўтарилмоқда эди. Ҳеч қаерда ёнғин ўти кўзга ташланмаса ҳам, лекин ҳар томондан тутун кўтарилмоқда ва бутун Москва ҳам, Пьернинг кўзига кўринаётган ҳамма жой ҳам ёнғин ичида эди. Ҳамма ёқда фақат печка ва мўрилари қолган харобазорлар, онда-сонда гипт уйларнинг куйиб қорайиб қолган деворлари кўзга ташланарди. Пьер ёниб кул бўлган иморатларга тикилиб, бу жойлар шаҳарнинг қайси гузари эканини билолмади.

Ҳар ер ҳар ерда омон қолган черковлар кўзга ташланарди. Омон қолган Кремль, узоқдан ўз миноралари ва Иван Буюк ибодатхонаси билан оқариб кўринарди. Яқинроқда Новодевичье монастирининг гумбази ярқираб турар, у ердан ибодатга чалинган жом товуши айниқса қаттиқ жарангларди. Бу жом Пьерга бутун якшанба ва Биби Марям туғилган муборак кун эканини эслатди. Лекин бу муборак кунни байрам қилаётган одам йўқдай кўринарди; ҳамма ерда ёнғин харобага айлантирган уй-жойлар кўзга ташланар, онда-сонда жулдур кийган ва ўтакаси ёрилган руслар учраб қолар, улар французларни кўришлари билан ўзларини панага олишарди.

Рус хонумони бузилиб, ер билан яксон қилинганга ўхшарди, лекин шу емирилган рус ҳаёти тартиблари култе-

паси устида тамоман бошқа тартиб, мустахкам француз тартиби ўрнатилганини Пьер беихтиёр сездди. Бу нарсани у бошқа гуноҳкорлар билан бирга унинг ўзини олиб бораётган соқчиларнинг баравар саф тартиб, кўтаринки руҳда илдам қадам ташлаб боришларидан сезган эди; бу нарсани у бир аскар хайдаб бораётган қўш отли коляскада рўпара келиб қолаётган француз амалдорининг савлатидан сездди. Бу нарсани у ялангликнинг чап томонидан эшитилаётган полк мусикасининг шўх садосидан сездди; бу нарсани у, айниқса, бугун эрталаб келган француз офицерининг асирлар рўйхатини номма-ном айтиб чақирганидан ҳам пайқадди ва тушунди. Пьерни аскарларгина ушлаб келган, аввал бир жойга, кейин ўнларча кишиларга қўшиб, бошқа жойга олиб боришган эди, шунинг учун французлар уни унутиши ва бошқалар билан аралаштириб юборишлари ҳам мумкин эди. Лекин ундоқ бўлмади сўроқ вақтида берган жавоби: кимлигини айтишни истамаган киши шаклида унинг ўзига лақаб килиб берилди. Мана энди Пьер учун кўрқинчли бўлган шу лақаб билан уни қаёққадир олиб боришмоқда, бошқа асирлар қатори бу одам ҳам бизга керакли бўлган ўша одамнинг ўзгинасидир ва биз буларни тегишли жойга олиб боряпмиз деган комил ишонч аскарларнинг башараларига ёзилган, Пьер ўзини номаълум бўлса ҳам, лекин тўғри ишлаётган машинанинг гилдирагига илашиб қолган арзимас пайраҳадай сездди.

Пьерни бошқа жиноятчилар билан бирга Девичье поленинг ўнг томонига, монастыр яқинидаги жуда катта бир боғга жойлашган баҳайбат бир оқ бино олдига олиб келишди. Бу ховли князь Шчербатовнинг ховлиси бўлиб, илгари Пьер бу ховлига жуда кўп келган эди, ҳозир аскарларнинг гапларидан маршал, герцог Экмюльский шу ерда тўхтаганини билди.

Уларни зинапоя олдига олиб келишди ва битта-битта уйга киргизишди. Олтинчи қилиб Пьерни олиб киришди. Уни ўзи илгари кўрган ўша узун ойнаванд равоң, даҳлиз орқали шифти паст, узунчоқ кабинетга бошлаб боришди. Кабинетнинг эшиги олдида адъютант турган эди.

Даву уйнинг тўрида, кўзойнагини бурнига кўндириб, стол ёнида ўтирган эди. Пьер унинг яқинига борди. Даву олдида турган алланечук бир қоғозни кўздан кечираётган эди, шекилли, бошини кўтармади. Кўзини ҳамон хатдан узмай:

– Ким бўласиз? – деб секин Пьердан сўради.

Пьер сўзлашга мажболи етмай, жим турарди. Даву Пьер учун фақат француз генерали эмасди; Пьер Давуни раҳм-шафқатсизлиги билан машхур бўлган киши сифатида танирди. Пьер қаттиққўл муаллим каби маълум вақтгача сабр қилиш ва жавоб кутишга рози бўлган Давунинг хунук башарасига қараркан, кечиктирилган ҳар бир дақиқа унинг бошини ейиши мумкин эканлигини ҳис этди, лекин нима жавоб қайтаришни билмас эди. Биринчи сўроқ вақтида айтган гапларини бу ерда қайтаришга журъат этолмади; кимлигини ва насл-насабини очиб айтиш ҳам уятли, ҳам хавfli эди. Пьер индамай тураверди. Аммо Пьер бирон қарорга келгунча, Даву бошини кўтарди, кўзойнагини пепонасига сурди ва кўзларини кисиб, Пьерга синчиклаб қаради.

Даву Пьерни кўрkitмоқчи бўлди, шекилли, салмоқли товуш билан совуқкина қилиб:

– Мен бу одамни танийман, – деди.

Бошда Пьернинг аъзойи баданини жимирлатган совуқ энди буров сингари бошини исханжага олди.

– Мени билишингиз мумкин эмас, генерал. Мен сизни ҳеч қачон кўрганам йўқ...

– Бу рус жосуси, – деб Даву Пьернинг сўзини бўлди ва шу уйдаги генералга қаради, Пьер шу маҳалгача бу генерални пайкамаган эди. Даву юзини ўгирди. Пьер кутилмаган баланд товуш билан тўсатдан тез-тез гапира кетди.

– Йўқ, зоти олийлари, – деди Пьер бирдан Даву герцог эканлигини эслаб, – йўқ, зоти олийлари, мени сиз танимайсиз. Мен милиция офицери бўламан ва Москвадан чикканам йўқ.

– Отингиз нима? – деб яна сўради Даву.

– Безухов.

– Ёлгон гапирмаётганингизни ким менга исботлаб

беради?

– Зоти олийлари, – деб қичкирди Пьер ранжиган товуш билан эмас, илтижо оҳанги эшитилган товуш билан.

Даву бошини кўтарди ва Пьерга тикилиб қаради. Иккови бир неча сония бир-бирига қараб қолди ва мана шу қараш Пьернинг жонига ора кирди. Мана шу кўз қарашда, уруш ва суднинг барча шарт-шароитига хилоф равишда бу иккала тахс орасида инсоний муносабат юзага келди. Иккаласи ҳам шу лаҳзада ғира-пира бўлса ҳам, жуда кўп нарсаларни сезди ва иккаласи ҳам инсон боласи бир-бирига биродар эканини англади.

Одамларнинг итлари ва ҳаётлари рақамлар билан ифода этилган рўйхатдан ботини кўтарган Даву учун биринчи қарашда Пьер фақат бир сурат эди: Даву ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, виждон азобига учрамасдан уни отиб татлар эди, бироқ энди қаршисида турган бу сурат одам эканини англади ва бир лаҳзагина ўйга ботди.

– Гапингиз ёлғон эмаслигини қандай исбот қиласиз? – деди Даву совуққина қилиб.

Пьер Рамбални эслади, унинг полки, фамилияси ва тўхтаган уйи қайси кўчада эканини айтиб берди.

– Сиз у одам эмассиз, – деди яна Даву. Пьер титроқ товуш билан тугилиб-тутилиб айтган гаплари тўғри эканлигига исботлар келтира бошлади.

Бироқ шу он адъютант кириб қолди ва алланима ҳақида Давуга маълумот берди.

Адъютант келтирган хабарни эшитиб Давунинг чиройи очилиб кетди ва тугмаларини сола бошлади. Даву Пьерни бутунлай унутганга ўхшарди.

Адъютант унга асирни эслатганда у қовоғини солиб, Пьерга томон бош ирғатди ва уни олиб кетишини буюрди. Лекин қайқа олиб кетишларини Пьер билолмади: аввал ётган ерига – аравахонагами ё Девичье поледан ўтаётганларида ҳамроҳлари кўрсатган махсус ерга қатл этиладиган ергами, билмас эди.

Пьер бурилиб қаради ва адъютант ниманидир қайта сўраётганини кўрди.

– Ҳа, албатта! – деди Даву, лекин у нимага «ҳа» деганини Пьер англамади.

Пьер қанча йўл босганини ҳам, қаёққа кетаётганини ҳам билолмади. У эс-ҳушини тамоман йўқотиб, қарахт ҳолда, атрофидаги нарсаларни кўрмасдан, бошқалар билан бирга зўрға оёғини судраб борарди, ҳамроҳлари тўхтаганда у ҳам тўхтади.

Бутун шу муддат давомида Пьернинг калласи фақат бир фикр билан: мени ким ўлим жазосига маҳкум этди экан, деган фикр билан банд эди. Уни ўлимга маҳкум этган кишилар комиссияда¹ сўроқ қилган кишилар ҳам эмасдек, уларнинг биронтаси буни хоҳлаган эмас, афтидан. Бу нарса уларнинг қўлидан келмас ҳам эди. Бу гап Давудан ҳам чиккани йўқ, у Пьерга тупша-тузук одамдек қараган эди. Яна бир лахзадан сўнг Даву номаъқул иш қилаётганини билган бўлур эди, лекин бунга адъютантнинг кириши халал берди. Адъютантнинг бирон ёмон нияти бор эди деб бўлмайти, у кирмаслиги ҳам мумкин эди. Ахир уни – Пьерни жазо-ламокчи, ўлдирмокчи, бутун хотиралари, истақлари, умид-орзулари, ўй-хаёллари билан бирга уни ҳаётдан маҳрум этмокчи бўлган ким ўзи ахир? Ким шундай қиляпти? Пьер бунда ҳеч ким айбдор эмаслигини сездди.

Буни тартиб-вазият тақозо қилмокда эди. Аллақанақа бир тартиб уни – Пьерни ўлдирмокчи, ҳаётдан, ҳамма нарсадан маҳрум ва нест-нобуд этмокчи эди.

XI

Асирларни князь Шчербатовнинг ҳовлисида олиб чиқиб, Девичье монастирнинг сўдроғидан, Девичье поле

¹ Комиссия (лотинча: commissio – топшириш; топширик, юмуш) – 1) бирор аниқ вазифани бажариш ёки алоҳида махсус чора-тадбирлар ўтказиш учун ташкил этилган орган; 2) шундай ишларга ваколати бўлган шахслар гуруҳи (бу ерда шу маънода); 3) бир томон (комиссионер)нинг бошқа томон (комитент) топшириғига кўра маълум ҳақ эвазига учинчи шахс билан ўз номидан, лекин комитент ҳисобидан унинг манфаати йўлида тузган шартномаси; 4) шундай битим тузганлик учун туланадиган ҳақ (тузилган битим суммасининг аввалдан белгиланган фоизи миқдорид).

бўйлаб тўғри пастга, устун ўрнатиб қўйилган пайкалга олиб боришди. Устуннинг нариги тарафида янгигина қазилган каттакон бир чуқур бўлиб, шу чуқур билан устунни ярим доира шаклида оломон ўраб турган эди. Оломоннинг озчилигини руслар, кўпчилигини Наполеоннинг санкиб юрган кўшинлари: турли-туман мундир кийган немислар, итальянлар ва французлар ташкил қилар эди. Устуннинг ўнг ва сўл томонида қизил погонли, кўк мундирли, оёқларига ботинка, бошларига кивер¹ кийган француз аскарлар саф тортиб турган эди.

Жиноятчиларни рўйхатга мувофик қатор килиб (Пьер олтинчи бўлиб турди) устун тагига олиб келишди. Икки томондан бирданига бир неча ноғора чалина бошлади ва Пьернинг назарида шу товуш билан жонининг бир парчаси узилиб тушгандай бўлди. Пьер ўйлаш ва англаш қобилиятини йўқотди. У фақат кўрар ва эшига оларди, холос. Ҳозир унинг бирдан бир истаги, содир бўлиши муқаррар бўлган ўша мудҳиш ишнинг тезроқ содир бўлиши эди. Пьер ўз шерикларига қаради, уларни бошдан оёқ кўздан кечира бошлади.

Чеккада турган икки маҳбуснинг сочи маҳбусчасига қирилган. Булардан бири новча, озгин, иккинчиси ҳамма ёғини жун босган, мускуллари бўртиб чиққан ва бурни пачоқ киши. Учинчиси қирқ бешларга кирган, сочи оқара бошлаган, ўзи семиз ва бўй-бастлигина қарол. Тўртинчиси кўзлари копқора, малла соқоли қалин, ўзи жуда келишгангина деҳқон. Бешинчиси халат кийган, ранги захил, ўзи озгин, ўн саккизлар чамасидаги фабрика ишчиси эди.

Француз аскарларининг битталаб отамизми, иккиталаб отамизми, деб маслаҳатлашаётгани Пьернинг кулоғига кирди. Катта офицер пинагини бузмай, совуққонлик билан «иккитадан» деб жавоб берди. Саф тортиб турган аскарларнинг сафи қимираб қолди. Ҳамманинг ошиқаётгани билиниб турарди, лекин буларнинг шопилиши ҳамма тушунадиган ишни бажаргани ошиқаётган одамларнинг ишига

¹ Кивер – каттик чармдан тикишган ҳарбийча бош кийим.

эмас, балки зарурий, лекин тагига етиб бўлмайдиган хунук бир ишни бажаришга ошиқаётган одамларнинг шошилишига ўхшайди.

Шарф бойлаган амалдор француз қатор бўлиб турган жиноятчиларнинг ўнг томонига ўтдида, француз ва рус тийпаридида ҳукми ўқиб берди.

Шундан кейин икки жуфт француз аскарари жиноятчиларнинг олдида келди ва офицернинг кўрсатишига мувофиқ сочи маҳбусчасига қирилган четдаги икки кишини олиб чиқди. Маҳбуслар устун тагига бориб тўхташди ва қоп олиб келгунларича овчининг домига тушган жонивор яқинлашиб келаётган овчига термилиб караганидек, атрофга жимгина термилиб қараб туришди. Бири ҳадеб чўқинар, бошқаси орқасини қашларкан, худди илжаяётгандай, лабларини тириштиради. Аскарлар шоша-пиша, уларнинг кўзини боғлаб, бошларига қоп кийгиздилар ва устунга боғладилар.

Милтиқ кўтарган ўн икки ўқчи аскар бараварига илдам қадам ташлаб, сафлар орасидан чиқди-да, устундан саккиз қадам берида тўхтади. Пьер содир бўлиши керак бўлган воқеани кўрмаслик учун юзини ўтириб турди. Бирдан қарсиллаган овоз эшитилди, бу садо Пьернинг кулоғига энг даҳшатли момақалдирокдан ҳам қаттиқроқ эшитилди ва у ўтирилиб қаради. Ҳамма ёқ тутун, ранглари мурдадай оқарган ва кўлари қалтираётган французлар чуқурнинг тепасида алланима билан овора эди. Яна иккита гунохкорни устун тагига олиб боришди. Бу иккала киши ҳам ҳалигилар сингари ёлғиз кўзлари билангина мадад сўраб, жимгина атрофга жавдираб қарар, содир бўладиган воқеага тушунмаётганга ва ишонмаётганга ўхшар эди. Уларнинг ишониши ҳам мумкин эмасли, чунки ҳаёт ўзлари учун нақадар ширин эканлигини фақат ўзлари билишар, шунинг учун шундай ширин ҳаётдан биров уларни маҳрум эта олиши на хаёлларига келар ва на ақлларига сиғар эди.

Пьер кўзим кўрмасин деб, яна юзини ўтирди, бироқ яна мудҳиш портлашга ўхшаган садо унинг кулоғини қоматга келтирди ва шу садо билан бирга у тутунни, кимнингдир қонини ва яна чуқур лабида қалтироқ кўллари билан бир-

бирларини туртиб бир нима қилаётган французларнинг оқарган ва кўрққан афт-башараларини кўрди. Пьер оғир нафас олиб, худди «ўзи нима гап?» – деб сўраётгандай атрофга назар ташлади. Пьернинг кўзи тушган барча одамларнинг кўзида ҳам айнан шу савол бор эди.

Русларнинг юзида ҳам, француз аскарларининг юзида ҳам, истисносиз ҳамманинг юзида ҳам Пьер ўз қалбидаги кўркүв, даҳшат ва кураш ифодасини кўрди. Пьернинг кўнглидан: «Ахир ким шундай қиялпти? Бу одамларнинг ҳаммаси ҳам менга ўхшаб изтироб чекапти-ку! Бу ишларни қилаётган ким? Ким ахир?» – деган савол лип этиб ўтди.

– 86-полк ўқчилари, олга! – деб кимдир қичқирди. Пьернинг ёнида турган бешинчи жиноятчининг ёлғиз ўзини олиб кетишди. Пьер ўзининг қутулиб қолганини ҳам, ўзи ва бошқалар фақат қатл вақтида ҳозир бўлиш учун олиб келинганини ҳам тушунмади. У суюниш, хотиржам бўлиш ўрнига, содир бўлаётган воқеадан борган сайин кўпроқ даҳшатга тушиб, уни кузатиб турди. Бешинчи халат кийган фабрика ишчиси эди. Аскарлар қўл теггизиши биланоқ фабрика ишчисининг юраги ёрилиб, бир сакраб тушди ва Пьерга маҳкам ёпишди (Пьер сесканиб кетди ва дарров ўзини ундан халос этди). Фабрика ишчисининг юришга мажоли қолмади. Икки аскар уни қўлтиғидан олиб судраб кетди, у эса алланималар деб қичқирди. Устун тагига олиб боргандан сўнг, бирдан жим бўлди. Гўё у тўсатдан бир нарсага тушунгандек эди. Ё қичқиришнинг фойдаси йўқлигига тушунди, ё бу одамлар уни ўлдириши мумкинлигига ақли ишонмади, ҳар холда устун тагига борди ва кўзини боғлашларини бошқалар билан бирга кутиб, худди тузокка илинган жонивордай атрофга жаланглаб қараб тураверди.

Бу гап Пьер юзини ўгириш ва кўзини юмиб туришга ожизлик қилди. Шу бешинчи кишини қатл қилаётган вақтда унинг ҳам, барча тўпланган кишиларнинг ҳам қизиқсиниш ва ҳаяжони ниҳоят даражада кучайди. Бу бешинчи одам ҳам бошқалар сингари осуда кўринади: у халатини ўраб олишга уринар ва бир яланғоч оёғи билан иккинчи оёғини қашлар эди.

Кўзини боғлаётганларида у гарданини оғритган тутунни ўзи тўғрилаб қўйди; кейин қонга беланиб кетган устунга суяб қўйганларида орқага қийшайиб кетди ва шу ҳолатда туриш ўнғайсиз бўлди, шекилли, ўзини ўнглаб олиб, оёқларини барабар қўйди-да, осудагина устунга суянди. Пьер ундан кўзини узмай, ҳамма ҳаракатларини кузатиб турди.

Буйруқ берилган ва буйруқдан сўнг саккиз милтиқдан баравар ўқ қарсиллаб чиққан бўлса керак. Лекин Пьер кейинчалик қанча уринмасин, милтиқ товушини эшитганини эслай олмади. У факат фабрика ишчиси тўсатдан арқонга осилиб қолганини, унинг икки жойидан қон чиққанини, арқон осилиб турган жасаднинг оғирлигидан ечилиб кетганини ва фабрика ишчиси бошини ғайритабиий бир йўсида эгиб, оёқларини букиб, ерга ўтириб қолганини кўрди. Пьер югуриб устун тагига борди. Ҳеч ким унинг йўлини тўсмади. Ранглари оқариб, ўтакалари ёрилган кишилар фабрика ишчиси атрофида бир нима қилмоқда эдилар. Арқонни ечаётганда мўйловли бир кекса французнинг ияги титради. Жасад ерга тушди. Аскарлар ўнғайсизлик билан шошиб-пишиб жасадни устуннинг нариги тарафига судраб обориб чуқурга ташлаб юборишди.

Буларнинг ҳаммаси, афтидан, ўзлари жиноятчи эканликларини сўзсиз билишар ва шунинг учун ҳам жиноятларининг изини йўқотишга шошилишарди.

Пьер чуқурга қаради: фабрика ишчисининг юқорига кўтарилган тиззалари бошига тегай-тегай деб турибди, бир елкаси иккинчисидан баландроқ. Шу баланд кўтарилган елкаси дир-дир титраб, бир маромда кўтарилиб турибди. Бироқ курак билан сурилаётган тупроқ унинг гавдасини кўма бошлади, аскарлардан бири, жойингга бориб тур, деб ғазаб билан Пьерга ўшқирди. Аммо Пьер унинг сўзини укмади ва устун тагида тураверди, ҳеч ким бу ердан кет деб айтмади.

Чуқур тўлгандан сўнг буйруқ товуши эшитилди, Пьерни илгари турган жойига обориб қўйишди. Устуннинг иккала томонида саф тортиб турган француз аскарлари бурилиб, бараварига қадам ташлаб устун ёнидан ўтиб ке-

тишди. Доиранинг ўртасида турган, милтиқларида ўқ қолмаган йигирма тўрт ўқчи аскар роталар ёнларидан ўтиб кетаётган вақтда югуриб бориб, ўз ўринларини ишғол қилишди.

Доирадан жуфт-жуфт бўлиб югуриб чиқаётган бу ўқчи аскарларга энди Пьер анграйиб қараб қолди. Фақат биттасини истисно қилганда, аскарларнинг ҳаммаси ротага қўшилди. Кивери гарданига сурилиб кетган, ранги мурдадай оқарган ёш аскар, милтиғини ерга тираб, ҳамон чуқурнинг қаршисида, ўқ узган ерида турар эди. Бу аскар йиқилай-йиқилай деб турган гавдасини тик тутиб туриш учун маст кишига ўхшаб гандираганича бир неча қадам олға, кейин орқага босди. Кекса аскар, унтер-офицер югуриб сафдан чиқди-да, ёш аскарнинг елкасидан ушлаб, рота сафига олиб кирди. Руслар ва французлардан иборат оломон тарқала бошлади. Ҳамманинг боши қуйи солинган, дами ичига тушган эди.

— Бу нарса ўт қўядиганларга сабоқ бўлади., — деди французлардан бири. Пьер гапирган кишига қайрилиб қаради: бу одам, қилинган ишни оқлаб ўзига тасалли бермоқчи бўлган, лекин тасалли тополмаган бир аскар эди. Аскар бошлаган гапи оғзида қолиб, қўл силтади-ю, нари кетди.

XII

Одамлар отилгандан сўнг Пьерни бошқа судланувчилардан ажратишди-да, якка ўзини ҳамма ёғи остин-устин бўлиб кетган ифлос кичкина бир черковга қамаб қўйишди.

Кечки пайт соқчи унтер-офицер икки аскар билан бирга ибодатхонага келиб, Пьер афв этилганини ва ҳозир ҳарбий асирлар ётган бостирмага қўчирилишини айтди. Пьер буларнинг нима дея отганига тунунмасди, ўрнидан турди-да улар билан бирга кетаверди. Уни Девичье поленинг юқорисиди, куйган тахта ва харилардан қурилган бостирмалар олдига олиб келиб, биттасига киргизиб юборишди. Қоронғида йигирматача одам Пьерни ўраб олди. Пьер булар кимлар эканини ҳам, нима учун бу ерда эканликларини ҳам, муддаолари нима эканини ҳам билмасди. Бу одамлар бир

нима деяётганини эшитса ҳам, лекин уларнинг гапидан бирон хулоса ва маъно чиқара олмас, чунки нима деяётганларини укмас эди. У берилаётган саволларга жавоб қайтарар, лекин бу жавобларни ким эшитяпти, улар қандай тушуняпти, буни идрок қилолмас эди. Пьер одамларнинг афт-башараларига қарар, назарида буларнинг афт-башаралари бемаънига ўхшаб кўринарди.

Одамлар ўзлари истамаган ҳолда қилган мудҳиш хунрезликларини кўрган дақиқадан бери Пьернинг кўксидан ҳамма нарсани тутиб турган ва жонли қилиб кўрсатган пружина гўё тўсатдан суғурилиб олинди-ю, шу билан ҳамма нарса супуринди уюмига айланди-қолди. Бу тўғрида гарчи ақлини бир жойга қўйиб, ўйлаб кўрмаган бўлса ҳам, лекин дунёнинг мукамаллигига, инсониятга, ўз қалбига ва худога бўлган ишончи чип-пакка чиқди. Бу нарсани Пьер илгарилари ҳам сезган, лекин ҳеч қачон ҳозирги сингари кучли ҳис этмаган эди. Агар илгарилари Пьер шу қабилдаги гумонларга борса, бунинг манбаи унинг ўз гуноҳлари эди. Ўшанда Пьер бундай умидсизлик ва шубҳалардан қутулиш ўз қўлида эканлигини сезарди. Аммо ҳозир олам кўз олдида хароб бўлиб, ундан фақат кераксиз вайроналар қолаётганига унинг гуноҳи сабаб эмаслигини биларди. Пьер ҳаётга янгидан ишонмоқ унинг ихтиёрида эмаслигини сезарди.

Қоронғида унинг атрофини одамлар ўраб олишди: улар негадир Пьерга жуда кизиксиниб қараётганга ўхшарди. Улар Пьерга алланималарни гапириб беришди, нималарнидир ундан сўрашди, кейин уни каёққадир олиб кетишди; Пьер бир маҳал қараса, бостирманинг бир бурчагига келиб қолибди, бу ер ғала-говур, одамлар ҳар томондан бир-бирига сўз отмоқда, хахолаб кулмоқда.

Бостирманинг нариги бурчагидан кимдир:

– Ҳой биродарлар... ҳалиги шахзода мана шу (мана шу деган сўзга ургу бериб)... – деди.

Пьер девор тагидаги поход устида «миқ» этмай, қимирламай, гоҳ кўзини очиб, гоҳ юмиб ўтирарди. Аммо кўзини юмиши биланок, унинг кўз олдида ўзининг тўпорилиги билан айникса мудҳиш бўлган фабрика ишчисининг юзи,

жонсарақ бўлиб қолганликлари билан тағин ваҳималироқ кўринган, ўз эрки ўзида бўлмаган қотилларнинг афт-башараси пайдо бўлар эди. Пьер яна кўзини очар ва қоронғида теваарак-атрофга маъносиз назарла-жаланглаб қарарди.

Пьернинг ёнида кичкина бир киши букчайиб ўтирар эди, бу одам шу ерда ўтирганини бошда Пьер унинг ҳар бир кимирлаганида бурқсиб чиқиб турган сассиқ тер ҳидидан билган эди. Қоронғида бу одам ўз оёқлари билан овора бўлиб турарди, Пьер унинг юзини кўрмаётган бўлса ҳам, лекин бу одамнинг ўзига ҳадеб қараётганини сездди. Кўзлари қоронғига ўргангандан сўнг Пьер бу одам оёқ кийимини ечаётганини англади ва қандай ечаётганига қизиқсиниб қолди.

У бир оёғидаги чилвирни дарров ечиб олиб яхшилаб ўради ва Пьерга қараб-қараб, иккинчи оёғини еча бошлади. Бир кўли чилвирни миҳга илиб бўлганча, бошқа кўли иккинчи оёғидаги чилвирни еча бошлади. Шундай қилиб бу одам, кўли кўлига тегмай, эпчил ва чакқон ҳаракатлар билан оёқ кийимини бирин-кетин ечди-да, уларнинг тепасига қоқилган қозикқа илиб қўйди, кейин паккисини олиб, бир нимани кесди ва уни ёпиб ёстиғи остига қўйди-ю, ўрнашиброқ ўтирганидан сўнг тиззаларини кучоклаб, Пьерга қараб қолди. Унинг чакқон ҳаракатлари, ўзига тегишли нарсаларини саранжом қилиб бир бурчакка йиғиб қўйиши, ҳатто ҳиди Пьерга хуш ёқди, кўнглига таскин берди ва Пьер ундан кўз узмай қараб қолди.

Бўй-басти кичкинагина киши тўсатдан Пьерга қараб:

– Ҳой, тўрам, йўқчилик нималигини сиз ҳам кўрган-мисиз, а? – деб сўради. Бу одамнинг оҳангдор товуши шу қадар юмшоқ ва мулоим эдики, Пьернинг кўзларига ёш келиб, ияги қалтиради-ю, жавоб қайтаролмади. Кичкина киши Пьер хижолат тортганини билдириб қўйишга улгурмасдан ўша ёқимли товуш билан давом этди.

– Э, лочиним, қайғурма, – деди у кекса рус хотинларига хос бир ёқимли навозишкор товуш билан. – Қайғурма жонгинам: бир соат жафо чексанг, юз йил умр кўрасан! Гап шу, бўтам! Бу ерда, худога шукур, ҳеч ким бизни хўрлаёт-

гани йўқ. Булар ҳам бизга ўхшаган одам – орасида ёмони ҳам бор, яхшиси ҳам бор, – деб қўйди ва гапира туриб тиззаларини букиб дик этиб ўрнидан турди-да, йўтала-йўтала қаёққадир кетди.

Бостирманинг нариги бурчагидан Пьер тагин ўша ёқимли, навозишкор товушни эшитди:

– Ҳа, муғомбир, тагин келибсан-ку! Вой курғур-э, эсдан чиқармабди, келибди! Ҳа, бўлди, бўлди, бас. – Ҳалиги аскар сакраб-сакраб ёпишаётган кучукчани итариб ташлаб, ўз ўрнига келиб ўтирди. Унинг қўлида латтага ўроғли бир нарса бор эди.

– Мана, енг, тўрам, – деди у латтани ёзиб кўрда пиширилган уч-тўртта картошкани Пьерга узатаркан, тагин илгаригидай эҳтиром билан. – Тўнда атала беришган эди. Лекин картошкадан яхшиси йўқ.

Пьер кунни бўйи туз татимаган эди, шунинг учун картошканинг ҳидига кўнгли сует кетди. У аскарга ташаккур баён этиб, картошкани ея бошлади.

– Картошкани шунақа ермишми? – деб аскар жиммайиб қўйди ва битта картошкани қўлига олди, – Мана бунақа қилиб енг. – У яна пичоқчасини олди, картошкани кафтига қўйиб, ўртасидан бўлдида, латтадаги туздан селиб, Пьерга тутди.

– Картошкадан яхшиси йўқ, – деди яна. – Мана бунақа қилиб егин.

Пьер бунақа лаззатли таомни умрида энди кўраётгандай маза қилиб еди.

– Йўқ, мен ҳаммасига чидашим мумкин, – деди Пьер. – Лекин, бу шўрликларни нима учун отиб ташлашдйкин!.. Сўнггиси ё йиғирмага кирган ё кирмаган эди.

– Тс, тс... – деди кичкина аскар. – Гуноҳ-э, гуноҳ... – деди у шошиб, унинг сўзлари оғзида ҳамиша тайёр тургандек бирин-кетин отилиб чиқаётгандек эди. У гапида давом этди. – Шунақа қилиб, тўрам, сиз Москвада қолавердингизми?

– Французлар шунчалик тез бостириб келишар деб ўйламаган эдим. Қолиб кетганимни ўзим ҳам билмабман, –

деди Пьер.

– Буларнинг кўлига қандай тушиб қолдинг, лочиним? Уйингдан олиб кетдиларми?

– Йўқ, мен ёнгинчи кўргани борган эдим, ўша ердан мени ушлаб олишди-ю, сен ўт қўйгансан, деб суд қилишди.

– Суд бор жойда ҳақиқат бўлмайди, – деб қўйди кичкина аскар.

– Кўндан бери шу ерда ётибсанми? – деб сўради. Пьер сўнги картошкани чайнади.

– Менми? Ўтган якшанба мени Москвадаги ҳарбий касалхонадан олиб келишди.

– Сен кимсан ўзинг, аскармисан?

– Апшерон полкининг аскарларидан бўламан. Безгак тутиб, ўладиган бўлиб ётган эдим. Ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ. Бизникилардан йигирматачаси ётган эди. Тушимизга киргани йўқ эди.

– Бу ерда роса диққатинг ошгандир, а? – деб сўради Пьер.

– Диққатинг ошмай бўларканми, лочиним. Менинг отим Платон; Каратаевлар авлодидан, – деб қўйди Пьернинг нима деб мурожаат қилишни билмай қийналаётганини фахмлаб. – Ҳарбий хизматда менга Лочин деб лақаб қўйишувди. Диққатинг ошмай бўларканми, лочиним! Москва барча шаҳарларнинг онаси бўлса! Бу аҳволни кўриб туриб қандоқ диққатинг ошмайди. Қурт қарамни қанчалик кемирмасин, барибир, ўзи олдинроқ ўлади: боболаримиз шундоқ дейишарди, – деб қўшиб қўйди аскар шошиб-пишиб.

– Нима, нима дединг? – деб сўради Пьер.

– Менми? – деди Каратаев. – Бу ишлар бизнинг ақл-идроқимиз билан эмас, худонинг ҳукми, хоҳиши билан бўлади, дейман, – деди аскар илгариги гапини қайтарган бўлиб. Ўша заҳоти тагин гапида давом этди. – Тўрам, сизнинг ер-мулкингиз ҳам бўлса керак? Ҳовли-жой ҳам бордир? Ҳеч нарсадан камчилигим йўқ эди денг ҳали! Уй бекаси ҳам бордир? Чол-камшир, ота-она барҳаётми? – деб сўради. Пьер гарчи қоронгида бу одамнинг афтини кўрмаётган бўлса ҳам, лекин шу саволни берган вақтида лаблари

жййрилиб, мулойимгина жилмайиб кўйганини сизди. Пьернинг ота-онаси йўқлигига, айниқса, онасиз эканлигига бу одам, афтидан, жуда ачинди.

– Хотин маслаҳат сўрашга, қайнана салом беришга ярайди, аммо ҳамма дардингга дармон бўладиган фақат она! – деди у. – Бола-чақадан борми, ахир? – деб яна сўради аскар. Пьернинг салбий жавобидан бу одам яна хафа бўлди, шекилли, шошиб-пишиб кўшиб кўйди. – Ҳали ёшсиз, худо берса тагин бўлади, фақат тотув яшамок даркор...

– Энди барибир, – деди Пьер беихтиёр.

– Эҳ, айланай жонгинам, – деб эътироз билдирди Платон. – Одам қисматида борини кўраркан. – У узундан узун бир хикояни айтиб бермоқчи эди, шекилли, томоғини қириб, ўрнашиброқ ўтириб олди. – Шунақа қилиб, бўтам, мен ўз уйимда яшаб юрган эдим, – гап бошлади у. – Бизнинг вотчинамиз жуда катта, ери ҳам кўп, деҳқонлари тўқ, бизнинг хонадон ҳам, худога шукур, ёмон яшамас эди. Отамнинг ўзи гапла ўримига чиқарди. Турмушимиз яхши эди. Ҳақиқий насроний эдик. Бир фалокат бўлди-ю... – Платон Каратаев бировнинг ўрмонига ёғоч ўғирлагани бориб, қоровулнинг кўлига тушиб қолганини, калтаклаб кейин суд қилиб, аскарликка юборишганини бир бошдан гапириб берди. – Дунёнинг иши шунақа экан, лочиним, – деди Платон табассумдан ўзгарган товуш билан. – Хафагарчилик хурсандликка айланди. Мен шу гуноҳни қилмасам, укам аскарликка борар эди, унга осон эмас, бешта боласи бор, менинг этагимдан ушлайдиган ҳеч кимим йўқ, битта хотиним, холос, битта-ю битта кизим бор эди, аскарликка кетишимдан олдин уни ҳам худо кўп кўрди. Яқинда, мен сенга айтсам, уч-тўрт кунга уйга бориб келдим. Бундай ўйлаб қарасам, аввалгидан дурустроқ яшаяптилар. Қўрамиз мол-ҳолга тўла, хотин-халаж ҳаммаси уйда, икки укам пул ишлаб келгани кетишибди. Энг кичкина укам Михайлогина уйда экан. Отам бундай деди: «Менга болаларимнинг ҳаммаси барабар: қайси бармоғингни тишлама, оғрийди. Агар ўшанда Платонни аскарликка юборипмаса, Михайло кетган бўлар эди.

– Ҳаммамизни чақириб, ишонасанми, икона рўпарасига турғизиб қўйди. – Михайло, – деди. – Кел, акагнинг оёғига йиқил, келин, сен ҳам кел, ҳой неваралар, сенлар ҳам келинлар. Платон амакиларингнинг оёғига йиқилинглар. Тушундиларингми? – дейди. – Ана шундай гаплар, айланай. Тақдирга тадбир йўқ экан. Биз эсақ униси чаток бўлди, буниси яхши бўлмади, – деб қайғуриб ўтирамин. Бизнинг бахтимиз бамисоли ғалвирдаги сув, ботирсанг тўлади, кўтарсанг ҳеч нарса қолмайди, шундай. – Шуни деб бошқа жойга бориб ўтирди.

Бир оз жим тургандан кейин Платон яна ўрнидан турди.

– Қани, нима қилдик, уйқунг келмадимми? – деб сўради ва гапириб туриб, тез-тез чўкина бошлади.

– Ё Исоий Масих, ё Пирим Никола, Фрола ва Лавра, ё Исоий Масих, ё Пирим Никола!.. Фрола ва Лавра, ё Исоий Масих гуноҳимизни ўзинг кечир. Ўзинг шафоат қил! – деб дуони тугатгач, сажда қилди, кейин ўрнидан туриб хўрсиниб қўйди ва похол устига – ўз жойига ўтирди. – Ана шунақа гаплар. – Ётдим тошдай, турғизгил қушдай, – деб устига шинелини ёпди-ю ўрнига чўзилди.

– Ўқиган дуойинг қанақа дуо? – деб сўради Пьер.

– Нима? – деди Платон (унинг кўзи аллақачон илинган эди). – Қанақа дуо ўқидинг дейсанми? Худога ёлвордим. Сен дуо ўқимайсанми?

– Йўқ, мен ҳам дуо ўқийман, – деди Пьер. – Аммо сен Фрола ва Лавраларни тилга олдинг, шекилли?

– Бўлмасачи, – деди дарров Платон. – Булар от байрами. Чорванинг ҳақиқа ҳам дуо қилиш керак, – деди Каратаев. – Оббо муғомбир-э, кулча бўлиб ётибди. Исиниб қолибди, итвачча, – деди оёғи учига бориб ётган кучукчани пайпаслаб, кейин юзини ўгириб, тагин уйқуга кетди.

– Ташқаридан, узоқдан йиғи ва ҳайқирик садолари эшитилар, бостирманинг тирқишидан ёниб турган оловнинг алангаси кўринарди, лекин бостирманинг ичи жимжит ва қоронғи эди. Пьер анчагача ухломмади ва ёнида ётган Платоннинг бир маромда нафас олишига кўлок солиб, кўзи очик ҳолда қоронғида, ўз ўрнида ётди ва илгари харобага

айланиб кетган дунё ҳозир қалбида янги бир хусн-латофат билан аллақандай мустаҳкам негизда намоён бўлаётгандай туюлди.

ХШ

Пьер тўрт ҳафта камалиб ётган бостирмада йигирма учта асир аскар, учта офицер ва иккига амалдор бор эди.

Кейинчалик буларнинг ҳаммаси Пьернинг эсида ғира-шира, лекин Платон Каратаев руслардаги барча яхши хислатларни ўзида мужассамлаштирган шахс сифатида унинг қалбида энг кучли ва энг азиз абадий хотира бўлиб қолди. Пьер эртасига эрталаб ўз ҳамсоясини кўрганида унинг ҳақидаги биринчи таассуроти – бу одам кўзига дум-думалоқ бўлиб кўрингани тўғри чиқди: французча шинели устидан чилвир боғлаб, бошига фуражка, оёғига чипта кавуш кийиб олган Платоннинг бутун жуссаси думалоқ; унинг калласи ҳам дум-думалоқ, орқаси, кўкраги, елкалари, ҳатто ҳамшиша бировни қучишга тайёр бўлиб тургандай кўринган кўллари ҳам думалоқ; ёқимли жилмайиши, катта-катта қўй кўзлари ҳам юм-юмалоқ эди.

Платон Каратаев бир вақтлар аскар бўлиб қатнашган юришлари ҳақида ҳикоясига қараганда, элликдан ошган бўлиши керак эди. Қачон туғилганини ва нечага кирганини унинг ўзи билмас эди, аммо кулганида (у тез-тез куларди) ярим доира бўлиб кўринадиган икки қатор тиши садафдай оппоқ, мустаҳкам ва ҳаммаси бутун эди, соқол ва сочига ҳам оқ ораламаган, унинг бутун гавдасидан эпчиллиги, айниқса бақувватлиги ва чидамли экани кўриниб турар эди.

– Унинг юзи майда ажин босган бўлса ҳам, маъсум ва сўлим, товуши ёқимли ва оҳангдор эди. Нутқининг энг муҳим хусусияти самимийлик ва чечанлик эди. У нима деганлиги ва нима дейиши ҳақида, афтидан, ҳеч қачон бош қотириб ўтирмас эди, шунинг учун гапирётган маҳалда товушининг тез ўзгариб туришида кишини қаттиқ ишонтирувчи оҳанг бор эди.

Жисмоний жиҳатдан бу одам шу қадар кучли, шу қадар

чаққон эдики, асирликка тушган дастлабки кунларда чарчаш ва хасталик нима эканини билмас эди. Ҳар куни кечкурун «Ётдим тошдай, турғизгил, кушдай!» деб ўрнига ётар, эрталаб ўридан тураркан, ҳамиша бир хилда елкасини қисиб: «Ётдим кулчадай, турдим «парпатдай» дер эди. Ҳақиқатан ҳам бошини қўйиши биланок тошдай қотиб қолар, уйғонди дегунча кушдай енгил турар, уйкудан туриши биланок ўйинчоғига ёпишган боладай, бирон дақиқа вақтини бекор кеткизмасдан, бирон иш билан машгул бўлар эди. Ҳар иш унинг қўлидан келар, жуда ўринлатиб бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, ўртача қилиб бажарар эди. У нон ёпар, овқат пиширар, тикар, йўнар, этик ямарди. У бирон дақиқа бекор ўтirmас, фақат кечаларигина ўзи яхши кўрадиган мавзуларда суҳбат қураар ва ашула айттарди. Ашулани ҳам одамлар тинглаётганини билиб, хониш қилаётган ашулачиларга ўхшаб эмас, балки сайроки қушлардек куйлар, чунки бу товушлар ҳам унга, афтидан, керишмоқ ёки оёғини ёзмокдек зарур эди; товуши ҳамиша ингичка, заиф хотинларники сингари деярли муңгли, унинг қиёфаси эса ашула айтаётган вақтида жудаям жиддий тусга кирар эди.

Асир тушиб, соқоли ўсиб кетганидан кейин у, афтидан, ўзи учун бегона бўлган сохта аскарча таомилларни ташлаб, беихтиёр деҳқон халқига хос бўлган илгариги одатларига қайтган эди.

– Хизматдан қайтган аскар бўздан қўйлак кияди, – дер эди у. Гарчи аскарликдан шикоят қилмаса ва бутун хизмат давомида бирон мартаба калтак еганим йўк, деб тез-тез мақтанса ҳам, лекин аскар бўлиб юргани ҳақида истаристамас гапирар эди. Гапирганда ҳам аксар ўзининг эски хотиралари, афтидан, ўзи учун энг қадрли бўлган ўз таъбири билан айтганда «насронийга хос» турмуши ҳақида гапирар эди. Унинг нутқини бойитган мақоллар аскарлар ишлатадиган ва аксарияти бемаза одобсиз бўлган мақоллар жумласидан эмас, балки алоҳида-алоҳида олганда маъносиз бўлиб кўринса ҳам, ўз ўрнида ишлатганда тўсатдан чуқур маъно касб этадиган ҳикматли халқ сўзлари эди.

У кўпинча илгари гапирган гапларига батамом қарама-

қарши бўлган сўзларни айтар, аммо униси ҳам, буниси ҳам ҳақ сўзлар эди. Бу одам гапни яхши кўрар, ўз нутқини навозишкор сўзлар, мақоллар билан безаб, чиройли қилиб айтар, Пьерга бу мақоллар худди унинг ўзи ўйлаб чиқаргандай туюларди; унинг гапларидаги энг асосий гўзаллик шундан иборат эдики, баъзан Пьернинг кўзи тушган, лекин аҳамият бермаган оддий нарсалар у сўзлаганда тантанали, чуқур маъно қасб этарди. Бир аскар ҳар кеча бир хил эртақларни айтиб берар, Каратаев уларга кулоқ солишни севар, лекин ҳозирги турмуш ҳақидаги ҳикоялар унга кўпроқ ёқарди. Бунақа эртақларни эшитганда у хурсанд бўлиб жилмаяр, ўзи сўз қистириб, саволлар берар, эшитган нарсаси қай даражада маъноли эканлигини аниқлаб олмоқчи бўлар эди. Каратаевда Пьер тушунадиган даражада бировга ўрганиб қолиш; биров билан дўст бўлиш, бировга меҳр кўйиш хислатлари йўқ эди; у одам танлаб юрмасдан ҳаёт ким билан учраштира, кўз ўнгида ким бўлса, ўша билан апоқ-чапоқ бўлиб кетар, унга ўрганиб кетаверарди. У ўзининг лайча итини яхши кўрар, ўртоқларини, французларни яхши кўрар, ёнида ётадиган – Пьерни яхши кўрар эди, лекин Каратаев Пьерга минг меҳрибончилик қилмасин (у Пьернинг маънавий ҳаётига беихтиёр қойил эди), ундан ажралиб қолгудай бўлса, парвойига келтирмаслигини Пьер сезиб турар эди. Пьерда ҳам Каратаевга нисбатан шундай туйғу пайдо бўла бошлади.

Платон Каратаев бошқа ҳамма асирлар учун оддий бир аскар эди; уни лочин ё Платоша деб аташар, оқкўнгиллик билан уни эрмак қилишар, асирларга келган посилкаларни олиб келгани юборишарди. Аммо Пьер учун у биринчи кечада мураккаб, яхлит, содда ва ростгўйликнинг абадий тимсоли бўлиб кўринди, ҳам умрбод шундай бўлиб қолди.

Платон Каратаев ўз дуоларидан бошқа ҳеч нарсани ёддан билмас эди. У бир гапга тушиб кетса, сўзини нима билан тугатишни билмаётганга ўхшарди.

Пьер баъзан Платон айтган сўзларнинг маъносига тонг қолиб бу сўзларни яна бир қарра такрорлашини сўраса, Платон севимли кўшигини Пьерга оддий сўз билан айтиб

беролмагани сингари, бир дақиқа олдин айтган сўзларини эслай олмас эди. Унинг кўшиғида куйидаги сўзлар бор эди: «Родимая, березанька, и тошненько мне», ammo сўз билан айтганда бундан ҳеч маъно чиқмас эди. У нутқидаги айрим сўзларнинг маъносига тушунмас ва тушунолмас эди. Унинг ҳар бир сўзи ва ҳар бир ҳаракати ҳаётини ташкил қилган номаълум фаолиятнинг ташқи кўриниши эди. Лекин унинг ҳаёти (ўз нуқтаи назарича) айрим олинганда ҳеч қандай маънога эга эмас эди. Бу ҳаёт ўз атрофини ўраб олган ва у ҳамиша сезиб турган бир бутун ҳаётнинг кичкина бўлакчаси эди. Гулнинг хушбўй иси гулдан қандай таралиб турса, Платон Каратаевнинг сўзлари ва ишлари мана шу бир бутун ҳаётдан шундай табиий, зарурий тарзда, бир маромда куйилиб турар эди. У алоҳида олинган сўзнинг ҳам, ишнинг ҳам қиммат ва моҳиятига тушунмас эди.

XIV

Княжна Марья укаси Ростовлар билан бирга, Ярославда эканини Николайнинг мактубидан билиб, холасининг гапига кулоқ солмасдан, дарҳол йўлга чиқмоқчи, фақат ўзигина эмас, жиянини ҳам бирга олиб бормоқчи бўлди. Княжна Марья шу шароитда йўлга чиқиш осонми, қийинми, мумкинми, мумкин эмасми, бу ҳақда ўйлаб ўтиришни ҳам, суриштиришни ҳам истамади; унинг бурчи, балки, ўлим тўшагида ётган укасининг олдидан бўлишгина эмас, балки қайси йўл билан бўлмасин, унинг ўғилчасини олиб боришдан иборат эди ва у йўлга чиқди. Князь Андрейнинг ўзи хабар бермаган бўлса, княжна Марья буни ўзича шундай тушунди; ё князь Андрейнинг хат ёзишга мажболи етмаган ёки шунча йўл босиб келишни ҳам опаси, ҳам ўғли учун раво кўрмаган.

Княжна Марья бир неча кун йўлга ҳозирлик кўрди. Унинг экипажи отасидан қолган ва ўзи Воронежга тушиб келган тўрт ғилдиракли каттакон карета, бир деҳқон арава ва бир юк аравасидан иборат эди. Княжнага мамзель Бурьен, Николушка, унинг мураббийси, кекса момо, учта хизматкор

киз, бир ёш малай ва холаси кўшиб берган бир чопар ҳамроҳ бўлди.

Москвага одатдаги йўл билан бориш ҳақида ўйлаш ҳам мумкин эмас эди, шунга кўра Липецк, Рязань, Владимир, Шуя орқали айланиб боришса йўл жуда узок, ҳамма ерда почта отлари топиш қийин бўлар ва Рязань атрофида французлар юрганмиш деган овозаларга қараганда бу йўл хавфли эди.

Мана шу оғир сафар вақтида мамзель Бурьен ҳам, Десаль ҳам, княжна Марьянинг хизматқорлари ҳам княжнанинг хайрати ва матонатини кўриб хайратда қолишди. У ҳаммадан кейин ётиб, ҳаммадан олдин турар ва ҳеч қандай қийинчилик унга гов бўлдолмас эди. Княжнанинг ҳамроҳларини рағбатлантирган ғайрат ва фаолияти туфайли улар иккинчи ҳафтанинг охирларида Ярославга яқинлашиб қолишди.

Княжна Воронежда юрган сўнгги кунлари ўз умрида энг бахтли кунларни бошдан кечирди. Ростовга бўлган муҳаббатини энди уни изтиробга солмас, хаяжонлантирмас эди. Бу муҳаббат энди унинг бутун қалбини эгаллади, унинг жисму жонига айланди ва княжна бу муҳаббатга қаршилик кўрсатмай кўйди. Княжна Марья сўнгги кунларда, ғарчи бу ҳақда ўзига очиқ-ойдин айтмаса-да, Николайга ёқиб қолганига ва ўзи уни яхши кўриб қолганига ишонч ҳосил қилди. Бу нарсага у Николай билан сўнгги дафъа учрашганида, Николай княжна Марьяга акаси Ростовлар билан бирга эканлиги ҳақида хабар келтирганида ишонди. Николай ҳозир, князь Андрей тузалиб кетган тақдирда, Наташа билан унинг орасидаги илгариги муносабатлар қайта тикланиши ҳақида оғиз очмаган бўлса-да, княжна Марья унинг тапқи қиёфасидан бу нарсани билганини ва бу ҳақда ўйлаганини англадик. Шундай бўлса ҳам, Николайнинг княжнага бўлган андишали, заиф муҳаббати ўзгармади, балки княжна Марья билан орамизда пайдо бўлган қариндошлик муносабатини энди (княжна Марья баъзан ўйланганидек) дўстлик муҳаббатини эркинроқ ифодалашимга имкон беради, деб хатто суюнгандай кўринар эди. Княжна Марья ўз умрида биринчи ва

сўнгги марта севиб қолганини билар, ўзи Николайга ёқиб қолганини сезар ва шунинг учун бундан кўнгли тўқ ва бахтиёр эди. Бирок бу бир ёқлама рухий шодлик укасининг ғамини ейишга халал бериш у ёқда турсин, аксинча бир ёқлама осойишталиги укаси учун жон куйдиришга каттарок имкон берарди. Воронеждан чиққан маҳалда унинг ғами шу қадар кучли эдики, кузатгани чиққан кишилар княжнанинг изтироб ва қайғудан сўлган юзига қараб, йўлда касал бўлиб қолиши турган гап, деган ўйга боришган эди; йўқ, ҳар тугул йўл азоби, мана шу ташвиш-тахлика бирмунча вақт княжнани ғам-андуддан қутқарди ва унга куч бағишлади.

Одатда, ҳаминша сафар вақтида бўладиганидек, княжна Марья йўлга нима мақсадда чиққани ҳақида эмас, балки сафар ҳақидагина ўйларди. Бирок Ярославга яқинлашиб қолганда яна унинг кўз олдига бир неча кундан сўнг эмас, балки шу кечанинг ўзида кўрадиган мудҳиш нарса – укасининг ўлим тўшагида ётганлиги келди-ю, княжна Марьянинг ҳаяжони интиҳосига етди.

Ростовлар қаерда тўхтаганлиги ва князь Андрей қай аҳволда эканлигини билиб келиш учун Ярославга олдинроқ юборилган чопар шаҳар дарвозаси олдида каретага дуч келди-ю, унинг деразасидан калласини чиқариб турган княжна Марьянинг мурдага ўхшаган юзига кўзи тушгач, кўрқиб кетди.

– Ҳаммасини билиб келдим, бекам: Ростовлар майдонда, савдогар Бронниковнинг ҳовлисида турар эканлар. Жуда яқин, Волганинг шундокқина тепасида, – деди чопар.

Княжна Марья нима учун асосий саволга – укамнинг қай аҳволда эканлиги ҳақидаги саволга жавоб бермаяпти, деб унинг юзига савол назари-ла қўрқа-ғиса қараб турар эди. Княжна ўрнига бу саволни мамзель Бурьен берди.

– Князь қалай?

– Князь жаноблари ўшалар билан бир ҳовлида турибдилар.

«Демак, тирик экан», – деди ичида княжна Марья ва секин: «Ахволи нечук?» – деб сўради.

– Одамлар ҳамон илгаригидай дейишади.

Княжна «ҳамон илгаригидай» деган гапни қандай тушуниш кераклигини сўрамади, олдида ўтирган ва шаҳарга етиб келдик, деб суюнаётган етти ёшли Николушкага секин бир кўз ташлаб олди-ю, бошини қуйи солди ва оғир карета тарақлаб, силкиниб чайқалиб қаергадир келиб тўхтагандагина бошини кўтарди. Йиғма зиналар шарақлатиб туширилди.

Каретанинг эшигини очишди. Сўл томон сув – каттакон дарё, ўнг томон зинапоя; зинапоя устида эркак-аёл хизматкорлар ва қопқора йўғон сочини битта қилиб ўриб таплаган, икки бети кип-кизил бир қиз, княжна Марья назарида негадир сохта тарзда илжайиб тургандек эди (бу қиз Соня эди). Княжна у ёқ бу ёққа карамасдан тўғри зинадан югуриб чиқаверди, сохта табассум қилиб турган қиз: – Бу ёққа, бу ёққа! – деди ва княжна даҳлизга, юзи шарқ аёлларининг юзига ўхшаган кекса хотиннинг олдига кириб қолди. Юракбағри эзилиб кетгани юз ифодасидан билиниб турган бу аёл югуриб келиб княжнани қарши олди. Бу кекса аёл графиня эди. У княжнани кучоқлаб ўпа бошлади.

– Болагинам! Мен сизни севаман ва кўпдан бери биламан!, – деди графиня.

Княжна Марья ҳаяжонланган бўлса ҳам, бу аёл графиня эканлигини ва унга бир нима дейиш кераклигини тушунди. У нима деяётганини ўзи билмасдан, графиня сўзлаган оҳангда, назокат билан французчалаб алланима деди ва укасининг аҳволини сўради.

– Доктор ҳеч қанақа кўрқадиган жойи йўқ деб айтди, – деди графиня, лекин шу сўзларни айтаётганида у хўрсиниб кўзини осмонга тикди, унинг шу ҳаракатида ҳозир айтган сўзларга карама-қарши бир маъно бор эди.

– Укам қаерда? Кўрсам бўладими? – деб сўради княжна Марья.

– Ҳозир, княжна, ҳозир, жоним, Бу князнинг ўғилчасими? – деди графиня Десаль билан бирга кирган Николушкага қараб. – Ҳаммамиз сиғамиз, ҳовли жуда катта. О, мунча ширин бола!

Графиня княжнани меҳмонхонага олиб кирди, Соня

мамзель Бурьен билан гаплашиб турган эди. Графиня болани эркалади. Кекса граф хонага кириб, княжна билан сўрашди. Кекса граф княжна сўнгги дафъа кўрганидан бери жуда ўзгариб кетган эди. Ўшанда у тетик, хушчақчак, такаббур чол эди, энди эса аянч, яккаланиб қолган бир мўйсафид бўлиб қолибди. У княжна билан гаплашаркан, худди маъқул гапни гапиряпманми, деб сўраётгандай хадеб ҳаммага бирма-бир қараб кўярди. Москва ва ўз мулки талон-торож бўлиб кетганидан сўнг граф одатланган изидан чиқиб кетиб, ўз ўрнини йўқотганга ўхшар ва дунёда яшаш назарида энди ортиқчадай кўринар эди.

Бугун тилаги укаси билан тезроқ дийдор кўришиш ва шу тобда кўзига ўшандан бошқа нарса кўринмаётган бир дақиқада уни гапга тутаётганлари ва тилёғламачилик қилиб Николушкани мақтаётганлари княжнага алам қилаётган бўлса ҳам, атрофида бўлаётган ҳамма нарсани пайқаб турар ва ҳозир тушиб қолган янги шароит ва тартибга вақтинча бўлса ҳам, итоат қилиш зарур эканлигини сезарди. Княжна бу нарсаларнинг ҳаммаси керак эканлигини биларди, бу таомилга бўйсунуш унинг учун қийин бўлса ҳам, лекин хафа бўлмади.

– Менинг жияним, – деди граф Соня билан таниш-тираркан, – сиз бунга танайсизми, княжна?

Княжна Соняга томон бурилди ва бу қизга нисбатан кўксига уйғонган адоват туйғусини босишга уриниб, уни ўпди. Лекин атрофдаги одамларнинг кайфияти унинг ичидан ўтаётган нарсалардан жуда узоқлиги княжнага ниҳоят каттиқ ботди.

– Укам қаерда? – сўради княжна ҳаммага қараб.

– У пастки қаватда. Наташа ўша ерда, – деди Соня қизариб. – Хабар олиб келгани кетишди. Сиз жуда чарчаган бўлсангиз керак, княжна?

Юраги сиқилиб кетганидан княжнанинг кўзларига ёш келди. У юзини ўгириб, графинядан қавақа қилиб укам олдига борсам бўлади, деб энди сўрамоқчи бўлганда эпикдан худди шодликдан ерга тегмай, тез-тез ва енгил одим отиб келаётгандай қадам товуши эшитилиб қолди. Княжна

қайрилиб қаради-ю, деярди югуриб келаётган Наташани, бир вақтлар Москвада учрашганида сира ёкмаган ўша Наташани кўрди.

Бироқ княжна Наташанинг юзига қарашга ўлгур-масданок бу қиз ғамига ғамгузор, дардига самимий ҳамдам эканини англади. Княжна югуриб бориб Наташани кучоқлаб олди ва елкасига бошини қўйиб йиғлаб юборди.

Князь Андрейнинг бош томонида ўтирган Наташа княжна Марья келганини эшитиши биланок, княжнага шодликдан ерга тегмаётгандай туюлган енгил кадамлари билан секин уйдан чикди-ю, унинг истикболига югурди.

Югуриб уйга кирганида унинг ҳаяжонланган юзида фақат бир ифода – муҳаббат, князь Андрейга, княжна Марьяга, севгилисига яқин бўлган ҳамма нарсага нисбатан чексиз муҳаббат туйғуси, бошқалар учун қайғуриш, изтироб чекиш туйғуси, уларнинг ғамини енгиллатиш учун бажонидил ўзини қурбон қилишга тайёргарлик ифодаси бор эди. Шу дақиқа Наташа ўзи ҳақида, князь Андрейга бўлган муҳаббати ҳақида сира ўйламаётгани унинг бутун вужудидан кўриниб турар эди.

Зийрак княжна Марья Наташанинг юзига қараш биланок, буларнинг ҳаммасини англади ва бошини унинг елкасига қўйиб қайғу-ҳасрат билан тўйиб-тўйиб йиғлади.

– Юринг, юринг, олдига кирайлик, – деди Наташа княжна Марьяни иккинчи уйга томон бошларкан.

Княжна Марья бошини кўтариб, кўз ёшларини артди ва Наташага қаради. Княжна Наташадан ҳамма гапни билиб оламан, сўраб оламан деб ўйлаган эди.

– Қалай, – деб гап бошлади-ю, лекин тўсатдан жим бўлди. Икки оғиз сўз билан ҳеч нарсани сўраб бўлмаслиги ҳамда жавоб қайтариб бўлмаслигини княжна сизди. Наташанинг юзи билан кўзлари бу саволларга очикрок ва чуқуррок жавоб бериши керак эди.

Наташа княжнага қараб тураркан, худди билганимни айтайми-йўқми деб кўрқиб, шубҳаланиб турганга ўхшарди; у гўё қалбининг энг чуқур ерларига йўл топа оладиган бу порлоқ кўзларга қараб ўзига маълум бўлган барча ҳақиқатни

айтмаслик мумкин эмаслигини сизди, Наташанинг дудоклари бирдан титраб кетди, даҳани атрофида ёқимсиз ажин пайдо бўлди, йиғлаб юбориб, қўллари билан юзини бекитди.

Княжна Марьяга ҳамма нарса аён бўлди.

Лекин шундай бўлса ҳам, княжна умидини узмади ва ўзи ишонмайдиган сўзлар билан сўради.

– Яраси қандай? Умуман аҳволи қалай?

– Ўзингиз... ўзингиз кўрасиз, – дея олди Наташа. Улар князь Андрейнинг олдига йиғи-сигисиз, очик чирой билан кирмоқчи бўлиб, пастда, у ётган хонанинг олдига бир оз тўхтаб туришди.

– Касали қандай? Кўпдан бери аҳволи оғирми? Қачондан бери шу аҳволда? – деб сўради княжна Марья.

Наташа бир бошдан ҳаммасини гапириб берди: дастлабки кунлар иситмасининг билаңдлиги ва оғриқнинг зўрлигидан аҳволи оғирлашган экан, бироқ Троица куни иситмаси тушиб, оғриғи ҳам унча-мунча босилибди, доктор фақат бир нарсадан гангренадан¹ кўрққан экан. Хайрият, бу хатар ҳам ўтибди. Ярославлга келганларида яра йиринглай бошлабди (Наташа йиринглашга ва бошқа нарсаларга доир ҳамма нарсани биларди), доктор шундок бўлиши керак, бунинг ҳеч кўрқадиган жойи йўқ деб айтибди. Кейин бирдан иситмаси ошиб кетибди. Доктор бу иситма унча хавфли эмас дебди.

– Аммо икки кун бурун, – деди Наташа, – тўсатдан шундок бўлиб қолди. – У зўрға йиғидан ўзини тийди. Нимага бундок бўлиб қолганини билмайман, аммо қанақа ҳолатга тушиб қолганини ўзингиз кўрасиз.

– Ҳолсизланиб қолдими? Озиб қолдими? – деб сўради княжна.

– Йўқ, ундок эмас, ундан баттарроқ. Ўзингиз кўрасиз. Ох, Марья, у ниҳоятда яхши одам, йўқ, йўқ унинг тузалиб кетиши қийин, чунки...

¹ Гангрена – (латинча: gangraina – ириш, чирши) – биологик тўқима ёки бирор аъзонинг қон таъминоти бузилиши оқибатида жонсизланиб, приклайин ириб нобуд бўлиши, чиршиш; қорасиш.

XV

Наташа ўрганиб қолган бир ҳаракат билан князь Андрей ётган уйнинг эшигини очиб, княжнани олдин киргизиб юборди. Княжна Марья личкари кириши биланок ўпкаси тўлиб кетаётганини сизди. Княжна ўз ҳаяжонини билинтирмасликка нақадар тайёргарлик кўрган бўлмасин, ўзини босишга нақадар ҳаракат қилмасин, укасини кўз ёшисиз кўриш кўлидан келмаслигини билиб турар эди.

Княжна Марья Наташанинг икки кун бурун у шу ҳолатга тушди, деган сўзининг маъносини англаган эди. Бу сўз — князь Андрей тўсатдан юмшаб, тақдирга тан бериб қолди, деган маънони аңлатар эди, унинг тақдирга тан бериши, кўнгли юмшаб қолиши ўлим аломати эканлигини княжна Марья биларди. Эшик олдига келганда княжна Андрюшанинг болалик чоғларидаги ёқимли, ювош, маъсум чехрасини кўз олдига келтирди, катта бўлгандан сўнг у жуда камдан кам ўша ҳолатга тушар, шунинг учун ҳамиша княжнада каттиқ таассурот қолдирар эди. Княжна Марья ҳозир отаси сингари укаси ҳам ўлим олдида мулойим, ёқимли сўзлар айтишини ва княжна бу сўзларга тоқат қилолмай, унинг тепасида йиғлаб юборишини биларди. Лекин эртами, кечми, барибир, шу ходиса рўй бериши керак эди, шунинг учун княжна уйга кирди. У тобора ўпкаси тўлиб, узоқдаги нарса-ни хирароқ кўрадиган кўзлари князь Андрей шакл-у шамо-йилини борган сари аниқроқ кўра бошлади, ниҳоят, қидириб унинг юзини кўрди ва кўзи кўзига тушди.

Князь Андрей олмахон терисидан тикилган пўстин-халатда ҳамма ёнга ёстиқ қўйилган диванда ётарди. У озиб кетган, ранг-рўйи мурдадай оқарган, қони қочиб, чўпдай бўлиб қолган, бир кўлида рўмолча, иккинчи кўлининг бармоқларини секин кимирлатиб ўсиб кетган мўйловларини силар эди. Иккала кўзи хонага кириб келган кишиларда эди.

Княжна унинг юзини кўриши ва кўзларига кўзи тушиши биланок кадамини секинлатди ва бирдан кўз ёшлари қуриб, йиғиси бўғзидан қайтганини сизди. Укасининг юзидаги ифодани ва кўзини кўриши билан тўсатдан юраги оркасига тортиб кетди ва ўзини гуноҳкор ҳис қилди.

«Менинг гуноҳим нима?» – деб сўради княжна Марья ўзидан. Бунга князь Андрейнинг совуқ, жиддий нигоҳи: «Гуноҳинг шуки, тирик бўлганингдан кейин тирик одам ҳақида ўйлайсан, мен эса!..» деб жавоб берди.

Князь Андрей опаси билан Наташага секин кўз ташлаганида унинг кишига эмас, балки ўз ботинига қараб тургандай жиддий кўринган жиддий кўз қарашида адоватга яқин бир нарса бор эди.

Эски олатларича у опаси билан кўл ўпишиб кўришди.

– Салом, Марья, қандай килиб келдинг? – деди у кўз қарашига ўхшаган ёт ва салмоқли товуш билан. Князь Андрей аччиқланган товуш билан бақриб берганида, балким, княжна бу ёт товушдан камроқ қўрққан бўлар эди.

Князь Андрей айтаётган сўзини зўрға эслаб:

– Николупкани ҳам олиб келдингми? – деди яна ўша салмоқли товуш билан секин.

– Дурустмисан энди? – деб сўради княжна ўзи берган саволидан ўзи таажжубланиб.

– Буни доктордан сўраш керак, дўстим, – деди князь Андрей, кейин опасига бирон илиқ сўз айтгиси келди, шекилли, яна бир қарра ўзини зўрлаб лаби билангина пичирлади (айтган сўзлари ҳақида сира ўйламагани кўриниб турар эди):

– Келганингга миннатдорман, азиз дўстим.

Княжна Марья унинг қўлини сиқди. Опаси қўлини сиққанда у хиёл юзини буриштиради. Князь Андрей индамай ётар, княжна ҳам нимадан гап очишни билмас эди. Шу сўнги икки кун мобайнида укаси қандай ҳолатга тушганини княжна англади. Унинг сўзларида, сўз оҳангида, айниқса, кўз қарашида совуқ, деярли ёт кўз билан қарашида, тирик одам учун даҳшатли бўлган нарса – фоний дунёдан кўз юмаётганлиги сезилиб турар эди. Афтидан, у барча жонли нарсаларга зўрға тушунарди, лекин шу билан бирга жонли нарсаларга тушуниш иш қобилиятидан маҳрум бўлганлиги учун эмас, балки тириқлар англамайдиган ва англашлари мумкин бўлмаган бошқа бир нарсани англаётгани ва шу нарса унинг бутун борлигини камраб олгани учун зўрға

тушунгани сезилиб турар эди.

– Ҳм, кара, тақдир бизни қандай учраштирди! – деб князь Андрей сукунатни бузди ва Наташага ишора қилди. – Кеча-ю кундуз менга шу қараяпти.

Княжна Марья унинг сўзларига кулоқ соларкан, нима дейётганига тушунмас эди. Наҳотки князь Андрейдек зийрак, таъби нозик киши ўзи севадиган ва ўзи яхши кўрадиган севгилисидан олдида шунчалик лоқайдлик билан гапирса! Яшашни ўйлаганида эди, бу сўзни бунақа совуқ, ҳақоратомуз оҳангда айтмас эди. Агар ўлишини билмаса, Наташанинг дилини оғритгани кўнгли бўлмас, унинг олдида бунақа демас эди. Буни фақат бир нарса билан, ҳозир бошқа, бундан муҳимроқ бир нарсага тушунгани ва шунинг учун бошқа ҳамма нарса, назарида, барибирдай бўлиб кўрингани билан изоҳлаш мумкин эди.

Сухбат совуқ, гап гапга қовушмай, тез-тез узилар эди.

– Марья Рязань орқали келибди, – деди Наташа. Опасини Наташа «Мари» деб атаганини ҳам князь Андрей пайқамасди. Наташа эса укаси олдида княжна Марьяни «Мари» деб атаганини биринчи марта сезди.

– Ҳа, нима килибди? – деди князь Андрей.

– Марига Москва бутунлай куйиб кетди деган гапни айтишибди, гўё...

Наташа тўхтади: гапириш керак эмасди. Князь Андрей буларнинг гапига кулоқ солишга уринди, лекин, барибир, бунга мажолли етмади.

– Ҳм, куйиб кетганмишми, – деди у. – Эсизгина, шундай деди-ю, бармоқлари билан имиллаб мўйловини силаркан, рўпарасига қараб қолди.

Князь Андрей буларга бирон ёқимли сўз айтгиси келди, шекилли, тўсатдан:

– Мари, сен граф Николай билан кўришдингми? – деб сўради. – Буларга ёзган хатига қараганда сен унга жуда ёқиб қолибсан, – деди у соддагина, хотиржамлик билан; афтидан, бу сўз тирик кишилар учун қанчалик мураккаб маънога эга эканлигини англашдан ожиз эди. Сен ҳам уни ёқтирганингда жуда яхши бўлар эди-да... уйлансаларинг, – деди бир оздан

сўнг худди узоқ қидирган сўзини ахир топганига суюниб кетгандай. Княжна Марья унинг бу сўзини эшитишга эшитди-ю, лекин бу сўзлар унга ёлғиз бир нарсани: укаси барча ҳаётий нарсалардан нақадар узоқ эканлигини аңлатди.

– Мени қўй! – деди княжна Марья бамайлихотир ва Наташага қаради. Наташа унинг қараётганини сезаётган бўлса ҳам, унга қарамади. Яна жимлик чўкди.

– Андрей сен Нико... – деди тўсатдан княжна титроқ товуш билан, – Николушкани кўргинг борми? У ҳадеб сени сўрайди.

Князь Андрей биринчи мартаба хиёл жилмайиб қўйди, аммо укасининг ҳар бир юз ифодасини жуда яхши тушунадиган княжна Марья шу нарсани аңлаб кўриб кетди: князь Андрей суюнганидан, ўғлига бўлган меҳр-муҳаббатдан эмас, балки княжна укасини ҳушига келтирмоқ учун, ўз фикрича ишлатган шу сўнгни чораси устидан секингина, аста кулиб қўйди.

– Ҳа, албатта, Николушкани жуда соғинганман. Катта бўлиб юрибдими?

Князь Андрей олдига Николушкани олиб кирганларида бола отасига кўрибгина қаради-ю, лекин йиғламади, чунки ҳеч ким йиғлаётгани йўқ эди. Князь Андрей ўғлини ўпди ва нима дейишини билмади, шекилли, индамади.

Николушкани олиб чиқиб кетгандан сўнг княжна Марья яна укасининг тепасига бориб уни ўпди ва ўзини туголмай йиғлаб юборди.

Князь Андрей опасига тикилиб қаради.

– Николушкани ўйлаб йиғлаяпсанми? – деб сўради у.

Княжна Марья унинг гапини тасдиқлагандай бош ирғади.

– Мари, биласанми Инжил... – бироқ тўсатдан жим бўлди.

– Нима деяпсан?

– Ҳеч нима деганим йўқ. Бу ерда йиғлама, – деди у боягидек княжнага совуқгина қараб.

Княжна Марья йиғлаганда князь Андрей, опаси Николушка етим қолади деб йиғлаётганини аңлади. У бор кучи-

ни йиғиб, яна ҳаётга қайтишга уринди ва масалага уларнинг нуқтаи назаридан қаради.

«Ҳм, улар бу нарсага ачинса керак? – деб ўйлади. – Лекин бу жуда жўн нарса!»

«Осмондаги қушлар на экишни билади, на ўришни, уларнинг ризқини худо беради», деди князь Андрей ўзига ўзи, княжна Марьяга ҳам шу гапни айтмоқчи бўлди. Йўқ, бўлмайди, бу гапни булар ўзларича тушунишади, англашмайди! Улар ардоқлайдиган барча туйғулар, уларга шунчалик муҳим бўлиб кўринган барча бу фикрлар кераксиз эканини булар тушунишмайди.

«Биз бир-биримизни тушунмаймиз!» – деди ўзича князь Андрей ва жим қолди.

Князь Андрейнинг ўғилчаси еттига кирган. У унча-мунча таталаб ўкиса ҳам, ҳеч нарса тушунмас эди. Ўша кундан кейин Николушка жуда кўп нарсаларни бошдан кечирди, билим, мушоҳадакорлик, тажриба орттирди: лекин ўшанда Николушка барча кейин орттирган қобилиятларига эга бўлганда ҳам, отаси, княжна Марья ва Наташа орасида бўлиб ўтган воқеанинг маъносини ҳозиргидан кўра чуқувроқ тушунмаган бўлар эди. У ҳамма нарсага тушунди, йиғла-масдан уйдан чиқди, орқасидан чиққан Наташанинг олдига индамай келди-да, ўйчан, чиройли кўзлари билан уялинқи-раб унга боқди; унинг хиёл кўтарилиб турган устки кипкизил лаби титраб кетди ва Наташага суяниб, йиғлаб юборди.

Шу кундан бошлаб у Десалдан ҳам, ҳадеб уни эркалайдиган графинядан ҳам ўзини олиб қочиб юриб, ё ўзи ёлғиз ўтирар, ё тортиниб княжна Марья билан Наташанинг олдига келиб, секингина ва уялинқи-раб уларга эркаланарди, афтидан, Наташани аммасидан ҳам яхши кўриб қолганга ўхшарди.

Княжна Марья укасининг олдидан чиқди-ю, Наташанинг юзига қараб ҳамма нарсани тушунди. Князь Андрейнинг ҳаётини қутқариб қолиш умиди ҳақида Наташага бўлак гапирмади. У князь Андрей ётган диван ёнида Наташа билан навбатма-навбат турди, йиғламади, лекин ақл-идрок қилол-

майдиган, айниқса ўлим тўшагида ётган кишининг тепасида ҳозир тургани яққол сезилаётган мангу кучга сизиниб, тинмай дуо ўқий бошлади.

XVI

Князь Андрей ўлишинигина эмас, балки ўлаётганини, аллақачон чала ўлик бўлиб қолганини ҳам биларди. У ер юзидаги барча нарсалардан алоқаси узилганини, борлиқ қувончли ва алланечук енгил бўлиб қолганини сизди. У пошилмай, ваҳимага тушмай ўз қисматини кута бошлади. Умр бўйи тепасида турганини бир дақиқа ҳам унутмаган кўз билан кўриб бўлмайдиган даҳшатли ва йироқ мангулик энди унга жуда яқин бўлиб қолди – борлиқ алланечук енгил бўлиб қолгани учун ҳам бу нарсани деярли сезиб турар эди.

Илгарилари у ўлимдан кўрқар эди. Ўлимдан кўркиш, ундан қаттиқ даҳшатга келиш туйғусини князь Андрей икки марта бошдан кечирган, эндиликда эса ундай туйғуни билмас эди.

Бу туйғуни князь Андрей биринчи марта тўп ўқи-граната тушиб, кўз олдида гир-гир айланаётганида бошдан кечирган эди, ўшанда ҳосилдан бўшаган далаларга, буталарга, осмонга қараб туриб қаршисида турган нарса ўлим эканини билган эди. Ярадор бўлиб ўзига келгандан сўнг гўё ҳаётнинг исканжасидан қутулган қалбида бирдан бу ҳаётга сира алоқаси бўлмаган мангу, озод муҳаббатнинг гунчаси очилиб кетди-ю, ўлимдан энди кўркмайдиган, ўйламайдиган бўлиб қолди.

Ярадор бўлиб танҳоликда ўтказган ўша изтиробли, гоҳ худ, гоҳ бехуд бўлиб ётган чоғларида ўзига аён бўлган бу янги, мангу муҳаббатнинг завқи ҳақида қанча кўп ўйласа, бу фоний дунёдан ўзи сезмаган ҳолда шунча кўп узоқлашарди. Ҳамма нарсани, ҳаммани яхши кўриш, муҳаббат учун ҳамиша жон фидо қилиш – ҳеч кимга кўнгил кўймаслик демакдир, бу фоний ҳаёт билан яшамаслик демакдир. Князь Андрей муҳаббатнинг мана шу завқи ҳақида қанча кўп ўйласа, ҳаётдан шунча воз кечар ва қалбимизда муҳаббат

бўлмаган пайтда ҳаёт билан ўлим орасида турадиган мудҳиш тўсиқни янада таг-томири билан емирарди. У биринчи дафъа ўзининг ўлишини ўйлаганда, ўз-ўзига: ҳа, ўлсам нима бўлибди, тагин яхши деган эди.

Бирок Миттигчида ўтказилган ўша кечадан сўнг, гоҳ худ, гоҳ бехуд бўлиб ётган чоғида севган қизи олдига киргандан ва севгилисининг қўлини лабларига босиб, хурсандлигидан ун чиқармай йиғлаганидан сўнг аёл кишининг мухаббати секин-аста унинг қалбидан жой олди-ю, ҳаётга яна боғлаб қўйди. Яна унинг бошига севинчли ва ваҳимали фикр-хаёллар кела бошлади. Яра боғлайдиган пунктда Курагинни учратгани эсига тушиб кетди-ю, аввалги ҳолатига қайтолмади. Уни энди бир савол: Курагин тирикмикин, деган савол қийнай бошлади. Сўрашга эса сира тили бормасди.

Унинг касали жисмоний жиҳатдан ўз тартиби – ўз йўли билан бормоқда, лекин Наташа айтганидек, у княжна Марьянининг келишидан икки кун олдин шу ҳолга тушган эди. Бу ҳаёт билан ўлим орасида бўлган сўнгги рухий кураш эди ва бу курашда ўлим ғолиб чиқди. Бу Наташанинг мухаббати шаклида тасаввур этган ҳаётдан ҳали-вери воз кечмаслигини англаш ва белгисиз бир куч қаршисида таслим бўлишдан кўрқишнинг сўнгги хуружи эди.

Бу ҳолат кечки пайт юз берди. Князь Андрейнинг одатдагича тушлиқдан сўнг иситмаси бир оз кўтарилди, лекин ақли-хуши жойида эди. Соня стол ёнида ўтирувди. Князь Андрей пинакка кетди. Бирдан олам кўзига ёришди.

«Ҳа, бу кирган Наташа!» – деб ўйлади у.

Ҳақиқатан ҳам, секин, оёқ учида юриб кирган Наташа Сонянинг ўрнида ўтирган эди.

Наташа князь Андрейга қарай бошлагандан бери ҳаминша Наташанинг жисмоний яқинлигини сезмоқда эди. Наташа шам ёруғи князь Андрейга тупмасин деб унга ёнбошини бериб, креслода пайпоқ тўқиб ўтирган эди. (Князь Андрей бир куни Наташага, ҳеч ким пайпоқ тўқиб ўтирадиган қари момолар сингари касалга яхши қаролмайди, пайпоқ тўқишнинг ўзида кишини овунтирадиган, кишига ором бағиш-

лайдиган бир нарса бор, деган эди, Наташа дарҳол пайпоқ тўқишни ўрганди.) Унинг нозик бармоқлари ора-сира бирига тегиб кетаётган пўлат пилтакачларни тез-тез ишлатар, куйи солинган юзининг ўйчан ифодаси князь Андрейга яққол кўриниб турар эди. Маана, у хиёл ўрнидан кўзгалган эди, тиззасидаги бир тўп ил ерга думалаб тушди. Наташа чўчиб кетиб, князь Андрейга бурилиб қаради-да, кўли билан шамни тўсиб, энчилик билан энгашиб илға олди ва яна жойига ўтирди.

Князь Андрей кимир этмасдан Наташани кузатиб ётган эди. Наташа бу ҳаракатдан сўнг бутун кўкси билан чуқур нафас олиши керак эди, бироқ бунга журъат қилолмади ва секингина нафасини ростлади.

Троица лавра монастирида улар ўтган воқеалар ҳақида гаплашган эди, шунда князь Андрей Наташага: «Агар ўлмай қолсам, мени сиз билан янгидан топиштирган жароҳатим учун умр бўйи худога шукур қиламан» деган эди, лекин ўшандан бери улар келажак ҳақида оғиз очипмади.

Шу тобда князь Андрей пўлат пилтакачларнинг шитирлашига кулоқ солиб ётаркан, шу нарса менга тагин муяссар бўлармиди, йўқми, деб ўйларди. «Наҳотки, ўлимим учунгина толе мени бу билан шундай ғалати вазиятда учраштирган бўлса? Наҳотки, ёлғончи дунёда яшамоғим учун ҳаёт ҳақиқати менга аён бўлган бўлса? Мен бу кизни оламдаги ҳамма нарсадан ортиқроқ севаман. Яхши кўриб қолган бўлсам, нима қилай?» – деди у ва азоб чеккан вақтларидаги одатига кўра, тўсатдан беихтиёр, инграб юборди.

Наташа бу товушни эшитиб, пайпоқни кўйди-ю, князь Андрейга томон бурилди ва бирдан унинг ялтираб турган кўзларини кўриб, ўрнидан турди-да, секин унинг олдига бориб энгашди.

– Ухлаганингиз йўқми?

– Йўқ, аллақачондан бери сизга қараб ётибман: кирганингизни ҳам сезган эдим. Сиздан бўлак ҳеч кимнинг олдида мен бунақа тинч, роҳат қилиб ётолмайман. Хурсандликдан йиғлаб юборгим келяпти.

Наташа креслони унга яқинроқ сурди. Севинчдан унинг

юзи гул-гул очилиб кетди.

– Наташа, мен сизни ҳаддан ташқари севаман. Дунёдаги барча нарсалардан ортиқ севаман.

– Менчи? – Наташа бир лаҳзагина юзини бурди.

– Нега ҳаддан ташқари дейсиз? – деди у.

– Нега ҳаддан ташқари?.. Айтиш-чи, сиз нима деб ўйлайсиз, кўнглингиз нима дейди, тузалиб кетаманми? Тузаладиганга ўхшайманми?

– Тузалиб кетишингизга аминман, аминман!

– деб қичқириб юбораёзди Наташа эҳтирос билан унинг иккала кўлини ушлаб.

Князь Андрей жим бўлди.

– Қандок яхши бўларди! – деб у Наташанинг кўлини ўлди.

Наташа ўзини бахтиёр сезиб, ҳаяжонга тушди, лекин шу он князь Андрей билан бунақа мавзуларда гапириш мумкин эмаслигини, унга осудалик кераклигини сизди.

– Демак, ухламаган экансиз-да, – деди Наташа севинчини босиб. Ухлашга ҳаракат қилинг, ўтинаман.

У Наташанинг кўлини сиқиб, кейин кўйиб юборди. Наташа шамнинг олдига келди-да, яна аввалги вазиятда ўтирди. Наташа икки марта унга бурилиб қаради, ҳар дафъа ҳам унинг ялтираб турган кўзларига кўзи тушарди. У кўлидаги пайпоққа қараб, шуни битирмагунча князь Андрейга қарамайман, деб аҳд қилди.

Ҳақиқатан ҳам, шундан сўнг князь Андрей кўзларини юмди ва уйқуга кетди. Кўп ўтмасдан совуқ терга тушиб, бетоқат бўлиб уйғонди.

Кўзи уйқуга кетаётган вақтда князь Андрей шу кунлари доимо хаёлини банд қилган ўша бир нарсани – ҳаёт билан ўлимни ўйлаган эди. Кўпроқ ўлимни ўйлаган эди. Назарида ўлими яқинлашиб қолганга ўхшади.

«Муҳаббат. Муҳаббат нима деган сўз? – деб ўйлади у. – Муҳаббат ўлимга ҳалал беради. Муҳаббат ҳаёт демақдир. Ўзим билган ҳамма нарсани мен фақат муҳаббат туфайли билганман. Менинг севгим бор-у ҳамма нарса бор, ҳамма нарса мавжуд. Муҳаббатнинг ҳамма нарсага алоқаси бор.

Муҳаббат – худо демакдир. Ҷулиш – менинг, муҳаббатнинг кичкина бир қисмининг умумий ва абадий манбага қайтиши демакдир». Бу фикрлар унга тасалли берадигандай туюлди, лекин булар фақат фикр эди, холос. Бу фикрларга бир нима етишмас, буларда алланечук шахсий бирёқламалик, ақлдан чиқариб айтилган бир нарса бор эди-ю, аниқлик, ойдинлик йўқ эди. Бу фикрларда яна бесаранжомлик ва мужмаллик бор эди. Ниҳоят у ухлаб қолди.

Тушида у шу уйда ётган экан, лекин ярадор эмас, соппасоғ экан. Князь Андрейнинг олдида ҳамма нарсага лоқайд қарайдиган, турли-туман пасткаш одамлар пайдо бўлади. Князь Андрей булар билан гапиришади, кераксиз нарсалар ҳақида сўз талашади. Улар аллақайёққа кетишга отланишади. Князь Андрей буларнинг ҳаммаси бекорчи гап эканини, бундан зарурроқ ишлари борлигини элас-элас эслайди, лекин шундоқ бўлса ҳам, тутуруқсиз қочирик гаплар билан буларни мот қилиб, гапини давом эттираверади. Бу одамлар аста-секин, бирин-кетин йўқола бошлайди, буларнинг ўрнини бир масала – беркилмай қолган эшикни ёпиш масаласи эгаллайди. Князь Андрей ўрнидан туриб, эшик олдида боради ва илгакни солмоқчи бўлади. Ҳамма нарса эшикни бекитишга улгуриши ва ё улгурмаслигига боғлиқ. Князь Андрей юради, шошилади, лекин оёқлари қимирламайди, у эшикни бекитиб олишга улгурмаслигини билса ҳам, барибир, бор кучини йиғиб, қадам ташлашга уринади. Даҳшатли бир кўркув уни қамраб олади. Бу кўркув ўлим кўркуви, эшик орқасида турган эса ўлимнинг ўзи. Князь Андрей қолдан тойиб, минг азоб билан эшик олдида эмаклаб борганида ҳалиги даҳшатли нарса нариги томондан эшикка ёпишиб, уни очиб қирмоқчи бўлади. Инсониятга ёт бўлган нарса – ўлим қирмоқчи бўлади, эшикни бекитиб олиб, уни қирғизмаслик керак. Князь Андрей эшикка ёпишади, бор кучини тўплайди – эшикни бекитиб бўлмаса ҳам, ҳар холда, уни ушлаб туришга уринади, лекин кучи кетиб қолган, ҳаракатлари ҳам бесўнақай, ҳалиги даҳшатли нарсанинг кучи зарбидан эшик очилиб кетади-ю яна ёпилади.

Даҳшатли нарса яна эшикни итариб юборади. Сўнги,

гайритабий тарзда бор кучини йиғиб қилган ҳаракати зое кетади. Эшикнинг иккала тавақаси жимгина очилиб кетади-ю у, яъни ўлим кириб келади. Князь Андрей жон беради.

Бирок ўлиши биланоқ князь Андрей ухлаб ётганини эслайди ва ўлган дақиқасида бутун кучини йиғиб яна уйғонади.

«Ҳа, бу ўлим эди. Мен ўлувдим – уйғониб кетдим. Ҳа, ўлим – уйғоқлик демақдир», деб ўйлади-ю, тўсатдан кўнгли ёришди ва парда кўтарилиб, шу маҳалгача пинҳон ётган нарса унинг рухий нигоҳи қаршисида намоён бўлди. Илгари занжирбанд қилиб ташлангандай туюлган қучи бирдан эркинликка чиққандай бўлганини ва ўшандан бери уни тарк этмаган ғалати бир енгиллик бутун борлигини чулғаб олганини сизди.

Совуқ терга пишиб уйқудан уйғонгандан сўнг диванда қимирлади ва Наташа унинг тепасига бориб аҳволини сўради. Князь Андрей Наташага жавоб бермади ва нима деганига тушунмай ғалати бир қараш қилди.

Княжна Марьянинг келишидан икки кун аввал юз берган воқеа шу эди. Шу кундан бошлаб, доктор, айтганидек, кишини холдан тойдирадиган иситма ўз таъсирини кўрсата бошлади, лекин Наташа доктор нима деяётганига қизиқмас эди: Наташа ўзи учун очик-ойдин бўлган бу даҳшатли руҳий аломатларни кўриб турар эди.

Шу кундан бошлаб князь Андрей уйқудан уйғониши билан бирга ҳаётдан ҳам уйғонди. Умр узунлиги билан солиштирганда бу уйғониш князь Андрейга туш узунлиги билан солиштирган уйқуга караганда секинроқ бўлиб туюлмади.

Нисбатан бунақа секин уйғонишдан даҳшатли ва кескин нарса йўқ эди.

Князь Андрейнинг охирги кунлари ва охирги соатлари одатдагидек бир хил ўтмоқда эди. Унинг олдида мутғасил ўтирган княжна Марья билан Наташа буни сезиб туришарди. Сўнги вақтларда улар йиғламасди, ваҳимага тушмасди, чунки князь Андрейни эмас (князь Андрейдан улар аллақачон айрилган эди), балки унинг энг яқин хотираси – унинг

жонсиз жасадини парвариш қилиб юрганларини билишарди. Иккаласининг туйғуси шу қадар кучли эдики, ҳатто ўлимнинг ташқи, даҳшатли томони уларга таъсир этмади ва улар ўз яраларига туз сепишни лозим кўришмади. Улар князь Андрейнинг олдида ҳам, ундан яшириқча ҳам йиғлашмади, унинг тўғрисида ҳеч қачон ўзаро гаплашмади. Улар бошларига тушган мусибатни сўз билан ифодалаш мумкин эмаслигини билишарди.

Князь Андрей секин-аста, осудалик билан борган сари, қаергадир, чуқурроқ чўкиб бораётганини иккаласи ҳам кўришар, бу нарса шундоқ бўлиши кераклигини ва шундоқ бўлгани яхши эканини билишар эди.

Князь Андрейни тавба қилдириб, гуноҳдан пок этишди, ҳамма у билан видолашгани келди. Ўғилчасини уйга олиб кирганларида князь Андрей лабини унинг юзига тегтизди-ю, юзини ўгирди, ўғли билан видолашиш оғир эканлиги ва унга ачинаётганлигидан эмас (княжна Марья билан Наташа бунга тушуниб туришарди), балки, мендан талаб этган нарсалари шу бўлса керак деб ўйлагани учун шундай қилди, бироқ Николушкани дуо қилгин деб айтганларида князь Андрей бу талабни бажо келтирди ва худди чаласи йўқми, деб сўраётгандай атрофга кўз ташлади.

Рухдан айрилаётган тан сўнгги мартаба титраганда княжна Марья билан Наташа унинг тепасида эди.

Князь Андрейнинг жасади совуб, бир неча дақиқа уларнинг олдида ҳаракатсиз ётгандан кейин княжна Марья Наташага қараб:

– Жони узилдими? – деди князь Андрейнинг танаси совуб, бир неча дақиқа унинг кўз ўнгиде қимир этмай ётгандан кейин, Наташа унинг тепасига бориб кўзларига қаради ва дарров бекитиб қўйди. Ўликнинг кўзини бекитгандан сўнг Наташа уни ўпмади, балки ундан қолган энг яқин ёдгорликка лабини тегтизди.

«Қаёққа кетди у? Қаёқда ҳозир у?..»

Мурдани ювиб, кийинтириб, тобутга солиб, столга қўйганларидан сўнг ҳамма видолашгани келди, йиғи-сиғи бўлди.

Николушка юрак-бағрини абгор қилган бу укубатли ҳайратдан йиғларди. Графиня билан Соня Наташага ачинганларидан ва князь Андрей ораларидан кетганидан йиғларди. Кекса граф умр паймонаси тўлаётганини билганидан ва шу даҳшатли қадамни босишга кўп қолмаганидан йиғларди.

Наташа билан княжна Марья ҳам энди йиғлашаётган эди, лекин улар бошларига тушган шахсий мусибатларидан эмас, балки кўз олдиларида юз берган ўлимнинг оддий ва тантанали сиридан воқиф бўлиб кўнгиллари юмшаганидан йиғлашарди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

Одамзот ақли ҳодисалар сабабиниң мажмуини англашга қодир эмас. Лекин ҳодисаларнинг сабабини қидиришга эҳтиёжи инсоннинг табиятида бор. Одамзот ақли ҳар бир алоҳида ҳодисага сабаб бўлиши мумкин бўлган сон-саноксиз ва мураккаб ҳодисаларнинг қандай шароитда юз берганини фаҳхламай туриб, дафъатан кўзи тушган ва энг яқин бўлиб кўринган сабабга, ана, топдим, деб ёпишиб олади. Тарихий воқеаларни мушоҳада этишда мавзуи баҳс – одамларнинг фаолиятидир, бунда ҳодисаларга биринчи ёндашишда булар худонинг хоҳиши бўлиб кўринса, иккинчидан, тарихда энг яққол кўзга кўринган шахслар, тарихий қаҳрамонларнинг хоҳиши бўлиб кўринади. Лекин ҳар бир тарихий воқеаниң моҳияти билан, яъни шу воқеада иштирок этган барча кишиларнинг фаолияти билан дурустроқ танишсак, дарҳол омманиң фаолиятига тарихий шахслар иродаси етакчилик қилиши у ёқда турсин, уларнинг ўзларига бошқалар ҳамиша етакчилик қилганини кўрамыз. Бундай қараганда тарихий воқеаларнинг моҳиятини қандай тушуниш барибирдай кўринади. Ғарб одамлари Наполеоннинг истакиродасига биноан Шарққа юриш бошлади, деб даъво қилган одам билан бу воқеа шундоқ бўлиши зарур бўлгани учун содир бўлди, деган одам орасида қанчалик фарқ бўлса, ер бир жойда тек туради-ю сайёралар унинг атрофида айланади, деган одамлар билан, биз ер нима устида турганини билмаймыз, аммо ер билан бошқа сайёраларнинг ҳаракатини идора қиладиган бир қонун борлигини биламыз, деган кишилар орасида шунчалик фарқ бор. Тарихий ҳодисаларнинг сабаби йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, фақат сабабларнинг сабаби бор, холос. Лекин ҳодисаларни идора қиладиган қонунлар бор ва биз бу қонунларни қисман билмаймыз, қисман тусмол билан биламыз. Одамлар ер бир жойда тек туради, деган ақидадан воз кечганларидан кейин сайёраларнинг ҳаракат қонуларини ўрганиш мумкин бўлгани каби, биз ҳодисалар сабабини бир кишининг иродасидан

қадирмоқдан воз кечганимиздагина бу қонушларни батамом ўрганиш мумкин бўлиб қолади.

Тарихчилар Бородино жангидан сўнг, Москва душман томонидан ишғол-қилингани ва ўт қўйилганидан сўнг, рус армиясининг Рязань йўлидан Калуга йўли ва Тарутино лагерига томон қилган ҳаракатини – Красная Пахранинг нариги тарафидаги фланг марши¹ деб аталган ҳаракатни – 1812-йил урушнинг энг муҳим эпизоди деб ҳисоблайдилар. Тарихчилар бу буюк қаҳрамонликнинг шон-шухратини турли кишиларга нисбат беришади ва, ҳақиқатан ҳам, кимга мансуб деб мунозара қилишади. Бу фланг марши ҳақида гапирганда хорижлик тарихчилар, ҳатто француз тарихчилари ҳам рус саркардаларининг даҳосини эътироф қилишади. Бироқ нима учун жангнома ёзадиган ёзувчилар ҳам, уларга эргшиб бошқалар ҳам Россияга нажот бериб, Наполеонни ҳалокатга дучор этган бу фланг маршини айрим шахснинг оқилона кашфиёти деб тахмин қилишади – буни тушуниш қийин. Аввало, бу ҳаракатнинг оқилона ва дохиёна ҳаракат эканлиги нимадан иборатлигини тушуниб бўлмайди, ундан кейин армия учун (хужум хавфи холи бўлган тақдирда) энг қулай жой – озиқ овқат мўл бўлган жой эканлигини билиш учун кўп ҳам ақл керак эмас. Ҳар кимсанинг ҳам, ҳатто ўн уч яшар гўдакнинг ҳам 1812-йилда Москвадан чекинилгандан сўнг армия учун энг қулай йўл Калуга йўли эканини англашга ақли етарди. Шундай қилиб, аввало, бу манёврда чуқур бир маъно борлигини кўрган тарихчилар қанақа муҳокама юргизиб, шу хулосага келганларини тушуниш қийин, иккинчидан, бу манёврнинг нимаси руслар учун нажотбахш, нимаси французлар учун ҳалокатли эканини тарихчилар нимадан билганини тушуниш ундан ҳам қийинроқ: чунки шу фланг марши бошқа бир шароитда, бундан олдинги, ундан кейинги ва унинг кетидан вужудга

¹ **Марш** (французча: marche – олға қараб юриш, ҳаракатланиш) – сафда баравар қадам ташлаб юриш; 2) кўшиннинг пиёда ёки транспорт воситаларида ташқилий равишда юриш юзиб, бир жойдан иккинчи жойга кўчиши (бу ерда шу маънода); 3) ҳарбий юришларда, парадларда иштарок этувчиларни руҳлантириш, уларнинг ҳиссиётига таъсир этиш мақсадида ёзилган мусиқа асари.

келган шароитда рус кўшинлари учун ҳалокатли, француз кўшинлари учун нажотбахш бўлиши мумкин эди. Агар шу мариждан кейин рус кўшинларининг вазияти яхшиланган бўлса, бу нарсани шу ҳаракат оқибати деб тушуниш нотўғри.

Бошқа шарт-шароитлар бир-бирига мос келмаган-да, бу фланг марши бирон фойда келтириш у ёқда турсин, аксинча рус кўшинини ҳалокатга дучор қилиши ҳам мумкин эди. Москва ёнмаган тақдирда нима бўларди? Мюрат рус кўшинларини кўздан қочириб қўймаса – нима бўлар эди? Наполеон ҳаракатсиз ётмаса, нима бўлар эди? Рус армияси Бенигсен билан Барклайнинг маслаҳатига кириб, Красная Пахра яқинида французларга қарши жанг қилинса нима бўларди? Руслар Пахранинг нариги тарафида ҳаракат қилаётган вақтда французлар уларга ҳамла қилса нима бўлар эди? Кейинчалик, Наполеон Тарутино ёнига келиб, Смоленскдаги ҳужумнинг ҳеч бўлмаса ўндан бир хиссасига тенг келадиган куч билан русларга ҳамла қилса нима бўлар эди? Французлар тўғри Петербургга қараб ҳаракат қилса нима бўларди?.. Мана шу эҳтимолларнинг ҳаммасини назарда тутсак, фланг марши нажот эмас, балки ҳалокат келтириши мумкин эди.

Учинчидан, энг тушуниб бўлмайдиган нарса шуки, тарихни ўрганувчи шахслар фланг марши бир кишининг хизмати эмаслигини, бунга ҳеч ким, ҳеч қачон қаромат қилишга қодир эмаслигини жўртгага тан олмайдилар, ваҳоланки бу манёвр ҳам, Филидаги чекиниш сингари ҳеч қачон ҳеч кимнинг кўз олдида бутунлигича гавдалангани йўқ, балки кадам-бакадам, кетма-кет, ҳар дақиқа, ҳар он содир бўлган воқеалар сон-саноксиз, турли-туман шароитлар натижасида вужудга келиб, ўтмишга айлангандан кейингина тўла-тўқис кўзга кўринган.

Филида бўлган ҳарбий кенгашда рус командирларининг асосий фикри, ўз-ўзидан маълум, тўғри йўл, яъни Нижегород йўли билан орқага чекинишдан иборат эди. Кенгашда кўпчилик шу фикрни ёқлаб кўл кўтаргани ва энг муҳими, кенгашдан сўнг бош кўмондоннинг озик-овқат қисм мудирини Ланской билан қилган маъхур суҳбати бунга далил бўла

олади. Ланской бош кўмондонга армия учун озиқ-овқат асосан Ока дарёси бўйида, Тула ва Калуга губернияларида тўлланганини, Нижнийга қараб чекинилган тақдирда озиқ-овқат захиралари катта Ока дарёсининг нариги тарафида қолиб кетишини ва қиш бошлангандан кейин бу озиқ-овқатни дарёдан ўтказиш қийин бўлишини маълум қилган эди. Бу нарса жуда табиий бўлиб кўринган Нижнийга томон чекинишдан воз кечиш зарурлигини билдирувчи биринчи аломат эди. Армия жануброқдан, Рязань йўлидан, озиқ-овқат захираларига яқинроқ ердан ҳаракат қилди. Кейинчалик рус армиясини ҳатто кўздан қочирган французларнинг ҳаракатсизлиги, Тула заводини мудофаа қилиш кераклиги, энг муҳими, озиқ-овқат захираларига яқинлашишнинг қулайлиги армияни яна ҳам жануброққа, Тула йўлига қараб ҳаракат қилишга мажбур қилди. Рус армиясининг бошлиқлари жадал суръатлар билан ҳаракат қилиб, Пахранинг нариги тарафига, Тула йўлига чиқиб олишди-да, Подольскда тўхтамоқчи бўлишди. Тарутино позицияси ҳеч кимнинг хаёлига келмади, бироқ сон-саноксиз ходисалар, илгари рус армиясини кўздан қочирган француз қўшинларининг яна пайдо бўлиб қолиши, жанг лойиҳалари, энг муҳими, озиқ-овқатнинг Калугада фаровонлиги бизнинг армияни яна ҳам жануброққа силжиб, озиқ-овқат захиралари мўл ернинг ўртасига келганда, Туладан Калуга йўлига, ундан Тарутинога қараб ҳаракат қилишга мажбур қилди. Москва қачон душманга ташлаб кетилди, деган саволга жавоб бериш мумкин бўлмаганидек, Тарутинога бориш масаласи қачон ва ким томонидан ҳал қилинди, деган саволга ҳам жавоб бериш қийин. Сон-саноксиз турли-туман кучлар натижасида қўшин Тарутинога келиб қолгандан сўнг ҳамма биз шуни истаган эдик ва шундоқ бўлишини аллақачонлар билган эдик, деб ишонч билан гапира бошлади.

II

Машҳур фланг марши шундан иборат эди: у ёқ бу ёққа бурилмасдан тўғри орқага қараб чекинаётган рус қўшинлари, французлар ҳужуми тўхтагандан сўнг мўлжалланган

томонга чекинишдан воз кечди ва душмanning таъкиб этмаётганини кўриб табиий тарзда озик-овқат мўл томонга бурилди.

Рус армиясининг бошида буюк саркарда эмас, балки саркардасиз армиянинг ўзи бўлганда ҳам, барибир, бу армия ярим доира ясаб, озик-овқат мўл ва ҳамма нарса фаровон бўлган томонга қайрилар, янгидан Москвага қараб ҳаракат қиларди вв бундан бошқа илож йўқ эди.

Нижегород йўлидан Рязань, Тула ва Калуга йўлларига ўтиш шу қадар табиий эдики, ҳатто, рус армиясидаги талончилар шу томонга қараб қочишди ва Петербург ҳам Кутузовдан армияни шу томонга олиб ўтишни талаб қилди. Кутузов армияни Рязань йўлига олиб чиққани учун Тарутинода подшоҳдан деярли «ҳайфсан» олди, подшоҳнинг мактубида Калуга қаршисидаги йўл кўрсатилган эди ва мактуб етиб келганда Кутузов худди шу ерда эди.

Бутун уруш давоми ва Бородино жанги вақтида туртки еб, тўтри орқага қараб думалаб кетган рус кўшини коптоги, туртки кучи тамом бўлгандан ва янги туртки емагандан кейин ўзининг табиий вазиятида қарор топди.

Кутузовнинг хизмати одамлар айтгандек, аллақандай дохиёна, стратегик манёвр қилганидан эмас, балки рўй берган воқеанинг аҳамиятини ёлғиз ўзи тушунганлигидан иборатдир. Француз армиясининг ҳаракатсиз ётишининг аҳамиятини ўшандаёқ укқан киши ҳам фақат Кутузов бўлди. Бородино жанги бизнинг ғалабамиз бўлди, деб маҳкам туриб олган киши ҳам фақат Кутузов бўлди; бош кўмондон сифатида ҳужум тарафдори бўлиши керакдай туюлса ҳам, рус армиясини кераксиз хунрезликдан сақламоқ учун бутун куч-қувватини ишга солган ҳам фақат Кутузов бўлди.

Бородино жангида ўқ еган дарранда, овчи ташлаб қочган ерда ётар эди, лекин дарранда тирикми, куч-қуввати борми, ё тулкилик қилиб пусиб ётибдими, буни овчи билмас эди. Бирдан шу дарранданинг инграгани эшитилди.

Лористоннинг Кутузов лагерига сулҳ сўраб келиши, ўқ еган дарранда, яъни француз армиясининг инграши, ҳалокатга дучор бўлганининг фош этилиши эди.

– Яхши яхши эмас, балки, менинг ақлимга келган нарса яхши, – деб қаттиқ ишонган Наполеон ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, калласига келган пала-партиш сўзларни Кутузовга ёзиб юборди.

«Князь Кутузов, сиз билан жуда муҳим нарсалар ҳақида сўзлашиб олмақ учун генерал-адъютантларимдан бирини хузурунгизга юбордим. Жаноби олийларидан сўрайман, унинг барча гапларига, айниқса, кўндан бери сизга сақлаб юрган ҳурматим ва эҳтиромимни ифода этувчи сўзларига ишонинг. Шу билан худодан сўрайман, сизни ўз паноҳида сақласин.

Москва, 30-октябрь, 1812. Наполеон»

Кутузов Наполеонга шундоқ жавоб берди: *«Агарда менга бирон келишувнинг сабабкори деб қара-салар, лангнатга қолар эдим. Халқимизнинг истак-иродаси шудир».*

У бутун куч-қувватини армияни ҳужумдан сақлаш учун сарф қилди.

Француз кўшинлари Москвани талон-торож қилиб юрган ва рус кўшинлари Тарутино атрофида тинчгина манзил куриб турган ўша бир ой мобайнида ҳар иккала кўшин кучларининг нисбати (ҳам маънавий, ҳам сон жиҳатдан) ўзгарди ва бу ўзгариш натижасида русларнинг кучи бўлиб қолди. Француз кўшинларининг вазияти ва сони русларга номаълум бўлса ҳам, кучлар нисбати ўзгариши биланок, ҳужум этиш зарурлигини билдирадиган сон-саноксиз аломатлар дарҳол юзага чиқа бошлади. Бу аломатлар қуйидагилардан иборат эди: Лористоннинг сулҳ сўраб келиши, Тарутинода озик-овқатнинг мўллиги, француз кўшинларининг фаолиятсизлиги ва тартибсизлиги ҳақида ҳар томондан келаётган хабарлар, полкларимизнинг рекрутлар, яъни янги олинган аскарлар ҳисобига тўлдирилиши, обҳавонинг қулайлиги, рус аскарларининг узоқ вақт дам олганлиги, одатдагидек дам олгандан сўнг аскарлар орасида туғиладиган сабрсизлик, яъни асосий вазифаларини тезроқ бажаришга шошилиш, кўндан бери кўзга кўринмай қолган француз армиясида нималар бўлаётганлигига қизиқсиниш, рус соқчи аскарларининг Тарутино ёнида турган французлар

атрофида бемалол изғиб юришга жасорат этиши, деҳқонлар ва партизанлар французларни осонгина мағлуб қилаётганлиги ҳақидаги хабарлар, бу туфайли тутилган ҳавас ва ҳасад, французлар Москвада юргани учун ҳам ҳар бир кишининг қалбида пайдо бўлган қасос ҳисси ва энг муҳими, кучлар нисбатининг ўзгариб қолганлиги, биз устун бўлиб қолганимизни ҳар бир аскар очик-равшан бўлмаса ҳам, лекин қалби билан сезиши эди. Кучларнинг нисбати хийлагина ўзгарди ва ҳужум зарур бўлиб қолди. Соат мили бир айланиб чиққандан сўнг жом чалина бошлагани каби кучлар нисбати ўзгариши билан юксак доираларда дарҳол зўр ҳаракат бошланди, соат жаранг-журунг этиб жом чала бошлади.

Ш

Рус армиясини ўз штаби билан Кутузов ва Петербургдан туриб подшоҳ идора қиларди. Москва душманга қолдирилганлиги ҳақидаги хабар етиб келишидан олдин Петербургда уруш режаси муфассал тарзда тузилган ва қўлланма сифатида Кутузовга юборилган эди. Бу режа Москва ҳануз кўлимизда деган тахмин билан тузилган бўлса ҳам, штаб уни маъкул топди ва амалга ошириш учун қабул қилиб олди. Фақат Кутузов узокдан туриб ҳарбий операцияга раҳбарлик қилиш ҳаминша қийин бўлади, деган гапни ёзди. Рўй берган қийинчиликларни бартараф этиш учун янги кўрсатмалар, Кутузовнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш ва бу борада Петербургда хабар бериб туриш учун янги кишилар юборилди.

Бундан ташқари, шу кунлари рус армиясининг бутун штабига ўзгаришлар киритилди, Жангда ҳалок бўлган Багратион ва армиядан аразлаб кетган Барклай ўрнига янги кишилар келди. Қандоқ қилсак яхши бўларкин: А. ни Б. ўрнига қўйиб, Б. ни Д. ўрнига қўйсакми, ё аксинча, Д. ни А. ўрнига қўйсакми ва ҳоказо, деб худди бу ўрин алмаштиришдан А. ва Б. кўнгиликхушлигидан бошқа бир иш чиқадигандай жуда кўп бош қотиришди.

Кутузовнинг штаб бошлиғи Беннигсен билан ноиттифок-

лиги, подшоҳ юборган одамларнинг шу ерда юрганлиги ва бу ўрян алмаштиришлар оқибатида армия штабида гуруҳ-бозлик авжига чиқиб кетди: одамларнинг жойини ўзгартиравериб ишнинг чигалланиши натижасида А. Б. нинг тирноғи остидан кир қидирса, Б. С. нинг тирноғи остидан кир қидира бошлади. Барча бу фикс-фасод ва тирнок остидан кир қидиришларнинг негизида асосан бир мақсад – ҳарбий хизмат ётар, бу одамларнинг ҳаммаси ҳарбий ишга раҳбарлик қилишни истар эди. Ҳарбий иш эса булардан мустақил равишда, қандай бориши керак бўлса, шундай, яъни одамларнинг ўйлаганича эмас, балки кучлар нисбатининг ўзгаришига қараб борар эди. Одамлар мўлжаллаган нарсаларнинг ҳаммаси бир-бири билан аралаш-қуралаш бўлиб кетиб, юксак доираларда содир бўлиши керак бўлган нарсанинг фақат тўғри акси кўринарди.

Подшоҳ 2-октябрда ёзган ва Тарутино жангидан сўнг етиб келган мактубда куйидагилар ёзилган эди: *«Князь Михаил Иларионович! 2-сентябрдан бери Москва душман қўлида. Сизнинг сўнги рапортингиз 20-чида ёзилган; шу муддат ичида душманга қарши ҳаракат қилиш ва қадимий пойтахтни озод этиш учун бирон тadbир кўрилмади, ақсинча, сўнги рапортингизга қараганда, ҳатто яна орқага чекинибсиз. Душман отрядлари аллақачон Серпуховни иш-гол қилибди, Тула шаҳри ўзининг энг маиҳур ва армия учун жуда зарур бўлган заводи билан хавф остида. Генерал Винцингероденинг рапортларидан кўриниб турибдики, ўн минг кишилик душман корпуси Петербург йўлига қараб ҳаракат қилмоқда. Бир неча минг кишидан иборат бошиқа бир отряд Дмитровга бостириб бормоқда. Учинчи отряд Владимир йўли билан олга томон силжимоқда. Хийла катта бўлган тўртинчи отряд Руза билан Можайск орасида турибди. Наполеоннинг ўзи 25-сентябргача Москвада бўлган экан. Барча бу маълумотлардан кўриниб турибдики, душман ўз кучини катта-катта отрядларга бўлиб юборган, Наполеоннинг ўзи гвардияси билан Москвада турибди, модомки шундай экан, қаршингизда турган душман кучи катта бўлиши ва сизнинг хужум бошлаб юборишингизга имконият*

бермаслиги мумкинми? Аҳвол шундай экан, душман қўл остингиздаги армияга нисбатан хийла заиф бўлган корпус ёхуд отряд билан сизни таъқиб қилиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Сиз шу вазиятдан фойдаланиб, ўзингизга нисбатан заиф бўлган душманга муваффақиятли тарзда ҳамла қилиб уни қириб юборишингиз ё, ҳеч бўлмаса, чекинишига мажбур қилиб, ҳозир душман ишғол қилган губерниянинг муҳим қисмини қўлимизда сақлаб қолишингиз ва шу билан Тула ва бошқа шаҳарларимизга таҳдид солаётган хавфнинг олдини олишингиз мумкин эди. Шунинг билан, агар душман Петербурга каттагина бир корпус юбориб, озгина аскар билан қолган пойтахтни таҳликага солмоқчи бўлса, бунинг масъулияти сизнинг гарданингизда бўлади, чунки қўл остингиздаги армия билан шиддатли ва қатъий ҳаракат қилиб, бу янги фалокатнинг олдини олишига сизда ҳамма имкониятлар бор. Москвани қўлдан берганингиз учун ҳали таҳқирланган ватанимиз олдида қарздор эканингиз эсингиздан чиқмасин. Ўз тажрибангиздан билардингизки, мен сизнинг хизматларингизни тақдирлашга ҳамisha ҳозирман. Ҳозир ҳам сизнинг хизматларингизни тақдирлашга тайёрман, лекин мен ва Россия сизнинг дурустроқ гайрат ва қатъият кўрсатиб, муваффақиятлар қозонишингизга умид бозлашга ҳақлимиз, сизнинг ақл-идрокингиз, ҳарбий истеъдодингиз, қўл остингиздаги қўшинларнинг ишжосати шундан далолат бериб турибди».

Бироқ кучларнинг нисбатидаги ўзгариш Петербургда ҳам аллақачон ўз аксини топганини тасдиқлайдиган бу мактуб етиб келмасданоқ Кутузов ўз кўмондонлиги остидаги армияни энди ҳужумдан сақлай олмади ва жанг бошланиб кетди.

Шаповалов деган казак 2-октябрда разведкага бориб ўрмонда бир куённи отди ва иккинчисини ярадор қилди. Шаповалов ўқ теккан куён орқасидан қувиб, ўрмон ичига кириб кетди ва кўкқисдан Мюрат армиясининг беҳавотир ётган сўл қанотига дуч келиб қолди. Кейин у французларнинг қўлига асир тушаёздим деб кула-кула бу воқеани ўртоқларига гапириб беради. Бу сўзни эшитиб қолган

хорунжий¹ дарров командирга хабар берди.

Казакни чақирйшди, сўраб-суриштиришди; казак командирлари бу воқеадан фойдаланиб, французларнинг отларини кўлга киргизмоқчи бўлишди, бироқ армиядаги оддий рутба кишилар билан танишлиги бўлган бир командир бу гапдан штабда хизмат қилувчи генерални огоҳлантириб қўйди. Армия штабидагиларнинг ораси сўнгги вақтларда жуда бузилиб қолган эди. Шу воқеадан бир неча кун бурун Ермолоз Бенигсеннинг олдига келиб, бир амаллаб бош кўмондонни йўлга солишини ва ҳужум бошлаб юборишга уни кўндиришни ўтиниб сўраган эди. Бенигсен унга жавобан шундай деди:

– Сизни танимаганимда сўраётган нарсангизга ўзингизнинг раъйингиз йўқ деб ўйлар эдим. Биласиз-ку, мен Кутузовга нима маслаҳат берсам, у дарҳол унинг тескарисини қилади.

Казаклар келтирган хабар ва махсус юборилган отряднинг бу хабарни тасдиқлаши воқеалар қиёмига етганини кўрсатарди. Таранг тортилган тор маромига етиб парраги пилдиради ва жаранглаб жом чала бошлади. Ўзининг бутун зоҳирий ҳокимияти, ақл-идроки, тажрибаси, одамшунослигидан қатъи назар Кутузов подшоҳга шахсан маълумот юбориб турган Бенигсеннинг хатини, барча генераллар ҳам шу хатда ифода этилган нарсани талаб этиб турганини, подшоҳнинг ҳам хоҳиши тахминан шу эканини ва казаклар келтирган маълумотни эътиборга олиб, содир бўлиши муқаррар бўлган ҳаракатнинг олдини ололмади ва ўзи беҳуда ва зарарли деб ҳисоблаган буйруқни берди, яъни содир бўлган воқеага фотиҳа бериб юборди.

IV

Бенигсеннинг ҳужум бошлаш зарурлиги ҳақида юборган мактуби билан французларнинг сўд қаноти очиқ эканлиги ҳақида казаклар келтирган хабар ҳужум бошлаш зарурлигини кўрсатадиган сўнгги аломатлардан бири эди ва

¹Хорунжий – подпоручик унвонига тенг офицер.

5-октябрда хужум бошлашга жазм килинди.

Кутузов 4-октябрда эрталаб диспозицияни имзолади. Толь уни Ермоловга ўқиб берди ва бундан буёнги буйруқларни бериб туришни унга тавсия қилди. Ермолов:

– Майли, майли, ҳозир бош қашлашга ҳам фурсати йўқ, – деб уйдан чиқиб кетди. Толь томонидан тузилган диспозиция жуда яхши эди. Немис тилида ёзилмаган бўлса ҳам, лекин Аустерлиц диспозицияси сингари: «Биринчи колонна фалон ва фалон ерга, иккинчи колонна фалон ва фалон ерга» ва ҳоказо деб ёзилган эди. Қоғозда бу колонналар ҳаммаси белгиланган вақтда ўз ўринларини ишғол қилиб, душманни тор-мор келтирар эди. Ҳамма диспозициялардаги сингари бунда ҳам ҳамма нарса батафсил кўзда тутилган эди, лекин бошқа ҳамма диспозициялардаги сингари бирон колонна белгиланган вақтда ўз жойига келиб туролмади.

Диспозиция керакли миқдорда тайёр бўлгандан сўнг уни амалга ошириш учун офицер орқали Ермоловга юборишди. Кутузовнинг ординареци, ёш кавалергард офицери, шундай муҳим топшириққа сазовор бўлганидан мамнун бўлиб, Ермоловнинг уйига қараб йўл олди.

– Чиқиб кетувдилар, – деди Ермоловнинг деншиги. Кавалергард офицери у ердан чиқиб бир генералнинг олдига борди, Ермолов шу ерга тез-тез бориб тургувчи эди.

– Келгани йўқ, генерал ҳам уйда эмас, – дейишди.

Кавалергард офицери отга миниб, бошқа бир генералнинг олдига борди.

– Генерал уйда йўқ, чиқиб кетган, – деб жавоб беришди у ерда ҳам.

«Кечикканим учун тағин балога қолмайин! Ҳай аттанг!»

– деди ичида офицер ва бутун лагерни кезиб чикди. Биров Ермоловни кўрдим, бошқа генераллар билан қаёққадир ўтиб кетди деса, бошқа биров яна уйига қайтиб кетган бўлса керак, деди. Офицер тушлик қилмасдан, кечкурун соат олтигача қидирди. Ермолов йўқ ва унинг қаердалигини ҳеч ким билмас эди. Офицер ўртоқларининг олдига кириб, наридан-бери овқатланиб олди-ю яна авангард қисмга томон – Милорадович хузурига томон отини қамчилади. Мило-

радович ҳам уйда экан, лекин у ерда, Милорадович генерал Кикиннинг бал-зиёфатига кетган, эҳтимол, Ермолов ҳам ўша ерда бўлса керак, деган гапни эшитди.

– Балнинг ўзи қаерда бўлаётибди? – деб сўради офицер.

– Ҳу анави ерда, Ечкинда, – деди казак офицери узоқдан кўринаётган помешчик ҳовлисига ишора қилиб.

– Бу қандоқ бўлди, қўшин цепининг нариги тарафидами?

– Цепга икки полк аскар жўнатишди. Ҳозир у ерда иш гумбур! Иккита оркестр, учта ашулачилар гуруҳи ҳам келган.

Офицер цепнинг нариги тарафига, Ечкинга қараб кетди. Помешчик уйига яқинлашган сайин, узоқдан аскарларнинг жўр бўлиб айтаётган шўх рақс куйларини эшитди.

Одамларнинг шовқин-сурони, қийқириги орасидан онда-сонда:

– «Воолузях... воолузях!» – деган садолар хуштак аралаш эшитилиб қоларди. Бу товушларни эшитиб офицернинг таъби очилди, лекин шу билан бирга муҳим топшириқни ўз вақтида бажо келтирмагани учун ваҳимага тушди. Соат тўққизларга яқин эди. Офицер отдан тушди-да, помешчикнинг руслар билан французлар цели орасида омон қолган каттакон кўрасининг зинапоясига чиқди. Буфет ва даҳлизда вино ва таом кўтарган малайлар ивирсиб юрган эди. Деразалар оёғида кўшиқчилар туришарди. Офицерни ичкарига олиб киришди. У ерда армиянинг барча казо-казо генераллари, каттакон гавдаси билан булардан ажралиб турган Ермолов ўтирган эди. Генераллар сюртуқларининг ёқасини ечиб ташлаган, юзлари қизарган, кайфлари чоғ эди, ярим доира шаклида туриб хахолаб кулмоқда, залнинг ўртасида ёвоқлари қизариб кетган, ўрта бўйли келишгангина бир генерал чакқонлик билан трепак мусиқасига ўйин тушмоқда эди.

– Ҳа-ҳа-ҳа! Кам бўлманг, Николай Игнатович! Ҳа-ҳа-ҳа!

Кавалергард офицери шундай бир дақиқада муҳим буйруқ билан келгани учун ўзини икки қарра гуноҳкор

сезиб, бир оз сабр қилиб турмоқчи бўлди, бироқ генераллардан бири уни кўриб қолди-ю, нима учун келганини билиб, Ермоловга хабар берди. Ермолов қош-қовоғини солиб, офицернинг олдига келди ва сўзларини тинглаб бўлгач, индамасдан унинг қўлидаги қоғозни олди.

Шу куни кечкурун кавалергард офицернинг штабдаги бир ўртоғи Ермолов ҳақида гапириб, шундай деди:

– Ермолов билмасдан уйдан чиқиб кетган деб ўйлайсанми? Буларнинг ҳаммаси вайранг. У атайлаб кетган. Ковновицинни қўлга туширмоқчи. Эртага қанақа ҳангомалар бўлишини кўрамиз!

V

Эртасига эрталаб шарти кетиб парти қолган Кутузов ўрнидан турди, ибодат қилиб кийинди ва ўзи маъқул кўрмаган жангга раҳбарлик қилиши кераклигидан таъби хира бўлиб, коляскага тушди-да, Тарутинодан беш чақирим беридаги Леташевкадан чиқиб, хужумчи колонналар тўпланиши керак бўлган жойга қараб йўл олди. Кутузов гоҳ пинакка кетиб, гоҳ уйғониб, ўнг томондан милтик садолари чиқаётгани йўқми, хужум бошланиб кетмадими, деб тингшаниб бормоқда эди. Лекин хозирча ҳамма ёқ жимжит. Куз фаслининг рутубатли ва туманли тонги энди ёришиб келмоқда эди. Тарутинога яқинлашиб қолганда Кутузов отларни суғоргани йўлни кесиб ўтган суворийларни кўриб қолди. У коляскани тўхташиб уларга диққат билан қаради ва қайси полкдан бўласизлар, деб сўради. Бу суворийлар аллақачон илгарилаб бориб, пистирмада туриши керак бўлган полкдан экан. «Балки, янглипишгандир», – деди ичида кекса бош кўмондон. Бироқ озгина юрган Кутузов яна милтикларни бир-бирига суяб қўйиб, бўтка пипириш, ўтин ташип билан овора бўлиб иштончан юрган пиёда аскарлар полкининг аскарларига дуч келиб қолди. Офицерни чақириб келишди. Офицер хужум ҳақида ҳеч қандай буйруқ олмаганини айтди.

– Нега энди буй... – деб Кутузов сўз бошламоқчи бўлди-ю, яна жим қолди ва, – катта офицерни чақиринглар, – деб буюрди. Ўзи коляскадан тушиб, бошини куйи солган холда

харсиллаганича индамасдан, нари-бери юриб, катта офицерни кута бошлади. Чақирилган офицер – бош штаб офицери Эйхен ҳозир бўлганда Кутузов тутакиб кетди; бу ишда офицер айбдор бўлгани учун эмас, балки ғазабини тўкиб солишга бу одам кулай келиб қолган эди. Чол титраб-қақшаб, бўғилиб, ғазабдан ўзини ерга ташлаб юборган вақтидагина рўй берадиган ҳолатга тушди, қўлини пахса қилиб, шалоқ сўзлар билан сўкиб Эйхенга ёпиша кетди. Жанжал устига келиб қолган, бегуноҳ капитан Брозин ҳам худди шу ҳақоратларни эшитди.

– Бу муттаҳам ким? Отиб ташлаш керак! Аблахлар! – деб Кутузов қўлини пахса қилиб гандираклаб, хириллаган товуш билан бақирди. У жисмоний азоб чекмоқда эди. Бош кўмондон ва буюк княздай одам ҳамманинг оғзидан, шу чоғгача Россияда ҳеч кимнинг ҳукми сизнинг ҳукмингизча ўтқир бўлгани йўқ, деган гапни эшитиб юрган одам наҳотки бутун армия олдида шу аҳволга тушса, уни калака қилишса! «Бугунги кун ҳақида шунча ташвишлар тортиб ибодат қилганим, кечаси билан мижжа қоқмай, ҳамма нарса ҳақида ўйлаб чиққаним бекорга кетди!» – деб ўйлади Кутузов. – Ёшгина йигит – офицер бўлганимда ҳеч ким мени бунчалик калака қилишга журъат этолмаган бўлар эди... Энди-чи!» У калтакланган киши сингари жисмоний азоб чекар ва бу азобни ғазаб ва изтироб билан қичқириб ифодалашдан бўлак илож тополмас эди. Бироқ кўп ўтмай, унинг куч-қуввати кетди, у ёқ бу ёққа қараб, кўп беҳуда сўзлар айтиб қўйганини сезиб, коляскага чикди-да, индамай оркага қайтди.

Бир қайнаб тошган ғазаб иккинчи қайтиб келмади ва Кутузов киприкларини пирпиратиб ўзларини оқлаш ва ҳимоя этишга уринаётган кишиларнинг сўзларини тинглади (Ермоловнинг ўзи фақат эртасига Кутузов олдига келди), Бенигсен, Коновницин ва Толнинг бутун амалга ошмаган хужумни эртага амалга ошириш мумкин, деган фикрларига кулоқ солди. Кутузов яна уларнинг фикрига қўшилишга мажбур бўлди.

VI

Кўшинлар эртасига кечки пайт, белгиланган жойга тўпланди ва тун конроғисида йўлга чиқди. Куз, қоранофармон булутлар сузиб юрган бўлса ҳам, ёмғир ёғаётгани йўқ. Ер нам, аммо лой эмас. Кўшинлар жимгина бормоқда, фақат онда-сонда артиллериянинг шалдир-шуддури эшитиларди, холос. Қаттиқ гапириш, чақмоқтош чақип ман этилган; отларни ҳам кипнагани кўйинмасди. Ҳамма иш махфий равишда бўлаётганини кўриб одамларнинг мароқ ва қизиқиши янада ошиб борарди. Аскарлар шод-хуррамликда одим отмоқда. Баъзи колонналар манзилга етдик деб гумон қилиб, милтиқларини бир-бирига суяб, зах ерга чўзилишди; баъзи бир (кўпчилик) колонналар тун бўйи юриб, афтидан, манзилга эмас, бошқа ёққа кетиб қолишди.

Фақат граф Орлов Денисов белгиланган вақтда ўз қазақлари (бошқа отрядларга нисбатан энг кичик бўлган отряд) билан белгиланган жойга етиб келди. Бу отряд ўрмоннинг четида, Стромилowo кишлоғидан Дмитровскоега борадиган сўкмоқда тўхтади.

Тонготарда кўзи энди уйкуга илинган граф Орловни уйғотишди. Французлар лагеридан қочиб ўтган бир одамни олиб келишди. Бу қочоқ Понятовский корпусида хизмат қилиб юрган бир поляк унтер-офицери эди. Унтер-офицер нима учун қочганини поляк тилида гапириб берди: унга нисбатан адолатсизлик қилишди; у офицер деган унвонга аллақачонлар эга бўлиши керак экан, ҳаммадан жасурроқ экан, шунинг учун улардан аламини олмоқчи бўлиб қочибди. Унтер-офицер, Мюрат бир қақирим нарида тунаган, юзта соқчи кўшиб берсаларинг, уни тириклай олиб келардим, деган гапни айтди. Граф Орлов Денисов шериклари билан маслаҳатлашиб кўрди. Бу таклиф кишини жуда қизиқтирадиган ҳамда рад этиб бўлмайдиган таклиф эди. Ҳамма талабгор бўлди. Ҳамма таваккал қилиб кўришни маслаҳат берди. Узоқ баҳс-мунозара ва мулоҳазалардан сўнг генерал-майор Греков унтер-офицерни олиб иккита казак полки билан бормоқчи бўлди.

Граф Орлов Денисов унтер-офицерига жавоб бераркан,

шундай деди:

– Ҳой, шуни билиб қўй, – агар ёлғон гапирган бўлсанг, итдай осиласан, агар гапинг рост бўлса, юз сўм оласан.

Унтер-офицер қарори қатъийлигини кўрсатувчи бир қиёфада индамай бу сўзларни тинглади ва отга миниб бирпасда ҳозирланган Греков билан кетди. Улар ўрмонга кириб, кўздан ғойиб бўлишди. Граф Орлов ёришиб келаётган тонг салқинидан қунишиб, Грековни жўнатиб бу ишнинг масъулиятини ўз гарданига олганидан хаяжонланган ҳолда ўрмондан чиқди ва тонг ёруғида ҳамда ёниб битаётган гулханларнинг шуъласида минг тусга кириб кўзга ташланаётган душман лагерига синчиклаб қарай бошлади. Колонналаримиз граф Орлов Денисовнинг ўнг томонида, тақир ён бағирликда кўриниши керак эди. Граф Орлов ўша томонга қаради, бироқ узоқдан кўриш мумкин бўлган бу колонналардан дом-дарак йўқ эди. Граф Орлов Денисовнинг назарида французлар лагерига ҳаракат бошлагандай бўлиб кўринди ва буни унинг ўткир кўзли адъютанти тасдиқлади.

– Ҳай, аттанг, фурсат ўтганга ўхшайди, – деди граф Орлов душман лагерига қараб. Одатда сўзига ишонган кишимиз кўз олдимиздан ғойиб бўлганда сўзига шубҳа тутилганидек, бу унтер-офицернинг ёлғончи экани, буларни алдагани, икки полк аскарнинг йўқлиги (худо билади, унтер-офицер уларни қаёққа олиб боради), хужумга ёмон таъсир қилиши бирдан граф Орловга равшан бўлди-қолди. Наҳотки шунча катта қўшин орасидан бош кўмондонни олиб қочиб бўлса!

– Бу итвачча чинданам алдаб кетди! – деди граф Орлов Денисов.

Граф Орлов сингари бу ишдан юраги ғаш бўлиб юрган бир офицер душман лагерига назар солиб:

– Қайтарсак ҳам бўлади, – деб қолди.

– А? Ростданми? Сиз нима дейсиз, кетаверишсинми? Ё қайтарайликми?

– Қайтарилсинми?

– Қайтарилсин, қайтарилсин! – деди бирдан граф Орлов соатига қараб кескин тарзда. – Кейин кеч бўлади. Кун

бутунлай ёришиб қолди.

Адъютант ўрмон оралаб Грековнинг кетидан от қўйиб кетди. Греков қайтиб келгандан кейин граф Орлов Денисов амалга ошмай қолган бу ташаббусдан, пиёда аскарлар колоннасидан дом-дарак йўқлигидан ва душмanning яқинлигидан ҳаяжонга келиб (унинг бутун отряди шу аҳволда эди) ҳужум бошлашга қарор берди.

У шивирлаб: «Отлан!» деб буйруқ берди. Ҳамма ўз жойига бориб турди, чўқинди...

– Худо ёр бўлсин!

«Урааааа!» деган садо ўрмонда янграб кетди-ю, казак гуруҳлари худди қондан тасир-тусур тўкилаётгандай, бирин-кетин от қўйиб, найза ўқталганларича сойдан ўтиб душман лагерига томон кетишди.

Казакларни ҳаммадан олдин кўрган бир французнинг кўтарган фарёди масалани ҳал қилди-қўйди. Лагердагиларнинг ҳаммаси ваҳимага тушиб, уйку аралаш, қўйлақчан тўп-у тўпхонаси ва от-аравасини ташлаб, боши оққан томонга қараб кочди.

Казаклар орқадаги, теваарак-атрофдаги нарсаларга эътибор бермасдан французларнинг кетига тушганда Мюратни ҳам, ўша ердаги ғаниматларни ҳам қўлга туширишарди. Бошлиқларнинг муроди шу эди. Бирок асир ва ўлжа олишга ўч бўлган казакларни жилдириш амримаҳол бўлиб қолди. Ҳеч ким буйруққа кулоқ солмай қўйди. Бирпасда бир минг беш юз киши асир олинди, ўттиз саккиз тўп, байроқлар, казаклар учун ҳаммадан ҳам зарур бўлган нарса от-эгар, кўрпа-ёстик ва бошқа буюмлар қўлга киритилди. Бу нарсаларнинг ҳаммасини бир ёқлик қилиш керак эди: асирларни, тўпларни саранжом қилмоқ, ўлжаларни тақсимламоқ, бақариб-чақиришиб, ҳатто бир-бирлари билан муштлашмоқ керак эди: казаклар мана шу ишлар билан овора бўлиб қолишди.

Французлар душман таъқиб қилмаганидан кейин, эс-хушларини йиғиб олдилар ва колонналарга бўлиниб, ўқ ота бошладилар. Орлов Денисов колонналарнинг ҳаммаси етиб келсин деб ҳужумни давом эттирмай турди.

Бу орада Бенигсеннинг буйруғи остидаги Толь бошқарган ва кечикиб қолган колонналарнинг пиёда аскарлари «Биринчи колонна фалон жойга боради» ва ҳоказо деб ёзилган диспозицияга мувофиқ йўлга чиқдилар ва одатдагича, белгиланган жойга эмас, балки тамоман бошқа жойга бориб қолдилар. Кўтаринки рух билан йўлга тушган одамлар, одатдагича, бирдан тўхтадилар, норозилик товушлари эшитила бошлади, бир чалкашлик юз берганини сезган одамлар қаёққадир, орқа томонга қараб юра бошладилар. От қўйиб ўтиб кетган адъютант ва генераллар қичқиришар, тажанг бўлишар, баҳс-мунозара қилишарди, белгиланган жойни қўйиб, бошқа ёққа келиб қолганларини ва хужумга кечикканларини айтиб, кимнидир сўқишарди ва ҳоказо; ниҳоят ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлди ва қаёққа бўлса ҳам, барибир, бирон ерга етиб борамиз, деб юра бошлади. Ҳақиқатан ҳам, белгиланган жойга эмас, бошқа ёққа етиб келишди, баъзи бирлари ўша жойга етиб борган бўлса ҳам, шу қадар кечикиб бордиларки, уларнинг келишидан ҳеч қандай фойда чиқмади ва бекордан бекорга душман ўқиға дучор бўлишди. Аустерлиц жангида Вейротер ўйнаган роли бу жангда ўйнаётган Толь зўр бериб бир жойдан иккинчи жойга от чоптириб борар, ҳамма ерда иш тескари бўлиб чиққанини кўрарди. Толь шу тарзда от чоптириб юриб, энди қоронғи туша бошлаганда, ўрмонда, Багтовут корпусига дуч келиб қолди, бу корпус аллақачон Орлов Денисовнинг колонна-сига бориб қўшилиши керак эди. Иши ўнгидан

келмагани учун кайфи бузилган ва ҳаяжонга тушган Толь бу ишда бирон киши айбдор бўлиши керак деб гумон қилиб, корпус командири олдиға от қўйиб кетди ва бу қилган ишинг учун сени отиб юбориш керак, деб унга дўк қила бошлади. Бу ўринсиз тўхташлар, чалкашликлар, қарама-қарши гаплар жонига теккан кекса, жанговар, вазмин генерал Багтовут, ҳаммани ҳайратда қолдириб, ўз феъл-атвориға хилоф равишда ғазабға келди ва Толға аччиқ-аччиқ сўзларни айтди.

– Мен ҳеч кимдан сабоқ олмоқчи эмасман, керак бўлса аскарларим билан бирга жон фидо қилишда бошқалардан

қолишмайман! — деди ва бир дивизия аскар билан олға қараб кетди.

Француз ўқлари ёғилиб турган майдонга чиққач, ҳаяжонланган жасур Багговут битта дивизия билан шу тобда жангга киришим бирон фойда берадимми-йўқми, деб ўйлаб ўтирмасдан, ўз аскарларини тўғри душман ўқи остига олиб кирди. Ғазаби қайнаб турган чоқда унга энг керакли нарса — тўплар ва милтиклардан ёғадган ўқлар эди. Душманнинг биринчи ўқи уни ўлдирди, кейинги ўқлар жуда кўп аскарларни ерга кулатди. Унинг дивизияси ҳеч қандай фойда келтирмасдан бир канча вақт душман ўқи остида туриб қолди.

VII

Бу орада бошқа бир колонна рўпарадан — фронтдан душманга ҳамла қилиши керак эди, лекин у колоннада Кутузовнинг ўзи бор эди. Ўз хоҳишидан ташқари бошланган бу жангдан чалкашлиқдан бошқа ҳеч нарса чиқмаслигини Кутузов жуда яхши биларди ва шунинг учун қўлдан келганча қўшинларни ҳужумдан сақлашга тиришди. У ўрнидан кўзгалмади. У кичкина кулранг отида индамай бораркан, душманга ҳамла қилиш керак, деган таклифларга эринибгина жавоб берарди.

— Ҳужум қилиш керак деб айтасиз-у, лекин мураккаб манёврага ожизлик қилишимизни кўрмайсиз, — деди Кутузов душманни таъқиб этишга ижозат сўраётган Милорадовичга қараб.

— Эрталаб Мюратни тириклай ушлаб келиш, белги-ланган ерга ўз вақтида етиб бориш қўлларингдан келмадимми, энди бўлди, тек ўтиринглар! — деди у яна бошқа бир офицерга.

Французларнинг орқа томонида, қазақлар келтирган маълумотга кўра, илгари ҳеч ким йўқ эди, ҳозир ўш ерда икки поляк полки пайдо бўлиб қолибди, деган хабарни Кутузовга етказганларида Ермоловга хўмрайиб қаради (кечадан бери Кутузов у билан гаплашгани йўқ эди).

— Ҳужум бошлаймиз деб қисташади, ҳар хил лойиҳалар

таклиф қилишади, аммо иш бошланиши билан маълум бўладики, ҳали ҳеч нарса тайёр эмас ва бизнинг ҳаракатимиздан оғоҳ бўлган душман аллақачон тегишли чораларни кўриб қўйибди.

Ермолов бу сўзларни эшитиб, кўзини қисди ва хиёл жилмайиб қўйди. У Кутузовнинг ғазаби босилганини чол энди шу сўзлар билангина кифояланишини билди.

Ермолов ёнида турган Раевскийни тиззаси билан туртиб:

– Бу гапларни менга шама қилиб гапиряпти, – деди секин.

Шундан сўнг кўп ўтмай Ермолов олдинга чиқди ва Кутузовнинг рўпарасида туриб эҳтиром-ла деди:

– Жаноби олийлари, фурсат ўтгани йўқ, душман ҳали шу ерда. Хужумга рухсат берсангиз. Бўлмаса, гвардия тутунни ҳам кўрмай қолади.

Кутузов индамади, лекин Миоратнинг кўшинлари чекиняпти, деб хабар келгандан сўнг хужум бошлашга буйруқ берди; буйруқни беришга берди-ю, лекин ҳар юз кадамда чорак кам бир соат тўхташга тўғри келди.

Бутун хужум Орлов Денисов казакларининг қилган ишидан иборат бўлди, қолган кўшинлар бекордан бекорга юзларча кишини йўқотди, холос.

Бу жанг учун Кутузов «Олмос нишон»ини олди, Бенигсен «Олмос нишони»ни ва юз минг сўм пул олди, бошқалар ҳам ўз унвонларига мувофиқ, жуда кўп яхши нарсалар олишди ва шу жангдан сўнг штабда яна янги ўрин алмаштиришлар – ўзгаришлар юз берди.

Тарутино жангидан сўнг рус офицер ва генераллари: «Бизда ҳамма вақт мана шунақа бўлади, ҳамма нарсанинг тескараси бўлади», дейишарди. Ҳозир ҳам худди шундай, тепада ўтирган қайси бир каллаварам шунақа тескари ишлар қиляпти, биз эса бунақа қилмас эдик, дейишади. Бироқ шундай дейдиган одамлар ё нима ҳақда гапирётганини билишмайди ё атайлаб ўзларини алдашади. Ҳар қанақа жанг ҳам, Тарутино, Бородино ва Аустерлиц жанги бошликлар мўлжаллаганича бўлган эмас. Жангнинг муҳим шарти ҳам

шу.

Жангнинг йўналишига сон-саноксиз эркин кучлар (одам ҳеч қачон ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган жанг вақтидаги сингари эркин бўлмайди) таъсир қилади ва бу йўналиш ҳеч қачон олдиндан маълум бўлмайди ҳамда ҳеч вақт маълум бир кучнинг йўналишига уйғун келмайди.

Агар бир жисмга айни бир вақтда турли йўналишда ҳаракат қилаётган жуда кўп куч таъсир этса, бу жисмнинг ҳаракати бу кучларнинг биронтасининг ҳаракатига уйғун келмайди, балки бу ҳаракат доим энг қисқа, энг ўрта бир йўналишда бўлади ва бу ҳаракат механикада кучлар параллелограммасининг диагонали билан ифодаланади.

Агар биз тарихчиларнинг, хусусан, француз тарихчиларининг номаларида уруш ва жанглар олдиндан тузилган режаларга мувофиқ юз берганини учратсак, бундан фақат биригина хулосага – бу номалар нотўғри деган хулосага келишимиз мумкин.

Маълумки, Тарутино жангида Толь кўзда тутган мақсадга: қўшинларни диспозицияга мувофиқ жангга киргизиш мақсадига эришгани йўқ; граф Орлов Денисов ҳам кўзда тутган мақсадга: Мюратни асир олиш мақсадига эришолмади ёки Бенигсен ва бошқаларнинг кўзда тутган ниятлари: душман корпусини бир лаҳзада қириб ташлаш ниятлари ҳам амалга ошмади ё жангда қатнашиб ўзини кўрсатмоқчи бўлган офицернинг ордуси ҳам, ёхуд қўлга қиритганидан кўра кўпроқ ўлжа олмақчи бўлган казакнинг тилаги ҳам амалга ошмади ва ҳоказо. Лекин агар жангдан мақсад ҳақиқатан рўй берган нарса бўлса ва барча русларнинг ўша вақтдаги орзу-умиди французларни Россиядан қувиб чиқариш ва уларнинг армиясини қириб ташлаш бўлса, унда масала равшан: Тарутино жанги тахминга мос бўлмаганлиги уруш кампаниясининг ўша даврида жуда керакли жанг бўлган эди. Бу жанг натижасидан кўра мақсадга мувофиқ бир натижа бўлиши қийин ва мумкин эмасди. Кўп куч сарф қилмай ҳамма нарса чувалиб кетган бир пайтда озгина талафот бериб бутун уруш кампанияси учун энг буюк натижалар қўлга қиритилди: чекинишдан ҳужумга ўтилди, фран-

цузларнинг заифлиги фoш қилинди ва Наполеон армиясининг қочиши учун керак бўлиб турган ўша туртки берилди.

VIII

Наполеон пордоқ Москва музаффариятидан сўнг Москвага киради; ғалабага шакшубҳа бўлиши мумкин эмас, чунки жанг майдони французлар қўлида қолади. Руслар чекиниб пойтахтни душманга бериб кетишади. Озиқ-овқатга, асбобаслаҳага, битмас-туганмас бойликка тўла Москва Наполеон қўлига ўтади. Француз қўшинларига нисбатан икки ҳисса заиф бўлган рус қўшинлари бир ой мобайнида душманга ҳамла қилишга бирон марта ҳам уринишмайди. Наполеоннинг аҳволи жудаям яхши. Икки ҳисса ортиқ куч билан рус армиясининг қолдиғига ҳужум қилиш, уни тормор келтириш, энг қулай сулҳни таклиф қилиш ёки рад жавоби олинган тақдирда Петербургга томон таҳдидомуз ҳаракат қилиш, ҳатто иш ўнгидан келмай қолганда Смоленскка ё Вильнога қайтиш ёхуд Москванинг ўзида қолиш, ҳуллас, француз қўшинларининг ўша вақтдаги қулай вазиятини сақлаб қолиш учун махсус даҳо керакмасга ўхшайди. Бунинг учун энг оддий ва энг осон бир ишни қилиш: аскарларнинг талончилик қилишига йўл қўймаслик, Москвадан бутун армия учун етарли даражада топиладиган қишқи кийим-кечакни ғамлаш (француз тарихчиларининг ёзишларига қараганда), бутун қўшинга ярим йилдан ортиқроқ муддатга етадиган озиқ-овқатни Москвада тўғри жамғариш кифоя этади. Тарихчиларнинг даъвосига кўра, дохйларнинг дохйиси бўлган ва қўшинларнинг ҳукми қўлида бўлган Наполеон бу ишларнинг биронтасини ҳам қилмади.

Наполеон буларнинг биронтасини қилмади, аксинча ўз ҳукмини олдида турган фаолияти йўлларидан энг беҳудасини ва энг хатарлисини танлашга ишлатди. У Москвада қолиши, Петербург устига юриши, Нижний Новгородга қараб ҳаракат қилиши, орқага, шимолроққа ёки кейин Кутузов юрган йўл билан жануброққа юриши мумкин эди, бироқ Наполеон бу имкониятларнинг биронтасидан фойда-

ланмасдан энг ахмоқона, энг хатарли ишни килди: яъни кўшинларга шаҳарни талагани ижозат бериб, октябргача Москвада қолди, кейин, иккиланиб, гарнизонни¹ шаҳарда қолдириб, Москвадан чиқди. Кутузов армиясига яқинлашиб ҳам жанг бошламади, ўнга юриб, Малоярославлга чиқди, ўзига яна йўл очиш учун таваккал қилиб кўрмасдан Кутузов юрган йўл билан эмас, балки талон-торож бўлган Смоленск йўли билан юриб Можайскка қайтди, бундан беҳуда, кўшин учун бундан хатарли нарсани ўйлаб топиш кийин эди ва натижалар ҳам шуни кўрсатди. Боринг, энг мохир стратеглар Наполеоннинг мақсади ўз армиясини тор-мор келтиришдан иборат эди, деб тасаввур қилсинлар, рус кўшинлари кўраётган тadbирларга мутлақо алоқаси бўлмаган, бутун француз армиясини Наполеоннинг ўзи ҳалок этгани сингари таҳликали бошқа бир қанча ҳарбий ҳаракатларни ўйлаб чиқарсинлар.

Доҳий Наполеон шу ишни қилди. Лекин Наполеон ўз армиясини ўз ихтиёри билан ҳалок этди ёки ўтакетган ахмоқ бўлгани учун шундоқ қилди деб айтиш, Наполеон ўз кўшинларини ўз ихтиёри билан

Москвага олиб келди, чунки у жуда доно ва доҳий эди, деган гапга ўхшаш тутуруқсиз гапдир.

Иккала ҳолатда ҳам Наполеоннинг ҳар бир аскарнинг шахсий фаолиятидан кучли бўлмаган шахсий фаолияти ходи-салар жараёнининг қонунига уйғун келиб қолган, ҳолос.

Тарихчилар (сўнгги ходисалар Наполеоннинг фаолиятини окламагани учунгина) Наполеоннинг кучлари Москвада заифлашиб қолган эди, деган гапни айтадилар, бу мутлақо ёлғон. Наполеон 1812-йилда ҳам, илгари ҳам, кейин ҳам, ўн учинчи йилдаги сингари бутун куч-қувват ва маҳоратини армияга қулай шароит туғдириш учун сарф қилган эди. Наполеоннинг бу даврдаги фаолияти Мисрда, Италияда, Австрияда ва Пруссияда кўрсатган фаолиятидек хайра-

¹ Гарнизон (французча: garnison – таъминламоқ; қуроллантирмоқ) – истехком ёки қалъада доимий ёки вақтинча турадиган ҳарбий қисмлар мажмуи.

томуздир. Ўтган қирк аср унинг улуглигини томоша қилган.

Мисрда Наполеон қай даражада дохийлик кўрсатганини биз билмаймиз; чунки барча бу буюк қахрамонликлар француз муаллифлари томонидан баён этилган. Унинг Австрия ва Пруссияда кўрсатган дохийлиги ҳақида ҳам тўғри баҳо берайламаймиз, чунки Наполеоннинг у ерларда кўрсатган фаолиятига оид маълумотлар француз ва немис манбаларидан олинган, аммо корпусларнинг жангсиз асир тушиши, қалъаларнинг қамалсиз таслим бўлиши каби ақлга сиғмайдиган ишлар немисларни, Германияда олиб борилган урушнинг бирдан бир изоҳи Наполеоннинг дохийлигидир, деб эътироф этишга мажбур қилиши керак эди. Лекин бизнинг ўз айбимизни бекитиш учун унинг дохийлигини эътироф қилишимизга, худога шукур, ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Биз қурбонлар бериб, масалага тўппа-тўғри қараш ҳуқуқига эга бўлганмиз ва бу ҳуқуқни энди қўлдан бермоқчи эмасмиз.

Наполеоннинг Москвада кўрсатган фаолияти бўлса бошқа ҳамма ерда кўрсатган фаолияти каби ҳам ҳайратингиз, ҳам дохиёнадир. Москвага кирган дақиқасидан бошлаб чиқиб кетганига қадар ўтган муддат ичида у кетма-кет буйруқлар беради, кетма-кет режалар тузади. Москва-нинг кимсасиз, бўм-бўш қолгани ҳам ҳеч қандай элчи келмагани ҳам, Москванинг ёнғини ҳам Наполеоннинг парвойига келмайди. У ўз армиясининг фароғатини ҳам, душманнынги ҳаракатини ҳам, Россия халқларининг фароғатини ҳам, Париждаги ишларини идора қилишни ҳам келажак сулҳнинг шартлари ҳақидаги дипломатик ишларни ҳам эътиборсиз қолдирмайди.

IX

Ҳарбий масалага келганда Наполеон Москвага кириши биланок, рус армиясининг ҳаракатидан огоҳ бўлиш тўғрисида генерал Себастианига қаттиқ буйруқ беради, ҳар томонга корпуслар юборади ва Мюратга Кутузовни топасан, деб фармон беради. Кейин Кремль мудофаасини мустаҳкамлаш ҳақида фармойиш беради; ундан сўнг Россия хари-

таси устида бўлажак урушнинг дохиёна лойиҳасини тузади. Дипломатия¹ масаласига келсак, Наполеон мол-мулки тала-ниб, ўзи уводага ўраниб, Москвадан қанақа қилиб чикиб кетишини билмай юрган капитан Яковлевни чақиртириб, унга ўз сиёсати ва олийжаноблигини батафсил баён қилади, кейин император Александрга мактуб ёзиб, унда Растопчиннинг Москвада қилган номуносиб ишларидан дўсти ва биродарини огоҳлантиришни ўз бурчи деб билганини изҳор этади ва бу мактубни Яковлев орқали Петербургга юборади, Наполеон ўз режалари ва олийжаноблигини Туттолминга ҳам айнан шу тарзда баён қилади ва бу чолни ҳам музокара олиб бориш учун Петербургга жўнатади.

Адлия хусусида, ёнгин бошланишидан сўнг дарҳол айбдорларни топиш ва уларни отишни буюради. Бадкирдор Растопчинни жазолаш мақсадида унинг уйига ўт қўйишни амр этади.

Маъмурий масала хусусида, Москвага конституция ҳады қилинади, шаҳар ишларини идора қиладиган муниципалитет² таъсис этилади ва қуйидаги эълон чиқарилади!

«МОСКВА АҲОЛИСИ!»

Сизнинг бошингизга қаттиқ кулфат тушиди, аммо аъло ҳазрат император ва қирол бу кулфатларга хотима бермоқчи. Итоатсизлар ва хиёнаткорлар қай йўсинда жазоланаётганини сиз мудҳиш мисолларда кўрдингиз ва ибрат олдингиз. Тартибсизликка барҳам бериш ва умумий хавфсиз-

¹ Дипломатия (французча: *diplomatie* ёки юнонча: *diploma* – икки букванган қоғоз) – 1) давлатларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги вазибаларнинг амалга ошириш, шунингдек, ҳст элда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги расмий фаолияти. Қадимда Юнонистон ва Римда тахтакач муқова ичига солинган хат элчиларга улар ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиги ёки ҳужжат сифатида тақдим этилган. Бу атама ҳозирги маънода Ғарбий Европада 18-аср охириларидан кенг қўллана бошланган; 2) айрим шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва шу қабиларнинг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган норасмий фаолияти (бу ерига шу маънода келган).

² Муниципалитет (немисча: *Municipalität* ёки лотинча: *municipium* – ўзини ўзи идора қилувчи жамов) – бир қанча мамлакатларда маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқарувчи сайдаб қўйиладиган органларнинг мажмуи.

ликни ўрнатиш учун жисдий тадбирлар қўрилмоқда. Ўзларингиздан сайланган, ўзларингизники бўлган маъмурият – муниципалитетларнинг ёки шаҳар бошқармаларининг бўлади. Бу идора сизларга гамхўрлик қилади, сизларнинг эҳтиёж манфаатларининг учун жсон қуйдиради. Шаҳар бошқармасининг аъзолари бошқалардан ажралиб туриш учун елкалари оша қизил лента тақиб юрадилар, шаҳар ҳокими эса бундан ташқари, яна оқ белбоғ боғлаб юради. Лекин хизмат соатлари тамом бўлганда сўл қўлларига қизил лента тақиб юрадилар.

Шаҳар полицияси илгариги қоидага биноан таъсис этилган, унинг фаолияти натижасида яхшироқ тартиб-интизом жсрий қилинади. Ҳукумат томонидан икки нафар бош комиссар¹ ёки полицмейстер², шаҳарнинг барча даҳаларида йигирмата комиссар ёки даҳа миришаббошиси тайинланади. Сиз уларнинг чап қўлларига боғлаган оқ ленталаридан таниб оласиз. Турли мазҳабдаги баъзи бир ибодатхоналар очилган, уларда ҳеч қандай монесиз муттасил тоат-ибодат давом этмоқда. Ватандошларининг кун сайин ўз манзилларига қайтиб келмоқда, бошларига қора кун тушиган кишилар сифатида уларга ёрдам бериш ва ҳимоя кўрсатиш учун амр-фармонлар берилди. Ҳукумат кўраётган бу тадбирлардан мурод осойишталик ўрнатмоқ ва сизларнинг оғир кунларинини енгиллатмоқдир, лекин бунга эришмоқ учун сизлар ҳам ҳаракат қилишларининг керак, бошларинингга тушиган қора кунни, агар иложи бўлса, унутиб, унчалик ҳам шафқатсиз бўлмаган тақдирнинг лутф-марҳаматига умидвор бўлинг, сизга даҳл қилган ва омон қолган мол-мулкнингизга қўл узатган киши, албатта, шар-

¹ Комиссар (французча: commissaire ёки лотинча: commissarius — вакил қилинган; ваколат берилган) – 1) харбий, ижтимоий-сиёсий ёки маъмурий ваколатларга эга бўлган раҳбар, бошлик; 2) 1918-1942 йилларда Совет ҳукуматиининг армияда командир билан бир қаторда қўшинларининг жаңговарлик ҳобилияти ва сиёсий аҳволи учун тенг даражада жавобгар бўлган сиёсий ходими; 3) айрим хорижий мамлакатларда маъмурий ёки полициячилик вазифаларини бажарувчи мансабдор шахс.

² Полицмейстер (немисча: Polizeimeister – полиция бошлиғи) – Чор Россияси ва баъзи Гурбий Европа давлатларида катта шаҳарлар полициясининг бошлиғи.

мандали ўлимга маҳкум бўлишига ва ниҳоят мол-мулкларинг муҳофаза қилинишига шубҳа қилманг, чунки подшоҳларнинг энг буюк ва энг одили бўлмиш ҳукмдорнинг хоҳиши шудир. Аскарлар ва турли миллатга мансуб бўлган аҳоли! Давлат бахт-саодатининг манбаи бўлган умумий эътимодни қайта тикланг! Ака-укадай бўлиб яшанг, бир-бирларингга ёрдам беринг, бир-бирларингни ҳимоя қилинг, нияти қора кишиларнинг мақсадини рўёбга чиқармаслик учун бирлашинг, ҳарбий ва зайриҳарбий бошлиқларга итоат қилинг ва тезда сизларнинг кўз ёшларинг оқмай қолади».

Кўшиннинг озиқ-овқат масаласига келганда Наполеон барча ҳарбий қисмларга ҳам ўзлари ва ҳам армияни келажакда озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида, навбатманавбат Москва кўчаларида юриб, талончилик қилишни тайинлади.

Диний масалага келганда, Наполеон попларни қайтариб олиб келиш ва черковларда ибодат бошлашни буюрди.

Савдо масаласи ва армияни озиқ-овқат билан таъминлаш хусусида ҳамма жойга қўйидаги эълон ёпиштирилди:

ЭЪЛОН!!!

«Эй Москванинг тинч аҳолиси, бахтсизлик шаҳардан чиқиб кетишга мажбур қилган хунарманд ва ишчилар, эй парокандаликка тушган ва бекордан бекорга қўрқиб шу чоғгача дала-қирларда яшаб юрган деҳқонлар, қулоқ солинг! Пойтахтда осойишталик яна барқарор бўлмоқда, тартиб-интизом қайта тикланмоқ-да. Ҳамшаҳарларинг, уларга нисбатан кўрсатилаётган эъоз-икромни кўриб, бекиниб ётган ерларидан чиқиб келмоқда. Уларнинг шахсиятига ва мол-мулкига қасд этган кишилар дарҳол жазоланади. Аъло ҳазрат император ва қирол уларни ҳимоя қилади, у амрига бўйсунмаганларни истисно қилганда, сизларнинг ораларингдан ҳеч кимни ўз душмани деб билмайди.

Император сизларнинг мусибатларингга хотима бермоқчи, сизларни ўз уй-жойларинг ва бола-чақаларинг олдига қайтармоқчи. Унинг бу эзгу ниятларига лойиқ бўлинг, қўрқиб-нетиб ўтирмасдан қайтиб келаверинг. Эй аҳоли! Ўз манзилларингга-ишонч билан қайтиб келаверинг: эҳтиёж-

ларингни қондириши йўлини ҳадемай топарсиз! Косиблар ва меҳнат дўст ҳунармандлар! Ўз касб-корларингга қайтинг: иморатлар, дўконлар, кўриқчи-қоровуллар сизларга маҳтал; сизлар ўз хизматларингга яраша ҳақ оласизлар! Ҳой деҳқонлар, сизлар ҳам кўрқиб-писиб, ўрмонларда бекиниб ётган ерларингдан чиқинглар, дадиллик билан ўз хонадонларингга қайтинглар! Шунга амин бўлингларки, ҳимоясиз қолмай-сизлар! Шаҳарда омборлар қурилди, деҳқонлар ўз эҳтиёжларидан ортиб қолган дон-дун ва сабзавотларни олиб келиб топширишлари мумкин. Ўз маҳсулотларини эркин тарзда сотгани деҳқонларга имконият тугдирмоқ учун ҳукумат кўйидаги тадбирларни кўрди:

1. Шу бугунги кундан бошлаб деҳқонлар ва Москва атрофида яшайдиган аҳоли ҳеч кўрқмасдан ўз захиралари қанақа бўлмасин, белгиланган икки омборга, яъни Моховая билан Охотний – рядга олиб келишлари мумкин.

2. Бу маҳсулотлар сотувчи ва харидорларнинг ўзаро келишган нархида харид қилинади, лекин агар сотувчи ўзи истаган нархга сота олмаса, унда бу маҳсулотни қишлоғига қайтариб олиб кетишга ҳақли ва ҳеч ким унга қаршилик кўрсатмайди.

3. Ҳар ҳафта икки мартаба, яқшанба ва чоршанба кунлари катта бозор бўлади: шунинг учун ҳам ҳар сешанба ва шанба кунлари шаҳар ташқарисидан маҳсулот ортиб келадиган араваларни кўриқлаш учун барча катта йўлларга керакли миқдорда аскар қўйилади.

4. Шаҳардан қайтиб кетаётган деҳқонларнинг от-араваларини кўриқлаш учун ҳам шу қабилда чоралар кўрилади.

5. Одатдаги савдо-сотиқни тиклаш учун ҳам шошилинч тадбирлар кўрилади. Эй шаҳарликлар ва қишлоқилар, қайси миллатдан бўлманг, хизматчи ва ҳунармандлар Аъло ҳазрат император ҳамда қирол оталик ниятини бажсо келтириш ва умумий осойишталикни таъминлашга ёрдам беришларингни сўрайди. Унинг пойқадамларига эҳтиром ва эътибор билан яқинлашинг ва тезлик-ла бизга қўйилинг!»

Кўшин ва аҳолининг руҳини кўтариш учун устма-уст

кўриклар ўтказилди ва мукофотлар берилди. Император от миниб шаҳар кўчаларини айланди ва халққа далда берди; давлат ишлари билан банд бўлишга қарамасдан ўз амри билан ташкил этилган театрларга борди.

Тождорларнинг энг яхши фазилати ҳисобланган хайрия ишлари масаласида Наполеон қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Етимхоналарнинг эшиги устида «Онагинамнинг макони» деб ёзиб қўйишни буюрди, шу билан у онасига нисбатан бўлган нозик ўғиллик туйғусини подшоҳлик фазилатининг буюклиги билан бирлаштирди. Етимхоналарга борди, ўзи қутқарган етимчаларга оппоқ қўлларини ўптирди, илтифот қилиб Тутолмин билан суҳбатлашди, кейин Тьернинг жуда чиройли қилиб тасвирлаганига кўра, қўшинларга ўзи чиқарган қалбаки рус пуллари билан маош беришни буюрди. Бу тадбирларни ўзи ва француз армиясининг шаънига муносиб бир улуғворлик билан Наполеон ёнғиндан зарар кўрган кишиларга ёрдам беришни буюрди. Бироқ аксарияти душман бўлган бегона элнинг аҳолисига улашадиган озиқ-овқатлар маҳсулоти қиммат бўлгани учун Наполеон, ўзлари топиб, ўзлари сотиб олаверсин деб уларга пул беришни маъқулроқ топди ва уларни қоғоз пуллар билан таъминлади.

Армиянинг тартиб-интизоми хусусида, хизмат бурчларини ўтаганларга қаттиқ жазо бериш ва талончиликни тугатиш ҳақида устма-уст буйруқлар берилди.

Х

Лекин шуниси кизиқки, бундай ҳолларда бериладиган амр-фармонлардан ҳеч ери кам бўлмаган бу буйруқлар, ғамхўрликлар ва режалар ишнинг асл моҳиятига таъсир қилолмасди, механизмдан ажратилган соатнинг милига ўхшаб, ўз ҳолича бекордан бекорга айланаверарди.

Ҳарбий масалага келганда, уруш кампаниясининг дохиёна режаси, Тьер: «Унинг даҳоси ҳеч қачон бундан теран, бундан мохирона, бундан хайратангиз бир нарса ихтиро қилгани йўқ эди», — деб ёзган ва бу ҳақда жаноб Фен билан баҳс-мунозара қилиб, бу дохиёна режа 4-октябрда эмас,

балки 15-октябрда тузилган эди, деб даъво қилган режа ҳеч қачон ижро этилгани йўқ ва уни ижро этиб бўлмасди, чунки ҳақиқатдан йироқ эди. Кремль мудофаасини мустаҳкамлаш учун масжид (Василий Блаженный черковини Наполеон шундай деб атаган эди) бузиб ташлаш керак эди, лекин бу ҳам тамоман фойдасиз бўлиб чиқди. Кремль деворлари остига қўйилган миналар Кремлни портлатиб, императорнинг Москвадан чиқиб кетаётган чокдаги орзуларини ушалишига кўмаклашди, яъни бола йиқилиб тушган ерни тепкилагандай гап бўлди. Наполеонни ташвишга солиб қўйган масала – рус армиясини таъқиб этиш масаласи қулоқ эшитмаган зўр воқеага айланиб қолди. Француз армиясининг саркардалари олтмиш минг кишидан иборат рус армиясини йўқотиб қўйди ва Тьернинг ёзишпича, Мюратнинг маҳорати ва афтидан, яна дохийлиги орқасида олтмиш минг кишилик бу армия йўқолган игна сингари яна топилди.

Дипломатик масалага келганда, ўз олийжаноблиги ва одиллигини исботламоқ учун Туттолмин олдида ҳам, бутун ташвиши шинель ва от-улов олишдан иборат бўлган Яковлев олдида ҳам Наполеоннинг келтирган далиллари фойда бермади. Александр на бу элчиларни қабул қилди ва на уларнинг элчилигига жавоб қайтарди.

Юридик масалага келганда, Москвага гўё ўт қўйган кишилар қатл қилингандан сўнг шаҳарнинг қолган ярми ҳам куйиб кетди.

Маъмурий масалага келганда, шаҳар идораси – муниципалитет таъсис этилиши талончиликка хотима бермади, балки шу муниципалитет ишида қатнашган баъзи бир кишиларнинг тегирмонига сув қуйди: улар тартиб сақламоқ баҳонаси билан ўзлари Москвани талашди ва ё ўз мол-мулкларини талон-ғорож бўлиб кетишдан сақлаб қолишди.

Диний масалага келганда, Мисрда масжидни зиёрат қилиш йўли билан осонгина хал бўлган нарса Москвада ҳеч натижа бермади, Москвадан аранг топилган икки-уч поп Наполеоннинг талабини бажо келтиргани уриниб кўрди, бироқ булардан бири ибодат чоғида бир француз аскаридан тарсаки еди, иккинчиси ҳақида бир француз мансабдори

қуйидагиларни ёзди: «*Аранг тотиб келиб, ибодат бошлашни таклиф қилганим поп, ибодатхонани суғуриб-сидириб, эшикни қулфлаб қўйган эди. Ўша кечанинг ўзида яна келиб эшик ва қулфларни бузишди, китобларни йиртиб ташлашди ва яна бошиқа қўп номаъқулчиликлар қилишди.*»

Савдо масаласига келганда, меҳнатсевар ҳунарманд-косиблар ва барча деҳқонларга қарата ёзилган эълонга жавобан ҳеч кимдан садо чиқмади. Меҳнатсевар ҳунарманд-косибларнинг ўзи йўқ эди, деҳқонлар эса бу эълонни кўтариб ичкарироққа кирган комиссарларни ушлаб ўлдиришарди.

Халқ ва қўшиннинг вақтичоғлиги учун театр очилш ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Кремлда ва Позняков ҳовлисида очилган театр дарҳол ёпилди, чунки актёрларнинг бор-йўғини талаб кетишди.

Хайрия ишлари ҳам кўзлаган натижани бермади. Москвада қалбаки ва ростакам пул қўп эди, уларнинг киймати қолмади. Ўлжа олиб юрган французларга фақат олтин керак эди. Наполеон илтифот кўрсатиб, ғарибларга улашган қалбаки қоғоз пулларгина эмас, ҳатто қумуш ҳам ўз баҳосидан камига олтинга алмаштирилди.

Лекин Наполеоннинг талончиликни тўхтатиш ва интизом ўрнатиш учун уринишлари, ўша замонда юқоридан берилган амр-фармонлар қай даражада ҳақиқатга тўғри келмаслигини кўрсатувчи энг ҳайратланарли ҳодиса эди.

Турли ҳарбий мансабдаги кишилар қуйидаги мазмунда хабарлар юборишарди:

«Талончиликка барҳам берилсин деган буйруқларга қарамасдан, шаҳарда талончилик давом этмоқда. Тартиб ҳали тиклангани йўқ, қонуний йўл билан савдо қилувчи биронта ҳам савдогар топилмайди, фақат маркитантлар улбул сотмоқда, улар савдо қилаётган нарсалар ҳам таланган нарсалар».

«Менга қарашли округнинг¹ бир қисмини 3-корпус

¹ Округ (русча: округ – теварак-атроф) – 1) баъзи давлатларда маъмурий-ҳудудий бирлик; 2) йирик ҳудудий ҳарбий бирлашма, бўлирма; 3) вақтинчалик тузилган

аскарлари ҳамон горат қилмоқда. Улар шўрлик аҳолининг ертўлаларга яширган бор-йўғини тортиб олиш билан қаноатланмасдан, яна шафқатсиз равишда қилич билан уриб уларни ярадор қилмоқда, бу ҳодисани мен ўз кўзим билан кўрдим».

«Ҳеч қандай янги хабар йўқ, аскарлар ҳамон ўғрилик ва талончилик билан шуғулланмоқда. 9-октябрь».

«Ўғрилик ва талончилик давом этмоқда. Бизнинг участкада ўғрилар шайқаси¹ пайдо бўлган, қаттиқроқ чоралар кўриб, уларни тўхтатиш керак. 11-октябрь».

«Император жуда-жуда норози, чунки талончиликни тўхтатиш ҳақида жиддий буйруқлар берилганига қарамасдан, Кремлга гвардиячи талончиларнинг қайтиб келаётганини кўрасан. Қадимий гвардияда тартибсизлик ва талончилик ҳар қачонгидан кеча ва бугун яна кучайиб авжига чиқди. Шахсан императорнинг муҳофазаси учун тайинланган, итоаткорликда бошқаларга намуна бўлиши керак бўлган энг яхши аскарлар ўзбошимчалик қилиб, ертўла ва магазинларни бузиб, армия учун жамғариб қўйилган озиқ-овқатларни горат қилаётганини кўриб император жуда-жуда ачинмоқда. Бу аскарларнинг баъзи бири шу қадар тўбанлашиб кетганки, ҳатто соқчи ва қоровул офицерларни писанд қилмасдан уларни ҳақорат қилган ва урганлар».

Губернатор куйидагиларни ёзган эди:

«Сарой обер-церемониймейстр² қаттиқ шикоят қилмоқда: аскар қаттиқ ман этилишига қарамасдан истаган вақтларида сарой ва ҳатто императорнинг деразаси остида изғиб юришади»

Бебош подага ўхшаб қолган бу кўшин оч қолганда жонига ора кириши мумкин бўлган ўланни оёғи билан

ҳудудий бўлим (бу ерда шу маънода); 4) ҳозирги вилоят бараваридаги ҳудудий бирлик, музофот.

¹ Шайқа (русча) – казакларнинг катта қайиғи. Босқинчилик, ёвузлик қилиш ниятида тил бириктириб иш кўралган кишилар тўдаси.

² Обер-церемониймейстр – Чор Россияси даврида сарой маросимларини бошқарувчи амалдорлар раҳбари.



топтаб, ҳар томонга тарқалиб кетди ва Москвада қанча кўп турса, шунча парокандаликка учраб ҳалок бўлди.

Лекин бу кўшин ўрnidан кўзгалмади.

У Смоленск йўлида юк аравалари тортиб олингандан ва Тарутино жангидан кейин ваҳимага тушиб қоча бошлади. Тарутино жанги ҳақидаги бу хабар Наполеон кўпинларини кўприкдан ўтказайтган вақтда келиб қолди. Тьернинг ёзишича, у русларнинг адабини бермоқчи бўлиб шаҳардан кўзгаллишга амр берди, бутун кўшиннинг талаби ҳам шу эди.

Москвадан қоча туриб бу аскарлар нимани талаган бўлсалар бариини олволишди. Ҳатто Наполеон ҳам қўлга киритган қимматбаҳо буломларини олиб кетди. Армиянинг йўлини тўсиб қўйган юк араваларни кўриб Наполеон даҳшатга тушди (Тьер шундай ёзади). Лекин урушда пихини ёрган Наполеон Москвага яқинлашганда маршалнинг араваларини куйдириб юборгани каби ортиқча араваларни куйдириб юборинглар, деб буюрмади: у аскарлар тушиб олган коляскалар ва қареталарга қараб, жуда яхши қилибсизлар, бу экипажлар озиқ-овқат, касал ва ярадорларни ортишга керак бўлиб қолади, деди.

Бутун кўшиннинг аҳволи ҳалокатини сезиб нима қилишини билмай қолган ярадор ҳайвоннинг аҳволига ўхшарди. Москвага кирганидан бошлаб – тор-мор бўлган вақтга қадар Наполеон ва унинг кўшинларининг мохирона манёвр ва мақсадларини ўрганиш – қаттиқ ярадор бўлиб ўзини ҳар томонга отайтган ҳайвоннинг талвасасини ўрганишдай бир гап. Кўпинча, ўқ еган ҳайвон шитирлаган овоз эшитиб, ўзини ўқ чиққан томонга ташлайди, дам олдинга, дам орқага қараб югуриб, ўз ўлимини тезлаштиради. Бутун кўшинларнинг тазйиқи остида Наполеон ҳам айнан шундай қилди. Тарутино жангининг шарпаси йирткичини ҳуркитиб юборди ва у олға, ўқ чиққан томонга қараб югуриб овчининг олдига бориб қолди, яна орқага қайтди ва ниҳоят ҳар бир даррандадай энг хавфли ва ноқулай бўлса ҳам, лекин ўзига таниш бўлган эски йўли – эски изи билан орқага қараб чопди.

Бизнинг тасаввуримизча бутун бу ҳаракатнинг раҳбари бўлиб кўринган Наполеон (кеманинг бурнига солинган су-

рат ваҳдпий одамлар назарида шу кемани юрғизадиган куч бўлиб кўрингани каби) шу давр ичидаги фаолияти билан карета ичига боғлаб қўйилган чилвирни маҳкам ушлаб олиб; аравани мен ҳайдаб кетяпман, деб ўйлаган болага ўхшарди.

XI

Пьер 6-октябрда, эрта саҳар бостирмадан чикди-да, қайтиб кираётган чоғида эшик олдида думини ликиллашиб турган бўйи узун, қисқа оёқлари кийшиқ, жуни нофармон бир кучукча билан ўйнаб қолди. Бу кучукча улар билан бостирмада яшар, кечалари Каратаевнинг пинжига кириб ётар, гоҳгоҳ қаёққадир шаҳарга кетиб, яна пайдо бўлиб қоларди. Бу кучукчанинг, эҳтимол, ҳеч қачон эгаси бўлмаган, ҳозир ҳам унинг эгаси ва оти йўқ эди. Французлар унга Азор деб ном қўйган, эртақчи аскар уни Фемгалка, Каратаев ва бошқалар уни Олапар, баъзан Узункулок деб чакирарди. Эгасизлиги, оти ва жинсининг номаълумлиги, рангининг ноаниқлиги бу нофармон кучукчанинг дарвойига ҳам келмас эди, шекилли. Унинг хуршайиб турган думи юқорига қайрилиб турар, қийшиқ оёқлари шу қадар чаққонлик билан ҳаракат қилардики, у худди тўртгала оёқ билан юришни назар-писанд қилмагандай, кўпинча орқа оёғининг бирини жуда чиройли қилиб кўтариб, учала оёғи билан чошиб юрарди. Ҳамма нарса унинг завқини келтирарди. Гоҳ шодликдан чийиллаб чалқанча ётиб олар, гоҳ ўйга ботиб, виқор билан куёшда исинар, гоҳ хасхашак ва пайраҳани топиб олиб, ўйнаб шўхлик қиларди.

Пьернинг бутун кийими илгариги уст-бошининг бирдан бир нишонаси бўлган кир ва йиртиқ кўйлак, Каратаевнинг маслаҳатига кўра, иссиқ бўлсин учун тўпиғидан ип билан боғлаб қўйган аскарча чолвор, чакмон ва деҳқонча шапкадан иборат эди. Шу муддат ичида у жисмоний жиҳатдан хийла ўзгариб қолди. Гарчи наслига тортган қадд-у қомаги ҳамон илгаригидай барваста ва бақувват кўринса ҳам, уни семиз деб бўлмасди. Юзининг ярмини соқол ва мўйдов босган; ўсиб чиғал бўлиб кетган ва битга тўлган сочлари бошида хуршайиб турарди. Қатъият, осудалик ва ҳамма нарсага

тайёр эканлигини ифодаловчи кўзлари чақнаб турарди, илгарилари ҳеч қачон бундай эмасди. Илгари бепарволигини билдириб турган нигоҳи ҳозир ғайрат, фаолият ва зарба беришга ҳозирлик, ихчамлик ифодалар эди. У ҳозир яланг оёқ эди.

Пьер гоҳ пастга, шу бугун эрталаб аравалар ва суворийлар ўлган ялашликка, гоҳ узокдан кўринаётган дарёнинг нариги тарафига, гоҳ тишлаб олайми, деб ўйнашаётган кучукчага, гоҳ йўғон, катта ва кир панжаларини қимирлатиб, хузур қилиб қадам ташлаб бораётган яланг оёқларига қараб кўярди. Ҳар гал яланг оёқларига қараганда, унинг юзида бир жонланиш ва мамнунлик табассуми ўйнарди. Бу яланг оёқлар унга шу муддат ичида бошдан кечирган ва уқиб олгани барча нарсаларни хотирига солар ва бу хотиралар унга хуш ёқарди.

Ҳаво бир неча кундан бери сокин ва очиқ бўлиб эрталаблари салгина қиров тушарди, бошқача қилиб айтганда «кампир ёзи» мавсуми эди.

Ҳаво ҳам, қуёш тушиб турган ерлар ҳам илик, бу иликлик кишини тетиклаштирадиган субҳидамнинг салқинига қўшилиб жуда яхши таъсир бағишларди.

Узоқ-яқиндаги ҳамма нарса усти гоҳ қумушдай ярқираб, билтурдай товланиб турардики, бу ҳол фақат кузнинг шу фаслида бўлиши мумкин. Воробъёв тоғларидаги қишлоқ ўзининг черкови ва каттакон биноси билан узокдан кўриниб турибди. Яйдоқ дарахтлар ҳам, қум ва тошлар ҳам, уйларнинг томлари ҳам, черков минорасидаги яшил найза ҳам, оқ уйнинг бурчаклари ҳам бу мусаффо ҳавода барча нозик чизиклари ва икир-чикирлари билан ғайритабиий бир тарзда баралла кўзга ташланиб турарди: Яқинроқда бир помешчикнинг чала ёнган ва ҳозир французлар ишғол қилган уйнинг таниш харобалари, ҳовли четида ўсиб ётган ва ҳали, барглари кўм-кўк турган сирен дарахтлари кўриниб турарди. Булутли кунда ўзининг беўшшовлиги билан кишининг ихлосини қайтарадиган, ифлос қилиб ташланган бино ҳам ҳозир мусаффо ва сокин ҳавода одамга алланечук ором бағишлайдиган гўзал бир иморатга ўхшаб кўринарди.

Уйида юргандай тугмаларини ечиб ташлаган француз капрала бошида қалпок, оғзида қалта чўбуқ, бостирманинг муолишидан чиқди ва дўстона кўз қисиб, Пьернинг олдига келди.

– Офтобга қаранг, а жаноб Кирилл! (ҳамма французлар Пьерни шундоқ аташарди). Баҳорнинг ўзгинаси, – капрал эшикка суяниб Пьерга чўбуқ таклиф этди, Пьер ҳар галгидай яна рад қилди.

– Жуда юришибоп ҳаво бўляпти-да... – деб гап бошлади у.

Пьер ундан кўшинларнинг сафарга чиқиши ҳақида нима хабар бор, деб сўради, капрал деярли ҳамма кўшинлар йўлга чиққанини ва асирлар ҳақида ҳам бугун буйруқ келиш эҳтимоли борлигини айтди. Пьер турадиган бостирмада Соколов деган аскар ўлим тўшагида ётган эди, Пьер капралга шу аскар ҳақида бирон тadbир кўриш кераклигини айтди. Капрал бунга жавобан Пьерга: сиз хотиржам бўлаверинг, бунинг учун кўчма ва доимий госпиталлар¹ бор, касаллар ҳақида кўрсатма келиши керак, умуман бошлиқлар содир бўлиши мумкин бўлган барча воқеаларнинг ғамини еб кўйинган, деди.

– Кейин, жаноб Кирилл, сиз капитанга бир оғиз айтиб қўйсангиз бас: биласиз-ку... У шунақа... Ҳеч нарсани эсдан чиқармайди. Капитан асирларни кўздан кечиргани келганда айтинг, сиз учун у ҳамма нарсага тайёр...

Капрал айтаётган капитан Пьер билан ҳам тез-тез ва узундан узоқ суҳбатлашиб турар, ҳар доим лутф-марҳамат кўрсатиб юрар эди.

– Мана, кўряпсанми, Тома, деди қайси куни менга капитан. Кирилл жуда ўқимишли одам, французча гапирди; у бахтсизликка учраган рус хўжаси, лекин одам... У гапга тушунадиган киши... Агар бирон нарса сўраса, йўқ демайман. Ўзинг унча-мунча ўқиган бўлсанг, тарбия кўрган зиёли кишиларни яхши кўрар экансан. Жаноб Кирилл, мен сизнинг ҳақингизда гапиряпман. Қайси куни сиз бўлмага-

¹ Госпиталь (*лотинча*: *hospitālis* – меҳмондўст) – одатда ҳарбийлар ётиб даволанадиган касалхона.

нингизда, оқибати жуда ёмон бўлар эди...

Капрал яна бир оз валақлагандан сўнг кетди (Капрал қайси куни французлар билан асирлар ёқалашиб қолганини ва шунда Пьер ўртоқларини ажратиб олиб, бу ишни бости-бости қилиб қўйганини хотирлаган эди). Асирлардан бир неча киши Пьер билан капрал орасида бўлаётган суҳбатга кулоқ солиб турган эди, капрал кетиши билан дарҳол у нима деди, деб сўрашди. Французларнинг шаҳардан чиқиши ҳақида капралдан эшитган хабарни Пьер ўртоқларига сўзлаб бераётган чоғда бостирманинг эшиги олдида орик, ранги заҳил, кийим-боши жулдур бир француз аскарни пайдо бўлиб қолди. У салом ўрнига журъатсиз чаққон ҳаракат билан бармоқларини пешонасига олиб бориб, Пьерга мурожаат этди ва қўйлак тикиб бермоқчи бўлган аскар Платоша шу бостирмада турадимиз, деб сўради.

Французлар бир ҳафта муқаддам чарм ва сурп олишган, этик ва қўйлак тикиб беринг, деб асирларга бўлиб беришган эди.

Каратаев яхшилаб таҳланган қўйлакни олиб чиқиб:

– Тайёр, лочиним, тайёр! – деди.

Каратаев кун илиқ бўлгани учун ишлашим қулай бўлсин деб, чолвор ва кир бўлиб йиртилиб кетган қўйлакда юрган эди. Унинг сочлари қунармандларники сингари пўст-лоқ билан боғлаб қўйилган, шу сабабдан қулчадай юзи яна ҳам юмалоқроқ ва ёқимлироқ бўлиб қолган эди.

– Йигит сўзи битта бўлади, жума кунига ваъда берувдим – тайёрлаб қўйдим, – деди Платон жилмайиб, тиккан қўйлагини ёзиб кўрсатаркан.

Француз у ёқ бу ёққа аланглаб қаради ва худди шубҳага ўрин қолмагандай дарров мундирини ечиб, қўйлакни қия бошлади. Мундир остида французнинг қўйлаги йўқ, ялан-ғоч, сарик, орик баданига эса ёғ босиб кетган узун, гулли шоҳи жилет кийган эди.

У асирлар қулиб юбормасин, деб хавфсирагандай шошиб-пишиб қўйлакни қия бошлади. Асирларнинг бирон-таси ҳам «чурк» этмади.

– Қара, лоппа-лойик, а, – деди Платон қўйлакнинг

этагини тортиб. Француз калласини ёқасидан, қўлларини енгидан чиқарди-да, бошини кўтармасдан эгнидаги кўйлакнинг у ёқ-бу ёғига қаради ва чокларини кўздан кечира бошлади.

Платон, афтидан, ўз ишига ўзи суюниб оғзи кулоғида деди:

– Эй, лочиним, бу ер тикувчилик устаҳонаси бўлмаса, тикадиган асбоб бўлмаса, битни ҳам қуролсиз ўлдириб бўлмайди деган гап бор.

– Яхши, яхши, қулдук, лекин қолган сурп кани? – деди француз.

Платон Каратаев ҳамон ўз ишидан хурсанд бўлиб, деди:

– Кийиб олганингдан кейин ўтиришади, хузур қилиб юрасан...

Француз яна тиржайиб:

– Раҳмат, раҳмат, дўстим, лекин қолганини бермайсанми? – деди ва чўнтагидан қоғоз пул чиқариб Каратаевга узатди, – Қолганини бер...

Платон француз нима деганини тушунмаган бўлиб турганини кўриб, Пьер ўртага тушди. Каратаев пул учун французга қулдук қилди ва димоғи чоғ бўлиб тиккан кўйлагини томоша қилиб тураверди. Француз қолган сурпни берасан, деб туриб олди ва гашини таржима қилишни Пьердан сўради.

– Қолганини бу нима қиларкан? – деди Каратаев. – Биз ундан роҳатижон пайтава қилардик. Ҳа, майли, оладиган бўлса олаверсин! – Каратаев тўсатдан ранги ўзгариб, тумтайиб олди ва индамасдан кийқимлар ўралган тутунчани қўлтигидан олдида, афтига ҳам қарамасдан: – Ма, бошингда қолсин! – деб французга узатди-ю орқасига бурилиб нари кетди.

Француз сурпга қараб ўйланиб қолди, кейин Пьерга савол назари билан қаради. Пьернинг нигоҳи унга бир нима дегандай бўлди.

– Платоша, ҳой Платоша, – француз тўсатдан қизариб кетдида, чийиллаган товуш билан қичқирди. – ма, ола қол. – ва кийқимларни бериб, жўнаб қолди.

– Мана кўрдиларингми, – деди Каратаев бош чайқаб. – Гайридин дейишади, лекин инсофи бор. Терлаган кўл юмшок, қуруқ кўл каттиқ бўлади, деб мўйсафидлар бекорга айтмаган. Ўзи қип-яланғоч бўлса ҳам, бериб кетди-ку. – Каратаев ўйчанлик билан кулимсираб, қийқимларга бир оз қараб турди-да, кейин: – Аммо булардан жуда соз пайтава чиқади, оғайни, – деб бостирмага қайтиб кирди.

XII

Тўрт ҳафтадан бери Пьер асоратда эди. Французлар унга аскарлар бостирмасидан офицерлар бостирмасига ўтишни таклиф қилган бўлса ҳам, у унамасдан биринчи кун ётган бостирмасида қолаверди.

Ҳорат бўлган ва ўт кўйилган Москвада Пьер одам боласи чидаши мумкин бўлган барча махрумиятларни бошдан кечирди, лекин у шу вақтгача гавдасининг нақадар бақувват, ўзининг соғлом эканлигини билмаган эди, бу, махрумиятлар аста-секин сезилмасдан бошланиши, натижасида Пьер буларни осонгина эмас, ҳатто шодлик билан ўтказарди. Кечмишда эришиш учун беҳуда жон куйдирган осойишталик ва ўз-ўзидан мамнунлик ҳолатига Пьер мана шу кунлари етишди. Бородино жангида аскарларда кўриб ханг-манг бўлиб қолгани бу рухий осойишталикни, ўз-ўзидан мамнунликни Пьер аллақачонлардан бери, турли йўллардан кидириб юрарди – бу нарсани у филантропиядан¹, масонликдан, ғамни ёзадиган киборлар ҳаётидан, шаробдан, фидойилиқдан, Наташага бўлган романтик севгисидан кидирган эди; бу нарсани у фикрлаш йўли билан кидирган, лекин барча бۇ кидиришлар ва уринишлардан натижа чиқмаган эди. Эндиликда эса Пьер бу рухий осойишталикка, ўз-ўзидан мамнунликка, ўзи ўйламагани ҳолда, ўлим даҳшати орқали, махрумиятлар орқали, Каратаев орқали эришди. Бандилар отилаётган вақтда бошидан кечирган даҳшатли дақиқалари гўё илгари жуда муҳим бўлиб кўринган нотинч

¹ **Филантропия** (юнонча) – ёрдамга муҳтож инсонларга ёрдам берувчи шахслар ҳақидаги фалсафий таълимот.

фикр ва туйғуларни унинг тасавури ва хотиридан абадий ювиб ташлагандай бўлди. Пьер Россия тўғрисида ҳам, уруш тўғрисида ҳам, сиёсат тўғрисида ҳам, Наполеон тўғрисида ҳам ўйламай кўйди. Унча шу нарса равишан бўлдики, буларнинг унга алоқаси йўқ, бу ҳақда ўйлаш унинг кўлидан келмайди, шунинг учун бу бораларда муҳокама ҳам юргизолмайди. «Умрнинг ҳам шериги йўқ, Россиянинг ҳам», деб у Каратаевнинг гапини такрорлади ва қизиғи шундаки, бу сўзлар унга таскин берарди. Бир вақтлари Наполеонни ўлдириш қасдида юрганлари, Апокалипсис хайвон ҳақида, кабалистик¹ муаммоли ракамларни жамлаб юрганлари ҳозир мужмад, ҳатто кулгили ҳол бўлиб кўринди. Хотинининг дастидан дод деб юрганлари, мени маломатга кўймасин деб, ташвишга тушганлари ҳозир арзимаган нарсагина эмас, балки ўйин эрмакдек туюлди. Хотинининг аллақасерда таъбиға мувофиқ ҳаёт кечириб юргани билан унинг неча пуллик иши бор? Асирнинг оти граф Безухов эканини французлар билишди нима-ю, билишмади нима? Бу билан кимнинг, айниқса Пьернинг нима иши бор?

Шу кунлари Пьер князь Андрей билан қилган суҳбатини тез-тез эслар, унинг фикрига сал бошқачароқ тушунса ҳам, лекин бу фикрларни тўла-тўқис маъқулларди. Князь Андрей бахт фақат манфий бўлади, деб ўйларди ва шундай дерди, лекин бу сўзни у алам қилганидан хиёл киноя тарзида айтарди. Шу гапни айта туриб князь Андрей гўё бошқа бир фикрни баён қилмоқчи эди, яъни мусбат бахтга эришмоқ учун биздаги интилишлар фақат бахтга эришмасдан, изтироб чекиб юришимиз учундир, демоқчи эди. Аммо Пьер ҳеч ғаразсиз, бу фикр ҳаққоний фикр эканлигини эътироф қиларди. Азоб-укубатнинг йўқлиги, эҳтиёжларни қондириш ва бунинг оқибатида истаган ишни танлаш, яъни хоҳлаганича яшаш ҳозир Пьерга одам боласининг энг юксак бахти бўлиб туюларди. Пьер ҳозир шу ерда, умри бино бўлиб, биринчи мартаба егиси келганда ейиш, ичгиси келганда

¹ Кабалистика – ўрта асрларда яҳудийлар орасида тарқалган диний таълимот ва унга асосланган ирим-сирим, урф-одатлар.

ичиш, уйкуси келганда ухлаш, совқотганда исиниш, биров билан гаплашгиси келганда гаплашиш, бировнинг товушини эшитиш лаззатини тўла-тўкис тотмоқда эди. Эндиликда ҳамма нарсадан — яхши таомдан, озодалиқдан, эркинликдан маҳрум бўлиб ўтирган чоғда бу эҳтиёжларни қондириш Пьерга бахтнинг энг чўққиси бўлиб кўринди, машгулот танлаш, яъни истаганича яшаи эса, ҳозир бунақа иш танлаш маҳдуд бўлган бир вақтда, Пьерга шу қадар осон бўлиб туюлдики, у роҳат-фароғатнинг керагидан ортиқлиги эҳтиёжни қондириш бахтини йўққа чиқариб қўйишини ҳам унутди, машгулот танлашда бўлган катта эркинлик, ҳаётида билими, давлати, киборлар доирасида тутган мавқеи берган ўша эркинлик унга машгулот танлашни, яъни истаганча яшашни жуда қийинлаштириб юборишини ҳам, машгулотда бўлган талаб ва имкониятни йўққа чиқариб қўйишини ҳам унутди.

Шу кунлари Пьер фақат озод бўладиган вақтини орзу қиларди. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, кейинчалик, бутун умр бўйи Пьер асирликда ўтказган шу бир ойлик вақтини, иккинчи муяссар бўлмайдиган, шодлик бағишлаган кучли туйғуларни, энг муҳими, фақат шу бир ой мобайнида сезгани тўла-тўкис руҳий осудалиқни, мукамал ботиний эркинликни зўр шавқ-завқ билан эслаб ва гапирарди.

Пьер биринчи кун эрта туриб, тонг пайтида бостирмадан чиқиб, аввал Новодевичье монастирининг қорайиб турган гумбази билан хочларни, чанг босган ўт-ўланлар устига тушган қировни, Воробьёв тепаликларини, дарё устида иланг-биланг бўлиб, нофармон-зангори узоқларга бориб қўздан ғойиб бўлган дарахтзор соҳилини кўрганида, майин шабада бетини силаганини сезганда, Москвадан дала орқали учиб келаётган зағчаларнинг товушини эшитганида, бирдан шарқдан нур сочиб, булут остидан кувёшнинг бир чети тантанали балқиб чиққач, гумбаз ҳам, хочлари ҳам, қиров ҳам, яқин-йироқ ҳам, дарё ҳам, хуллас, ҳамма нарса фараҳли нурга кўмилиб жидмая бошлаганда Пьер шу маҳалга қадар сезмаган янги бир туйғуни, ҳаёт кувончга тўла ва мустаҳкам

эканини сизди.

Бу туйғу асирлик чоғида уни тарк этдигина эмас, аксинча, ахволи канчалик оғирлашса, бу туйғу шунчалик ортиб бораверди.

Бостирмага келган дастлабки кунлардаёқ Пьер ҳақида шериклари орасида жуда юксак бир фикр туғилиб қолди ва бу фикр унинг ҳар нарсага ҳозир туришига ҳамда руҳан пок бўлишига ёрдам берди. Бир неча тилни билиши, французларнинг унга кўрсатаётган эҳтиромлари, ўзига хос соддалиги, ўртоқлари сўраган нарсани аямаслиги (у ҳафтада офицерлар катори уч сўм пул оларди), аскарларнинг кўз олдида бостирма деворига қўли билан миҳ қоқиши, ўртоқларига хушмуомалалиги, уларни тонг қолдирадиган даражада ҳеч нарса қилмасдан бир жойда ўтириб, ўй-хаёлга берила билиши Пьерни аскарларнинг кўзига сирли ва алланечук олий зот қилиб кўрсатарди. Илгари ўзи яшаган ўша киборлар доирасида унга зарари етмаган бўлса ҳам, бир қадар тортиниб-қимтиниб юришига сабаб бўлган хислатлари – бақувватлиги, паришхонтирлиги, соддалиги, бу ерда, бу одамлар орасида уни қахрамон даражасига кўтаришига оз қолди. Пьер шерикларининг унга шу кўз билан қараши ўз зиммасига кўп нарсалар юклашини сизди.

ХIII

6-октябрдан 7-октябрга ўтар кечаси француз кўшинлари шаҳардан чиқа бошлади: ошхоналар, бостирмалар вайрон қилинди, юклар араваларга ортилди, кўшин ва аравалар кўзгалди.

Эрталаб соат еттида бостирма олдида эгниларида поход формаси, бошларида кивер, қўлларида милтик, елкаларига сафар ҳалтаси ва катта-катта қоп кўтариб олган француз соқчи отрядлари туришарди. Ҳамма ёқни французларнинг гала-товури ва сўқиши босиб кетган эди.

Бостирмадагиларнинг ҳаммаси кийим-кечагини кийиб, қайишларини боғлаб, фақат чиқишга буйруқ берилишини кутиб туришарди. Кўзларининг атрофи кўхарган, ранг-рўйи кетиб, ўзи чўпдай бўлиб қолган касал аскар Соколовгина

уст-бошини киймасдан ўрнида ўтирар ва ориқликдан чўкиб кетган кўзлари билан унга парво қилмаётган ўртоқларига саволомуз тикилиб, бир маромда секин инграрди. Афтидан, у дарднинг зўрлигидан эмас (у юрак буруғига учраган эди), ёлғиз қолиш гами ваҳимасидан кўпроқ инграмокда эди.

Оёғида Каратаев эчки терисидан (бу терини бир француз тагчарм қилгани келтирган эди) тикиб берган этикни кийиб, белини чилвир билан боғлаб олган Пьер касал олдиға келди ва унинг қаршисига чўккалади.

– Кўп ҳам ваҳимаға тупма, Соколов, улар бутунлай кетаётгани йўқ! Бу ерда уларнинг госпитали бор. Балки, бизлардан кўра яхшироқ қарашар, – деди Пьер.

– Эй, худо, эй ажал! Эй худо! – деб аскар баланд товуш билан инграй бошлади.

– Тағин бир илтимос қилиб кўрай-чи, – деб Пьер ўрнидан турди ва бостирманинг эшигига томон юрди. Пьер эшик олдиға келганда кеча чубуқ манзират қилган капрал икки аскар билан келиб қолди. Капрал ҳам, аскарлар ҳам поход формасида, орқаларида сафар халтаси бор эди, бошларидаги кивернинг кулоқчинини тушириб олишганидан уларнинг таниш башаралари ўзгариб кетган эди.

Капрал бошлиқларнинг буйруғига биноан бостирма эшигини кулфлаб олгани келган асирларни ташқарига чиқаришдан олдин санаш керак эди.

– Капрал касални нима қиламиз? – деб Пьер сўз бошлади-ю, бироқ шу он бу капрал мен танийдиган ўша капралми, ё бошқа бегона кишими, деб шубҳаланиб қолди, чунки капрал бутунлай ўзгариб кетган эди. Бундан ташқари, Пьернинг оғзидан шу сўз чиқиши биланоқ тўсатдан икки томонда дўмбира гумбур-гумбур садо бера бошлади. Капрал Пьернинг сўзини эшитиб қовоғини солди ва алланима деб сўқиниб, эшикни ёпди. Бостирманинг ичи қоронғи бўлиб қолди; иккала томондан гумбурлаб садо бераётган дўмбира касалнинг инграган товушини босиб кетди.

Пьер ўз-ўзига: «Мана ўша! Тағин ўша садо!» – деди ва беихтиёр эти жимирлаб кетди. Капралнинг ўзгариб кетган башараси ва товушидан, дўмбираларнинг кишини дарзаға

соладиган ва кулоқларни қоматга келтирадиган товушидан Пьер одамларни ўз иродаларидан ташқари ўзларига ўхшаган кишиларнинг қонини тўкишга мажбур қилган сирли лоқайд бир куч чулғаб олганини фаҳмлаб, бу куч нималарга қодир эканлигини у қатл вақтида кўрган эди. Бу кучдан кўркмок, ундан узоклашишга тиришмок, унинг кўлида қурол бўлиб хизмат қилаётган кишиларга ўтинч ёки тавалло билан мурожаат этмок фойдасиз эди. Пьер энди бу нарсани биларди. Фақат сабр ва таҳаммул керак эди. У Соколовнинг олдига бўлак бормади ва қайрилиб ҳам қарамади, индамай тумтаийиб бостирма эшигининг олдига туриб қолди.

Бостирма эшиги очилиб, асирлар кўй суруви сингари бир-бирларини босиб, эшик олдига келиб тикилиб турганда Пьер буларнинг орасидан йўл топиб олдинга чиқди ва капралнинг айтишига кўра, Пьернинг илтимосини ерда кўймайдиган капитаннинг олдига борди. Капитан ҳам поход формасида эди, унинг совуқ башарасида ҳам, Пьер капралнинг сўз оҳанги ва дўмбиранинг садоларидан англаган «ўша» нарса кўриниб турар эди.

Капитан қаршисида ғуж бўлиб турган асирларга қошқовогини солиб, хўмрайиб қараркан:

– Ўтиринглар, ўтиринглар, – дерди.

Пьер илтимоси ерда қолишини билса ҳам, капитаннинг олдига борди.

Капитан худди Пьерни танимагандай, совуққина қайрилиб қаради ва:

– Ҳа, тағин нима? – деб сўради. Пьер касал аскар ҳақидаги илтимосини айтди.

– Бораверади, ҳеч бало урмайди!, – деди капитан унга қарамай.

– Йўқ у ўлай деб ётибди... – деб Пьер гап бошлади.

– Бор-э, – деб капитан бақириб берди.

Дўмбиралар овозлари кулоқларни қоматга келтира бошлади. Пьер бу одамларни ўша сирли куч батамом чулғаб олганини ва бирон нарса дейиш энди фойдасиз эканини англади.

Асир офицерларни аскарлардан ажратиб олдилар ва

уларга олдинда юришни буюрдилар. Офицерлар шулар жумласига кирган Пьер билан ўттиз киши, аскарлар эса уч юз киши эди.

Бошқа бостирмалардан чиқарилган асир офицерларнинг ҳаммаси нотаниш кишилар бўлиб, Пьерга нисбатан дурустроқ кийинган эди. Улар Пьернинг уст-бошига шубҳаланиб, ётсираб қарай бошлади. Пьердан сал нарида, афтидан, асир ўртоқларининг хурматиغا сазовор бўлган рангрўйи захил, юзи шишинқираган йўғон бир майор авратўн устидан белини сочиқ билан боғлаб олиб, кош-қобогини солиб бормоқда эди. У тамаки халтача ушлаган кўлини кўйнига тикиб, иккинчиси билан чўбукка суяниб олган эди. Майор назарида, ҳамма уни итараётгандай бўлиб кўрингани, шошиладиган жой бўлмаса-да, ҳамма қаёққадир шошилаётгани, таажжубланадиган ери бўлмаса ҳам, ҳамма негадир таажжубланаётгани учун харсиллаб, пишиллаб жаврар, ҳаммага аччиқланарди. Бошқа бир кичкина, ориқ офицер эса hozir қаёққа олиб бораётганликлари, бугун қанча йўл боса олишлари ҳақида ўз тахминларини айтиб, ҳаммага сўз қотарди. Кигиз этик ва комиссар формасини кийган бир мансабдор ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа югуриб, ёниб кетган Москвага қарар, қайси жойларга ўт тушганини, кўринаётган иморатлар Москванинг қайси томонида эканини товуш билан хабар қиларди.

– Нимага баҳс-мунозара қиляпсизлар? – деди майор ғазаб билан. – Николаники бўлди нима-ю, Власники бўлди нима, барибир эмасми, мана, кўриб турибсизлар, ҳаммаси куйиб кул бўлди... – Майор орқасидан келаётган ва уни туртаётган кишиларга қараб:

– Ҳой, сизга йўл торлик қиляптими, нега туртасиз? – деди.

Бу орада ёнғинга қараб бораётган асирларнинг гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан:

– Вой-бўй, қаранг-а, нима қилиб кўйишибди? – деган товушлари эшитилиб турар эди. – Замоскворечьеги ҳам, Зубовони ҳам, Кремлни ҳам... Қаранглар, ярми куйиб ётибди. Замоскворечье, бутунлай ёниб кетган деб айтмабмидим.

– Ёнган бўлса, ёнгандир, энди шангиллаб ўтиришининг нима ҳожати бор! – деди майор.

Хамовник (Москванинг омон қолган камдан кам маҳалларидан бири) орқали ўтиб, ибодатхона қаршисига келганда бирдан асирлар тақа-тақ тўхтади, даҳшат ва нафрат нидолари эшитилди.

– Вой аблаҳлар-э! Вой динсизлар-э! Ҳа, ўлик, ўлик. Бетига бир бало суртиб қўйишибди.

Пьер ҳам асирларни даҳшатга солган аллақанақа нарса олдига – черков яқинига борди ва унинг панжарасига суяб қўйилган бир нарсани кўрди-ю, лекин нималигини пайқолмади. Фақат аниқроқ кўрган ўртоқларининг сўзларидан бидики, бу нарса бетига қоракуя суртиб, черков панжарасига тикка қилиб қўйилган мурда экан.

Соқчиларнинг:

– Юринглар, юринглар, малъунлар, – деб сўккан товуши эшитилди ва француз аскарлари янада ғазабланиб, ўликка қараётган асирлар оломонини қилич билан ҳайдай бошлади.

XIV

Хамовник тор кўчаларидан асирлар ёлғиз соқчилар ва соқчиларнинг орқадан келаётган юк ва ем-хашак ортилган аравалари билан боришарди, бироқ озик-овқат магазинлари олдига келганда, улар аҳолининг араваларига аралашиб кетиб, зўрға жилаётган жуда каттакон тўп-тўпхона қарвонининг орасига кириб қолишди.

Кўприкка етганда, олдиндагилар ўтиб кетсин, деб ҳамма тўхтади. Кўприк олдида асирлар олдинда бораётган ва орқадан сон-саноксиз бошқа аравалар қарвонини кўрди. Ўнг томонда, Калуга йўли Нескучнийга яқин бориб буриладиган ерда, йироқларда кўздан ғойиб бўладиган сон-саноксиз қўшин ва аравалар қарвони қатор-қатор бўлиб кетарди. Булар ҳаммадан олдин кўзгалган Богарне корпусининг қўшинлари эди; орқада, дарё бўйлаб ва Каменный мост устида Нейнинг қўшини ва аравалари чўзилиб кетган эди.

Асирларни олиб кетаётган Даву қўшинлари Кримский кечувидан ўтиб борар, қисман Калуга кўчасига кирган эди.

Лекин аравалар карвони шу қадар чўзилиб кетган эдики, Богарнега қарашли карвоннинг кети Москвадан Калуга кўчасига кирмасдан туриб, Ней қўшинларининг боши Катта Ординкадан чиқди.

Кримский кечувидан ўтгач, асирлар бир неча қадам юргандан сўнг тўхтаб қолар, бир оздан кейин яна қўзғалишарди, ҳар томондан оқиб келаётган экипаж ва одамлар борган сайин уларни қисиб келмоқда эди.

Кўприк билан Калуга кўчаси орасидаги бир неча юз қадам масофани бир соатдан ортиқроқ босиб, Замоскваречье кўчасини Калуга кўчасига туташтирадиган майдонга етгандан сўнг, тикилинчда қисилиб қолган асирлар яна тўхташди ва шу чорраҳада бир неча соат туриб қолишди. Ҳамма ёқдан қутурган денгиздай тинимсиз гумбурлаётган гилдиракларнинг садоси, қадам товушлари эшитилар, мутғасил бақириниш ва сўқинишлар қулоқни қоматга келтирарди. Ёниб қорайган бир бинонинг деворига қисиб қўйилган Пьернинг тасавурида бу товушлар дўмбиранинг товушига қўшилиб кетарди.

Асир офицерлардан бир нечаси атрофни яхшироқ кўриш учун Пьер суяниб турган ўша бинонинг деворига тармашиб чиқди.

– Вой-бўй, одамларни қаранг-а! Одамларни... Тўшларга ҳам юк ортишибди! Мўйналарни қаранг... – дейишарди асирлар, – Оббо аблахлар-э, роса талашибди... Ҳу анавининг кетидаги аравага қаранг... Худо ҳақи, иконадан юлиб олишган. Булар немис бўлса керак. Эй, ўзимизнинг дехқон-кузбаройи худо! Ҳа, аблахлар!.. Қара, шунча нарсани ортибди, аранг боряпти! Дехқон арава нима деган гап – ўшани ҳам олишибди!.. Қара сандик устига ўтириб олибди. Ё алҳазар!.. Ёқалашяпти.

– Тумшуғига сол, сол тумшуғига. Шу туришда кунни кеч қиладиганга ўхшаймиз. Ана унга қаранглар, ана унга... бу Наполеоннинг ўзиники бўлса керак. Отларини кўряписизларми! Тож тамғая, тож тамға. Мана бу кўчма уй. Қопи тушиб қолди, кўрмаяпти. Тағин ёқалашиб кетди. Ана у бола кўтариб олган аёл ҳам чакки эмас... Бу қанақаси, ҳаммани

кўйиб сени ўтказиб юборишсинми.. Қара, бош-кеги кўринмайди-я. Худо урсин, рус кизлари рус кизлари! Коляскаларда керилиб ўтиришларини қара-я!

Хамовник черкови олдида бўлгани сингари бу ерда ҳам асирлар қизиксиниб йўлга томон ёпирилишди. Пьер бўйи баландлиги сабабли бошқа кишиларнинг боши оша асирларини бу қадар қизиктирган нарсани кўрди, Снаряд яшиклари орасига кириб тақилган учта коляскада ясан-тусан килиб, ола байроқ кийимлар кийган, бетларига упа-элик суртган хотинлар бир-бирига қисилишиб чийиллаб, алланималар деб кичкириб бормоқда эди.

Бу сирли куч пайдо бўлиб қолганини англаган дақиқадан бошлаб Пьернинг назарига ҳеч нарса: эрмак учун қоракуя суртилган ўлик ҳам, қаёққадир шошилаётган бу хотинлар ҳам Москва ёнғини ҳам ҳайрон қоларли ёки кўрқинчли бўлиб кўринмай қолди. Кўз олдида юз бераётган бу ҳодисаларнинг биронтаси Пьерга деярли таъсир қилмас эди – унинг қалби гўё оғир бир курашга ҳозирлик кўраркан, продасини заифлаштирадиган таассуротларни қабул қилмай кўйгандай эди.

Хотинлар ўтирган коляскалар ўтиб кетди. Уларнинг кетидан яна аравалар, аскарлар, дехқон аравалар, аскарлар, яшиқлар, яна аскарлар, онда-сонда аёллар ўтди.

Пьер алоҳида одамларни кўрмас, балки уларнинг, ҳаракатини кўрарди.

Бу одамларни ҳам, отларни ҳам гўё кўзга кўринмайдиган бир куч қувиб бормоқда эди. Пьер кузатиб турган шу бир соат вақт ичида уларнинг ҳаммаси фақат бир тилак билан – тезроқ ўтиб кетиш тилағи билан турли кўчалардан чиқиб келмоқда эди; уларнинг ҳаммаси бир-бири билан тўқнаш келиб қолиб, жаҳли чиқар, ёқалашиб кетар, оқ тишларини кўрсатиб иржайишар, қовоқларини солишар, бир хилдаги сўзлар билан бир-бирларини ҳақорат қилишар ва ҳамма юзларда Пьер эрталаб, дўмбира товуш чиққан вақтда капралнинг башарасида кўриб тонг қолган ўша йигитчасига дадил ва шафқатсиз совуқ ифода бор эди.

Кечга томон соқчи отряднинг бошлиғи ўз гуруҳини

тўплади, кичкириббақириб, жанжаллашиб, аравалар карвони орасига суқилиб кирди ва ҳар томондан қуршаб олинган асирлар Калуга йўлга чиқди.

Улар дам олмасдан, илдам юриб кетавердилар ва куёш бутунлай ботгандагина тўхтадилар. Аравалар бир-бирининг орқасига тиралиб қолди, одамлар тунагани ҳозирлик кўра бошлади. Ҳамма жаҳли чиққан ва жонидан тўйганга ўхшарди. Анчагача ҳар томондан сўқиниш, бақириш ва ёқалашини товушлари эшитилиб турди. Соқчиларнинг кетидан келаётган карета туртилиб, шотиси билан соқчиларнинг аравасини тешиб юборди. Бир неча аскар ҳар томондан аравага қараб югурди, бири каретага қўшилган отларни калласига уриб, уларни четроққа бурса, иккинчилари бир-бирлари билан ёқалаша бошлади, қилич билан уриб, бир немиснинг бошини қаттиқ ярадор қилишганини Пьер ўз кўзи билан кўрди.

Буларнинг ҳаммаси совуқ куз оқшомида, даланинг қоқ ўртасига келиб тўхтагандан сўнг, бир нарсадан – шаҳардан чиқиб кетаётган чоғда бу қадар саросимага тушганликлари, бу қадар шошилиб ҳаракат қилганларидан хижолат торгандай эди. Тўхтагандан кейингина ҳамма қаёққа бораётганлари номаълум эканини, бу йўлда ҳали кўп қийинчилик ва кулфатларга дучор бўлишини англагандек эди.

Бу манзилда соқчилар асирларга шаҳардан чиққан вақтдагига қараганда кўполроқ муомала қила бошлади. Биринчи мартаба шу манзилда асирларга бериладиган овқат от гўштидан пиширилди.

Офицердан тортиб сўнгги аскаргача ҳамманинг қалбида ҳар бир асирга нисбатан шахсий бир адоват туйғуси пайдо бўлиб қолганлиги ва бу адоват, бирдан илгариги дўстона муносабатлар ўрнини олганлиги сезилиб қолди.

Москвадан чиқаётган вақтдаги шопмашошарликда бир рус аскари қорним оғрияпти, деган баҳона билан қочиб кетганлиги асирларни йўқлама қилаётган чоғда маълум бўлди-ю бу адоват янада кучайиб кетди. Пьер бир француз йўлдан четга чиққан бир рус аскарини тутиб урганани кўрди, унинг ошнаси капитан рус аскарини қочириб юборгани учун унтер-офицерга дағдаға қилганини ва сени судга

бераман, деб дўк урганини эшитди. Аскар касал, юролмай қолган эди, деб унтер-офицер ваз кўрсатганда, капитан юролмай қолган асирлар отиб ташлансин деган буйруқ бор, деб айтди. Қатл вақтида Пьерни эзиб ташлаган ва асирлик вақтида билинмай кетган ўша машъум куч ҳозир унинг бутун вужудини чулғаб олган эди. Уни ваҳима босди, лекин ўша машъум куч уни қанчалик маҳв этишга уринмасин, у ўз қалбида бу кучга боғлиқ бўлмаган ҳаёт кучининг ўсиб, мустаҳкамлана бораётганини сезди.

Пьер от гўшти солиб, арпа унидан пиширилган аталани ичди-ю, ўртоқлари билан суҳбатлашиб ўтирди.

Москвада кўрган нарсалари тўғрисида ҳам, французларнинг кўпол муомаласи тўғрисида ҳам, орқада қолган кишилар отиб ташланади, деб қилинган эълон тўғрисида ҳам ҳеч ким, на Пьер ва на унинг ўртоқлари оғиз очди; худди оғирлашиб бораётган вазиятларини писанд қилмаётгандай, ҳамманинг чиройи очик ва кайфи чоғ эди. Улар ўзларининг шахсий хотиралари, поход вақтида кўрган кулгили воқеалардан гапириб, ҳозирги вазиятлари ҳақида сўз очишмас эди.

Куёш аллақачонлар ботиб кетган. Осмоннинг ҳар қаер, ҳар қаерида ёруғ юлдузлар порлаб чикди; мўралаб чиқаётган тўлин ойнинг ёнғин алаңгасидай қизғиш шуъласи осмоннинг бир четини ёритиб юборди ва каттақон қизил баркашга ўхшаган ой ярим қоронғида ажиб тарзда тебрана бошлади. Ҳамма ёқ ёришиб кетди. Оқшом ўтган, лекин тун ҳали бошланмаган эди. Пьер янги топган ўртоқларининг олдидан туриб, гулханлар оралаб, кўчанинг нариги тарафига ўтди: эшитишича, асир аскарлар шу ерда эди. Пьер уларнинг суҳбатини кўмсаб қолган эди. Француз соқчиси йўлда уни тўхтатиб, орқага қайтарди.

Пьер қайтиб келди-ю, лекин гулхан ёнида ўтирган ўртоқларининг олдига эмас, оти чиқарилган бир бўш араванинг олдига борди. Оёқларини букиб, бошини қуйи солиб, араванинг филдираги ёнида, совук ерга ўтирди ва шу зайлда узок вақт кимирламай, ўй-хаёлга ғарқ бўлди. Бир соатдан ортиқроқ вақт ўтди. Ҳеч ким Пьерни безовта қилмади. У

тўсатдан мулойим ва йўғон товуши билан шу қадар каттик кулиб юбордики, атрофдаги кишилар яқка ўзи кулаётганини кўриб, таажжубланиб қарадилар.

– Ха-ха-ха! – деб куларди Пьер. У баланд товуш билан ўзича гашира бошлади: – Аскар мени қўймади. Мени тутиб, қамаб қўйишди. Мени асирликда саклаб юришибди. Кимни, мени? Меними? Менинг мангу руҳимни! Хахаха!.. Хахаха!.. – деб Пьер кўзларида ёш билан куларди.

Биров ўрнидан турди ва бу йўғон ва ғалати киши нима учун куляпти, деб Пьернинг олдига келди, Пьер кулигидан тўхтаб, ўрнидан турди-да, бу синчков кишининг олдидан нарироққа бориб, атрофга қаради.

Ёнаётган гулханларнинг чирсиллаши, одамларнинг ғала-ғовури билан илгари гувуллаб турган қатқон, бепоён манзилгоҳ жимиб бормоқда; гулханларнинг кип-қизил ўтлари ёниб кул бўлмоқда. Оқаришиб турган баланд осмонда тўлин ой чиройини кўз-кўз қилиб турмоқда эди. Манзилгоҳ ташқарисидаги олдин кўринмаётган ўрмон ва далалар ҳозир йироққача кўриниб турарди. Бу ўрмон ва саҳроларнинг нариги тарафида оқаришиб, чайқалиб, меҳригиёдай ўзига тортаётган бепоён йироқ ерлар ётарди. Пьер осмонга қаради, узоқда милтиллаб турган юлдузларга қаради. «Буларнинг ҳаммаси меники, буларнинг ҳаммаси менда, буларнинг ҳаммаси менинг ўзим! – деб ўйлади Пьер. – Буларнинг ҳаммасини улар ушлаб олдилар-у тахта билан тўсиб қўйган бостирмага қамаб қўйдилар!» У кулимсираб қўйди ва ухламоқчи бўлиб ўз ўртоқлари олдига кетди.

XV

Октябрнинг бошларида Кутузов ҳузурита Наполеоннинг мактуби ва сулҳ ҳақидаги таклифи билан яна бир элчи келди. Наполеон шу кунлари Кутузовдан сал олдинда, эски Калуга йўлида бўлса ҳам, русларни чалғитиш учун мактубнинг остида, Москвада ёзилган, деб кўрсатган эди. Кутузов Лористон орқали юборган биринчи мактубга нима жавоб берган бўлса, бунга ҳам айнан ўша жавобни берди; сулҳ ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмаслигини айтди.

Шундан сўнг кўп ўтмай, Дороховнинг Тарутинодан сўлроқда ҳаракат қилаётган партизан отрядидан маълумот олинди; маълумотда Фоминскоеда француз кўшинлари пайдо бўлиб қолганлиги, бу кўшинлар Брусье дивизиясига тегишли аскарлар эканлиги, бошқа кўшинлардан ажралиб қолган бу дивизияни бирпасда қириб ташлаш мумкин эканлиги кўрсатилган эди. Аскарлар билан офицерлар яна жанг қилишни талаб этишди. Тарутино яқинида енгилгина ғалаба қозониб, мазахўрак бўлиб қолган штаб генераллари Кутузовдан Дорохов таклифини амалга оширишни талаб қилишди. Кутузов ҳар қанақа ҳужумга қарши эди. Шунинг учун ўртача бир йўл танланди: Брусье дивизиясига ҳамма қилиш учун Фоминскка кичикроқ бир отряд юборилди. Энг қизиғи шуки, энг оғир, энг муҳим бўлган бу топширик (бу нарса кейинчалик маълум бўлди) тасодифан Дохтуровга топширилди; ҳеч ким бизга уни жанг лойиҳаларини тузиб берадиган, полклар олдида жавлон уриб, орденларни тўпхоналарга отадиган ва ҳоказо ишларни қиладиган одам деб тасвирламаган эди, бу камтарин, паст бўйли одамни ҳамма ланж ва калтафаҳм одам ҳисоблар ва ланж, калтафаҳм деб юрар эди, лекин русларнинг французлар билан қилган бутун уруши давомида, Аустерлицдан бошлаб ўн учинчи йилгача, қаерда аҳвол оғир бўлса, ўша ерда ҳозир бўлиб, бошчилик қилган ўша Дохтуров эди. Аустерлицда ҳамма қочган, ҳамма ҳалок бўлаётган ва арьергардда биронта ҳам генерал қолмаган бир вақтда Аугест тўғони олдида ўзи якка-ёлғиз қолиб, полкларни тўплаган, кутқариш мумкин бўлган нарсани кутқариб қолган одам шу Дохтуров эди. Касал бўлиб, иситмалаётган Дохтуров йигирма минг аскарни олиб, шаҳарни бутун Наполеон армиясидан муҳофаза қилиш учун Смоленскка кетади. Смоленскда, Малахов дарвозаси ёнида, иситманинг зўрлигидан, кўзи энди уйқуга илинганда душманнинг Смоленскка қараб отаётган тўпларининг гумбурлаши уни уйғотиб юборади ва Смоленск кўни бўйи душманга қаршилиқ кўрсатиб, таслим бўлмайди. Бородино жангида Багратион ҳалок бўлиб, сўл канотимиз кўшинлари тўққиздан бир қисми қирилиб, француз тўпчиларининг кучи

шу томонга йўналтирилгач, бошқа ҳеч ким эмас, мана шу ношуд ва калтафаҳм Дохтуров юборилади ва бошқа кишини юбормоқчи бўлган Кутузов, шошиб, дарров ўз хатосини тuzатади. Бўй-баста кичик, ўзи камгап Дохтуров ўша ерга, рус кўшинларининг донғини чиқарган Бородинога боради. Наср ва назм билан жуда кўп қахрамонлар тараннум этилган, лекин Дохтуров ҳақида ҳеч ким бир оғиз сўз айтмаган эди.

Яна Дохтуров Фоминскоега юборилади, у ердан Малий Ярославга жўнатилади, французлар билан сўнги жанг мана шу Малий Ярославда бўлади, французларнинг ҳалокати ҳам, маълумки, мана шу ердан бошланади; бизга урушнинг шу давридаги жуда кўп дохийлар ва қахрамонларни тасвирлаб беришади, лекин Дохтуров ҳақида яна бирон сўз айтишмайди, айтилганда ҳам ё жуда кам ва ё шубҳали сўзлар айтишади. Дохтуров ҳақида лом-мим демай қўйганларининг ўзи унинг фазилатларини очиқ-ойдин тасдиқлайди.

Табиийки, машинанинг ҳаракатига тушунмайдиган киши унинг ишлашини кўрганда, тасодифан машина ичига тушиб, унинг юришига халал бериб, пилдираб турган пайраҳани кўриб, машинанинг энг муҳим қисми шу бўлса керак деб ўйлайди. Машинанинг тузилиши билан ошпа бўлмаган киши билмайдик, машинанинг энг муҳим қисми айланишига халал бериб, уни ишдан чиқариб қўядиган бу пайраҳа эмас, балки товуш чиқармасдан айланадиган кичкина тишли парракдир.

10-октябрда Дохтуров Фоминское йўлининг ярмини босиб, берилган буйруқни тўла-тўқис бажаришга бел боғлаб, Аристово қишлоғида тўхтаган ўша куни француз кўшинларининг ҳаммаси жонсарақлик билан ҳаракат қилиб, худди жанг бошламоқчи бўлгандай, Мюратнинг позициясига келди-да, бирдан, ҳеч қандай сабабсиз, сўлга, янги Калуга йўлига бурилди ва илгари Брусье ёлғиз турган Фоминскоега кира бошлади. Шу вақтда Дохтуровнинг гуруҳида Дороховнинг отрядидан бўлак яна Фигнер билан Сеславиннинг иккита кичик отряди бор эди, холос.

11-октябрь, кечки пайт Сеславин асир олинган бир француз гвардиячисини етаклаб, Аристовога, бошликлар

хузурига келди. Асир бугун Фоминскоега кириб келган кўшинлар бутун буюк армиянинг авангард кисми эканини, Наполеон ҳам шулар билан бирга эканини, армиянинг Москвадан чиққанига беш кун бўлганини айтди. Ўша куннинг ўзида Боровскдан келган бир дворян хизматкори шахарга жуда катта кўшин кирганидан хабар берди. Дорохов отрядининг казаклари француз гвардиячилари Боровск йўли билан бораётганини маълум қилди. Бу маълумотларнинг ҳаммасидан шу нарса аниқландики, бир дивизиягина бор деб мўлжалланган жойда ҳозир французларнинг Москвадан кутилмаган йўл билан – эски Калуга йўли билан келаётган бутун армияси тўпланган экан: Шундай бўлгандан кейин Дохтуров ҳеч қандай тадбир кўрмади, чунки, бу вазиятда қиладиган иш нимадан иборатлигини билмас эди. Унга Фоминскоега хужум қилишни буюришган эди. Бироқ Фоминскоеда илгари битта Брусьенинг дивизияси бўлса, ҳозир бутун француз армияси йиғилганди. Ермолов ўз билганича иш кўрмоқчи бўлган эди, бироқ Дохтуров менга шавкатли князнинг амри керак, деб туриб олди. Шундан сўнг штабга маълумот юбормоқчи бўлдилар.

Бу вазифа Болховитинов деган жуда уддабурон бир офицерга топширилди. У ёзма маълумотдан ташқари, бутун вазиятни оғзаки гапириб бериши керак эди. Кечаси соат 12 да Болховитанов маълумот солинган конверт билан оғзаки топшириқни олгач, бир казак билан эҳтиёт отларини олиб, бош штабга жўнади.

XVI

Куз фаслининг қоронғи, илиқ тулларидадан бири. Тўрт кундан бери ёмғир ёғмоқда эди. Болховитинов икки мартаба отларни алмаштириб, бир ярим соатда ўттиз чақирим билчиллаб кетган лой йўлни кечиб, кечаси соат иккига яқин Леташевкога етиб келди. Четан деворига «Бош штаб» деб ёзиб қўйилган бир кулбанинг олдида эгардан тушиб, отини қўйди-ю қоронғи дахлизга кирди.

– Навбатчи генерални тезроқ чақиринг! Масала жуда муҳим! – деди Болховитинов қоронғи дахлизда пишиллаб

ўрнидан тура бошлаган бир одамга.

– Кечкурун тоблари жуда қочиб турувди. Уч кундан бери ухлаганлари йўқ, – деб шивирлади деншик генералга ғамхўрлик қилиб. – Капитанини уйғота қолсангиз бўлмасмикин?

– Маълумот жуда муҳим, генерал Дохтуровдан, – деди Болховитинов пайпаслаб топган очик эшикдан кираркан. Деншик ундан олдинга ўтиб, кимнидир уйғота бошлади: – Тўрам, тўрам, чопар келди.

– Нима, нима? Кимдан? – деди биров уйқу аралаш.

– Дохтуров билан Алексей Петровичдан. Наполеон Фоменскоеда, – деди Болховитинов ким сўраётганини қоронғиликда кўрмаса ҳам, товушидан бу одам Коновницин эмаслигини билиб.

Уйқудан уйғонган киши эсвади, керишди.

– Уйғотгани кўнглим бўлмаяти, – деди у ниманидир пайпаслаб. – Тоблари йўқроқ эди! Балким узунқулоқ гапдир.

– Мана маълумот, – деди Болховитинов. – Навбатчи генералга тезда етказасан деб буюришди.

– Шошманг, аввал чироқни ёқайлик. Ҳой хумпар, тагин қайси гўрга тикдинг? – деди керишаётган киши деншикка қараб. Бу одам Коновнициннинг адъютанти, Шчербинин эди. – Топдим, топдим, – деди у.

Деншик чакмоқ чақиб, ўт чиқарди. Шчербинин пайпаслаб шамдонни топди.

– Ҳа, сабил қолгурлар! – деди Шчербинин нафратомуз.

Чакмоқнинг шуъласида Болховитинов қўлида шам ушлаб турган Шчербининнинг навқирон юзини ва бериги бурчакда хануз ухлаб ётган тагин бир кишини кўрди. Бу ётган одам Коновницин эди.

Чакмоқнинг пилиги бошда зангори, кейин қизғиш шуъла сочиб ёнганда Шчербинин шамни ёқди (шамни кемириб ётган сувараклар ҳар томонга тўзиб кетди) ва чопарга қаради. Болховитинов бошдан оёқ лойга ботиб кетган эди, енги билан юзини артмоқчи бўлиб, ҳамма ёғини бўяб қўйди.

Шчербинин конвертни оларкан:

– Бу маълумотни ким берди? – деб сўради.

– Аниқ маълумот, – деди Болховитинов. – Буни асирлар ҳам, казаклар ҳам, айғоқчилар ҳам бир оғиздан тасдиқлаяпти.

– Уйғотмасак бўлмайди, – деб Шчербинин ўрнидан турди ва бошида тунги қалпоқ, шинелга бурканиб ётган кишининг тепасига борди. – Пётр Петрович, – деди у. Коновницин кимирамлади ҳам. – Бош штабга чақиришяпти! – деди илжайиб Шчербинин бу сўздан Коновницин уйғониб кетишини аниқ билиб. Ҳақиқатан ҳам, қалпоқ кийган киши дарҳол бошини кўтарди. Коновнициннинг келишган қатъий юзида, иситмадан кизарган, шишинқираган ёноқларида бир лаҳзагина ҳозирги вазиятдан йироқ бўлган уйку хаёли ҳукм суриб турди, лекин кейин бирдан сесканиб кетди-ю, юзи одатдагича осуда ва қатъий тусга кирди.

– Ҳа, нима гап ўзи? Кимдан? – деб сўради ёруғдан кўзларини очиб-юмиб, шошилмасдан. Кейин офицернинг маълумотини эшитиб, мактубни очди, ўқий бошлади. Ўқиб бўлиши биланок жун пайпоқ кийган оёқларини ерга тушириб, этигини кийди. Қалпоқни олиб, чакка сочларини тарадида, фуражкасини кийди.

– Тез етиб келдингми? Юр, шавкатли князь хузурига кирамиз.

Коновницин чопар келтирган маълумот жуда муҳим аҳамиятга эга эканини, уни кечиктириб бўлмаслигини дарҳол англади. Бу яхшими, ёмонми, бунисини ўйлаб ўтирмади ва ўзига савол ҳам бермади. Унинг бу нарса билан иши йўқ эди. Урушга алоқадор масалаларга у ақли, муҳокамаси билан эмас, бошқа бир нарса билан қарарди. Унинг қалбида ҳеч кимга айтилмаган, теран бир қаноат: ҳамма нарсанинг охири хайрли бўлади, лекин бунга ишониш керак эмас, модомики, шундай экан, буни бировга айтишнинг ҳам хожати йўқ, энг яхшиси ўз вазифангни бажаравер, деган қаноат бор эди ва у бор кучини сарф қилиб, ўз вазифасини адо этмоқда эди.

Пётр Петрович Коновницин ҳам Дохтуровга ўхшаб, фақат ҳурмат юзасидангина 12-йил қахрамонлари деб атал-

ган Барклайлар, Раевскийлар, Ермоловлар, Платовлар, Милорадовичларнинг рўйхатига киритилган, у ҳам Дохтуров сингари қобилияти ва маълумоти маҳдуд одам деб ном чиқарган эди; Коновницин ҳам Дохтуровга ўхшаб, ҳеч қачон жанг режасини тузмаган бўлса ҳам, лекин ҳамisha қаерда вазият оғир бўлса, ўша ерда бўларди; навбатчи генерал бўлиб тайинланганидан бери, чопар келиб қолса мени дарҳол уйғотинглар, деб доим эшикни очик қолдириб ётар, жанг вақтида ҳамisha ўт ичида бўлар, бунинг учун ҳатто Кутузовнинг ўзи ҳам ундан ўпкалар ва бирон ёққа юборишдан қўрқарди. У ҳам Дохтуров сингари шатир-шутур қилмасдан, гувулламасдан, унсизгина айлашиб, машинанинг энг муҳим қисмини ташқил қилган тишли паррақларнинг бири эди.

Коновницин қоронғи ва рутубатли тунда уйдан чиққач қошларини чимирди, биринчидан, унинг бош оғриғи кучайган бўлса, иккинчидан, кўнгилсиз фикрлар хаёлига келди: бу хабарни эшитиб, ҳозир штабда уя қурган кишиларнинг, айниқса, Тарутино воқеасидан бери Кутузов билан қирпичок бўлиб қолган Бенигсеннинг ҳовлиқиб қолишини ҳам биларди; униси у таклифни қилса, буниси бу таклифни олға суриб, баҳс-мунозара қилишини, бири бир буйруқ берса, иккинчиси уни бекор қилишини ҳам биларди. Бусиз мумкин эмаслигини билиб турса ҳам, лекин бу фикрлар унинг таъбини хира қилмоқда эди.

Ҳақиқатан ҳам, Коновницин бу янги хабарни айтиш учун Толь олдига кириши биланоқ у дарҳол ҳамхужраси бўлмиш генералга ўз мулоҳазаларини баён эта бошлади, хорғинлик ва хомушликка кулоқ солаётган Коновницин шавкатли князь хузурига боришни унга эслатиб қўйишга мажбур бўлди.

XVII

Кутузов ҳамма мўйсафидлар одатича кам ухлар, кундузи кўпинча уни кўкқисдан мудроқ босиб қоларди, лекин кечалари ечинмасдан тўшагида чўзилиб ётаркан, кўпинча ухламасдан хаёл сурарди.

Бугун ҳам у шу алпозда, хунуги чиққан катта бошини сергўшт кўли устига кўйиб, биргина очик кўзини коронгиликка тикиб, ўз каравотида хаёл суриб ётар эди.

Подшоҳ билан хат ёзишиб турадиган ва бош штабда ҳаммадан кўра нуфузлроқ бўлган Бенигсен Кутузовдан ўзини олиб қочиб юргандан бери Кутузов бир масалада анча тинчиб қолган эди: ҳозир ҳеч ким уни ўз кўшинлари билан беҳуда хужум қилишга мажбур қилолмас эди. Кутузовнинг юрагида бир доғ қолдирган Тарутино жанги ва унинг арафасида юз берган кўнгилсиз воқеалар уларга ҳам таъсир қилса керак, деб ўйларди бош кўмондон.

«Хужумга ўтиб, жанг қилсак, ютқизиб кўйишимиз аниқлигини улар англаши керак. Менинг баҳодир жангчиларим – сабр ва фурсатдир! – деб ўйлар эди Кутузов. Олмани пишмасдан олдин узмоқ номаъқул эканлигини Кутузов биларди. Олма пишса, ўзи тушади. Хом узсанг, ҳам олмани, ҳам дарахтни нобуд этасан, ҳам тишингни қамаштириб кўясан. Кутузов шикорни яхши биладиган, тажрибали овчи сингари бу ҳайвон ярадор бўлганини, ярадор бўлганда ҳам русларнинг бор кучи билан жуда каттиқ ярадор бўлганини биларди, лекин бу яра ҳайвонни ўлдирадиган даражадами, йўқми, бунисини ҳали ҳозирча билмас эди. Энди Лористон ва Бертелемиларнинг элчи бўлиб келганидан, партизанлардан олинган маълумотлардан Кутузов бу яра ўлдирадиган яра эканини аниқ билди. Лекин шундай бўлса ҳам, бунга далил-исботлар керак, сабр-бардош керак эди.

«Улар югуриб бориб, ўзлари ўлдирган ҳайвоннинг ўлигини кўрмоқчи. Сабр қилинглар, ҳали кўрасизлар. Ҳадеб хужумга ўтиш, манёвр қилиш керак эмиш! – деб ўйлар эди Кутузов. – Нима учун денг? Ўзларини кўрсатиш учун. Урушишда худди бир дилхушлик бордай улар доим жангга ингилишади. Улар бир-бирлари билан урушиб кетиб, кейин гап сўраганда воқеанинг нималигини дурустроқ айтиб беролмаган болаларга ўхшайди, чунки булар ҳам гўдакларга ўхшаб ҳар қайсиси ўзининг урушқоқлигини исботламоқчи. Ҳозир гап унда ҳам эмас.

Барча бу жонкуярлар менга қандай моҳирона манёвр-

ларни таклиф қилишади! Булар бир-иккита тасодифий нарсани ўйлаб топишади-ю (Кутузов Петербургдан келган умумий ҳужум режасини эслади), кейин барча тасодифларни кўзда тутганмиз деб гумон қилишади. Ваҳоланки уруш вақтида тасодифнинг сон-саногии бўлмайди!

Бородино жангида душманга берилган зарба ўлдирадиган зарба эдими, йўқми, деган масала бир ойдан бери Кутузовга ором бермас эди. Бир томондан, французлар Москванга ишғол қилишди. Иккинчи томондан, бутун руслар билан бирга, бор куч-қувватни йиғиб берилган даҳшатли зарба душманни, албатта, ҳалок қилувчи зарба эканига Кутузов жон-жаҳди билан ишонарди. Аммо, ҳар ҳолда, далил ва исбот керак эди ва Кутузов бир ойдан бери шу далилисботни кутар ва вақт ўтган сари кўпроқ бетоқат бўларди. Тўшақда ётиб, кечалари тонг отгунча мижжа қокмай ўтганида, гўр ёш генералларни таъна қилган Кутузов ўзи уларнинг ишини қилар ва ёшлар каби ҳар хил тасодифларни ўйлаб топарди, фақат улар ўртасидаги тафовут шундан иборат эдики, Кутузов бу тасодифларга суяниб ҳеч бир иш қилмас, у бунақа тасодифларни бир-икки эмас, балки минглаб кўрган эди. Қанча кўп ўйласа, бу тасодифлар шунча кўпаярди. У Наполеон армиясининг барчаси ёки унинг айрим қисмларининг ҳар хил йўллар билан қиладиган ҳаракатларини, уларнинг Петербург устига юришини, ўзи устига ва орқасидан келиб қолишини ҳар жиҳатдан, ўйлаб кўрарди. Ҳатто Наполеон менинг ўз куролимни ўзимга қарши ишлатиб, Москвага кириб олиб бу ерда менинг келишимни пойлаб ётавермасмикин, деган эҳтимолни ҳам кўп ўйлар ва бу эҳтимол уни ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишга соларди. Кутузов ҳатто Наполеон армияси орқасига қайтиб, Медина ва Юхнов томонга чекинса унда нима қилиш керак, деб ҳам ўйлаб кўрди, лекин у фақат бир нарсани: Москвадан чиққандан кейин дастлабки ўн бир кун ичида Наполеоннинг кўпини саросималикка тушиб, ўзини телбаларча у ёқдан бу ёққа уришини ва шунинг оқибатида француз армиясини батамом қириб ташлаш мумкинлигини Кутузов хаёлига келтиришга журъат этолмаган эди. Брусье қўл остидаги

дивизиянинг ахволи тўғрисида Дороховнинг юборган маълумоти ҳам, Наполеон армиясининг оғир вазияти ҳақида партизанлардан олинган хабарлар ҳам, французларнинг Москвадан чиқиб кетишга тайёрланаётганликлари тўғрисидаги узункулоқ хабарлар ҳам, француз армияси тор-мор бўлиб қочиш ҳаракатига тушиб қолганлиги тўғрисидаги эҳтимолни тасдиқлар эди, ammo бу фараз ва тахминлар фақат ёшлар учун муҳим бўлиб, Кутузовнинг назарида, уларнинг аҳамияти йўқ эди. Олтмиш ёшлик тажрибага эга бўлган билан бу мўйсафид узункулоқ хабарларга қанчалик ишониш мумкинлигини, бир нарсани ўз хоҳишича бўлишини истаган кишилар барча миш-мишларни ўз хоҳишларини исбот қиладиган тарзда йиғишларини ва бундай ҳолларда ўз тилаklarига зид бўлган хабарларни эътибордан соқит қолдиришга ҳаракат қилишларини яхши биларди. Кутузов французларнинг тор-мор бўлиб, қочиш ҳаракатига тушишини қанча кўп истаса, бунга инонмоқдан ўзини шунча кўп тияр эди. Бу масала унинг бутун маънавий кучини банд қилган эди. Бундан бошқа ишларнинг ҳаммаси унинг учун кундалик ишларни бажаришдан иборат эди. Штабдагилар билан гаплашиш ҳам, Тарутинодан туриб ёзган хатлари ҳам, роман ўқиш ҳам, мукофотлар улашиш ҳам, Петербургга хат ёзиш ва ҳоказолар ҳаммаси шундай кундалик оддий ишларни бажаришдан иборат эди. Ammo унинг ёлғиз ўзи французларнинг ҳалок бўлишини билган, унинг бутун тилаги, ягона орзуси ҳам шу эди.

11-октябрь кечаси ястаниб ётган жойида Кутузовнинг хаёли ана шу билан банд эди.

Кутузов ётган уйнинг ёнидаги уйдан Толь, Коновницин ва Болховитиновларнинг қадам товуши эшитилди.

– Ҳой, ким у? Бу ёққа кириш, бу ёққа кириш! Қандай янги хабар бор? – деб фельдмаршал уларни чақирди.

Лакей шам ёққунча Толь хабарнинг мазмунини айтиб берди.

– Ким келтирди бу хабарни? – деб сўради Кутузов. Шам ёқилгач, Толь унинг чехрасидаги совуқ, қатъий ифодани кўриб хайрон бўлиб қолди.

– Жаноби олийлари, бу ҳақда шубҳа бўлиши мумкин эмас.

– Бу ёққа чақир, чақир уни!

Кутузов бир оёғини каравотдан тушириб, букилган иккинчи оёғи устига катта қорнини тираб ўтирар эди. У худди фикрини банд қилган нарсани чопарнинг сиймосидан англамоқчи бўлгандай, соғ кўзини қисиб Болховитиновга қаради.

Кутузов кўйлагининг очилиб қолган ёқасини бекитаркан, кексаларга хос секин овоз билан Болховитиновга деди:

– Қани, дўстим, гапир, яқинроқ кел, яқинроқ кел. Менга қанақа хушxabар келтирддинг! Наполеон Москвадан чиқиб кетибдими? Ростдан ҳам шундайми? А?

Болховитинов буюрилган гапни бошдан оёқ батафсил баён қилди.

Кутузов унинг сўзини бўлиб:

– Гапир, тезроқ гапир, юрагимни зма! – деди сабрсизлик билан.

Болховитинов ҳамма гапни айтиб бўлгандан кейин Кутузовнинг амрини кутиб сукут қилиб турди. Толь бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, Кутузов унинг сўзини бўлди, лекин бирдан юзи буришиб, кўзлари қисилди; Толга қараб кўлини силкитгач, уйнинг тўрида осиглик турган иконаларга юзини ўтирди.

– Эй тангрим! Халлоки олам! Дуоларимиз даргоҳингда мустажаб бўлди... – деди Кутузов икки кўлини сийнасига қўйиб қалтираган товуш билан. – Россия нажот топди. Ҳамд-у санолар бўлсин сенга, тангрим! – Шуни деб йиғлаб юборди.

XVIII

Французлар Москвадан чиқиб кетди, деган хабар олинган кундан бошлаб, уруш тамом бўлгунга қадар Кутузовнинг бутун фаолияти, кўлидаги ҳокимиятдан фойдаланиб, ҳийланайранг ишлатиб, ялиниб-ёлвориб, ўз кўшинларини фойдасиз хужум, манёвр ва халокатга учраётган душман билан тўқнашишдан сақлашдан иборат бўлди. Дохтуров

Малоярославецга боради, лекин Кутузов бутун армияси билан ишни пайсалга солади ва Калугани тозалашга буйрук беради, назарида Калугадан чекиниш мумкинга ўхшаб кўринади.

Кутузов ҳамма ерда чекинади, душман эса унинг чекинишини кутмасдан орқага, тескари томонга қараб кочади.

Наполеоннинг тарихчилари бизга уни Тарутино ва Малоярославецга қилган мохирона манёврларини тасвирлаб бериб, Наполеон жанубдаги бой губернияларга бостириб киришга улгурса нима бўлар эди, деб фараз қилишади.

Бирок Наполеоннинг серкуёш ўлкаларни забт қилишига ҳеч ким халал бермаганлиги у ёқда турсин (чунки рус армияси унинг йўлига ғов бўлгани йўқ), тарихчилар Наполеон армиясининг жонига ҳеч нарса ора киролмаслигини унутиб қўйишади, чунки бу армиянинг ҳалокатга, инқирозга учраши аниқ эди. Нима учун Москвада қўлга киритган шунча кўп озиқ-овқатни саранжомлаб олмасдан, уни топтаб ташлаган, Смоленскка келиб у ердаги озиқ-овқатни тежаш саранжомлаш ўрнига, талон-ғорож қилиб юборган бу армия Калуга губерниясига келиб, ўзини ўнглаб олиши керак экан? Ахир бу ерда ҳам Москвадаги сингари руслар яшар ва улар ҳам москваликлар сингари ҳамма нарсага ўт қўйишга қодир эди-ку!

Бу армия ҳеч қаерда ўзини ўнглай олмас эди. Бородино жанги ва Москва ғорат қилинишидан бошлаб бу армиянинг вужудида чириш учун шароит вужудга келган эди.

Собиқ армиянинг одамлари ўз раҳнамолари билан бирга бораётган ерларини ўзлари билмаган ҳолда, қаёққадир қочмоқда, Наполеоннинг ўзи ҳам, унинг ҳар бир аскари ҳам фақат биргина нарсани, ҳозирча аниқ-равшан бўлмаса ҳам, бу вазиятнинг мушкул эканлигини англаб, ундан иложи борича тезроқ қутулишни истарди.

Фақат мана шунинг учун ҳам Малоярославецдаги кенгашда генераллар маслаҳатлашган бўлиб, турли фикр баён қилганда, ҳамманинг дилидаги гапни айтган оққўнгил аскар Мутоннинг сўнгги сўзи: иложи борича бу ердан тезроқ кетиш керак, деган сўзи ҳамманинг оғзини бойлаб қўйди,

ҳатто Наполеоннинг ўзи ҳам бошқалар сезиб турган бу ҳақиқатга қарши «чурқ» этмади.

Кетиш кераклигини ҳамма билса ҳам, лекин қочип уят, номус эканлиги одамларни ушлаб турар эди. Мана шу ор-номусни енгилш учун ташқи бир туртки керак эди. Шундай туртки ўз вақтида етиб келди. Бу нарса французларнинг ибораси билан айтганда «Император наъраси» эди.

Кенгашнинг эртасига эрталаб Наполеон кўшинларни бўлиб ўтган ва бўлажак жанг майдонини кўздан кечириш баҳонаси билан, генерал ва соқчилар билан биргаликда кўшинлар марраси ўртасидан бормокда эди. Ўлжа дардида юрган казаклар императорнинг ўзига дуч келиб қолишди ва сал бўлмаса уни асир олишарди. Агар казаклар бу гал Наполеонни кўлга туширолмаган бўлса, фақат французларни Тарутинода ҳалокатга дучор қилган нарса – ўлжа французлар жонига ора кирди: казаклар Тарутинодаги сингари бу ерда ҳам одамларни кўйиб, ўлжага ёпишдилар. Улар Наполеонга эътибор бермасдан ўлжага ташланишди ва Наполеон фурсатдан фойдаланиб жонини кутказди.

Мана шунақа қилиб, «Дон ўғлонлари» императорни ўз кўшинлари ўртасида кўлга тушираёзганларидан кейин, ўз-ўзидан маълум эдики, энг яқин ва таниш йўл билан иложи борича тезроқ қочипдан бўлак чора йўқ. Қорин кўйган, илгариги чакқонлиги ва шижоати қолмаган қирқ ёшли Наполеон бу ишорага тушунди. Казаклар кўнглига солган ваҳиманинг таъсири остида дарҳол Мутоннинг фикрига кўшилди ва тарихчиларнинг айтишича, Смоленск йўли билан орқага чекинишга буйруқ берди.

Наполеоннинг Мутон фикрига кўшилиши ва француз кўшинларининг орқага чекиниши Наполеоннинг буйруғи билан бўлган эмас, балки бутун армияни Можайск йўли билан кетишга ундаган кучлар айни вақтда Наполеоннинг ўзига ҳам таъсир қилганини кўрсатади.

XIX

Йўл юраётган киши ҳамиша мақсадни кўзлайди. Минг чақирим масофани босиш учун киши шу минг чақирим йўлнинг охирида бирон яхши нарса бор деб ўйлаши зарур. Олға қараб ҳаракат қилаётганда белда мадор бўлиши учун киши орзу қилиб юргани бирон жойни кўз олдига келтириши керак.

Хужум вақтида французлар орзу қилган жой Москва эди, орқага чекинаётганда эса ўз ватанлари бўлди. Лекин Ватан ҳали жуда узоқ, минг чақирим масофани босадиган киши, албатта, сўнгги мақсадни унутиб, ўз-ўзига: «Бугун кирк чақирим йўл боссам, дам оладиган ва тунайдиган ерга етиб бораман» дейди ва дам оладиган биринчи манзил сўнгги мақсадни орқага суриб, бутун орзу-тилақларини ўзига жалб қилади. Айрим шахсда туғилган майл-истак оломонда ҳамиша кучайиб боради.

Эски Смоленск йўли билан орқага чекинаётган французлар учун сўнгги мақсад – ватан жуда узоқ эди. Энг яқин мақсад, оломонда мутаносиб равишда ортиб бораётган, барча орзу-тилақларни ўзига жалб қилаётган энг яқин мақсад Смоленск эди. Улар Смоленскда жуда кўп озик-овқат ва жангга кирмаган қўшин бор деб эшитганлари ва уларга шундай деб айтганлари учун эмас (аксинча армиядаги олий рутбали кишилар ҳам, Наполеоннинг ўзи ҳам у ерда озик-овқат озлигини биларди), балки бу нарса олға юриш учун уларга куч ва оғир махрумиятларга бардош бағишлагани учун олға юришарди. Улар: бу нарсани биладиганлар ҳам, билмайдиганлар ҳам ўзларини шу зайлда алдаб, худди нажотгоҳ каби Смоленскка қараб интилишди.

Катта йўлга чиқиб олгандан кейин французлар мисли кўрилмаган суръат билан ўзлари ўйлаб топган мақсадга томон югура бошладилар. Французлар оломонини бирлаштирган ва уларга маълум даражада куч бағишлаган бу умумий интилишдан ташқари, уларни бир-бирига боғлайдиган тағин бошқа бир сабаб ҳам бор эди. Бу сабаб уларнинг сонсаногии эди. Физикадаги тортишиш қонуни каби, уларнинг энг катта оломони айрим одам атомларини ўзига

тортиб бормоқда эди. Юз минг кишидан иборат бу оломон бир давлатга ўхшаб ҳаракат қилмоқда эди.

Буларнинг ҳар бири фақат бир нарсани – асир тушиб, бутун бу даҳшат ва фалокатлардан қутулишни истар эди. Лекин бир томондан мақсадга, Смоленскка қараб умумий интилиш кучи ҳар бир аскарни ўша томонга тортса, иккинчи томондан, корпуснинг ротага таслим бўлиши хунук гап эди, шунинг учун французлар бир-бирларидан ажралиш ва озгина қулай фурсат топилиб қолса асир тушишга уринсалар ҳам, бундай қулай фурсат ҳамиша муяссар бўлавермас эди. Аскар миқдорининг кўпчилиги, зич бўлиб, жадал суръат билан ҳаракат қилиши уларни бу имкониятдан маҳрум этмоқда ва руслар учун бу ҳаракатни, французлар оломонининг бутун кучини ўзида тўплаган бу ҳаракатни тўхтатиш ишини нафақат қийинлаштирди, балки уни мумкин бўлмайдиган нарсага айлантирди. Бир вужудни тилка-пора қилиш – чириш жараёнини маълум бир даражадан ортиқ тезлаштиролмайди. Бир уюм қорни бир онда эритиш мумкин эмас. Муайян бир вақт ўтмагунча ҳеч қандай кучли ҳарорат қорни эритолмайди. Аксинча, кун илиган сайин ердаги қор шу қадар қаттиқроқ бўлади.

Кутузовдан бўлак рус ҳарбий саркардаларининг биронтаси буни билмас эди. Француз армияси Смоленск йўли билан қочаётгани маълум бўлгандан кейин Кононицин 11-октябрда қаромат қилган нарса амалга ошаверди, Армиядаги барча олий рутбали кишиларда бирон иш кўрсатиш, французларнинг йўлини кесиб, уларни қўлга тушириш, асир олиш,

улоқтириб ташлаш ҳаваси пайдо бўла бошлади ва ҳамма бир оғиздан ҳужумга ўтишни талаб қилди.

Ёлғиз Кутузов бор кучини (бош қўмондонларда бунақа куч кўп бўлмайди) ишга солиб, бу ҳужумга қарши чиқди.

Кутузов уларга биз ҳозир айтган гапни айта олмас эди: жанг қилиш, душман йўлини тўсиш, ўз одамларимизни ҳалок этиш ва бу шўрликларни шафқатсизликка қиришнинг нима кераги бор? Москвадан Вязмагача бусиз ҳам душман армиясининг учдан бири, ҳеч қандай жангсиз эриб йўқ

бўлиб кетгандан кейин, буларнинг нима ҳожати бор, дея олмасди. Лекин Кутузов ўз кекса қалласидан чиққан ва улар тушунадиган ҳикматли сўзларни айтди: Кутузов уларга олтин кўдрик ҳақида гапирди, улар Кутузовни масхара қилиб кулишди, унга бўҳтонлар қилишди, ўлдирилган йиртқич хайвон устида талашиб-тортишиб, ўзларини ҳар томонга ташлашди.

Вязма атрофида Ермолов, Милорадович, Платов ва бошқалар французларга яқин бориб қолгач, икки француз корпусини бир-биридан ажратиш ва уни улоктириб ташлашдан ўзларини тиёлмадилар. Улар Кутузовни ўз ниятларидан огоҳ қилиб, маълумотнома ўрнига конвертга бир варақ оқ қоғозни солиб юборишди.

Кутузов кўшинларни ҳужумдан сақлаб қолишга қанчалик уринмасин, бизнинг кўшинлар душман йўлини тўсиш мақсадида унга ҳамла қилаверишди. Одамларнинг гапига қараганда, пиёда аскарлар полки мусика ва дўмбира билан ҳужумга кириб, мингларча душманни кириб ташлашар ва ўзлари ҳам мингларча талафот беришарди.

Лекин душман корпусларини бир-биридан ажратиш ва уларни улоктириб ташлашга муваффақ бўлолмадилар. Хавф-хатардан яна ҳам жипслашган француз кўшинлари, бир маромда эриб, Смоленскка томон ўз ҳалокатли йўлини давом эттираверди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

I

Бородино жанги, ундан сўнг французлар томонидан Москванинг ишғол қилиниши ва жанг қилмасдан уларнинг яна Москвадан қочиши энг ибратли тарихий ҳодисалардан бири ҳисобланади.

Ҳамма тарихчилар бир-бири билан тўқнашган давлатлар ва халқларнинг ташқи фаолияти урушлар орқали ифодаланади, катта ё кичик ҳарбий муваффақиятлар натижасида давлатлар ва халқларнинг сиёсий кучи бевосита ортади ё камаяди, деган фикрни тасдиқлашади.

Тарихчиларнинг аллақанака қирол ё император бошқа бир қирол ё император билан низолашиб, қўшин йиғди, душман аскарларига қарши урушиб, ғалаба қозонди ва уч минг, беш минг, ўн минг одамни ўлдириб, бунинг оқибатида бир неча миллион аҳолига эга бўлган бутун бир давлатни тиз чўқтирди, деб ёзишлари нақадар таажжубли бўлмасин, бутун халқ кучининг юздан бир қисмини ташкил этган биргина армиянинг мағлубияти бутун бир халқни тиз чўқишга мажбур этганини англаш нақадар қийин бўлмасин, бизга маълум бўлган барча тарихий фактлар шу нарсани тасдиқлайди: бир халқ қўшинининг бошқа бир халқ қўшини устидан қозонган катта ё кичик ғалабаси ўша халқларнинг кучи ортгани ё камайганининг асосий сабаби ёки энг камида, жуда муҳим белгиси эканини тасдиқлайди. Қўшин фатҳ-у нусрат қозониши биланоқ ғолиб халқнинг ҳақ-ҳуқуқи мағлубиятга учраган халқнинг ҳисобига кўпаяди. Қўшин мағлубиятга учрадими, шу мағлубият даражасига қараб, халқ ўз ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум бўлади, қўшини батамом мағлуб бўлдими, ўша халқ буткул тиз чўқади.

Тарихнинг қўрсатишича, қадимги замонлардан бошлаб ҳозирги кунга қадар шундай бўлиб келган, Наполеон олиб борган урушларнинг ҳаммаси шу қоидага тасдиқлайди. Австрия қўшинлари қай даражада мағлубиятга учраган бўлса, Австрия шу даража ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум бўлган,

Франциянинг ҳуқуқи ва кучи эса шу даража ортган эди. Французларнинг Иена ва Ауерштет яқинида қозонган ғалабалари Пруссия истиклолини маҳв этган эди.

Бироқ тўсатдан 1812-йилда французлар Москва яқинида ғалаба қозониб, Москвага кириб олганларидан сўнг Россия ўз истиклолини йўқотмади, аксинча, ҳеч қандай янги жангсиз, олти юз минг кишилиқ француз армияси ва Наполеон Францияси маҳв бўлди. Фактларни тарих қоидаси қолиғига солиб, Бородино жангида русларнинг қўли баланд келган, душман Москвага киргандан кейин янги жанглар бўлиб, бу жангда Наполеон армияси тор-мор қилинган эди, деб айтиш мумкин эмас-ку ахир.

Французлар Бородинода ғалаба қозонганларидан сўнг французлар катта жанг у ёқда турсин, ҳатто тилга олишга арзийдиган кичикрок бир жангга ҳам журъат қилганлари йўқ ва француз армияси ўз-ўзидан нест-нобуд бўлиб кетди. Бу нима деган гап? Агар бу Хитой тарихидан олинган мисол бўлса, биз буни тарихий воқеа эмас, деб айта олардик (бирон нарса қолиғларига тўғри келмаса, тарихчилар шундай деб қутулишади); сўз озгина аскар қатнашган қисқа муддатли тўқнашув ҳақида кетганда эди, биз бу мустасно ҳодиса деб ҳисоблар эдик, лекин бу воқеа ота-боболаримизнинг кўз олдида юз берган ва улар учун бу воқеа ҳаёт-мамот масаласини ҳал қиладиган воқеа бўлган, ундан кейин бу уруш биз биладиган урушларнинг энг каттаси ва энг машҳури бўлган...

1812-йил кампаниясининг Бородино жангидан бошлаб французлар қувиб чиқарилгунча ўтган даври жангда ютиб чиқиш ғалабага сабаб бўлолмаслигинигина эмас, ҳатто ғалабанинг доимий аломати бўлолмаслигини ҳам исботлайди; 1812-йил кампанияси халқлар тақдирини ҳал қиладиган куч фотиҳлар, ҳатто армия ва ё жанглар ҳам эмас, балки тамоман бошқа нарсада эканини исботлаб берди.

Француз тарихчилари, француз қўшинларининг Москвадан чиқиб кетиш арафасидаги вазиятини тасвирлаб, суворийлар, артиллерия ва юк араваларини мустасно қилганда, Буюк армияда ҳамма нарса жойида эди. Фақат

отлар ва қорамоллар учун ем-хашак етмас эди, деб ёзишади. Бу оғир аҳволдан қутулишга ҳеч ким ёрдам беролмас эди, чунки шаҳар атрофидаги деҳқонлар пичанларини французларга беришдан кўра куйдириб юборишни афзалроқ кўришарди.

Шундай қилиб, ғалаба билан тутаган жанг одатдаги натижани бермади, чунки французлар чиқиб кетгандан кейин шаҳарни талагани от-араваси билан келган деҳқонлар – умуман ҳеч қанақа шахсий қаҳрамонлик туйғуси бўлмаган Карп ва Власлар ва булар қабилдаги сон-саноксиз деҳқонлар катта пул ваъда қилишган бўлса ҳам, ўз пичанларини Москвага олиб келиб французларга сотмадилар, балки куйдириб юбордилар.

Кўлига қилич олиб, қиличбозлик санъатининг барча қоидаларига асосан яккама-якка курашга отланган икки шахсни кўз олдимизга келтирайлик: қиличбозлик жуда узок давом этади; рақиблардан бири тўсатдан ярадор бўлганини сезади-да, бу нарса ҳазил эмас, балки унинг учун ҳаёт-мамот масаласи эканини англаб, қилични ташлайди-да, дуч келган бир сўйилни олиб ўшани ишга солади. Яна шуни тасаввур қилингки, мақсадга эришмоқ учун энг яхши ва энг оддий воситалардан бунчалик оқилона фойдаланаётган киши шу билан бирга рицарлик ҳақидаги ривоятлардан руҳланиб, ишнинг моҳиятини ҳаспўшлашга уринса-ю, мен қиличбозлик санъатининг барча қоидаларига мувофиқ енгдим, деб туриб олса. Бўлиб ўтган яккама-якка курашни шу тариқа тасвирлаш нақадар чалқаш ва ноаниқ эканлигини бир кўз олдингизга келтириб қаранг!

Қиличбозлик санъатининг барча қоидаларига асосан олишишни талаб қилган қиличбоз французлар эди; қилични ташлаб, сўйилни олган эса, уларнинг рақибби – руслар эди: юз берган бу воқеанинг ҳаммасини қиличбозлик санъатининг қонун-қоидасига асосан изоҳламоқчи бўлганлар бу ҳодисани баён этган тарихчилар бўлади.

Смоленск ёнғинидан кейин урушлар ҳақидаги эски ривоятларга сира тўғри келмайдиган бир уруш бошланиб кетди. Шаҳар ва кишлоқларга ўт қўйиш, жангдан кейин

чекиниш, Бородинода берилган зарба, яна чекиниш, Москва ёнғини, талончи аскарларни овлаш, юк арваларини қўлга тушириш, партизанлар уруши – буларнинг ҳаммаси уруш қонун-қоидасидан четга чиқиш эди.

Бу нарсани Наполеон сезди; у қиличбозлик қонун-қоидасига мувофиқ бир қиёфада Москвада тўхтаб, ўз боши узра душмanning қиличини эмас, балки сўйилини кўрди-ю бу уруш қонун-қоидага хилоф равишда олиб борилаётгани ҳақида (худди одам ўлдиришнинг бирон қонун-қоидаси бордай) Кутузов ва император Александрга шикоят устига шикоят юбора бошлади: французларнинг уруш қонун-қоидага хилоф тарзда олиб борилаётганлиги ҳақидаги шикоятларига қарамасдан, сўйил билан урушиш юксак мавқедаги русларга, нимагадир, ор-номус бўлиб кўринганига ва улар қонун-қоидага мувофиқ... тўртинчи ёки учинчи, позицияда туриб маҳорат билан биринчи ҳамла қилиш ва ҳоказоларни истаётганларига қарамасдан, халқ урушининг сўйили бутун даҳшат ва маҳобати билан кўтарилди ва бировнинг дидига ёқадими, қонун-қоидага тўғри келадими, деб сўраб-суриштирмасдан, ўтакетган соддалик билан француз истилоси тамом бўлгунга қадар уларни ерга киргизаверди.

Французларнинг 1813-йилда қилган ишини такрорлаб, қиличбозлик санъатининг барча қонун-қоидасига мувофиқ салют бериб, назокат ва эҳтиром билан қилич сопини ғолиб келган марҳаматли душманига тутган халққа эмас, балки бошига кулфат тушган вақтда, бундай пайтларда бошқалар қандай тартиб-қоида билан ҳаракат қилганликларини суриштириб ўтирмасдан, соддалик ва абжирлик билан қўлига тушган сўйилни олиб, дилидаги аламлари чикқунча ва ўчини олиб, интиқом ҳисси нафрат ва шафқат ҳисси билан алмашинмагунча душманни шу сўйил билан ураверган халққа шон-шарафлар бўлсин!

II

Ғуж бўлиб олган одамларга қарши тарқоқ ҳолатдаги кишиларнинг жанг олиб бориши уруш қонуни деб аталган нарсадан четга чиқишнинг энг сезиларли ва қулай шаклидир. Бундай ҳолатлар, ҳамипа умумхалқ урушига айланган урушларда рўй беради, Бу ҳаракат шундан иборатки, бир тўда одамга қарши бир тўда бўлиб туриш ўрнига, одамлар ҳар томонга тарқалиб кетиб, душманга якка-якка ҳамла қилишади ва душман катта куч билан уларга ҳужум қилиши биланок, тумтарақай бўлиб кетишади ва кейин, қулай пайт тўғри келиб қолса, яна ҳамла қилишади. Гверильяслар¹ Испанияда шундай қилган; Кавказдаги тоғликлар шундай қилган; 1812-йилда руслар шундай қилган.

Бу ҳидаги урушга партизан уруши деб ном қўйилган ва шундай ном қўйиш билан унинг моҳиятини аниқламоқчи бўлишган. Ҳолбуки бундай уруш ҳеч қандай қонун-қоидага тўғри келмайди, ҳатто кам-кўстсиз, муқаммал деб танилган маъруф тактик қондасига тамомила зиддир. Бу тактик қоидага мувофиқ ҳужум қиладиган томон жанг вақтида душманидан зўр бўлиш учун ўз қўшинларини бир ерга тўпламоғи шарт.

Партизан уруши, тарихдан маълум бўлишича, ҳамипа муваффақият қозонган уруш, бу қоидага тамомила зиддир.

Бу зиддиятнинг сабаби шуки, уруш илми, қўшиннинг кучи унинг сонига боғлиқ деб билади. Уруш илми, қўшин қанча кўп бўлса, куч ҳам шунча кўп бўлади, катта ҳарбий кучлар ҳамипа ғолиб кела дейди.

Уруш илми бу даъвони олға сурганда, ҳаракатда бўлган икки жисмга фақат уларнинг оғирлиги нуқтаи назаридан қараб, уларнинг кучи барабар ёки барабар эмас, чунки уларнинг оғирлиги барабар ёки барабар эмас, деган механикага ўхшайди.

Куч, яъни ҳаракатнинг миқдори ҳаракатдаги жисм оғирлигини ҳаракатнинг суръатига зарб этишдан ҳосил

¹ Гверильяслар – Испаниядаги партизанлар. 1808-1814-йилларда Франция билан Испания урушганда халқ ичидан чиққан фидойилар.

бўлади.

Урушда ҳам кўшиннинг куч-қуввати, бу кўшинларнинг миқдорини қандайдир номаълум бир «Х»га (иксга) зарб қилишдан ҳосил бўлади.

Уруш илми кўшиннинг кучи массасига мувофиқ келмаганини, кичкина отрядлар катта-катта отрядларни мағлуб қилганини тарихда кўп кўргач, номаълум бир кўпайтувчи борлигини эътироф қилгандай бўлади ва бу кўпайтувчи гоҳ, ҳандасий шаклларда, гоҳ аскарнинг яроғ-аслаҳасида, гоҳ эса, осонгинаси, саркардаларнинг истеъдодида бўлса керак деб ўйлайди. Бирок кўпайтувчи остига қўйилган бу қийматлар тарихий фактларга мос келадиган натижани бермайди.

Ҳолбуки биз уруш вақтида қаҳрамонларга хушомад қилиб, юксак доиралар томонидан чиқарилган фармойишларга бериладиган сохта баҳолардан воз кечсак, бу номаълум «Х»ни топамиз қўямиз.

Бу «Х» – кўшиннинг руҳий ҳолатидир, кўшиннинг руҳий ҳолати эса армияни ташкил этган кишиларнинг жанг қилиш ва хавф-хатарга рўпара бўлишни қай даражада истаганликларига боғлиқ; бу кишилар дохий ё дохий бўлмаган одамлар гуруҳи остида урушяптими, икки қатор ё уч қатор бўлиб жанг қилишяптими, сўйил билан урушяптими ё дақиқасига ўтгизта ўқ узадиган милтиқ билан урушяптими, бунинг аҳамияти йўқ. Урушга иштиёқи бўлган кишилар ҳамиша уруш вақтида ўзларини энг қулай шароитга қўя биладилар.

Кўшиннинг руҳий ҳолати шундай бир кўпайтирувчи ададди, уни кўшиннинг миқдорига зарб қилсак, ундан чиққан ҳосил аскарнинг кучи бўлади. Фаннинг вазифаси мана шу мажҳул кўпайтирувчини – кўшинлар руҳий ҳолатини белгилаш ва унинг қийматини аниқлашдан иборат.

Агар биз шу мажҳул «Х»нинг қиймати ўрнига куч юзага келган вақтдаги шарт-шароитларни, масалан: саркардаларнинг амр-фармони, қурол-яроғ ва ҳоказоларни келтириб қўйишдан ва буларга кўпайтирувчи адад деб қарашдан воз кечсак ва шу мажҳул «Х»ни бутунлигича олсак, яъни уни кишиларнинг жанг қилиш ва хавф-хатарга рўпара бўлишни

қай даражада истаётганликларидан иборат деб билсак, масалани ҳал этишимиз мумкин. Ўшандагина маълум тарихий фактларни тенгламалар орқали ифодалаб, бу хнинг нисбий қийматини қиёслаш йўли билан топиб, хнинг ўзини аниқлашга умид боғлаш мумкин.

Ўн киши, ўн батальон ё ўн дивизия, ўн беш кишига, ўн беш батальон ё ўн беш дивизияга қарши курашиб, ўн бештасини мағлуб қилади, яъни ҳаммасини қириб ташлайди ё асир олади, ўзи ҳам тўртта йўқотади, демак, бир томондан тўрт, иккинчи томондан ўн беш киши, батальон, дивизия нобуд бўлади. Демак, тўрт адади ўн беш ададга тенг келган, бинобарин, $4x = 15y$, демак, $x:y = 15:4$. Бу тенглама мажхул соннинг қийматини белгиламайди, лекин икки мажхул орасидаги нисбатни кўрсатади. Тарихий жиҳатдан турлича бўлган бирликларни (жанглар, кампаниялар, урушнинг алоҳида даврлари) бундай тенгламага солганда рақамлар сираси вужудга келадики, бу рақамларда қонунлар мавжуд бўлиши ва бу қонунлар кашф этилиши мумкин.

Хужум вақтида кўплашиб хужум қилиш керак, чекинаётганда тарқалиб чекиниш керак, деган тактик қоида қўшиннинг кучи унинг руҳий ҳолатига боғлиқ деган ўша ҳақиқатни онгсиз равишда тасдиқлайди, холос. Одамларни ёғилаётган ўқларнинг остига олиб кириш учун интизом хужум даф этилаётган вақтдагига қараганда каттиқроқ бўлиши керакки, бунга фақат кўпчилик билан ёпирилиб ҳаракат қилгандагина эришиш мумкин. Бироқ қўшинлар руҳий ҳолатини кўзда тутмаган бу қоида ҳамisha нотўғри бўлиб чиқади, айниқса, қўшинларнинг руҳий ҳолати ё жуда яхши ва ё жуда ёмон бўладиган барча умумхалқ урушларида кишини тонг қолдирадиган даражада ҳақиқатга зид келади.

Французлар 1812-йилда, тактика қондасига мувофиқ тарқалиб чекинишлари керак бўлса ҳам, улар аксинча тўп-тўп бўлиб чекинишга ҳаракат қилишди, чунки француз қўшинларининг руҳи шу қадар тушиб кетган эдики, агар гуж бўлиб турмаса, ўзини туголмайдиган ҳолатга тушиб қолган эди. Руслар, аксинча, тактика қондасига мувофиқ тўп-тўп бўлиб хужум қилишлари керак эди, ҳақиқатда эса тарқок

холда жанг қилишди, чунки кўшиннинг руҳи шу қадар баланд эдики, айрим шахслар ўзларини азоб-уқубат ва хавф-хатарга дучор қилиш учун амр-фармон кутиб ўтирмасдан, бўйруксиз французларга ташланишга тайёр эди.

III

Партизан уруши деб аталган уруш душман Смоленска киргандан кейин бошланди.

Партизан уруши ҳукумат томонидан расмий равишда қабул қилинмасдан аввал казаклар ва дехқонлар душман кўшинидан бир неча мингини – йўлда – чўлда қолган талончиларни, овқат, ем-хашак йиғиб орқада бораётган душман аскарларидан бир неча мингини қириб тапшладилар, қутурган ит ораларига қириб қолганда бошқа итлар уни қандай беихтиёр ғажиб ташласалар, казаклар ва дехқонлар ҳам душман аскарларини шундай беихтиёр қириб ташладилар. Денис Давидов русларга хос бўлган алоҳида сезгирлиги билан уруш санъатининг қонун-қондаларини суриштириб ўтирмасдан французларни қириб ташлаётган бу дахшатли қуролнинг бутун аҳамиятини ҳаммадан олдин тушунди ва урушнинг бу усулини расмийлаштиришга ҳаммадан олдин қиришган одам ҳам шу бўлди.

Давидов қўл остидаги энг биринчи партизан отряди 24-августда ташкил қилинди, унинг кетидан бошқа отрядлар ҳам вужудга кела бошлади. Уруш чўзилган сари бу отрядларнинг сони ҳам кўпаяверди.

Партизанлар Наполеоннинг шундай катта армиясини бўлак-бўлак қилиб, бирин-кетин қира бошладилар. Улар қуриб қолган дарахтнинг ўзидан ўзи тўкилаётган баргларини теришарди, яъни француз кўшинларини қиришарди. Аммо баъзида улар шу қуриган дарахтни силкитиб ҳам кўярдилар. Октябрь ойида французлар Смоленска қараб қочиб кетаётганларида катта-кичик ҳар хил партизан отрядларининг сони бир неча юзга етди. Мунтазам армиянинг барча тартиб ва интизомларини жорий қилган, пиёда аскарлари, артиллерияси, алоҳида штаби бўлган ва ўзларига қулай шароит туғдирган отрядлар ҳам бор эди, фақат казаклар ва

суворийлардан иборат отрядлар ҳам бор эди; ҳар хил тоифалардан тўлланган майда-чуйда отрядлар, пиёда ва суворийлар, ҳеч ким билмайдиган деҳқон ва помешчиклар отряди ҳам бор эди. Бошида дьячок турган отряд ҳам бор эди, бу отряд бир ой мобайнида бир неча юз асир туширди. Хотинлардан чиққан оқсоқол Василиса ҳам ўзига отряд тузиб, юзлаб французни қириб ташлаган эди.

Октябрнинг сўнгги кунлари партизанлар урушининг авжига чиққан вақти эди. Дастлабки кунларда ўз ботирликларига ўзлари ҳайратда қолган партизанлар французларнинг бирдан босиб келиб, ўраб олишларидан кўрқиб, отларининг эгарини одмай, ҳатто отдан тушмай, ҳар он французларнинг қувлаб келиб қолишларини пойлаб, ўрмонларда яшириниб юришарди. Лекин энди партизанлар урушининг бу даври ўтди. Энди бу уруш муайян тусга кирди, французлар билан урушда қандай тадбирларни қўллаш мумкинлиги ва қандай тадбирларни қўллаш мумкин эмаслиги ҳаммага маълум бўлиб қолди. Энди фақат қоидага мувофиқ ўз штаблари билан йироқларда юрган отряд бошликларигина хануз қўп ишларга журъат қилолмас эдилар. Бу ишга киришганига қўл бўлган ва французларга яқин келиб, уларнинг ҳол-аҳволидан воқиф бўлган майда-чуйда партизан отрядлари бўлса, катта отрядларнинг бошликлари журъат этолмаган ишларга ҳам киришиб кетаверар эдилар. Французлар орасида ўраланиб юрган казак ва деҳқонларнинг назарида, ҳамма ишни қилса бўладиган эди.

Партизанлардан бири бўлган Денисов 22-октябрда ўз отряди билан партизан урушини жуда қизишиб юборди. Шу куни эрталабдан бошлаб Денисов бутун аскарлари билан шайланиб турарди. У катта йўл четидаги ўрмонга кириб олиб, куни бўйи кавалерияга тааллуқли анжомлар ва асир русларни ҳайдаб бошқа француз қўшинларидан ажралиб қолган каттакон француз транспортини кузатиб юрди. Французлар орасига кириб чиққан тилчилар ва французлардан тушган асирларнинг гапига қараганда бу транспорт кучли қўриқчилар муҳофазаси остида Смоленскка қараб бормоқда эди. Бу гапдан фақат Денисов билан Долоховгина

(у ҳам кичкина бир партизан отрядига бош бўлиб Денисовга яқин жойларда жанг қилиб юрар эди) эмас, балки ўзининг махсус штаби бўлган катта отряд бошлиқлари ҳам хабардор эди, ҳуллас, буни ҳамма билар ва Денисовнинг таъбири билан айтганда, ҳамма унга кўз олайтириб турар эди. Катта отряд бошлиқларидан иккитаси – бири поляк, иккинчиси немис айни бир вақтда биргалашиб Денисовни француз транспортига хужум қилиш учун ўз отрядларига қўшилишни таклиф қилиб қолди.

Денисов уларнинг мактубини ўқиб:

– Йўқ, оғайни, мен ўзим ҳам қиладиган ишимни биланман, – деди, кейин немисга хат ёзиб, гарчи сиздек машхур ва маъруф генералнинг кўл остида хизмат қилмоққа иштиёқманд бўлсам ҳам, бу бахт-саодатдан ўзимни маҳрум қилмоққа мажбурман. Чунки поляк генералининг хизматига кириб қўйди, деб жавоб қилди. Поляк генералига ҳам айнан шу мазмунда мактуб ёзиб, немис генералининг хизматига кирганини билдирди.

Денисов генералларга шундай жавоб бергандан сўнг, олий кўмондонликка маълум қилмасдан Долохов билан биргалашиб, ўз кўл остидаги озгина куч билан французларнинг бу транспортига хужум қилиб, уни босиб олмоқчи бўлди. Французлар 22-октябрда Микулино қишлоғидан чиқиб, Шамшево қишлоғига томон йўл олишган эди. Шамшево билан Микулино йўлининг чап томонида катта ўрмон бўлиб, у баъзи ерларда йўлга яқинлашиб келар, баъзи жойларда бир чақирим, бир ярим чақирим узоқлашиб кетар эди. Мана шу ўрмонзорларда Денисов французларнинг пайига тушиб, кеча-ю кундуз тинмасдан, гоҳ ўрмоннинг жуда ичкарасига кириб кетар, гоҳ четларига чиқиб, французларни изма-из таъқиб этиб борар эди. Эрталаб, Микулинога яқин жойда, йўл бўйидаги ўрмонда, Денисов отрядидан бир неча казак лойга ботиб қолган ва эгар-жабдуқ ортган иккита француз аравасини ушлаб, ўрмонга олиб кетишди. Шундан кейин, кечгача партизанлар французларни безовта қилмасдан, уларнинг кетидан пойлаб бораверишди. Мақсад: французларни чўчитмасдан Шамшевогача бемалол бориб

олишига имкон бериш, Шамшевога етгандан сўнг Долохов отряди билан биргалашиб, тонготарда баногоҳ икки томондан хужум қилиб французларнинг ҳаммасини бирданига қўлга тушириш эди. Долохов кечга яқин Шамшеводан бир чақирим нарида бўлган дарахтзор ичидаги қоровулхонага келиши ва бу ерда иккови маслаҳатлашиб олиши керак эди.

Микулинодан икки чақирим орқароқда, ўрмон йўлга яқин келган жойда казаклардан олти кишини пойлоқчи қилиб қўйишди; булар орқадан бошқа француз колонналари етиб келгудай бўлса, дарҳол хабар бериши керак эди.

Шамшеводан нарироқдаги йўлда яна бошқа француз аскарлари бўлса, Долохов уларнинг Шамшеводан қанча узокда эканини билиш учун йўлларни бирма-бир текшириб чиқиши керак эди. Француз карвонида бир минг беш юз киши бўлса керак, деб тахмин қилишган эди. Денисовнинг икки юзта одами бор, Долоховники ҳам шундан ортиқ эмас эди. Бироқ Денисов французларнинг қўшинига парво қилмади. Фақат бир нарсани, француз аскарлари қанақа аскар эканини аниқлаши керак эди, холос.

Бунинг учун Денисовга французлар колоннасидан бирор кишини қўлга тушириш керак эди. Эрталаб лойга ботиб қолган француз араваларини тутганда шу қадар шошиб қолишдики, ундаги французларни битта қўймасдан кириб ташлашди, фақат битта ноғорачи бола тирик қолган эди, бу бола эса аскарлардан жуда орқада қолиб кетган ва ўтиб кетган француз аскарларининг қандай аскар эканликлари тўғрисида ҳеч қандай маълумот беролмас эди.

Французларга яна бир қарра хужум қилишни Денисов маъқул кўрмади, чунки хужум қилгудай бўлса, бораётган французларнинг ҳаммасини хуркитиб, хавотирга солиб қўйиш мумкин эди, шунинг учун французларнинг олдинда бораётган квартиргерларидан¹ ҳеч бўлмаса бирон кишини тутиб келиш учун қўл остидаги деҳқонлардан Тихон Шчербатий деган кишини олдинроқ Шамшевога юборди.

¹ Квартиргер – ҳарбий қисмларни жойлаштириш билан шугулланувчи ҳарбий хизматчи.

IV

Куз фаслининг илик, ёғингарчилик бошланган пайти. Осмон билан уфқнинг ранги бир хил: лойқа сувга ўхшарди. Гоҳ кўк юзини туман пардаси қоплаб олгандай бўлар, гоҳ катта-катта ёмғир қуйиб қолар эди.

Денисов совутилган хишча зотли отга миниб бораркан, елкасига ташланган енгсиз чакмони билан папоғидан ёмғир суви шариллаб оқиб турар эди. У бошини қайириб, қулоқларини чимириб, гижинглаб бораётган отидек, қияла-масига ёғаётган ёмғирдан ўзи ҳам чимрилиб, кўнгли нотинч, олдинга тикилиб борар эди. Унинг озгин, қопқора соқол босган юзи тунд кўринарди.

Каттакон семиз отга минган казак ясовули Денисов билан ёнма-ён борар, унинг ҳам устида енгсиз чакмон, бошида папоқ бор эди.

Учинчи ясовул – сочи малла, новча, тахтадай ялпоқ юзи оппоқ Лавайский ҳам гердайиб борар, унинг ҳам эгнида енгсиз чакмон, бошида папоқ, кичкина кўкиш кўзлари ялтираб турар эди. От билан суворийнинг диққатини жалб этадиган хусусияти нимадан иборат эканини аниқ билиб бўлмаса ҳам, ясовул билан Денисовга дафъатан қараганда, Денисовнинг ёмғирдан ивиб, ўнғайсизланиб от устида зўрға бораётганлиги кўзга ташланиб турар, аммо ясовулга боққан киши унинг жуда бемалол ва бахузур кетаётганини, у отга минган киши эмас, балки от билан бирга икки ёрти бир бутун бўлиб, бутун вужуди отга қўшилиб кетган бир киши эканини дарҳол фаҳмлар эди.

Улардан сал олдинда, ёмғирдан ивиб шалаббо бўлган, кўк камзул ва қалпоқ кийган кичкина бир деҳқон йўл кўрсатиб борар эди.

Орқароқда озгин, думи узун, ёли қалин, лаби йиртилиб, қони оқиб турган пастаккина, ихчам қирғиз отида кўк француз шинелидаги бир ёш офицер борар эди.

У билан ёнма-ён бораётган гусар французча жул – дир мундир кийган, кўк қалпоқли бир ўғил болани отга мингаштириб олган эди. Бола совуқдан қизариб кетгач қўллари билан гусарни маҳкам ушлаб олган, яланг оёқларини андак

иситиш учун кимирлатиб, кошларини чимириб, ҳайрат билан ҳар томонга аланглаганича борар эди. Эрталаб қўлга тушган ноғорачи француз бола шу эди.

От-арава қатнай бериб билчиллаб кетган ўрмонзор ичидаги тор йўлдан учта-учта, тўртта-тўртта бўлиб, орқадан гусарлар, уларнинг кетидан баъзи бири енгсиз чакмон кийган, баъзи бири француз шинели ва бошига ёпқич ташлаб олган казаклар борар эди. Шовуллаб ёғаетган ёмғирдан ивиган отларнинг тўриғи борми, самани борми, ҳаммаси копқора бўлиб кўринарди. Ҳовури чикиб бораётган отларнинг ёллари ҳўл бўлиб, ингичка тортиб кетгандай эди. Йўл ва йўлдаги хазонлар қандай ивиб кетган бўлса, отлар ҳам, уларнинг эгар-жабдуқлари, тизгинлари ва устидаги одамларнинг кийим-бошлари ҳам шундай ивиб кетган эди. Суворийлар баданларига ўтган намни иситиш, тиззаларидан ва орқаларидан оқиб тушаётган совуқ сувни баданларига ўтказмаслик учун қимирламасликка ҳаракат қилиб, бўйинларини қисиб боришарди. Йўлда чўзилиб бораётган казакларнинг ўртасида бояғи қўлга туширилган иккита француз араваси борар, эгар-жабдуқли казак отлари бу аравани шатакка олган, аравалар йўллардаги тўнка, шох ва бутоклардан сакраб-сакраб, ғилдирак изига тўлган сувни шалоплатиб борар эди.

Денисовнинг оти йўл устидаги балчиқдан айланиб ўтиб, бир томонга суриб кетди, Денисовнинг тиззаси дарахтга бориб урилди.

– Э, ҳаром ўлгур! – деб Денисов ғазаб билап бақирди ва тишларини ғижирлатиб, отини икки-уч мартаба камчилади, ўзига ва ёнида бораётган шерикларига лой сачрағиб юборди. Денисовнинг кайфи бузуқ эди: бунинг сабаби бир ёқдан ёмғир бўлса, иккинчи ёқдан очлик (эрталабдан бери ҳеч ким туз татигани йўқ) эди, лекин асосий сабаб ҳапузгача Долоховдан дарак йўқлиги ва французлардан биронтасини ушлаб келгани юборилган одам қайтиб келмагани эди.

«Французлар транспортига хужум қилиш учун энди бундан қудайроқ пайт топилармикин, – деб ўйларди ўзича Денисов. – Ёлғиз ўзимиз хужум қилишимиз жуда хавфли, эртагача қолдирсак каттарок партизан отрядларидан бирон-

таси кўз олдимизда бизни ўлжадан маҳрум қилиши мумкин», деб ўйларкан, Долохов олдига борган одам қайтиб келишини кутиб, йўлга қарарди.

Ўнг томонда хийла узоқ жойлар кўриниб турган яланг-ликка чиккач, Денисов тўхтади.

– Биров келяпти, – деди у.

Ясовул Денисов ишора қилган томонга қараб:

– Икки киши келяпти – бири офицер, бири казак, – деди.

Кейин казаклар тушунмайдиган иборалар ишлатишни яхши кўрадиган ясовул: – лекин бу келаётган кишининг подполковник эканлиги эҳтимолдан хориж, – деб қўйди.

Келаётганлар баландликдан пастликка тушиб, кўздан ғойиб бўлишди, орадан бир оз ўтгач, яна кўриниб қолишди. Лўкиллаётган отини қамчилаб, олдинда бир офицер келар, унинг сочлари хурпайган, ўзи ёмғирдан ивиган ва шимининг почаси тиззасидан юқорироғигача шимарилган эди. Офицернинг кетидан узангига оёғини тираб тикка туриб олган бир казак от елдириб келмоқда. Кепчикдай юзи кипкизил, қувноқ кўзлари ўйнаётган ёшгина офицер йигит Денисовнинг олдига от чоптириб келди ва ёмғирдан ивиган конвертни унга узатди.

– Генералдан, – деди офицер. – Кечирасиз, сал хўл бўлиб қолди.

Денисов, ковоғини солиб, конвертни олди ва оча бошлади.

Денисов конвертдаги мактубни ўқиётганда офицер ёнидаги ясовулга қараб деди:

– Йўл хатарли деб бекорга ваҳима қилишди. Аммо Комаров икковимиз шай бўлиб олдик. – У ёнидаги казакка ишора қилди. – Икковимизда ҳам иккитадан тўппон... Ие, бу қанақаси? – деди ёш офицер асир олинган ноғорачи французга кўзи тушгач. – Асирми? Жангда ҳам қатнашиб-сизларда! Майлими, бу билан бир-икки оғиз гаплашсам?

– Ростов! Петя! – деб қичқирди шу чоғ хатта бир кўз югуртириб чикқан Денисов. – Нега кимлигингни айтмайсан? – Денисов жилмайиб, офицерга томон қайрилди ва унга қўлини чўзди.

Бу офицер Петя Ростов эди. Петя келаётган чоғда Денисов билан эски кадрдонлигини билингирмасдан катта йигит ва офицерга муносиб равишда сиполикни кўлдан бермасдан муомала қилишга тайёрлик кўриб келган эди. Бироқ Денисов жилмайиб қараши биланок Петя гул-гул очилиб, суюнганидан ҳатто кизаринқираб, сиполикни ҳам унутиб, французларнинг кўз олдидан қандай ўтиб келганини, бундай топшириқ олганидан жуда хурсанд бўлганини, Вязьма яқинида бўлган жангда иштирок қилганини, бир гусарнинг бу жангда мардлик кўрсатганини гапириб берди.

– Келганингга жуда хурсандман, – деб Денисов унинг сўзини бўлди ва унинг юзида яна ташвиш аломати пайдо бўлди.

– Михаил Феоклитич, – деди у ясовулга қараб, – бу мактуб тагин ўша немисдан. Бу йигитча ўшанинг кўл остида хизмат қилади. – Денисов ҳозир келган мактубнинг мазмунини ясовулга айтиб берди. Немис генерали французларнинг транспортига биргалашиб хужум қилишни яна таклиф қилган эди. – Эртагаёқ бир иложини топиб, кўлга киритмасак, унинг ўзи босиб олиб, бизни ўлжадан маҳрум қилади, – деди Денисов гапни тугатиб.

Денисовнинг совуққина муомаласидан мулзам бўлган Петя, Денисов ясовул билан сўзлашаётган чоғда, шимининг почаси йиғилиб қолгани учун мен билан совуқ муомала қилди, шекилли, деб гумон қилиб, ҳеч кимга билдирмасдан, иложи бориचा сиполикни кўлдан бермай, секин шинелининг остида шимининг почасини тузатиб, юзига жанговар тус берди.

Петя яна йўлда ўйлаб келган адъютант ва генерал ролини ўйнамоқчи бўлдида, кўлини шапкасининг соябонига теггизиб, сиполик билан Денисовга мурожаат этди:

– Жаноблари томонидан бирон буйруқ бўладими? Ё хизматларига қолишни амр этадиларми?

– Буйруқ дейсанми? – деди Денисов ўйчан. – Эрта-лабгача қола қоласанми?

– Жоним билан... хузурингизда қолишга ижозат бера-сизми? – деб кичкириб юборди Петя.

– Генерал сента нима деб буюрган эди, дарҳол қайтиб кел дебмиди? – деб сўради Денисов. Петя қизариб кетди.

– Генерал ҳеч нима дегани йўқ. Қолсам ҳам бўлаверар, – деди Петя.

– Хўп, майли, – деди Денисов.

Кейин қўл остидаги одамларга қараб, дам олиш учун ўрмон ичидаги қоровулхонага бориб туришни, кирғиз оти минган офицерга (бу офицер адъютантлик вазифасини адо этарди) Долоховни қидириб топишни, унинг қаердалигини ва кечкурун келар-келмаслигини билиб келишни буюрди. Денисовнинг ўзи ясовули ва Петяни бирга олиб, ўрмонзорнинг Шамшево қишлоғига туташган эстагага бориб, французлар ишғол қилган жойга эртага қайси томондан ҳужум қилмоқ учун атрофни бир кўздан кечирмоқчи бўлди.

– Қани, серсоқол, Шамшевога бошла! – деди Денисов йўлловчи деҳқонка қараб.

Денисов, Петя, ясовул бир неча казак ва асир тушган ноғорачи болани мингаштириб олган гусар ҳамроҳлигида чап томондаги жарликдан ўтиб, ўрмон эстагага қараб кетишди.

V

Ёмғир ёғиб ўтди; туман тушиб, дарахтларнинг шохидан томчилар томиб турарди. Денисов, ясовул ва Петя калпок кийган деҳқоннинг кетидан индамай бормоқда; маймоқ оёқларига чипта кавуш кийиб олган йўл кўрсатувчи деҳқон ўт-ўлан ва ҳўл ҳазонларни юмшоқкина босиб, уларни ўрмон эстагага томон бошлаб борарди.

Ялангликка чиққач, деҳқон тўхтаб, ён-верига назар солди ва ўрмоннинг четидаги сийраклашиб қолган дарахтларга қараб кетди. Ҳали барги тўкилмаган каттакон эман дарахтининг тагига бориб тўхтади ва қўли билан имлаб буларни чақирди.

Денисов билан Петя иккаласи унинг олдига борди. Деҳқон тўхтаган жойдан французлар кўриниб турар эди. Ўрмонзорнинг нариги тарафида баҳори буғдой экилган дўнглик ер бор эди. Жарликнинг ўнг томонида кичкина

қишлоқ ва бир помешчикнинг томи ўпирилган уйи кўриниб турар эди. Қишлоқчани ҳам, бойнинг ховлисини ҳам, бутун тепаликни ҳам, чорвоқни ҳам, кудук ва қўл атрофини ҳам, йўлни ҳам, кўприқдан бошлаб қишлоққа боргунча икки юз саржинча келадиган масофани, чайкалиб турган туман остида мўр-малаҳдай одам босган эди. Араваларни тепаликка тортиб чиқаётган отларга француз тилида бақираётган ва бир-бирига гапираётган одамларнинг товуши эшитилиб турар эди.

Денисов кўзини французлардан олмай, секин – «Асир болани бу ёққа олиб келинглар», – деди.

Казак отдан тушиб, болани эгардан олди, уни бошлаб Денисовнинг олдига келди. Денисов французларга ишора қилиб, булар қанақа, қайси хил аскар, деб боладан сўради. Бола совқотган қўлларини чўнтагига тикиб, қошларини чимариб, кўрқа-писа Денисовга қаради, билганини айтиб беришни хоҳдаса ҳам, айтадиган сўзини эсдан чиқариб, Денисов берган саволларга фақат бош ирғаб қўя қолди, холос. Денисов қовоғини солиб, асир боладан юзини ўтирди ва ясовулга қараб ўз мулоҳазаларини сўзлаб берди.

Петя бирон муҳим ишдан беҳабар қолмайин деб, гоҳ ноғорачи болага, гоҳ Денисовга, гоҳ ясовулга, гоҳ қишлоқ ва йўлдаги французларга қараб қўяр эди.

– Долохов келса-келмаса хужумни бошлаб юбориш керак!.. Нима дединг? – деди Денисов кўзларини чакнатиб.

– Жуда қулай жой, – деди ясовул.

– Пиёдаларни пастдан, ботқоқликдан юборамиз, – деди Денисов. – Улар эмакляб чорвоққа яқин бориб туришади; сиз казаклар билан ана у ёқдан келасиз, – Денисов қишлоқнинг нариги томонидаги ўрмонга ишора қилди. – Мен эса гусарларим билан шу ерда тураман. Милтик отилиши билан...

– Пасткамликдан бориб бўлмайди, у ер ботқоқ, – деди ясовул. – Отлар ботиб қолиши мумкин, чапроқдан айланиб ўтиш керак.

Улар шу тарзда шивирлаб гаплашиб турганда пастда, пасткамликдаги қўл томондан устма-уст икки марта ўқ

узилди, кейин тутун чикди, сўнгра Ён бағирда турган юзларча французларнинг бирданига кўтарилган шовқин-сурони эшитилди. Денисов билан ясовул, дафъатан орқага тисарилишди. Ўқ товуши ёнгиналаридан чиқиб қолгани учун ҳам улар бу садонинг боиси биз бўлсак керак, деб ўйлашди. Лекин милтиқ товуши билан бу шовқин-суроннинг уларга алоқаси йўқ эди. Пасқамликдан, ботқоқликдан қизил бир нима ёпинган киши орқасига қарамай қочиб бормоқда эди. Французлар, афтидан, ўқни шу одамга қараб отган ва ўшанга қараб бақириваётган эди.

– Ёе, ўзимизнинг Тихон-ку, – деди ясовул.

– Ҳа, ўша! Ўшанинг ўзи!

– Оббо баччағар-э! – деди Денисов.

– Буни қўлга тушира олмайди! – деди ясовул кўзини қисиб.

Булар Тихон деб атаган одам югурганича сой бўйига келди-ю, ҳамма ёкка сув сачратиб, сувга шўнғиб ғойиб бўлди, лекин бир оздан сўнг қолқора бўлиб сувдан эмаклаб чиқди-ю, қочиб қолди. Уни қувлаб келаётган французлар сой бўйида тўхташди.

– Ёмон эпчил-э, – деди ясовул.

– Оббо шайтон-э! – деди Денисов ҳамон афсусланган оҳангда, – шу маҳалгача нима қилиб юрган экан?

– Ким ўзи? – деб сўради Петя.

– Пиёда казак аскарларимиздан бири. Битта-яримта французни ушлаб кел, деб юборган эдим.

Петя гарчи Денисовнинг гапига сира тушунмаган бўлса ҳам, унинг сўзи оғзидан чиқар-чикмас, ҳаммасини тушунгандай:

– Ҳа, шундайми! – деб бош ирғатди.

Тихон Шчербатий партизан отрядига жуда зарур кишилардан бири. У Гжатья яқинидаги Покровский қишлоғининг деҳқонларидан эди. Денисов отряди энди иш бошлаган дастлабки вақтларда бир куни Покровский қишлоғига келиб, одати бўйича, оқсоқолни чақириб, французлардан хабаринг борми, деб сўраганида, бошқа оқсоқоллар сингари бу ҳам ўз жонини қутказмоқчи бўлгандай, ҳеч нарса билмайман ва ҳеч

нарса эшитганим йўқ, деб жавоб берди. Бирок Денисов французларнинг уруғини курутгани келганини тушунтириб берганидан кейин французлар бу атрофларда кўрингани йўқми, деб сўраганида, оқсоқол: роят, талончилар келарди, лекин қишлоқда улар билан ёлғиз Тишка Шчербатий шугулланиб юривди, деган гапни айтиб қолди. Денисов Тихонни чақиртирди. У келганидан сўнг қилган ишлари учун уни мақтаб қўйди ва оқсоқол олдида ватан ўғлонларининг подшога ва ватанга кўрсатаётган садоқатлари ва французларга кўрсатаётган адоватлари ҳақида бир неча оғиз сўз айтди.

Тихон Денисовнинг сўзларидан пича кўрқди, шекилли:

– Биз французларга ёмонлик қилганимиз йўқ, йигитлар йиғилишиб, бир оз шўхлик қилдик, холос. Ўлдирган бўлсак, ўн-ўн бешта талончини ўлдирдик, бошқа ҳеч қанақа ёмон иш қилганимиз йўқ... – деди. Эртасига Денисов бу одамни батамом унутиб, Покровскийдан жўнаб кетаётган чоғида, Тихон отрядга келиб қўшилганини, мени ҳам сафларингга олинглар, деб илтимос қилганини унга айтишди. Денисов отрядда қолдиришга рози бўлди.

Келган кунлари ўт ёқиш, сув ташиш, от қашлаш сингари юмушларни қилиб юрган Тихон тез кунда партизан урушига жуда ҳаваскор ва уста одам эканини кўрсатди. У кечалари овга чиқиб, французларнинг кийим-кечак ва яроғ-аслаҳаларини ўғирлаб келар, агар буюришса, асир ҳам олиб келарди. Денисов Тихонни қора ишлардан бўшатиб, разведкага бирга олиб борадиган бўлди ва уни казакларига қўшиб қўйди.

Тихон от миниб юришни хушламас, пиёда юрганда ҳам ҳеч қачон суворийлардан орқада қолмас эди. Унинг бор-йўқ аслаҳаси – битта пилтали¹ милтик, бир болта ва бир найза бўлиб, милтиқни кўпроқ қизиқчиликка кўтариб юрар эди, аммо бўри тиши билан катта-катта суякларни ғажиж, баданини қашиб, бургасини тутушга қанчалик уста бўлса, Тихон ҳам болтани ишлатишга шу қадар уста эди. У ҳар қандай ёғлани ҳам бир болта уришда ёриб ташлар, болтани даста-

¹ Пилта (форсча) – ўрам, калава, ип, пилик; ёндирувчи, порцелатувчи, ип, шнур.

сидан ушлаб, ингичка қозиклар йўнар ва қошиқлар ясар эди. Денисовнинг отрядида Тихон алоҳида ўринни ишғол этарди. Биронта қийин иш чиқиб қолса, масалан, лойга ботиб қолган аравади елкаси билан кўтариб чиқариш, балчикқа ботиб қолган отни думидан тортиб чиқариш, терисини шилиш, французлар орасига кириб чиқиш, кунда эллик чақирим йўл юриш каби ишлар чиқиб қолса, мийиғида кулиб, ҳаммасига Тихонни рўпара қилишарди.

– Унга ҳеч бало бўлмайди, девдай одам у, – дейишарди Тихон ҳақида.

Тихон бир французни тутиб олмоқчи бўлганида француз тўтпончадан ўқ отиб, уни думбасидан ярадор қилиб кўйганди. Тихон бу ярани даволаш учун ароқдан сиртқи ва ички дори сифатида фойдаланарди; унинг яраси ҳазилмутойибага сабаб бўлди. Тихон ҳам ҳар қанақа ҳазилни кўтарар эди.

– Ҳа, огайни, тавбангга таяндингми? Букчайтириб кўйишдими? – деб казаклар ҳазиллашарди. Тихон ҳам жўрттага букчайиб, бужмайиб, аччиғи келган кишидай французларни болохонадор қилиб сўқар эди. Бу воқеанинг оқибати шу бўлдики, ўқ еганидан кейин Тихон камдан кам французни тирик келтирадиган бўлди.

Отрядда довьораклик ва ботирликда Тихондан ўтадигани йўқ эди. Хужум қилиш пайтини ҳеч ким Тихончалик билмас, французларни ҳеч ким Тихончалик кўп кирган ва асир олган эмас, шу ваддан Тихон барча казак ва гусарнинг қизиқчиси бўлиб қолди, лекин ўзи ҳам ҳар қанча ҳазилни кўтарар эди. Бутун, кечаси Денисов бир французни олиб келиш учун уни Шамшево кишлоғига юборган эди. Бирок ё битта французга каноат қилмадими, ё кечаси ухлаб қолдими, ҳар қалай, куппа-кундуз чакалакзордан ўтиб, французларнинг орасига кирди, улар буни пайқаб қолишди. Ҳали ён бағрдан Денисов эшитган ғала-ғовурнинг сабабчиси шу эди.

VI

Денисов французлар орасидаги масофа яқинлигини кўриб, эртага ҳужум қилмоққа узил-кесил қарор берди, шекилли, бу ҳақда ясовул билан гаплашиб олиб, отини орқага бурди-ю, жўнаб қолди.

– Ука, энди бориб уст-бошимизни қуритиб олайлик, – деди у Петяга қараб.

Ўрмондаги қоровулхонага яқинлашгач, Денисов отини тўхтатди ва ўрмонга синчиклаб қаради. Эғнида калта камзул, оёғида чипта кавуш, бошида қозонча шляпа, елкасида милтиқ, белида болта, оёқлари узун бир киши катта-катта одим ташлаб, узун кўллари соллантириб ўрмондан келмоқда эди. Бу одам Денисовни кўриши биланок дарров бир нарсани буталар орасига ирғитиб юборди-ю, кейин ивиб, шалпайиб, қолган шляпасини бошидан олиб бошлиғи олди-га келди. Бу одам Тихон эди. Унинг чўтир ва бужмайиб кетган юзи, кичкина қисик кўзлари хурсандликдан қулиб турар эди. Тихон бошини кўтарди ва худди кулгиси қистаган бўлса ҳам, кулмай турган кишига ўхшаб Денисовга тикилиб қолди.

– Қайси гўрда эдинг? – деди Денисов.

– Қайси гўрда эдинг, дейсизми? Бир французни олиб келгани кетувдим, – деди Тихон тап тортмай, хириллаган овоз билан шошиб-пишиб.

– Куппа-кундуз куни борадим одам? Э, нодон! Қани олиб келган французинг?

– Олиб келишга-ку олиб келдим-а, – деди Тихон.

– Қани, бўлмаса?

– Тонг махалида биттасини қўлга киргизиб, ўрмонга обориб кўювдим, – деди Тихон чипта кавуш кийган япалок қийшиқ оёғини кериб. – Мундай назар солиб қарасам, мазаси йўқроқ кўринди. Қайтиб бориб дурустроғини тутиб келай деган эдим.

– Бу падар кусур ҳали кўп ҳунар кўрсатади деб айтмаб-мидим, – деди Денисов ясовулга қараб. – Ўша қўлга киритганингни нега олиб келмадинг?

– Нима қиламан олиб келиб, – деди Тихон дарров аччиғ-

ланиб ва унинг сўзини бўлиб. – У ярамас эди. Наҳотки сизга канақаси кераклигини билмасам?

– Оббо хумпар-э!.. Хўш!..

– Бошқасини дугтиб келай деб борувдим, – деди Тихон сўзида давом этиб. – Эмакляб бориб мана мунақасига ётиб олдим. – Тихон канақа қилиб ётганини кўрсатмоқчи бўлиб, бирданига корни билан ерга ётиб олди. – Битгаси келиб қолган эди, мен дарров уни мана мунақа қилиб кучоқлаб олдим. – Тихон сапчиб ўрнидан турди. – Қани, юр, полковник олдига десам, бир бўкириб юбордики, асти кўйинг! Қарасам, улар тўрт киши экан! Ҳаммаси қиличини кўтариб менга ҳамла қилди. Мен болгани мана мунақасига кўтариб: «Ҳой, худонинг бандалари», – деб бакирдим. – Тихон кўлини кўтариб, қош-қовоғини солди-ю, кўкрагини кериб, французларга қандай бакирганини кўрсатди.

– Шаталоқ отиб кўлмак сувга ташлаб қочганингни биз боя тепалиқдан томоша қилиб турган эдик, – деди ясовул чақнаб турган кўзларини қисиб.

Петя кулгиси қистаётган бўлса ҳам, бошқалар кулгидан ўзини тийиб турганини кўриб, кулмади. У гапнинг тагига етмасдан, кўзларини жавдиратиб, гоҳ Тихонга, гоҳ ясовулга, гоҳ Денисовга қарар эди.

– Майнавозчиликни кўй, – деди Денисов жаҳл билан йўталиб. – Нега аввал ушлаганингни олиб келмадинг?

Тихон бир кўли билан орқасини, бир кўли билан бошини қашларкан, бирданига оғзининг таноби қочиб иржайган эди, кемтик тиши кўришиб қолди (шу нуқсон туфайли Шчербатий (кемтик) лақабини олган эди). Денисов жилмайиб кўйди, Петя хандон ташлаб кулиб юборган эди, Тихоннинг ўзи ҳам унга кўшилди. – Нима қилай, кийим-боши шу қадар эски эдики, олиб келгани номус қилдим, – деди Тихон. Бунинг устига, яна жуда сердағдага экан, тўрам, Мен ўзим анаралнинг ўғли бўламан, бормайман, дейди.

– Ҳой, хайвон! – деди Денисов, – мен ундан сўраб-суришгирмоқчи эдим...

– Ўзим сўрадим, – деди Тихон. – Яхши билмайман, деди. Одамимиз кўп-ку, лекин мазаси йўқ, қуруқ номигина

қолган, холос. Дурустроқ бир ҳайт десаларинг, ҳаммасини тутиб оласизлар, дейди, – деб Тихон сўзини тамомлади ва хурсанд бўлиб, Денисовга тик қаради.

– Юз даррани бошлаб урсам, кейин майнавозчиликни тапшларсан, – деди Денисов жиддий тарзда – Нега ғазаб қиласиз, – деди Тихон, – нима, мен французларни кўрмабманми? Андак сабр қилинг, қоронғи тушсин, қанақаси керак бўлса, ўшанақасини олиб келаман, битта эмас, учта десангиз ҳам олиб келаман.

– Қани, энди кетдик, – деди Денисов. Қоровулхонага етгунча у қош-қовоғини солиб, индамай борди.

Тихон буларнинг кетидан юрди, Петя орқадан келаётган казакларнинг ўзаро ҳазиллашиб, Тихон буталар орасига иргитиб юборган этикни эслаб кулаётганларини эшитди.

Тихоннинг гапи ва тиржайиши кулгига сабаб бўлган эди, кулги босилгандан сўнг Петя дарҳол Тихоннинг одам ўлдирганини англади-ю, ўнғайсизланиб қолди. У қайрилиб, асир тушган ноғорачи болага қаради-ю, юраги ачиди. Бирок бу ҳолат бир зумда ўтиб кетди. Петя бошини баланд кўтариб, ўзини дадил тутиши, ҳамма ҳамроҳлари олдида иззатини сақлаб, сир бой бермаслиги ва эртага қилинадиган ишни ясовулдан сўраб олиши кераклигини фаҳмлади.

Долохов олдига юборилган офицер йўлда Денисовга дуч келиб, Долохов ҳозир етиб келишини, унинг ҳамма ишлари жойида эканини айтди.

Денисов бирдан хурсанд бўлиб кетди ва Петяни олдига чақириб:

– Қани, энди ўз тўғрингда гапириб бер-чи, – деди.

VII

Петя Москвадан кетаётганда ўз ота-онаси ва қавм-қариндошлари билан хайрлашиб, полкига қўшилиб олди ва кўп ўтмай, жуда катта бир отрядга кўмондонлик қилаётган генералга ординарец бўлиб тайинланди. У офицерлик унвонини олганидан бери, хусусан ҳаракатдаги армияга келиб, Вязьмада бўлиб ўтган жангда иштирок қилганидан бери,

ҳамиша димоғи чоғ эди, энди катта йигит бўлиб қолдим, бирон ҳодиса бўлиб, қаҳрамонлик кўрсатиш пайти келганда, тағин фурсатни қўлдан бериб қўймайин, деб доим ҳовликиб турар эди. У армияда кўрган, билганларидан хурсанд бўлиб, ўзини бахтиёр ҳисоблар, лекин шу билан бирга, назарида, ҳақиқий қаҳрамонона ишлар у йўқ жойда содир бўлаётгандек туюларди. Мана шунинг учун у ўша қаҳрамонлик содир бўладиган ерга тезроқ боришга интилар эди.

21-октябрда генерали Денисов хузурига бирон киши юбориши кераклигини айтганда Петя мени юборинг, деб генералга шу қадар ялиндики, охири генерал унинг раъйига қарашга мажбур бўлди. Лекин генерал Петяни юбораркан, Вязьма жангида бир юмуш билан юборилганда, тентаклик қилиб, тўғри йўлдан бориш ўрнига, французларнинг ўқи ёғилиб турган цешга борганини ва тўппончадан икки марта ўқ узганини эслатиб, Денисовнинг ҳеч қанақа амалиётига аралашмаслигини қаттиқ тайинлаганди. Денисов бу ерда қола оласанми, деб сўраганида Петянинг кизариб, дудуқланиб қолганининг сабаби ҳам мана шу эди. Ўрмон четига чиққунга қадар Петя ўз вазифасини адо этиб, дарҳол қайтиб кетиш фикрида эди. Бирок французларни ва Тихонни кўрганидан, кечаси, албатта, французларга ҳамла қилишларини билганидан кейин Петя бирпасда фикридан айнийдиган ёшларга ўхшаб, шу маҳалгача жуда эҳтиром қилиб юрган генералини ўз-ўзича қаллаварам Немисга чиқариб қўйди; Денисовни ҳам, ясовулни ҳам, Тихонни ҳам қаҳрамон деб бияди ва шундай оғир фурсатда уларни ташлаб кетишни ўзига эп кўрмади.

Денисов Петя ва ясовул билан қоровулхонага етиб келганда қоронғи тушган эди. Гира-шира қоронғиликда эгардоғли отлар, ўрмон ичидаги ялангликда чодир кураётган ва тутунини французлар кўрмасин деб чуқурликда ўт ёқаётган казаклар билан гусарларнинг қораси кўриниб турар эди. Кичкинагина уйнинг даҳлизидида ешгини шимариб олган бир казак қўй гўштини чопмоқда. Хонада Денисовнинг офицерларидан уч киши эшиқдан стол ясамоқда эди; Петя хўл кийимларини ечиб куриртгани берди ва дарҳол стол ясаётган

офицерларга қарашди.

Ўн дақиқа ўтар-ўтмас стол тайёр бўлди, устига дастурхон ёзилди. Столда арок, тунука сувдонда ром, оқ нон, қовурма ва туз мухайё бўлди.

Офицерлар билан бир қаторда дастурхон устида ўтириб, хиди димоғга уриб турган ёғли қўй гўштининг ёғини оқизиб қўли билан тўғраб турган Петя ёш боладек суюнади, ҳаммага меҳр қўйиб, бошқаларнинг ҳам унга меҳр билан қараб турганига ишонади эди.

– Василий Фёдорович, – деди у Денисовга мурожаат қилиб. – Энди нима дейсиз, яна бирон кун хузуригизда қолсам майлими? – Денисов жавоб беришга улгурмасдан ўз саволига ўзи жавоб қайтарди: – Менга билиб кел, деб буюришган эди, мен ўша топшириқни бажариб юрибман... Фақат мени тўполоннинг ичига қўйиб юборинглар... Мен мукофот тамасида эмасман... Мен шунга истар эдимки... – Петя тишини тишига қўйиб, бошини орқасига ташлаб, қўлини кўтариб ён-верига қаради.

Денисов кулимсираб: – Энг тўполон жойга дегин... – деб унинг сўзини такрорлади.

– Фақат гуруҳни ўз ихтиёрига беринг, ўзим командирлик қилай, сиз учун нима деган гап бу!

– Кейин гўшдан бир бурда кесиб олмақчи бўлган офицерга қараб: – Э, сизга пичоқ керакми? – деб ўзининг паккисини узатди.

Офицер паккини мактади.

– Ола қолинг, марҳамат, менда бунақа паккилар кўп... – деди Петя қизариб. – Эҳ, эсим курсин! Бутунлай ёдимдан кўтарилибди, – деб бирдан қичқириб юборди Петя. – Жуда ажойиб майизим бор эди, уруғи йўқ. Бизнинг маркитантимиз янги, жуда ғалати нарсаларни топиб келади. Ўшандан ўн қадок сотиб олган эдим. Ширинликка ўрганиб қолганман. Хушингиз қалай майизга?... – Петя югуриб даҳлизда ўтирган казакнинг олдига чикди-ю, бир халтада беш қадокча майиз келтирди. – Марҳамат, жаноблар, марҳамат, – деди.

– Сизга қаҳва дамлайдиган чойнак керакмасми? – деб сўради у ясовулдан. – Мен маркитантимиздан сотиб олув-

дим, жуда кулинг ўргилсия чойнак. Унда шунақа ғалати нарса-лар жуда кўп, ўзи ниҳоят ҳалол киши. Энг кераги ҳам шуда. Уша чойнакни, албатта, сизга бериб юбораман. Балким, чакмоқ тошларинг соб бўлгандир, баъзан шунақа ҳам бўлади. Эҳтиётдан чакмоқ тошдан ҳам олиб келганман, шунинг ичида, – у халтани кўрсатди. – Юзтача келади, жуда арзонга олганман. Керагича ола беринглар, барисини олсаларинг ҳам майли... – Тўсатдан, ошириб юбормадимми, деб Петя ўз-ўзидан хавотир олиб гапдан тўхтади ва қизариб кетди.

Бошқа бирон аҳмоқлик қилиб қўймадиммикин, деб у уялинкираб колди. Шу бугун бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир хаёлидан кечираркан, ноғорачи француз болани эслади. «Биз-ку маза қилиб ўтирибмиз, унинг ҳоли нима кечди экан? Уни қаерга тикиб қўйишдийкин? Хафа қилишмадиммикин?» – деб ўйлаб кетди Петя. Аммо чакмоқ тош тўғрисида муболаға қилиб юборганини пайқаб, бир оз ўнғайсизланди.

«Сўрасам-ку бўлади-я, – деди ичида Петя, – аммо ўзи бола бўла туриб, боланинг ғамини еб ўтирибди, деб ўйлаш-масмикин. Эртага қанақа болалигимни бир кўрсатиб қўяй! Ҳозир сўрасам, уят бўлармикин? – деди тагин ичида. – Ҳа, нима бўлса бўлар!» – деди-ю, масхара қилишмасмикин деган хаёл билан офицерларга жавдираб қараркан, сўради.

– Бояги асир болани чақириб келсак майлими? Овқат-повқат берсак, қалай бўларкин?

Денисов Петянинг бу гапини айбга қўшмади, шекилли:

– Ҳа, бола бечоранинг холи хароб, чақиртирсак ҳам бўларди. Унинг номи Винсент Боше. Чақиринглар уни.

– Мен чақириб келаман.

– Чақир, чақир. Бола бечорага одамнинг раҳми келади, – деди Денисов.

Денисов бу гапни айтганда Петя эшик олдида турган эди. У офицерлар орасидан ўтди-ю, Денисовнинг олдига келиб:

– Сизни ўпсам, майлими, акажон, – деди. – Яшанг. Кам бўлманг! – Денисовни ўпиб, югурганича ташқарига чиқди.

– Боше! Винсент! – деб эшик олдидан қичқирди Петя.

– Кимни сўраяпсиз, бегим? – деди биров қоронғилиқдан. Петя, бугун кўлга тушган француз болани чақиряпман, деб жавоб қилди.

– Э, ҳалиги Весеннийними? – деди казак.

Унинг французча номини алақачонлар ўзгартириб, казаклар Весенний, деҳқонлар билан аскарлар Висеня қилиб олишган эди. Бу иккала ном ҳам ёшлик тимсоли бўлган баҳорни эслатар ва ёш ўғил болани кишининг кўз олдига келтирар эди.

Қоронғилиқдан:

– Гулхан олдида исиниб ўтирувди. Ҳой Висеня! Ҳой Висеня! Ҳой Весенний! – деган нидолар ва кулги товуши эшитилди.

– Жуда хушёр бола экан, – деди Петянинг ёнида турган гусар. – Ҳали қорнини тўйғизган эдик. Ёмон ҳам очкаган экан.

Қоронғидан оёқ шарпаси эшитилди. Ноғорачи бола ялангоёқ шилп-шилп лой кечиб, эшик олдига келди.

– Э, сизмисиз! Овқат ейсизми? Кўркманг, ҳеч ким сизга тегмайди. Кириг, кираверинг, – деди Петя тортиниб-қимтиниб, унинг қўлини секин ушларкан.

– Раҳмат, жаноб, – деди ноғорачи бола титроқ товуш билан, кейин оёғининг лойини остонага арта бошлади. Петя тасалли тариқасида болага бир неча сўз айтгиси келарди-ю, лекин журъат этолмас эди. У даҳлизда бирпас депсиниб турди-да, кейин қоронғида унинг қўлини ушлаб, сиқиб кўйди.

– Кириг, кириг– деди яна мулоийм товуш билан.

«Нима қилиб кўнглини топсам экан?» – деди Петя

Ўз-ўзича ва эшикни очиб болани ичкарига киргизиб юборди.

Ноғорачи хонага киргандан кейин Петя унга эътибор беришни ўзига эп кўрмади-да, ундан нарироққа бориб ўтирди. У фақат чўнтагига қўлини солиб, пуллариин пайпаслаб кўрди ва ноғорачи болага берсам, уят бўлмасмикин, деб иккиланиб қолди.

VIII

Денисовнинг буйруғига биноан ноғорачи болага озрок ароқ ичириб, кўй гўшти билан қорнини тўйғизишди. Сўнгра Денисов болага русча чакмон кийгизиб, бошқа асирлар билан жўнатмасдан, шу ерда қолдиринглар, деб фармон берди. Бу орада Долохов келиб қолди-ю, Петя француз болани унутиб, Долохов билан овора бўлиб кетди. Долоховнинг кўрсатган фавкулудда қахрамонликлари, унинг французларга нисбатан шафқатсизлиги ҳақида кўп гап эшитган эди, шунинг учун ҳам Долохов бу хонага кириб келгандан бери ундан кўзини узмас ва ҳатто Долоховдай ботир кишининг олдида ҳам ўзини дадил тутиб виқор билан бошини кўтариб ўтирар эди. Долохов ўзининг тўпори қиёфаси билан Петяни хайратда қолдирди.

Денисов чакмон кийиб, соқол қўйиб, бўйнига авлиё Николайнинг суратини осиб юрар, гапда ҳам, юриш-туришда ҳам сиполикни кўлдан бермас эди. Аммо илгарилари Москвада хорижликлар либосини кийиб юрадиган Долохов энди энг оддий гвардиячи офицерга ўхшаб кийинган эди. Унинг соқол-мўйлови топтоза қирилган, эғнида гвардиячилар қиядиган пахтали сюртук, сюртукнинг ёқасида «Георгий нишонни», бошида ҳеч қанақа олифтагарчиликсиз кийган оддий шапка. Елкасига ташлаб олган енгсиз хўл чакмонини бурчакка ечиб, ҳеч ким билан кўришмасдан, тўғри Денисовнинг олдига борди-ю, вазиятни суриштира кетди. Денисов қатта отрядлар француз транспортига кўз олайтириб турганини, Петя ҳам шу масала билан келганини, иккала генералга қандай жавоб қайтарганини гапириб берди; кейин француз отрядининг вазияти ҳақида нима билса ҳаммасини очиб солди.

– Шундоғликка шундоғ-у, лекин, ҳар ҳолда, бу ҳарбий қисмлар қанақа ҳарбий қисм эканини, уларнинг ададини билиш керак, – деди Долохов. – Ҳар қалай, бориб билиб келмасак бўлмайди. Уларнинг сонини билмасдан туриб, таваккал қилиб бўлмайди. Пала-партиш ишга хушим йўқ. Ораларингда мен билан бирга француз лагерига бориб келадиган мард борми? Мен французча мундир ҳам олиб

келганман.

– Мен, мен... бораман сиз билан! – деди Петя кичкириб.

– Сенга тўғри келмайди, – деди Денисов Долоховга қараб. – Буни эса-ку ҳеч ҳам юбормайман.

– Ана холос! – деди Петя кичкириб. – Нега энди бормас эканман...

– Шунинг учунки, кераги йўқ.

– Сиз мени кечиринг-у, лекин мен бораман... бораман дедимми, бораман. Мени бирга олиб борасиза? – деди у Долоховга қараб.

– Нега олиб бормай... – деди Долохов француз болага тикилиб, паришонлик билан.

– Қачондан бери бу қочок сенинг қўлингда? – деб сўради Долохов Денисовдан.

– Бугун ушладик, лекин ҳеч балони билмайди. Ўз отрядимда қолдирдим буни.

– Шунаками, қолганларини нима қиляпсан? – сўради Долохов.

– Нима қилардим? Тилхат олиб, жўнатиб юборяпман, – деди тўсатдан қизариб-бўзариб кетган Денисов кичкириб. – Биронтасининг ҳам қонига зомин бўлганим йўқ. Мен бу гапни баралла айтишим мумкин. Аскар деган номга иснод келтиргунча, ўтгизтасини, борки, уч юзтасини соқчи билан шаҳарга юбориш сен учун кийин иш эмас.

– Мана бу ўн олти ёшли графча бунақа баландпарвоз гапларни айтса ярашади, лекин сенга ярашмайди, – деди Долохов тиржайиб.

– Мен ҳеч нарса деяётганим йўқ, фақат сиз билан бирга бораман деяпман, холос, – деди Петя ийманиброк.

– Мен билан сенга, биродар, бунақа кераксиз меҳрибончиликнинг ҳожати йўқ, – деди яна Долохов худди Денисовнинг энсасини қотирадиган шу мавзуда гапиришдан завқ олаётгандай. – Буни нега олиб қолдинг? – деди калласини қимирлатиб. – Раҳминг келганиданми? Сенинг тилхатларингни биз биламиз. Юзтасини юборсанг, ўтгизтаси етиб боради, холос. Кўпи йўлда очликдан ўлади ёки ўлдириб ташланади. Шундай бўлгандан кейин уларни асир қилиб

олдинг нима-ю, олмадинг нима?

Ясовул чақнаб турган кўзларини қисиб, Долоховнинг гапини маъқуллагандай бош иргатди.

– Ҳаммаси бир гўр, баҳс-мунозара қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин мен уларнинг уволига қолмоқчи эмасман. Барибир, ўлиб кетади дейсан. Ўлса ўлаверсин, менинг кўлимда ўлмаса бўлгани.

Долохов кулиб юборди.

– Кўлларидан келса, мени йигирма марта ушлаб олишсин, ким йўқ дебди? Кўлга туширсалар, мени ҳам, сени ҳам олийжаноблигингга қарамасдан, дорга осишади. – У бирпас жим бўлди. – Қани, ишни бошлайлик бўлмаса. Нарсаларни менинг казагим билан юбориш керак! Менда иккита французча мундир бор. Қани, бирга борадиган бўлдингми? – деди у Петяга қараб.

– Менми? Ҳа, ҳа, жоним билан, – деб қичқирди. Петя қизариб-бўзариб Денисов билан кўз уриштираркан.

Асирларни нима қилиш тўғрисида Денисов билан Долохов баҳслашиб турган вақтда Петя ўнғайсиз ҳолга тушиб, ипошиб қолди, бироқ яна уларнинг гапига дурустроқ тушунмади. «Катталар, номи чиққан одамлар шундай деб ўйлашса, демак, шундай бўлиши керак эканда, – деди ўзича у. – Лекин энг муҳими шуки Денисов, Петя сўзимдан чиқмайди, унинг жилови менинг кўлимда, деб ўйламаса бўлгани. Мен, албатта, Долохов билан французлар лагерига бораман. Нега энди у борар экан-у, мен боролмас эканман!».

Денисов Петяни қанчалик йўлдан қайтаришга уринмасин, барибир, бўлмади. Петя, мен ҳам таваккалга иш қилишни ёмон кўраман, бир иш қилсам, албатта, пухта қиламан, унча-мунча хавф-хатар мен учун писанд эмас, деб туриб олди.

– Ўзингиз ўйлаб кўринг, французларнинг қанчалигини билмасдан иш бошлаб бўларканми, балким, юзларча кишининг ҳаёти шунга боғлиқдир, биз эсак бу ерда яқка ўзимиз, ундан ташқари, жуда-жуда боргим келяпти, албатта, бораман, худо хайрингизни берсин, йўлимни тўсманг, бормасам, яхши бўлмайди... – деди Петя.

IX

Петя билан Долохов французча шинель ва кивер кийиб, ўрмон ичидаги ялангликка, Денисов французлар лагерини кўздан кечирган ерга қараб жўнади; тим қоронғиликда ўрмондан чиқиб, сойликка тушди.

Пастга тушгандан сўнг Долохов биргалашиб келган казакларга шу ерда тура туришни буюрди-ю, ўзи отини йўрттириб кўприкка қараб кетди. Петя ҳаяжондан юраги орзикиб, Долохов билан ёнма-ён борар эди.

– Қўлга тушиб қолгудай бўлсақ, мен тириклай таслим бўлмайман, ёнимда тўппончам бор, – деди Петя шивирлаб.

– Русча гапирма, – деди Долохов ҳам шивирлаб, бироқ шу онда қоронғиликдан: «Ким келяпти?» – деган товуш ва милтикнинг шиқирлаши эшитилди.

Петянинг юзига қон қуйилди ва у тўппончасига қўл чўзди.

Долохов отини бир зайлда йўрттириб бораркан:

– Пароль, – деди. Кўприкда навбатчилик қилиб турган соқчининг қораси кўринди.

– 6-полк суворийлари, – деди соқчи ва Долохов отининг бошини тортиб жой юргизиб кетди.

– Менга қара полковник Жерар шу ердами? – деб сўради у.

– 6-полк суворийлари – деди соқчи унинг саволига жавоб бермасдан йўлни тўсиб. Долохов ғазаб билан соқчининг устига от суриб бораркан, бакириб берди:

– Офицер сепни айланиб юганда соқчилар пароль сўрашмайди. Мен полковник шу ердами, деб сўраяпман?

Бир чеккага чиқиб йўл берган соқчининг жавобини кутмасдан Долохов отини аста-секин юргизиб, тепаликка қараб кетди.

Йўлни кесиб ўтган бир одамнинг қорасига кўзи тушгач, Долохов уни тўхтатди-да, командир билан офицерларнинг қаердалигини сўради. Қоп орқалаб олган бу аскар тўхтади ва Долоховнинг отига яқин келиб, уни силаб-сийпаб, худди таниш-билишдай бемалол гаплашиб, командир билан офицерлар тепаликнинг ўнг томонида, ферманинг ҳовли-

сида (у помешчикнинг кўрасини ферма деб атади) эканини айтди.

Иккала томонида гулханлар ёқилган ва французча говур-гүвур эшитилиб турган йўлдан бир оз юргач, Долохов отининг бошини халиги помешчик кўрасига томон бурди. Дарвозадан киргач, отдан тушди-ю, ловуллаб ёнаётган каттакон гулхан агрофида шанғиллаб гапириб ўтирган бир неча французнинг олдига борди. Гулханнинг бир четида котелокда нимадир қайнаб ётар, бошида қалпоқ, эгнига шинель кийган бир аскар, чўккалаб, гулхан ёруғида котелокни кавларди.

Гулханнинг нариги тарафида, қоронғиликда ўтирган офицерлардан бири:

– Бу шайтонга бас келиб бўлмайди, – деди.

– Бу уларнинг адабини беради, – деди бошқаси кулиб. Долохов билан Петянинг оёқ шарпасини эшитиб, иккаласи ҳам қоронғиликка тикилиб жим қолди.

– Салом, жаноблар! – деди Долохов дона-дона қилиб, баланд товуш билан.

Гулхан шуьласи тушмайдиган ерда ўтирган офицерлар кимираб қолишди, қомати баланд ва бўйни узун офицер гулханни айланиб ўтиб, Долоховнинг олдига келди.

– Клеман, сизмисиз? Қаердан келяпсиз, шайтон... – деди-ю, бироқ янглишганини фаҳмлаб, сўзини чала қолдирди-да, қош-қовоғини солиб, худди нотаниш киши билан кўришаётгандек саломлашди ва «Хўш, хизмат?» деб Долоховдан сўради. Долохов, унга жавобан, мен ўз шеригим билан полкдан кейинда қолиб, энди етиб олмоқчимиз деди-ю, ўтирганларнинг ҳаммасига қараб, 6-полкдан хабарларинг йўқми, деб сўради. Ҳеч ким ҳеч нарса билмас эди; Петянинг назарида, офицерлар Долохов билан унга шубҳаланиб, ёмон кўз билан қараётгандай кўринди. Бир неча дақиқа ҳеч кимдан садо чикмади.

– Овкатдан умидвор бўлсангиз, кечикдингиз, – деди гулханнинг нариги томонидан биров кулгидан зўрға ўзини тийиб.

Долохов, йўқ, қорнимиз тўқ, шу кечанинг ўзида яна

йўлга чиқишимиз керак, деган гапни айтди.

У отларнинг тизгинини котелокни кавлаб турган аскар-га берди-ю, ўзи гулхан олдига, бўйни узун офицернинг ёнига чўнкайиб ўтирди. Бўйни узун офицер Долоховдан кўзини узмай, қайси полкдан эдингиз? – деб сўради. Долохов ўзини эшитмаганга солиб, унга жавоб бермасдан, чўнтагидан французча трубкани олиб чекаркан, казаклар йўлларни қай даражада хавф-хатарга солганини улардан сўради.

– Бу қароқчилар ҳамма ерда ҳам бор, – деб жавоб берди гулханнинг нариги тарафида ўтирган офицер.

Долохов, казаклар мен ва менинг шеригимга ўхшаб адашиб кейинда қолган кишилар учун хавфли, лекин катта-кон отрядларга ҳужум қилгани жасорат қилолмасалар керак, деди саволомуз. Ҳеч ким унга жавоб бермади.

Гулхан олдида тикка туриб Долоховнинг сўзларига қулоқ солаётган Петя ҳар он: «Энди жўнаса керак», – деб ўйларди.

Бироқ Долохов яна қайтадан гап очиб, батальонингизда неча киши бор, нечта батальонларинг бор, асирларинг кўп-ми, деб очиқ-ойдин сўрай бошлади. Француз отряди асир олган руслар ҳақида суриштира туриб Долохов шундай деди:

– Бу ўлимтақларни судраб юриш ҳам жонга тегди. Асли бу аблаҳларни отиб ташлаган яхши, – ва шу сўзлардан сўнг у баланд товуш билан ғалати қилиб шундай хахолаб юбордики, Петянинг назарида, ҳозир сир очилиб, французлар буларнинг кимлигини биладигандай бўлди ва у беихтиёр, гулхан олдидан бир қадам чекинди. Долоховнинг сўзи ва кулгисига ҳеч ким жавоб қилмади ва шинелига бурканиб ётгани учун шу маҳалгача кўринмаётган офицер бошини кўтариб, ёнидаги шеригига бир нима деди. Долохов ўрнидан туриб, хали отини топширган аскарни чақирди.

Петя Долоховнинг ёнига келаркан, беихтиёр: «Отларни беришармикин, ё беришмасмикин?» – деб кўнглидан ўтказди.

Отларни олиб келишди.

– Хайр, жаноблар, – деди Долохов.

Петя ҳам хайрли кеч демоқчи бўлди-ю, лекин тили бормади. Офицерлар алланималар деб ўзаро шивирлаб қўйишди. Долохов типирчилаб турган отига ҳадеганда минолмади, мингач, битта-битта қадам ташлатиб дарвозадан чикиб кетди. Петя, орқамиздан французлар қувлаб келмаяптими, деб хавотирга тушиб қайрилиб қарагиси келса ҳам, юрак бетламай, Долохов ёнида бормоқда эди.

Йўлга чикиб олгандан сўнг Долохов орқага, далага томон эмас, балки қишлоқ бўйлаб кетаверди. Бир жойга борганда у тўхтаб, кулоқ солиб турди-ю, кейин Петядан:

– Эшитяпсанми? – деб сўради.

Петя ҳам тингшаниб, гапирётганлар руслар эканини билди, гулханлар атрофида рус асирларининг қорасини кўрди. Долохов билан Петя пастга, кўприкка тушиб, индамасдан ковоғини солиб, кўприк устида нари-бери юриб турган соқчининг ёнидан ўтиб, казаклар кутиб турган пасткамликка тушишди.

– Хўп, энди хайрлашайлик. Денисовга айт: тонг пайти, биринчи ўқ товушини кутиб турсин, – деб Долохов жўнаб кетмоқчи бўлган эди, бироқ Петя уни енгидан маҳкам ушлаб олди.

– Йўқ! Сиз қахрамонсиз! Мен сизнинг қахрамонлигингизга қойилман! Яшанг! Кам бўлманг! Сизга муҳаббатим жуда-жуда ошди!

– Хўп, хўп, – деди Долохов, бироқ Петя уни қўйиб юбормади ва қоронғиликка тикилиб, Петя ўпмоқчи бўлаётганини пайқади. Долохов кулиб уни ўпди-ю отининг бошини буриб, қоронғиликда кўздан ғойиб бўлди.

Х

Петя қоровулхонага етиб келганда Денисов даҳлизда ўтирган эди. У Петяни юборганига пушаймон бўлиб, безовталаниб, йўлига кўз тикиб турган эди.

– Худога шукур! Худога шукур! – деди Денисов кичкириб, Петянинг шавқ-завқ тўла сўзларини эшитаркан. – Сен шумтаканинг ташвишини еб кечаси кўз юмганим йўқ! – деди

Денисов. – Худога шукур, эсон-омон келдинг, қани, кел, энди ухла. Эрталабгача мизғиб олсак бўлади.

– Йўғ-э... – деди Петя. – Уйқум келаётгани йўқ. Мен ўз одатимни биламан, ухладимми тамом, мени ҳеч ким уйғотолмайди. Ундан кейин жанг арафасида ухламасликка ўрганганман.

Петя французлар лагерига бориб келишининг тафсилютини завқ билан эслаб ва эртага бўладиган воқеаларни кўз олдига келтириб, даҳлизда бир оз ўтирди. Кейин Денисовнинг ухлаб қолганини пайқаб, ўрнидан турди-да, ташқарига чиқди.

Ташқари хали қопқоронғи эди. Ёмғир тинган бўлса ҳам, дарахтларнинг баргидан томчилаб турар эди. Қоровулхонадан сал нарида казакларнинг чайласи ва бир-бирига боғлаб қўйилган отларнинг қораси кўриниб турар эди. Хонанинг орқасида иккита деҳқон арава, аравалар олдида отлар турар, жарликда ёниб бўлган гулханнынг чўғи қизариб кўринарди. Казак ва гусарларнинг баъзи бири уйғоқ: барглардан тушаётган томчиларнинг питирлаши ва ем еяётган отларнинг кусур-кусурига одамларнинг пичир-пичири кўшилиб кетарди.

Петя даҳлиздан чиқди-ю, қоронғида у ёқ бу ёққа қараб, аравалар олдига борди. Араваларнинг остида биров хуррак отиб ётар, ён-верида эгарланган отлар ем еб турарди. Қоронғиликда Петя ўз отини таниб, олдига борди. Гарчи бу от жайдари бўлса ҳам, уни Карабах деб атар эди.

– Ҳа, Карабах, эртага иш кўрсатамиз, – деб отининг қаншарини хидлаб, ўпиб қўйди.

– Ҳа, тўрам, ухлолмаяпсизми? – деди арава остида ётган казак.

– Йўқ... Э, Лихачев эди, шекилли, отинг? Мен ҳозиргина келдим. Биз французлар лагерига бориб келдик.

Кейин Петя фақат бориб келганини эмас, ҳатто нима учун борганини, нима учун таваккалчиликдан кўра таҳликали бўлса ҳам, аввал у ё бу ёғини билиб, кейингина иш бошлашни афзал кўришини батафсил гапириб берди.

– Озгина мизғиб олсангиз бўларди, – деди казак.

– Йўқ, мен ўрганиб қолганман, – деди Петя. – Тўшпон-чангизнинг чақмоғи ейишиб қолгани йўқми? Менда бор. Керак бўлса, ола қол.

Казак Петяни дурустроқ кўрмоқчи бўлиб, араванинг остидан бошини чиқарди.

– Ҳамма ишни дўндириб қилишга ўрганиб қолганман, – деди Петя. – Баъзилар наридан-бери, пала-партиш иш қилиб, кейин пушаймон бўлиб юради. Мен унақа ишни ёқтирмайман.

– Рост айтасиз, – деб қўйди казак.

– Барака топкур, мана шу қиличимни бир қайроқлаб бер: ўтмас... (ёлғон гапиргани Петянинг тили бормади) ҳеч қачон қайроқ кўрганим йўқ. Кўлингдан келадими?

– Нега келмасин, албатта, келади.

Лихачев ўрнидан турди, юклари орасидан бир нимани излади, бирпасдан сўнг Петя қилич билан қайроқ шиғиллаётганини эшитди. У аравага чиқиб бир четига ўтириб олди. Казак арава остида қилич қайрарди.

– Азаматлар ухлаб қолишди, шекилли? – деб сўради Петя.

– Баъзи бири ухляпти, баъзи бири чўзилиб ётибди.

– Болачи, бола?

– Весеннийми? Ана у даҳлизда чалқанчасига тушиб ухлаб ётибди. Жони омон қолганига хурсанд.

Шундан сўнг Петя ҳар томондан эшитилаётган товушларга қулоқ солиб, анчагача жим ўтирди. Қоронғилиқдан қадам товуши эшитилиб, бир кишининг қораси кўринди.

– Нимани қайраяпсан? – деди у араванинг олдига келиб.

– Мана шу тўрамнинг қиличини қайраяпман.

– Бу ишинг тузук, – деди, Петянинг назарида, гусарга ўхшаб кўринган одам. – Пиёла шу ерда қолибдими?

– Ҳа, ху ана, гилдиракнинг олдида.

Гусар пиёлани олди.

– Тонг ҳам отай деб қолди. – деди гусар эснаб, кейин қаёққадир ғойиб бўлди.

Петя ўрмонда, Денисовнинг отряди орасида эканини, йўлдан бир чақирим берида, французлардан ўлжа олинган

арава устида ўтирганини, араванинг олдида тушовланган отлар турганини, у ўтирган араванинг остида казак Лихачев унинг қиличини қайраётганини, ўнг томонда қорайиб кўри-ниб турган каттакон нарса қоровулхона эканини, чап томон-даги жарликда қизариб турган нарса ёниб битган гулхан эканини, пиёла сўраб келган киши гусар эканини, у сув ичмоқчи бўлиб келганини билиши керак эди, лекин Петя бу нарсаларни билмас, билишни ҳам истамас эди. Петя ажойиб бир афсонавий оламда эдики, бу ердаги ҳамма нарса ҳақи-катдан йироқ эди. Қопқорайиб турган каттакон нарса, балким, қоровулхонадир, лекин ер қаърига кириб кетадиган гор бўлса ҳам ажаб эмас. Қизариб турган каттакон нарса, балким, чўғдир, лекин катта бир аждаҳоннинг кўзи бўлса ҳам ажаб эмас. Ўзи ҳозир, эхтимол, аравада ўтиргандир, эхти-мол, аравада эмас, ниҳоятда баланд минора устида ўтирган бўлиши ҳам мумкин, агар бу минорадан йиқилиб кетса борми, бир кунда эмас, ойлар ўтар ҳамки, ерга етмас, Балки, арава остида Лихачев деган оддий бир казак ўтиргандир, аммо бу одам ҳеч ким билмайдиган, дунёда ҳаммадан меҳрибон, ҳаммадан довиюрак, ҳаммадан олийжаноб ажойиб киши бўлса ҳам ажаб эмас. Балки, ҳалиги гусар, ҳақиқатан ҳам, сувга келиб, сойликка тушиб кетгандир, лекин шу тобдагина кўздан ғойиб бўлиб, тамоман кўринмай кетган ёки асли ўзи йўқ бўлган бўлса ҳам ажаб эмас.

Ҳозир Петянинг кўзига нима кўринса ҳам, таажжуб-ланмас эди, чунки у ҳозир ҳамма нарса мумкин бўлган ғаройиботлар оламида яшамокда эди.

У осмонга қаради. Осмон ҳам ер сингари ғаройиботга тўла эди. Осмон булутлардан тозаланмоқда, парча-парча булутлар худди юлдузларнинг юзидаги пардани очиб ташлаётгандек, дарахтлар тепасидан чопиб кетмоқда. Гоҳ-гоҳ осмоннинг юзи очилиб, мусаффо кўк қорайиб кўринар, баъзан бу қорайиб турган нарсалар булутга ўхшаб кетар, баъзан тепасидаги осмон жуда баланд кўтарилгандай бўлиб туюлар баъзан кўл узатса етгудай паст кўринарди.

Петя кўзларини юмиб, тебрана бошлади.

Ёмғир томчиламоқда. Аста-секин гаплашаётган товуш-

лар эшитилмоқда эди. Отлар кишнашиб, бир-бири билан уришди. Кимдир хуррак отмоқда.

Қайралаётган қилич «шиғ-шиғ-шиғ...» этмоқда. Тўсатдан Петянинг қулоғига умрида эшитмаган ажойиб тантанали бир гимн чалаётган мусиқа садоси эшитилиб қолди. Петя ҳам Наташадек мусиқага завқи баланд эди, бу жиҳатдан ҳатто Николайдан устун турарди, лекин ҳеч қачон мусиқа ўрганмагани ва бу ҳақда асло ўйламагани учун тўсатдан хаёлига келиб қолган куй, мақомлар қулоғига жуда ёқимли ва янги куйга ўхшаб эшитиларди. Мусиқа садоси борган сайин яққолроқ эшитилар, бир асбобдан иккинчисига ўтар эди. Мусиқада фуга¹ деб аталадиган нарса вужудга келмоқда (аммо Петя фуга нималиги ҳақида ибтидоий маълумотга ҳам эга эмас эди). Ҳар бир мусиқий асбоб, гоҳ скрипка², гоҳ трубага³ ўхшаган лекин улардан ҳам яхшироқ ва овози тиниқроқ бўлган ҳар бир мусиқий асбоб ўз хавосини чалар, бу хавони чала қолдириб, айнан шу куйни бошлаган иккинчи, учинчи, тўртинчи асбобга қўшилиб кетар, ажралиб, яна бирга қўшилиб, гоҳ черков навосига ўхшаган тантанали, гоҳ ғалабани эслатадиган бир шуқуҳ билан янграб эди.

«Э, туш кўрибман, шекилли, – деди пинакка кетган Петя. – Қулоғимга шундай эшитилди. – Балки, бу эшитганим мусиқа, менинг мусиқамдир. Мана, яна эшитиляпти. Майли, янграй бер, менинг мусиқам, янграй бер!»

Петя кўзларини юмди. Ҳар тарафдан, яқин-йироқдан садолар эшитила бошлади, улар бир-бирига қўшилиб, яна ажралиб кетди, яна ҳаммаси бир-бирига қўшилиб, бояғидай малохатли, тантанали бир гимн ҳосил бўлди. «Оҳ, нақадар гўзал! Истаганимча эшитишим мумкин», – деди Петя ўзича. Бу буюк мусиқий асбоблар хорига у раҳбарлик қилмоқчи бўлди.

«Бўлди, энди аста-секин жиминглар. – Товушлар унга

¹ Фуга – 1) бир мусиқий мавзунинг бир неча овозда изчил такрорланиши; 2) шу усулда такрорлашга асосланган мусиқий асар.

² Скрипка (русча; «ғижир-ғижир, ғарч-ғурч») – ҳамонча билан чалинадиган, тўрт торли мусиқа асбоби.

³ Труба – баланд оқик товуш чиқарадиган пуфлама мусиқа асбоби.

итоат килди. – Энди тўларок, шўхроқ янгранг! Яна ҳам, яна ҳам шўхроқ. – Ғойибдан борган сайин кучаяётган тантанали садолар эшитила бошлади. – Ҳой товушлар, тезроқ жўр бўлинглар!» деб буйруқ берди Петя. Бошда йироқдан эркакларнинг товуши эшитилди, кейин хотинлар товуши келди. Товушлар борган сайин мунтазам, тантанали бир тарзда юксалаверди. Петя бу товушнинг ғайриоддий фусункорлигига қулоқ соларкан, ҳам шавқ-завққа тўлар, ҳам ваҳимага тушарди.

Дарахтларнинг баргидаги ёмғирларнинг томчилаши, қилич билан қайроқнинг шир-шир этган товуши қўшиққа қўшилиб, тантанали зафар маршига айланди, яна отлар уришиб, кишнади, лекин улар бу қўшиққа халал бермади, балки унга жўр бўлди.

Бу мусиқий оҳанг қанча давом этганини Петя билмас эди; у шавқ-завқдан маст, бироқ ўз ҳисларини айтгани ҳеч ким йўқлигидан таассуф қилар эди. Лихачевнинг ёқимлигина товуши уни уйғотиб юборди.

– Тўрам, қилич тайёр, французни икки бўлиб ташлайди, – деди.

Петя кўзларини очди.

– Э, тонг ҳам ёришай деб қолибди-ку! – деди Петя. Илгари кўринмаган отлар энди думигача баралла кўринар, барги тушиб кетган шоҳлар орасидан кўкиш нур ёғилиб турарди. Петя бошини бир силкитиб, ўрнидан иргиб турди, чўнтагидан бир сўлкавой чиқариб Лихачевга узатди, қилич-ни ҳавога бир кўтариб кўрди-ю, кейин қинига солди. Казаклар отларнинг тизгинини ечиб, айилларини тортмоқда эди.

– Мана, командир ҳам келди, – деди Лихачев.

Денисов қоровулхонадан чиқиб, Петяни чақирди ва йўлга ҳозирланишини буюрди.

XI

Ғира-шира қоронғиликда дарров отларни ечиб, айилларини тортиб кўйишди ва гуруҳларга бўлинишди. Денисов қоровулхона олдида туриб, сўнги амр-фармонни берди.

Отряднинг пиёдалари, юзларча оёқ шалоп-шулуп лой кечиб, олдинга ўтди ва бирпасда дарахтлар орасига кириб, тонг қоронғисига кўздан ғойиб бўлди. Ясовул казакларга аллаларсани буюрмоқда эди. Петя отининг жиловидан ушлаб, минишга буйруқ берилишини орзиқиб кутмоқда эди. Совук сувда ювилган юзи, айниқса, кўзлари чўгдай ёниб турар, эти жунжикиб, бутун вужуди жимирлаб турар эди.

– Қани, тайёрмисизлар? – деди Денисов. – Отларни олиб кел!

Отларни етаклаб келишди. Айил дурустроқ тортилмагани учун Денисов казакни сўкиб-сўкиб, отга минди, Петя узангига оёқ қўйди. От одатини қилиб, унинг оёғига оғиз солмоқчи бўлди, бироқ Петя, эпчиллик қилиб, бир сакрашда эгарга минди-ю, қоронғида, орқадан келаётган гусарларга қараб, Денисовнинг олдига келди.

– Василий Фёдорович, менга бирон топширик берасизми? Барака топинг худо ҳақи, – деди.

Петянинг борлиги гўё Денисовнинг хаёлидан кўтарилган эди. У қайрилиб қаради.

– Сендан битта илтимос, – деди Денисов ковоғини солиб. – Менинг изимдан чиқмайсан ва ҳар ишга суқилавермайсан.

Бутун йўл бўйи Денисов Петяга ҳеч нарса демади ва индамай кетаверди. Ўрмон четига етганда, кун анча ёришиб, тонг отай деб қолди. Денисов ясовулга шивирлаб бир нима деди, кейин казаклар Петя билан Денисовнинг ёнидан ўтиб кетаверишди. Уларнинг кети узилгандан сўнг Денисов отини қамчилаб, тепалиқдан туша бошлади. Отлар кейинги оёқларини букиб, сирпаниб, ўз суворийлари билан сойликка тушаверди. Петя Денисов билан ёнма-ён бормоқда эди. Унинг аъзойи бадани борган сайин каттиқроқ титрар эди. Кун ҳамон ёришиб бормоқда, фақат узоқдаги нарсаларнигина туман тўсиб турар эди. Пастликка тушиб олгандан кейин Денисов орқасига қайрилиб қаради-ю, ёнида турган казакка бош ирғатиб:

– Сигнал! – деди.

Казак кўлини кўтарди ва милтиқ товуши эшитилди. Шу

оннинг ўзда олдинда чопаётган отларнинг душури эшитилди, ҳар томондан шовқин-сурон кўтарилди, яна ўк узилди.

Отларнинг душури ва одамларнинг шовқин-сурони эшитилиши биланоқ Петя отини қамчилаб, тизгинни кўйиб юборди-ю, ҳайхайлаётган Денисовга кулок солмасдан, олға қараб кетди, Петянинг назарида, милтиқ отилиши билан ҳамма ёқ кун қиёмга келган маҳалдагидек чарақлаб кетди. У кўприкка томон отини йўрттирди. Казаклар олдинда от чоптириб кетмоқда эди. Кўприкда у орқада қолиб кетган бир казакка дуч келиб қолди ва ундан ўзиб кетди. Олдинда аллақанақа одамлар – французлар бўлса керак – йўлнинг ўнг томонидан чап томонига чопиб ўта бошлади. Биттаси Петянинг оёғи остига, лойга йикилиб тушди.

Бир кулба олдида казаклар тўпланиб, алланима қилишаётган эди. Шу одамларнинг орасидан кимдир даҳшатли товуш билан бақирди. Петя ўша томонга от кўйиб борди ва дафъатан кўзи ияги титраб, рангкути ўчиб, ўзига қаратилган найзанинг ёғоч сопида ушлаб турган французга тушди.

– Ура!.. Йигитлар!.. Бизникилар! – деб Петя қичқириб юборди ва қизишиб кетган отининг бошини кўйиб юбориб от чоптириб кетди.

Олд томондан милтиқ товушлари эшитилиб турар эди. Казаклар, гусарлар ва кўчанинг икки томонидан югуриб бораётган жуддур кийимли рус асирлари – ҳаммаси алланима деб бақиришарди. Бошида шапкаси йўқ, кўк шинелли, норғулдан келган, юзи қизил-қизил, қоғоғи солиқ бир француз найзабозлик қилиб, гусарлардан ўзини мудоффа қилмоқда эди. Петя от кўйиб келганда француз йикилиб ётган эди. «Яна кечикдим» деган фикр лип этиб Петянинг хаёлидан ўтди-ю, у отишма товуши келаётган томонга қараб кетди. Отишма кеча тунда Долохов билан келиб-кетган помещикнинг кўрасидан эшитилмоқда эди. Французлар четан девор орқасидаги қалин чакалакзорга ўтиб олиб, дарвозахонада тўпланишиб турган казакларни ўққа тутмоқда эди. Петя отни чоптириб дарвозахонага келганда Долохов порох тутуни ичида, оқариб-бўзариб одамларга бир нима деб қичқираётган эди. «Айланиб ўтинглар! Пиёдалар кутиб

турсин!» деб бақираётганда Петя унинг олдига келди.

– Кутиб турсин?.. Ураааа!.. – деб қичқирганича Петя бир дақиқа ҳам тўхтамасдан милтиқ товуши чиқаётган ва порох тутуни бурқсиб турган томонга қараб от қўйиб кетди. Бараварига отилган милтиқ садолари, бекор кетган ва бир нарсага бориб теккан ўқларнинг визиллаши эшитилди. Казаклар билан Долохов Петянинг кетидан от қўйиб қўрага киришди. Бурқсиб турган қалин тутун орасида қолган французларнинг баъзилари яроғ-аслаҳасини ташлаб, казакларга томон югуриб келди, баъзи бирлари эса тепаликдан қўлга қараб чопди. Петя помещикнинг ҳовлисига от қўйиб кирди ва югани маҳкам тортиш ўрнига отининг бошини қўйиб юборди, у иккала қўлини ёзиб, ҳадеб қанот қоқар ва борган сари эгардан оғиб, бир томонга қийшайиб борар эди. От тонг ёғдусида хиралашиб, тутаб турган гулханнынг олдига бориб таққа тўхтади. Петя нам ерга гумбурлаб йиқилди. Боши қимирламаса ҳам, қўл-оёқлари типирчилаганини казаклар кузатиб туришди. Ўк унинг калласини тешиб ўтган эди.

Долохов уй орқасидан найзага рўмолини боғлаб, таслим бўлди, деб олдига келган француз катта офицери билан гаплашиб бўлгач, отдан тушиди-да, қулочини ёзиб, ҳаракатсиз ётган Петянинг тепасига келди.

– Тамом, – деди у қошини чимириб, кейин от устида дарвозадан унга қараб ҳайдаб келаётган Денисовга томон юрди.

Денисов Петянинг ётиши, жонсиз жасаднинг ётишига ўхшаганини узоқдан пайқаб:

– Ҳалок бўлдими? – деб қичқириб юборди.

Тамом, – деди яна Долохов худди бу сўзни такрорлашдан хузур қилаётгандек, сўнгра отдан тушиб, асирларни ўраб олишган казаклар олдига тез-тез юриб борди. – Асир олмаймиз! – деди у Денисовга қараб.

Денисов индамади; у Петянинг тепасига келиб, отдан тушиди, титраётган қўллари билан Петянинг қон билан лойга беланиб, аллақачон бўздай оқариб қолган юзини ўзига томон бурди.

«Мен ширинликка ўрганганман. Жуда қулинг ўргилсин

майиз, барини ола қолинг», — деган сўзлари Денисовнинг ёдига келди. Денисов ув тортиб йиғлаганича (казаклар хайрон бўлиб қайрилиб қарашди) ўликнинг олдидан турди ва бориб четан деворни кучоқлади.

Денисов билан Долохов французлардан қайтариб олган рус асирлари орасида Пьер Безухов ҳам бор эди.

XII

Москвадан чиққанларидан буён шу дамга қадар Пьер бирга бораётган асирлар ҳақида француз командирлари томонидан ҳеч қандай янги буйруқ келгани йўқ эди. 22-октябрга келиб Москвадан улар билан бирга чиққан аскар ва карвонлар бир ёқда, асирлар бир ёқда қолиб кетди. Дастлабки манзилларда асирлар кетидан келаётган қоқ нон ортилган араваларнинг ярмини казаклар тортиб олишди, қолган ярми олдинга ўтиб кетди; олдинда яёв бораётган суворийларнинг ҳам қораси кўринмай қолди; уларнинг ҳаммаси ном-нишон йўқолди.. Биринчи манзилларда узоқдан сал-пал кўриниб турган артиллерия ўрнини энди маршал Жюнонинг вестфаллик аскарлари кўриқлаб келаётган карвони эгаллади. Асирлар кетидан эгар-жабдуқ ортилган карвон келмокда эди.

Уч колонна бўлиб келаётган француз кўшинлари Вязьмага келганда бир тўп бўлиб олишди. Москвадан кейинги биринчи манзилдаёқ Пьер пайқаган интизомсизлик аломатлари энди ҳаддидан ошди.

Улар кетаётган йўлнинг икки томонида ҳаром ўлган отлар қалашиб ётар; ўз тўпларидан орқала қолган жулдур кийимли одамлар муттасил равишда гоҳ бораётган колоннага келиб қўшилар, гоҳ яна ундан ажралиб, кейинда қолиб кетишарди.

Йўлда бир неча бор ёлғондака тревога бўлди, соқчи аскарлар милтикларини кўтариб, ўқ узишди, бир-бирларини топтаб, жон ҳолатда ҳар томонга қочишди, кейин бекорга ваҳима кўтаргани учун бир-бирини қойиб, яна қайтиб келишди.

Бу уч гуруҳ, яъни суворийлар гуруҳи, асирлар гуруҳи ва

Жюнога қарашли аравалар қарвони тобора камайиб бораётган бўлса-да, ҳар қалай, бир бутун бўлиб ҳаракат қилаётган гуруҳни ташкил қиларди.

Бошда бир юз йиғирма аравадан иборат бўлган гуруҳда қолган бўлса, олтимишта арава қолган эди, холос; қолганини ё казаклар тортиб олишди, ё ўзлари ташлаб келишди. Жюнога қарашли араваларнинг ҳам бир нечаси ўлда-жўлда қолиб кетди. Уч аравани Даву корпусининг орқада қолиб кетган аскарлари келиб талаб кетишди. Пьер немисларнинг гапларидан бу қарвонга асирлар қарвонидан кўра кўпроқ қоровул кўйилганини, уларнинг оғайниси бўлмиш бир немис аскарнинг чўнтагидан маршалга қарашли кумуш қошиқ чиққани учун, маршалнинг амрига биноан отиб ташланганини англади.

Бу учала гуруҳдан энг кўч камайиб бораётгани асирлар гуруҳи эди. Москвадан чиққанда уч юз ўттиз киши бўлса, ҳозир бу гуруҳда юзтача одам қолган эди, холос. Соқчи аскарлар учун эгар-жабдуқ қарвони ва маршал Жюнонинг араваларидан кўра асирларни кўриқлаб бориш малол келар эди. Эгар-жабдуқ билан Жюнонинг кумуш қошиқлари бирон нарсага яраши мумкин эди, лекин пашшадай ўлаётган, юришга мажоли келмаганларини улуғларнинг амрига биноан отиб ташланаётган оч-яланғоч рус аскарларини ўшаларнинг ўзига ўхшаган оч-яланғоч аскарларнинг совуқда туриб кўриқлаши кимга кераклигини тушуниш қийингина эмас, балки жирканч бир ҳол эди. Соқчилар ўзлари аянч аҳволда бўлганликлари учун асирларга раҳмлари келиб, юраклари эзилиб кетишидан кўрққандай, қовоқларини солиб улар билан жуда кўпол муомала қилишарди.

Дорогобужда соқчи аскарлар асирларни отхонага камаб, ўзларига қарашли дўконларни талагани кетганда, бир неча асир девор остини тешиб, чиқиб кочган эди, бироқ французлар уларни ушлаб, отиб ташлашди.

Асир офицерлар аскарлар билан бирга юрмасин деб Москвадан чиққан пайтда жорий этилган илгариги тартибга ҳеч ким риоя қилмай кўйди; юришига мажоли етадиганларнинг ҳаммаси бирга бормоқда. Пьер учинчи манзилдан

кейин Каратаев ва унинг ити – нофармон, маймоқ кучукча Олапар билан биргаликда бормокда эди.

Москвадан чиққанларига уч кун бўлганда Каратаевни яна безгак тутди (у Москва госпиталида ҳам шу касал билан ётган эди); Каратаев мажолсизланган сайин Пьер ундан ўзини олиб қоча бошлади. Нима учун шундай қилаётганини ўзи билмаса ҳам, лекин Каратаев дармонсизланиб қолгандан бери Пьер унинг олдига зўрға борар эди. Хар манзилда Пьер Каратаевнинг олдига бориб, унинг одатдагича чўзилиб инқилашига кулоқ солар, Каратаев жуда сасиб кетганини сезиб, ўрнидан туриб узокроқ кетарди ва уни ўйламасликка тиришарди.

Асир тушиб, бостирмада ётган кунларда Пьер фақат ақл-идроки билан эмас, балки бутун вужуди, жони билан инсон бахт учун яратилганини, бахт инсоннинг ўзида, унинг табиий, инсоний эҳтиёжларини қондиришда эканини, барча бахтсизликлар етишмовчиликдан эмас, аксинча ҳамма нарсанинг меъёрдан ортиқ бўлганлигидан вужудга келишини англади. Шу сўнгги уч хафталик юриш даврида Пьер яна бир тасалли берадиган ҳақиқатнинг тагига етди; дунёда ҳеч қандай даҳшатли нарса йўқлигини англади. Одам боласи ҳам бахтли, ҳам эрки батамом ўз қўлида бўлган ҳол бўлмагандек, у бутунлай бахтсиз ва эрксиз бўлган ҳол йўқлигини англади. Изтироб билан эркинликнинг орасида худуд борлигини, бу худуднинг ораси яқинлигини англади: мана, бир вақтлар нафис тўшаги сад гижим бўлиб қолганда у қанча изтироб чеккан бўлса, ҳозир зах ва қаттиқ ерда бир ёнбошини совуққа олдириб, иккинчи ёнбошини иситиб ётганида ҳам шунчалик азоб чекяпти: бир вақтлар балда киядиган тор пойабзалини кийганда қанчалик жони оғриган бўлса, мана ҳозир шилиниб, гўшт бўлиб қолган яланғоч (оёқ кийимлари аллақачонлар йиртилиб кетган эди) оёқлари билан юриб бораётганда ҳам жони шунчалик оғрияпти. Пьер мундай сарасоп солиб қараса, ўз ихтиёрим билан уйландим, деб гумон қилиб юрган вақтидаги эркинлиги, ҳозир кечалари отхонада қамалиб ётган вақтидаги эркинлигидан кўп ҳам фарқ қилмас экан. Ўша кунлари деярли сезмаган бўлса ҳам,

кейинчалик отини азоб кўйган азияти, асосан яланг оёк юришдан қавариб гўшт бўлиб қолган оёкларининг оғриғи эди (от гўшти ҳам мазали, ҳам тўқ тугар эди, туз ўрнида ишлатадиган порох селитраси кўнгилни айнитмас, қаттиқ совуқлар бўлгани йўк. Кундузи йўл юрганда одам ҳамма вақт қизиб кетар, кечалари эса гулхан ёкилар, ҳамма ёғини талаган битлар эса баданни қиздиради). Дастлабки кунларда Пьерга азоб бераётган бирдан бир нарса – оёклари эди.

Юришнинг иккинчи кунини Пьер гулхан атрофида ўтириб, шилиниб гўшт бўлиб кетган оёкларига қараб, энди юриб бўлмаса керак деб ўйлаган эди, бироқ ҳамма ўрндан турганда у ҳам ўрндан қўзғалиб, оқсоқланиб юра кетди ва бир оздан кейин оғриқни сезмай қўйди, лекин кечга бориб оёклари қараб бўлмайдиган ҳолга тушди. Аммо Пьер оёкларига қарамасдан, бошқа нарсани ўйлаб юраверди.

Фақат эндигина Пьер одам жони нақадар қаттиқ эканини, буғ машинанинг қозонидаги буғнинг кучи мўлжалдан ошганда, бўшатувчи клапанлар очилиб, ошиқча буғни чиқариб юборгани каби, киши диққат-эйтиборининг бир нарсадан иккинчи нарсага жалб бўлиши нақадар халоскор кучга эга эканини англади.

Пьер юришга мажоли қолмаган асирларни отиб ташлаётганларини ҳам кўрмас, милтиқ садоларини ҳам эшитмасди, ваҳоланки юздан ортиқ киши отиб ташланган эди. У кундан кунга заифланиб бораётган ва бугун-эрта бошига шу кун келадиган Каратаев ҳақида ҳам ўйламас эди.

Ўзи ҳақида-ку, сира ўйламас эди. Аҳволи оғирлашган сайин, келажакдаги кўркинчли бўлган сайин, унинг хаёлига ҳозирги аҳволига мутлақо алоқаси бўлмаган ширин ва далда берувчи фикрлар, хотира ва манзаралар келарди.

XIII

Октябрь ойининг 22-санасида, туш пайти, Пьер ўнқир-чўнқир йўлга ва оёкларига қараб, лой кечиби, сирпанчиқ йўлдан тепаликка чиқиб кетмоқда эди. У атрофини ўраб олган таниш башараларга аҳён-аҳёнла бир кўз ташлаб қўяр,

яна оёқларига қарарди. Пьер бу одамларга ҳам, шилиниб кетган оёғига ҳам ўрганиб қолган. Нофармон Олапар йўлнинг четидан ирғишлаб юрар, хурсандлиги ва чакқонлигини кўз-кўз қилиш ниятида гоҳ-гоҳ бир оёғини кўтариб, уч оёқлаб чопар, яна мурдаларга қўнган кузғунларга акиллаб, тўрт оёқлаб югурарди. Олапар Москвада юрган вақтдагидан хурсандроқ кўринар, семириб силлик бўлиб қолган эди. Қаёққа карама, ҳамма ерда одам гўштидан тортиб от гўштигача ҳар хил махлуқларнинг гўшти сасиб, ачиб ётар, одамлардан хайиққан бўрилар ўликларга яқин келолмагани учун Олапар тўйгунича ер эди.

Эрталабдан бери ёмғир ёғмоқда эди. У бир тиниб, кўк юзи очилаётгандай бўлди-ю, яна кучайиб кетди. Ёмғирга тўйган йўл энди сув тортмай кўйди. Ёмғир суви арава изидан шалдираб оқа берди.

Пьер атрофига аланглаб бораркан, ҳар уч қадамдан кейин бир бармоғини буқар ва осмонга қараб, ичида: ҳа, тагин ёғ! Тагин ёғ, дер эди.

Пьер ҳеч нарсани ўйлаётганим йўқ деб ўйласа ҳам, кўнглининг бир четида муҳим ва тасалли берадиган алланечук бир ўй ётарди. Бу ўй кеча Каратаев билан қилган суҳбатдан олган энг нозик маънавий сабоқ эди.

Кеча, тунги манзилда, Пьер ўти ўчиб қолган гулханнынг олдида совқотиб ўрнидан турди-да, яхшироқ ёнаётган бошқа бир яқиндаги гулхан олдига бориб ўтирди. Ўша гулхан ёнида Платон шинелини, попнинг ибодат чоғида киядиган тўнига ўхшатиб бошига ёпиниб, аскарларга Пьер эшитган бир воқеани ёқимли, жўшқин бўлса ҳам, лекин заиф ва дардчил товуш билан сўзлаб ўтирган эди. Тун яримдан оққан. Одат бўйича шу соатларда Каратаевнинг иситмаси тушар ва хийла тетик бўлиб қоларди. Пьер гулхан олдига келиб Платоннинг заиф, хаста овозини эшитиб, унинг гулхан шуъласи баралла ёритиб турган аянчли юзини кўрди-ю, кўнгли бузилиб, алланечук бўлиб кетди. У Платонга ачиниб, дили шикастланиб қолишидан кўркиб, бу ердан кетмоқчи бўлди, лекин шундан бошқа гулхан бўлмагани учун Платоннинг юзига карамасликка ҳаракат қилиб гулхан

ёнида ўтираверди.

– Тузукмисан, соғлигинг қалай? – деб сўради Пьер.

– Соғлигим нима бўларди? Хасталиқдан нолисанг, худо ўлим бермайди, – деди-да, шу ондаёқ чала қолган ҳикоясини давом эттирди. – Ана шундай қилиб ука, унинг озиб, оқариб қолган юзи табассумдан ёришиб, кўзлари севинчдан порлаб, давом этди, – ана шундай қилиб, ука...

Пьер бу воқеани аллақачонлар эшитган, Каратаев унинг ўзига бу нарсани беш-олти марта ва хамиша зўр эҳтирос билан айтиб берган эди. Пьер бу ҳикояни бошдан оёқ яхши билса ҳам, лекин ҳозир худди янги бир гапни эшитаётгандек жон қулоғи билан тинглади ва Каратаев гапираётиб, шавқ-завққа тўлиб кетганини кўриб, афтидан, унинг кўнгли ҳам очилиб кетди. Бу ҳикоя аҳл-у аёли билан ҳалол кун кечириб юрган художўй ва ростгўй бир кекса дўкондорнинг катта савдогар дўсти билан Макарьяга қилган сафари ҳақидаги ҳикоя эди.

Иккала савдогар карвонсаройга тушиб, ухлаб қолган экан. Эртасига туриб қарасалар, катта савдогарни ўлдириб, пулларини ўғирлаб кетишибди. Кекса дўкондорнинг ёстиғи остидан қонга беланган пичоқ чиқибди. Дўкондорни суд қилишибди, қамчи билан уришибди, бурнининг паррагини кесиб, каторгага юборишибди.

– Ана шундай қилиб, ука (Пьер келганда Каратаев ҳикоянинг шу ерига келган эди), бу воқеадан ўн йилми, оргикми ўтади; кекса дўкондор каторгада яшайди. Ёмонлик қилмайди, тақдирига тан бериб, фақат худодан ўлимини тилайди. Бир куни кечаси катордагилар, мана ҳозир биз сиз билан ўтиргандек, бир жойга тўпланишди, ҳалиги кекса дўкондор ҳам буларга кўшилади. Ким нима учун азоб чекиб юргани, тангри олдида қанақа гуноҳи борлиги ҳақида сўз кетади. Биров бировни ўлдирганини, биров икки кишининг ёстиғини қуритганини, биров ўт кўйганини, биров қочганини, биров бегуноҳ ётганини гапириб беради. Сен нима учун ётибсан? – деб ҳалиги дўкондордан сўрайдилар.

– Эй, азиз биродарларим, – дейди мўйсафид дўкондор, – мен ҳам ўз гуноҳим ва ҳам ўзгаларнинг гуноҳи учун азоб

чекиб юрибман. Бировни ўлдирганим ҳам, бировнинг молига қасд қилганим ҳам йўқ. Мен фақат ғариб-беваоларни едириб-кийдирганман, холос. Мен, азиз биродарлар, дўкондор эдим. Давлатим ҳам каттагина эди, – дейди чол. Шу билан бутун воқеани бир бошдан гапириб беради. – Мен, дейди чол, ўзим учун қайгурмайман. Мен пешонамда борини кўряпман, лекин кампирим билан болаларимга жабр бўлди. – Шундай деб чол йиғлаб юборади. Буни қарангки, ўша савдогарни ўлдирган одам ҳам шуларнинг ичида экан.

– Ҳой, ота, дейди, қотил, бу ходиса қаерда рўй берган эди? Қачон ва қайси ойда? – деб ҳаммасини суриштиради. Унинг юрагига ўт тушади. Шундай қилиб денг, чолнинг олдига келади-ю, гурс этиб ўзини унинг оёғи остига ташлайди. – Мен туфайли сиз азоб чекиб юрибсиз, ота. Мен ҳақиқатни гапиряпман; йигитлар, бу шўрлик гуноҳсиз азоб чекиб юрибди. Савдогарни ўлдириб, ухлаётганида пичокни ёстиғи остига тикқан мен бўламан. Худо ҳақи, мени кечир, ота, – дейди.

Каратаев жилмайиб, ўтга қараб жим бўлди ва ўтинни тўғрилаб кўйди.

– Чол шундай дейди: сени худойи таолонинг ўзи кечирсин, биз баримиз унинг олдида гуноҳқормиз, мен ўз гуноҳларим учун азоб чекиб юрибман. Шу сўзларни айтиб, чол хунибийрон йиғлайди. Биласизларми, нима бўлди, лочиним, – деди Каратаев борган сайин чиройи табассумдан очилиб ва худди ҳикоянинг бутун маъзи ва гўзаллиги шу сўнги сўзларда тажассум топгандай, – биласанми, нима бўлди, лочиним, савдогарни ўлдирган қотил тўғри бошлиқларнинг олдига кириб боради. Мен, дейди, олти кишини жувонмарг қилганман (жуда ашаддий қаллақесар бўлганда), лекин ҳеч кимга шу чолчалик ачинганим йўқ. Кўйинглар, мен шу чолга зомин бўлмайин деб, ҳаммасини гапириб беради. Бошлиқлар айнан ёзиб олишади ва бу қоғозни жўнатишади. Узок йўл эмасми, бу ишни суд текшириб чиққунча, керакли қоғозларни бошлиқларга кўчириб бергунча, то бу подшога бориб етгунча хийла вақт ўтади. Подшодан: дўкондор озод қилинсин, ноҳақ ётгани учун қанча лозим бўлса, шунча

мукофот берилсин, деган мазмунда фармон келади. Қоғозга қараб чолни излай бошлайдилар. Гуноҳсиз азоб чекиб юрган фалончи чол қани? Подшодан қоғоз келди, деб ҳамма ёқни қидиришади. – Каратаевнинг ияги титраб кетди, – у бечорани аллақачон худо бандам дебди, оламдан ўтибди. Мана шундай, лочиним, – деб Каратаев сўзини тугатди ва кўзларини бир нуқтага тикиб, лабларида табассум, узоқ жим қолди.

Бу ҳикоянинг ўзи эмас, балки унинг сирли маъноси, шу воқеани ҳикоя қилаётган чоғда Каратаевнинг чехрасида пайдо бўлган напъали сурур ва ҳам шу напъали сурурнинг сирли моҳияти ҳозир Пьернинг қалбини аллақандай подлякка тўлдирган эди.

XIV

– Жой-жойларингда туринглар!, – деган товуш янграб кетди. Асирлар билан соқчи аскарлар шошиб қолишди.

Ҳамма севинчли ва тантанали бир нарсани кутарди. Ҳар томондан буйруқ садолари эшитилди ва бир гуруҳ башанг кийинган суворийлар чиройли отларни йўрттириб, асирлар ёнидан ўтиб кетди. Ҳамманинг юзига олий ҳокимият эгалари яқинлашган чоғда пайдо бўладиган ҳаяжон ва саросималик ифодаси пайдо бўлди. Асирлар ғуж бўлиб қолишди, уларни йўлдан суриб чиқаришди. Соқчи аскарлар саф тортиб турди.

– Император! Император! Маршал! Герцог! – деган нидолар янграши ва башараси қип-қизил соқчилар ўтиб кетиши биланок, иккита-иккита қилиб олти бўз от кўшилган қаретанинг тақир-туқури эшитилди. Учбурчак шляпа кийган кишининг осуда, чиройли, ошпоқ ва сергўшт юзига Пьернинг кўзи тушди. Бу одам маршаллардан бири эди. Маршалнинг нигоҳи Пьернинг ғўлабир ва кўркем қад-у қоматига тушди-ю, афтини буриштириб, юзини ўгирди. Пьернинг назарида, маршал унга ачингандай ва бу нарсани билин-тирмаслик учун юзини ўгиргандай бўлди.

Чўчигансимон афт-башараси қип-қизил қарвонбоши

генерал, қирчанғи отини камчилаб, каретанинг кетидан бормоқда эди. Бир неча офицер бир жойга йиғилди, аскарлар уларни ўраб олишди. Ҳамма юзларда бетоқатлик ва ҳаяжон ифодаси бор эди.

– Нима деди у? Нима деди? Нима?.. – деган сўзлар Пьернинг кулоғига кирди.

Маршал ўтиб кетаётганда асирлар бир ерга гуж бўлиб қолишди, шунда Пьер эрталабдан бери кўзи тушмаган Каратаевни кўрди. Каратаев эғнида ўша эски шинели билан қайин дарахтига суяниб ўтирган эди. Унинг сиймосида кеча беғуноҳ азият чеккан дўқондорнинг саргузаштини айтиб берган чоғида пайдо бўлган раҳм-шафқат ифодасидан ташқари, яна сокин бир тантана ифодаси парпираб турар эди.

Каратаев Пьерга шу тобда ёшланиб турган юмалок меҳрибон кўзлари-ла қаради ва унга бир нима демоқчи бўлгандек, ёнимга кел, деб имлади. Аммо Пьер шу тобда ўзини кўлга ололмай турган эди, шунинг учун ўзини кўрмаганга солди-ю, шошиб-пишиб нари кетди.

Асирлар яна ўринларидан кўзғалганда, Пьер орқасига қайрилиб қаради. Каратаев йўлнинг четида, қарағайнинг остида ўтирарди, иккита француз унинг тепасида туриб алланима деб гаплашарди. Пьер бошқа қарамади. У оқсоқланиб, тепаликка чиқиб кетаверди.

Орқадан, Каратаев ўтирган жойдан милтиқ товуши чиқди. Пьер бу товушни баралла эшитди, бироқ шу заҳоти маршал ўтиб кетишидан олдин бошлаган ишини – Смоленсккача қанча манзил қолганини ҳали санаб бўлмаганини эслади. Ҳеч нарсага эътибор бермай, санай бошлади. Икки француз аскар (бирининг кўлида елкасидан олган ва ҳали тутун чиқиб турган милтиқ бор эди) Пьернинг ёнидан югуриб ўтди. Иккаласининг ҳам ранги мурдадай оқарган, иккаласининг ҳам юзидаги ифода (бири Пьерга ийманиб қаради) Пьер ўлим жазоси вақтида кўрган ёш аскарнинг юзидаги ифодага ўхшарди. Пьер аскарга қаради ва уч кун бурун бу аскар кўйлагини гулханда қуритмоқчи бўлиб кўйдириб қўйганини ва бошқалар ундан қулганини эслади.

Ит орқадан Каратаев ўтирган ердан улий бошлади. «Бу бефаҳм нега улияпти?» – деб ўйлади Пьер.

Пьер билан ёнма-ён бораётган аскарлар ҳам, худди Пьердай аввал милтиқ товуши, кейин итнинг улиси эпитилган томонга қайрилиб қарамади, лекин ҳамманинг юзида жиддий бир ифода бор эди.

XV

Эгар-жабдук ортилган аравалар карвони ҳам, асирлар тўдаси ҳам, маршалнинг аравалари ҳам Шамцево кишлоғида тўхтади. Ҳамма гулхан атрофига тикилди.

Пьер гулхан олдига келиб, от гўштидан пиширилган кабобни еди-ю, орқасини ўтга бериб чўзилди ва дарҳол уйкуга кетди. У Бородино жангидан сўнг Можайскда қандай уйкуга кетган бўлса, бу ерда ҳам айнан шундай уйкуга кетди.

Яна ҳақиқий ҳодисалар тушга қўшилиб кетди, яна кимдир, ўзими, бошқа бировми, аллақандай фикрларни, ҳатто Можайскда айтилган ўша фикрларни унга айтди.

«Ҳаёт ҳамма нарса демакдир. Ҳаёт худо демакдир. Ҳамма нарса ўрнини алмаштиради, ҳаракат қилади, мана шу ҳаракатнинг ўзи худодир. Модомики, ҳаёт бор экан, худо бор деган ақидадан лаззатланиш ҳам бор. Ҳаётни севмоқ, худони севмоқ демакдир. Бу ҳаётни ўзининг бегуноҳ азоб чекаётганда севиш, энг қийин ва энг саодатли севғидир».

– Каратаев! – деб Пьер Каратаевни эслади.

Бирдан Пьернинг кўз олдида Швецарияда географиядан дарс берган ва аллақачонлар эсидан чиқиб кетган камтарин, кичкина чол муаллими худди тирик кишидай гавдаланди. Чол Пьерга: «Шошма!» – деб хитоб қилди ва бир глобусни кўрсатди. Бу глобус кимирлаб турган тирик ва ҳажмсиз шар эди. Шарнинг усти зич томчилардан иборат бўлиб, бу томчилар кимирлаб ўрнини алмаштирар, бир қарасанг бир нечта томчи бир-бирига қўшилиб, бир қарасанг, бир-биридан ажралиб, бўлиниб кетарди. Ҳар бир томчи ёйилиб, кўпроқ ўринни эгаллашга уринар, лекин бошқа томчилар айнан шунга интилиб уни сиқиб кўяр, ё йўқ қилиб юборар,

ёки унга кўшилиб кетарди.

– Ҳаётни кўряпсанми, – деди мўйсафид муаллим.

«Бу нақадар оддий ва равшан! – деди Пьер ичида.

– Нечун шу маҳалгача мен буни билмаган эканман».

– Ўртада худо турибди, ҳар томчи уни кўпроқ кўламда акс эттиришга ҳаракат қилади. Каттароқ масофага ёйилиб, бир-бирига кўшилади, бир-бирини сиқиб чиқаради, шар устида йўқ бўлиб кетади ва ичкарироқка чўкиб, яна қалқиб чиқади. Мана Каратаев, кўрдингми, ёйилиб кетди-ю, кўздан йўқолди.

– Болажоним, тушуняпсанми, – деди муаллим.

– Тушуняпсанми, хомкалла? – деб ўша товуш қичкириб юборди ва Пьер уйғониб кетди.

У ўрнидан туриб ўтирди. Ҳалигина рус аскарни сиқиб чиқарган француз аскари гулхан олдида чўнкайиб ўтириб, шомполга¹ тортилган гўштни ўтга тутмоқда эди. Ёнглари шимарилган, томири бўртиб чиққан сертук ва бармоқлари қисқа қип-қизил қўллари билан у шомполни чакқонлик билан ўтда айлантирар эди. Бу қош-қовоғи осилган, сарғим-тир юзи тунд аскар чўғнинг шуъласида кўзга баралла ташланиб турар эди. У орқасида турган аскарга бирдан қайрилиб қараб:

– Унга барибир... қароқчининг ўзгинаси-я! – деб тўнғишлади. – У сихни ўтда айлантираркан, Пьерга бир хўмрайиб қаради. Пьер ундан юзини ўтириб қоронғиликка қаради. Француз итариб юборган ҳалиги рус асири гулхан олдида бир нимани силаб ўтирган эди. Пьер синчиклаб қаради ва аскарнинг ёнида думини ликиллатиб ётган Олапарни таниди.

– Ие, келдингми? – деди Пьер. – Қани Пла... – деб гап бошлади-ю, лекин гапи оғзида қолди. Тўсатдан кўз ўнгида айнан бир вақтда бир-бирига аралашиб-қуралашиб кетган бир неча хотира гавдаланди: қарагай дарахтининг тагида ўтирган Платоннинг қандай нигоҳ билан қарагани, ўша ердан милтиқ товуши эшитилгани, ундан кейин Олапарнинг

¹ Шомпол – милтиқларнинг стволини тозалайдиган махсус сим.

ургани, ёнидан югуриб ўтган икки француз аскарнинг жиноят уфуриб турган башараси, тутун чиқиб турган милтик, бу манзилда Каратаевнинг йўқлиги – буларнинг ҳаммаси эсига тушиб, энди Каратаевнинг отилганлигини англашга тайёр бўлиб турган пайтида, шу онда худо биладй қасқдан, Киевдаги ҳовлисининг пешайвонида ёз кунн соҳибжамол бир поляк қизи билан ўтқазган кечаси эсига келди. Пьер, ҳар қалай, бугунги кун хотиралари ҳақида ўйламасдан ва улардан хулоса чиқармасдан кўзини юмди ва шу ондаёқ ёзги табиат манзаралари билан чўмилиш ва қимирлаб турган суяк шар тўтрисидаги хотираларига аралашиб кетди-ю, у аллақанақа бир сувга тушиб, чўкди қолди.

Субҳидамда Пьерни қасира-қусур отилаётган милтик садолари ва шовқин-сурон уйғотиб юборди. Пьернинг ёнидан французлар югуриб ўта беришди. Улардан бири:

– Казаклар, – деб қичкириб юборди ва бир дақиқа ўтар-ўтмас чехраларидан русларга ўхшаган кишилар Пьерни ўраб олишди.

Пьер нима ҳодиса рўй берганини хийда вақтгача англолмай, гангиб қолди. Ён-веридаги шерикларининг суюнганларидан йиғлаганлари ҳар томондан унинг кулоғига кирди.

Кекса аскарлар казак ва гусарларни кучоқлаб:

– Жигаргўшаларим! Ўғлонларим, бўғаларим! – деб йиғларди.

Гусарлар билан казаклар асирлар теварагига йиғилишди, дарров бири кўйлагини, бири этигини, бири нонини берди. Пьер буларнинг ўртасида ўтириб олиб, тили сўзга келмай йиғларди: у олдига келган бир аскарни кучоқлаб олди ва йиғлаб ўпа бошлади.

Долохов харобага айланган ҳовлининг дарвозаси олдида туриб, яроғ-аслаҳасини ташлаб, таслим бўлган французларни дарвозадан чиқариб турар эди. Юз берган воқеадан гангиб қолган французлар, ўзаро шанғиллапиб гаплашар, лекин қамчи билан этигини секин-секин қоқиб, ҳеч қандай раҳм-шафқатдан дарак бермайдиган тунд назар билан қараётган Долоховнинг ёнидан ўтаётганларида, нафаслари

ичларига тушарди. Дарвозанинг у томонида Долоховнинг казаги турар, у француз асирларини санаб, ҳар бир юз кишидан сўнг дарвозага бўр билан битта чизик чизиб кўярди.

– Нечта бўлди? – деб сўради Долохов асирларни санаётган казакдан.

– Юздан ошди, – деб жавоб берди казак.

– Ўт, ўт, – дер эди Долохов французлардан ўрганган ифодани ишлатиб. Ўтаётган французларни кўрганда унинг кўзларида шафқатсиз бир ёлқин порлаб кетарди.

Денисов папоғи кўлида – қовоғи солиқ, Петя Ростовнинг жасадини чорвоқдаги қабрга томон кўтариб бораётган казаклар кетидан борарди.

XVI

28-октябрдан бошлаб, қаҳратон киш бошлангандан сўнг совуққа қотаётган, қовжираб қолгунча гулхан атрофидан кетмайдиган, император, қирол ва герцоглар талаб олган лаш-лушлар ортилган араваларни цўстинга ўралиб ҳайдаб бораётган французларнинг қочиши яна ҳам дахшатлироқ, яна ҳам фожиалироқ тусга кирди, лекин аслида, француз армиясининг қочиш ва бузилиш жараёни Москвадан чиққан кундагидан сира фарқ қилмас эди.

Урушнинг бошидан охиригача талончиликдан бошқа ҳеч қандай иш қилмаган гвардияни ҳисобга олмаганда, Москвадан Вязьмага келгунча етмиш уч минг кишидан иборат француз армиясидан ўттиз олти минг кишигина қолди (булардан ўлса, беш мингтачаси жангда ўлгандир). Математик прогрессиянинг биринчи ҳадди мана шу, қолган ҳадларини шунга асосланиб, математик усул билан аниқлаш мумкин.

Француз армияси кишининг қай даражада юмшоқ-совуқлигидан, таъкиб шиддатидан, йўлларнинг кесилиб қолишидан ва айрим-айрим олинган ҳамма шароитлардан қатъи назар, Москвадан Вязьмагача, Вязьмадан Смоленсккача, Смоленскдан Березинагача, Березинадан Вильногача айнан шу нисбатда камаё берди ва йўқ бўла бошлади. Вязьмага

етгандан сўнг уч колонна бўлиб кетаётган француз қўшинлари битта бўлиб олди ва охиригача шу тарзда ҳаракат қилди. Бертъе ўз подшоҳига мактуб ёзди (аскар бошлиқлари ҳаминша армия ҳақида ҳақиқатдан йироқ бўлган гапларни ёзишади). Мактубда у шундай деди:

Сўнгги уч кун мобайнида ўтказилган марш вақтида мен назардан кечирган корпусларнинг вазияти ҳақида сиз аъло ҳазратга маълумот юборишни ўз бурчим деб биламан. Корпуслар деярли батамом пароканда холда. Аскарларнинг тўртдан бир қисмигина байроқлар остида борса, қолганлари хизматдан қутулиш ва озиқ-овқат топиш пайига тушиб, ўзлари истаган томонга тарқалиб кетмоқда. Ҳамманинг умиди Смоленскда, ҳамма ўша ерда нафасини ростлаб олмақчи. Сўнгги кунларда жуда кўп аскарларимиз ўқ-милтиқларини ташлаб кетмоқда. Сизнинг бундан буёнги ниятингиз қандай бўлмасин, лекин зоти олийларининг хизмат манфаатлари шуни талаб қилади; ҳамма корпусларни Смоленскда йиғиб, пиёда қолганларни отликлардан, яроғлиларни яроғсизлардан ажратиб керак, ортиқча от-аравалар ва тўпхоналарнинг ҳам бир қисмини ташлаш керак, чунки тўпларимизнинг сони аскарларимиз сонига қараганда ортиқроқ. Озиқ-овқат керак. Бир неча кун дам олиш керак: очлик ва чарчокликдан аскарларнинг жонида жон қолмади; сўнгги кунларда жуда кўп аскарлар йўллар ва манзилларда ўлиб қолди. Бу мушкул аҳвол кун сайин оғирлашиб бормоқда, агар бу фалокатнинг олди олиниб, тезроқ чора қўрилмаса, жанг қилиш керак бўлиб қолган тақдирда қўшинсиз қолишимиз ҳеч гап эмас. 9-ноябрь, Смоленскдан 30 чакирим берида».

Смоленск нажотбахш деб тасаввур қилган французлар бу ерга ёпирилиб киргач, озиқ-овқат талашиб бир-бирларици ўлдиришди, ўзларига қарашли дўконларни талашди ва ҳеч нарса қолмагандан кейин тағин қочишда давом этишди.

Француз қўшинлари қайққа ва нима учун бораётганларини ўзлари билмасдан йўл босишар эди. Наполеоннинг даҳоси эса буни бошқалардан ҳам оз биларди, чунки унга ҳеч ким буйруқ бермасди. Лекин шунга қарамай,

Наполеонга ҳам, унинг атрофидаги кишиларга ҳам эски одатни тарк этиш амримаҳол эди; улар ҳамон буйруқлар, мактублар, рапортлар, кундалик жадвал ёзишар, бир-бирларига ҳамон «Аъло ҳазрат, биродарим, Экмюль шахзодаси, Неапол қироли» ва ҳоказо деб мурожаат қилишарди. Лекин буйруқ ва рапортлар қоғоздагина қолиб, ҳеч ким уларни бажармас ва бажариб ҳам бўлмас эди, бир-бирларига гарчи аъло ҳазрат, ҳазрати олийлари, азиз биродарим деб мурожаат қилинса ҳам, ҳар қайсиси ўзининг қабиҳ ва разил киши эканлигини, кўп ярамас ишлар қилиб, энди жазосини тортаётганини биларди. Улар зоҳиран ўзларини армиянинг жонкуяри қилиб кўрсатсалар ҳам ҳақиқатда ҳар бири фақат ўз гамини ер ва тезроқ қочиб қутулишни ўйларди.

XVII

Французларнинг Москвадан Неманга қараб чекиниши даврида рус ва француз қўшинларининг ҳаракати худди кўзбойлар ўйинига ўхшайди бу ўйинда иккала ўйновчининг кўзи боғланади-да, қочган киши қувлаган кишига қаердалигини билинтириш учун ҳар замонда кўнғироқ чалиб кўяди. Бошда қочган киши рақибини писанд қилмасдан кўнғироқ чалаверади, бироқ аҳволи танг бўлиб қолгандан кейин, оёқ учида юришга уриниб, рақибидан қочади, аксари қочиб қутулдим, деб гумон қилиб, рақибининг қўлига тушиб қолади.

Бошда, яъни Калуга йўли билан орқага қараб чекинишнинг биринчи даврида, Наполеон асқарлари қайси йўл билан бораётганларини билинтириб турдилар, аммо кейинчалик, Смоленск йўлига чиқиб олгандан сўнг, улар кўнғироқнинг тилини қўллари билан маҳкам қисиб, қочиб қутулдик деб ўйлаб, ура қочдилар ва тўғри русларга дуч келиб қолдилар.

Французларнинг тез суръат билан қочиб ва русларнинг шиддат билан таъқиб этиши оқбатида, отлар бутунлай ишдан чиқиб қолди. Душман қаердалигини билиш воситаси бўлган отлик айғоқчилар йўқ эди. Бундан ташқари, ҳар

иккала армиянинг вазияти тез суръат билан ҳадеб ўзгаравериши оқибатида олинган маълумотлар ҳам ўз вақтида етиб келиши амримаҳол эди. Агар иккинчи санада душман биринчида фалон ерда турганлиги ҳақида маълумот олинса, бирон тadbир кўриш мумкин бўлган учинчи кунда эса, бу армия аллақачон икки манзил йўл юрган ва тамоман бошқа вазиятда бўлар эди.

Бир армия қочар, иккинчиси уни қувлаб борар эди. Смоленскдан чиққандан кейин французлар олдида бир неча йўл бор эди: бу ерда тўрт кун тургандан сўнг французлар душман қаердалигини билишлари ва бирон дурустрок қарорга келиб, янги тadbир кўришлари мумкин эди. Бирок тўрт кун тўхтагандан сўнг француз оломони ўнгга ва ё сўлга эмас, балки ҳеч қандай мулоҳаза ва манёврсиз, яна ўша эски ва ноқулай йўл билан ўз изига – Красное ва Оршага қараб қайтди.

Душман олдимизда эмас, орқамизда қолди, деб гумон қилган французлар узундан узун чўзилиб, бир-бирларидан йипирма тўрт соатлик масофада ажралган ҳолда қочмоқда эди. Ҳаммадан олдин император, ундан кейин қироллар, қироллардан кейин герцоглар қочиб бормоқда эди. Рус армияси Наполеон ўнгга бурилиб, Днепрнинг нариги тарафи билан (энг қулай йўл ҳам шу эди) чекинса керак, деган мулоҳаза билан ўнгга борилди ва Красноёга борадиган катта йўлга чиқди. Мана шунда французлар, кўзбойлар ўйинидаги сингари бизнинг авангард қисмларимизга дуч келиб қолишди. Беҳосдан душманга рўпара келиб қолгач, улар қўрқувдан довдираб тўхташди, кейин орқаларидан келаётган қуроқдошларини ташлаб, яна қочишди. Бу ерда, худди рус аскарлари қаторлари орасидан ўтгандек, уч кун давомида француз кўшинларининг айрим-айрим қисмлари – аввал вице-қирол, ундан кейин Даву, сўнг Ней қисмлари биринкетин ўтаверди. Буларнинг ҳаммаси бир-бирига қарамасдан, барча оғир юкларини, тўп-тўпхоналарини, одамларининг ярмини ташлаб, фақат кечаларигина ўнг томондан ярим доира шаклида русларни айланиб ўтиб қочаверишди.

Ҳаммадан кейин бораётган Ней (ачинарли аҳволда-

лигига қарамай, ёки шу вазиятга тушиб қолгани учун йиқилган ерини тепган боладек), ҳеч кимга халал бермаган Смоленск деворларини портлатаман деб ўн минг кишилик корпуси билан орқада қолиб кетган Ней барча аскарлари, тўп-тўпхоналарини ташлаб, мингтача одам билан кечаси яшириқча ўрмон орқали бориб, Днепрдан ўтди ва зўрға Оршага, Наполеон олдига етиб борди.

Оршадан сўнг таъкиб қилиб келаётган армия билан французлар яна шу тарзда кўзбойлар ўйнаб, Вильно йўлига қараб қочдилар. Березина дарёсининг соҳилига етганда французлар яна довдираб қолдилар, қанчадан қанча киши сувга чўкди, қанчадан қанча киши таслим бўлди, аммо дарёдан ўта олганлар яна олға қараб чопди. Уларнинг энг улуғи, пўстинни кийиб, чанага ўтирди-да, шерикларини ташлаб, ўз жонини олиб қочди. Эплай олганлар бир амаллаб қочиб кетди, эплай олмаганлар таслим бўлди, ўлди.

XVIII

Бу қоч-қоч кампанияси даврида французлар ўзларини ҳалокатга дучор этиши мумкин бўлган ҳамма номаъқулчиликларни қилдилар: бу оломоннинг Калугага қараб бурилганидан бошлаб бошлиғи армияни ташлаб қочганига қадар қилган барча ҳаракатида зиғирчалик маъно йўқ эди; модомики шундай экан, омманинг ҳаракатини айрим шахслар иродасига боғлиқ қилиб кўрсатадиган тарихчилар урушнинг бу даврини – Наполеон армиясининг чекинишини шу йўсинда изоҳлашга уринмай қолсалар ҳам бўлар эди. Йўқ, ундай қилишмади. Аксинча, улар бу кампания ҳақида тоғ-тоғ китоблар ёзишди, бу китобларнинг ҳаммасида Наполеоннинг амр-фармонлари, унинг теран фикрли режалари – кўшинларга раҳнамолик қилган манёврлари, маршалларининг дохиёна буйруқларини тасвир этишди.

Малоярославецдан чекинаётган вақтда Наполеоннинг бой ўлкага қараб юрмасдан (ваҳоланки ҳеч нарса унинг йўлига ғов бўлгани йўқ ва кейинчалик Кутузов душманни таъкиб этган мувози йўл ҳам очиқ эди), ўйламай-нетмай энг

хароб йўл билан чекинишини тарихчилар бизга жуда теран фикрли мулоҳазалар оқибати; деб изоҳлашади. Унинг Смоленскдан Оршага томон чекинишини ҳам шунақа чуқур мулоҳазалар оқибати деб кўрсатишади. Кейин унинг Красноеда кўрсатган ботирлигини тасвир этишади. Наполеон гўё Красноеда жанг қилиш ва бу жангда ўзи кўмондонлик этишга ҳозирлик кўрган ва қайин калтакни кўлига олиб, у ёқдан бу ёққа юриб, шундай деган эди:

– Шунча вақт император бўлганим ҳам етар, энди генерал бўлмасам бўлмайди. – Лекин шунга қарамасдан, ўша оннинг ўзида орқада қолиб кетган ҳарбий қисмларини ўз ҳолига ташлаб, ўзи тумтарақай қочди.

Кейин маршалларнинг, хусусан, Нейнинг довиюраклигини тасвирлашади. Нейнинг довиюраклиги шундан иборат бўлганки, у кечаси яширинча ўрмон оралаб, Днепрдан айланиб ўтган, тўп-тўпхоналари ва байроқларини ташлаб, аскарларининг ўндан тўққизини йўқотиб аранг Оршага етиб келган.

Нихоят, тарихчилар буюк императорнинг шижоатли армиядан сўнгги кетишини бизга жуда оламшумул ва буюқсон воқеа қилиб тасвирлашади. Ҳатто шу сўнгги қочишни, оддий тил билан айтганда, разолатнинг энг чўққиси бўлган ва ҳар бир гўдак ҳам номус қиладиган бу сўнгги қочишни тарихчилар оқлашади.

Тарихий мулоҳазаларнинг резинкасимон ипини ҳадеб чўза бериш мумкин бўлмай қолгандан кейин, бу кирдикор бутун башарият томонидан эзгулик ва ҳатто адолат деб аталган нарсага тамомила зид бўлгандан кейин, тарихчилар ҳар балога балоғардон бўладиган бир тушунчага – улуғлик тушунчасига ёпишиб олишади. Улуғлик, гўё яхшилик ва ёмонликнинг меъёрини рад этармиш. Улуғ кишининг ҳамма кирдикори улуғ бўлади. Улуғ кишини ҳеч қандай даҳшатли ишда айбдор қилиб бўлмайди эмиш.

Тарихчилар: Бу улуғвор дедими, тамом, яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмайди, балки фақат «улуғворлик» ва «улуғ» бўлмаган бўлади, холос. Улуғворлик яхши, улуғворлик бўлмаган эса ёмон. Улуғворлик тарихчиларнинг тушунчасига кўра,

Ўзлари қахрамон деб атаган аллақанақа айрим шахсларнинг хислатидир. Наполеон ҳам иссиқ пўстинни кийиб, ўлиб кетаётган йўлдошларнигина эмас, балки (ўз фикрича) ўзи бошлаб келган аскарларини ташлаб уйига қараб қочганда ўзини «Буюк» ёзган ва виждони азоб чекмаган. «Улуғворлик (ўзини нечукдир улуғ деб ўйлайди) билан кулги бўлишнинг ораси бир қадам», дейди у. Бутун олам эллик йил давомида «Улуғворлик! Улуғ! Наполеон буюк! Улуғворлик билан кулги бўлиш ораси бир қадам» деган гапни такрорлайди.

Ҳеч кимнинг хаёлига келмайдик, яхшилик ва ёмонлик деган ўлчовлар билан ўлчаб бўлмайдиган буюкликни эътироф этиш арзимас ва жуда кичкина одам эканлигини эътироф этиш демакдир.

Худо бизга яхшилик ва ёмонликнинг ўлчовини берган. Биз учун ўлчанмайдиган нарса йўқ. Соддалик, эзгулик ва ҳақиқат бўлмаган жойда улуғлик ҳам йўқдир.

XIX

1812-йил урушнинг сўнгги давлари тасвир этилган асарларни ўқиганда қайси бир руснинг «ҳай аттанг» демаслиги, норози бўлмаслиги, тушунолмай қолмаслиги мумкин? Ким ўз-ўзига шундай саволлар бермаслиги мумкин; нима учун сон жиҳатдан французларга нисбатан устун бўлган учала армия уларни қуршагандан кейин асир қилиб олмади ва бутунлай кириб ташламади, ахир очликдан ва совуқдан жонида жон қолмаган ва пароканда бўлиб кетган француз аскарларининг ўзлари тўп-тўп бўлиб таслим бўлаётган эди-ку; тарихчиларнинг ёзишига қараганда, русларнинг туб мақсади ҳам французларни тўхтатиш, уларни бир-биридан ажратиш ташлаш ва ҳаммасини асир қилиб олишдан иборат эди-ку!

Қандай қилиб сон жиҳатидан французларга нисбатан заифроқ бўлган рус кўшинлари Бородинода жанг қилган эди, қандай қилиб бу кўшин, французларни уч томондан муҳосара қилиб олган ва асосий мақсади уларни асир қилиб олишдан иборат бўлган бу кўшин ўз мақсадига эришол-

мади? Ажабо, франшуз кўшинларининг кучи бизга қараганда шу қадар устун эдимики, биз уларни сон жиҳатдан ортиқ куч билан ўраб олиб ҳам мағлуб қилолмадиқ? Бу ҳол қандай, юз берди экан?

Тарих (шу ном билан аталадиган илм) бу саволларга жавоб бериб, Кутузов, Тормасов, Чичагов ва яна фалон-фалон шахслар фалон-фалон манёврларни ўтказмагани учун шу ҳол юз берди, дейди.

Лекин нима учун улар шу манёврларни ўтказмади? Шуларнинг айби билан кўзлаган мақсадга эришмаган бўлсак, нима учун уларни суд қилишмади ва жазо беришмади? Боринги, русларнинг иши юришмаганига Кутузов, Чичагов ва бошқалар айбдор бўлсин, лекин, ҳар ҳолда, шунисиға тушуниб бўлмайди: нима учун рус аскарлари Березина ва Красное яқинида (ҳар иккала ҳолатда ҳам русларнинг кучи устун эди) француз аскарларини маршал, қирол ва императори билан қўшиб асир олмади, русларнинг асосий мақсади шу эди-ку!

Бу ғалати ҳодисани (рус ҳарбий тарихчилари сингари) Кутузов хужумга ҳалал берди, деб изоҳлаш бўлмаган гап, чунки биз Вязьма ва ё Тарутино яқинида бўлган жанглардан Кутузов ўз аскарларини қайтара олмаганини биламиз.

Нима учун Бородино жангида озгина куч билан ўзидан хийла бақувват бўлган душман армиясини мағлуб қилган рус қўшини Красное ва Березина яқинида бузғунликка учраган французлар оломони томонидан мағлуб этилди?

Агар русларнинг мақсади Наполеон ва унинг маршалларининг йўлини кесиб, уларни асир олишдан иборат бўлса, бу мақсадга эришиш у ёқда турсин, унга эришмоқ учун қилинган барча интилишлар ҳар гал энг шармандали тарзда барбод бўлди, уруш кампаниясининг сўнгги даврида французлар бирмунча ғалабаларни қўлга киритдилар деган даъвои қилган француз тарихчиларининг сўзи ҳақ, руслар зафар қозонди деб даъво қилган бизнинг тарихчиларимизнинг сўзи ноҳақ бўлиб чиқди дейиш мумкин.

Рус ҳарбий тарихчилари, мантиқни ўзлари учун мажбурий деб билганлари даражасида, беихтиёр шу хулосага кела-

дилар, жасорат, садоқат ва ҳоказолар каби лирик ҳисобларга қарамасдан, французлар Москвадан чекинишда Наполеон бир неча марта ғалаба қозонди, Кутузов бир неча марта мағлубиятга учради деб, эътироф қилишга мажбур бўладилар.

Лекин агар халқнинг бутун иззат-нафсини бир чеккага суриб қўйсақ, бу хулосанинг ўзида бир қарама-қаршилик борлиги сезилади, чунки французларнинг қўлга киритган бир талай ғалабалари уларни бутунлай ер билан яксон қилди, русларнинг бир талай мағлубиятлари эса французларни узил-кесил тор-мор этиш ва ўз ватанларини душмандан тозалашга сабаб бўлди.

Бу қарама-қаршиликнинг манбаи шундаки, ҳодисаларни подшоҳ ва генералларнинг мактублари, маълумотлар, рапортлар ва ҳоказолар орқали ўрганган тарихчилар 1812-йил урушининг сўнгги даврига ўрни тагида йўқ нарсаларни асосий мақсад қилиб кўрсатишади – гўё 1812-йил уруши сўнгги даврининг мақсади Наполеон қўшинларининг йўлини кесиш, уни маршаллари билан асир қилиб олишдан иборат эмиш.

Аслида бундай мақсад қўйилгани йўқ ва қўйилиши ҳам мумкин эмасди, чунки Наполеон қўшинларининг йўлини кесиш ва уни асир олишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ ва бунга эришиш ҳам мумкин эмас эди.

Биринчидан, бундай мақсаднинг ўзи беҳуда гап, чунки Наполеоннинг тумтарақай бўлиб кетган армияси, бор кучини йиғиб, оёғини ерга теггизмасдан Россия тупроғидан қочмоқда, яъни ҳар бир руснинг кўнглидаги ишни қилмоқда эди. Шундай бўлгандан кейин орқасига қарамай қочаётган французларга қарши турли-туман операцияларнинг нима хожати бор эди?

Иккинчидан, бутун куч-қувватини қочишга сарф қилаётган одамларнинг йўлига ғов бўлишнинг сира кераги йўқ эди.

Учинчидан, ҳеч қанака тапқи сабабсиз, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетаётган француз армиясини қириб ташлаш учун талафот беришнинг ўзи беҳуда гап эди, француз армияси шундай тез йўқ бўлиб кетаётган эдики, йўллари кесилмаса

хам, улар декабрь ойида чегарадан олиб ўтган аскарларидан ортиғини барча кўшинларининг юздан биринигина олиб ўта олардилар, холос.

Тўртинчидан, император, қирол ва герцогларни асир олиш орзуси бемаъни орзу, ўша даврнинг энг ўткир дипломатлари (I. Maistre ва бошқалар)нинг эътироф қилишича, бунақа одамларни асир олиш – русларнинг ҳаракатини қийинлаштириб кўярди. Красноега етгунча кўшинларимизнинг ярмидан кўпи нест-нобуд бўлган бир вақтда француз корпусларини асир олиш орзуси яна ҳам беҳуда гап эди, чунки француз корпуслари асир олинган тақдирда уларни кўриқлаш учун бир дивизия соқчи аскар ажратиш керак бўларди, ҳолбуки, ўз аскарларимиз, ярим оч ҳолда эди ва асир олинган аскарларнинг очликдан ўлиши турган гап эди.

Наполеоннинг йўлини кесиш ва армияси билан уни асир олиш ҳақидаги чуқур маъноли режа полизини пайҳон қилган молни дарвозагача қувлаб бориб, кейин унинг бошига ура бошлаган деҳқоннинг қилган ишига ўхшайди. Лекин деҳқон бу ишни меҳнатига ачинганидан, куйиб кетганидан қилди, деб унинг қилмишига важ кўрсатиш мумкин. Бироқ режанинг муаллифлари ҳақида бундай деб бўлмайди, чунки полиз пайҳон бўлгандан улар зиғирча зарар кўргани йўқ эди.

Бундан ташқари, Наполеон ва унинг армияси йўлини кесиш маъносизгина эмас, ҳатто мумкин ҳам эмасди.

Аввало, шунинг учун мумкин эмас ва тажриба шу нарсани кўрсатадики, беш чақирим масофага чўзилган колоннанинг ҳаракати жанг вақтида ҳеч қачон режага тўғри келмайди, демак, Чичагов, Кутузов ва Витгенштейнларнинг белгиланган вақтда бир ерда учрашувлари ҳақиқатдан йироқ, ҳатто ғайриимкон дейиш мумкин. Кутузов ҳам шу фикрда эди, бу режа кўлига тегиши биланок, у ўзоқ масофага чўзилган душманни ғафлатда қолдириб босиш мумкин эмас, деган гапни айтган эди.

Иккинчидан, шунинг учун мумкин эмас эдики, зўр шиддат билан орқага чекинаётган Наполеон кўшинларининг ҳаракатини тўхтатиш учун русларнинг кўшини ўша вақтдагидан кўра бир неча ҳисса ортиқ бўлиши керак.

Учинчидан, шунинг учун мумкин эмас эдики, харбий тилдаги «кесиш» сўзининг ўзида ҳеч қандай маъно йўқ. Армия нон эмаски, уни кесиб бўлса. Армияни кесиш, унинг йўлини тўсиш бўлмаган гап, чунки чап бериб, ўтаман деган одамга тўрт томон очик, бундан ташқари, тун бор, кечаси истаган жойдан ўтиш мумкин, ҳеч ким билмай қолади. Харбий одамлар, ҳеч бўлмаса, Красное ва Березина воқеаларидан шу фикрга келишлари мумкин эди. Лекин қалдирғочни тутиб бўлмагани каби (қўлга қўнсаку ушлаб олиш мумкин-а), одамни ҳам то ўзи шунга мойил бўлмаса, асир қилиб олиб бўлмайди. Таслим бўлган кишинигина, стратегия ва тактиканинг барча қоида-қонунларига биноан таслим бўлган немисларга ўхшаб, асир қилиб олиш мумкин. Аммо француз аскарлари ҳақли равишда буни ноқулай деб тоқдилар, чунки қоч-қочда ҳам, таслим бўлганда ҳам, барибир, оч-яланғочликдан ўлиб кетишлари аниқ эди.

Тўртинчидан ва энг муҳими, шунинг учун ҳам мумкин эмасдики, дунё яратилгандан бери ҳеч қачон, ҳеч бир уруш 1812-йил урушига ўхшаш даҳшатли шароитда ўтмаган эди, бу урушда рус кўшинлари французларни таъқиб этаркан, бутун куч-қувватларини ишга солдилар ва бундан ортик зўр берсалар ўзларини маҳв этишлари мумкин эди.

Рус армияси Тарутинодан Красноегача бориб етгунча оғриб қолганлар ва ўлда-жўлда қолиб кетганлар бўлиб, эллик минг киши йўқотди, яъни каттакон бир губерния марказида яшовчи аҳоли қадар киши нест-нобуд бўлди. Буларнинг ярмиси урушга кирмасдан ўлиб кетди.

Урушнинг мана шу даври ҳақида, кўшинлар ярим оч-ярим яланғоч, этиксиз, пўстинсиз, ароксиз ўн беш даражали совуқда ойлаб қорда ётиб юрган бир вақт ҳақида, куннинг узунлиги етти-саккиз соатгина бўлиб қолгани тартиб-интизомга бўйсундириш мумкин бўлмайдиган тундан иборат бўлган бир вақт ҳақида, одамлар жанг маҳалидагина бир неча соат ўлим гирдоби – тартиб-интизом бўлмаган гирдобга кирадиган вақт ҳақида эмас, балки ойлар давомида ҳар он оч-яланғочлик, совуқ ва ўлим билан олишиб келаётган бир вақт ҳақида; бир ой давомида армиянинг ярми

қирилиб кетаётган бир вақт ҳақида – урушнинг мана шу даври ҳақида тарихчилар гапириб туриб, бизга Милорадович фалон ерда, Тормасоз эса писмадон ерда фланг марши олиб бориши керак эди. Чйчагов фалон ерга силжиши (ғизза бўйи қор кечиб-а!) керак эди, фалончи ундоқ қилиб душман зарбасини қайтарди ва йўлини кесиб ташлади ва ҳоказо деб ёзишади.

Ярми қирилиб кетган руслар ўз халқларининг шаънига муносиб мақсадга эришмоқ учун лозим бўлган ва қўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар, бошқа руслар иссиққина уйларда ўтириб, мумкин бўлмаган ишларни мўлжаллаган бўлсалар, бунинг учун улар сира айбдор эмас.

Факт билан тарихий тасвирлар орасидаги тушуниб бўлмайдиган ғалати зиддиятларнинг вужудга келишига сабаб шуки, бу ҳодисаларни тасвирлаган тарихчилар воқеаларнинг тарихини эмас, балки турли-туман генералларнинг чиройли туйғулари ва гўзал сўзларининг тарихини ёзган.

Уларга Милорадовичнинг сўзлари, фалон ва писмадон генералнинг олган мукофотлари ва мўлжаллари мароклироқ бўлиб кўринган, аммо госпиталь ва қабристонларда қолиб кетган эллик минг кишинг тақдири эса уларни ҳатто қизиқтирмаган, чунки буни ўрганиш уларнинг вазифасига кирмаган.

Ҳолбуки рапорт ва генерал режаларни ўрганишдан бир дақиқагина воз кечиб, воқеага бевосита иштирок этган кишиларнинг хатти-ҳаракатларига чуқурроқ эътибор қилсак, шу маҳалгача жумбоқ бўлиб кўринган масалалар фавқулодда бир осонлик ва соддалик билан узил-кесил хал бўлади-қолади.

Ҳеч ким Наполеон ва унинг армияси йўлини кесишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани йўқ, бу беш-ўн кишининг хом хаёлидир, холос. Бундай мақсадни қўйиш ҳам мумкин эмасди, чунки бу бемаъни ва эришиб бўлмайдиган мақсад эди.

Халқнинг бирдан бир мақсади ўз тупроғини босқинчилардан тозалаш эди. Бу мақсад, аввало, ўз-ўзидан амалга оша бошлади: французлар орқаларига қарамасдан қоча

бердилар, шундай бўлгандан кейин уларнинг баракатига халал бермаслик керак эди. Иккинчидан, бу мақсад французларни кираётган умумхалқ уруши натижасида амалга ошди; учинчидан, французларнинг кетидан каттакон рус армияси, қувиб бормоқда эди ва французлар тўхтаган тақдирда, бу армия ўз кучини ишга солишга тайёр эди.

Чопиб бораётган молга қамчи қандай таъсир этса, рус армияси француз қўшинларига шундай таъсир этиши керак эди. Тажрибали подачи билардики, чопиб бораётган молнинг бошига уришдан кўра пўписа қилиб, қамчини кўтариш кўпроқ фойда беради.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

I

Одам жон бераётган ҳайвонни кўрса ваҳимага тушади: ўзининг моҳиятини ташкил этган нарса, назарийда, яшайдан тўхтагандай бўлади. Аммо жон бераётган махлуқ одам ва яна сеvimли одам бўлса, унда ҳаётнинг маҳв бўлиб кетиши олдида сезиладиган даҳшатдан ташқари, яна бир жудалик ва руҳий жароҳат сезиладики, бу жароҳат жисмоний жароҳат сингари, баъзан ўлдиреди, баъзан тузалиб кетади, лекин ҳамиша оғриғи ва бирон нима тегиб кетишидан безиллайди.

Князь Андрейнинг вафотидан сўнг Наташа билан княжна Марья айнан шу нарсани ҳис этишди. Улар кўланка солиб турган даҳшатли ўлим булути остида руҳан қоматлари букилиб, кўзлари юмилиб, ҳаётнинг юзига қаролмай кўйишди. Улар очик жароҳатларига бирон нарсанинг қаттиқроқ тегишидан, ҳақорат бўлиб тушишидан кўрқиб, жуда эҳтиёт бўлиб юришарди. Ҳамма нарса: соябон араванинг кўчадан тезгина ўтиб кетиши ҳам, тушки овқат тайёр бўлди деб эслатиш ҳам, қайси кўйлакни тайёрлаб кўяй, деб хизматкор қизнинг сўраши ҳам, энг ёмони – мунофикона, юзаки сўзлар билан ҳамдардлик изҳор қилиш ҳам – буларнинг ҳаммаси иккаласининг дардини янгилагандай, жароҳатига туз сепгандай, таҳқирлагандай бўлар ва княжна Марья билан Наташанинг тасавурида ҳаууз янграётган даҳшатли ва салобатли хорни тинглаш учун керак бўлган сукунатни бузар ва улар қаршисида бир лаҳзагагина очилган интиҳосиз, чексиз йироқликларга қарашга моне бўларди.

Фақат икковлари ўтиргандагина ҳеч нарса уларга қаттиқ ботмас ва ҳақорат бўлиб туюлмас эди.

Улар бир-бирлари билан камдан кам гаплашарди. Гапиришганда ҳам энг оддий нарсалар ҳақида гапиришарди. Келажакка тааллуқли нарсаларни тилга олишдан иккови ҳам бир хилда кўрқарди.

Келажакда мумкин бўладиган нарсадан оғиз очиш улар назарида марҳумнинг хотирасини поймол этишдай туюлар-

ди. Улар ўз суҳбатларида марҳумга алоқадор нарсаларнинг ҳаммасини эҳтиёт билан четлаб ўтишарди. Уларнинг назарида гўё бошларига тушган қора кунлар ва оғир мусибатларни сўз билан ифодалаш мумкин эмасди. Уларнинг назарида марҳумнинг ҳаётига оид баъзи бир тафсилотларни, қандай йўл билан бўлмасин, эшлаш – кўз олдидарида юз берган сирли воқеанинг буюклиги ва салобатига путур етказадигандай бўлиб кўринарди. Гапиришдан ҳадеб ўзларини тийиш, князь Андрейдан гап очипга сабаб бўладиган нарсаларни мудом четлаб ўтиш, сўз тилга олинishi мумкин бўлмаган нарсаларга бориб тақалганда ҳадеб тўхтаб қолишнинг ўзи уларнинг ҳаёлида ўзлари сезаётган нарсани яна ҳам равшанроқ, яна ҳам тиниқроқ қилиб кўрсатарди.

Бирок соф ва беғубор шодлик бўлмагани сингари қайғунинг ҳам соф ва беғубори бўлмайди. Ўз мавқеига кўра ўз тақдирининг мустақил бекаси, жиянининг васийи ва мураббияси бўлган княжна Марья икки ҳафтадан бери яшаётган қайғу-алам олаמידан биринчи ҳафт оламига қайтди. Княжна Марья қариндошларидан мактуб олди ва бу мактубларга жавоб қайтариши керак бўлди; Николушка ётиб юрган хона зах экан, бола йўтала бошлади. Хўжалик ишлари ҳақида ҳисобот бергани Алпатич Ярославга келди ва Москвада, Воздвиженск кўчасидаги ҳовлилари омон қолганини, бузилган жойлари тузатилса, кўчиб бориш мумкинлигини айтди. Ҳаёт тўхтаб қолмаган, яшамоқ керак эди. Шу маҳалгача бўлган танҳолик ва ҳаёл олаמידан чиқиш княжна Марья учун нақадар оғир бўлмасин, Наташани якка-ёлғиз ташлаб кетишга қанчалик юраги ачимасин ва бу қанчалик инсофсизлик бўлиб кўринмасин, ҳаёт ташвишлари княжна Марьянинг аралашувини талаб қилди ва княжна беихтиёр бунга бўйсунди. У Алпатич билан бирга ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Николушканинг ўқиши ҳақида Десаль билан маслаҳатлашди. Москвага кўчиш ва йўл тадоригини кўриш тўғрисида фармонлар берди.

Наташа ёлғиз қолди ва княжна Марья кўчиш ҳаракатига тушган кундан бошлаб ундан ўзини олиб қочадиган бўлди.

Княжна Марья графинядан Наташани Москвага бирга

юборишини илтимос қилди, графиня билан граф бу таклифга жон деб рози бўлишди, чунки улар Наташа кун сайин жисмоний жиҳатдан заифланиб бораётганини кўриб, иқлимни ўзгартирса ва Москвадаги докторларга ўзини кўрсатса яхши бўлар, деб ўйлашди.

Бу гапни Наташага айтганларида у:

– Мен ҳеч қаяққа бормаيمان, мени ўз ҳолимга қўйсаларинг бас, – деди-ю, кўз ёшларини зўрга тийиб, уйдан югуриб чиқиб кетди; ғам эмас, алам ва ғазабига чидолмай кўзларидан ёш чиқиб кетган эди.

Княжна Марья ташлаб кетаётганини, ўз ёғида ўзи қовурилаётганини сезган Наташа кўпинча ўз бўлмасига кириб кетар, диваннинг бир бурчида оёқларини йиғиб, нозик бармоқлари-ла бирон нарсани тез-тез йиртиб ёки буклаб, кўзи тушган нуқтага тикилганича жим ўтирарди. Танҳолик уни ҳам қийнар, ҳам эзарди, лекин бу нарса унинг учун зарур эди. Агар олдига биров кириб қолса, Наташа вазият ва киёфасини ўзгартириб, дарров ўрнидан турар, китоб ёки тикаётган ишини кўлига олиб, бу одам қачон чиқиб кетаркан, деб сабрсизлик билан кутарди.

Наташа бутун жисм-у жонини банд қилган мудҳиш саволга, ақли ожизлик қилаётган саволга энди тушунаётгандай ва унинг моҳиятини энди англаётгандай бўларди.

Декабрнинг охирида Наташа қора шерсть кўйлак кийиб, сочини наридан-бери йиғиб турмаклаб, ранг-рўйи оқарган ҳолда оёқларини йиғиб, диваннинг бир четида ўтираркан, ҳалеб белдамчасининг учини ғижимлаб ёзар ва эшикнинг бурчагига қарарди.

Наташа ҳаётнинг у томонига, князь Андрей кетган томонга қарарди. Ҳаётнинг Наташа илгари сира ўйламаган ва йироқ бўлиб кўринган томони ҳозир назарида ҳаётнинг бу томонига, ҳамма нарса ё фоний, ё бузилиб кетаётган, ё изтироб ва ё таҳқирдан иборат бўлган томонига қараганда яқинроқ, азизроқ ва тушунарлироқ бўлиб кўринарди.

Наташа князь Андрей кетган томонга қарар, у ўша ерда эканини биларди, лекин ҳаётнинг бу томонида уни қай аҳволда кўрган бўлса, ҳаётнинг у томонида ҳам уни айнан

шундай тасаввур қиларди. Князь Андрей Митипчида, Троица лаврасида, Ярославлда қай вазиятда ётган бўлса, ҳаётнинг у томонида ҳам айнан шундай ётгандай эди.

Наташа князь Андрейнинг юзини кўрар, товушини эшитар, унинг сўзларини ва ўзининг унга айтган гапларини такрорлар, баъзан ўша онда князь Андрейга ва князь Андрей унга айтишга мумкин бўлган сўзларни ўйлаб топарди.

Мана, князь Андрей эғнида бахмал пўстин, озиб, оқаринқираб қолган кўлига бошини қўйиб, креслода ётибди. Унинг кўкраги чўкиб кетган, елкалари эса кўтарилиб турибди. Лаблари қимтилган, кўзлари чакнайди. Оқариб кетган пешонасида дам ажин пайдо бўлади, дам йўқолади. Бир оёғи билинар-билимас тез-тез титрайпти. Наташа князь Андрей қаттиқ дард билан олишсаётганини билиб туради. «Бу дард канақа дард экан? Нега бу қадар озиб боряпти? Нимани сезяптигйкин? Жони қандай оғрияптигйкин? – деб ўйлайди Наташа. Князь Андрей Наташанинг тикилиб турганини кўради-ю, бошини кўтариб табассумсиз гапирди:

«Энг даҳшатлиси, – дейди князь Андрей, – ўз қисматингги жони оғриётган кишининг қисмати билан абадий боғлашдир. Бу абадий изтироб демақдир». Князь Андрей шундай дейди-ю, Наташага синовчан назар билан қарайди. Наташа одатдагича нима деб жавоб кайтаришни ўйлаб улгурмасдан, дафъатан шундай дейди: «Бу аҳволда ётаверишингиз мумкин эмас, тузаласиз, буткул тузалиб кетасиз».

Мана, Наташа яна князь Андрейни кўрди, ўшанда нималарни кўрган ва хис этган бўлса, ҳозир ҳаммасини бошқатдан бошдан кечирди. Наташа шундай деб жавоб берганда князь Андрей маъносиз нигоҳ билан узоқ ва қаттиқ тикилиб қолган эди, ҳозир Наташа ўша нигоҳни эслади ва унда ноумидлик ва таънаомуз ифода борлигини англади.

«Мен ҳам шундай деган эдим, – деди ўзича Наташа, – агар у азоб-укубат чекиб яшайдиган бўлса, жуда даҳшатли бўлар эди, деган эдим. Ўшанда бу аҳволда яшаш унинг учун жуда оғир эканини билиб шундай деган эдим, лекин у менинг гапимни бошқача тушунди. Буни у мен учун жуда кийин бўлади, деб тушунди. Ўшанда у яшашни истарди,

ўлимдан кўрқар эди. Мен томдан тараша тушгандай қилиб шундай деган эдим. Бу нарсани мен хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Мен буткул бошқа нарсани ўйлаган эдим. Агар мен дилимдагини айтадиган бўлсам, бундай дер эдим: «Майли, ўлим тўшагида бўлса ҳам, менинг олдимда ётаверсин, ўшанда ҳам мен ҳозиргидан кўра бахтлироқ бўлар эдим. Ҳозирчи... Ҳозир ҳеч нима ҳам, ҳеч кимим ҳам йўқ. Шуни у билармиди? Йўқ, билмас эди ва ҳеч қачон билмайди ҳам. Энди бу нарсани ҳеч қачон тузатиб бўлмайди». Яна князь Андрей Наташага ўша сўзларни такрорлади, лекин ҳозир Наташа ўз хаёлида унга бошқача жавоб берди. У князь Андрейнинг сўзини бўлиб, шундай деди: «Оғир бўлса, сизга оғирдир, лекин мен учун ҳеч қанча оғирлиги йўқ. Шуни билинги, менинг дунёда сиздан бўлак ҳеч кимим йўқ. Сиз билан бирга азоб чекиш мен учун энг қатта бахт». Яна князь Андрей Наташанинг кўлини ушлади ва ўлимидан тўрт кун олдин юз берган ўша даҳшатли кечада кўлини қандай сиққан бўлса, шундай сиқди. Яна Наташа ўз хаёлида унга ўша соатда айтиши мумкин бўлган бўлак латиф, ошиқона сўзларни айтди. «Мен сени севаман... сени... севаман...» – деб Наташа энтиқиб кўлини сиқди ва бор кучини йиғиб, тишини-тишига босди.

Ширин бир қайғу Наташани қамраб олди ва унинг кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади, бироқ тўсатдан, бу гапларни кимга гапиряпман, деб ўз-ўзидан сўради. У ҳозир қаерда, қай аҳволда? Яна ҳамма нарсани беомон ҳайрат пардаси тўсиб олди яна Наташа қошларини чимириб, князь Андрей кетган томонга синчиклаб қарай бошлади. Назарида ўша сирдан воқиф бўлаётгандай бўлиб кўринди... Бироқ шу он кимдир тўсатдан Наташанинг кулоқларини қоматга келтириб эшиқни тарақлатиб очиб юборди. Хонага кўрқувдан афт-у ангори ўзгариб кетган оқсоч қиз Дуняша тапир-тупур қилиб кирди.

– Дадангиз хузурларига марҳамат қилинг, тезроқ, – деди Дуняша ғалати бир шошқалоқлик билан. – Шум хабар... Пётр Ильич тўғрисида... мактуб, – деди Дуняша ўпкасини тутолмасдан.

II

Ҳаммадан ўзини четга тортиб турган Наташа шу кунлари уй ичидагилардан ётсирар эди. Уларнинг ҳаммаси: отаси ҳам, онаси ҳам, Соня ҳам, шу қадар меъдасига теккан, улардан шу қадар тўйган ва зериккан эдики, уларнинг ҳар бир сўз ва ҳар бир тўйғуси сўнгги кунларда яшаб юрган оламига ҳақоратдай бўлиб туюлар, Наташа уларга лоқайдлик билангина эмас, балки адоват билан қарар эди. У оқсоч киз Дуняшанинг Пётр Ильич ҳақида, аллақандай шум хабар ҳақида бир нима деганини эшитди-ю, лекин уқмади.

«Қанақа шум хабар келиши мумкин, уларни безовта қиладиган шум хабар ҳам бормикин? Дунёни сув босиб кетса ҳам, уларнинг тўпиғига чикмайди, улар парвойи фалак», деди ўз ичида Наташа.

Наташа залга киргач, отаси графинянинг бўлмасидан шошиб чикди. Унинг юзи буришган ва кўз ёшларидан ҳўл эди. Граф томоғини хиппа бўғган йиғига эрк бермоқ, йиғлаб кўнглини бўшатмоқ учун графинянинг бўлмасидан югуриб чикқанга ўхшарди. Граф Наташани кўргач, бизни худо урди, дегандек кўлини силтади-ю, думалок, сергўшт юзининг хунугини чиқариб, энтика-энтика йиғлаб юборди.

– Пе... Петя... Бор, бор... онанг... чакиряпти, – деди ва худди ёш боладай хўнграб, дармони қуриб қолган оёқлар билан тез-тез одим отиб, стул олдига борди ва юзини кўли билан бекитиб, гурс этиб ўзини стулга ташлади.

Наташанинг бутун вужудидан электр токи ўтиб кетгандай бўлди. Бир нима келиб юрагига қаттиқ урилди-ю, жони оғриб кетди, ичида бир нарса узилаётгандай, жони чиқаётгандай бўлди. Бироқ шу оғриқдан сўнг Наташа ўзини эзган ҳаётнинг натижасидан қутулгандай сизди. У отасининг ахволини кўриб, онасининг бўкириб қолаётганини эшик орқасидан эшитиб, ўзини ҳам, ғам-ғуссасини ҳам унутди. У югуриб отасининг олдига борди, бироқ роса граф мажолсиз кўллариини зўрға кимирлатиб графинянинг бўлмасига ишора қилди. Шу чоғ ранги мурдадай оқарган, ияги титраётган князга Марья эшиқдан чикди ва алланималар деб Наташанинг кўлидан ушлади. Наташа унинг юзини ҳам кўрмас,

сўзини ҳам эшитмасди. У югуриб уйга кирди, худди ўзини кўлга олишга уринаётгандай, бир лаҳзага тўхтади ва югуриб онасининг олдига борди.

Графиня гапати, нокулай бир вазиятда креслода чўзилиб ётар ва хадеб бошини деворга урарди, Соня билан хизматкор қизлар унинг кўлларини ушлаб турар эдилар.

– Наташани чақиринглар! Наташани чақиринглар!.. – деб қичқирарди графиня. – Ёлғон, ёлғон... У ёлғон гапни айтапти... Наташани чақиринглар! – деб қичқирар ва олдидагиларни тапшарди.

– Йўқолинглар ҳаммаларинг! Ўлдирибдилармиш! Ха-ха-ха!.. Ёлғон!

Наташа тиззасини креслога кўйди, энгашиб онасини кучоклади-да, кутилмаган бир куч билан графиняни даст кўтариб, юзини ўзига бурди ва бағрига босди.

– Ойижон!.. Ойижонгинам! Мен шу ерданман, ойижон. Ойижонгинам! – деб тинимсиз шивирлади Наташа.

У онасини ўз холига кўймай, авайлаб бағрига босди, ёстиқ олиб келишларини, сув беришларини буюриб, графинянинг эгнидаги кўйлагига тугмаларини ечди, йиртди.

Наташа ойисининг бошидан, кўлларидан юзидан ўпаркан, тинимсиз:

– Ойижоним! Ўзим қоқиндиқ! Ўзим ўрғилай! – деб шивирлар, кўз ёшлари бурни, юзини ачитиб, дув-дув оқар эди.

Графиня қизининг кўлини қаттиқ қисиб, кўзларини юмди ва бир лаҳзагина жим бўлди. Бироқ тўсатдан, кутилмаган бир чаққонлик билан ўрнидан туриб, у ёқ бу ёққа аланглаб қаради-да, Наташага кўзи тушгач, бор кучи билан унинг бошини сикди.

Кейин Наташанинг оғриқдан бужмайиб кетган юзини ўзига буриб, узоқ тикилиб қолди.

– Наташа, сен мени яхши кўрасан-а, – деди худди розини айтаётгандай секин. – Наташа, сен мени алдамайсанми? Сен менга бор гапни айтиб берасанми?

Наташа ёш тўла кўзлари билан онасига қаради, унинг юз-кўзида фақат афв сўраш, муҳаббат ифодасигина бор эди.

– Ойижон, ойижон, – деб такрорлади Наташа бутун меҳр-муҳаббатининг кучини онасини жизғанак қилиб юборган ғам-аламни енгиллатишга сарф қилиб.

Ҳаёти барқ уриб турган навқирон, сеvimли ўғли ҳалок бўлгандан сўнг дунёда яшашни яна кўз олдига келтиролмаган она чин воқеликдан қочиб, телбалик олаmidан паноҳ излар эди.

Наташа ўша куни, ўша кеча, кейинги кун ва кейинги тун қандай ўтганини билмади. У кечалари миғжа қоқмасдан онасининг олдига ўтириб чиқди. Унинг саботли, метин муҳаббати аҳволни шарҳловчи ёки далда берувчи кучга ўхшаб эмас, балки ҳаётга чорловчи кучга ўхшаб ҳар он гўё графиняни ҳар тарафдан чулғаб олган эди. Уч кун бўлди деганда графиня хиёл таскин топди ва Наташа бошини креслонинг суянчиғига қўйиб, кўзини юмди. Каравот ғижирлаб кетди, Наташа кўзини очди. Графиня каравотда ўтириб, секин-секин гапираётган эди.

– Келиб онангни хурсанд қилдинг-да, болам. Чарчагандирсан, чой дамлаб келсинми? – Наташа онасининг олдига келди. – Вояга етиб, чиройли бўлиб қолибсан, болам, – деб давом этдим графиня қизининг қўлидан ушлаб.

– Ойижон, нималар деяпсиз?..

– Наташа, боламдан айрилдимми, жигарбандимдан айрилдимми? – деб графиня қизини кучоқлаб олди ва биринчи мартаба йиғлади.

III

Княжна Марья ҳозирча кетмайдиган бўлди. Соня билан граф Наташага дам бермокчи бўлар, лекин унинг ўрнини босолмас эдилар. Онасини дол-фарёддан, эс-хушини йўқотишдан фақат Наташа сақлай олишини ўз кўзлари билан кўриб туришарди. Наташа уч ҳафтадан бери бир дақиқа ҳам онасининг олдидан жилмасдан, унинг бўлмасида, креслода ётар, графиняни едирар-ичирар ва тинимсиз у билан гаплашиб чиқарди, чунки фақат Наташанинг ёқимли, эркаловчи товуши графиняга ором бағишлаши мумкин эди.

Онасининг кўксидаги доғ кетмайдиган доғ эди. Петянинг ўлими онасининг коматини букиб қўйди. Петянинг ўлими ҳақидаги шум хабар келганда элликка кирган, ҳали жуда сўлим ва тетик аёл бўлган графиня бир ондан сўнг ҳаёт билан сира қизиқмайдиган, нимжон бир кампир бўлиб хонасидан чиқди. Лекин графинянинг қоматини буккан ўша доғ Наташани бошқатдан ҳаётга чорлади.

Кўнгил вайрон бўлишидан вужудга келган қалб жароҳати, қанчалик эриш туйилмасин, тан жароҳати сингари аста-секин битиб кетади. Ҳар қанақа ёмон жароҳат ҳам четлари қуруқшай бошлангандан кейин битганидек қалб жароҳати ҳам тан жароҳати сингари битади, лекин ичкаридан туртиб турган ҳаёт кучи билан битади.

Наташанинг қалбидаги жароҳат ҳам худди шу тарзда бита бошлади. У мен учун ҳаёт тамом бўлди, деб ўйлаган эди. Бироқ онасига бўлган меҳр-муҳаббати тўсатдан шу нарсани кўрсатдики, ҳаётининг моҳиятини ташкил этган меҳр-муҳаббати ҳали тирик экан. Меҳр-муҳаббат уйғониши билан ҳаёт ҳам уйғонди.

Князь Андрейнинг сўнгги кунлари Наташа билан княжна Марьяни бир-бирига дўст қилиб қўйган эди.

Янги кулфат уларни янада яқинлаштирди. Княжна Марья ҳозирча кетмай турадиган бўлди ва сўнгги уч ҳафта мобайнида Наташага худди касал кишига қарагандай қаради. Онасининг бўлмасида ўтказган охириги ҳафталар Наташани адои тамом қилиб ташлади.

Бир куни, чопғоҳда княжна Марья Наташанинг худди безгак тутгандай қалтираётганини кўриб, уни дарров ўз бўлмасига олиб кирди ва тўшагига ётқизди. Наташа чўзилди, бироқ княжна Марья пардани тушириб, энди уйдан чиқиб кетаётганда Наташа уни чақирди.

– Уйқум келаётгани йўқ. Марья, бирпасгина ўтирсангчи, – деди Наташа.

– Жуда чарчагансан, озгина ухласанг бўларди.

– Йўқ, йўқ. Нега энди мени бу ерга олиб кирдинг? Ойим сўраб қолсалар нима бўлади?

– У киши хийла дуруст. Бугун бинойидек гаплашиб

Ўтирди, — деди княжна Марья.

Наташа ярим қоронғи уйда, тўшақда ётаркан, княжна Марьянинг юзига синчиклаб қарай бошлади.

«Бу укасига ўхшайдимиз? — деди ичида Наташа. — Ҳа, ўхшайди деса ҳам бўлади, ўхшамайди деса ҳам бўлади. Лекин бу бўлакча, ўзига хос, ҳеч кимга ўхшамайдиган, мислсиз қиз. Энг муҳими шуки, мени яхши кўради. Бунинг юрагида нималар бор экан? Фақат эзгулик бўлса керак. Лекин қанақа эзгулик? Шу тобда бу нималарни ўйлаяптикин? Менга қанақа қараркин? Ҳа, бу жуда олийжаноб қиз».

— Маша, — деди Наташа ийманибгина унинг қўлидан тортиб, — Маша, мени бўлмагур қиз деб ўйлама. Ўйламайсан-а? Маша, жонгинам, мен сени жуда-жуда яхши кўраман. Кел, умрбод дўст бўлайлик.

Шу гапдан кейин Наташа княжна Марьяни кучоклаб, юзидан, қўлларидан ўпа бошлади. Наташа ўз туйғусини бу тарзда изҳор қилаётганидан княжна Марья ҳам хижолат тортиди, ҳам суюнди.

Шу кундан бошлаб княжна Марья билан Наташа орасида фақат аёллар орасидагина бўладиган эҳтиросли ва зариф дўстона муносабат пайдо бўлди; улар мутғасил бир-бирлари билан ўлишар, бир-бирларига ёқимли сўзлар айтар, кўпинча бирга бўлишарди. Бири бирон ёққа кетса, иккинчиси ҳаловатини йўқотар, тезроқ у билан кўришишга ошиқарди. Улар гўё икки ёрти бир бутун, бир жон, бир тан эди. Ораларида дўстлик туйғусидан ҳам кучлироқ бир туйғу пайдо бўлди: улар бир-бирисиз гўё ҳаёт кечиролмайдиган, нафас ололмайдигандай эди.

Иккаласи баъзан соатлаб индамай ўтирар, баъзан тўшакка кириб тонг отгунча гаплашиб чиқар, кўпинча бир вақтлар бўлиб ўтган ишларни эсларди. Княжна Марья ўзининг болалик чоғлари, ота-онаси, орзу-умидлари тўғрисида гапирар эди; илгари бунақа вафодор, итоаткор бўлиб яшашни, насронийчасига шахсий роҳат-фароғатдан воз кечиш шеърятини сира тупунмаган ва ҳамшиша, пинагини бузмай, ундан юз ўгириб келган Наташа эндиликда княжна

Марья билан абадий дўст бўлиб қолганини меҳр-муҳаббат ипи бирини бирига боғлаб қўйганини сезиб, княжнанинг ўтмишига ҳам ихлоси ортди ва ҳаётнинг илгари мавҳум бўлиб кўринган бу томонини ҳам уқди. Наташа итоаткор бўлиш, шахсий роҳат-фароғатдан воз кечиш каби нарсаларни ўз ҳаётига татбиқ қилмоқчи эмасди, чунки у ҳаётдан бошқа шодликлар излашга ўрганган эди, аммо илгари тушунмаган бу фазилатларни бошқа кизда кўргач, уни англади ва севиб қолди. Княжна Марья ҳам ўз навбатида Наташанинг болалиги ва илк муҳаббати ҳақидаги сўзларга қулоқ солиб ҳаётнинг илгари мавҳум бўлиб кўринган томонини, ҳаёт ва ҳаёт лаззатлари борлигини англади.

Улар юракларидаги туйғунинг улуғворлигига раҳна солмаслик учун ҳамон ундан гап очмасликка тиришар эдилар, лекин уни тилга олмаслик, у ҳақда гапирмаслик шунга олиб бордики, улар ўзлари билмаган ҳолда, аста-секин князь Андрейни унута бошладилар.

Наташа ранг-рўйи оқариб, жисмоний жиҳатдан шу қадар заифланиб қолдики, ҳамма унинг соғлиги ҳақида гапирар ва бу нарса унга ёқар эди. Лекин баъзан уни ўлишидан ҳам кўра касал бўлиш, заифланиб қолиш, ҳусн-латофатини йўқотиш ваҳимаси босарди ва шунда, беихтиёр, ўз қўлларига синчикдаб қараркан, қўллари чўндай бўлиб қолганига таажжубланар ёки суроби тортилиб қолгандай кўринган юзини эрталаблари ойнага солиб кўрар эди. Назарида, бу ҳолати табиийдай кўринар, лекин шундай бўлса ҳам, барибир, уни ваҳима босар ва кўнгли чўқарди.

Бир куни Наташа зинадан югуриб чиққанида ҳансираб қолди. Ўша оннинг ўзида у беихтиёр, бир ишни баҳона қилиб, яна пастга тушди ва ўз кучини синаб кўриш учун яна у ердан тепага чопиб чиқди.

Яна бир куни Дуняшани чақирган эди, товуши дириллаб кетди. Дуняшанинг қадам товуши эшитилаётган бўлса ҳам, бир замонлари ашула айтган ўша ёқимли сас билан яна бир қарра қичқирди ва ўз сасига ўзи қулоқ солди.

Наташа маънавий ҳаётининг устини қоплагандай бўлиб кўринган қалин лойқа остидан нозик, барра ўтлар ниш уриб

чиқаётганини ва бу ўтлар илдиз отиб, яшашга қобил шохчалари билан қоматини букиб кўйган ғамнинг устини бекитаётганини ва ҳадемай бутунлай бекитиб ташлашини билмас ва бунга ишонмас эди. Унинг жароҳати ичдан битмоқда эди.

Январнинг охирларида княжна Марья Москвага қайтди, граф қизим ҳам бирга бориб, у ердаги докторларга кўринсин, деб кўярда-кўймай, Наташани бирга жўнатди.

IV

Кутузов душманни маҳв этиш, унинг йўлини тўсиш ва ҳоказолар пайига тушиб, жуда ғайратга миниб кетган ўз кўшинларининг шахтини қайтаролмай, Вязьмада тўкнашишгандан кейин, французлар урушмасдан қочиб кетавердилар, руслар ҳам Красноегача жанг қилмай, уларни қувлаб боравердилар. Французлар шу қадар жадал суръат билан қочаётган эдиларки, таъқиб этаётган рус кўшинлари уларга етолмай суворийларнинг отлари ва артиллерия тўхтаб қолди, французларнинг ҳаракатлари тўғрисида олинган маълумотлар нотўғри бўлиб чиқаверди.

Рус кўшини аскарлари кунига қирқ чақиримдан йўл босиб шундай чарчадиларки, бундан ортиқ тез юришнинг иложи йўқ эди.

Рус кўшинининг қанчалик мадори кетиб, тинкаси қуриганини шундан ҳам билса бўладики, Тарутинодан чиққанда юз минг кишидан иборат бўлган ва Тарутинодан кейинги юришларда ўлган ва ярадорлар бўлиб беш мингдан ортиқ талафот бермаган, фақат юз икки-икки юз асир берган рус кўшини Красноегача бор-йўғи эллик минг киши билан етиб келди.

Қочиш французларни қанчалик ишдан чиқараётган бўлса, французлар кетидан жадал қувлаб бораётган рус аскарларини ҳам шунчалик тинкасини қуришмоқда эди. Фарқи шу эдики, рус армияси ўз ихтиёри билан олға юрар, французлар устига кўланка солиб турган ўлим ваҳимаси руслар тепасида йўқ эди, французларнинг ўлда-жўлда қолиб кетган касал аскари душман қўлига тушса, русларнинг орқа-

да қолган аскарлари ўз элларида қоларди. Наполеон армияси асосан тез суръат билан ҳаракат қилиш оқибатида камайиб бораётган эди, рус кўшинлари сонининг мутаносиб равишда озайиб бориши, шубҳасиз бунинг далили эди.

Кутузовнинг бутун саъйи-ҳаракати, Тарутино билан Вязьмада бўлганидек, французларнинг ўзларини нобуд қилаётган қочишларини тўхтатмасдан (ваҳоланки) Петербургдагилар ҳам, рус армиясидаги генераллар ҳам французларнинг ҳаракатига ҳалал беришни истардилар, аксинча ўз аскарларининг ҳаракатини осонлаштирмоқ учун қўлидан келганича Наполеоннинг қочишига имкон бермоқ эди.

Аммо Кутузовнинг назарида, кўшинларнинг ҳаракатини секинлаштириш ва қутиш учун, аскарларнинг тез суръат билан ҳаракат қилиш орқасида ҳолдан тояётганликлари ва ғоят камайиб бораётганларидан ташқари бошқа важ бор эди. Рус кўшинларининг мақсади французларни қувлаб бориш эди, лекин французларнинг қаёққа қараб юриши номаълум, шу сабабдан рус кўшинлари канча яқин келиб қувласалар, шунча узоқ йўл босадилар. Бирмунча кейинроқда борганларида эса, французлар сингари адашиб, сарсон бўлиб юрмай, унинг йўлини кесиб чиқа олардилар. Генераллар таклиф этган энг моҳирона манёврлар эса кўшинларнинг ҳаракатини тезлаштириш, манзилларини кўпайтиришдан иборат эди, ҳолбуки энг оқилона ва бирдан бир тўғри тадбир – манзилларни камайитириш эди. Бутун кампания давомида – Москвадан Вильнога боргунча Кутузов шу мақсадни кўзда тутди, тасодифий равишда эмас, гоҳ-гоҳда эмас, балки сабот билан шу йўлдан борди, ундан сира четга чиқмади.

Кутузов ақл-идроки ёки илми билан эмас, балки бутун вужуди билан, рус табиати билан, ҳар бир рус аскари билган нарсани – французлар мағлуб бўлганини, душман қочиб кетаётганини, энди уларнинг кавушини тўғрилаб қўймоқ кераклигини билар ва тушунарди, лекин шу билан бирга у бутун аскарлар қатори йилнинг ноқулай фаслида тез суръат билан юришнинг қанчалик машаққатли эканини англади.

Аммо фавқулодда бир иш кўрсатиб, керакми, керак-

масми, биронта герцог ёки киролини асир олиб, ҳаммани койил қолдирмоқчи бўлган генералларга, айниқса, рус миллатидан бўлмаган генералларга, ҳозир ҳар қанақа жанг бемаъни ва беҳуда бўлган бир вақтда, жанг қилмоқ ва кимнидир мағлуб этмоқ пайти етгандай бўлиб кўринарди. Оёғида дурустрок оёқ кийими, устида, ақалли, нимча пўстини бўлмаган, ярим оч, ярим яланғоч бўлган аскарларни бир ой ичида жангсиз ярми тутдай тўкилиб кетган ва душман шу тарзда қочаверса, чегарага етгунча, босиб ўтилгандан ҳам кўп масофани босиши лозим бўлган аскарларни дам у ёққа, дам бу ёққа сўришни таклиф этаётганларини кўриб, Кутузов таажжубланар, елкасини қисиб кўярди, холос.

Рус кўшинлари француз кўшинларига дуч келиб қолганларида, бирой иш кўрсатиб ном чиқариш, душманни улоқтириб ташлаб, олдини тўсиш хаваси жуда авжига чиқиб кетарди.

Красное бўсағасида шундай ҳодиса рўй берди: французларнинг уч колоннасидан бири шу ерда бўлса керак деб тахмин қилган руслар, ўн олти минг аскар билан турган Наполеоннинг ўзига дуч келиб қолишди. Кутузов бу ҳалокатли тўқнашишдан кутулиш ва ўз аскарларини сақлаб қолиш учун бутун воситаларни ишга солса ҳам бўлмади: жуда чарчаган рус аскарлари Красноёда мажақланган француз аскарларини уч кун давомида кирдилар.

Толь: — Биринчи колонна фалон жойга боради ва ҳоказо деб диспозиция ёзди. Лекин бу диспозицияга одатлагича, ҳеч ким амал қилмади. Шаҳзода Евгений Виртембергский тепаликка чиқиб олиб, олдидан қочиб ўтаётган француз аскарларини ўққа тутар ва ёрдам сўрар эди, лекин ёрдам келмасди. Французлар кечалари қоронғида рус аскарларига чап бериб, ўрмонзор ва чакалакзорларга беркинар, ҳар қайсиси ўз жонини олиб қочишга ҳаракат қиларди.

Аскарларнинг озиқ-овқат ва асбоб-анжомидан билан менинг сира ишим йўқ, деб юрадиган ва керак бўлганда ҳеч қачон топиб бўлмайдиган, ўз ибораси билан айтганда, «бенуксон марди майдон» бўлган, французлар билан элчи-бозлик қилишни яхши кўрадиган Милорадович, француз-

лардан таслим бўлишини талаб қилиб элчилар юборар, фурсатни кўлдан бериб, буюрилган ишни қилмай, ўз билганини қилиб юрар эди.

У аскарлар олдига от қўйиб суворийларга французларни кўрсатиб:

– Йигитлар, мана шу колонналарни сизларга инъом қиламан, билганларингни қилинглар, – дерди. Бу сўзни эшитган суворийлар аранг оёғини судраб бораётган отларнинг биқинига шпорларини ниқтаб, қиличлари билан саваб, не машаққатлар билан отларни йўрттириб, инъом этилган ҳалиги колонналар устига, яъни совуқдан қотган оч-ялангоч французлар устига бостириб борар, инъом этилган колонна ҳам айна муддао бўлди деб, яроғ-аслаҳаларини ташлаб, таслим бўлишарди.

Красное бўсағасида бўлган жангда йигирма олти минг асир олинди, юзларча тўп ва маршал таёқчаси деган бир таёқча ўлжа олинди, ким иш кўрсатди, деб баҳс-мунозара қилишди ва бу муваффақиятдан хийла суюнишди, лекин Наполеонни ёки, ҳеч бўлмаганда, унинг бирон донгдор маршалини асир қилиб ололмадик, деб афсусланишди, бунинг айбини бир-бирларига хусусан, Кутузовга тўнкашди.

Ҳирс ва нафслари эс-хушларини олиб қўйган бу одамлар зарурат қонуни деб аталган энг расво қонуннинг кўр ижрочиси эдилар, холос, лекин улар ўзларини қаҳрамон деб билишар, қилган ишларимиз энг юксак ва олийжаноб иш деб ўйлашарди. Улар айбни Кутузовга тўнкашар, уруш бошлангандан бери Наполеонни мағлуб этишимизга ҳалал берди, у фақат ўз эҳтиросларини қондириш ғамига тушган, шунинг учун роҳатини бузишга кўзи қиймай Полотняный заводидан чиқмади, Наполеон Красноеда эканини билиб, бутунлай эс-хушини йўқотиб қўйди, аскарларнинг ҳаракатига тўсқинлик қилди. Наполеон билан тил бириктирган, унга сотилган дейиш мумкин ва ҳоказо, деб бўлмаган бўҳтонларни ёғдиришди.

Ҳирс-у хавас гирдобига тушган замондошларининг бу бўҳтонлари, камлик қилгандай, янги авлод ва тарих Наполеонни буюк деб эътироф қилди. Кутузовни эса, хориж-

ликлар – мутомбир, фосик, саройда пих ёрган, нимжон чол; руслар эса алланечук мужмал, нотайин, фақат номигагина рус бўлгани учун керак бўлган кўтирчокка чиқаришди.

V

1812-1813-йилларда Кутузовни хато қилди, деб очикдан очик айбладилар. Подшоҳ ундан норози эди. Фармони олий билан ёзилган тарихда Кутузов Наполеоннинг номидан ҳам кўрқадиган, Красное ва Березинада қилган хатолари орқасида рус кўшинларининг шон-шухратига зиён етказган, яъни француз кўшинлари устидан батамом ғалаба қозониш шарафидан русларни махрум қилган айёр, қаллоб сарой мулозими эди, деб тилга олинди.¹

Буюк бўлмаган, оксоқол бўлмаган, рус ақи-идроки эътироф этмаган шахсларнинг қисмати шудир. Қазо-ю қадардан воқиф бўлиб, ўз иродасини унга бўйсундирган, ҳамиша якка-ёлғиз бўлган нодир шахсларнинг қисмати шудир. Бу хил хишилар олий қонуниятларни кўра билганлари учун авом халқининг нафрат ва ҳақоратига гирифтор бўладилар.

Рус тарихчилари учун (буни тилга олишнинг ўзи ғалати ва мудҳиша!) тарихнинг арзимаган қуроли бўлган, ҳеч қачон ва ҳеч ерда, ҳатто сургунда ҳам бирон инсоний фазилатни кўрсатмаган Наполеон улуғ зотдир, уни кўкларга кўтаришиб, у таҳсин-офаринга сазовор, буюк... буюк – деб аташди. 1812-йилда кўрсатган бутун фаолиятида, Бородинодан тортиб Вильнога боргунча виждони, табиатига хилоф ҳеч бир сўз айтмаган, ҳеч бир иш қилмаган ва ҳамиша ўзига содиқ қолган, тарихда мисли кўрилмаган даражада фидо-корлик кўрсатиб, воқеаларнинг келажақдаги аҳамиятини аввалдан билган Кутузовдек киши уларнинг назарида алланечук мужмал ва нотавон одам бўлиб кўринади; Кутузов ва 12-йил урушини тилга олганда, улар ҳамиша бирмунча хижолат чеккандай бўлишади.

Ҳолбуки, бутун фаолияти, ҳамма қилган иши, бутун

¹ Богдановичнинг 1812-йил тарихи, Кутузовнинг характеристикаси ва Красное бўсағасида бўлган жангларнинг қишқартирилган ҳақида мулоҳазалар.

фир-у зикри доим ва ҳамиша бир мақсадга томон йўнал-тирилган бундай сиймо тарихда бўлмаса керак. Бутун халқ-нинг тилак ва орзусига мос келадиган мақсаддан ўзга олий-жаноб юксак мақсад ҳам бўлмаса керак. Ҳеч бир тарихий сиймо ўз олдига қўйган мақсадга Кутузовчалик (унинг бутун фаолияти 1812-йилда шу мақсадга томон қаратилган эди) тўла-тўқис эришган йўқдир ва бунинг мисолини тарихдан ҳам топиб бўлмайди.

Кутузов баланд эҳромлар тепасидан кўз тикиб турган қирқ аср тўғрисида, ватан йўлида берган қурбонлари тўғри-сида нималар қилди-ю, нималар қилмоқчилиги тўғрисида гапирмас, у умуман, ўзи ҳақида ҳеч нарса демас ва ҳеч қандай роль ўйнамас эди. У ҳамиша энг содда ва энг оддий кишидай бўлиб кўринар, энг оддий ва энг содда нарсалар ҳақида гапирар эди. Унинг қиладиган ишлари шу эдики, қизларига мактублар ёзар, романлар ўқир, гўзал хоним-ларнинг суҳбатини ёқтирар, генераллар, офицерлар ва аскар-лар билан ҳазил-мутойиба қилар ва бирон нарсани исбот-ламоқчи бўлган кишилар билан сира баҳс-мунозара қилиб ўтирмасди. Граф Раstopчин Яуза кўпригида турган Кутузов қошига от қўйиб келиб, Москванинг қўлдан кетишига шахсан сиз айбдорсиз, деб ундан ўпкалаганида, «Москвани жангсиз душманга бермайман, деб эдингиз-ку!» – деганида, Москва аллақачонлар душман томонидан ишғол қилинган бўлса ҳам, Кутузов унга: «Ҳали ҳам Москвани жангсиз бермайман деган эди». Подшоҳ олдидан келган Аракчеев, артиллерия бошлиғи вазифасига Ермоловни тайинлаш керак эди, деганида, Кутузов бир дақиқа олдин тамоман бошқа гапни айтган бўлса ҳам, «гапингиз маъкул», мен ҳам ҳозир-гина шуни гапириб ўтирувдим» – деб жавоб берган эди. Атрофидаги бир талай бемаъни одамлар орасида, бўлаётган воқеаларнинг бутун маъно ва моҳиятига ёлғиз унинг ўзи тушунарди, бас, шундай одамга граф Раstopчин айтган сўзларнинг нима аҳамияти бор, пойтахт бошига тушган қулфатларни у Кутузовдан кўрадимиз, ўзидан кўрадимиз, бу-нинг аҳамияти йўқ эди. Кимни артиллерия бошлиғи қилиб тайинлаш масаласи эса-ку, уни бундан ҳам камроқ

кизиқтирарди.

Одамларни ҳаракатга келтирадиган нарса, уларнинг фикрлари ва бу фикрнинг сурати бўлган сўзлар эмаслигини кўп марта синаб кўрган ва бунга қаноат ҳосил қилган бу мўйсафид фақат шундай пайтларда эмас, балки хамиша мутлақо бемаъни гапларни, миясига келган сўзларни гапира-верар эди. Лекин ўз сўзларига бу қадар эътиборсизлик билан қарайдиган бу мўйсафид бутун фаолияти даврида, урушнинг бошидан охиригача, кўзлаган ягона мақсадга зид келадиган бирон оғиз сўз айтган эмасди. Энг мухталиф шароитларда ҳам у, гапларимга тушунмай қолишлари мумкин, деган жиддий ишонч билан бўлса керак, беихтиёр ўз фикрини қайта-қайта такрорларди. Атрофидаги кишилар билан муносабати бузилган кундан, Бородино жангидан бошлаб Кутузов Бородино жанги бизнинг ғалабамиз эди, деди ва ўлгунича рапортларида ҳам, маълумотларида ҳам, оғзаки ҳам шу сўзни қайта-қайта такрорлади. Москванинг қўлдан кетиши – Россиянинг қўлдан кетиши эмас, деган гапни фақат Кутузов айтган эди. Лористоннинг сулҳ тўғрисидаги таклифига жавобан, ҳеч қанақа сулҳ бўлиши мумкин эмас, чунки халқнинг хоҳиши шу, деган ҳам Кутузов; французлар қочиб кетаётган вақтда, ҳеч қанақа манёврнинг ҳожати йўқ, ҳамма нарса ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади, душманга олтин кўприк солиб бериш керак, Тарутяно жангининг ҳам, Вязьма жангининг ҳам, Красное жангининг ҳам ҳожати йўқ, аскар-сиз чегарага етиб бўлмайди, битта рус аскарини ўнта фран-цузга бермайман, деб доим жавраб келган ҳам ёлғиз Кутузов эди.

Биргина шу одам, тарихчиларнинг таърифига кўра, саройда пих ёрган, подшоҳга ёқиш учун Аракчеевга ёлгон гапирган биргина шу одам – саройда пих ёрган одам – Вильнода подшоҳ билан сўзлашганда, энди чегарадан ўтиб урушни давом эттириш бефойда ва кони зарар деб баралла айтган ва ҳақ гапни гапириб, подшоҳнинг ғазабига гирифтор бўлган эди.

Аммо Кутузовнинг у вақтда содир бўлаётган воқеалар моҳиятини тўғри тушунганини фақат унинг айтган сўзлари

билан исботлаб бўлмайди. Унинг бутун фаолияти, ҳеч оғишмай, фақат биргина мақсадга томон йўналтирилган эди ва бу мақсад уч ишдан иборат эди: 1) французлар билан тўкнашиш учун бутун кучни йиғиш; 2) уларни мағлуб этиш; 3) иложи борича халқ ва кўшинни қийнамасдан, душманни Россия тупроғидан қувиб чиқариш.

Бутун шиори сабр-тоқат ва вақт-соатдан иборат бўлган, ҳеч қанақа қатъий ҳаракатни тан олмайдиган ўша сусткаш Кутузов Бородино жангига зўр тантана билан ҳозирлик кўриб, кейин уруш қилди. Аустерлиц жанги, бошланмасдан бурун бу жанг бизнинг мағлубиятимиз билан тугайди деган, Бородинода биз мағлуб бўлдик деб генералларнинг жар солишига қарамасдан, ғалаба қозонган томоннинг чекиниши тарихда мисли кўрилмаган ҳодиса бўлишига қарамасдан, ҳаммага қарши чиқиб, Бородино жангида биз енгдик, деди ва ўла-ўлгунча Бородино жанги бизнинг ғалабамиз эди, деган гапни кўймади. Душман қочиб кетаётган вақтда ҳар қанақа фойдасиз жангга қарши чиккан ҳам, янги уруш бошлаш ва Россия чегарасидан ташқари чиқишга қарши турган ҳам ёлғиз Кутузов эди.

Эндиликда ўн-ўн бештадан ортиқ бўлмаган одамнинг калласидаги хаёл ва мақсадни кўпчилик халқ томонидан қилинган ишларга аралаштирмасак, у вақтда бўлган воқеаларнинг маъно ва моҳиятини тушуниб олиш осон бўлади, чунки бўлган воқеалар ҳам, уларнинг барча оқибатлари ҳам кўз олдимизда туради.

Лекин қандай қилиб бу кекса одам ўшанда ҳамманинг фикрига қарама-қарши ўларок бу ҳодиса умумхалқ аҳамиятига эга бўлган ҳодиса эканини тўғри англади ва бутун фаолияти давомида бирон марта ҳам фикридан қайтмади.

Бу ҳодисаларнинг моҳиятини кўра билган фавқулудда кучнинг манбаи бутун софлиги ва кучи билан Кутузовда тажассум топган халқ туйғуси эди.

Унинг дилидаги бу соф халқпарварлик ҳиссиётини ҳамма яхши англади, шунинг учун подшоҳнинг назаридан қолган чолни, подшоҳнинг иродасига қарши жуда ғалати йўллар билан умумхалқ урушига етакчи қилиб тайинлади.

Уни бу қадар олий даражага кўтарган нарса ҳам унинг дилидаги шу ҳиссиётдир. Бош кўмондон даражасига кўтарилган бу зот, бутун куч-қувватини одам ўддириш, қиргин қилишга эмас, балки уларни ҳалокатдан қутқариш, уларга раҳм-шафқат кўрсатишга сарф қилди.

Соддалиги, камтарлиги туфайли улуғлик даражасига етган бу сиймони тарих соҳасига тасодифан чиқиб қолган, халққа ёлғиз ҳаёлида раҳбарлик қилган сохта Европа қаҳрамони андозаси билан ўлчаб бўлмас эди.

Тамағир, хушомадгўй одам учун улуг сиймо йўқ, чунки у улугликни ўзича тушунади.

VI

5-ноябрь Красное жанги деб аталган тўқнашувнинг биринчи куни эди. Генераллар кўп хатолар, жанжал-можаролар қилиб, ишнинг чатоғини чиқариб қўйганларидан кейин, аввалги нотўғри буйруқлар бекор қилиниб, ҳар томонга адъютантлар юборилгандан сўнг, душман ҳамма жойда кучаяётганлиги ва энди жанг бўлмаслиги ва бўлиши мумкин эмаслиги равшан бўлгач, Кутузов кечки пайт Красноедан чиқиб, Доброёга қараб жўнади. Бош штаб бутун шу ерга кўчиртирилган эди. Ҳаво очик, лекин аёз эди. Кутузов семиз оқ отига миниб, кетидан шивирлаб ғийбат қилиб бораётган бир талай норози мулозимлари – генераллари ҳамроҳлигида Доброёга томон бормоқда эди. Йўлнинг икки томонида бутун асир олинган французлар (бутун етти минг асир олинган эди) гулхан ёқиб исиниб ўтиришган эди. Доброедан сал берида уст-бошлари йиртилган, қўлларига тушган нарсани кийиб олган бир талай асир французлар отларига чиқариб қўйилган бир қатор француз тўшлари олдида, йўл устида ғала-ғовур кўтариб туришарди. Бош кўмондон яқинлашиши биланок уларнинг уни ўчди.

Ҳамма бошида қизил лентали оқ шапка, букчайган елкасида дўшпайиб турган пахтали шинель, отини жой юргизиб келаётган Кутузовга қаради. Генераллардан бири асирлар билан тўшлар қаерда қўлга туширилганлиги ҳақида Кутузовга оғзаки маълумот бера бошлади.

Кутузов хаёли бошқа нарсада бўлса керак, генералнинг сўзларини эшитмади. У норози бир ҳолда кўзларини қисди ва аянчли аҳволга тушган асирларга тикилиб қараб қолди. Кўпчилик француз аскарларининг бурун ва ёноқларини совуқ урган, афт-башараларининг хунуги чиккан деярли ҳаммасининг кўзи қизариб, шишинқираб, йиринглаган эди.

Бир тўда асир француз йўлнинг ёқасида турар ва икки аскар – бирининг юзини яра босган эди – бир парча хом гўштни кўли билан бурдаламоқда эди. Французларнинг йўловчиларга ташлаган нигоҳида ҳам, Кутузовга қараб, дарҳол юзини ўгириб, ўз ишини давом эттирган бети яра аскарнинг ғазабли нигоҳида ҳам аллақандай даҳшатли ва ҳайвоний бир ифода бор эди.

Кутузов бу икки аскарга диққат билан тикилиб қаради; кейин юзини баттар буриштириб, кўзларини қисди ва ўйчан бош чайқаб кўйди. Нарирокка борганда рус аскарлари кула-кула француз аскарининг елкасига қоқиб, алланима деб меҳрибончилик қилаётганини кўриб қолди ва ҳалиги йўсинда бошини чайқаб кўйди.

– Нима деясан? – деб сўради.

У ҳамон сўзини давом эттираётган ҳалиги генерал французлардан ўлка олинган ва саф тортган Преображенск полкининг аскарлари ушлаб турган байроқларни бош кўмондонга кўрсатганда:

– Ҳа, байроқларни айтяпсанми! – деди Кутузов, афтидан, хаёлини банд қилган нарсадан зўрға чалғиб. У атрофга аланглаб қаради. Мингларча кўз бош кўмондон нима деркин, деб унга тикилиб турар эди.

У Преображенск полки қаршисида тўхтади ва оғир хўрсиниб, кўзларини юмди. Мулозимларидан бири кўлини силкитиб, аскарларга қўлларидаги байроқларни келтириб бош кўмондон атрофига тизиб қўйишни буюрди. Кутузов бир неча дақиқа жим турди, кейин ўз вазифаси шуни тақозо этаётганига истар-истамас кўнди, шекилли, бошини кўтариб, сўз бошлади. Атрофида бир талай офицер турар эди. Кутузов буларга бир-бир кўз ташлаб, баъзи бирини таниди.

– Ҳаммаларингта ташаккур! – деди у аввал аскарларга,

кейин офицерларга қараб. Ўртага чўккан сукунатда унинг салмокдор сўзлари баралла эшитилиб турарди. – Оғир ва ҳалол хизматларинг учун ҳаммаларингдан миннатдорман. Зафар бизга ёр бўлди, Россия сизларни унутмайди. Сизларга абадий шон-шарафлар бўлсин! – Кутузов атрофига қараб жим қолди.

– Энгаштирсанг-чи, энгаштирсанг-чи, – деди Кутузов бургут тамғали француз байроғини ушлаб турган аскар бехосдан уни Преображенск полкининг байроғи олдида ёзиб юборганини кўриб. – Пастроқ, пастроқ қил бошини, ана энди дуруст бўлди, – деди ва аскарларга қараб яғини силкитиб: – Ура, йигитлар! – деб хитоб қилди.

– Ура! – қичқиришди мингларча киши.

Аскарлар қичқираётганда Кутузов эгарда энгашиб, бошини куйи солиб турди, унинг кўзларида маъсум истехзоли бир ўт чақнагандай бўлди.

– Азаматларим, сизларга айтадиган гапим шуки, – деди Кутузов аскарларнинг овози тингандан сўнг.

Лекин тўсатдан унинг товуши ва туси ўзгариб кетди: у бош қўмондонга ўхшаб эмас, балки ўз шерикларини жуда муҳим бир хабардан огоҳ қилмоқчи бўлган тўпори бир чолга ўхшаб гап бошлади.

Тўпланиб турган офицерлар билан саф тортиб турган аскарлар қимираб қолишди: ҳамма унинг ҳозир айтадиган гапларини дурустрок эшитишни истар эди.

– Шунинг билингларки, биродарлар, сизларга жуда кийин эканини биламан, лекин на чора! Сабр қилинглар, кўпи кетиб ози қолди. Меҳмонларни хайдаб юборсак, кейин дам олармиз ахир. Қилган хизматларингни подшоҳ унутмайди. Сизларга минг оғир бўлса ҳам, ҳар ҳолда, ўз элларингдасизлар, лекин мана буларнинг ҳолини кўринглар. Гадойдан ҳам хароб, – деди у асирларга ишора қилиб. – Қўллари баланд бўлган вақтларда биз уларни аямаган эдик, энди уларга ачинса бўлади. Булар ҳам одам боласи. Шундай эмасми, йигитлар?

Кутузов теварак-атрофига қараб ҳайрат ва ҳурмат аралаш таажжуб билан тикилиб турган жиддий кўзларда

«айтган сўзларинг ҳақ» деган маънони ўқиди. Қарияларга хос ҳалим табассумдан чиройи тобора очилиб, лаблари ва кўзларининг бурчи жийрилиб кетди. У сўздан тўхтади ва худди бир нарсага ҳайрон бўлгандай, бошини қуйи селди.

— Лекин буларни биров чақириб келибдими? Қилмишларига яраша жазоларини тортсин бу... — о... э... — деб Кутузов бошини кўтарди, сўнгра қамчисини ўйнатиб, шодхуррам говур кўтариб сафларни бузиб, «ура» деб бакираётган аскарларнинг олдидан отини сакратиб чоптириб кетди, уруш бошлангандан бери отини бундай сакратиб чоптирмаган эди.

Кутузовнинг сўзларини аскарлар тушунди, деб айтиш қийин эди. Фельдмаршалнинг аввал тантанали, кейин содда, тўпори мўйсафидларга хос нутқининг мазмунини ҳеч ким айтиб беролмаслиги ҳам мумкин эди, лекин юракдан чиққан бу сўзларнинг маъносини, самимийлигини ҳамма тушунди, тушундигина эмас, балки Кутузовнинг ҳалиги оққўнгиллик билан мўйсафидларча сўкишида ифода топган улуғвор зафар тантанасига қўшилган раҳмдиллик, айти замонда ўзининг ҳақлигига қаттиқ ишончи ҳар бир аскарнинг дилидан жой олган эди, уларнинг хурсанд бўлиб тинимсиз «ура-ура» деб қичқиришлари бу ҳиснинг ифодаси эди. Шу воқеадан сўнг генераллардан бири Кутузовга мурожаат этиб, бош кўмондон жанобларининг коляскада кетишга майллари қалай, деб сўраганда, Кутузов жавоб бера туриб, қаттиқ ҳаяжонда бўлса керак, тўсатдан ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

VII

8-ноябрда, Красное урушининг сўнгги кунинида, кўшинлар тунги манзилгоҳга қош қорайганда келишди. Кунини бўйи ҳаво сокин ва аёз бўлди, қор учқунлаб ёғиб турди, кечга бориб ҳаво очилиб кетди. Қор учқунлари орасидан зангори қора осмон ва чакнаб турган юлдузлар кўриниб қолди. Совуқ зангига олди.

Тарутинодан чиққанда уч минг аскардан иборат бўлган мушкетёр полки тўққиз юз аскар билан тунги манзилга, қатта йўл бўйидаги қишлоққа олдинроқ етиб келди. Полкни

қарши олган квартиргер қишлоқ уйларининг ҳаммасини ўлик ва чала ўлик французлар, суворийлар ва штаб ходимлари банд қилиб қўйганини айтди. Фақат полк командири учун битта хона топилибди, холос.

Полк командири отининг бошини ўша уйга томон бурди. Полк қишлоққа кирди-да, йўл ёқасидаги энг четки уйнинг олдида тўхтади, аскарлар милтиқларини бир-бирига суяб қўйишди.

Полк кўп сонли баҳайбат жониворлар галасига ўхшаб, тунайдиган жой ва ейдиган овқат тараддудига тушди. Аскарларнинг бир қисми, тизза бўйи қор кечиб, қишлоқнинг ўнг томонидаги қайинзорга кириб кетди ва шу оннинг ўзида ўрмондан болта, дудама калта қиличларнинг тақ-туқи, шох-бутоқларнинг қарсиллаши ва қувноқ товушлар эшитила бошлади, аскарларнинг бошқа қисми полкнинг бир жойга тўшланган от-аравалари ёнида, котелок, сухари ахтара ва отларга ем-хашак бера бошлади; учинчи бир қисми эса қишлоқни мўр-малахдай босиб, французларнинг жасадларини уйлардан чиқариб ташлаб, штаб ходимлари учун жой ҳозирлади, гулхан ёққани қуруқ ўтин ташиб келди, четан ясаб шамол, бўроннинг олдини тўсиш учун тахта, томлардан похол олиб келди.

Ўн бештача аскар, қишлоқ четидаги бир уйнинг орқасида томи кўчириб олинган бир бостирманинг четан деворини кўпориб олмақчи бўлиб, шовқин-сурон билан уни силкита бошлади.

– Ҳа, ҳа, қани, баравар! Итар! – деб кичқирган товушлар эшитиларди, тун қоронғисида қорда ошпоқ бўлиб музлаган каттакон четан девор қарсиллаб силкина бошлади. Четан деворнинг козиқлари борган сайин каттиқроқ қарсиллаб, ниҳоят, зўр бериб уни итараётган аскарлар билан бирга қулаб тушди. Аскарлар севинчларини ичларига сиғдириолмай, қаҳқаҳа ва шовқин-сурон кўтаришди.

– Икки кишидан бўлиб кўтаринглар! Дастакни бу ёққа бер! Ҳа, балли! Қаёққа суқилияпсан?

– Қани, кўтардик! Шошманглар, азаматлар!.. Ашудла айтиб кўтарамиз!

Ҳамма жим бўлди ва хушовоз бир аскар ёқимли товуш билан ашула бошлади. Учинчи байтнинг охирида, сўнгги овоз тиниши билан, йигирма киши бирдан қичқариб юборди: «Ҳа-а-а, кўзгалди! Баравар! Кўтар йигитлар!..» Бироқ йигитлар қанчалик бараварига зўр беришмасин, четан девор унча кўзгалмади, орага чўккан сукунатда оғир Ҳансирашлар эшитилди.

– Ҳой, олтинчи рота! Ҳой, баччағарлар! Қарашворсаларнинг бир нима бўладими... биз ҳам сизларнинг кунларингга яраб қоламиз ахир.

Олтинчи ротанинг қишлоққа қараб бораётган йигирматача аскарлари четан судраётган кишиларга келиб кўшилди; бўйи беш, эни бир саржин келадиган четан девор ўртасидан букилиб, Ҳансираб қолган аскарларнинг елкаларини эзиб, шилиб, қишлоқ кўчасидан судралиб кетди.

– Ҳой, юрсанг-чи... Нега гўхтаб қолдинг? Ҳа, балли...

Шовкин-сурон, болохонадор сўкинишларнинг кети узилмас эди.

Четан кўтариб бораётган кишилар олдига беҳосдан бир аскар югуриб келди ва бошлиқларга хос товуш билан:

– Бу нимаси? – деб бақариб берди. – Улуғлар шу ерда; генералнинг ўзи ичкарида ўтирибди, сиз аблахлар, она гўрига гипт қалайпсизлар. Кўрсатиб кўяман сизларга! – деб фельдфебель¹ дўқ қилди ва дафъатан кўзи тушган бир аскарнинг елкасига мушт туширди. – Шу ишни секинроқ қилсаларинг ўласизларми? -

Аскарларнинг уни ўчди. Фельдфебель урган аскар, инқиллаб, четанга тегиб қонаб кетган бетини арта бошлади.

Фельдфебель кетгандан сўнг аскар ийманибгина:

– Бу лаънати ёмон урди! Юзимни қора қонга беллади-я! – деди секин.

– Ҳа, ёқмадимми? – деди бири кулиб. Аскарлар товушларини пасайтириб, кўча бўйлаб кетишди. Қишлоқдан чиққач, улар яна бекордан бекорга сўкишиб, шовкин-сурон

¹ Фельдфебель (*немисча*) – ҳарбий унвон ва лавозим. Россияда (1917-йилгача) ва баъзи Европа давлатларида мавжуд бўлган. Ҳозирги вақтга нисбатан катта сержант унвонига тўғри келади.

кўтаришди.

Олдидан аскарлар ўтиб кетган уйда армиянинг казоказолари йиғилган, чой устида улар бугунги кун тўғрисида ва келажақда қилинадиган манёврлар ҳақида қизгин суҳбатлашиб ўтиришган эди. Душмanning сўл канотига хужум қилиб, вице-қиролнинг йўлини кесиш ва уни асир олишни мўлжаллашарди.

Аскарлар четанни судраб келганда, ҳамма ерда гулханлар ёқилиб, овқатлар пиширилмоқда, ўтинлар чирсиллаб, қор эримокда эди. Аскарларнинг қора кўланкаси полк ишғол қилган ва қори топталган ерда у ёқдан бу ёққа ўтиб турар эди.

Ҳамма жойда болталар, дудама калта қиличлар ишга тушиб кетди. Ҳамма иш ҳеч қанақа амр-фармонсиз бажарилмоқда эди. Биров кечаси керак бўлиб қолиши мумкин деб, ўтин ташиб келмоқда, биров бошлиқларга чайла ясапти, биров котелокда овқат пиширяпти, биров милтиқ ва кийим-бошларни тозалапти.

Саққизинчи рота судраб келган четан шимол томонга ярим доира шаклида қозиқлар билан қоқиб кўйилди, унинг олдида гулхан ёқилди, шайпур чалинди, йўқлама қилинди ва овқатлангандан сўнг ҳамма гулханлар атрофига ўтириб олди – биров этигини ямар, биров трубкасини чекар, биров қишланғоч бўлиб бит боқарди.

VIII

Рус аскарлари ўша вақтда тасаввурга сигмайдиган оғир шароитда яшарди: уларнинг пиймаси ҳам, нимча пўстини ҳам, бошпанаси ҳам, ҳатто старли миқдорда озиқ-овқати ҳам йўқ эди (чунки озиқ-овқат ҳамма вақт ҳам армия кетидан етиб келмас эди), улар 18-даражали қахратон қишда, қорда кун кечиришарди: шундай оғир аҳволга тушган аскарларнинг ташқи кўриниши жуда аянчли ва жуда ачинарли бўлиши керак эди.

Аксинча, энг яхши моддий шароитда кун кечириб юрган армия ҳам ҳеч қачон бунчалик хушвақт, бунчалик хушчакчақ бўлган эмас. Бунинг сабаби шуки, заиф ва ноги-

рон бўлиб қолган аскарлар ҳар куни кўшин орасидан олиб чиқиб ташланарди. Жисмоний ёки маънавий жиҳатдан заиф бўлганларнинг ҳаммаси орқада қолиб кетган, кўшин гули – руҳан ва жисман тетиғи қолган эди.

– Одамларнинг кўпи олди четан билан тўсиб қўйилган саккизинчи ротага йиғилди. Икки фельдфебель ҳам шу ерга келиб ўтирди, буларнинг гулхани бошқа гулханларга қараганда баландроқ ёнмоқда эди. Четан панасида ўтириш ҳуқуқига эга бўлиш учун ўтин ташиб келиш керак эди.

– Ҳой, Макеев, қаёққа... гумдон бўлдинг? Ё бўрига ем бўлдингми? Ўтинни олиб келсанг-чи, – деб бақирди тутундан кўзларини қисиб, тез-тез мижока қоқаётган бўлса ҳам, гулхан олдидан жилғиси келмаётган, афт-башараси кипкизил бир маллавоё аскар. – Ҳой, сен олиб кела қолсанг-чи, қарға, – деди у бошқа бир аскарга қараб. Маллавоё аскар унтер-офицер ҳам, ефрейтор¹ ҳам эмасди, лекин жуда ғўлабир эди, шунинг учун ўзидан заифроқлар устидан ҳукмронлик қиларди. Қарға деб аталган қирра буруни озғин ва кичкина аскар итоаткорлик билан ўрнидан туриб, буйруқни бажаргани бораётган эди, лекин шу чоғ бир кучоқ ўтин кўтариб келаётган ёш аскарнинг нозик-ниҳол қадди-комати гулхан ёғдусида кўзга ташланди.

– Бу ёққа бер. Гап шундай бўлсин! – деди у.

Дарров ўтинни синдириб қаладилар, ўтни пуфладилар, шинель этаги билан елпидилар, ўтин чирсиллаб, вишиллаб ёниб кетди. Аскарлар гулханга яқинроқ ўтириб трубка чека бошладилар. Ўтин кўтариб келган чиройли, ёш аскар қўлларини оёғига тираб, совқотган оёқлари билан тапир-тупур ер тепа бошлади.

– Оҳ, ойижон, шабнам совуқ бўлса ҳам, мушкетёрга ёқади... – деб ашула бошлади аскар, кўшиқнинг ҳар бир хижосида ҳикичок тутгандай энтикиб.

– Ҳой, тагчармни единг-ку! – деб бақирди маллавоё ўйин тушаётган ёш аскарнинг тагчарми йиртилиб кетганини

¹ Ефрейтор (немисча) – баъзи мамлякатларда, масалан Россияда, оддий аскарга бериладиган бошланғич ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс.

кўриб. – Бу ўйин эмас, кони зарар бу!

Аскар ўйиндан тўхтади, осилиб турган тагчармни узиб, гулханга ташлади.

– Ана энди дуруст бўлди, биродар, – деди у ва ўтириб халтасидан бир парча кўк француз мовутини олиб оёғини ўрай бошлади. – Ивиб кетибди, – деб кўйди у оёқларини ўтга тутиб.

– Яқинда янгисини беришади. Душманнинг уруғини куритсак, киши бошига иккитадан этик беришармиш.

– Хотингалоқ Петров ахири қолиб кетибди-да, – деди фельдфебель.

– Мен унинг ниятини аллақачонлар пайковдим, – деди бошқа бир аскар.

– Нима қилсин бечора аскар...

– Учинчи ротада ўтган кун иўклама қилишган экан, тўққиз киши етмабди.

– Ўзинг ўйлаб кўр, оёғингни совуқ ургандан кейин қанақа қилиб ҳам юрасан?

– Ҳой, кўп ҳам вайсама! – деди фельдфебель.

– Ҳа, сен ҳам шунақа қилмоқчимисан? – деди кекса аскар, оёғимни совуқ урди деган аскарга хўмрайиб.

Қарга лақабли қиррабурун аскар тўсатдан гулханнынг нариги тарафидан бошини кўтарди-да, ингичка ва титрок товуш билан деди:

– Сен нима деб ўйловдинг? Йўғон чўзилади, ингичка узилади, дейдилар. Мана, мени олинг. Рамағдажон бўлиб қолганман, – деди у кескин тарзда фельдфебелга қараб. – Айт, мени госпиталга юборишсин, аъзойи баданим зирқи-раяпти, бўлмаса, барибир, қолиб кетаман...

– Ҳа, бўлди, гапни чўзма, – деди фельдфебель пинагини бузмай.

Пакана аскар жим бўлди, суҳбат давом этди.

– Бугун жуда кўп француз асир олинди, лекин бирон-тасининг оёғида дурустгина этик йўқ, – деб аскарлардан бири суҳбат мавзуини ўзгартирди.

– Казаклар оёқ кийимларини шилиб олишяпти. Полковникка уй бўшатаётганда уларни ташқари чиқариб ташладик.

Одамнинг раҳми келади-е, йигитлар, – деди ўйин тушган аскар. – Биттасини ағдариб қарасак, тирик экан, ишонасанми, ўз тилида алланималар деб жаврайди.

– Аммо лекин озода халқ экан, йигитлар, – деди биринчи аскар. – Оқ кайиндай, оппоқ-а, ораларида ботирлари ҳам бор, нима бўлса ҳам асил халқ-да.

– Сен нима деб ўйлаган эдинг? Ўз армиясига у ҳар хил табакадан аскар олган.

– Лекин бизнинг тилга сира тушунмайди, – деди ўйин тушган аскар таажжуб билан кулимсираб. – Мен ундан: «Қайси подшоликдансан?» деб сўрасам, у ўз тилида алланималар деб жаврайди. Ажойиб халқ!

– Шуниси ғалатики, биродарлар, – деб давом этди уларнинг ақлига ҳайрон қолган аскар, – можайсклик дехқонлардан бири уруш бўлган ерлардан французларнинг ўлигини йикканини гапириб берди. – Буни қарангки, французларнинг ўлиги бир ой ўша ерда ётган эмиш, лекин шунга қарамасдан туслари ҳам ўзгармабди, сасиб ҳам кетишмабди. Қоғоздай оппоқ, озода ётган эмишлар.

– Совуқ бўлгани учун сасимагандир-да? – деб сўради бири.

– Эй, хом калла! Совуқдан эмиш! Иссиқ эди-ку. Совуқдан бўлса, нега бизнинг ўликлар сасиб кетди. Бизникиларнинг яқинига бориб бўлмас эмиш, сасиб, қуртлаб кетган эмиш. Оғиз-бурунни рўмол билан боғлаб, тумшукни бошқа ёкка буриб, зўрға ташиймиз, ҳеч чидаб бўлмайди, дейди. Уларнинг ўлиги бўлса қоғоздай оппоқ эмиш, ҳеч қандоқ ҳид ҳам келмас эмиш.

Ҳамма жим бўлиб қолди.

– Емишдан бўлса керак, – деб кўйди фельдфебель, – хўжайинлар ейдиган томоқдан ейишган.

Ҳеч ким эътироз билдирмади.

– Ўша дехқоннинг гапига қараганда Можайскда, жанг бўлган ерда, ўн қишлоқ аҳолисини ҳайдаб келиб, йигирма кун ўлик ташиштиришибди, барибир, ташиб битиролмабдилар. Ҳамма ёқни бўри босиб кетган эмиш.

– Ўзиям ҳазилакам жанг бўлмаган эди-да, – деди кекса

аскар. – Бир умр эсдан чиқмайдиган жанг бўлувди. Ундан кейин бўлган жанглар халқни қийнашдан бошқа гап эмас.

– Рост айтасан, тоға. Тунов кун биз уларга ҳамла қилдик, улар етиб боришимизни ҳам кутиб ўтирмасдан, дарров милтиқларини ташлаб, таслим бўлишди. Пардон дейди. Мен мисол учун биттасини оламан. Полионнинг ўзини Платов икки марта асир олибди. Бир оғиз ҳам тил билмас экан. Туриб-туриб: мана, сенга керак бўлса деб, куш бўлиб қўлига кўнибди-ю, учибди-кетибди. Ўлдириш ҳам мумкин эмас.

– Хой, Киселёв, менга қара, Ёлғонни ҳам дўндирасан-да.

– Ёлғони борми, бўлган гапни айтяпман. Агар ихтиёр менда бўлса, мен уни шу захоти қўлга туширар эдим-у ерга кўмиб, шумтолдан қозиқ ясаб устига қоқиб кўяр эдим, озмунча халқни ўлдирдим ахир.

– Барибир, арвоҳига фотиҳа ўқиймиз, ажали етган, – деди кекса аскар эснаб.

Сухбат тўхтади. Аскарлар ёта бошладилар.

– Юлдузларга қара, ўтдай чакнаб турибди-я. Худди хотинлар пойандоз солгандай, – деди аскар Сомон йўлига маҳлиё бўлиб қараркан.

– Ғалла яхши бўлишининг нишонаси бу, йигитлар!

– Тагин ўтин керак бўлар дейман.

– Қизик, орқанг исиса, қорнинг совқотади, қорнинг исиса...

– Ё раббим!

– Нега мени итарасан, гулхан фақат сен учун ёқилганми? Буни тарвайиб ётганига қаранг-у...

Жимлик чўккандан сўнг уйкуга кетган баъзи бир аскарларнинг хурраги эшитилди; баъзи бирлари эса, ора-сира гаплашиб, у ёқдан бу ёққа ағдарилиб, исиниб ётишди. Юз қадамча наридаги гулхандан қувноқ гурунги ва қаҳқаҳа садоси эшитилиб турар эди.

– Қара, бешинчи рота чакчаклашиб ўтирибди, – деди аскарлардан бири. – Тумонат одам, ҳайрон қоласан.

Аскарлардан бири ўрнидан туриб, бешинчи ротадан хабар олиб келгани кетди.

– Нимага кулишаётганини билиб келдим, – деди аскар.
– Иккита француз уларга келиб қўшилибди.

Биттаси совкотиб қолибди, иккинчиси жуда шўх экан.
Қўшиқ айтади-я.

– Шунақами ҳали? Юринглар, томоша килиб келамиз...
– деб бир нечта аскар бешинчи рота томон кетди.

IX

Бешинчи рота ўрмоннинг шундайгина, четига жойлашган. Каттакон гулхан дарахтларнинг булдуруқдан эгилиб ётган шохларини ёритиб, лангиллаб ёнмоқда эди.

Ярим кечада бешинчи рота аскарлари ўрмонда биров қор кечиб юрганини ва новдалар шитирлаганини эшитиб қолди.

– Йигитлар, айиқ, – деди бир аскар. Ҳамма бошини кўтариб жим бўлишди. Гулханнинг ёрут шуъласида ўрмондан, бир-бирига суяниб олган ва қулгили қиёфадаги икки киши чиқиб келди.

Булар ўрмонда беркиниб ётган икки француз эди. Аскарлар тушунмайдиган тилда алланималар деб, улар гулхан олдига келишди. Бирини узун бўйли, офицерча шляпа кийган, бутунлай ҳолсизланиб қолганга ўхшарди. У гулхан олдига келиб ўтирмоқчи бўлди-ю, лекин ағанаб кетди. Иккинчиси, афт-башараси рўмол билан ўралган, бўй-басти кичик, кенг яғринли аскар бардамроқ эди. Аскар шеригини турғизиб қўйди ва оғзини кўрсатиб, бир нима деди. Аскарлар бирпасда французларни ўраб олишди, касалнинг остига шинель солишди ва иккаласининг олдига бўтқа билан ароқ келтириб қўйишди.

Дармони куриб қолган француз офицери Рамбаль, рўмол ўраб олгани унинг шахсий хизматкори, деншиги Морель эди.

Ароқни ичиб, бир котелок бўтқани еб, жағи очилиб кетган Морель, ғайритабиий жонланиб кетиб, тилига тушунмаётган аскарларга нималарнидир гапира кетди. Рамбаль овқатни емади ва бўзрайиб қолган кўзларини аскарларга тикиб, гулхан олдига тирсакланиб индамай ётаверди. У

ахён-ахёнда чўзиб инграб кўяр ва яна жим бўларди. Морель елкаларига ишора қилиб, бу одам офицер эканини, уни иситиш кераклигини аскарларга тушунтира бошлади. Гулхан олдига келган бир рус офицери, полковник ўз хужрасидан француз офицерига исиниб чиккани жой бермасмикин, деган ниятда унинг олдига одам юборди. Борган киши, полковник рухсат берди, деган хабар билан келгандан сўнг Рамбалга бунга тушунтиришди. Рамбаль ўрнидан туриб, кетмоқчи бўлган эди, бироқ гандираклаб кетди ва ёнидаги аскарлар суяб қолмаганда йиқилиб тушарди.

– Ҳой, юргинг келмаяптими? – деди бир аскар Рамбалга масхараомуз кўз қисиб.

– Қаллаварам! Оғзим бор деб вайсай берасанми! Дехкон дехқонлигича қолаверар экан-да! – деб ҳамма тегишган аскарни таъна қилди. Рамбални қуршаб олишди. Икки киши даст кўтариб, хужрага олиб кетди. Рамбаль аскарларнинг бўйнидан кучоқлаб олди ва кўтариб бораётганда инграб деди:

– О, азаматлар! О, менинг меҳрибон, меҳрибон дўстларим! Одам деган мундоқ бўлибди!.. О, менинг меҳрибон дўстларим! – деди ва худди ёш боладай бошини бир аскарнинг елкасига қўйди.

Рамбални олиб кетгандан кейин аскарлар қуршаб олган Морель энг иссиқ ерда ўтириб олди.

Кўзлари қизариб, ёшланиб турган, бўй-басти кичкина бўлган ҳам чорпахилдан келган Морель фуражка устидан хотинчасига рўмол боғлаб, заифона пўстин кийиб олган эди. Ароқ кайф қилди, шекилли, ёнида ўтирган аскарни, кучоқлаб, хириллаган, узук-узук товуш билан французча қўшиқ айта бошлади. Аскарлар қўлларини белларига тираб, унга қараб туришарди.

– Қани, қани, бошла, қанака эди? Мен дарров ўрганиб оламан, қани, бошла? – дерди Морель кучоқлаб олган қизикчи – ашулачи аскар.

– Яшасин Генрих IV. Яшасин диловар қирол! Ва ҳоказо! (французча ашула), – деб куйлади Морель кўзларини қисиб.

– *Ce diable a quatre...*

– Виварика! Виф серувар-у! Сидябляка... – деб кўлини тўлғаб ва ҳақиқатан ҳам ашула оҳангини пайқаб, такрорлади аскар.

– Кўряпсанми, бошляпти-ку! Хо-хо-хо!.. – деб ҳар томондан кўпол, шодиёна қаҳқаҳа кўтарилди. Морель ҳам афтини буриштириб кулди.

– Қанақа эди, яна бир карра айт-чи!

– Унинг уч хислати бор: Ичиш, уришиш. Мулозаматли бўлиш...

– Бу ҳам ёмон эмас, қани-қани, Залетаев!..

– Кю... – деди Залетаев зўрга тили келишиб. – Кьююю...

– деди у зўр бериб лабини чўччайтириб, – литриптала, де бу де ба и детравагала, – деб куйлади Залетаев.

– Чакки эмас! Француз бўлиш ҳам ҳеч гапмаскан! Ҳой... ҳо-ҳо-ҳо! Ҳой, тагин пича овқат ейсанми?

– Бўтқадан бер мунга. Очкаган одамнинг тўйиши осон эмас.

Яна унга бўтқа беришди; Морель илжайиб учинчи коте-локка кўл узатди. Морелга тикилиб турган ёш аскарларнинг юзидан табассум аримас эди. Бундай майнабозликни ўзла-рига эп кўрмаган кекса аскарлар гулҳаннинг нариги томо-нида ётар, лекин гоҳ-гоҳ бошларини кўтариб, Морелга қараб илжайишарди.

– Булар ҳа одам, – деди бир кекса аскар шинелига ўраниб. – Ёвпан¹ ҳам ўз илдизида ўсади.

– Ё худо! Юлдузларга қара-ю, мунча кўп! Совуқ зўрайса керак... – Ҳамма жим бўлди.

Юлдузлар худди ҳозир ҳеч ким кўрмаётганини билган-дай, қора осмон бағрида ўйинга тушдилар. Гоҳ порлаб, гоҳ сўниб, гоҳ милтиллаб, бесаранжомлик билан алақандай шодлик бағишлайдиган, сирли бир нарса ҳақида ўзаро шивирлаша кетдилар.

¹ Ёвпан – мураккабгулдиларга мансуб, ем-хашак бўладиган кўп йиллик ўсимлик.

Х

Француз аскарлари борган сари бир маромда камайиб бормоқда эди. Березина дарёсидан ўтиш воқеаси (бу ҳақда жуда кўп китоблар ёзилган) уруш кампаниясининг ҳал қилувчи эпизоди эмас, балки француз армияси ҳалокатининг ўртадаги бир босқичи эди, холос. Агар Березина ҳақида шу вақтга қадар француз тарихчилари томонидан жуда кўп асарлар ёзилган ва ёзилаётган бўлса, бунинг сабаби шуки, француз аскарлари илгари аста-секин қирилаётган бўлса, Березина дарёсининг ўпирилиб кетган кўпригида бирдан бир кўз юмиб очгунча, бу фалокат фожиали манзара касб этди ва ҳамманинг хотирида қолди. Рус тарихчиларининг Березина ҳақида мунча кўп ёзганлари ва жар солганларининг сабаби шуки, уруш майдонидан жуда узоқда, Петербургда (яна Пфуль томонидан) Наполеонни Березина дарёси соҳилида, стратегик қопқонга тушириш режаси тузилганлиги эди. Ҳамма режада қандай кўрсатилган бўлса, шундай бўлади, деб кўз тутар ва Березинадан ўтишда французларни ҳалок этишни талаб этарди. Ҳақиқатда эса французларнинг Березина кечувида берган талафоти (ҳам тўп-ларни йўқотиш, ҳам асир бериш жиҳатидан) Красное жангида берган талафотида нисбатан хийла кам эди ва рақамлар ҳам буни тасдиқлайди.

Березина кечувида юз берган ходисанинг бирдан бир аҳамияти шундан иборатки, у душман йўлини тўсиш тўғрисида тузилган режаларнинг ҳаммаси сохта эканлигини, Кутузов талаб этган ҳатти-ҳаракат — душманни фақат таъкиб этиш бирдан бир мумкин бўлган дуруст ҳаракат эканлигини очик-ойдин, сўзсиз исботлаб берди. Француз оломони, бор куч-қувватини йиғиб, борган сайин тезроқ ўз мақсади томон югуриб бормоқда эди. У худди ўқ еган йиртқичдай чопар ва уни тўхтатиш ҳам амримаҳол эди. Буни Березина дарёси устига кўприк солишдан кўра кўприк устидаги ҳаракат кўпроқ тасдиқларди. Кўприк ўпирилганда французларнинг юк араваларида бораётган яроғ-аслаҳасиз аскарлар, Москвадан ҳайдаб келинган аҳоли, бола-чақали хотин-халаж — ҳаммаси инерция кучи таъсири остида ўзини олға қайиқ-

ларга, музлаган сувга ташлади.

Қочиб ақлга мувофиқ иш эди, чунки қочиб бораётганларнинг ҳам, уларнинг кетидан таъқиб этиб келаётганларнинг ҳам аҳволи бир-биридан ёмон эди. Ўз тўпи билан қолган ҳар бир киши, бундай оғир кунда ўз одамлари орасида тутган мавқеига, шеригининг ёрдамига умид боғлаши мумкин эди. Русларга таслим бўлган тақдирда эса, унинг аҳволи ҳозиргисидан кўра ёмонроқ ёки яхшироқ бўлмас эди. Лекин ҳаётий эҳтиёжларни қондириш масаласида энг тубан боскичга тушиб қоларди. Асир тушган французларни руслар нима қилишни билмас эдилар, руслар французларни сақлаб қолишга қанчалик уринмасин, улар оч-яланғочликдан қирлиб кетмоқда эди; бу ҳақда французларга ҳеч қанақа аниқ маълумот ҳам керак эмас ва бунинг бошқача бўлиши ҳам мумкин эмаслигини ҳам улар сезиб туришарди. Французларни хушлайдиган энг раҳмдил рус командирлари ҳам, руслар хизматидаги французлар ҳам асирларнинг жонига ора киролмас эди. Рус кўшинлари бошига тушган оғир вазият французларни ҳалокатга дучор этмоқда эди. Ўзи оч-яланғоч бўлган аскарнинг нони ва кийимини олиб, ҳеч кимга адоват билан қарамайдиган, беозор, бегуноҳ, лекин кераги йўқ французларга бериб бўлмас эди. Баъзилар шундок ҳам қилиб кўрдилар, лекин бундай ҳолатлар камдан кам содир бўлар эди.

Орқада ҳалокат, олдинда нажотга умид бор эди. Кемалар ёниб битган, бирдан бир нажот йўли кўплашиб қочиш эди, шунинг учун французларнинг бутун кучи мана шу кўплашиб олиб қочишга йўналтирилди.

Французлар қанчалик қочиб узоклашса, уларнинг орқада қолиб кетган аскарлари қанчалик ачинарли аҳволга тушса (Петербург режасига мувофиқ Березина воқеасидан катта умид кутган эдилар), бир-бирини ва, айниқса, Кутузовни айблаётган рус командирларининг баҳс-мунозараси шунча авжига чиқар эди. Ҳамма Петербургда тузилган Березина режасининг амалга ошмай қолганига Кутузов жавобгар бўлар, деб гумон қилар, уни борган сари ёмонлаб, ундан норози бўлишар, уни калақа қилишарди. Лекин бу

калака қилиш ва камситишлар, ўз-ўзидан маълум, шундай назокатли тарзда бўлардики, Кутузов менинг гуноҳим нима, нега бундай қиялмаслар, дея олмас эди. Кутузов билан ҳеч ким жиддий тарзда гаплашмас эди; маълумот бераётганда ҳам, ундан рухсат сўраётганда ҳам, бошқа илож бўлмагандан кейин нима қилайлик деб тургандай бўлишар, орқасида эса, кўз қисиб, ҳар қадамда уни алдашга ҳаракат қилишарди.

Бу одамларнинг биронтаси ҳам Кутузовни тушунмас эди, шунинг учун чол билан гаплашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, барибир, у ҳеч қачон бизнинг теран маънога эга бўлган режаларимизни тушунмайди; у ҳамон олтин кўприк ҳақида, яланг оёқ аскар билан чегарадан ўтиб бўлмаслиги ҳақидаги сафсаталарини (уларнинг назарида бу гаплар фақат сафсата бўлиб кўринган эди) гапиради ва ҳоказо деган қарорга келишди. Бу гапларни улар Кутузовдан кўп марта эшитишган. Кутузов айтган гапларнинг ҳаммаси, масалан, озик-овқат етиб келгунча сабр қилиб туриш керак деган сўзи ҳам, аскарларнинг этиги йўқлигини айтгани ҳам уларга жуда майда, арзимас гап бўлиб туюлар, ўзлари тавсия этган нарсаларнинг ҳаммаси эса, жуда мураккаб ва оқилона бўлиб кўринар эди, шунинг учун Кутузов уларнинг назарида мияси ачиган бир чол, ўзлари эса, ҳокимиятсиз буюк саркарда эдилар.

Айниқса Петербургнинг маъруф ва машҳур адмирали¹ ва қаҳрамони Витгенштейннинг армияси келиб қўшилгандан сўнг бу кайфият ҳам, штабдагиларнинг ғийбати ҳам чўққисига чиқди. Кутузов бу нарсани кўриб турар ва хўрсиниб, елкасини қисиб кўярди, холос. Фақат бир мартаба, Березинадан сўнг ғазоби жўшиб, подшоҳга хуфия маълумот юбориб турадиган Бенигсенга қуйидаги хатни ёзди:

«Жаноб, дардингиз тута бергани учун шу мактубни олишингиз билан Калугага жўнанинг ва император ҳазратларининг янги фармонини ўша ерда кутинг».

¹ Адмирал (голландча: денгиз ҳокими, кўмондони) – ҳарбий-денгиз флотининг олий кўмондонлик таркибига бериладиган ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс.

Бироқ Бенигсен кетиши биланоқ, урушнинг дастлабки кунлари армияда бўлган ва Кутузов кейин ҳайдаб юборган буюк князь Константин Павлович келди. Буюк князь армияга келгандан кейин аскарларимизнинг деярли муваффақият қозонмаётганидан ва имиллаб ҳаракат қилаётганидан подшоҳ ҳазратлари норози эканини Кутузовга маълум қилди. Император ҳазратлари бугун-эрта армияга келмоқчи эканлигини билдирди.

Ҳарбий ишда қанчалик тажриба орттирган бўлса, сарой ишларида ҳам шунчалик тажрибага эга бўлган мўйсафид шу йилнинг август ойида подшоҳнинг иродасига қарши бош қўмондон қилиб сайланган, валиаҳд ва буюк княздай одамни армиядан ҳайдаб юборган ўша Кутузов подшоҳдан рухсатсиз қўлидаги ҳокимиятдан фойдаланиб, Москвани душманга ташлаб чиқишга қарор қилган ўша Кутузов, эндиликда даври ўтганини, родини ўйнаб бўлганини, қўлида бўлак ҳокимият қолмаганини сизди. Бу нарсани у ёлғиз сарой муносабатларидан билгани йўқ. Бир томондан ўзи катта роль ўйнаган ҳарбий иш энди тамом бўлганини кўрди ва ўз бурчи бажарилганини сизди. Иккинчи томондан, шу билан бирга, қариб қолган аъзойи бадани жисмоний жиҳатдан чарчаганини ва унга дам бериш кераклигини пайқади.

29-ноябрда Кутузов Вильнога, ўзи айтмоқчи – эзгу Вильнога кириб келди. Хизмат даврида у икки мартаба Вильнода губернатор бўлган эди. Омон қолган бой Вильнода Кутузов кўндан бери махрум бўлган ҳаёт роҳат-фароғатларидан ташқари яна кадрдон ёр-дўстларини, эски хотираларини топди. Кутузов бирдан барча ҳарбий ва давлат ишларидан кўз юмиб, атрофида қайнаб турган бахс-мунозаралар имкон берганича ўша эски, осуда ҳаёт кучоғида яшади, гўёки оламда содир бўлаётган ва содир бўлиши мумкин бўлган барча тарихий воқеаларнинг унга зиғирча алоқаси йўқ эди.

Душманнинг йўлини кесиш ва унинг тўс-тўсини чиқариш фикрининг энг ашаддий тарафдорларидан бири бўлган Чичагов, аввал Туркияга, кейин Варшавага диверсия қилмоқчи бўлган, лекин бориши керак бўлган ерга сира боргиси келмаган ўша Чичагов, подшоҳ билан дадил сўзлаша

оладиган шахс сифатида ном чиқарган Чичагов, Кутузов мен туфайли рўёбга чиқди, деб юрган Чичагов (1812-йилда сулҳ тузгани Кутузовдан ташқари у ҳам Туркияга юборилган эди, бироқ сулҳ аллақачонлар тузиб бўлганига амин бўлиб қайтганидан сўнг, подшоҳ ҳузурида бу сулҳ Кутузовнинг саъйи билан бўлди деб эътироф қилган эди), мана шу Чичагов Вильнода, Кутузов тушадиган кўшк олдида биринчи бўлиб унинг истикболига чиқди. Флот вицмундирини кийиб, кичкина ханжар тақиб олган Чичагов, фуражқасини қўлтиғига қисиб, Кутузовга рапорт берди ва шахар қалитларини унга топширди. Кутузовнинг бўйнига қанақа айблар қўйилганини элдан бурун билиб олган Чичаговнинг барча муомаласида ёшларнинг мияси ачиб қолган чолга нисбатан бўлган ҳақоратомуз сохта эҳтироми бутун тўлалигича ўз ифодасини тошган эди.

Чичагов билан гаплашиб туриб Кутузов сўз орасида, Борисовда сиздан тортиб олинган идиш-товоқ, аравалар эсон-омон турибди. Ўзингизга қайтариб беришади, деб айтди.

– Мени, овқат сузиб егани идиш-товоғнинг йўқ, демоқчимисиз? Аксинча, нима истасангиз, ҳаммасини муҳайё қилишга қодирман, ҳатто зиёфат бермоқчиман десангиз ҳам, мен сизга идиш-товоқ топиб бераман, – деди Чичагов қизариб-бўзариб; у ҳар бир сўзи билан ўзининг ҳақ эканлигини исботламоқчи бўлар ва Кутузов ҳам шу ниятда бўлса керак деб ўйларди. Кутузов ўзига хос нозик ва маъноли табассум билан жилмайиб қўйди ва елкасини қисиб деди:

– Мен айтмоқчи бўлган гапимни айтдим, холос.

Кутузов подшоҳнинг иродасига қарши чиқиб, Вильнода жуда кўп харбий қисмларни олиб қолди. Атрофидаги кишиларнинг гапига қараганда, Вильнога келгандан бери у руҳан ва жисман жуда заифланиб қолган эди. У армияга тааллуқли ишлар билан истар-истамас шуғулланиб, ҳамма нарсани генералларга топшириб қўйди ва подшоҳнинг келишини кутиб, вақтхушлик қилиб юрди.

Подшоҳ ўз мулозимлари – граф Толстой, князь Волконский, Аракчеев ва бошқалар билан 7-декабрда Петер-

бургдан чикиб, 11-декабрь Вильнога етиб келди ва чанада тўғри кўшкка кириб борди. Кўшк олдида қаҳратон қиш бўлишига қарамасдан, бошдан оёқ парад формаси кийган юзтача генерал билан штаб ходимлари ва Семёнов полкининг фахрий қоровули турар эди.

Тер босган уч отли чанада подшоҳдан олдин кўшкка чопар етиб келди ва: «Желягилар!» деб кичқирди. Коновнишин Кутузовга хабар бергани югуриб дахлизга кирди. Бош кўмондон подшоҳ келишини кутиб кичкинагина швейцар бўлмасида ўтирар эди.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас мукамал парад формасини кийган, кўкраги орденга тўлиб кетган, қорни шарф билан боғланган, каттакон ва йўғон гавдали чол тебрана-тебрана зинапояга чиқди. Кутузов шляпасини қоидага мувофиқ кийиб, кўлқопларини кўлига олдида, зинапоядан ёнбоши билан зўрға қадам босиб, пастга тушди ва подшоҳга бериши керак бўлган рапортни кўлига олди.

Югур-югур, пичир-пичир бошланди, уч отли чана елдай учиб ўтди ва тез суръат билан келаётган чана ҳамманинг диққатини жалб қилди. Чанада ўтирган подшоҳ билан князь Волконскийнинг қораси кўринди.

Буларнинг ҳаммаси эллик йиллик тажрибага эга бўлган қария генерал диққатини тортди: у безовталаниб, шошиб-пишиб у ёқ бу ёғини лайпаслаб кўрди, шляпасини тузатди ва подшоҳ чанадан тушиб нигоҳ ташлаши биланок, у тетикланиб ғоз туриб рапортини берди-да, ёкишга тиришиб, мулойим, салмоқли товуш билан гапира бошлади.

Подшоҳ бир карашда бошдан оёқ Кутузовни кўздан кечириб чиқди, бир лаҳзагина қовоғини солди, лекин дарҳол ўзини кўлга олиб, унинг олдига борди ва кулочини очиб, кекса генерални бағрига босди. Яна одат амрига кириб қолган эски таассурот ва самимий фикр-туйғулари таъсири остида подшоҳнинг қучоклашиб кўришгани Кутузовга одатдагича қаттиқ таъсир этди, у пиқиллаб йиғлаб юборди.

Подшоҳ офицерлар билан, Семёнов полкининг фахрий қоровули билан саломлашгач, яна бир марта мўйсафид чолнинг кўлини сикди ва у билан бирга кўшкка кириб кетди.

Подшоҳ фельдмаршал билан холи қолганда, душманни имиллаб таъкиб қилаётганидан, Красное ва Березинада йўл қўйган хатоларидан норози эканини айтди ва чегарадан ўтиб юриш қилиш ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этди. Кутузов эътироз ҳам билдирмади, бирон сўз ҳам қотмади. Етти йил муқаддам Аустерлиц майдонида подшоҳнинг амр-фармони-ни эшитган чоғида юзида қандай итоаткорлик ифодаси пайдо бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай ифода пайдо бўлган эди.

Кутузов кабинетидан чиқиб, бошини қуйи солганича қадди дол оғир қадам ташлаб залдан ўтиб кетаётганида биров:

– Зоти олийлари, – деб уни тўхтатди.

Кутузов бошини кўтарди ва кичкина бир нарса солинган олтин ликобчани кўтариб қаршисида турган граф Толстойга узоқ қараб қолди. У гап нимадалигини тушунмаётгандек эди.

Кейин худди бирдан ўзига келгандек, пишинқираган юзида билинар-билиномас табассум пайдо бўлди ва эҳтиром билан чуқур таъзим қилиб, ликобчадаги нарсани олди. Бу 1-даража «Георгий нишони» эди.

XI

Эртасига фельдмаршал бал ва зиёфат берди, подшоҳ лутфан бу зиёфатга қадам ранжида қилди. Кутузов 1-даража «Георгий нишони»ни олишга мушарраф бўлган, подшоҳ унга жуда катта лутф-марҳамат кўрсатган, лекин ундан норози экани ҳаммага аён эди. Фақат ҳамма сир бой бермасликка тиришар ва бу борада подшоҳ биринчи бўлиб ўрناق кўрсатмоқда эди. Лекин чол айбдор эканини ва ҳеч балога ярамай қолганини билмайдиган одам йўқ эди. Подшоҳ бал-зиёфат залига кирганда Екатерина замонидаги эски таомилга кўра, Кутузов ўлжа олинган байроқларни подшоҳнинг оёғи остига ётқизиб қўйишни буюрган эди, подшоҳ бурнини жийриб: «Ҳа, қари лўттибоз» деганини баъзилар эшитиб қолди.

Вильнога келгандан кейин, подшоҳнинг Кутузовдан

норозилиги кучайди, чунки фельдмаршал келажак кампаниянинг ахамиятини ё тушунмас, ё тушунишни истамас эди чоғи.

Эртасига эрталаб подшоҳ ўз ҳузурига йиғилган офицерларга: – Сизлар Россиянигина эмас, балки бутун Европани қутқардинглар, – деганида уруш ҳали тамом бўлмаганини ҳамма билди.

Фақат Кутузов буни билишни истамас эди. У ўз фикрини рўй-рост баён қилиб, урушни давом эттириш Россиянинг вазиятини яхшиламайди, шон-шухратини оширмайди, аксинча, унинг аҳволини оғирлаштириб, шон-шухратига путур етказди, ваҳоланки Россиянинг шон-шухрати, менимча, ҳозир энг юқори чўққисига етган, деган гапларни айтди. Подшоҳга янгидан аскар олиш мумкин эмаслигини исботлашга уринди; халқнинг аҳволи танглигини, янги уруш муваффақиятсизликка учраб қолишини ва ҳоказоларни гаширди.

Фельдмаршал ўзининг шу кайфияти билан бўлажак урушга тўсиқ бўлиши табиий эди.

Чол билан баҳс-мунозара қилиб ўтирмасликнинг йўли ҳам ўз-ўзидан топилиб қолди. Аустерлицда ва урушнинг дастлабки кунлари Барклай даврида бўлгани сингари, бош кўмондонни безовта қилмасдан, унинг ўзига билинтирмасдан, қўлидаги ҳокимиятни секин олиб, подшоҳнинг ўзига бормоқчи бўлишди.

Шу мақсадда шов-шув кўтармасдан, армия штаби қайта тузилди ва Кутузов штабидаги муҳим кучлар тарқатилиб, подшоҳ томонига кўчирилди. Толь, Коновницин, Ермоловлар бошқа лавозимга ўтдилар, фельдмаршал ишдан чиқиб қолган, соғлигининг мазаси, йўқ, деган овозалар тарқалиб кетди.

Ўз ўрнини янги тайинланган кишига бериш учун ҳам Кутузовнинг соғлиги ёмон бўлиши керак эди. Лекин унинг мазаси қочиб қолганлиги ҳам рост эди.

Кутузовнинг Туркиядан қайтиб халқ лашкари тўплаш учун Петербург давлат палатасига келиши, ундан кейин, зарур бўлган вақтда, армияга келиши қанчалик табиий,

оддий ва тадрижий бир ҳол бўлса, ҳозир ҳам ролини ўйнаб бўлгандан кейин ўз ўрнини талабгор бўлган янги шахсга бўшатиб бериши ҳам шунчалик табиий, оддий ва тадрижий бир ҳол эди.

1812-йил уруши ҳар бир рус қалби учун азиз ва муқаддас бўлган умумхалқ аҳамиятига эга бўлиш билан бирга яна бошқа Европа миқёсидаги аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак эди.

Халқларнинг ғарбдан шарққа қараб килган ҳаракати кетидан шарқдан ғарбга қараб ҳаракат бошланиши керак эди ва бу янги урушга ўз табиати нуқтаи назари билан Кутузовдан тамоман ажралиб турадиган ва майл-истаклари бошқа бўлган ўзга бир арбоб керак эди.

Россиянинг нажоти ва шухрати учун Кутузов қанчалик зарур бўлган бўлса, шарқдан ғарбга қараб ҳаракат қилиш ва халқларнинг чегараларини тиклаш учун Александр I шунчалик зарур эди.

Кутузов Европа, унинг мувозанати, Наполеон нималигини ҳам билмас эди. Бу нарсаларни билиши ҳам мумкин эмасди. Душман тор-мор келтирилиб Россия озод бўлган ва унинг шон-шухрати энг юксак поғонага кўтарилгандан сўнг, рус халқининг вакили, рус кишисининг қиладиган ипи қолмаганди. Умумхалқ уруши вакилига ўлишдан бўлак иш қолмаган эди ва у ўлди.

XII

Пьер асирликда чеккан жисмоний азоб-уқубатлар ва кулфат-машаққатларнинг бутун оғирлигини, одатда бўладиганидек, бу азоб-уқубат ва кулфат-машаққатлар тамом бўлгандан кейин сезди. Асоратдан қутулганидан кейин у Орёлга келди, учинчи куни Киевга жўнамоқчи бўлаётганида тоби қочиб, шу ерда уч ой ётиб қолди; докторларнинг гапига қараганда Пьер сафроси¹ қайнаганидан касал бўлган эди. Докторларнинг даволаши, қон олиши ва дори ичиришига

¹ Саффо (*арабча*: сарик ранг; оқимтир; ўт) – одам жигаридаги безлар орқали мунтазам ишлаб чиқиладиган кўкимтир сарик суюқлик; зарра, ўт.

карамасдан Пьер тузалиб кетди.

Озод бўлган кунидан бошлаб касал бўлиб ётган вақтига қадар бошидан нима ўтган бўлса, биронтаси Пьерда ҳеч қандай таассурот қолдирмади. Фақат гоҳ ёмғир, гоҳ қор ёғиб турган кўнгилсиз қиш кунларини, юрак-бағри ўртанганини, оёқлари ва биқини зиркираб оғриганини, одамлар чекаётган изтироб ва укубатдан таъсирланганини, ҳадеб саволлар ёғдириб уни беҳузур қилган офицер ва генералларнинг қизиқсинишини, ўзи учун от-арава қидириб овора бўлганини, энг, муҳими, ўша вақтда фикр-мулоҳаза юргизиш ва сезиш қобилиятидан тўла маҳрум бўлганини эслай оларди, холос. Асоратдан озод бўлган кун у Петя Ростовнинг жасадини кўрган эди. Ўша куннинг ўзиде у князь Андрей Бородино жангидан кейин бир ойча ўлим тўшагида ётганини ва яқиндагина Ярославлда, Ростовлар уйида оламдан ўтганини эшитди. Бу хабарлардан Пьерни огоҳ қилган Денисов ўша кун, сўз орасида, Пьер аллақачон эшитган бўлса керак, деган хаёлда Эленнинг вафот этганини айтди. Бу хабарларнинг ҳаммаси ўшанда Пьерга жуда ғалати туюлган ва буларнинг маъносини англашдан ўзини ожиз сезди. Ўшанда Пьер одамлар бир-бирининг конини тўкаётган бу жойлардан тезроқ йироқлашишни, тинчгина бир бошпана топиб, ўша ерда ўзига келишни, дам олишни ва бу муддат ичида кўрган-эшитган барча ғалати янгиликларнинг маъзини чақиб кўришни истаган эди. Бироқ Орёлга келиши биланок, Пьер тоби қочиб ётиб қолди. Касалликдан бошпани кўтарганда Москвадан келган иккала хизматкори – Терентий билан Васька атрофида гирдикапалак бўлиб юрганини, катта княжнани кўрди: катта Княжна Пьернинг Елцидаги мулкида яшар ва Пьер асоратдан ўлгани ва касал бўлиб ётганини эшитиб унга қарагани келган эди.

Хасталикдан тузалаётган кунлари Пьер сўнгги ойларда кўникиб қолгани таассуротлардан аста-секин кутулиб, янги вазиятга – эртага ҳеч ҳам бирон ёққа ҳайдаб кетмаслиги илиқ тўшагини биров тортиб олмаслиги, эрта-ю кеч албатта иссиқ овқат ва чой бўлишига бора-бора ўргана бошлади. Лекин тушларида анчагача ўзини ўша асирлик шароитда

кўриб юрди. Озод бўлганидан кейин эшитган янги хабарларини ҳам: князь Андрейнинг ўлимини, хотинининг ўлимини ва французларнинг қирилганини ҳам айнан шу тарзда аста-секин тушуна бошлади.

Хасталикда тузалаётган кунлари унинг қалби инсонга хос бўлган ва инсонни Махрум қилиб бўлмайдиган, илк дафъа Москвадан чиққанидан кейин, биринчи манзилда сезган ўша том озодликнинг нашъали туйғуси билан тўлди. Ташқи шароитларга сира боғлиқ бўлмаган бу ички озодлик ҳозир гўё бу бутун дабдабаси билан ташқи озодликка кўшилиб кетганига Пьер ҳайрон эди. Мана, у бегона шаҳарда якка-ёлғиз яшаб юрибди, таниш-билиши ҳам йўқ. Ҳеч ким фалон ишни қилгин деб уни безовта қилмайди, уни ҳеч қаёққа юбормайди. Истаган нарсаси муҳайё. Юрагига доғ солган хотини ҳақидаги илгариги ўй-хаёллар энди йўқ, хотини ўлиши билан Пьер бу ўй-хаёллардан қутулди.

– Ох, қандай яхши! Қандай роҳатижон! – дерди ичида Пьер оппоқ дастурхон тўшалиб, устига хушбўй шўрва қўйилган столчани яқинроқ суриб қўйганларида, ёки кечаси тоза ва юмшоққина тўшакка кирганда, ё бўлмаса хотини ва французлардан батамом қутулгани эсига тушганда. – Ох, қандай яхши! Қандок роҳатижон! – деб кўяр ва эски одатига кўра ўз-ўзидан: хўш, кейин-чи, кейин нима бўлади? Мен нима қиламан, деб сўрар ва шу оннинг ўзида жавоб берарди: ҳеч нима қилмайман, фақат яшайман. Нақадар яхши!

Пьерни илгарилари кийнаган, Пьер доим излаб юрган нарса – яшашдан мақсад нима деган савол унинг учун энди йўқ эди. – Шунча вақтдан бери қидириб юрган яшашдан мақсад нима деган саволнинг йўққа чиқиши Пьер учун тасодифий, шу оннинг ўзида пайдо бўлган гап эмас, аксинча, бундай мақсад йўқ ва бўлиши мумкин эмаслигини Пьер сезмоқда эди. Мана шу мақсаднинг йўқлиги Пьерга том озодликнинг нашъали туйғусини бағишлар ва бу туйғу шу кунлари унинг бахт-саодатини ташкил қилар эди.

Унинг мақсади бўлиши мумкин эмасди, чунки ҳозир унинг ишончи бор эди. Эндиликда у бирон қоида-қонун, сўз ва ё фикрга эмас, балки борлиги ҳаминша сезилиб турган

худоба ишонар эди. Илгарилари Пьер худони олдига қўйган мақсадларидан қидирарди. Мақсадни қидириш, худони қидириш демак эди, бироқ тўсатдан асоратда юрган чоғларида сўз билан, фикр-мулоҳаза билан эмас, балки бевосита туйғу билан англадики, бир вақтлар энагаси айтганидек, худо, мана, қаршисида турар экан ва ҳамма ерда ҳозир-у нозир экан. Пьер асоратда юрган вақтлари шу нарсани билдики, Каратаевнинг худоси масонлар эътироф этадиган дунё Архитектонига қараганда буюк ва ақл етмайдиган даражада чексиз экан. Пьер узокқа қарай бериб, кўзлари толикқандан сўнг, қидираётган нарсасини оёғи остидан топган кишининг туйғусини ҳис этмоқда эди. Умр бўйи у атрофидагиларнинг боши оша қаёққадир, йироққа қараб келган экан, ваҳоланки, кўзларини толиқтирмасдан, фақат қарши-сига, олдига қараса кифоя экан.

Пьер улуғ, ақл етмайдиган даражада чексиз худонинг илгари ҳеч нарсада кўринишини кўра олмас эди. Шу нарса қаердадир бўлиши кераклигини у билар ва умр бўйи уни изларди. Ўзига яқин ва тушунарли нарсаларнинг ҳаммасида у кундалик ҳаётга оид маҳдуд, беҳуда ва бемаъни икир-чикирларнигина кўрар эди, холос. У маънавий дурбинни олиб, узокларга қарар ва кундалик ҳаётнинг мана шу майда-чуйда нарсалари туманда йироқдан яхшироқ кўринмагани учун, назарида, буюк ва беқиёс бўлиб кўринарди. Сиёсат, масонлик, фалсафа билан шуғулланиб юрганида ҳам, филантропияга берилиб юрганида ҳам шундай бўлиб кўринган эди. Лекин ўшанда ҳам, ўзини ожиз сезган дақиқаларида ҳам унинг ақли мана шу узокликларни илғаган ва у ерда кундалик ҳаётга оид мана шу маъносиз икир-чикирларни кўрган эди. Эндиликда эса Пьер буюк, абадий ва интихосиз нарса ҳамма ерда ҳозир-у нозир эканлигини кўра олишга ўрганди. Шунинг учун табиийки, уни дурустроқ кўрмоқ, томошасидан лаззат олмоқ учун шу маҳалга қадар одамлар боши оша қараб келган дурбинни улоктириб юборди-да, атрофида доимо ўзгариб турадиган, доимо буюк, интихосиз ва беназир ҳаётни хушнудлик билан мушоҳада эта бошлади. Бу ҳаётга у қанчалик яқиндан қараса, шунчалик ўзини осуда ва масъуд

сезар эди. Илгари бутун фикрий назарияларини барбод қилган мудҳиш саволдан: «Нима учун?» деган саволдан энди кутулган эди. «Нима учун?» деган саволга ҳозир унинг қалбида жўнгина бир жавоб: шунинг учунки, худо бор, бу ўша худоки, унинг амрисиз кишининг бошидан бир тола сочи ҳам тушмайди, деган жавоб хамиша тайёр турар эди.

ХШ

Пьер зоҳиран деярли ўзгармаган эди. Кўринишда илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди. У ҳамон аввалгидай ларишонхотир, ҳамон диққат-эйтибори қаршисида турган нарсалар билан эмас, балки хаёлидаги аллақандай муҳим бир нарса билан банд кўринар эди. Унинг илгариги ҳолати билан ҳозирги ҳолати орасидаги тафовут шундан иборат эдики, илгари кўз олдидаги нарсани ва ўзига айтилган гапни унутганида, худди бир жойи озор тошгандай, пешонасини тириштириб, ўзидан йироқда турган бир нарсани кўришга ўргангандай ва уни кўролмагандай бўларди. Ҳозир ҳам у кўз олдида турган нарсалар ва эшитган сўзларини унутиб кўярди, лекин ҳозир кўзига тамоман бошқа нарса кўриниб, қулоғига бошқа нарса кираётган бўлса ҳам, билинар-билимас истехзоли табассум билан қаршисидаги нарсага синчиклаб қарар ва айтилган сўзларга диққат билан қулоқ соларди. Илгари у кўнгилчан одамдай кўринса ҳам, бахтсиз эди, шунинг учун одамлар, беихтиёр, ўзларини ундан олиб қочар эдилар. Энди эса, шодли ҳаёт табассуми унинг дудоқларидан аримас, кўзларида эса, сизлар ҳам мен сингари ҳаётдан мамнунмисизлар, деган ҳамдардлик учқуни чакнаб турар эди. Шунинг учун одамлар унинг суҳбатида яйраб ўтиришарди.

Илгарилари Пьер кўп гапирар, гапирганда қизишиб кетар ва гапга кам қулоқ солар эди; ҳозир эса аҳён-аҳёнда гапирар ва сўзга шундай қулоқ осардики, одамлар жон деб унга дилларидаги сирларини айтишарди.

Пьерни ҳеч қачон яхши кўрмаган ва кекса графнинг вафотидан сўнг Пьер олдида ўзини бурчли сезгани учун ҳам адовати ҳаддан ошган кекса княжна Орёлга келиб уч-тўрт

кун турганидан кейин Пьер ўзига ёқиб қолганини кўриб, ҳам афсусланди, ҳам хайрон қолди, чунки унинг Орёлга келишдан мақсади, «сен кадримга етмасанг ҳам мен сенинг аҳволингдан хабар олишни ўз бурчим деб биламан» деган сўзни Пьерга исботлашдан иборат эди. Княжнага Пьер ҳеч қандай мулозамат, илтифот кўрсатмади. У княжнани қизиқсиниб бошдан оёқ кўздан кечирарди, холос. Илгари кекса княжна Пьернинг нигоҳида аллақандай бир этиносизлик ва истехзо борлигини сезарди, шунинг учун бошқалар олдида қандай ўтирса, унинг олдида ҳам шундоқ қунишиб ўтирар, ўзининг энг ёмон томонинигина кўрсатарди; ҳозир Пьер, княжна назарида, худди унинг ҳаётидаги энг яширин сирларни англашга тиришаётгандай кўринар; княжна аввал ҳадиксираб, кейин боши кўкларга етиб, ўзининг энг яхши, энг олийжаноб хислатларини кўрсата бошлади.

Энг айёр киши ҳам бунчалик маҳорат билан княжнанинг ишончини қозониб, унинг ёшлик хотираларини сўзлата олмас ва бу хотираларга хайрихоҳлик билдириб, унинг эти билан териси орасига қира олмас эди. Ваҳоланки Пьернинг бутун айёрлиги ғазабнок, сўхтаси совуқ ва ўзига етунча мутақаббир княжнада инсоний фазилатларни уйғотиб хузур қилишдан иборат эди.

– Ҳм, у ёмон одамларнинг эмас, балки менга ўхшаганларнинг таъсири остига тушса, жуда олийжаноб бўлиб қоларкан, – дерди ўз-ўзича кекса княжна.

Пьерда юз берган ўзгаришни хизматкорлари – Терентий билан Васька ўзларича тушунишди. Уларнинг назарида Пьер жуда тўпори бўлиб қолгандай эди. Терентий аксар хўжасини ечинтириб, хайрли кеч тилаб бўлгандан кейин, қўлида этик, уст-бош, хўжам бирон гапга тутмасмикин, деб жўрттага уйда ивирсиб юрарди. Пьер, кўпинча, Терентийнинг гапиргиси келаётганини сезиб, уни тўхтатарди.

– Ҳой, менга қара... қорин масаласини қандай қилдиларинг? – деб сўради Пьер. Терентий Москванинг талон-торож бўлганидан, марҳум графдан сўз очиб, баъзан Пьернинг гапларини тинглаб, қўлида кийимбош билан узоқ вақт туриб қолар, хўжасининг кўнгилчан ва меҳрибон бўлиб

колганидан боши осмонга етиб, даҳлизга чикиб кетарди.

Пьерни муолажа қиладиган ва кунда келадиган доктор, ҳамкасблари одатига кўра жони оғриётган одамлар учун ҳар бир дақиқаси олтин билан тенг деб кўрсатишни лозим топса ҳам, Пьернинг олдида узундан узоқ ўтириб қолар, ўзи яхши кўрадиган саргузаштларини, касаллар, айниқса хотин зотидан бўлган касалларнинг хулқ-атворига оид баъзи бир мушоҳадаларини сўзлаб берарди.

– О, мана мунақа одам билан ҳамсухбат бўлсанг, жовнинг роҳат қилади, бизнинг шаҳримиздагилар ҳам одам у, – дерди у.

Орёлда бир нечта асир француз офицери яшарди, бир куни шулардан бирини, ёшгина итальян офицерини доктор эргаштириб келди.

Бу офицер кейинчалик Пьернинг олдига тез-тез келадиган бўлиб қолди ва княжна унинг Пьерга меҳр қўйганини кўриб куларди.

Итальян, афгидан, Пьернинг олдига келиб у билан ҳамсухбат бўлганда, ўз саргузаштини, ўз уйида кечирган ҳаётини, ошиқ бўлиб юрган дамларини унга гапириб берганда ва французларга, айниқса, Наполеонга нисбатан бўлган адоватини унга тўкиб-солиб, юрагини бўшагандагина ўзини бахтиёр сезарди.

– Қани энди, бошқа руслар озгина бўлса-да, сизга ўхшаса эди, – дерди у Пьерга, – унда сизга ўхшаган халқ билан урушмоқ жиноят бўларди. – Французлардан шунчалик жабр-жафо кўриб ҳам уларга қарши кек сакламайсиз-а.

Пьер итальяннинг қалбидаги энг яхши туйғуларни уйғотиб, бундан ўзи баҳра олгани учун унинг жўшқин муҳаббатига сазовор бўлган эди.

Пьер Орёлда турган сўнгги кунлар, кадрдон дўсти, масонграф Вилларский келиб қолди; бу 1807-йилда Пьерни масонлар ложасига киргизган ўша Вилларский эди. Вилларский Орёл губерниясида жуда катта мулки бўлган бир бой рус аёлига уйланган бўлиб, ҳозир шаҳарда, озик-овқат ишлари билан шуғулланадиган бир муассасада вақтинча ишлаб юрар эди.

Безухов Орёлда эканини билгач, Вилларский, ҳеч қачон Пьер билан яқиндан таниш бўлмаса ҳам, одатан чўлда дуч келиб қолган кишилар сингари Пьерга дўстлик ва муҳиблик изҳор қилгани келди. Вилларский Орёлда зеркиб юрган эди, шунинг учун ўз доирасидан бўлган кишини учратганидан жуда хурсанд бўлди, у ўз ақидасига кўра Пьерни маслақдош деб биларди.

Бироқ кўп ўтмай Вилларскийнинг кўзига Пьер ҳақиқий ҳаётдан орқада қолган, руҳан тушқун ва худбин бўлиб қолгандай кўринди ва бунга жуда таажужланди.

– Сиз тушқунликка тушяпсиз, дўстим, – деди у Пьерга. Лекин шундай бўлса ҳам, Пьернинг суҳбати Вилларскийга илгаридан кўра кўпроқ ёқар ва ҳар кун Пьернинг олдига келарди. Пьер Вилларскийнинг афт-башарасига қараб, сўзларига кулок бериб ўтираркан, яқиндагина ўзи ҳам шундай бўлганига таажужбланир ва ҳайрон қоларди.

Вилларский оилали киши бўлиб, хотинининг мулки, ўз хизмати ва оилавий ишлари билан шуғулланиб юрарди. Назарида бу ишларнинг ҳаммаси ҳаётдаги бир тўскинлик бўлиб кўринар ва булар ўзи ва оиласининг шахсий манфаати учун қилинаётганидан улардан жирканарди. Вилларскийнинг бутун диққати ҳарбий, маъмурий, сиёсий ишлар ва масонлякка оид ишлар билан банд эди. Пьер Вилларскийнинг ақидасини ўзгартиришга уринмас, уни қораламас, дудокларидан сира аримайдиган мулойим, нашъали табасум билан бир вақтлар ўзи бошдан кечирган бу ғалати аҳволни қизиқсиниб томоша қилар эди.

Пьер ҳамма билан: Вилларский, княжна, доктор ва кунда кўриб турадиган бошқа кишилар билан бўлган муносабатида ҳамманинг ҳусни таважжухини қозонадиган янги бир ҳислат: ҳар нарсага ҳар ким ўз нуқтан назари билан қарай билиши, ўзича ўйлаши, ўзича сезиши мумкинлигини эътироф қилиш, одам ақидасини сўз билан ўзгартириб бўлмасликни эътироф қилиш каби янги ҳислатлар пайдо бўлган эди. Ҳар бир инсонга хос бўлган бу нарсалар илгари Пьерни ҳаяжонлантириб, ғашига тегса, ҳозир одамларга бўлган унсият ва қизиқиш негизини шу нарса ташкил

қиларди. Бошқаларнинг нуқтаи назари ўзининг ва ўзгаларнинг нуқтаи назарига тўғри келмаганини, баъзан қарама-қарши эканини кўриб Пьер суюнар ва мулойимгина жилмайиб кўяр эди.

Амалий иш масаласига келганда Пьер тўсатдан ўзида илгари бўлмаган бир марказий сиқлат пайдо бўлиб қолганини сизди. Илгари пулга доир масалалар, айниқса, давлатманд бўлгани учун одамларнинг ҳадеб пул сўраб келишлари Пьерни оғир аҳволга солиб, гангитиб кўярди. У ўз-ўзидан, «Берсаммикин, бермасаммикин? – деб сўрар эди. Менинг пулим бор, бу одамга жуда зарур. Бошқа одамга эса, бундан ҳам зарурроқ. Қайси бирига борсам экан? Балким, иккаласи ҳам алдамчидир?» Илгари Пьер бу тахминларнинг биронтасидан бир хулоса чиқара олмас ва қўлида қанча пул бўлса, ҳаммасини улашиб юборарди. Илгари ўз мулкига доир масалаларда ҳам, биров ундоқ қилиш керак, бошқа биров мундоқ қилиш керак, деб маслаҳат берганда ҳам Пьер айнан шундай гангитиб қоларди.

Энди кизиғи шуки, бунақа масалаларда у иккиланмас ва бош оғритиб ўтирмас эди. Ҳозир унинг калбидаги ҳакам, Пьернинг ўзи ҳам билмайдиган алақанақа қонун-қоидаларга биноан нимани қилиш керак-у, нимани қилмаслик кераклигини ҳал этарди.

Пул масаласига у ҳамон илгаригидай лоқайд эди, лекин ҳозир нимани қилса бўлади-ю, нимани қилмаслиги керак эканини шубҳасиз биларди. Бир француз полковниги Пьернинг олдига келиб, ўз қахрамонликларидан узундан узун ҳикоя қилиб охирида эса илтимос тариқасида эмас, балки талабга яқин бир тарзда, тўрт минг франк берсангиз, болачақамга юборар эдим, деб сўраганда, бу янги қози ўзининг биринчи ҳукмини чиқарди. Пьер изза бўлиб, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, полковникнинг илтимосини рад этди, илгари мушкул ва муаммодай кўринган бу ишни бунчалик жўн ва осон эканлигига кейинчалик ўзи ҳайрон қолди. Айни бир вақтда, Пьер полковникнинг илтимосини рад қила туриб, итальян офицери пулга муҳтож бўлса керак, Орёлдан кетаётганимда бир илож қилиб уни пул олишга мажбур

килиш керак, деган қарорга келди. Пьер амалий ишларда ўзида янги нуқтаи назар пайдо бўлганини хотини Эленнинг қарзига доир масалаларда, Москвадаги ҳовлилар ва дачаларни қайтадан тиклаш ё тикламаслиқ масаласида кўрди.

Пьер Орёлда эканида бош гумаштаси келди. Пьер у билан бирга ўзгарган даромадларининг ҳисоб-китобини килиб чиқди. Бош гумаштаннинг ҳисобига қараганда, Москва ёнғинидан Пьер икки миллион сўм чамаси зарар кўрган эди.

Бу талафотларнинг эвазига гумашта Пьерга шундоқ бир режани тавсия этди: агар Пьер графинядан қолган қарзларни тўлашдан (чунки уларни тўлашга мажбур эмасди), ҳар йил саксон минг сўмга тушадиган ва бир чақа фойда бермайдиган Москвадаги ҳовлиларни ва Москва ташқарисидаги дачаларни қайтадан тиклашдан воз кечса, унинг даромади, кўрган зараридан қатъи назар, камаймас, балки ошарди.

– Ҳа, балли, шундоқ қилиш керак, – деди Пьер хурсанд бўлиб жилмайиб. – Рост, буларнинг биронтаси ҳам менга керакмас. Мол-мулким талон-торож бўлгандан кейин мен хийла бойидим.

Бироқ январь ойида Москвадан Савельич келди, Москвадаги аҳвол тўғрисида, у ердаги ҳовлилар ва шаҳар ташқарисидаги дачаларни қайта тиклаш учун архитекторнинг сметаси ҳақида Пьерга гапириб берди, унинг сўзига қараганда, гўё бу масала аллақачонлар ҳал бўлган экан. Шу кунлари Пьер князь Василийдан ва Петербургдаги бошқа ёрдўстларидан мактуб олди. Бу мактублар хотинининг қарзи ҳақида ёзилган эди. Пьер бошда шунчалик маъқул кўринган гумаштаннинг режасини нотўғрига чиқарди ва Петербургга бориб хотинининг қарзини узиш, ундан кейин Москвага қайтиб иморат солишга қарор берди. Бунинг нимага кераклигини ўзи билмаса ҳам, шундоқ қилиш кераклигига кўнгли шаходат бериб турар эди. Бу ишлар оқибатида унинг даромади тўртдан уч ҳисса камайди. Лекин шундоқ қилмаса бўлмас ва буни кўнгли сезиб турар эди.

Вилларский Москвага кетаётган эди, улар бамаслаҳат бирга жўнамоқчи бўлишди.

Пьер Орёлда қасалиқдан тузалаётган кунлари ўзини

шод-хуррам, эркин ва ҳаётдан мамнун эканини сезган эди, бироқ сафарда, ёруғ дунёга чиқиб, юзларча янги одамни кўрганида бу туйғуси яна ҳам кучайиб кетди. Бутун сафар давомида Пьер худди дарсдан озод бўлган мактаб боладай, шодлиги ичига сигмай қолди. Ҳамма одам: извопчи ҳам, бекаат назоратчиси ҳам, йўлда ё қишлоқда рўпара келиб қолган деҳқон ҳам унинг учун янги маъно касб этди. Россиянинг кашшоқлиги, Европадан орқада қолганлиги ва жоҳиллигидан муттасил шикоят қиладиган Вилларскийнинг ҳамроҳлиги ҳам, гаплари ҳам Пьернинг хурсандлигини оширарди. Вилларский қаерда ҳаёт сўнганлигини кўрса, Пьер ўша ерда ҳаёт фавқулодда тарзда барқ урганлигини, мана шу фазода ва қорда яхлит ва ягона халқнинг ҳаётига жон бағишлаган кучни кўрарди. У Вилларскийга эътироз билдирмас ва уни тингларкан, фикрларига қўшилаётгандай (чунки ҳеч қандай натижа бермайдиган бахс-мунозарадан қочишнинг энг осон йўли, ёлғондан унинг гагини маъқуллаш эди) хурсанд бўлиб жилмайиб кўяр эди.

XIV

Уяси бузилган чумолилар бири хасни, бири тухумини, бири ўлигини судраб қаёққадир шошаётган вақтда, бошқаси уясига томон югуриб келаётганини, нима учун бир-бирига тўқнашиб, бир-бирига етиб олишиб, урушишларини тушунтириш қанчалик қийин бўлса, французлар чиқиб кетгандан кейин илгари Москва деб аталган ерга ёпирилиб келишга русларни нима мажбур қилганини ҳам тушунтириш шунчалик қийин эди. Вайрон бўлган уяси атрофида тўзиб юрган чумолиларга қараб, уяси таг-туби билан бузилиб кетганидан қатъи назар, уларнинг сон-саноксизлиги, жони қаттиклиги, ғайрати ва тиришқоқлигидан ҳамма нарса емирилган бўлса ҳам, лекин уянинг бутун кучини ташкил этган ғайримоддий, бузилмас бир нарса омон қолгани кўришиб турганидек, октябрь ойида Москва ҳам, шаҳар бошлиқларининг йўқлиги, церковлар, азиз жойлар, бойликлар ва ҳовдиларнинг вайрон бўлиб кетганлигига қарамасдан, ўша август ойидаги Москвага ўхшарди. Ҳамма нарса ер билан яқсон бўлган,

факат ғайримоддий, лекин бузилмас ва кудратли бир нарса омон қолган эди.

Москва душмандан тозалангандан сўнг шаҳарга ҳар томондан ёпирилиб келаётган кишиларнинг ниятлари ҳар хил эди, шахсий ният, биринчи кунларда кўпроқ хайвоний ва ваҳший ният билан келганлар бор эди. Ёлғиз битта ният ҳамма учун муштарак эди, бу ҳам бўлса, илгари Москва деб аталган ерга тезроқ кириб бориш ва ўз хунарини ишга солиш истаги эди.

Бир ҳафтадан сўнг Москва аҳолиси ўн беш мингга, икки ҳафтадан сўнг йигирма беш мингга етди.

Бу рақам кун сайин ошавериб, 1813-йилнинг кузига бориб, 1812-йилнинг аҳолисидан ҳам ошиб кетди.

Москвага илк қадам қўйган руслар – Винценгероде отрядининг казаклари, шаҳарга яқин қишлоқларнинг деҳқонлари ва Москвадан қочиб унинг атрофида жон сақлаган аҳоли эди. Талон-торож бўлиб кетган Москвага кириб олган руслар унинг таланганини кўриб, ўзлари ҳам талай бошладилар. Улар французлар қилган ишни давом этгирдилар, деҳқонларнинг аравалари ғорат бўлган шаҳарнинг кўча ва ҳовлиларида қолиб кетган ул-булларни қишлоқларга ташиб кетиш учун Москвага келарди. Казаклар олиб кетиши мумкин бўлган ҳамма нарсани ўз қароргоҳларига олиб кетдилар, ҳовли эгалари эса «бизники эди» деган баҳона билан бошқа ҳовлиларда ётган нарсаларни ўз ҳовлиларига ташидилар.

Лекин биринчи талончининг кетидан иккинчи, учинчиси келаверди, талончиларнинг сони кўпайган сайин талаш ҳам қийинлашаверди ва бориб-бориб муайян бир шакл олди.

Французлар кирганда Москва бўм-бўш бўлса ҳам, ҳар қалай, шаклан дуппа-дуруст ҳаёт кечираётган шаҳарга ўхшарди, савдо-сотик, майда хунармандчилик, зеб-зийнат, давлат идораси, диний муассасалар, ҳаммаси, ҳаммаси бор эди. Бу нарсалар жонли бўлмаса ҳам, лекин хали мавжуд эди. Расталар, дўконлар, магазинлар, капшонлар, бозорлар бор эди, буларнинг кўпчилигида мол бор эди; фабрикалар, майда хунармандчилик корхоналари бор эди; зеб-зийнат

асбобларига тўла қасрлар ва ҳовлилар бор эди; касалхона, авахта, маҳкама, черков ва жомелар бор эди. Французлар қанчалик кўп туришса, шаҳар ҳаётининг бу шакллари шунчалик кўп емириларди ва ниҳоят бир-бирига аралашиб-қуралашиб кетиб, жонсиз ғорат майдонига айланди.

Французларнинг ғорати қанчалик узоқ давом этса, Москва бойликлари ва ғоратчиларнинг кучлари шунчалик кўп барбод бўларди. Пойтахтнинг ишғол этилиши билан бошланган русларнинг ғорати қанча узоқ давом этса, унинг иштирокчиси шунча кўнаяр, Москванинг бойлиги ва шаҳарнинг мўътадил ҳаёти шунча тез тикланарди.

Ғоратчилардан ташқари Москвага жуда кўп мухталиф одамлар: биров томоша қилгани, биров хизмат юзасидан, биров бир нима орттиргани келарди. Мулкдорлар, руҳонийлар, катта ва кичик амалдорлар, савдогарлар, косиблар, деҳқонлар юракка қараб оқаётган қон каби ҳар томонда Москвага қараб оқиб келмоқда эди.

Бир ҳафтадан сўнг улбул орттириб кетамиз деб, арава олиб келган деҳқонларни шаҳар бошликлари тўхтатишди ва уларни шаҳар кўчаларида ётган жасадларни ташишга мажбур қилишди. Бошқа деҳқонлар, шериклари ҳеч нарса қўлга киритолмаганидан хабардор бўлиб, шаҳарга нон, сули, пичан ортиб келишди ва бир-бирининг нархини тушириб, илгаригидан ҳам арзонига сотаверишди. Кўпроқ пул ишлаб олиш пайига тушган дурадгорлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳар кун шаҳарга келмоқда, қаерга қарама, ҳамма ерда янги уйлар солинмоқда, эски ўт тушганлари тузатилмоқда эди. Савдогарлар тахтадан ясалган енгил-елпи бостирмаларда савдосотиқни бошлаб юборишди. Чала битган уйларда ошхона ва карвонсаройлар очилди. Омон қолган кўчгина ибодатхоналарда руҳонийлар ибодатни бошлаб юборишди. Назр қилувчилар бутхоналардан ўғирлаган нарсаларни қайтариб олиб келиб беришди. Амалдорлар мовут сирилган столлари ва қоғоз солинган шкафларини кичкина бўлмаларга қўйиб, ишлай бошлашди. Юқори даражали бошликлар билан полиция французлардан қолган нарсаларни улашиб билан шуғулланди. Бошқа ҳовлилардан қўлларига тушганини та-

шиб келган уй эгалари, бу нарсаларни Грановитая палатага элтиб бериш адолатсизлик эмасми, деб шикоят қила бошладди, бошқалар, французлар бу нарсаларни бошқа ховлилардан олиб чиқиб, бир жойга йиққан, энди унинг ховлисидан топилди деб, бу нарсаларнинг ҳаммасини ховли эгасига қолдириш нотўғри бўлади, деб норозилик баён қила бошладди. Биров полицияни сўкар, биров уларга пора берар, биров ёниб кетган пошшолик буюмларига ўн хисса ортиги билан смета тузар, биров ёрдам берилишини талаб қиларди. Граф Ростопчин эса мурожаатномалар ёзиш билан машғул эди.

XV

Январнинг охирида Пьер Москвага келди ва ёнғиндан омон қолган кичкина хужрасига жойлашди. У граф Ростопчиннинг олдига бориб келди. Москвага қайтиб келган баъзи бир ёр-ошноларини бориб кўрди ва учинчи куни Петербургга жўнамоқчи бўлди. Ҳамма ғалабани байрам қилмоқда, талон-торож бўлган бўлса-да, аста-секин тирилаётган пойтахтда ҳаёт қайнамоқда эди. Пьернинг эсон-омон қайтиб келганига ҳамма хурсанд: ҳамма уни кўришга мушток, ҳамма унинг саргузаштига қизиқарди. У ким билан кўришмасин ҳаммасига нисбатан қалбида дўстлик хисси борлигини сезар, лекин биронтасининг тузоғига илиниб қолмаслик учун, беихтиёр ҳамма билан эҳтиёт бўлиб муомала қиларди. Унга қандай савол беришмасин, муҳимми, арзимасми, чунончи, қаерда турмоқчисиз? Иморат соласизми? – деб сўрашадими, қачон Петербургга жўнайсиз, кичкина бир қути бор эди, шунини олиб кетмайсизми? деб сўрашадими, ҳаммасига у ҳа, балким, ўйлаб кўраман ва ҳоқазо деб жавоб қайтарарди.

У Ростовлар Костромада эканини эшитди, лекин Наташа эсига камдан кам келарди. Эслганда ҳам аллақачонлар бўлиб ўтган бир ширин хотира каби эсларди. Пьер ўзини фақат турмуш тапвишларидан эмас, балки назарида, атайлаб юрагидан жой берган бу туйғудан ҳам ўзини озод деб биларди.

Москвага келганига уч кун бўлди деганда у Друбешкийлардан княжна Марья Москвада эканини эшитиб қолди. Князь Андрейнинг ўлими, чеккан азоби ва ўлим тўшагида ётган сўнги кунлари тез-тез Пьернинг эсига келиб турар эди, ҳозир бу хабарни эшитгач, буларнинг ҳаммаси янгидан кўз олдига келди. Дастурхон устида княжна Марья Москвада, ёнғиндан омон қолган Воздвиженка кўчасидаги ҳовлисида турганини эшитиб, Пьер шу кечаёқ унинг олдига борди.

Пьер княжна Марьянинг олдига бораётиб, бутун йўл бўйи князь Андрейни, ўзининг у билан бўлган дўстлик муносабатларини, турли ерларда, айниқса, сўнги марта Бородинода учрашганини ўйлаб борди.

«Наҳотки князь Андрей ўша ёмон кайфият билан оламдан ўтган бўлса? Наҳотки ўлишидан олдин ҳам ҳаётнинг маъноси унга аён бўлмаган бўлса?» – деб ўйларди Пьер. У Каратаевни, унинг қандай ўлганини эслади, бир-бирига сира ўхшамаган, шу билан бирга иккаласини ҳам бир хилда яхши кўрган, иккаласи ҳам дунёдан ўтгани учун бир-бирига жуда ўхшаб кетган бу икки кишини бир-бирига муқояса қила бошлади.

Пьер нохуш кайфиятда кекса князнинг ҳовлисига етиб келди. Ҳовли унчалик зарар кўрмаган эди. Сал-пал шикаст еган бўлса ҳам, лекин туси қадимгидек эди. Пьерни қарши олган кош-қовоғи солиқ кекса официант, худди князь ўлган бўлсалар ҳам уйдаги тартиб-қоида ўзгаргани йўқ, демокчи бўлгандай, княжна ўз бўлмаларидалар, аммо яқшанба кунларигина қабул қиладилар, деди.

– Менинг келганимни бориб айт, балким, қабул этар, – деди Пьер.

– Ҳўп, – деди официант, – сиз суратлар хонасига кириб туринг.

Бир неча дақиқадан сўнг официант билан Десаль Пьернинг олдига чиқди. Десаль Пьернинг келганига княжна жуда хурсанд бўлганини, агар такаллуфсизлигини кечирса, юқориға, ўз бўлмасига чиқишини илтимос қилаётганини арз этди.

Княжна биттагина шам ёритиб турган пастаккина хона-

да қора либос кийган бир кимса билан ўтирган эди. Княжнанинг олдида ҳамма вақт суҳбатдошлари бўлишини Пьер биларди, лекин уларни танимас ва хотирида олиб қолмас эди. Пьер қора кийган хонимга кўз қирини ташлаб: «Бирон суҳбатдоши бўлса керак-да», – деб ўйлади.

Княжна ўрнидан туриб Пьерни қаршилади ва қўлини чўзди.

Қўлини Пьер ўпгандан сўнг, княжна Марья унинг ўзгариб кетган юзига тикилиб:

– Ҳм, – деди, – буни қаранг, қандай шароитда учрашяймиз. Сўнгги кунларда ҳам уқам сизни жуда кўп тилга оларди, – деди княжна уялиқираб нигоҳини Пьердан олиб ўз суҳбатдошига тикаркан, Пьер княжванинг уялаётганини пайқаб, бир лаҳзагина хайрон қолди.

– Озод бўлганингизни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Кўндан бери эшитган бирдан бир хушxabаримиз ҳам шу, – княжна яна безовталаниб суҳбатдошига қараб оғиз жуфтлаган эди, Пьер унинг сўзини бўлди.

– Биласизми, мен князь Андрейнинг вафот этганини сира эшитмаган эдим, – деди Пьер, – мен жангда ҳалок бўлган бўлса керак деб ўйлаб юрган эдим. Князь Андрей ҳақида нима эшитган бўлсам, ҳаммасини буткул бегона одамлардан эшитдим. Лекин касалик чоғида Ростовларникида ётганини билувдим... Тақдирни қаранг-а!

Пьер жонланиб, тез-тез гапирарди. У надиманинг юзига кўз ташлаб, унинг мароқ билан завқланиб тикилиб турганини кўрди-ю, одатан суҳбат вақтида бўладиганидек, қора либос кийган бу надима ёкимли, меҳрибон ва яхши бир аёлдир, менинг княжна билан ҳасратлашишимга ҳалал бермас, деган ўйга борди.

Бироқ Пьер Ростовлар ҳақидаги сўнгги сўзи княжна Марьяни довдиратиб қўйди, у кўзини Пьердан олиб қора либос кийган хонимга тикаркан:

– Чиндан ҳам танимаётибсизми? – деди.

Пьер яна суҳбатдошнинг оқаринқираган нозик юзига, қора кўзларига, ғалатирок кўринган оғзига қаради.

Диққат билан тикилиб турган бу кўзларда аллақачонлар

унутилган қадрдон ёқимтойликни кўрди.

«Йўғ-э, ундай бўлиши мумкин эмас, — деди ичида Пьер. — Шу жиддий, озгин оқаришқираган кексарган юз-а? Сира-сира у эмасдир. Бунинг хотираси, холос». Бироқ шу он княжна Марья: «Наташа» деб юборди. Диққат билан тикилиб турган юз, занглаган эшикнинг зўрға очилиши сингари, зўрма-зўраки жилмайди ва қия очилган эшиқдан Пьернинг димоғига бирдан аллақачонлар унутилиб кетган ва, айниқса, ҳозир сира хаёлига келмаган бахт хиди урилиб, унинг бутун вужудини камраб олди. Қора либосдаги хоним жилмайдигандан сўнг Пьернинг шубҳасига ўрин қолмади. Бу Наташа эди ва Пьер уни севарди.

Илк дақиқадаёқ Пьер беихтиёр Наташага ҳам, княжна Марьяга ҳам, энг муҳими, ўзига ҳам шу маҳалгача маълум бўлмаган бир сирни айтиб қўйди. У севинчидан ҳам қизариб кетди, ҳам бир ери оғригандай бўлди. У ўзининг ҳаяжонини билинтирмасликка ҳаракат қилди. Бироқ бу ҳаяжонни яширишга қанчалик уринмасин, Наташани севиниши ўзига ҳам, Наташага ҳам, княжна Марьяга ҳам сўз билан айтгандан кўра кўпроқ билинтириб қўйди.

«Йўғ-э, кутилмаган тасодифдан шундоқ бўлди», — деди ичида Пьер. Бироқ княжна Марья билан бошлаган суҳбатини давом эттирмоқчи бўлган чоғида унинг кўзи яна Наташага тушди-ю, илгаригидан ҳам кўпроқ қизариб кетди, қалбини эса янада кучлироқ бўлган севинч ва кўрқув ҳаяжони олди. У гапираётган гапидан адашди ва сўзини охирига етказолмай, тўхтаб қолди.

Пьер Наташани бу ерда кўраман, деб сира ўйламагани учун кирган замони унга эътибор бергани йўқ эди. Лекин танимаганининг сабаби шуки, Наташа Пьер кўргандан бери хийла ўзгариб қолган эди. У озиб кетган ва ранг-рўйи оқарган эди. Лекин уни танимайдиган қилиб қўйган нарса бу эмасди: Пьер кириб келган дақиқада Наташани таниши мумкин эмасди, чунки илгарилари Наташанинг юз ва кўзларида пинҳоний ҳаёт севинчи ҳамиша барқ уриб турар эди. Пьер бўлмага кирган ва унга кўзи тушган биринчи дақиқада эса, унинг юз ва кўзларида ўша табассумдан сира асар йўқ, фақат

диққат билан тикилаётган ёкимли, маҳзун – саволомуз кўзлар бор эди, холос.

Пьернинг уялинқираганини кўриб Наташа, уялинқирамади, лекин чиройи салгина очилиб юзида мамнуният аломати пайдо бўлди.

XVI

– Наташа бизникида меҳмон бўлиб турибди, – деди княжна Марья. – Граф билан графиня ҳам бугун-эрта келиб қолишар. Графиня жуда оғир аҳволда. Лекин Наташа ўзини докторга кўрсатиши керак эди, шунинг учун кўярда-кўймай мен билан бирга юборишди.

– Ғам-гуссасиз оила қолдимикин ўзи? – деди Пьер Наташага қараб. – Биласизми, бу ҳодиса биз озод бўлган куни содир бўлди. Мен ўз кўзим билан кўрдим. Қандай ажойиб йигитча эди!

Наташа Пьерга қараб тураркан, унинг сўзларига жавобан кўзлари яна ҳам каттароқ очилиб порлаб кетди.

– Нима деб тасалли бериш, нима деб ўйлаш мумкин? – деди Пьер. – Забон лол. Наҳотки ҳаёти барқ уриб турган шундоқ навқирон йигитча ўлиб кетсая?

– Эътиқодсиз бу замонда яшаш қийин... – деди княжна Марья.

– Рост айтасиз. Бу ҳақ гап, – деди Пьер шошиб-пишиб, унинг сўзини бўлиб.

– Нима учун? – деб сўради Наташа Пьернинг кўзларига боқиб.

– Нима учуни борми? – деди княжна Марья. – У дунёда нималар бизни кутиб тургани ҳақидаги фикрнинг ўзи...

Наташа княжна Марьянинг сўзларини охиригача эшитмай, яна Пьерга саволомуз қаради.

– Шунинг учунки, – деди Пьер, – тепамизда турган худонинг борлигига ишонган кишигина бу кишининг бошига тушган мусибатга ва сизнинг бошингизга келган мусибатга сабр-бардош қила олади, – деди Пьер.

Наташа бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, яна бирдан тўхтади. Пьер шошиб-пишиб ундан юзини ўгирди-

да, княжна Марьяга қараб ўз дўстининг сўнгги кунлари ҳақида саволлар бера бошлади. Пьернинг илгариги уятчанлигидан асар қолмади, лекин шу билан бирга у аввалги эркидан батамом айрилганини сизди. У ўзининг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатини мушоҳада қилиб турган бир ҳакам борлигини, бу ҳакамнинг ҳукми у учун дунёдаги барча одамларнинг ҳукмидан қимматроқ эканини сизди. У ҳозир гапириб туриб, шу билан бирга айтган сўзлари Наташада қандай таассурот қолдиришини ўйларди. У атайлаб Наташага ёқиши мумкин бўлган сўзларни гапирмас эди. Лекин нима гапирмасин, Наташанинг нуқтаи назаридан қараб, муҳокама юргизиш ҳукм чиқарарди.

Княжна Марья одатан бўладигандек Ярославлга келганида князь Андрей қай аҳволда ётганини истар-истамас гапира бошлади. Аммо Пьернинг саволлари, унинг жонсарақ бўлиб кўзларини жовдиратиб қараб туриши, ҳаяжондан лип-лип учиб турган юзи княжна Марьяни қайтадан ўз ҳаёлига келтиришдан ўзи қўрқиб юрган тафсилотларни аста-секин баён қилишга мажбур қилди.

Пьер бутун гавдаси билан княжна Марья томон энгашиб унинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан эшитиб тураркан:

– Ҳм, ҳм, шундоқ, шундоқ... – дерди, – ҳм, тақдирга тан берди денг? Осуда ётди денг! У бутун қалб кучи билан бир нарсани: ҳар томонлама яхши бўлиш, ўлимдан қўрқмасликни истарди. Агар унда бирон нуқсон бўлган бўлса, бу унинг ўзидан келиб чиққани йўқ. Шундай қилиб, у тақдирга тан берди, денг? – дерди Пьер. – Сиз билан кўришгани қандай бахт, – деди у тўсатдан ёш тўла кўзлари билан Наташага қараб.

Наташа сесқаниб кетди. У қошларини чимириб, бир лаҳзагина ерга қаради. Бир дақиқагина гапирсамми, йўқми, деб иккиланиб турди-да, кейин:

– Ҳа, бу бир бахт эди, – деди у ёқимли товуш билан секин, – ҳар ҳолда, мен учун бахт эди. – У жим бўлди. – Олдига кирган чоғимда у ҳам... у ҳам... менинг бирдан бир тилагим шу эди, деган эди.

Наташа жим қолди. У кизариб кетди, кўлларини тизза-

сига тираб, ўзини зўрга қўлга олди, шекилли, бошини кўтариб тез-тез гашира кетди.

— Москвадан чикиб кетаётганимизда ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ эди. Мен сўрагани ботинолмас эдим. Бирдан, Соля у биз билан бирга кетяпти, деган гапни айтиб қолди. Мен бирон нарса ўйлаганим ҳам йўқ, унинг қай аҳволда эканлигини тасаввур ҳам қилолмас эдим, бирдан бир тилагим уни кўрмоқ, унинг олдида бўлмоқ эди, холос, — деди Наташа тиграб ва энтикиб. Наташа сўзини бўлишга йўл қўймасдан, шу маҳалгача ҳеч кимга, ҳеч қачон айтмаган сўзларни гапириб берди: йўлда ва Ярославлда ўтказган уч ҳафта мобайнида нимани бошдан кечирган бўлса, ҳаммасини бирма-бир ҳикоя қилиб берди.

Пьер Наташанинг сўзларини анграйиб, ёш тўла кўзларини унга тикиб туриб тингларди. У Наташанинг гапларига қулоқ соларкан, на князь Андрейни, на унинг ўлимини ва на Наташа ҳикоя қилаётган нарсаларни ўйларди. У Наташанинг сўзларини тингларкан, унинг шу нарсаларни гапираётган чоғида чеккан изтиробларини кўриб, унга ачиниб ўтирарди.

Княжна Марья, кўз ёшларини тийиш учун юзини буриштириб Наташанинг ёнида ўтираркан, сўнгги кунлар укаси билан Наташа ўртасида бўлган мухаббат достонини биринчи мартаба эшитмоқда эди.

Ҳам изтиробга соладиган ва ҳам қувонч бағишлайдиган бу ҳикоя, афтидан, Наташа учун зарур эди.

У энг аҳамиятсиз тафсилотларни, энг теран кўнгил сирларига аралаштириб шундай гапирардики, ҳасрати ҳеч қачон тамом бўлмайдиганга ўхшарди. У ўз дард-ҳасратини қайта-қайта такрорлади.

Эшик орқасида Десалнинг товуши эшитилди, у Николушка кирса майлими, деб сўраётган эди.

— Бўлгани шу, бўлгани шу... — деб Наташа лип этиб ўрнидан турди ва Николушка қираётганда эшикка томон югуриб бориб, бошини парда остидаги эшикка уриб олдида, оғриқданми, аламданми, войвойлаганича уйдан чикиб кетди.

Пьер Наташа чикиб кетган эшикка қаради ва нима

учундир, тўсатдан оламда якка-ёлғиз қолгандай бўлди.

Княжна Марья Пьернинг эйтиборини уйга кириб келган жиянига жалб қилиш билан уни ҳушига келтирди.

Николушканинг отасига ўхшаганлиги шу тобда юрак-бағри эзилиб турган Пьерга шу қадар қаттиқ таъсир қилдики, у Николушкани ўшиб, шошиб-пишиб ўрнидан турди ва рўмолчасини чўнтагидан олиб дераза олдида борди. У княжна Марья билан хайрлашиб кетмоқчи бўлди, бироқ княжна Марья кетгани кўймади.

– Йўқ, йўқ, Наташа иккаламиз баъзан соат иккидан ошгунча ухламаймиз. Ўтиринг, сўрайман. Ҳозир дастурхон ёзишади, бирга овқатланамиз. Сиз пастга тушаверинг, биз ҳам ҳозир тушамиз.

Пьер бўлмадан чиқаётганида княжна Марья унга қараб:

– Князь Андрей хақида ҳеч қачон гапирмас эди, бу унинг биринчи гапириши, – деди.

XVII

Пьерни каттакон, чароғон меҳмонхонага олиб киришди; бир неча дақиқадан сўнг одим товуши эшитилди-ю, меҳмонхонага княжна билан Наташа кирди. Наташа хийла таскин топган, лекин қошлари чимирилган ва юзида табассумдан асар йўқ эди. Княжна Марья ҳам, Наташа ҳам, Пьер ҳам, жиддий мавзудаги суҳбат ва дард-ҳасрат тамом бўлгандан сўнг одатан юз берадигандек, ўзларини ўнғайсиз сезмоқда эдилар. Аввалги суҳбатни давом эттириш мумкин эмас, майда-чуйда гапларни гапиришни киши ўзига эп кўрмайди, индамай ўтириш яхши эмас, чунки гапиргинг келяпти, гапирмасдан ўтирсанг, мунофиқлик қилаётгандай бўласан. Улар чурқ этмасдан стол олдида келишди. Официантлар стулларни нари-бери суриб қўйишди. Пьер муздаккина салфеткани ёзиб, сукунатни бузмок учун Наташа билан княжна Марьяга каради. Айни замонда улар ҳам шу ниятда эдилар, шекилли: иккаласининг ҳам кўзида ҳаётдан розилик ва дунёда ғам-ҳасратдан бўлак шодлик ҳам бор, деган бир ўй балкиб турар эди.

– Граф, арокқа майлингиз қалай? – деб княжна сўради

ва шу гап билан ўтган сўзларга тўсатдан хотима берди.

– Бошдан кечирганларингизни айтиб бермайсизми? – деди княжна Марья, – сизнинг ҳақингизда ақл бовар қилмайдиган нарсалар гапиришади.

– Ҳа, шундоқ, – деди Пьер энди одат бўлиб қолган истеҳзоли бир табассум билан, – менинг ўзимга ҳам етти ухлаб тушимга кирмаган нарсаларни гапириб беришади. Марья Абрамовна уйига таклиф қилиб, менинг бошимга тушган ва ё тушиши мумкин бўлган нарсаларни сўзлаб берди. Степан Степанович ҳам қай йўсинда ҳикоя қилиб беришни менга ўргатди. Умуман саргузаштга бой одам бўлиш жуда соз экан (мен ҳозир саргузаштга бой кишиман), хали униси, хали буниси таклиф қилади, тушимга кирмаган нарсаларни ўзимга гапириб беришади.

Наташа жилмайди ва Пьерга бир нима демокчи бўлди.

– Сиз Москвада, – деб княжна Марья Наташанинг сўзини оғзидан олди, – икки миллион сўм зарар кўрибсиз деб эшитдик. Шу гап ростми?

– Икки миллион йўқотган бўлсам ҳам, лекин уч ҳисса бой бўлдим, – деди Пьер.

Хотинининг қарзи ва иморат солиш зарурати моддий аҳволини хийла ўзгартирган бўлса ҳам, Пьер давлатим уч ҳисса ортди деб юрар эди.

– Энг шубҳасиз ютуғим – бу озодликдир, – деб Пьер жиддий тарзда сўз бошлади, бироқ бу ҳақда гапириш жуда худбинлик бўлишини сезиб, дарҳол ниятидан қайтди.

– Иморат соляписизми?

– Ҳа, Савельич солиш керак дейди.

– Москвада юрган кунларингиз графинянинг вафотини эшитмаганмидингиз? – деб княжна Марья, сўради-ю, дарҳол кизариб кетди, чунки мен озод бўлдим деган гапни айтганидан кейин, княжнанинг бундай савол бериши унинг сўзларига ўзи назарда тутмаган маънони бериши мумкин эди.

Пьер озодлиги ҳақидаги фикрга княжна Марья берган изоҳни ноқулай деб билмади, шекилли:

– Йўқ, эшитмовдим, – деди. – Бу хабарни мен Орёлда эшитдим, аммо бу мени қанчалик ханг-у манг қилганини сиз

тасаввур қилолмайсиз. Биз-ку инок эр-хотин эмасдик, – деб тез-тез сўзлаб кетди ва Наташага бир қиё боққач, хотини ҳақида нима деркин деб қизиксиниб турганини пайқади. – Лекин бу ўлим мени тамоман гангитиб кўйди. Икки киши уришганда ҳамиша иккаласи ҳам айбдор бўлади. Лекин вафот этган одам қаршисида киши ўзини минг карра гуноҳкор сезади. Яна қандок вазиятда ўлганини айтмайсизми... На бир ёр-дўст ва на бир тасалли берадиган киши. Мен жуда-жуда ачинаман, – деб Пьер гапини тугатди ва бу гаплар Наташага ёққанини унинг очилиб кетган чеҳрасидан англаб, мамнун бўлди.

– Мана, тагин бўйдоқ ва қалликсиз, – деди княжна Марья.

Пьер бирдан қизариб кетди ва анчагача Наташага қаролмай қолди. У журъат этиб қараганида, назарида, Наташа бепарво, жиддий ва ҳатто нафратлангандай кўринди.

– Сиз Наполеонни кўриб, у билан гаплашган эмишсиз деб эшитдик, шу гап ростми? – деб сўради княжна Марья.

Пьер кулиб кўйди.

– Ҳеч қачон кўрганим йўқ. Асир тушишни одамлар Наполеонга меҳмон бўлиш деб тушунишади доим. Кўриш у ёқда турсин, унинг ҳақида бирон сўз эшитганим йўқ. Менинг улфатларим тубанроқ кишилар эди.

Овқатланиб бўлишди, бошда асирлигидан гапиришни хохламаган Пьер аста-секин ҳикоя қила кетди.

– Наполеонни ўлдираман деб Москвада қолганингиз роста? – деб сўради Наташа хиёл жилмайиб. – Сизни Суҳарев минораси остида учратганимда мен буни билувдим, эсингиздами?

Пьер бунга иқрор бўлди ва шу саволдан бошлаб княжна Марья ва, айниқса, Наташанинг саволларига жавоб бериб, ўз саргузаштини батафсил, секин-аста ҳикоя қила бошлади.

Бошда ийманибгина, истехзоли тарзда гапирди. (у хозир ҳаммага, айниқса, ўзига шу тариқа истехзоли назар билан қарарди), лекин, кейин сўз шахсан ўзи кўрган азоб-уқубатлар устига кўчганда беихтиёр қизишиб кетди ва кучли кечинмалар ёдига тушган киши каби вазмин бир ҳаяжон билан

сўзлай бошлади.

Княжна Марья ёқимли бир табассум билан гоҳ Пьерга қарар эди, гоҳ Наташага. Унинг арз ҳолида княжна фақат Пьерни ва унинг олийжаноблигини кўрар эди. Ҳикоянинг боришига қараб юзидаги ифода ўзгариб турган Наташа тирсақланиб ўтирар, бир дақиқа ҳам Пьердан кўзларини узмас ва худди ҳикоя қилинаётган нарсани у билан бирга бошидан кечиргандай бўларди. Натшанинг фақат кўз қараш эмас, балки хитоблари ва бераётган қисқа-қисқа саволлари, бу ҳикоя билан Пьер нималарни аңлатмоқчи эканини тушуниб турганини кўрсатарди. У Пьер ҳикоя қилаётган нарсаларнигина эмас, балки айтмоқчи бўлган ва сўз билан ифода қилолмаган нарсаларни ҳам тушунаётганлиги билиниб турарди. Пьер хотин билан бола воқеасини ва уларни қутқармоқчи бўлиб французлар кўлига тушганини куйидаги тарзда ҳикоя қилиб берди:

– Бу бир даҳшатли манзара эди, болалар кўчаларда қолиб кетган, баъзи бирлари ўт ичида... Кўз олдимда бир болани ёнғиндан қутқариб олишди. Хотин-қизларнинг кийим-кечагини тортиб олишар, кулоқларидаги исирғага чанг солишарди...

Пьер қизариб кетди ва бир оз жим қолди.

– Шу маҳал бир гуруҳ аскар келди-ю, талончилик қилолмаган барча эркакларни, шулар жумласида мени ҳам олиб кетди.

– Сиз ҳаммасини айтмаётганга ўхшайсиз, бирон нарса қилган бўлсангиз керак, – деди Наташа ва жим бўлди, – бирон яхши иш қилган бўлсангиз керак.

Пьер ҳикоясини давом эттирди. У қагъл воқеасини ҳикоя қиларкан, баъзи бир мудҳиш тафсилотларни ташлаб ўтмоқчи бўлди, бироқ Наташа ҳаммасини айтиб берасиз деб туриб олди.

Пьер Каратаевдан сўз очди-ю (у ўрнидан туриб юра бошлади, Наташа уни кўзлари-ла кузатиб турар эди), яна тўхтади.

– Йўқ, бу оми, тентак одамдан нималарни ўрганганимни тасаввур қилолмайсиз.

– Қўймайман, гапириб берасиз, – деди Наташа. – Қаерда у?

– Уни менинг кўз олдимда отиб ташлашди. Шундан кейин Пьер чекинишларининг сўнги кунларини, Каратаевнинг касаллигини (Пьернинг товуши муттасил титрарди) ва унинг ўлимини гапириб берди. Ўз саргузаштларини Пьер ҳеч қачон шу йўсинда гапириб бермаган эди. Ўз бошидан кечирганлари ҳозир янги бир маъно касб этгандай бўлди. Пьер бу нарсаларни Наташага бошдан оёқ ҳикоя қилиб бераркан, эркак кишининг сўзларини тинглаётган аёлларгина бағишлаши мумкин бўлган фавқулодда бир лаззатни туйиб ўтирарди, бундай лаззатни ақли қисқа аёллар эмас (бу тоифа аёллар гапга кулоқ солиб ўтириб, кулоғига қираётган нарсаларни ўз ақлларини бойитиш ва мавриди келганда бошқаларга гапириб бериш ё эшитган нарсаларни билганларига кўшиб, кичкина ақлхоналарида ишлаб чиқарилган оқилона нутқларни тезроқ бошқаларга айтиб бериш учун кулоқларига кирган нарсани эсда сақлашга уринишади), балки фақат ақли расо аёллар, эркакларда бўлган энг яхши фазилатларни танлаб олиш ва ўзлаштириш қобилиятига эга бўлган ҳақиқий аёлларгина бағишлаши мумкин. Наташанинг бутун диққат-эътибори ўзи билмаган ҳолда Пьерда эди: Пьернинг на бирон калима сўзи, на товушининг хиёл титраши, на кўз қараши, на юз мушакларининг бидинар-билимас учиши, на бирон ҳаракати – ҳеч нарсани кўздан қочирмас эди. У Пьер айтишга улгурмаган сўзларни дарров пайқаб олар, Пьернинг рухий оламидаги сир-асрорлардан воқиф бўлиб, уларни очик турган қалбига жойларди.

Княжна Марья Пьер айтаётган сўзларига тушуниб, унга ачиниб ўтирган бўлса ҳам, лекин бошқа бир нарсани кўриб ўтирар ва шу нарса унинг бутун диққат-эътиборини банд қилар эди, у Наташа билан Пьер орасида муҳаббат пайдо бўлаётганини ва булар бахт-саодатга эришиши мумкинлигини кўрар эди. Бошига илк дафъа келган бу фикр княжна Марьянинг қалбини шодликка тўлдирди. Кечаси соат уч эди. Официантлар хафа ва жиддий киёфада шамларни алмаштиргани келишди, лекин ҳеч ким уларга эътибор қилмади.

Пьер сўзини тугатди. Наташа худди Пьер айтолмай қолган бошқа сўзларни уқиб олишга уринаётгандай ёниб турган кўзлари билан унга синчиклаб қараб ўтирар, Пьер эса хижолат аралаш секинча билан ора-сира Наташага қараб-қўяр ва суҳбат мавзуини ўзгартириш учун сўз кидирарди. Княжна Марья индамасдан ўтирарди. Соат уч бўлганлиги ҳам, ётадиган вақт бўлганлиги ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди.

– Кулфат – азоб-укубат, дейишади, – деди Пьер.

– Агар шу тобда биров мендан: асир тушишдан олдинги аҳволда қолишни истайсанми, ё ҳаммасини яна бир карра бошдан кечиршни истайсанми? – деб сўраса, азбаройи худо, яна бир мартаба асир тушиш ва от гўшти ейишни истардим, деб жавоб берардим. Назаримизда, ўрганиб қолган йўлимиздан бизни олиб ташлашса, дарров ҳамма нарса барбод бўладигандек кўринади, ваҳоланки, янги ва яхши нарса ўрганиб қолган йўлимиздан чиққан тақдирдагина бошланади. Ҳаёт бор жойда бахт-саодат ҳам бор. Олдинда жуда-жуда кўп бахт бор. Шунга ишонинг, – деди у Наташага қараб.

– Рост айтасиз, – деди Наташа тамоман бошқа саволга жавоб бериб, – ҳаммасини яна бир карра бошдан кечирсам армоним йўқ эди.

Пьер диққат билан Наташага боқди.

– Ҳа, шундан бошқа тилагим йўқ, – деди яна Наташа

– Нотўғри, нотўғри, – деб Пьер қичкириб юборди. – Тирик юрганлигим еа яшамок истаганлигим учун мен ҳам гуноҳкор эмасман, сиз ҳам.

Наташа тўсатдан бошини ушлаб йиғлаб юборди.

– Наташа, нима бўлди сенга? – деди князга Марья.

– Ҳеч, нарса, ҳеч нарса, – деб Наташа ёшли кўзлари билан Пьерга жилмайиб боқди. – Яхши қолинг, ётадиган вақт бўлди.

Пьер ўрнидан туриб, хайр-маъзур қилди.

Княжна Марья билан Наташа, ҳар кунгидек, ётоқда учрашишди. Улар Пьер гапириб берган нарсалар ҳақида сўзлашишди. Княжна Марья Пьер ҳақида ўз фикрини

айтмади. Наташа ҳам у тўғрида ҳеч нарса демади.

– Хайр, Мари, – деди Наташа. – Биласанми, мен кўпинча бир нарсадан кўркаман: биз ўз ҳисларимизни поймол қилишдан кўрқкандай уни (князь Андрейни) тилга олмаяпмиз еа оқибатда уни унутяпмиз.

Княжна Марья оғир хўрсиниб қўйди ва шу билан Наташанинг гапи ҳақлигини тасдиқлади, аммо унинг фикрига қўшилмаганини айтди.

– Унутиб бўларканми? – деди у.

– Бугун ҳаммасини гапириб берганим бир томондан оғир, юрак-бағримни эзиб юборган бўлса, иккинчи томондан жуда роҳат қилдим. Юрагимни бўшатиб олдим. Жуда-жуда яхши бўлди, – деди Наташа. – Пьер чиндан ҳам уни яхши кўрганига ачинаман. Шунинг учун ҳам унга гапириб бердим-да... Ёмон қилмадимми гапириб бериб? – тўсатдан кизариб-бўзариб сўради Наташа.

– Пьергами? Йўқ, нега ёмон бўларкан! У кандай олийжаноб, киши, – деди княжна Марья.

– Биласанми, Мари, – деди Наташа шўх бир табассум билан (княжна Марья кўпдан бери Наташанинг юзидан бундай табассумни кўрмаган эди), – у худди арчилган тухумдай текис, ҳаммомдан чиққандай тоза бўлиб қолибди. Ҳаммомдан руҳи тозаланиб чиққандай. Шундай эмасми?

– Ҳм, – деди княжна Марья, – асир тушиб унинг фазилатлари хийла ошибди.

– Қалта сюртук кийиб олибди, сочларини қирқтирибди, худди ҳаммомдан чиққанга ўхшайди-я... дадам ҳам ҳаммомдан чиққанда...

– Мен шуни биламанки, у (князь Андрей) ҳеч кимни Пьерчалик яхши кўрмас эди, – деди княжна Марья.

– Ҳа, лекин бу унга сира ўхшамайди. Бир-бирига ўхшамаган эркаклар иноқ бўлади дейишади. Шу гап рост бўлса керак. Ҳақиқатан ҳам Пьер унга сира ўхшамайди-я? – Ўхшамасаям, лекин бу ҳам ажойиб киши.

– Хайр, энди ётдик, – деди Наташа.

Ўша шўх табассум узок вақт Наташанинг юзидан аримади.

XVIII

Шу кунни Пьер алламахалгача ухлолмади, у ўз бўлма-сида у ёқдан бу ёққа юрар, гоҳ мушкул бир масала ҳақида ўйлаётгандай қошларини чимириб, елкаларини қисиб, бирдан сесканиб кетар, гоҳ хушвақт жилмайиб қўярди.

У князь Андрей ҳақида, Наташа ҳақида, уларнинг орасида бўлган муҳаббат ҳақида ўйлар, гоҳ Наташанинг ўтмишига рашки келар, гоҳ бунақа бемаъни рашк учун ўзини койир, гоҳ кечирарди. Эрталаб соат олтида ҳам у ҳамон уйда у ёқдан бу ёққа юриб турар эди.

«Нима қилай, шусиз мумкин бўлмагандан кейин, нима қилай? Демак, шундоқ бўлиши керак эканда» деб ўйлади-ю, шоша-пиша ечиниб, ўрнига кирди, у бахтиёр ва ҳаяжонда, лекин илгариги шакшубҳа ва иккиланишлардан асар қолмаган эди.

«Бу бахт қанчалик эриш туюлмасин, қанчалик имкони-ярдан ташкари кўринмасин, унга эришмоқ, Наташа билан эр-хотин бўлиш учун тамоми чораларни кўрмоқ керак»,— деди Пьер ўзича.

Бундан бир неча кун бурун Пьер жума кунни Петербургда жўнамоқчи эканини айтиб қўйган эди. Пайшанба кунни, уйқудан уйғонганида, Савельич хузурига кирди ва йўлга керакли нарсаларни тайёрлаб қўйишга рухсат сўради.

Пьер беихтиёр ўз-ўзидан: «Нега Петербургда? Петербурги нимаси? Петербургда ким бор экан? — деб сўради. — Ҳа, айтгандай, бир вақтлар, бу воқеадан олдин нима учундир Петербургда бормоқчи бўлган эдим, — деб эслади Пьер. — Нега бормайин? Балки борарман ҳам. — У мўйсафид Савельичга қараб: — қандоқ меҳрибон, ғамхўр киши бу, ҳеч нарсани унутмайди-я! — деди ичида. — Табассуми ҳам ёқимли».

— Савельич, ҳали ҳам озод қилишимни истамайсанми? — деб сўради Пьер.

— Тўрам, озод бўлиб ҳам нима қиламан? Жойлари жаннатда бўлсин, марҳум графнинг даврида ҳам шу даргоҳда яшаган эдик, сизнинг даврингизда ҳам озор кўрганимиз йўқ.

– Бола-чақаларинг-чи ахир?

– Бола-чақалар ҳам сиздек жанобнинг соя-и давлатида кунини кўриб юрибди, тўрам.

– Менинг ворисларим-чи? – деди Пьер. – Мабодо уйланиб қолсам... Шундоқ бўлиши ҳам мумкин, – деди у беихтиёр жилмайиб.

– Кошки эди, шундоқ бўлса, тўрам, – деди Савельич.

«Уйланиш жуда осон деб ўйлайди бу, – деди ўзича Пьер. – Бу иш қай даражада мушкул, қай даражада хавfli эканидан бунинг хабари ҳам йўқ. Бу иш ё жуда вақтли бўляпти, ё жуда кеч... Тасаввур қилиш қийин!» – Қани, буюрсинлар? Эртага жўнаш майллари борми? – деб сўради Савельич.

– Йўқ, кейинроқ кетмоқчиман. Ўзим айтаман. Сени безовта қилганим учун узр... – деди Пьер ва Савельичнинг табассумига қараб ўйлади: «Энг ғалатиси шуки, ҳозир Петербургда менинг ҳеч кимим йўқлигини, аввал бу масалани ҳал қилиши кераклигини бу билмайди. Ё билади-ю, ўзини билмаганга соляптимикин. Айтиб қўя қолайми? Бу нима деб ўйларкин? – деб ўйлади Пьер. – Йўқ, кейин фурсати келганда, айтаман».

Эрталаб, чой ичаётган вақтда Пьер кекса княжнага кеча княжна Марья олдига бориб келганини айтиб:

– Биласизми, у ерда кимни кўрдим? Наташа Ростовани кўрдим, – деди.

Княжна бу хабарни эшитиб, кўрган бўлсанг, нима қилибди, бу ҳам Анна Семёновнани кўрганингдай бир гап, бунда бирон фавкулудда нарса йўқ, дегандай қилди.

– Сиз уни танийсизми? – деб сўради Пьер.

– Княжнани кўрганман, – деди кекса княжна. Ёш Ростовга уни унаштиришяпти, деб эшитдим, шундай бўлса, Ростовлар учун яхши бўларди. Улар бор-йўқларидан айрилган дейишади.

– Мен Ростовани айтяпман? – деди Пьер.

– Ўша воқеа кулогимга бир чалинувди. Жуда ачинарли.

«Ё тушунмаяпти ё ўзини билмасликқа соляпти, – деди ўзича Пьер. – Яхшиси бунга ҳам айтмай қўя қолай».

Кекса княжна ҳам йўлда Пьерга керак бўлар деб ул-бул

тайёрлаб қўйган экан.

«Ҳаммаси ҳам меҳрибон, – деди ўзича Пьер. – Бўлмаса, бу нарсалар билан шуғулланиб ўтиришнинг булар учун ҳеч қизиғи ҳам йўқдир. Ҳаммалари менинг ғамимни саяти – шунисига ҳайрон қоласан».

Шу куни Пьернинг олдига шаҳар полиция бошлиғи келиб, Грановитая Палатадаги нарсалар эгаларига қайтариб берилаётганини ва Пьер ҳам ўз нарсаларини олиб келиш учун одам юбориши кераклигини айтди.

«Мана, масалан, бунининг, – деб ўйлади Пьер полиция бошлиғининг юзига қараб, – қандоқ ёқимли, келинган офицер, кўнгли очиқлигини айтмайсизми! Арзимайдиган ишлар билан шуғулланиб юрибди-я. Тагин бунини ҳаромхўр, бировнинг молидан ҳазар қилмайди дейишади. Бўлмаган гап! Борингки ҳазар қилмасин, нима қилибди? Унинг суяги шу билан қотган. Бошқалар ҳам шундоқ қилиб юрибди-ку. Қандоқ истараси иссиқ кўнгилчан киши, менга қараб жилмайиб турибди-я».

Пьер тушки овқат маҳалида княжна Марьяларникига кетди.

У куйиб кетган ҳовлилар орасидан, кўча бўйлаб бораркан, бу харобазорларнинг гўзаллигини кўриб ҳайрон қоларди. Уйларнинг мўрилари, кўчиб тушган деворлари ўз кўркамлиги билан Рейн ва Колизейни эслатади, улар бир-бирини тўсиб, маҳалла бўйлаб чўзилиб кетган. Йўлда учраб қолган извошчилар билан извошда ўтирганлар борми, ёғоч уй кураётган дурадгорлар борми, олиб-сотар хотинлар ва дўкондорлар борми – ҳамма хандон чехра билан Пьерга қарар ва гўё: «Ана, ўзи ҳам келиб қолди! Ҳали кўрамиз оқибатини!» деб турарди.

Княжна Марьянинг ҳовлисига кираётганда Пьер кеча келиб Наташани кўрганим, у билан гаплашиб ўтирганим чакки бўлмадимикин, деб кўнгли бир оз хижил бўлди. «Балким, менинг ўзимга шундай туюлаётгандир. Ичкарига кирсам-у, у ерда ҳеч ким бўлмасачи?» Бироқ остонага қадам қўйиши биланок у ўз эркини йўқотиб қўйганини сезди-ю, бутун вужуди билан Наташанинг шу ерда эканлигини пайка-

ди. Наташа ўша кечаги бурмали қора кўйлакни кийган, сочини ҳам айнан кечагидай тараган, лекин бутунлай ўзгариб қолган эди. Агар кеча Пьер княжнанинг олдига кирганда Наташа ҳозирги қиёфада бўлса, Пьер уни дарҳол таниган бўларди.

Пьер Наташани қизалоқлигида, кейин князь Андрейнинг қаллиғи бўлиб юрган чоғларида кўрганида қандай бўлган бўлса, ҳозир айнан ўшандай эди.

Унинг кўзларида саволомуз, кувноқ бир табассум ўйнаб турар, юзида ёқимли ва ғалати – шўх мулойим бир ифода бор эди.

Пьер овқатланиб бўлиб, кечгача ўтираман деб ўйлаган эди, бироқ княжна Марья тунги ибодатга борадиган бўлиб қолди ва Пьер у билан бирга чиқиб кетди.

Эртасига ҳам Пьер эрталаб келди, тушликни еб, кечгача ўтирди. Княжна Марья билан Наташа меҳмоннинг келганига хурсанд эканликларидан қатъи назар, бу уй ўз меҳриғиёси билан Пьерни ўзига тортаётганидан қатъи назар, улар ҳамма гапни кечгача гапириб бўлишди ва суҳбат мавзун тез-тез ўзгариб, узила бошлади. Шу кеча Пьер шу қадар узоқ ўтириб қолдики, княжна Марья билан Наташа меҳмон қачон кетаркан, деб бир неча марта бир-бирига қараб кўйди. Пьер буни пайқаса ҳам, ўрнидан туриб кетолмас эди. У хижолат бўлиб, ўнгайсизланаётган бўлса ҳам, ўтираверди, чунки ўрнидан туриб кета олмас эди.

Княжна Марья, ҳали-вери гап тамом бўлмаслигини билиб, ўрнидан турди ва бош оғриғим тутди, деб хайрлаша бошлади.

– Демак, эрта Петербургга жўнайсизми? – деди княжна Марья.

– Йўқ, кетмайман, – деди Пьер хайратомуз ва хафа бўлгандай. – Э, ха, Петербурггами? Эртага жўнайман, лекин хайрлашмайман. Ишларингиздан хабар олгани яна кирарман, – деди у княжна қаршисида тикка тураркан, қизариб-бўзариб, чиқиб кетолмай.

Наташа унга кўл бериб, уйдан чиқиб кетди. Княжна Марья, аксинча, чиқиб кетиш ўрнига креслога ўтирди ва

порлаб турган теран нигоҳи билан Пьерга жиддий тарзда сянчиклаб қаради. Бундан сал олдинги ҳорғинлигидан энди ном-нишон ҳам қолмаган эди. У худди узундан узун бир гапга ҳозирлик кўраётгандай оғир хўрсинди.

Наташа уйдан чиқиб кетиши билан Пьернинг уялинкарашидан ҳам, ўнғайсизланишидан ҳам асар қолмади, ҳаяжонли жонланиш унинг ўрнини олди. У дарров креслони княжна Марьяга яқинроқ сурди.

– Ҳа, мен сизга шуни айтмоқчи эдим, – деди Пьер княжнанинг сўз билан эмас, кўз қараш билан берган саволига жавобан, – княжна, мен сизнинг ёрдамингизга муҳтожман. Нима қилай? Умид боғлашим мумкинми? Княжна, дўстим, сўзимни тингланг. Мен ҳаммасини биламан, унга муносиб эмаслигимни ҳам биламан, ҳозир бу ҳақда гапириш ноқулайлигини ҳам биламан. Лекин мен унга акадай бўлмоқчиман. Йўқ, мен буни... айтолмайман, бўлмайди...

У гапдан тўхтади ва юз-кўзини қўли билан артди.

– Гап шуки, – деди у равон гапириш учун бор кучини йиғаетган бўлиб, – бу кизни қачондан бери яхши кўргангани билмайман. Лекин умрим бино бўлиб шундан бошқасини севган одам эмасман. Уни шу қадар яхши кўраманки, ҳаётни усиз кўз олдимга келтиролмайман. Унга муҳаббат изҳор қилгани ҳозир журъат этолмайман, лекин унинг менга тегиши мумкинлиги ва мен бу имкониятни қўлдан бериб қўйишим мумкинлиги... менга... тинчлик бермайди. Айтинг, умид қилсам бўладими? Айтинг, нима қилай? Жон княжна, – деди у бир оз жим тургандан сўнг княжна жавоб қайтармагандан кейин унинг тирсагига қўлини тегтизиб.

– Мен сиз айтган гапни ўйлаб ўтирибман, – деди княжна Марья. – Менга қаранг. Сиз ҳозир унга муҳаббат ҳақида гапирсангиз бўл...

Княжна Марья сўзини чала қолдирди. У ҳозир Наташага муҳаббат ҳақида гапирсангиз бўлмайди, демоқчи бўлди-ю, лекин тили бормади, чунки Наташанинг уч кундан бери тамоман ўзгариб қолганидан билдики, Пьер ҳозир муҳаббат изҳор қилса, Наташа хафа бўлиш у ёқда турсин, балким, аксинча, суяниб кетади ва унинг тилак-орзуси ҳам ҳозир

шу.

– Ҳозир буни унга айтиб... бўлмас, – деди, ҳар қалай, княжна Марья.

– Нима қилай бўлмаса?

– Буни менга қўйиб беринг, – деди княжна Марья, – ўзим биламан.

Пьер княжна Марьянинг кўзларига қаради.

– Майли, майли... – деди у.

– Мен биламанки, Наташа сизни яхши кўради... яхши кўриб қолади, – деди княжна Марья ўз сўзини тузатиб.

Бу сўз княжнанинг оғзидан чиқиши биланоқ Пьер иргиб ўрнидан турди ва юраги ёрилгудай бўлиб княжнанинг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

– Ростдан ҳам шундоқ деб ўйлайсизми? Умид қилсам бўлади дейсизми? Сиз шундай деб ўйлайсизми?

– Ҳа, менимча шундай, – деди княжна Марья табассум билан. – Сиз Наташанинг ота-онасига хат ёзинг. Бу томонини эса менга қўйиб беринг. Вақт-соатини топиб мен у билан гаплашаман. Менинг ҳам тилагим шу. Қалбим ҳам шунга шаҳодат бериб турибди.

– Ҳеч ишонгим келмайди! Қандай бахтиёрман. Сира ишонгим келмайди-я... Қандоқ бахтиёрман! Йўқ, ишонмайман, – деди Пьер княжнанинг қўлини ўпаркан.

– Сиз Петербургга кетаверинг, шундоқ қилганингиз маъқулроқ. Мен сизга хат ёзаман, – деди княжна Марья.

– Петербургга? Кетаверайми? Ҳа, майли, кетаман, лекин эртага кирсам майлими?

Пьер эртасига хайрлашгани келди. Наташа аввалги кунларга қараганда сал кайфи йўқроқ эди. Лекин шу куни Пьер онда-сонда унинг кўзларига қараркан, ўзининг ҳам, Наташанинг борлигини ҳам сезмасдан, фақат бахтли эканини сезарди, холос. – Нахот шундоқ бўлса? Йўғ-э, ҳеч ишонгим келмайди, – дерди Пьер Наташанинг ҳар бир қарашини, ҳар бир ҳаракатини, ҳар бир сўзидан қалби шодликка тўлиб.

У Наташа билан хайрлашаётганда, унинг озин, нозик қўлларини қўлига олиб, беихтиёр узокроқ ушлаб қолди.

«Нахотки шу қўл, шу юз, шу кўз, ҳозир менга буткул

бегона бўлган хотинлик латофатининг хазиnasi абадий меники бўлса, ўзимнинг аззойи баданимга ўхшаш оддий бир нарса бўлиб қолса? Йўт-э, бундай бўлиши мумкин эмас!..»

– Хайр, граф, – деди Наташа баланд товуш билан кейин шивирлаб: – Йўлингизга кўз тикиб тураман, – деди.

Бу оддий сўзлар, бу сўзларни айтаётган чоғдаги Наташанинг нигоҳи ва юз ифодаси икки ойгача Пьер учун битмас-туганмас хотиралар, орзулар ва ширин хаёллар манбаи бўлиб қолди. «Йўлингизга кўз тикиб тураман...» шундай деди-я! Ох, қандай бахтлиман! Буни каранг-а, бахтим кулганини каранг-а!» – дерди Пьер ўз-ўзига.

XIX

Ҳозир Пьернинг қалбидаги ҳис-туйғулар Эленга уйланмоқчи бўлиб юрган кунларидаги ҳис-туйғуларга сира ўхшамас эди.

Ҳозир Пьер ўша вақтдаги сингари ўзининг айтган сўзларини такрорлаб ўсал бўлмас, ўз-ўзига: «Ох, нега бундок демадим. Нега ўшанда Эленга «мен сизни севаман» деган гапни айтдим, деб ич-этини емас эди! Ҳозир аксинча, Наташанинг айтган ҳар бир сўзини, ўзининг унга айтган сўзини хаёлида такрорларкан, унинг қиёфаси ва табассумини бутун тафсилоти билан кўз олдига келтирар, унинг сўзларига ҳеч нарса қўшмас ва камайтирмас, балки қандоқ айтган бўлса, шундок такрорлашни истарди. Ҳозир унинг кўнглида шу ишни бошлаб яхши қиляпманми, ёмон қиляпманми, деган шубҳа сира йўк эди. Аммо гоҳо жуда мудхиш фикр-хаёллар уни чулғаб оларди. Бунинг ҳаммаси тушим эмасмикин? Княжна Марья янглишмадимикин? Ўтакетган мағрур ва мутақаббир эмасмиканман? Мен-ку, ишонаман, борди-ю, княжна Марья Наташага шу гапни айтганда Наташа кулиб: «Жуда ғалати-ку! Янглишибди! Наҳотки ўзининг кимлигини билмаса, у ким ўзи – бир тўпори одамда, мен эса?.. Тамоман бошка, ундан жуда баландман», –деб юборса-чи. Фақат мана шу тарика шубҳалар тез-тез Пьернинг хаёлига келарди. Ҳозир Пьер ҳеч қанақа режа ҳам тузмас эди. Келажак бахти, назарида, жуда фавқулудда бир нарса бўлиб

кўринар ва бу бахтга эришдими, тамом, ундан кейин ҳеч нарса бўлиши мумкин эмасдай туюларди.

Пьер тўсатдан вола-ю шайдо бўлди қолди (ўзини шу нарсага қодирлигини Пьер сира билмас эди). Назарида, ҳаётнинг барча маъно-моҳияти фақат ўзи учунгина эмас, балки бутун башарият олами учун унинг ишқ-муҳаббати ва Наташанинг унга муҳаббат қўйиш эҳтимолидан иборат эди. Баъзан, назарида, ҳамма фақат унинг келажак бахти билан оворадай кўринарди. Баъзан, назарида, ҳамма ўзига ўхшаб шод-хуррам, лекин бу шод-хуррамликни яширишга уриниб, ўзларини бошқа иш билан машғулдай қилиб кўрсатаётгандай кўринарди. Ҳар бир сўз ва ҳар бир ҳаракатдан ўз бахтиёрлигига бир ишора топарди. Аксар вақт Пьер дилидаги ризолигини ифода этаётган теран маъноли қарашлари ва масъуд табассумлари билан учрашган кишиларини ҳайратга соларди. Аммо бу одамлар унинг бахтиёрлигидан беҳабар бўлиши мумкинлигини англаганида, уларга чин қалбидан ачинар, улар шуғулланиб юрган нарсаларнинг ҳаммаси бош қотиришга арзимайдиган беҳуда, бемаъни нарсалар эканлигини бирон восита билан тушунтириб беришни истаб қоларди.

Агар Пьерга хизматга киришни таклиф қилиб қолсалар ёки бутун инсониятнинг бахт-саодати фалон воқеанинг фалондай тугашига боғлиқ деб ўйлаб, бирон умумий давлат ишиними ва ё урушга доир масаланими муҳокама этсалар, Пьер ҳамдардлик билдирувчи мулойим табассум билан кулоқ солар ва ўзининг пала-партиш гаплари билан гапирётган кишиларнинг энсасини қотириб қўярди. Бироқ ҳаётнинг туб моҳияти, яъни Пьернинг ҳис-туйғуларига тушунгандай кўринган кишилар ҳам, унинг ҳис-туйғуларини англамаганликлари билиниб турган бахтсиз кишилар ҳам, шу кечакундузлари унинг нур сочиб турган туйғулари ёлқинида шу қадар балқиб кўринардикки, Пьер ким билан учрашмасин, дарҳол унинг ҳурматга лойиқ барча фазилатларини осонгина кўра биларди.

Пьер марҳум хотинининг ишлари ва қоғозларини кўздан кечириб ўтирганида уни эслади-ю, фақат ҳозир ўзи

билган бахтни хотини билмай кетганига афсусланди, холос. Янги вазифага ўтгани ва орден олгани учун ҳам шу кунлари айниқса мағрурланиб кетган князь Василий, Пьернинг назарида, кишининг раҳмини келтирадиган меҳрибон ва уволига бир мўйсафид бўлиб кўринарди.

Пьер масъуд ва ошиқи беқарор бўлиб юрган шу кунларини кейинчалик тез-тез эсларди. Шу кунлар мобайнида Пьернинг одамлар ва турли нарсалар ҳақида чиқарган хулосаси ўзи учун умрбод тўғри хулоса бўлиб қолди. Пьер одамлар ва нарсалар ҳақидаги бу нуқтани назаридан кейинчалик воз чекиш у ёқда турсин, ҳатто, аксинча, қалбида шубҳа ва қарама-қаршилиқлар туғилиб қолганда, у ошиқ-у беқарор бўлиб юрган кунларда чиқарган хулосаларини эслар ва бу хулосалар ҳамма вақт тўғри бўлиб чиқарди.

«Балким, ўша кунлари жуда ғалати ва кулгили кўрингандирман, — деб ўйларди Пьер, — лекин ўшанда у даражада девона эмасдим. Аксинча, ўша кунлари мен ақллироқ, зийракроқ бўлиб қолувдим, ҳаётда тушунишим керак бўлган ҳамма нарсага тушунардим, чунки бахт менга ёр бўлган эди».

Пьернинг девоналиги шундан иборат эдики, у илгаригидай одамлардаги эҳтиромга сазовор фазилатлар билан аталган шахсий хислатларни топишга улгурмасдан қалби уларга нисбатан муҳаббатга тўлиб-тошар ва ҳеч сабабсиз одамларни севиб, шубҳасиз уларда шу севгига арзийдиган фазилатларни ҳам топарди.

XX

Ўша биринчи оқшомнинг ўзидаёқ, Пьер кетгандан, кейин Наташа истехзоли қувноқ табассум билан княжна Марьяга, «Пьер худди ҳаммомдан ҳозиргина чиққандай топ-тоза, сюртуги ҳам калтагина, сочини ҳам қисқа қирқтирган» деган дақиқадан бошлаб, кўнглида ўзига номаълум, лекин ениб бўлмайдиган аллақандай пинҳоний бир туйғу уйғонди.

Наташа тўсатдан ўзгариб қолди: унинг қиёфаси ҳам, қадам ташлаши ҳам, говуши ҳам ўзгарди. Унинг ўзи кут-

маган нарсалар – ҳаётнинг кучи, бахт умиди юзага қалқиб чиқди-ю, ўз ҳақ-хукукини талаб қилди. Илк кечанинг ўзидаёқ Наташа бошидан кечирган нарсаларнинг ҳаммасини унутгандек эди. Ўша кечадан бошлаб бирон марта ўз аҳволидан нолимади, кечирган қора кунлари ҳақида оғиз ҳам очмади ва келажак ҳақида кўнгилни шод этадиган режалар тузишдан қўрмади. Пьердан камдан кам гапирар, лекин княжна Марья ундан сўз очганда кўзларида аллақачонлар сўниб кетган ўт чақнаб кетар ва лаблари ғалати бир табасумдан жийририлиб кетарди.

Наташанинг ўзгарганини кўриб бошда княжна Марья ҳайрон қолди, лекин бунинг сабабига тушунгандан кейин кўнгли пича озор еди: «Наҳотки укамни шунчалик юзаки яхши кўрган бўлса, дарров унутиб юборди-я», – дерди княжна Марья, ўзи ёлғиз ўтириб Наташадаги ўзгаришлар ҳақида ўйларкан. Аммо Наташа билан бирга ўтирганда ундан ўпкаламас ва уни таъна қилмас эди. Уйғониб қолган ва Наташани камраб олган ҳаёт кучи, афтидан, княжна учун ҳам шу қадар енгиб бўлмайдиган, шу қадар ногаҳоний эдики, Наташа билан бирга ўтирганда ҳатто ичида ҳам ундан ўпкаламас эди.

Наташа янги ҳис-туйғуларга шу қадар кучли ва самимият билан берилган эдики, ҳозир ғам-андудан узоқдалигини яшириш у ёқда турсин, балки шод-хуррамлигини ҳам яширишга уринмас эди.

Кечаси Пьер билан гаплашиб бўлгандан кейин княжна Марья ўз бўлмасига кирганида Наташа уни остонада қарши олди.

– Айтдимми? А? Айтдимми? – деб сўради Наташа устмас-уст. Унинг чеҳрасида хурсандлик ва айни замонда худди ўз хурсандлиги учун узр сўраётгандай аянч бир ифода бор эди.

– Эшик орқасидан бир кулоқ солайми деб ўйладим-у, таъин фикримдан қайтдим, чунки гапириб беришингни билардим, – деди Наташа.

Наташанинг кўз қарашлари княжна Марья учун қанчалик тушунарли бўлмасин, қанчалик таъсирли бўлмасин, унинг ҳаяжонини кўриб княжна Марья нақадар ачинмасин, барибир, Наташанинг бу гапи илк дақиқада княжна Марьяга

жуда каттик тегди. У укасини, унинг мухаббатини хотирлади.

«Аmmo на чора! Унинг бошқа иложи ҳам йўқ! – деб ўйлади князга Марья еа маҳзун еа бир кадар жиддий кифада Пьер нима деган бўлса, хаммасини Наташага гапириб берди. Пьернинг Петербургга жўнамоқчи бўлиб турганини эшитиб, Наташанинг хуши бошидан учди.

– Петербургга! – деб такрорлади у худди тушунмагандай. Бироқ княжна Марьянинг юзидаги маҳзун ифодага кўзи тушгач, бунинг сабабини англади-ю, йиғлаб юборди. – Мари, – деди у, – ўргат, нима қилай! Бефаросатлик қилиб кўймайин деб кўрқаман. Сен нима десанг, мен ўшандок қилишга тайёрман. Ўргат...


– Уни севасанми? нега бўлмаса йиғлаяпсан? Бахтинг очилганига мен жуда хурсандман, – деди княжна Марья бу кўз ёшлар туфайли Наташанинг гуноҳини батамом кечириб.

– Бу дарров бўладиган иш эмас, мавриди келар, лекин ўйлаб кўр, қандай бахт: мен унинг хотини бўламан, сен эса Николайга тегасан.

– Наташа, ўтиниб сўрайман, бу хусусда оғиз очма. Гап сенинг устингда кетяпти.

Иккаласи ҳам жим қолди. Наташа:

– Петербургга бориб нима қиларкан энди? – деб юборди-ю, дарҳол ўзи бу саволига жавоб қайтарди: – Йўқ, йўқ, шундай бўлгани дуруст. Нима дединг, Мари? Шундай бўлгани дуруст-а...



БА

ТРИЦТЯК.

ХОТМА

БИРИНЧИ ҚИСМ

I

12-йил урушидан кейин етти йил ўтди. Европанинг ғалаёнга келган тарих денгизи ўз соҳилларида таскин топди. Денгиз тинчигандай бўлди, лекин башарият оламини ҳаракатга келтирадиган сирли кучлар (уларнинг ҳаракатини белгилайдиган қонун-қоидалар бизга аён бўлмаганидан сирли бўлиб кўринади) хануз жунбишда эди.

Тарих денгизининг сатҳи жим тургандай кўринса ҳам, башарият олами, вақтнинг ҳаракати сиғари тинмай ҳаракатда эди. Мухталиф гуруҳлардан таркиб топган одамлар туркуми бир жойга тўпланмоқда, яна тарқалмоқда; янги давлатларнинг бунёдга келиши эскиларининг бузилиши, халқларнинг бир жойдан бошқа жойга силжиши учун омиллар ҳозирламоқда эди.

Тарих денгизи илгаригидай бу соҳилдан у соҳилга шиддат билан урилмасдан, ўз қаърида қайнамоқда эди. Тарихий сиймолар илгаригидай тўлқиннинг сиртида қирғоқдан қирғоққа урилмай, гўё бир ерда айланаётгандай эдилар. Илгарилари кўшин бошида туриб, омманинг ҳаракатини урушлар, сафарлар, жанглар ҳақидаги буйруқлари орқали акс эттирган тарихий сиймолар ҳозир қайнаб турган ҳаракатни сиёсий ва дипломатик мулоҳазалар, қонунлар, шартномалар воситасида акс эттирмоқда эди.

Тарихий шахсларнинг мана шу фаолиятини тасвирлайдиган тарихчилар уни реакция деб аташади.

Тарихчилар реакция деб аталган нарсанинг сабабчиси қилиб кўрсатган тарихий шахсларнинг фаолиятини тасвирларкан, уларнинг бўйнига жуда катта айб қўйишади: ўша замоннинг энг машҳур шахслари Александр I билан Наполеондан бошлаб, то Фотий, Шеллинг, Фихте, Шатобриан ва бошқаларгача – ҳаммаси тарихчиларнинг шафқатсиз ҳукмига дучор бўлиб, тараққиёт ёки реакцияга кўшган ҳиссаларига қараб ё оқланадилар, ё қораланадилар.

Уларнинг ёзишича, Россияда ҳам ўша замонда реакция юз берган ва бу реакция асосан Александр I нинг, яъни

мазкур тарихчиларнинг тасвирига кўра, ўз салтанатида либерал ташаббусларнинг сабабкори ва Россиянинг халоскори бўлмиш ўша Александр I нинг айби билан юз берган.

Ҳозирги рус китобларида, гимназистлардан тортиб тарихчи олимларга қадар бирон одам йўқки, ўз салтанатининг шу даврида қилган нотўғри хатти-ҳаракати учун Александрга таъна тоши отмаган бўлсин.

«У фалон нарсани бундай ҳал қилиши керак эди. Фалон ишни қилиб яхши қилди, фалон ишни қилиб чакки қилди, ўз салтанатининг биринчи даврида ва 12-йилда жуда одилона ишлар қилган эди, лекин Польшага конституция бергани, Муқаддас Иттифоқ тузгани, ҳокимиятни Аракчеевга бериб қўйгани, Голицын ва тассавуфни ёқлагани, кейин Шипков ва Фотийни қўллагани чакки бўлди. Армиянинг урушга доир ишларига ўзи раҳбарлик қилгани яхши бўлмади, Семёнов полкани тарқатиб юборгани ёмон бўлди ва ҳоказо...»

Башарият оламининг бахт-саодати нимада эканлигини биламан деган тарихчилар Александр гарданига қўйган ҳамма айбларни санаб чиқиш учун ўн босма тобоқ китоб ёзиш керак бўлар эди.

Бу таъна-маломатлар нимадан иборат?

Александр I нинг тарихчилар маъқул топган ишлари – масалан, ўз салтанати даврида амалга оширган либерал ташаббуслари, Наполеонга қарши кураши, 12-йилда кўрсатган сабот-матонати ва 13-йилда қилган юриши – буларнинг ҳаммаси бир манбадан, яъни Александрни Александр қилган ўша қон, ўша тарбия, ўша ҳаёт шароитидан келиб чиққан эмасми? Ахир унинг тарихчилар ноўрин деб топган хатти-ҳаракатлари: муқаддас Иттифоқ ҳам, Польшани қайтадан тиклаши ҳам, 20-йиллардаги реакция ҳам шу манбадан келиб чиққан эмасми? Бу таъна-маломатларнинг моҳияти нимадан иборат?

Буларнинг моҳияти шундан иборатки, Александр I дек тарихий шахс, гўё ўзига қаратишган тарихий шуоларнинг кўз қамаштирадиган зиёсининг фокуси – марказида турган, инсон боласи эришмоғи мумкин бўлган ҳокимиятнинг энг юқори чўққисидан турган шахс; дунёда ҳокимиятнинг ажрал-

мас йўлдоши бўлган энг зўр фитнес-фасодлар, ёлгонлар, хушомадлар, хом ҳаёллар таъсири остида бўлган шахс, ҳаётининг ҳар бир дақиқасида Европада юз бериши мумкин бўлган воқеалар учун ўзини масъул-сезган шахс уйдирма эмас, балки бошқалар сингари ўз хулқ-атвори ва эҳтиросларига эга бўлган, эзгулик, гўзаллик, ҳақиқатга интиладиган тирик бир шахс – бундан эллик йил муқаддам аҳли фазл бўлиш у ёқда турсин (бунинг учун тарихчилар ундан ўлкалашмайди), балки инсоният бахт-саодатига ёшлигидан илм-фанга берилиб, китоблар мутолаа қилган, маърузалар тинглаган, китоб ва маърузаларда ўқиганини дафтарига кўчирган ҳозирги профессорлар нуқтаи назаридан қарамас эди.

Боринги, Александр I бундан эллик йил муқаддам халқларнинг бахт-саодати нимадан иборатлиги масаласида хато қилган бўлсин, унда Александрни қоралаган тарихчиларнинг ҳам инсоният бахт-саодати ҳақидаги нуқтаи назари бирмунча вақтдан кейин нотўғри бўлиб чиқади деган хулосага келиш мумкин. Шундай деб фараз қилиш жуда табиий ва зарурийдир, чунки инсоният олами тараққиётини кузатганда биз йил сайин янги тарихчи майдонга келиши билан башарият бахт-саодати ҳақидаги нуқтаи назар ўзгарганини кўрамиз, натижада, ўн йил бурун хайр деб ҳисобланган нарса, ўн йилдан кейин шарга айланади; ё аксинча бўлади. Бу ҳам у ёқда турсин, биз тарихда айни бир вақтда нима хайр, нима шар эканлиги ҳақида бир-бирига батамом зид бўлган фикрларни учратамиз: бировлар Польшага берилган конституция ва Муқаддас Иттифокни Александрнинг хизмати деб айтса, бошқалар буни Александрнинг қусури деб билади.

Биз Александр билан Наполеоннинг фаолияти фойдали ё зарарли бўлган эди, деган гапни айтолмаймиз, чунки биз у фаолиятларнинг нимага фойдаси ва нимага зарари текканини билмаймиз. Агар бу фаолият бирон кишига ёқмаган бўлса, фақат шунинг учун ёқмаганки, унинг хайр ҳақидаги тор тушунчаси бу фаолиятга уйғун келмаган. 12-йилда отамнинг Москвадаги ҳовлиси бузилмагани менга хайрли иш бўлиб кўринадими ё рус қўшинларининг шон-шуҳра-

тими, ё Петербург ва бошқа шаҳарлардаги университетларнинг гуллаб-яшнаши, ё Польшанинг озодлиги, ё Россиянинг қудрат иқтидори, ё Европанинг мувозанати, ё Европадаги маълум маърифат, тараққиёт хайрли иш бўлиб кўринадими, мен шу нарсани эътироф қилишим керакки, ҳар қанақа тарихий шахснинг фаолиятида, бу мақсадлардан ташқари, яна бошқа, менинг ақлим ожизлик қиладиган умумий мақсадлар ҳам бўлган. Лекин фараз қилайликки, фан деб аталган нарса барча зиддиятларни келиштира олиш имкониятига эга ва унинг қўлида тарихий шахслар ҳамда ҳодисалар учун яхшилик нима, ёмонлик нима эканини ўлчайдиган ўзгармас бир ўлчов бор.

Фараз қилдикки, Александр ҳамма ишни бошқача қилиши ҳам мумкин бўлсин. Фараз қилдикки, Александр ўзини айблаётган, башарият оламининг сўнгги мақсадини биламиз деб гап сотаётган кишиларнинг кўрсатмасига биноан, ўшалар тавсия этган халқчилик, озодлик, тенглик ва тараққиёт дастури бўйича (бундан янгиси бўлмаса керак!) иш ҳам тутсин. Фараз қилдикки, бу дастурни амалга татбиқ этиш мумкин, шундай дастур тузилган ва Александр ўшанга асосан иш тутган бўлсин. Унда ҳукуматники ўша замондаги тутган йўлига қарши курашаётган кишиларнинг фаолияти, яъни тарихчиларнинг яхши ва фойдали деб топган ишлари нима бўларди? Унда бундай фаолият ҳам бўлмас, ҳаёт ҳам бўлмас эди; ҳеч нарса ҳам бўлмас эди.

Агар башарият оламини ақл-идрок идора қилади, деб фараз қилсак, унда ҳаёт имконияти йўққа чиққан бўларди.

II

Агар тарихчилар сингари буюк сиймолар инсониятни маълум мақсадларга олиб боради, бу мақсад Россия ёки Франциянинг буюклиги, ёки Европанинг мувозанатини талқин этиш ё эса инқилоб ғояларини тарқатиш, ёки умумий тараққиёт ва ё бошқа нарсадан иборат деб фараз қилинса, унда тарихий воқеаларни тасодиф ва даҳо ҳақидаги тушунчасиз изохлаш қийин.

Агар ҳозирги асрнинг бошларида Европада бўлиб ўтган

урушларнинг мақсади Россиянинг буюклигини таъминлашдан иборат бўлган бўлса, унда олдинги урушлар ва истилолар бўлмаса ҳам, бу мақсадга эришмоқ мумкин эди. Агар мақсад Франциянинг буюклиги бўлса, бу мақсадга инқилобсиз ва империясиз ҳам эришса бўларди. Агар мақсад гоҳ тарқатиш бўлса, бу вазифани матбуот аскарлардан кўра яхшироқ бажариши мумкин эди. Агар мақсад маданиятни тараккий этгириш бўлса, унда маданиятни тарқатмоқ учун хунрезлик қилиш, одамларнинг мол-давлатини талон-торож қилишнинг ҳеч ҳожати йўқ, бу мақсадга бошқа, осонроқ воситалар билан ҳам эришиш мумкин эди, деб фараз қилса бўлади.

Хўш, нега бу шунақа бўлиб, бошқача бўлмади?

Чунки бу тасодифан шундоқ бўлиб қолди.

«Тасодиф вазиятни вужудга келтирди, дохий эса шундан фойдаланди» – дейди тарихчилар.

Хўш, тасодиф нима? Даҳо нима?

Тасодиф ва даҳо деган сўзлар, ҳақиқатда мавжуд бўлган нарсани ифода этмайди, шунинг учун ҳам уларни таърифлаб бўлмайди. Бу сўзлар воқеаларни англаш даражасини ифода этади. Лекин фалон воқеа нима учун содир бўлганини билмайман, билолмайман, деб ўйлайман, шунинг учун бошимни қотириб ўтирмасдан, бу тасодиф деб қўя қоламан. Мен умумбашар хоссасига мутаносиб бўлмаган ишни вужудга келтирган кучни кўраман: нима учун бу шундоқ бўлганини билмайман-у, даҳо деб қўя қоламан.

Чўпон ҳар куни кечкурун алоҳида оғилга қамаб, бўрдоқига боқаётган ва бошқа қўйлардан икки баравар семирган қўйи кўтондаги бошқа қўйларга даҳо бўлиб кўриниши мумкин. Ҳар куни кечкурун, атайлаб шу қўйнинг умумий кўрага эмас, алоҳида оғилга кириб ем ейиши ва семириб, ёғ босгандан кейин гўштга сўйилиши даҳолик билан бир қатор фавқулудда тасодифларнинг ҳайратангиз тарзда кўшилиши бўлиб кўриниши керак.

Лекин агар қўйлар бу ишларнинг ҳаммаси уларнинг қўйлик мақсадларига эришиш учун қилинаётганини ўйлашдан воз кечсалар, ўз ҳаётларида содир бўлаётган воқеалар

улар учун маълум бўлмаган мақсадларга хизмат қилишини фараз қилсалар, бўрдоқига боқилган қўйнинг бошига келган ишда бир изчиллик ва бирлик борлигини дарҳол кўра олардилар. Улар қўй нима мақсадда семиртирилганини билиш-маса ҳам, ҳар ҳолда, қўйнинг бошига келган нарсалар сабабсиз, бекордан бекорга содир бўлмаганини билдилар, унда тасодиф ва даҳо тўғрисидаги тушунчаларга ҳожат қолмайди.

Фақат энг яқин ва тушунарли мақсадларни билишдан воз кечилганда ва сўнги мақсадни билиш муяссар бўлмаслиги эътироф қилингандагина тарихий сиймоларнинг ҳаётидаги изчилликни ва мақсадга уйғунлигини кўришимиз мумкин; улар амалга опирган ишларнинг умумбашар хоссасига мутаносиб бўлмайдиган сабаблари борлиги аён бўлади ва бизга тасодиф ва даҳо деган сўзларнинг ҳожати қолмайди.

Агар биз Европа халқлари нима учун ғалаён кўтарганини билмаймиз, лекин аввал Францияда, ундан кейин Италия, Африка, Пруссия, Австрия, Испания ва ниҳоят Россиядаги хунрезлик фактларинигина биламиз, халқларнинг ғарбдан шарққа, кейин шарқдан ғарбга қараб қилган ҳаракати шу воқеаларнинг умумий моҳиятини ташкил қилади, деб эътироф қилсак, унда бизга Наполеон билан Александрнинг хулқ-атворида бирон фавқулудда дохиёна хусусият ахтариш у ёқда турсин, балки бу иккала шахсни бошқа оддий кишилардан ажратиб тасаввур қилиш ҳам қийин бўлади; буларнинг шу даражага кўтарилишига сабаб бўлган кичкина воқеаларни тасодиф деб изоҳлашга эҳтиёж қолмайди, шу билан бирга бу кичкина воқеаларнинг ҳаммаси зарурий бўлганлиги очиқ-ойдин бўлиб қолади.

Агар биз охириги мақсадни билишдан воз кечсак, шу нарсани очиқ-ойдин англаймизки, ҳеч бир ўсимликка унинг ўзига хос ранг ва ўзи берадиган уруғдан бошқа мувофиқроқ ранг ва уруғ ўйлаб топиш мумкин бўлмагани сингари, ўтмишлари айнан бир хил бўлган ва олдиларида турган вазифага барча майда-чуйда тафсилотлари билан бу даражада мувофиқ бўлган бошқа икки шахсни ўйлаб топиш ҳам қийин.

III

Ҳозирги асрнинг бошларида Европада содир бўлган асосий ва муҳим воқеалар Европа халқлари оммасининг ғарбдан шарққа, ундан кейин шарқдан ғарбга қараб қилинган жанговар юришларидан иборатдир. Бу ҳаракатга ғарбдан шарққа қараб қилинган ҳаракат сабабчи бўлди. Ғарбий мамлакатлар халқларининг Москвагача қилган жанговар юришлари амалга ошмоғи учун: 1) уларнинг шарқдаги урушқоқ гуруҳлар билан тўқнашишга бардош бера оладиган катта бир жанговар гуруҳга бирлаша олишлари; 2) шу маҳалгача ҳукмрон бўлиб келган анъана ва урф-одатлардан воз кечишлари; 3) жанговар юриш чоғида тепаларда шу ҳаракат вужудга келган замони юз бериши мумкин бўлган алдамчилик, қатл ва ғоратларни ҳам ўзи, ҳам булар учун жоиз деб биладиган одам туриши керак эди.

Француз инкилобидан бошлаб етарли даражада катта бўлмаган эски гуруҳ емирила бошлайди; эски анъана ва урф-одатлар бекор бўлади; қадам-бақадам янги ҳажмдаги гуруҳлар, янги урф-одат ва анъаналар вужудга келади ва бўлажак ҳаракатнинг бошида туриб, содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларнинг барча масъулиятини ўз бўйинига оладиган одам тайёрланади.

Ақидаси, анъанаси, урф-одати, насл-насаби номаълум, ҳатто француз бўлмаган бир шахс Францияни ғулғулага солиб турган барча партиялар орасидан гўё жуда ғалати бир тасодиф билан ўтиб олади-да, уларнинг биронтасига қўшилмасдан, энг кўзга кўринарли мавқени ишғол қила олади.

Шерикларининг нодонлиги, душманларининг заиф ва ногиронлиги, ёлғонни қийиб юбориши, маҳдуд мутакаб-бирлиги уни армияга бошлиқ қилиб кўтаради. Италия армиясидаги аскарларнинг саралиги, душманларининг урушишдан бўйин товлаши, ўзининг густохлиги ва кибр-ҳавоси унга ҳарбий шухрат ато қилади. Сон-саноксиз тасодиф ҳаминиша унга ёр бўлади. Француз ҳукмдорларининг ғазабига гирифтор бўлиши ҳам унинг фойдасига хизмат қилади. У ўзининг азалдан белгиланган йўлини ўзгар-тиришга муваффақ бўлолмайди: уни Россияда хизматга олишмайди.

Туркияда ҳам ишга киролмайди. Италия урушида бир неча марта ажал гирибонидан ушлаб олади, лекин ҳар дафъа кутилмаган бир тарзда омон қолади. Унинг шон-шухратини кўкка созуриши мумкин бўлган рус қўшини, мухталиф дипломатик мулоҳазаларга кўра, у Европада бўлган чоғда у ерга қадам босмайди.

У Италиядан қайтган чоғда Париж ҳукумати шундай бир инқирозга учраган эдики, бундай ҳолатда ҳукумат ҳайъатида бўлган шахс албатта ном-нишон бўлиб номи ўчиб кетарди. Унинг учун бу хатарли ҳолатдан чиқиш йўли ўз-ўзидан топилади: у ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, ҳеч қандай мулоҳазага бормасдан беҳуда ва бемаъни Африка экспедициясини уюштиради. Яна ўша тасодиф деган нарса унга ёр бўлади.

Қамал қилиб олиб бўлмайдиган Мальта қалъаси битта ҳам ўқ отмасдан таслим бўлади. Унинг эҳтиётсизлиги билан берилган буйруқлари муваффақият қозонади. Кейинчалик биронта ҳам қайикни ўтказмаган душман флоти бутун бошли бир армияни ўтказиб юборади. Деярли қуролсиз бўлган Африка аҳолисининг бошига бир дунё кулфатлар ёғилади. Бу ёвузликларни амалга ошираётган кишилар, айниқса уларнинг йўлбошчиси бу жуда аломат иш бўлди, бу Қайсари Рум ва Искандар Зулқарнайннинг ишлари сингари шарафли иш бўлди, деб ўзини ишонттиради.

Бирон ёмон ишдан қайтиш у ёқда турсин, балки қилган ҳар бир жиноятдан фахрланишдан иборат бўлган шухрат ва буюклик идеали ва бу жиноятга тушуниб бўлмайдиган фавкулотда бир маъно бериш ҳам ўзи ва ҳам итоатидаги одамларга дастур бўлган идеал Африка саҳроларида камол топади.

У нима ишга қўл урмасин, ҳаммаси муваффақият билан анжом топади. Ғалаба унга юкмайди. Асирларни шафқатсизлик билан ўлдириши унинг учун қусур ҳисобланмайди. Африкадан, ёмон аҳволга тушиб қолган, шерикларининг олдидан ҳеч сабабсиз, болаларча енгилтаклик ва уятсизлик билан кетиб қолиши унинг хизмати қилиб кўрсатилади ва душман флоти яна уни иккинчи мартаба қўлдан чиқариб

юборади. У муваффақият билан амалга оширган жиноятларидан буткул маст бўлиб, ўз ролини бажаришга бел боғлаб, ҳеч қандай мақсад-муддаосиз Парижга қайтганида, бундан бир йил муқаддам уни маҳв этиши мумкин бўлган республика ҳукумати батамом бузғунликка учраган эди, шундай вазиятда унинг Парижда бўлиши, ҳеч бир партия билан алоқаси бўлмаган шахснинг Парижда бўлиши энди фақат унинг кўтарилишига сабаб бўла оларди, холос.

Унинг ҳеч қанақа режаси йўқ, у ҳамма нарсадан ҳадиксирайди, лекин партиялар унга маҳкам ёпишиб, иштирок этишини талаб қилишади.

У ўзи якка-ёлғиз ва Мисрда камолга эриштирган шухрат ва буюклик идеали билан, ўзига девоналарча бино қўйиши, беқиёс жиноятлари, ёлғонни рост қилиб гапириши билан ўзи якка-ёлғиз бўлажак воқеаларни оқлай оларди.

Бу одам ўзини кутиб турган жой учун керак, бинобарин, унинг истак-иродасига қарамасдан, ланж бўлса ҳам, режаси бўлмаса ҳам, устма-уст хатолар қилаётган бўлса ҳам, ҳукуматни қўлга олиш мақсадида уюштирилаётган суиқасдга жалб этилади ва бу суиқасд муваффақият билан тамом бўлади.

Кўярда-қўймай, уни ҳукмдорлар мажлисига киргизишди. У ўтақаси ёрилиб, қочибга уринади, ўзини ҳушдан кетганга солади, ўзини ҳалок қилиши мумкин бўлган сафсата гапларни айтади. Бироқ Франциянинг илгари зийрак ва мағрур бўлган ҳукмдорлари даврларини суриб бўлганларини сезиб, ундан баттар мулзам бўлишади-да, ҳокимиятни сақлаб қолиш ва уни маҳф этиш учун лозим бўлган сўзлар ўрнига тамоман бошқа гапларни гапиришади.

Тасодифлар, миллион-миллион тасодифлар ҳокимиятни унинг қўлига олиб беради ва ҳамма худди атайин қилгандай, шу ҳокимиятнинг барқарор бўлишига кўмаклашади. Тасодифлар унга итоат қилаётган Франция ҳукмдорларининг хулқ-атворини белгилайди; тасодифлар унинг ҳокимиятини эътироф этган Павел I нинг хулқ-атворини белгилайди, тасодиф унга қарши тузилган суиқасдлар зарар етказиш у ёқда турсин, балки унинг ҳокимиятини барқарор

бўлишига хизмат қилади. Тасодиф герцог Энгиенскийни унинг кўлига туширади ва у беҳосдан герцогни ўлдириб, кейин бундан энг кучли бир восита сифатида фойдаланади, шундай қилишга менинг хоҳишим бор, чунки мен кучлиман, деб оломонни инонтирмоқчи бўлади. Мана шу тасодифга кўра у бутун куч-қувватини Англия экспедициясига тўплайди, унинг бошига сув қуйиши ва нияларини барбод этиши керак бўлган экспедициядан батамом воз кечади, у кўкқисдан Мак бошчилигидаги австрияликларга ҳужум қилади ва улар жангсиз таслим бўлишади. Тасодиф билан даҳо ёр бўлиб, у Аустерлиц жангида галаба қозонади, тасодифан ҳамма, фақат французлар эмас, балки Англиядан бошқа (Англия кейин рўй берган воқеаларга иштирок қилмайди) бутун Европа, ҳамма-ҳамма, илгари унинг жиноятларидан даҳшатга келган ва ундан нафратланиб юрганларига қарамай, унинг ҳокимиятини, ўз-ўзига берган номни, шухрат ва буюклик ҳақидаги идеалларини этироф қилишади, бу идеаллар ҳамманинг назарига жуда ажойиб ва оқилона идеаллар бўлиб кўринади.

Ғарб кучлари, худди олдинда турган ҳаракатни чамалаб, унга ҳозирлик кўргандай, 1805-, 1806-, 1807-, 1809-йилларда борган сайин кучайиб ва кўпайиб шарққа интилади.

1811-йилда Францияда ташкил топган бир гуруҳ одамлар Ўрта Европа халқлари билан бирлашади ва каттакон бир гуруҳ вужудга келади. Бу гуруҳ кўпайган сайин ҳаракат бошида турган киши нима қилса, зўр бериб уни оқлай беришади. Буюк ҳаракатдан олдин ўтган ўн йиллик тайёргарлик даврида бу одам Европанинг барча тождорлари билан яқинлашиб олади. Миси чиқиб қолган дунё ҳукмдорлари Наполеоннинг шухрат ва буюклик ҳақидаги бемаъни идеалига бирон оқилона идеални қарши қўйишга ожизлик қилишади. Улар ўз разилликларини бир-бирлари олдида унга намоён қила беришади. Пруссия қироли буюк шахснинг лутф-марҳаматига умидвор бўлиб, ўз хотинини унга пешкаш қилади; Австрия императори бу одам қайсарлар кизини ўз ётоғига қабул қилганини катта марҳамат деб билади: халқлар дин-у диёнатининг ҳомийси бўлмиш папа

ўз динини шу буюк шахснинг мартабасини оширишга хизмат қилдиради. Ўзининг ролини бажаришга Наполеоннинг ўзидан кўра атрофидаги кишилар кўпроқ жон қуйдиришади, улар Наполеонни содир бўлган ва содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг бутун масъулиятини ўз гарданига олишга тайёрлашади. У қандай ёмон иш қилмасин, қандай жиноят қилмасин, қанча ёлғон-яшиқ ишлатмасин, шу он атрофидаги шахслар уни буюк ишлар қилдига чиқаришади. Немислар атайлаб унинг шарафига Йена ва Ауерштет кунини энг катта байрам қилишади. Унинг ўзигина эмас, балки авлод-аждоди, ака-укалари, ўғай ўғиллари ва божалари ҳам буюк бўлади. Ҳамма нарсани унинг ақлини ўтмаслаштириш, уни дахшатли ролга тайёрлаш учун қилинади. Шундай қилиб, ўз ролини бажаришга у тайёр бўлган вақтда, тегишли кучлар ҳам тайёр бўлади.

Шарққа қараб юриш бошланади, у сўнгги мақсадига эришади – Москва забт этилади. Пойтахт ишғол қилинади; рус кўшинлари Аустерлицдан бошлаб Ваграмга қадар бўлган илгариги урушларда нобуд бўлган душман кўшинларидан ҳам кўра кўпроқ қирилади. Бироқ тўсатдан шу маҳалгача Наполеонни устма-уст муваффақиятлар билан муттасил мақсадга томон олиб борган тасодифлар ва даҳолик ўрнида Бородинода орттирган тумовидан бошлаб қаҳратон совуқ ва Москвани ёндириб юборган учкунгача сонсаноксиз акс тасодифлар юз беради, даҳолик ўрнига мисли қўрилмаган ҳамоқат ва қабоҳат содир бўлади.

Истило олға қараб югуради, оркага қайтади, яна югуради ва барча тасодифлар энди муттасил унинг фойдасига эмас, аксинча, зарарига хизмат қилади.

Шарқдан ғарбга қарши ҳаракат бошланади ва бу ҳаракат илгариги ғарбдан шарққа қараб қилинган ҳаракатга ажойиб тарзда ўхшайди. Шарқнинг ғарбга юришидан олдин, 1805-, 1807-, 1809-йилларда катта ҳаракат вужудга келади: айнан ўша вақтдаги сингари одамлар каттакон гуруҳга тўпланишади: ўрта Европадаги халқлар яна бу ҳаракатга қўшилади; ярим йўлда яна иккиланиш бошланади ва сўнгги мақсадга яқинлашган сайин яна ҳаракат суръати кучаяди.

Сўнги мақсадга – Парижга етиб борилади. Наполеон ҳукумати ҳам, унинг кўшинлари ҳам тор-мор келтирилади. Наполеон ўз аҳамиятини йўқотади: унинг барча хатти-ҳаракатининг ифлос ва мурдорлиги очиқ-ойдин бўлади, бироқ яна тушуниб бўлмайдиган тасодиф юз беради! Иттифоқдошлари уни ёмон кўришади, бошларига келган кулфатларни ундан кўришади; кучи ва ҳокимиятидан маҳрум бўлган, жиноят ва хиёнатлари фош этилган Наполеон энди, уларнинг назарида, бундан ўн йил муқаддам ва бир йил кейин қандай кўринган бўлса, шундай кўриниши, ғайриқонуний қароқчи деб танилиши керак эди. Бироқ аллақандай бир ғалати тасодифга кўра бу нарсани ҳеч ким кўрмайди. Унинг роли тамом бўлмайди. Ўн йил муқаддам ва бир йил кейин ғайриқонуний қароқчи ҳисобланган одам Франциядан икки кунлик масофадаги оролга юборилади, унинг ихтиёрига яна бир гвардия берилади ва нима учундир, унга миллион-миллион пуллар тўланади.

IV

Халқ денгизининг пўртаналари босилиб, ўз соҳилларига қайта бошлайди. Бу буюк ҳаракатнинг тўлқинлари орқага чекинади ва тинчиган денгизда гирдоблар вужудга келади ва дипломатлар шу гирдобларда айланиб юриб, тўлқинни биз бостирдик, деб керилишади.

Аммо тинчиб қолган денгизда яна пўртана бошланади. Дипломатларнинг назарида, бу пўртана янги кучларнинг хуружига уларнинг ўзаро келиша олмаганликлари сабаб бўлиб кўринади; улар ўз ҳукмдорлари орасида уруш бошланиб кетишини кутишади; вазият, уларнинг назарида, тузалмайдиганга ўхшаб кўринади. Бироқ тўлқин улар кутган томондан кўтарилмайди. Бу тўлқин илк ҳаракат амалга опган нуқтадан – Париждан кўтарилади. Ғарбдан бошланган ҳаракатнинг сўнги тўлқини шалошлаб кўтарилади; бу тўлқин ҳал бўлмайдигандай кўринганда дипломатик мушкулотларни ҳал этиши ва бу даврнинг жанговар ҳаракатларига хотима бериши керак эди.

Францияни хароб қилган одам ўзи якка-ёлғиз, ҳеч

қандай суиқасдсиз, аскарсиз Францияга қайтади. Ҳар бир қоровул ҳам уни қўлга тушириши мумкин эди, бироқ қўлга тушириш у ёқда турсин, ғалати бир тасодифга кўра ҳамма уни, бир кун бурун лаънатлар ўқиган ва бир ойдан кейин яна лаънат ўқиши аниқ бўлган шахсни шод-хуррам қарши олади. Бу шахс сўнгги бирикма ҳаракатни оқлаш учун ҳам керак эди.

Воқеа содир бўлади. Сўнгги роль ўйналади. Актёрга ечинишни, кўзига тортган сурма билан бетига суртган ула-эликни артиб ташлашни буюришади – унга ҳожат қолмайди.

Бу одам йиллар давомида ўз оролида, ўзи якка-ёлғиз аянч комедиясини ўйнаб юради, фикс-у фасодлар уюшти-ради, ёлғон ишлатиб оқлашга ҳожати қолмаган қилмиш-ларини оқлайди, кўзга кўринмайдиган бир қўл уни идора қилган чоғларда одамлар уни кучли деб билгани рост эканлигини оламга кўрсатади.

Саҳна раҳбари драма тамом бўлгандан сўнг актёрни ечинтириб, бизга кўрсатди.

– Мана, ишонган нарсаларингни кўриб олинглар! Мана у, кўрдиларингми? Сизларни бу эмас, мен ҳаракатга келтирган эдим! – дейди.

Бироқ ҳаракат таъсиридан гангиб қолган кишилар узоқ вақт буни англолмайди. Шарқдан ғарбга қараб қилинган қарши ҳаракат бошида турган Александр I нинг ҳаётида биз бундан ҳам кўпроқ изчиллик ва зарурат борлигини кўрамыз.

Шарқдан ғарбга қараб қилинган ҳаракатнинг бошида ҳаммани кўланкада қолдириб турган шахсга нима керак?

Адл-у адолатли бўлиши, майда-чуйда манфаатларга берилиб кетмасдан, узоқдан туриб Европа ишларида ишти-рок этиши керак; ўз ҳамсафлари – ўша замоннинг подшоҳ-ларидан маънавий жиҳатдан бир поғона баланд туриши керак; беозор ва жозибали шахс бўлиши, шахсан Напо-леондан ҳақоратланган бўлиши керак эди. Буларнинг ҳамма-си Александр I да мавжуд, буларнинг ҳаммасига унинг ўтмишида юз берган сон-саноксиз тасодифлар: тарбияси, либераллик ташаббуслари, атрофида юрган маслаҳатгўйла-ри, Аустерлиц, Тильзит ва Эрфурт воқеалари замин бўлган.

Умумхалқ уруши даврида бу одам четга чикиб туради, чунки унинг кераги йўқ. Бироқ Умум Европа уруш зарурати туғилиши биланоқ бу шахс дархол ўз ўрнини ишғол қилади ва Европа халқларини бирлаштириб, уларни мақсад сари олиб боради.

Мақсадга эришилади. Александр I сўнги 1815-йил урушидан сўнг инсон боласи эришуви мумкин бўлган ҳокимиятнинг энг юқори чўккисига чикиб олади. Хўш, бу ҳокимиятдан у қандай манфаат кўрди?

Александр I Европада сулҳ-у тинчлик барпо этган, ёшлик чоғларидан бошлаб ўз халқларининг бахт-саодати учун жон куйдирган, биринчи бўлиб ўз вақтида либерал янгиликларни амалга татбиқ эта бошлаган, эндиликда энг буюк ҳокимиятга молик бўлган ва халқларни хушбахт қилиши мумкиндай кўринган бир вақтда, сургунда юрган Наполеон, агар қўлимда ҳокимиятим бўлса, башариятни қандай бахтли қилардим, деб гўдақларча мақтаниб ёлгон режалар тузиб юрган бир вақтда Александр I ўз бурчини ўтаб, паймонаси тўлаётганини сезади-да, тўсатдан бу хаёлий ҳокимиятнинг бир чакага арзимаслигини эътироф қилади, ундан юз ўгиради ва бу ҳокимиятни ўзи нафратланиб юрган манфур кишилар кўлига топшираркан, куйидаги сўзларнигина айтади.

– «Бизга эмас, бизга эмас, сенинг номинга лойиқдир бу!» Мен ҳам сизларга ўхшаган одамман; кўйинглар, мен ҳам одамга ўхшаб яшайин, ўз жоним тўғрисида, худо тўғрисида ўйлайин.

Эфирнинг ҳар бир атоми – зарраси ҳам куёшдек ўзича мустақил бир шар бўлиб, айна замонда буюклигига одам ақли ожизлик қиладиган бир бутуннинг атоми – заррасини ташқил қилади; худди шунга ўхшаш ҳар бир шахснинг ҳам ўзича мақсади бўлади ва айна ҳолда у инсонга муяссар бўлмайдиган умумий мақсадларга хизмат қилиш учун бу мақсадни юрагида олиб юради.

Гулга кўнган асалари болани чақиб олади. Бола асаларидан кўрқади ва асаларининг мақсади одамни чақитдан иборат деб ўйлайди. Шоир эса гулга кўниб, унинг атрини

сўраётган асаларини кўриб завқи келади, асаларининг мақсади гулнинг атрини сўриб олишдан иборат деб ўйлайди. Асаларичи бўлса, ари гулнинг чанги ва ширасини йиғиб, уяга олиб кирганини кўриб, унинг мақсади асал йиғишдан иборат деб гумон қилади. Асаларининг ҳаётини чуқурроқ ўрганган бошқа бир асаларичи эса, ари гулнинг чанг ва ширасини тухумдан янги чикқан ариларни боқиш ва она ари етиштириш учун йиғади, унинг мақсади ўз наслини давом эттиришдир, дейди. Набототчи асаларининг гулдан гулга кўниб, уларни чанглатганини кўриб, асаларининг мақсади дарахтларни ҳосилдор қилишдан иборат деб ўйлайди. Бошқа набототчи ўсимликларни бир ердан иккинчи ерга кўчганини ва бунга асалари сабабчи бўлганини кўриб, бу янги мушоҳадачи асаларининг мақсади шундан иборат деб ўйлаши мумкин. Ҳақиқатда эса асаларининг асл мақсади инсон ақли кашф эта олиши мумкин бўлган биринчи, иккинчи ва учинчи ҳодисалардан иборат эмас. Бу мақсадларни ўрганиш йўлида инсон ақли нақадар юксакликка кўтарилса, сўнгги мақсадга эришишнинг ғайриимконлиги шу қадар очиқ-ойдин бўлади.

Инсон фақат асаларининг ҳаёти бошқа ҳаёт ҳодисалари билан мувофиқ эканлигини мушоҳада этишга қодир. Тарихий сиймолар ва халқларнинг мақсади хақида ҳам шу нарсани айтиш керак.

V

1813-йилда Безуховга теккан Наташанинг тўйи қари Ростовлар оидасида сўнгги шодиёна воқеа бўлди. Граф Илья Андреевич ўша йили вафот этди ва шундай ҳолатларда бўладиганидек, унинг ўлими билан эски оила ҳам тўзиб кетди.

Сўнгги йилда юз берган воқеалар: Москва ёнғини ва Москвани ташлаб қочиш, князь Андрейнинг ўлими ва Наташанинг доғи-ҳасратда қолиши, Петянинг ҳалок бўлиши, графиянинг мусибати — буларнинг ҳаммаси кекса графнинг бошига зарба устига зарба бўлиб тушган эди. Кекса граф худди бу воқеаларни тушунишга ва унинг моҳиятини англашга ўзини ожиз сезаётгандай эди, гўё ўзини адоий тамом қиладиган янги зарбаларни кутаётгандай, янги зарба-

ларни ўтиниб сўраётгандай, рухан эзилиб бошини эгиб юрарди. У гоҳ кўрқкан ва гангиб қолгандай кўринса, гоҳ ғайритабиий тетик ва уддабурон кўринарди.

Наташанинг тўйи зоҳиран бирмунча вақтгача кекса графни овутиб юрди. У тушки ва кечки овқатлар буюриш билан овора бўлиб, ўзини хурсанд кўрсатишга уринарди, бироқ унинг хурсандлиги, илгаригидай, бошқаларнинг хурсандлигига сабаб бўлмас, аксинча, уни биладиган ва яхши кўрадиган одамларнинг раҳмини келтирарди.

Пьер хотинини олиб жўнаб кетгандан сўнг кекса граф жимиб қолди ва дилгирликдан нолий бошлади. Орадан кўп ўтмай тоби қочди ва кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Касал бўлган кундан бошлаб, у докторларнинг тасалли беришига қарамасдан, қайтиб оёққа турмаслигини англаб қолди. Графиня икки ҳафта ечинмай, креслода, унинг бошида ўтириб чикди. Графиня ҳар гал дори берганда граф ўпкасини зўрға босиб, унсизгина хотинининг қўлидан ўпиб кўярди. Сўнгги кун граф хотинининг мол-мулкани барбод бергани учун йиғлаб-йиғлаб графинядан ва ўғлидан ғойибона узр сўради. Расм-русум ва дуойи фотиҳадан сўнг граф тинчгина оламдан кўз юмди. Эртаси Ростовларнинг ижарага олган уйлари марҳумга сўнгги марта ҳурматларини билдириш учун келган таниш-билишлар билан тўлди. Графнинг қанчадан қанча ош-нонини еган ва уйда ўйинга тушган, кўп марта ундан кулган бу ёр-ошноларнинг ҳаммаси ҳозир худди биров олдида ўзларини оклаётган, ўзларидан койиётгандай, кўнгиллари бузилиб бир-бирларига шундай дейишарди: «Ҳар нима бўлганда ҳам жуда аломат одам эди. Ҳозир бунақа одамлар каёқда дейсиз... Дунёда қусурсиз одам бормикин?»

Граф ишлари жуда чалкашиб, тағин бир йил шу аҳволда давом этса нима бўлишини тасаввур қилиш қийин бўлиб қолган бир вақтда тўсатдан вафот этди.

Николай отасининг ўлими ҳақидаги хабар келган вақтда рус қўшинлари билан Парижда эди. У дарҳол истеъфо сўраб ариза берди ва натижасини кутмасдан, отпускаи олиб Москвага қайтди. Графнинг вафотидан бир ой ўтгач, пул

масаласига доир ишлар батамом ойдинлашди, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган майда-чуйда ишларнинг бу қадар кўплиги ҳаммани ҳайратда қолдирди. Қарзлар мулкка қараганда икки хисса ортиқ эди.

Қариндош-уруғлари ва ёр-дўстлари Николайга меросдан воз кечишни маслаҳат беришди, лекин Николай меросдан воз кечиши отасининг хотирасига нисбатан ҳурматсизлик деб билди ва ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмасдан, отасининг қарзларини тўлаш шарти билан ундан қолган меросга ворис бўлди.

Граф ҳаёт бўлган вақтда унинг ҳаддан ортиқ бебош сахийлигидан узоқ вақт оғиз очолмай юрган қарз берувчилар бирдан пулларни талаб қила бошладди. Одатдагача, ким пулини олдин ундиради деб, бир-бирлари билан мусобақа қилишди. Митинькага ўхшаб пулсиз, ҳадя тарикасида вексель¹ олган кишилар, энди энг хира судхўрга айланди. Булар Николайга на муҳлат ва на нафас ростлагани қўяр эди. Илгарилари кўрган зарарларининг сабабчиси бўлган чолни (агар зарар дейиш жонз бўлса) аяб келган бўлсалар, энди улар гуноҳсизлиги кўриниб турган ва ўз ихтиёри билан шунча қарзни бўйнига олган ёш ворисга маҳкам ёпишиб олдилар.

Николай амалга ошироқчи бўлган тadbирларнинг биронтаси натижа бермади: мулк «ким ошди» савдоси билан ярим баҳосига сотилди, лекин қарзларнинг ярмиси яна тўланмай қолди, Николай ўзи чинакам қарз деб ҳисоблаган пулларни тўлаш учун куёви Безухов бермоқчи бўлган ўттиз минг сўмни олди. Қолган қарзлари учун қамокка тушишдан қўрқиб (судхўрлар қаматамиз, деб пўписи қилаётган эдилар), яна хизматга кирди.

Николай армияда полк командирлиги жойига биринчи номзод бўлса ҳам, ҳозир онасининг унга илинж бўлиб қолганини кўриб армияга қайтмади, шунинг учун илгариги таниш-билишлари олдида, Москвада қолишни ва ғайриҳарбий лавозимда ишлашни хоҳламаса ҳам, Москвадаги бир

¹ Вексель (*немисча*: Wechsel – ўзгартиш; алмантириш) – қонун билан қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти.

идорага ишга кирди ва севимли мундирини ечиб, онаси билан Соняни олиб, Сивцев Вражек кўчасида кичкина бир квартирада яшай бошлади.

Наташа билан Пьер шу кунлари Петербургда яшар ва Николайнинг аҳволдан деярли беҳабар эдилар. Николай куёвидан қарз олган бўлса ҳам, ундан аҳволи чатоқлигини яширар эди. Николайнинг аҳволи жуда оғир эди, чунки у оладиган бир миңг икки сўм маоши билан ўзи, Соня ва онасини боқиши ва шу билан бирга камбағал бўлиб қолганини онасига сездирмаслиги керак эди. Графиня ёшлигида тўкин-сочин, дабдабали ҳаётга ўрганган ва бусиз ҳаётни тасаввур қилолмас эди ва бу нарса ўғли учун нақадар оғирлигини тушунмасдан, ҳали таниш бир хотинни олиб келгани ўзларида йўқ қаретани талаб қилар, ҳали ўзи учун анвойи турли қиммат овқатлар, ўғли учун хилма-хил винолар буюрар, ҳали Наташага, Соняга ва Николайнинг ўзига қимматбаҳо ҳадялар олиш учун пул сўрарди.

Соня уй-рўзгор ишларини бошқарар, графиняга қарар, унга китоб ўқиб берар, унинг инжиқлиги ва димоғ-фироғини кўтарар, оғир аҳволга тушиб қолганларини графинядан яширишда Николайга кўмаклашарди. Онасига Сонянинг қилаётган барча хизматларини кўриб, Николай ундан умрбод қарздор ва миннатдор эканини сезар, унинг сабрбардоши ва садоқатига қойил қолар, лекин ўзини ундан йироқ тутишга ҳаракат қиларди.

Николай Сонянинг ҳар томонлама мукамаллиги, бирон борада ундан гина қилиб бўлмаслиги учун гўё ичида ундан ўпкаларди. Соняда инсоннинг кадр-қимматини оширадиган ҳамма ҳислатлар мавжуд бўлса ҳам, уни севишга Николайни мажбур қиладиган нарса етишмас эди. Николай Соняни қанча кўп кадрласа, уни шунча оз севишини сезарди. У Сонянинг хатидаги бир сўзни, «бошинг очик, ихтиёринг ўз қўлингда», деган гапини маҳкам ушлаб олган ва ҳозир ўзини шундай тутардики, гўё улар орасида бўлиб ўтган гаплар аллақачон унутилиб кетган ва қайта такрор бўлиши сира мумкин эмас.

Николайнинг аҳволи кун сайин оғирлаша бошлади.

Маошидан бирмунчасини тежаб олиб кўйиш фикри хом хаёлга айланди. Пул орттириш у ёқда турсин, онамнинг талабларини қондираман, деб аста-секин яна майда-чуйда қарзга бота бошлади. - Бу аҳволдан кутулиш Николайга амримаҳолдай кўринарди. Қавм-қариндошларининг маслаҳатига кўра давлатманд бир қизга уйланиш фикри унга жуда жирканч бўлиб туюларди. Бу аҳволдан кутулишнинг иккинчи йўли – онасининг ўлими – сира хаёлига келмас эди. У ҳеч нарсани истамас, ҳеч нарсага умид боғламас, ўз аҳволидан нолимаганидан, ҳамма маҳмуриятларга бардош бериб юрганлигидан кўнглининг бир четида ўз-ўзига тан берарди. У олдинги таниш-билишлари билан учрашмасликка, уларнинг ҳамдардлик изҳор қилишлари ва таққиромуз тарзда ёрдам таклиф этишларини эшитмасликка уринарди. У ҳар қанақанги кўнгилхушлиқдан қочар, уйда ҳам унинг қиладиган бирдан бир иши – онаси билан карта очиш, индамасдан уй ичида у ёқдан бу ёққа юриш, устма-уст трубка чекиш эди, холос. У гўё кайфи бузук холда юришга тиришар ва бошига тушган оғир аҳволни фақат шу кайфият воситаси билан енгишга қодирдай сезарди.

VI

Қишнинг бошларида княжна Марья Москвага келди. Шаҳарда тарқалган миш-мишлардан у Ростовларнинг аҳволини ва «ўғли, ўзини онаси учун қурбон қилганини» эшитди.

Княжна Марья Ростовга бўлган муҳаббатини мамнуният билан эсларкан, ўз-ўзича: «Ўзим ҳам ундан шуни кутган эдим», дерди. Княжна Марья Ростовлар хонадонига дўст ва деярли қариндошдай бўлиб қолганини эслаб, бирров бориб келишни ҳам фарз, ҳам қарз деб билди. Аммо Воронежда Николай билан ўзи орасида ўтган гапларни эслаб, боргани юраги дов бермади. Ниҳоят ўзини қўлга олдида, Москвага келганига бир неча ҳафта бўлгандан сўнг Ростовларникига борди.

Княжнани ҳаммадан олдин Николай қарши олди, чунки графинянинг олдига фақат унинг бўлмасидан кириш мумкин эди. Княжна Марья, Николай мени кўриб суюниб кетса

керак, деб ўйлаган эди, аксинча, у княжнани шундай бир кибр, шундай бир гурур билан совуқ қарши олдики, княжна Марья илгари Николайни ҳеч қачон шу қиёфада кўрмаган эди. Николай княжнанинг ҳол-аҳволини сўрагач, онаси олдига бошлаб кирди ва беш дақиқа ўтиргандан сўнг чиқиб кетди.

Княжна Марья графинянинг олдидан чиққач, яна Николайга дуч келди, Николай сохта таъзимтавозе ва совуқ илтифот билан уни даҳлизгача кузатиб қўйди. Княжна графинянинг соғлиғидан гап очганда Николай чурқ этмади. Унинг кўз қарашлари: «Сизнинг нима ишингиз бор? Кўйинг мени ўз ҳолимага», – деб турар эди.

Княжнанинг коляскаси жўнаб кетгандан сўнг Николай, аламига чидамади, шекилли, Соня олдида баланд товуш билан деди:

– Нега санқиб юрибди? Унга нима керак экан? Бу ойимбекалар ҳам, уларнинг лутф-марҳамати ҳам меъдамга тегди...

– Вой, Николай, нахот шундок десангиз, – деди Соня ўз севинчини зўрга яшириб. – Княжна жуда кўнглилчан қиз, ойижон уни жуда яхши кўрадилар.

Николай ҳеч нарса демади, у умуман княжнадан гап очишни истамас эди. Бироқ княжна Марья келиб кетгандан кейин кекса графиня, худо берган кунни ундан сўз очадиган бўлиб қолди.

Графиня уни мақтар, ўғлини княжна олдига бориб келгин деб кистар, княжнани тез-тез кўриб тургиси келаётганини билдирар, лекин шу билан бирга ҳар гал княжнадан гап очганида кайфи бузиларди.

Онаси княжна Марья тўғрисида гапирганда Николай индамасликка уринар, аммо ўғлининг индамагани графинянинг жаҳлини чиқарар эди.

– Княжна жуда олийжаноб, аломат қиз-да, – дерди графиня. – Бориб келсанг бўларди. Битта-яримтани учратиб, юрагинг чигилини ёзиб келарсан; бизлар билан ўтиравериб зерикиб ҳам қолгандирсан.

– Ойижон, сира оёғим тортмайди.

– Ўзинг бораман деб юрувдинг-ку, тагин айниб колдингми? Болам, жоним, сенга тушунмай қолдим. Гоҳ зерикиб кетдим дейсан, гоҳ ҳеч кимни кўргинг келмай қолади.

– Мен зерикдим, деб айтганим йўқ-ку, ахир.

– Айтгансан, айтгансан, княжнани кўргим ҳам келмаяпти деб ўзинг айтмаганмидинг. Княжна жуда хурматга сазовор қиз: доим сенга ёқарди-ку, нега энди бўлмаган баҳоналарни топиб ўтирибсан. Дилларингдагини мендан яширасизлар.

– Ойижон, ҳечам унақа эмас.

– Мен сени бирон ёмон ишга йўллаётганим йўқ, фақат бирров бориб княжнанинг ҳолини сўраб кел, дейман, холос. Одамгарчилик юзасидан ҳам бориб келишинг зарур... Майли, сўраганим шу бўлсин, модомики мендан яширадиган сирларинг бор экан, сенинг ишингга иккинчи бор аралашмай кўя қолай.

– Ҳа, ҳўл, сизнинг истагингиз шу бўлса, бораман.

– Менга барибир, мен сен учун жон қуйдиришман.

Николай лабини тишлаб хўрсиниб кўйди ва онасининг диққатини бошқа нарсага жалб этиш мақадида карталарни ёя бошлади. Эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейинги кун ҳам шу гап такрорланди.

Ростовларникига борганида Николай кутилмаган тарзда совуқ қарши олганидан сўнг княжна Марья: аввал мен бормаслигим керак, деб ўйлаганим маъқул гап экан, деб қилмишига пушаймон бўлди.

«Ундан бирон нарса кутганим ҳам йўқ эди, – деди княжна Марья ўзини мағрур тутишга тиришиб. – У билан неча пуллик ишим бор, мен кампирни кўрмоқчи бўлиб борган эдим, холос, чунки кампир менга жуда кўп меҳрибончиликлар қилган, мен унинг олдида ўзимни қарздор сезаман».

Лекин, барибир, бу мулохазалар билан ҳам унинг кўнгли таскин топмади. Ростовларникига боргани эсига тушганда пушаймонга ўхшаш бир туйғу уни қийнай бошларди. Бундан кейин Ростовларнинг даргоҳига қадам босмасликка ва бу гапларнинг ҳаммасини унутишга қаттиқ қарор қилган бўлса ҳам, княжна Марьянинг кўнгли ҳадеб ғам бўлаверди.

Менинг осойишталигимни бузган ғамлик нима бўлса экан, деб ўз-ўзидан сўраганида, бу нарса Николайга бўлган муносабати масаласи эканлигини эътироф этишга мажбур бўлди. Ростовнинг князга билан совуқ ва расмий бир тарзда муомала қилишга унинг княжнага бўлган туйғуси эмас, балки (княжнанинг билишича) бошқа бир нарса сабаб бўлган эди. Княжна мана шу нарсани билмоқчи эди, бунинг тағига етмагунча хотиржам бўлолмасди.

Қишнинг ўрталарида у дарсхонада, жиянининг дарс тайёрлашини кузатиб ўтирганида, Ростовнинг келганини унга хабар қилишди. Княжна сир бой бермасликка ва хижил бўлганини сездирмасликка катъий қарор бериб, мамзель Бурьенни чақирди ва у билан бирга меҳмонхонага чиқди.

Княжна Марья Ростовнинг юзига қараши биланоқ факат унинг одамгарчилик юзасидан келганини билди ва Николай қандай муомала қилган бўлса, бу ҳам шундай муомала қилишга аҳд қилди. Улар графинянинг соғлигидан, танишбилешларидан, уруш ҳақидаги сўнгги хабарлардан гаплашиб ўтиришди ва назокат талаб этадиган ўн дақиқа ўтиб, меҳмон туриб кетадиган вақт келгандан сўнг Николай хайр-маъзур қилиб ўрнидан турди.

Княжна Марья мамзель Бурьен ёрдамида суҳбатни яхши олиб борди, бироқ Николай ўрнидан туриб, хайрлаша бошлаган чоғда княжна Марья ўзига сира алоқаси бўлмаган гаплардан шунчалик чарчаб қолган ҳаёт кувончларидан нега якка ўзи бунчалик бенасиб бўлиб қолганлиги шу қадар фикр-хаёлини банд қилиб қўйган эдики, Николай ўрнидан кўзгалганини ҳам пайқамасдан, порлаб турган кўзларини рўпарасига тикиб ўтираверди.

Николай княжнага қаради ва ўзини унинг хаёли парижон эканлигини пайқаманганга солиб, мамзель Бурьен учтўрт оғиз сўз айтгач, яна княжнага қаради. Княжна ҳамон қимир этмай ўтирарди, унинг зариф юзида изтироб аломати бор эди. Бирдан Николайнинг княжнага раҳми келди ва унинг юзидаги изтиробга балки мен сабабчидирман, деган фикр хаёлидан ўтди. Николайнинг княжнага ёрдам қилгиси, бирон илиқ сўз айтиб, унинг кўнглини кўтаргиси келди-ю,

лекин сўз тополмади.

– Хайр, княжна, – деди Николай. Княжна хушини йигиб, қизариб кетди ва оғир хўрсинди.

– Э, кечирасиз, – деди княжна худди уйкудан уйғонгандай. – Дарров кетасизми, хайр граф, саломат бўлинг. Айтгандай, графиняга бериб юборадиган ёстик қолибди-ку!

– Шошманг, мен hozир олиб келайин, – деди мамзель Бурьен ва уйдан чиқиб кетди.

Иккаласи ҳам ора-сира бир-бирига кўз ташлаб, жим қолди.

Ниҳоят Николай маҳзунгина жилмайиб, гап бошлади:

– Буни қаранг-а, княжна, илк дафъа бир-биримиз билан учрашганимизга анча вақт бўлди, лекин назаримда кечагина бўлиб ўтгандай. Ўша вақтлар бошимизга қандай кулфатлар келган эди, аммо мен ўша кунларнинг қайтиб келиши учун ҳеч нарсамни аямас эдим... Афсуски, қайтариб бўлмади-да.

Николай бу сўзларни айтаётганда княжна Марья порлаб турган кўзларини унга тикиб турди. У гўё бу гапларнинг замирида ётган маънони англашга, Николайнинг ҳис-туйғуларини билишга уринарди.

– Рост айтасиз, – деди княжна, – лекин сиз ўтмишингизга таассуф қилмасангиз ҳам бўлади, граф. Билишимча, сиз ҳозирги ҳаётингизни ҳамма вақт мамнуният билан эласангиз арзийди, чунки сиз ўз хузур-халоватингиздан воз кечиб...

– Мен мақтовга сазовор иш қилганим йўқ, – деди шошиб-пишиб Николай унинг сўзини бўлиб, – аксинча, мен доим ўз-ўзимдан ранжиб юраман; келинг, қўйинг, бу гап кўнгилга сиғмайди.

Унинг нигоҳи яна аввалгидай совуқ ва расмий тус олди. Аммо княжна яна ўша ўзи билладиган ва севадиган кишини кўрди ва ўша одам билангина сўзлаша бошлади.

– Шу нарсани айгишга рухсат этарсиз деб ўйлаган эдим, – деди княжна. – Бизлар сиз... ва сизнинг хонадонингиз билан жуда яқин бўлиб қолган эдик. Сизга ҳамдард бўлишимни ўринсиз ҳисобламасиз деб ўйлаган эдим, лекин янглишган эканман, – деди княжна Марья. Бирдан унинг

товуши титраб кетди. – Нима учун шундоқ бўлганини мен билмайман, – деди у ўзини қўлга олиб. – Илгари сиз бутунлай бошқача эдингиз ва...

– Нима учун шундоқ бўлиб колганимнинг мингларча сабаби бор (нима учун сўзини Николай таъкидлаб айтди). Сиздан миннатдорман, княжна, – деди Николай секин. – Лекин баъзан жуда оғир!

«Ҳа, ана энди билдим! Ана энди билдим! – деди княжна Марьянинг калбида бир овоз. – Йўқ, мен бу одамни фақат шўх, ёқимли ва меҳрибон нигоҳини, келишган бўй-бастинигина эмас, унинг олийжаноб, фидокор, мард эканини билиб яхши кўрганман, – дерди ўзича княжна Марья. – Мана, у ҳозир камбағал, мен эса бойман... Уни ўйлаштириб қўйган нарса мана шу... Мана шу нарса бўлмаса эди...»

Княжна Марья Николайнинг илгари меҳрибонлигини эслаб, унинг ҳозирги маънос ва мулойим юзига қараб тураркан, тўсатдан нима учун бунчалик совуқ муомала қилаётганининг сабабини англади.

Княжна Марья Николайга яқинроқ келиб беихтиёр:

– Ахир нима учун граф? Нима учун? – деб тўсатдан кичкириб юбораёзди. – Айтинг, нима учун? Айтмасангиз бўлмайди, – Николай индамай турар эди. – Мен нима учунлигини тушунмаяпман, граф, – деб давом этди княжна. – Лекин менга жуда қийин, менга... Сиздан буни яширмақчи эмасман. Нима учундир сиз мени илгариги дўстлигингиздан маҳрум қилмоқчи бўлаяпсиз. Бу нарса менга жуда оғир. – Княжнанинг кўзларида ёш пайдо бўлди ва товуши титради. – Ҳаётимда қувончли кунларим жуда кам бўлган, шунинг учун ҳам ҳар қанақа жудолик мен учун оғир. Мени кечиринг, хайр, саломат бўлинг! – Княжна бирдан йиғлаб юборди ва уйдан чиқиб кетди.

– Княжна! Худо ҳақи, тўхтаг! – деб унинг кетидан кичкирди Николай. – Княжна!

Княжна қайрилиб қаради. Улар бир неча дақиқа унсиз, бир-бирларининг кўзига қараб туришди ва тўсатдан узоқ, мумкин бўлмаган нарса яқин, мумкин ва зарурий бўлиб қолди.

VII

1814-йилнинг кузида Николай княжна Марьяга уйланди-ю, хотини, онаси ва Соняни олиб Лисие Горига кўчиб келди.

Уч йил мобайнида Николай хотинининг мулкани сотмасдан, қолган қарзларини узди ва холасининг ўлган ўглидан қолган озгина меросга эга бўлиб, куёви Пьердан олган қарзни ҳам узди.

Яна уч йилдан сўнг, 1820-йилда Николайнинг иши шу қадар жўнашиб кетдики, у Лисие Горининг ёнгинасидан кичикроқ бир мулкни сотиб олди ва отасининг мулки бўлган Отрадоени қайтадан сотиб олиш ҳаракатига тушди (бу унинг энг ширин орзуси эди).

Хўжалик ишлари билан бошда азбаройи ноиложликдан шуғулланган Николай кўп ўтмай бунга ҳавас кўйди ва бу иш унинг сеvimли ва бирдан бир машғулотига айланди.

Николай оддий мулкдор бўлиб, янгиликка, айниқса ўша даврда мода бўлиб қолган инглизча иш юритишга ҳуши йўқ эди, у хўжаликка оид назарий асарлардан қулар, заводлар қуришни, серхаражат, серхосил ва қимматбаҳо ғалла дон уруғини экишни ёмон кўрар ва умуман хўжаликни бирон айрим соҳаси билан шуғулланмас эди. Унинг кўз олдида мулкнинг айрим қисми эмас, балки ҳаммаша ўзи бутунлигича турар эди. Мулкда асосий нарса тупроқдаги азот, ҳаводаги кислород, махсус тайёрланган плуг ва ё гўнг эмас, балки ҳам азотли, ҳам кислородли, ҳам плуг ва ҳам гўнгни ишга сола биладиган асосий қурол – меҳнаткаш деҳқон эди. Николай хўжалик ишлари билан шуғулланиб, унинг турли тармоқларини ўргана бошлаганида диққат-эътиборини айниқса деҳқон жалб қилди; унинг назарида деҳқон қуролгина эмас, балки мақсад-муддао ва маслаҳатгўй эди. Николай бошда деҳқонни диққат билан кузатди, унга нима кераклигини, нимани маъқул, нимани номаъқул кўришни билишга уринди, зоҳиран топшириқ ва амр-фармон берадиган киши бўлиб кўринса ҳам, ҳақиқатда иш усулини ҳам, муомалани ҳам, нима яхши, нима ёмондиги ҳақида муҳокама юргизишни ҳам деҳқонлардан ўрганди. Николай деҳқоннинг дид ва

майл-рағбатини англагандагина, унинг тили билан гапиришни ўрганганди, унинг сўзлари замирида ётган яширин маънони уқиб олганда ва у билан ака-укадай бўлиб қолгандагина уни бемалол идора қила бошлади, яъни адо этиши керак бўлган вазифасини бажара бошлади. Натижада унинг хўжалиги энг яхши даромад берадиган хўжаликка айланди.

Мулкдор бўлиши биланоқ Николай ҳеч қандай хатосиз, аллақандай бир фаҳм-фаросат ва сезгирлик билан шундай одамларни оқсоқол, саркор, ишбоши қилиб кўтардики, деҳқонлар сайлаш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда ҳам шу кишиларни сайлардилар ва шунинг учун Николайнинг одамлари ҳеч қачон ўзгармас эди. Гўнгнинг кимёвий таркибини ўрганишдан олдин, дебет ва кредит (Николай истехзо аралаш шундай дер эди) масалалари билан шуғулланишдан олдин, у деҳқонлар ихтиёридаги қорамолнинг сонини билиш ва қайси йўл билан бўлмасин, унинг миқдорини оширишга уринарди. У деҳқон оилаларини бўлиниб кетишига йўл қўймасдан иложи борича уларни каттароқ бўлишига кўмаклашарди. У ишёқмасларни ҳам, бадахлоқларни ҳам, заиф, нимжонларни ҳам бир хилда ёмон кўрар ва уларни жамоа орасидан қувиб чиқаришга уринар эди.

Экиш вақтида ҳам, пичан ва буғдой ўриш вақтида ҳам Николай ўз ерига қандай қараса, деҳқонларнинг ерига ҳам шундай қарарди. Ўз экинини Николайчалик эрта ва соз экиб, ҳаммадан олдин йиғиб оладиган, кўп даромад кўрадиган мулкдор оз эди.

У қаролларни хушламас, уларни текинхўр деб атар ва одамларнинг гапига қараганда, қаролларга ортиқча эркинлик бериб, уларни эрка қилиб қўйган эди; қаролларга доир бирон амр-у фармон бериш, айниқса уларга жазо бериш керак бўлиб қолса, Николай доим иккиланиб қолар, нима қилсам экан, деб уйдагиларнинг ҳаммасига маслаҳат солар, лекин деҳқон ўрнига қаролни аскарликка бериш керак бўлиб қолса, бу ишни иккиланиб ўтирмасдан шартта ҳал қиларди. Деҳқонларга тааллуқли барча амр-фармонларга у зиғирчалик иккиланмасдан қўл қўярди, чунки ҳар қанака буйругини кўпчилик деҳқонлар томонидан маъқул топишини, эътироз

билдирса ҳам, бир ва ё бир неча кишигина эътироз билдиришини биларди.

Николай ўз кўнгли учун бировни ранжитмас ё жазоламас-ва шунингдек, ўз кўнгли учун бировнинг оғирини енгиллатмас ва уни тақдирламас эди. У фалон ишни қилишим керак, фалон ишни қилмаслигим керак, деганда нимага асосланишини айтолмаса ҳам, бошига бир иш тушса, иккиланиб ўтирмасдан ҳал қилиб юборар эди.

Бирон тартибсизлик юз берса ё иши ўнгидан келмаса Николай афсусланиб, «бизнинг рус халқ билан» деган сўзни тез-тез такрорлар ва ўзини деҳқонни жини севмайдиган киши қилиб кўрсатарди.

Лекин у бизнинг рус халқини, унинг ҳаёт тарзини бутун вужуди билан севарди, шунинг учун ҳам хўжалик ишларининг кўп даромад берадиган бирдан бир йўли ва усулини уқиб, ўзлаштириб олди.

Графиня Марья эрининг хўжалик ишларига бу қадар тиш-тирноғи билан ёпишганини кўриб раҳки келар ва бу ишга аралаша олмагани учун афсусланар, лекин ўзи учун бегона бўлган бу оламнинг Николайга бағишлаган шодликлари ва қайғуларини англашга ожизлик қиларди. Николайнинг саҳар туриб, офтоб ёйилгунча дала ё хирмонни айланиб, экинзордан, пичан ва ғалла ўримида нонуштага қадар хушнуд ва хушвақт бўлиб қайтганини графиня Марья тушунолмас эди. Ишбилармон, бадавлат деҳқон Матвей Ермишиндан гап очиб, унинг туни бўйи бола-чақаси билан ғалла боғи ташиганини, одамлар ҳали ўримни бошламаган бўлса ҳам, у дон-дунини йиғиб олиб, сомонни тоғ-тоғ қилиб кўйганини гапириб берганда, эри бу қадар шавқ-завққа тўлганининг сабабини ҳам графиня Марья тушунолмас эди. Сувсизликдан қовжираб қолган сули устига илиқ ёмғир қуя бошлаганда нима учун деразадан қараётган Николай суюниб балконга чиққанини, кўзларини қисиб мийиғида кулганини ҳам тушунмас, ё пичан ўриш ва йиғим-терим вақтида баҳайбат қора булутларни шамол олиб кетганида, терга пишиб, қизариб кетган, офтобда юзи қорайган, уст-бошидан ёвшан

ва бурган¹ ҳиди анқиётган Николай хирмондан келиб, нима учун севинч билан кўлларини ишқалаб: «Тағин бир кунгина хаво туриб берса, менинг дон-дуним ҳам, деҳқонларимнинг дон-дуни ҳам хирмонда бўлади» деганини ҳам графиня Марья англамас эди.

Шундай кўнгилчан, хотинининг ҳар бир орзу-истаксини ундан олдин пайқайдиган, ҳамиша уларни бажонидил бажаришга ҳозир турган зийрак Николай графиня Марья фалон деҳқон ё фалон аёл келиб ишдан бўшатишингни илтимос қилди, деган гапни айтганда Николай, мушфиқ-мехрибон Николай, унинг сўзини ерда қолдирганини, ҳар қанақа ишга аралашаверма, деб жаҳл билан ўтиниб сўраганини ҳам графиня Марья сира тушунмас эди. Графиня Марья эрининг ўзига хос олами борлигини, Николай бу оламни зўр эхтирос билан севишини, бу оламнинг графиня тушунмайдиган аллақандай қонун-қоидалари борлигини сезар эди.

Баъзан графиня эрини тушунишга уришиб, унинг кўл остидаги одамларига нисбатан қилаётган яхшиликлари ҳақида гапирганида, Николайнинг аччиги келар ва шундай дер эди: «Ҳечда! Бу нарса менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ; уларнинг манфаати учун мен бир чўпни у ердан олиб бу ерга кўймайман; инсоннинг бахт-саодати асли шеърият, хотин-халаж ўйлаб чиқарган бир эртақ, холос. Мен болаларимиз хор-зор бўлмаслиги учун жон куйдираман, кўзим очиклигида мол-мулким, давлатимни орттириш учун қайғураман, холос. Бунинг учун тартиб, интизом, қаттиққўл бўлиш керак! Тушундингми, – дерди Николай абжир кўлини мушт қилиб. – Албатта, адолат ҳам керак, лекин, – деб кўярди баъзан, – деҳқон оч-яланғоч бўлса, оти битта бўлса, унда на ўзининг хўжалигини эплайди ва на менинг ишимни қилади».

Бошқалар учун бирон хайрли иш қилишни хаёлига келтирмагани ҳамда бирон савоб иш қилмагани учун бўлса керак, унинг мол-давлати тез суръат билан ортди, кўшни мулкларнинг деҳқонлари, бизни ҳам сотиб олинг, деб унинг олдига илтимос қилиб келадиган бўлди ва Николайнинг вафотидан сўнг ҳам халқ узоқ вақт унинг хотирасини ҳурмат

¹ Бурган – алаф, супурги ўт.

билан эсга олиб юрди. «Аломат хўжайин эди. Аввал деҳқоннинг ғамини ерди, кейин ўзининг. Лекин каттиққўл ҳам эди! Қисқаси хўжайинмисан хўжайин эди!»

VIII

Хўжалик ишларига доир фаолиятида баъзан бир нарса Николайни кийнарни, бу ҳам бўлса унинг кизикқонлиги ва гусарлик давридан қолган эски одати – одамларга қўл кўтариш одати эди. Дастлабки кунлар бу нарса унча ҳам номуносиб ишдай бўлиб кўринмади, лекин уйланганидан икки йил ўтгач, одамга бунақа жазо бериш ҳақида унинг нуқтаи назари ўзгариб қолди, ёз кунларининг бирида марҳум Дрон ўрнига тайинланган, ҳар хил фириб, найранг ва товламачиликда айбланган ишбоши Богучаровдан чақиртирилди. Николай ташқарига, унинг олдига чиқди ва ишбоши оғзини очиши биланок дахлиздан дод-фарёд ва тасира-тусур эшитилиб қолди. Николай нонуштага уйга келгандан кейин кергичамбарак устига бошини эгиб ўтирган хотинининг олдига келди ва одатдагича бугун эрталаб қилган ишларини, шу жумладан, Богучаров ишбошисига берган танбехини гапириб берди. Графиня Марья қизариб-бўзариб, лабини қимтиб, бошини қуйи солганича эрининг сўзларга индамасдан кулоқ солиб ўтирди.

– Жуда ҳам ўтакетган муттаҳам, – деди Николай ишбошининг номини тилга олиши биланок тутатиб. – Ҳа, нима қилай, маст эдим, пайқамабман деса ҳам гўрга эди... Ҳой, Мари, сенга нима бўлди? – деб сўраб қолди Николай.

Графиня Марья бошини кўтариб, бир нима демокчи бўлди-ю, яна бошини қуйи солиб, лабларини қимтиди.

– Сенга нима бўлди? Гапирсанг-чи, жоним?

Истараси иссиқ бўлмаган графиня Марья йиғлаганида чиройли бўлиб кетарди. У ҳеч қачон бирон жойи оғригани ва ё бирон нарсага афсусланганидан эмас, балки ҳар доим маънос бўлгандан ва бировга раҳми келганидан йиғларди, йиғлаганида порлаб турган кўзлари жуда фусункор бўлиб кетарди.

Николай унинг кўлидан ушлаши биланок, у ўзини

тутолмади ва йиглаб юборди.

– Николай, мен кўриб турувдим... Ишбоши гуноҳкор ҳам деяйлик, лекин нима кераги бор эди? Николай, – графиня Марья кўллари билан юзини бекитди.

Николайнинг дами ичига тушиб, қизариб кетди ва хотинининг олдидан туриб, уйда нари-бери юра бошлади. Хотини нима учун йиғлаётганини у тушунарди, лекин хотинининг фикрига дарров қўшилолмади, чунки ёшлигидан одатланган ва оддий бир ҳол деб билган қилиғи ярамас қилиқ эканлиги хаёлига келмас эди.

«Ўлутф-марҳамат деган нарса –хотин-халаж тўқиган афсонами, ё хотиним ҳақми?» – деб сўради Николай ўз-ўзидан. Бу саволни ўзи ҳал қилмасдан туриб, яна бир қарра хотинининг изтироб чекаётган меҳрибон юзига назар солди ва бирдан графиня Марья ҳақ эканини, ўзи кўпдан бери ўзи олдида гуноҳкор эканини англади.

– Мари, – деди секин Николай хотинининг тепасига келиб, – бу нарса ҳеч қачон иккинчи марта такрорланмайди. Сенга ваъда бераман, ҳеч қачон, – деди у узр сўраган боладай титроқ товуш билан.

Графинянинг кўз ёшлари илгаригидан ҳам кўпроқ оқа бошлади. У эрининг кўлини олиб ўпди.

Графиня суҳбат мавзуини ўзгартириш ниятида эрининг кўлидаги узукка ишора қилиб:

– Николай, бу узукнинг кўзини қачон синдирдинг? (Николайнинг кўлида Лаокоон боши нақш этилган узук бор эди) – деб сўради.

– Шу бугун синувди. Кел, Мари, шу ҳодисани бўлак эсимга солма, – у яна қизариб кетди. – Виждоним ҳаққи, сенга сўз бераман, бу ҳодиса энди такрорланмайди. Мана шу нарса мен учун мангу эсдалик бўлсин, – деди Николай узукнинг синган кўзига ишора қилиб.

Шундан сўнг ишбошилар ва гумашталар билан додмуомала қилган чоғда юзига қон уриб, мушлари қисилдими, Николай дарҳол бармоғидаги кўзи синган узукни олиб ўйнар ва жаҳлини чиқарган киши олдида бошини қуйи солиб турарди. Лекин йилда бир-икки ўзини тутолмай қолар

ва шунда хотинининг олдига келиб айбига иқроп бўлар ва иккинчи такрор бўлмайди, деб, яна ваъда берар эди.

– Мари, ростдан ҳам сенга ёмон кўришиб қолдимми? – деб сўрарди у хотинидан. – Мени ҳар қанча ёмон кўрсанг ҳам кам.

Графиня Марья эрига тасалли беришга уриниб:

– Ўзингни тугулмаганингни сезсанг, дарров ўрнингдан туриб нари кет, – дерди графиня маънос ҳолда.

Губернянинг оқсуяклари Николайни ҳурмат қилишса, ҳам уни яхши кўрмас эдилар. Оқсуякларнинг манфаати Николайни қизиқтирмас эди. Шунинг учун ҳам уларнинг баъзи бири Николайни мутакаббир деб билса, баъзи бирлари аҳмоқ деб ҳисобларди. Николай бугун ёзни, баҳорги экин-тикиндан бошлаб, йиғим-теримгача хўжалик ишлари билан ўтказарди. Хўжалик ишларига қандай шавқ-завқ билан берилиб шуғулланган бўлса, кузда овга ҳам шу тариқа берилиб кетар, овчи итларини олиб, бир ой, ҳатто икки ойга кетиб қоларди. Қиш мавсумида бошқа қишлоқларни айлана-нар, китоб мутолаа қиларди. У кўпроқ тарихий китобларни ўқир, ҳар йил, албатта, маълум бир миқдордаги пулга китоб сотиб оларди. Николай ўз ибораси билан айтганда, жиддий бир кутубхона вужудга келтирган бўлиб, сотиб олган китобларнинг ҳаммасини ўқиб чиқиш мажбурий деб билар эди. У жиддий қиёфада кабинетида узоқ ўтириб китоб мутолаа қилар, бу ишни бошда ўзининг бурчи деб билган бўлса ҳам, бора-бора одатга айланди. У жиддий иш билан шуғулланиб ўтирганидан роҳатланар ва ўз-ўзидан мамнун бўлар эди.

Иш билан у ёқ бу ёққа бориб келишни ҳисобга олмаганда Николай вақтининг кўпини уйда ўтириш, она ва болаларнинг орасида бўладиган майда-чуйда гапларга аралашиб билан ўтказарди. У хотини билан борган сайин яқинлаша борар, унинг қалбидан янгидан янги олийжаноб хислатлар тошарди.

Николай уйланганидан бери Соня унинг ҳовлисида яшарди. Николай уйланишидан олдин ўзини айбдор сезиб, Соняни мақтаб, ораларида бўлган барча воқеаларни қаллигига гапириб берган эди. У княжна Марьядан амакивач-

часига нисбатан меҳрибон бўлишни, унинг дилини оғритмаслигини ўтириб сўраган эди. Графиня Марья эрининг айбини жуда яхши англаб, ўзини ҳам Соня қаршисида гуноҳкор сезар; Соняни кўйиб, менга уйланишига мол-мулким сабаб бўлди деб ўйлар, ҳеч нарсада Соняни айблай олмас, уни севишни истар, лекин севиш у ёқда турсин, кўпинча қалбида Соняга нисбатан ёмон ҳис-туйғулар уйғонганини ва бу ҳис-туйғуларни енгишга ожизлик қилаётганини сезарди.

Графиня Марья бир куни Соня ҳақида гапириб, унга нисбатан ўзининг адолатсиз эканлигини қайсинглиси — жонажон дўсти Наташага айтди.

— Биласанми, — деди Наташа, — сен Инжилни кўп ўқигансан, унда Соняга жуда мос келадиган бир оят бор.

— Қайси оят? — деб сўради графиня Марья таажжубланиб.

— «Бадавлатга берибди, фақирга озини кўп кўрибди». Эсингдами, Соня ҳам фақир, нимага шундай, бунисини билмайман; унда, эҳтимол, худбинлик бўлмаса керак. Лекин уникини кўп кўрди, бор-йўғини олиб бўлди ҳам. Баъзан унга жуда ачинаман, илгарилари Николай ўшанга уйланишини жуда истар эди, лекин кўнглим бу нарсанинг бўлмаслигига гувоҳлик бериб турарди. Соня бачкигул; кулупнайнинг гулига ўхшаган, биласанми? Гоҳо унга раҳмим келади, гоҳо у биз сезган нарсани сезмаса керак деб ўйлайман.

Графиня Марья Наташага Инжилдаги бу сўзларни бошқа маънода талқин этган бўлса ҳам, Соняга қараб туриб қайсинглисининг фикрига кўшилди. Соня, дарҳақиқат, ўз аҳволдан нолимайдиган ва бачкигул бўлиб қолишга кўникиб қолгандай кўринарди. У одамлардан ҳам кўра бутун хонадонга қаттиқроқ меҳр қўйганга ўхшарди. У мушук сингари одамларга эмас, балки уйга ўрганиб қолган эди. У кекса графиняга қараб, болаларни эркалар, суяр, кўлидан келадиган майда-чуйда ишларни бажаришга ҳамиша ҳозир эди, лекин бу хизматларига ҳеч ким ҳеч қачон миннатдорлик билдирмас эди...

Лисие Горида, марҳум князь давридагидай бўлмаса ҳам, сал мундоғроқ қилиб яна бошқатдан кўра қурилди.

Николай камхаржроқ бўлиб юрган кунларда бошланган иморатлар хийла оддий эди. Эски гишт пойдевор устига қурилган каттакон ёғоч уй фақат ичидан шувалган. Поли бўялмаган, жўн тахтадан қилинган каттакон уй энг оддий мебель билан — хонаки дурадгорлар шу ердаги қайиндан ясаган қаттиқ диван, кресло, стол, стул билан жиҳозланган эди. Иморат ниҳоятда катта бўлиб, унда қароллар ва келиб-кетадиган меҳмонлар учун алоҳида бўлмалар бор эди. Ростовлар ва Болконскийларнинг қавм-қариндошлари баъзан бола-чақалари, ўн олти от ва ўнларча хизматкорлари билан Лисие ториға меҳмон бўлиб келишар ва ойларча шу ерда қолиб кетишарди. Бундан ташқари, йилда тўрт марта уй эгаларининг туғилган кунлари юзга яқин меҳмон келар ва бир-икки кун туриб кетишарди. Йилнинг қолган вақтларида эса ҳаёт одатдаги машғулотлар, чой ичиш, ўзларидан чиққан махсулотлардан тайёрланган нонушта, тушлик ва кечки овқат билан бир маромда ўтарди.

XI

Пьер бундан икки ой муқаддам, Ростовларникида меҳмон бўлиб юрган кунлари, князь Фёдордан мактуб олган эди; князь мактубида Безухов Петербургга келиб, янги таъсис этилган жамият (Пьер ўша жамиятнинг ташкилотчиларидан эди) аъзоларини кизиқтираётган муҳим масалаларнинг муҳокамасида иштирок этишини таклиф этган эди.

Наташа мактубни ўқиб чиқиб (эрига келган мактубларнинг ҳаммасини ўқиб чиқар эди), эрининг бирон ёққа кетиши ўзи учун нақадар оғир бўлмасин, ўзи унга Петербургга бориб келишни таклиф қилди. У эрининг барча ақлий, мавҳум ишларига тушунмаса ҳам, уларга жуда катта аҳамият берар ва Пьернинг бу фаолиятига халал беришдан ҳамини қўрқарди. Эри мактубни ўқиб, ийманиб хотинига савол назари билан қараганда, Наташа бориб келишни ўтиниб ижозат берди, лекин қачон қайтишини аниқлаб кетишни сўради ва ниҳоят бориб келиш учун Пьерга тўрт ҳафта муҳлат берилган, эри белгиланган вақтда келмагани учун Наташа (ваъдадан икки ҳафта ўтган эди) ўзини кўяди-

ган жой тополмай, хафа ва тажанг бўлиб юрган эди.

Шу сўнгги икки ҳафта мобайнида Ростовларникида мехмон бўлиб турган генерал Денисов (у ҳозир истеъфога чиққан ва ҳозирги аҳволдан норози бўлиб юрган эди) худди бир вақтлари яхши кўрган кишисининг ўзига сира ўхшамаган суратини кўриб энсаси қотгандай Наташага анграйиб қарар ва хафа бўлар эди. Илгариги фусункор киз ҳозир қошқовоғи солиқ, хаёли паришон, жавоблари пойма-пой, суҳбат мавзуи болаларгина бўлиб қолган зерикарди бир аёл бўлиб қолган эди.

Эри ваъдасига хилоф этганидан бери Наташа ниҳоят даража маънос ва тажанг эди, айниқса, онаси, акаси, Соня ва ё графиня Марья тасалли бериб Пьерни маъзур тутишга, кечикканига баҳона топишга уринсалар, Наташанинг фигони чиқарди.

– Ҳаммаси бўлмаган, бекорчи гаплар! Унинг сафсатаси ҳам, жамияти ҳам бир чақага арзимади, – дерди у буюк аҳамиятга молик эканлигига имони комил бўлган ишлар тўғрисида гапириб, кейин битта-ю битта ўғилчасини эмизгани болалар бўлмасига кириб кетарди.

Шу уч ойлик мурғак боладан бошқа ҳеч ким Наташага тасалли беролмас, ақлин сўз айтолмас эди, фақат арзанда ўғилчасини бағрига босиб, унинг оғзи қимирлаганини, бурни пиқиллаганини сезса, кўнгли таскин топарди. Бу мурғак бола онасига: «Сен хафа бўляпсан, рашк кияпсан, иложи бўлса, отамдан қасос олмоқчи бўляпсан, кўрқяпсан, мен ўшанинг ўзгинасиман-ку... мен отамнинг ўзгинасиман-ку» – деб турарди. Бунга жавоб ҳам керакмас эди, чунки ҳақиқатнинг ўзи эди.

Ҳаловати бузилган шу икки ҳафта давомида Наташа ўзига таскин бермоқчи бўлиб шу қадар боласи олдига кўп югурди ва болани шу қадар эркалаб юбордики, охири бола керагидан ортиқ эмиб касал бўлиб қолди. У боласи касал бўлиб қолганидан кўрқиб кетди, лекин шу билан бирга ҳозир Наташага шу нарса керак эди. У боласи билан овора бўлиб, эрининг ташвишини бир оз унутди.

Пьернинг араваси эшик олдига келиб тўхтаганда Ната-

ша ўғилчасини эмизиб ўтирган эди, бекасини нима билан хурсанд қилишни билган доя товуш чиқармай, шод юз билан югуриб уйга кирди.

Наташа кўзи энди уйқута кетган боласини уйғотиб юборишдан кўрқиб:

– Келдими? – деб шивирлади.

– Келдилар, онахон, – деди доя пичирлаб. Наташанинг юзига кон югурди ва оёқлари беихтиёр ҳаракатга келди, бироқ сакраб туриб эшикка чиқишнинг иложи йўқ эди. Бола яна кўзини очиб, худди: «Сен шу ердამисан», дегандай бир қараб кўйди ва яна эринибгина лабларини чапиллата бошлади.

Наташа кўкрагини секин боланинг оғзидан олдида, уни бир оз тебратгандан кейин дояга бериб, эшикка томон юрди. Бироқ бўсағага борганида худди суюниб кетганидан, ҳали дурустроқ ухламаган болани дояга ташлаб чиқаётганидан виждони қийналгандай тўхтади ва қайрилиб қаради. Доя тирсагини кўтариб, гўдакни авайлаб каравотга ётқизаётган эди.

Бекаси билан оралари жуда яхши бўлиб қолган доя, такаллуфсиз:

– Бораверинг, айланай, бораверинг, хавотир олманг, боринг, – деди жилмайиб.

Наташа енгил қадам ташлаб даҳлизга чиқди.

Оғзида чўбук, кабинетдан залга ўтган Денисов биринчи марта ўзи билган Наташани таниди. Наташанинг юзи гулгул очилган, кўзлари чакнаётган эди. У Денисовнинг олди-дан югуриб ўтиб кетаркан:

– Келди! – деди ва Денисов Пьерни унчалик хуш кўрмаса ҳам, Наташанинг аслига қайтгани туфайли унинг келганига хурсанд бўлди. Наташа даҳлизга югуриб кириб, шарфни ечаётган пўстинли новча бир кишини кўрди.

«Ўзи, ўзи! Ростдан ҳам ўзи!» – деди ичида Наташа ва югуриб бориб, эрининг бўйнига осилди-да, бошини кўкрагига босди, кейин сал нари суриб, Пьернинг совукда қизариб кетган хушнуд юзига қаради: «ха, бу эри, бахтиёр ва мамнун...»

Бирок тўсатдан, сўнгги икки ҳафта мобайнида эрининг йўлига кўз тикиб чеккан изтироблари ёдига тушди-ю, юзидаги севинчдан асар қолмади: унинг қош-қовоғи осилди ва Пьернинг бошига таъна топлари ёғила берди.

– Сен ўйнаб-қулиб, айшингни суриб юрдинг. Мен-чи? Ҳеч бўлмаса, болаларни ўйласанг бўлмайдимми? Мен бола эмизаман, сутим бузилди. Сал бўлмаса Петя ўлиб қоларди. Сен эса хурсандчилик қилиб келдинг. Биламан, сен хурсанд...

Пьер айбдор эмаслигини, олдинроқ келишининг иложи бўлмаганини, хотинининг арази ўринсиз эканини, буларнинг ҳаммаси икки дақиқадан сўнг унутилишини биларди, энг муҳими шу эдики, унинг кайфи чоғ ва хурсанд эди. Унга қолса, кулиб юборарди, лекин журъат этолмади. У юзига аялчли тус бериб, ўзини кўрққанга солди ва қоматини букиб деди:

– Азбаройи худо, иложи бўлмади. Петянинг аҳволи қалай?

– Ҳозир пича дуруст, юр, кирайлик. Қандоқ бағри-тошсан! Сенинг йўқлигингда қандоқ аҳволга тушганимни, қанча изтироб чекканимни билсанг эди...

– Ўзинг дурустмисан ахир?

– Юр, юр, – деди Наташа эрининг қўлини кўйиб юбормасдан. Улар ўз бўлмалари томон кетипди.

Николай хотини билан бирга Пьерни излаб келганда Пьер болалар бўлмасида уйқудан уйғонган ўғилчасини ўнг кафтига кўйиб ўйнатаётган эди. Тишлари тушган Пьернинг баркашдай юзи табассум билан ёришган эди. Пўртана аллақачонлар босилган, эри ва ўғилчасига меҳри жўш уриб караб турган Наташанинг чехрасида шодлик қуёшининг нурлари порлаб турар эди.

– Князь Фёдор билан яхшигина гаплашиб, олдингми? – деб сўради Наташа.

– Ҳа, гаплашдим.

– Қара, қандоқ тугапти (бошини демокчи эди Наташа). Мени ёмон кўрkitиб юборди-е!

– Княжнани кўрдингми? Анавига ошиқ бўлгани

ростми?

– Ҳа, рост, лекин жуда ғалати иш бўлади-да.

Шу маҳал Николай билан графиня Марья уйга кирди, Пьер ўзилчасини қўлидан қўймасдан, энгашиб улар билан ўпишиб кўришди ва уларнинг саволларига жавоб қайтарди. Бироқ айтадиган қизиқ гаплар кўп бўлишига қарамасдан, қалпоқча кийгизилган, бошини ликиллиатиб турган бу чакалоқ Пьерни банд қилиб қўйган эди.

– Қандоқ дилкаш! – деди графиня Марья чакалоққа қараб ва у билан ўйнаб. – Мен сенга ҳеч тушунмайман, Nicolas, – деди у эрига юзланиб. – Нега бу ёқимтой мурғакларнинг гўзаллигига тушунмайсан.

– Нимасига тушунаман, – деди Николай чакалоққа лоқайд назар ташлаб. – Бир парча гўштда. Юр, Пьер, кетдик.

Графиня Марья эрининг тарафини олиб деди:

– Энг муҳими, Nicolas жуда меҳрибон ота, фақат бир яшар бўлгандан сўнг ёки...

– Йўқ, Пьер бола кўтаришга жуда уста-да, – деди Наташа. – Менинг кафтим чакалоқнинг орқасига мос қилиб яратилган дейди. Мана, қаранглар.

– Лекин фақат бунинг учун эмас, – деб Пьер кулиб ва болани доясига узатди.

IX

1820-йилнинг 5-декабри, кишки Никола байрами арафаси эди. Шу йили Наташа эри ва болалари билан бирга кузнинг бошларидан бери акасиникида меҳмон эди. Пьер ўзи айтмоқчи, махсус ишлар билан уч ҳафтага Петербургга кетган ва ҳозир етти ҳафта бўлдими, ҳамон ўша ерда эди. Ана келади мана келади, деб ҳамма унинг йўлига кўз тиккан эди.

5-декабрда Безуховлар оиласидан бошқа, Ростовларнинг уйига яна Николайнинг кадрдой дўсти – истейфога чиққан генерал Василий Фёдорович Денисов ҳам меҳмон бўлиб келган эди.

Николай 6-декабрь, байрам куни меҳмонлар келишини, камзулини ечиб, эгнига сюртук, оёғига узун тумшук этик кийиб, ўзи солган янги черковга бориши, у ердан қайтиб

келиб табрикларга кулоқ солиши, меҳмонларга таммади таклиф қилиши ва дворянлар сайлови ҳақида, экин-тикин ҳақида сўзлаши кераклигини биларди, шунинг учун арафани одатдагича ўтказишни лозим кўрди. Тушликкача у Рязандаги кишлоғидан, хотинининг жиянига қарашли мулкидан келган саркорнинг ҳисоб-китобини кўриб, ўз ишларига оид икки мактуб ёзди, хирмон, молхона, отхоналарни айланиб чиқди. Эртанги байрамда рўй бериши мумкин бўлган ичкиликбозликка қарши чораларни кўриб, тушликка етиб келдида, хотини билан икки оғиз гаплашишга улгурмасдан, бутун оила аъзолари тўшланган йиғирма кишилик стол ёнига келиб ўтирди. Стол атрофида онаси, унинг эшигида юрадиган кампир Белова, хотини, учала боласи, мураббия, мураббий, жияни, унинг мураббийи, Соня, Денисов, Наташа, Наташанинг уч боласи, уларнинг мураббияси еа князнинг Лисие Гориди дам олиб юрган меъмори – бўй-басти кичиккина чол Михаил Иванич ўтиришарди.

Графиня Марья столнинг нариги бошида эди. Эри ўрнига келиб ўтириши биланоқ салфеткани олиб кўйиши, олдидаги стакан ва қадаҳларни дарров нари суриб кўйишидан билдики, эри Николайнинг кайфи жойида эмас. Николай шўрва олдидан, тўғри даладан тушликка келганда, айниқса таъби шунақа ҳира бўларди. Графиня Марья эрининг бу ҳолатини жуда яхши билар ва ўзининг кайфи яхши бўлган чоғларда Николай шўрвасини ичиб бўлгунча «мик» этмай ўтирар ва ичиб бўлгандан кейин у билан сўзлашиб, сабабсиз тажанг бўлганини унинг бўйнига кўярди, лекин бугун графиня Марья бу одатини бутунлай унутиб кўйди; Николай бесабаб ковоқдимоғ қилганига хўнгли озор топди еа ўзини бахтсиз сизди. У эридан қаерга бориб келганини сўради. Николай жавоб берди. У хўжалик ишлари қалай, деб яна эрига савол берган эди, Николай хотинининг ғайритабиий бир оҳангда савол берганига бурнини жийирди ва шошиб-пишиб жавоб қайтарди.

«Ҳа, мен янглишганим йўқ – деб ўйлади графиня Марья. – Нега энди у менга жаҳл қилади?» Графиня Марья эрининг берган жавобида бир норозилик оҳанги борлигини, эри

гапни қисқа қилишга ҳаракат қилаётганини сезди. Графиня Марья ўзи гапираётган гаплар ғайритабиий эканлигини сезса ҳам, яна бир неча савол беришдан ўзини тийлмади.

Денисов туфайли дастурхон устидаги суҳбат дарров умумий тус олиб, қизиб кетди. Графиня Марья эри билан бўлак гапиришмади. Ҳамма дастурхондан туриб, кекса графиня олдига қуллуқ қилгани келганда, графиня Марья эрини ўпди ва ўпиш учун унга кўлини чўзаркан, «нима учун мендан хафа бўлдинг?» деб сўради.

– Доим бўлмаган нарсаларни ўйлаб юрасан: нега сендан хафа бўлай? – деди Николай.

Бироқ доим деган сўздан графиня Марья, ха, сендан хафаман, аммо сабабини айтмайман, деган маънони англади.

Николай хотини билан шу қадар иноқ эдики, ҳатто азбаройи рашқлари келганидан уларнинг ораси бузилишини орзу қилиб юрган Соня билан кекса графиня ҳам ўпка қилишга баҳона тополмас эдилар. Лекин баъзан булар ҳам бир-биридан хафалашиб қоларди. Гоҳ-гоҳ хушхурсандлик билан ўтказган дамлардан сўнг, тўсатдан уларнинг орасига совуқлик тушар, бир-бирларини ёмон кўриб қолгандай бўлар, бундай ҳолатлар кўпинча графиня Марья ҳомиладор бўлиб юрган чоғларда юз берарди. Шу кунлари ҳам графиня ҳомиладор эди.

– Ҳой, – хонимлар ва жаноблар, – деди Николай баланд товуш билан худди хурсанд бўлиб кетгандай (графиня Марьяга эри бу сўзни қасддан, уни камситиш учун айтгандай туюлди), – мен эрталаб соат олтидан бери оёқ устида юрибман. Эртага онамни кўрсам керак, шунинг учун бугун пича дам олмасам бўлмайди. – Шу гапдан сўнг Николай хотинига бўлак ҳеч нарса демади ва ўрнидан турди-ю, кичкина истироҳат бўлмасига кириб, диванга чўзилди.

«Қачон қарама, аҳволи шу, – деди ичида графиня Марья, – ҳамма билан апок-чапок, фақат мен билан гаплашмайди. Кўриб турибман, кўриб турибман, мендан хафсаласи пир бўлган. Айниқса мана бунақа вақтларда»... Графиня Марья қаппайиб турган қорнига, ойнадан кўринаётган заҳил ва озғин юзига, одатдагидан кўра каттароқ бўлиб қолган

кўзларига каради.

Тўсатдан ҳеч нарса кулоғига ёқмай қолди: Денисовнинг шовқин солиб хахолаб кулиши ҳам, Наташанинг гаплари ҳам, айниқса Сонянинг шошиб-пишиб унга бир кўз ташлаб олгани ҳам таъбини хира қилди.

Графиня Марьянинг жаҳли чиқишига ҳамиша бечора Соня баҳона бўларди.

Графиня Марья меҳмонлар олдида бир оз ўтирди-ю, лекин уларнинг гапларининг биронтаси кулоғига кирмади, сўнг секин ўрнидан туриб, болалар бўлмасига борди.

Болалар стулларга миниб, Москвага жўнаётган экан, уни ҳам бирга олиб кетмоқчи бўлишди. Графиня Марья ўтириб, улар билан бир оз ўйнади, лекин эри ва унинг бекорга ҳуноб бўлиб юргани тўғрисидаги фикр унга тинчлик бермади. У ўрнидан турди ва секин оёқ учида юриб, кичик истироҳат бўлмасига кирди.

– Балким, ҳали ётмагандир. Орани очик қилиб кўяй, – деди ўзича графиня Марья. Катта ўғли Андрюша онасига таклид қилиб, унинг кетидан секин оёқ учида юриб борди. Графиня Марья уни пайқамай қолди.

– Мари, у ухлади, шекилли, жуда чарчаган, деди ҳар ерда унга рўпара келадиган Соня (графиня Марьяга шундай туюларди) катта истироҳат бўлмасида. – Андрюша уни яна уйғотиб юбормасин.

Графиня Марья қайрилиб қараб, оркасидан келаётган Андрюшани кўрди ва Сонянинг гапи ҳақлигини сизди. Бирок шунинг учун ҳам унинг жаҳли чиқиб кетди ва Соняга бирон кўпол сўз айтишдан ўзини зўрға тийиб қолди. У индамади ва Соняга ўчақишиб ўғли Андрюшага шовқин солмасдан оркамдан юр, деб кўли билан ишора қилди-ю, эшик олдида борди. Соня бошқа эшикка кириб кетди. Графиня Марья эшик оркасидан Николайнинг бир маромда нафас олиб ётганини эшитди, унинг қандай нафас олиши ҳам хотинига таниш эди. Кулоғига Николайнинг нафас олиши кириши биланок унинг бежирим, чиройли пешонасини, мўйловини, бутун юзини кўз олдида келтирди (эри ором олиб ётган чоғларда графиня Марья унинг юзини томоша қилиб

ўтиришни севарди). Николай бирдан кимирлаб кетди ва томоғини кирди. Шу он эшик орқасида турган Андрюша кичкириб юборди.

– Дадажон, аяжоним шу ерда турибдилар!

Графиня Марья юраги ёрилиб, ранги оқариб кетди ва «жим» деб ўғлига ишора қилди. Андрюша жим бўлди ва графиня Марья учун дахшатли бўлган сукунат бир дақиқача давом этди. Уйкуси харом бўлса, эри қанчалик тажанг бўлишини графиня Марья билар эди. Тўсатдан эшик орқасидан яна Николайнинг томоқ қиргани эшитилди ва худди малол келгандай:

– Бир дақиқа ҳам ором олгани кўйишмайди-я. Мари, сенмисан? Андрюшани бошлаб келганинг нимаси? – деди.

– Мен, бир хабар олай деб келувдим, билмай қолибман... кечир...

Николай йўталиб, яна жим бўлиб қолди. Графиня Марья эшикнинг олдидан кетди ва ўғлини болалар бўлмасига киргизиб юборди. Беш дақиқадан сўнг уч яшар қора кўз, дадасининг эркаси кичик Наташа акасида дадасининг ётганини ва ойиси истироҳат бўлмасида эканини эшитиб, онасига сездирмасдан, отасининг олдига югуриб кирди. Қора кўз кизча эшикни ғич этиб очди, унсиз қадамлар билан тез-тез юриб юзини диванга қилиб ётган отасининг олдига бордию, уни қандоқ ётганини кўздан кечиргач, оёқ учида кўтарилди ва дадасининг боши остидаги кўлини ўпиб олди. Николай жилмайиб, меҳри товланиб, кизчасига бурилиб қаради.

– Наташа, Наташа! – деб шивирлади эшик орқасидан графиня Марья кўркиб кетиб. – Дадажонинг ухламоқчи.

– Йўқ, ойи, дадам уйғоқ, – деди кичкина Наташа уни ишонтириб. – Кулиб ётибди.

Николай дивандан оёғини тушириб, ўрнидан турди ва кизчасини қўлига олди.

– Киравер, Маша, – деди Николай хотинига. Графиня Марья уйга кириб, эрининг ёнига ўтирди.

– Андрюшка орқамдан эргашганини билмай қолибман, – деди графиня Марья ийманиб, – Шундоқ ўзим.

Николай бир кўли билан қизини ушлаб хотинига қаради

ва унинг юзидан ўнғайсизланаётганини пайқаб, иккинчи қўли билан уни кучоклади-да, сочидан ўпиб қўйди.

– Ойингни ўпсам майлими? – деб сўради Николай кизидан.

Наташа уялинкираб кулимсиради.

– Яна, – деди Наташа буйруқомуз, отаси ўпган ерни кўрсатиб.

– Ҳеч тушунмайман, нима учун мени хафа деб ўйлайсан, – деди Николай хотинининг кўнглида шундай савол борлигини билиб.

– Сен шунақа аразлаб юрган чоғларда мен ўзимни қанчалик бахтсиз, якка-ёлғиз сезишимни тасаввур қилолмайсан. Назаримда, шундай туюладики...

– Мари, қўй бўлмаган гапларни. Шунақа сўзларни айтгани, қандай тилинг боради, – деди Николай қувнок товуш билан.

– Назаримда, сен мени яхши кўрмайдиганга ўхшайсан. Мен жуда хунукман, ҳар доим, ҳозир эса... бу аҳволда...

– Жуда ғалатисан-да! Одам чиройли бўлгани учун эмас, балки кўнгилга яқин бўлгани учун чиройли бўлади. Малвина ва шунга ўхшаганларнигина чиройли бўлгани учун севишадди, нахотки мен хотинимни севаман? Севмайман, шундоқ, қандай қилиб сенга тушунтирсам экан. Сенинг йўқлигингда ё мана шунақа аразлашиб юрганимизда мен бутунлай калламни йўқотиб қўяман, ҳеч бир ишга қўлим бормайди. Масалан, мен бармоғимни севаманми? Севмайман. Лекин шу бармоғимни кесиб кўр-чи...

– Йўқ, мен унақа деганим йўқ, тушунаман. Демак, сен мендан хафа эмассан-а?

– Жуда-жуда хафаман! – деб Николай кулимсираб ўрнидан турди ва сочини тузатгандан сўнг уйда нари-бери юра бошлади. – Биласанми, Мари, мен нимани ўйлаяпман? – деб гап бошлади Николай ярашиб олгандан сўнг ўйлаган ўйини хотини олдида баланд товуш билан гапириб. Хотини унинг сўзини эшитишга тайёрами, йўқми, сўрамади ҳам, чунки буниси билан унинг иши йўқ эди. Модомяки шу фикр хаёлига келибдими, демак, хотинининг хаёлига ҳам келиши

керак эди. У баҳоргача Пьерни шу ерда қолишга кўндирмоқчи эканини хотинига айтди.

Графиня Марья эрининг сўзларини тинглаб, ўзининг баъзи бир фикрларини айтди-ю, кейин ўз навбатида товуш чиқариб ўйлади. Унинг ўйлари болалари ҳақида эди.

У кичик Наташага ишора қилиб француз тилида деди:

– Аёл жинсидан эканлиги шу маҳалдан маълум. Сизлар биз аёлларни мантиқсизликда айблайсизлар. Мана, бизнинг мантиғимиз. Мен унга даданг ухламоқчи, десам, у менга: йўқ, дадам кулиб ётибдилар, дейди. Дарҳақиқат, у ҳақли, – деди графиня Марья кувноклик билан жилмайиб.

– Ҳа, шундоқ, шундоқ! – деди-ю, Николай бакуват кўлларига қизчасини олиб, уни елкасига чиқарди ва оёқларидан ушлаб, уйда нари-бери юра бошлади. Отаси ҳам, боласи ҳам талтайиб кулишар эди.

– Менга қара, балки, адолатсизлик қилаётгандирсан? Сен буни ортиқроқ севасан, – деди графиня Марья француз тилида шивирлаб.

– Тўғри, лекин на чора? Билинтирмасликка ҳаракат қиламан...

Шу чоғ ташқаридан ва даҳлиздан бировнинг отдан тушгани ва қадам товуши эшитилди.

– Биров келди.

– Албатта Пьердир. Бориб хабар олай, – деди графиня Марья ва уйдан чиқиб кетди.

Хотини йўқлигидан фойдаланиб Николай қизчасини елкасига миндирганича сакраб-сакраб уйни бир айлангириб чиқди. Кейин хансираб, қижир-қижир кулаётган Наташани дарров ерга қўйди ва бағрига босди. Николай ўзининг сакрашини рақсга ўхшатди ва қизнинг бахтиёр, кулчадай юзига қараб туриб қариган чоғда қизини у ёқ бу ёққа олиб юра бошлашини, сархуш отаси бир вақтлар кизи билан Данило Купорга рақс тушгани сингари, у кизи билан мазуркага ўйинга тушишини ўйлади.

Бир оздан сўнг графиня Марья қайтиб келди.

– Николай, Пьер экан, Пьер!.. Энди бизнинг Наташага жон киради. Унинг суюнганини, айтган вақтида келмагани

учун Пьерга танбех берганини кўрсанг эди. Юр, тезроқ юр! Бўлди энди, дадангни қўйиб юбор! – деди графиня Марья отасига ёпишиб олган қизчасига жилмайиб қараб, Николай қизини қўлидан етаклаб чиқди.

Графиня Марья истироҳат бўлмасида қолди.

– Киши шунчалик бахтли бўла олади деб ҳеч қачон ўйламаган эдим, – деди графиня Марья ўзича шивирлаб. У гул-гул очилиб кетган эди, лекин шу он хўрсиниб қўйди ва теран кўзларида сокин бир маъюслик акс этди. Гуё унга насиб бўлган бахтдан бўлак бу ҳаётда яна бошқа эришиб бўлмайдиган бахт ҳам бор-у, шу он ўша бахт беихтиёр унинг эсига тушгандай бўлди.

Х

Наташа 1813-йилнинг илк баҳорида эрга тегиб, 1820-йилда уч қиз ва бир ўғилнинг онаси бўлиб қолган эди. У ўғилга жуда меҳрли бўлгани учун уни ўзи эмизарди. Наташа шу қадар семириб, тўлишиб кетган эдики, тўрт фарзанднинг онаси бўлган бу бакувват аёл илгариги нозик-нихол ва серҳаракат Наташа эканини таниб ҳам бўлмас эди. Унинг юз тузилиши муайян шаклга кирган, ўзи ҳалим, очик аёл бўлиб қолган. Чехрасида илгариги талъат-таровати қолмаган эди. Ҳозир унинг фақат юзи ва пайкари кўринарди, қалби эса бутунлай кўринмасди, чиройли ва серпушт хотин бўлиб қолган эди, холос. Унда илгариги жонланиш камдан кам кўринарди. Фақат ҳозирги сингари эри сафардан қайтганда, ё боласи қасалдан тузалганда, ё графиня Марья билан биргаликда князь Андрей ҳақида гапиришганда (рашқи келмасин деб князь Андрей тўтрисида эрига оғиз очмас эди) ё эрга текканидан бери бутунлай ташлаб юборган ва ахён-ахёнда, тасодифан эслайдиган ашулаларини айтгандагина ўша илгариги талъаттароват балқир эди. Тўлишиб кетган чиройли пайкари илгариги шўхлик билан руҳланиб кетганида у аввалгидан ҳам жозибалироқ бўлиб кетарди.

Эрга теккандан бери Наташа эри билан бирга Москвада, Петербургда, Москва ташқарисидаги мулкларида, онасининг олдидан, яъни Николайнинг уйида яшар эди. Ёш

графиня Безухова киборлар йигинига камдан кам борар, кўрганларининг ҳам ундан ҳафсаласи пир бўларди, чунки Наташа ёқимтой ҳам, ширин сўз ҳам эмасди. У танҳоликни яхши кўради деб айтиб бўлмасди (унинг ўзи буни аниқ билмас эди, назарида ёмон кўрадигандай эди), лекин тўққиз ой бола кўтариб, туғиб, бола эмизиб ва ҳаминча эрининг ҳар бир ишига аралашиб юрарди, шунинг учун киборлар суҳбатидан воз кечмай туриб бу эҳтиёжларни кондириш амри-маҳол эди. Қизлик даврида Наташани кўрган кишилар уни бунчалик ўзгарганини кўриб, ғайриоддий бир ҳол юз бергандай таажжубланарди. Фақат Наташанинг барча пўхликлари бола-чакали бўлиш, эрга тегиш (Отрадноеда у бир неча марта ҳазилга йўйиб шундай деб қичкирган эди) истагидан келиб чиққанини оналик туйғуси билан сезган кекса графиня Наташага тушунмаган одамларнинг хайрон қолганига таажжубланар ва Наташа яхши хотин ва яхши она бўлишини ўзим билардим, деган сўзни такрорларди.

– Лекин эри ва болаларига ҳаддан ташқари муҳаббат қўйган, – дерди кекса графиня, – бунчалик қилиш ярамайди.

Наташа ақлли кишилар, айниқса французлар тарғиб этаётган ўртамиёна йўл тутиш тўғрисидаги қонун-қоидаларига: яъни киз бола эрга теккандан кейин ўзига бепарво бўлмаслиги, ўз истеъдодларидан воз кечмаслиги, ўзига яна ҳам кўпроқ пардоз-андоз қилиши, бир вақтлар бошқаларни қандоқ маҳлиё қилган бўлса, ҳозир эрини ҳам шундоқ маҳлиё қилиши керак, деган қонун-қоидаларга риоя қилмас эди. Наташа, аксинча, эрга тегиши биланоқ, одамларни мафтун қиладиган барча хислатларидан, шу жумладан, энг кучлисидан – ашула айтишдан воз кечди. Ўз ашуласи билан одамларни мафтун қилишини билиб, атайин айтмай қўйди. Наташа ўзини қандоқ тутиш, назокат билан сўзлашиш ҳақида ҳам, ўзини эрига чиройли қилиб кўрсатиш ҳақида ҳам, ясан-тусан ҳақида ҳам, ҳар хил талаблари билан эрининг ҳафсаласини совутиб қўйиши мумкинлиги ҳақида ҳам ўйлаб ўтирмас эди. Наташа ҳаминша бу қонун-қоидаларга зид келадиган ишларни қиларди. Илгарилари савқи табиий билан ишлатган ноз-у қарашмалари ҳозир эрига эриш туюлишини

сезарди; чунки биринчи кундан бошлаб у бутун борлиғи билан эрига берилган ва қалбида эридан пинахон тутган заррача сир қолмаган эди. Наташа шу нарсани билардики, эри билан бўлган муносабати бир вақтлар эрини ўзига жалб этган шоирона хис-туйғуларга эмас, балки сўз билан ифода-лаб бўлмайдиган бошқа нарсага асосланган, жони-гани билан қандоқ мустаҳкам боғланган бўлса, у ҳам эри билан шундоқ мустаҳкам боғланган.

Наташа эрининг диққатини ўзига жалб этиш учун зулфини паришон қилиб юришни, узун, этаги ерда судралиб юрадиган, ерни супурадиган кўйлак бичишни, романс ай-тишни энди ўзига эп кўрмас, бу ишлар, назарида, ўз-ўзидан завқланиш учун ўзига зеб беришдай ғалати туюларди. Бошқаларнинг диққатини жалб этиш учун ўзига зеб бериш, балким, унга ёқар ҳам эди – буни у билмасди – аммо бу нарсалар учун унинг сира вақти йўқ эди. Ашула айтмай кўйгани, ясан-тусан қилмай юргани ва айтадиган сўзларини ўйламай гапиришнинг асосий сабаби шу эдики, бунака нарсалар билан шуғулланишга сира қўли тегмас эди.

Маълумки, инсон бирон нарсага, у қанчалик аҳамиятсиз бўлмасин, боши билан шўнғиб кетиш қобилиятига эга.

Маълумки, ҳар қандай аҳамиятсиз, арзимас нарса ҳам эътибор беравергандан кейин битмас-туганмас ташвиш манбаига айланади.

Наташа боши билан шўнғиб кетган, фикри-зиқрини банд қилиб кўйган нарса оиласи – эри эди, у эрини ўз оила-сига маҳкам боғлаб қўйиш, бола кўриши, бунинг учун улар-ни тўққиз ой кўтариб юриши, туғиши, эмизиши ва тарбия қилиши керак эди.

Наташа батамом берилиб кетган нарсасига ақл-идроки билан эмас, балки бутун қалби, бутун вужуди билан қанча-лик хирс қўйса, бу нарса унинг диққат-эътиборини шунча кўп тортар, ўзининг куч-қуввати шунчалик камайиб, заиф-ланиб бораётганини сезар, шунинг учун бутун кучини бир нуқтага тўплар ва шунда ҳам қилиши керак бўлган ишлар-нинг ҳаммасини бажаролмаётганга ўхшарди.

Хотинлар ҳуқуқи, уларнинг эрлари билан бўлган

муносабати, эрк ва ҳақ-ҳуқуқ ҳақидаги фикр-мулоҳазалар у вақтда ҳозирги сингари масала деб аталмаса ҳам, ҳар ҳолда, ҳозиргидай мавжуд эди, бироқ Наташа бу масалаларга кизиккиш у ёқда турсин, ҳатто уларни ҳеч тушунмас эди.

Бу масалалар ўшанда ҳам ҳозиргига ўхшаб уйланишдан мурод, эр-хотиннинг бир-биридан кўрадиган хузур-ҳаловатини, яъни эр-хотин бўлишнинг бир томонинигина назарда тутиб, оила қуришнинг бутун аҳамиятини назарда тутмаган кишилар учун мавжуд эди.

Бу фикр-мулоҳазалар ҳам ва ҳозирги масалалар ҳам овқатдан қандай қилиб кўпроқ хузур қилиш мумкин деган масала сингари у вақтда йўқ эди, овқатдан мурод қорин тўйғазиш ва оиладан мурод бола-чақа кўриш деб билган одамлар учун ҳозир ҳам бундай фикр-мулоҳаза йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Агар овқатланишдан мурод танни озиклантириш бўлса, унда бирдан икки ҳисса овқат еган киши эҳтимол кўпроқ хузур қилар, лекин у кўзлаган мақсадга эришмайди, чунки ошқозон икки ҳисса ортиқ овқатни ҳазм қилолмайди.

Агар уйланишдан мурод оила қуриш бўлса, унда бир неча хотин ва бир неча эри бўлган кимса эҳтимол кўпроқ лаззатланар, лекин ҳеч қачон оила эгаси бўлолмайди.

Агар овқатдан мурод қорин тўйғазиш, уйланишдан мурод оила қуриш бўлса, унда бу масалани шундай ҳал қилиш мумкин, яъни овқатни меъда ҳазм қила оладиган миқдордан ортиқ емаслик, хотин ва эрни оила қуриш учун керак бўлган миқдордан оширмаслик керак, яъни битта хотин олиш ва битта эр қилиш кифоядир. Наташага эр керак эди. Худо унга эр берди. Эр эса уни бола-чақали, оилали қилди. Наташага шу эр кифоя эди, у Пьердан яхшироғини истамасдигина эмас, балки бутун маънавий кучини шу эри ва оиласига хизмат қилдириш учун сафарбар қилган, бошқа эр қанақа бўлишини тасаввур қилмас ва тасаввур қилишга эҳтиёж ҳам сезмас эди.

Наташа киборлар муҳитини ёқтирмас эди, лекин ўзига қарашли одамларнинг — графиня Марьянинг, акаси, онасининг ва Сонянинг суҳбатини бажонидил севарди. У шундай

одамларни яхши кўрардики, уларнинг олдига пахмоқ сочи, уйда кийиб юрган халати билан катта-катта одим отиб, болалар бўлмасидан бемалол хандон-хушон чиқа олса ва болаларининг йўрғагидаги кўкиш доғ ўрнига сариқ доғ пайдо бўлиб қолганини суюниб кўрсата олса, чақалоғинг анча тузалиб қолибди, хотиржам бўл, деган сўзлар билан тасалли беришини эшита олса.

Наташа шу даража ўзига бепарво бўлиб қолган эдики, унинг кийим кийиши, сочини турмаклаши, пойма-пой гаплари, ҳар қанақа чиройли ва хунук хотиндан, ҳатто, Соня ва мураббиялардан рашк қилиши яқин кишиларга ҳазил-мутойиба мавзуи бўлиб қолган эди. Ҳамма Пьер хотинининг чизган чизигидан чиқмайди деб ўйлар ва ҳақиқатан ҳам шундоқ эди. Эр-хотин бўлган дастлабки кунларидан бошлаб Наташа ўз талабларини Пьер олдига кўндаланг қилиб қўйди. Пьер бошда хотинининг бу фикрига – сен фақат меники ва оиланикисан, деган талабига жуда таажжубланди, чунки бу нуқтаи назар унинг учун тамоман янги эди, лекин шундай бўлса ҳам, Наташанинг бу талаби унга ёқиб тушди ва бу талабга у бўйсунди.

Пьернинг хотини измидалиги шундан иборат эдики, у бошқа хотинларга хушомад қилиш у ёқда турсин, улар билан очилиб гапиришга ҳам журъат этолмас эди. У ҳордиқ чиқариш, бирпас ўтириб келиш учун клубларга, зиёфатларга боролмас, таъби истаган нарсага пул сарф қилолмас, зарур иши бўлмаса бирон ёққа узоқ муддатга кетолмас эди. Унинг илм-у маърифат билан шугулланишини хотини зарур иш деб билар (Наташа бу нарсаларга тушунмаса ҳам, лекин катта аҳамият берар) эди. Бунинг эвазига Пьер уйда ҳокими мутлақ эди, у нима истаса шуни қилар ва оиласини ҳам истаган йўлига сола оларди. Наташа уйда ўзини эрининг чўрисидай тутарди. Пьер кабинетида ўтириб китоб мутолаа қилаётган ва ё ёзаётган бўлса, бутун уй ичи оёқ учида юрарди. Пьер бирон нарсани яхши кўришини сездирдими – тамом, ўша нарса дарров муҳайё бўларди. Пьер бирон нарса истаганини билдирдими – тамом, Наташа саҳраб ўрнидан турар ва унинг истагини жойига қўярди.

Бутун хонадон учун Пьернинг фараз этилган орзу-истаклари дастур эди. Наташа уларни билиб олишга тиришарди. Қандай ҳаёт кечириш, қаерда яшаш, ким билан борди-келди қилиш, Наташанинг нима билан шуғулланиши, болаларнинг тарбияси – буларнинг ҳаммаси Пьернинг хоҳишига мувофиқ бўлиши у ёки турсин, ҳатто Наташа эрининг сўз орасида айтган фикрларидан худоса чиқаришга тиришарди. Наташа эрининг истаганини ҳамма ерда тўғри англав ва ҳаммаша ўшанга қараб иш тутарди. Граф Пьер ўзининг истагига қарши бирон иш қилмоқчи бўлса, Наташа дарров унинг ўзи айтган сўзини дастак қилиб олиб, бунга йўл бермас эди.

Пьер билан Наташанинг сира эсидан чиқмайдиган шундай бир воқеа юз берган эди: тўнғич болалари нимжон туғилиб, улар уч дояни алмаштиришга мажбур бўлган са Наташа қайғуриб бетоб бўлиб қолган бир вақтда Пьер бир куни бегона кишининг сути болага зарарли ва ғайритабиий эканлиги ҳамда Руссонинг¹ фикрини баён этиб, ўзи бу фикрга батамом қўшилганини айтган эди. Иккинчи боласи туғилганда Наташа онасининг ҳам, докторнинг ҳам, эрининг ҳам эътирозига қарамасдан (у вақтларда бола эмизиш кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган воқеа ва зарарли ҳисобланарди) ўз сўзида маҳкам турди ва болани ўзи эмиза бошлади.

Аксар вақт, кайфлари бузилган вақтда, эр-хотин жанжаллашиб қолишарди, лекин бу жанжалдан кейин, Пьер ҳам суюниб, ҳам таажубланиб, хотини фақат сўзда эмас, балки ишда ҳам ўзи рад қилган фикрларга амал қилаётганини кўрарди. Хотин бу фикрларнинг айнан ўзини эмас, балки жанжал вақтида илашган ошқоча нарсалардан тозаланган сайқалланган ҳолда амалга татбиқ этаётганини кўрар эди.

Уйланганига етти йил бўлгандан сўнг Пьер, зўр қувонч билан билдики ўзи ёмон одам эмас экан, чунки ўз аксини у хотинида кўриб турарди. Пьер ўзининг яхши ва ёмон томонларини бир-бирига аралашиб, бири бирининг соясида қолиб кетганини сезарди. Лекин хотинида унинг ҳақиқатан

¹ Жан Жак Руссо (1712-1778) – француз файласуф маърифатпарвари, ёзувчиси, композитори.

яхши томонларини топган эди, ёмон хислатларининг ҳаммаси қолиб кетган эди. Бу инъикос мантиқий тафаккур йўли билан эмас, балки бошқа, пинҳоний, бевосита йўл билан амалга ошган эди

XII

Ҳар бир ҳақиқий хонадонда бўладигани каби Лисие Горίδαги кўрада ҳам бир-бирига сира ўхшамайдиган бир неча олам бирга яшар, уларнинг ҳар бири ўз хусусиятини сақлаган ҳолда бир-бирига ён бериб, бир-бирига кўшилиб, бир бутун аҳил хонадон ташкил қилар эди. Бу кўрада содир бўлган ҳар бир воқеа уларнинг ҳар бири учун бир хилда аҳамиятли, бир хилда севинчли, бир хилда қайғули бўларди, лекин ҳар бир оламнинг бирон воқеадан хурсанд бўлиш ва ё қайғуриши учун бошқа оламларга тамоман алоқаси бўлмаган мустақил сабаблари бўларди.

Масалан, Пьернинг сафардан қайтиши ҳам қувончли ва ҳам муҳим бир воқеа эди, бу нарса ҳаммага ҳам шундоқ таъсир этди.

Ўз хўжаларининг энг ҳаққоний ҳакамлари бўлмиш хизматкорлар (чунки улар одамларнинг гаплари ва туйғуларига қараб эмас, балки ишлари ва турмуш тарзларига қараб муҳокама юргизишади). Пьернинг келишига шунинг учун хурсанд бўлишдики, Пьер шу ердалигида хўжалари – граф кунда хўжалик ишлари билан кетиб қолмас, кайфи чоғроқ, ўзи меҳрибонроқ бўлиб юрар ва яна байрамга ҳаммаларига қимматбаҳо совғалар инъом этарди.

Болалар билан мураббиялар Безуховнинг келганига шунинг учун қувонишдики, ҳеч ким Пьерчалик ўзини уларга яқин тутмас ва уларни умумий ҳаётга жалб қилолмас эди. Фақат Пьер клавибордда (бирдан бир билладиган) шотланд рақсини чалар ва бу куйга, унинг ўзи айтмоқчи, истаган мақомга рақс тушса бўларди; бундан ташқари, Пьер ҳаммага совғалар келтирган бўлиши мумкин эди.

Ўн бешга кириб, акли бола бўлиб қолган, маша сочлари жингалак, ўзи озгин ва ғамгин шахло кўз Николинька Пьернинг келганига шунинг учун суюндики, Пьер амаки-

сини (у шундай деб атар эди) жуда яхши кўрар ва у билан фахрланарди. Ҳеч ким атайлаб Николинъкада Пьерга нисбатан меҳр уйғотгани йўқ. У Пьерни жуда камдан кам кўрар эди. Унинг тарбиячиси графиня Марья мен эримга қандок муҳаббат қўйган бўлсам, Николинъка ҳам шундай муҳаббат қўйсин деб, бор ҳунарини ишлатган. Николинъка поччасини яхши кўрар эди, лекин бу яхши кўришнинг остида жиндайгина нохушлик бор эди. Аммо Пьерга келганда уни бутун вужуди билан яхши кўрарди. У поччаси Николайга ўхшаб гусар бўлишни, «Георгий нишони»ни олишни орзу қилмас эди, у Пьер амакиси сингари илм-маърифатли, ақлли ва марҳаматли одам бўлишни истарди. Пьернинг хузурда Николинъка ҳаминша гул-гул очилиб ўтирар, Пьер унга сўз қотганда у энтикиб, қизариб кетарди. Амакиси Пьернинг оғзидан чиққан ҳар бир сўзни у эсида сақлаб қолишга уринар, кейин Десаль билан, ё ўзи ёлғиз ўтирганда бу сўзларни бирма-бир эслаб, мағзини чақарди. Пьернинг ўтмиши, унинг 12-йилга қадар кўрган кулфатлари (Николинъка бу ҳақда қулоғига кирган сўзлардан ғира-шира шоирона бир тасаввур ҳосил қилган эди), Москвадаги саргузашти, асир тушиши, Платон Каратаев (бу ҳақда Пьернинг ўзи гапириб берган эди), Пьернинг Наташага муҳаббати (Николинъка Наташага ҳам айрича бир меҳр қўйган эди) ва энг муҳими, ўзининг эсида қолмаган отаси билан Пьернинг дўст бўлганлиги – буларнинг ҳаммаси Пьерни Николинъкага қаҳрамон ва эзгу киши қилиб кўрсатар эди.

Отаси билан Наташа ҳақида қулоғига чалинган сўзлардан, марҳум ҳақида Пьернинг тўлкинланиб гапиришидан, Наташанинг уни зўр ҳурмат ва назокат билан авайлаб тилга олишидан муҳаббат нима эканини энди тушуна бошлаган Николинъка отаси Наташани севганига ва ўлаётган чоғида, уни ўз дўсти Пьерга васият қилиб кетганини қаноат ҳосил қилди. Кўз олдига келтиролмайдиган отаси эса Николинъкага худодай бўлиб кўринар, уни ўйлаганида юракбағри эзилиб, кўзларидан ҳам қайғу ва ҳам ифтихор ёшлари дув-дув оқарди. Шунинг учун ҳам Пьер келганда Николинъка терисига сиғмай кетди.

Пьернинг келганига меҳмонлар шунинг учун хурсанд бўлишдики, Пьер ҳар қанақа суҳбатга жон киргиза оладиган ва ҳар қанақа суҳбатни қовуштира оладиган одам эди.

Пьернинг қайтганига хотини у ёқда турсин, балки хонадондаги катта кишиларнинг ҳаммаси хурсанд эди, чунки дўстлари шу ерда бўлган дамларда уларнинг ҳаёти енгилроқ ва осудароқ ўтарди.

Пьернинг қайтганига кампирлар шунинг учун хурсанд бўлишдики, Пьер ҳам уларга ҳадялар олиб келиши мумкин эди ва ҳам, энг муҳими Наташа яна очилиб кетарди.

Пьер бу мухталиф оламнинг ўзига ҳар хил кўз билан қараганини сезар ва ҳаммасининг кўнглини топишга уринарди.

Эсида ҳеч нарса турмайдиган энг паршонхотир Пьер ҳамма нарсани қайнаси билан қайноғасининг топшириғини ҳам, доя Беловага қўйлаклик олишни ҳам, жиянларга ўйинчоқ олишни ҳам унутмади. Хотинининг бу талаблари — харид қилмоқчи бўлган нарсаларнинг биронтасини унутмасдан ҳаммасини сотиб олишни талаб қилиши янги уйланган кунларида Пьерга жуда ғалати кўринган ва биринчи сафар бирон-бир нарсаларни эсдан чиқариб қўйгани, хотинини хафа қилганини кўриб, ҳайрон қолган эди. Йўқ, бориб-бориб ўзи ҳам бунга ўрганиб қолди. Хотини ўзи учун ҳеч нарса буюрмаслигини, бошқалар учун ҳам эри хохиш билдиргандагина улбул буюришини билладиган Пьер зўр ҳафсала ва севиңч билан бутун хонадонга совғалар олар ва бирон нарсани унутмасликка ҳаракат қиларди. Агар хотинидан бирон сўз эшитса, бу ҳам фақат совғани кўп ва қиммат бўлгани туфайли эпитарди. Кўпчиликнинг фикрига кўра, унинг барча камчиликлари, ё ўзи айтмоқ-чи, барча хислатларига исқиртлиги, кийим масаласига бепарволиги устига яна Наташадан ўтган хасислиги қўшилган эди.

Пьер катта сарф-харажатлар талаб қилладиган рўзғор эгаси бўлганидан бери харажати олдингига нисбатан икки ҳисса камайганини, ўлган хотинининг қарзлари туфайли изидан чиқиб кетган ишлари тузалиб қолганини пайқаб ҳайрон қолди.

Тирикчилик ҳозир арзонга тушар, чунки ҳаёт бир қолипга тушган эди: истаган вақтида ўз ҳаётини ўзгартириши имкониятидан Пьер энди маҳрум бўлган ва уни ўзгартиришни истамас эди. Пьер билардiki, ҳозир ҳаёти муайян бир изга қирган ва у ҳеч қачон бу издан чиқмайди ва буни ўзгартириш унинг ихтиёрида эмас, чунки шу тарзда кечираётган ҳаёти унга арзон тушмоқда эди.

Пьер қилган харидларини қувноқ табассум билан хотинига кўрсата бошлади.

– Буни қара-я! – деди у олиб келган матосини базозга ўхшаб ёзиб кўрсатиб. Наташа катта қизини тиззасига ўтқазиб, Пьернинг рўпарасида ўтираркан, очиқ чехра билан бир эрига ва бир унинг кўлидаги нарсаларга қарар эди.

– Бу Беловагадирда? Жуда яхши, – деди Наташа матони ушлаб кўриб. – Бир сўмдандирда?

Пьер нархини айтди.

– Қиммат-ку, – деди Наташа. – Аммо болалар ҳам, ойм ҳам жуда суюниб кетади. Мана буни менга чакки олибсан, – деди Наташа ўшанда энди расм бўлган марваридли олтин тароққа ҳавас билан жилмайиб қараб.

– Ол-чи, ол, деб Адель холи жонимга қўймади, – деди Пьер.

– Қачон тақдим мен буни? – деди Наташа тароқни сочи-га кадаб кўриб. – Машенька катта бўлиб у ёқ бу ёққа чиқса тақар, балки ўшанда яна бунақа тароқлар расм бўлиб қолар. Қани, юр бўлмасам.

Улар совғаларни кўтариб, аввал болалар бўлмасига, ундан кейин графинянинг олдига киришди.

Пьер билан Наташа ўроғлик совғаларни қўлтиқларига кистириб меҳмонхонага кирганда, графиня, одатига кўра, Белова билан карта ўйнаб ўтирган эди.

Графиня олтишдан ошиб, сочи ошноқ оқарган эди. У чепчик кийиб юрар ва хошияси бугун бетини бекитиб турар эди. Унинг юзлари бужмайган, устки лаби ичига тушиб, кўзларидан нур кетган эди.

Ўғли билан эрининг устма-уст ўлиmidан сўнг графиня ўзини бу дунёда ҳеч қандай муродмақсади ва орзу-умиди

бўлмаган бир ғариб одамдай сезиб колди. У ер, ичар, ухлар, бедор ўтирар, лекин яшамас эди. Ҳаёт унда ҳеч қандай таассурот туғдиrolмас эди. Унинг ҳаётдан ҳеч қандай тилаги йўқ, у фақат осойишталик истар ва бу осойишталикни эса фақат ўлим бера оларди. Аммо ажал гирибонидан олгунча яшаши, яъни ҳаётий қувватини сарфлаши керак эди. Энг кичик болалар ва энг қари одамларда кўзга ташланадиган хислатлар кекса графиняда яққол кўринарди. Ҳаётда унинг ҳеч қандай мақсади йўқ, фақат ўзининг турли лаёқати ва салоҳиятини ишга солиб туриши керак эди, холос. У меъдаси, мияси, мускуллари, асаблари ва жигари бўлгани учунгина унча-мунча овқат ейиши, ухлаши, ўйлаши, гапириши, йиғлаши, ишлаши, аразлаши ва ҳоказолар қилиши керак эди. Буларнинг ҳаммасини кекса графиня ҳеч қандай ташки турткисиз бажо келтирар эди, холбуки, ҳаёт кучи барқ уриб турган кишилар интилаётган мақсадлари аён бўлгани учун иккинчи мақсади – ўз кучларини сарфлаш кераклигини сезмайдилар. Графиня ўпкаси ва тилини ишлатиши керак бўлгани учунгина гапирарди. У ёш болага ўхшаб бурнини қоқиш керак бўлгани учунгина йиғларди ва хоказо. Қувватга тўлган кишилар учун мақсад-муддао бўлган нарса графиня учун баҳона, эрмак эди, шекилли.

Масалан, кечаси бирон ёғлиқ томоқ еган бўлса эрталаблари биров билан уришгиси келар ва бундай вақтларда энг кулай баҳона – Белованинг карлиги бўларди.

Графиня, уйнинг тўрида ўтириб, Беловага қараб, секин:

– Айланай, бугун ҳаво хийла илик, шекилли, – деб шивирлаб гап бошларди. Белова: «Ҳа, келдилар-ку ахир» – деб жавоб қайтарса, графинянинг жаҳди чиқиб: – Худоё тавба, одам ҳам шунчалик қар қулоқ, шунчалик бефаҳм бўладими! – дер эди.

Иккинчи баҳона бурнаки (ҳидлайдиган тамаки) эди, бурнаки гоҳ графиняга нам бўлиб кўринса, гоҳ яхши туюлмагандай кўринарди. Феъли айниган вақтларда графинянинг сафроси кўзгар, ранг-рўйи сарғайиб кетарди, бу аломатлардан унинг оқсочлари Белованинг яна қар, тамакининг яна нам бўлиб қолишини, графинянинг ранг-рўйи сарғайишини

биларди. Заҳрини тўқиш керак бўлгани сингари, баъзан графиняга аклининг қолган-қутганини ишга солиш ҳам керак бўларди, бундай вақтларда унга карта ўйини кўл келарди. Йиғлагиси келса, марҳум эрини эсларди. Ташвиш тортигиси келса, Николай ва унинг соғлиги баҳона бўларди. Аччиқтирсик гап айтмоқчи бўлса графиня Марья баҳона бўларди. Товуш чиқариш учун хизмат қиладиган аъзоларини машқ қилдиргиси келса, кўпинча кечки пайт, соат еттидан кейин, қоронғи уйда меъдага дам берилгандан сўнг, ҳар куни ҳамон бир қиссани минг марта эшитган одамларига айтиб берар эди.

Ҳеч қачон, ҳеч ким бу ҳақда оғиз очмаса ҳам, уйдагиларнинг ҳаммаси кампирнинг бу ҳолатига тушунар ва ҳамма унинг шу эҳтиёжларини қондириш учун қўлидан келган ишни қиларди. Фақат гоҳ-гоҳ Николай, Пьер, Наташа ва графиня Марьянинг бир-бирларига қараб, ўзаро маҳзун жилмайиб кўйишлари кампирнинг бу аҳволига тушуниб турганларини ифода қиларди.

Лекин бу қарашлар бундан бошқа маънони ҳам англатарди: бу қарашлар кекса графиня ҳаётда қиладиган ишини қилиб бўлган, ҳозир унинг ўзи эмас, тахлитигина қолган, вақти келганда биз ҳам шундок бўлиб қоламиз, шунинг учун бир замонлар ўзимиз учун кадрли бўлган ва ўзимиз сингари куч-қуввати барқ урган, лекин эндиликда бенаво кампирга айланган бу хотиннинг шу аҳволига тан беришимиз, унинг иззат-ҳурматини бажонидил ўрнига қўйишимиз керак... Ўлимни унутмаслик керак деган маънони англатарди.

Фақат уйдагиларнинг энг нодон ва энг бефаҳми билан ёш болаларгина бу нарсани англамас ва кекса графинядан ўзини тортарди.

ХШ

Пьер хотини билан мехмонхонага кирганда графиня, одатига кўра аклини ишга солиш учун карта ўйнаб ўтирган эди, шундок бўлса ҳам, куёви келганда ва ўғли бирон жойга бориб қайтганда доим айтадиган ва ёд бўлиб қолган сўзларни: «Келдингми, келдингми, бўтам, кўзларимиз тўрт

бўлди-ку. Худого шукур!» Совғаларни олгандан кейин эса бошқа ёд бўлиб қолган сўзларни: «Совға қиммат эмас, бўтам, мен қарини унутмаганинг мен учун қимматлидир», — деган сўзларни айтган бўлса ҳам, Пьернинг шу тобда келиб, унинг ўйинига халал бергани кекса графиняга ёкмади, шекилли, у карта ўйинини тамом қилгандан кейин совғаларни оча бошлади. Совғалар орасида жуда чиройли қилиб ишланган карта ғилофи, чўпон бола сурати солинган қоғоқлик кўм-кўк Севр пиёласи ва графнинг сурати туширилган олтин тамакидон бор эди (қайнанаси кўпдан бери орзу қилиб юрганини билиб, шундай тамакидон ясашни Пьер петербурглик бир заргарга буюрган эди). Ҳозир йиғлагиси келмаётгани учун графиня эрининг суратига лоқайд қараб кўйди-ю, ғилофни томоша қила бошлади.

— Кўнглимни кўтариб кўйганинг учун миннатдорман, бўтам, — деб графиня ёд бўлиб қолган сўзларни айтди. — Лекин эсон-омон келганинг ҳаммасидан ҳам яхши. Мана бунинг бўладигани бўлиб қолувди. Ҳеч бўлмаса, сен хотинингни таъзирини бер, шу ҳам гапми? Сен бўлмасанг, бу девона бўлиб қолади. На кўзи бирон нарсани кўради, на кулоғига бир нима киради, — деб ёд бўлиб қолган гапларни айтди. — Анна Тимофеевна, куёвимиз олиб келган ғилофни кара.

Белова совғаларни мақтади, ўзига олиб келинган кўйлакликка суқланиб қаради.

Пьер, Наташа, Николай, графиня Марья ва Денисовлар ўзаро жуда кўп нарсалар ҳақида гаплашишни истасалар ҳам, лекин кекса графиня олдида чурк этмай ўтиришди; ундан бирон нарсани бекитиш мақсадида эмас, балки графиня кексайиб, ҳаётдан орқада қолгани учун унинг олдида гаплашиб ўтириб бўлмас эди: бирон нарса ҳақида сўз бошлагандан кейин унинг ўринсиз саволларига жавоб берип, фалон киши ўлибди, писма-дон киши уйланибди қабилдаги гапларни айтишга тўғри келар, барибир, бу гаплар кекса графинянинг бу кулоғидан кириб, у кулоғидан чиқиб кетар эди, лекин улар, одатдагича, меҳмонхонада чой ичиб, самовар олдида ўтиришди ва Пьер қайнанасининг ўзига ҳам

керак бўлмаган, бошқаларга ҳам қизиғи бўлмаган саволларига жавоб қилиб князь Василийнинг қаригани, графиня Марья Алексееванинг салом деб юборгани, мени эсдан чиқармасин, деб ўтинганини ва ҳоказоларни гапириб берди.

Ҳеч кимга қизиғи бўлмаса ҳам, зарурий бўлган бу суҳбат чой ичиб бўлгунга қадар давом этди. Самовар келтириб қўйилган думалоқ стол атрофида бутун хонадон ахли (фақат болалар йўқ эди) йиғилган, Соня самовар олдида ўтирарди. Болалар, мураббий ва мураббиялар аллақачон чой ичиб бўлган, ҳозир нариги истироҳат бўлмасидан уларнинг ғала-ғовури эшитилмоқда эди. Чой маҳалида ҳамма ўзининг одатдаги ўрнида: Николай печкага яқин қўйилган кичкина стол ёнида ўтирар, чойни унга ўша ерга узатишар, оппоқ жуллари орасидан катта қора кўзлари яна ҳам қорароқ бўлиб кўринаётган қари този ит Милка (биринчи Милканинг боласи) унинг ёнида, креслода ётарди. Жингалак сочлари, чакка сочлари ва мўйлабининг ярмиси оқарган, генералча мундирининг тугмалари ечиб ташлаган Денисов графиня Марья ёнида, Пьер кекса графиня билан хотини ўртасида ўтирарди. Безухов кекса графиня нимага қизиқиши ва нималарга тушунишини билиб, ўша нарсалар ҳақида сўзларди. У ташқи ижтимоий ҳодисалардан, кекса графинянинг собиқ ёр-ошноларидан гапирарди, ҳақиқатан ҳам кекса графинянинг ёр-ошнолари бир вақтлар алоҳида жонли бир давра ташкил қилган, лекин ҳозир уларнинг аксарияти ҳар ёнга тарқалиб кетган ва кекса графиня сингари ошларини ошаб, ёшларини яшаб, ҳаётдан сўнги ризқларини териб юрмоқда эдилар. Лекин кекса графинянинг назарида мана шу шарт кетиб парти қолган ёр-ошноларигина жиддий ва ҳақиқий улфат эди. Пьернинг жонланиб гапиришидан Наташа эри сафардан хурсанд ва ичига гап сизмагани, лекин кекса графиня олдида иложини тополмай ўтирганини пайқадди. Денисов оила аъзоси бўлмагани учун Пьернинг эҳтиёт бўлиб гапирётганига тушунмасди ва бундан ташқари бунақа суҳбат ёқмагани учун ҳадеб Петербургда нима янги хабар борлигига қизиқиб, ҳали Семёнов полкида бўлиб

ўтган воқеа ҳақида, ҳали Аракчеев ҳақида, ҳали Таврот¹ уюшмаси ҳақида Пьерга устма-уст саволлар берарди. Пьер баъзан қизиқиб кетиб, унинг саволига жавоб бера бошласа, Николай билан Наташа дарҳол уни гапдан тўхтатар, яна князь Иван билан графиня Марья Антонованинг соғлиғи тўғрисида саволлар беришарди.

– Госнер билан Татаринова ҳали ҳам ўша бемаза ишлар билан шуғулланиб юрибдими? – деб сўради Денисов.

Пьер одатдагидан кўра қаттиқроқ товуш билан:

– Ҳа, нега шуғулланмасин? Таврот уюшмаси ҳозир бутун ҳукумат деган сўз-ку! – деди.

Кекса графиня чойни ичиб бўлиб, овқатдан сўнг жиддий уришиб олиш учун баҳона кидираётган эди, шекилли, Пьерга қараб:

– Бу нима деганинг – дўстивам. Нега энди бутун ҳукумат дейсан? Бу гапингга тушунмадим мен, – деди.

Николай бу сўзни онасининг тили билан қандай тушунтиришни биларди, шунинг учун дарҳол гапга қўшилди.

– Биласизми, ойижон, Александр Николаевич Голицин бир жамият тузган эмиш, шу кунлари ўша жамиятнинг обрўси жуда катта экан.

– Аракчеев билан Голицин, – деб юборди Пьер эҳтиётни кўлдан бериб, – ҳозир бутун бошлиқ бир ҳукумат. Яна қанақа ҳукумат денг! Ҳамма нарса кўзларига суиқасд бўлиб кўринади, ҳамма нарсадан ҳадиксирашади!

– Бунда князь Александр Николаевичнинг нима айби бор? У киши жуда мўътабар одам. Мен уни Марья Антонованинг уйда кўрганман, – деди кекса графиня ранжиган товуш билан ва ҳамма жим бўлиб қолгандан кейин яна жигибийрон бўлиб давом этди: – Ҳозир ҳаммадан айб кидиришади, Инжил жамияти тузибди, нима қилибди? – деб ўрнидан турди (бошқалар ҳам ўринларидан кўзғалишди) ва қош-қовоғини солганича, ўрдак юриш қилиб истироҳат бўлмасидаги карта столига томон кетди.

Орага чўккан хазин сукунатда нариги уйдаги болалар-

¹ Таврот (жудийча: «гора» – таълимот, қонун) – иудаизм динининг муқаддас китоби.

нинг кулгиси ва сурони эшитилди. Болалар орасида кувонч-ли бир ҳодиса юз берганга ўхшарди.

Кичкина Наташа ҳамманинг товушини босиб:

– Бўлди, бўлди! – деб кичкирди.

Пьер графиня Марья ва Николай билан кўз уриштириб олди (У Наташани кўриб турган эди) ва бахтиёр жилмайди.

– Мана бу ажойиб мусиқа! Эпитяпсизми? – деди Пьер.

– Анна Макаровна пайпоқни тўқиб бўлганга ўхшайди, – деди графиня Марья.

– Бориб кўрай-чи, – деди Пьер ўрнидан ирғиб туриб. – Биласанми, – деди у бўсағада тўхтаб, – нима учун мен бу мусиқани ниҳоятда яхши кўраман? Бу мусиқа биринчи бўлиб уйдагиларнинг соғсаломатлигидан мени хабардор қилади. Бугун келялман-у, уйга яқинлашган сайин юрагим-ни ваҳима босади. Даҳлизга киришим биланоқ, Андриюшканинг бир нарсадан завқланиб кулаётганини эшитдим-у кўнглим жойига тушди...

– Мен ҳам шунақаман, мен ҳам шунақаман, – деди Николай унинг сўзини тасдиқлаб. – Лекин мен болалар олдига кирмайман чунки пайпоқ менга совға учун тўқилган.

Пьер болаларнинг олдига кирди-ю, уларнинг шовқин-сурони авжига чиқди.

– Қани, Анна Макаровна, – Пьернинг товуши эшитилди, – Мана бу ерга, ўртароқда турай: бир икки деганимда сен мана бу ерда тур. Сени кўлимга оламан. Қани, бир, икки... – деди Пьер. Орага жимлик чўқди. – Уч! – деганидан кейин болалар завқ қилиб уйни бошларига кўтаришди.

– Иккита, иккита! – деб болалар сурон кўтаришди. Бунчалик шовқин-суронга сабаб бўлган нарса Анна Макаровна бир йўла тўқиган иккита пайпоқ эди. У ёлғиз ўзи биладиган махсус йўл билан бир йўла икки пайпоқ тўқир ва тўқиб бўлгандан сўнг болалар олдига тантанали равишда бирини иккинчиси ичидан тартиб оларди.

XIV

Бу шовқин-сурондан сўнг кўн ўтмай болалар хайрлашгани келишди. Улар ҳамма билан ўпишишди, мураббий ва

мураббиялар таъзим қилиб чиқиб кетишди, Десалгина ўз шогирди билан қолди. У шивирлаб шогирдини пастга тушишга таклиф қилди.

– Йўк, Десаль афанди, мен аммамдан ижозат сўраб бирпас шу ерда ўтирмак-чиман, – деб жавоб кайтарди Николинъка Болконский ҳам шивирлаб.

– Холажон, майлими бирпас шу ерда ўтирсам, – деди Николинъка аммасининг олдига келиб. Унинг юзида ёлворип, ҳаяжон ва севинч ифодаси бор эди. Графиня Марья унга бир қараб қўйди-ю, кейин Пьерга юзланди:

– Сиз шу ерда бўлсангиз, бир дақиқа ҳам сиздан айрилгиси келмайди бу бола, – деди.

– Мен буни ўзим олиб тушаман, Десаль афанди, хайрли кеч, – деб Пьер швейцарияликка қўл берди ва жилмайиб Николинъкага қаради. – Кўпдан бери иккаламиз кўришганимиз йўга. Борган сайин ўхшаб кетяпти-я, Мари, – деди у графиня Марьяга қараб.

Бола қизариб кетди ва ёниб турган кўзларини ифтихор билан пастдан юқорига кўтариб Пьерга қаради ва:

– Дадамгами? – деб сўради, Пьер тасдиқ мақомида бош иргатди-ю, болалар келиб чала қолган суҳбатни давом эттирди. Графиня Марья кашта тикар, Наташа эрига тикилиб ўтирар, Николай билан Денисов ўринларидан туриб, чўбук олиб тамаки чекишаркан, қош-қовоғини солиб, самовар олдида ўтирган Сонянинг қўлидан чой олишар ва Пьерга саволлар беришарди. Кўзлари ёниб турган, ранги заҳил, сочи жингалак Николинъка, ҳеч кимнинг эътиборини жалб қилмай бурчақда ўтираркан, қайтарма ёқасидан чиқиб турган ингичка бўйинини ҳадеб Пьерга томон бурар, янги ва кучли бир туйғуни бошдан кечираётган бўлса керак, гоҳ-гоҳ сесканиб, алланималарни деб ўзича шивирларди.

Суҳбат юксак доираларда тарқалган ҳозирги ғийбатлардан иборат эди, одатдан бундай ғийбатларни кўпчилик ички сиёсатнинг энг муҳим масаласи деб биларди. Ҳарбий хизматда омади юришмагани туфайли ҳукуматдан норози бўлиб юрган Денисов шу кунлари, унинг фикрича, Петербургда юз бераётган барча бемазагарчиликларни хурсандлик

билан тинглар ва Пьернинг сўзларига қаттиқ ва кескин эътирозлар билдирарди.

– Илгарилари немис бўлиш керак эди, энди Татаринова ва мадам. Крюднер билан рақс тушиш керак... Экарстгаузен ва шунга ўхшаганларни ўқиш керак! Ох! Қани, шу чоғ Бонапарт яна майдонга чиқса экан! Буларнинг адабини бериб кўярди! Нахотки Семёнов полкани келиб-келиб аскар Шварцга топшириб кўйишса-я, шу ҳам гапми? – деб кичкирди Денисов.

Николай, Денисов сингари тирноқ остидан кир қидиришни истамаса ҳам, ҳукуматнинг ишлари ҳақида фикр юргизишни жуда муҳим ва керакли иш деб билар, «А»нинг фалон соҳада министр, «Б»нинг писмадон ерда генерал губернатор бўлишини, подшонинг фалон нарса, министрнинг писмадон нарса деганига жуда катта аҳамият берарди. Шунинг учун бу масалалар билан қизикишини зарур деб билиб, Пьерга саволлар бера бошлади. Шундай қилиб, бу иккала ҳамсуҳбатнинг савол-жавоби натижасида суҳбат юксак доираларнинг одатдаги ғийбат-шикоятдан нари ўтмади.

Бироқ эрининг дилидаги гапни сўзсиз тушунадиган Наташа, Пьер кўпдан бери суҳбат мавзуини ўзгартирмоқчи бўлиб, иложини тополмаётганини, кўнглида йиғилиб қолган гапларни – Петербургга бориб, янги дўсти князь Фёдор билан нима ҳақида маслаҳатлашиб келганини айтишга ошиқаётганини кўриб, савол воситасида эрига кўмаклашди, яъни: – Князь Фёдор билан гаплашиб олдингми? – деб Пьерга савол берди.

– Нима ҳақида? – деб сўради Николай.

– Нима ҳақида бўларди, – деди Пьер атрофга қараб. – Аҳвол жуда ёмон эканлиги, бунини шу йўсинда қолдириб бўлмаслиги, ҳар бир халол киши кўлидан келганча бунга моне бўлиш кераклиги ҳақида.

– Ҳалол кишининг кўлидан нима келарди? – деди Николай қошларини чимириб. – Нима қилиши мумкин?

– Шундай қилиши мумкин-ки...

– Юринглар, кабинетга кирайлик, – деди Николай.

Наташа ҳали замон эмизгани чақириб қолишар, деб кўпдан бери қулоғини динг қилиб ўтирган эди, доянинг товуши чиқиши биланоқ, югуриб болалар бўлмасига кетди. Графиня Марья ҳам унинг кетидан чиқди. Эркаклар кабинетга киришди, поччаси кўрмай қолган Николинъка Болконский ҳам уларнинг кетидан секин кабинетга кирди ва дераза ёнидаги ёзув столи олдида, панароқ жойга ўтириб олди.

– Хўп, сен нима қила олардинг? – деб сўради Денисов.

– Доим сен шунақа хом хаёлларга бориб юрасан-да, – деб қўйди Николай.

Пьер ўтирмасдан гоҳ уйда нари-бери юриб, гоҳ тўхтаб, қўлларини тез-тез тўлғаб, шапиллаб гапира кетди:

– Гап мундоқ, – деди у, – Петербургда аҳвол танг, подшоҳ ҳеч нарсага аралашишни хоҳламайди. У мана шу тасаввуфга бутунлай берилиб кетган (Пьер ҳозир тасаввуфга берилган ҳеч кимсани кечирмас эди). У фақат осойишталикни истайди, осойишталикни эса, унга бўрқ ўрнига қалла олиб келадиган виждонсиз, ор-номуссиз кишилар: Магницкий, Аракчеев ва шулар қабилидаги... одамларгина бера олади. Ўзинг ўйлаб кўр, агар сен осойишталигингни кўзлаб хўжалик ишларингни саркорингга топшириб қўйсанг-у, саркоринг қанчалик жоҳил, қанчалик баттол бўлса, сен шунчалик тез мақсадга эришармидинг? – деди Пьер Николайга қараб.

– Нега энди мени аралаштирасан? – деди Николай.

– Ишлар хароб. Маҳкамаларда ўғрилиқ, армияда қалтак: машқ ўрнида у ёқдан бу ёққа югуртириш, сургун, халқни қийнаш, илм-маърифатни бўғишдан бошқа нарса йўқ. Навқирон ва соф виждонлилар ҳалокатга дучор бўляпти! Бу аҳвол шундай давом этиши мумкин эмаслигини ҳамма кўриб, билиб турибди. Торлар жуда таранг бўлиб қолган. Узилиши муқаррар, – деди Пьер. (Хукумат деган нарса пайдо бўлибдики, одамлар ҳукуматнинг қилган ишларига назар солиб, доим шу тарзда сўзлашадилар.) – Петербургда мен уларга бир нарсани айтдим.

– Кимларга? – деб сўради Денисов.

– Кимга бўларди, – деди Пьер кўзойнаги устидан маъно-

ли тарзда қараб. – Князь Фёдорга ва бошқаларгада. Маориф ва хайрия ишларини тараққий эттириш, дедим, албатта, яхши. Бу яхши гап, лекин бу билан иш битмайди, ҳозирги шароитда бошқа нарса керак.

Шу чоғ Николай қайниси Николинъканинг шу ерда ўтирганини кўриб қолди ва қош-қовоғини солиб унинг олдига келди.

– Сен нима қилиб ўтирибсан бу ерда?

– Ҳечқиси йўқ, кўй, ўтираверсин, – деб Пьер Николайнинг қўлидан тортди ва сўзини давом эттирди. – Бу билан иш битмайди, ҳозирги вазиятда бошқа нарса керак, дедим мен уларга. Тор таранглигини кўриб, ана узилади, мана узилади деб ҳаммаларинг кўз тикиб турган пайтда, бугун эрта тўнтариш бўлади, деб ҳамма кутиб турган пайтда умумий фалокатга қарши туриш учун қўлни қўлга бериб, мумкин қадар кўпайишиб, зич бўлиб туриш керак. Барча ёшлар, куч-қуввати барқ уриб турганлар ўшаларга эргашяпти, бузилиб кетяпти. Бирин хотин-халажга, иккинчиси мартабага, учинчиси шухратга, тўртинчиси пулга учиб, ўша лагерга ўтиб кетяпти. Мен билан сизга ўхшаган мустақил ва инон-ихтиёри ўз қўлида бўлган одам камайиб бораёпти. Мен уларга: уюшма доирасини кенгайтиринглар, бизнинг шпори-миз фақат эзгулик эмас, балки мустақиллик ва фаолиятдан иборат бўлсин, деб айтдим.

Николай қайнисини ўз холига қўйиб, зарда билан креслосини яқинроқ сурди ва Пьернинг сўзларига қулоқ соларкан, борган сари қош-қовоғини солиб, норози тарзда йўталиб қўйди.

– Нима мақсадда фаолият кўрсатиш керак? – деди Николай. – Унда ҳукуматга сизлар қайси кўз билан қарайсизлар?

– Ҳукуматгами? Биз ўзимизни ҳукуматнинг ёрдамчиси деб қараймиз. Агар ҳукумат ижозат берса, уюшмамиз махфий бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу уюшма ҳукуматга нисбатан душманлик муносабатида бўлмайдигина эмас, балки унинг ҳақиқий мухофазакори бўлади. Бу уюшма том маъносида жентльменлар уюшмаси бўлади. Пугачев келиб, сенинг ва менинг болаларимни сўйиб ташламаслиги, Арак-

чсев мени ҳарбий сургун қилмаслиги учун биз қўлни қўлга бериб курашмоғимиз даркор, бизнинг мақсад ва муддаомиз битта, бу ҳам бўлса, умумий бахт-саодат ва сулҳ-амниятни таъминлаш.

– Гапинг дуруст, лекин уюшма махфий бўлгандан кейин душман ва зарарли уюшма бўлади. У фақат ёвузлик тугдирishi мумкин.

– Нега энди? Европага нажот берган тугендбунд (у вақтда Россия Европага нажот берди деган сўзни айтгани журъат этолмас эдилар) бирон ёмон иш қилувдими? Тугендбунд хайрихоҳлик, муҳаббат ва ўзаро ёрдам уюшмаси эди: Исо¹ чормихга – бутта тортилганда шу сўзларни тарғиб этган...

Сухбат ўртасида Наташа уйга кирди ва суюниб эрига қаради. У эрининг гапларига суюнгани йўқ. Бу сўзлар ҳатто уни қизиқтирмас ҳам эди, чунки буларнинг ҳаммаси, Наташанинг назарида, жуда оддий ва кўпдан бери ўзи биладиган нарсалар эди. (Бу сўзлар Пьернинг оғзидан чиқаётгани учун Наташага шундай туюлаётган эди, чунки у эрининг дилидаги сўзларини жуда яхши биларди.) У ҳаяжон ва эҳтирос билан сўзлаётган эрининг кадд-у қомаига қараб суюнмоқда эди.

Нозик бўйни қайтарма ёқасидан чикиб турган ва ҳамма унутиб қўйган бола эса Пьерга қараб янада кўпроқ суюнар ва қалби ифтихор билан тўларди. Пьернинг ҳар бир сўзи унинг юрагига ўт бўлиб тушар ва у беихтиёр бармоқларини асабий тарзда кимирлатиб, поччасининг столида турган сўрғич билан пат қаламни синдириб ўтирарди.

– Немис тугенбунди сен ўйлаганча эмас, у мана мундоқ эди, мен тавсия этган тугенбунд.

– Қўй, ошина, тугенбунд колбасачиларингта муносиб, аввало, мен бунга тушунмайман, ундан кейин, тилим келишмайди, – деб Денисов гапининг пўскалдасини айтди. – Ҳамма

¹ Исо Масих – Курьонда тилга олинган пайгамбарлардан бири. Исломда Муҳаммад (с.а.в.) дан олдинги пайгамбар сифатида алоҳида эъзозланади. Курьонда, шунингдек, «ал-Масих» («Худо ярлакаган»), Ибн Марям («Марямнинг ўғли»), Абдуллоҳ («Аллоҳнинг қули»), Расулуллоҳ («Аллоҳнинг элчиси»), Аллоҳнинг муқарраби (яқини), «Ҳақни сўзловчи», деб таърифланади. Унга Инжил ноил қилинган.

иш расво, ҳамма нарса қабоҳат деганингга тушунаман, лекин тугенбундингга тушунмайман. Ундан кейин менга ёқмайди ҳам, кўзголон бўлса бошқа гап!

– Унда мен сизларга кўшиламан!

Пьер жилмайиб қўйди, Наташа кулди, лекин Николай явада қошларини чимириб, ҳеч қанақа тўнтариш бўлмаслигини, Пьер айтаётган ваҳимали гаплар унинг калласидан чиққан гаплар эканини поччасига исбот қила бошлади. Пьер эса унинг сўзларини аксини исботлашга уринди, Пьернинг зехний қобилияти кучли ва ўткир бўлганига кўра, Николай унга гап топиб беролмади. Бу нарса уни баттар аччиқлантирарди, чунки у муҳокама йўли билан эмас, балки муҳокамадан кўра кучлироқ бўлган бир туйғу билан, ўз фикрлари, шубҳасиз тўғри фикр эканини бутун қалби билан сезиб турар эди.

– Ҳой, менга қара, – деб Николай ўрнидан турди ва асабий ҳаракат билан чўбуқни лабининг бир бурчига сурди, ниҳоят уни ташлади. – Исбот қилиб бериш кўлимдан келмайди. Ишлар расво, тўнтариш бўладиганга ўхшайди дейсан; менинг назаримда унчалик эмас, лекин сен ҳарбий қасам шартли нарса деясан, бу хусусда сенга шуни айтиб қўяйки, сен менинг энг яқин дўстимсан ва буни ўзинг ҳам биласан. Лекин агар сизлар махфий уюшма тузсаларинг ва ҳукуматга қарши иш бошласаларинг, қанақа ҳукумат бўлмасин, мен унга итоат қилишни ўз бурчим деб биламан. Агар шу тобда Аракчеев менга бир эскадрон аскарни олиб, сенларни чопиб келишни буюрса, мен бир дақиқа ҳам иккиланиб ўтирмасдан унинг амрини бажо келтираман, сен қандок баҳо берсанг беравер!

Шу сўзлардан сўнг ноқулай бир жимлик чўқди. Боплаб Наташа бу сукуватни бузди ва эрининг тарафини олиб, акасига ёпишиб кетди. Унинг сўзлари таъсирсиз ва ўриңсиз бўлса ҳам, ҳар қалай, мақсадга эришди. Сухбат яна давом этди, бу гал Николайнинг сўнги сўзлари туғдирган душманона ва ноқулай оҳангда эмас, балки дўстона оҳангда давом этди.

Улар кечки овқат учун ўринларидан кўзгалганда ранг-

рўйи оқарган кўзлари оловдай ёнаётган Николинька Болконский Пьернинг олдига келди.

– Пьер амаки... сиз... йўк... дадам тирик бўлганда сизнинг фикрингизга қўшилармиди? – деб сўради.

Катталар суҳбат қилиб ўтирган вақтда бу боланинг хаёлига ҳеч ким ва ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган қандай мустақил, мураккаб ва кучли ҳис-туйғулар келганини Пьер шу он англади ва бола ўтирганини унутиб нималар деганини эслади-ю, афсусланди, Лекин нима бўлса ҳам, боланинг саволига жавоб қайтариш керак эди.

– Менимча, қўшиларди, – деб Пьер истар-истамас жавоб берди-да, кабинетдан чиқиб кетди.

Бола бошини эгди ва шундагина стол устида нима қилиб қўйганини пайқади. У кизариб-бўзариб Николайнинг олдига келди.

– Почча, кечиринг мени, билмасдан шундай қилиб қўйибман, – деди уваланиб кетган сўргич билан пат қаламнинг синигини кўрсатиб.

Николай аччиғи келиб:

– Ҳа, майли, – деди сўргич билан пат қаламнинг синигини стол остига ташлаб. У қайнаб кетган газабини билин-тирмасликка уришиб, боладан юзини ўтираркан:

– Сен бу ерга кирмасанг ҳам бўларди, – деди.

XV

Кечки овқат устида сўз сиёсат ва улошмалар ҳақида эмас, аксинча, Николайга энг хуш ёқадиган мавзуда – 12-йил хотиралари ҳақида кетди. Денисов бошлаб берган бу суҳбат давомида Пьер жуда ёқимтой ва суюкли бўлиб ўтирди. Шундай қилиб, куёв билан қайнага дастурхондан яна апоқ-чапоқ бўлиб туриб кетишди.

Николай кечки овқатдан сўнг, кута-кута бўларича бўлган ишбошисига амр-фармонлар бериб бўлганидан сўнг кабинетида ечиниб, халатини кийди-ю, ётоққа кирди. Графиня Марья ёзув столи ёнида алланима ёзиб ўтирган эди.

– Нима ёзипсан, Мари? – деб сўради Николай. Графиня Марья кизариб кетди. У ёзган нарсам эримга маъқул бўлмас

ва у тушунмас, деб кўриб кетган эди.

У ёзган нарсани эридан яширмоқчи ҳам бўлди, лекин шу билан бирга эри шу тобда кирганидан ва ёзган нарсани унга кўрсатгани қулай пайт топилганидан хурсанд ҳам бўлди.

– Кундалик ёзипман, Николай, – деди графиня Марья ва катта-катта харфлар билан дона-дона қилиб ёзилган кўк дафтарни эрига узатди.

Николай хотинининг қўлидан дафтарни оларкан:

– Кундалик дейсанми? – деди истехзомуз. Кундаликда француз тилида шулар ёзилган эди:

«2-декабрь. Бугун тўнғич ўғлим Андрюша уйқудан туриб кийинишни истамабди, Лиза мени чақиртирди. Кирсам, Андрюша инжиклик ва қайсарлик қилиб ўтирибди. Пўписа қилиб кўрмоқчи бўлган эдим, баттар қийди. Шундан кейин Андрюшани ўз холига қўйиб, энага билан бирга укаларини турғиздим ва Андрюшага, «Мен сени яхши кўрмайман», дедим, Андрюша, худди ҳайрон бўлгандай анчагача индамай турди-ю, кейин қўйлакчан олдимга югуриб келиб шу қадар хўнграб йиғлаб юбордики, зўрға уни тинчитдик. Мени хафа қилиб қўйгани учун кўпроқ қийналганга ўхшайди бола; кечкурун унга билет берганимда мени ўлиб, яна ўпкасини тутолмай йиғлади. Фақат яхши гап билан уни йўлга солиш мумкин».

– Билет деганинг нима? – деб сўради Николай.

– Катта болалар ўзларини қандок тутганларини ҳар куни кечкурун битта қоғоз – билетга ёзиб берапман.

Николай ўзига тикилиб чакнаб турган кўзларга бир қараб олди-ю, дафтарни варақлаб ўқий берди. Кундаликда болалар ҳаётининг она учун аҳамиятли бўлиб кўринган ҳамма томонлари ёзилган, болаларнинг феъл-атвори ва тарбиясига оид умумий фикр-мулоҳазалар қайд этилган эди. Буларнинг кўпчилиги жуда майда, аҳамиятсиз нарсалар эди, лекин онага ва илк дафъа болалар кундалигини ўқиётган отага буларнинг бариси аҳамиятли бўлиб кўринарди. 5-декабрь кундалигига қуйидагилар ёзилган эди:

«Митя овқат маҳалида ишхлик қилаверди. Отаси жазо

бериш мақсадида тирожний берманглар деб, тайинлади. Беришмади, лекин бола бошқаларнинг тирожний ейишига шу қадар очкўзлик билан суқланиб қарадики, асти қўйинг! Менимча болани ширинликдан маҳрум қилиш йўли билан жазолаш, уни фақат очкўз қилиб қўяди, холос. Буну Николайга айтиш керак».

Николай дафтарни қўйиб хотинига қаради. Чақнаган кўзлар (кундалик ёқдимми, йўқми деб) саволомуз тикилиб турарди. Кундалик дафтарнинг маъқул бўлиши у ёқда турсин, унинг хотинига маҳлиё бўлиб қолгани бутун важоҳатидан билиниб турар эди.

«Балки, бу ишни бунчалик бачканалаштириб юбормасдан қилиш керакмиди», – деб ўйлади Николай, лекин болаларнинг ахлоқий жиҳатдан гўзал бўлиб етишишлари учун хотинининг кечани кеча, кундузни кундуз демай бунчалик жон куйдириши уни маҳлиё қилиб қўйди. Агар Николай ўз туйғусини идрок эта билса эди, хотинига қўйган кучли, зариф ва ифтихор тўла муҳаббати негизида ҳамиша графиня Марьянинг ажойиб қалб эгаси эканлигига тан бериш туйғуси ётганлигини англаган бўларди, хотини ҳамиша шундай бир юксак маънавий оламда яшардики, бу олам Николай учун деярли муяссар бўлмас ва Николай ҳамиша бунга хайрон қолар эди.

Николай хотини шундай ақлли хотин эканлиги билан фаҳрланар, маънавий жиҳатдан унинг қаршисида ўзи жуда тубан эканлигини яхши билар, лекин шу билан бирга бу хотин фақат қалби билангина эмас, балки бутун вужуди билан ўзининг бир қисмини тапқил этганига суюнарни.

– Бу ишинг, менга жуда, жуда маъқул, дўстим, – деди Николай жиддий тарзда ва бир оз жим тургач, илова қилди: – Бугун бир оз сентиллик қилиб қўйдим, сен кабинетда йўқ эдинг. Пьер билан гап талашиб қолдик, мен пича қизиққонлик қилдим. Бошка илож ҳам йўқ эди. У болага ўхшайди. Наташа унинг жиловини тортиб турмаса билмадим, нима бўларди. Биласанми, Петербургга нима учун бориб келибди?.. Улар у ерда...

– Биаламан, биаламан, – деди графиня Марья. – Наташа

гапириб берди.

– Биласанми, нима, – Николай гап талашганини эслаб қони қайнаб кетди, – ҳар бир виждонли кишининг вазифаси ҳукуматга қарши чиқишдан иборат эмиш, ваҳоланки, ҳарбий қасам билан бурч... Эсизки сен бўлмадинг-да. Ҳаммаси менга ёпишиб олса бўладими, Денисов ҳам, Наташа ҳам... Наташани асти қўй. У эрининг бошига чиқиб олган, лекин сал муҳокама юритиш керак бўлиб қолса, ўзининг сўзи йўқ, нуқул Пьернинг сўзларини такрорлайди, – деди

Николай энг яқин ва энг азиз кишиларни қоралашга сабаб бўладиган майлга берилиб. Синглиси ҳақида айтган сўзларни айнан ўзи билан хотини ҳақида ҳам айтиш мумкинлигини Николай унутиб қўйган эди.

– Буни мен пайқаганман, – деди графиня Марья.

– Ҳарбий қасам билан бурч ҳамма нарсадан устун туради десам, алланима балоларни менга исбот қила бошласа бўладими. Афсуски, сен бўлмадинг-да, бўлганингда нима дер эдинг?

– Менимча, сен тамоман ҳақлисан. Наташага ҳам худди шу гапни айтдим. Пьер ҳамма азоб-изтироб чекяпти, ҳамма фикс-у фужурга берилиб кетган, бизнинг вазифамиз одамларга ёрдам беришдан иборат дейди. Бу тўғри, – деди графиня Марья. – Лекин у бир нарсани, бизнинг бундан яқинроқ вазифамиз борлигини, буни худонинг ўзи буюрганини унутади, биз ўз ҳаётимизни хавф остида қолдиришимиз мумкин, лекин бола-чақаларимизнинг ҳаётини хавф-хатар остида қолдиrolмаймиз.

– Мен ҳам унга шу гапни айтдим, – деб Николай хотинининг сўзини илиб олди, назарида ўзи ҳам худди шу сўзларни айтгандай эди. – Улар эса ҳамон бани башарга муҳаббатдан, насронийликдан гапиришди, бу гапларнинг ҳаммаси Николинъка олдида бўлганини айтмайсанми, Николинъка кабинетга кириб олиб, ҳамма нарсани синдириб ташлабди.

– Ох, Николай, биласанми, Николинъка менинг юрагимни жуда эзяпти, – деди графиня Марья. – Бу жуда гайриоддий бола чикди. Мен ўз болаларим билан бўлиб, уни унутиб

қўймайин деб қўрқаман. Ҳаммамизнинг бола-чақамиз, қариндош-уруғимиз бор, аммо бу боланинг ҳеч кимсаси йўқ; ўз фикр-у хаёли билан ҳамиша ўзи ёлғиз.

– Бу ҳақда ўзингдан гина қилмасанг ҳам бўлади. Энг меҳрибон она боласи учун нима қилиши мумкин бўлса, сен шуларнинг ҳаммасини Николинъкага қилипсан. Мен, турган гап, бундан хурсандман. У жуда ажойиб бола. Бугун Пьернинг сўзларига кулок солиб ўтириб, ўзини ҳам унутиб юборибди. Биласанми, нима бўлди: биз кечки овқатга чиқаётганимизда қарасам, столим устидаги нарсаларнинг ҳаммасини синдириб ташлабди. Яна шу оннинг ўзида келиб менга айтса бўладими. Бу боланинг бирон марта ёлғон гапирганини эшитган эмасман. Йўқ, жуда ажойиб бола, ажойиб бола, – деди Николай, у хотинининг жиянига унча хуши бўлмаса ҳам, лекин ҳамиша уни яхши қилиб кўрсатишни истар эди.

– Нима бўлса ҳам, мен она бўлолмайман, – деди графиня Марья, – мана шу нарса доим мени эзади, Николинъка жуда ёқимтой бола бўлиб ўсяпти, аммо мен ундан хавотирдаман, одамларга аралашса яхши бўлади.

– Шундай қиламиз, яқин орада, ёзда мен уни Петербургга олиб бораман, бир оз туриб келади, – деди-ю, Николай яна кабинетда бўлган суҳбатга қайтди (бу суҳбат уни ҳаяжонга солиб қўйганга ўхшарди). – Пьер ҳамиша хаёлпараст эди, хаёлпарастлигича қолади ҳам. Аракчеевнинг ёмон одам бўлгани билан менинг қанчалик ишим бор, бошқалар билан менинг қанчалик ишим бор, уйланганимда бўйнимда шу қадар қарзим кўп эдики, судхўрлар мени қаматиб қўйиши мумкин эди, онам буни билмас ва тушунмасди. Кейин мана, эрхотин бўлдик, болалик бўлдик. Наҳотки эртадан кечгача иродада ўтириш менга роҳат бағишласа? Йўқ, мен ишлашим кераклигини биламан, шунинг учун ишлайман, мен онамни тинчйтиш, сенинг яхшиликларингни қайтариш, болаларим бир вақтлар ўзим хор-зор бўлганим сингари хор-зор бўлмаслиги учун ишлашим керак.

Графиня Марья одамга фақат нон эмас, жон озиғи ҳам кераклигини, Николай дунёвий ишларга керагидан ортик

аҳамият бераётганини эрига уқтирмакчи бўлди, лекин буни айтиб бўлмас ва айтишнинг фойдаси ҳам йўқ эди. Шунинг учун графиня Марья эрининг кўлидан ўлиб индамай қўя қолди. Николай графиня Марьянинг индамаганидан хотиним фикримга қўшилди ва маъқул тонди, деб хулоса чиқарди, бир оз жим тургач, яна товуш чиқариб ўз фикрини давом эттирди.

– Виласанми, Мари, – деди у, – бугун Тамбов яқинидаги қишлоқдан Илья Метрофанич (бу одам саркор эди) келди. Ўрмонга саксон минг бераётган эмишлар. – Николай жонланиб, яқин ўртада Отрадноти қайтадан сотиб олиш имконияти туғилиб қолишини гапириб берди. – Яна ўн йил умр кўрсам, болаларим дурустроқ мол-мулкка эга бўларди.

Графиня Марья эрининг сўзларига кулок солиб ўтираркан, унинг ҳамма гапларига тушунарди. Эри шундай товуш чиқариб ўйлаганда баъзан нима дедим, деб хотинидан сўрайдиган одати борлигини ва хотини бошқа нарсани ўйлаб ўтирганини пайқаса, жаҳди чиқишини графиня Марья яхши биларди. Шунинг учун эрининг сўзларини кулоғида олиб қолиш учун (чунки бу сўзларнинг графиня Марья учун сира қизиғи йўқ эди) жуда кўп куч сарф қилишга тўғри келарди. Графиня Марья эрига қараб тураркан бошқа нарсани ўйлаш у ёқда турсин, хатто бошқа нарсани сезиб ўтирар эди. У қаршисида турган Марья шу одамни чин ва жўшқин мухаббат билан севишини, бу одам у тушунган нарсаларни ҳеч қачон тушунмаслигини биларди, лекин шу камчилиги туфайли уни яна ҳам кучли, эхтиросли мухаббат билан яхши кўрарди. Графиня Марьянинг бутун хаёлини банд қилган ва эрининг режаларини чуқурроқ англашига халал берган бу туйғулардан ташқари, эри гапираётган сўзларга сира алоқаси бўлмаган бошқа фикрлар ҳам ҳар замонда бир лип этиб хаёлидан ўтарди. У жиянини ўйлар (Пьер гапираётган вақтда Николинъка хаяжонга тушганини эридан эшитиб графиня Марья хайратда қолди), боланинг нозик ва хассос феъл-атворининг турли томонлари унинг кўз олдида келар, жиянини, ўз болаларини ўйларди. Жиянини ўз болаларига солиштириб кўрмаса ҳам, лекин ўзининг уларга бўлган

хиссини муқояса қилиб кўрар ва Николинъкага бўлган туйғусида бир нима етишмаслигини сезиб, кўнгли чўкарди.

Баъзан графиня Марьянинг хаёлида жияним ўз болаларимдан каттароқ бўлгани учун унга камроқ эътибор қилсам керак, деган фикр келар, лекин, барибир, ўзини жияни олдида гуноҳкор сезар ва кўнглида бу хатони тузатиш ва мумкин бўлмаган нарсани – яъни Исо бутун башариятни севгани каби, шу ҳаётда ўз эрини ҳам, болаларини ҳам, жиянини ҳам, барча яқинларини ҳам бир хилда севишга сўз берарди. Графиня Марьянинг қалби ҳамиша интихосиз, баркамол мангуликка интилар, шунинг учун ҳеч қачон осудаликни билмас эди. Унинг тан қафаси ичидаги руҳининг буюк пинҳоний изгироби юзида акс этиб турар эди. Николай хотинига қаради.

«Ё раббим! Бу ўлиб қолса, бизнинг аҳволимиз нима бўлади! Юзига қараб турсанг, ўладиганга ўхшайди», – деб ўйлади Николай ўзича ва икона қаршисида туриб кечки ибодатини адо эта бошлади.

XVI

Наташа ҳам эри билан холи ўтириб, фақат эр билан хотиннинг гаплашиши мумкин бўлган тарзда гаплаша бошлади. Улар бир-бирларининг фикрларини муҳокама юргизиш, хулоса ва натижа чиқариш йўли билан эмас, балки мантиқнинг барча қонун-қоида­сига зид равишда, ўзларигагина хос тарзда тез ва яхши тушунишар ва баён этишарди. Наташа эри билан шу йўсинда гаплашишга шу қадар ўрганиб қолган эдики, Пьернинг мантиқий фикр юргизиши икки орада бирон англашилмовчилик вужудга келганининг аниқ белгиси бўлиб хизмат қиларди. Агар Пьер бирон нарсани исботламоқчи бўлиб, муҳокама юргизиш йўли билан салмоқлаб гапира бошласа-ю, Наташа ҳам унинг таъсирига берилиб шу йўсинда гапирса, бунинг низо билан тугашини Наташа аниқ биларди.

Эр-хотин холи қолиб, Наташа бахт балқиб турган кўзларини катта очиб, секин эрининг олди­га келиши ва бирдан унинг бошини қучиб, бағрига маҳкам босиб: «Энди сен

бутунлай, бутунлай меникисан! Мен сени ҳеч қаяққа юбормайман!» дейиши биланок, мантиқнинг барча қонун-қоида-сига хилоф бўлган бу суҳбат бошланиб кетди, бу суҳбат шунинг учун мантиққа зид эдики, айти бир вақтда мухталиф нарсалар ҳақида сўз кетарди. Айти бир жуда кўп нарсалар ҳақида гапириш масаланинг мохиятига тушунгани халал бериши у ёқда турсин, аксинча, бу нарса бир-бирларининг фикрига жуда яхши тушунаётганларининг аниқ белгиси эди.

Туш кўраётганда, тушга етакчилик қилган туйғудан бошқа ҳамма нарса нотўғри, бемаъни ва бир-бирига зид бўлгани сингари, эр-хотиннинг барча ақл-идрок қонун-қоидаларига қарама-қарши бўлган бу муомаласида уларнинг сўзи эмас, балки сўзга етакчилик қилаётган туйғуларигина изчил ва тушунарли эди.

Наташа акасининг турмуши, эри йўқлигида ёруғ дунё кўзига қопқоронғи бўлгани, Марини яна ҳам кўпрок яхши кўриб қолгани ҳақида ва Марининг ўзига нисбатан ҳар жихатдан мукамаллиги ҳақида гапириб берди. Наташа шу сўзларни эрига айтarkan, Марья ўзидан юқори туришини чин қалбидан эътироф қилар ва шу билан бирга, ҳар қалай, уни Маридан ҳам, бошқа ҳамма хотинлардан ҳам афзал кўришини ва хозир, айтиқса, Петербургга бориб, кўп хотинларни кўриб келганидан сўнг, бу сўзни яна бир қарра такрорлашини истар эди.

Пьер хотинининг сўзига жавоб бериб, Петербургда хотинлар қатнашган кечки ва кундузги зиёфатлар қанчалик унга ёқмаганини гапириб берди.

– Хотинлар билан муомала қилишни бутунлай унутиб юборибман, – деди у. – Зерикиб ўлдим. Ундан кейин, бош қашлагани ҳам вақт йўқ эди.

Наташа эрига тикилиб туриб давом этди:

– Мари ажойиб аёл-да! Болаларнинг тилига шундоқ тез тушунадик, асти қўявер! Худди уларнинг дилини кўриб тургандай. Кеча Митинька инжиқлик қила бошлаган эди...

Пьер унинг сўзини бўлди:

– Бу бола мунча отасига ўхшайди!

Наташа эри нима учун Митиньканинг Николайга ўх-

шашлиги хақида гап очганини англади, Пьер қайнағаси билан қилган баҳс-мунозарани эсламоқчи эмасди. Бирок бу борада Наташанинг фикрини билгиси келди.

– Николинъканинг шунақа заиф томонлари бор: кўпчилик маъқул топмаган нарсага ўлса ҳам, рози бўлмайди. Аммо мен биламан, сен Янги фаолият соҳаси, янги майдон очиш учун ҳаракат қилинсан, – деди Наташа бир вақтлар Пьернинг ўзи айтган сўзни такрорлаб.

– Йўқ, масала шундаки, – деди Пьер. – Николай фикр-муҳокамага бир ўйинчок, эрмак деб қарайди. Мана, у кутубхона тузибди ва шундай қоида жорий қилибди: сотиб олган китобини ўқиб чикмагунча янги китоб сотиб олмас эмиш, унинг кутубхонасида Сисмонди ҳам бор, Руссо ҳам бор, Монтесъке ҳам бор, – деди Пьер табассум билан. – Ўзинг биласанми, мен уни... – деб Пьер айтган сўзини юмшатмоқчи эди, бироқ Наташа бунинг ҳожати йўқ демоқчи бўлгандай эрининг сўзини бўлди.

– Фикр-мулоҳаза Николай учун ўйинчок, эрмак деб айтдингми?..

– Ҳа, лекин мен учун фикр-мулоҳазадан бошқа ҳамма нарса ўйинчок, эрмак. Петербургда юрган кунларим ҳаммани тушда кўргандай бўлардим. Бирон нарса хаёлимни банд қилиб қўйса, бошқа ҳамма нарса, назаримда, ўйинчок бўлиб кўринади.

– Афсус, болалар билан кўришганингни кўрмай қолдим, – деди Наташа. – Қайси бири кўпроқ суянди? Лизадира?

Пьер хотинининг саволига «ҳа» деб жавоб берди ва фикрини банд қилган сўзни давом эттирди: – Ўйлаш бизнинг ишимиз эмас, дейди Николай. Ўйламасдан бўларканми ахир. Петербургда, мен сенга айтсам, шу нарсани сездимки, менинг йўқлигимдан ишларнинг пачаваси чиқиб кетибди, ҳар ким ўз гапини ўтказмоқчи бўлибди. Аммо мен уларнинг барисини бирлаштиришга муваффақ бўлдим, ахир менинг фикрларим аниқ ва равшанда. Мен фалон ва писмадон нарсага қарши чиқишимиз керак деган гапни айтмайман. Биз янглишишимиз мумкин. Мен уларга шундай дейман: кимки хайрли иш қилишни яхши кўрса, қўлни қўлга берсин, ҳамма-

мизнинг байроғимиз битга – фаол эзгулик байроғи бўлсин. Князь Сергей жуда ақлли ва атомат одамда.

Эрининг фикри буюк фикр эканига Наташанинг шубҳаси йўқ эди, лекин бир нарсадан ўнғайсизланарди. Бу ҳам бўлса, Пьердай одам унинг эри эканлиги эди. «Наҳотки жамият учун шу қадар керакли ва муҳим бўлган киши айти замонда менинг эрим бўлса! Нега бу шундай бўлди?» У кўнглига келган шу гапни эрига айтишни истарди. «Эрим ҳақиқатан ҳаммадан ақлли эканини кимлар ва қанақа одамлар айта оларкин?» – деб Наташа ўз-ўзидан сўрар ва Пьер жуда хурмат қиладиган кишиларни бирма-бир хаёлидан кечирарди. Пьернинг сўзига қараганда у ҳеч кимни Платон Каратаевчалик хурмат қилмас эди.

– Биласанми, ким хаёлимга келди? – деди Наташа. – Платон Каратаев! Бу масалага у қандоқ қарардийкин? Ҳозир сенинг фикрларингга қўшилармиди?

Пьер хотинининг бу саволига сира ажабланмади. У Наташанинг нима ҳақида ўйлаётганига тушунди.

– Платон Каратаевми? – деб сўради Пьер ва Каратаев бу ҳақда нима ўйлашини чиндан ҳам тасаввур қилишга тиришиб, ўйланиб қолди. – У тушунмаслиги мумкин эди, ким билади, балки, тушунарди ҳам.

– Сени жуда, жуда яхши кўраман! – деди тўсатдан Наташа. – Жудаям!

– Йўқ, маъқул топмас эди, – деди Пьер бир оз ўйланганидан сўнг. – Лекин бизнинг оилавий ҳаётимизни у маъқул топарди. У ҳамма нарсада гўзаллик, бахт-саодат ва осойишталик кўришни истарди. Мен сизларни зўр ифтихор билан унга кўрсатар эдим. Мана, сен жудолик дейсан. Жудоликдан сўнг сенга нисбатан менда қанақа хиссиёт пайдо бўлишини билмайсан...

– Ҳа, яна... – деб Наташа гап бошлаган эди Пьер унинг сўзини бўлди.

– Йўқ, йўқ, ундок демоқчи эмасман. Мен ҳамиша сени севаман. Севиш бундан ортиқ бўлмайди, лекин айрилиқдан кейин дийдор кўришнинг... ростдан ҳам. – Пьернинг сўзи чала қолди, чунки қолганини уларнинг бир-бирига тикилиб

турган кўзлари айтиб турарди.

– Ширин-шакар ойлар деган гаплар ҳам беҳуда гап, энг яхши давр янги келин-куёв бўлган кунлар деган гаплар ҳам бекорчи гап, – деди тўсатдан Наташа, – аксинча, энг яхши давр ҳозирги давримиз. Кошки эди, сен ҳеч қаёққа кетма-санг. Аразлашиб қолганимиз эсингдами? Ҳамма вақт менинг айбим билан. Ҳамма вақт. Нима учун аразлашганимиз ҳатто эсимда ҳам қолмабди.

– Доим бир нарса учун, – деди Пьер жилмайиб, рапк...

– Кўй, эсимга солма, – деди Наташа қичқириб. Унинг кўзларида совуқ, ғазабли ўт чакнаб кетди. – Кўрдингми сен уни? – деб сўради бир оз жим тургандан сўнг.

– Кўрганим йўқ, кўрганда ҳам танимас эдим. Иккаласи ҳам бирпас жим бўлди.

Наташа худди ораларига қўланка солиб турган булутни ҳайдамоқчи бўлгандай гап бошлади:

– Биласанми нима? Боя кабинетда гапираётганимда мен сенга разм солиб турдим. Ота-бола икковинг бир олманинг икки палласи-я. Вой, эсим курсин, эмадиган вақти бўлибди... лекин сени ёлғиз кўйиб кетгим келмаяпти.

Иккови бир неча дақиқа жим турди. Кейин иккаласи ҳам айна бир вақтда бир-бирга ўгирилиб, нима тўғридадир гапириша кетди: Пьер мамнуният билан қизгин тарзда, Наташа вазминлик билан кулиб гапирарди. Улар бўсағада бир-бирига йўл бериб, яна тўхтаб қолишди.

– Йўқ, сен нима демоқчи эдинг? Айт, айт.

– Йўқ, сен айт, меникини кўй, – деди Наташа.

Пьер бошлаган сўзини давом эттириб, Петербургда қозонган муваффақиятлари ҳақида мақтаниб кетди. Шу дақиқада Пьернинг назарида бутун рус жамиятиши, бутун дунёни янги изга солиб юбориш бўйнига юклангандай эди.

– Мен демоқчиманки, буюк оқибатга сабаб бўлган фикрларнинг ҳаммаси доимо жўн бўлади. Менинг фикрим шундан иборат: агар фосик кишилар бир ерга тўпланиб, бир куч вужудга келтирсалар ҳалол кишилар ҳам айнан шундай қилишлари керак. Жуда жўн фикр.

– Ҳа, жуда жўн.

– Сен нима демоқчи эдинг?

– Ҳеч, шундок.

– Йўқ, йўқ, айтиб қўя қол.

– Арзийдиган гап эмас, – деди Наташа янада табассумдан очилиб. – Мен фақат Петя тўғрисида бир гап айтмоқчи эдим: ҳали энагаси келиб қўлимдан олмоқчи бўлганида, у кулиб, кўзларини юмди-да, менга қапишиб олди – беркиндим деб ўйлади, шекилли. Жуда ширин бўлибди-да. Ана, йиғлади. Хайр, мен кетдим! – деб уйдан чиқиб кетди.

Айни шу вақтда, пастда, Николинька Болконскийнинг бўлмасида – ётоғида одатдагича шамчирок ёниб турарди (бола коронгиликдан кўрқар, унинг бу камчилигини йўқотиш қийин эди). Десаль тўртта ёстиқни устма-уст қўйиб баланд қилиб ётар, унинг қирра бурни бир маромда хуррак отарди. Николинька совуқ терга ботиб ҳозиргина уйкудан уйғонган ва кўзларини катта-катта очиб, тўшагида ўтирарди. Бола ёмон туш кўриб уйғониб кетган эди. Иккаласи ҳам Плутарх китобидаги суратларга ўхшаб мис дубулға кийган эмиш. У Пьер амакиси билан каттакон кўшиннинг олдида бораётган эмиш.

Кўшин қинғир-қийшиқ оқ чизиклардан ташкил топган бўлиб, Десаль (Биби Марьямнинг ипи) деб атаган, кузда учадиган мезон сингари учиб, ҳавони тўлдириб юрган эди. Олдинда шон-шуҳрат учиб юрар, у ҳам ипдан, лекин сал қалинроқ. Улар – Николинька билан Пьер – шод-хуррамлик билан учиб шон-шуҳратга яқинлашмоқда эдилар. Бирдан буларни учириб бораётган ип бўшашиб, чигалланди ва оғирлашиб қолди. Шу чоғ поччаси Николай Ильич, кош-ковогини солиб, дағдаға билан буларнинг қаршисида тўхтаб:

– Бу сизларнинг ишларингми? – деб сўради синган сўргич билан пат қаламни кўрсатиб. – Мен сизларни яхши кўрардим, лекин Аракчевнинг буйругига биноан, кимки олға юрса ўлдираман. Николенька Пьерга қайрилиб қаради, лекин Пьер йўқ эди. Пьернинг ўрнидан отаси князь Андрей турган эди, отасининг шакл-у шамойили йўқ, лекин ўзи бор эди. Николинька кўнгли эриб, заифланиб бораётганини сизди, ўзи куч-қувватсиз, суяксиз суяқ моддага айлангандай

бўлди. Отаси уни суйди, эркалади. Аммо поччаси Николай борган сайин буларга томон таҳдид қилиб келаверди. Николинька кўркиб, уйғониб кетди.

«Дадам, – деб ўйлади у. – Дадам (уйда отасининг иккита бир-бирига ўхшаган сурати бўлса ҳам, Николинька ҳеч қачон князь Андрейни одам қиёфасида тасаввур қилолмас эди) келган эди, мени эркалади. У менинг фикримни маъқуллади, у Пьер амакимнинг фикрини маъқуллади. Пьер амаким нима деса, мен ўшани қиламан. Муций Сцевол ўз қўлини куйдирган. Мен ҳам шундай қилсам нима қилибди? Биламан улар менинг ўқишимни хоҳлайди. Майли, ўқийман. Лекин ахир ўқишни ташлайман, ана ўшанда ниятимни бажо келтираман. Худодан фақат битта тилагим бор: Плутарх одамлари бошига солган кунни менинг бошимга солсин, мен ҳам ўшалар қилган ишни қиламан. Улардан ўтказиб ҳам юбораман. Ҳамма бундан хабардор бўлиб, мени яхши кўриб қолади, ҳамма менга қойил бўлади». Бирдан Николинька ўпкаси тўлганини сезиб йиғлаб юборди.

– Тобингиз қочиб қолдими? – деб сўради Десаль.

– Йўқ, – деб жавоб берди Николинька ва ёстиққа бошини кўйди. «У меҳрибон ва яхши киши, мен уни севаман, – деб ўйлади Николинька Десалга қараб. – Пьер амакимчи? У киши жуда аломат одамда! Дадам-чи? Дадам! Дадам! Ҳа, мен шундай қилайки, ҳатто у ҳам мендан рози бўлсин».

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

Тарих фани халқларнинг ва инсониятнинг ҳаётидан баҳс этади. Инсоният ҳаёти у ёқда турсин, ҳатто бир халқнинг ҳаётини бевосита билиб қамраб олиш ва сўз билан тасвирлаш мумкин эмас.

Илгариги тарихчилар халқнинг пайқаб олиш мумкин бўлмагандай кўринган ҳаётини фаҳмлаб олиш ва тасвирлаш учун ақсар вақт оддий бир усулни қўлланган. Улар халқни идора қилган айрим шахсларнинг фаолиятини тасвир этган ва шу фаолият уларга бутун халқнинг фаолияти бўлиб кўринган.

Қандок қилиб айрим шахслар халқларни ўз истакларига мувофиқ ҳаракат этишга мажбур қилган ва ўша айрим шахсларнинг иродасини нима идора этган деган саволга тарихчилар: халқларни бир кишининг иродасига бўйсундирган ҳам худонинг ўзи, шу шахснинг иродасини маълум бир мақсадга томон йўналтирган ҳам худонинг ўзи, деб жавоб беришади.

Шундоқ қилиб, бу масалалар худонинг башарият ишига бевосита аралашishiга ишонмоқ йўли билан ҳал бўларди.

Янги тарих фани ўз назариясида бу иккала даъвои ҳам рад этади.

Одамлар худонинг иродасига бўйсунди ва халқлар муайян мақсадга томон боришади, деган қадимги кишиларнинг ақидасини рад этган янги фан, ҳокимият шаклларини эмас, балки ҳокимиятни майдонга келтирадиган сабабларни ўрганиши керак эди. Бироқ янги тарих фани бундоқ қилмади. Назарияда қадимги тарихчиларнинг фикрини рад этса ҳам, амалда уларга эргашди.

Худонинг хоҳиши билан ҳокимият тепасига келган ва бевосита худонинг иродаси билан иш тутаётган кишилар ўрнига янги тарих ғайриоддий, ғайринсоний қобилиятларга эга бўлган қахрамонларни ёки подшоҳлардан бошлаб журналистларгача турли хислатларга эга бўлган, оммага раҳбарлик қилувчи кишиларни олға сурди. Халқларнинг –

яхудий, юнон, рум халқларининг худога хуш келадиган илгариги мақсадлари ўрнига (қадимгиларга уларнинг мақсадлари башарият ҳаракатининг мақсади бўлиб кўринарди) янги тарих ўз ғояларини, яъни француз, герман ва инглиз халқларининг бахт-саодатини ҳамда энг мавҳум тарзда, умумбашар маданияти бахт-саодатини келтириб кўйди, умумбашар маданияти деганда одатан буюк китъанинг шимолий ғарбидаги кичик бир бурчакда яшайдиган халқлар ҳам кўзда тутилди.

Янги тарих эски ақидаларни рад этди-ю, унинг ўрнига янги бир нуқтаи назарни олға сурмади, подшоҳларга ҳокимиятни худонинг ўзи берганини ва қадимги кишиларнинг тақдирга ишонганини зоҳиран рад этган тарихчиларни ҳаёт мантиғи янада бошқа йўллар билан ўша хулосага келишга мажбур қилди, улар: 1) халқларга айрим кишилар етакчилик қилишини ва 2) халқлар ва инсоният интиладиган муайян бир маслак борлигини эътироф этишди.

Гибондан тортиб Боклгача янги тарихчиларнинг барча асарларида, зоҳиран ораларида ихтилоф бордай кўринса ҳам, ва қарашлари янгидай туюлса ҳам, мана шу икки эски нуқтаи назар ётади.

Аввало, муаррих ўз фикрича, башариятга йўлбошчилик қилган айрим шахслар фаолиятини тасвирлайди: бири подшоҳлар, саркардалар ва министрларни шундай кишилар деб билса, иккинчиси, подшоҳлардан ташқари яна нотиклар, ислоҳотчи олимлар, файласуфлар ва шоирларни шу жумлага киритади. Иккинчидан, башарият қандок мақсадга томон кетаётгани муаррихга маълум: бири учун бу мақсад Румо, Испания, Француз давлатларининг равнақидан иборат бўлса, иккинчиси учун дунёнинг Европа деб аталадиган кичкинагина бир қисмида озодлик, тенглик ва маълум даражада маданият ўрнатишдан иборатдир.

1789-йилда Парижда туғён кўтарилади; бу туғён кучайиб, ёйилиб кетади-да, халқларнинг ғарбдан шарққа томон қилган ҳаракатида ўз ифодасини топади. Бу ҳаракат бир неча бор шарққа томон йўналади, шарқдан ғарбга томон бошланган қарши ҳаракатга дуч келади; 12-йилда бу ҳаракат

Ўзининг сўнги нуқтаси – Москвага етади ва биринчи ҳаракат вақтидаги сингари Ўрта Европа халқларини орқасидан эргаштириб, чиройли бир симметрия билан шарқдан ғарбга томон қарши ҳаракат бошланади. Бу қарши ҳаракат илк дафъа ғарбдан бошланган жойга – Парижга етади ва тўхтайдди. Мана шу йигирма йил мобайнида қанчадан қанча ерлар экилмай қолади; уй-жойлар куйиб кул бўлади; савдо ўз йўналишини ўзгартиради; миллионларча кишилар хонавайрон бўлади; миллион кишилар бойиб кетади, бир ердан иккинчи ерга кўчади, инсонга муҳаббат қўйишни тарғиб этадиган насроний динидаги миллион-миллион кишилар бир-бирини ўлдиришади.

Хўш, бу нима деган сўз? Нега бу шундоқ бўлди? Бу одамларни уйларга ўт қўйишга, ўзларига ўхшаган одамларни ўлдиришга нима мажбур қилди? Бу воқеаларнинг сабаби нима? Қанақа куч бу ишларни қилишга одамларни мажбур этди? Шу ҳаракат даврига оид ёдгорликлар ва ривоятлар билан танишган ҳар бир киши ўз олдига беихтиёр ўзига шу жўн ва қонуний саволларни қўяди.

Бу саволларни ҳал қилиш учун биз халқларнинг ҳамда инсониятнинг ўз-ўзини билишга хизмат қиладиган тарих илмига мурожаат этамиз.

Тарих илгариги нуқтаи назарида турганида эди, бу саволга шундоқ жавоб берарди: худо ўз бандаларига мукофот ё жазо ўлароқ Наполеонга ҳокимият берган ва ўз мақсадларига эришмоғи учун унинг иродасига етакчилик қилган. Ўшанда бу жавоб тўлиқ ва тушунарли бўларди, Наполеонни худди юборганлигига ишонса ҳам бўларди, ишонмаса ҳам бўларди; агар бунга ишонган киши учун бутун тарихнинг шу даврида юз берган барча воқеалар тушунарли бўларди ва ҳеч қандоқ зиддиятга ўрин қолмасди.

Лекин янги тарих фани бундай жавоб беролмайди. У қадимги кишиларнинг инсоният ишига худонинг бевосита иштироки бор деган қарашини рад этади ва шунинг учун бу саволга бошқа жавоб топиб бериши керак бўлади. Янги тарих фани бу саволга жавоб бераркан, шундай дейди: сиз бу ҳаракат қанақа ҳаракат эканини, нега вужудга келганини

ва қанақа куч уни вужудга келтирганини билмоқчимисиз?
Бўлмаса қулоқ солинг:

«Людовик XIV ўтакетган мағрур ва мутакаббир одам эди; унинг фалон маъшуқалари ва фалон вазирлари бор эди, у Францияни яхши идора қилолмасди. Людовикнинг ворислари ҳам мужмал одамлар эди, улар ҳам Францияни бир нав идора қилишган эди. Уларнинг ҳам фалон маҳрамлари ва ўйнашлари бор эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, баъзилар ўта вақтда китоб ҳам ўзган. XVIII асрнинг охирида Парижда йигирмага яқин одам йиғилиб, ҳамма бир-бирига тенг ва озод деган гапни олға сурди. Шундан сўнг бутун Францияда одамлар бир-бирининг калласини олиб, сувга ғарқ қила бошлади; одамлар қиролни ва қанчадан қанча одамни ўлдирди. Ўша вақтда Францияда Наполеондай дохий бир киши бор эди. У зўр дохий бўлгани учун ҳамма ерда ҳаммани мағлуб этган яъни қанчадан қанча одамнинг ёстиғини қуритган эди. Нима учундир у африкаликларнинг қонини тўкиш учун кетди ва уларни хўп ўлдирди, у шунчалик айёр, шунчалик ақлли одам эдики, Францияга қайтиб келиб, ҳаммани ўзига итоат этишини буюрди. Ҳамма унинг фармонига бўйсунди. Император бўлиб олгандан сўнг у яна Италия, Австрия ва Пруссияга бориб, хунрезлик қилди. Қанчадан қанча одамни ўлдирди. Россияда эса Александр деган император бор эди, у Европада тартиб ўрнатишга қарор берди ва шунинг учун Наполеонга қарши урушди. Бироқ 7-йили Александр бирдан Наполеон билан апоқ-чапоқ бўлиб қолди, 11-йилда эса яна уларнинг ораси бузилди ва қанчадан қанча халқнинг ёстиғини қуритди. Наполеон олти юз минг аскар билан Россияга келиб, Москвани забт этди; кейин, тўсатдан Москвадан қочди, мана шунда император Александр, Штейн ва бошқаларнинг маслаҳати билан, Европа тинчлигини бузган одамга қарши курашмоқ учун Европани бирлаштирди. Бирдан Наполеоннинг барча иттифоқчилари унинг душманига айланди ва бирлашган бу куч янги куч йиғишга ушурган Наполеонга қарши юрди. Иттифоқчилар Наполеонни енгиб, Парижга киришди. Наполеонни тож-у тахтдан воз кечиб, Эльба оролига кетишга мажбур қилишди, лекин

бундан беш йил муқаддам ва бир йил кейин ҳамма уни ғайриқонуний қароқчи деб ҳисоблаган бўлсалар ҳам, уни императорлик рутбасидан маҳрум қилишмади ва иззат-эҳтиромини ўрнига қўйишди. Бу воқеадан сўнг шу маҳалгача французлар ҳам, иттифоқчилар ҳам масхара қилиб юрган Людовик XVIII подшоҳ бўлди. Наполеон эса эски гвардия олдида кўз ёши қилиб, тож-у тахтдан воз кечди ва сургунга кетди. Кейин моҳир давлат арбоблари билан дипломатлар (хусусан абжирлик қилиб мансабга миниб олган ва бунинг оқибатида Франция чегарасини янада кенгайтирган Талейран) Венада суҳбат қурдилар, халқларни бахтли ва ё бахтсиз қилдилар. Тўсатдан дипломатлар ва подшоҳларнинг ораси бузилай деб қолди; сал бўлмаса улар яна бир-бирларини ўлдириш учун қўшинларига буйруқ беришарди, лекин шу чоғ Наполеон бир батальон аскар билан Францияга келиб қолди ва ундан нафратланган французларнинг ҳаммаси дарҳол унга таслим бўлишди. Лекин бу ҳол иттифоқдош мамлакат подшоҳларининг ғашига тегди ва улар яна Францияга қарши урушгани отланишди. Дохий Наполеонни мағлуб этиб, бирдан уни қароқчига чиқаришди ва Елена оролига олиб кетишди. Юрагига яқин ва жонажон Франциядан айрилиб, сургун қилинган Наполеон ўша ерда, қоя тошлар устида аста-секин жон берди ва ўзининг буюк ишларини келажак авлодга топширди. Европада тағин реакция юз берди ва яна ҳукмдорлар ўз халқларини ранжита бошладилар».

Бу сўзлар тарихий тасвирларни масхара қилиш, уларни карикатураси¹ деб билиш нотўғри бўларди. Аксинча, булар, баъзи бир давлатларнинг хотиралари ва тарихларидан тортиб ўша даврнинг умумий тарихи ва янги усулдаги маданият тарихигача бутун тарихнинг саволларига берилган бир-бирига зид ва пойма-пой жавобларнинг энг юмшук ифодасидир.

Бу жавобларнинг ғалатилиги ва кулгиллиги шундаки,

¹ Карикатура (италиянча: caricatura ёки caricare – бўрттирмак, ошириб юбормак) – кулги ёки мазаҳ қилиш мақсадида киши ёки бирор нарса-ҳодисанинг салбий томонлари, характерли хусусиятлари атайлаб бўрттириб ишланган ҳажвий расм.

янги тарих ҳеч ким сўрамаган саволга жавоб берган қар
қулоқ кишига ўхшайди.

Агар тарихнинг вазифаси инсоният ва халқларнинг
ҳаракатини тасвирлашдан иборат бўлса, унда бошқа жавоб-
лар тушунарли бўлиши учун энг олдин шу саволга — қанақа
куч халқларни ҳаракатга келтиради? — деган саволга жавоб
бериши керак. Бу савол устида янги тарих жуда кўп бош
қотирган бўлиб, гоҳ Наполеонни улуг дохий қилиб кўрса-
тади, гоҳ Людовик XVIII жуда мағрур эди деб тушунтиради,
ё бўлмаса фалон муаррих фалон китобни ёзган эди, деб
айтади.

Эҳтимол, буларнинг ҳаммаси тўғридир, балки башарият
олами шу фикрга қўшилишга тайёрдир, лекин унинг берган
саволи бу эмас. Буларнинг ҳаммаси агар биз ўз-ўзига асос-
ланган илоҳий ҳокимиятнинг ҳаммаша Наполеонлар, Людо-
виклар ва муаррихлар орқали ўз халқини бир хилда идора
қилишига ишонсак, ўшандагина у биз учун кизиқарли
бўларди. Лекин биз бундай ҳокимиятни эътироф қилмаймиз,
шунинг учун Наполеонлар, Людовиклар, муаррихлар хақида
сўз очишдан олдин, халқлар ҳаракати билан шу шахслар
орасидаги мавжуд боғланишни кўрсатиб беришимиз керак.

Агар илоҳий ҳокимият ўрнини бошқа бир куч эгаллаган
бўлса, унда шу янги куч нимадан иборат эканини тушун-
тириб бериш зарур, чунки тарихнинг бутун моҳияти шу
кучдан иборатдир.

Тарих гўё шундай бир куч борлигини табиий ҳисоб-
лайди ва буни ҳамма билади, деб фараз қилади. Лекин
ҳаммага маълум бўлган шундоқ бир янги куч борлигини
эътироф қилиш истагидан қатъи назар, кўп тарихий асар-
ларни мутолаа қилган киши, тарихчиларнинг ўзлари ҳар хил
тушунадиган бу янги кучнинг ҳаммага мутлақо маълум-
лигига беихтиёр шубҳаланиб қолади.

II

Халқларни қандай куч ҳаракатга келтиради? Таржиман
ҳол ёзиш ва айрим халқларнинг тарихини ўрганиш билан
шугулланадиган муаррихлар халқларни ҳаракатга келтира-

диган куч – қахрамонлар ва ҳукмдорларга ато қилинган ҳокимият деб тушунадилар. Уларнинг тасвирига кўра, воқеалар фақат Наполеонлар, Александрлар ва ғ умуман таржиман ҳол ёзадиган муаррихлар тасвирлаган шахсларнинг истак-иродаси билан содир бўлади. Воқеаларни юзага келтирадиган куч ҳақидаги саволга муаррихлар берган бу хилдаги жавоб ҳар бир воқеа биргина муаррих томонидан тасвирланган вақтдагина каноатланарли бўлади. Бирок турли миллат ва турли қарашга эга бўлган муаррихлар айна бир воқеани тасвир эта бошлашлари биланок, ўзлари берган ҳалиги жавоблари дарҳол ўз аҳамиятини йўқотади, чунки бу кучни уларнинг ҳар бири ёлғиз турлича эмас, балки аксар вақт бир-бирига зид тарзда тушунади. Бир муаррих фалон воқеа Наполеонни азм-у иродасига биноан содир бўлди, деса, иккинчиси, бу нарса Александрнинг азм-у иродаси билан содир бўлди, дейди, учинчиси эса, бу воқеа фалон шахснинг истак-иродаси билан амалга ошди, деган фикрни олға суради. Бундан ташқари, бу қабилдаги муаррихлар ҳатто фалон шахснинг ҳокимияти қандай кучга суянган эди, деган масала ҳақида мутлақо бир-бирига зид фикрларни баён қилишади. Бонапартни Пьер Наполеоннинг ҳокимияти унинг фазилатлари ва даҳосига асосланган эди, деган гапни айтса, республикачи Ланфрей унинг ҳокимияти найранг ва халқни алдашга асосланган эди, дейди. Шундай қилиб, бу муаррихлар ўзлари олға сурган фикрни ўзлари рад этадилар ва шу билан бирга бирор воқеани вужудга келтирган куч ҳақидаги тушунчани йўққа чиқарадилар ва тарихнинг муҳим саволига мутлақо жавоб бермайдилар.

Барча халқлар тарихи билан шуғулланадиган муаррихлар таржиман ҳол ёзувчи муаррихларнинг ҳодисаларни вужудга келтирадиган куч ҳақидаги қарашлари янглиш эканлигини эътироф этгандай бўлишади. Улар бу кучни қахрамонлар ва ҳукмдорларга хос ҳокимият деб эмас, балки турли йўналишда бораётган кучларнинг натижаси, деб эътироф қилишади. Умумий тарих билан шуғулланадиган муаррих урушларни ғ бир халқнинг бўйсундирилишини тасвирларкан, бу ҳодисанинг сабабини бир шахснинг ҳукмидан

эмас, балки бу ҳодиса билан алоқадор бўлган шахсларнинг бир-бирига бўлган таъсиридан кидиришпади.

Мана шу нуқтаи назардан қараганда тарихий сиймоларнинг ҳокимияти бир талай кучнинг натижаси бўлиб майдонга чиқади, бас, шундай экан, унга ўз-ўзидан воқеаларни вужудга келтирадиган куч деб қараб бўлмайди. Лекин шундоқ бўлса ҳам, умумий тарих билан шуғулланадиган муаррихлар жуда кўп ҳолларда ҳокимият тупунчасини ходисаларни ўз-ўзидан вужудга келтирадиган ва унга сабаб бўладиган куч маъносида ишлатишади. Уларнинг ёзмишига кўра, гоҳ тарихий шахс замонасининг маҳсули бўлади ва унинг ҳокимияти турлича кучларнинг маҳсули бўлади; гоҳ воқеаларни вужудга келтирган куч унинг ҳокимияти бўлади. Масалан, Гервинус, Шлоссер ва бошқалар, гоҳ Наполеон инқилобнинг, 1789-йил ғояларининг ва ҳоказонинг маҳсулидир деб даъво қилишади, гоҳ 12-йил юриши ва ўзларига ёқмаган бошқа воқеаларни Наполеоннинг нотўғри йўналган истак-иродасининг маҳсули қилиб кўрсатиб, 1789-йил ғояларининг ўзи Наполеоннинг ўзбошимчалиги оқибатида, ривож топмай кўйди деган гапни айтишади. Гўё инқилоб ғоялари, умумий кайфият Наполеон ҳокимиятини вужудга келтирган. Наполеоннинг ҳокимияти эса инқилоб ғояларини ва умумий кайфиятни маҳв этган эмиш.

Бу ғалати зиддиятлар тасодифий эмас. Бундоқ зиддиятлар ҳар қадамда учраган эмас, балки умумий тарих билан шуғулланадиган муаррихларнинг барча асарларида шу хилдаги зиддиятлар учрайди. Бу зиддиятлар шунинг учун вужудга келадик, умумий тарих билан шуғулланувчи муаррихлар таҳлилга киришлари биланок, ишни охирига етказмасдан чала қолдирадидлар.

Таркибий кучлар маълум таркибий кучни ёки тенг таъсир этувчи кучни ҳосил қилишлари учун бу кучларнинг маълум мураккаб кучга тенг бўлиши шартдир. Умумий тарих, билан шуғулланадиган муаррихлар ҳеч қачон мана шу шартга риоя қилишмайди, шунинг учун тенг таъсир этувчи кучни изоҳламоқ учун улар етишмайдиган таркибий кучлардан ташқари, яна мураккаб кучга таъсир этадиган,

хануз шарҳланмаган бир куч борлигини албатта назарда тутишлари лозим.

Таржимаи ҳол ёзиш билан шуғулланадиган хусусий муаррих 13-йил юришини, ё Бурбонлар салтанатининг қайтадан тикланишини тасвирларкан, бу воқеалар Александрнинг ихтиёри билан вужудга келди, дейди. Бирок умумий тарих билан шуғулланувчи Гервинус, хусусий муаррихнинг бу фикрини рад этиб, 13-йил юриши ва Бурбонлар ҳокимиятини қайтадан тиклашига Александрдан бошқа яна Штейн, Меттерних, Талейран, Фихте, Шатобриан ва бошқаларнинг фаолияти ҳам сабаб бўлганини кўрсатишга ҳаракат қилади. Муаррих, афтидан, Александр ҳокимиятини Талейран, Шатобриан ва ҳоказолар каби таркибий қисмларга бўлиб юборган; бу таркибий қисмларнинг жами, яъни Шатобриан, Талейран ва бошқаларнинг фаолияти, афтидан, тенг таъсир этувчи кучларнинг ҳаммасига, яъни миллионларча французларни Бурбонларга бўйсундирган кучга тенг келмайди. Шунинг учун бу таркибий кучлардан қандай қилиб миллионларни бўйсундирган куч вужудга келганини, яъни биргина Ага тенг бўлган таркибий қисмлардан қандай қилиб минг Ага тенг куч вужудга келганини изоҳлаб бериш учун муаррих ўзи инкор этган ҳокимият кучини эътироф этиб, уни кучларнинг натижаси деб билмоғи, яъни мураккаб кучга таъсир этадиган ва шарҳланмай қолган бир куч борлигини янада фараз қилмоғи керак. Умумий тарих билан шуғулланадиган муаррихлар худди шундай қилишади ва оқибатда айрим шахслар таржимаи ҳоли билан шуғулланадиган муаррихларгагина эмас, ҳатто ўз фикрларига ҳам қарши чиқишади.

Ёмғирнинг сабаблари ҳақида аниқ бир тасаввурга эга бўлмаган кишлоқ аҳолилари, ёмғир ёғиши ва ё ёғмаслигини истаб қолсалар, шамол булутларни ҳайдаб кетди, ё ҳайдаб келди, дейишади. Умумий тарих билан шуғулланадиган муаррихлар ҳам айнан шундай: баъзан ўзларининг назарияларига уйғун келиб қолса ва ё ўзларига керак бўлиб қолса, ҳокимият воқеаларнинг маҳсули деган фикрни олға суришади, баъзан, бошқа нарсани исботлаш зарур бўлиб қолса, хо-

кимият воқеаларни вужудга келтиради, деб туриб олишади.

Ўзларини маданият тарихчиси деб атайдиган учинчи хил муаррихлар эса, баъзан ёзувчи ва хонимларни воқеаларни вужудга келтирадиган куч деб биладиган умумий тарихчилар очган йўл билан бориб, бу кучни тамоман бошқача тушунишади. Улар бу кучни маданият, ақлий фаолият вужудга келтиради, деб билишади.

Маданият тарихини ўрганувчи муаррихлар ўз устозлари – умумий тарих билан шуғулланадиган муаррихларнинг изидан боришади, агар тарихий воқеаларни фалон одамларнинг бир-бирига фалон ва фалон хил муносабатда бўлишлари билан изоҳлаш мумкин бўлса, унда нима учун шу ҳодисаларни фалон одамларнинг фалон китобларни ёзишлари билан изоҳлаш мумкин эмас? Бу муаррихлар жонли воқеалар билан алоқадор бўлган жуда кўп аломатлардан бирини, ақлий фаолиятни танлаб олишади-да, воқеани вужудга келтирган нарса шу, деб туриб олишади. Лекин воқеаларнинг сабабини ақлий фаолиятдан кидиришга улар қанчалик уринмасинлар, ақлий фаолият билан халкларнинг ҳаракати орасида бир умумийлик борлигига чор-очор рози бўлиш мумкин, аммо одамларнинг ҳаракатига ақлий фаолият етакчилик қилади, деган гапига сира қўшилиб бўлмайди, чунки француз инкилобининг мудҳиш хунрезликлари сингари воқеалар инсонлар орасида тенгликни тарғиб этишдан келиб чиқди, энг дахшатли урушлар ва энг дахшатли қатллар муҳаббат ҳақидаги ваъзхонликдан келиб чиқди деган гап бу фикрни рад этади.

Боринги, тарих саҳифаларини тўлдирган бу жимжимадор фикр-мулоҳазаларни ҳатто тўғри деб ҳам фараз қилдик, боринги, халкларни ғоя деб аталадиган ноаник бир куч идора қилади деб ҳам фараз қилдик, барибир, тарихнинг муҳим саволи ё жавобсиз қолади, ё подшоларнинг илгариги ҳокимиятга ва умумий тарих билан шуғулланувчилар илова этган маслаҳатчилар ва бошқа шахсларнинг таъсирига яна ғоя деган янги куч қўшилади, лекин бунинг оммага бўлган муносабатини аниқлаб бериш шартдир. Наполеоннинг қўлида ҳокимияти бор эди, шунинг учун бу воқеа содир

бўлди, деб тушунса бўлади, Наполеон бошқаларнинг таъсири билан биргаликда воқеага сабаб бўлди, деган сўзни зўрга англаса бўлади. Лекин «Ижтимоий шартнома» деган китобнинг таъсири остида французлар бир-бирларини сувга гарқ қилиб юбордилар деган сўзга сира тушуниб бўлмайди, бунинг учун янги куч билан ҳодиса орасидаги сабабиятнинг алоқасини изоҳлаб бермоқ даркор.

Айни бир вақтда яшайдиган одамларнинг орасида, шубҳасиз, бир муносабат бўлади, шунинг учун инсоният оламининг ҳаракати билан савдо, ҳунар, боғдорчилик ва бошқа нарсалар орасида ҳам муносабат борлиги мумкин бўлгани каби, одамларнинг ақлий фаолияти билан тарихий ҳаракатлари орасида ҳам муносабат топса бўлади. Лекин нима учун маданият тарихи билан шуғулланувчиларга одамларнинг зеҳний фаолияти бутун тарихий ҳаракатнинг сабаби ва ё ифодаси бўлиб кўринади, бунисига сира тушуниб бўлмайди. Муаррихларнинг бундай худосаларга келганликларини фақат қуйидаги тарзда изоҳлаш мумкин: 1) тарихни олимлар ёзишади, шунинг учун бутун башарият оламининг ҳаракати негизида ўз табақамиз фаолияти ётади деб ўйлаш улар учун ҳам табиий, ҳам ёқимли бўлгани сингари, савдогарлар, деҳқонлар ва аскарларга ҳам савдогарлар билан аскарлар тарих ёза билмаганлари учун бу ҳақда индамайдилар, шундай ўйлаш табиий, ёқимлидир; ва 2) маънавий фаолият, маориф, моддий-маданият, ғоя – буларнинг ҳаммаси ноаниқ, номуайян тушунчалар бўлиб, бу байроқ остида янада туманлироқ сўзларни ишлатиш жуда қулайдир ва бу сўзларни ҳар қандай назарияга мувофиқлаштира бўлаверади.

Бирок бу хилдаги тарихнинг ички фазилати у ёқда турсин (булар балким кимгадир ва нимагадир керак бўлар), борган сайин умумий тарихни ўз ичига олаётган маданият тарихи шу билан машҳурки, бу тарих турли диний, фалсафий, сиёсий таълимотларни ходисаларнинг сабаби деб билиб, уларни муфассал ва жиддий тарзда таҳлил этаркан, ҳар гал 12-йил юриши каби ходисани тасвирлашга тўғри келиб қолса, беихтиёр, уни ҳокимият маҳсули деб тасвир-

лайди ва бу юриш Наполеоннинг истак-иродаси билан вужудга келган деб даъво килади. Маданият муаррихлари шу гапни айтиб, беихтиёр, ўз фикрларини ўзлари рад этадилар, ўзлари ўйлаб чиқарган янги куч тарихий воқеаларни ифода эта олмаслигини, тарихни англаш учун бирдан бир восита гўё эътироф этмаганлари ҳокимият эканлигини тасдиқлайдилар.

III

Паравоз юриб кетяпти. Уни ҳаракатга келтирадиган нарса нима деган савол туғилади. Дехқон бу саволга: паравозни ҳаракатга келтирган нарса шайтон, деб жавоб беради. Бошқаси паравоз ғилдираклар айланаётгани учун юриб кетяпти, дейди. Учинчиси, ҳаракатнинг сабаби шамол учириб бораётган тутундир, дейди.

Дехқоннинг фикрини рад этиб бўлмайди, чунки у ўйлаб топган жавоб тўла-тўқисдир. Унинг фикрини рад этмоқ учун бирон киши шайтон йўқлигини исботлаб бериши ёки иккинчи дехқон чиқиб, паравозни шайтон эмас, немис ҳаракатга келтираётганини тушунтириб бериши керак. Фақат бирининг фикри иккинчисининг фикрига зид эканидан улар ўзлари ноҳақ эканликларини англашади. Бироқ ғилдираклари айланаётгани учун паровоз ҳаракат қиляпти, деган одам ўз фикрини ўзи рад этади, чунки таҳлил этишга жазм қилган бўлса, таҳлилини давом эттириши керак, ғилдираклар нима учун айланаётганини тушунтириб бериши керак. Бу одам то паравоз ҳаракатининг сўнгги сабабини, яъни қозонда сиқилиб қолган буғ бунинг боиси эканлигини англаб етмагунча, сабаб кидиришдан тўхташга ҳаққи йўқ. Паравоз ҳаракатини шамол учириб бораётган тутун билан изоҳлаган киши шундоқ қилган бўлиши мумкин: паравозни ғилдираклар ҳаракатга келтиради, деган сўз жавоб бўлолмаслигини кўриб, кўзга ташланган биринчи нарсани олганда, шуни сабаб қилиб кўрсатиб кўя қолган.

Паравоз ҳаракатини изоҳ эта оладиган бирдан бир тушунча, бу кўриниб турган ҳаракатга тенг бўлган куч тўғрисидаги тушунчадир.

Халқларни ҳаракатга келтирган кучни изоҳлаб берадиган бирдан бир тушунча жамики халқларнинг ҳаракатига тенг бўлган куч тушунчасидир.

Ҳолбуки бу тушунчани турли муаррихлар турлича тушунадилар ва кўриниб турган ҳаракатга сира тенг бўлмаган кучни англайдилар. Баъзи бирлари паравозни шайтон юргизади деган деҳқонка ўхшаб, буни қаҳрамонларгагина хос бўлган куч деб тушунадилар, бошқалари – паравозни ғилдирак ҳаракатга келтиради, дегандек, буни баъзи бир кучлардан вужудга келган нарса деб биладилар, учинчилари – паравозни шамол олиб кетаётган тутун ҳаракатга келтиради дегандек, буни ақлий фаолият деб англайдилар.

То айрим шахсларнинг тарихини ёзишдан воз кечмасак – хоҳ қайсарлар бўлсин, хоҳ Искандарлар, хоҳ Лютерлар, хоҳ Вольтерлар бўлсин – то воқеага қатнашган мустасносиз ҳамма одамларнинг тарихини ёзмасак, омманинг кучини бир мақсад томон йўналтирган куч айрим шахсларнинг қўлидаги куч демасдан илож йўқ. Муаррихларга маълум бўлган бирдан бир тушунча – ҳокимият тушунчасидир.

Бу тушунча шундай бир ягона тутқички, ҳозирги шаклда баён этилган тарихий материални фақат шунинг воситасида англаш мумкин, кимки Боклга ўхшаб тарихий материалларга қай йўсинда яқинлашини билмай туриб бу тутқични синдириб юбордимиз, умумий тарих материалларини ўрганиш соҳасидаги сўнгги имкониятдан ўзини маҳрум қилади. Тарихий воқеаларни ҳокимият тушунчасисиз изоҳлаб бериш мумкин эмаслигини умумий тарих билан шугулланадиган муаррихлар билан маданият тарихини ўрганадиган муаррихлар жуда яхши тушунтириб беришади, улар сўзда ҳокимият тушунчасини рад этиш билан амалда ҳар қадамда уни қўллашади. Башариятга нисбатан тарих фанининг муносабати шу маҳалгача худди муомаладаги пулга – қоғоз ва металл пулга ўхшайди. Таржиماи ҳоллар ва айрим халқларнинг тарихини ёзадиган муаррихларнинг асарлари қоғоз пулларга ўхшайди. Масала қийматига келиб тақалмагунча бу пул ўз вазифасини ўтаб юраверади, унинг фойдаси тегса тегадик, зарари тегмайди.

Қаҳрамонларнинг истак-иродаси қандоқ килиб воқеаларни вужудга келтирди, деган савол туғилгунча Пьерлар Ёзган тарихлар ҳам қизиқарли, ибратли ва бир қадар шоирона бўлиб кўринади. Бироқ қоғоз пулни ясаш осон бўлгани учун уни кўплаб чиқарганларида ёки унинг бадалига олтин олмоқчи бўлганларида қоғоз пулнинг ҳақиқий қийматига шубҳа туғилгани каби, бу ҳилдаги тарихий асарларнинг ҳақиқий аҳамияти ва қурбига ҳам шубҳа туғилиб қолади, чунки ё уларнинг сони кўпаяди, ё бирон киши соддалик қилиб: Наполеон қайси куч билан бу нарсани вужудга келтирди деган саволни бериб қўяди, яъни муомаладаги пулни ҳақиқий тушунчанинг соф олтиниға алмаштирмақчи бўлади.

Умумий тарих билан шуғулланувчи муаррихлар ва маданият муаррихлари эса худди қоғоз пулнинг ноқулайлигини уқиб, унинг ўрнига олтинга нисбатан енгилроқ бўлган металлдан жаранглайдиган пул чиқармоқчи бўлган одамларга ўхшайди. Бундай пуллар ҳақиқатан ҳам жаранглайди, лекин фақат жаранглаб товуш чиқаради, холос. Қоғоз пул фаҳми етмаган кишиларни алдаса алдарди, аммо қийматга эга бўлмаган металл пул жаранглагани билан ҳеч кимни алдай олмайди. Олтин муомала воситасигина бўлиб қолмасдан, айти замонда пулдан бошқа нарсаларга яраганидагина олтин бўла олгани каби, умумий тарих билан шуғулланадиган муаррихлар тарихнинг муҳим саволига: – Ҳокимият нима ўзи, – деган саволига жавоб бера олгандагина олтин бўла оладилар. Умумий тарих билан шуғулланадиган муаррихлар бу саволга бир-бирига зид жавоблар берадилар, маданият тарихини ўрганадиган муаррихлар эса, бу саволни қўйиб, тамоман бошқа нарсага жавоб берадилар. Олтинга ўхшаган чақаларни фақат олтин ўрнида қабул қилишга рози бўлган ва олтиннинг қийматига фаҳми етмаган кишилар орасида ишлатиш мумкин бўлгани каби, умумий тарих билан шуғулланадиганлар билан маданият муаррихлари ҳам балларият оламининг муҳим саволига жавоб бермасдан, ўзларининг аллақандай мақсадларига хизмат қилиб юрадилар, яъни университетларга ва ўз таъбирларича, жиддий

китобларга муккасидан тушган китобхонлар орасида майда чақа бўлиб хизмат қилиб юрадилар.

IV

Тарих эски нуқтан назардан, халклар худонинг хохиши билан бир одамнинг иродасига бўйсунди, у одамнинг иродаси эса худога тобе, деган эски қарашдан воз кечиб, икки йўлдан бирини танламагунча, ё инсоният ишига худонинг бевосита иштироки бор деган эски ақидага қайтмагунча, ё тарихий воқеаларни вужудга келтирадиган ва оти ҳокимият бўлган кучнинг маъносини очиқ-ойдин тушунтириб бермагунча, зиддиятсиз бир қадам ҳам олға босолмайди.

Биринчи ақидага қайтиб бўлмайди, чунки худога ишонч деган нарса қолмаган, шунинг учун ҳокимият нимадан иборатлигини аниқлаб бериш даркор.

Наполеон кўшин йиғиб, уруш бошлашни буюрди. Бу тушунча бизга шу қадар оддий кўринади ва биз унга шу қадар ўрганиб қолганмизки, нима учун Наполеоннинг бир оғиз сўзи билан олти юз минг киши урушга бораркан, деган савол бизга ўринсиздай кўринади. Унинг кўлида ҳокимият бор эди, шунинг учун амри бажо келтирилди деймиз.

Наполеон худонинг амри билан ҳокимиятга эга бўлган эди, деган гапга ишонганимизда эди, бу жавоб буткул қаноатланурли бўларди. Модомики, биз бу нарсага ишонмас эканмиз, унда ҳаммани ўзига муте қилган одамнинг ҳокимияти нимадан иборат эканини аниқлаб беришимиз керак.

Бу ҳокимият жисмоний жиҳатдан кучли бўлган одамнинг заиф одам устидан бўлган бевосита ҳокимиятига, масалан, Геркулес ҳокимиятига ўхшаб жисмоний куч ишлатиш ёки ишлатаман деб таҳдид солишга асосланган эмас, шунингдек, бу ҳокимият маънавий кучнинг устунлигига асосланган эмас, баъзи бир муаррихлар, соддадиллик қилиб, тарихий сиймоларни қахрамон, яъни даҳо деб аталадиган маънавий ва ақлий истеъдодга эга бўлган кишилар деб ўйлайдилар. Бу ҳокимият маънавий кучнинг устунлигига асослана олмайди, чунки Наполеонларга ўхшаган қахрамон-

лар у ёқда турсин (буларнинг маънавий фазилятлари хақида турли фикрлар бор), тарих миллион-миллион кишини идора этган Людовик XI лар ҳам, Меттернихлар ҳам айрим маънавий фазилятга эга бўлмай, аксинча ўзлари идора этаётган миллионларча одамларнинг хар биридан манавий жихатдан заифроқ эканликларини кўрсатади.

Агар ҳокимият манбаи ҳукмдорларнинг жисмоний ва маънавий устунликларида бўлмаса, унда ҳокимият манбаи одамда эмас балки ҳукмдорнинг оммага бўлган муносабатида бўлиши керакка ўхшайди. Ҳокимиятнинг тарихий тушунчасини соф олтинга алмаштириб беришни ваъда қилдиган ҳуқуқ фани, тарихнинг саррофи, ҳокимиятни айнан шу маънода англайди.

Ҳокимият омма иродасининг мажмуи демақдир, омма ё сўз воситаси, ё аломати ризо бўлган сукут билан ўз инонихтиёрини ўзи сайлаган ҳукмдорга ҳокимиятни топширади.

Барпо этиш мумкин бўлган тақдирда давлат билан ҳокимиятни қандай барпо қилиб бўлади деган баҳс-мунозарадан иборат бўлган ҳуқуқ фанига бундоқ таъриф жуда тушунарли, лекин тарихга татбиқ этганда, бу таъриф изохга мухтождир.

Қадимги одамлар ўтни қандоқ тушунган бўлсалар, ҳуқуқ илми ҳам давлат билан ҳокимиятни шундоқ тушунади: яъни ҳамиша мавжуд бўлган нарса деб билади. Ҳозирги замон физикаси учун ўт офат эмас ҳодиса бўлгани каби, тарих учун ҳам давлат ва ҳокимият бир ҳодисадир, ҳолос.

Тарих билан ҳуқуқ фанининг нуктаи назари орасида шундай катта тафовут бўлгани учун ҳам ҳуқуқ фани, ўз фикрича, ҳокимиятни қандоқ қилиб тузиш кераклиги хақида ва замон ўзгарса ҳам, сира ўзгармай келадиган ҳокимият нимадан иборатлиги хақида батафсил гапиради, лекин замон ўзгариши билан шакли ўзгарадиган ҳокимият хақидаги тарихий саволга ҳеч қанақа жавоб беролмайди.

Агар ҳокимият омманинг ҳукмдорга топширган инонихтиёридан иборат бўлса, унда Пугачёв омма инонихтиёрининг вакили эди деб бўладими? Агар у вакил бўла олмаса, нега Наполеон вакил бўла олади? Нима учун Напо-

леон III Булонда қўлга тушганида жиноятчи бўлган эди, лекин кейин уни қўлга туширган кишилар жиноятчи бўлиб чиқди? Баъзан икки-уч кишигина иштирок қиладиган сарой тўнтаришларида ҳам омманинг инон-ихтиёри янги шахсга топшириладими? Халқаро муносабатларда ҳам халқ оммаси ўз инон-ихтиёрини фотиҳига топширадими? 1808-йилда Рейн Иттифоқининг иродаси Наполеонга топширилганми? 1809-йилда бизнинг аскарларимиз французлар билан иттифокдош бўлиб, Австрияга қарши урушганида рус халқи ўз инон-ихтиёрини Наполеонга топширганми?

Бу саволларга уч хил жавоб берса бўлади:

1) омма ҳар доим ўз инони-хтиёрини ўзи сайлаган ҳукмдорларга сўзсиз топширади, шунинг учун ҳар қанақа янги ҳокимиятнинг вужудга келиши, олдинги ҳукуматга қарши кураш, мавжуд ҳокимият пойдеворини бузиш деб эътироф қилиш даркор.

2) омма ўз инон-ихтиёрини маълум ва муайян шарт билан бир ҳукмдорга топширади, шунинг учун ҳукуматни безовта қилиш, у билан тўкнашиш ва ҳатто уни қулатиш, ҳокимиятни қўлга олган ҳукмдорлар томонидан ўша шартлар бажарилмаганлиги орқасида вужудга келади, деб эътироф қилмоқ даркор.

3) омма ўз инон-ихтиёрини ҳукмдорларга шарт билан, лекин ноаниқ ва номаълум шарт билан топширади, шунинг учун бир неча ҳокимиятнинг вужудга келиши, уларнинг кураши ва қулаши фақат омманинг инон-ихтиёри бир кишидан иккинчи кишига ўтганида номаълум шартлар ё оз ва кўп даражада бажарилишидан келиб чиқади, деб эътироф қилиш керак.

Муаррихлар омманинг ҳукмдорларга муносабатини мана шу уч шаклда изоҳлаб беришади.

Айрим шахсларнинг таржимаи ҳоли ва фаолиятини ўрганадиган (булар ҳақида юқорида зикр этилган эди) баъзи бир муаррихлар соддаликлари орқасида, ҳокимият нимадан иборат деган саволни тушунмасдан, омма инон-ихтиёрининг мажмуи сўзсиз тарихий сиймоларга берилишини гўё тасдиқлагандай бўладилар, бинобарин, бирон ҳокимиятни

тасвириб туриб, мутлақ ва ҳақиқий ҳокимият шу деб тахмин этадиларда, бунга қарши чиққан ҳар қанақа кучни ҳокимият деб эмас, балки ҳокимиятни қулатадиган тажовузкор куч деб уйлайдилар. Тарихнинг ибтидоий ва тинч даври учун яроғли бўлган бу назарияни халқлар ҳаётидаги мураккаб ва бўронли даврларга – айтиб бир вақтда мухталиф ҳокимиятлар вужудга келиб, ўзаро кураш олиб борадиган даврларга татбиқ этишнинг бир ноқулай томони бор, у ҳам бўлса шуки, подшоҳпараст муаррих: Конвент, Директория ва Бонапарт ҳокимиятга ҳилоф эди деса, республикачи Конвентни, бонапартчи Империяни ҳақиқий ҳокимият деб ҳисоблайди-да, бошқасини ҳокимиятга ҳилоф деб билади. Кўриниб турибдики, бу муаррихларнинг ҳокимият моҳиятини бир-бирларининг фикрини инкор этиш йўли билан изоҳлашлари энг кичик бола учунгина яроғлидир.

Тарихга бу нуқтаи назар билан қараш ногўғри эканлигини эътироф этаётган бошқа хил муаррихлар, ҳокимият омма иродаси мажмуининг шартли равишда ҳукмдорларга топширилишига асослангандир, тарихий шахслар омманинг сўзсиз ифода этган дастурини бажо келтиргандагина ҳокимиятга эга бўла оладилар, деган фикрни олға сурадилар. Аммо бу шартлар нимадан иборат эканини тарихчилар бизга айтмайдилар, айтсалар ҳам бир-бирларига зид фикрларни айтадилар.

Халқлар нима мақсадда ҳаракатга қелди, деган масалага қарашига кўра, ҳар бир муаррихга бу шартлар турлича бўлиб кўринади: Франция ёки бошқа давлат фуқароларининг буюклигидан, бойлигидан, озодлигидан, илм-маърифатидан иборат бўлиб кўринади. Бироқ муаррихларнинг бу шартлар тўғрисидаги зиддиятлари ҳақида оғиз очмасдан, ҳатто бу шартларнинг умумий дастури бор деб фараз қилганда ҳам, тарихий фактлар ҳаминша бу назарияни инкор этишини кўрамиз. Агар ҳокимият халқларни бой қилиш, хуррият, илм-маърифат бериш шarti билан бир шахсга топширилса, унда нима учун Людовик XIV лар ва Ион IV лар умрларининг охиригача ҳеч иш қилмай, тинчгина подшолик қилдилар-у, Людовик XVI лар ва Карл I ларни халқ қатл этади?

Юқорида зикр этилган муаррихлар бу саволга жавобан Людовик XIV нинг дастурга зид бўлган фаолияти Людовик XVI га таъсир этган эди, деган гапни айтадилар. Хўш, нега бу Людовик XIV ва Людовик XV га таъсир қилмасдан, бориб-бориб Людовик XVI га таъсир қилди? Ва бу таъсирнинг муддати қанча? Бу саволларга жавоб йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунингдек, бу назария нима учун омма инон-ихтиёрининг мажмуи асрлар бўйи ҳукмдорлар ва уларнинг ворислари кўлида қолишини ҳам, кейин бирдан эллик йил давомида Конвентга, Директорияга, Наполеонга, Александрга, Людовик XVIII га, ундан кейин яна Наполеонга, Карл X га, Людовик – Филиппга, республикачи ҳукуматга, Наполеон III га ўтишини ҳам дурустрок изоҳлаб бермайди. Бу муаррихлар омма инон-ихтиёрининг бир кишидан иккинчи кишига бу қадар тез суръат билан ўтишини, айниқса, халқаро муносабатлар, фатҳлар ва иттифоқлар вужудга келганда тез-тез юз бериб туришини изоҳлар экан, беихтиёр бу ҳодисаларнинг бир қисми инон-ихтиёрининг тўғри топширилгани оқибат эмас, балки ҳийла, ё хато, ё бўлмаса дипломат подшоҳ, ё партия раҳбарининг макр-у ҳийласи, ё айёрлигига боғлиқ бўлган тасодифларининг оқибати деб билишлари керак. Демак, тарихий воқеаларнинг аксарияти – доҳили урушлар, инқилоблар, фатҳлар – бу тарихчилар учун бирон ҳукмдорга топширилган ихтиёрнинг маҳсули бўлиб эмас, балки бир киши ва ё бир неча кишининг ногўғри йўналтирилган иродасининг маҳсули бўлиб, яъни ҳокимиятга хилоф ҳаракатнинг натижаси бўлиб кўринади. Шунинг учун ҳам тарихий воқеалар бу қабилдаги муаррихларга назариядан четга чиқиш бўлиб кўринади. Бу тарихчилар баъзи бир ўсимлик уруғлик орасидан кўшқулоқ япроқ бўлиб ўсиб чиқганини кўриб, ўсадиган нарсанинг ҳаммаси икки япроқли бўлади, деб даъво қиладиган набоботчига ўхшайди, буларнинг даъвосига кўра хурмо, кўзиқорин, хатто эман дарахти ўсиб камолга етганда ҳам икки япроқликка ўхшамгани учун назариядан четга чиқади.

Учинчи хил тарихчилар: омма ўз инон-ихтиёрини шартли равишда тарихий сиймоларга топширади, лекин биз бу

шартларни билмаймиз, дейдилар. Уларнинг фикрича тарихий шахслар омманинг истак-иродасини бажарганлари учунгина ҳокимиятга эга бўлганлар.

Хўш, агар халқларни ҳаракатга келтирадиган куч тарихий шахсларда эмас, балки халқларнинг ўзларида бўлса, унда бу тарихий шахсларнинг аҳамияти нимадан иборат?

Тарихий шахслар, деб айтишади тарихчилар, омманинг истак-иродасини ифода этадилар, тарихий шахсларнинг фаолияти омма фаолиятининг вакили бўлиб хизмат қилади.

Шундай бўлса бир савол туғилади: тарихий шахсларнинг ҳамма фаолияти омманинг истак-иродасини ифода этадими, ё унинг маълум томонларинигина ифода этадими? Агар баъзи бир тарихчилар ўйлагандек, тарихий шахсларнинг бутун фаолияти омманинг истак-иродасини ифода этса, унда саройлари ғийбат, бўҳтон билан тўла бўлган Наполеонлар ва Екатериналарнинг таржимаи ҳоли халқлар ҳаётининг ифодаси бўлиб хизмат қилган бўлардики, дунёда бундан беҳуда гап йўқ; агарда иккинчи хил сохта файласуф тарихчилар ўйлаганидек тарихий шахс фаолиятининг маълум томони омманинг ҳаётини ифода этса, унда тарихий шахслар фаолиятининг қайси томони омманинг ҳаётини ифода этишини аниқлашдан олдин, халқ ҳаётининг ўзи нимадан иборатлигини аниқлаш керак.

Бу қабилдаги тарихчилар бу қийинчиликларга дуч келгач, энг ноаниқ, энг мужмал ва умумий бир мавҳум нарсани ўйлаб чиқарадиларки, унинг остига жуда кўп воқеани яшириш мумкин, кейин инсоният ҳаракатининг мақсади шу мавҳумотдан иборат деб туриб оладилар. Ҳамма тарихчилар деярли қабул этадиган энг оддий мавҳум тушунчалар: хуррият, тенглик, маърифат, тараққиёт, моддий-маданият ва маданиятдан иборатдир. Тарихчилар бирон мавҳум тушунчани инсоният ҳаракатининг мақсади қилиб оладиларда, ўзларидан сўнг энг кўп ёдгорлик қолдириб кетган шахсларнинг, подшолар, министрлар, саркардалар, ёзувчилар, ислохотчилар, пашалар, журналистларнинг ҳаётини, ўзларича шу маълум мавҳум нарсаларга қўмақлашганлари ва ё халал берганларига қараб ўргана бошлайдилар. Бироқ инсоният-

нинг мақсади хуррият, тенглик, маориф ё моддий-маданиятдан иборат эканлиги бирон нарса билан исбот этилмагани учун ҳамда омманинг ҳукмдорлар ва маърифатчиларга бўлган муносабати истак-иродаларнинг мажмуи ҳаммиша биз биладиган маълум кишиларга ўтиши керак деган фаразга асослангани учун, юртдан юртга кўчиб юрадиган, уйларга ўт кўядиган, деҳқончиликни ташлаб кетадиган, бир-бирини қирадиган миллионларча кишиларнинг фаолияти ҳеч қачон уйларга ўт қўймаган, деҳқончилик билан шуғулланмаган, ўзига ўхшаганларни ўлдирмаган ўнларча кишининг фаолиятида ўз ифодасини тополмайди.

Буни тарих ҳар қадамда исботлайди. Ўтган асрнинг охирларида ғарб халқларининг галаёнга келиб, шарққа интилишини Людовик XIV, XV ва XVI лар, уларнинг маъшуқалари, министрларининг фаолияти билан изоҳлаш, ё Наполеон, Руссо, Дидерот, Бомарше ва ҳоказоларнинг ҳаётини тасвирлаш билан изоҳлаб бўладими?

Рус халқининг шарққа, Қозонга ва Сибирга юришини хаста Ион IV нинг феъл-атвори ва Курбский билан унинг орасида бўлган ёзишмалар изоҳлаб берадими?

Халқларнинг салиб юришлари вақтдаги ҳаракатини Готфридлар ва Людовиклар ҳаётини ҳамда уларнинг хонимлари ҳаётини ўрганиш билан изоҳлаб бўладими?

Халқларнинг ҳеч қанақа мақсадсиз, йўлбошчисиз, Пётр Пустинникка ўхшаган саёқлар тўдаси билан ғарбдан шарққа қилган юришини биз ҳалигача тушунолмаймиз. Бу юришларнинг олдида тарихий арбоблар томонидан муайян мақсад – қуддуси Шарифни озод қилиш каби эзгу ва муқаддас мақсад қўйилгандан кейин бу ҳаракат тўхтаб қолганини сира тушуниб бўлмайди. Папалар, қироллар ва паҳлавонлар халқни арзи муқаддасни озод этишга руҳлантирдилар, лекин халқ уларга эргашмади, чунки илгари уни ҳаракатга келтирган номаълум сабаб энди йўқ эди. Готфридлар ва миннезенгерларнинг тарихи халқларнинг ҳаётини ўз ичига сиғдира олмаслиги кўриниб турибди. Готфридлар ва миннезенгерларнинг тарихи Готфрид ва миннезенгерлар тарихигина бўлиб қолган, халқларнинг ҳаёти ва тилак-орзусининг тарихи

эса номаълумлигича қолаверган.

Ёзувчилар билан реформаторлар тарихи халқлар ҳаёти ҳақида бундан ҳам озроқ маълумот беради.

Маданият тарихи ёзувчилар ёки реформаторларнинг ташаббусини, уларнинг ҳаёт шароитлари ва фикрларини бизга изоҳлаб беради. Биз бу асарлардан Лютернинг феъли тез эканини ва фалон-фалон нутқлар ирод этганини биламиз; Руссо ҳеч кимга ишонмайдиган одам эканини ва фалон-фалон китоблар ёзганини биламиз, лекин реформациядан сўнг нима учун одамлар бир-бирини сўйганини ва француз инқилобида нима учун бир-бирини қатл этганини билмаймиз.

Агар биз янги тарихчиларга ўхшаб, бу иккала тарихни бир-бирига қўшиб юборсак, унда бу халқларнинг ҳаёт тарихи эмас, балки подшоҳ ва ёзувчилар ҳаётининг тарихи бўлади.

V

Саноғлик кишиларнинг ҳаёти халқ ҳаётини қамраб ололмайди, чунки бу саноғлик кишилар билан халқ орасидаги муносабат нимадан иборатлиги ҳали аниқланган эмас. Бу муносабат омма иродасининг мажмуи тарихий кишиларга топширилиши асосида вужудга келган, деган назария тарих тажрибаси билан тасдиқланмаган бир гипотеза, ҳолос.

Омма иродасининг мажмуини тарихий шахсларга топширади, деган назария ҳуқуқ фани соҳасида кўп нарсани тушунтириб бериши мумкин, ўз мақсади учун зарур бўлиши мумкин, лекин инқилоблар, ички урушлар, истилолар вужудга келиб, тарих бошландими, бу назария яроғсиз бўлади-қолади.

Омма ихтиёрининг бир кишига топширилиши текшириб бўлмайдиган ҳол бўлгани учун ҳам бу назария тўғридай бўлиб кўринади.

Қандай воқеа содир бўлмасин, воқеанинг тепасида ким турмасин, бу назария ҳамisha бир гапни: иродаларнинг мажмуи фалон одамга топширилгани учун ҳам у воқеа тепасида турди, деган гапни айтади.

Бу назариянинг тарихий саволларга берган жавоблари, ўтиб бораётган подани кўриб, ўтлоқни баъзи ерда ёмон, баъзи ерда яхши бўлишини, подани подачи қандай ҳайдаб бораётганини эътиборга олмасдан, унинг қаёққа бораётганини пода олдида кетаётган ҳайвонга қараб изоҳлаган одамнинг берган жавобига ўхшайди: «Олдиндаги ҳайвон подани бошлаб бораётганига кўра, пода шу томонга кетяпти, подадаги барча ҳайвонларнинг инон-ихтиёри пода бошловчи ҳайвон кўлида. Ҳокимият, сўзсиз, ҳукмдор кўлига ўтади», деб эътироф этган биринчи хил муаррихлар шундоқ деб жавоб беришади.

«Пододаги ҳайвонларнинг ҳамма ихтиёри йўл бошловчи бир ҳайвондан иккинчисига ўтган бўлса, бунинг сабаби шуки, бу ҳайвон пода кетаётган томонни танлаган». Омма инон-ихтиёрининг мажмуи ўзлари учун маълум бўлган шартлар билан ҳукмдорга топширилади, деб эътироф қиладиган муаррихлар, шундай деб жавоб беришади. (Бу тарих мушоҳада этганда аксар вақт шундай ҳол рўй бериши мумкин; мушоҳадачи ўзи танлаган назарияга мувофиқ, пода йўлини ўзгартириши оқибатида поданинг бошида эмас, ёнида баъзан ҳатто кетида қолиб кетган ҳайвонни йўл бошловчи ҳайвон деб билади.)

«Агар поданинг олдида бораётган ҳайвонлар муттасил алмашинаверсалар ва пододаги барча ҳайвоннинг йўналиши ҳам муттасил ўзгараверса, бунинг сабаби шуки, биз биладиган йўналишдан кетмоқ учун, ҳайвонлар ўз ихтиёрларини биз қузатаётган йўл бошловчи ҳайвонгагина топширганлар, шунинг учун поданинг ҳаракатини ўрганмоқ мақсадида унинг ҳамма томонидан бераётган ва бизга белгили бўлган ҳайвонларнинг ҳаммасини мушоҳада этмоғимиз даркор». Подшоҳдан бошлаб журналистгача ҳамма тарихий сиймолар ўз замонасининг маҳсули деб биладиган учинчи хил муаррихлар шундоқ дейдилар:

Одам ўз инон-ихтиёрини тарихий шахсларга топширади, деган назария фақат иборани ўзгартириш, бир саволни бошқача қилиб беришдан иборатдир.

Тарихий воқеаларнинг сабаби нима? – Ҳокимият. Ҳоки-

миятнинг ўзи нима? – Ҳокимият бир кишига топширилган инон-ихтиёрнинг мажмуидир. Омманинг инон-ихтиёри қандай шароитда бир кишига топширилади? – Агар ўша одамнинг фаолияти ҳамманинг ихтиёрини ифода этса. Яъни ҳокимият ҳокимият демакдир. Яъни ҳокимият шундоқ бир сўзки, биз унинг маъносини англамаймиз.

Инсониятнинг билим доираси фақат мавҳум тафаккур билан чекланганда эди, унда фаннинг ҳокимиятга берган таърифини танкид қилиб, башарият олами, «ҳокимият фақат қурук сўз, ҳақиқатда эса ҳеч нарса йўқ» деган хулосага келарди. Бироқ ходисаларни ўқиб олиш учун инсон қўлида мавҳум тафаккурдан бўлак тажриба қуроли ҳам борки, одам унинг воситасида ўз тафаккурининг нагизаларини текшириб кўради. Тажриба, ҳокимият қурук сўзгина эмас, балки ҳақиқатда мавжуд бўлган бир ҳодиса эканини айтиб беради.

Одамларнинг барча фаолиятларидан биронтасини ҳокимият тушунчасисиз тасвирлаб бўлмайди, ҳокимият бор нарса эканини тарих ҳам исботлайди, ҳозирги замон воқеаларининг мушоҳадаси ҳам.

Ҳамма вақт бир воқеа содир бўлганда бир ва ё бир неча киши майдонга чиқади ва воқеа шу одамларнинг иродаси билан содир бўлгандай бўлиб кўринади. Наполеон III буюради ва французлар Мексикага юриш қиладилар. Пруссия қироли билан Бисмарк фармойиш беради, қўшинлар Богемияга қараб юрадилар. Наполеон I буюради, қўшинлар Россияга қараб йўл оладилар. Александр I буюради, французлар Бурбонларга таслим бўладилар. Тажриба шу нарсани кўрсатадики, қандай воқеа содир бўлмасин, ҳамма вақт бу воқеа буйруқ берган бир ва ё бир неча кишининг ихтиёрига боғлиқдир.

Инсоният ишида худонинг иштироки бор, деган эски ақидаларга кўра, муаррихлар ходисалар сабабини ҳокимиятга эга бўлган шахсларнинг иродасида кўришни истайдилар, лекин бу хулоса на муҳокама билан тасдиқланади, на тажриба билан. Бир томондан муҳокама шу нарсани кўрсатадики, инсон иродасининг ифодаси – унинг сўзи – уруш ва ё инқилоб каби воқеаларда ўз ифодасини топган умумий

фаолиятнинг бир қисмидир, шунинг учун тушуниб бўлмай-
диган, фавқулодда бир куч – мўъжиза борлигини эътироф
қилмасдан туриб, бир оғиз сўз миллионларнинг ҳаракатига
бевосита сабаб бўла олишини тасаввур қилиб бўлмайди;
иккинчи томондан бир оғиз сўз воқеаларга сабаб бўла олади,
деб фараз қилган тақдирда ҳам, тарих жуда кўп ҳолатларда
тарихий шахслар иродасининг ифодаси ҳеч қандай натижа
бермаганини, яъни улар берган амр-фармонлар кўпинча ба-
жарилмай қолганлиги, ҳатто баъзан уларнинг амрига буткул
зид ишлар рўй берганини кўрсатади.

Башариёт ишларида худонинг иштироки бор деб фараз
қилмасдан туриб, биз воқеаларнинг сабаби ҳокимият деб
қабул қилолмаймиз.

Тажриба нуқтаи назаридан қараганда ҳокимият бир
шахс иродасининг ифодаси билан унинг бошқа одамлар
томонидан бажарилиши орасидаги боғланишдан иборат.

Бу боғланиш шарт-шароитини аниқ қилиб олиш учун
биз даставвал ирода ифодаси деган тушунчани худога эмас,
балки инсонга нисбат бериб, шу тушунчанинг маъносини
ойдинлаштиришимиз керак.

Қадимги тарих кўрсатганидек, агар худонинг ўзи амр
қилсаю, ўз ихтиёрини ифода этса, унда бу ирода ифодаси
замонга ҳам боғлиқ эмас, унинг сабаби ҳам йўқ, чунки худо
билан воқеа орасида ҳеч қандай муносабат йўқ. Бироқ
буйруқлардан, яъни-муайян бир замонда ҳаракат этаётган ва
бир-бирларига боғлиқ бўлган одамларнинг ихтиёрлари ифо-
дасидан гапирарканмиз, берилган буйруқлар билан рўй бер-
ган воқеалар орасидаги боғланишни аниқлаш учун икки
нарсани: 1) ҳодисанинг қандай шароитда рўй бергани ва бу
ҳодиса билан буйруқ берган шахснинг муайян бир вақтдаги
узлуксиз ҳаракатини ва 2) буйруқ берувчи киши билан буй-
руқни бажарадиган одамлар орасидаги зарурий боғланиш
шарт-шароитини аниқлаш керак.

VI

Фақат замонга боғлиқ бўлмаган худо ихтиёрининг
ифодасинигина бир неча йил ва бир неча асрдан сўнг содир

бўладиган бир қатор воқеаларга нисбат бериш мумкин ва фақат худойи якто башарият ҳаракати йўналишини ўз ирода-си билан белгилаши мумкин, одам эса замон доирасида иш кўради ва воқеада ўзи иштирок этади.

Диққат-этибордан тушириб қолдирадиган биринчи шарт – замон шартини назарда тутгандагина биз шу нарсани кўрамыз, кейинги буйруқнинг бажарилишига имконият туғдирадиган биринчи буйруқ бўлмаса, ҳеч қандай буйруқ бажарилмас экан.

Ҳеч қачон бир фармон ўз-ўзидан юзага келмайди ва бир қатор воқеани ўз ичига ололмайди, лекин ҳар бир буйруқ иккинчисининг давоми ўлароқ вужудга келиб, турли ҳо-дисани эмас, балки, ҳамиша ҳодисанинг бир лаҳзасини ўз ичига олади

Масалан, биз Наполеон уруш бошлаш ҳақида ўз қўшин-ларига буйруқ берди деганимизда, айти бир вақтда берилган ва бир-бирига боғлиқ бир қатор буйруқларни бир-бирига қўшамиз. Наполеон Россияга қарши юриш бошлаш ҳақида буйруқ беролмас эди ва бундай буйруқни ҳеч қачон бергани йўқ. Наполеон бутун Вена, Берлин ва Петербургда фалон-фалон қоғозлар юборишни буюради, эртага армия, флот, интендантлик ва ҳоказоларга фалон-фалон Декрет ва буй-руқлар ёзиб юборишни буюради, миллионларча буйруқ-лардан бир қатор ҳодисаларга мувофиқ бўлган бир сира буй-руқлар келиб чиқади, булар франпуз қўшинларини Россияга олиб келади.

Наполеон подшолик қилган бутун умрини Англия экспедициясига оид буйруқлар беришга бағишлаганига, ўзининг бирон ташаббусига шунчалик кўп куч ва вақт сарф қилмаганига қарамасдан, бутун подшолик даврида бирон марта ўз ниятини бажо келтиргани уринмаса-ю, иттифоқдош бўлишни жуда фойдали деб ҳисоблаган Россияга қарши экспедиция уюштирган бўлса, унинг сабаби шуки, биринчи буйруқлари бир қатор воқеаларга уйғун келмаган, аммо иккинчиси уйғун келган.

Буйруқ албатта ижро этилиши учун, буйруқ берадиган одам бажариб бўладиган буйруқни бериши керак. Нимани

бажариш, нимани бажариб бўлмасликни фақат Наполеоннинг миллионларча киши иштирок этган Россия сафарида эмас, балки озгина одам қатнашган энг жўн воқеада ҳам билиш амримаҳол, чунки бирон буйруқни бажараётганда киши ҳамиша миллионларча ғовга дучор келиши мумкин. Бир буйруқ бажарилса, ҳамиша мингтаси бажарилмай қолади. Амалга ошириб бўлмайдиган буйруқларнинг ҳаммаси воқеага боғланмаган бўлади ва шунинг учун бажарилмай қолади. Фақат амалга ошириб бўладиган, бир қатор воқеаларга мувофиқ келиб, илгариги бир қатор буйруқларга изчил тарзда боғланадиган буйруқлар ижро этилади.

Воқеа вужудга келишидан олдин берилган буйруқлар шу воқеанинг сабабидир, деган янглиш тасаввуримиз шундан келиб чиққанки, биз воқеа юз берган вақтда мингларча буйруқдан фақат воқеага алоқадор бўлган баъзи бирларининг бажарилганини кўрамиз, лекин бажариш мумкин бўлмагани учун бажарилмай қолган буйруқларни унутиб юборамиз, Бундан бошқа бизнинг бу соҳадаги хатоимизнинг энг муҳим манбаи шундаки, тарихий асарларда бир қатор сон-саноксиз мухталиф, энг кичик воқеалар (масалан, француз аскарларининг Россияга келишига сабаб бўлган нарсалар), шу воқеалар берган натижага қараб бир воқеа туркуми киритилади ва шунга мувофиқ бу буйруқларнинг ҳаммаси бир киши ихтиёрининг ифодаси деб умумлаштирилади.

Биз Наполеон Россияга юриш қилишни истади ва шунинг учун юриш қилди, деб айтамыз. Ҳақиқатда эса биз Наполеоннинг бутун фаолиятдан буни ихтиёр қилганини ҳеч қачон тополмаймиз, балки фақат унинг мухталиф ва номуайян шаклда йўналтирилган ихтиёри ифодасини ва қатор-қатор буйруқларини кўрамиз. Наполеоннинг сон-саноксиз буйруқлари орасидан 12-йил юриши вақтида бажарилган бир қанча маълум буйруқлар тузилди, бу буйруқлар бажарилмай қолган бошқа буйруқлардан бир оз фарқ қилгани учун эмас, балки бу буйруқлар француз кўшинларини Россияга олиб келган бир қарор воқеаларга уйғун келиб қолгани учун; худди шунингдек, бўёқ қайси томонга ва қандай қилиб суртилгани учун эмас, балки қоғозга ўйилган

тайёр шаклга қараб солингани учун у ёки бу сурат пайдо бўлади.

Гап шундаки, агар биз буйруқлар билан ҳодисалар ўртасидаги муносабатни замонга нисбатан солиштирсак, буйруқлар ҳеч қачон ҳодисаларга сабабкор бўлолмаслигини, лекин буйруқ билан ҳодиса орасида маълум бир боғланиш борлигини кўрамиз.

Бу боғланиш нимадан иборат эканлигини билиш учун худодан эмас, балки одамдан чиққан ҳар қанақа буйруқнинг, иккинчи бир унутилган шартини – воқеага буйруқ берган кишининг ўзи иштирок этганини назарда тутиш керак.

Буйруқ берган одамнинг буйруқ олган одамларга бўлган муносабати ўша ҳокимият деб аталган нарсанинг ўзи бўлади. Улар ўртасидаги муносабат куйидагилардан иборатдир:

Биргалашиб ҳаракат қилиш учун одамлар ҳамма вақт маълум бир шаклда уюшиб оладилар, биргалашиб ҳаракат қилганда одамлар олдиларига турлича мақсад кўйган бўлсалар ҳам, лекин ҳаракатда иштирок этаётган одамларнинг ўзаро муносабати ҳамма вақт бир хил бўлади.

Шу қабилда бирлашиб олганда одамлар ҳаминша ўзаро шундоқ бир муносабатда бўладиларки, уларнинг энг катта қисми бирлашишнинг мақсад-муддаоси бўлган ҳаракатга бевосита энг катта кўламда қатнашади, энг кичик қисми эса бевосита энг кичик кўламда қатнашади.

Одамлар биргалашиб ҳаракат қилиш учун уюшган кўшилмаларнинг энг муҳим ва энг аниги кўшиндир. Ҳар қанақа кўшин ҳам ҳарбий унвони энг паст бўлган оддий аскарлардан (буларнинг миқдори жуда кўп бўлади), ҳарбий унвони аскарларга нисбатан сал юқорироқ бўлиб, миқдори улардан сал камроқ бўлган капрал, унтер-офицерлардан, ундан кейин унвони янада каттароқ бўлиб, миқдори янада камроқ бўлган олий унвонлар ва ҳоказолардан ташкил топади ва ниҳоят бир кишининг қўлида бўладиган олий ҳарбий ҳокимиятгача бориб етади.

Армия қурилишини айнан эҳром шаклига ўхшатса бўлади, эҳромнинг тубини – энг йўғон ерини оддий аскарлар

ташқил этади, тубидан юқорига доирасини борган сайин юқорироқ кўтариладиган армия унвонлари ва хоказолар ташқил этади, эхромнинг учини аса саркардалар ташқил этади, десак бўлади.

Миқдори энг кўп бўлган аскарлар эхромнинг асосини ташқил қиладилар. Аскар ўзи бевосита санчади, кесади, куйдиради, ғорат атади ва буларни амалга ошириш учун ҳамма вақт юқори лавозимдаги шахслардан буйруқ олади, ўзи ҳеч қачон буйруқ қилолмайди. Унтер-офицер (буларнинг миқдори аскарларга нисбатан камроқдир) аскарга нисбатан бу ишларни камроқ қилади, лекин буйруқ бера олади! Офицер аса унтер-офицерга нисбатан бу ишларни янада камроқ қилади, буйруқни янада кўпроқ беради.

Генерал қўшинларга мақсадни кўрсатиб, олға юришни буюради ва ўзи деярли ҳеч қачон яроғ ишлатмайди. Саркарда эса ҳеч қачон ишга бевосита қатнашмайди, фақат омманинг ҳаракати учун умумий кўрсатмалар беради. Умумий бир иш учун бирлашган хоҳ деҳқончиликда бўлсин, хоҳ савдода бўлсин, хоҳ бошқа соҳада бўлсин) одамларнинг орасидаги муносабат ҳам айнан шундоқ бўлади.

Шундай қилиб, агар биз эхромнинг бир-бирига кўшиладиган нуқталарини сунъий равишда ажратмасдан, яъни армиядагиларнинг унвонига, бирон бўлимнинг ишида ва ё бирон умумий ишда қатнашаётганларнинг тутган мавқеийга қарамасдан, энг паст унвондан тортиб, энг юқори унвонгача олсак, шундай бир қонунга дуч келамизки, одамлар бирон ишни кўплашиб қилиш учун ҳамма вақт шу қонунга биноан шундай муносабатда бўладилар: бирон ишни кўплашиб амалга ошириш учун улар шу ишда қанчалик бевосита иштирок этсалар, шунчалик кам буйруқ берадилар, ҳам уларнинг миқдори шунча кўп бўлади; ишга бевосита иштироклари қанчалик кам бўлса, шунчалик кўп буйруқ берадилар ҳамда уларнинг миқдори шунча кам бўлади – шу тарифга биз энг қуйи унвондан бошлаб, воқеага бевосита энг кам иштирок этган ва бутун фаолиятини буйруқ беришга бағишлаган энг сўнги кишигача бориб етамиз.

Мана шу буйруқ берадиган одамларнинг буйруқ олади-

ган одамларга бўлган муносабати ҳокимият деб аталадиган тушунчанинг моҳиятини ташқил этади.

Биз воқеалар содир бўладиган вақт шароитини тиклаб, шу нарсани кўрдикки, буйруқлар бир қатор воқеаларга мувофиқ келгандагина бажарилар экан. Буйруқ берадиган одам билан буйруқни бажарадиган одам орасидаги зарурий боғланиш шартини ўз ўрнига қўйиб, шу нарсани кўрдикки, буйруқ берадиган одамлар ўзларининг хусусиятларига кўра воқеага энг кам иштирок этаркан ҳамда уларнинг фаолияти буйруқ беришдангина иборат бўларкан.

VII

Бирон воқеа юз берса, одамлар шу воқеа ҳақида ўз фикр ё хоҳишларини баён этадилар ва воқеа жуда кўп кишининг иштирокида вужудга келгани учун кам баён этилган фикр ё хоҳишларнинг биронтаси, тахминан бўлса ҳам, албатта, бажарилади. Баён этилган фикрлардан биронтаси бажарилдими, бу фикр бизнинг ҳаёлимизда воқеадан олдин берилган буйруққа ўхшаб, шу воқеа билан боғланади.

Одамлар бир харини тортиб чиқаряптилар. Харини қандай тортиш ва қаёққа олиб бориш ҳақида ҳар ким ўз фикрини баён этади. Одамлар харини тортиб чиқарганларидан сўнг маълум бўладигани бу иш улардан бирининг айтганидек бўлибди. Демак, ўша одам буюрган. Буйруқ ва ҳокимиятнинг ибтидоий шакли мана шу.

Кўли билан ишлаган одам бажарган иши ҳақида кам ўйлаган бўлиши, кўпчиликнинг фаолиятдан нима келиб чиқиши ҳақида озроқ муҳокама юргизган ва кам буйруқ берган бўлиши мумкин. Кўпроқ буйруқ берган киши, иши сўздан иборат бўлгани сабабли кўли билан кам ишлаган бўлиши мумкин. Одамлар кўпчилик бўлиб олиб, ўз фаолиятларини бир мақсадга томон йўналтирганда кўп буйруқ бериш билан шуғулланиб, умумий фаолиятта бевосита иштироки кам бўладиган кишиларнинг туркуми шунча яққол кўзга ташланади.

Одам бирон ишни ўзи ёлғиз қилмоқчи бўлса, ҳамма вақт ўзининг маълум бир фикр-мулоҳазасига суянади, унга шун-

дай кўринадики, гўё унинг ўтмишдаги фаолияти шу фикр-мулоҳазаларга суянган, бу фикр-мулоҳазалар ҳозирги фаолиятини оқлайди ва келажақ ишлари учун режалар тузишига мадад беради.

Бирон ишни бажариш учун бир ерга тўпланган одамлар ҳам айнан шундай қилишади: улар ўзларининг умумий фаолиятлари ҳақида фикр-мулоҳаза, важ, фаразлар ўйлаб чиқариш учун ишга бевосита иштирок этмаган одамларга бу ишни топширишади.

Бизга маълум бўлган ё маълум бўлмаган сабабларга биноан французлар бир-бирларини ўлдира бошладилар ва сувга фарқ эта бошладилар. Шундай қилиш Франциянинг бахт-саодати, озодлиги, тенглиги учун зарур, деб одамларнинг қилмишига важ топилди. Бирдан одамлар бир-бирларини ўлдиришдан қўл тортдилар ва бунга ҳам дарров важ топилди; ҳокимият бирлиги, Европага зарб бериш зарурати каби важлар топилди. Одамлар ғарбдан шарққа юриш қиладилар ва ўзларига ўхшаган одамларни ўлдирадилар, бу воқеага ҳам Франциянинг шон-шухрати, Англиянинг олчоклиги ва ҳоказолар важ қилиб кўрсатилади. Тарих бизга шу нарсани кўрсатадики, воқеаларга бу тариқа важ топишнинг ҳеч қандай умумий маъноси йўқ, ўлдириш ҳуқуқи берилганлиги учун одам ўлдириш, Англиянинг олчоклигини кўрсатиш учун Россияда миллионларча одамнинг қонини тўкиш каби бу важлар ҳам ўз-ўзини рад этади. Лекин бу важларнинг ҳозирги маъносида зарурий аҳамияти бор.

Бу важлар воқеага сабаб бўлган одамларнинг бўйнидан маънавий масъулиятни соқит қилади. Бу муваққат максаллар йўлни тозалаш ниятида паровознинг олдига ўрнатилган панжарага ўхшайди. Бу важлар одамларнинг маънавий масъулият йўлини тозалайди. Бу важлар бўлмаса ҳар бир ходисани музокара этганда туғиладиган энг оддий саволга қандай қилиб миллионларча одам биргалашиб олиб жиноятлар, урушлар ва ҳоказолар билан машғул бўлади, деган оддий саволга жавоб бериб бўлмас эди.

Ҳозирги кунда, Европада вужудга келган мураккаб ва ижтимоий ҳаёт шароитида подшоҳлар, министрлар, парла-

ментлар, газеталар кўрсатмаси, топшириғи, буйруғи билан қилинмаган бирон ҳодисани ўйлаб топиш мумкинми? Биргалашиб олиб борилган бирон фаолиятга давлат бирлиги, миллат, Европа мувозанати, моддий маданият важ бўлмай қолганми? Мана шундай қилиб, вужудга келган ҳар бир воқеа албатта олдин баён этилган бирон истакка уйғун келиб қолади ва ўзига важ топиб, бир ёки бир неча кишининг ихтиёри натижаси сифатида майдонга келади.

Кема қайси томонга қараб юрмасин, ҳамма вақт олдида ўзи ёриб бораётган тўлқинлар кўринади. Кемада ўтирган одамлар учун бу тўлқинлар кўзга кўринадиган бирдан бир ҳаракатга ўхшаб туюлади.

Фақат бу ҳаракатни яқиндан, бирон лаҳза уни назардан қочирмай кузатганимизда ва бу ҳаракатни кеманинг ҳаракатига солиштириб кўрганимиздагина биз биламизки, оқимнинг ҳар бир ҳаракати кеманинг ҳаракати билан боғлиқ ва бизни янглиштирган нарса ўзимиз сезмаган ҳолда ҳаракат этаётганимиз экан.

Тарихий шахсларнинг ҳар бир ҳаракатини ҳам айнан шу тарзда кузатсак (яъни вужудга келган воқеаларнинг зарурий шартини – ҳаракатининг замон ичидаги узлуксизлигини назарда тутсак) ва тарихий шахслар билан омма орасидаги зарурий боғланишни кўздан қочирмасак, айнан шу ҳолни кўрамиз.

Кема бир томонга қараб юрганда олдида ҳамон бир оқим кўринади, кема йўналишини ўзгартирганда эса олдидаги оқим ҳам йўналишини ўзгартиради. Кема қай томонга бурилмасин, оқим ҳамма вақт унинг олдида бўлади.

Қандай ҳодиса содир бўлмасин, ҳамма вақт одамга бу нарса олдин маълум бўлгандай, бировнинг буйруғи билан бўлгандай туюлади. Кема қай томонга қараб ҳаракат қилмасин, бу оқим унинг ҳаракатига етакчилик қилмасдан, бу ҳаракат суръатини тезлатмасдан, ўз-ўзича унинг олдида оқиб бораверади ва узоқдан қараганда худди бу ҳаракатнинг сабабига ўхшаб кўринади.

Муаррихлар тарихий шахсларнинг воқеаларга нисбатан буйруқ тариқасида баҳоланадиган ихтиёрларининг ифода-

сини назардан кечириб, бу воқеалар буйруқлар натижаси деб ўйлаганлар. Воқеаларнинг ўзини ва тарихий шахслар билан омма орасидаги муносабатни назардан кечирганда эса, биз тарихий шахслар билан уларнинг буйруқлари воқеалардан келиб чиққанини кўрдик. Бу худосининг энг яхши исботи шу: қанча буйруқ берилмасин, бошқа сабаблар бўлмагунча воқеа юз бермайди; бирон воқеа вужудга келдими (қанақа воқеа бўлмасин), турли кишиларнинг узлуксиз тарзда баён этган истак-иродалари орасида маъно ва замон эътибори билан содир бўлган воқеага нисбатан буйруқ деб ҳисобланиши мумкин бўладиганлари ҳам топилди.

Шу хулосага келганимиздан кейин тарихнинг қуйидаги икки муҳим саволига очиқ-ойдин ва ижобий жавоб бера оламиз:

1. Ҳокимиятнинг ўзи нима?

2. Халқларни қанақа куч ҳаракатга келтиради?

1. Ҳокимият маълум шахснинг бошқа кишиларга бўлган қуйидаги муносабатидан иборат: бу шахс кўпчиликнинг иши ҳақида қанча кўп фикр баён этса, қанча кўп таклифлар киритса ва қанча кўп важлар топса, унинг бу ишга шунчалик иштироки кам бўлади.

2. Халқларни муаррихлар ўйлаганидек, ҳокимият ҳам, ақлий фаолият ҳам ҳаракатга келтиролмайди, иккаласи бирлашиб ҳам ҳаракатга келтиролмайди, балки воқеага қатнашган одамларнинг фаолияти ҳаракатга келтиради, бу одамлар ҳамма вақт ўзаро шундай бир муносабатда бўладилар: воқеага бевосита энг кўп иштирок этганлари шунча кам масъулиятни бўйинларига оладилар, энг кам иштирок этганлари эса аксинча.

Маънавий жиҳатдан воқеанинг сабаби ҳокимиятдай бўлиб кўринса, жисмоний жиҳатдан ҳокимиятга бўйсунганлар бўлиб кўринади. Бироқ маънавий фаолиятни жисмоний фаолиятсиз тасаввур қилиб бўлмагани учун, воқеаларнинг сабаби униси ҳам эмас, буниси ҳам эмас, балки иккаласидир. Ёки бошқача қилиб айтганда, биз таҳлил қилаётган ҳодисага сабаб тушунчасини татбиқ этиб бўлмайди.

Сўнги таҳлилда биз ниҳоятга етиб бўлмайдиган доирага бориб етамиз, тафаккурнинг ҳар қанақа соҳасида инсон ақли ўзи текшираётган нарсага эрмак деб қарамаса, ҳамма вақт шу сўнги нуқтага келиб етади. Электр иссиқлик ҳосил қилади – иссиқлик электр ҳосил қилади. Атомлар бир-бирини тортади, атомлар бир-бирини итаради.

Иссиқликнинг, электрнинг ва ё атомларнинг оддий ҳаракати ҳақида гапирарканмиз, бу ҳаракатнинг нимадан вужудга келганини айтолмаймиз, бу ҳодисаларнинг табиати шундай, уларнинг қонуни шу деймиз. Тарихий шахслар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Нима учун инқилоб ва уруш бўлади? Буни биз билмаймиз; биз фақат шу нарсани биламизки, одамлар, бирон ишни бажариш учун маълум бир шаклда уюшадилар ва ҳаммалари шу ишга қатнашадилар. Шунинг учун биз одамларнинг табиати ундоқ, бу қонун, деган гапни айтамыз.

VIII

Агар тарих ташқи ҳодисалар билан шуғулланса эди, бу жўн ва ҳаммага маълум қонундан чиққан хулоса бизни қаноатлантирарди ва биз ўз муҳокамамизга хотима берардик. Лекин тарих қонуни одамга тааллуқлидир. Модданинг кичкинагина қисми бизга: мен тортиш ва итариш аҳтиёжини буткул сезмайман, бу нотўғри, деган гапни айта олмайди; тарихнинг баҳс-мунозара объекти бўлмиш инсон эса, очиқ-ойдин: мен эркинман, яъни ихтиёрим ўз қўлимда, шунга кўра қонунларга тобе эмасман, дейди.

Инсон иродасининг эркинлиги масаласи (сўз билан ифода топмаган бўлса-да, тарихнинг ҳар бир қадамида сезилиб туради. Жиддий муҳокама юргизадиган тарихчиларнинг ҳаммаси, беихтиёр шу масалага дуч келишган. Тарихдаги барча зиддиятлар ҳам, ноаниқликлар ҳам, бу илмнинг янглиш йўлдан бориши ҳам шу масала ҳал бўлмай қолганлиги сабабли вужудга келган.

Агар одамнинг иродаси эркин бўлса эди, яъни ҳар киши ўзи истаган ишни қила олса, унда бутун тарих бир-бирига боғланмайдиган, бир-бирига алоқаси бўлмаган тасодиф-

лардан иборат бўларди.

Агарда миллионларча одамдан, ҳатто бир киши минг йил мобайнида бир мартаба эркин тарзда, яъни истаганича бирон ишни қилиш имкониятига эга бўлса эди, бу одамнинг қонунга ҳилоф биргина эркин хатти-ҳаракати, башариёт олами учун бирон қонун тузиш имкониятини сўзсиз йўққа чиқарар эди. Одамларнинг хатти-ҳаракатини идора қиладиган бирги-на қонун бўлганда, одам ўзини эркин сезолмасди, яъни истаган ишини қилолмасди, чунки унинг истак-иродаси шу қонунга итоат қилиши керак бўларди.

Ирода эркинлиги ҳақидаги масала қадимги замонлардан бери инсоният оламининг энг доно кишиларини банд этиб келган ва қадимги замонлардан бери ўзининг ғоят муҳим аҳамияти билан баҳс-мунозара объекти бўлиб келган мана шу зиддиятдан иборатдир.

Ҳап шундаки, агар биз одамни мушоҳада объекти деб олиб, унга қайси нуқтаи назардан – хоҳ диний, хоҳ ахлокий, хоҳ фалсафий нуқтаи назардан ёндашмайлик – унинг ҳам, ер юзидаги барча мавжудот сингари умумий зарурат қонунига бўйсунганини кўрамиз. Умумий зарурат қонунига ўзимиз идрок этган нарса деб қараб, ўзимизни ундан озод, унга итоат қилмайдигандай сезамиз.

Бу идрок ўз-ўзимизни билишнинг ақлга мутлақо алоқаси бўлмаган алоҳида бир манбаидир. Одам ақл билан ўзини мушоҳада этади, лекин ўзини идрок орқалигина билади.

То одам ўзини идрок этмаса, мушоҳада ҳам этолмайди, ақлини ҳам ишга сололмайди. Англамоқ, мушоҳада этмоқ, ҳулоса чиқармоқ учун одам, аввало, яшаётганини идрок этиши, билиши керак. Яшаётганини эса, одам фақат бирон нарсани истаётганидан, яъни ўзининг истак-иродасидан билади. Ўз ҳаётининг моҳиятини ташкил этган иродасини одам эркин дебгина билади.

Агар одам ўзини мушоҳада эта туриб, истак-иродаси ҳамма вақт биргина қонунга мувофиқ йўналганини кўрса (овқатланиш эҳтиёжини мушоҳада этадими, мия фаолиятиними, ё бошқа бирон нарсани мушоҳада этадими), истак-иродам чекланиб кўйилган деб билишигина мумкин. Эркин

бўлмаган бирон хатти-ҳаракатнинг чекланган бўлиши ҳам мумкин эмас. Одам ўзини эркин деб билгани учун ҳам истак-иродаси назарида чеклангандай кўринади.

Сиз, менинг эрким ўзимда эмас, деб айтасиз. Аммо мен кўлимни кўтардим ва яна уни туширдим. Бу мантиқсиз жавоб эркинликнинг рад этиб бўлмайдиган далили эканини ҳамма билади. Бу жавоб ақлга бўйсунмайдиган идрокнинг ифодасидир. Эркин идрок этиш ўз-ўзини билишнинг ақлга, алоқаси бўлмаган алоҳида манбаи бўлмаса эди, у муҳокама ва ё тажрибага бўйсунарди, аммо ҳақиқатда ҳеч қачон бўйсунмаган ва бўйсунishi мумкин эмас.

Бир қатор тажриба ва муҳокамалар, ҳар бир кишига у мушоҳада объекти бўлганидан муайян қоида-қонунларга тобе бўлишини, уларга итоат қилишини ва бир мартаба англаган жозиба ё таъсирга берилмаслик қонунларига қарши мутлақо курашмаслик кераклигини кўрсатди. Лекин бир қатор тажриба ва муҳокамалар унга шу нарсани ҳам кўрсатадики, одам ўзида идрок этган эркинлик том маъносида эркинлик эмас, чунки унинг ҳар бир ҳаракати ўз хусусиятлари, характери ва ташқи таъсирлардан келиб чиқади, лекин одам бу тажриба ва муҳокамалар чиқарган хулосага ҳеч қачон итоат қилмайди.

Тош пастга тушишини тажриба ва муҳокамадан билган инсон сўзсиз бунга ишонади ва ҳар қанақа ҳолатда ҳам тошнинг пастга тушишини кутади.

Бироқ ўзининг истак-иродаси, шубҳасиз, қонунларга итоат қилишини билса ҳам, одам бу нарсага ишонмайди ва ишона олмайди.

Бир ишни илгари одам қандоқ қилган бўлса, яна ўша шароитда, ўша характер билан айнан ўшандоқ қилишини тажриба ва муҳокама қанчадан қанча унга исботлаб берган бўлмасин, одам доим бир натижа билан хотима тошган ишга айнаи бир шароитда ўша характер билан мингинчи мартаба киришаркан, бу гал илгаригидай эмас, балки мутлақо бошқача, ўзи истаганича қилишига шунча амин бўлади. Ҳар қанақа одам ҳам, хоҳ оми бўлсин, хоҳ мутафаккир, айнаи бир шароитда ўша характер билан қилган ишнинг оқибати икки

хил бўлиши мумкин эмаслигини муҳокама ва тажриба қанчадан қанча исбот этмасин, эркининг моҳиятини ташкил этган мана шу бемаъни тасаввурсиз ҳаётни кўз олдига келтиролмайди. Бу нарса қанчалик имкониятдан ташқари бўлмасин, шу ҳол рўй беради: чунки эркини шундай тасаввур этмаганида ҳаётни англаш у ёқда турсин, бир дақиқа ҳам яшай олмас эди.

Шунинг учун яшай олмас эдики, инсоннинг ҳаётга бўлган барча интилишлари, барча тилак-орзулари эркини орттириш майлидан иборатдир. Бойлик-камбағаллик, машҳурлик ном-нишонлик, ҳокимият-маҳкумлик, куч-заифлик, соғломлик-хасталик, маърифат-жаҳолат, меҳнат-истироҳат, тўқлик-очлик, яхшилик-ёмонлик – буларнинг ҳаммаси фақат эркининг катта ё кичик даражасидир. Эрки ўзида бўлмаган одамни фақат жонсиз ҳолатда тасаввур қилиши мумкин.

Агар ақл учун эрк тушунчаси айна бир шароитда қилинган икки ишнинг оқибати икки хил бўлиши мумкинлиги ё воқеанинг сабабсиз вужудга келиши мумкин бўлганига ўхшаш бемаъни бир зиддият бўлиб кўринса, бу нарса фақат идрокнинг ақлга бўйсунмаслигини кўрсатади.

Мана шу тажриба ва муҳокамага бўйсунмайдиган, рад этиб бўлмайдиган метин эркинлик, барча мутафаккирлар эътироф этган ҳамма сезадиган ва одамни бу сиз тасаввур этиб бўлмайдиган эркинлик масаланинг иккинчи томонини ташкил қилади.

Инсонни ҳамма ерда ҳозир-у нозир, қудратли ва марҳаматли худо яратган. Инсоннинг эркинликни идрок этишидан келиб чиққан гуноҳи нимадан иборат? Мана бу илоҳиёт масаласи.

Одамларнинг фаолияти статистикада кўрсатилган ва ўзгармайдиган умумий қонунларга бўйсунди. Одамнинг, мен эркинман деган тушунчасидан келиб чиққан жамоат олдидаги масъулияти нимадан иборат? Мана бу ҳуқуқшунослик масаласи.

Инсоннинг хатти-ҳаракати унинг туғма характери ва унга таъсир этадиган сабабларга боғлиқ. Мен эркинман деган шуурдан вужудга келган виждон ва хайр-савоб ишлар

нимадан иборат? Мана бу ахлоқ масаласи.

Одам инсониятнинг умумий ҳаёти билан алоқадор бўлиб, шу ҳаётни белгилайдиган қонунларга итоат қилади. Лекин ўша одам бу алоқага қарамасдан, эркин бўлиб кўрилади. Халқлар ва инсониятнинг ўтмиш ҳаётига қандай қараш керак, одамларнинг эркин тарзда қилган фаолияти маҳсули дебми, ё эркин фаолият маҳсули дебми? Мана бу тарих масаласи.

Аммо бизнинг замонамизда ўзимизга бино кўйиб, билим тарқатаётган замонамизда, жаҳолатнинг энг кучли қуроли бўлмиш китоб бостириш ривожланиб кетиши орқасида, ирода эркинлиги масаласи шундай бир вазиятга тушганки, бу ерда бу масалани кўйиш мумкин эмас. Бизнинг давримизда, илғор деб аталган одамларнинг кўпчилиги, яъни бир гуруҳ жоҳиллар, масалани фақат бир томони билан шуғулланадиган табиатшуносларнинг ишини бутун масалани ҳақли деб қабул қилишган.

Жон ҳам, эрк ҳам йўқ, чунки одамнинг ҳаёти аъзоларнинг ҳаракати орқали ўз ифодасини топади, аъзоларнинг ҳаракати эса, асабларнинг фаолиятига боғлиқ, шунинг учун жон ҳам, эрк ҳам йўқ. Биз номаълум бир даврда маймундан пайдо бўлганмиз, — деб айтадилар, ёзадилар ва китоб қилиб чиқарадилар улар, лекин физиология ва муқояса зоология воситаси билан бунчалик жон куйдириб исботламоқчи бўлган зарурат қонунини бундан минг йилларча муқаддам бутун динлар ва барча мутафаккирлар эътироф қилишганингина эмас, балки ҳеч қачон инкор қилишмаганини улар сира ҳаёлларига ҳам келтиришмайди. Бу борада тиббиёт илмининг роли масалани фақат бир томонини ёритиш учун қурол бўлишини улар кўрмайдилар. Чунки мушоҳада нуқтаи назаридан қараганда, ақл билан ирода фақат мианинг маҳсули эканини, одам умумий қонунларга бўйсуниб, маълум бир даврда куйи даражадаги ҳайвондан фарқ қилганини бундан минг йиллар муқаддам барча динлар ва фалсафий назариялар эътироф этган ҳақиқатни — ақл нуқтаи назаридан қараганда одам зарурат қонунларига бўйсунди деган гапнинг янги бир томонини ёритишади-ю,

лекин масаланинг иккинчи томонини эркинликни идрок этиш замирида вужудга келган иккинчи – карама-карши томонини ҳал этиш ишини қилчалик ҳам олға суришмайди.

Агар инсон номаълум замон даврида маймундан пайдо бўлган бўлса, бу нарса инсон маълум бир даврда бир ҳовуч туцрокдан пайдо бўлган дегандай гап (биринчи ҳолатда Х замон бўлса, иккинчи ҳолатда пайдо бўлиш Х бўлади), инсон эрки ва инсон бўйсунадиган зарурат қонуни қандай қилиб бир-бирига қўшилади, деган саволини муқоясали физиология ҳам, зоология ҳам ҳал этолмайди, чунки қурбақада, қуёнда, маймунда биз мускул-асаб фаолиятини кўрамиз, холос, лекин одамда эса ҳам мускул-асаб фаолияти бор, ҳам шуур.

Бу масалани ҳал этиш учун бел боғлаган табиатшунослар ҳам, уларнинг мухлислари ҳам черковнинг биргина деворини шуваш бўйинларига юкланган ҳолда ғайратлари жўшиб, бош саркорнинг йўқлигидан фойдаланиб, черковнинг деразаларини ҳам, суратларини ҳам, тахталарини ҳам, битмаган деворларини ҳам шуваб ташлаб, кейин ўзларининг шувокчилик нуқтаи назарларидан ишни жуда қойил қилиб ташладик деб суюнган шувокчиларга ўхшайдилар.

IX

Эркинлик ва зарурат масаласини ҳал этиш борасида бу масалани ҳал этган бошқа билим соҳалари олдида тарихнинг устуниги шундаки, унинг нуқтаи назаридан қараганда бу масала инсон иродасининг асли моҳиятига эмас, балки бу ироданинг ўтмишда ва муайян шароитда қандай зуҳур этиш ҳақидаги тушунчага тааллуқлидир.

Бу масалани ҳал этишда тарихнинг бошқа илмларга муносабати тажрибага асосланган илмнинг муҳокамага асосланган илмга бўлган муносабатига ўхшайди. Тарих ўзининг баҳс-мунозара объекти қилиб инсон иродасини эмас, балки бу ирода ҳақидаги бизнинг тасаввуримизни олади. Мана шунга кўра, илоҳиёт, ахлоқ ва фалсафадаги сингари, тарих илмида эрк ва заруратнинг қўшилиши масаласида ҳал бўлмай қолган сир йўқ. Тарих илми бу иккала

зиддият алақачон кўшилиб кетган инсон ҳаёти ҳақидаги тасаввур билан шуғулланади.

Ҳар бир ҳодиса қисман эркин, қисман зарурий равишда юзага келган бўлиб кўринса ҳам, ҳақиқий ҳаётда учрайдиган ҳар бир тарихий воқеа, одамнинг ҳар бир фаолияти, ҳеч қандай зиддиятсиз, очиқ ойдин ва аниқ-равшан бўлиб кўринади.

Эркинлик билан зарурат қандоқ кўшилади ва бу иккала тушунчанинг моҳияти нимадан иборат, деган масалани ҳал этишда тарих фалсафаси бошқа илмлар борган йўл билан эмас, балки унга қарши йўл билан боради, бориши ҳам керак. Тарих илми эркинлик ва зарурат ҳақидаги тушунчаларни ўз ичида таърифлаш ва ҳаёт ҳодисаларини шу таърифга мувофиқ изоҳлаш ўрнига, ўз кўлидаги сон-саноксиз ҳодисалар мисолида (бу ҳодисалар ҳамиша эркинлик ва зарурат қонунидан келиб чиқади) эркинлик ва зарурат тушунчалари нимадан иборат эканини аниқлаб бериши керак.

Бир кишининг фаолияти ёки кўпчилиكنинг фаолияти ҳақидаги бирон тасаввурни кўздан кечирирканмиз, бу нарса қисман одамнинг эркин фаолияти натижаси бўлади, қисман зарурат қонунидан келиб чиқади.

Халқларнинг бир ердан иккинчи ерга кўчиши ва бадавийларнинг босқини ҳақида гапирамизми, ё Наполеон III нинг буйруқлари, бир одамнинг бундан бир соат бурун айланиб келгани чиқиб, бир неча йўлдаё бирини танлагани ҳақида гапирамизми, бу ҳаракатларнинг биронтасида зиғирчалик зиддият кўролмаёмиз. Бу одамларнинг хатти-ҳаракатига етакчилик қиладиган эркинлик ва зарурат меъёри биз учун очиқ-ойдиндир.

Озми-кўпми эркинлик ҳақидаги тасаввуримиз аксар вақт ҳодисага ёндашишимизга қараб ҳар хил бўлади: аммо одамнинг ҳар бир фаолияти бизга фақат эркинлик ва заруратнинг маълум шаклида кўшилишидан иборат бўлиб кўринади. Кўздан кечираётганимиз ҳар бир фаолиятда биз маълум даражада эркинлик, маълум даражада зарурат улушини кўрамиз. Ҳамиша бирор фаолиятда қанча кўп эркинлик кўрсак, шунча кам зарурат кўрамиз, қанча кўп

зарурат кўрсак, шунчакам эркинлик кўрамиз. Эркинликнинг заруратга нисбати, воқеага қайси нуқтаи назардан ёндашганимизга қараб ошади ё камаяди, лекин бу нисбат ҳамиша акс таносибда бўлиб қолади.

Сувга чўкаётиб бошқа бировни ушлаб ғарқ қилиб юборган одам ҳам, бола эмизиб ҳолсизланиб қолгани учун овқат ўғирлаб еган оч она ҳам, ё тартиб-интизомга ўргангани учун сафдан берилган буйруққа мувофиқ ҳимоясиз одамни ўлдирган аскар ҳам бу одамлар тушган шароитдан воқиф бўлган кишиларнинг назарида унча гунохкор бўлиб кўринмайди, яъни эрки чамали бўлиб, кўпроқ зарурат қонунига итоат қилган бўлиб кўринади. Ҳалиги одам ўзини ўзи ғарқ қилганини, она оч бўлганини, аскар сафда эканини билмаган одамлар учун бу нарса кўпроқ эркин ҳаракат натижаси бўлиб кўринади. Худди шундай, бундан йигирма йил муқаддам одам ўлдириб, кейин жамоат орасида тинч ва безарар яшаган одам ҳам камроқ айбдор бўлиб кўринади; унинг бу қилмишини йигирма йилдан кейин текширган одам учун бу нарса кўпроқ зарурат қонунига тобе, ўша воқеанинг эртасигаёқ текширган киши учун бу қилмиш кўпроқ эркин ҳаракат натижаси бўлиб кўринади. Айнан шундай, девона, маст ё жуда ғазабланган одамнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, бу одамнинг руҳий ҳолатидан воқиф бўлган киши учун камроқ, эркин, кўпроқ зарурат қонунига тобе, бу одамнинг руҳий ҳолатидан беҳабар кишилар учун эса бу хатти-ҳаракат кўпроқ эркин ва зарурат қонунига камроқ тобе кўринади. Бу ҳолатларнинг ҳаммасида ҳодисага қайси нуқтаи назардан ёндашишимизга қараб эркинлик тўғрисида тушунча ё камаяди, ё кўпаяди ва шунга мувофиқ зарурат ҳақидаги тушунча ҳам ё камаяди, ё кўпаяди. Шундай қилиб, зарурат қанчалик катта бўлиб кўринса, эркинлик шунча кичик бўлиб кўринади ва аксинча.

Зарурат билан эркинлик орасидаги бу нисбатни дин ҳам, инсоннинг соғлом ақли ҳам, ҳуқуқ фани ҳам, тарихнинг ўзи ҳам бир хилда тушунади.

Эркинлик ва зарурат ҳақидаги тасаввуримизнинг кўпайиши ё камайиши истисносиз ҳамма ҳолатларда ҳам уч

асосга суянади:

1. Бирон ишни қилиб қўйган одамнинг ташқи оламга муносабати.

2. Замон, даврга муносабати.

3. Воқеани вужудга келтирган сабабларга муносабати.

1. Биринчи асос – инсоннинг ташқи оламга кўпроқ ёки озроқ даражада кўзга ташланадиган муносабати, ҳар бир кишининг ўзи билан бир даврда яшаган одамларга нисбатан ишғол қилган муайян ўрни ҳақидаги озми-кўпми даражада равшан бўлган тушунчадан иборат. Бу шундай асоски, бунда сувга фарқ бўлган одам куруқда турган одамга нисбатан камроқ эркин ҳаракат қилиб, кўпроқ зарурат қонунига итоат қилгани аниқланади; бу шундай асоски, унинг натижасида аҳоли зич ерларда бошқалар билан яқин муносабатда яшайдиган одамнинг қилмиши, оила билан, хизмат билан, идора билан боғлиқ бўлган кишининг қилмиши сўққабош ва якка-ёлғиз яшайдиган одамнинг қилмишига нисбатан камроқ эркин, кўпроқ заруратга тобе бўлиб кўринади.

Агар биз одамнинг ёлғиз ўзини, атрофидагилар билан бўлган муносабатини назарда тутмасдан олиб қарасак, унинг ҳар бир фаолияти бизга эркин, яъни ўз ихтиёри билан қилинган ишдай бўлиб кўринади. Аммо агар биз унинг атрофидагилар билан бирон муносабатини кўрсак, унинг бир кимса ё бирон нарса билан – ўзи гаплашаётган одами биланми, ўқиётган китоби биланми, шуғулланаётган иши биланми, ҳатто ўзини ўраб олган ҳаво биланми, ҳатто атрофидаги нарсаларни ёритиб турган ёруғлик биланми бирон муносабатини кўрсак, бу нарсаларнинг ҳар бири унга таъсир этишини ва ҳеч бўлмаса фаолиятини бирон томонга йўналтирганини кўрамыз. Биз бу таъсирларни қай даражада пайқай олсак, унинг эркинлиги ҳақидаги тасаввуримиз шу даражада камади. У тобе бўлган зарурат ҳақидаги тасаввуримиз эса шунча ошади.

2. Иккинчи асос – одамнинг дунёга замон эътибори билан караганда озми-кўпми даражада кўзга ташланадиган муносабати: инсон фаолиятининг замон эътибори билан тутган ўрни ҳақида озми-кўпми даражада аниқ бўлган ту-

шунча. Бу шундоқ асоски, унинг оқибатида одамзотнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган биринчи одамнинг гуноҳи ҳозирги одамнинг никоҳга киришига қараганда камроқ эркин бўлиб кўринади.

Бу шундоқ асоски, унинг натижасида бундан бир неча аср муқаддам яшаган ва замон эътиборида мен билан боғланган одамларнинг ҳаёт ва фаолиятлари натижаси ҳали менга маълум бўлмаган ҳозирги ҳаёт сингари эркин бўлиб кўринмайди.

Бу борада эркинлик ва заруратнинг кўп ёки оз эканлиги ҳақидаги тасаввурнинг тадрижийлиги воқеа содир бўлган кундан бошлаб унинг ҳақида ҳукм чиқарилганга қадар ўтган вақтнинг кўп ё озлигига боғлиқдир.

Агар мен бир дақиқа олдин қилиб қўйган бирон ишимни, тахминан ҳозир яшаётганим шароитда кўздан кечирсам, бу ишим шубҳасиз менга эркин, яъни ўз ихтиёрим билан қилинган ишдай бўлиб кўринади.

Агар бир ой илгари қилган ишимни кўздан кечирсам, ҳозир бошқа шароитда бўлганим учун беихтиёр шу хулосага келаман: яъни шу иш бўлмаган тақдирда унинг оқибатида амалга ошган жуда кўп фойдали, кўнглили ва ҳатто зарурий нарсалар бўлмай қоларди, деган хулосага келаман. Агар бундан ҳам илгарироқ; масалан, ўн йилми, ундан ҳам илгарироқми қилган ишимни эслай бошласам, ўша ишимнинг оқибатлари янада ойдинроқ бўлиб кўринади, шу иш бўлмаганда ҳозир нима бўлишини тасаввур этолмай қолман. Шундай қилиб, мен қанча илгари қилган ишимни, қанча узоқни эсласам, ё бошқача қилиб айтганда, унинг ҳақида қанча фикр-мулоҳаза юргизсам, ўша қилмишимнинг эркинлиги ҳақидаги муҳокама шунча шубҳали бўлади, яъни ўша ишни ўз ихтиёрим билан қилганимга шунча кўп шубҳаланаман.

Инсоният оламининг умумий ишларида эркин ироданинг иштироки ҳақидаги шу асослилиқ прогрессиясини тарихда ҳам учратамиз. Ҳозирги замонда вужудга келган воқеа бизга, шубҳасиз, машҳур одамларнинг фаолиятлари маҳсули бўлиб кўринади, лекин узоқроқ вақтда рўй берган

ходисанинг эса биз фақат муқаррар натижасини кўрамиз ва шундан бошқа нарсани тасаввур қилолмаймиз. Биз воқеаларни кўздан кечириш масаласида қанчалик орқага қайтсак, бу воқеалар бизга шунчалик камроқ эркин фаолият, шунчалик кўпроқ зарурат натижаси бўлиб кўринади.

Австрия Пруссия уруши, шубҳасиз, бизга айёр Бисмаркнинг фаолияти натижаси бўлиб кўринади ва ҳоказо.

Наполеоннинг урушлари, унча-мунча шубҳали бўлса ҳам, ҳар ҳолда, қахрамонлар иродасининг махсули бўлиб кўринади; салиб урушларида эса биз муайян ўринни ишғол этган ва бусиз Европанинг янги тарихини тасаввур қилиш мумкин бўлмаган воқеаларни кўрамиз, ҳолбуки, салиб урушлари тарихини ёзган солномачиларга бу воқеалар баъзи бир шахсларнинг иродаси натижаси бўлиб кўринган. Халқларнинг кўчиши ҳақида сўз борганда, бизнинг замонамизда ҳеч кимнинг хаёлига Европа оламининг янгидан барпо этилиши Атилланинг ўзбошимчалиги оқибатида бўлган, деган ўй келмайди. Қанчалик узок ўтмишда содир бўлган ҳодисаларни мушоҳада этсак, воқеаларни вужудга келтирган одамларнинг эркинлиги шу қадар шубҳалироқ, зарурат қонуни шу қадар ойдинроқ бўлиб кўринади.

3. Учинчи асос – ақлнинг муқаррар талабини ташкил этган сон-саноксиз сабаблар боғланишидан озми-кўпми воқиф бўла олишимиздир; бунда ҳар бир воқеа – шунингдек, одамнинг ҳар бир фаолияти – аввалги ҳодиса учун натижа, кейинги ҳодиса учун бир сабаб шаклида муайян ўрнига эга бўлиши керак.

Бу шундоқ асоски, унинг натижасида бир томондан мушоҳада ҳосили бўлган ва инсон бўйсунадиган физиологик, психологик ва тарихий қонунлар бизга нақадар кўпроқ маълум бўлса, биз фаолиятнинг физиологик, психологик ёки тарихий сабабини қанчалик дуруст аниқласак, иккинчи томондан, мушоҳада этаётган ҳодисамизнинг ўзи нақадар оддий ва фаолиятини кўздан кечираётган одамимиз ақл ва характер жиҳатидан қанчалик содда бўлса, бизга ўз фаолиятимиз ҳам, бошқаларнинг фаолияти ҳам шунча кўп эркин ва заруратга шунча кам бўйсунган бўлиб кўринади.

Бирон хатти-харакатнинг сабаби бизга мутлако номаълум бўлган вақтда – ёвузликми, эзгуликми ё яхшилигини ҳам, ёмонлигини ҳам фарк қилиб бўлмайдиган бир ишми, барибир, бунақа хатти-харакатда биз эркинлик улуши кўпроқ эканлигини кўрамыз. Ёвузлик рўй берганда биз бунақа иш учун кўпинча жазо талаб қиламиз; яхши иш бўлганда биз бу қилмишни жуда мақтаб юборамиз. Яхшилигини ҳам, ёмонлигини ҳам билиб бўлмайдиган ҳолатда биз буни жуда ҳам ўзига хос, жуда ҳам оригинал ва жуда эркин фаолият деб биламиз. Сон-саноксиз сабаблардан биронтаси бизга маълум бўлган тақдирда эса, биз заруратнинг маълум улуши борлигини тан олиб, бу жиноят учун озроқ жазо талаб қиламиз, эзгу иши учун айрим шахснинг хизматини озроқ тақдирлаймиз, оригинал бўлиб кўринган ишда эркинликни озроқ эътироф қиламиз. Жиноятчининг ёмон одамлар муҳитида тарбия олганлиги унинг гуноҳини енгилантиради. Ота-онанинг фидокорлиги, мукофот умидида қилинган фидокорлик, сабабсиз кўрсатилган фидокорликка караганда кўпроқ тушунарлидир, шунинг учун мақтовга унчалик сазовор бўлмаган, камроқ эркин бўлиб кўринади. Фаолияти қандай ва қай тарзда ҳозирланганини билганимиздан кейин тариқат асосчиси ҳам, партия асосчиси ҳам, ихтирочи ҳам бизни унчалик ҳайратга солмайди. Агар биз жуда кўп миқдорда тажриба ўтказган бўлсак, агар бизнинг мушоҳадамиз ҳамма вақт одамларнинг фаолиятида сабаб билан натижа орасидаги таносибни қидириб топишга йўналтирилган бўлса, у вақтида одамларнинг фаолияти бизга натижани сабаб билан қай даражада дурустроқ боғлай олсак, шу даражада кўп зарурий ва озроқ эркин ҳаракат бўлиб кўринади. Агар кўздан кечирилаётган фаолиятлар оддий бўлса ва биз жуда кўп миқдорда шундай фаолиятларни мушоҳада қилсак, у вақтда уларнинг зарурийлиги ҳақидаги тасаввуримиз янада тўлароқ бўлади. Ор-номуссиз ота ўғлининг шармандали қилмиши, ёмон муҳитга тушиб қолган аёлнинг ёмон хулқ-атвори, майпарастнинг янгидан яна бошлаши ва ҳоказоларнинг сабаби бизга қай даражада маълум бўлса, бу ҳаракатлар бизга шу даражада камроқ

эркин ҳаракат бўлиб кўринади. Агар қилмишини кўздан кечираётган одамимиз ёш болага ўхшаб ақлий инкишофнинг энг қуйи босқичида турса, телба ё аҳмоқ бўлса, биз унинг қилмишларининг сабабини, унинг характери ва ақли мураккаб эмаслигини билгач, бунда зарурат улуши шунча кўл, эркинлик улуши шунча кам эканини кўрамыз. Демак, бўлиши муқаррар бир ҳаракат сабаби бизга маълум бўлса, шу он биз унинг қандай содир бўлишини олдиқдан айта оламиз.

Ақли ожиз одамларнинг жиноятга жавобгар бўлмаслиги ва уларнинг айбини енгиллатадиган вазиятларга доир барча қонунлар шу уч асосга таяниб қурилгандир. Қилмиши муҳокама қилинаётган одамнинг қай шароитда яшаганини кўпроқ ёки озроқ билишимизга, воқеа рўй берган кундан то унинг муҳокама бўлгунига қадар ўтган вақтнинг кўп ё озлигига, воқеанинг сабабларини кўпроқ ёки камроқ билишимизга қараб жавобгарлик даражаси каттароқ ёки кичикроқ бўлиб кўринади.

X

Шундай қилиб, бизнинг эркинлик ва зарурат ҳақидаги тасаввуримиз, одамнинг ташқи оламга бўлган муносабатининг кўп ё озлигига қараб, орада ўтган вақтнинг кўп ё озлигига қараб, биз кўздан кечираётган инсон ҳаёти ҳодисаларнинг сабабларга кўп ё озроқ даражада боғлиқ эканлигига қараб, кўпаяди, ё камаяди.

Демак, агар биз инсонни ташқи олам билан алоқаси аниқ маълум бўлган ҳолатини кўздан кечирсак, ҳодиса юз берган вақт билан муҳокама бўлган вақтнинг орасидаги муддат жуда узоқ бўлса ва ҳодисанинг сабабидан биз жуда яхши хабардор бўлсак, унда зарурат жуда катта бўлган, эркинлик жуда чекли бўлган деган фикрга келамиз. Агар инсон ташқи шароитларга жуда кам боғлиқ бўлган ҳолатини кўздан кечирсак, агар ҳодиса шу яқин орадагина содир бўлиб, унинг сабаблари бизга номаълум бўлса, унда зарурат жуда кам, эркинлик жуда кўп бўлган деган фикрга келамиз. Лекин биринчи ҳолатда ҳам, иккинчи ҳолатда ҳам биз ўз нуқтаи назаримизни қанчалик ўзгартирмайлик, инсоннинг

ташқи оламга бўлган муносабатини қанчалик аниқламайлик, ё бу муносабатлар қанчалик бизга аён бўлиб кўринмасин, воқеа содир бўлган кундан кейин ўтган вақтни қанчалик чўзмайлик, ё қисқартирмайлик, сабаблар бизга қанчалик англашарли ё мажхул бўлиб кўринмасин, барибир, биз ҳеч қачон том маънодаги эркинлик ва том маънодаги заруратни тасаввур қилолмаймиз.

1. Биз инсонни ташқи олам таъсиридан нақадар ҳоли деб тасаввур этмайлик, барибир, ҳеч қачон маконда эркинлик тушунчасига эриша олмаймиз. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати, шубҳасиз, гавдаси ва атрофини ўраб олган нарсаларга боғлиқдир. Мен қўлимни кўтардим ва яна туширдим. Бу ҳаракатим назаримда ўз эрким билан қилингандай кўрилади, бироқ қўлимни ҳамма томонга ҳам кўтара олармидим, деган саволни ўзимга берсам шуни кўраманки, мен қўлимни гавдамнинг тузилишига, атрофимни ўраб олган жисмларнинг имкон беришига қараб кўтарган эканман. Агар бир неча томондан бирини танлаган бўлсам, демак мазкур томонда монелик камроқ бўлган ҳаракатим эркин бўлиши учун у ҳеч қандай монеликка дуч келмаслиги шарт. Одамни эркин деб тасаввур қилиш учун уни макондан ташқарида деб тасаввур қилиш керак бўлади, бу албатта, бўлмаган бир гап.

2. Муҳокама вақтини ҳодиса рўй берган вақтда қанчалик яқинлаштирмайлик, замон эътиборида эркинлик ҳақида ҳеч қачон бир тушунча ҳосил қилолмаймиз. Чунки, агар мен бир сония олдин бўлган воқеани кўздан кечири бошласам, ҳар ҳолда, бу иш эркин тарзда бўлмаганини эътироф қилишим керак, чунки ҳар қанақа фаолият ҳам вақтнинг қайси фурсатида вужудга келган бўлса, ўша фурсат доирасида маҳдуд бўлиб қолади. Қўлимни кўтара оламанми? Қўлимни кўтара оламан, аммо кўтарганимдан кейин ўз-ўзимдан вақтнинг ўша ўтган вақтида қўлимни кўтармаслигим мумкинми? – деб сўрайман. Буни текшириб кўриш учун иккинчи фурсатда қўлимни кўтармайман. Лекин мен қўлимни эркинлик ҳақида ўзимга савол берган илк фурсатда кўтарган эмасман. Вақт ўтиб кетди, уни тўхтатиш менинг изм-у ихтиёримда эмасди, мен ўшанда кўтарган қўл ҳам, ҳозир

кимирламай тек турган бу қўл эмас, мен шу ҳаракатни қилганимда мени ўраб олган ҳаво ҳам ҳозир ўша ҳаво эмас эди. Биринчи ҳаракат содир бўлган фурсатни қайтариб бўлмайди, ўша онда мен биргина ҳаракатни бажо келтира олардим, ўша онда қанақа ҳаракат қилмайин, бу ҳаракат битта бўларди, холос. Иккинчи дақиқада қўлимни кўтармаганим менга қўл кўтармаслигим мумкин эканлигини исботлаб бергани йўқ. Ҳаракатим замоннинг биргина фурсатида вужудга келган биргина ҳаракат бўлгани учун ҳам бошқача бўлиши мумкин эмас. Бу ҳаракатни эркин ҳаракат деб тасаввур қилиш учун уни ҳозирги вақтда, ўтмиш билан келажак замон ҳудудида, яъни замондан ташқари тасаввур қилиш керак, бу, албатта мумкин эмас.

3. Сабабларни ахтариб топиш қийинчиликлари нақадар кўп бўлмасин, биз, барибир, ҳеч қачон том маънодаги эркинликни, яъни сабабсиз ҳаракатни тасаввур қилолмаймиз. Ўзимизнинг ё бошқа бировнинг бирон ҳаракатида ихтиёрнинг сабабини қидириб топиш биз учун нақадар қийин бўлмасин, ақлнинг биринчи талаби сабабни фараз этиш ва уни қидириб топишдан иборатдир, чунки у сиз ҳеч қандай ҳодисани тасаввур қилиш мумкин эмас, ҳеч қандай сабабга боғлиқ бўлмаган бирор ҳаракатни бажо келтириш учун мен қўлимни кўтараман, лекин шу сабабсиз ҳаракатга жазм этишимнинг ўзи қилган ҳаракатимнинг сабабидир.

Ҳатто агар биз инсонни ташқи таъсирлардан мутлақо холи деб тасаввур этиб, уни шу оннинг ўзидагина қилган ишини кўздан кечириб, бу иш ҳеч қандай сабабсиз вужудга келган деб ўйласак, заруратнинг ҳиссаси кичкина, пулга тенг бўлган деб фараз қилсак ҳам, барибир, биз одамнинг том маънодаги эркинлиги ҳақида тушунча ҳосил қилолмаймиз, чунки ташқи олам таъсиридан холи, замондан ташқари ва сабабларга боғлиқ бўлмаган махлуқ одам эмас.

Худди шунга ўхшаш биз ҳеч қачон одамнинг эркинлик, фақат зарурат қонунига бўйсунган фаолиятини кўз олдимизга келтиролмаймиз.

1. Одам яшайдиган макон шартлари ҳақидаги билимимиз нақадар ошмасин, барибир, бу билимимиз тўла бў-

долмайди, чунки макон бепоён бўлгани сингари бу шартлар ҳам бениҳоядир. Шунинг учун инсонга таъсир этадиган барча шарт-шароит аниқланмагунча, том зарурат эмас, балки эркликнинг муайян ҳиссаси юзада бўлади, холос.

2. Биз кўздан кечираётган воқеанинг вужудга келган вақти билан унинг муҳокамаси орасидаги муддатни қанчалик узоққа чўзмайлик, бу вақт бениҳоя бўлади, шунинг учун бу борада ҳеч қачон тўла зарурат бўлмайди.

3. Бирор ҳодисанинг сабаблари силсиласи бизга қанчалик аён бўлмасин, биз ҳеч қачон бу силсиланинг ҳаммасини билишга муваффақ бўлмаймиз, чунки бу сила жуда-дир, шундай бўлгач, яна тўла зарурат ҳақида ҳеч қачон тасаввур ҳосил қилолмаймиз.

Лекин, бундан ташқари, ҳатто агар биз нулга тенг бўлган озгина эркинликни фараз қила туриб, бирор ҳолатда масалан жон бераётган одамда, эмбрионда, телбада эрк мутлақо йўқлигига иқрор бўлсак, шу ишимиз билан таджик этаётганимиз одам ҳақидаги тушунчани йўққа чиқарган бўлар эдик, чунки эрк бўлмаган жойда одам ҳам бўлмайди. Шунга кўра одамнинг мутлақо эркин бир ҳаракатини тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидек, унинг фақат зарурат қонунига боғлиқ бўлган ва эркинлик заррача асар қолмаган фаолиятини ҳам тасаввур қилиш қийин.

Шундай қилиб, фақат зарурат қонунига тобе бўлиб эркидан маҳрум бўлган одамнинг фаолиятини тасаввур қилиш учун чексиз макон шартларини, чексиз узун бир вақтни ва чексиз сабаблар силсиласини биламиз деб фараз қилишимиз керак. Зарурат қонунига тобе бўлмаган, мутлақо эркин одамни тасаввур қилиш учун уни макондан, замондан ташқарида ва сабаблардан холи ҳолатда тасаввур қилмоғимиз даркор.

Биринчи ҳолатда, агар эркинликсиз заруратнинг бўлиши мумкин бўлса эди, биз зарурат қонунини шу зарурат билан белгилаб кўя қолардик. Яъни, мазмунсиз шаклга келиб қолардик.

Иккинчи ҳолатда, агар заруратсиз эркинликнинг бўлиши мумкин бўлса эди, биз макон, замон ва сабаблардан холи,

шартсиз эркинликка келиб қолардик, бу эркинлик шартсиз бўлгани ва бирон нарса билан чекланмагани учун у бир «ҳеч» дан иборат бўлар эди, бошқача қилиб айтганда, шаклсиз мазмун бўларди, ҳолос.

Биз умуман инсон дунёқарашини бунёдга келтирадиган икки асосга: яъни ҳаётнинг идрок этиб бўлмайдиган моҳиятига ва бу моҳиятни белгилайдиган қонушларга келиб тўхтадик.

Ақл бундай дейди: 1) макон ҳамма шакллари билан, бизга кўриниб турган томони – материя билан бениҳоядир, буни бошқача тасаввур қилиб ҳам бўлмайди; 2) вақт, замон бир он ҳам тек турмайдиган чексиз ҳаракат демақдир, уни бошқача тасаввур қилиб бўлмайди; 3) сабаблар ва натижаларнинг бир-бирига боғланишнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ.

Шуур бундай дейди: 1) мен биттаман, бутун мавжудот менман; шундай бўлгандан кейин макон ҳам ичимда; 2) шиддат билан ўтиб бораётган вақт, замонни мен ҳозирги ҳаракатсиз фурсат билан ўлчайман ва шу фурсатда ўзимни яшаётган деб биламан; шундай бўлгандан кейин замон ташқарисидаман ва 3) сабаблардан холиман, чунки ўзимни ҳаётимнинг ҳар бир тазаҳхуроти сабаби деб биламан.

Ақл зарурат қонушларини акс эттиради. Шуур эркинлик моҳиятини акс эттиради.

Ҳеч нарса билан чекланмаган эркинлик инсон шуурида ҳаётнинг моҳиятини ташкил этади. Мазмунсиз зарурат инсоннинг ақли ва унинг уч шаклидир.

Эркинлик мушоҳада қилинадиган нарса. Зарурат мушоҳада қиладиган нарсадир. Эркинлик мазмундир, зарурат шаклдир.

Бир-бирига муносабати шакл билан мазмуннинг муносабатига ўхшаган икки идрок манбаини бир-бирини ажратгандагина бири иккинчисини рад этадиган ва тушунтиш амримаҳол бўлган икки айрим тушунча – эркинлик ва зарурат тушунчаси вужудга келади.

Буларни бир-бирига қўшганимиздагина инсон ҳаёти ҳақида очик-равшан тушунча ҳосил қиламиз.

Ўзаро кўшилгандагина – шакл билан мазмун сингари – бир-биридан аниқлайдиган бу икки тушунчасиз ҳаётни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Одамларнинг ҳаёти ҳақида биз нимаики билсак, ҳаммаси эркинликнинг заруратга, яъни идрокнинг ақл қонунларига бўлган маълум муносабатидан иборатдир.

Табиатнинг ташқи олами ҳақида нимаики билсак, ҳаммаси табиат кучларининг заруратга ёки ҳаёт моҳиятининг ақл қонунларига бўлган маълум муносабатидан иборатдир.

Табиат ҳаётининг кучлари биздан ташқаридадир, уларга бизнинг идрокимиз етмайди, шунинг учун уларни жозиба, инерция, электр кучи, ҳайвоний куч ва ҳоказо деб қўя қоламиз, аммо инсон ҳаётининг кучларини биз идрок этамиз, шунинг учун уларни эркинлик деб айтаемиз.

Бирок худди ҳар кимса сезадиган, ўзини олганда нима эканини билиб бўлмайдиган жозиба кучи бизга фақат бу куч бўйсунадиган зарурат қонунларини (жисмларнинг ҳаммаси оғир деган биринчи маълумотдан бошлаб, Ньютон қонунигача) билганимиз даражасида бизга маълум бўлганидек, ҳар кимса ҳам сезадиган, ўзини олганда нима эканини билиб бўлмайдиган эркинлик кучи ҳам фақат у бўйсунадиган зарурат қонунларини билганимиз даражасида бизга маълум бўлади (ҳар қанақа одамнинг ўлишидан тортиб, энг мураккаб иқтисодий ё тарихий қонунларни билганимиздай).

Ҳар қанақа билим ҳам ҳаёт моҳиятини ақл қонунларига тўғри келтиришдан иборатдир.

Инсон эркиннинг кучи бошқа кучлардан шу билан фарқ қиладики, инсон бу кучни идрок этади, лекин ақл учун унинг бошқа кучлардан фарқи йўқ. Жозиба кучи, электр қуввати, кимёвий бирикмалар бир-биридан шу билан фарқ қиладики, ақл бу кучларни турлича таърифлайди. Худди шундай, инсон эркиннинг кучи ҳам ақл учун табиатнинг бошқа кучларидан шу ақлнинг ўзи берган таъриф билан фарқ қилади. Заруратсиз эркинлик, яъни заруратни белгилайдиган ақл қонунларидан ташқари эркинлик, жозиба кучи, нисбийлик қуввати ё ўсимликлар кучидан ҳеч нимаси билан

фарқ қилмайди, у ақл учун таърифлаб бўлмайдиган бир лаҳзалик туйғудир, холос.

Самовий жисмларни ҳаракатга келтирадиган кучларнинг аниқлаб бўлмайдиган моҳияти, иссиқлик, электр қувватининг аниқлаб бўлмайдиган моҳияти ё кимёвий бирикмаларнинг кучи, ё ҳаётгий куч, астрономия, физика, кимё, ботаника, зоология ва ҳоказоларнинг мазмунини ташкил этганидек, эркинлик кучининг моҳияти ҳам тарих мазмунини ташкил этади. Лекин ҳар бир фаннинг предмети шу ҳаётнинг мажхул моҳиятининг зуҳурини ўрганишдан иборат бўлиб, бу моҳиятнинг ўзи фақат метафизикага предмет бўла олганидек, инсон эрки кучининг макон, замон доҳилида, сабабларга боғлиқ ҳолда зуҳурга келиши ҳам тарих предмети ташкил қилади, эркинликнинг ўзи эса метафизика предметиدير.

Жонли жисмлардан баҳс этадиган илмларда биз ўзимизга маълум бўлган нарсаларни зарурат қонулари деб айта-миз, ўзимизга номаълум нарсаларни эса ҳаётгий куч деб қўя қоламиз. Ҳаётгий куч эса ҳаёт моҳияти ҳақида биладиганларимизнинг мажхул қолдиғи ифодасидир, холос.

Тарихда ҳам айнан шундоқ ўзимизга маълум бўлган нарсаларнинг ҳаммасини зарурат қонуни деб айта-миз: ўзимиз билмайдиган нарса эса эркинлик деб. Тарих нуқтаи назаридан қараганда эркинлик фақат инсон ҳаёти қонунларининг биз билмайдиган мажхул қолдиқлар ифодасидир, холос.

XI

Тарих инсон эркининг зуҳури ташқи оламга боғлиқ, замон ва сабаблардан вужудга келган куч деб топади, бошқача қилиб айтганда бу эркинликни ақл қонунлари билан боғлайди, шунинг учун бу эркинликни шу қонунлар қай даражада белгилаган бўлса, тарих ҳам шу даражада илм бўла олади.

Тарих учун одамларнинг эрки тарихий ҳодисаларга таъсир эта олади, яъни у қонунларга бўйсунмайдиган куч деб эътироф этиш, астрономия учун самовий жисмлар ўз эрки билан ҳаракат этади, дегандай бир гап.

Бу нарсани эътироф этсак, ҳеч қанақа қонунининг ҳам бўлиши мумкин эмасди, ҳеч қанақа илмнинг ҳам. Эркин ҳаракат этадиган бирон жисм мавжуд бўлса, Каплер ва Ньютон қонунлари йўққа чиқарди, самовий жисмлар ҳаракати ҳақидаги тасаввур ҳам барбод бўларди. Агар одам ўз эрки билан бирон ҳаракат қилса, ҳеч қанақа тарихий қонун ҳам, тарихий ҳодиса ҳақида ҳеч қанақа тасаввур ҳам бўлмайди.

Тарих учун инсон ихтиёрининг ҳаракат чизиқлари мавжуд бўлиб, унинг бир учи пардаи асрор билан берилган, иккинчи учиди эса макон, замон ичида ва сабабларга боғлиқ ҳолда ҳозирги замонда ҳаракат этган одамларнинг ўз эркинлигини сезиш ҳисси бор.

Бу ҳаракат доираси қанчалик кенгроқ кўринса, бу ҳаракатнинг қонунлари шунчалик очик-равшан бўлади. Бу қонунларни пайқаш ва аниқлаш тарихнинг вазифасидир.

Илм ҳозир ўз предметига ёндашган нуқтаи назардан, ҳодисаларнинг сабабини одамларнинг эркин ихтиёридан қидиришга тиришиб борар экан, илм учун қонуннинг бўлиши мумкин эмас, чунки биз одамларнинг эркига қанчалик чек қўймайлик, у қонунга бўйсунмайдиган куч деб эътироф қилишимиз биланок, қонуннинг бўлиши мумкин бўлмай қолади.

Эркинликни жуда чеклаб қўйсак, яъни уни бениҳоя кичкина камият деб олсак, биз сабаблардан воқиф бўлиш мутлақо мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз ва шунда тарих сабаб қидириб юриш ўрнига ўз олдига қонунларни қидириб топиш вазифасини қўяди.

Бу қонунларни қидириш аллақачонлар бошланган, тарих ўзлаштириши керак бўлган янгича тафаккур усуллари ўз-ўзини маҳв этиш билан ишлаб чиқилади, эски тарих бу тафаккур усулига воқеалар сабабини борган сайин кичкина бўлақларга бўлиш йўли билан боради.

Башарий илмларнинг ҳаммаси шу йўл билан борган. Илмларнинг энг нозиғи, математика жуда кичик рақамларга келиб етгач, бўлиш жараёнидан воз кечади-да, мажҳулларни, бениҳоя кичик рақамларни янғидан жамлаш жараёни-

ни бошлайди. Математика сабаб тушунчасини қўйиб, ҳамма бениҳоя кичик мажхул унсурлар учун умумий бўлган қонунни, яъни хусусиятларни кидира бошлайди.

Бошқа илмлар ҳам, бошқа шаклда бўлса-да, тафаккурнинг шу йўли билан борган. Ньютон жозиба қонунларини очганда қуёш ё ер тортиш хусусиятига эга деган гапни айтгани йўқ; у энг каттасидан тортиб энг кичигигача ҳамма жисмларда бир-бирини тортиш хусусияти бор деган, яъни жисмлар ҳаракатининг сабаблари масалани бир четга қўйиб туриб, бениҳоя катта жисмдан тортиб, бениҳоя кичик жисмларгача умумий бўлган хусусиятни кўрсатиб берган. Тиббиёт илмлари ҳам айнан шундоқ қилинади; сабаб масаласини бир ёққа қўйиб туриб, қонунларни кидира бошлайди. Тарих ҳам шу йўлдан боради. Агар тарих одамларнинг ҳаётидан олинган манзараларни эмас балки халқлар ва инсониятнинг ҳаракатидан баҳс этса, сабаблар тушунчасини бир четга суриб қўйиб, бир-бирига тонг бўлган ва бир-бири билан узилмас тарзда боғланган бениҳоя кичик эркинлик унсурлар учун умумий бўлган қонунларни ахтариб топиши керак.

ХП

Коперник системаси кашф этилиб, исбот қилингандан бери қуёш ҳаракат қилмайди, балки ер ҳаракат қилади дейишнинг ўзи қадимгиларнинг бутун космографиясини йўққа чиқарди. Бу системани рад эта туриб, жисмларнинг ҳаракати ҳақидаги эски ақидани сақлаб қолиш ҳам мумкин эди, лекин уни рад этмасдан туриб Птоломей оламларини ўрганиш гайриимкон бўлиб кўринарди. Бироқ Коперник кашфидан кейин ҳам анча вақтгача Птоломей оламини ўрганиш билан шуғулланиб юришди.

Туғилиш ё жиноятнинг сони математика қонунларига итоат этади, у ва ё бу идора усули маълум жўғрофий ва сиёсий иқтисод шартлари билан белгиланади, одамларнинг ерга бўлган маълум муносабатлари халқарнинг ҳаракатини вужудга келтиради деган сўз айтилгандан ва исбот этилгандан бери моҳият-эътибор ила тарих пойдевори зил кетди. Янги қонунларни рад этиб, тарихга янги қарашни сақлаб

қолса ҳам бўларди, лекин буларни рад этмасдан туриб, тарихий ҳодисалар одамларнинг эркин продалари маҳсули деб тадқиқ этиш мумкин эмасдай бўлиб кўринади. Чунки агар фалон идора усулининг вужудга келиши ва ё халқларнинг фалон ҳаракати фалон жуғрофий, этнографик ё иқтисодий шартлар оқибатида юз берган бўлса, унда шу идора усулини яратган ё халқларни ҳаракатга келтиргандай бўлиб кўринган одамларнинг иродасига сабаб деб қараб бўлмайди.

Ҳолбуки эски тарихни унинг асосларига бевосита зид бўлган статистика, жуғрофия, сиёсий иқтисод, муқоясали филология ва геология қонунлари воситасида ўрганиш давом этмоқда.

Физик фалсафада узоқ вақт эски ақида билан янги ақида орасида қизғин кураш кетди. Илоҳиёт эски ақидани мудофаа этди, янги ақидани башоратни инкор этиш, бузишда айблади. Бироқ ҳақиқат ғалаба қилгандан сўнг илоҳиёт ҳам янги замин узра ўз ақидаларини мустаҳкам қуриб олди.

Ҳозирги кунда ҳам тарихга эскича қараш билан янгича қараш ўртасида кўпдан бери айнан шу тарзда қизғин кураш давом этмоқда. Илоҳиёт айнан шундай эски ақидани муҳофаза этиб, янги ақидани – башоратни инкор этишда айбламоқда. Ҳар иккала ҳолатда ҳам тарафларнинг курашида эҳти-рослар қизишмоқда ва ҳақиқатнинг юзага чиқишига ҳалал бермоқда. Бир томондан асрлар бўйи бунёдга келтирилган бинога ачиниб, унинг барбод бўлиб кетишидан кўрқсалар, иккинчи томондан уни бузиб ташлаш ҳаваси билан ёнмоқдалар.

Янги майдонга келган физик фалсафа ҳақиқатлари билан курашган кишиларга, худди бу ҳақиқатни эътироф этсалар, худога бўлган ишончлари ҳам, ер билан кўкнинг яратилишига бўлган ишончлари ҳам, пайғамбар Исонинг мўъжизаларига бўлган ишончлари ҳам барбод бўладигандай кўринади, Коперник ва Ньютон қонунларини ёқлайдиган кишиларга, масалан, Вольтерга астрономия қонунлари динни барбод қиладигандай бўлиб кўринган ва у динга қарши қурол сифатида жозиба қонунларидан фойдаланган. Ҳозир ҳам айнан шундай: зарурат қонунларини эътироф

этдингми – тамом, рух тушунчаси ҳам, савоб-у гуноҳ тушунчаси ҳам, бу тушунчалар заминида қурилган ҳукумат ва диний маҳкамалар ҳам емириладигандай кўринади.

Вольтер ўз замонида қилганидек, ҳозир ҳам зарурат қонуналарининг ношуд мудофаачилари зарурат қонунини динга қарши қурул қилиб ишлатадилар: ҳолбуки астрономиядаги Коперник қонуни сингарии, зарурат қонуни ҳам тарихда ҳукумат ва диний маҳкамалар қуриладиган заминни йўққа чиқариш у ёқда турсин, ҳатто уни мустаҳкамлайди.

Астрономия масаласида илгари, тарих масаласида ҳозир, ақидалар ўртасидаги тафовутлар кўзга кўринадиган ҳодисалар учун ўлчов хизматини қиладиган бирликни эътироф этиш ё эътироф этмасликка қурилган. Астрономияда бу – ернинг ҳаракатсизлиги эди, тарихда шахснинг мустақиллиги, яъни эркинлигидир.

Астрономия учун ернинг ҳаракатига иқдор бўлишдаги бутун қийинчилик ер ва сайёраларнинг ҳаракати тўғрисидаги бевосита туйғудан воз кечишдан иборат бўлганидек, тарих учун шу ҳиснинг макон, замон ва сабабларга тобе эканига иқдор бўлишдаги қийинчилик шахснинг бевосита эркинлик туйғусидан воз кечишдан иборатдир. Бироқ янги астрономия, янги ақида тарафдорлари: «Биз-ку ҳақиқатан ернинг ҳаракатини сезмаймиз, лекин ер тек туради, деб фараз этиш беҳуда бир гапдир, аммо ўзимиз сезмаётган ҳаракатни эътироф этсак, қонунларга дуч келамиз» деганидек, тарихдаги янги ақида ҳам бундай дейди: «Ростдан ҳам биз бирон нарсага боғлиқ эканлигимизни сезмаймиз, лекин ўзимизни эркин деб эътироф этиш беҳуда бир гап, ўзимизни ташқи олам, замон ва сабабларга боғлиқ деб фараз этсак, қонунларга дуч келиб қоламиз», дейди.

Биринчи ҳолатда макон доирасидаги ҳаракатсизлик туйғусидан воз кечиш ва ўзимиз сезмаётган ҳаракатни эътироф қилиш керак эди, ҳозирги ҳолатда идрок элганимиз эркинликни инкор этиб, ўзимиз сезмаган тобеликни айнан шундай эътироф қилишимиз зарурдир.

ТАМОМ

МУНДАРИЖА

УЧИНЧИ КИТОБ

Биринчи қисм	4
Иккинчи қисм	127
Учинчи қисм	334

ТЎРТИНЧИ КИТОБ

Биринчи қисм	499
Иккинчи қисм	579
Учинчи қисм	645
Тўртинчи қисм	712

ХОТИМА

Биринчи қисм	792
Иккинчи қисм	870

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Лев **ТОЛСТОЙ**

УРУШ ВА ТИНЧЛИК
(роман: 3-4-китоблар)

Таржимон:
Абдулла **ҚАҲҲОР**
Кибриё **ҚАҲҲОРОВА**

Нашрга тайёрловчи:
Эргашбай **МАТЪЯКУБОВ**

Масъул муҳаррир:
Алишер **РАВШАНОВ**

Қўшимча изох ва иқтибосларни киритувчи:
Эргашбай **МАТЪЯКУБОВ**

Мусахҳих:
Лолахон **ҚЎЗИБОЕВА**

Компютерда саҳифаловчи:
Ферузбек **ВОХИДОВ**

лицензия рақами АІ № 239, 2013.04.07. да берилган

2019 йил 15.03 да руҳсат этилди. Бичими 84/108, 1/32.

Босма тобоғи 58. Шартли босма тобоғи 61

Гарнитура "Times New Roman" офсет қоғози.

Адади 1 000 нусха. Буюртма № 10.

Баҳоси келишилган нарҳда.

BOOK MEDIA PLUS Хусусий корхонасида тайёрланди.
Манзил: Тошкент, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй.

"ADAD-PLYUS" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, "Бунёдкор" шох кўчаси 28-уй. 100097

**Хурматли китобхонлар! Сизларга қуйидаги
китобларни ҳам мутолаа қилишингизни тавсия этамиз.**

МУЗЕЙДАГИ СИРЛИ ҚОТИЛЛИК

<i>Муаллиф:</i>	А. Коробинин	<i>Наширёт:</i>	«Адабиёт учқунлари»
<i>Таржимон:</i>		<i>Нашир йили ва бет:</i>	2018-йил. 214 бет.
<i>Жанр:</i>	дедетив қисса	<i>Алифбо:</i>	крилл
<i>Ношир:</i>	Матякубов. Э. Р.	<i>ISBN:</i>	978-9943-5255-8-0

ЯНКИ ВА ҚИРОЛ АРТУР

<i>Муаллиф:</i>	Марк Твен	<i>Наширёт:</i>	«Адабиёт учқунлари»
<i>Таржимон:</i>	Ш. Усмонхўжаев	<i>Нашир йили ва бет:</i>	2018-йил. 452 бет.
<i>Жанр:</i>	ҳажвий роман	<i>Алифбо:</i>	крилл
<i>Ношир:</i>	Матякубов. Э. Р.	<i>ISBN:</i>	978-9943-5100-1-2

ЙЎҚОЛГАН ДУНЁ

<i>Муаллиф:</i>	Артур Конан Дойл	<i>Наширёт:</i>	«Адабиёт учқунлари»
<i>Таржимон:</i>	М. Яҳёев	<i>Нашир йили ва бет:</i>	2018-йил. 335 бет.
<i>Жанр:</i>	илмий-фантастик роман	<i>Алифбо:</i>	крилл
<i>Ношир:</i>	Матякубов. Э. Р.	<i>ISBN:</i>	978-9943-5100-0-5

ҚИЛИЧ ВА ҚАЛҚОН

<i>Муаллиф:</i>	В. Кожевников	<i>Наширёт:</i>	«Адабиёт учқунлари»
<i>Таржимон:</i>	И. Гофуров, М. Алиев	<i>Нашир йили ва бет:</i>	2018-йил. 640-бет.
<i>Жанр:</i>	ҳарбий роман	<i>Алифбо:</i>	крилл
<i>Ношир:</i>	Матякубов. Э. Р.	<i>ISBN:</i>	978-9943-5099-8-6

ТАСС МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ...

<i>Муаллиф:</i>	О. Семёнов	<i>Наширёт:</i>	«Адабиёт учқунлари»
<i>Таржимон:</i>	Музаффар	<i>Нашир йили ва бет:</i>	2018-йил. 392-бет
<i>Жанр:</i>	ҳарбий қисса	<i>Алифбо:</i>	крилл
<i>Ношир:</i>	Матякубов. Э. Р.	<i>ISBN:</i>	978-9943-4393-2-0

ТОКИО ВАҚТИ БИЛАН ОЛТИ-Ю ЎТТИЗДА

<i>Муаллиф:</i>	Э. Арбенов, М. Писманик	<i>Наширёт:</i>	«Адабиёт учқунлари»
<i>Таржимон:</i>	Х.Олимов	<i>Нашир йили ва бет:</i>	2018-йил. 411 бет.
<i>Жанр:</i>	ҳарбий-саргузант роман	<i>Алифбо:</i>	крилл
<i>Ношир:</i>	Матякубов. Э. Р.	<i>ISBN:</i>	978-9943-4391-5-3